

# А.П.ЧЕХОВ

ТАНЛАНГАН  
АСАРЛАР

— «УЧ ТОМЛИК» —

*Иккинчи том*

ПОВЕСТЬ ВА ҲИКОЯЛАР

*1892-1903*



ЎЗБЕКИСТОН ССР  
ДАВЛАТ БАДИИЙ АДАБИЁТ НАШРИЕТИ  
ТОШКЕНТ — 1958

А. П. Чехов Асарлар тўпламининг мазкур иккинчи томи  
Давлат Бадий адабиёт нашриёти 1950 йилда чиқарган  
А. П. Чехов уч томлик Асарлар тўпламининг иккинчи тоmidан  
таржима қилинди.

## ЕНГИЛТАК

### I

Ольга Ивановнанинг тўйига ҳамма ёру дўстлари келган эди. У ҳеч бир фазилати кўринмаган оддийгина одамга теккани учун дўстларига эрини кўрсатиб:

— Унга қаранглар, унинг аллақандай фазилати бор, тўғрими?— деб сўрарди.

Унинг эри Осип Степанович Димов титуляр советник<sup>1</sup> даражасига эга бўлган врач эди. У икки касалхонада хизмат қилар: бирида штатдан ташқари ординатор, иккинчисида ўликларни ёрувчи эди. Ҳар куни эрталаб соат тўққиздан тушгача бемор қабул қилар ва ўз палатасида ишлар, тушдан кейин кўнкага тушиб иккинчи касалхонага бориб ўликларни ёриб кўрарди. Унинг хизматдан ташқари касал кўриб топадиган пули жуда оз, йилига беш юз сўмга етар-етмас эди. Унинг ҳақида яна нима дейиш мумкин? Лекин Ольга Ивановнанинг ёру дўстлари у қадар оддий одамлар эмасди. Уларнинг ҳар бири нима биландир ажралиб турар, унча-мунча шуҳрат топган кишилар, ёки ҳали шуҳрат топмаган бўлса ҳам, келажакда шуҳрат топишига умид бор эди. Ольга Ивановнага бадий сўздан сабоқ берган драма театрининг артисти эса санъаткор, кўпдан эътироф этилган зўр истеъдодли, назокатли, ақлли, камтар киши; операда ашула айтадиган содда дил бақалоқ, Ольга Ивановнага қараб нуқул оҳ уради ва умрингизни хазон қиляпсиз, агар ялқовликни ташлаб, ўзингизни қўлга олсангиз сиздан ажойиб ашулачи чиқади, дейди. Кейин, турмуш, табиат манзаралари ва ҳайвонлар тасвирланган расмлари билан виставкаларда муваффақият қо-

---

<sup>1</sup> *Титуляр советник* — Чоризм даврида 9-даража гражданлик мансаби. (Тарж.)

зонган, сўнги асарини беш юз сўмга сотган йигирма беш ёшлардаги жуда чиройли рангпар йигит Рябовский ва яна бир неча рассом. Рябовский Ольга Ивановна ишлаган расмларни тузатади ва сиздан балки рассом чиқар, деб қўяди. Яна, машқни мунгли қилиб чаладиган, таниш аёллар орасида ёлғиз Ольга Ивановна менга яхши жўр бўла олади, деб очиқ айтадиган виоланчелист<sup>1</sup>. Кейин, ёш бўлса ҳам номи чиқиб қолган, повесть, пьеса ва ҳикоялар ёзadиган адиб. Яна ким? Хўш, яна ҳаваскор безакчи — виньетист<sup>2</sup> эски рус услубини, қисса ва эпосларни яхши битувчи барин, помешчик Василь Васильевич: у қоғозга, чиннига ва ис босган лаганчаларга ажойиб безаклар чизади. Дунёда доктор борлигини фақат касал бўлганда эслайдиган, камтар, хушмуомала, бахтиёр бу озод санъаткорлар Димовнинг номини Сидоров ёки Тарасов деган бошқа номлардай бепарво эшитардилар. Димовнинг бўйи баланд, елкаси кенг бўлишига қарамай, улар орасида бегона, ортиқча ва кичикдай кўринарди. Гўё у кийган фрак бировники-ю, соқоли гумаштаники эди. Агар у ёзувчи ёки рассом бўлганда, соқолингиз Золяникига ўхшайди, дейишлари аниқ эди.

Ольга Ивановнага қараб, артист, сарғиш сочингиз, тўй кийимингиз ва безакларингиз билан баҳорда нафис оқ гулга бурканган сарвқад олчага жуда ҳам ўхшайсиз, дерди.

— Менинг ҳам гапимга қулоқ солинг, — дерди Ольга Ивановна унинг қўлини ушлаб. — Бу иш тўсатдан битибди-ми? Шошманг, қулоқ солинг. . . Сизга айтишим керакки, отам Димов билан касалхонада бирга ишлар эди. Бечора отам бетоб бўлиб қолганда Димов кечаю кундуз унинг ёнидан нари кетмай, касал боқди. Шунчалик фидокорки! . . Эшитинг, Рябовский. . . Сиз ҳам эшитинг, адиб, бу жуда қизиқ. Яқинроқ келинг. Шунчалик фидокор, шунчалик меҳрибонки! Мен ҳам кечалари билан отамнинг олдида ухламай ўтирар эдим. Бирдан қарабсизки, барно йигитнинг яхшилиги енгди! Менинг Димовим кўнглимни бутунлай банд қилиб олса бўладими. Тақдир ғалати бўлади деганлари рост экан. Шунақа қилиб, отам ўлгандан кейин у баъзан уйимга кирар эди, кўчада учраб қоларди. Кун-

---

<sup>1</sup> Виоланчелист — скрипка шаклидаги катта музыка асбобини чалувчи киши.

<sup>2</sup> Виньетист — Китобларни безатувчи киши.

лардан бир кун тўсатдан, бирга турмуш қилайлик, деб қолди. . . Томдан тараша тушгандай. . . Туни билан йиғладим, мен ҳам уни бинойидай яхши кўриб қолдим. Мана, охири келиб, унинг турмуш йўлдоши бўлдим. Унда аллақандай куч-қувват, паҳлавонлик бор, тўғрими? Ҳозир юзининг тўртдан уч қисми бизга қаратилган, ёруғ яхши тушмаяпти, лекин у бу ёққа ўгирилганда пешонасига бир назар солинг. Рябовский, унинг пешонаси ҳақида сиз нима дейсиз? Димов, биз сен тўғрингда гапиряпмиз, — деди у эрига баланд овоз билан. — Бери кел. Узингнинг соф кўлингни Рябовскийга узат. . . Ана шундай. Дўст бўлинглар.

Димов оқ кўнгилли ва содда диллик билан кулумсираб, Рябовскийга қўл берар экан:

— Жуда хурсандман, — деди. — Рябовский деган бир киши курсни мен билан бирга битирган эди. Сизнинг қариндошингиз эмасми.

## II

Ольга Ивановна йигирма иккида, Димов ўттиз бирда эди. Улар тўйдан кейин ғоят яхши яшадилар. Ольга Ивановна меҳмонхонанинг деворларини ўзи ишлаган ва бошқалар чизган рамкалиқ, рамкасиз этюдлар<sup>1</sup> билан тўлдирди. Рояль ва мебель олдига хитойча соябонлар, ранг-баранг латталар, ханжарлар, мольбертлар,<sup>2</sup> бюстчалар ва фотосуратларни бежирим қилиб жойлади. . . Ошхонанинг деворларига жўн расмларни ёпиштирди, чориқ ва ўроқни осиб қўйди, чолғи ва паншахани бурчакка суяб қўйди, яъни русча дид билан ошхона тузаган бўлди. Етоқхонани ғор шаклига келтириш учун девор ва шипга қора мовут тортди, кроватлар тепасига Венеция фонарларидан осди, эшик олдига эса қадимий болта тутган бир ҳайкални қўйди. Кўрган кишилар, куёв-келиннинг жойи сўлим бўлибди, дерди.

Ҳар кун соат ўн бирларда Ольга Ивановна ўрнидан туриб рояль чалар, ҳаво очиқ бўлса, мойли бўёқлар билан сурат чизар, соат бирларда машиначиникига борарди. Уларнинг пуллари кўп эмас, ҳаражатларга учма-уч келар, Ольга Ивановна янги кўйлакда тез-тез кўриниб, кишиларнинг кўзини ўйнатиш учун машиначи билан бирга турли

<sup>1</sup> Этюд — бу хомаки сурат. (Тарж.)

<sup>2</sup> Мольберт — расм чизиладиган матони тарағ қилиб тортиб турадиган нарса. (Тарж.)

ҳийлалар ишлатишга мажбур бўларди. Бўялган эски кўйлакдан, арзимас уқа, бахмал ва шоҳидан кўпинча кишини ҳайрон қолдирадиган ажойиб кўйлак бунёдга келарди. Одатда Ольга Ивановна машиначининг олдидан чиқиб бирон таниш актрисаникига борар, театр янгиликларини билар ва янги пьесанинг премьерасига ёки бенефисга<sup>1</sup> билет олар эди. Актрисаникидан чиққач рассомнинг устахонасига ёки расм виставкасига борар, сўнг бирон машҳур кишиникига кириб, уни уйига таклиф қилар, ёки шунчаки гаплашиб келар эди. Ҳамма жойда уни шод-хуррамлик билан қарши олишар, ҳамма уни яхши, ёқимли, нодир, гўзал дерди. . . Ольга машҳур ва улуғ деб юрган кишилар, уни тенг кўриб, қадрдон кишидек қабул қилишар, талантли, фаросатли, ақлли эканини, агар ҳар ишга уринавермаса рассом бўла олишини айтишар эди. Ольга Ивановна ашула айтар, рояль чалар, мойли бўёқлар билан расм солар, ҳайкал ясар, ҳаваскорлар спектаклида қатнашар экан, бу ишларни бошлаб бажарар эди. У иллюминация<sup>2</sup> учун фонус ясаса ҳам, бирор кишининг галстугини тугиб кўйса ҳам ғоят чиройли, нафис ва гўзал чиқар эди. Бироқ унинг таланти ҳеч соҳада машҳур кишилар билан тез танишиб, қалинлашиб кетиши каби яққол намоён бўлмас эди. Бирон кишининг сал донги чиқса-ю, номи хиёл оғизга тушса борми, тамом, Ольга Ивановна у билан дарҳол танишарди, бир кундаёқ дўстлашарди ва уйига таклиф қиларди. Ҳар бир янги таниш топган куни унга чинакам байрам эди. У машҳур одамларни илоҳийлаштирар, улар билан фахрланар ва уларни ҳар куни кечаси тушида кўриб чиқарди. Ольга Ивановна уларга ташна эди ва бу ташналигини ҳеч қондира олмасди. Аввалги машҳур кишилар эскириб, хотирасидан кўтарилар, ўрнига янгилари келар, лекин булар ҳам тезда эскирар ёки ихлосини қайтарар, у яна ўлиб-тирилиб янги улуғ киши қидирар, топар ва яна қидирар эди. Нима учун?

У соат тўртдан ўтганда уйига келиб эри билан овқат қиларди. Эрининг соддалиги, идроки, хушфеъллиги унинг завқини келтирар ва мафтун этарди. Дам-бадам ўридан сакраб турар, шоша-пиша эрининг бошини бағрига босар ва устма-уст ўпар эди.

<sup>1</sup> *Бенефис* — буржуа театрларида бирон актёр фойдаси учун кўйиладиган спектакль.

<sup>2</sup> *Иллюминация* — турли рангдаги чироқлар билан безаш.

— Димов, сен ақлли, олижаноб одамсан,— дерди у,— лекин сенинг битта муҳим камчилигинг бор. Сен санъатга ҳеч қизиқмайсан. Сен музикани ҳам; рассомликни ҳам инкор этасан.

— Мен бу нарсаларни тушунмайман,— дерди Димов ёввошлик билан.— Мен умр бўйи табиий фанлар, медицина билан бандман, санъатга қизиқиш учун фурсатим бўлган эмас.

— Э, ахир бу даҳшат-ку, Димов!

— Нега энди? Сенинг танишларинг табиий фанларни, медицинани билмайдилар, лекин бунинг учун уларни айбламайсан-ку. Ҳар кимники ўзига. Мен пейзажларга ва операларга тушунмайман, лекин ўзимча шундай дейман: модомики кўп доно одамлар шу нарсаларга умрини бағишлар экан, ундан ҳам кўпроқ донолар шу нарсалар учун минг-минглаб пул тўлар экан, демак улар керак. Мен уларга тушунмайман, лекин тушунмаслик — инкор этиш эмаску.

— Кел, соф қўлингни сиқай!

Овқатдан кейин Ольга Ивановна танишлариникига кетар, сўнг театрга ёки концертга борар ва алламаҳалда уйга қайтарди. Ҳар куни аҳвол шу эди.

Чоршанба кунлари уларнинг уйида ўтириш бўлар эди. Бу ўтиришларда мезбон ва меҳмонлар карта ўйини ва танца билан эмас, санъат билан кўнгил очишар эди. Драм театр актёри декламация қилар, ашулачи куйлар, рассомлар Ольга Ивановнанинг беҳисоб альбомларига сурат чизишар, виолончелист музика чалар, мезбон эса гоҳ сурат чизар, гоҳ ҳайкал ясар, гоҳ ашула айтар, гоҳ жўр бўларди. Декламация, музика ва ашула орасида адабиёт, театр ва рассомликка оид гаплар ва музокаралар бўлиб турарди. Мезбондан бошқа аёл йўқ эди, чунки Ольга Ивановна ўзига кийим тикадиган машиначидан ва актрисалардан бошқа ҳамма аёлларни маза-матрасиз одамлар деб ҳисобларди. Бирон кеча йўқ эдики, унда қўнғироқ жирингламай, Ольга Ивановна ўзи таклиф этган машҳур кишилардан бирини назарда тутиб, зафар тантанасидан энтикиб — «Ана келди!» демаса. Меҳмонхонада Димов бўлмас, унинг бор-йўқлиги ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмас эди. Лекин соат роса ўн бир ярим бўлганда ошхона эшиги очилар, Димов одатдагидай жилмайиб чиқар ва қўлини қўлига ишқаб дерди:

— Жаноблар, овқатга марҳамат.

Ҳамма ошхонага кирар, столда доим бир хил овқат: устрица тўла лаганлар, бир парча ветчина ёки яхна мол гўшти, сардина балиғи, сир, икра, қўзиқорин, ароқ ва икки графин вино турарди.

— Севикли йўллошим!— дерди Ольга Ивановна завқланганидан қўлларини ишқаб.— Сен кишини мафтун қиласан! Жаноблар, унинг пешонасига қаранглар! Димов, ёнингга ўгирилиб тур. Жаноблар, бир қаранглар: худди Бенгал йўлбарсига ўхшайди, юзи эса кийикдай маъсум, беозор. Оҳ, севгилим!

Меҳмонлар овқатланишар ва Димовга қараб «ҳақиқатан ажойиб киши» деб хаёлларидан ўтказишарди, лекин кўп ўтмай уни унутиб, театр, музика ҳамда рассомликка оид гапларини давом эттиришарди.

Куёв-келин бахтиёр эди, турмушлари силлиқ ўтарди. Айтмоқчи, тўйнинг учинчи ҳафтаси у қадар хушвақтлик билан ўтмади, ҳатто қайғули бўлди, Димов касалхонадан сарамас юқтирди, олти кун кўрпа-тўшак қилиб ётди ва чиройли қора сочини устара билан олдириб ташлади. Ольга Ивановна унинг олдида ўтириб юм-юм йиғлади, бемор енгил тортгач, сочсиз бошига оппоқ рўмол ўраб, бадавий арабга ўхшаш суратини чиза бошлади. Икковининг ҳам кўнгли очилди. Димов тузалиб уч кунча касалхонага қатнаб юрди-ю, тўртинчи куни яна бир кўнгилсизлик юз берди.

— Ишим ўнгидан келмаяпти, онахон,— деди у обед қилаётганда.— Бугун тўртта ўлик ёрдим, бир эмас иккита бармоғимни кесиб олибман. Буни уйга келганимдан кейин сездим.

Ольга Ивановна кўрқиб кетди. Димов жилмайиб: ҳеч қиси йўқ, ўлик ёраётганда қўлимни кесиб олган пайтларим кўп бўлган,— деди.

— Жуда берилиб кетаман, онахон, қандай кесганимни ўзим ҳам билмай қоламан.

Ольга Ивановна, ўликдан бирор касал юқмаса эди, деб қайғуриб, кечалари худога нола қилиб чиқарди, ҳайриятки бирор касал юқмади. Беғам ва осойишта оилавий ҳаётлари яна давом этди. Ўтаётган кунлар гўзал, қиш ўрнига келаётган баҳор гўё узоқдан жилва бериб, минг хил шодлик ваъда қиларди. Хурсандликнинг охири кўринмас: апрель, май ва июнда — шаҳардан узоқдаги боғчада туришади, сайр қилишади, Ольга этюдлар чизади, балиқ овлашади, булбуллар сайраб туради. Кейин, июлдан то куз



охиригача, рассомларнинг Волга бўйлаб саёҳати; Ольга Ивановна сосьетенинг<sup>1</sup> зарур аъзоси сифатида бу саёҳатга иштирок этади. У сафар учун ҳалитдан иккита каноп костюм тикдирди, йўлга мос бўёқ, чўтка, каноп ва янги палитра сотиб олди. Рябовский унинг сураткашлик соҳасида эришган ютуқларини кўриш учун деярли ҳар куни келарди. Ольга Ивановна ўзи ишлаган расмларни кўрсатганда, у қўлларини тирсагига қадар чўнтагига тиқиб, лабини тишлайди ва бурнини тортиб дейди:

— Хўш-ш... Мана бу булутингиз дод деяпти: кечки пайтга мос ёритилган эмас. Олдинги планнинг бир нимаси алланечук кемтилган, тушунсангиз, жойида эмас... Кулбачага нимадир тиқилиб қолган-у, чинқириб турибди... мана бу бурчакка қорароқ ранг берса бўлар эди... умуман дуруст... Мақтайман.

У қанчалик дудмол гапирса Ольга Ивановна шунчалик осон тушунарди.

### III

Троица ҳайитининг иккинчи куни тушдан кейин Димов закуска ва конфетлар олиб боғчага, хотинининг олдига жўнади. У хотинини икки ҳафтадан бери кўрмаган ва қаттиқ соғинган эди. У вагонга ўтирганда ҳам, поезддан тушиб катта дарахтзорда ўз боғчасига келаётганда ҳам очикқани ва чарчаганини сезар, очик ҳавода хотини билан маъза қилиб овқатланишни, сўнг чўзилиб ётишни орзу қилар, қўлидаги икра, сир, оқ балиқ ўралган тугунчасига қараб суюнарди. У боғчасини топиб келганда қуёш ботиб борар эди. Хизматкор кампир: хоним уйда йўқлар, ҳадемай келиб қолсалар керак, деди. Пастак шипларига оқ қоғоз ёпиштирилган, ўйдим-чуқур полининг тирқишлари очилиб турган бу кўримсизгина боғчанинг фақат учта хонаси бор эди. Бирида кровать турар, иккинчисидаги стул ва дераза токчаларини чипта, бўёқ чўтка, мойга беланган қоғоз, эркакча пальто ва шляпалар эгаллаб ётарди. Учинчи хонада Димов учта нотаниш эркакка дуч келди. Иккитаси калта соқолли брүнётлар<sup>2</sup>, учинчиси эса соч-соқоли қирдирилган семиз киши, афтидан актёр. Столда самовар қайнаб турарди.

<sup>1</sup> *Сосьете* — жамият.

<sup>2</sup> *Брүнёт* — қоши, сочи қора киши. (*Тарж.*)

— Хизмат?— деди актёр йўгон овоз билан ва Димовга бегонасираб қараб чиқди.— Сизга Ольга Ивановна керакми? Утира туринг, ҳозир келади.

Димов ўтирди ва кутди. Брюнетлардан бири уйқусираган нохуш назар билан унга қараб, ўзига чой қўйди ва:

— Балки чой ичарсиз?— деб сўради.

Димовнинг ичгиси ҳам, егиси ҳам келарди, лекин иштаҳасини бўғмаслик учун йўқ деди. Кўп ўтмай қадам товушлари, таниш кулги эшитилди ва эшик тақ этди; соябони кенг шляпа кийган, қўлига яшик ушлаган Ольга Ивановна чопиб кирди. Катта соябон ва буклама стул кўтарган қизил юзли, хушвақт Рябовский унинг орқасидан келарди.

— Димов!— деб қичқирди Ольга Ивановна ва қувончдан қизариб кетди.— Димов!— деди у яна ва боши билан қўлларини унинг кўкрагига қўйди.— Сенмисан?! Нега шунча кундан бери келмадинг? Айт! Нега?

— Онахон вақт қани? Доим бандман, вақт бўлганда поезд жадвалига тўғри келмади.

— Сени кўриб шундай суюнъяпманки, асти қўя берасан! Туни билан тушимга кириб чиқдинг, туни билан! Қасал бўлиб қолмадимикин деб ҳавотир олиб чиқдим. Оҳ, қанчалик яхши эканингни, қанчалик вақтида келганингни билсанг эди! Сен менинг халоскорим бўласан. Фақат сен мени қутқаришинг мумкин! Эртага бу ерда жуда ғалати бир тўй бўлади,— Ольга Ивановна эрининг галстугини боғлаб туриб, сўзида давом этди.— Станцияда Чикельдеев деган ёш телеграфчи уйланади. Чиройли йигитча, ақли ҳам дуруст, юзидан дегин, паҳлавонлик акс этади... Ёш варягнинг расмини ўшанга қараб қизиш мумкин. Биз боғчада турувчилар ҳаммамиз, уникида бўлмоқчимиз, тўйга албатта борамиз деб сўз бердик... Ўзи бой эмас, сўққабош, тортинчоқ, тўйига қатнашмасак, албатта, айб бўлади. Тасавур эт: кундузги ибодатдан кейин никоҳ, кейин ҳамма черковдан келиннинг уйигача пиёда боради... Биласанми, дарахтзор, қушлар сайрайди, кўкатлар устига қуёш танга-танга бўлиб тушиб туради, шу яшнаб турган табиат қучоғида биз, ранг-баранг кийимдаги одамлар, жуда ҳам ғалати-а, худди француз экспрессионистларининг<sup>1</sup> дидидагидек. Лекин мен черковга нима кийиб бораман, Ди-

<sup>1</sup> *Экспрессионистлар* — декадент адабиёти ва санъатидаги бир оқимнинг вакиллари. Ғайри табиийлик ишқибозлари.

мов?— деди Ольга Ивановна йиғламсираб.— Бу ерда ҳеч нарсам йўқ, ҳеч нарсам! На кўйлак, на гул, на қўлқоп... Сен мени қутқаришинг керак. Ўз оёғинг билан келибсанми, демак мени қутқаришинг тақдир тақозоси. Қалитни ол, азизим, уйга бориб гардеробдан менинг пушти кўйлагимни ол. Сен у кўйлакни биласан, биринчи бўлиб турибди... Кейин омборга кирсанг полнинг ўнг томонида иккита картон қути кўрасан. Юқоридагисини очсанг қават-қават тўр, ҳар хил қийқим чиқади, энг тагида гуллар бор. Шу гулларнинг ҳаммасини авайлаб олгин, жоним эзилмасин тагин, мён ўзим хиллайман... Қўлқопимни магазиндан оласан.

— Хўп,— деди Димов.— Мен эртага бориб, бериб юбораман.

— Эрта қай паллада?— деди Ольга Ивановна унга таажжубланиб қараб.— Эртага қачон вақт бўлади? Эртага биринчи поезд соат тўққизда кетади, никоҳ эса соат 11 да. Йўқ жонгинам, бугун қилиш керак, албатта бугун! Агар эртага эрталаб ўзинг келолмасанг хат ташувчидан бериб юбор. Хўп, бора қол... Ҳозир пассажир поезди келади. Кеч қолма, жоним.

— Хўп.

— Оҳ, сени қайтариб юбориш менга нақадар оғир,— деди Ольга Ивановна кўзларига ёш олиб.— Мен, аҳмоқ, телеграфчига нега ҳам сўз бердим?

Димов шошиб бир стакан чой ичди, тешик кулчадан битта олди, жилмайиб қўйди-да, станция томон кетди. Икра, сир ва оқ балиқни эса иккита брютет билан семиз актёр еди.

#### IV

Июль ойининг сукунатли ойдин кечаларидан бирида Ольга Ивановна Волга пароходининг палубасида турар ва дам сувга, дам гўзал қирғоқларга қарарди. Унинг ёнида Рябовский туриб гапирарди: сувдаги қора кўланкалар кўланка эмас, уйқу; сувнинг сеҳргарлик ва афсонавий гўзаллик билан товланиши киши ҳаёти ташвишдан иборатлигини, ҳаётдан бошқа қандайдир олий, адабий илоҳий бир нарса ҳам борлигини сўзлаётгандай бўлади, бу тубсиз осмонни ва маъюс, ўйчан қирғоқларни кўрганда киши ҳушдан кетса, ўлса, хотирага айланса яхши эди. Ўтмиш разил ва ёқимсиз, келажак арзимас, умрингда бир марта

бўладиган бу ғаройиб кеча ҳадемай тугайди ва мангуликка қўшилиб кетади — яшаш нима керак?

Ольга Ивановна эса гоҳ Рябовскийнинг овозига, гоҳ тун сукутига қулоқ солар ва ўзининг ўлмаслиги, мудом тирик бўлиши ҳақида ўйларди. Умрида кўрмаган феруза ранг сув ҳам, осмон, қирғоқлар ва қора кўланкалар ҳам, қалбини тўлдираётган сабабсиз шодлик ҳам унинг буюк рассом бўлишидан, бу интиҳосиз кенглик ва ойдин кечадан нарида, узоқ масофада, уни катта муваффақият, шуҳрат ва халқ муҳаббати кутаётганидан дарак берарди... У мижжа қоқмай узоқларга қараганда тўп-тўп халойиқ, чироқлар, тантанали музика садолари, қойил бўлганлар қичқириғи ва оқ кўйлак кийган Ольга Ивановна, ҳамда атрофдан унга отилаётган гуллар кўз олдига келади. У ўз ёнида чинакам улуғ бир одам, худо азиз қилган бир гений бортга суяниб турушини ҳам ўйлайди. У гений шу пайтгача нимаики яратган бўлса, ҳаммаси гўзал, янги, асл; таланти вояга етиб, мустаҳкамлангандан кейин яратадиганлари эса бениҳоя юксак ва кишини ҳайратда қолдиради. Бу унинг юзидан, гапиришидан ва табиатга муносабатидан билиниб туради: Кўланкалар, оқшом бўёқлари, ой нури ҳақида у аллақандай ажойиб фикрлар баён этади, унинг табиат устидан ҳукмронлиги бевосита сезилади. Унинг ўзи жуда чиройли, жуда асл, ҳаёти эса мустақил, эркин, тирикчилик ташвишларидан бутунлай ҳоли, худди кушларникидай.

— Салқин тушяпти,— деди Ольга Ивановна ва эти учиб титради.

Рябовский унинг устига ўз плащини ёпиб, ғамгинлик билан гапирди:

— Мен ўзимни сизнинг ихтиёрингизда сезаман. Мен қулингизман. Нега сиз бугун шу қадар жозибалисиз?

У Ольга Ивановнадан кўзини узмас, қарашлари ваҳимали эди, Ольга Ивановна унга қарашдан қўрқарди.

— Мен сизни севиб, эс-ҳушимдан айрилдим,— деди Рябовский, унинг юзига нафасини тегизиб.— Менга бир оғиз айтинг, ўл десангиз ўлай, санъатни ташлай...— Деб валдиради у қаттиқ ҳаяжон билан.— Севинг мени, севинг...

— Унақа деманг,— деди Ольга Ивановна кўзларини юмиб.— Бу даҳшатли. Димов нима бўлади?

— Димов нима? Нега Димов? Димов билан ишим нима? Волга, ой, гўзаллик, менинг муҳаббатим, менинг

завқим бор, ҳеч қанақа Димов йўқ. . . Оҳ, мен ҳеч нарса-ни билмайман. . . Менга ўтмиш керак эмас, менга бир лаҳза боқинг. . . Биргина лаҳза.

Ольга Ивановнанинг юраги гурсиллаб ура бошлади. У эри ҳақида ўйлашни истар, лекин бутун ўтмиши — тўй, Димов, ўтиришлар ҳаммаси кичкина, ожиз, хира, кераксиз ва жуда-жуда узоқ туюларди. . . Чиндан ҳам Димов ким? Нега Димовни ўйлаб ўтириш керак? Ольга Ивановнанинг у билан иши нима? Димов ўзи дунёда борми ёки фақат бир тушми?

«У тўпори ва оддий одам, унга шу эришган бахти ҳам етарли,— деди у юзини қўллари билан бекитиб.— У ёқда айбласалар ҳам, лаънатласалар ҳам майли, мен ҳаммасининг раъйига жўрттага қарши чиқаман-да, ҳалок бўламан, ҳалок бўлдим. . . Ҳаётнинг ҳамма лаззатини татиб кўриш керак. Э худо, қандай ваҳимали, қандай яхши!»

— Хўпми? Ҳа хўпми?— валдирарди рассом уни қучоқлаб ва ожиз қаршилиқ қилаётган нозик қўлларини очкўзлик билан ўпиб.— Сен мени севасанми? Севасанми? Севасанми? О, қандай кеча! Афсонавий кеча!

— Ҳа, қандай кеча! — деб шивирлади Ольга Ивановна унинг кўзларига қараб. Рябовскийнинг кўзларида ёш йилтирар эди. Сўнг жувон атрофга бир аланглаб қаради-да, уни қучоқлаб, лабидан қаттиқ ўпди.

— Кинешмага яқинлашяпмиз,— деди кимдир палубанинг нариги томонида.

Залварли қадам товушлари эшитилди. Яқиндан буфет хизматчиси ўтмоқда эди.

— Бу ёққа қаранг,— деди унга Ольга Ивановна бахтиёрлик билан кулиб ва йиғлаб,— бизга вино олиб келинг.

Рассом ҳаяжонланганидан ранги ўчиб, скамейкага ўтирди. Ольга Ивановнага мафтун ва миннатдор бўлиб қаради, сўнг кўзларини юмиб, ноз билан кулумсираб:

— Чарчадим,— деди.

Шундай деб бошини қуйи солди.

## V

Иккинчи сентябрь куни ҳаво илиқ, тинч, аммо булутли эди. Эрта тонгда Волга устини юпқа туман босди, соат тўққиздан ўтгач ёмғир шивалай бошлади. Ҳавонинг очилишидан дарак йўқ. Чой ичиб ўтирганда Рябовский Ольга Ивановнага рассомликни ёмонлаб: дунёда бундан

кўра паст, бундан кўра зерикарли иш йўқ, у рассом эмас, аҳмоқларгина энг талантли деб юрарди,— деди-да, ҳеч сабабсиз ўзининг энг яхши этюдига пичоқ уриб юборди. Нонуштадан кейин дераза олдида хўмрайиб ўтириб, Волгага қарар эди. Волга эса ҳозир жилосиз, хира ва совуқ кўринарди. Ҳамма нарса ғамгин, бадбуруш, куз яқинлашайтганидан дарак берарди. Табиат қирғоқ бўйлаб тўшалган яшил гиламларини, сувда олмосдай аксланадиган нурларини, тиниқ кўк кенгликларини ва бошқа ҳамма безак ва сепларини Волгадан йиғиштириб олиб, баҳоргача сандиққа солиб қўйганга ўхшарди. Қарғалар ҳам Волга бўйида «Қара! Яланғоч!» деб масҳара қилгандай учарди. Рябовский уларнинг қағиллашига қулоқ солар экан, ўзининг ҳолдан тойгани, талантини йўқотгани ҳақида ўйлар ва дунёда ҳамма нарса шартли, маълум даражада тўғри ва аҳмақона, бу хотин билан алоқа боғламаслигим керак эди дерди. . . Қисқасини айтганда, унинг кўнгли хира ва таъби тирриқ эди.

Ольга Ивановна тўсиқ билан ажратилган кроватда ўтириб, гўзал олтиндай сочини бармоқлари билан тартибга солар ва ўзини гоҳ меҳмонхонада, гоҳ ётоқда, гоҳ эрининг кабинетида тасаввур этарди; хаёл уни машиначи хотин олдига, театрга, машҳур дўстлари қошига элтарди. Улар ҳозир нима қилиб юришган экан? Уни эслашармикин? Мавсум ҳам бошланиб қолди, энди зиёфатлар ҳақида ўйлаш вақти келди. Димов-чи? Севимли Димов! У хатларида қандай мўминлик ва болалардай ёлвориб, тезроқ уйга қайтишни сўрайди! У Ольга Ивановнага ҳар ой етмиш беш сўмдан пул юбориб туради, хотини рассомлардан юз сўм қарздор бўлганини ёзган эди, бу юз сўмни ҳам юборди. Қандай яхши, серҳиммат одам! Саёҳат Ольга Ивановнани чарчатди. У зерикар, мужиклар олдидан ва дарёнинг намтоб ҳидидан тезроқ нари кетишни, доим қишлоқма-қишлоқ кўчиб ва деҳқонлар кулбасида туриб ҳис қилаётган жисмоний нопокликдан қутулишни истарди. Агар Рябовский йигирманчи сентябргача рассомлар билан бирга бўлишга сўз бермаганда, бугуноқ жўнаб кетишлари мумкин эди. Жўнаб кетганларида қандай яхши бўларди!

— Э худойим!— деди Рябовский ғиншиб.— Ахир қачон офтоб чиқади? Энди мен офтобли пейзажни офтобсиз кунда қандай давом этказаман! . .

— Булутли кун тасвирланган этюдинг ҳам бор эдику,— деди Ольга Ивановна тўсиқ ортидан чиқар экан.— Эсингдами, ўнг томонида ўрмон, чап томонида бир гала

сигирлар-у, ғозлар. Ҳозир ўша расмни битказсанг бўлади.

— Э!— деб рассом юзини тириштирди.— Битказсанг эмиш! Наҳотки сиз мени нима қилишини билмайдиган аҳмоқ деб ўйлайсиз!

— Менга муносабатинг жуда ўзгариб кетибди-я! — деди Ольга Ивановна чуқур нафас олиб.

— Жуда яхши бўлибди.

Ольга Ивановнанинг юзи титраб кетди, печка олдига бориб, йиғлаб юборди.

— Ҳа энди кўз ёши етмай туриб эди. Бас қилинг! Мен йиғлайман десам минг хил сабаб бор, лекин йиғламайман.

— Минг хил сабаб! — деди Ольга Ивановна хиқиллаб.— Энг катта сабаб шуки, менинг сизга ҳалитдан оғирлигим тушяпти. Ҳа!— деди у ва ҳўнграб юборди.— Ростини айтганда, ўз муҳаббатингиздан ор қиялпсиз. Рассомларга сездирмасликка тиришасиз, ваҳоланки буни яшириб бўлмайди, уларга аллақачон ҳаммаси маълум бўлган.

— Ольга, сиздан бир нарсани илтимос қиламан,— деди рассом ёлвориб ва қўлларини кўкрагига қўйди,— мени қийнаманг! Ортиқ сиздан менга ҳеч нарса керак эмас.

— Лекин мени ҳамон севаман деб қасам ичинг!

— Бу қандай азоб! — деди рассом тишларини қисиб ва ирғиб ўрнидан турди.— Охири бориб мен ўзимни Волгага ташлайман ё ақлдан озаман! Мени тинч қўйинг!

— Э, мени ўлдилинг, ўлдилинг! — деб қичқирди Ольга Ивановна.— Улдилинг!

У яна ҳўнграб йиғлади ва тўсиқ ичига кирди. Кулбанинг похол томида ёмғир шитирлади. Рябовский бошини чангаллаб, уйнинг у бурчагидан бу бурчагига бориб келди, сўнг аллаким олдида ниманидир исбот қиладиган кишидай қатъият билан фуражкасини кийди, елкасига ов милтиғини осиб, уйдан чиқиб кетди.

У кетгандан кейин Ольга Ивановна кроватда узоқ вақт йиғлаб ётди. Аввал ўзининг заҳар ичиши, Рябовский қайтиб келиб унинг ўлганини кўриши ҳақида ўйлади, кейин ҳаёл уни меҳмонхонага ва эрининг кабинетига элтди, ўзини Димов билан ёнма-ён қимирламай ўтирган, жисмоний ҳаловат ва тозаликдан лаззатланаётган, кечқурун театрда ўтириб Мазини музикасини эшитаётган ҳолда тасаввур этди. Цивилизацияни, шаҳар шовқия-суронини ва машҳур кишиларни қўмсаб юраги сиқилди. Уйга қишлоқи хотин кирди ва овқат пишириш учун печга шошилмай ўт ёқа

бошлади. Куйинди ҳиди анқиди, ҳаво тутундан кўкариб кетди. Баланд қўнжли этиклари лойга беланган, юзлари ёмғирда ҳўл бўлган рассомлар келишди, этюдларни кўриб, ҳаво айниган пайтда ҳам Волганинг алоҳида жозибаси бўлади, деб ўзларига тасалли беришади. Девордаги арзон соат эса тиқ-тиқ-тиқ-тиқ қиларди... Совқотган пашшалар санам қўйилган бурчакка тиқилишиб визиллар, курсилар тагидаги қалин папкаларда суваракларнинг гивирлагани эшитиларди...

Рябовский кун ботаётганда уйга қайтди, фуражкасини столга ирғитди ва изтироб чеккан, юзи оқарган, этиги лойга ботган бир ҳолда харракка ўзини ташлаб, кўзини юмди.

— Чарчадим...— деди у ва қовоқларини кўтаришга уриниб қошини қимирлатди.

Ольга Ивановна Рябовскийга кек сақламаганини кўрсатиш ва эркаланиш учун унинг олдига келиб, индамай ўпди-да, оқиш сочларига тароқ солди. У йигитнинг сочини тарамоқчи эди.

— Нима гап?— деди Рябовский ва баданига совуқ бир нарса тегиб кетгандай сесканиб кўзини очди.— Нима гап? Мени тинч қўйинг, илтимос.

У Ольга Ивановнанинг қўлини суриб қўйиб, ўзи ҳам нари кетди, Ольга Ивановна унинг юзида жирканиш ва пушаймон ифодасини кўргандай бўлди. Шу пайт қишлоқи хотин бир тарелка шчини икки қўллаб ушлаб, авайлаб Рябовскийга олиб келмоқда эди. Ольга Ивановна унинг бош бармоғи шчига ботганини кўриб турарди. Бели қисиб боғланган ирkit хотин ҳам, Рябовский очкўзлик билан ея бошлаган шчи ҳам, уй ҳам илгари Ольга Ивановна соддалиги ва бадий тартибсизлиги учун жуда яхши кўриб юрган бу ҳаёт ҳам— ҳаммаси ҳозир жуда совуқ кўриниб кетди. Бирдан унинг хўрлиги келди ва совуқ оҳангда:

— Биз вақтинча ажралишимиз керак,— деди,— бўлмаса зеркиб қаттиқ хафалашиб қолишимиз мумкин. Бу менинг жонимга тегди. Бугун кетаман.

— Нимада кетасиз? Ёғоч от минибми?

— Бугун пайшанба, демак тўққиз яримда пароход келади.

— А? Ҳа, ҳа... Хўп майли, кета қол...— деди Рябовский мулойимлашиб, сальфетка ўрнига сочиқ билан лабилунжини артар экан.— Бу ерда қиладиган ишинг йўқ,



зерикяпсан, шу аҳволда сени олиб қолган одам худбин бўлади. Кета қол, йитирманчидан кейин яна учрашамиз.

Ольга Ивановна қувонч билан йўлга ҳозирланар, мамнунлигидан юзлари ёниб турар эди. Наҳотки шу рост бўлса,— дерди у ўз-ўзига,— наҳотки ҳадемай меҳмонхонамда ўтириб хат ёзсам, ётоқхонада ухласам, дастурхон ёзиб обед қилсам? Унинг кўнгли жойига тушиб, рассомдан аччиқланмас эди.

— Бўёқлар билан кистларни сенга ташлаб кетаман, Рябуша,— деди у.— Қолса, олиб борасан... Билиб қўй, менсиз бу ерда дангасалик қилма, сандирақлама, ишла. Сен азамат йигитсан, Рябуша.

Рябовский уни уйда ўпди — Ольга Ивановнанинг фикрича у пароходда рассомлар олдида ўпмаслик учун шундай қилди — ва пристанга кузатиб чиқди, кўп ўтмай пароход келиб, уни олиб кетди.

Ольга Ивановна икки ярим суткадан кейин уйига етиб келди. Ҳаяжондан нафаси қайтиб, шляпаси ва сув ўтказмайдиган пальтосини ечмай меҳмонхонага кирди, у ердан ошхонага ўтди. Сюртуксиз, тугмалари очиқ нимча кийган Димов стол ёнида пичоқни вилкага қайраб ўтирар, унинг олдида тарелкада чил гўшти турарди. Уйга кираётганда Ольга Ивановна бўлган воқияни эридан яширишга аҳд қилган, ўзида бунга етарли куч ва қобилият сезган эди, лекин энди унинг хушфеълени, мўмин, бахтиёр табассумини ва қувончдан порлаётган кўзларини кўриб, бу одамдан яшириш — туҳмат қилиш, ўғирлаш ва ўлдириш каби қабиҳ, жирканч иш эканини, бунга ўзининг кучи етмаслиги ва имконияти йўқлигини сизди; бир лаҳза ҳаммасини эрига айтиб бермоқчи бўлди. Эри ўпиб қучоқлагунча жим турди, кейин унинг олдида тиз чўкди ва юзини ёпди.

— Нима? Нима бўлди, онахон?— деб сўради Димов мулојимлик билан.— Соғиндингми?

Жувон уятдан қизарган юзини кўтариб унга гуноҳкордек ёлвориб қаради, лекин ор ва қўрқув ростини айтишига ҳалақит берди.

— Ҳеч нима...— деди у.— Ўзим шунчаки...

Ўтирайлик,— деди Димов уни ўрнидан кўтариб, стол ёнига ўтқазар экан.— Мана мундай... Чилдан егин. Қорнинг очгандир, жонгинам.

Ольга Ивановна қадрдон уйида эркин нафас олар, Димов эса унга меҳр-муҳаббат билан қарар ва қувониб куларди.

Афтидан қиш ўрталарида Димов ўзининг алданаётганини сеза бошлади. У худди виждони нопок кишидай хотинининг кўзига тик қарай олмас, дуч келганда илгаригидай қувонч билан жилмаймас ва кўпинча, у билан бирга қолмаслик учун Коростелев деган ўртоғини обедга олиб келарди. Коростелев сочи қирилган, юзини ажин босган, пакана киши эди, Ольга Ивановна билан гаплашганда ўнғайсизланиб пиджагининг ҳамма тугмаларини ечар, сўнг яна солар, кейин ўнг қўли билан чап мўйловини чимдий бошларди. Обед вақтида икки доктор ўз соҳасидан гапирарди: диафрагма баланд бўлса баъзан юрак фаолияти бузилиб туради; сўнгги вақтларда кўпгина неврит<sup>1</sup> учраяпти; кеча Димов «Хатарли камқонлик» деб диагноз қўйилган ўликни очиб қараса меъда ости беши рак бўлган экан. Улар Ольга Ивановнани сўйлатмаслик, яъни ёлғон гапиртирмаслик учунгина медицина ҳақида суҳбатлашаётганга ўхшарди. Обеддан кейин Коростелев рояль ёнига ўтирар, Димов эса уф тортар ва:

— Эҳ, оғайни! Энди нима ҳам дейсан! Бирор қайғули машқ чал,— дерди.

Коростелев елкаларини кўтариб ва панжаларини кенг ёзиб бир неча аккорд олар, сўнг ингичка овоз билан «Рус мужиги инграмаган жой борми, кўрсат» деган ашулани айта бошлар, Димов яна уҳ тортар ва бошини муштумига тираб хаёлга чўмарди.

Сўнгги вақтларда Ольга Ивановна орқа-олдига қарамай иш қиладиган бўлиб қолди. У ҳар кун эрталаб таъби тирриқ бўлиб уйғонади, «Энди Рябовскийни севмайман, худога шукур, ҳаммаси ўтиб кетди» деган фикр билан ўрнидан туради. Лекин кофе ичиб бўлгач, Рябовский уни эридан маҳрум қилганига, ҳозир ҳам эридан, ҳам Рябовскийдан айрилганига ақли етади. Кейин танишларидан эшитган гапларини эслайди; Рябовский виставкага турмуш манзаралари ва пейзаж аралаш бир ажойиб расм тайёрляпти, Поленовча<sup>2</sup> дид билан ишлабди, унинг ишхонасига кирганлар ҳаммаси офарин, деб чиқишяпти. Лекин, ахир, бу расмни Рябовский менинг таъсири остида ярат-

<sup>1</sup> Неврит — нерв шамоллаши.

<sup>2</sup> Поленов В. Д. (1844—1927) — машҳур рус рассоми. (Тарж.)

гай-ку, деб ўйлайди Ольга Ивановна, умуман у менинг таъсирим билан яхшиликка юз тутди. Менинг таъсирим шундай олижаноб ва муҳимки, агар орани узсам, у балки ҳалок бўлиб кетар. Ольга Ивановна унинг охирги марта алланечук учқунли, кул ранг сюртук кийиб ва янги галсгук тақиб келганини ва назокат билан кулумсираб «Мен чиройлиманми?» деганини эслади. Чиндан ҳам унинг узун жингалак сочлари, кўкиш кўзлари жуда чиройли, ўзи беҳад кўркам ва Ольга Ивановнага нисбатан меҳрибон (ёки шундай туюлгандир) эди.

У шу тарзда кўп нарсаларни ўйлаб ва эслаб кийингач, қаттиқ ҳаяжонланиб Рябовскийнинг ишхонасига жўнар эди. Уни Рябовский чиндан ҳам ўзининг ажойиб суратидан завқланган ва қувонган ҳолда қарши олар, сакрар, шўхлик қилар ва жиддий саволларга ҳазил билан жавоб берарди. Ольга Ивановнанинг рашки келар, суратдан нафратланар, лекин одоб юзасидан унга беш минутча жим туриб қарар, илоҳий нарса олдида тургандек оқ урар, сўнг паст товуш билан дерди:

— Ҳа, сен шу вақтгача ҳеч бунақа расм солмаган эдинг. Биласанми, ҳатто кишининг ваҳми келади.

Кейин у, мени сев, шўрликка раҳминг келсин, мен бахтсизни ташлаб кетма, деб ялина бошларди. У йиғлар, Рябовскийнинг қўлини ўпар, севаман деб қасам ичишини талаб қилар, менинг яхши таъсирим бўлмаса йўлдан озиб кетасан ва ҳалокатга учрайсан деб исботламоқчи бўларди. Охири кайфи чоғ Рябовскийнинг ҳам таъбини тирриқ қилиб, ўзининг ҳам хўрлиги келиб, ё машиначи хотинни кига, ё билет олиб берадиган актрисалардан бирортасиникига кетар эди.

Рябовскийни мастерскойидан топа олмаган кунлари, агар бугун мени кига келмасанг албатта заҳар ичаман, деб хат қолдириб кетарди. Рябовский кўрқар, унинг уйига келар ва обедга қолар эди. Ольга Ивановнанинг эри олдида Рябовский дағал гаплар айтар ва ундан дағал жавоб эшитарди. Иккови ҳам бир-бирининг йўлини тўсаётганини, зулм қилаётганини ва душман эканини ҳис қилар, аччиғланар ва жаҳл устида ўз орсизлигини пайқамас, ҳатто сочи қирилган Коростелев ҳам ҳамма нарсадан хабардор бўлаётганини сезмасди. Обеддан кейин Рябовский шошапиша хайрлашиб кетарди.

— Қаёққа борасиз?— дерди Ольга Ивановна даҳлизда унга нафрат билан қараб.

Рябовский афтини буриштириб ва кўзини қисиб, таниш бир аёлни айтар, Ольга Ивановнанинг рашки келсин деб айтаётгани ва уни ранжитмоқчи бўлаётгани билиниб турарди. Ольга Ивановна ётоқхонага бориб ўзини тўшакка ташлар, рашк, алам, хўрлик ва уятдан ёстиқни тишлар, ҳўнграб йиғлай бошларди. Димов Коростелевни меҳмонхонада қолдириб ётоқхонага чиқар ва ўнғайсизланиб, саросима бўлиб аста гапирарди:

— Қаттиқ йиғлама, онахон... Нега йиғлайсан? Бу тўғрида индамаслик керак... Билдирмаслик керак... Нима қиласан, бўлган иш бўлди, энди тузатиб бўлмайди.

Қаттиқ рашкдан Ольга Ивановнанинг ҳатто чаккаларида оғриқ турар ва бундан қандай қутулишини билмас, ҳали умид бор деган фикр билан ўрнидан туриб ювинар, йиғидан шишган юзига упа суртар ва извошга ўтириб ўша таниш хотинни кига учарди. Униқидан Рябовскийни тополмагач иккинчи, сўнг учинчи танишникига борарди... Бу қидиришлар унга аввал ўнғайсиз туюлса ҳам, кейин ўрганиб қолди. Рябовскийни қидириб бир оқшомда ҳамма танишлариникига кириб чиққан кун ҳам бўлди, ҳамма бунинг сабабини биларди.

Бир кун у эри тўғрисида Рябовскийга:

— Бу одам ўзининг олижаноблиги билан мени эзяпти,— деди.

Бу ибора унга шундай ёқиб қолдики, ўзининг Рябовский билан алоқасини биладиган рассомларга дуч келганда ҳар сафар қўлини кескин ҳаракатлантириб:

— Бу одам ўзининг олижаноблиги билан мени эзяпти!— дерди.

Ҳаёт тартиби ўтган йилдагидай эди. Чоршанба кунлари кечаси ўтириш бўларди. Артист ўқир, рассомлар сурат чизар, музикант виолончели чалар, ашулачи қўшиқ айтар, соат ўн бир ярим бўлганда, албатта ошхонанинг эшиги очилар ва Димов жилмайиб дерди:

— Жаноблар, овқатга марҳамат.

Ольга Ивановна илгаригидай улуғ одамларни қидирар, топар, қониқмас ва яна қидирарди. Илгаригидай у кечаси кеч қайтар, лекин Димов ўтган йилдагидай ухлаб ётмас, ўз кабинетида қандайдир иш билан шуғулланарди. У соат учларда ётар ва саккизларда турарди.

Бир куни кечқурун Ольга Ивановна театрга боришга отланиб, тошойна олдида турганда ётоқхонага фрак кийган, оқ галстук таққан Димов кирди. У мулойимгина ку-

лумсиради ва илгаригидай қувонч билан хотинининг юзига тик қаради. Унинг юзи жилваланиб турарди.

— Мен ҳозир диссертация ёқладим,— деди у ўтириб ва тиззасини сийпаб.

— Ёқладингми?— деб сўради Ольга Ивановна.

— Ҳа,— деди у кулиб ва ойнада хотинининг юзини кўриш учун бўйнини чўзиб қаради. Ольга Ивановна ҳамон эрига орқасини ўгириб турар ва сочинини тўғрилларди.— Ҳа! — деб такрорлади Димов.— Биласанми, мени умумий паталогиядан<sup>1</sup> приват-доцент<sup>2</sup> қилиб олишса ҳам ажаб эмас. Шунақа бўладиганга ўхшайди.

Агар Ольга Ивановна Димовнинг шодлиги ва тантанасига шерик бўлса, у ҳамма нарсани кечириши, ўтимишни ҳам, келажакни ҳам унутиши жилваланаётган юзидан билиниб турарди, лекин хотини умумий паталогия нима-ю приват-доцент нима эканлигини тушунмас, бундан ташқари театрга кеч қолишдан хавотир эди, шунинг учун ҳеч нарса демади.

Димов бир-икки минут ўтиргач, гуноҳкордек жилмайиб, чиқиб кетди.

## VII

Жуда нотинч бир кун эди.

Димовнинг боши қаттиқ оғрирди; у эрталаб чой ичмади, касалхонага бормади, ўзининг кабинетигадаги турк диванида ётаверди, Ольга Ивановна одатдагидай соат бирларда Рябовскийникига жўнади. Унга ўзининг nature morte<sup>3</sup> этюдини кўрсатмоқчи ва кеча нега келмаганини сўрамоқчи эди. Этюднинг ҳеч нарсага арзимаслигини ўзи ҳам биларди, лекин рассомникига бориш учун бир баҳона бўлади деб ёзганди.

У Рябовскийникига қўнғироқ бермай кирди. Олдинги хонада калишини ечаётган эди, мастерскойда аёл кўйлаги шитирлаб, кимдир аста йўргалаб ўтгандай бўлди. У шошиб мастерскойга қараган эди, жигар ранг юбканинг бир парчаси кўринди-ю, қора коленкор пардаси полгача тушиб мольбертни ҳам қоплаб ётган катта расмнинг орқасида ғойиб бўлди. Бунинг аёл киши эканига шубҳа

<sup>1</sup> Умумий паталогия — касалланиш жараёни ҳақидаги фан.

<sup>2</sup> Приват-доцент — медицина институтида штатдан ташқари дарс берувчи киши.

<sup>3</sup> Натюрморт дегани.

йўқ эди. Ольга Ивановнанинг ўзи неча марта шу расмнинг орқасига яширинганди! Рябовский афтидан жуда ўнғай-сизланди, лекин унинг келганига ҳайратланган кишидек, икки қўлини чўзиб ва ясама кулиб деди:

— Ие-ие! Қелинг, жуда хурсандман. Нима яхши гаплар бор?

Ольга Ивановнанинг кўзлари ёшга тўлди. У уялар, аламдан ёнар, миллион сўм берганда ҳам бегона хотин бор жойда гапиришга рози бўлмас эди. Ёлгончи кундоши ҳозир расмнинг орқасида туриб, унинг устидан кўнгил қоралик билан пиққилаб кулаётган бўлса ажаб эмас.

— Мен сизга этюдимни олиб келган эдим,— деди у ингичка, тортинчоқ овоз билан. Унинг лаблари титраб кетди.— *Nature morte*.

— Ие-ие... Этюдми?

Рассом этюдни қўлига олиб қарар экан, гўё беихтиёр нариги хонага ўтди.

Ольга Ивановна унинг орқасидан итоат билан борарди.

— *Nature morte*, биринчи сорт,— валдирарди рассом қофия қидириб.— Курорт... орт, порт...

Мастерскойдан шошилинич қадам товушлари ва кўйлакнинг шитир-шитири эшитилди. Демак, у кетди. Ольга Ивановнанинг қаттиқ қичқиргиси, рассомнинг бошига оғир нарса билан ургиси ва қочиб кетгиси келар, лекин кўз ёшидан ҳеч нарсани кўрмасди. Уятдан унинг кўнгли вайрон бўлиб, ҳозир ўзини илгариги Ольга Ивановна, илгариги рассом жувон эмас, кичик бир пашшадай ҳис қиларди.

— Чарчадим,— деди рассом ноз билан. У этюдга қарар экан, мудроғини тарқатаётган кишидай бош силкитди — Бу, албатта, ёқимли, лекин ўтган йили этюд келтирган эдингиз, бир ойдан кейин ҳам этюд келтирасиз, бугун ҳам этюд. Сизни зериктирмайдими, а? Мен сиз бўлганимда рассомликни ташлар эдим-у, музыка ё бошқа бирон нарса билан астойдил шуғулланардим. Ахир сиз рассом эмассиз, музикачисиз. Лекин, биласизми, мен жуда чарчадим! Мен ҳозир чой буюраман... А?

У бўлмадан чиқди, унинг хизматкорга нимадир буюраётганини Ольга Ивановна эшитиб турарди. Ольга Ивановна хайрлашмаслик, гап қўзғамаслик учун чопиб даҳлизга ўтди, Рябовский йўқлигидан фойдаланиб дарров калишни кийди-ю, кўчага чиқди, У энди енгил нафас олди ва Рябовскийдан ҳам, рассомликдан ҳам, мастерскойда уни

эзаётган қаттиқ уятдан ҳам умрбод озод бўлганини ҳис қилди. Ҳаммаси тугади!

У машиначиникига, кейин кеча сафардан қайтган Барнайникига борди, у ердан чиқиб нота магазинига кирди. Юрган йўлида Рябовскийга совуқ, кескин, ўз иззати нафсини баланд тутиб бир хат ёзиб юборишни, келаси, баҳорда ёки ёзда Димов билан Қримга кетишни, ўша ерда ўтмишдан бутунлай қутулиб, янги бир ҳаёт бошлашни ўйлар эди.

У кечаси уйга кеч қайтди ва кийимларини алмаштирамай меҳмонхонада хат ёзишга ўтирди. Рябовский унга рассом эмассиз деди, энди у қасдма-қасдига, сиз ҳар йили бир нарсани такрор-такрор чизасиз, ҳар куни бир гапни такрорлаб сўзлайсиз, тараққиётингиз тўхтаган, сиздан шу вақтгача бирон нима чиққан бўлса, энди ҳеч нарса чиқмайди, деб ёзди. Рябовский кўп нарсани унинг яхши таъсири остида эришган, агар ҳозир номаъқулчилик қилаётган бўлса, бугун расм орқасига яширинган хотинга ўхшаш мовҳум шахслар ўша яхши таъсири сусайтираётгани сабаблидир, деб яна ёзмоқчи эдики:

— Онахон!— деб Димов кабинет эшигини очмай ичкаридан чақирди.— Онахон!

— Нима дейсан?

— Онахон, сен менинг олдимга кирма, фақат эшик олдига кел.— Гап мундай... Аввал куни касалхонадан менга бўғма касали юққан эди... Бугун... аҳволим ёмон... Тезроқ Коростелевга одам юбор.

Ольга Ивановна эрини ҳам, бошқа ҳамма таниш эркаклар каби, отини айтиб эмас, фамилиясини айтиб чақирарди; унинг Осип деган исми хотинига ёқмас, чунки Гоголнинг Осип деган қаҳрамонини ва «Осип охрип, а Архип осип<sup>1</sup> деган сўз ўйинини эслатарди. Ҳозир эса:

— Осип, бу мумкин эмас!— деб қичқириб юборди.

— Одам юбор! Аҳволим ёмон...— деди Димов эшик орқасидан. Унинг диванга бориб ётгани эшитилди.— Юбор!— деди у яна бўғиқ товуш билан.

«Бу нима деган гап бўлди?— деди Ольга Ивановна қўрқувдан бадани музлаб.— Ахир бу хавфли-ку!»

Ҳеч сабабсиз шамни қўлига олиб ётоқхонага чиқди, кейин нима қилишини ўйлаб туриб, ўзини тошойнада кўриб қолди. Қўрққан ва оқарган юзи, кўкрагига сариқ

<sup>1</sup> Осип хириллаб қолди, Архип эса овоздан қолди.

тўр тутилган, енглари узун жакет, йўл-йўллари ғайри табиий йўналган юбка кийган ҳолда ўзи-ўзига даҳшатли ва қабиҳ кўринди. Бирдан унинг Димовга раҳми келиб кетди, эрининг чексиз муҳаббатига, ёш умрига, кўпдан бери эгасиз қолиб, бўш ётган мана шу тўшагига ичи ачиди, унинг одатдаги мўмин, итоаткор табассуми эсига тушди. У қайғу-алам билан йиғлаб, Коростелевга ялиниб хат ёзди. Соат кечаси икки эди.

## VIII

Эрталаб соат еттидан ошганда Ольга Ивановна уйқу-сизликдан боши оғирлашган, сочлари тўзғиган, кўримсиз ва гуноҳкордек бир қиёфада ётоқхонадан чиқди. Унинг ёнидан даҳлизга қора соқолли бир жаноб ўтди, докторга ўхшарди. Дори ҳиди келарди. Кабинет эшиги олдида Коростелев турар ва ўнг қўли билан чап мўйловини бурарди. У қовоғини солиб:

— Кечирасиз, сизни унинг олдида киргизмайман,— деди Ольга Ивановнага.— Қасаллик юқиши мумкин. Аслида, киришингиз керак ҳам эмас. Димов барибир алаҳлаб ётибди.

— Унинг касали ҳақиқий бўлмади? — деди Ольга Ивановна шивирлаб.

— Ўзини дардга кўршапалакдай урадиганларни чиндан судга бериш керак,— деб тўнғиллади Коростелев унинг саволига жавоб бермай.— Бўлма унга қандай юққанини биласизми? Сешанба куни бир касал боланинг бўлма пардасини труба билан сўриб олган эди. Нега, ахир? .. Шунақа, аҳмоқлик... Жиннилик...

— Жуда хавфлими? — деб сўради Ольга Ивановна.

— Ҳа, оғир дейишади. Аслида Шрёкка одам юбориш керак эди.

Аввал паст бўйли, бурни узун, талаффузи яҳудийча малла киши, кейин дьяконларнинг каттасига ўхшайдиган баланд бўйли, соч-соқоллари ҳурпайган одам, сўнг кўзойнак таққан жуда семиз, қип-қизил, ёш йигит келиб кетди. Булар ўз ўртоқлари олдида навбатма-навбат ўтириб кетаётган врачлар эди. Коростелев ўз навбатини ўтказган бўлса ҳам уйга кетмас, соядек товушсиз хонама-хона юрар эди. Хизматкор хотин касал боқаётган врачларга чой қилиб, дам-бадам аптекага югурар, шунинг учун уйни ҳеч ким йиғиштирмасди. Атроф жимжит ва қайғули эди.



Ольга Ивановна ўз ётоқхонасида ўтирар ва эримни алдаганим учун худо менга шундай жазо юборди деб ўйларди. Кам гап, нолимайдиган, тушуниб бўлмайдиган, мўминлиги туфайли шахсини йўқотган, ўта кўнгилчанлиги сабабли кучсиз ва характерсиз кўринган бу кам гап инсон қаердадир пастда, ўз диванида ётиб қаттиқ қийналарди, лекин шикоят қилмасди. Агар у ақалли алаҳлаб шикоят қилса эди, дежур бўлиб ўтирган докторлар айб бўлмада эмаслигини билишарди. Улар Коростелевдан сўрашарди; Коростелев ҳаммасини билади, у ўз дўстининг хотинига бежиз ўқрайиб қараётгани йўқ. У кўзлари билан: энг асосий ва ҳақиқий жиноятчи мана шу хотин, бўлма бунинг шериги холос, деяётганга ўхшарди. Ольга Ивановна энди Волгадаги ойдин кечани ҳам, муҳаббат изҳорини ҳам, деҳқон кулбасида ўтган шоирона ҳаётни ҳам унутган, фақат бир нарса эсидаки, арзимаган ҳавасга учиб, шўхликка берилиб бутун борлигини, бутун вужудини ёпишқоқ, ифлос бир нарсага булғаб олди ва бу нарса умрбод ювган билан кетмайди. . .

У Рябовский билан бўлган нотинч муҳаббатларини эслаб: «Оҳ, қандай даҳшатли, қаттиқ алдадим!— деди ичида.— Ҳаммасига минг-минг лаънат!»

Соат тўртда у Коростелев билан бирга обед қилди. Коростелев ҳеч нарса емас, фақат қизил вино ичар, қовоғини солиб ўтирарди. Ольга Ивановна ҳам ҳеч нарса емади. Гоҳ хаёлан худога илтижо қилар, дуолар ўқир, агар Димов соғайиб кетса уни яна илгаригидай севишга, садоқатли хотин бўлишга ваъда берарди. Гоҳ бир минут хаёли бўлиниб, Коростелевга қарар ва ўйларди: «Наҳотки ҳеч қанақа ажойиб фазилатга эга бўлмай, донг чиқармай тагин юзини ажин босган, қилиқлари хунук оддий киши қиёфасида яшаш зерикарли бўлмаса?» Гоҳ касалдан ҳазар қилиб, шу вақтгача эрининг кабинетига бирон марта кирмагани учун худо уни турган жойида ўлдирадигандай бўларди. Умуман туйғулари ўзига ғамгин ва бетайин туюлар, у фақат турмушининг тузатиб бўлмайдиган даражада барбод бўлганига ишонар эди. . .

Обеддан кейин қоронғи тушди. Ольга Ивановна меҳмонхонага чиқса, Коростелев юмшоқ курсида зар билан тикилган шойи ёстиқни бошига қўйиб ухлаб ётибди. «Қҳипуа,— деб хуррак отарди у,— қҳипуа».

Дежур туриб кетаётган докторлар ҳам бу тартибсизликни пайқамас эдилар. Бегона кишининг меҳмонхонада

хуррак отиб ётгани ҳам, девордаги этюдлар ҳам, ғалати буюмлар ҳам, уй эгасининг сочи тўзғиб, кийими тузук кийилмагани ҳам энди ҳеч кимни қилча қизиқтирмасди. Докторлардан бири негадир бехосдан кулди. Бу кулги алланечук ғайри табиий ва сўник эшитилиб, кишининг эти увишиб кетди.

Ольга Ивановна яна бир марта меҳмонхонага чиқса, Қоростелев ўрнидан туриб, тамаки чекиб ўтирибди.

— Унинг бўғмаси бурун бўшлиғига чиқибди,— деди Қоростелев паст товуш билан.— Ҳозир юраги ҳам ёмон ишляпти. Аслида, ишлар ёмон.

— Шрекке одам юборинг, бўлмаса,— деди Ольга Ивановна.

— Келиб кетди. Бўғма бурунга ҳам ўтганини ўша пайқади-да. Э, Шрек нима қила оларди! Аслида, Шрек ҳеч даво тополмайди. У — Шрек, мен Қоростелев — бўлганимиз шу.

Вақт ниҳоятда секин ўтар эди. Ольга Ивановна эрта-лабдан бери йиғиштирилмаган хонада кийими билан ўрнида ётиб мудрар эди. Унинг назарида бутун квартирани полидан шипигача катта бир темир банд қилиб турибди, агар шу темир чиқариб ташланса дарҳол ҳамма ўзини енгил ва қувончли ҳис қилади. У кўзини очиб бу темир эмас, Димовнинг касали эканини англади.

«Nature morte, порт. . . — деб у яна мудраб кетарди.— Спорт. . . Курорт. Шрек-чи? Шрек, грек, зийрак, керак. Ҳозир менинг дўстларим қаерда экан? Бизнинг қайғули кунларга қолганимизни билишармикин? Худоё ўзинг асра. . . Узинг қутқар. Шрек, грек. . .»

Яна темир. . . Вақт ниҳоятда секин ўтар, пастдаги соат эса тез-тез занг чаларди. Дам-бадам кўнғироқ овози эшитилиб, докторлар келиб турарди. . . Оқсоч хотин бўш стакан солинган патнисни кўтариб келиб, сўради:

— Хоним, ўрин сол дейсизми?

Жавоб олмагач чиқиб кетди. Пастда соат занг чалди, яна Волгадаги ёмғир тушига кирди, сўнг ётоқхонага яна биров кирди. Бегона одамга ўхшайди. Ольга Ивановна ирғиб турди ва Қоростелевни таниди.

— Соат неча? — деди Ольга Ивановна.

— Учга яқин.

— Ҳўш, қалай?

— Қалай бўлар эди! Мен сизга айтгани келдим: ўсал бўлиб қолди.

Коростелев пиқиллаб кроватта, Ольга Ивановнанинг ёнига ўтирди ва енги билан кўз ёшини артди. Ольга Ивановна аввал тушунмади, фақат бадани музлаб, чўқина бошлади.

— Усал бўлиб қолди... — деб такрорлади Коростелев ингичка товуш билан ва яна пиқиллади. — Ўзини қурбон қилди... Фан қандай кишини йўқотади-я! — деди у чуқур қайғу билан. — Агар ҳаммамизни у билан солиштирса, у теинги йўқ улуг одам! Қандай истездод! Ҳаммамиз унга қанчалик умид боғлаган эдик! — деб Коростелев бармоқларини қисирлатиб давом этди: — Э худо, у шундай олим эдики, бундай кишини ҳеч топиб бўлмайди. Оська Димов, Оська Димов, сен нима қилиб қўйдинг! Э-вой, худо-ей!

Коростелев умидсизланиб икки қўлини жони-жаҳди билан юзига ёпти ва бошини чайқади.

— Қанчалик юксак ахлоққа эга эди! — деди у тобора кимгадир газаби ортиб. — Кенг феъл, покиза, меҳр-муҳаббатли одам эди, у мусаффо одам эди! У фанга хизмат қилди ва фан йўлида жон берди. Кечаю кундуз тинмасдан ишлар эди, ҳеч ким уни аямас эди, ёш олим, бўлажак профессор чакана иш қидирар, кечалари таржима қилар эди... Мана шу ярамас латта-путтага пул топиш учун!

Коростелев Ольга Ивановнага нафрат билан қаради; икки қўллаб чойшаб четини ғижимлади-ю, ҳамма айб шунда дегандай аччиқ билан силтаб тортди.

— Ўзи ўзини аямас эди, бошқалар ҳам уни аямасди. Э, нима ҳам дейсан, киши, аслида!

— Ҳа, нодир одам эди! — деди кимдир меҳмонхонада йўғон товуш билан.

Ольга Ивановна ўзининг у билан ўтказган умрини ҳамма тафсилотлари билан бошидан охиригача эслади-ю, унинг ҳақиқатан тенгсиз, нодир, атрофидаги кишиларга нисбатан улуг одам эканини бехосдан англади. Ўзининг отаси ва Димовнинг врач ўртоқлари у билан қандай муносабатда бўлганлари эсига тушди, уларнинг ҳаммаси келажакда Димовдан машҳур одам чиқишига ишонганларини энди тушунди. Деворлар, лампа, полдаги ғилам, ҳаммаси Ольга Ивановнадан кулаётгандай пир-пир қилиб, гўё «Қуруқ қолдинг! Билмай қолдинг!» демоқчи бўларди. У йиғлаб ётоқхонадан чиқди, меҳмонхонадаги нотаниш бир кишининг олдидан шипиллаб ўтди ва эри ётган кабинетга югуриб кирди. Эри турк диванида ярмигача одеялга ўралиб ҳаракатсиз ётар эди. Унинг юзи ниҳоятда чўкиб, озиб

кетган ва тирик кишиларда ҳеч қачон бўлмайдиган кул ранг-сарғиш тус олган, фақат пешонаси, қора қошлари ва таниш табассумига қараб, унинг Димов эканини билиш мумкин. Ольга Ивановна тез-тез унинг кўкраги, пешонаси ва қўлини ушлаб кўрди. Кўкраги ҳали илиқ, лекин қўли ва пешонаси совуқ эди. Ярим очиқ кўзи ҳам Ольга Ивановнага эмас, одеялга қараб турарди.

— Димов!— деб чақирди у.— Димов!

У эрига ўзининг хато қилганини, лекин ҳали ҳамма нарса бой берилмаганини, ҳаётлари яна гўзал ва бахтли бўлиши мумкинлигини, унинг нодир, тенги йўқ, улуғ одам эканини умр бўйи уни иззат-ҳурмат қилишини, дуо қилиб унинг ҳоки-пойида бўлишини тушунтирмақчи бўларди...

— Димов!— деб эрини елкасидан силкитиб чақирар ва унинг энди абадий уйқуга кетганига ишонмас эди.— Димов, Димов дейман!

Меҳмонхонада эса Коростелев оқсочга гапирарди:

— Нимасини сўрайсиз? Черковнинг қоровулхонасига боринг, ювувчи хотинлар қаерда туради деб сўранг. Улар келиб мурдани ювиб-тараб, супуриб-сидириб, ҳамма керакли ишни ўзлари қилади.

## СУРГУНДА

Билимдон деб аталган кекса Семён билан бир татар йигит дарё буйида гулхан қилиб, исиниб ўтирибди; йигитнинг исми-насабини ҳеч ким билмайди; қолган учта қайиқчи уйда. Семён олтмиш ёшлар чамасида, тишлари тушган, озгингина чол бўлса ҳам, лекин кифтлари кенг, ҳали бақувват кўринади; ҳозир у маст. Чол аллақачоноқ кириб ухлар эди-ю, бироқ чўнтагидаги шишани кўзи қиймайди: уйдаги азаматлар ароғини тилайвериб жонига тегади. Татар йигит бемор эди, бечора қаттиқ азоб чекар, ҳадеб уада кийимига ўралар ҳамда ўз юрти Симбирск губернасини мақтаб, уйда хушрўй ва ақилли хотини қолганидан ҳасрат қиларди. Ёши йигирма бешдан ортиқ эмасди, лекин шу гулхан шуъласида бўзарган ранги-рўйига, ғамгин ва дардманд юзларига қараган одам — уни ёш бола деб гумон қиларди.

— Бу жойларни жаннат деб бўлмайди, албатта,— дерди Билимдон.— Мана, ўзинг ҳам кўриб турибсан: ҳамма ёқ сув, шип-шийдон қирғоқ, тизза бўйи лой, бошқа ҳеч нарса йўқ. . . Ҳайит ўтгани қачон эди, лекин ҳалиям дарёдан муз аримайди, бугун эрталаб тагин қор ёғди.

— Ёмон! Ёмон!— деди йигит ва чўчиб, атрофига қаради.

Икки юз қадам нарироқда қорайиб муздай дарё кўринади; сувнинг ўшқиргани, ўпирилган қирғоққа шалоплаб ўзини ургани эшитилмоқда, дарё йироқдаги денгиз томон тезлаб оқмоқда. Унинг лабида каттакон бир қайиқнинг қораси кўринади; қайиқчилар унга «кема» деб от қўйиб олишган. Дарёнинг нариги бетида, олисда ёнғин кўринади, гоҳ пасайиб, гоҳ гуруллаб, ерни ялаётганга ўхшайди: бултурги чўпларга ўт қўйилмоқда. Ёнғиннинг у

ёғи яна қоронғилик. Муз парчалари ўзини қайиққа урганидан тарақ-туруқ овоз эшитилади. Намгарчилик, совуқ...

Татар йигит кўкка қаради. Осмонда юлдуз кўп, унинг юртида ҳам юлдуз кўп, қоронғилиги ҳам жуда ўхшайди, бироқ бу ерда нимадир етишмагандай бўлади. Ўз уйи, Симбирск губернасида юлдузлар ҳеч бунақа эмас, осмон ҳам тамоман бошқача.

— Ёмон! Ёмон!— деди у тагин.

— Урганиб кетасан!— деб кулди Билимдон.— Сен ҳали ёшсанда, эсинг кирмаган, она сути оғзингдан кетмаган, эсинг йўқлигидан ҳозир «дунёда мендан бахтсиз одам йўқ» деб ўйлайсан; лекин бориб-бориб: ҳамма ҳам мендай яшаса экан, деб худога шукур қиласан. Сен мендан қиёс қилгин. Бир ҳафтадан кейин сувнинг юзи очилади, анави ерга паромни қўйиб оламиз, ҳамманг Сибирни кезгали жўнайсан, мен бўлсам шу ерда қоламан, дарёнинг у ёғидан-бу ёғига қатнай бошлайман. Йигирма икки йилдан бери кеча-кундуз аҳвол шу. Чўртон ва елим балиқ сувнинг остида, мен эса сувнинг устида юраман. Худога шукур қиламан. Менга ҳеч нарса керак эмас. Ҳамма ҳам мендай яшаса, шукур қилсин.

Татар йигит гулханга чипчирға қалади, оловга яқинроқ бориб ётди-да, гапира бошлади:

— Менинг отам касалманд одам. Уша ўлгандан кейин онам билан хотиним шу ерга келишади. Шундай ваъдалашганмиз.

— Сенга она билан хотиннинг нима кераги бор?— деб сўради Билимдон.— Бу гапинг аҳмоқликдан бошқа нарса эмас, ука. Сени ўша ер юткур шайтон васваса қиляпти, у малъунга асти қулоқ солма. Зинҳор унга йўл бера кўрма. Шайтон эсингга хотинни солса, сен аксини олиб, истамайман, дегин! Озодлик тўғрисида хаёлингни чалғитса, оёғингни тираб, йўқ деб туриб олгин! Ҳеч нарса керак эмас, деявер! Отам ҳам йўқ, онам, хотиним ҳам йўқ, озодлик ҳам керакмас, уй-жой ҳам, дегин! Ҳеч нима керакмас, ҳаммасини ер ютсин!

Билимдон шишадаги ароқдан ютиб олди-да, давом этди:

— Аслида мен, чакана мужиклардан, ёки малайлар табақасидан эмасман, ука, туппа-тузук дьячокнинг ўғли бўламан, озод юрган давримда мен Курскда сюртук<sup>1</sup> киярдим; мана энди мен шу даражага етдимки, ерда ҳам ётиб

<sup>1</sup> Эркаклар кийими.

кетавераман, кўкатни ҳам еявераман. Ҳамма ҳам мендай яшаса, худога шукур қилсин. Менга ҳеч нима керак эмас, ҳеч кимдан қўрқмайман, ўз билгим ўзимда, мендан бой, мендан озод одам йўқ. Россиядан шу ёққа сургун қилинганимдан кейин, дастлабки кунларданоқ: ҳеч нарсани истамайман, деб оёғимни тираб туриб олганман. Шайтон хотинимни, ота-онамни, озодликни эсимга солиб тоза васваса қилди, лекин мен, ҳеч нарса керак эмас, деявердим. Айтганимдан қайтмадим, қаттиқ туриб олдим, мана энди, ўзинг кўриб турибсан, яхши яшайман, нолийдиган жойим йўқ. Одамзод агар бирон марта шайтоннинг васвасасига кўнса-тамом бўлди деявер, бўғзигача ботқоққа ботиб кетади, ундан кейин қутилиб бўпти. Сен сиёкли эси паст мужикларгина эмас, ҳатто манман деган авлиё-ю охир замонлари ҳам равсо бўлади, ука. Бундан чамаси ўн беш йил илгари Россиядан бир бойни шу ёққа юборишган эди. Укалари билан муроса қила олмай, васиятномага қалбаки қалам тегизиб қўйибди. Асли князларданми, баронларданми, балки, анчайин чиновниклардандир — ким билади дейсан! Бой бу ерга келган заҳоти дастлаб Мухортинский қишолоғидан бир уй ва ер сотиб олди. «Энди ўзим меҳнат қилиб, пешона теримни тўкиб кун кечираман, чунки, мен ҳозир бадағра қилинган киши, қадимги хўжайинлигим қолиб кетди»— дейди. Соз қилибсан, худойим меҳрибон, бу ишинг чакки эмас, дедим. Ўзи ҳам ўша кезларда ёш, серҳаракат ва чаққонгина эди: пичан ўрар, балиқ овлар, олтмиш чақирим жойга отда бориб келаверарди. Лекин ўша йилиёқ бир балога гирифтор бўлди: Гиринодаги почтахонага ҳадеб бораверадиган бўлиб қолди. Паромига тушади-ю, уҳ тортиб: «Э, Семён, анчадан бери уйдан пул келмаяпти, нималигини тушунолмаймайман!» дейди. Пулни нима қиласиз, Василий Сергеевич, дейман, пул керак эмас. Сиз эски ҳаётингизни ташланг, у ёғини унутинг энди, у ёғи бир тушдай ўтди-ю, кетди, кўрмагандай бўлиб қўя қолинг, энди бошқатдан ҳаёт кечиришни ўйланг. Шайтон васвасасига учманг, дедим, у сизни йўлдан оздирмоқчи, бўйнингизга сиртмоқ солмоқчи, дедим. Ҳозир сиз пул ташвишига тушибсиз, салгина вақт ўтмай кўнглингиз яна бошқа бир нимани хоҳлаб қолади, ана ундан кейин хилма-хил нарсаларни тилайверади, дедим. Агар сиз бахтли бўлай десангиз, аввало ҳеч нарсани ҳавас қилманг, дедим. Шундай... Агарки, дедим мен унга, тақдир сиз билан мени шунчалик хору зор қил-

ган экан, энди унинг оёғига йиқилиб, тиланмоқ бизга муносиб эмас, қайтага тақдирни масхара қилиб кулмоғимиз керак. Йўқса, ўзи масхара қилиб, расвомизни чиқаради. Худди шу гапларни унга айтдим. . . Орадан икки йилча ўтгач, бир куни мен уни бериғи ёққа олиб ўтаётган эдим, қарасам, жуда хурсанд, қўлларини ишқалаб кулади дегин. «Гиринога хотинимни кутиб олгани кетаётибман. Менга раҳм қилиб келибди. Жуда яхши, меҳрибон хотиним борда» — дейди. Суюнганидан энтикиб қолибди. Бир кундан кейин хотинини олиб қайтди. Ёшгина, чиройли, шляпа кийган хотин экан; қўлида ёш қизчаси ҳам бор. Кўчи ҳам бир талай. Василий Сергеевич демаганинг хотин атрофидан айланиб-ўргилиб кетмайди, қараб сира тўймайди, мақтайди холос. «Ҳа, дўстим Семён, Сибирда ҳам яшаш мумкин!» дейди. Ҳа майли, дедим ичимда, кўрармиз ҳали суюнганингни! . . Хотини келгандан кейин, ҳафта сайин Гиринога қатнайдиган бўлди: Россиядан пул келдими йўқми, шуни билгани боради. Унча-мунча пул етмайдиган бўлди энди. «Хотиним мени деб Сибирга келибди, ёш умри ва гўзал даврини хазон қилмоқда, дардимга ҳамдард бўлмоқда; шунинг учун мен ҳар қанча сарф қилсам арзийди, унга яхши шароит яратиб беришим зарур...» дейди. Хонимча зерикмасин учун амалдорлар билан, ҳар хил саёқлар билан ошна тутинди. Бу улфатларни егизиш, ичириш керак, албатта, пианино бўлмаса, иложи йўқ, диванда бароқ кучук ётмаса, тагин чатоқ, кучуги нимаси энди? . . Хулласи, тўқликка шўхлик. Хонимчаси кўп турмади. Тура олармиди? Ҳамма ёқ лой, сув, совуқ, на сабзавот, на мева бор, биронта ўқиган одам кўринмаса, ҳаммаси нодон, ароқхўр, тузукроқ муомалани билишмаса, нима қилсин ахир? Ўзи пойтахтда эркалик билан ўсган бир хоним экан. . . Албатта зерикади-да! Эри ҳам, минг қилганда, қадимги бой эмас, сургундаги одамнинг ўзи нима-ю, обрўйи нима бўларди... Орадан уч йилча ўтди, ҳали-ҳали эсимда: кечаси дарёнинг у ёғидан чақирган овоз келди. Паром билан ўтиб бордим, қарасам — ўша хонимча, кийимига бурканиб олибди, ёнида ёшгина бир чиновник йигит, уч от қўшилган извош турибди. . . Ҳаммасини дарёдан олиб ўтдим, извошга тушиб олиб, думини тутқизмай жўнаб қолишди! Ўша кетганича бадар кетди. Тонг пайти Василий Сергеевич қўш отли аравани чоптириб етиб келди. «Менинг хотиним билан кўзойнакли бир жаноб ўтмадими, Семён?» деди. Ўтиб кетишди, энди думини тутқазиб бўлибди, дедим.



Кетидан қувлаб кетди, беш кунча излаб, тополмай қайтиб келди. Паромда нариги томонга ўтказаётганимда, бошини тахтага уриб, бирам йиғладики! Ана, айтганим келди-ку, дедим. Кулдим-да, ўша гапини эсига солиб: «Сибирда ҳам яшаш мумкин» дедим. Баттар алам қилиб, роса сочини юлди. . . Ёриб-бориб, озодликни қўмсай бошлади. Хотини Россияга кетиб қолган, уни соғиниб кетидан боргиси, ўйнашидан ажратиб олгиси келган-да. Шундан кейин мен сенга айтсам, ука, деярли ҳар куни гоҳ почтахонага, гоҳ шаҳар бошлиғининг олдига югура бошлади. Ҳадеб ариза жўнатади, ўзи бориб бериб келади, гуноҳимдан ўтиб, уйга кетишга рухсат беринглар, деб ялинади. «Ёлғиз телеграмманинг ўзига икки юз сўмим кетди» дейди. Ерини сотди, уйини гаровга қўйди. Сочлари оқариб, ранг-рўйи сарғайиб худди сил касалдай букчайиб қолди. Гаплашиб туриб, ўху-ўху-ўху йўталади холос, дарров кўзига ёш келади. Саккиз йил шу аҳволда ариза ташлаб кўрди, роса қийналди, сўнгра яна боягисидай суюниб, жони ором топди: янги эрмак топилди. Қизи катта бўлиб қолди. Уни кўриб суюнади, қўярга жой тополмайди. Қизи ҳам, ростини айтганда, балодайгина: чиройли, қора қош, шўхгина бўлган эди. Ҳар якшанба қизини Гиринодаги черковга олиб боради. Иккиси паромда ёнма-ён туришади, қизи кулади, отаси ундан кўзини узмайди. «Ҳе, Семён, Сибирда ҳам яшаш мумкин. Сибирда ҳам бахт топилади. Буни қара, қандай қизим бор! Мунақасини минг чақирим юриб ахтарсанг топа олмайсан» дейди. Қизинг яхши, дедим, яхшилиги ҳақиқатан тўғри. . . Лекин ичимда: «Ҳали шошма. . . Қизинг ёш, юзидан қон томиб турибди, уйин-кулгини қўмсаб қолар, бу ерда уйин-кулги нима қилсин? деб қўйдим. Қарасам, ука, қиз ҳам зерика бошлади. . . Озиб кетди, сўлиб тамом бўлди, оёқдан қолиб, ҳозир туролмай ётиб қолган. Сил касалга йўлиққан. Ана сенга ер юткур Сибирнинг бахти, ана Сибирда яшаш мумкинлиги. . . Ўзи ҳам тоза докторма-доктор югурди, уйига чақириб қаратиб кўрди. Фалон жойда доктор ёки табиб бормиш деб эшитса, икки юз чақиримми, уч юз чақиримми суриштирмай бораверади. Бу докторларга кетган пулнинг саноғи йўқ, менга қолса, бунча пулни маза қилиб ичиш керак. . . Ёриб-бориб ўладида. Ўлиши аниқ гап, қизидан ажрагандан кейин ўзи ҳам тамом бўлди деявер. Дарду аламга чидолмай ё ўзини осадди, ё Россияга қочади, у ёғи маълум. Қочгани билан бари-бир қўлга тушади, яна суд, бадарға, калтаклаш. . .

— Яхши, яхши,— деди татар йигит, совуқдан жунжиб.

— Нима яхши?— деб сўради Билимдон.

— Хотин, қиз. . . яхши. . . Бадарғаси ҳам майли, дарди-алами ҳам майли, ишқилиб, хотини билан қизини кўрибди-ку. . . Сен, ҳеч нарса керак эмас, дейсан. Ҳеч нарса бўлмаса ёмон ахир! Хотини у билан уч йил турибди. Бу — оллоҳнинг марҳамати бўлади. Ҳеч нарса бўлмаса — ёмон, лекин уч йил — яхши. Нега шуни тушунмайсан?

Йигит дағ-дағ қалтирарди, чала-чулпа билган русча сўзларини зўрғатдан эслаб топар ва тутилиб-тутилиб худо ҳеч кимни бегона юртда касалга дучор қилмасин, ўлса; муздай қора ерга кўмишади, деди. Агар хотини бир кунга, лоақал бир соатгагина келиб кетса, шуни у ганимат билиб худога шукур қилишини ва ҳар қандай азобу уқубатларга рози бўлишини гапирди. Ҳеч нарса бўлмагандан кўра бир соатлик бахт яхши, деб қўйди.

Сўнгра уйда қолган хушрўй ва ақлли-хушли хотинидан яна гап очди, пиравордида бошини чангаллаб йиғлади ва бекордан бекор, бегуноҳ сургун бўлганини Семёнга уқдира бошлади. Унинг икки акаси ва амакиси бир чол мужикнинг отини ўгирлашган, эгасини ўласи қилиб уриб, сулайтириб кетишган, лекин жамоат ноинсофлик қилиб, нотўғри ҳукм чиқарган: уч ака-ука Сибирга кесилган, амакиси бой бўлгани учун уйда қолаверган.

— Кўникиб кетасан!— деди Семён.

Йигит жим бўлди, ёшли кўзларини оловга тикканича қараб қолди; уни ваҳима босгани ва боши қотгани юздан билиниб турарди, гўёки бу қоронғу ва зах жойларда, бегона одамлар орасида нима қилиб юрганини ҳали ҳам тушунмаётгандай, нега ҳозир Симбирск губерниясида эмаслигига ақли етмаётгандай кўринарди. Билимдон гулхан четига ётиб олди ва негадир мийиғида кулди-да, хиргойи қилиб ашула айта бошлади.

— Отаси ёнида хурсанд бўла олармиди?— деди у бир оздан кейин.— Қизини севиши, эркалатиб овутиши, бу тўғри, бироқ, ука, ўзи ҳам бир хил бўшанг оталардан эмас: бало чол, қаттиқ тергайди. Қизлар тергагани ёқтирмайди. . . Уларга ҳи-ҳи-ҳи, ҳа-ҳа-ҳа, атиру упа керак. Бўлмаса-чи! . . . Ҳей, ука, гап шунақа!— деб ўрнидан зўрға турди Семён.— Ароқ ҳам тугабди, демак, ухлаш керак-а? Кириб ётай, ука. . .

Татар йигит бир ўзи қолгач, гулханга яна ўтин ташлади, сўнгра ётди ва оловга узоқ тикилиб қолди; у, туғилиб

ўсган ўз қишлоғини, хотинини ўйларди, унинг бир ойга, жоақал бир кунгагина келишини орзу қиларди, сўнгра, истамаса яна қайтиб кетавериши мумкин. Ҳеч нарса бўлмагандан кўра бир ой, ҳатто бир кун ҳам яхши-ку. Агар хотини ваъдага вафо қилиб келадиган бўлса, хўш унга қаёқдан овқат топиб беради? Турадиган уй қани?

— Егани бир ниманг бўлмаса, қандай яшайсан?— деб юборди ўзидан-ўзи йигит.

Ҳозир у, кечаю кундуз эшкакда туриб қайиқ ҳайдаганига фақат ўн тийин пул олади; йўловчилар ҳам чой пули, ароқ пули бериб туришади-ю, бироқ шериклари буни ўзаро бўлиб олишади-да, татарга бир тийин ҳам беришмайди, қайтага уни масхара қилиб кулишади. Йўқчиликка даво йўқ: очлик ҳам, совуқ қотиш ҳам, ваҳима босиш ҳам — ҳаммаси шундан. . . Лъзойи бадани зирқираб, қалтираб турибди, қани энди ичкарига кириб, ётиб ухласа. . . Лекин биронта ёпинадиган нарсаси йўқ, уй ичи ташқаридан совуқ; бу ерда ҳам ёпинчиқ йўқ, лекин ўт ёқиб исиниш мумкин. . .

Бир ҳафтадан сўнгра бу ерга паром қурилади, Семёндан бошқа қайиқчиларнинг ҳаммаси кераксиз бўлиб қолади; ўшанда татар йигит қишлоқма-қишлоқ тентирайди, тиланчилик қилади ва иш ахтаради. . . Хотини энди ўн еттига кирган; ўзи чиройлик, уятчанг, эрка ўсган қиз, наҳотки, у ҳам қишлоқма-қишлоқ кезиб, юзини очиб, тиланчилик қилса? Йўқ бундай нарсани ҳатто хаёлга келтириш ҳам даҳшатли. . .

Тонг ёришди: дарё бўйидаги каттакон қайиқ, толзордаги дарахтлар, сувнинг жимирлагани аниқ кўрина бошлади, орқага бурилиб қаралса — у томони ўпирилган жар, пастроқда чурук похол ёпилган кичкина уйча, нариёғи — тепага туташган қишлоқ уйлари. Қишлоқда хўрозлар чақирмоқда.

Сариқ тупроғи ўпирилган анави жар, қайиқ, дарё, бегона ва бешафқат кишилар, очлик-яланғочлик, совуқ касаллик — булар ҳаммаси эҳтимол ҳақиқат эмасдир. Балки тушимда кўраётгандирман, деб ўйлади татар йигит. У худди ўзини уйқудагидай ҳис этди, ҳатто хуррак отганини эшитди. . . Хайрият-эй, ўз уйида, Симбирск губерниясида экан, мана ҳозир хотинининг отини айтиб чақирса, лаббай деб жавоб беради, албатта, онаси ҳам шу ерда, ёнбошдаги уйда. . . Лекин туш ҳам шу қадар ваҳимали бў-

ладими-а? Бу нима экан? Йигит кулди ва кўзларини очди. Бу қайси дарё? Идилми?

Қор ёғмоқда эди.

— Келмайсанми, ҳо-ой! — деб бақирарди биров дарёнинг у юзидан.— Кемангни олиб кел! . .

Йигит ўзига келди ва қайиқни нариги ёққа олиб ўтиш учун шерикларини уйғотгани кетди. Бирпасда йиртиқ пўстинларини йўл-йўлакай кийиб келаётган қайиқчилар кўринди; улар хириллоқ овоз билан сўкиниб, совуқдан жунжукиб, дарё лабига келишди. Уйқудан энди турган бечораларга, изғирин совуғи еб бораётган дарё, афтидан, балодай кўринарди. Улар шошмасдан кемага чиқишди. . . Татар йигит билан уч қайиқчи узун сопли япалоқ эшкакларни олишди; қоронғида бу эшкаклар қисқичбақанинг қисқичига ўхшарди. Семён қорни билан баланд рулни босиб олди. Нариги ёқдаги бақирини ҳали ҳам тўхтамади; икки марта тўппончадан ўқ узилди, қайиқчиларни ухлаб қолган ёки қишлоқдан қовоқхонага кетган деб ўйлаган бўлса керак.

— Ҳа, хўп! Мунча шошаркин?— деб гўлдурди Билимдон; у, бу дунёда шошишга эҳтиёж йўқлигига, шошган билан, барибир, натижа чиқмаслигига инонган одамдай гапирарди.

Лапонглаган каттакон бесўнақай кема қирғоқдан узоқлашди ва сув босган толзор орасига кирди; кема бир жойда турганга ўхшарди, лекин дарахтлар бирин-кетин узоқлашиб, ортда қолаётганига қаралса, унинг олға силжиётгани билинарди. Қайиқчилар бир хилда, баб-баравар эшкакни босарди; Билимдон эса, рулга қорни билан ёпишиб олган, гоҳ ҳавога сапчир, гоҳ кеманинг у ёғидан бу ёғига бориб келарди. Четдан қаралса, худди алмисоқдан қолган узун оёқ бир махлуққа одамлар миниб олиб, баъзан босинқираш вақтида тушга кирадиган энг совуқ, мусофир юртга сузиб кетаётганга ўхшайди.

Толзорлардан ўтиб очиқликка чиқишди. Нариги қирғоқдагилар эшкакларнинг тарақ-туруғи ва шалоплаганини эшитиб: «Тезроқ! Тезроқ!» деб бақирарди. Ун минутча вақт ўтди, кема гурс этиб, ўзини пристанга уриб тўхтади.

— Ёгавераркан, ёгавераркан!— деб гўлдиради Семён, юзига ёпишган қорни артаётди.— Мунча қор қаёқдан келади, ҳайронсан киши!

Нариги тарафда озғингина, паст бўйли, тулки пўстин ва барра телпак кийган чол кутмоқда эди. Чол отларидан

нарироқда қимирламай турарди, афтидан худди бирон нарсани ўйлаб, тополмагани учун ўз эсига жаҳл қилган одамдай, қовоғи солиқ ва хаёлга чўмган эди. Семён унинг ёнига бориб, теллагини олиб салом бергач, у гапирди:

— Анастасьевка қишлоғига боришим зарур. Қизим яна оғирлашди. Анастасьевкага янги доктор тайинланган дейишади.

Аравасини кемага судраб чиқаришди ва орқага қайтишди. Семён «Василий Сергеевич» деб атаган бу одам, кема бериги томонга сузиб ўтгунча қимирламади, қалин лабларини маҳкам юмган, кўзларини бир нуқтага тикиб олган эди; ямшчиги унинг ҳузурида тамаки чекмоқ учун ижозат сўраганини ҳам эшитмади шекилли, бир оғиз жавоб бермади. Семён бўлса, рулга ётиб олиб, унга мазақ қилгандай илжайар ва дерди:

— Сибирда ҳам яшаш мумкин. Мум-кин!

Билмадим, худди бирон нарсани исботлаб берган, худди айтган нарсаси тўғри келган одамдай суюнар ва мағрурланарди. Афтидан у, тулки пўстин кийган одамнинг бахтсизлигидан, ноилож қолганидан роҳатланаётгандай бўларди.

— Йўллар жуда лой, Василий Сергеевич,— деди у, қирғоққа чиқиб отлар аравага қўшилаётганда — Яна бирикки ҳафта сабр қилсангиз, ерлар қурирди. Бир ҳисобда, сира бормаганингиз маъқул. . . Борган билан нафи бўлса экан, ўзингизга маълум, одамлар қадимдан бери кечаю кундуз зир югуриб, докторга қатнашади, барибир, фойдаси йўқ. Рост гап!

Василий Сергеевич индамасдан ароқ пули берди-да, аравасига ўтириб кетаверди.

— Ана, докторга кетди!— деди Семён, совуқдан жунжиб.— Ҳе, чўлда шамолга етиб бўлмайди, шайтонни думидан тутиб бўлмайди, чинакам докторни топиб бўлибди! Хўп лақмалар бор-да, худо-эй, гуноҳкор бандангни ўзинг кечиргайсан!

Татар йигит Билимдон ёнига келиб, унинг башарасига нафрат билан жирканиб қаради; аъзойи баданини қалтироқ босиб, ўзи чала билган рус тилига татарча сўзларни аралаштириб, ғазаб билан гапира бошлади:

— У яхши. . . Бик яхши, а сен — ёмон! Сен ёмон! Бариннинг кўнгли тоза, у — одам, сен ҳайвонсан, сен ёмонсан! Барин тирик одам, лекин, сен мурдасан. . . Оллоҳ инсонни тирик яратган, хурсанд ҳам бўлсин, хафа ҳам

бўлсин, қайғуни билсин деган, сен бўлсанг, ҳеч нарса керак эмас, дейсан, демак, сен тирик эмассан, тошсан, тупроқсан. Тошга ҳам ҳеч нарса керак эмас, сенга ҳам... Сен тошсан, шунинг учун оллоҳ сени севмайди, лекин баринни жуда яхши кўради.

Ҳаммаси кулишди; йигит жиркангандай юзини ўгирди ва қўлини силтади, сўнгра увадаларига ўралиб, гулхан ёнига кетди. Қайиқчилар билан Семён чувалашиб уйга киришди.

— Ҳууу, совуқ!— деб хириллади бир қайиқчи ва зах ерга тўшалган похолга чўзила кетди.

— Ҳа, совуқ!— деб тасдиқлади иккинчиси.— Каторга ҳаёти шу-да!..

Ҳаммаси ётишди. Шамол эшикни очиб юборди, уйга қор учқунлари кира бошлади. Биронтаси туриб, эшикни ёпиб келай ҳам демади: совуқ кучли, эринчоғлик ундан зўр эди.

— Меники маза!— деди мудрай бошлаган Семён.— Ҳамма ҳам мендай яшаса, худога шукур қилсин.

— Сен-ку, бадаргадан етти қайтган одамсан! Сени жин ҳам урмайди.

Ҳовли томондан ит ҳуришига ўхшаш овоз эшитилди.

— Бу нима? Бу ким бўлди?

— Татар йигит йиғлаяпти.

— Ҳа бечора... Эси йўқ-да!

— Урганиб кетади!— деди Семён ва ўша заҳотиёқ ухлаб қолди.

Сал ўтмай бошқалар ҳам ухлашди. Эшик очилганича қолаверди.

## Қ У Ш Н И Л А Р

Петр Михайлич Ивашин жуда диққат эди: унинг синглиси қиз боши билан хотинлик Власичга эргашиб кетди. У на уйда, на далада тинчлик бермаётган қаттиқ кўнгилсизликдан бир амаллаб қутулиш учун ҳаққонийлик туйғусини, ҳалол ва яхши эътиқодларини ёрдамга чақирарди — ахир у эркин муҳаббат тарафдори эди-да! Лекин бу кор қилмасди ва беихтиёр ўша нодон энага чиқарган хулосага келарди, яъни, синглиси яхши иш қилмади, Власич уни ўғирлаб кетди. Бу эса уни азобларди. Онаси куни бўйи ўз хонасидан чиқмас, энага пичирлаб гапирар ва оҳ урар, холаси ҳар куни кетмоқчи бўлар, чемоданларини гоҳ даҳлизга чиқаришар, гоҳ яна уйга олиб кириб кетишарди. Уй, ҳовли ва боғдаги жимлик ўлик ётган уйдаги жимликка ўхшарди. Петр Михайличнинг назарида холаси ҳам, оқсоч хотин ва ҳатто мужиклар ҳам унга таажжубланиб қарар, «Синглингни йўлдан уриб кетди, сен нега ҳаракатингни қилмайсан?» деяётганга ўхшарди. Петр Михайлич қанақа ҳаракат қилиш кераклигини билмаса ҳам, ўзини бўшангликда айблар эди.

Шу тарзда олти кун ўтди. Еттинчи куни — якшанба эди — обеддан сўнг бир отлиқ хат олиб келди. Адрес хотин кишининг таниш қўли билан ёзилган эди: «Олижа. хоним Анна Николаевна Ивашинага». Петр Михайличга негадир хатнинг сиртида ҳам, ҳарфларнинг ёзилишида ҳам, «Олижаноб» сўзининг чала қолдирилишида ҳам алланечук ғашга тегувчи олифталик ва либераллик бордай туюлди. Аёллар эса либерал бўлса ҳам ўжар, букилмас ва бераҳм либерал бўлади. . .

«Синглим ўлимга рози бўлса бўладики, шўрлик онамга ён бермайди, ундан кечирим сўрамайди» деб ўйлади Петр Михайлич ичида, хатни онасига элтар экан.

Она кийимларини кийган ҳолда ўринда ётарди. Ўғли-ни кўриб қаддини чаққон кўтарди ва қалпоқча тагидан чиқиб кетган оппоқ сочини тузата-тузата, шошиб сўради:

— Нима гап? Нима гап?

— Юборипти,— деди ўгли унга хатни узатиб.

Уйда ҳеч ким Зинанинг исмини, ҳатто «у» деган сўз-ни тилга олмасди; Зина ҳақида гапиришса «юрипти», «кетди» деб назар-писанд қилмай гапиришарди. . . Она қизининг хатини таниши билан юзи хунуклашиб, ёқимсиз тус олди, оқ сочи эса яна қалпоқча тагидан чиқиб кетди.

— Йўқ!— деди у ва хат бармоқларини куйдиргандай қўлини силтаб тортиди.— Йўқ, йўқ, ҳеч вақт! Ҳеч қанақа-сига!

Она қайғу ва номусга чидай олмай чинқариб йиғлади; афтидан у хатни ўқигиси келар, лекин ғурур йўл бермасди. Петр Михайлич хатни ўзи очиб бериши кераклигини тушуниб турарди, лекин бирдан унинг қалбини мисли кўрилмаган кучли ғазаб қоплади, у чопиб ҳовлига чиқди ва хат келтирган отлиққа қараб қичқирди:

— Бориб айт, жавоб берилмайди! Жавоб бермаймиз! Бор, айт, ҳайвон!

Шундай деб хатни йиртиб ташлади: кейин кўзларига ёш келди, ўзини бераҳм, гуноҳкор ва бахтсиз ҳис қилиб далага чиқиб кетди.

У энди йигирма саккизга қадам қўйган, лекин ҳалитдан семириб кетган, чолларга ўхшаб кенг-мўл кийимлар кияр ва нафас қисш касалига йўлиққан эди. Унда кекса бўйдоқ помешчикнинг ҳамма нишоналари бор эди. У ошиқ бўлмас, уйланишни хаёлига ҳам келтирмас, фақат онасини, синглисини, энагани ва борбон Васильични яхши кўрар, тўйиб овқат ейишни, обеддан кейин ухлашни, сиёсат ва олий материялар ҳақида гаплашишни севар эди. . . У бир вақтлар университетни тамомлаганди, лекин ҳозир буни ўн саккиздан йигирма беш ёшгача бўлган йигит учун муқаррар мажбурият деб ҳисоблайди. Зотан ҳозир ҳар куни хаёлида кезиб юрган фикрлар университет ва унда ўтилган фанларга сира алоқадор эмас эди.

Далада ҳаво ёмғир ёғадигандай иссиқ ва жимжит эди. Ўрмон буғланар, қарағайдан ва барг чириндиларидан хушбўй ҳид димоққа уриларди. Петр Михайлич тез-тез тўхтар ва пешона терини артарди. У ўзининг кузги ва кўк-ламги буғдойларини, бедапоясини айланиб чиқди, ўрмон ёқасидаги ялангликдан икки марта какликни жўжалари



билан учириб юборди; бу орада нуқул ўзининг чидаб бўлмас даражадаги оғир аҳволи узлуксиз давом этиши мумкин эмаслиги, нима биландир бартараф қилиниши зарурлигини, аҳмоқона, ваҳшиёна бартараф этилса ҳам, ишқилиб, албатта, бартараф қилиниши керак, деб ўйларди.

«Лекин, қандай қилиб? Нима қилиш керак?» деб сўрарди ўзидан. У осмон ва дарахтларга ёрдам сўраб ёлворгандай қараб қўярди.

Бироқ осмон ва дарахтлар жим эди. Тўғри эътиқодлар ёрдам бермас, идрок эса бу азобли масалани фақат аҳмоқона ечиш мумкин, бугунги отлиққа қилинган муомала бу соҳадаги охирги воқиа эмас, дерди. Яна нималар бўлади — ўйлаш ҳам даҳшатли эди!

У уйга қайтаётганда офтоб ботиб борарди. Унинг назарида энди масалани ечиш ҳеч мумкин эмас; юз берган воқиага чидаб бўлмайди, лекин муросага келмаслик ҳам мумкин эмас, ўрта йўл йўқ эди, у катта йўлда шляпасини ечиб рўмолчаси билан пашша қўриб келар эди. Уйига икки чақиримча масофа қолганда орқадан қўнғироқ товуши эшитилди. Жуда усталлик билан ғалати қилиб тартиб берилган қўнғироқчалар ва шиқилдоқчалар шишадай овоз берарди. Бунақа жангир-жунгир билан фақат бир киши — мол-дунёсини совурган, дармондан қолган собиқ гусар офицери ва Петр Михайличларнинг узоқ қариндоши исправник<sup>1</sup> Медовский юрар эди. У Ивашинлар билан қалин эди, Зинага оталарча меҳр қўйиб, тасанно ўқирди. У Петр Михайличга етиб олиб:

— Мен сизларникига боряпман, аравага чиқинг,— деди.

У жилмаяр ва қувноқ кўринарди, афтидан Зинанинг Власичга эргашиб кетганини ҳали билмасди; балки унга хабарини етказган бўлишса ҳам ишонмагандир. Петр Михайлич қийин аҳволга тушиб қолди.

— Хуш кўрдик,— деб минғирлади у ва йиғлагудай бўлиб, қандай ёлғон гапиришни билмай қолди.— Жуда хурсандман,— деди у кулимсирашга ҳаракат қилиб,— лекин... Зина уйда йўқ, онам касал.

— Қандай кўнғилсизлик!— деди исправник, Петр Михайличга ўйчанлик билан назар ташлаб.— Мен бугун оқшомни сизларникида ўтказмоқчи эдим. Зинаида Михайловна қаёққа кетди?

---

<sup>1</sup> Исправник — Чоризм даврида уезд полиция бошлиғи.

— Синицинларникига, у ёқдан монастирга ўтмоқчи эди, шекилли. Тагин қаёққа, билмайман.

Исправник яна бир-икки оғиз гапиришди-ю, қайтиб кетди. Петр Михайлич уйига қараб келар экан, исправник ҳақиқатни билганда нималар дейишини ўйлаб ваҳимага тушди. Петр Михайлич шу ҳисларни кўз олдига келтирди ва ўзи уларни бошидан кечираётгандай бўлиб уйга кирди.

«Худо, ўзинг мадад бер...» деди у ичида.

Ошхонада фақат холаси кечки чойни ичиб ўтирарди. Унинг юзида одатдаги ифода бор эди: у ожиз, ҳимоясиз хотин бўлса ҳам, лекин ҳеч кимга ўзини хўрлатмас эди. Петр Михайлич столнинг нариги четига ўтирди (у холасини ёқтирмасди) ва индамай чой ича бошлади.

— Онанг бугун ҳам обед қилгани йўқ,— деди холаси.— Сен, Петруша, шунга эътибор берсанг бўлар эди. Қиши ўзини очдан ўлдирса ҳам қайғуси енгиллашмайди.

Холаси бошқаларнинг ишига аралашаётгани ва кетишкетмаслигини Зина воқнасига боғлагани Петр Михайличга бемаъни туюлди. У холасига қўпол бир гап айтгиси келди-ю, лекин ўзини босди. Ўзини босар экан, ҳаракат қилишга қулай пайт келганини, энди чидашга тоқати қолмаганини ҳис қилди. Ё ҳозироқ ҳаракатга келиши керак, ёки полга ағнаб бақриши ва бошини ерга уриши керак. У Зина билан Власични, ўзларидан либералларча мамнун қиёфада аллақайси дарахт тагида ўпишаётган ҳолда кўз олдига келтирди, етти кундан бери кўнглида тўпланаётган оғир ғазаб Власичга қарши ёпирилди.

«Биров синглимни йўлдан оздириб, ўғирлаб кетди,— деб ўйлади у,— иккинчи биров келиб онамни чавақлаб кетади, учинчиси уйимга ўт қўяди ёки бор буд-шудимни талайди... Яна ҳаммаси дўстлик, юксак ғоя ва азоб ниқоби остида қилинади!»

— Йўқ, бу кетмайди!— деб Петр Михайлич бирдан қичқирди-да, муштумини столга урди.

У ирғиб турди ва ошхонадан югуриб чиқди. Отхонада бошқарувчининг эгарланган оти турар эди. Шу отга минди-ю, Власичникига чоптириб кетди.

Унинг юрагида бўрон турган эди. У ақл бавор қилмайдиган бир иш қилишга эҳтиёж сезар, бунинг оқибатидан бир умр пушаймон бўлиб юрсам ҳам майли, дерди. Власични разил деб атасин-у, бир шапалоқ уриб, дуэлга чақирсинми? Лекин Власич дуэлга чиқадиган одамлардан эмас. Разил дегани ва бир шапалоқ ургани билан у

фақат аввалгидан бахтсизроқ бўлади ва баттар, индамас бўлади. Энг эпақага келмайдиган оғир одамлар, мана шу бахтсизлар ва индамаслардир. Буларга жазо йўқ. Бахтсиз одамни ҳақли равишда уришганингда, ўзининг ичига ботиб кетган айбли кўзлари билан қараса, касалдай кулум-сираса ва бошини калтакка тутиб берса, бориб турган ҳаққонийлик ҳам унга қўл кўтаролмай қолади.

«Барибир. Синглимнинг олдида уни қамчилайман ва юзига дағал гаплар айтаман» деб жазм қилди Петр Михайлич.

У ўзига қарашли ўрмон ва ялангликлардан ўтиб боради, Зина ўз гуноҳини оқлаш учун аёллар ҳуқуқи, шахс эркинлиги, черков ва гражданлик никоҳи орасида ҳеч қандай фарқ йўқлиги ҳақида гапиришини тасаввур қиларди. Зина ўзи тушунмайдиган нарсалар тўғрисида аёлча баҳс очади. Ниҳоят акасида сўраса керак: «Сенинг нима ишинг бор? Менинг никоҳимга аралашингга нима ҳақинг бор?»

— Ҳа, менинг ҳақим йўқ,— деб гўлдуради Петр Михайлич.— Лекин шуниси яхши... Қанчалик қўпол чиқса, қанчалик ҳуқуқим кам бўлса, шунчалик яхши.

Ҳаво дим эди. Чивинлар булутдай ер бағирлаб учар, ялангликда қизғиш деган қуш нола қилар эди. Ҳамма нарса ёмғирдан дарак берар, лекин осмонда бир парча ҳам булут кўринмасди. Петр Михайлич ўзининг уватидан ўтгач, тўғри ва текис даладан от қўйиб кетди. У бу йўлдан кўп юрганди, ундаги ҳар бир бутани, ҳар бир чуққурчани биларди. Ҳозир ғира-шира қоронғиликда узоқдан қора қояга ўхшаб кўринаётган нарса қизил черков эди; у бу черковнинг ҳамма тафсилотларини, ҳатто дарвоза сувғини, ҳовлисида доим ўтлаб юрадиган бузоқларни кўз-олдига келтира оларди. Черковдан бир чақиримча ўнгроқда дарахтзор қорайиб кўринади — бу граф Котловичники. Дарахтзорлардан ўтгандан кейин Власичнинг ери бошланади.

Черков ва граф дарахтзорининг нариёғидан ним ранг чақмоқ чақа-чақа баҳайбат қора булут чиқиб келди.

«Ҳа мана бу ёқда экан-да!— деди Петр Михайлич.— Худоё ўзинг мадад бер, ўзинг қўлла».

От жадал юршидан тезда чарчади, Петр Михайличнинг ўзи ҳам чарчаб қолди. Момақалдиروқдан дарак бериб келаётган булут унга хўмрайиб қарар, гўё уйингга қайт деб маслаҳат берарди. У бир оз ваҳимага тушди.

«Мен уларнинг ноҳақ эканликларини исботлаб берман!— деди ўзи-ўзига далда бериб.— Улар буни эркин муҳаббат, шахс эркинлиги дейишади; лекин, ахир, эркинлик — ўзини тийишда-ку, эҳтиросларга бўйсунишда эмас. Уларники эркинлик эмас, бузуқчилик!»

Мана, графнинг катта ҳовузи; булутдан кўкариб, хунук бўлиб кетибди; ундан нам ва балчиқ ҳиди эсди. Хола ётқизилган ботқоқ йўл бўйида иккита тол — бири ёшу, иккинчиси кекса, бир-биринга нафис суюниб турарди. Бундан икки ҳафта бурун худди мана шу ерда Петр Михайлич ва Власич паст товуш билан «Севмаслик — ёш умрни хазон қилишдир» деган студентлар ашуласини айтишганди. Ярамас ашула!

Петр Михайлич дарахтзордан ўтаётганда момақалди-роқ гумбурлар, дарахтлар шамолдан эгилар ва шовулларди. Шошилиш керак эди. Дарахтзордан Власичнинг мулкигача ўтлоқдан бир чақиримдан ортиқ йўл босиш керак эди. Бу ердаги йўлнинг ҳар икки томонида кекса қайинлар бор эди. Улар худди ўз эгаларига ўхшаган ғамгин ва бахтсиз кўринар, эгалари сингари узун ва ингичка эди. Қайин, ўт-ўланлар йирик ёмғир томчиларидан шатиришутур қила бошлади; шамол бирдан тўхтаб, ҳўл ер ва терак ҳиди анқиди. Ҳу, ана, Власичнинг сариқ акацияли ёғоч панжараси кўринди: акация ҳам узун ва ингичка эди. Панжара қулаган жойдан қаровсиз қолган мезазор боғ кўрниниб турарди.

Петр Михайлич энди шапалоқни ҳам, хивични ҳам ўйламмас, Власичникида нима қилажагини ҳам билмасди. У қўрқиб қолди. У ўзидан ҳам, синглисидан ҳам ҳавотир олди, ҳозир уни кўришни ўйласа, эти жунжиб кетарди. У акасининг олдида ўзини қандай тутади? Ака-сингил нима деб гаплашади? Фурсат борида орқасига қайтиб кетаверса-чи? Шу хаёллар билан липа йўлкаси бўйлаб Власичникига томон от чоптирди, тарвақайлаб ўсган сирень тупларини айланиб ўтди ва бирдан Власичга кўзи тушди.

Чит кўйлак, баланд қўнжли этик кийган бошяланг Власич ёмғирдан қаддини букиб уй бурчагидан эшикка қараб борар, унинг орқасидан болғача билан бир қути мих кўтарган хизматкор келарди. Афтидан шамол дераза қопқоғини синдирган-у, булар ҳозир шуни тузатиб келишяпти. Власич Петр Михайлични кўриб тўхтади.

— Узингмисан?— деди у кулумсираб.— Яхши бўлди-да.

— Ҳа, келдим, кўриб турибсан. . . — деди Петр Михайлич секин, икки қўллаб кийимининг ҳўлини қоқар экан.

— Соз бўлди-да. Жуда хурсандман,— деди Власич, лекин қўл бермади: афтидан журъат этолмас ва Петр Михайличнинг қўл беришини кутар эди.— Сулига яхши бўлди,— деди у ва осмонга қараб қўйди.

— Ҳа.

Индамай уйга киришди. Даҳлизнинг ўнг томонида бошқа бир даҳлизга ва залга йўл бор, чап томондаги йўлакдан қишда гумашта турадиган кичкина хонага ўтиларди. Петр Михайлич билан Власич шу кичик хонага кирдилар.

— Ёмғирга қаерда йўлиқдинг?— деб сўради Власич.

— Яқин жойда. Уйга етай деганда.

Петр Михайлич кроватга ўтирди. У ёмғир шовқинидан ва уй қоронғилигидан хурсанд эди. Шуниси яхши: унча ваҳима ҳам босмайди, ҳамсуҳбатининг юзига ҳам қараш шарт эмас. Ҳозир у жаҳлдан тушган, қалбида фақат қўрқув ва ўзидан норозилик ҳисси қолганди. У ишнинг ёмон бошланганини, бу келишидан ҳеч натижа чиқмаслигини сезиб турарди.

Иккови ҳам бирпас жим қолиб, гўё ёмғир шовқинига қулоқ солган бўлишди.

— Раҳмат, Петруша,— деб йўталиб гап бошлади Власич.— Келганинг учун сендан жуда миннатдорман. Бу қилганинг ҳимматли ва олижаноб кишининг иши. Мен буни тушунаман ва, гапимга ишонки, жуда қадрлайман. Гапимга ишон.

У деразага бир қараб қўйди-ю, уйнинг ўртасида туриб давом этди:

— Худди биз сендан сир тутгандай ҳаммаси яширин бўлиб кетди. Сени хафа қилиб қўйдикмикин, аччиғланиб юрибсанмикин, деган ўй шунча кундан бери бахтимизга доғ бўлиб келяпти. Энди ўзимни оқлашга рухсат бер. Бизнинг яширин иш қилганимиз сенга ишончимиз камлиги сабабли эмас. Аввало, ҳаммаси аллақандай илҳом кучи билан бирга бўлиб кетди, фикр юритиб ўтиришга фурсат бўлмади. Иккинчидан, бу ўзи нозик, сирли иш. . . Учинчи бир шахсни. . . сендай яқин кишини ҳам аралаштиришга юрак бетламади. Энг муҳими, биз бу ишларда сенинг олий ҳимматлигинга катта умид боғлаган эдик. Сен жуда ҳимматли, жуда олижаноб одамсан. Мен сендан беҳад

миннатдорман. Агар бирор кун сенга менинг жоним керак бўлса, келиб бемалол олавер.

Власич йўғон, паст товуш билан дўриллаб, бир маромда гапирар эди; у, афтидан, ҳаяжонланарди. Петр Михайлич энди ўзининг гапириши кераклигини сезди, чунки бу гапларни индамай эшитавериш, мен: чиндан ҳам энг ҳимматли ва энг олижаноб содда дилман, дейиш билан баробар, унинг эса бу ерга келишдан мақсади бошқа. У тез ўрнидан турди-ю, овозини пасайтириб, нафаси қайтиб гапира кетди:

— Менга қара, Григорий, мен сени яхши кўрардим, синглимга сендан ортиқ эр истамасдим, лекин бу қилган ишларинг даҳшатли! ўйлаш ҳам қўрқинчли!

— Нега энди қўрқинчли? — деб сўради Власич, овози қалтираб.— Агар биз бирон ёмонлик қилсак қўрқинчли бўлар эди, биз ундай қилганимиз йўқ-ку!

— Менга қара, Григорий, биласан, мен мутаассиб эмасман; лекин, бетга айтганинг заҳри йўқ, икковларинг ҳам худбинлик қилдинглар. Мен, албатта, Зинага айтмайман, хафа бўлади, лекин сен билишинг керак: онам шунчалик азоб чекаптики, айтиб адо қилиб бўлмайди.

— Ҳа, буниси қайғули,— деди Власич чуқур нафас олиб.— Биз шундай бўлишини билган эдик, Петруша, лекин қандоқ қилайлик? Агар бир одамнинг қилмиши бошқа бир одамга озор берса, фақат шу сабабли бу қилмишни ёмон деб бўлмайди. Илож қанча! Ҳар бир жиддий қадминг кимнидир албатта ранжитади. Агар сен озодлик учун курашга чиқсанг, бу ҳам онанги азоблар эди. Илож қанча! Ўз яқинларининг ҳаловатини бошқа ҳамма нарсадан баланд қўйган одам ғоявий ҳаётдан воз кечиши керак.

Дераза орқасида чақмоқ ялтиллади, унинг кўз қамаштирувчи ёруғи гўё Власичнинг фикр жараёнини ўзгартириб юборди. У Петр Михайличнинг ёнига ўтирди-ю, бутунлай бошқа нарсаларни гапира бошлади:

— Мен, Петруша, синглингга қаттиқ ихлос қўйганман,— деди у.— Мен ҳар сафар сизларникига борганда ибодатхонага боргандай бўлардим, чиндан ҳам мен Зинага сажда қилар эдим. Энди менинг унга ихлосим кун сайин ортиб боряпти. У менга хотиндан юксак! юксак! (Власич қўл силкитди). У мен учун муқаддас одам. У меникига келгандан бери уйимга кирсам ибодатхонага киргандай бўламан. Синглинг — нодир, тенги йўқ, энг олижаноб аёл!

«Оббо, бадигини бошлади-ку!» деб ўйлади Петр Михайлич ичида; «аёл» сўзи унга ёқмаган эди.

— Чинакам никоҳдан ўта қолсанглар бўлмайдимиз?— деб сўради у.— Хотининг ажрашиш учун неча пул сўрайди?

— Етмиш беш минг сўм.

— Кўп-ку. Савдолашиб кўрсанг-чи?

— Бир тийин ҳам тушмайди. У жуда расво хотин, оғайни! — деди Власич уҳ тортиб.— Мен илгари у ҳақда сенга сира гапирмаган эдим, эслашга ҳам ҳазар қилардим, мана энди тўғри келиб қолди, эслаяпман. Мен унга жуда яхши, жуда олижаноб дамлар таъсирида уйланган эдим. Тафсилотларини билгинг келса, бизнинг полкдаги батальон командири ўн саккиз яшар бир қиз билан алоқа қилиб юрди, аниқроғи, қизни йўлдан оздириб икки ойча бирга яшади-ю, кейин ташлади. Қиз, дегин, оғайни, жуда даҳшатли аҳволга тушди. Ота-онасининг олдига қайтай деса бети чидамайди, қайтган билан қабул ҳам қилишмайди, хуштори ташлаб кетган, казармага бориб ўзини сотадиган бир кўйга тушди. Полкдаги ўртоқлар ҳаммаси ғазабланди. Ўзлари ҳам авлиёдай беғуноҳ эмаслар-ку, лекин бу разиллик кўзларига ботиб турар эди. Бундан ташқари ўша батальон командири полкда ҳамма жуда ёмон кўрар эди. Унинг ғашини келтириш учун, десанг, ҳамма норози прапорщиклар-у, подпоручиклар<sup>1</sup> қиз учун рўйхат билан пул йиға бошлади. Шундай қилиб, биз кичик офицерлар кенгашга йиғилдик, ҳар қайсимиз беш сўм-ўн сўмдан бераётганимизда менга бир фикр келиб, бошим қизиб кетди. Назаримда қаҳрамонлик кўрсатишга қулай пайт келган эди. Шошиб қизнинг олдига бордим ва қизнинг сўзлар билан ҳамдардлик билдирдим. Мен унинг олдига бораётганимда, унга гапираётганимда уни камситилган ва хўрланган бир қиз сифатида қаттиқ севар эдим. Ҳа... Оқибати шу бўлдики, бир ҳафта ўтгандан кейин мен унга таклиф қилдим... Бошлиқлар ва ўртоқларим менинг у қиз билан турмуш қуришимни офицерлик шайнига тўғри келмайди, дейишди. Бу ҳол мени баттар алангалантирди. Мен, десанг, узун бир хат ёзиб, қилган ишим полк тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилиши керак ва ҳоказо деб исботлашга уриндим. Албатта, жаҳл устида

---

<sup>1</sup> *Прапорщик, подпоручик* — Чор армиясида кичик офицерлик унвонлари. (*Тарж.*)

дағал гаплар ҳам айтганман. Полкдан чиқиб кетгин дейишди. Уша хатнинг асл нусхасини бир жойга тиқиб қўйган эдим, кейин сенга топиб бераман, ўқиб кўрасан. Зўр эҳтирос билан ёзилган. Қандай олижаноб, ёрқин минутларни бошимдан кечирганимни кўрасан. Отставкага чиқиб, хотиним билан бу ерга келдим. Отам ўлгандан кейин унча-мунча қарзи қолган экан, пулим йўқ эди, бунинг устига хотиним дастлабки кунларданоқ таниш ортдирди, зеби-зийнатга берилди, карта ўйнай бошлади, охири мулкимни гаровга қўйиб, қарз кўтардим. Хотиним, десанг, бузуқ чиқди, қўшнилариждан фақат битта сен унинг ўйнаши бўлмагансан, холос. Икки йилча ўтгандан кейин мен ундан воз кечдим, эвазига буди-шудимни тутқиздим-у, шаҳарга жўнатдим. Ҳа... Мана ҳозир йилига бир минг икки юз сўмдан юбориб тураман. Ярамас хотин! Билсанг агар, оғайни, бир хил пашша бор, ўргимчакнинг елкасига шундай уруғ ташлайдики, минг қилса ҳам итқитиб юборолмайди; уруғ ўргимчакнинг елкасида ўсиб кетади-ю, юрагидан қонини сўриб ётаверади. Шунга ўхшаб, бу хотин менга ёпишиб олиб, юрагимдан қонимни сўриб ётибди-да. Мен аҳмоқлик қилиб унга уйланганим учун мени кўрарга кўзи йўқ, мендан нафратланади. Менинг олижаноблигим унга пасткашлик бўлиб кўринади. «Ақлли одам мени ташлаб кетган эди, аҳмоқ менга уйланди» дейди. Унинг фикрича, мен қилган ишни фақат пасткаш бир тентак қилар эмиш. Бу мени жуда ҳам эзди, оғайни. Умуман, гап орасида айтай, оғайни, тақдир мени эгяпти. Ёйдай эгяпти.

Петр Михайлич Власичнинг гапларини эшитар экан, ҳайрон бўлиб, ўз-ўзидан сўрарди: бу одамнинг Зинага нимаси шунчалик ёққан экан? Еш эмас,— қирқ бирга кирган,— озгин, қотма, кўкраги тор, бурни узун, соқолига оқ тушган. Худди гувуллаётганга ўхшаб гапиради, касалдай кулумсиради, гапираётганда қўлларини бесўнақай қимирлатади. Соғлиғи ҳам яхши эмас, эркакча гўзал қилиқлари ҳам йўқ, киборлиги ҳам йўқ, хушчақчақ ҳам эмас, ташқи қиёфаси хунук, бетайин бир одам. Палапартиш кийинади, уй анжомлари кўримсиз, поэзия ва тасвирий санъатни «замон талабига жавоб бермайди» деб тан олмайди, яъни тушунмайди, музикадан таъсирланмайди. Хўжайин сифатида ҳам ёмон. Мулки бутунлай издан чиққан ва гаровга қўйилган; иккинчи марта гаров қўйиб кўтарган қарзи эвазига ўн икки процентдан ижара



тўлайди, бундан ташқари, вексель бериб ўн минг сўмча қарз олган. Процент тўлаш ёки хотинига пул юбориш вақти келса, уйига ўт тушган кишидек ҳовлиқиб, ҳаммадан қарз сўрайди, бундай пайтларда кўзини чирт юмиб, бир қишлик ўтинини беш сўмга, бир ғарам похolini уч сўмга сотади-ю, қишда боғ панжараси ёки эски парник рамасини ўтин ўрнида ишлатишни буюради. Унинг ўтлоқларини чўчқалар шудгор қилиб ташлаган, ўрмонидаги ниҳолларга мужиклар мол кўйиб юборган, кекса дарахтлари эса йил сайин камайиб боряпти; полизи ва боғида эски асалари қутилари, занглаган пақирлар тўнтарилиб ётибди. Унинг таланти ҳам, истездоди ҳам, ҳатто одамлар сингари ҳаёт кечириш учун оддий уқуви ҳам йўқ. Амалий ишларда кучсиз ва содда, уни алдаш ва хўрлаш осон, шунинг учун ҳам мужиклар унга «гўл» деб ном беришган.

У — либерал, уездда қизил деб ном олган, лекин унинг либераллиги ҳам ёқимсиз. Унинг эркин фикр юритишида ҳам оригиналлик ва пафос йўқ; унинг ғазabi ҳам, норозилиги ҳам, шодлиги ҳам бир хилда, — бўш ва бетаъсир. Ҳатто баланд руҳ билан гапирётганида ҳам бошини кўтармай, букчайиб туради. Лекин энг ёмони — у ўзининг яхши, олижаноб ғояларини ҳам шундай зерикарли қилиб айтадики, улар сийқа ва қолоқ кўриниб кетади. У донишманд қиёфасига кириб умрининг олижаноб, порлоқ минутлари ва энг яхши йиллари ҳақида аста-аста гапирганда, ёки доим жамиятнинг олдинги сафида борган ва ҳозир ҳам бораётган ёшларга тасанно ўқиганда, ёки ўттиз ёшидаёқ *almae motris*<sup>1</sup>ларининг васиятини унутиб, халат кийиб оладиган рус кишиларини койиганда китобларда ўқиган эски нарсалар эса тушади. Кечаси уникада ётиб қолсанг, столча устига Писарев ёки Дарвин асарини кўяди. Агар буларни ўқиганман десанг, бориб Добролюбов асарини олиб келади.

Уездда бунга эркин фикр юритиш деб ҳисоблашар, лекин кўп одам бегуноҳ ва беозор тентаклик деб биларди; аммо бу эркинлик Власични қаттиқ бахтсизликка дучор қилганди. Ҳозиргина унинг ўзи айтган пашша ташлаган тухум худди мана шу нарса эди: унга маҳкам ёпишиб, юракдан қонини сўриб ётарди. Достоевскийнинг дидига мос ўтмишдаги никоҳ; чалкаш, бадҳарфлар ва

<sup>1</sup> Оқ сут берган она (тарбия берган мактаб) маъносида.

зўр туйғулар билан ёзилган узун хатлар ва уларнинг пухшалари; беҳисоб аниглашилмовчиликлар, изоҳлар, ноумидликлар, сўнгра қарзлар, иккинчи гаровнинг проценти, хотинига маош тўлашлар, ойлик қарзлар — бунинг ҳаммасидан на ўзига фойда бор, на бошқага. У ҳозир ҳам илгаридай нуқул шошилади, қаҳрамонлик кўрсатиш йўллари излайди ва бировларнинг ишига аралашади, ҳали ҳам қулай фурсат келди дегунча узун хатлар ёзади, улардан нусха кўчиради, қишлоқ жамоаси ёки ҳунармандчилик саноатини юксалтириш, ёки сир пиширадиган корхоналар таъсис этиш ҳақида узундан-узоқ шаблон гаплар гапирди. Бу гаплар бири-бирига шу қадар ўхшайдики, уларни гўё мияси билан эмас, аллақандай машина билан тайёрлаганга ўхшайди. Ниҳоят Зина билан бундай жанжалли ишга бош қўшди, ким билади бунинг охири нима бўлади!

Ваҳоланки Зина ёш, фақат йигирма икки ёшда,— келишган, танноз, хушчақчақ; қаҳқаҳлаб кулишни, гап сотишни, баҳслашишни, музика чалишни яхши кўради; кийим ва китоб танийди, уй анжомларини яхши хиллайди. У ўз уйида этик ва арзон баҳо ароқ ҳиди келаётган мана бунақа хоналарга ҳеч тоқат қилолмас эди. Зина ҳам либерал, лекин унинг эркин фикр юритиши кучли; ёш, бақувват ва ботир қизнинг шуҳратга интилиши, бошқалардан яхшироқ бўлиш ва ажралиб туриш эҳтироси сезилиб турарди... У қандай қилиб Власични севиб қолди?

«Бу Власич — Дон Кихот, ўжар мутаассиб, савдойи одам,— деб ўйларди Петр Михайлич.— Зина эса менга ўхшаган пўла, характери бўш, кўнгли юмшоқ... Биз акасингил кўп ўтмай қаршиликсиз таслим бўламиз. Зина уни севиб қолди. Мен ўзим-чи? Мен ҳам уни ҳамма камчиликларидан қатъий назар севаман-ку...»

Петр Михайлич Власични яхши, номусли, лекин йўлни тор оладиган, бир томонлама одам деб ҳисобларди. Унинг ҳаяжонларида ҳам, азобларида ҳам, боринги, бутун ҳаётида ҳам бирор яқин ё йироқ олий мақсад кўрмас, фақат диққатбозлик ва яшашга уқувсизлик кўрарди. Унинг фидокорлиги ҳам, ўзига қаҳрамонлик ва олижаноблик авжи бўлиб кўринадиган ишлари ҳам бекорчи куч сарфлашдай, жуда кўп порох исроф қиладиган пахтабанд ўқлардай тўюларди. Власич ўз тафаккурининг мислсиз ҳалоллиги ва бехатолигига мутаассибларча ишонар,

бу ҳам Петр Михайличга гўллик, ҳатто беморлик бўлиб кўринарди; у бир умр юксак ва паст нарсаларнинг бирини бошқасига алмаштириб юргани, аҳмоқона уйланишни қаҳрамонлик деб билгани, кейин бошқа бирор хотин билан танишса, буни аллақандай ғоянинг тантанаси деб ҳисоблагани — ҳаммаси тушуниб бўлмайдиган даражада чалкаш эди.

Лекин ҳар ҳолда Петр Михайлични яхши кўрар, унда қаңдайдир қувват сезар ва унга эътироз қилишга негадир ҳеч юраги бормасди.

Власич ёмғир шовқини ва қоронғиликдан фойдаланиб гап сотиш учун унга янада яқинроқ келиб ўтирди, уйланиш тарихига ўхшаган узун бир ҳикояни айтиб бермоқчи бўлиб йўталиб ҳам олди, лекин Петр Михайличнинг ҳикоя эшитадиган холи йўқ эди, у ҳозир синглиси билан кўришишни ўйларди.

— Ҳа, ҳаётда сенинг омадинг бўлмаган, — деди у мулоимлик билан, — лекин, кечирасан, гапимиз асосий мавзудан четга чиқиб кетди. Биз бошқа нарсани гапираётган эдик.

— Ҳа, ҳа, ҳақиқатан. Хўп, ана, асосий масалага келайлик, — деди Власич ва ўрнидан турди. — Мен сенга айтдим, Петруша: бизнинг виждонимиз пок. Биз черковда никоҳ қилдирмадик, тўғри, лекин оиламиз тамомила қонуний — буни мен айтмасам ҳам ўзинг яхши биласан. Сен ҳам менчалик эркин фикр юритасан, худога шукур, бу масалада орамизда келишмовчилик бўлиши мумкин эмас. Бизнинг келажгимиз эса сени қўрқитмаслиги керак. Мен қора терга ботиб бўлса ҳам ишлайман, кечалари ухламасам ҳам майли, ҳуллас Зина бахтиёр бўлиши учун бутун кучимни сарфлайман. Зинанинг ҳаёти жуда яхши бўлади. Бу қўлингдан келадими, деб сўрашинг мумкин. Қўлимдан келади, оғайни! Агар одам ҳар он бир нарсани ўйлайверса истаганини амалга ошириши қийин эмас. Хўп, Зинанинг олдига юр. Уни хурсанд қилайлик.

Петр Михайличнинг юраги гурсиллаб ура бошлади. У ўрнидан турди ва Власичга эргашиб уйдан залга ўтди. Бу каттакон қоронғу хонада битта фортепьяно ҳамда жез билан ишланган ва ҳеч ким ўтирмайдиган бир қатор эски стуллар турарди. Фортепьяно устида битта шам ёнарди. Улар индамай залдан ошхонага ўтишди. Бу хона ҳам кенг ва бесаранжом; унинг ўртасига олтига йўғон оёғи бор, икки табақали юмалоқ стол ўрнатилган. Бу уйда

ҳам фақат битта шам ёнмоқда. Шкафсимон катта қизил гилофдаги соат мили икки яримни кўрсатарди.

Власич қўшни хонанинг эшигини очиб чақирди:

— Зиночка, Петруша келди!

Шу заҳоти шошилинч қадам товушлари эшитилди ва ошхонага Зина кириб келди. У баланд бўйли, тўла гавдали, қора юбка ва қизил кофточка кийган, белига тўқаси катта тасма боғлаган, рангпар қиз эди, Петр Михайлич уйда охирги марта уни худди шу қиёфада кўрганди. Зина акасини бир қўли билан қучоқлади ва чеккасидан ўпди.

— Қандай момақалдироқ бўлди-я!— деди у.— Григорий қаёққадир кетиб қолди, мен уйда бир ўзим қолдим.

Зина ўнғайсизланмас, акасига уйдаги каби ёруғ юз билан самимий қарар эди. Буни кўриб Петр Михайлич ҳам ўнғайсизланмай қўйди.

— Сен момақалдироқдан қўрқмас эдинг-ку,— деди у, стулга ўтирар экан.

— Ҳа, лекин бу ердаги хоналар катта-катта, уй эски, момақалдироқ бўлганда идиш қўйилган шкафдай зириллайди. Умуман ёқимлигина уй,— деди Зина, акасининг қаршисига ўтириб.— Бу уйнинг қайси хонасини олма, албатта бирон ғалати хотираси бор. Менинг хонамда-чи, тасаввур қила оласанми, Григорийнинг буваси ўзини ўзи отган экан.

— Августда пул бўлади, боғдаги кичик уйни ремонт қилдираман,— деди Власич.

— Момақалдироқ вақтида негадир буваси эсимга келди,— деб Зина сўзида давом этди.— Мана бу ошхонада бўлса аллакимни уриб ўлдиришган экан.

— Бу бўлган иш,— деб тасдиқлади Власич ва ўзининг катта-катта кўзларини Петр Михайличга тикди.— Қирқинчи йилларда бу мулкни Оливьер деган бир француз ижарага олган. Қизининг расми ҳозир бизнинг чердагимизда ётибди. Яхшигина қиз. Менга отам айтиб бериб эди, ўша Оливьер русларни нодон деб ёмон кўрган ва раҳмсизлик билан таҳқирлаган. Масалан, агар поп унинг уйи олдидан ўтмоқчи бўлса, ярим чақирим наридан шапкасини олиб ўтишни талаб қилган, у оиласи билан қишлоқдан ўтаётганда черковнинг қўнғироқ чалиб туришини талаб қилган. Крепостной деҳқонларга, умуман бу дунёнинг фақирларига бундан ҳам қаттиқ зулм қилган. Бир кун рус ерининг энг ҳимматли саргардонларидан бири шу ердан ўтиб қолган. Гоголнинг Хома Брутига ўхшаган бир

бурсак<sup>1</sup> экан, бир кечага жой сўрабди, кейин гумашталарга ёқиб қолибди-ю, идорага ишга кирибди. Ҳар хил нақл бор. Бировлар бурсак деҳқонларни қўзғотган дейди, бошқалар уни Оливьернинг қизи яхши кўриб қолган дейди. Қайсиси рост, билмайман, ишқилиб бир кун кечқурун уни Оливьер шу ерга чақириб келиб сўроқ қилган, кейин калтаклатган. Биласанми, ўзи мана бу стулда Бордо виносидан ичиб ўтирган, мана бу ерда отбоқарлар бурсакни калтаклаган. Кўп азоб берган бўлса керак, калтак зарбидан бурсак эрталаб ўлибди, жасадини қаёққадир яширишибди. Қолтовичнинг ҳовузига ташлатган деган гап бор. Жавобгарликка тортадиган бўлишган, лекин француз керакли одамларга бир неча минг пора берган-у, Эльзасга кетган. Бунинг устига ижара муҳлати ҳам тугаган, шу билан иш босилиб кетган.

— Қанақа муттаҳамлар-а!— деди Зина ва титраб кетди.— Отам Оливьерни ҳам, унинг қизини ҳам яхши танир эди. Қизи жуда гўзал, бунинг устига ғалати табияти бор эди девди. Менимча бурсак ҳам деҳқонларни қўзғатган, ҳам қизни ўзига эл қилган. Балки у бурсак эмас, қандайдир бир сирли киши бўлгандир.

Зина ўйланиб қолди: бурсак ва чиройли француз қизининг тарихи унинг хаёлини узоққа олиб кетган бўлса керак. Петр Михайличнинг назарида, сингlisi бир ҳафтадан бери сира ўзгармабди, фақат юзи аввалгидан кўра рангпарроқ, холос. У худди акаси билан бирга Власичникига меҳмон бўлиб келгандай бемалол ва осойишта қарарди. Лекин Петр Михайлич ўзида қандайдир ўзгариш юз берганини сезарди. Чиндан ҳам, у илгари уйда сингlisi билан истаган мавзуда гаплашаверар эди, энди эса оддийгина бир савол беришга — «бу ерда қандай яшайпсан?» деб сўрашга ҳам журъат қилолмайди. Бу савол ўнғайсиз ва кераксиз туюладиганга ўхшади. Афтидан, сингlicида ҳам шунга ўхшаш ўзгариш юз берган бўлса керак. У онаси, уйи ва ўзининг муҳаббати ҳақида Власичга гап очмас, ўзини оқламас, гражданча никоҳ диний никоҳдан афзал демас, ҳаёжонланмас, хотиржамлик билан Оливьер воқиаси ҳақида ўйланиб ўтирарди... Қизиқ, нега тўсатдан Оливьерлар тўғрисида гап очилди?

— Ёмғирда икковингнинг ҳам елкаларинг ҳўл бўлибди,— деди Зина ва қувониб кулумсиради. У акаси билан

<sup>1</sup> Бурсак — Чор Россиясидаги диний мактаб ўқувчиси.

Власич орасидаги шу кичик ўхшашликдан қаттиқ таъсирланганди.

Шу пайт Петр Михайлич ўзининг қайғули ва даҳшатли бир аҳволда қолганини чуқур ҳис қилди. У бўшаб қолган уйни, ёпиб қўйилган роялни, Зинанинг энди ҳеч ким кирмайдиган ёп-ёруғ уйчасини кўз олдига келтирди, энди боғдаги йўлакларда кичкина оёқ излари йўқ, кечки чой олдидан ҳеч ким, қаҳ-қаҳ уриб чўмилишга кетмайди. Петр Михайлич ёшлигидан меҳр қўйган, баъзан дим синфда ёки аудиторияда ўтириб ўйлашни севадиган, уйни ҳаёт ва нурга тўлдириб юрган аниқлик, поклик, шодлик — ҳаммаси Зина билан бирга қайтиб келмайдиган бўлиб кетди, йўқолди, аллақандай батальон командири, ҳимматли пропоршчик ва бузуқ хотин тарихига, ўзини ўзи отган чол воқиасига аралашди. . . Шу аҳволда онасидан гап очиб, Зинани ўтмишга қайтараман дейиш, ўз-ўзидан аниқ нарсани тушунмаслик бўлар эди.

Петр Михайличнинг кўзи ёшга тўлди, столга қўйиб турган қўли эса қалтиради. Зина унинг нима ҳақда ўйлаётганини пайқади, Зинанинг кўзи ҳам қизариб, йилтираб кетди.

— Григорий, бу ёққа кел,— деди у Власичга.

Иккови деразанинг олдига бориб нима ҳақдадир шивирлашди. Власичнинг Зина томон эгилганини ва Власичга қараганини Петр Михайлич кўриб, ҳамма нарса узилкесил ҳал бўлганини, энди ҳеч қанақа гапнинг ҳожати йўқлигини яна бир марта тушунди. Зина ташқарига чиқди.

— Шунақа, оғайни,— деди Власич бироз жимликдан сўнг қўлларини ишқаб ва кулимсираб.— Мен боя бизнинг ҳаётимизни бахт деган эдим, лекин ўшанда одоб талабларига бўйсуниб айтгандим. Аслида эса ҳали бахт туйғулари бўлган эмасди. Зина нуқул сен, онанг тўғрисида ўйлаб азобланади, унга қараб мен ҳам азобланаман. Зина табиатан эркин, ботир-у, лекин, биласан, ўрганмагандан кейин қийин, бундан ташқари ҳали ёш. Хизматкор хотин уни ойимқиз деб атайти, арзимаган гапга ўхшайди-ю, лекин шу ҳам унга таъсир қилган. Шунақа, оғайни.

Зина бир тарелка тўла маймунжон келтирди. Унинг ортидан кўринишидан мўмин ва ғариб оқсоч хотин кирди, стол устига бир хурмача сут қўйди-да, икки букилиб таъзим қилди. . . Унинг нимасидир шу эски жиҳозларга ўхшар, у ҳам жиҳозлар сингари зерикарли ва унсиз кўринарди.

Ёмғир эшитилмай қолди. Петр Михайлич маймунжон ер, Власич билан Зина эса унга индамай қараб қўйишарди. Кераксиз, лекин муқаррар гапни айтиш фурсати яқинлашар, учови ҳам унинг қийноғини олдиндан ҳис қиларди. Петр Михайличнинг кўзи яна ёшга тўлди; у тарелкани нари суриб, энди уйга қайтиши кераклигини, бўлмаса кеч кириб, яна ёмғир ёғиб қолишини айтди. Зина одоб юзасидан уйдагиларни сўраши ва ўзининг янги ҳаёти ҳақида гапириши зарур бўлган минутлар келди.

— Уйда нима гап?— деди у тез ва рангпар юзи титради.— Ойим қалай?

— Ойимни ўзинг биласан...— деди Петр Михайлич унга қарамай.

— Петруша, сен бу воқиа тўғрисида кўп ўйлагансан,— деди Зина акасининг енгидан ушлаб. Акаси унга бу гапларни айтиш нақадар оғир эканини англади.— Сен кўп ўйлагансан; менга айт, ойим бир вақт келиб Григорий билан... умуман бу аҳвол билан келиша олармикин?

Зина акасига юзма-юз ва жуда яқин турар, Петр Михайлич унинг гўзаллигини ва бу гўзалликни шу вақтгача сезмаганига таажжубланди; юзи ойиларига ўхшайдиган шу нозик, чиройли синглисининг Власичникида қолиши, гаранг оқсоч олдида, олти оёқли стол ёнида, бир вақтлар тирик одам уриб ўлдирилган уйда Власич билан бирга яшаши, ҳозир акасига қўшилиб уйга кетмаслиги ва шу ерда тунаб қолиши мисли кўрилмаган бир номаъқулчилик бўлиб кўринди.

— Ойимни ўзинг биласан...— деди у саволга жавоб бермай.— Менимча, роя қилиш... бирор нарса дейиш, ойимдан узр сўраш керакмикин...

— Узр сўрасам,— биз ёмон иш қилдик деб ёлғон айтган бўламан. Ойимни тинчителиш учун ёлғон гапиришим ҳам мумкин, лекин бундан ҳеч натижа чиқмайди. Мен ойимни биламан. Ҳа энди бўлганича бўлар!— деди Зина энг нохуш гапдан ўтиб олганига қувониб.— Беш йилми, ўн йилми, сабр қиламиз, у ёғини худо ўзи билади.

У акасининг қўлтиғидан олди ва қоронғи даҳлиздан ўтаётганда унинг елкасига суйкалди.

Зинапояга чиқишди. Петр Михайлич хайрлашиб отига минди ва аста йўлга тушди. Зина билан Власич уни бир оз кузатиб қўймоқчи бўлди. Ҳаво илиқ, атроф жимжит, хушбўй пичан ҳиди келарди; булутлар орасида юлдузлар чарақлаб турарди. Власичнинг кўп қайғули ҳодисаларни

кўрган эски боғи қоронғиликка бурканиб ётар, уни ора-  
лаб ўтиш негадир қайғули туюларди.

— Бугун обеддан кейин биз Зина икковимиз чинакам  
ёрқин дақиқаларни бошдан кечирдик!— деди Власич.—  
Мен Зинага муҳожирлик масаласига оид бир ажойиб ма-  
қола ўқиб бердим. Сен ҳам ўқи, оғайни! Ўқишинг шарт!  
Мақоланинг самимийлиги кишини қойил қилади. Мен  
ўзимни тута олмадим, авторга берилсин деб, редакцияга  
хат ёзиб юбордим. Фақат бир сатргина: «Миннатдорман,  
қўлларингизни самимий қаттиқ қисаман!».

Петр Михайличнинг «Марҳамат қилиб, бировларнинг  
ишига аралашма» дегиси келди-ю, лекин айтмади.

Власич ўнг узанги олдида, Зина эса чап узанги олдида  
борарди. Иккови ҳам уйга қайтишни унутганга ўхшарди,  
ваҳоланки Қолтовичнинг дарахтзорига яқин келиб қолиш-  
ган, ҳаво эса нам эди. Улар Петр Михайличдан нимадир  
кутар эди. Лекин нима кутаётганлари ўзларига ҳам маъ-  
лум эмаслигини сезиб, Петр Михайлич уларга бениҳоят  
қаттиқ ачинди. Ҳозир улар итоаткорона қиёфа билан от-  
нинг ёнида ўйчан борар экан, Петр Михайлич уларнинг  
бахтсиз эканлигига, бахтли бўлолмасликларига чуқур  
ишонди, уларнинг муҳаббатлари тузатиб бўлмайдиган  
қайғули хатога ўхшаб кўринди. Ачинганидан ва ҳеч қан-  
дай ёрдам беролмаслигини сезганидан қалби шундай бў-  
шашиб кетдики, бундай ҳолларда у оғир ҳамдардлик туй-  
ғусидан қутулиш учун ҳар қанча қурбон бўлса ҳам  
аямасди.

— Мен сизларникига тунагани келиб тураман,— деди у.

Лекин бу — ён беришга ўхшаб туюлди ва уни қаноат-  
лантирмади. Қолтовичнинг дарахтзори олдида тўхташган-  
да Петр Михайлич хайрлашиш учун Зинанинг устига эн-  
гашди-да, унинг елкасига қўл тегизиб, деди:

— Зина, сен ҳақлисан. Сен тўғри қилдинг!

Яна бошқа бирор нарса деб йиғлаб юбормаслик учун  
отни қамчилаб дарахтзорга кириб кетди. У қоронғиликка  
кириб борар экан, орқасига қаради ва нима ҳақдадир қиз-  
гин гапиришиб катта йўлдан уйларига қайтаётган Власич  
билан Зинани кўрди — Власич катта-катта қадам ташлар,  
синглиси унинг ёнида сакраб-сакраб кетаётгандай шоши-  
либ борарди.

«Мен асли хотинчалиш одамман,— деб ўйланди Петр  
Михайлич.— Масалани ҳал қиламан деб келдим-у, баттар  
чалкаштириб юбордим. Ҳа бўлганича бўлди-да, энди!»



Унинг кўнгли ғаш эди. Дарахтзор тамом бўлгандан кейин отни битта-битта юргизиб ҳовуз олдига борди-да, тўхтади. Қимирламай ўтириб ўйлагиси келарди. Ой чиқиб келар ва ҳовузнинг нариги четига қизил устун бўлиб аксланарди. Қаердадир момақалдироқ бўғиқ гулдураб қўярди. Петр Михайлич мижджа қоқмай сувга қараб, синглисининг қандай умидсизланишини, юзи азобдан оқарган, ўзининг хўрланганини кишилардан яшириш учун кўзига ёш олмаслигини тасаввур этди. Унинг ҳомиладор бўлиши, онасининг вафоти, кўмиш маросими, Зинанинг ваҳимага тушиши кўзи олдида гавдаланди. . . Мағрур ва мутаассиб кампир масалани ўзининг ўлими билан тамомлайди. Келажакнинг ваҳимали манзаралари текис қорамтир сув юзида намоён бўлар, у рангпар аёллар орасида ўзини журъатсиз, ожиз, гуноҳкор қиёфада кўрарди. . .

Юз қадамча жойда, ҳовузнинг ўнг қирғоғида, бир қора нарса қимирламай турарди: одамми ёки баланд тўнками? Петр Михайлич калтаклаб ўлдирилган ва шу ҳовузга ташланган бурсакни эслади.

«Оливьер ваҳшиёна иш қилган, лекин у нима қилиб бўлса ҳам бир масалани ечган, мен эса ҳеч нарсани ҳал қилолмадим, фақат баттар чалкаштирдим»— деди у ичида, арвоқга ўхшаган қора гавдага қарар экан.— «У нима ўйлаган бўлса, ўшани гапирган, айтганини қилган, мен бўлсам ўйлаган нарсамни гапирмайман ва қилмайман; асли нима ўйлашимни ҳам аниқ билмасам керак». . .

У қора гавдага яқин келди: қандайдир бинодан қолган эски, чурук устун экан.

Қолтовичнинг мулки ва дарахтзоридан ландиш гули ва хушбўй ўтлар ҳиди анқирди. Петр Михайлич отда ҳовуз бўйидан борар, сувга маъюс қарар, ўзининг бутун ҳаётини кўз олдидан ўтказиб, мудом ўйлаган нарсасини гапирмаганига ва қилмаганига, бошқалар ҳам унга шундай муносабатда бўлганига ишонар, шунинг учун бутун ҳаёти тунги осмонни акс этдираётган ва тубида ўсимликлар чалкашиб ётган шу сувдай қоронғи кўринарди, бу чалкашликни тузатиш мумкин эмасга ўхшарди.

## ОЛТИНЧИ ПАЛАТА

### I

Касалхона ҳовлисида кичикроқ бир иморат турибди, атрофини ўрмон сингари қирққиз, қичитқон, ёввойи наша босиб кетган. Томнинг тунукаси занглаган, мўрисининг ярми қулаб тушган, кираверишдаги зинапоя тахталари чириб, ўт босиб кетган, сувоғининг изигина қолган. Иморатнинг олди касалхонага, орқаси далага қараган, даладан уни касалхонанинг устига миҳ қоқилган кул ранг девори айириб туради. Ўткир учлари юқорига қараб турган шу миҳлар ва шу девор, шу иморатнинг ўзи ҳам,— бизда фақат касалхона ва тюрьма биноларига хос бўлиб,— жуда бефайз ва хунук кўринарди.

Агар қичитқон ловуллаштишидан қўрқмасангиз, бу иморатга тор сўқмоқ йўлдан бориб, ичидаги аҳволни кўрайлик. Биринчи эшикни очиб, даҳлизга кирамиз. Девор остида, печка ёнида касалхонанинг эски-тускилари уюлиб ётибди. Тўшаклар, илма-тешик эски чопонлар, иштонлар, кўк йўлли кўйлақлар, ҳеч нарсага ярамайдиган эски пой-афзаллар,— бу чурук-чориқлар бир-бирига қоришгани ҳолда чириб, нафасни бўғадиган сассиқ ҳид чиқариб ётади.

Эски-тускиларнинг устида эса доим трубкасини тишлаб, ҳарбий хизматдан бўшаган, формасига ёпиштирилган белгиларнинг ранги ўчиб кетган кекса солдат Никита ётади. Унинг юзи озғин, қовоғи солиқ, ўсиқ қошлари ва қизил бурни чеҳрасига ёввойи овчарка қиёфасини бериб туради; ўрта бўйли, кўринишда қотма ва чайир; лекин жуссаси баҳайбат, муштлари ҳам жуда бақувват. Унинг ўзи дунёда ҳамма нарсадан кўра кўпроқ интизомга берилган, шунинг учун ҳам, одамларни уриш керак деган фикрга қаттиқ ишонадиган, нима буюрилса дарҳол ба-

жарадиган, соддадил ва бефаҳм кишилардан бири. У, одамларни кўкраги, елкаси, юзи-кўзи демай дуч келган жойига уради ва шусиз бу ерда интизом бўлмайди деб ишонади.

Агар даҳлиз ҳисобга олинмаса ундан кейин, ҳалиги бинога, катта кенг уйга кирасиз. Уйнинг девори хира кўк рангга бўялган, мўрисиз уйдагидек шипини қурум босган — бу ерда қишда печкалардан тутун қайтиши ва ис чиқиши шубҳасиз. Ички томонидан темир панжара ўрнатилиб деразалар расво қилинган. Пол бўялмаган, зирапчалари қиқиб ётибди. Уйдан ачиган карам, қора чироқ, қандала ва шиптир ҳиди келади. Бу ҳид димоғига урилган киши дастлаб йиртқич ҳайвонлар катагига киргандек бўлади.

Уйда полга михлаб қўйилган кроватлар турибди. Кроватларда эгниларига кўк халат, бошларига қадимги қалпоқ кийган одамлар ётибди, баъзилари ўтирибди. Булар — жиннилар.

Ҳаммаси бўлиб улар беш киши. Фақат биттаси киборлардан, қолганлари мешчанлар. Эшикдан кираверишдаги биринчи киши новча бўйли, озғин, йилтиллаб турган сариқ мўйловлик мешчаннинг бошини қўлларига тираб, йиғидан қизарган кўзларини бир нуқтага тикиб ўтирибди. У кечаю кундуз ғамгин хўрсинади ва бошини чайқаб-чайқаб қўяди, алам билан жилмаяди; суҳбатга кам қатнашади ва одатда саволга жавоб бермайди. Овқат берилса беихтиёр ейди. Тинмасдан қийналиб қисқа-қисқа йўталишига, озғинлигига ва яноқларининг яллиғлаб туришига қараганда, унда сил касали энди бошланганга ўхшайди.

Унинг нариёғида чўққи соқол, занжиларга ўхшаш қоп-қора жингалак сочлик, жуда питирак чол жойлашган. Кундузлари у, палатада деразалар орасида қатнайди ёки тушагида чордона қуриб ўтириб, тинмасдан тўрғайга ўхшаб ҳуштак чалади, хиргойи қилади ва қиқир-қиқир кулади. У, кечалари худога сиғингани, яъни муштуми билан кўкрагига ургани ва бармоғи билан эшикни ковлагани турганида ҳам болаларча қувноқ ва питирак бўлади. Бу Моисейка деган жуҳуд, шапка тикадиган ишхонасига йиғирма йилча аввал ўт тушгач, эси-ҳушидан айрилиб қолган тентак.

6-номерли палатадагилардан ёлғиз шунгагина ҳовлига, ҳатто касалхона ҳовлисидан кўчага чиқишга рухсат берилган. У, касалхонанинг қадрдон кишиси ва беозор, бе-

зиён тентаги. Аллақачонлардан буён кўчаларда уни болалар ва итлар билан қуршалган ҳолда кўришга одатланган шаҳарнинг масҳарабози бўлгани учун бундай ҳуқуқдан кўп вақтдан буён фойдаланса керак. У кўчаларда эгнига чопон, бошига ғалати қалпоқ, оёғига туфли кийиб, баъзан ялангоёқ, ҳатто иштонсиз ҳам юраверади. Эшик ва дўконлар олдида тўхтаб, бир тийин сўрайди. Бир ерда унга квас, иккинчи ерда нон, учинчи ерда бир тийин беришади. Шундай қилиб, у одатда, хонасига қорни тўйиб ва бойиб қайтади. Олиб келган нарсасининг ҳаммасини Никита тортиб олади. Бу қилиқни солдат дағаллик билан астойдил чўнтақларини ағдариб ва худони ўртага солиб, бундан сўнг жухудни асло кўчага чиқармай қўйишини ва дунёда тартибсизликдан кўра ёмон кўрган иши йўқлигини айтиб, қилади.

Моисейка серманзират. Уртоқларига сув беради, ухлаб ётган бўлсалар устларини ёпиб қўяди, кўчадан уларга бир тийиндан пул келтиришни, яна ҳаммасига биттадан янги шапка тикиб беришни ваъда қилади; сўл томонда ётган фалаж қўшнисига қошиқ билан овқат едириб қўяди. Бў ишларни у ичи ачиганидан ё бирор одамгарчилик юзасидан эмас, ўнг томонидаги қўшниси Громовга тақлид этиб, беихтиёр, унга бўйсунганидан қилади.

Иван Дмитрич Громов ўттиз уч ёшга кирган киши; ўзи киборлардан, илгари суд пристави ва губерна котиби бўлган, ҳозир биров таъқиб қилаётир деган дардга мубтало. У ғужанак бўлиб ўрнида ётади ё сайр қилаётган одамдек уйнинг у бошидан бу бошига қатнайди, жуда кам ўтиради. У, қандайдир бир номаълум нарсани кутиб, доим ҳаяжон ичида, ваҳима чанғалида, диққат қилиб туради. Агар даҳлизда бирон шарпа сезса, ё ҳовлида бирон товуш эшитса бас, дарров бошини кўтаради ва: мени олиб кетгани келаётган бўлмасинлар? Мени излаётган бўлмасинлар? деб қулоқ солади. Шундай пайтда унинг юзида қаттиқ безовталиқ ва нафрат акс этади.

Менга унинг яноқлари чиққан, кенг, ҳамиша хомуш ва заҳил, кўп вақтлардан буён ваҳима билан курашиб, азоб чекиб келаётган қалбини ойна каби ўзида акс этдириб турган юзи жуда ёқади. Унинг юз буриштиришлари ғалати, бирон оғриқнинг натижасига ўхшайди; лекин чуқур ва ҳақиқий изтироб из ташлаган латиф чеҳрасида идрок ва зақкилик аломати бор. Кўзларида ёқимтойлик, саломатлик жилваси кўринади. Унинг ўзи менга маъқул, ёқимли сер-

мулозамат ва Никитадан бошқа ҳаммага жуда одоб билан муомала қилади. Бирор кишининг қошиги ёки тугмаси тушиб кетса, сакраб туриб олиб беради. Ҳар куни эрталаб ўртоқларига салом беради. Ўрнига ётаркан, уларга хайрли кеч тилайди.

Диққати доимо қаттиқ ишлаб туриши ва юз буриштиришларидан ташқари, унинг жиннилиги яна шундан иборатки, баъзан у, кечқурунлар чопонга ўралиб, аъзойи бадани қалтираб, тиши-тишига тегиб такиллаб, уйнинг у бошидан бу бошига ва кроватлар орасида тез-тез юра бошлайди. Гўё уни қаттиқ безгак тутаётганга ўхшайди. Тўсатдан тўхтаб ўртоқларига қараб қолишидан қандайдир жуда муҳим гап айтмоқчи бўлганлиги билинади, лекин сўзимга қулоқ солишмайди ёки тушунишмайди, деган хаёлга боради шекилли, чидамсизлик билан бош силкитадию, яна юраверади. Лекин тездан сўзлаш истаги барча мулоҳазалардан ғолиб келади-да, у ўзини қўйиб юбориб, қизғин ва эҳтирос билан сўзлайди. Унинг сўзлари тартибсиз, худди алаҳлашга ўхшаш қисқа-қисқа, шиддатли, баъзан тушуниб бўлмайди. Шуниси борки, сўзларида ҳам, товушида ҳам қандайдир ғоят яхши бир оҳанг бор. Сўзлаётганда унинг жиннилиги ва инсонлиги намоён бўлиб туради. Унинг телбалик сўзларини ёзиб англатиш қийин. У инсон разиллиги, ҳақиқатни бўғувчи жабр-зулм, яна вақти келиб ер юзида бўладиган гўзал ҳаёт ва ҳар дақиқа золимларнинг аҳмоқлиги ва бераҳмлигини унинг ёдига солиб турган деразалардаги темир панжаралар ҳақида сўзлайди. Унинг сўзларидан ҳали замони ўтмаган эски, тартибсиз ва қовушмаган ашулалардан тузилган қурама пьеса ҳосил бўлади.

## II

Бундан 12—15 йиллар аввал, шаҳарнинг энг катта кўчаларидан бирида, ўз ҳовлисида Громов деган ўзига тўқ обрўли бир мансабдор бўлиб, унинг Сергей ва Иван деган иккита ўғли бор эди. Сергей тўртинчи курс студенти экан, сил бўлди-ю, тўсатдан ўлиб қолди. Бу ўлим эса Громов оиласи устига тўсатдан туша бошлаган бир қанча бахтсизликларнинг бошланиши бўлди. Сергейнинг вафотидан бир ҳафта кейин кекса отаси қалбаки ҳужжатлар ясагани ва ҳукуматнинг пулини еб қўйгани учун судга берилди ва шу орада тиф бўлиб, тюрьма касалхонасида

Ўлди. Уйи ва бутун моллари ким ошди савдоси билан сотилиб, Иван Дмитрич билан онаси ҳеч нарсасиз қолди.

Илгари, отаси бор маҳалда, Иван Дмитрич Петербургда яшаб, университетда ўқиётган чоғида ҳар ойда уйдан келган 60—70 сўмни олиб турар, муҳтожлик нималигини билмас эди. Энди эса ҳаётини қатъий равишда ўзгартиришга тўғри келди. Арзимаган пул учун эртадан кечгача дарс бериш, хат кўчириш керак, шунга қарамай очинтўқин қолди. Чунки топган пулининг ҳаммасини онасига юборади. Иван Дмитрич бундай турмушга дош беролмади, руҳи тушиб, кўнгли синиб, ўқишни йиғиштирди-да, уйига кетди. Бу ерда, ўз шаҳарчасида ганишлари орқали уезд мактабига ўқитувчи бўлиб кирди. Лекин ўртоқлари билан чиқишолмади, ўқувчиларга ёқмади, тез кунда ишдан бўшади. Онаси ўлди. У ярим йилча ишсиз юрди, куни фақат нон-сув билан ўтди, сўнг суд пристави бўлиб ўрнашди, касаллиги учун ишдан бўшатишгунча шу жойда хизмат қилди.

У ҳеч қачон, ҳатто йигитлик, студентлик чоғида ҳам соғлом кўринмас эди. Доим ранги кетган, нимжон, салга шамоллайдиган, чипхўр, кам уйқи эди. Бир рюмка вино ичса, дарров боши айланиб, эсини йўқотиб қўяр эди. Унда одамга аралашиниш майли зўр бўлса-да, ўзининг тезлиги ва бадгумонлиги туфайли ҳеч ким билан ошна бўлолмас, дўсти ҳам йўқ эди. Шаҳар халқи ҳақида таҳқир билан сўзлаб, уларнинг қўпол нодонлиги ва ғафлат босиб, ҳайвонларча яшаши менга қабиҳ ва жирканч туюлади деярдди. У ингичка овоз билан қичқириб, қизишиб, доим астойдил ё нафратланиб ва жаҳли чиқиб, ё завқ билан ва таажжубланиб сўзлар эди. У билан нима ҳақда сўзлашманг, гапни шу томонга айлантларди: шаҳар дим, киши зерикади, жамиятда юксак мақсад йўқ, ҳаётни жабр-зулм, фаҳш, олчоқлик билан турли шаклга киргизиб бемаъни кун кечиради, муттаҳамларнинг эгни бутун, қорни тўқ, виждонли одамлар очинтўқин яшайди; жамиятга мактаб, тўғри йўлга бошловчи маҳаллий газета, театр, оммавий китобхонлик, илмий кучларнинг бир ўринга тўпланишлари зарур; жамиятнинг онги шунчалик оширилмоғи керакки, ўз нуқсини кўриб, кайфи учиб кетсин, деярдди. У, одамлар ҳақида фикр юритганда қуюқ бўёқларни беради, бошқа рангларни инкор қилиб, фақат оқ билан қорадан фойдаланади; унинг фикрича инсоният муттаҳамларга ва тўғри одамларга бўлинади; ўрта хили бўлмайди. Хотин-

қизлар ва муҳаббат ҳақида доим эҳтирос ва завқ билан сўзлайди-ку, аммо ўзи бирон марта ошиқ бўлмаган.

Фикрларининг кескинлиги ва ўзининг асабийлигига қарамай шаҳарликлар уни севишади, эркалатиб, орқасидан Ваня деб аташади. Унинг назокати, сермулозаматлиги, серандишалиги, гўзал ахлоқи, нимдошгина камзули, заиф кўриниши ва оилавий бахтсизлиги ҳаммаси бир бўлиб кишида унга нисбатан қандайдир раҳмдиллик уйғотади: унинг устига ўзи кўп китоб кўрган, яхшигина маълумотлик ва шаҳарликларнинг фикрича ҳамма нарсадан хабардор, гўё жонлик луғат эди.

У жуда кўп китоб ўқиган. Ҳамиша клубда ўтирар, асабий ҳолда кичкина соқолини ўйнаб китобми, журналми варақларди; юзига қараб турилса китоб ўқиётганга эмас, бир нарсани чала чайнаб ютаётганга ўхшарди. Ўқиш ҳам унинг носоғлом одатларининг бири дейиш мумкин, чунки кўлига нима тушса — бултурги газетами, календарми — бир зайилда иштиёқ билан дарҳол ўқишга тутинарди. Уйда бўлса, китобни доим ётиб ўқирди.

### III

Куз кунларининг бирида эрталаб, пальто ёқасини кўтариб қўйиб тор кўча, пастқам жойларда лойда шалоплаб Иван Дмитрич ижро варақа бўйича қандайдир мешчандан пул ундиргани кетаётган эди. Бугун эрталаб ҳам одатдагича унинг таъби хира. Тор кўчаларнинг бирида оёқларига кишан урилган икки маҳбус билан милтиқ кўтарган тўрт солдат учради. Илгари ҳам Иван Дмитрич шу сингари маҳбусларни тез-тез учратарди ва ҳар гал улар бунинг кўнглини ғаш қилиб, юрагини эзар эди. Лекин бу галги учратиш унда қандайдир алоҳида, ажойиб бир таъсир қолдирди. Нимагадир тўсатдан унинг кўнглига мени ҳам шуларга ўхшатиб, оёғимга кишан уриб, худди шу тахлитда лойда тюрмага ҳайдаб кетишлари мумкин деган гап келди. Мешчаннинг уйда бир оз ўтиргач, уйга қайтаркан, почтахона олдида ўзига таниш полиция нозирини учратди, нозир саломлашди-да, биргалашиб бир неча қадам юрди, негадир бу воқиа унга шубҳали туюлди. Уйга келиб кечгача ҳалиги маҳбуслар, милтиқли солдатлар ҳаётидан нари кетмади, англаб бўлмайдиган бир васваса ўқишга ва фикрни бир жойга тўплашга ҳалақит берди. Кечқурун уйга чироқ ёқмади, тунни ухламай, ме-

ни қамоққа олиб, кишанга солишлари ва тюрьмага қамашлари мумкин, деган хаёл билан ўтказди. У ҳеч қандай гуноҳи йўқлигини билади ва бундан сўнг ҳам ҳеч кимни ўлдирмаслиги, ўт қўймаслиги ва ўғирлик қилмаслигига ишончи комил; лекин киши ўзи билмай туриб, ёки ғайри ихтиёрий равишда гуноҳ қилиши қийинми, туҳматга қолиш, қолаверса суд хатоси-чи? Ахир, халқнинг асрий тажрибаси: тюрьмага тушмайман, девона тўрвасини илмайман дема, дегани бежиз эмас-ку. Айниқса судьяларнинг ҳозиргича иш олиб боришида хато қилишлари жуда мумкин, яна бунда ҳайрон бўларлик ҳеч гап йўқ. Бошқаларнинг азобига иш, хизмат юзасидангина қарайдиган одамлар, масалан: судьялар, полициялар, докторлар, бориб-бориб шу қадар сийқа бўлиб кетишадик, иши тушган одамга, ҳар чанд расмий муомала қилмайман десалар ҳам қўлларидан келмайди: бу жиҳатдан улар уй орқасида қўй ва бузоқ сўйиб қонга парво қилмайдиган деҳқондан фарқ қилмайди. Шахсга расмиятчилик, бепарволик билан муносабатда бўлинар экан, бугуноқ бир одамни барча ҳуқуқларидан, бор-йўғидан маҳрум қилиб, сургунга юборишлик учун судьяга фақат битта нарса керак, у ҳам бўлса вақтдир. Ишнинг баъзи расмий жиҳатларига риоя қилишга кетадиган вақт (ўша расмиятлар учун судьяга ойлик тўланади), сўнг — иш тамом. Қани ундан кейин темир йўлдан икки юз чақирим узоқдаги бу кичкина, ифлос шаҳарчада адолат ва ҳимоятни излаб кўрчи! Турли жабрзулм, жамият томонидан гўё шундай қилиниши лозим бўлган бир эзгуликдай қарши олиниб, ҳар бир инсоф юзасидан қилинган иш, масалан, бировни оқлаш ҳақидаги ҳукм уларни қаноатлантирмай, интиқом уйғотган ерда, ҳақиқат тўғрисида ўйлашнинг ўзи киши куларлик бир ҳол эмасми?

Эрталаб Иван Дмитричнинг юраги ваҳим олиб, пешонасини совуқ тер босган ва ҳар дақиқада келиб, қамоққа олиб кетишларига қаттиқ ишонгани ҳолда ўрнидан турди. Кечаги қора хаёллар бу кунгача нари кетмаган экан, — деб ўйларди у, — демак, бир гап бор-да. Ахир, бекордан-бекорга кишининг бошига бундай хаёл келмайди-ку.

Мана миршабнинг секин-секин юриб дераза ёнидан ўтиши бежиз эмас. Икки киши уй олдида тўхтаб, жим турибди. Нега улар индамайди?

Шу зайилда Иван Дмитрич учун мудҳиш кечалар ва кундузлар бошланди. Дераза ёнидан ўтувчилар ва ҳовли-



га кирувчиларнинг ҳаммаси жосус ва изқувар бўлиб кўринаверди. Одатда чошгоҳ пайтида исправник икки отлик извошда кўчадан ўтарди; ўзининг шаҳар ёнидаги боғидан миршабхонага боради, лекин ҳар гал Иван Дмитричнинг назарида у одатдагидан қаттиқроқ от чоптираётгандек, айрим бир тарзда: худди шаҳарда бир янги хавфли гуноҳкор пайдо бўлганини айтишга шошилаётгандек кўринарди. Иван Дмитрич ҳар қўнғироқ товушидан, ҳар дарвоза тақиллашидан чўчиб тушади, беканикида ҳар бир янги одамни кўрганда кўнгли қаттиқ ғаш бўлади; агар жандарм ёки полицияга дуч келиб қолса, кулумсирайди ва бепарво бўлиб кўриниш учун ҳуштак чала бошлайди. У бутун-бутун кечаларни қамоққа олиб кетишларини кутиб, мижжа қоқмай ўтказади, лекин уй бекасининг назарига ухлаётгандек кўриниш учун қаттиқ хуррак тортиб, оғир нафас олиб чиқади; модомики кўзига уйқу келмас экан, виждон азоби қийнаётган бўлади-да, гуноҳкор ҳисобланиш учун нақадар кучли далил, фактлар ва соғлом мантиқ уни бу ваҳималарнинг ҳаммаси — бўлмағур гап ва савдойилик, агар масалага чуқурроқ қаралса қамоққа олинишидан, тюрьмага қамалишдан қўрқарлик ҳеч гап йўқ, — кўнгиш хотиржам бўлса бас, деб ишонтирар эди-ку, лекин қанчалик чуқурроқ, мантиқлироқ фикр юритса, васваса шунчалик кучайиб, баттарроқ қийнар эди. Бу эса бир дарвишнинг қўл урилмаган ўрмон дарахтларини кесиб, ўзига жой ҳозирламоқчи бўлганига ўхшарди: дарвиш қанчалик жон отиб болта урса, ўрмон шунчалик тез ўсиб, қуюқлаша берибди. Ниҳоят, Иван Дмитрич бунинг бефойдалигини кўриб, ўйлашга бутунлай хотима берди, ўзини биратўла ваҳима ва умидсизлик чангалига ташлади.

У яккаликка берилиб, ўзини одамлардан четга торта бошлади. Илгари ҳам асло дидига ўтиришмайдиган хизмати, энди бутунлай жонига тегди. Негаким, қандай қилиб бўлмасин, қўлга туширишади, билдирмасдан чўнтагимга пул солиб қўйиб, кейин топиб, пора олди дейишди, ёки ўзим билмай қолиб ҳукумат қозғолалида ясама ҳужжатга тенг келадиган хатога йўл қўяман, ё бировнинг пулини йўқотиб қўяман, деб қўрқар эди. Қизиқ бир ҳол: бошқа вақтда ҳеч қачон унинг зеҳни бунчалик ўткир ва ижодкор бўлмаган эди, энди эса, ўз озодлиги ва номусига бўладиган таҳдиддан жиддий хавфсираб, ҳар кун минглаб турли-туман важлар ўйлаб чиқаради. Лекин шуниси

борки, ундаги ташқи оламга, жумладан, китобга қизиқиш анча сусайди ва яхшигина овсар бўлиб қолди.

Баҳорда ердан қор кетгач қабристон ёнидаги жардан бир ўғил бола ва бир кампирнинг чала ириган ўлиги чиқди. Белгиларга кўра уларни биров ўлдирган эди. Бутун шаҳарда ҳалиги ўлиқлар ва уларнинг номаълум қотиллари ҳақида гап тарқалди. Иван Дмитрич мени ўлдирган демасинлар, деб кўчага чиқиб илжайиб юрди, танишлари билан учрашиб қолгудай бўлса қизариб-бўзариб, заиф ва ҳимоясиз одамларни ўлдиришдан кўра қабиҳроқ гуноҳ йўқлигига ишонтиришга уринарди. Лекин бу хом хаёл ҳам тинкасини қуритди ва бир оз ўйлади-да: менинг аҳволимда энг яхшиси — беканинг ертўласида бекиниб ётиш деб билди. Ертўлада кечгача ўтирди, кечани ҳам ўтказиб, эртасига кун бўйи чиқмади, жуда совуқ эди, қоронғи тушишини пойлаб, худди ўғрига ўхшаб, аста чиқиб уйга кирди. Тонг отгунча уй ўртасида қимир этмасдан тик туриб, қулоқ солиб чиқди. Эрталаб кун чиқмасдан беканинг уйига печь тузатадиган усталар келишди. Иван Дмитрич уларнинг ошхонадаги печни тузатгани келганини яхши билди, лекин васваса унга: булар уста кийимида келган полициялар, дейди. У секин-аста уйдан чиқди-ю, ваҳима ичида, бошяланг, камзулсиз кўча бўйлаб чопиб кетди. Орқасидан итлар вовуллаб қувлади, қаердадир орқадан биров қичқирди, ел визиллаб қулоғини битирди ва Иван Дмитричга бутун дунёдаги жабру зулм бир бўлиб, орқасидан қувлаётгандай туйилди.

Уни ушлаб олишди, уйга олиб келишди ва бекасини доктор чақиришга юборишди. Доктор Андрей Ефимич,— бу киши тўғрисида кейин гапирамиз,— Иван Дмитричнинг бошига латта ҳўллаб ёпишни буюрди ва лавр-олча сувини ёзиб берди, қайғули ҳолда бош чайқаб, бекага, бундан сўнг келмайман, чунки ақлдан озаётган одамларга халақит бериб бўлмайди, деб кетди. Уйда ётишга ва даволанишга ҳеч нарсаси йўқлигидан, тезгина уни касалхонага юборишди, у ерда, венерик касаллар палатасига ётқизилди. У тун бўйи ухламас, хархаша қилар, касалларни безовта этарди, Андрей Ефимичнинг буйруғи билан тезда 6-номерли палатага кўчирилди.

Бир йилдан сўнг Иван Дмитрич шаҳарда ҳамманинг эсидан бутунлай чиқди ва бекаси бостирма тагидаги чанга олиб бориб ташлаган китобларини болалар ташиб кетди.

Иван Дмитричнинг чап томондаги ҳамхонаси айтиб ўтганим, жуҳуд Моисейка; ўнг томондагиси эса жуда семиз, думалоқ бўлиб қолган, юзида ҳеч қандай фикр ифодаси йўқ, зеҳндан маҳрум бир киши. Бу — кўп вақтдан буён фикр этиш, сезиш хусусиятларини йўқотиб қўйган кам ҳаракат, хўра ва ифлос бир ҳайвон. Ундан ҳамиша кўнгил оздирадиган қўланса ҳид келиб туради.

Унинг жойини тозалайдиган Никита муштумини аямай, кучининг борича жуда қаттиқ уради, бу ерда кишининг ваҳмини келтирадиган нарса уни уришлари эмас, бунга одатланиш мумкин,— ҳалиги бефаҳм ҳайвоннинг таёққа қарши на товуш, на ҳаракат, на кўзларида бирор ифода акс эттириш билан жавоб қайтармай, безрайиб, фақат оғир бочкадек сал-пал қўзғалиб қўйишидир.

6-номерли палатада истиқомат қилувчиларнинг бешинчиси ва сўнгиси — бир вақтлар почтада хат сараловчи бўлиб ишлаган ушоққина, озғин, ёқимли, лекин юзида маккорлик акс этиб турган сариқ сочли мешчанин. Унинг хушнудлик билан боқаётган маъноли, хотиржам кўзларига қараганда кўнглида қандайдир жуда муҳим ва ёқимли махфий сири бордек кўринади. Унинг ёстиғи ва тўшаги тагида бир нарсаси борки, уни ҳеч кимга кўрсатмайди. Уғирлаб ёки тортиб олишади деб қўрққанидан эмас, уялганидан кўрсатмайди. Баъзан дераза ёнига боради-да, ўртоқларига орқасини ўгириб, кўкрагига нимадир тоқади, кейин бошини эгиб қарайди, агар ўша топда унинг ёнига борилса, хижолат тортиб кўкрагидан ҳалиги нарсани юлиб олади. Лекин унинг сирини билиш қийин эмас.

— Табрикланг,— дейди у кўпинча Иван Дмитричга қараб,— мен иккинчи даража юлдузлик Станислав орден билан мукофотланишга тавсия этилибман. Иккинчи даража юлдузлик фақат чет элликларга берилгувчи эди, лекин мен учун негадир истиснога йўл қўйишмоқчи,— деб ҳайрон бўлиб, елкаларини учириб кулумсирайди,— буни қаранг, тўғриси айтсам, ҳеч кутмаган эдим!

— Мен бу нарсаларга тушунмайман,— деди Иван Дмитрич ҳомушгина.

— Лекин биласизми, мен эртами-кечми, ахир нимага муваффақ бўламан?— деб давом этади собиқ хат сараловчи, айёрлик билан кўзларини қисиб.— Мен, албатта Швециянинг «Полярная звезда» сини оламан. Шундай ор-

денки, киройи овора бўлганинга арзийди. Оқ крест, қора лентали жуда чиройлик орден.

Эҳтимол бошқа ҳеч ерда ҳаёт шу жойдагидек бир зайилда ўтмаса керак. Фалаж билан семиз кишидан бошқа касаллар эрталаб туриб даҳлизга чиқиб, катта челақда юз-қўл ювишади ва чопонларининг барига артишади; ундан кейин Никита катта корпусдан келтирган чойдан қўргошин кружкада ичишади. Бир кишига бир кружкадан ортиқ чой берилмайди. Туш пайтида нордон карам шўрва билан бўтқа ейишади, кечқурун кундузгидан қолган бўтқани ейишади. Овқат орасидаги вақтда ётишади, ухлашади, деразадан қарашади ва уйнинг у бурчидан бу бурчига юришади. Ҳар кун аҳвол шу. Ҳалиги собиқ хат сараловчи ҳам фақат бир хил орден ҳақида сўзлайди.

Олтинчи палатадагилар янги одамни камдан-кам кўради. Янги жинни бўлганларни доктор кўпдан бери қабул қилмай қўйган, бориб жиннихоналарни кўрадиган ҳаваскорлар эса бу дунёда жуда оз. Бу ерга ҳар икки ойда бир марта сартарош Семён Лазарич келади. Унинг қандай қилиб жинниларнинг сочини олиши ва Никитанинг қай тахлитда унга ёрдам бериши, ҳар гал маст бўлиб, кулумсираб кетаётган сартарошни кўрганда касалларнинг қанчалик жон титроғига тушишлари ҳақида сўз очмаймиз.

Бу ерга сартарошдан ўзга ҳеч ким келмайди. Қасаллар ҳар кунни фақат Никитани кўришга маҳкум.

Айтмоқчи, яқинда бутун касалхонага анча ажиб хабар тарқалди.

6-номерли палатага доктор келиб турадиган бўлибди, деган овоза тарқалди.

## V

Ажиб хабар!

Доктор Андрей Ефимич Рагин — ўзига яраша кўп яхши одам. Айтишларича, у ёшлигида анча художўй бўлиб, руҳоний мансаблардан бирида хизмат қилишга тайёрланиб юрган экан. 1863 йилда гимназияни тамомлагандан кейин, диний академияга кирмоқчи бўлибди, лекин жарроҳ ва тиб олими бўлмиш отаси заҳархандалик билан ундан кулиб, агар поп бўлсанг асло ўғлим демасман, дебди. Бу гапнинг қанчалик тўғри эканини билмайман, лекин Андрей Ефимичнинг ўзи тиб илмига ва умуман маҳсус фанларга майли ҳеч қачон бўлмаганини неча бор айтган эди.

Ҳар қалай тиббий факультетни битиргандан кейин поп бўлмади. Художўйлик ҳам қилмади, ҳозирги қиёфати руҳонийларга қанча кам ўхшаса, докторликни бошлаган чоқларида ҳам худди шундай эди.

Унинг кўриниши қўпол, дағал, деҳқонларга ўхшайди, юзи, соқоли, ясси сочи, мустаҳкам ҳамда беўхшов жуссаси, катта йўллардаги баднафс ва ўжар давангирдек майхоначини эслатади. Баджаҳл кўринадиган юзи майда-майда кўк томирлар билан қопланган, кўзлари кичик-кичик, бурни қип-қизил. Баланд бўйлик, кенг яғринлик бўлиш билан бирга оёқ-қўллари ҳам баҳайбат, катта: агар бир мушт урса чил-парчин қиладиганга ўхшайди. Аммо кўп эҳтиёт ва оҳисталик билан секин-секин қадам қўяди; агар тор йўлакда дуч келиб қолсангиз у, албатта, сиздан олдин тўхтаб йўл беради, ва кутганингизча йўғон товуш билан эмас, ингичка овоз билан «кечиринг!» дейди. Унинг бўйнига кичикроқ шиш келган, ўша шиши оҳорланган қаттиқ ёқа тақишга халақит беради, шу сабабдан доим читданми, оқ сурупданми юмшоққина кўйлак кийиб юради. Умуман докторчасига кийинмайди. Битта костюмни ўн йиллаб эгнидан туширмайди, жуҳуд дўконидан олинган янғиси ҳам унинг эгнида худди эски вағижим бўлган кийимга ўхшаб кўринади; битта костюмда касал ҳам қарайди, овқат ҳам ейди, меҳмонга ҳам бораверади; лекин бу пишиқлигидан эмас, усти-бошига бутунлай аҳамият бермаслигидан.

Андрей Ефимич бу шаҳарга, иш қабул қилмоқчи бўлиб келганида бу «ҳайрия маҳкамаси» жуда ёмон аҳволда эди. Палаталардаги, йўлаклардаги, ҳовлидаги қўланса ҳиддан кишининг кўнгли озар эди. Қасалхонада хизмат қилувчи эркақлар, касалларга қаровчи аёллар ва уларнинг болалари кечаси палаталарда касаллар билан бирга ётишарди. Қандала, суварак, сичқонларнинг кўплигидан дод дейишарди. Жарроҳлик бўлимидан сарамас касали аримасди. Бутун бошлиқ касалхонада иккитагина скальпель бўлиб, битта ҳам термометр йўқ, ванналарга картошка солиб қўйилганди. Қасалхона нозири, кастелянша ва фельдшер касалларнинг нарсаларини ўғирларди. Андрей Ефимичдан олдинги доктор ҳақида бўлса, касалхонанинг спиртини ўғирлаб сотарди, касал аёллар ва касалларга қаровчи аёллардан ўзига бутун бошлиқ ҳарамхона қилиб олган эди, дейишади. Шаҳарда бу тартибсизликларни жуда яхши билишади, ҳатто муболиға қилиб

сўзлашади-ку, лекин совуққонлик билан қарашади; баъзилар касалхонада фақат мешчанлар билан деҳқонлар ётишади, улар норози бўлишмайди, чунки уйларида касалхонадагидан ёмонроқ шароитда туришади; уларни қуш эти бериб боқсинми! дейишади. Яна бир хиллари, земство ёрдам бермаса шаҳарнинг ўз кучи билан яхши касалхона тутиш қийин гап; худога шукур, ёмон ҳам бўлса касалхона бор-ку, дейишади. Яқинда дунёга келган земство шаҳарнинг ўз касалхонаси бор-ку, деб шаҳарда ҳам, шаҳарга яқин жойда ҳам шифохона очмади.

Андрей Ефимич касалхонани кўздан кечириб чиққандан кейин бу муассаса ахлоқсизлик ўчоғи ва шу ерда яшовчиларнинг соғлигига ҳаддан ташқари зарарли деган хулосага келди. Унинг фикрича амалга ошириш мумкин бўлган ишнинг энг яхшиси,— касалларни эркинликка чиқариб юбориб, касалхонани ёпиб қўйиш эди. Лекин у шундай хаёлга борди: бу нарса ёлғиз менинг ихтиёримда эмас, яна бундай қилишнинг фойдаси ҳам бўлмайди; агар маънавий ва моддий ифлосликни бир жойдан чиқариб ташласангиз иккинчи жойга бориб тушади; ўзи емирилиб битишини кутиш керак. Бунинг устига ҳамон одамлар шундай касалхона очиб, чидаб келишаётган экан, демак, ўзларига керакдир-да, турмушдаги хурофотлар ва шунинг сингари ярамас ва қабиҳ ишлар ҳам керак, чунки бора-бора тўнгдан қора тупроқ ҳосил бўлгандек булардан ҳам бир эзгулик пайдо бўлади. Ер юзидан бирон яхши нарса йўқки, у ўзининг яралишида ифлосликдан келиб чиқмасин. Ишни қабул қилиб олгач Андрей Ефимич ҳалиги тартибсизликларга кўринишидан анча бепарволик билан қаради. Касалхонада хизмат қилувчи эркаклар ва касалларга қаровчи аёллардан бундан сўнг палаталарда ётмасликларинигина илтимос қилди, яна касалхонага инструментлар солинган иккита шкаф қўйди; аммо нозир, кастелянша, фельдшер ва жарроҳлик бўлимидаги сарамас касали ўз жойларида қолишди.

Андрей Ефимич идрок ва ҳалолликни ғоят севади, лекин атрофида ҳалол ва онгли турмуш яратишга иродаси етмайди, ўз ҳуқуқига ишонмайди. Буюриш, ман қилиш ва мажбур қилишнинг мутлақо уддасидан чиқолмайди. Гўё асти қаттиқ гапирмаслик ва буйруқ феъллини бутунлай ишлатмаслик учун оғзига сўз олганга ўхшайди. «Бер» ёки «Олиб кел» дейишлик унинг учун машаққат; қорни очган чоғларида ботинга олмасдан бир йўталиб қўяди-да,

сўнг ошпаз хотинга, «чой ичиб олсаммикин-а»... ёки «овқатланиб олсаммикин-а» дейди. Қасалхона нозирига ўғирликни тўхтат дейиш, ё уни ҳайдаб юбориш, бўлмаса ҳалиги текинхўрлик вазифани бутунлай йўқотиб қўя қолишлик асти қўлидан келадиган иш эмас. Андрей Ефимични алдаётганларида, мунофиқлик билан мақтаётганларида ёки қўл қўйдириш учун ясама ҳужжат тутганларида қисқичбақа сингари қип-қизариб кетади ва ўзини айбли ҳис этади, шундай бўлса ҳам ҳужжатга қўл қўяди; агар касаллар унга очликдан ёки касалларга қаровчи аёлларнинг қўпол муомаласидан шикоят қилишса, у хижолат бўлади ва гуноҳкор одамдай:

— Яхши, яхши, ҳали суриштириб кўраман... эҳтимол бирон англашилмовчилик ўтгандир... — деб қўяди.

Янги келган чоғларида Андрей Ефимич жон куйдириб ишлади. Ҳар кун туш пайтигача касал қабул қилди, операциялар қилди, ҳатто акушерлик тажрибаси билан ҳам шуғулланди. Хотинлар унинг тўғрисида: Жуда диққат билан қарайди, касални, айниқса болалар ва хотинлар касалини яхши билади, дейишарди. Лекин вақт ўтиши билан ишнинг бир хилдалиги ва чамаси натижасизлиги уни зериктиради. Бугун ўттизга касални қабул қилсанг, эртага қарабсанки, ўттиз бештаси тайёр, унинг эртасига қирқтаси, шу таҳлитда кундан-кунга, йилдан-йилга, шаҳарда эса, ўлаётганларнинг сони камаймайди, касаллар келишини қўймайди. Эртадан тушгача қабул қилинадиган қирқта касалга жиддий ёрдам беришнинг ҳеч имкони йўқ, демак, ғайри ихтиёрий равишда алдаш бўлиб чиқади. Ҳисобот йили ўн икки минг қатнаб боқизувчи касал қаралибди, демак, оддий қилиб айгганда ўн икки минг киши алданибди. Оғир касалларни палатага ётқизиби, уларни фан қондаси билан даволашнинг яна иложи йўқ, чунки қоида бўлгани билан, фан йўқ; агар фалсафа сотишни қўйиб, бошқа докторлар сингари эзмалик билан қоида бўйича иш олиб бормоқчи бўлинганда ҳам, бунинг учун ифлослик эмас, аввало озодалик ва соф ҳаволи жой, сассиқ, ачиган карам шўрва эмас, яхши овқат, ўғрилар эмас, ҳақиқий ёрдамчилар керак.

Ҳамон ўлим ҳар кимнинг бошида бор экан, нега энди уларнинг ўлишига халақит бериш керак? Биронта савдогар ёки амалдор дунёда беш-ўн йил ортиқроқ турди нимаю, турмади нима? Агар табобатнинг мақсади доридармон бериб чекаётган азобни енгиллаштириш деб

ўйланса, унда ўз-ўзидан шундай савол келиб чиқадики, хўш, нега енгиллаштириш керак? Биринчидан, азоб чекиш кишини камолга етказди дейдилар, иккинчидан, агар инсоният чиндан ҳам ўзи чекаётган азобларини ҳаб ва томчилар билан енгиллаштиришга ўрганса дин ва фалсафадан воз кечади, шу кунгача турли фалокатлардан сақланишнигина эмас, ҳатто бахт-саодатни ҳам улардан топиб юради-ку. Пушкиндек одам ўлим олдидан қаттиқ азоб чекканда, шўрлик Гейнедек одам неча йиллаб фалаж бўлиб ётганда, ҳаёти ҳар қандай мазмундан хориж бўлган қандайдир Андрей Ефимич ё Матрёна Савишна дард тортса нима бўбди? Улар дард тортмаганда ҳаётлари тамомила бекорчи ва амёбалар<sup>1</sup> ҳаётига ўхшаб қолмайди?

Мана шундай муҳокамалар билан эзилиб, Андрей Ефимичнинг ҳафсаласи пир бўлди ва касалхонага кунда келмайдиган бўлиб қолди.

## VI

Унинг ҳаёти шундай ўтади: эрталаб соат саккизда ўрнидан туради, кийинади ва чой ичади. Ундан кейин кабинетига кириб китоб ўқийди ё касалхонага кетади. Бу ерда, тор ва қоронғи йўлакда, қатнаб боқизувчи касалар қабул вақтини кутиб ўтиришади. Уларнинг олдиларидан гишт тўшалган полни этиклари билан тўқиллатиб, касалхонада хизмат қилувчи эркаклар ва касалларга қаровчи аёллар у ёқдан бу ёққа юришади, озгин касаллар халатга ўралиб ўтиб туради, ўликларни ва ифлос идишларни олиб ўтишади, болалар йиғлайди, шамол ғирллаб у ёқдан бу ёққа уриб туради. Андрей Ефимич, иситмаси баланд, сил, умуман кўнгли нозик касаллар учун бундай жойда туриш ғоят оғирлигини яхши билади, лекин нима қилсин? Қабулхонада уни, бақалоқ, соқол-мўйловларини тақир қирдирган, тоза ва тўла юзлик, ҳаракатлари салмоқли, янги, кенгроқ костюм кийган, фельдшерлардан кўра кўпроқ сенаторга ўхшайдиган Сергей Сергеич кутиб олади. Бу киши шаҳарда кенг миқёсда тажриба қилади, оқ галстук тақади ва ўзини мутлақо тажрибасиз докторлардан аълороқ деб ҳисоблайди. Қабулхонада, бурчакда киот<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Бир ҳужайрали микроскоп билан кўринадиган жонивор.

<sup>2</sup> Киот — чанг ўтирмаслиги учун санам солиб қўйиладиган ойналик яшик.



ичида санам осифлиқ, тагида оғир шамчироқлар. Унинг ёнида муқаддас китобни қўйиш учун қия қилиб ишланган оқ жилдлик курсича; деворларида азиз авлиёларнинг расми ва Святогорский монастирининг манзараси, уларнинг атрофига қуриб қолган бутақўздан гулчамбарлар тақилган. Сергей Сергеич диндор, шунинг учун ҳам зебзийнатни яхши кўради. Ҳалиги санам ҳам унинг ҳаракати билан қўйилган; ҳар якшанба кунини касаллардан биттасининг буйруғи билан қабулхонада товуш чиқариб акафист<sup>1</sup> ўқийди, ўқиш тугагач Сергей Сергеич ўз қўли билан исриқ солиб, ҳамма палаталарга тутатиб чиқади.

Касаллар кўп, вақт оз, шунинг учун бутун иш, қисқа-қисқа савол бериш ва учувчан мазъ сингари, бирон суртадиган дори ёки сурги бериш билан чегараланади. Андрей Ефимич энгаҳини муштига тираб хаёл суриб ўтиради ва беихтиёр савол беради. Сергей Сергеич ҳам шу ерда бўлади, қўлларини бир-бирига ишқаб, ҳар замонда сўз қистириб қўяди:

— Касал бўляпмиз, йўқчилик тортяпмиз,— дейди у,— худога яхши сиғинмаганимиздан бўляпти. Шундай!

Қабул вақтида Андрей Ефимич ҳеч қандай операция қилмайди; у кўпдан бери бу ишни тарк қилган, қонни кўрса кўнгли беҳузур бўлади. Агар боланинг оғзини очиб томоғини кўрмоқчи бўлганда бола чирқираб қўллари билан ўзини ҳимоя қилса, қулоқлари битиб, боши айланиб кетади ва кўзларида ёш пайдо бўлади. У нари-бери дори ёзиб бериб, хотинга болани тезроқ олиб кет деб қўл силтайди.

Қабул қиларкан, касалларнинг тортинчоқлиги, меровлиги ёнидаги олифта Сергей Сергеич, девордаги расмлар ва ўзининг йигирма йилдан бери бериб келаётган бир хилдаги саволи дарров кўнглига тегади. Бешта-олтита касални кўради-ю кетади: қолганларини фельдшернинг ўзи қабул қилади.

Кўп вақтлардан бери уйда касал қабул қилмайдиган бўлиб кетгани ва ҳеч ким безовта қилмаслигини ўйлаб, худога шукур қилади ва уйига келиш билан Андрей Ефимич кабинетига кириб, стол ёнига ўтириб, китоб ўқишга тушади. У жуда кўп ва доим завқ билан ўқийди; ойлигининг ярмиси китоб олишга кетади. Олти хоналик уйнинг учтаси китоб ва эски журналлар билан тўла. У кўпроқ

<sup>1</sup> *Акафист* — ўқилаётганда ҳамма тик турадиган дуо.

фалсафа ва тарих асарларини севади: тиббий асарлардан фақат «Врач»нигина олади, ўшани ҳам ҳаминша охиридан бошлаб ўқийди. Бир неча соатлаб, дам олмай ўқиса ҳам чарчамайди. У бир вақтлар Иван Дмитрич ўқигани сингари тез ва шиддат билан ўқимайди, шошмасдан, у ёқ бу ёғини ўйлаб, тушунмаган ё кўнглига ёққан жойларида тўхтаб-тўхтаб ўқийди. Китобнинг ёнида доим бир графинчада ароқ ва тузланган бодрингми, олмами, тарелкаси, столга ёзилган мовут устида ётади. Ҳар ярим соатда у, кўзини китобдан узмай туриб, бир рюмка ароқ қуйиб ичади, сўнг, тимискилаб ҳалиги бодрингни топиб, ундан тишлаб қўяди.

Соат учда секингина ошхона эшигига яқинлашади ва бир йўталиб қўйиб:

— Дарьюшка, овқат еб олсаммикин-а... — дейди.

Тозалик томонига аҳамият берилмай пиширилган, жўнгина овқатдан кейин Андрей Ефимич икки кўлини кўкрагига қовуштириб хонадан-хонага ўтиб ва хаёл суриб юради. Соат тўртга жом урди, кейин бешга чалади, у ҳамон юради ва хаёл суради. Гоҳ-гоҳда ошхонанинг эшиги гичирлайди ва ундан Дарьюшканинг уйқудан бўртган қип-қизил башараси кўринади.

— Андрей Ефимич, пиво ичадиган вақтингиз бўлмади-ми? — дейди у ҳавотир олиб.

— Йўқ, ҳали вақт бор... — дейди у, — сал туриб ичай... сал туриб\*...

Одатда кечга томон почта мудирини Михаил Аверьянич келади. Бутун шаҳарда ёлғиз шу кишининг улфатчилиги Андрей Ефимичга ёқади. Михаил Аверьянич бир замонлар жуда бой помешчик бўлган ва отлиқ аскарда хизмат қилган эди. Лекин бор-йўғини барбод бериб, кексайганида муҳтожлик орқасида почта идорасида ишлашга мажбур бўлади. Унинг кўриниши соғлом ва тетик, чиройлик, оппоқ бакени<sup>1</sup>, гўзал хулқи ва жаранглаган ёқимли овози бор. У раҳмдил ва зийрак, лекин тажанг. Агар почтага келганлардан биронтаси норози бўлса, кўнмаса ёки муҳокама қила бошласа Михаил Аверьянич бўрилиб, титраб-қақшаб, товушининг борица «Бас қил!» деб қичқиради. Шунинг учун ҳам аллақачонлардан бери почта бўлими киши боришга қўрқадиган идора деб ном чиқарган. У Андрей Ефимични маълумотли ва олижаноб бўлгани учун сева-

<sup>1</sup> Бакен — икки чаккага қўйилган соқол.

ди ҳамда ҳурмат қилади, бошқа фуқароларга эса жуда юқоридан қўли остидаги одамлардек қарайди.

— Мана мен ҳам келдим!— дейди у, Андрей Ефимичнинг олдига кираркан.— Салом азизим! Жонингизга ҳам теккандирман, а?

— Аксинча, жуда хурсандман,— дейди доктор.— Сиз келсангиз, доим хурсанд бўламан.

Дўстлар кабинетда диванга ўтиришади ва бир қанча вақт жим қолишиб, папирос чекишади.

— Дарьюшка, бизга пиво бўлса эди! — дейди Андрей Ефимич.

Биринчи бутилкани ҳам жим ўтириб: доктор — хаёлга ботиб, Михаил Аверьянич эса, худди кўнглида айтадиган қизиқ гапи бор одамдай хушнудлик билан, ичишади. Суҳбатни ҳамиша доктор бошлайди.

— Қандай ачинарлик ҳол,— дейди у бошини қимирлатиб, шошмасдан секингина, ҳамсуҳбатининг кўзларига қарамай. У ҳеч қачон бировнинг кўзига қарамайди,— жуда-жуда ачинарли ҳол, ҳурматли Михаил Аверьянич бизнинг шаҳаримизда ақл юргизадиган, қизиқарли суҳбатни севадиган ва шунга қобилиятли одамлар йўқ. Бу бизлар учун гоят катта маҳрумият. Ҳатто зиёлилар ҳам разилликдан устун туролмайдилар; улардаги тушунча, сиз ишонишингиз мумкинки, паст табақа одамлар тушунчасидан юқори эмас.

— Ҳақ гап. Тўғри айтасиз.

— Ўзингизга маълумки,— деб давом этади доктор секингина, салмоқлаб,— дунёда инсон ақлининг юксак маънавий намояндаларидан бошқа ҳаммаси арзимас, қизиғи йўқ нарсалар. Ақл — инсон билан ҳайвон ўртасига қатъий чегара қўяди ҳамда инсонни илоҳийлигига ишора қилади ва унга аслида бўлмаган бир қадар абадийлик бахш этади. Бундан чиқди, ҳузур-ҳаловат берадиган, ягона манба ақл экан. Модомики, атрофимизда ақлни кўрмас ва эшитмас эканмиз,— демак, биз ҳузур-ҳаловатдан маҳруммиз. Тўғри, бизда китоблар бор, лекин китоб жонли суҳбат ва алоқанинг ўрнини босолмайди. Агар рухсат этсангиз, унча мувофиқ ўхшатиш бўлмаса ҳам, шундай дейиш мумкин: китоблар нота-ю, суҳбат — ашула.

— Ҳақ гап.

Жим қолишади. Ошхонадан Дарьюшка чиқади, эшик олдига келади-да, сиймосида ҳеч қандай маъно акс этмаган ҳолда, муштини юзига тираб қулоқ солади.

— Оҳ!—деб чуқур нафас олади Михаил Аверьянич.—  
Ҳозиргиларда ақл бор дейсизми!

Сўнгра у қадим замонда одамлар қандай яхши, қизиқ ва шодиёна ҳаёт кечирганини, Россияда ақлли зиёлилар бўлганини, уларнинг номус ва дўстлик тушунчасини қанчалик юксак даражага кўтарганларини сўзлаб беради. Векселсиз қарз беришар эди ва муҳтожликда қолган ўртоққа ёрдам қўли чўзмаслик айб ҳисобланар эди. Қандай ҳарбий сафарлар, ҳодисалар, тўқинишлар, қандай ўртоқлар, қандай хотинлар бўларди! Кавказ-чи — нақадар ажойиб ўлка! Батальон командирининг хотини-чи, аломат хотин эди, кечқурунлари офицерча кийиниб олиб, отга миниб, ёлғиз ўзи тоққа чиқиб кетар эди. Унинг қишлоқда қандайдир бир князь билан ишқ-муҳаббат можаролари бор дейишарди.

— Вой худо,— дейди Дарьюшка чуқур нафас олиб.

— Ишчиларимизни айтинг! Еган овқатларимизни айтинг! Қандай жасур либераллар эдик!

Андрей Ефимич қулоқ солади-ю, эшитмайди; пивони хўшлаб қўйиб, алланима тўғрисида ўйлайди.

— Ақлли одамлар ва уларнинг суҳбати тез-тез тушимга кириб туради,— дейди у тўсатдан Михаил Аверьяничнинг сўзини бўлиб.— Отам мени хўп ўқитди-ю, лекин олтишинчи йиллардаги оқим таъсири остида доктор бўлишликка мажбур қилди. Агар ўша вақтларда унинг сўзига қулоқ солмаганимда, ҳозир фикр ўчоғининг худди марказида бўлардим, деб ўйлайман. Эҳтимол бирон факультетнинг аъзоси бўлар эдим. Албатта, ақл ҳам абадий эмас, ўткинчику, лекин сиз менинг нима учун унга мойиллигимни биласиз. Ҳаёт—аламли бир дом. Фикрловчи инсон улғайиб, ақли камолга етганда, беихтиёр ўзини қутулишнинг иложи бўлмаган бир домга илингандай ҳис қилади. Ҳақиқатан, унинг ихтиёридан ташқари, қандайдир тасодифлар орқасида йўқдан бор бўлиб, оламга келади... Нега? У нега мавжудлигининг маъносини ва мақсадини билишни истайди — унга айтилмайди, ёки ақл бовар қилмайдиган сўзларни айтишади; тақиллатади,— унга эшик очмайдилар; ўлим ҳам унинг ихтиёридан ташқари келади. Мана, турмадаги кишилар, умумий бахтсизлик туфайли кишилар бир жойга тўпланганларидан анча енгил тортгандай бўладилар, ҳаётда ҳам анализ ва умумий хулоса чиқаришга мойил одамлар бир ерга йиғилишиб, эркин ва шарафли ғояларини ўртоқлашиш билан вақт ўтказганларида ҳа-

лиги дом сезилмайди. Бу жиҳатдан ақл ҳеч қиёсиз ҳузур-ҳаловатдир. . .

— Ҳақ гап.

Андрей Ефимич ҳамсуҳбатининг кўзларига қарамай аста ва тўхтаб-тўхтаб ақлли одамлар ва уларнинг суҳбати ҳақида сўзлайди. Михаил Аверьянич бўлса диққат билан қулоқ солади ва униг фикрига қўшилиб, «ҳақ гап» деб ўтиради.

— Сиз руҳнинг абадийлигига ишонасизми? — дейди тўсатдан почта мудир.

— Йўқ, луҳматли Михаил Аверьянич, ишонамайман ва ишонишимга асос ҳам йўқ.

— Тўғриси айтсам, мен ҳам шубҳа қиламан. Ундай десам, мен сира ўлмайдиганга ўхшайман. Ўзимга ўзим, ҳой чол, ўлим яқин! десам, кўнглимда қандайдир, бошқа бир овоз, ишонма, ўлмайсан! . . дейди.

Соат тўққиздан ўтгач Михаил Аверьянич кетади. Даҳлизда пўстинини кия туриб, чуқур нафас олиб:

— Буни қаранг, тақдир бизларни қандай қоронғи бурчакка келтириб, ташлади! Ҳаммасидан ҳам кишига алам қиладигани шуки, ҳали шу ерда ўламиз ҳам. Оҳ! . . — дейди.

## VII

Дўстини жўнатгач, Андрей Ефимич стол ёнига ўтиради, яна ўқишга киришади. Кечқурунги ва ундан кейин тунги сукунатни тиқ этган товуш бузмайди. Вақт ҳам доктор билан бирга китоб устида тўхтаб, қотиб қолгандай, шу китобдан, яшил қалпоқли лампадан ўзга ҳеч нарса йўқдек туйилади. Инсон ақлининг ҳаракатини кўриб меҳри товлангани ва завқ қилганидан докторнинг қўпол ва беўхшов юзларида аста-аста табассум пайдо бўлади. Оҳ! Нечун инсон абадий яшамайди? — деб ўйлайди у. — Миянинг марказлари, миянинг эгри-бугри бурмачалари нечун, кўриш қуввати, сўзлаш қобилияти, кўнгил, даҳо нечун? Моломики буларнинг ҳаммаси тупроққа айланишга ва ниҳоят, ер куррасининг қобиғи билан бирликда совунишга, сўнг миллион йиллар давомида маъносиз, мақсадсиз бир тарзда қуёш атрофида айланишга маҳкум экан, у ҳолда ҳамон совуниб, ундан кейин ер билан бирга айланиб юриш учун инсонни буюк ва деярли илоҳий ақли билан йўқдан бор қилишнинг, сўнг уни масҳара қилгандек, лойга айлантиришнинг мутлақо кераги йўқ эди.

Модда алмашиши! Бу сохта абадийлик билан ўз-ўзини овутиш қандай қўрқоқлик! Табиатда рўй бераётган ғайри шуурий жараёнлар инсон қиладиган аҳмоқчиликлардан ҳам тубан, чунки аҳмоқчиликда оз бўлса ҳам тушунча ва ирода бор, бу жараёнларда-чи, мутлақо ҳеч нарса йўқ. Фақат ўз фазилатини билишдан кўра ўлим олдида қўрқиш ҳисси кўпроқ бўлган қўрқоқлар: менинг жасадим вақти билан кўкатда, тошда, бақада... қайтадан яшайди деб ўзини юпатади. Ўзининг абадийлигини модда алмашишида кўришлик худди қиммат баҳо скрипка синиб, ишдан чиққанда, қутисининг энди истиқболи баланд бўлади дейишликдай, бўлмағур ғалати гап.

Соат жом чалганда Андрей Ефимич бир оз ўйлаш учун креслога суяниб, қўзларини юмади. Китобдан ўқилган яхши фикрлар таъсири остида беихтиёр ўзининг ўтмишига ва ҳозирги ҳаётига назар ташлайди. Ўтмиши жирканч, яхсиси уни эсламаслик. Ҳозиргиси ҳам ўшанинг ўзи. У яхши биладики, унинг фикри сўнган ер курраси билан бирга қуёш атрофида айланаётганда, докторнинг уйи билан ёнма-ён катта корпусда, одамлар дарддан ва жисмоний ифлосликдан сиқилиб, зорланиб ётишади: балки биров ухламай ҳашаротлар билан курашаётгандир, бировга сарамас касали юқа бошлагандир ё бўлмаса қаттиқ боғланган яранинг оғриғига чидолмай оҳ-воҳ қилаётгандир; балки касаллар, касалларга қаровчи аёллар билан карта ўйнаб ароқ ичишаётгандир. Ҳисобот йилида ўн икки минг киши алданган эди; касалхонанинг бутун иши бундан йигирма йил олдин қандай бўлса, ҳозир ҳам ўшандай, ўғрилиқ, разиллик, иғвогарлик, қуда-андачилик, очиқ муттаҳамлик асосига қурилган, касалхона ҳали ҳам бузуқ ахлоқли ва яшовчиларнинг соғлиғи учун ғоят зарарли бир жой. У темир панжара ўрнатилган 6-номерли палатадаги касалларни Никита дўппослашини ва Моисейканинг ҳар кун шаҳарга бориб гадоёлик қилишини яхши билади.

Иккинчи томондан, сўнгги йигирма беш йил ичида табобат илмида катта ўзгариш бўлганини у жуда яхши билади. У олий мактабда ўқиб юрган чоғларида тиббий илм ҳам тез кундаёқ алхимия ва метафизиканинг кунига учрайди деб ўйлар эди, энди кечалари китоб ўқир экан, табобат унинг кўнглини ййдиради ва ҳайрон қолдиради, ҳатто завқини келтиради. Ҳақиқатан, қандай кутилмаган порлоқ ҳодиса, қандай революция! Антисептика ёрдами билан ҳатто буюк Пирогов умид ҳам этолмаган опе-

рашьялар қилинаётир. Оддий земство<sup>1</sup> докторлари тизза бўғимини кесишга журъат қилишади, кўр ичак касали операциясидан, юз кишидан биттасигина ўлади, тош келиш касалини тузатиш шунчалик оддий гап бўлиб қолганки, у ҳақда ҳатто ёзилмайди. Захм таги-туғи билан даволанмоқда. Наслдан ўтиш назарияси, гипнотизм, Пастер ва Кохларнинг кашфиётлари, соғлиқни сақлаш ва ҳисобот олиб борилиши, бизнинг рус земство табобати-чи? Психиатрия ва унинг касалларни ҳозиргача гуруҳларга бўлиши касални аниқлаш усуллари ҳамда даволаши — аввалгига нисбатан бутун бошлиқ Эльборус-а. Ҳозир жинниларнинг бошига совуқ сув қуйилмайди ва махсус кўйлақлар ҳам кийгизилмайди; уларни туппа-тузук шароитда тутишади, ҳатто газеталарнинг хабар беришига қараганда уларга томошалар ва базмлар қилиб беришармиш. Андрей Ефимич биладики, ҳозирги нуқтаи назарлар ва талабларга қараганда 6-номерли палата сингари қабиҳ жой фақат темир йўлдан икки юз чақирим нарида, шаҳар бошлиғи ва бутун катталаридан тортиб докторни авлиё биладиган, оғизларига эритилган қўрғошин қуйиб юборганда ҳам унга ҳеч танқидсиз ишониш керак дейдиган — чаласавод мешчанлардан иборат ерда бўлмаса, бошқа жойда-чи, одамлар ва газеталар аллақачон бу кичкина Бастилиянинг<sup>2</sup> титиғини чиқариб юборган бўларди.

«Хўш нима бўбди?— деб ўзига савол беради Андрей Ефимич кўзларини очиб.— Шулардан нима чиқди? Анти-септикаю, Кох, Пастерлар дейлик, ишнинг асли ҳеч ўзгаргани йўқ. Ўша касаллик, ўша ўлим, ҳаммаси эски ҳолича турибди. Жинниларга базмлар ва томошалар қўйиб беришгани билан озод қилиб юборишмабди-ку. Демак, ҳаммаси оворагарчилик ва бўлмағур гап. Венанинг энг яхши касалхонаси билан менинг касалхонам орасида аслида ҳеч қандай фарқ йўқ».

Лекин ачиниш ва ҳасадга ўхшаш бир ҳис унинг бепарво бўлишига йўл қўймайди. Бу чарчаганликдан бўлса ке-

---

<sup>1</sup> *Земство* — чор Россияда 1864 йилда дворян-буржуа вакиллари-дан ташкил этилган ва соғлиқни сақлаш, ободонлик ва ҳоказо маҳаллий ишларни бошқариб турган муассасалар системаси. Губерна ёки уезддаги шу хилдаги айрим муассаса.

<sup>2</sup> *Бастилия* — Париждаги крепость ва давлат тюрмаси, XVIII аср охирида француз буржуа революцияси вақтида вайрон қилинган. (Ред.)

рак деб ўйлайди. Боши оғирлашиб китоб сари эгилади, юмшоқ бўлсин деб юзини қўлларига қўяди ва ўйлайди:

«Мен зарарли ишга хизмат қилмоқдаман ва ўзим алдаётган одамлардан ойлик олмоқдаман, мен виждонсизман. Лекин менинг ўзимни олинса, ҳеч гап эмас, фақат зарур бўлган ижтимоий ёвузликнинг бир бўлакчасиман: уезд бошлиқларининг ҳаммаси зарарли кишилар, бекорга ойлик олишади. . . Демак ҳалол меҳнат қилмаганим учун мен эмас, давр айбли. . . Бундан икки юз йил кейин туғилганимда бошқа одам бўлар эдим».

Соат учга жом урганда, у чироқни ўчиради ва ётоғига киради, унинг ухлагиси келмайди.

## VIII

Бундан икки йилча олдин земствонинг саҳийлиги тутиб кетди ва земствонинг ўз касалхонаси очилгунча шаҳар касалхонасида медицина ходимлари кўпайтирилсин деб қарор чиқариб, ёрдам тарзида йилига уч юз сўмдан пул тайин қилди ҳамда Андрей Ефемичга ёрдамчи қилиб уезд доктори Евгений Федорич Хоботов чақиртирилди. У ҳали жуда ёш йигит — ўттизга ҳам бормаган, — баланд бўйли, қора тўридан келган, яноқлари чиққан ва кўзлари кичик; эҳтимол ота-боболари бошқа халқдан бўлса. У шаҳарга бир тийин пулсиз, кичкинагина чемодан кўтариб, ёш ва хунук жувон билан бирга келди, уни хизматчим деб юради. Хотиннинг қўлида эмизукли боласи ҳам бор. Евгений Федорич козерекли фуражка, қўнжи узун этик кийиб юрар, қишда бўлса, қисқа пахталик киярди. У Фельдшер Сергей Сергеич ва ҳазиначи билан иноқ бўлиб кетди. Бошқа мансабдорларни оқсуяклар деб, негадир улардан ўзини тортиб юради. Унинг бутун бошлиқ уйида фақат битта — «Вена касалхонасининг 1881 йилги янги рецептлари» деган китоби бор. Қасал кўргани борганида ҳамиша ўша китобни ола боради. Кечқурунлар клубда биллиард ўйнайди, картани бўлса ёқтирмайди. Сўз орасига «ғалва», «сиркали мантифолия», «ваҳима қилма» сингари гапларни қистиришни жуда яхши кўради.

У ҳафтада икки марта касалхонага боради, палатадаги касалларни қарайди, унча-мунча касал ҳам қабул қилади. Антисептика ва қон сўргич банкаларнинг бутунлай йўқлиги жуда ҳам феълани айнитади-ю, лекин Андрей Ефемични таҳқирлаш бўлиб тушишидан қўрқиб, янги тар-



тиб киргизмайди. Узининг ҳамкасби Андрей Ефимични кеҭса фирибгар ҳисоблайди, жуда дунёси кўп бўлса керак деб ўйлайди ва унга ҳасади келиб юради. Жон деб унинг ўрнига ўтирар эди-да.

## IX

Баҳор кунларидан бирида, кечқурун, март ойининг охирларида, ердан қор кетиб касалхона боғида майналар сайраган чоқда, доктор дўсти почта мудирини дарвозагача кузатиб қўйгани чиқди. Гадоёлик қилиб келаётган жуҳуд Моисейка худди шу пайтда ҳовлига кириб келди. У бош-яланг, сарпойчан оёғининг учига калиш илган, қўлида садақалар солинган тўрваси бор эди.

— Бир тийин бер!— деди у докторга, совуқдан титраган ҳолда кулумсираб.

Йўқ дейишга одатланмаган Андрей Ефимич ўн тийин берди.

«Бу яхши эмас,— деди доктор унинг тўпиқлари қизариб кетган ориқ оёғига қараб,— лойгарчилик».

Ачинишга ҳам, жирканишга ҳам ўхшаш бир ҳис ўйғонди-да, Андрей Ефимич дам унинг тепакал бошига, дам тўпиқларига қараганича яҳудийнинг орқасидан палатага кирди. Доктор кириши билан чурук-чориқ устида ётган Никита ирғиб туриб, қоматини ростлади.

— Салом, Никита,— деди Андрей Ефимич мулоимлик билан.— Бир илож қилиб шу яҳудийга этик-петик берилса эди, бўлмаса — шамоллаб қолар.

— Хўп бўлади, жаноби олийлари. Нозирга айтаман.

— Шундай қилгин. Менинг номимдан сўрагин. Мени айтди дегин.

Даҳлиздан палатага кирадиган эшик очиқ эди. Иван Дмитрич кроватда ётган жойда, ёнбошлади ва ҳаяжон ичида бегона товушга қулоқ солди, бирдан докторни таниб қолди. Ғазабига чидолмай бор вужуди ларзага келди, ирғиб турди ва қип-қизариб, тутоққанича кўзлари олайган ҳолда югуриб палатанинг ўртасига келди.

— Доктор келди!— деб қичқирди ва қаҳ-қаҳ уриб кулди.— Ниҳоят! Афандилар, табриклайман, доктор бизларни келиб кўришни лойиқ топибди! Лаънати газанда!— деди чинқириб, палатадагилар ҳеч қачон кўрмаган ғазаб ичида ер тепиб.— Ўлдириш керак бу газандани! Йўқ, ўлдириш камлик қилади! Ҳожатхонага чўктириб юбориш керак!

Бу сўзларни эшитган Андрей Ефимич даҳлиздан пала-тага қаради ва мулойимлик билан:

— Нима учун?— деди.

— Нима учун,— деб қичқирди Иван Дмитрич, титраб халатига ўралганича ўдағайлаб ва хезланиб унга яқин борди.— Нима учун? Ўғри!— деди нафрат билан лабларини худди тупурмоқчи бўлгандай қилиб.— Муттаҳам! Жаллод!

— Тинчланинг,— деди Андрей Ефимич, айби бор одамдек кулумсираб.— Ишонинг, мен ҳеч қачон ҳеч нарса ўғирлаган эмасман, бошқа жиҳатларни бўлса, жуда ошириб юбордингиз дейман. Мендан қаттиқ хафа бўлганга ўхшайсиз. Сиздан ўтиниб сўрайман, тинчланинг, иложи бўлса қизишмасдан айтинг, нега мендан хафасиз?

— Нима учун мени бу ерда тутиб ўтирибсиз?

— Қасаллигингиз учун.

— Ҳа, касалман. Лекин ўнлаб, юзлаб жиннилар озодликда юришибди-ку, ахир, чунки жаноблари нодонликлари орқасида уларни соғлардан айиролмайдилар. Нега энди мен ва мана бу шўрликларгина ҳамма учун бу ерда ўтиришимиз керак? Сиз, фельдшер, нозир ва касалхона ходимидан деб юрган аблаҳларнинг ҳаммаси ахлоқ жиҳатидан бизларнинг ҳар биримиздан қиёс қилиб бўлмас даражада тубансиз, нега биз ўтирамыз-у, сизлар ўтирмайсиз? Қани мантиқ?

— Бу ерда гап ахлоқ ёки мантиқда эмас. Ҳаммаси тасодифга боғлиқ. Ким ўтирғизилган бўлса ўша ўтирибди, ким ўтирғизилмаган бўлса, юрибди, мана шу менинг докторлигим ва сизнинг руҳий ҳасталигингизда ахлоқ ҳам, мантиқ ҳам йўқ, фақат тасодиф холос. . .

— Бундай бемаъни гапларга тушунмайман. . .— деди тўнғиллаб Иван Дмитрич ва кроватга ўтирди.

Никита докторнинг ёнида тинтишдан уялиб ўз ҳолига қўйган Моисейка ўрнига бурда нонлар, данаклар, қоғозларни ёйди ва ҳали ҳам совуқдан титраган ҳолда тез-тез чўзиқ оҳанг билан яҳудий тилида нималарнидир сўзлай бошлади. Эҳтимол, ўзича дўкон очдим деб ўйлагандир.

— Мени бўшатиб юборинг,— деди Иван Дмитрич, унинг товуши қалтираб кетди.

— Иложи йўқ.

— Хўш, нима учун? Нега?

— Чунки бу менинг ихтиёримда эмас. Ўйлаб кўринг, бўшатиб юборишимнинг сизга нима фойдаси бор? Боринг.

Ё полиция, ё шаҳар аҳлидан биронтаси сизни ушлаб яна шу ерга олиб келади.

— Ҳа, ҳа, бу тўғри гап. . . — деди Иван Дмитрич ва пешонасини ишқади. — Бу даҳшатли! Энди мен нима қилай ахир? Нима?

Иван Дмитричининг товуши, унинг юз буриштиришлари, идрок акс этиб турган чехраси Андрей Ефимичга ёқиб қолди. Уни эркалатгуси, юпатгуси келди. Иван Дмитричининг ёпига, кроватига ўтирди, бир оз ўйлаб туриб:

— Сиз нима қилай деяпсиз? — деди. — Сиз учун яхши — бу ердан қочиш. Лекин, афсуски, фойдаси йўқ. Тутиб олишади. Қачонки жамият руҳий касаллардан, жиноятчилардан ва умуман бирга бўлиш ўнғайсиз деб ҳисобланадиган одамлардан ўзини четга тортса, унга чора йўқ. Энди сизга битта йўл: шу ерда туришим зарур, деб ўзингизга тасалли берасыз.

— Бу ерда туришимнинг ҳеч кимга кераги йўқ-ку.

— Модомики турма, жиннихона деган жойлар бор экан, ахир кимдир ўтириши керак-да. Сиз бўлмасангиз — мен бўлмасам — яна биров. Шошманг, бир замонлар келиб турма, жиннихона деган нарсалар йўқ бўлиб кетади, ўшанда деразалардаги темир панжаралар ҳам, бу чопонлар ҳам бўлмайди. Албатта, эртами-кечми шундай вақт келади.

Иван Дмитрич истеҳзо билан жилмайди.

— Ҳазиллашяпсиз, — деди у кўзларини қисиб. — Сиз сингари ва ёрдамчингиз Никита сингари жанобларнинг келажак замон билан мутлақо иши йўқ, лекин хотирингиз жам бўлсин, муҳтарам афандим, яхши замонлар албатта келади! Майли, менинг оғзимдан ярамас сўзлар чиқаётгандир, кула қолинг, лекин янги ҳаёт тонги отади, ҳақиқат юзага чиқади ва бизнинг кўчада ҳам байрам бўлади! Мен кўролмайман, ўлиб кетаман, лекин кимларнингдир эвара, чевараси кўради. Жони-дилим билан уларни табриклайман, шодланаман, улар учун шодланаман! Олга! Худо ёр бўлсин, дўстлар!

Иван Дмитрич кўзларида аланга чақнаб ўрнидан турди ва қўлларини дераза томон чўзганича товушида ҳаяжон акс этдириб давом этди:

— Мана шу панжаралар орқасидан туриб фотиҳа бераман! Яшасин ҳақиқат! Шодланаман!

— Мен шодлангудек бир сабаб кўраётганим йўқ, — деди Андрей Ефимич, гарчи Иван Дмитричининг ҳаракат-

лари унга артистларга ўхшаб кўринган бўлса ҳам жуда ёқади.— Турма ва жиннихоналар йўқолади, тўғри, сиз айтганингиздек ҳақиқат ҳам юзага чиқади-ю, лекин нарсаларнинг асли ўзгармайдида, табиат қонунлари шу ҳолича қолаверади. Ушанда ҳам одамлар касал бўлади, қарийди, ҳозиргига ўхшаб ўлаверади. Ҳаётингизни ҳар қандай порлоқ ёғду ёритмасин, ахир бир кун сизни тобутга солиб, оғзини михлаб, чуқурга ташлайдилар.

— Абадийлик-чи?

— Бе, қўйсангизчи!

— Сиз ишонмайсиз-ку, майли, мен ишонаман. Ё Достоевскийда ё Вольтерда, кимдир биттаси: агар худо бўлмаганида уни одамларнинг ўзи ўйлаб чиқарар эди, дейди. Агар абадийлик йўқ бўлса эртами-кечми инсоннинг буюк ақли уни ўйлаб топади, мен шунга қаттиқ ишонаман.

— Маъқул гап,— деди Андрей Ефимич, кайфи чоғ бўлганидан кулумсираб.— Сизнинг ишонганингиз яхши. Бундай ишончи бўлган одам девор орасига шуваб ташлаганда ҳам яшаши мумкин. Сиз бирон ерда билим олган эдингизми?

— Ҳа, мен олий мактабда ўқир эдим, лекин тамомлаган эмасман.

— Сиз фикр қиладиган чуқур мулоҳазалик одамсиз. Ҳар қандай шароитда яшасангиз ҳам ўзингизни юпата оласиз. Ҳаётни яхши англашга интиладиган чуқур ва озод фикр ҳамда дунёнинг бўлмағур икир-чикирига бутунлай нафрат билан қарашлик — мана шу икки неъматдирки, инсон бундан буюк нарсани кўрган эмас. Гарчи сиз уч қават темир панжара ичида пинҳон бўлсангиз ҳам унга эриша оласиз. Диоген бочкада яшаган, шунда ҳам ер юзидаги ҳамма подшолардан бахтли бўлган.

— Диогенингиз аҳмоқ эди,— деди Иван Дмитрич қайғули оҳанг билан.— Нега менга Диоген, яна қандайдир ҳаётни яхши англашлар ҳақида сўзлаясиз?— деди у тўсатдан энсаси қотиб ва ирғиб турди.— Мен ҳаётни севаман, эҳтирос билан севаман! Мени биров таъқиб қилаётир деган дардга мубталоман, мудом қаттиқ қийнайдиган қўрқув чангалидаман. лекин шундай дақиқалар ҳам бўладики, ҳаётга ташна бўламан, яна шунда жинни бўлиб қолишдан қўрқаман. Жуда яшагим келади, жуда!

У ҳаяжон ичида бир йўл палатанинг у бошига бориб келди-да, товушини пасайтириб:

— Хаёл сурганимда кўзимга алланималар кўринади. Олдимга қандайдир одамлар келади, қулоғимга чолғу овозлари эшитилади, назаримда қандайдир ўрмонларда, денгиз бўйларига юргандек сезаман ва ҳаётнинг икир-чикирлари, ҳаракатлари билан жуда банд бўлгим келади... Айтиб берингчи, қани, у ёқда қандай янгиликлар бор? . . . — деб сўради Иван Дмитрич. — Нима гаплар?

— Сиз шаҳар тўғрисида сўраётирсизми? Ё умуманми?

— Майли, аввал шаҳар тўғрисида сўзлаб беринг, сўнг умуман.

— Нима бўларди? Шаҳарда киши бениҳоят зерикади. . . бир оғиз сўз қотгудай, ё сўзга қулоқ солгудай одам йўқ. Янги келган одамлар ҳам йўқ. Айтмоқчи, яқинда Хоботов деган ёш доктор келди.

— У мен борлигимда келган эди. Қалай, битта аблаҳдир-да?

— Ҳа, маданиятсиз одам. Биласизми, шуниси қизиқки. . . Умуман қараб турсангиз, пойтахтамизда ақл-идроқда турғунлик йўқ, ҳаракат бор, — демак, у ерда ҳақиқий одамлар ҳам бўлиши керак, лекин негандир бу ерга ҳар гал шундай одамларни юборишадикки, кўрмасам дейсан киши. Бахтсиз шаҳар!

— Тўғри, бахтсиз шаҳар! — деб чуқур нафас олди Иван Дмитрич ва кулиб юборди. — Умуман-чи? Газета, журналларда нималар ёзиляпти?

Палата қоронғилашиб қолган эди. Доктор ўрнидан туриб чет элларда ва Россияда нималар ёзаётганлари, ҳозир қандай фикрий оқимлар борлигини сўзлай бошлади. Иван Дмитрич ғоят диққат билан тинглаб, саволлар бераётганди, лекин тўсатдан бир мудҳиш иш ёдига тушгандай бошини ушлади ва докторга орқасини ўгириб ётиб олди.

— Нима бўлди сизга? — деди Андрей Ефимич.

— Энди сиз мендан бирон оғиз ҳам сўз эшитмайсиз! — деди Иван Дмитрич қўрслик қилиб. — Қўйинг мени?

— Сабаб?

— Айтдим-ку; қўйинг! Мунча энди?

Андрей Ефимич кифтларини учирди, уҳ тортиб, чиқиб кетди. Даҳлиздан ўтаркан:

— Шу ер бир тозалансайди, Никита. . . Жуда сасиб кетибди! — деди.

— Хўп бўлади, жаноби олийлари.

«Қандай ёқимли йигит! — деб ўйлади Андрей Ефимич уйига кела туриб. — Шу ерда турганимдан буён гап-сўзга

тушунадиган одамни учратганим шу бўлса керак. У муҳокама қила олади ва зарур нарсаларга қизиқади».

Китоб ўқиётганда ва ётар вақтида ҳам Иван Дмитрич ҳақида ўйлади, эртасига эрталаб уйғониб, кеча ақлли ва ажойиб йигит билан танишгани ёдига тушди, иложини топса унинг ёнига яна бир кириб чиқишга жазм қилди.

## Х

Иван Дмитрич худди кечагидек вазиятда, бошини қўллари орасига олиб, оёқларини ғужанак қилиб ётганди. Юзи кўринмас эди.

— Салом дўстим,— деди Андрей Ефимич.— Ухлаётганингиз йўқми?

— Аввало мен сизнинг дўстингиз эмасман,— деди Иван Дмитрич ёстиққа юзини босиб ётганича,— иккинчидан беҳуда уринаётирсиз: мендан бирон оғиз ҳам сўз эшитолмайсиз.

— Қизиқ... — деди Андрей Ефимич хижолат тортиб.— Кеча бир яхши, тотувлик билан сўзлашаётган эдик, лекин нимагадир тўсатдан хафа бўлдингиз ва суҳбатни тўхтатиб қўйдингиз... Эҳтимол, оғзимдан бирон ношоён сўз чиқдим, ё бўлмаса, сизнинг ақидангизга тўғри келмайдиган фикрни айтиб қўйдимми...

— Шунақа денг, ишондим қўйдим-да, а, сизга?— деди Иван Дмитрич бошини кўтариб, ҳаяжон ичида истеҳзо билан докторга қараб; унинг кўзлари қизарган эди.— Жосусликни, сир олишни бошқа жойга бориб қилинг, бу ерда кетмайди. Нима учун келганингизни кечаёқ билган эдим.

— Қизиқ хаёл!— деди доктор жилмайиб,— Демак сизнинг билишингизча мен жосус эканман-да?

— Ҳа бўлмаса-чи... мен унинг қўлига синаш учун топширилганимдан кейин докторми — жосусми—барибир.

— Э-ҳа, ҳали ҳақиқатан афв этингиз... Тентак экансиз-ку!

Доктор унинг кровати ёнидаги курсичага ўтирди-да, уни айбсйтиб бош чайқади.

— Хўп, айтайлик, сиз ҳақли бўлинг,— деди у,— айтайлик, мен мунофиқлик қилиб сизни сўздан тутиб полицияга бермоқчиман. Сизни қамоққа олишсин, сўнг суд ҳам қилишсин. Хўш, ўша судда ва турмада сизга шу ердагидан ёмон бўладими? Агар бошқа шаҳарга, ҳатто сурғунга юборсалар шу ҳужрада ўтиришингиздан ёмонми? Менимча, ёмон эмас... Демак, нимадан кўрқасиз?

Афтидан, бу сўзлар Иван Дмигричга таъсир қилди шекилли, секин туриб ўтирди.

Соат кечки беш эди,— бу Андрей Ефимич одати бўйича ўз уйида хонадан хонага ўтиб юрадиган ва Дарьюшка ундан, пиво ичадиган вақтингиз бўлмадимиз, деб сўрайдиган кез эди. Эшикда ҳаво соф, сокин эди.

— Мен овқатдан сўнг айланиб келиш учун чиққан эдим, ҳузурингизга киргим келди,— деди доктор.— Баҳор бўлиб қолди.

— Ҳозир қайси ой? Мартми?— деб сўради Иван Дмитрич.

— Ҳа, мартнинг охири.

— Ҳовли лойдир?

— Йўқ, унча лой эмас. Боғ йўллари селгиб қолган.

— Энди аравага тушиб бирон ерга, шаҳардан ташқарига чиқсам,— деди Иван Дмитрич, қизарган кўзларини уйқудан турган одамдай ишқаб,— сўнг уйим, иссиққина, саранжом-саришта кабинетимга қайтиб келиб... кейин тузукроқ докторга бош оғриқни даволатсам... кўпдан бери инсонларча яшаганим йўқ. Бу ер жуда ёмон! Чидаб бўлмаслик даражада ёмон!

Кечаги васвасадан кейин чарчаган, ланж ва анча хафсаласизлик билан сўзлар эди. Бармоқлари титрар ва юзидан бошининг қаттиқ оғриётгани билиниб турарди.

— Иссиққина, саранжом-саришта кабинет билан шу палатанинг ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ,— деди Андрей Ефимич.— Кишининг ҳузур-ҳаловати ташқи шароитда эмас, унинг ўзида бўлади.

— Яъни?

— Оддий одамлар роҳатни ёки азобни ташқи шароитдан, масалан, аравадан, кабинетдан, фикр этувчи киши эса ўзидан кутади.

— Боринг, бу фалсафани Грецияда тарғиб қилинг, у ер иссиқ ва померанс ҳидига тўла, бу ернинг бод-ҳавоси тўғри келмайди. Ким билан Диоген ҳақида сўзлашган эдим? Сиз билан бўлса керак?

— Ҳа, кеча мен билан.

— Диоген кабинет ва иссиқ уйга муҳтож бўлган эмас; у ерда буларсиз ҳам иссиқ. Бочкага туш-да, апельсин ва зайтун меваси еб ётавер. Агар Россияда туришга тўғри келганда борми, декабрда эмас, май ойида ҳам уй талаб бўлиб қоларди-ку. Совуқ бундоқ ҳам асар қилсинки...

— Йўқ. Совуқни ва умуман барча оғриқларни ҳам сезмаслик мумкин. Марк Аврелий: «оғриқ — одамнинг оғриқ ҳақидаги тушунчаси, продангни кучайтириб, мана шу тушунчани ўзгартир, орқага ташла, нолишни тўхтат, оғриқ йўқолади» дейди. Ҳақ гап. Донишманд ёки умуман фикр қилувчи мулоҳазали одам, фақат азобдан нафратланиши билан бошқалардан фарқ қилади; у доим мамнун ва ҳеч нарсага таажжубланмайди.

— Демак, мен азоб чекканим, норозилик билдирганим ва инсон разиллигига таажжубланганим учун аҳмоқ эканман-да.

— Бу гапларингиз ортиқча. Агар сиз дурустроқ ўйлаб кўрсангиз, бизларни таҳликага соладиган сиртқи нарсаларнинг қанчалик арзимаслигини англаб оласиз. Ҳаётни англаб олишга интилиш керак,— ҳамма бахт — ана ўшанда.

— Англаш. . . — деб юзларини буруштирди Иван Дмитрич. — Сиртқи, ички. . . — Кечиринг, мен бунни тушунолмаймаман. Фақат шуни биламанки,— деди у ўрнидан тураркан, ғазаб билан дакторга қараб,— шуни биламанки, худо мени иссиқ қон ва асаблардан яратган, шундай! Органик тўқима агар яшашга қобилиятли бўлса, сиртдан бўладиган ҳар бир таъсирга эътибор бериши керак. Мен эътибор қиламан! Оғриққа—додлаш ва йиғлаш билан, разилликка — нафрат, қабихликка — ғазабланиш билан жавоб қиламан. Менимча, ҳаёт деб асли ўзи мана шуларни айтилса керак. Организм нақадар тараққий топмаган бўлса, шу қадар сезгирлиги оз, ва ташқи таъсирга шунчалик суст жавоб қилади, қанчалик тараққийлашган бўлса, шунчалик сезгир бўлиб, воқиликка тез ва ғайрат билан эътибор қилади. Шуни ҳам билмай бўладими? Доктор-ку, шунақангиз оддий нарсаларни билмайди! Азоб чекишга нафрат билан қарамаслик учун, доим мамнун бўлишлик учун, ҳеч нарсага ҳайрон қолмаслик учун мана шундай ҳолга тушмоқ керак,— деди Иван Дмитрич, вужудини ёғ босиб, семириб кетган мужикни кўрсатиб,— ёки киши ўзини азоб билан шундай пишитиши керакки, ҳар қандай сезиш қобилияти, яъни бошқача қилиб айтганда, яшамай қўйиши керак. Кечиринг, мен на мутафаккирман, на файласуф,— деб давом этди Иван Дмитрич тутоқиб,— ва бу тўғрида ҳеч нарса тушунмайман. Фикр юритгудай ҳодим йўқ.

— Аксинча, фикр юритишингиз жуда соз.



— Сиз кулгили равишда тақлид қилаётган стоиклар<sup>1</sup> анча дуруст одамлар эди, лекин уларнинг таълимоти бундан икки минг йил олдин бир жойда қотиб қолди, бир қадам ҳам олдинга силжигани йўқ ва силжимамайди, чунки ҳаётга татбиқ қилиб бўладиган қулай таълимот эмас. У фақат бутун умрини ўлиб-толиб турли таълимотларни ўрганиш, тотиб кўриш билан ўтказадиган озчилик ўртасида шуҳрат қозона олди, кўпчилик унга тушунолмади. Бойликка, ҳаётдаги қулайликларга лоқайдликни ва азобга, ўлимга нафрат билан қарамасликни тарғиб қилувчи таълимотга кўпчилик мутлақо тушунмайди, чунки бу кўпчилик ўз ҳаётида бойлик нима, турмушдаги қулайлик нималигини ҳеч қачон билган эмас; азоб чекишга нафрат билан қарамаслик улар учун ҳаётга нафрат билан қараш деган гап, чунки инсоннинг вужуди очлик, яланғочлик, алам, айрилиқни сезишдан ва гамлетчасига ўлимдан қўрқишдан иборат. Ҳаёт мана шу сезгиларда: уни оғир кўришлик, ёқтирмаслик мумкин, лекин ундан нафратланиб бўлмайди. Мана шундоқ, такрор айтаманки, стоикларнинг таълимоти ҳеч қачон юзага чиқмайди. Ахир кўриб турибсизки, дунё пайдо бўлгандан то шу кунгача кураш, оғриққа сезгирлик, четдан бўлган таъсирга жавоб қайтариш қобилияти ўсиб бормоқда...

Иван Дмитрич бирдан фикрининг арқоғини йўқотиб қўйди-да, хуноб бўлиб, пешонасини ишқади.

— Бир муҳим нарса айтмоқчи эдим, адашиб кетдим,— деди у.— Нима эди? Ҳа! Шунини айтмоқчи эдим; стоиклардан биттаси ўзининг яқин бир одамини ажратиб олишлик учун, қул бўлиб сотилган. Буни қаранг, демак стоик ҳам сиртдан бўлган таъсирга эътибор қилибди, яқин кишинг учун жондан кечишликдек олижаноб ишни қилиш учун азобга қарши қўзғалувчан, раҳмдил бўлмоқ керак. Бу турмада ўқиб билганларимни ҳам эсимдан чиқариб қўйдим. Бўлмаса яна бирон нарсани хотирлар эдим. Исони олсак-чи? Исо воқиликка йиғлаш, кулиш, қайғуриш, аччиғланиш, ҳатто русса чекиш билан жавоб қилган; у азобга қарши кулиб борган эмас ва ўлимга ҳам нафрат билан қараган эмас, Гефсиман боғида мени бу бало-қазодан сақла деб ибодат қилган-ку.

Иван Дмитрич кулиб юборди-да, ўтирди.

---

<sup>1</sup> Стоицизм фалсафаси муҳиблари — ҳаёт қийинчиликларини мардлик билан енгувчилар. (Ред.)

— Фараз қилайлик, инсоннинг ҳузур-ҳаловоти четда эмас, унинг ўзида бўлсин,— деди у.— Фараз қилайлик, азоб чекишга нафрат билан қарайлик-да, ҳеч нарсага ҳайрон қолмайлик. Хўш, сиз нимага асосланиб буни тарғиб қилаётирсиз? Сиз донишмандмисиз? Файласуфмисиз?

— Йўқ, файласуф эмасман, аммо бу нарсани ҳар бир киши тарғиб қилиши лозим. Чунки бу оқилона гап.

— Йўқ, мен шуни билмоқчиманки нега сиз англаб олиш, азоб чекишга нафрат билан қараш сингари масалаларда ўзингизни билимдон ҳисоблайсиз? Сиз азоб чекиб кўрганмисиз? Азоб нималигини биласизми? Кечирасиз, болагингизда сизни савалашганми?

— Йўқ, менинг ота-онам уриб жазолашни ёмон кўрарди.

— Отам мени аямай урар эди. Менинг отам баджаҳл, бўйнигача сарғайиб кетган, сўррайган, қирра бурун, бавосил бир мансабдор эди. Қани, сизнинг тўғрингизда сўзлашайлик. Умрингизда сизни биров чертган эмас, ҳеч ким кўрқитиб, юрагингизни олиб қўйган эмас, буқадек соғломсиз. Отангизнинг бағрида катта бўлгансиз ва унинг пулига ўқигансиз, сўнг дарҳол иши оз, даромади зўр ўринга ўтириб олгансиз. Йигирма йилдан ортиқ тайёр хизматчиси ўтин-чўпи, чироғигача текин уйда яшагансиз. Бунинг устига қанча ва қандай ишлаш ёки ҳеч иш қилмаслик ўз ихтиёрингизда бўлган. Ўзингиз табиятан ялқов, пўк одамсиз, шунинг учун ҳам турмушингизни ҳеч нарса безовта қилмайдиган ва жойидан қўзғотмайдиган қилиб тузгансиз. Ишни фельдшер ва ўшанга ўхшаш аблаҳларга топшириб, ўзингиз иссиққина тинч уйда ўтириб, пул йиғиб, китоб ўқиган бўлиб, ҳар хил бўлмағур юксак фикрларнинг ва (Иван Дмитрич докторнинг қип-қизил бурнига қараб олди) ичкиликнинг кайфини сургансиз. Қисқаси, сиз ҳаётни кўрмагансиз ва мутлақо билмайсиз ҳам, воқиликни бўлса фақат назарий равишда биласиз. Азоб чекишга нафрат билан қарашингиз ва ҳеч нарсага таажжубланмаслигингиз сабаби жуда оддий: ҳаётнинг икир-чикирлари ички ва ташқи ҳаётга, азоб чекишга ва ўлимга нафрат билан қараш, англаб олиш, ҳақиқий саодат — буларнинг ҳаммаси россиялик ялқов учун жуда мос фалсафа. Масалан, бир мужик хотинини урмоқда, сиз унга қараб тураверасиз. Уртасига тушишнинг нима кераги бор? Қўявер, ураверсин, эртами-кечми иккови ҳам ўлади, бунинг устига ураётган киши уриш билан у одамни эмас, ўзини ҳақо-

рат қилади дейсиз. Ичиб маст бўлиб юриш аҳмоқлик, бедоблик, лекин ичсанг ҳам — ўласан, ичмасанг ҳам — ўласан эмиш. Хотин киши келади, тишим оғрияпти. . . дейди. Хўш, нима бўбди? Оғриқ — оғриқ ҳақидаги тушунча, унинг устига бу дунёда касал бўлмай ўтмайди киши, ҳаммамиз ҳам ўламиз, шунинг учун, хотин, йўлингдан қолма, менинг ўйлашимга ва ичкилик ичишимга халақит берма, дейилди-да. Ёш йигит, нима қилиш ва қандай яшаш ҳақида маслаҳат сўрайди, бошқа киши бўлса жавоб беришдан олдин ўйлаб кўрарди, сизнинг жавобингиз тайёр: англаб олишга ёки ҳақиқий саодатга интил. Бу хаёлий «ҳақиқий саодат» нима? Бунга, албатта, жавоб йўқ. Бизларни бу ерда, панжара ичига қамаб чиритишмоқда, ҳолатдан кетгунча азоб беришмоқда, бу жуда яхши ва оқилона иш, чунки шу палата билан яхши ва иссиқ кабинетнинг орасида ҳеч қандай фарқ йўқ эмиш. Қулай фалсафа: иш ҳам йўқ, виждон ҳам соф, ҳам ўзингни доно одамдай сезасан. . . Йўқ, афандим; бу на фикр, на фалсафа, на дунёга кенг қарашлик. Бу — ялқовлик, афсунгарлик, алаҳлаш. . . Тўғри! — деди-да, Иван Дмитрич яна аччиғланди. — Азоб чекишга нафрат билан қарамайсиз, агар бармоғингизни эшик қисиб олгудай бўлса товушингизнинг борича додлар эдингиз!

— Борди-ю, додламасам-чи! — деди Андрей Ефимич салгина жилмайиб.

— Шундайми, додламассиз-а! Мана, агар бирдан фалаж бўлиб қолсангиз, ёки биронта аҳмоқ, сурбет ўзининг мансаби ва амалидан фойдаланиб, халқ ўртасида сизни ҳақорат қилса ва унга ҳеч қандай жазо берилмаслигига кўзингиз етса, — ана унда бошқаларни ҳаётни англаб олишга ва ҳақиқий бахтга йўллаш нималигини билиб кўяр эдингиз.

— Бу қизиқ гап, — деди Андрей Ефимич завқ билан кулиб ва қўлларини бир-бирига ишқади. — Сизнинг шу зайл хулоса чиқаришларингиз менга жуда ёқади, ҳалигина менга жуда қойил қолдирадиган баҳо бердингиз. Тўғриси айтсам, сиз билан суҳбатлашиш менга гоят катта роҳат бахш этади. Хўб, мен сизнинг сўзларингизни тингладим, энди сиз ҳам менинг сўзларимга қулоқ солинг. . .

## XI

Бу суҳбат яна бир соатча чўзилди ва афтидан Андрей Ефимичга қаттиқ таъсир қилган бўлса керакки, ҳар кун шу ерга келадиган бўлиб қолди. У эрталаб ва овқат-

дан кейин келар, кўпинча қоронғи тушгунча ҳам Иван Дмитрич билан суҳбатлашиб ўтирарди. Дастлабки кунларда Иван Дмитрич ундан ўзини тортар ва ёмон ният билан келиб юрибди, деб шубҳаланиб, уни ёқтирмаслигини очиқдан очиқ айтар эди, кейинчалик ўрганиб қолди ва кўрс сўзликниг ўрнига сал аяб, истеҳзо аралаш муомала қиладиган бўлди.

Тез кундаёқ касалхонага, доктор Андрей Ефимич 6-номерли палатага кириб юрар эмиш, деган овоза тарқалди. На фельдшер, на Никита, на касалларга қаровчи аёллар — ҳеч ким, унинг нима учун у ерга киришининг, неча соатлаб у ерда қолиб кетишининг, нима ҳақида сўзлашишининг ва нега дори ёзиб бермай чиқиб кетишининг тагига етолмасди. Унинг бу қилиғи жуда ажиб туюлар эди. Михаил Аверьянич ҳам кўпинча уни уйдан тополмайдиган бўлиб қолди, илгари ҳеч бундай бўлмасди; докторнинг маълум соатда пиво ичмаётганлигидан баъзан ҳатто овқатга ҳам кечикиб келишидан Дарьюшка ҳам довдираб қолганди.

Бир кун, июннинг охирларида доктор Хоботов қандайдир бир иш билан Андрей Ефимичнинг олдига келди; уйдан тополмагач, ҳовлидан излай бошлади; кекса докторнинг руҳий касалларнинг ёнига кириб кетганини ўша ердагилар айтишди. Хоботов у ерга борди ва даҳлизда туриб, шу сўзларни эшитди:

— Бизлар бир-биримизни ҳеч қачон англай олмаймиз ва мени ўз маслагингизга тортиш қўлингиздан келмайди, — дерди Иван Дмитрич қизишиб, — воқелик билан мутлақо таниш эмассиз, ҳеч қачон азоб ҳам чекмагансиз, фақат зулук сингари, башқалар азоб чекаётган жойда туриб, тўйгансиз. Мен бўлсам туғилганимдан то шу дамгача муттасил азоб чекиб келаман. Шунинг учун очигини айтаман; мен ўзимни сиздан устин ва ҳар тўғрида муътабарроқ деб ҳисоблайман. Менга ўргатмай қўя қолинг.

— Менда сизни ўз маслагимга тортай деган хаёл мутлақо йўқ, — деди секингина Андрей Ефимич, унинг англашни истамагани учун оғрингандай бўлиб. — Гап бунда ҳам эмас, дўстим. Гап сиз азоб чекиб, мен чекмаганимда эмас. Азоб чекишлар, хурсандчиликлар ўтиб кетадиган нарса; қўйинг, худо уларга ёр бўлсин. . . Гап шундаки, бизлар фикр юргизамиз ва бир-биримизда муҳокама қилишга, фикр юргизишга қобилиятли одамларни кўрмоқдамиз, ана шунинг ўзи, маслагимизнинг турли бўлишига қарамай,

бизларни фикрдош қилади. Кошки, сиз умумий аҳмоқчилик, қобилиятсизлик, бефаҳмлиқнинг жонимга қандай текканини ва ҳар гал сиз билан қандай шодланиб суҳбатлашишимни билсангиз эди, дўстим! Сиз ақилли одамсиз, сизнинг ёнингизда роҳат қиламан.

Хоботов эшикни сал қия очди-да, палатага қаради; қалпоқ кийган Иван Дмитрич билан доктор Андрей Ефимич тўшакда ёнма-ён ўтирарди. Жинни юзларини буриштирар, сесканар ва беихтиёр халатга ўраларди, доктор бўлса жимгина, бошини қўйи солиб ўтирарди, унинг юзи қип-қизил, умидсиз ва ғамгин эди. Хоботов елкаларини учирди, кулди ва Никита билан кўз уриштирди. Никита ҳам елкаларини учирди.

Эртасига Хоботов фельдшер билан бирга келди, иккаласи ҳам даҳлизда туриб қулоқ солишди.

— Чолимиз бутунлай айниб қолганга ўхшайди-ку! — деди Хоботов, у ердан чиқаркан.

— Ё раббий, биз гуноҳкорларни ўзинг кечир! — деди чуқур нафас олиб олифта Сергей Сергенч, ялтирагунча пардозланган этикларига лоё тегизмаслик учун кўлмак сувдан эҳтиёт билан ўтаркан, — тўғриси айтсам, ҳурматли Евгений Федорич, мен кўпдан бери шундай бўлишни кутган эдим! — деди.

## XII

Шундан кейин Андрей Ефимич атрофида қандайдир сирли бир ҳол сеза бошлади. Қасалхонада хизмат қилувчи эркаклар, касалларга қаровчи аёллар ва касаллар унинг билан учрашганда савол назари билан боқишар, сўнг ивир-шивир сўзлашарди. Нозирнинг қизи Маша ҳам касалхона боғида учраб қолганда, Андрей Ефимич одатдагича унинг бошидан силамоқчи бўлиб, кулумсираб ёнига борса, негадир қочадиган бўлиб қолди. Почта мудирини Михаил Аверьянич унинг сўзларига қулоқ соларкан ортиқ: «ҳақ гап» демасдан, англаб бўлмайдиган бир хижолат ичида, «Ҳа, ҳа ҳа. . .» дерди, ўйчанлик ва қайғу билан унга боқарди; нима учундир у дўстига, ичкиликни ташлаш керак, деган маслаҳатни бера бошлади, лекин одоблик одам бўлгани учун очиқ айтолмасдан гоҳ бир батальон командири бўлган яхши одам тўғрисида, гоҳ полк попи бўлган дуруст йигит тўғрисида гап келтириб, улар-

нинг ҳам ичиб касал бўлганлари, лекин ичкиликни ташлаш билан бутунлай тузалиб кетганлари тўғрисида шама қилиб сўзлар эди. Икки-уч марта Андрей Ефимичнинг уйига ҳамкасби Хоботов ҳам келиб кетди; у ҳам ичкиликни ташлашни ва ҳеч қандай сабаб йўқлигига қарамай бромли калий ичишни буюрарди.

Август ойида Андрей Ефимич шаҳар бошлиғидан жуда зарур иш юзасидан келиб-кетишини илтимос қилиб ёзилган хат олди. Андрей Ефимич тайинланган вақтда маҳкамага борса, у ерда ҳарбий ишлар бошлиғи, уезд ўқув юртининг нозири, шаҳар маҳкамаси аъзоси бўлмиш бир киши, Хоботов ва яна тўладан келган сарғиш сочлик қандайдир бир одам ҳам бор экан, бу кишини унга доктор деб танитишди. Бу айтилиши қийин полякча фамилияли доктор, шаҳардан ўттиз чақирим нарида от заводида тураркан ва шаҳарга йўлакай тушган экан.

— Сизларнинг ишингизга тегишли бир ариза бор,— деди маҳкама аъзоси Андрей Ефимичга, ҳамма кўришиб бўлиб стол атрофига ўтиргандан кейин.— Мана, Евгений Федорич айтадиларки, катта корпусда аптекага жой торлик қилаётир, шунини уйлардан биттасига кўчирсак дейдилар. Бу, албатта, ҳеч гап эмас, кўчириш мумкин, лекин асосий масала — уйни ремонт қилиш.

— Ҳа, ремонт қилинмаса иложи йўқ,— деди Андрей Ефимич ўйлаб кўриб.— Агар, масалан, бурчакдаги уйни аптекага мувофиқлаштираксак, менинг билишимча, унга камида беш юз сўм керак, самарасиз чиқим.

Бир оз жим қолишди.

— Мен бундан ўн йил муқаддам,— деб давом қилди Андрей Ефимич, оҳиста овоз билан,— бу касалхонани ҳақиқий ҳолида асрашга шаҳарнинг кучи етмайди деб айтган эдим. Ўзи қирқинчи йилларда солинган, ахир у вақтдаги сармоя бошқа эди. Шаҳар бефойда иморатлар ва ортиқча мансаблар учун жуда кўп пул сарф қилади. Менинг ўйлашимча, тартиб бошқачароқ бўлганда эди, шу пулларга иккита намунали касалхона қилиб қўйиш мумкин эди.

— Қани, бўлмаса ўша бошқача тартибни қилайлик! — деди тезлик билан маҳкама аъзоси.

— Мен аллақачонлар айтган эдим: тиббий бўлимни земство ихтиёрига топширинг.

— Шундайми, пулни земство ихтиёрига топширинг, у ўғирласа-чи,— деб кулди сарғиш сочли доктор...

— Бу аниқ,— деб ҳалигининг фикрига қўшилди маҳкама аъзоси, у ҳам кулди.

Андрей Ефимич сарғиш сочли докторга эринчоқлик билан маъносиз бир назар ташлади ва:

— Инсоф керак,— деди.

Яна жим қолишди. Чой келтирилди. Нимагадир жуда хижолат тортган ҳарбий ишлар бошлиғи, стул устидан қўлини чўзиб, Андрей Ефимичнинг қўлини ушлаб қўйди ва кулиб:

— Бизларни жуда унутиб юбордингиз, доктор,— деди.— Шуниси борки, тақводорсиз: карта ўйнамайсиз, хотинларни ёқтирмайсиз, бизларнинг орамизда зерикиб ҳам қоласиз-да.

Ҳаммалари бирдан, дуруст одам учун бу шаҳарда туриш оғирлиги ҳақида сўзлаб кетдилар. На театр бор ва на музика бор, сўнги марта бўлган танца кечасида йигирмага яқин дама ва иккитагина кавалер бўлди. Ешлар танца тушмайди, ҳамиша буфетда уймалашади ёки карта ўйнайди, дейишди. Андрей Ефимич ҳеч кимга қарамай, шошилмасдан секингина сўз бошлаб, шаҳар халқи ўз қуввати, юраги ва ақлини картага ва ғийбатга сарф қилиши жуда-жуда ачинарлик ҳол эканини, вақтини қизиқ суҳбатлар ва ўқиш билан ўтказишни билмаслигини ва буни истамаслигини, яна ақл орқасида келадиган лаззатлардан фойдаланишни истамаслигини гапирди. Елғиз ақлигина гўзал ва яхши нарса, бошга ҳаммаси майда ва тубан нарсалар, деди. Хоботов ҳамкасбининг сўзларини диққат билан тинглаб туриб, тўсатдан:

— Андрей Ефимич, бугун нечанчи число? — деб сўради. Жавоб олгач, у билан бирга сарғиш соч доктор, ўз нўноқлигини билиб турган имтиҳон олувчилардек, Андрей Ефимичдан бугун қайси кун, бир йилда неча кун бор ва 6-номерли палатада ажойиб пайғамбар борлиги ростми деб сўради.

Сўнги саволга жавоб бераётган Андрей Ефимич қизариб кетди ва:

— Ҳа, у касал, лекин ажойиб йигит,— деди.

Унга бошқа ҳеч қандай савол беришмади.

У даҳлизда пальтосини кияркан, ҳарбий ишлар бошлиғи Андрей Ефимичнинг елкасига қўлини ташлади ва уҳ тортиб:

— Биз, кексалар энди дам олсак ҳам бўлади!— деди.

Маҳкамадан чиқа туриб Андрей Ефимич булар унинг эс-ҳушини текширгани тузилган комиссия эканлигини англади. У, ўзига берилган саволларни эслади ва қизариб кетди, негадир ҳаётида биринчи марта табобат илмининг аҳволига қаттиқ ачинди.

«Ё раббий,— деб ўйлади у, врачларнинг ҳозиргина уни қандай текширганларини эслаб,— ахир улар яқиндагина руҳий ҳасталикларни ўқиб, имтиҳон беришган-ку, бу қадар нодонлик қаердан келди? Руҳий ҳасталик нима эканлигини билмайдилар-ку, ахир!»

У ҳаётида биринчи мартаба ўзини ҳақоратланган ва ғазабланган ҳолда кўрди.

Уша куниеқ кечқурун унинг уйига Михаил Аверьянич келди. Почта мудирини саломлашмасданоқ унинг ёнига борди-да, икки кўлидан ушлаб, қалтироқ товуш билан:

— Азизим, дўстим, менинг кўнглим яқинлигига ишоницингизни ва ўзингиз ҳам мени дўст деб ҳисоблашингизни исбот қилинг... Дўстим!— У, Андрей Ефимичга сўз бермасдан, ҳаяжонланиб давом қилди:— мен сизни илмлик ва софдил бўлганингиз учун севаман. Сўзларимга қулоқ солинг, азизим. Фан қоидалари докторларни сиздан ҳақиқатни яширишга мажбур қилади, лекин мен ҳарбийчасига тўғриси шартта айтиб қўя қоламан: сиз саломат эмассиз! Кечиринг мени, дўстим, тўғриси шу, буни аллақачонлардан бери атрофингиздагиларнинг ҳаммаси сезган. Ҳозиргина доктор Евгений Федорич менга, сизнинг соғлигингиз учун яхшиси дам олиш ва кўнгили очиш зарурлигини айтди. Жуда тўғри! Жуда соз! Тез кун ичида мен отпускаи оламан ва бир оз бошқа ҳавони ҳидлаб келгани кетаман. Дўстим эканлигингизни кўрсатинг, бирга кетайлик! Борайлик, ёшлик даврини эсга солиб айланиб келайлик.

— Мен ўзимни жуда соғлом сезаман,— деди Андрей Ефимич ўйлаб туриб.— Боришимнинг иложи йўқ. Рухсат этсангиз дўстлигимни қандай бўлмасин бошқача қилиб билдира қолай.

Нима учун кетаётганини билмасдан, қаёқларгадир кетиш, китобсиз, Дарьюшкасиз, пивосиз, 20 йилдан буён ўрнашиб қолган ҳаёт тартибини бирдан бузиш,— бундай фикр биринчи минутда унга ажиб ва хаёлий бир гапдай туюлди. Лекин маҳкамада бўлиб ўтган гапларни, у ердан келаётганида кечирган оғир ҳолатини эслади ва уни жиннига чиқариб қўйган аҳмоқ одамлар яшаётган шаҳардан бир оз вақт узоқлашиш керак деган фикр ёққандай бўлди.



— Қани, ўзингиз қаёққа бормоқчисиз?— деди.

— Москвага, Петербургга, Варшавага... Варшавада ҳаётимнинг бахтли беш йилини ўтказганман. Қандай ажойиб шаҳар! Кетайлик, азизим!

### XIII

Бир ҳафтадан кейин Андрей Ефимичга дам олишни, тўғриси ишдан бўшаб кетишни таклиф қилишди, бунга у анча бепарво қаради, яна бир ҳафтадан кейин Михаил Аверьянич билан иккови шалдироқ аравага тушиб, яқин-роқдаги темир йўл станциясига қараб йўл ҳам олишди. Қунлар салқин, ҳаво очиқ, кўк юзи зангори бўлиб, узоқ жойлар кўринар эди. Станциягача бўлган икки юз чақирим йўлни икки кунда босишди ва йўлда икки марта қўнишди. Бекаатларда чой ичгани яхши ювилмаган стакан берилса ёки тарантасга имиллаб от қўшилса, Михаил Аверьянич қип-қизариб кетар ва бутун вужудини қалтироқ босиб: «Товушингни ўчир!», «Маҳмаданалик қилма!» деб қичқирарди. Тарантасда бўлса, бир дақиқа тинмасдан ўзининг Кавказга ва Польша подшолигига борганларини сўзларди. Нақадар ажойиб ҳодисалар, қандай учрашувлар! У шанғиллаб сўзларкан, кўзларида шундай бир ҳайронлик аломати пайдо бўларди, киши бу одам ёлғон сўзлаётир деб ўйлар эди. Унинг устига, гапираркан, тўғри Андрей Ефимичнинг юзига қараб дам урар, қулоғининг тагида қаҳ-қаҳлаб куларди. Бу ҳол докторни сиқар, ўйлашга ва хаёлини бир жойга тўплашга халал берарди.

Темир йўлда бўлса иқтисод қилиб, учинчи классга, папирос чекмайдиганлар вагонига тушишди. Йўловчиларнинг ярми тоза кийим кийган одамлар эди. Михаил Аверьянич тез орада ҳамма билан танишиб олди ва скамейкадан скамейкага ўтиб, шанғиллаб, бу ярамас йўллардан юриш керак эмас, деб сўзлади. Қай томонга қарасанг мутгаҳамлик! Отга миниб юришга нима етсин: кунига юз чақиримдан йўл босасан-да, кейин ўзингни тетик ва соғлом сезасан. Бизда ҳосил битмаслик, Пинск ботқоқлигини қуритиб юборганларидан бўлаётир. Умуман тартибсизлик мудҳиш даражада.

У қизишиб, шанғиллаб сўзлар ва ҳеч кимга гал бермас эди. Бу ора-чора қаҳ-қаҳ уриш билангина бўлинадиган битмас-туганмас бемаъни сўз, ифодали имо-ишоралар Андрей Ефимичнинг тинкасини қуритди.

«Қайси биримиз жиғнимиз? — деб ўйларди у, диққати ошиб.— Йўловчиларни бирор иш билан безовта қилмасликка тиришаётган менми, ё ўз ҳузурини кўзловчи, бу ердагиларнинг ҳаммасидан ўзини ақллироқ ва аломатроқ деб ўйлайдиган, шунинг учун ҳам ҳеч кимга тинчлик бермаётган уми?»

Москвада Михаил Аверьянич погонсиз ҳарбий скортук ва ён чокларига қизил қўйиб тикилган шим кийди. Кўчага чиққанда ҳарбий фуражка ва шинель кийиб юрар, солдатлар унга честь бериб ўтишарди. Энди Андрей Ефимичнинг назарида у ўзининг қачонлардир бўлган киборлик хуўлларининг ҳамма яхши жиҳатларини йўқотиб, ўзига фақат ёмон жиҳатларини олиб қолган одамга ўхшаб кўринарди. Ҳеч кераги бўлмаган ерда ҳам бировнинг ўзига хизмат қилишини яхши кўрарди. Гугурт рўпарасида, столда ётибди, уни ўзи кўриб ҳам туради-ю, хизматкорга гугуртни олиб бер деб қичқиради; уй ходимасининг олдида тортинмасдан ички кийимда юради; хизматкорларнинг ҳаммасини, фарқ қилмай, ҳатто кексаларини ҳам сансирайди, жаҳли чиққундай бўлса уларни эси паст, аҳмоқ деб айтади. Бу ишлар Андрей Ефимичга киборликдай кўринса ҳам, лекин қабиҳликдай туюлади.

Михаил Аверьянич дўстини аввало Иверскоега олиб борди. У икки букилиб астойдил ибодат қилар, кўзларига ёш олиб ва ибодат қилиб бўлгач чуқур нафас олади-да:

— Ишонмайман-ку, лекин ибодат қилгандан кейин киши тинчлангандай бўлади. Сажда қилинг, азизим,— дейди.

Андрей Ефимич хижолат тортиб санамни ўпади. Михаил Аверьянич бўлса лабларини чўччайтириб, бошини қимирлатиб шивирлаб ибодат қилади, яна кўзларига ёш олади. Ундан кейин Кремлга кетишди, у ерда царь-пушкани<sup>1</sup>, царь-колоколни<sup>2</sup> кўришди ва уларни ҳатто бармоқлари билан ушлашди. Замоскворечье манзарасини завқ билан томоша қилишди, Спаситель ибодатхонасига ва Румянцев музейига ҳам кириб чиқишди.

Тушлик овқатни Тестовнинг ошхонасида ейишди. Михаил Аверьянич чакка соқолларини силаганича менюга узоқ вақт қараб ўтирди-да, ресторонларда ҳам ўзини

<sup>1</sup> *Царь-пушка* — Москвада, қадимги энг катта замбарак.

<sup>2</sup> *Царь-колокол* — Москвада, қадимги энг катта қўнғироқ.

уйида ўтиргандек сезишга ўрганиб қолган шинаванда сингари:

— Кўрайликчи, бизларни нима билан меҳмон қилар экансиз, фариштам! — деди.

#### XIV

Доктор юради-туради, томоша қилади, ейди-ичади-ю, Михаил Аверьянич гашини келтираётганини ҳеч унутолмайди. У ўртоғидан айрилиб, яшириниб қолгуси, танҳо ўзи дам олгуси келади, ўртоғи эса, уни ўзидан бир қадам нари юбормасликни ва мумкин қадар кўпроқ унинг кўнглини очишни ўзининг бурчи деб билади. Кўрадиган нарса қолмаганда, унинг кўнглини гап билан очишга уринади. Андрей Ефимич икки кун бирга чиқди. Учинчи кун дўстига касаллигини ва кун бўйи уйда қолиш ниятида эканлигини айтди. Дўсти, агар ундай бўлса, мен ҳам уйда қоламан, деди. Ҳақиқатан дам олиш керак, бундоқ юраверсак, оёқда оёқ қолмайди,— деди. Андрей Ефимич диванга ётди, орқасини ўгирди-да, тишини-тишига қўйиб, унинг сўзларига қулоқ солди. Дўсти бўлса, эртами-кечми, Франция, албатта, Германияни тор-мор қилади, Москвада мутга-хамлар жуда кўп ва отнинг кўринишига қараб унинг яхши жиҳатлари ҳақида бирор фикр айтиш қийин, деб уни ишонтиришга ҳаракат қилиб астойдил гапирди. Докторнинг қулоғи битиб, дили ўйнай бошлади, лекин дўстига чиқиб кетинг ёки гапирманг дейишга назокати йўл қўймайди. Унинг бахтига номерда ўтириш Михаил Аверьяничнинг жонига тегиб, овқатдан сўнг бир айланиб келгани чиқиб кетди.

Ёлғиз қолганидан кейин, Андрей Ефимич яйраб дам олди. Уйда ёлғиз ўзинг эканингни билганинг ҳолда қимирламай диванда ётиш қандай яхши! Ёлғизликдан бошқа бахтнинг бўлиши мумкин эмас. Тубанлашган фаришта<sup>1</sup> эҳтимол фаришталар билмайдиган ёлғизликни истаб худога хиёнат қилгандир. Андрей Ефимич сўнгги кунларда кўрган ва эшитганлари ҳақида ўйлай деса, Михаил Аверьянич хаёлидан сира нари кетмас эди.

«Ахир у отпускаи олиб мен билан бирга келганида дўстлигидан, олиҳимматлигидан келди-ку,— дерди доктор, хуноб бўлиб.— Мана шу дўстона ғамхўрлигидан ёмон нарса йўқ-да. Бўлмаса ўзи раҳмдил, олижаноб, хушчақчақ

<sup>1</sup> Иблис.

одамга ўхшайди-ку, лекин кишини зериктиради, чидаб бўлмаслик даражада зериктиради. Шундай одамлар бўладики, доим маъноли ва яхши сўзларни гапирсаям, лекин бефаҳмлигини шундай сезиб туради киши».

Бундан кейинги кунларда ҳам Андрей Ефимич касалман деб номердан чиқмай қўйди. У диван суянчигига юзини ўгириб ётар, дўсти гап билан унинг кўнглини очишга уринганда сиқилар ва чиқиб кетганда дам оларди. Келгани учун ўзидан, яна кундан-кунга баттар жағи очилиб, сергап бўлиб бораётган дўстидан койиниб, хуноб бўларди: фикрини жиддий ва юксак изга солишнинг асти иложини тополмас эди.

«Мени бир вақтлар Иван Дмитрич айтган воқелик айлантираётир,— деб ўйларди у, ўзининг икир-чикирларга аҳамият беришидан аччиғланиб.— Умуман бўлмағур гаплар... Уйга борсам ҳаммаси ўз жойига тушиб қолади...»

Петербургда ҳам аҳвол шу бўлди: эртадан кечгача номердан чиқмади, диванда ётди, фақат пиво ичганигина ўрнидан турарди.

Михаил Аверьянич уни тезроқ Варшавага кетишга қистарди.

— Азизим, мен у ерга бориб нима қиламан? — дерди Андрей Ефимич ёлвориб.— Елғиз бора қолинг, сиздан сўрайман! Менга рухсат беринг, уйга кетай!

— Асло иложи йўқ!— деб қаршилиқ қилди Михаил Аверьянич.— Варшава жуда ажойиб шаҳар. У ерда мен ҳаётимнинг бахтли беш йилини ўтказганман!

Ўз айтганини қилишликка Андрей Ефимичнинг иродаси кучсизлик қилди ва бўйнидан бойлагандай Варшавага кетди. Бу ерда ҳам номердан чиқмади, диванда ётди, ўзидан, дўстидан ва рус тилини тушунишни асти истамаган хизматкорлардан койинди. Одатда соғлом, тетик, хурсанд Михаил Аверьянич бўлса эртадан-кечгача шаҳарни айланар ва эски танишларини ахтарарди. У бир неча марта уйда тунамади. Қаерда тунагани номаълум, бир кечадан сўнг қип-қизил бўлиб, сочлари тўзиган, қаттиқ ҳаяжонга тушгани ҳолда эрталаб қайтиб келди. Ўзича нималарнидир сўзлаб, узоқ вақт уйнинг у бошидан бу бошига юргандан кейин тўхтади ва:

— Ҳаммадан ҳам номус керак! — деб қўйди.

Яна бир оз юргач бошини ушлади ва даҳшатли товуш билан:

— Тўғри, ҳаммадан ҳам номус керак! Биринчи гал бошимга шу шаҳарга келиш фикри етган дақиқага лаънатлар бўлсин! Азизим,— деди, докторга қараб,— мендан нафратланинг, ютқазиб келдим! Менга беш юз сўм бериб туринг!

Андрей Ефимич беш юз сўмни санади ва индамасдан дўстига берди. У, уятдан ва ғазабидан ҳали ҳам қизарган ҳолда ёўлдираб, қандайдир бир бефойда қасамни ичди-да, шапкасини кийиб чиқиб кетди. Икки соатлардан кейин қайтиб келиб, ўзини креслога ташлади ва қаттиқ ух тортиб:

— Номус сақланди! Кетамиз, дўстим! Бу лаънати шаҳарда менинг бир минут ҳам тургим келмайди. Муттаҳамлар! Австрия жосуслари!— деди.

Дўстлар ўз шаҳарларига қайтиб келишганда ноябрь ойи эди ва кўчаларда қалин қор ётарди. Андрей Ефимичнинг ўрнини доктор Хоботов олган эди; у Андрей Ефимичнинг касалхонага қарашли уйини бўшатиб беришини кутиб ҳали ҳам эски жойида турар эди. У хизматчим деб юрган хунук жувон, касалхона уйларидан биттасида турарди.

Шаҳарда касалхона тўғрисида янги ғийбатлар тарқалганди. Айтардиларки, ҳалиги хунук жувон касалхона ноziри билан уришиб қолган эмиш, нозир жувоннинг олдида тиз чўкиб узр сўраган эмиш.

Андрей Ефимич қайтиб келган куниёқ ўзига уй излашга тўғри келди.

— Дўстим,— деди почта мудирининг тортинибгина,— андишасизлик қилиб бераётган саволим учун кечиринг:— қанча дунёнгиз бор?

Андрей Ефимич индамасдан пулларини санади-да:

— Саксон олти сўм,— деди.

— Мен уни сўраётганим йўқ,— деди хижолат тортиб Михаил Аверьянич, докторнинг сўзига тушунолмаётган.— Умуман қанча деяпман?

— Мен ҳам ўшани айтяпман-да, сизга. Саксон олти сўм... бундан бошқа ҳеч нарсам йўқ.

Михаил Аверьянич докторни ҳалол ва номусли одам деб билгани ҳолда, ҳеч бўлмаса йигирма мингга яқин сармоясини бор деб ўйларди. Энди бўлса Андрей Ефимичнинг фақирлигини, ҳаёт кечиришига ҳам етарлик нарсасини йўқлигини билиб, негадир тўсатдан йиғлаб юборди ва дўстини қучоқлаб олди.

Андрей Ефимич мешчанка Белованинг уч деразалик чоққина уйда турар эди. Ошхонасини ҳисобга олинмаса, бу уй учтагина хонадан иборат. Деразалари кўчага қараган иккита хонасида доктор турар, ошхона билан учинчи уйда Дарьюшка ва уч боласи билан мешчанканинг ўзи турарди. Гоҳо беканинг ўйнаши, маст мужик тунагани келарди, кечалари тўполон қилиб болаларнинг ва Дарьюшканинг ўтини ёрарди. У келиб ва ошхонада ўтириб олиб ароқ талаб қилганда уйдагиларнинг ҳаммаси сиқилиб қоларди, шунда доктор раҳми келганидан йиғлаётган болаларни ўз уйига олиб чиқар, полга ётқизиб қўярди ва бундай қилиш унга кўп ҳузур-ҳаловат бахш этарди.

У аввалгидай эрталаб соат саккизда турар, чойдан кейин ўтириб, эски китоб ва журналларни ўқир эди. Янгисини олишга энди пули йўқ эди. Китобларнинг эскилигиданми ёки шароит ўзгарганиданми — ўқиш уни чуқур таъсирлантирмайди ва чарчатарди. Вақтини бекор ўтказмаслик учун китобларга тўла каталог тузиб, уларнинг муқовасига патта ёпиштирар ва бу ақл юргизилмайдиган, қунт талаб қиладиган майда иш ўқишдан қизиқроқ туюларди. Бир хил сердиққат иш қандайдир тушуниб бўлмайдиган бир тарзда унинг фикрини аллалайди ва ҳеч нарса ҳақида ўйламайди, вақт ҳам тез ўтади. Ҳатто ошхонага кириб Дарьюшка билан картошка арчиш ва қора буғдой ёрмасидаги чўп-хасларни териш ҳам қизиқ туюларди. Шанба ва якшанба кунлари у черковга боради. Девор ёнида туриб, кўзларини сузиб, ўқиладиган оят куйига қулоқ соларкан, ота-онасини, олий мактабдаги чоғларини ва динлар ҳақида ўйлайди; у кўнгли тинчиб, хомуш тортиб кетади ва кейин черковдан чиқиб кетаётганида ибодатнинг бунчалик тез тамом бўлганига ачинади.

У Иван Дмитрич билан суҳбатлашгани икки марта касалхонага борди. Лекин Иван Дмитрич ҳар гал ҳам ҳаддан ташқари тутоққан ва дарғазаб эди; у ўзини тинч қўйишларини ўтинди, бўлмагур қуруқ сўзнинг аллақачон жонига текканини, чекаётган барча азоб-уқубатининг эвазига бу лаънати разил одамлардан фақат битта мукофот — ёлғиз қамашларини илтимос қилганини айтди. Наҳотки шуни ҳам рад қилсалар? Ҳар икки гал ҳам Андрей Ефимич хайрлашаётиб, хайрли кеч деса, у гижиниб:

— Минг лаънат! — деди.

Андрей Ефимич энди учинчи марта боришини ҳам, бормаслигини ҳам билмасди. Лекин боргиси келарди.

Илгари Андрей Ефимич тушлик овқатдан кейин хонадан-хонага ўтиб юрарди ва хаёл сурарди, энди бўлса, овқатдан то кечки чойгача диванга орқасини ўгириб ётиб, ҳеч нари кетмаётган майда-чуйда гапларни ўйлайди. Иигирма йилдан ортиқ қилган хизмати учун унга нафақа ҳам, на бир йўла ёрдам пули ҳам беришмагани алам қиларди. Тўғри, у ҳалол хизмат қилмади, лекин нафақани ҳалол хизмат қилган, қилмаганига қарамай хизматчиларнинг ҳаммаси олади-ку. Ҳозирги замоннинг бор-йўқ одиллиги ҳам шундаки, унвон, орден, нафақалар билан кишининг ахлоқи ва унинг қобилиятини эмас, умуман вазифани мукофотлайдилар, қандай вазифа бўлишининг фарқи йўқ-ку. Нега энди бу қоидадан битта у четда қолиши керак? Унинг ҳеч пули йўқ. Дўкон олдидан ўтишга ва уй бекасига қарашга номус қилади. Пивочидан ўттиз икки сўм қарз. Мешчанка Беловадан ҳам қарз. Дарьюшка секин-аста бориб эски кўйлакларни, китобларни сотиб келади ва доктор яқинда жуда кўп пул олади деб, бекани алдайди.

Йиғиб қўйган минг сўмини саёҳатга сарф қилгани учун доктор ўзини койиди. Ҳозир ўша минг сўм, қандай иш берар эди! Яна одамлар уни ўз ҳолига қўймаганларидан диққати ошарди. Хоботов онда-сонда келиб, касал бўлиб қолган ҳамкасбини кўришни ўз бурчи деб билади. Унда бўлган ҳамма нарса: қўнжи узун этигидан тортиб тўлиқ юзи, сўзларидаги бемаъни, ортиқ даражада кибрли оҳанг, «ҳамкасб» дейиши, Андрей Ефимичга жирканч туюлади; ҳаммадан ҳам кўнглига урадигани Андрей Ефимични даволашни ўз вазифаси деб билиши ва ҳақиқатан ҳам даволаяпман деб ўйлаши эди. Ҳар келганда бир шиша бромли калий ва ревендан ясалган ҳаб кўтариб келар эди.

Михаил Аверьянич ҳам дўстини кўриб туришни ва унинг кўнглини очишни ўз бурчим деб биларди. Ҳар гал Андрей Ефимичнинг олдига ясама бетакаллуфлик билан кириб келарди, қаҳ-қаҳ уриб зўраки куларди, яна бугун рангингиз жуда яхши, мана худога шукур, иш тузалиш томонга ўтди деб, Андрей Ефимични ишонтиришга уринарди, лекин бундан дўстининг тузалишидан умиди йўқлиги билиниб турарди. Ҳали у Варшавада олган қарзини беролмай, уялганидан гангиган, қаттиқ хижолатда эди,

шунинг учун ҳам қаттиқроқ кулишга, қизиқроқ қилиб сўзлашга уринарди. Унинг латифалари узундан-узоқдай туюлар ва Андрей Ефимичга ҳам, унинг ўзига ҳам озор берарди.

У борлигида Андрей Ефимич диван суянчиғига қараб ётиб, тишини-тишига қўйиб тингларди; унинг кўнглига қатлам-қатлам бўлиб қуйқа ўтирарди ва дўсти ҳар келиб кетганда ҳалиги қуйқа кўтарилиб бораётганини ва бўғзига келаётганини сезарди.

Майда-чуйда сезгиларни кўнглидан чиқариш мақсадида у ўзини, Хоботовни, Михаил Аверьянични эртами-кечми ўлиб, табиатда бирор нишон қолдирмаслигини ўйлар эди. Агар миллион йиллардан сўнг ер курраси ёнида бирон руҳ учиб ўтади деб фараз қилинса, у қуруқ тупроқ ва яланғоч қоялардан ўзга ҳеч нарса кўрмайди. Маданият ҳам, ахлоқ қонунлари ҳам — ҳаммаси маҳв бўлиб кетади, ҳатто уларнинг устида қариқиз ўт ҳам ўсиб чиқмайди. Боққолдан уялиш, арзимаган Хоботов, Михаил Аверьяничнинг малол келадиган дўстлиги нима деган гап? Буларнинг ҳаммаси бўлмағур, арзимайдиган гаплар даярди.

Лекин бу хилдаги муҳокамалар энди ёрдам бермасди. У эндигина миллион йилдан кейинги ер куррасини кўз олдига келтира бошласа, ҳалиги яланғоч қоялар орасидан кўнжи узун этик кийган Хоботов чиқарди ёки Михаил Аверьянич пайдо бўлиб, қаҳ-қаҳлар ва хижолат ичида: «Варшавадаги қарзни, азизим, уч-тўрт кун ичида бераман, албатта, бераман...» деган шивирлаш эшитиларди.

## XVI

Бир кун тушлик овқатдан кейин Михаил Аверьянич келди. Андрей Ефимич диванда ётган эди. Худди ўша топда бир шиша бром кўтариб, Хоботов ҳам келиб қолди.

Андрей Ефимич зўрга кўзғалиб, туриб ўтирди ва икки қўли билан диванга тиралди.

— Бугунчи, азизим,— деб бошлади Михаил Аверьянич,— рангингиз кецагига қараганда анча яхши. Азаматсиз-да! Худо ҳақи, азаматсиз!

— Бўлди, бўлди-да, ҳамкасб,— деди Хоботов, эснаб.— Бу ғалва ўзингизнинг ҳам жонингизга теккандир.

— Яхши бўламиз ҳам-да!— деди Михаил Аверьянич хушнудлик билан.— Ҳали яна юз йил яшаймиз! Ҳа шундай!



— Юз йил-ку, бўлмас-у, яна йигирма йилларга борилади,— деб тасалли берди Хоботов,— ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ, ҳамкасб, ғам еманг... қўйинг, ваҳима қилманг.

— Ҳали биз ўзимизни кўрсатамиз!— деди қаҳ-қаҳ уриб Михаил Аверьянич ва дўстининг тиззасига уриб қўйди.— Ҳали биз кўрсатамиз! Келаси ёз, худо хоҳласа Кавказга қараб жўнаймиз ва бутун Кавказни хўп! хўп! хўп! деб от билан айланиб чиқамиз. Кавказдан қайтганимиздан кейин, қарабсизки, тўй қилиб юбормасак денг.— деб Михаил Аверьянич кўзини қисиб қўйди,— уйлантириб қўямиз сизни, севикли биродаримни... Уйлантирамиз...

Андрей Ефимичнинг хаёлида бирдан ҳалиги қуйқа бўғизига тикилиб келаётгандай бўлди; дили ўйнаб кетди.

— Ёу андишасизлик!— деди у ирғиб туриб, дераза ёнига бораркан,— наҳотки беандиша сўзларни айтаётганингизни англамайсиз-а!

У назокат билан мулоҳимгина давом қилмоқчи эди-ю, лекин беихтиёр, тўсатдан муштумларини қаттиқ қисди ва қўлларини юқори кўтарди.

— Қўйинг мени!— деди бошқача овоз билан қичқириб, бўғилиб, қизарган ҳолда бутун вужудини титроқ босиб.

— Йўқол, кўзимдан! Иккаланг ҳам йўқол, иккаланг ҳам!— деди.

Михаил Аверьянич билан Хоботов ўринларидан туриб, аввало ҳайрон бўлиб, сўнг қўрқув ичида унга тикилиб қолишди.

— Иккаланг ҳам йўқол!— деди Андрей Ефимич яна қичқириб.— Бефаҳм кишилар! Аҳмоқ одамлар! Дўстлигинг ҳам керак эмас, дорингни ҳам олиб кет, бефаҳм одам! Қабиҳ! Палид одамлар!

Хоботов билан Михаил Аверьянич шошиб қолиб, бир-бирига қарашди ва орқалари билан тисланиб бориб, даҳлизга чиқишди. Андрей Ефимич бромлик калий солинган шишани олиб уларнинг орқасидан улоқтириб юборди; шиша остонага тушиб, шарақлаб синди.

— Чиқ, йўқол!— деди, йиғи аралаш товуш билан уларнинг орқасидан даҳлизга чиқиб.

Меҳмонлар кетгач Андрей Ефимич безгак тутаётгандек титраб, диванга ётди ва узоқ вақт:

— Бефаҳм кишилар! Аҳмоқ одамлар!— деб такрорлади.

У жаҳлидан тушганда аввало ёдига: шўрлик Михаил Аверьянич хижолат тортаётгандир, кўнгли жуда озор

топгандир ва умуман бу қандай ёмон иш бўлди, деган фикр келди. Илгари ҳеч қачон бундай бўлмаган эди. Эс қани-ю, одоб қани? Қани ҳар нарсани англаб олишлик ва файласуфча лоқайдлик?

Доктор уялганидан ва ўз қилиғидан хуноб бўлганидан тун бўйи ухлаёлмай чиқди, эрталаб соат ўнларда почта-хонага бориб, почта мудиридан узр сўради.

— Бўлган ишни кўнгилдан чиқарайлик,— деди чуқур нафас олиб, кўнгли бузилиб кетган Михаил Аверьянич унинг қўлини қаттиқ қисаркан.— Ким ўтган ишни эсласа кўр бўлсин,— Любавкин.— У тўсатдан шундай қаттиқ қичқирдики, хат ташувчилар ва почтахонага келган одамлар чўчиб кетишди.— Стул келтир. Сен тура тур!— деди бақририб панжарадан заказной хат узатаётган хотинга.— Кўряпсанми, қўлим бўш эмас-ку. Ўтган ишни эсга олмай-миз,— давом қилди у мулојимлик билан Андрей Ефимичга қараб.— Қани, марҳамат қилинг, азизим.

У индамасдан тиззаларини силаб, бир дақиқа ўтирди-да, кейин бундай деди:

— Сиздан гина қилиш менинг хаёлимга ҳам келгани йўқ. Дард ҳазил гап эмас, мең тушунаман. Кеча касалингнинг тутиб қолиши доктор билан мени қўрқитиб юборди, кейин узоқ вақт сиз тўғрингизда сўзлашдик. Азизим, нима учун касалингни жиддий равишда даволатингиз келмайди? Шу яхшими? Дўстлик қилиб очигини айтганим учун кечиринг,— деди шивирлаб Михаил Аверьянич,— сиз ўзингизга мутлақо тўғри келмайдиган шароитда яшайсиз: жой тор, ифлос, парваришингиз йўқ, даволанишга ҳам ҳеч нарсангиз йўқ... Азиз дўстим, доктор икковимиз жону дилимиз билан сиздан илтимос қиламиз, бизларнинг маслаҳатимизга кўнинг, касалхонага ётинг! У ернинг овқати яхши, парвариш ҳам қилишади, даволашади ҳам. Гап шу ерда қолсин-ку, гарчи Евгений Федорич таълим-тарбиядан четдаги одам бўлса ҳам, лекин илмдан хабари бор, унга ишониш мумкин. У сизни яхшилаб қарашга ваъда берди.

Андрей Ефимич почта бошлиғининг чин кўнгилдан қилаётган меҳрибончилигини ва тўсатдан унинг юзларига оқиб тушган ёшини кўриб, кўнгли бўшашиб кетди.

— Азизим, ишонманг!— деди у секингина қўлини кўксига қўйиб,— уларга ишонманг! Бўлмаган гап! Менинг касалим фақат шундаки, йигирма йил мобайнида бутун бошлик шаҳарда фақат битта ақлли одамни учратдим, у

ҳам бўлса жинни. Менинг ҳеч қандай касалим йўқ, фақат чиқишнинг иложи бўлмаган сеҳрли гирдобга тушиб қолдим. Менга барибир, нима десангиз тайёрман.

— Касалхонага ётинг, азизим.

— Менга барибир, ўрага десангиз ҳам майли.

— Ҳар тўғрида Евгений Федоричга қулоқ солишга ваъда беринг, жоним.

— Майли, сўз бераман. Лекин, ҳурматли дўстим, такрор айтаманки, сеҳрли гирдобга тушганман. Энди ҳаммаси, ҳатто дўстларимнинг чин кўнгилдан қиладиган меҳрибонлигидан тортиб барча нарса — мени ҳалок қилишга олиб боради. Мен ҳалок бўлаётирман ва шуни айтишга иродам етади.

— Жоним, тузалиб кетасиз.

— Бундай дейишнинг нима ҳожати бор?— деди Андрей Ефимич асабийлашиб.— Камдан-кам одам ҳаётининг охирида ҳозирги мен сезаётган ҳолни сезади. Агар сизга буйрагингиз ярамайди ёки юрагингиз кенгайиб кетган десалар даволана бошлайсиз, агар сизни жинни ёки жиноятчи дейишса, яъни қисқаси одамлар бирдан сизга эътибор бера бошласа, унда билингки, сиз сеҳрли гирдобга тушдингиз, ундан чиқишнинг иложи йўқ. Чиқишга ҳаракат қилсангиз баттарроқ адашиб кетасиз. Бўйсуниб қўя қолинг, чунки ҳеч қандай инсон қудрати сизни қутқара олмайди, мен шундай деб ўйлайман.

Бу орада панжаранинг нариги ёғида одам йиғилиб қолганди. Андрей Ефимич халақит бермаслик учун турдида, хайрлашди. Михаил Аверьянич ундан яна бир қайта ваъда олди-да, кўча эшиккача кузатиб қўйди.

Уша куниеқ кечга томон Андрей Ефимичнинг олдига узун кўнжли этик, қисқа пальто кийиб, кутилмаган чоғла Хоботов кириб келди ва гўё кеча ҳеч гап ўтмагандай бир вазиятда:

— Мен олдингизга бир иш билан келдим, ҳамкасб. Сизни таклиф қилгали келдим, мен билан консилиумга<sup>1</sup> бориб келмайсизми-а?— деди.

Хоботов мени айлантириб, бир оз кўнглимни очмоқчидир ёки ҳақиқатан пул ишлаб олсин деяётгандир, деган хаёлга бориб Андрей Ефимич кийинди ва бирга кўчага чиқди. Қечаги гуноҳини унинг кўнглидан чиқариб, яра-

---

<sup>1</sup> Консилиум — оғир касални аниқлаш ва уни даволаш йўллари ахтариш учун врачларнинг маслаҳат мажлиси.

шиб олишга қулай пайт топилганига шодланар ва уни аяб бўлса керак, кечаги гап тўғрисида оғиз очмай бораётган Хоботовга ичидан ташаккурлар айтарди. Шундай маданиятсиз одамдан бунчалик назокат кутиш қийин эди.

— Беморингиз қаерда?— деб сўради Андрей Ефимич.

— Қасалхонамда. Қўпдан бери сизга кўрсатмоқчи бўлиб юрган эдим... Жуда ажойиб ҳодиса.

Қасалхона ҳовлисига киришди ва қасалхонанинг катта биноларини ўтиб, ақлидан адашганлар ётадиган бинога қараб йўл олишди. Бунинг ҳаммаси негадир индамасдан қилинди. Ҳалиги уйга кирганларида Никита одати бўйича ирғиб туриб, қоматини ростлади.

— Қасаллардан биттаси ўпкасини олдириб қўйибди,— деди Хоботов секингина, Андрей Ефимич билан палатага кираркан.— Сиз шу ерда тура туринг, мен ҳозир фақат стетоскопни олиб келаман.

Чиқиб кетди.

## XVII

Қоронғи туша бошлаган эди. Иван Дмитрич ўрнида башарасини ёстиққа босиб ётибди; фалаж одам ҳаракатсиз ўтириб, аста йиғлаб, лабларини қимирлатяпти, семиз киши билан собиқ хат сараловчи ухлашяпти. Жимжит.

Андрей Ефимич бўлса, Иван Дмитричнинг кроватига ўтириб кутди ва Хоботовнинг ўрнига, қўлтиғида халат, кимнингдир ички кийимларини, туфли кўтариб хонага Никита кириб келди.

— Марҳамат, кийининг жаноби олийлари,— деди у секингина.— Мана бу сизнинг ўрнингиз, бу ёққа марҳамат қилинг,— деди афтидан яқинда келтирилган бўш кроватни кўрсатиб.— Ҳечқиси йўқ, худо хоҳласа тузалиб қоласиз.

Андрей Ефимич ҳаммасига тушунди. Бирор оғиз сўз қотмади ва Никита кўрсатган кроватга ўтирди; Никитанинг кутиб турганини кўриб, қип яланғоч бўлиб ечинди ва уялиб кетди. Сўнг қасалхона кийимини кийди; лозим жуда қисқа, қўйлак узун келди. Халатдан тузланган баликнинг ҳиди келарди.

— Худо хоҳласа, тузалиб қоласиз,— деди Никита яна.

У Андрей Ефимичнинг кийимларини қўлтиқлаб олиб чиқди-да, эшикни бекитиб кетди.

«Барибир...— деб ўйлади Андрей Ефимич уялиб, халатга ўраларкан, бу янги кийимда ўзини маҳбусларга

ўхшатиб.— Барибир. . . Фракми, мундирми, ё шу халатми, барибир. . .»

Лекин соатни олиб кетди-ку? Ён чўнтагимдаги дафтарчам-чи, папиросларим-чи? Қийимларни Никита қаёққа олиб кетдйкин? Энди эҳтимол, ўлгунимча ҳам шим, жилетка, этик кийишга тўғри келмас. Бу жуда қизиқ, дафъатан тушуниб ҳам бўлмайди, Андрей Ефимич ҳали ҳам мешчанка Белованинг уйи билан 6-номерли палатанинг ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ, бу дунёдаги ҳамма нарса қуруқ ғалва ва бўлмағур гаплар деган фикрда эди, шундай бўлса ҳам қўллари титради, оёқлари музлади, яна ҳозир Иван Дмитрич уйғонади ва мени халат кийган ҳолда, кўради деган фикрдан кайфи учиб кетди. Ўрнидан турди, бир оз юрди, яна ўтирди.

Мана унинг ўтирганига ярим соат бўлди, бир соат ҳам бўлди ва жонига тегарлик даражада зерикди. Наҳотки шу жойда мана бу одамлар сингари кунлаб, ҳафталаб, ҳатто йиллаб яшаш мумкин? Мана у ўтирди, бир айланиб келиб яна ўтирди; бориб деразадан қараш мумкин, кейин яна уйнинг у бошидан бу бошига юриш мумкин. Ундан кейин нима? Эртадан кечгача қаққайиб ўтириш ва хаёл суришми? Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас.

Андрей Ефимич ётди, лекин ўша ондаёқ турди, еяги билан пешонасидаги совуқ терни артди ва бутун юзидан тузлаган балиқ ҳиди келаётганини сезди. У яна туриб юрди.

— Бу қандайдир англашилмовчилик. . .— деди у, қўлларини ёзиб, ҳайрон қолиб,— гаплашиш керак, бунда англашилмовчилик бор. . .

Шу топда Иван Дмитрич уйғонди. Туриб ўтирди, яноқларини муштумларига тиради. Тупурди. Сўнг эринчоқлик билан докторга қаради ва афтидан дастлаб тушунолмади, лекин унинг уйқуси ўчмаган юзида тезда ғазаб ва истеҳзо акс этди.

— Ҳимм, сизни ҳам шу ерга тиқиб қўйишдими, азизим!— деди уйқудан бўғилиб турган товуш билан, бир кўзини қисиб,— жуда хурсандман. Аввал сиз одамларнинг қонини ичар эдингиз. Эндичи, сизнинг қонингизни ичишади. Жуда соз!

— Бу қандайдир англашилмовчилик. . .— деди Иван Дмитричнинг сўзидан қўрқиб кетган Андрей Ефимич ва елкаларини учирди, яна:— қандайдир англашилмовчилик,— деди.

Иван Дмитрич яна тупурди-да, ётди.

— Лаънати ҳаёт!— деди у тўнғиллаб.— Ҳаммадан ҳам нимаси алам қилади денг, бу турмуш — азоб чекишлар бадалига мукофот билан эмас, ёки операдаги каби тантана билан эмас, ўлим билан тамом бўлади-я; касалхона хизматчилари келиб ўликни қўлидан, оёғидан олиб, судраб ертўлага элтиб ташлайдилар у... у! Ҳа, майли... шуниси борки, бизларга у дунёда байрам бўлади... Мен у дунёдан бу ерга арвоҳ бўлиб келаман ва бу газандаларнинг ўтини ёраман. Мен уларнинг сочларини оқартириб юбораман.

Моисейка қайтиб келди ва докторни кўриб, қўлини чўзиб:

— Бир тийин бер!— деди.

## XVIII

Андрей Ефимич дераза олдига борди, далага қаради. Қоронғи тушиб қолганди ва ўнг томонда уфқдан тўқ қизил, совуқ ой кўтарилаётганди. Касалхона деворидан йироқ эмас, кўп бўлса уч юз қадамча нарида тош девор билан айлантирилган баланд оқ иморат турибди. У турма.

«Воқелик бу экан!» деб ўйлади Андрей Ефимич ва юрагини ваҳима босди.

Ой ҳам, турма ҳам, деворидаги михлар ҳам, узоқдаги суяк эритадиган қорхонанинг мўрисида чиқаётган аланга ҳам даҳшатли кўринди. Орқада кимдир уҳ тортди. Андрей Ефимич қайрилиб қаради, ялтироқ юлдузлар ва орденлар таққан кишини кўрди, у киши жилмаяр ва айёрлик билан кўз қисарди. Бу ҳам мудҳиш туюлди.

Андрей Ефимич ойда ва турмада алоҳида бир нарса йўқ, руҳий саломат кишилар орден тақиб юришади ва буларнинг ҳаммаси вақт ўтиши билан чириб, тупроққа айланади деб ўзини-ўзи ишонтириб кўрди, лекин бирдан уни умидсизлик қамраб олди, икки қўли билан панжарага ёпишиб, кучининг борича силкитди. Мустаҳкам панжара қўзғалмади.

Кейин қўрқувдан паноҳ тортиб Иван Дмитричнинг ёнига борди, ўтирди.

— Азизим, руҳим тушди,— деди титраган ҳолда, совуқ терини артаркан.— Руҳим тушди.

— Яна фалсафа сотинг,— деди Иван Дмитрич мазах қилиб.

— Ё раббий, ё раббий. . . ҳа, ҳа. . . Бир кун сиз айтган эдингиз-а, Россияда фалсафа йўқ, лекин ҳамма, ҳатто пастарин кишиларгача фалсафа сотади деган эдингиз. Аммо пастарин кишиларнинг фалсафа сотишининг ҳеч кимга зиёни йўқ-ку,— деди Андрей Ефимич гўё йиғламоқчи ва кишининг раҳмини келтирмоқчи бўлаётгандек бир оҳангда.— Нега энди мазах қилиб куласиз! Норози бўлгандан кейин пастарин киши ҳам фалсафа сотади-да! Ақлли, илмли, мағрур ва озодликни севучи одамга, азиз зотга орқада қолган ифлос шаҳарчага бориб табиб бўлишликдан, кейин умр бўйи банка ва зулук солиш, гарчишник қўйишдан бошқа илож йўқ. Муттаҳамлик, разиллик, фикрий чекланганлик, ё раббий!

— Бўлмағур гапларни вайсаяпсиз. Табибликни ёқтирмасангиз министр бўла қолинг эди.

— Ҳеч, ҳеч иложим йўқ. Заифмиз, азизим. . . Мен бепарво эдим, тетик ва соғлом фикр юритардим, ҳаёт менга дағал томонини ўгириши билан руҳим тушиб кетди. . . мажолим қолмади. . . заифмиз, ярамасмиз. . . сиз ҳам шундайсиз, азизим. . . Сиз ақлли, олижаноб одамсиз, гўзал хулқ сизга суг билан кирган, лекин ҳаётга қадам қўярқўймас ҳориб, касал бўлиб қолгансиз. . . Заифмиз! Заиф!

Кеч киргандан бери қўрқув ва аламдан бошқа яна қандайдир сира нари кетмайдиган бир ҳис Андрей Ефимични эзиб турганди. Ниҳоят англади, унинг пиво ичгиси ва папирос чеккиси келаётган экан.

— Азизим, эшикка чиқаман,— деди у.

— Айтай, чироқ келтиришсин. . . Бундоқ туролмайман. . . Тоқатим йўқ. . .

Андрей Ефимич эшик олдига борди ва эшикни очди, шу он Никита ирғиб туриб йўлини тўсди.

— Қаёққа бормоқчисиз? Мумкин эмас, мумкин эмас!— деди у.— Ухлаш керак!

— Ҳа, мен бир минутгина ҳовлини айланиб келаман!— деди Андрей Ефимич шошганидан.

— Мумкин эмас, мумкин эмас, ижозат йўқ. Узингиз биласиз-ку.

Никита эшикни қаттиқ ёпди-да, орқаси билан суйаниб олди.

— Агар мен шу ердан чиқсам, шундан бировга бир нарса бўладими?— деди Андрей Ефимич елкаларини учтириб.— Тушунолмадим! Никита, мен эшикка чиқишим керак!— деди у қалдираган товуш билан.— Ишим бор!

— Тартибсизлик қилманг, яхши эмас!— деди Никита насиҳат қилиб.

— Бу нима деган гап-а!— деди Иван Дмитрич тўсадан ҳайқириб ва сакраб турди.— Чиқармасликка унинг нима ҳақи бор? Бизларни бу ерда қамоқда тутишга қандай ҳақингиз бор. Қонунда-ку, суд ҳукм қилмагунча ҳеч ким озодликдан маҳрум қилинмайди, деб очиқ айтилган. Бу зўрлик! Ўзбошимчалик!

— Албатта, ўзбошимчалик!— деди Иван Дмитричнинг гапидан жасоратланган Андрей Ефимич.— Чиқаман дедим, чиқишим керак! Чиқармасликка ҳақи йўқ! Чиқар, сенга айтаётирман!

— Эшитяпсанми, бефаҳм ҳайвон?— деди Иван Дмитрич, бақириб ва муштуми билан эшикни урди.— Оч, бекор эшикни синдираман! Муттаҳам!

— Оч!— деди бақириб Андрей Ефимич бутун вужудини титроқ босган ҳолда.— Мен талаб қиламан!

— Вайсайвер!— деди эшик орқасидан туриб Никита,— вайсайверчи!

— Ҳеч бўлмаса, бор, Евгений Федорични айтиб кел! Мен чақираётганимни айт... Бир минутга!

— Эртага ўзлари ҳам келадилар.

— Бизларни ҳеч қачон чиқаришмайди!— деб давом қилди Иван Дмитрич.— Шу ерда чиритишади! Эй парвардигор, наҳотки ҳақиқатан у дунёда дўзах йўқ ва бу аблаҳларни кечириб қўя қолинади? Қани адолат? Оч, аблаҳ, нафасим бўғилиб кетди!— деди бўғиқ товуш билан қичқириб ва бор бўйи билан эшикни итарди.— Бошимни ёраман! Қонхўрлар!

Никита эшикни тез очди, икки қўли ва тиззаси билан Андрей Ефимични қаттиқ итариб юборди, кейин қулочкашлаб муштуми билан юзига туширди. Андрей Ефимичнинг хаёлида каттакон шўр тўлқин бошигача кўмиб, кроватга судраб бораётгандай бўлди; дарҳақиқат оғзи шўртанг бўлиб кетди: қон тўлган бўлса керак. У сузиб чиқмоқчи бўлгандек қўлларини қимирлатган эди, кимнингдир кроватини ушлаб олди. Шу топда Никита икки марта елкасига урганини сизди.

Иван Дмитрич қаттиқ қичқирди, уни ҳам уришган бўлса керак.

Сўнг ҳаммаси жим бўлди. Ойнинг хирагина нури темир панжара орқали ўтиб, полга тўр шаклида соя ташлаб турибди. Даҳшатли эди. Андрей Ефимич ётди ва да-



мини ичига олди; у яна уришади деб, ўти ёрилиб кутарди. Худди биров ўроқ олиб, унга санчиб, кўкрагида, қорнида бир неча марта бураб оларди. Оғриққа чидолмай ёстиқни тишлаб, тишини тишига кўйди, боши ва охири йўқ фикрий тарқоқлик орасида тўсатдан: ҳозир ой ёруғида қора доғга ўхшаб ётган мана бу одамлар шу сингари оғриқни неча йиллар давомида ҳар кун бошидан кечирган, деган даҳшатли, оғир фикр равшан эсига келди. Йигирма йилдан ортиқ вақт ўтса-ю, қандай қилиб шу нарсани англамаган ва англашни ҳам истамаган экан? У билмаган эди, оғриқ ҳақида тушунчаси ҳам йўқ эди, демак у айбли эмас, лекин ўзининг Никита сингари дағал ва ўжар виждони энсасидан товонигача совушга мажбур қилди. Сакраб турди, товушининг борича қичқирмоқчи ва тезроқ югуриб бориб Никитани, Хоботовни, нозирни ва фельдшерни, сўнгра ўзини ўлдирмоқчи эди, лекин кўкрагидан бирон товуш чиқмади, оёқлари бўйсунмади; бўғилиб, кўкрагидаги халат ва кўйлакка чанг солди, йиртиб ташлади ва беҳуш бўлиб кроватга йиқилди.

## XIX

Эртасига эрталаб боши оғриб, қулоғи шанғиллаб, бутун вужуди шол-шол бўлиб турди. Ўзининг кечаги заифлигини эслашдан уялмади. Кеча у юраксизлик қилди, ҳатто ойдан ҳам кўрқди, бироқ илгари ўзида борлигини сезмаган ҳис ва фикрларни дадил айтаверди. Масалан, фалсафа сотувчи пастарин кишиларнинг бемаънилигини гапирди. Лекин энди унга барибир эди.

У емади ҳам, ичмади ҳам, чурқ этмай, ҳаракатсиз ётаверди.

«Энди менга барибир,— деб ўйлар эди у, савол бераётганларида.— Жавоб бермайман... Менга барибир».

Тушлик овқатдан кейин чорак қадоқ чой, бир қадоқ мармелад кўтариб Михаил Аверьянич келди. Дарьюшка ҳам келди ва сиймосида маъносиз ғамгинлик акс этган ҳолда бир соат кровать ёнида турди. Доктор Хоботов ҳам келиб кетди. У бир шиша бромли калий келтирди ва палатага бирор нарса тутатиб юборишни Никитага буюрди.

Кечқурун Андрей Ефимичнинг миясига қон қуйлиб ўлди. Аввало жуда қаттиқ титради ва кўнгли айниди; хаёлида қандайдир жирканч бир нарса бутун вужудига, ҳатто бармоқларигача сингиб, меъдасидан тортиб боши-

гача чиқиб, кўзлари ва қулоқларига тўлиб қолгандай бўлди. Кўз ўнги яшил тусга бўялди. Андрей Ефимич қазоси етганини англади ва Иван Дмитрич, Михаил Аверьянич яна миллионлаб одамларнинг абадийликка ишонишларини эслади. Борди-ю, абадийлик бўлса-чи? Лекин у абадийликни истамас эди, ва бу ҳақда фақат бир лаҳзагина ўйлади. Унинг ёнидан кеча китобда ўқигани ғоят гўзал ва виқорли кийиклар подаси югуриб ўтди; кейин бир аёл унга қўлини чўзиб заказной хат узатди. Михаил Аверьянич нимадир деди. Сўнг ҳаммаси ғойиб бўлди ва Андрей Ефимич абадий уйқуга толди.

Қасалхонада хизмат қилувчи эркаклар келишди, қўлидан, оёғидан ушлашди ва часовняга<sup>1</sup> элтиб қўйишди. У ерда Андрей Ефимич кўзлари очилган ҳолда стол устида ётди ва кечаси уни ой ёритиб турди. Эрталаб Сергей Сергеич келди, михлаб қўйилган Исо расмига қараб ихлос билан ибодат қилди ва собиқ бошлиғининг кўзларини юмдирди.

Бир кундан кейин Андрей Ефимични кўмишди. Дафн маросимида фақат Михаил Аверьянич билан Дарьюшка бўлди.

---

<sup>1</sup> Часовня — черковча.

## НОМАЪЛУМ ОДАМ ҲИҚОЯСИ

### I

Мен бир вақтлар Петербург амалдорларидан Орлов деган одамга малай бўлганман. Сабабини ҳозир муфассал гапириб ўтиришим ўринсиз, шунинг учун воқияни айтиб қўя қоламан. Унинг ёши ўттиз бешларда бўлиб, номи Георгий Иванич эди.

Бу Орловга мен унинг отаси туфайли малай бўлган эдим. Отаси машҳур давлат арбоби бўлганидан мен уни ўз ишимнинг жиддий душмани ҳисоблардим. Менинг мўлжалимча, ўғлининг уйида яшаб юрсам, қулоғимга илинган гап-сўзлар, столда кўзим тушган қоғоз ва хатлардан отасининг планлари ва ниятларини мукаммал ўрганишим мумкин эди.

Одатда эрталаб соат ўн бирда мен турган малайхонада электр қўнғироғи жириглаб, бойваччанинг уйфонганини билдирар эди. Мен тозаланган этик ва кийим-бошларни кўтариб ётоқ бўлмасига кирганимда, Георгий Иванич ўрнида қимирламай ўтирар, уйқуга тўйиш ўрнига, чарчагани билиниб турар, ўзининг уйфонганлигига ҳеч қандай хурсандлик аломати кўрсатмасдан, бир нуқтага тикиларди. Мен унга кийиниш учун ёрдам берардим. У эса зўрға қимирлар, индамас ва менинг борлигимга эътибор бермас эди. Сўнгра, ювиниб, боши ҳўллигича, тоза атир ҳидларини анқитиб, кофе ичгани емак хонасига кирарди. У стол ёнида ўтириб кофе ичар, газеталарни варақлар, мен ва оқ соч хотин Поля эса таъзим билан эшик ёнида туриб, унга кўз ташлар эдик. Иккита капкатта одам жиддий эътибор билан учинчи бир одамнинг кофе ичишига ва сухари карсиллатишига кўз ташлаб туриши, албатта, кулгили ва хунук бир ҳол. Лекин ўзим ҳам шу Орлов сингари дворянин ва маълумотли киши

бўлсам-да, эшик олдида тикка туришдан ҳеч бир хўрлик сезмас эдим.

Уша чоғда менда сил касали бошланган бўлиб, шу билан бирга аллақандай, муҳим бир ҳолат ҳам рўй берган эди. Билмайман, касаллик таъсири остидами, ёки ўша пайтда ўзим сезмасам-да, менда бошланган дунё қарашнинг ўзгариши остидами, кун сайин мен оддий, обиватель ҳаёти билан яшашни эҳтирос ва тажанглик билан хоҳлаб қолган эдим. Мен жоним тинч бўлишини, соғлиқни, яхши ҳаво ва тўқликни тусаб қолган эдим. Мен хаёлпарастга айланмоқда эдим ва ҳар бир хаёлпараст сингари менга нима кераклигини ўзим ҳам билмас эдим. Дам монастиргга кетгим ва у ерда кун бўйи дарча ёнида ўтириб, дарахтларни ва далаларни томоша қилгим келар эди, дам беш десятина ер сотиб олиб, помешчик бўлиб яшашимни тасаввур этардим: дам ўзимга илм билан шуғулланишга ва албатта, бирор вилоятда университет профессори бўлиб олишга сўз берар эдим. Мен денгиз флотининг истеъфога чиққан лейтенанти эдим; хаёлимда денгиз ва мен дунё саёҳатига чиққан эскадрамиз ва корветимиз жонланар эди. Тропик ўрмонда кезиб юрганда ёки Бингал кўрфазида қуёш ботишини томоша қилганда, қувончдан энтикиб ва айни замонда ўз юртимни соғиниб, интизорлик тортган ноёб туйғуларни яна бир карра ҳис этгим келар эди. Менинг тушимга тоғлар, хотин-қизлар, музыка овозлари кирарди ва мен худди ёш бола сингари қизиқсиниш билан юзларга тикилар, овозларга қулоқ солар эдим. Энди эшик олдида туриб, Орловнинг кофе ичишига қараб турганимда, ўзимни малай эмас, дунёда бор нарсага қизиқувчи, ҳатто Орловга ҳам қизиқиб қаровчи бир одам деб ҳис этардим.

Орловнинг ташқи қиёфаси петербургча бўлиб, елкалари тор, бели чўзиқ, чаккаси чўккан, кўзларининг ранги ноаниқ, хира; соч, соқол ва мўйловлари нимсариқ. Унинг башараси йилтиллаган, уринган ва ёқимсиз эди. Ухлаган ёки фикрга чўмган вақтда башараси айниқса ёқимсиз бўлиб кетарди. Ташқи қиёфасини тасвирлаб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ бўлса керак; бунинг устига яна, Петербург — Испания эмас, бу ерда эркакларнинг ташқи қиёфаси ҳатто ишқи-муҳаббат масалаларида ҳам катта аҳамиятга эга бўлмайди; бу нарса фақат совлатли малайларга ва кучерларга керак. Орловнинг башараси ва сочларидан гап очганимнинг сабаби шуки, унинг ташқи қиё-

фасида тилга олишга арзийдиган бир нарса бор, яъни Орлов қўлига қандай бўлмасин бирор газета ёки китоб олганда, ёки бирор киши билан учрашганда, унинг кўзлари истеҳзоли табассум қила бошлар ва бутун қиёфаси енгил, беозор масхара тусини олар эди. Бирор нарсани ўқиб чиқиш ёки эшитиш олдидан унда ҳар сафар худди ёввойининг қалқони сингари бирор кесатиқ тайёр турар эди. Бу хил кесатиш унга эскидан одат бўлиб, сўнгги вақтларда унинг юзида иродасидан ташқари худди бир рефлекс тарзида пайдо бўларди. Лекин бу тўғрида кейинроқ сўзлаймиз.

Соат бирга қадам қўйганда у ўзининг қоғоз тўла портфелини истеҳзоли қиёфа билан қўлга олиб, хизматга жўнар эди. Уйда обед қилмасди ва соат саккиздан кейин қайтарди. Мен кабинетдаги лампани ва шамларни ёқар эдим, у эса креслога ўтириб, оёғини стулга узатиб талтайиб, китоб ўқишга тушар эди. Деярли ҳар кун ўзи билан янги китоблар келтирар ёки унга магазиндан юборишарди. Мен турадиган малайхонанинг бурчакларида, кроватимнинг остида ўқилиб ташланган русча китоблардан бошқа яна уч хил тилдаги жуда кўп китоблар ётар эди. У ҳаддан ташқари тез ўқирди. Сен нима ўқиётганингни айтсанг, кимлигингни айтиб бераман, деган гап бор. Балки бу сўз тўғридир, лекин ўқиган китобларига қараб Орловга баҳо бериш мумкин эмас эди. Унинг ўқиганлари аллақандай мошкичири эди. Фалсафани ҳам, француз романларини ҳам, сиёсий иқтисодни ҳам, молия китобларини ҳам, янги шоирларни ҳам, «Посредник» нашриёти босиб чиқарган китобларни ҳам, барчасини у бир хилда тез ва бир хилда истеҳзоли кўз қарашлари билан ўқиб чиқар эди.

Соат ўндан сўнг у кунт билан кийинарди, кўпинча гражданча костюм кияр, ҳар замонда бир, камер-юнкерча мундирийни кияр ва уйдан жўнаб кетарди. Уйга тонг отишга яқин қайтарди.

Биз иккимиз тинч ва аҳил яшардик, орамизда ҳеч қандай англашилмовчилик йўқ эди. Одатда у менинг борлигимни сезмагандай турар, мени одам қатори санамаса керак, мен билан сўзлашганда чехрасида истеҳзо кўринмас эди.

Мен уни фақат бир марта жаҳли чиққанини кўрдим. Бир куни,— бу воқиа мен унинг уйига хизматга кирганимдан бир ҳафта кейин бўлган эди,— қандайдир бир зиё-

фатдан у кеч соат тўққизларда қайтди; унинг чеҳрасида инжиқлик ва толиққанлик аломати кўринарди. Мен унинг орқасидан кабинетдаги шамларни ёқиш учун кирганимда, у менга:

— Уй ичидан алланарсанинг ҳиди келади,— деди.

— Йўғ-е, ҳаво тоза,— деб жавоб қайтардим.

— Мен сенга сассиқ ҳид келаётибди деяпман,— деди у, жаҳли чиқиб.

— Мен ҳар кун форточкаларни очиб қўяман.

— Гап қайтарма, аҳмоқ!— деб қичқирди у.

Мен ранжидим, унга жавоб қайтармоқчи бўлдим, агар ўз хўжайинини мендан кўра яхшироқ билувчи Поля аралашмаганда эди, худо билади бу можаро нима билан тамом бўлар эди.

— Ростдан ҳам, аллақандай ёмон бир ҳид бор!— деди Поля қошларини чимириб.— Қаердан бўлса экан? Степан, меҳмонхонанинг форточкаларини оч ва печкага ўт ёқ!

Поля вой шўрим қурсин деб, безовта бўлиб, югуриб-елиб, юбкаларини шилдиратиб, пульверизаторни вишиллаптиб, ҳамма хоналарга одеколон сепиб чиқди. Орловнинг ҳамон кайфи бузуқ эди; у, афтидан, жаҳли чиққандини билдирмаслик учун ўзини тутиб, стол олдида ўтириб, жадал хат ёзмоқда эди. Бир неча сатр ёзгандан сўнг, зарда билан пўнғиллаб, хатни йиртиб ташлади-да, яна ёза бошлади.

— Дийдорлари қурсин!— деб ғудуллади у.— Мислсиз хотирага эга бўлишимни истайдилар!

Ниҳоят хат ёзилиб тамомланди; у столдан турди-да, менга деди:

— Сен Знаменская кўчасига борасан ва мана шу хатни Зинаида Федоровна Красновскаянинг ўз қўлига топширасан. Лекин, дастлаб швейцардан унинг эри, яъни жаноби Красновский уйига қайтдими деб сўрайсан. Агар эри уйда бўлса, хатни бермасдан, қайтиб келавер. Тўхта! Борди-ю, агар хоним, менинг уйимда бирор кимса борми деб сўраса, соат саккиздан бери унинг уйда аллақандай икки жаноб ўтиришибди, бир нималар ёзишяпти дегин.

Мен Знаменская кўчасига жўнадим. Швейцар менга, жаноб Красновский ҳали келгани йўқ деди, мен учинчи қаватга чиқиб бордим. Баланд бўйли, семиз, чакка соқолларини қоп-қора қилиб ўстирган қорамтир малай мен-

га эшик очди. Малай билан малай қай тарзда гаплашса, худди шу тарзда менга нима кераклигини сусткашлик ва қўполлик билан сўради. Мен жавоб бермасданоқ, залдан даҳлизга қора қўйлакли хоним чиқиб келди. У менга кўзларини сузиб қаради. Мен:

— Зинаида Федоровна уйдадилар?— деб сўрадим.

— Мен бўламан,— деб жавоб қайтарди хоним.

— Георгий Иваничдан хат келтирдим.

У бетоқатлик билан хатни очди ва иккала қўли билан ушлаб, брильянт кўзли узугини кўз олдимида ярқиратиб ўқишга тушди. Сал чўзиқ ияги, момиқдай оппоққина юзларига ва узун қоп-қора киприкларига қараб турдим. Кўринишдан бу жувонни йигирма бешларда деса бўлар.

— Салом айтинг ва ташаккур билдиринг,— деди хоним хатни ўқиб тугатгач. Сўнг мулойимлик ва қувноқлик билан, ўзининг ишонмаганидан уялгандай сўради:

— Георгий Иваничнинг уйида бирор кимса борми?

— Қандайдир иккита одам,— деб жавоб қайтардим.— Нимадир ёзишмоқда.

— Салом айтинг ва ташаккур билдиринг,— деб такрорлади хоним ва бошини ёнига ташлаб, юрган йўлида хатни ўқиганича, секин ичкарига кириб кетди.

Хотинлар билан кам учрашганимдан, бир кўришдаёқ у жувон менга ёқиб қолди. Уйга пиёда қайта туриб, мен унинг юзини, хушбўй атир ҳидларини хотирладим ва хаёл суриб кетдим. Мен қайтиб келганимда Орлов уйда йўқ эди.

## II

Шундай қилиб, мен хўжайин билан тинч ва аҳил яшардим, лекин мен малайликка кираётганимда қўрққан нопок ва ҳақоратли нарсалар мавжуд эди ва ҳар кун ўзини сездириб турар эди. Мен Поля билан чиқиша олмасдим. Бу хотин семиз ва тантиқ бир махлуқ эди. Орловни жаноб деб билиб ҳурматлар, малай бўлганим учун менга таҳқир кўзи билан қарар эди. Эҳтимол, ҳақиқий малай ёки ошпазнинг кўзига бу хотин жуда жозибали кўринарди: икки бети қип-қизил, қомати ғоздай, кўзлари сузук, бадани семизлигидан сўлқиллаб кетган эди. У юзига упа қўяр, қошларини ва лабларини бўяр, корсет боғлаб белини хипча қилар ва тангалардан ясалган билаг узук тақарди. Майда қадам, бедана юриш қилар эди; юрган чоғида эшилиб ёки елкалари ва орқаларини қил-

пиллатиб юрарди. Юбкаларининг шувуллаши, корсети-нинг чирсиллаши, билагузукларининг жаранглаши ва лабга суртилган бўёқ ва бойваччадан ўғирлаб сепиб олинган атирнинг бадбўй ҳиди, эрталаб у билан бирга бўлма-ларни йиғиштириб юрганимда менда шундай бир туйғу қўзғотар эдики, гўё мен у билан бирликда жирканч бир иш қилаётгандай бўлардим.

Поля билан бирликда ўғирлик қилмаганим учунми, ёки унга ошиқ бўлишга ҳеч бир хоҳиш кўрсатмаганимдан нафси койибми, ёки мен ёт бир одам эканимни сезибми, биринчи кунданоқ мени ёмон кўриб қолди. Ношудлигим, хизматкорга ўхшамаганлигим, касалим унинг рашини келтирар ва нафратини қўзғатар эди. Уша чоғда мен қаттиқ йўталар эдим, кўп вақт кечалари унинг уйқусига халақит берардим, чунки икковимизнинг бўлмағимиз биргина тахта девор билан ажратилган эди, шунинг учун ҳар кун эрталаб Поля менга:

— Сен яна мени ухлатмадинг. Сен касалхонада ётишинг керак, сенга жанобларнинг уйида яшашни ким қўйибди,— дерди.

У, мен одам эмаслигимга ва ўзидан бениҳоят тубан турганимга шунчалик ишонардики, худди қуллар олдида чўмилишдан уялмаган рим матроналари сингари, менинг олдимда ички кўйлағи билан юраверар эди.

Бир куни обед вақтида (биз ҳар куни қовоқхонадан шўрва билан қовурма олар эдик) менинг табиатим чоғ, кўнглим хаёл суришга мойил бўлиб турганда, сўрадим:

— Поля, сиз худога ишонасизми?

— Бўлмаса-чи!

— Демак сиз,— деб давом этдим,— қиёмат қойим бўлишига ва ҳар қайсимиз ўз қилғиликларимиз учун худога жавоб беришимизга ҳам ишонаркансиз-да?

Поля жавоб қайтармади, фақат бурнини жийириб қўйди. Мен эса бу сафар унинг тўқлик акс этган совуқ кўзларига қараб, бусбутун, мукамал бу вужуднинг худоси ҳам, виждони ҳам, қонуни ҳам йўқлигига ишондим, агар борди-ю, менга бировни ўлдириш, ўт қўйиш ёки ўғирлик қилиш керак бўлса, пулга ҳам ундан яхши шерик топа олмас эдим.

Одатдан ташқари бир шароитда, бунинг устига менинг сансирашга ва ҳар доим ёлғон гапиришга (уйда ўтирган бўлса ҳам, «хўжайин уйда йўқ» дейишга) ўрганмаганимдан, Орловнинг уйида яшаш бир ҳафтагача жуда оғир бўл-



ди. Малай кийимида мен ўзимни совут кийгандай сезардим. Лекин кейинчалик кўникиб қолдим. Худди чинакам малай каби, мен хушомадгўйлик қилар, хоналарни йиғиштирар, югуриб-елиб ҳар қандай топшириқларни бажо келтирар эдим. Зинаида Федоровнанинг уйига Орловнинг боргиси келмаган чоғларда ёки боришга ваъда қилиб, унутган чоғда мен Знаменская кўчасига жўнар, хонимнинг ўз қўлига хат топшириб туриб, ёлғон тўқир эдим. Натижада, мен малайликка кираётганда кутган нарсам ҳеч бир муяссар бўлмас эди; бу янги ҳаётимнинг ҳар бир куни мен учун ва менинг ишим учун зое кетарди, чунки Орлов ҳеч қачон ўз отаси ҳақида гапирмасди, унинг меҳмонлари ҳам гапирмас эдилар, машҳур давлат арбобининг ишлари тўғрисида мен фақат ҳамон илгаригидай газеталардан ва ўртоқларига ёзилган хатлардангина билар эдим. Кабинетда менинг топиб ўқиганим юзлаб хат ва қоғозлар мен қидирган нарсага ҳатто яқинлашиб ҳам келмас эди. Орлов ўз отасининг донгдор фаолиятига бутунлай бепарво эди ва қиёфасидан у гўё бу фаолият тўғрисида ҳеч гап эшитмагандай ёки отаси аллақачонлар ўлиб кетгандай эди.

### III

Пайшанба кунлари бизни кига меҳмонлар келарди.

Мен ресторанга чиқиб ростбиф буюрардим ва Елисеєвга телефонда гапириб, бизга икра, пишлоқ, устрица ва ҳоказолар юборишини сўрар эдим. Ўйин карталари сотиб олардим. Поля эса эрталабданоқ чой идишларини ва ужин зебу зийнатларини тайёрлаб қўярди. Ростини гапирганда, мана шу кичкинагина ҳаракат бизнинг бекорчилик билан ўтувчи ҳаётимизни бир оз безатар эди.

Фақат уч киши меҳмон бўлиб келарди. Энг совлатли ва энг жозибали меҳмон Пекарский фамилияли, новча, қотмароқ, қирқ беш ёшлардаги, узун тути бурун, катта қора соқолли ва тепа сочи тўкилган бир одам эди. Унинг кўзлари катта, чақчайган, чеҳраси жиддий, грек философига ўхшаш ўйчан эди. У, темир йўл идорасида ва банкда хизмат қиларди, қандайдир муҳим бир ҳукумат идорасида ҳуқуқшунос бўлиб ишларди, васий сифатида жуда кўп хусусий кишилар билан иш юргизар, конкурсда раислик этарди ва ҳоказо. . . Мансаб даражаси унча катта эмас, камтарлик қилиб ўзини адвокат деб атар, лекин унинг таъсири жуда катта эди. Машҳур доктор, йўл директори ёки муҳим

бир амалдорнинг ҳузурига навбатсиз кириш учун унинг биргина визит карточкаси ёки кичкина бир хати кифоя эди. Айтишларига кўра, унинг тавсияси билан ҳатто тўртинчи даража хизматга ҳам кириш ва ҳар қандай ёмон ишни бости-бости қилиб юбориш мумкин эди. У, жуда ақлли одам ҳисобланарди, бироқ унинг ақли қандайдир айрим, фаройиб бир ақл эди. У бир лаҳза ичида ёдаки қалам ёки жадвалсиз 213 ни 373 га кўпайтира олар ёки стерлингни маркага айлантира биларди, темир йўл ва молия ишини жуда яхши билар, маъмурий иш соҳасида унга маълум бўлмаган сир йўқ эди; граждани иши юзасидан, айтишларича, у энг уста адвокат эди, у билан даъволашиш осон эмас эди. Лекин мана шу ниҳоятда ақилли киши ҳатто баъзи аҳмоқ одам ҳам биладиган кўп нарсаларга бутунлай тушунмас эди. Масалан, у кишиларнинг нега зеркишини, йиғлашини, отишиб, ҳатто бир-бирларини ўлдиршини, шахсан ўзларига дахли бўлмаган нарсалар ҳам воқиалар тўғрисида нима учун ташвишланишларини ва Гоголь ёки Шчедринни ўқиганда нима учун кулишларини мутлақо тушуна олмас эди. . . Фикр ва туйғу соҳасида яширинган барча мавҳум нарсалар унинг учун зерикарли ва худди қар қулоқ одамга чалинган музика сингари тушунилмас эди. Кишиларга у фақат иш нуқтаи назаридан қарар, уларни қобилиятли ва қобилиятсиз деб икки қисмга тақсимлар эди. Унда бошқача тақсимлаш йўқ эди. Виждонлилик ва серандишалик — фақат қобилият нишонаси, деб биларди. Ичкиликбозлик, картабозлик, бузуқчилик қилса ҳам майли, лекин ишга халақит етказмасин. Худога ишониш нодонлик, аммо дин сақланиши керак, чунки халқ учун бир бошвоқ керак, агар бошвоқ бўлмаса, у ишламай қўяди. Жазолар фақат кўрқитиш учун керак. Дачага кўчиб чиқишнинг ҳожати йўқ, чунки шаҳарда туриш ҳам жуда яхши ва ҳоказолар. . . У бева эди ва болалари ҳам йўқ эди, лекин жуда кенгчилик билан яшар, квартирининг ўзига йилида уч минг сўм тўлар эди.

Иккинчи меҳман ёшлардан чиққан ҳақиқий статский советник Кукушкин эди. Унинг бўйи паст, қиёфаси ўта кетган ёқимсиз, танаси йўғон, семиз, юзлари эса озгин эди. Унинг оғзи очилиб турар, қирилган мўйловлари лак билан елимлаб қўйилганга ўхшар эди. Бу одамнинг ҳаракатлари калтакесаксимон эди. Эшикдан киришда, майда қадам қўйиб, ўрмалагандай биланглаб кирарди ва хиқиллаб куларди, кулган чоғда эса, тишлари тиржайиб кетар-

ди. Аллакимнинг қошида у, маҳсус топшириқлар амалдори эди, гарчи катта маош олса ҳам, ҳеч иш қилмас, айниқса ёзда унинг учун турли командировкалар ўйлаб топганларида, жуда ҳам маза қиларди. Бу одам ўзининг илик-илтигига эмас, ундан ҳам бадтарроқ, энг сўнгги томчи қонигача мансабпараст эди, шундай бўлса ҳам ўзига ишонмаган, ўз мансабини фақат суяк ташлашларга асословчи пастарин бир мансабпараст эди. Бирорта чет эл крести учун ёки газеталарда унинг бирор маърака ёки ибодатда юқори мартабали кишилар билан бирга бўлганини босиб чиқаришлари учун у, ҳар қандай тубанлашишга, ёлборишга, хушомадгўйлик қилишга, ваъдага тайёр эди. Кўрқоқлигидан у Орлов билан Пекарскийга хушомадгўйлик қилар, чунки уларни кучли одам деб биларди. Поляга ва менга ҳам хушомадгўйлик қилар, чунки биз бообрў одамнинг уйда хизмат қилардик. Ҳар сафар, мен унинг пўстинини ечиб турганимда, у ҳиқиллаб кулар ва мендан: «Степан, уйланганмисан?» деб сўрарди, сўнгра менга алоҳида эътибор бергандай бўлиб турли беадаб гапларни айтарди. Кукушкин Орловнинг камчиликларини, бузуқликларини, давлатини мақтар эди; Орловга ёқиш учун ўзини шафқатсиз мазохчи ва худосиз кўрсатар, бошқа жойда ўзи қулдай таъзим этадиган кишиларни Орловга қўшилиб танқид қилар эди. Кечки овқат маҳалида хотинқизлар ва ишқи-муҳаббат ҳақида сўз кетганда, у ўзини жуда уста ва айёр хотинбоз қилиб кўрсатмоқчи бўларди. Умуман, айтиб ўтиш керакки, Петербург такасалтанглари ўзларининг ажойиб табиатлари тўғрисида гап сотишни яхши кўрадилар. Баъзи бир ёшлардан чиққан ҳақиқий статский советник ўз уйдаги ошпаз хотин ёки Невскийда саланглаб юрган бирорта боёқиш аёлни эркалатишдан нарига ўтмайди-ю, лекин унинг лофига қулоқ солсанг, у Шарқнинг ва Ғарбнинг бутун қилвириликларини билади, ўнларча яширин жамиятларнинг фаҳрий аъзоси ва аллақачонлар полиция кўз остига олинган. Кукушкин ўзи тўғрисида уялмай-нетмай шу қадар ёлғонлар тўқир эдики, унга ишониш тугил, унинг тўқима гапларига қулоқ ҳам солмасдилар.

Учинчи меҳмон—хурматли олим генералнинг ўғли Орловнинг тенгдоши, узун сочли, хира кўзли, олтин кўзойнак таққан оқ-сарикдан келган Грузин эди. Унинг пианист бармоқлари каби узун, қонсиз бармоқлари ҳамон эсимда; умуман унинг қадди-қоматида машшоқларга хос ал-

лақандай ўйноқилик бор эди. Одатда бу хил қоматли одамлар оркестрда муҳим созни чаладилар. У йўталар, боши оғрир, умуман касалманд ва заиф кўринарди. Эҳтимол уни уйда ёш бола сингари кийинтирсалар ва ечинтирсалар. У ҳуқуқшунослик билим юртини тамомлаб, дастлаб суд маҳкамаларида хизмат қилган, сўнг уни сенатга кўчирганлар: бу ердан кетгач, ёрдам ва ҳимоя билан давлат мулклари министрлигида хизматга ўрнашган ва тез кунда бу жойдан ҳам кетиб қолган. Мен ўша хизматда эканимда, у, Орловнинг бўлимида ишлар мудирини бўлиб хизмат қиларди, лекин яна тез кунда суд маҳкамасига кўчиши тўғрисида гапирарди. Хизматга ва ўзининг ўридан-ўринга кўчиб юришларига у ҳаддан ташқари енгилтаклик билан қарар эди, унинг қошида мансаблар, орденлар, маошлар ҳақида жиддий равишда гапирилганда, у оқ кўнгиллик билан жилмайиб, Прутков<sup>1</sup> афоризмини такрорлаб: «Давлат хизматидагина ҳақиқатни англайсан!» дерди. Унинг афти буришган, ниҳоятда серрашк, кичкинагина хотини ва бешта озгин боласи бор эди; хотинига хиёнат қилар, болаларини фақат кўргандагина севар, умуман эса оилага анча бепарво ва унга нисбатан ҳазил-мутоиба юргизарди. Уй ичи билан қарзга ботиб яшар эди, ким кўринса, қаерда қулай келса, ҳатто ўз бошлиқларидан ва швейцарларидан ҳам қарз олаверар эди. Бу одам бўш табиат, ўзига бутунлай бепарво, ялқов, қаёққа ва нима учунлигини билмасдан оқимга қараб кетаётган эди. Уни қаёққа судрасалар, шу ёққа кета берар эди. Агар уни бирор ўғрихона ёки қиморхонага бошласалар ҳам кетаверарди, олдига вино қўйсалар ичарди, қўймасалар ичмасди; агар унинг қошида хотинларни ёмонласалар, у ҳам ўз хотинини ёмонларди, хотиним менинг ҳаётимни заҳарлади деб ишонтирмоқчи бўларди, агар хотинларни мақтасалар, у ҳам ўз хотинини мақтарди ва: «Мен ўз муштипар хотинимни жуда яхши кўраман» дерди. Унинг пўстини йўқ эди, доимо болалар бўлмасининг ҳиди келиб турадиган плед кийиб юрар эди. Ужин вақтида, у нима ларнидир ўйлаб кетиб, нон хамирини юмалоқлаб, қизил винони кўп ичиб ўтирган чоғда, унда ғалати бир хусусият борлигига ва буни эҳтимол ўзи ҳам сезишига, лекин кун-

<sup>1</sup> Прутков Козьма, А. К. Толстой, А. М. ҳам В. М. Жемчужниковлар биргалашиб ёзган шеърлари, қисқа, афоризмли таъбирлари остига шу номни тахаллус қилиб қўйганлар. (Тарж.).

далик ташвиш ва бўлмағур ишлар билан ўралиб у нарса-ни тушуниб, қимматига етмаганлигига ишонай-ишонай деб қолар эдим. У бир оз рояль чалишни биларди. Гоҳи, рояль ёнига ўтириб икки-уч аккорд оларди-да, оҳиста куйларди:

Не ҳозирлар менга келажак?!<sup>1</sup>

Лекин шу ондаёқ, худди чўчигандай, ўрнидан туриб, роялдан нарироққа кетарди.

Меҳмонлар одатда соат ўнларга тўпланишар эди. Улар Орловнинг кабинетида карта ўйнашарди, мен билан Поля эса уларга чой берардик Мана шунда мен малайликнинг бутун халоватини тота билдим. Тўрт-беш соат давомида эшик ёнида тикка туриб, стаканларнинг бўшаб қолмаслигини кузатиш, кулдонларни алмаштириш, қўлдан туширилган бўр ёки картани олиб бериш учун югуриб бориш, айниқса, тикка диққат билан кутиб туриб на гапиришга, на йўталишга, на кулишга журъат этиш, ишонингким, энг оғир деҳқончилик меҳнатидан ҳам мушкулроқдир. Мен қачонлардир бўронли қишқи тунларда тўрт соатлаб вахтада турган эдим, бунинг олдида вахтада туриш анча енгил.

Соат иккигача, баъзан учгача карта ўйнашарди, сўнг керишишиб емакхонага ужин учун ёки, Орловнинг айтишича, нафсни ором олдириш учун киришар эди. Ужин устида хўп гап сотиларди. Гап сотиш одатда шундан бошланар эдики, Орлов кўзларини кулимсиратиб туриб, бирорта таниши тўғрисида, яқинда ўқиб чиққан китоби тўғрисида, янги бир тайинланув ёки лойиҳа тўғрисида сўз очарди; хушомадгўй Кукушкин унинг гап мақомига жўр бўлар ва ўша чоғдаги менинг кайфиятимга зид, энг жирканч бир ғийбат бошланарди. Орлов ва дўстларининг истеҳзоларига чегара йўқ эди, бу истеҳзо ҳеч кимни ва ҳеч нарса ни аямас эди. Дин ҳақида гаплашсалар — истеҳзо, философия ҳақида, ҳаётнинг маъноси ва мақсадлари ҳақида гапирсалар — истеҳзо, бирорталари халқ тўғрисида масала кўтарса ҳам — истеҳзо. Петербургда айрим бир тоифа одамлар борки, улар турмушнинг ҳар бир ҳодисасига албатта кулиб қарайдилар: улар ҳатто оч одамнинг ёнидан ёки ўзини ўлдирган одам ёнидан ҳам бирорта бўлмағур гап айтмасдан ўта олмайдилар. Лекин Орлов ва

<sup>1</sup> А. С. Пушкиннинг «Евгений Онегин»идан.

унинг дўстлари кулги ё калака қилишмас, балки истеҳзо билан гап юритардилар. Уларнинг айтишича, худо йўқ эди. Улгандан сўнг одам бусбутун йўқолади; ўлмас одамлар фақат француз академиясидагина бор. Чинакам ҳузурхаловат йўқ нарса ва бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки у кишининг беками-кўстлигига боғлиқдир, кишининг беками-кўстлиги эса, мантиққа тўғри келмайди. Россия ҳам худди Эрон сингари зерикарли ва қашшоқ бир мамлакат. Интеллигенциядан умид йўқ; Пекарскийнинг фикрига кўра, интеллигенциянинг жуда кўпчилиги қобилиятсиз ва ҳеч нарсага яроқсиз кишилардан иборат. Халқ эса ичкиликка берилиб, ялқовланиб, уғрилиқни касб этган ва тушкунликка учраган. Ёзда фан йўқ, адабиёт ғализ, савдо эса фақат фрибгарлик билан тирик: «алдамасанг сотолмайсан». Уларнинг бари гаплари шу хилда, бари кулги эди.

Ичилган винодан ужин охирида хуш кайф бўлиб, хушчақчақ гапларга кўчишар эди. Грузиннинг оилавий ҳаётидан, Кукушкин қозонган ғалабалардан ёки Пекарский устидан кулишарди; гўё Пекарскийнинг ҳаражатлар ёзиладиган дафтарчасидаги бир саҳифага шундай ёзилган эмиш: *Лайр-саховат ишлари учун*. Иккинчиси эса, *Жисмоний эҳтиёжлар учун*. Вафодор хотин йўқлиги ҳақида гапиршар; гарчи эри қўшни кабинетда ўтирган бўлса ҳам, бир оз устачилик ишлатгандан сўнг шу уйнинг ўзидан чиқмасданоқ шўхликка учмайдиган хотин сира йўқ эмиш. Ёшгина қизчалар ҳам бузилиб кетган, ҳамма нарсанинг фаҳмига етади. Орлов гимназияда ўқийдиган ўн тўрт яшар бир қизнинг хатини сақлаб қўйган: бу қиз гимназиядан қайта туриб, «Невскийда бир офицерни илинтирган», офицер қизни ўз уйига олиб кетган-да, кечаси жавобини берган. Қиз эса, дарров дугонасига хат ёзиб, ўз хурсандчилигини ўртоқлашмоқчи бўлган. Ахлоқ покизалиги ҳеч қачон бўлмаган, афтидан кераги ҳам йўқ; инсоният ҳозирга қадар усиз ҳам жуда яхши кун кўриб келди, деб гаплашарди. Бузуқчилик деб аталган нарсанинг зарарлари шубҳасиз маҳоват қилинган. Бизнинг жазо уставимизда кўрсатилган бузуқлик Диогеннинг философ ҳам ўқитувчи бўлиши учун халақит бермаган; Цезарь билан Цицерон ҳам бузуқ бўлганлар ва айни замонда улуғ кишилардир.

Чол Қатон ёшгина аёлга уйланди, шундай бўлса ҳам ўта кетган тақводор ва ахлоқ назоратчиси ҳисобланавради.

Соат уч ёки тўртда меҳмонлар тарқалар ё бўлмаса ҳаммалари бирга шаҳар ташқарисига ёхуд офицерская кўчасига қандайдир Варвара Осиповникига жўнарди, мен эса ўз малайхонамга кириб бош оғриғи ва йўталдан қийналиб, кўп вақтгача ухлай олмас эдим.

#### IV

Орловга хизматга кирганимдан кейин уч ҳафта ўтгач якшанба куни эрталаб кимдир қўнғироқ чалди. Соат ўндан ошган эди. Орлов ҳали ухлаб ётарди. Мен эшикни очгани чиқдим. Қанчалик ҳайратда қолганимни ифода этолмайман: эшик олдидаги зинапояда юзига ипак парда ташлаган бир хоним турар эди.

— Георгий Иванович турдиларми?— деб сўради у.

Овозидан бу хотин Знаменская кўчасида турувчи хат олиб обориб берган Зинаида Федоровна эканини таниб олдим. Жавоб берган-бермаганим эсимда йўқ, мен хонимни кўриб довдираб қолган эдим. Хонимга жавобимнинг ҳожати ҳам йўқ эди. Бир лаҳзада ёнимдан лип этиб ўтдида, ҳозиргача ҳиди бурнимдан кетмаган атир ҳидларини даҳлизда анқитиб, ичкари кириб кетди. Қадам товушлари ҳам жим бўлиб қолди. Ҳар ҳолда ярим соатгача ҳеч нарса эшитилмади. Бироқ яна қўпғироқ жириглади. Бу сафар, бой уйнинг хизматкорига ўхшаган олифта бир қиз билан бизнинг швейцар ҳарсиллаб икки чамадон ва юк карзинкаси олиб кирдилар.

— Бу Зинаида Федоровнага,— деди қиз.

Бошқа бирор сўз айтмасдан қайтиб кетди. Булар бариси сирли ҳодиса бўлганидан, ўз хўжасининг шўхликларига ҳурмат билан қараган Поляда илжайиш кўзгатар эди; гўё у «Биз мана шунақа!» дегандай қилиб, у ён бу ёнга оёқ учида ўтар эди. Ниҳоят қадам товушлари эшитилди: Зинаида Федоровна шошилиб даҳлизга чиқди-да, малайхонамнинг эшигида мени кўриб, деди:

— Степан, Георгий Ивановичнинг либосларини беринг.

Мен либос ва этикларни кўтариб Орлов қошига кирганимда, у айиқ терисига оёқларини осилтириб кроватда ўтирар эди. Унинг бутун вужуди хижолат тортаётганини кўрсатар эди. Мени у сезмас ва ўз малайининг фикрига қизиқмас эди. Афтидан, у ўзидан-ўзи, ўзининг «виждон назари» олдида хижолат тортар ва уяларди. Қийинди, ювинди, сўнгра шетка ва тароқларни олиб ивирсиб юрди, гўё шу фурсатдан аҳволни ўйлаб кўриш ва бир фикрга

келиш учун фойдаланар эди, унинг хижолатлиги ва ўз-ўзидан норозилиги ҳатто орқасидан ҳам сезилиб турарди.

Кофени икковлари бирга ичдилар. Зинаида Федоровна кофейникдан ўзига ва Орловга кофе қуйгач, тирсақларини столга қўйди-да, кулиб юборди.

— Ҳамон ишонгим келмайди,— деди у.— Узоқ саёҳатда юриб, отелга қайтиб келгач, энди йўлга чиқиш керак эмаслигига киши ҳамон ишонмай туради. Киши ҳузур қилиб нафас олади.

Шўхлик қилгиси келиб турган қизчадай ҳаракатлар билан оҳиста уҳ тортди-да, яна кулиб юборди.

— Сиз мени кечиринг,— деди Орлов, газеталарга имо қилиб.— Кофе ичиб турганда газета ўқиш менга одат бўлиб қолган. Лекин икки ишни бирдан қила оламан: ҳам ўқишим, ҳам тинглашим мумкин.

— Уқий беринг, ўқий беринг... Одатларингиз ва эркингиз ўзингизда. Аммо, нечун қиёфангиз бузук? Сиз ҳар доим эрталаб шундай қиёфада бўласизми ёки фақат бугун шундайми? Сиз хурсанд эмасмисиз?

— Аксинча. Лекин, очиғини айтсам, бир оз довдираб қолдим.

— Сабаб? Менинг ҳужумимга ҳозирланиш учун етарли вақтингиз бор эди. Мен ҳар куни сизга хавф солиб турган эдим.

— Шундай, лекин мен шу хавфингизни худди бугун амалга оширилишини кутмаган эдим.

— Мен ўзим ҳам кутмаган эдим, бироқ яхши бўлди. Яхши бўлди, азизим. Оғриқ тишни бирдан суғуриб ташлаш керак, вассалом.

— Шундай, албатта.

— Эҳ, жонгинам!— деди хоним, кўзларини пир-пиратиб.— Ҳар ишнинг охири яхши бўлсин! Аммо, охири яхши бўлгунча қанча ҳасрат чекилди!

Сиз менинг кулганимга қараманг: мен хурсандман, бахтиёрман, лекин кулгидан кўра кўпроқ йиғлашга мойилман. Кеча мен зўр урушга бардош бердим,— хоним сўзини французча давом эттирди.— Менга нақадар оғир бўлганини биргина худонинг ўзи билади. Менинг кулганимга ишонмаганим сабабдир. Мен ҳозир гўё сиз билан ўнгимда эмас, тушимда кофе ичиб ўтирганга ўхшайман.

Сўнг у, яна французча гапириб, кеча эри билан ажралишганини айтиб берди, унинг кўзлари дам ёш билан жиқ тўлар, дам кулиб Орловга маҳлиё бўлиб тикиларди.



Хонимнинг айтишига кўра, эри кўпдан бери гумонсираб юрган, лекин очиқ гаплашишдан тортинган, тез-тез жанжаллар бўлиб турган ва одатда жанжал энг авжига чиққан пайтда, эри бирдан жим бўлиб қолар ва ўз кабинетига кириб кетар экан, чунки аччиқ устида ўз шубҳасини гапириб қўйишдан ёки хотинининг гап бошлаб қолишидан қочар экан. Зинаида Федоровна эса ўзини гуноҳкор, ҳеч нарсага арзимайдиган, дадил ва жиддий қадам босишга лаёқатсиз сезар экан, шунинг учун кун сайин ўзини ҳам, эрини ҳам ёмон кўриб, худди дўзахга тушгандай азобланиб юрар экан. Бироқ кечаги жанжал вақтида, эри йиғламсираган товуш билан: «бу можаролар қачон тамом бўлар экан, эй худойим?» деб ўз кабинетига кирганда, у худди сичқонни қувлаган мушукдай эрининг кетидан югурган ва эшикни ёптирмасдан туриб, «сира ҳам сени кўрарга кўзим йўқ!» деб қичқирган. Шундан сўнг эри уни кабинетга киргизган ва Зинаида Федоровна ҳамма ишни очиқ гапирган, бошқа одамни яхши кўрганини бўйнига олган, бу бошқа одам ўзининг ҳақиқий, энг қонуний эри эканини ва шу бугуннинг ўзидаёқ, ҳеч нарсага қарамасдан, гарчи унга тўпдан ўқ отсалар ҳам, шу одамнинг уйига кўчиб кетишни виждоний бурчим ҳисоблайман, деб айтган.

Орлов кўзини газетадан узмасдан туриб хонимнинг сўзини кесди:

— Сизнинг романтик томирчангиз яхши тепар экан!

Хоним кулиб юборди ва ҳамон кофема қўл узатмасдан, гапини давом эттирди. Унинг икки бети чўғдай яшнаб кетгани учун бир оз ташвишга тушди ва мен билан Поляга хижолат тортиб қаради. Хонимнинг сўнгги гапларидан мен билдимки, эри унга таъна ва дўқ билан жавоб қайтарган ва охири йиғлаб юборган, демак, тўғриси айтганда, хоним эмас, эри зўр урушга бардош берган.

— Шундай азизим, асабларим қўзғалиб турган чоғда, ҳамма иш жойида эди, — деб гапида давом этди хоним, — лекин кеч кириши билан руҳим тушиб кетди. Сиз, Жорж, худога ишонмайсиз, мен эса, бир оз ишонаман ва қасос қайтишидан қўрқаман... Худо биздан сабри-қаноатни, ҳимматни, фидокорликни талаб қилади, мен эса сабри қаноатдан бош тортиб, турмушни ўз билгимча қурмоқчиман. Яхшими шу? Баногоҳ шу қилигим худога ёқмасачи? Кечаси соат иккида эрим менинг қошимга кириб шундай деди: «Сиз кета кўрманг. Мен сизни жанжал билан,

полиция орқали чақиртириб келаман». Бир оз ўтгандан сўнг қарасам, яна у худди кўланкадай эшик оғзида турибди. «Менга раҳмингиз келсин. Сизнинг қочиб кетишингиз менинг хизматимга зарар етказиши мумкин» Бу сўзлар менга қаттиқ таъсир қилди, мен бу сўзлардан гўё ўтмасланиб қолдим, қасоснинг бошланиши шу бўлса керак деб ўйладим, кўрққанымдан қалтираб, йиғлай бошладим. Устимга шип ағдарилаётгандай, мени полицияга олиб кетаётгандай ва сиз мени ёмон кўриб қолаётгандай, хуллас, худо билади яна нималар туйилиб кетди! Монастирга ёки бирор ерга ҳамшираликка кетаман, бахтиёрликдан воз кечаман деб ўйладим, лекин шу ондаёқ сиз мени севганлигингизни ва сиздан ташқари бирор иш қилишга ҳаққим йўқлигини эсладим, ҳамма нарса бошимда чувалаша бошлади, мен эса маъюсланиб, нима ўйлашни ва нима қилишни билмас эдим. Лекин қуёш чиққандан сўнг яна кўнглим хурсанд бўлиб кетди. Эрталаб турдим-да, сизникига қараб жўнаб қолдим. Оҳ, нақадар азоб-чекдим, азизим! Икки кеча мижжа қоққаным йўқ!

Хоним чарчаган ва ҳаяжонланган эди. Бир вақт ичида унинг ҳам ухлагиси, ҳам тинимсиз гапиргиси, ҳам кулгиси, ҳам йиғлагиси ва ўзини озодликка ҳис этиш учун ресторанга бориб ноништа қилгуси келар эди.

Кофедан сўнг ҳамма уйларни ғириллаб айланиб чиққач:

— Квартиринг жуда шинам,— деди хоним,— лекин кўрқаманки, иккимиз учун торлик қилади. Сен менга қайси хонани берасан? Менга мана бу уй ёқади, чунки бу уй сенинг кабинетинг билан ёнма-ён.

Соат бирдан сўнг хоним кабинет ёнидаги хонада қайта кийиниб, шу бўлмани ўзиники қилиб олди-да, сўнг Орлов билан ноништага жўнади. Улар обедни ҳам ресторанда ўтказдилар, ноништа билан обед ўртасидаги узоқ вақтни эса магазинма-магазин юриб ўтказдилар. Мен кеч ярим кечагача магазинларнинг гумашталари ва югурдакларига эшик очиб, улардан ҳар хил молларни қабул этиб турдим. Келтирилган нарсалар ичида бир катта тош ойна, пардоз столи, кровать ва бизга нокерак чой идишлари бор эди. Бир тўда катта-кичик мис кастрюллар ҳам келтирилди, бу кастрюлларни биз бўм-бўш ва совуқ ошхонамиздаги токчаларга қатор териб қўйдик. Чой идишларини очган чоғимизда Полянинг кўзлари ўйнаб кетди ва менга уч марта нафрат ҳам кўрқув билан қараб қўйди, афтидан,

шу чиройли пиёлачалардан бирини даставвал ўзи эмас, балки мени ўғирлайди деб гумон қилди. Жуда қиммат баҳо, лекин ноқулай, аёлларга хос ёзув столи келтирдилар. Чамаси Зинаида Федоровнада, бизнинг уйимизда рўзғор тузатиб, маҳкам ўтириб олиш нияти бўлса керак.

Хоним билан Орлов соат ўнга қадам қўйганда қайтишди. Фавқулодда ва жасур бир иш қилганлиги, эҳтирос билан севганлиги ва гўё ихтирос билан севилганлигидан гердайиб кетган Зинаида Федоровна кўзлари сузилиб, қаттиқ ва оромбахш уйку олдидан ўз янги ҳаётидан лаззатланмоқда эди. Бахтиёрликдан эриб кетган хоним қўлларини қаттиқ қисар, ҳамма иш жойида деб билар ва абадий севишига онт ичарди. Ичилган бу онтлар ва мени ҳам ўлгудай ва абадий яхши кўради деб соддадиллик билан, болаларча ишонишлар хонимни беш ёш яшартирган эди. Хоним чиройли сафсаталар сўзлар ва ўз устидан кулар эди.

— Озодликдан юксак бахт-саодат йўқ!— дерди хоним, бирорта жиддий ва муҳим гап айтмоқчи бўлиб.— Ахир, ўйлаб кўрсанг, қандай бемаънилик! Биз ўз шахсий фикримизга, ҳатто у фикр олтин бўлса ҳам қиммат бермаймиз, аммо турли аҳмоқларнинг фикрини қимматлаймиз. Мен сўнги дамларга қадар ўзгаларнинг фикридан қўрқиб келар эдим. Лекин ўз фикримга қулоқ солиб, ўз билгимча яшашга аҳд қилган замоним, кўзим очилди, мен ўзимдаги аҳмоқона қўрқувни енгдим, энди мен бахтлиман ва барчага ҳам худди шундай бахт тилайман.

Лекин шу ондаёқ хонимнинг фикр тартиби узилиб, янги квартира тўғрисида, деворга ёпиштириладиган гулдор қоғозлар, отлар, Швейцария ҳам Италияга саёҳат тўғрисида гапириб кетди. Орлов эса, ресторан ва магазинларни кезиб чарчаган эди, мен эрталаб сезган унинг саросималаниши ҳамон акс этиб турар эди. У мамнун бўлганидан эмас, кўпроқ одоб юзасидан жилмаяр эди. Хоним бирор нарса ҳақида жиддий гапириб турганда, Орлов «Ҳа шундай!» деб истеҳзо билан тасдиқларди.

Хоним менга:

— Степан, тезроқ бир яхши ошпаз топинг,— деди.

— Ошхона тўғрисида шошилиш керак эмас,— деди Орлов, менга совуққина назар ташлаб.— Аввал янги квартирага кўчиб олиш керак.

У ҳеч қачон ўз уйида ошхона ҳам, отхона ҳам тутмас эди, ўзининг айтишича: «уйда ифлослик тарқатишни»

севмас эди, мен билан Поляни эса ўз квартирида фақат заруратдан сақлар эди. Оилавий ўчоғ деб аталган нарса ўзининг одатдаги шодликлари ва хафачиликлари билан унинг таъбига тўғри келмас, ярамас нарса сифатида уни хафа қилар эди. Ҳомиладор бўлиш ёки болали бўлиш ва улар тўғрисида гапириш, унингча бўлмағурлик, мешчанлик эди. Шунинг учун ҳам энди бу икки зотнинг бир уйда қандай муроса қилиб туриши мени жуда қизиқтириб қолди; хоним уйга, рўзғорга берилган, турли мис кастрюллар сақлайди, яхши ошпаз ҳам отлар тўғрисида ўйлайди. Орлов эса, кўп вақт ўз ўртоқларига: дуруст, покиза одамнинг уйда худди ҳарбий кемадаги сингари ҳеч бир ортиқча нарса бўлиши керак эмас, на хотин, на бола, на латта-путта ва на ошхона жиҳозлари... дерди.

## V

Энди мен сизга, биринчи пайшанба кунини нима бўлганини сўзлаб бераман. Шу кун Орлов билан Зинаида Федоровна Қонтан ёки Донон ресторанида обед қилишди. Уйга фақат биргина Орловнинг ўзи қайтиб келди. Зинаида Федоровна эса, сўнг билишимча, то уйимизга меҳмонлар келиб-кетгунча вақтни ўтказиш учун Петербургская сторонадаги кекса гувернанткаси ёнига кетган экан. Орлов ўз ўртоқларига хонимни кўрсатгиси келмас эди. Бу нарсани мен эрталаб кофе устида, хонимга Орлов, унинг осойишталиги туфайли пайшанба кунги меҳмондорчиликда бўлмаслигини уқдираётганини тушунган эдим.

Меҳмонлар одатдагича деярли бир маҳалда етиб келдилар.

— Хоним ҳам уйдларми?— деб сўради мендан, пичирлаб Кукушкин.

— Йўқлар,— деб жавоб қайтардим.

Кукушкин муғомбирчилик билан кўзларини йилтиллашиб, сирли табассум қилиб, совуқ қўлларини ишқалаб ичкарига кирди. Хушомадгўйлик ва лаганбардорлик билан бутун танасини силкиллашиб туриб, Орловга деди:

— Табриклайман. Лубнон ёнғоқлари янғлиқ ўсиб униб, кўпайишларингизни орзу этаман.

Меҳмонлар ётоқхонага кириб, у ердаги аёл туфлисн, икки кровать орасига солинган гилам ва кроватда осилиб турган кулранг блуза тўғрисида аскиябозлик қилдилар. Ишқи-муҳаббатдаги бутун расмона ишларни ёмон кўрувчи ўжар йигит ногихондан, жуда осонликча ва соддалик

билан бу хотиннинг қармоғига илиниб қолгани учун кулишиб, хурсанд бўлишди.

Черковларда ишлатиладиган эски славянча сўзлар билан ёқимсиз олифтачилик қилишга ёмон одатланган Кушкин:

— Бировнинг айбига сен кулма зинҳор, сенинг айбинга ҳам кулгувчилар бор,— деб бир неча марта такрорлади ва ётоқхонадан чиқиб кабинет ёнидаги хонага киришаётганда бармоғини лабига теккизиб:— Жим!— деди,— Тсс! Бу ерда Маргарита ўзининг Фаусти ҳақида ширин хаёл суради.

Шу гапи билан гўё жуда кулгили гап айтгандай ўздан-ўзи, қотиб-қотиб кулар эди. Грузиннинг музика севар юраги бу хил кулгига чидай олмас деб, мен унинг юзига тикилдим. Лекин адашган эканман. Унинг ёқимтой, озгин чехраси хурсандлигидан чароқлаб турарди. Қарта ўйнашга ўтирган чоғларида у дудуқланиб ва кулгидан энтикиб: энди Жоржинькага ўз оилавий бахтиёрлигининг беками кўстлиги учун битта чилим билан дутор олиш қолибди, халос деди. Пекарский ҳам дурустгина кулар эди-ю, лекин унинг жиддий қиёфасидан Орловнинг янги ишқий воқиаси унга ёқмагани кўриниб турарди. У нима ҳодиса юз берганини аниқроқ тушунолмасдан ҳайрон эди. Уч давра карта ўйнаб бўлганларидан кейин у ҳайронлик билан сўради:

— Бироқ, хонимнинг эри нима бўлди?

— Билмайман,— деб жавоб берди Орлов.

Пекарский бармоқлари билан ўзининг узун соқолини қашиб, ўйланиб кетди ва то ужингача индамади. Ужинга ўтирганларида у, секин-аста ҳар бир сўзни чўзиб туриб, деди:

— Умуман айтганда, кечирасан, мен ҳар иккалангизга ҳам тушунолмайман. Сиз иккалангиз бир-бирларингизни яхши кўришингиз ва инжилда ёзилган еттинчи насихатни истаганча бузишингиз мумкин эди— мен буни тушунаман. Шундай, бу менга тушунарли. Лекин ўз сирларингни хонимнинг эрига ошкор қилиш нега керак? Шу нарсга керакмиди?

— Барибир эмасми?

— Ҳ-ҳи...— деб ўйланиб қолди Пекарский.— Сенга айтадиган бир гапим бор. Ҳурматли дўстим— деди фикрини сезиларли даражада тўплаб,— агар мен қачондир иккинчи марта уйлансам ва сенинг фикрингга менинг хо

тиним билан юриш тушиб қолса, шундай қилгинки, мен ҳеч нарсани сезмайин. Қишининг турмуш тартибини бузиб, обрўйини тўккандан кўра, уни алдамоқ бир мунча виждонлироқдир. Мен тушунаман. Сиз икковингиз очиқдан-очиқ турмуш қуриб, ҳаддан ташқари виждонли ва либерал иш қилдик деб ўйлайсиз, лекин шу билан. . . хаҳ. . . оти нима эди? Шу романтизм билан мен ҳеч бир келиша олмайман.

Орлов ҳеч жавоб қайтармади. Унинг авзойи бузуқ эди, гапиришга хуши келмади. Пёкарский ўз норозилигини давом эттириб, бармоқлари билан столга уриб, бир оз ўйлаб, деди:

— Мен ҳар ҳолда икковингизга ҳам тушунолмайман. Сен студент эмассан, хоним ҳам камбағал тоифадан эмас. Ҳар икковингиз ҳам пулдор одам. Ўйлайманки, сен хоним учун айрим квартира топиб беришинг мумкин эди.

— Йўқ, топиб бера олмасдим. Тургеневни ўқиб кўр-чи.

— Нима учун мен уни ўқишим керак? Мен аллақачонлар ўқиганман.

— Тургенев ўз асарларида, ҳар бир олижаноб, соф фикрли аёл севган эркаги билан дунёнинг бир чеккасига бўлса ҳам кетсин ва унинг ғояларига хизмат этсин, деб ўргатади,— деди Орлов кўзларини истеҳзо билан сузилтириб.— Дунёнинг бир чеккаси дейилгани, шоирона эркинлик билан айтилгандир, аслида: бутун дунё ўзининг ҳамма чеккалари билан севган эркакнинг квартирига жойлашгандир. Шу сабабдан ўзингни севган аёл билан бир квартирада яшамаслик — демак унинг юксак ниятларини рад этиш ва идеалларига ҳамдамлашмасликдир. Шундай, жоним, Тургенев, ёзишга ёзган, лекин мен унинг ўрнига жавоб беришим керак.

— Бу ўринда Тургенев нима қилиб юрибди, тушунмайман,— деди оҳиста Грузин ва елкаларини қисиб қўйди.— Эсингиздами, Жоржинька, «Учта учрашув» да кеч оқшом йигит Италиянинг бир жойида кетаётганда, бирдан унинг қулоғига: «Кел, гўзал, сирдошлашиб, ҳамдардлашайлик ушбу чоғ» деган овоз эшитилади,— Грузин хиргойи қилди ва — яхши!— деди.

— Лекин ахир хоним сеникига зўрлаб кўчиб келган эмасдир,— деди Пёкарский.— Сен ўзинг шуни хоҳлагандирсан.

— Ана холос! Мен хоҳлаш у ёқда турсин, шундай воқиа бўлишини ҳатто ақлимга ҳам келтирмаган эдим.

Хоним, сеникига кўчиб бораман, деб гапирган чоғларида, мен шунчаки ҳазиллашди деб ўйлардим.

Ҳамма қулиб юборди.

Орлов гўё ўзини оқлаш учун мажбур қилинаётгандай бир оҳангда гапини давом эттирди:

— Мен шундай бўлишини хоҳламас эдим. Мен, Тургенев тасвирлаган қаҳрамон эмасман, агар менга қачон бўлмасин Болгарияни озод қилиш керак бўлиб қолса, менинг ёнимда албатта бирор хоним бўлишининг ҳожати йўқ. Мен ишқи-муҳаббатга аввало танимнинг руҳимга зид бўлган паст бир эҳтиёжи сифатида қарайман. Бу эҳтиёжни мулоҳаза билан қаноатлантириш керак ёки ундан мутлақо бош тортиш керак, акс ҳолда у сенинг ҳаётингга худди ўзи сингари нопок нарсаларни киритади. Шу эҳтиёжни қондириш азоб эмас, роҳат бўлсин учун мен уни чиройли қилишга, кўпгина иллюзиялар билан безантиришга уринаман. Агар хотиннинг чиройли ва жозибador эканлигини билмасам, у хотиннинг олдига бормайман: агар иштиёқим баланд бўлмаса ҳам бормайман. Фақат мана шундай шароитлардагина бир-биримизни алдаб овунтира оламиз, гўё биз севимли ва бахтиёрмиз. Бироқ мен мис кастрюлларни, таралмаган бошни, ёки бетимни юлмаган, кайфим бузилган чоғда мени кўришларини хоҳлашим мумкинми? Зинаида Федоровна соддадиллигидан менга умрим бўйи яшириниб, қочиб юрган нарсаларимни севдирмоқчи бўлади. Менинг квартиримдан ошхона ва кирхоналарнинг ҳиди келиб туришини истайди. Хоним дабдаба билан янги квартирага кўчмоқчи, ўз отларини қўштириб сайр этмоқчи, менинг либосларимни санаб ва менинг соғлигим ҳақида ғамхўрлик қилиб умр ўтказмоқчи; хоним ҳар минутда менинг шахсий ҳаётимга аралашишни, менинг ҳар бир қадамимни кузатиб туришни ва айни замонда «одатларингиз ва эркингиз ўзингизда» деб чин юракдан ишонтирмоқчи бўлади. Хоним, биз ҳар икковимиз ёш уйланган кишилар сингари тез фурсатда саёҳатга чиқишимизга ҳам ишониб юрибди, бошқача айтганда хоним купеда ҳам, ательеларда ҳам сира ажралмасдан ёнимда юрмоқчи, ваҳоланки йўлда мен китоб ўқишни яхши кўраман, гаплашишни эса ўлгудай ёмон кўраман.

— Сен хонимни гапга кўндир,— деди Пекарский.

— Қандай қилиб? Хоним менинг гапимга тушунади деб ўйлайсанми? Кечирасан, бизнинг фикрларимиз ер би-

лан осмонча фарқ қилади! Хонимнинг фикрича, ота ва онадан ёки эрдан қочиб, севган эркакникига кетиш — гражданча мардликнинг чўққисидир, менимча эса, бу — ёш болалик. Унингча хушторлик, эркак билан топишиш — янги турмуш бошлаш демакдир, менимча эса, бу ҳеч нарса эмас. Хонимнинг ҳаётидаги асосий маъно — севги билан эркакдан иборатдир, бу унинг бемаъни бир фалсафаси бўлса керак. Севги овқат ёки кийим сингари, фақат оддий бир эҳтиёж эканлигига, эр ва хотинлар ёмонлигидан дунё ҳалок бўлмаслигига, бузуқ ва хотинбоз бўлиш билан айни замонда гениал ва олижаноб одам бўлиш мумкинлигига, иккинчи томондан эса, муҳаббат лаззатидан бош тортиш билан айни замонда ёвуз ва ҳайвон бўлиш мумкинлигига хонимни ишонтириб кўринг-чи! Ҳатто энг паст табақа ҳозирги маданий одам, масалан, француз ишчиси, бир кунда овқатга ўн су, овқат олдидаги винога беш су, хотинга бешдан ўн сугача сарф этади, ўзининг ақл ва нервларини эса бутунича ишга беради. Зинаида Федорова эса муҳаббат учун бир су тўламайди-ю, лекин бутун жони танини унга фидо қилади. Мен, башарти, уни гапга унатмоқчи бўлсам, у бунга жавобан юракдан нола қилиб, мен уни ҳалок этганимдан, турмушда энди ҳеч нарсаги қолмаганидан зорланади.

— Сен унга ҳеч нарса гапирма,— деди Пекарский,— фақат бир квартаира олиб бер қўй, вассалом.

— Бу айтишга осон...

Бир оз жим қолдилар.

— Лекин, хоним жуда соз,— деди Кукушкин.— Хоним жуда гўзал. Бу хил хотинлар, мен абадий севимлиман деб тасаввур этадилар ва ишқи-муҳаббатга астойдил бериладилар.

— Бироқ, елкада калла ҳам бўлиши керак,— деди Орлов,— ўйлаб кўриш керак. Кундалик турмушдан бизга маълум бўлган ва жуда кўп роман ҳам драмаларнинг саҳифаларига киргизилган барча тажрибалар бир оғиздан тасдиқ этадиларки, туппа-тузук одамларнинг ҳам ҳар қандай адъюлтерлари ва ўйнашбозликлари, энг бошидаги муҳаббат қандай бўлишидан қатъий назар икки йилдан, кўп бўлса, уч йилдан ортиқ давом этмайди. Бу нарса хоним тушуниши керак. Чунки бутун шу кўч-кўчлар, кастрюллар, абадий муҳаббат ва жонажонликка умидлар — ўзини ҳамда мени лақиллатишни исташдан бошқа нарса эмас. Хоним жуда соз ва жуда гўзал — шубҳа йўқ!



Бироқ у ҳаётимнинг аравасини тўнтариб ташлади; ҳозир-гача арзимас ва сафсата ҳисоблаган нарсаларимни хоним жиддий масала даражасигача кўтаришим учун мажбур этаётир, мен ҳеч қачон худо ҳисобламаганим санамга ибодат этмоқдаман. Хоним — гўзаллик ва латофатнинг намояндаси бўлса ҳам, лекин энди хизматдан уйга қайтаётган чоғимда, кўнглим беҳузур бўлиб кетади, гўё уйда мени аллақандай ноқулайлик кутаётгандай, гўё печкачилар ҳамма печкаларни бузиб, ғиштларни уй ўртасига тўплаб қўйгандай туйилади. Хуллас, мен муҳаббат учун энди пул эмас, ўз тинчлигим ва ўз асабларимнинг бир қисмини бермоқдаман. Бу эса бўлмағур ишдир!

— Афсуски, бу ёвуз ниятли кишининг гапларини хоним эшитмаётир!— деб оқ урди Кукушкин ва театрдагига ўхшатиб деди:— Ҳурматли жаноб, мен сизни шу фусункор нозанинни севиш мажбуриятидан озод этаман! Мен сиздан Зинаида Федоровнани тортиб оламан!

— Мумкин. . .— деди Орлов, бепарволик билан.

Кукушкин ингичка товуш билан, бутун танасини силкилатиб, ярим минутча кулди-да, сўнг деди:

— Қараб турасиз, мен ҳазиллашганим йўқ! Лекин сўнгра Отелло ролини ўйнаб юрманг!

Ҳаммалари Кукушкиннинг ишқи-муҳаббат соҳасида чарчамаслиги, хотинлар учун хўрозлиги, эрлар учун хавфлилиги тўғрисида ва шу бузуқчилиги учун у дунёда шайтонлар унинг гўштини кабоб қилиши тўғрисида гапира кетдилар. Кукушкин эса индамасдан, кўзини сузилтириб ўтирарди, таниш хонимларнинг номи айтилганда, у чинчалағи билан пўписа қилиб ўзгаларнинг сирини фош этиш мумкин эмас, дегандай бўларди. Орлов бирдан соатга қараб қўйди.

Меҳмонлар тушундилар-да, кетишга отландилар. Эсимда борки, винодан маст бўлиб қолган Грузин бу сафар зерикарли даражада узоқ кийинди. У, камбағал оилаларда болалар учун тикиладиган капотга ўхшаш пальтосини кийиб, ёқасини кўтарди-да, узундан-узоқ алланимани гапирди; сўнг, гапига қулоқ солмаётганларини кўриб, болалар хонасининг ҳиди келиб турган пледни елкасига ташлади-да, ёлворувчи, айбдор қиёфаси билан, мендан шапқасини топиб беришимни илтимос қилди.

— Жоржинька, фариштам менинг!— деди у мулоимлик билан.— Азизим, менинг гапимга кирсангиз ҳозир шаҳардан ташқарига жўнаймиз!

— Жўнай беринг, мен боролмайман. Мен энди уйланганлар қаторида.

— Хоним жуда яхши, хафа бўлмайди. Меҳрибон на чальнигим менинг, борайлик! Ҳаво жойида, муздай изгирин эсиб турибди... Рост гап, сиз бир оз сайр этиб келишингиз зарур, ҳозир кайфингиз бузуқ, ким билади...

Орлов керишиб ва эснаб Пекарскийга қараб ўйланиб туриб сўради:

— Сен борасанми?

— Билмадим. Борсам ҳам бўлади.

— Ичиб маст бўлсам-чи? Хўш, майли, бораман,— деди Орлов бир мунча иккиланишдан сўнг.— Тўхтаб туринг, мен ҳозир пул олиб чиқаман.

У кабинетига кириб кетди, унинг кетидан эса пледни судраб, Грузин эргашди. Бирпасдан сўнг ҳар икковлари ҳам даҳлизга қайтишди. Маст ва хурсанд Грузин ўн сўмлик қоғозни қўлида ёғимлаб турмоқда эди.

— Эртага ҳисоблашамиз,— деди у,— хонимнинг қўли очиқ, аччиғланмайди... Қизим Лизочкага шу хоним ном қўйдирган, мен яхши кўраман боёқишни. Оҳ, азизим!— деб хурсандлик билан кулди ва бирдан пешонаси билан Пекарскийнинг орқасига мункайди.— Эҳ, Пекарский, жонгинам! Адвокатиссимус, қоқ суякнинг ўзгинаси, лекин хотинларни яхши кўрса керак...

— Семизларини ҳам деб қўйинг,— деди Орлов пўстинини кия туриб.— Энди жўнаймиз, тағин остонада дуч келиб қолмайлик.

— Кел, гўзал, сирдошлашиб, ҳамдардлашайлик ушбу чоғ!— деб хиргойи қилди Грузин.

Ниҳоят жўнаб кетишди. Орлов уйга ухлагани қайтмасдан, эртаси кун обед маҳалида келди.

## VI

Зинаида Федоровнанинг бир вақтлар отаси ҳадя қилган тилла соати йўқолиб қолди. Бу йўқолиш хонимни ажаблантирди ва чўчитиб қўйди. Ярим кунгача у ҳамма бўлмааларни айланиб, стол ва деразаларни саросималик билан қараб юрди, лекин соат худди сувга чўккандай кўринмас эди.

Бу ҳодисадан уч кун ўтгандан сўнг, Зинаида Федорова аллақадан қайтгач, даҳлизда ҳамёнини унутиб қолдирибди. Бахтимдан айланай, шу сафар унинг ечинишига

мен эмас, Поля кўмаклашган эди. Ҳамён эсга тушиб қидирганимизда, аллақачон даҳлиздан йўқолган эди.

— Ажабо!— деб ҳайрон қоларди Зинаида Федоровна.— Жуда яхши эсимда борки, извошчига ҳақ тўлаш учун чўнтагимдан олган эдим-у... сўнг мана шу ерга ойна ёнига қўйган эдим. Ғалати бўлди-ку!

Мен ўғирламаган эдим, лекин гўё мен ўғирлагандай ва қўлга тушиб қолгандай бўлдим. Ҳатто кўзларимдан ёш ҳам чиқиб кетди. Тушки овқат чоғида, Зинаида Федоровна Орловга французчалаб деди:

— Уйимизда арвоқлар пайдо бўлибди. Мен бугун даҳлизда ҳамёнимни йўқотган эдим. Ҳозир қарасам столимнинг устида ётибди. Лекин арвоқлар бу фокусни бекорга кўрсатмадилар. Иш ҳақлари учун бир дона тилла танга билан йигирма сўмлик қоғоз пулни олиб қолганлар.

— Дам сизнинг соатингиз йўқолади, дам пулингиз...— деди Орлов.— Нима учун менинг ҳеч нарсам йўқолмайди?

Бир минутдан сўнг Зинаида Федоровна арвоқлар кўрсатган фокусни унутган эди ва ўтган ҳафта ўзига почта қоғози заказ қилиб, янги адресини айтишни унутганини, қоғозни магазин эски квартирига — эрига жўнатганини, эри эса шунга ўн икки сўм тўлаши кераклигини кулиб-кулиб гапириб бермоқда эди. Сўнг бирдан хонимнинг кўзи Поляга тушди-ю, унга синчиклаб қараб қолди. Шунинг билан баравар хоним қизариб кетди ва шу даража хижолат тортдики, дарров гапни бошқа томонга буриб юборди.

Мен кабинетга кофе келтирган чоғимда, Орлов елкасини каминдаги ўтга тоблаб турар, хоним эса унинг рўпасида креслода ўтирар эди.

— Мен сира ҳам бузуқ кайфиятда эмасман,— дерли хоним французчалаб.— Лекин мен энди фикр юритиб, ҳамма нарсани тушуниб олдим. Мен сизга бу хотиннинг менинг соатимни қайси куни ва ҳатто қайси соатда ўғирлаганини ҳам айтишим мумкин. О!— деб кулиб юборди хоним, мендан кофени ола туриб.— Энди, нима сабабдан менинг рўмолларим ва қўлқопларим тез-тез йўқолиб турганини ҳам тушундим. Ихтиёр ўзингда, лекин мен эртага бу ҳақканинг жавобини бериб юбораман-да, Степанни ўз хизматчим Софьяни олиб келишга юбораман. У хотин ўғри эмас ва унинг вазоҳати ҳам бу қадар жирканч эмас.

— Ҳозир кайфиятингиз бузуқ. Эртага кайфингиз ўзгаради: бирор нарсани гумонсираганингиз учун кишини ишдан ҳайдаш мумкин эмаслигини тушунасиз.

— Мен гумонсираганим йўқ, аниқ ишондим,— деди Зинаида Федоровна.— Мана бу бадбахт пролетарийни, сизнинг малайингизни шубҳа остига олиб юрганымда, бирорта сўз демадим. Сиз менга ишонмаганингиз учун жуда хафа бўламан, Жорж.

— Агар иккимиз бирор нарса тўғрисида турлича ўйлар эканмиз, бу — сизга ишонмаслик эмас. Майли гапингиз тўғри бўлсин,— деди Орлов ўтга ўгирилиб ва папиросини ўтга ташлаб,— лекин ҳар ҳолда ташвишга тушишнинг кераги йўқ. Умуман, очигини айтганда, менинг шу кичкина рўзгорим сизга бу қадар жиддий ташвиш ва бесаранжомлик солишини кутмаган эдим. Бир дона тилла тангангиз йўқолибди, садқайи сар, мендан юз тилла олмайсизми, лекин уйдаги тартибни ўзгартиш, кўчадан янги хизматкор хотин олиш ва то уйга ўргангунча кутиб юриш, бу ҳаммаси узоқ, кўнгилсиз ва менинг характеримга тўғри келмайди. Бизнинг ҳозирги хизматчи хотинимиз, тўғриси, семиз ва эҳтимол қўпол, рўмол сингари нарсаларни олар ҳам, лекин жуда одобли, интизомлидир, уни Кукушкин чимчилаб олса ҳам чинқирмайди.

— Хулласи, сиз ундан ажралгингиз келмайди. . . Шундай деб қўя қолинг.

— Сиз рашк қиляпсизми?

Зинаида Федоровна узил-кесил:

— Ҳа, мен рашк қиляпман!— деди.

— Ташаккур.

— Ҳа, мен рашк қиламан!— деб такрорлади хоним ва кўзларига ёш олди.— Йўқ, бу рашк эмас, рашкдан ҳам бадтар. . . Номини айтишга қийналиб турибман.— Хоним икки чаккасини ушлаб, қизишиб давом этди.— Сиз, эркалар, шу қадар ифлос бўласизлар! Бу мудҳишдир!

— Бу ўринда, ҳеч бир мудҳиш нарса йўқ.

— Мен кўрганим йўқ, билмайман, лекин айтадиларки, сиз, эркалар ёшликдаёқ ишни хизматкор хотинлардан бошлайсизларда, сўнг шунга одатланиб қолиб, ҳеч қандай жирканиш сезмайсизлар. Мен билмайман, билмайман, лекин ҳатто ўқиганман. . . Жорж, сен, албатта, ҳақлисан,— деди хоним Орловнинг ёнига келиб ва гапни эркаланиш ва ёлбориш оҳангига солиб,— чиндан ҳам бугун менинг кайфим бузуқ. Лекин сен тушунишинг керакки,

менинг бошқа иложим йўқ. У хотиндан мен жирканаман ва кўрқаман. Уни кўриш менга оғир.

Орлов ҳайронлик билан елкаларини қисиб ва камин ёнидан силжиб деди:

— Наҳотки сиз шундай майда-чуйдалардан юқори ту-ролмайсиз?— Ахир бундан осони йўқ: уни кўрмаган ки-ши бўлиб юраверинг, шундай қилсангиз ундан жиркан-майсиз ҳам, арзимаган нарсага бир талай можаро кўта-ришингиз ҳам керак бўлмай қолади.

Мен кабинетдан чиқиб кетдим, шунинг учун Орловнинг қандай жавоб эшитганини билмайман. Лекин қандай бўл-масин, Поля бизникида қолди. Шундан сўнг Зинаида Фе-доровна Поляга ҳеч иш буюрмайдиган бўлди, афтидан, унинг хизматисиз кун кечиришга уринар эди. Агар Поля унга бирор нарса узатиб қолса ёки ҳатто билагузукла-рини жингиллатиб, этакларини шувиллатиб ёнбошидан ўтиб қолса ҳам, хоним бир сесканиб тушарди.

Мен ўйлайманки, агар Грузин ёки Пекарский Орлов-дан Поляни бўшатиб юборишни сўраганларида эди, у озгина ҳам иккиланмасдан, изоҳ бериб ўзини қийнаб ҳам ўтирмасдан дарров бўшатиб юборарди; у барча бепарво кишилар сингари гапга кўнадиган эди. Бироқ Зинаида Федоровнага бўлган муносабатларида у, нечундир ҳатто энг майда масалаларда ҳам тентакликкача етказиб ўжар-лик қилар эди. Мен билиб турар эдим: агар бирор нарса Зинаида Федоровнага ёққан бўлса, албатта Орловга ёқмайди. Хоним магазиндан қайтиб, янги кийимларини унга кўрсатиб мақтанса, у кўз қири билан қараб қўярди-да, кватирда қанча ортиқча нарса бўлса, ҳаво шунча кам бўлади, деб совуқ жавоб қайтарарди. Баъзан, бирор ёққа бориш учун тайёрланиб, яхши кастюмларини кийиб ва Зинаида Федоровна билан хайрлашиб бўлиб, бирдан ўжарлик қилиб уйда қоларди. Шундай чоғда менга у, ўзини фақат бахтсиз деб сезиш учун уйда қолгандай кў-ринарди.

Зинаида Федоровна эса, ясама қайғу билан ва айни замонда хурсандлиги ичига сиғмай сўрар эди:

— Нима учун бормай қолдингиз? Нега? Сиз кечқурун-лари уйда ўтирмасликка ўрганиб қолгансиз, менинг учун ўз одагларингизни ўзгартиришингизни истайман. Мен ўзимни гуноҳкор сезиб ўтирмаслигим учун, истасангиз, марҳамат қилиб бораверинг.

— Биров сизни гуноҳкор қилаётирми?— дерди Орлов.

Можаро қурбони қиёфасида ўз кабинетигадаги креслога ялпайиб ўтириб, кўзини қўли билан тўсиб, китоб ўқишга тушарди. Лекин тез орада китоб қўлидан тушиб, ўзи креслода ўтирган жойида қўполдан-қўпол бураларди ва яна кўзларини худди офтобдан тўсгандай тўсарди. Энди у чиқиб кета бермагани учун ачингандай эди.

— Қирсам мумкинми!— дерди Зинаида Федоровна оҳиста кабинетга кириб.— Ўқиётирсизми? Мен эса соғиниб қолдим ва бир минутга... сизни кўргани кирдим.

Эсимда бор, бир куни кечқурун ҳам худди шундай қўрқа-писа кабинетига кириб келган эди, иши ўнгидан келмади; хоним Орловнинг оёғи ёнига, гиламга чўккалади, унинг журъатсиз, мулойим ҳаракатларидан Орловнинг авзойини тушунмагани ва қўрққани кўриниб турарди. Орловга хушомад қилиш учун бўлса керак, хоним қўрқа-писа:

— Сиз эса ҳамон ўқиб ётибсиз...— деб гап бошлади.— Биласизми, Жорж, ишингиз ўнгидан келишининг сири нимада? Сиз жуда ўқимишли ва ақлли. Қўлингиздаги қанақа китоб?

Орлов жавоб қайтарди. Бир неча минут жимликда ўтди, лекин бу минутлар менга жуда узун кўринди. Мен меҳмонхонада туриб, ҳар икковини кузатар, йўталишга ҳам қўрқардим.

— Мен сизга бир нима айтмоқчи эдим...— деб қўйди Зинаида Федоровна оҳиста ва кулди.— Айтайми? Сиз, балки куларсиз ва буни хом хаёл деб атарсиз. Гап шундаки, бугун сиз уйда мен учун... шу оқшомни мен билан бирга ўтказиш учун қолдингиз деб... жуда-жуда ўйлагим келади. Шундайми? Шундай ўйлашим мумкинми?

— Ўйлай беринг,— деди Орлов, кўзларини тўсиб.— Фақат мавжуд нарсаларгина эмас, йўқ нарсалар тўғрисида ҳам ўйлайдиган одам ҳақиқатан бахтлидир.

— Сиз узундан-узоқ бир нима дедингиз, мен унчалик тушунмадим. Бошқача айтганда, бахтли кишилар қуруқ хаёл билан яшайдилар демоқчидирсиз? Ҳа, бу тўғри. Мен кечқурунлари сизнинг кабинетингизда ўтириб, хаёлан узоқларга парвоз уришни яхши кўраман... Хаёл сурмоқ ёқимли бўлади... Келинг, Жорж, бир-биримизга эшиттириб хаёл сурамиз!

— Мен институтда бўлмаганман ва бу илми ўқимаганман.

— Қайфингиз жойида эмасми?— деб сўради Зинаида Федоровна Орловнинг қўлини ушлаб.— Айтинг, нима

учун? Сиз шундай кайфиятда бўлганингизда мен қўрқман. Тушунмайман, бошингиз оғрийдими ёки мендан хамисиз. . .

Яна жимликда бир қанча узун минутлар ўтди.

— Нега сиз ўзгариб қолдингиз?— деди хоним секингина.— Нима учун сиз Знаменская кўчасида турган вақтимдагидай мулойим ва хушчақчақ бўлмайсиз? Уйингизда бир ойдан бери яшайман, бироқ биз ҳали бирга яшамагандай кўринамиз, ҳали ҳеч нарса тўғрисида дурустроқ гаплашганимиз ҳам йўқ. Ҳар гал сиз менга қизиқчилик билан ёки худди муаллим сингари совуқ ва узун жавоб қайтарасиз. Қизиқчиликларингиз ҳам аллақандай совуқ. . . Нима учун сиз мен билан жиддий гаплашмайсиз?

— Мен ҳар доим жиддий гаплашаман.

— Хўш, келинг ҳозир гаплашайлик. Худо ҳақи, Жорж. . . келинг?

— Келинг, гаплашайлик. Лекин нима тўғрисида гаплашамиз?

— Ўзимизнинг турмушимиз тўғрисида, келажак тўғрисида гаплашамиз. . .— деди Зинаида Федоровна хаёлчанлик билан.— Мен ҳамон турмуш режаларини тузмоқдаман, ҳамон тузмоқдаман, шунинг учун ўзимни жуда яхши сезмоқдаман! Жорж, мен шу саволдан бошлайман:

— Қачон сиз хизматингизни ташлайсиз?

Орлов қўлини пешонасидан олиб, сўради:

— Нима учун хизматни ташлаш керак?

— Сизнинг қарашларингиз билан хизматда бўлиш ярамайди. Сиз ўз ўрнингизда эмассиз.

— Менинг қарашларим?— деб сўради Орлов.— Менинг қарашларим? Эътиқодим ва табиатим бўйича мен оддий бир амалдор. Шchedрин қаҳрамонларидан. Сиз албатта мени бошқа бирор киши ўрнида қабул қиласиз, гапим тўғри бўлса керак.

— Яна қизиқчиликка оласиз, Жорж!

— Ҳеч бир. Хизматим балки мени қаноатлантирмас, лекин ҳар ҳолда, бошқа бирор нарсага нисбатан менинг учун яхшидир. Мен шу хизматда ўрганиб қолганман, одамлар ҳам худди ўзим сингари одамлар; мен у ерда ҳар ҳолда ортиқча эмасман ва ўзимни дуруст сезаман.

— Сиз хизматни ёмон кўрасиз, хизмат сизнинг кўнглингизга урган.

— Шундайми? Агар мен хизматдан бўшасам, сизга эшиттириб хаёл суришга тушиб, бошқа бир дунёга парвоз

урсам, сизнингча ўша дунё мен учун хизматга нисбатан сеvimлироқ бўладими?

— Менга қаршилиқ кўрсатиш учун, сиз ҳатто ўзингизга бўҳтон тақишга ҳам тайёрсиз,— деб хафа бўлди Зинаида Федоровна ва ўрнидан турди.— Мен, шу гапни бошлаганим учун пушаймон қилдим.

— Нега сиз аччиғлашасиз? Сиз хизмат этмаганингиз учун мен хафаланаётганим йўқ-ку! Ҳар киши ўз таъбига қараб яшайди.

— Сиз ўз таъбингизча яшаётирсизми? Сиз эркинми-сиз? Умр бўйи ўз эътиқодларингизга зид қоғозлар ёзиш,— деб давом этди Зинаида Федоровна, маъюслик билан қўлларини ўйнатиб,— бошлиқларга итоат қилиш, уларни янги йил билан табриклаш, сўнгра карта, карта ва яна карта, бундан ҳам зўрроғи эса, кўнглингизга ёқмаган тартибларга хизмат этиш — йўқ, Жорж, йўқ! Бу қадар қўпол ҳазил қилманг. Бу мудҳишдир. Сиз ғоявий одамсиз, фақат ғоя учун хизмат қилишингиз керак.

— Чиндан ҳам сиз мени бошқа бирор одам ўрнида кўраётирсиз,— деди Орлов уҳ тортиб.

Зинаида Федоровна йиғламсираб гапира кетди:

— Тўғридан-тўғри, мен сен билан гаплашишни хоҳламайман, деб қўя қолинг! Сиз мендан жирканасиз, тамом-вассалом.

— Қулоқ солинг, азизим,— деди Орлов насиҳатомиз, креслодан кўтарилиб туриб.— Сиз ўзингиз мени, ақлли ҳам ўқимишли одам деб атадингиз? Ўқимишли одамни яна ўқитиш — фақат бузишдангина иборат. Сиз мени ғоявий одам деб атаганингизда назарда тутганингиз барча ғоялар каттасидан-кичкинасиғача менга яхши маълум. Демак, агар мен хизматни ва картани шу ғоялардан устун кўрар эканман, эҳтимол бунга бирор асосим бордир. Бу бир. Иккинчидан, сиз, менга маълум бўлишича, ҳеч қачон ҳеч қандай хизматда бўлмагансиз, шунинг учун давлат хизмати ҳақидаги фикрларингизни фақат турли латифалардан ва ярамас повестлардан олган бўлишингиз мумкин. Шунинг учун ҳар иккимиз ҳозирдан бошлаб қатъий равишда шартлашиб қўйсақ ёмон бўлмас эди: кўпдан бери бизга маълум нарсалар тўғрисида ёки биз беҳабар нарсалар тўғрисида минбаъд гапирмайлик.

Зинаида Федоровна кўрқиб кетгандай орқага чекиниб туриб, деди:



— Нима учун сиз мен билан бу хилда гаплашаётир-сиз? Нима учун? Жорж, худо ҳақи ўйлаб кўринг!

Хонимнинг товуши қалтираб туриб, ўчиб қолди: хоним, афтидан, кўз ёшларини тийиб турмоқчи эди-ю, лекин бирдан ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Жорж, азизим, шўргинам қурди! — деди хоним французчалаб ва шошиб Орлов ҳузурида чўккалаб, бошини унинг тиззасига қўйди.— Мен азоб чекиб, чарчаб, толиб тамом бўлдим, тоқатим қолмади... Болалигимда ёмон кўрганам, бузуқ ўгай она қўлида эдим, сўнг эрим, энди сиз... сиз... Сиз менинг девонавор муҳаббатимга истеҳзо ва совуқлик билан жавоб қайтармоқдасиз... Бунинг устига яна бу қўрқинчли, беҳаё хизматчи хотин!— давом этди хоним, йиғлаб.— Ҳа, ҳа, мен кўриб турибман: мен сизга хотин эмас, дўст ҳам эмас, муҳаббат қўйгани учун ҳурматсиз бўлиб турган бир аёл... Мен ўзимни ўлдираман!

Бу сўзлар ва бу йиғи Орловга бунчалик кучли таъсир этишини кутмаган эдим. У қизариб кетди, ўтирган жойида бесаранжомланиб қимирлади ва унинг юзида истеҳзо ўрнига бетайин, болаларча қўрқув кўринди. У, ўзини йўқотиб, хонимнинг сочларини ва елкаларини силаб:

— Жонгинам, гапларимга тушунмабсиз, худо ҳақи, кечиринг мени, ўтинаман. Ноҳақ хафа қилибман ва... ўзимдан нафратланаман — деб гўлдиради.

— Мен ўзимнинг шикоятларим ва нолишларим билан сизни ранжитмоқдаман... Сиз номусли, олижаноб... ноёб одамсиз, мен буни ҳар лаҳзада иқроп этаман, лекин мени шу кунларда қайғи-ҳасрат азоблади...

Зинаида Федоровна Орловни маҳкам қучоқлади ва унинг юзидан ўпди.

— Фақат йиғламанг, ўтинаман,— деди Орлов.

— Йўқ, йўқ... Мен энди йиғлаб тўйдим, анча енгиллашиб олдим.

Орлов ўтирган жойида ҳамон безовта қимирлаб туриб, деди:

— Хизматчи хотинга келганда эса, эртагаёқ уйдан йўқолсин...

— Йўқ, қолаверсин, Жорж! Эшитдингизми? Мен энди ундан қўрқмайман... Майда-чуйдадан юқори туриш керак ва аҳмоқона гапларни ўйлаш керак эмас. Сиз ҳақлисиз! Сиз — ноёб... фавқулодда бир одамсиз!

Кўп ўтмай хоним йиғидан тўхтади. Киприкларининг ҳўлини ҳам артмай, Орловнинг тиззасида ўтириб, оҳиста

товуш билан унга, болалик ва ёшлик хотиротларига ўхшаш таъсирли бир воқиани гапириб, қўли билан унинг юзларини силар, ўпар ва унинг узук тақилган қўлларини ҳамда занжирли брелокни томоша қилар эди. Хоним ўзининг гапига, севган кишининг яқинлигига берилиб кетган бўлса керак, боягина тўккан кўз ёшлари юрагини бўшатиб, ғуборини кетказганиданми, ниҳоятда ёқимли ва самимий гапирар эди. Орлов эса хонимнинг олтиндай сочларини ўйнар ва лабини оҳиста теккизиб, унинг қўлларини ўпарди.

Сўнг кабинетда чой ичишди ва Зинаида Федоровна қандайдир хатларни товуш чиқариб ўқиб берди. Соат бирга қадам қўйганда ухлагани чиқиб кетдилар.

Шу кечаси менинг биқиним қаттиқ оғриди, тонг отгунча исина олмасдан ва ухлай олмасдан чиқдим. Орловнинг ётоқхонадан чиқиб ўз кабинетига кетганини ҳам эшитиб ётган эдим. Кабинетида бир соатча ўтиргандан сўнг, қўнғироқ чалиб мени чақирди. Оғриқдан ва чарчоқликдан дунё юзидаги барча расми-русм ва одоб қоидаларини унутиб, кабинетга биргина ички кийимда ва оёқяланг бордим. Халат кийган ва бошига тунги шапкасини қўндирган Орлов эшик оғзида мени кутиб турмоқда эди.

— Сени чақирганда кийиниб келишинг керак,— деди у қатъий.— Бошқа шам келтириб бер.

Мен кечирим сўрамоқчи эдим, лекин бирдан қаттиқ йўталим тутиб қолди ва йиқилиб кетмаслик учун бир қўлим билан эшик ёндорини ушлаб қолдим.

— Қасалмисиз?— деб сўради Орлов.

Танишганимиздан бери энди у биринчи марта мени сизлаган бўлса керак. Худо билади, нима учун сизлади экан. Эҳтимол, ички кийим билан ва йўталдан ўзгариб кетган қиёфам билан мен ўз ролимни ёмон ўйнаган ва малайга унча ўхшамай кетган бўлсам керак.

— Қасал бўлсангиз нима учун хизматга кирдингиз?— деди у.

— Очдан ўлмаслик учун,— деб жавоб қайтардим.

Орлов ўз столи ёнига кета туриб, аста ғўдирлади:

— Оббо, бунча ҳам разолат кўп экан!

То камзилимни кийиб, шамдонга янги шам ўрнаштириб ва ёндириб келгунимча, у стол ёнига ўтириб, оёқларини креслога узатиб, китоб қирқиш билан шуғулланди.

Ўқишга шўнғиб кетгач, мен чиқдим, энди унинг қўлидан китоб алламаҳалгача тушмас эди.

Шу сатрларни ёзиб турганимда, менда болаликдан тарбияланган таъсирчанликдан кулги бўлишдан ҳайиқиш қўлимни ушлаб қолмоқда; эркалатгим ва ширин сўзлар айтгим келиб турган пайтда мен самимий бўла билмайман. Худди мана шу ҳайиқиш ва одатланмаганим ваядан мен ўша маҳалда юрагимда нималар бўлганини очиқ-ойдин тасвирлаб бера олмайман.

Мен Зинаида Федоровнага ошиқ бўлган эмас эдим. Лекин мендаги оддий инсоний туйғу Орловнинг севгисига нисбатан анча ёш, янги ва қувончли эди.

Эрталабки чоғлар этик чўткаси ёки супурги билан ишлаб турганим-да, қачон хонимнинг овозини ёки қадамини эшитаркинман деб юрагим эзилиб турарди. Хоним кофе ичган ва ноништа қилган чоғида ундан кўз узмай қараб туриш, даҳлизда пўстинчасини узатиш ва кичкина оёқчаларига калош кийдириб қўйиш (калош кийдирганимда, хоним менинг елкамга суяниб турарди), сўнгра, қачон швейцар пастдан қўнғироқ чалиб, хонимнинг келганидан хабар берар экан деб интизорлик билан кутиш, совуқдан қип-қизарган, муздак, худди қордан ула қўйилгандай юзларига рўпара бўлиб, эшик олдида кутиб олиш, совуқ ёки извошчи ҳақида энтикиб гапирган товушларини эшитиш,—буларнинг барчаси менинг учун нақадар муҳим эканини билсангиз эди! Мен бировни яхши кўриб қолишни, ўз оиламга эга бўлишни ва бўлажак хотинимнинг ҳам шундай юзи, шундай товуши бўлишини истар эдим. Мен бу тўғрида овқат чоғида ҳам, мени бирор ёққа юборганларида кўчада ҳам, тунда ухламаган чоғларимда ҳам хаёл сураар эдим. Орлов аёлларнинг латта-путталарини, болаларни, ошхона, мис кастрюлларни жирканиш билан ўзидан нарироққа отиб ташлар, мен эса бу нарсаларнинг барчасини йиғиштирар, орзу билан ардоқлар, севар, тақдирдан ўтинар ва менинг хаёлимда хотин, болалар бўлмаси, боқчадаги сўқмоқлар, уй... жонланиб кўринарди.

Агар мен хонимни севиб қолсам, унинг ҳам мени севиб қолишини хаёлимга ҳам келтира олмас эдим, лекин бу мулоҳаза мени безовта қилмас эди. Менинг, одатдаги меҳрибонликка ўхшаган одобли ва мулоим сезгимда Орловга нисбатан на рашк ва на ҳасад бор эди. Чунки менсингари майиб одамнинг шахсий бахтиёрлиги фақат хаёлдагина мумкинлигини тушунар эдим.

Зинаида Федоровна кечалари Жоржга кўз тутиб китоб саҳифаларини варақламасдан, ҳаракатсиз тикилиб ўтирган чоғларда, ёки уйдан Поля юриб ўтгани учун чўчиб, ранги оқариб кетган чоғларда, мен унга қўшилиб изтироб чекар эдим ва шу оғир дардни тезроқ даволаш керак, тезроқ шундай бир иш қилиш керакки, бу уйда пайшанба кунлари ужин вақтида гапириладиган ҳамма гапларни хоним билиши керак, деган фикрлар бошимга келар эди, лекин буни қандай қилиш керак? Борган сари кўпроқ кўз ёшларини кўришга тўғри келарди. Биринчи ҳафталарда хоним, ҳатто Орлов уйда бўлмаган чоғларда ҳам кулиб ва қўшиқ айтиб юарди, лекин иккинчи ойга ўтгандан сўнг уйимизни ғамгинлик босиб қолди, бу ғамгинлик фақат пайшанба кунлари бузиларди.

Самимий бўлмаган бир жилмайиши ёки ўпиши учун хоним Орловга турли хушомадлар қилар, ҳузурда тиз чўқар, худди кучукча сингари суркалар эди. Хонимнинг юрагига қил сиғмай турган бўлса ҳам, лекин ойна ёнидан ўтаётганда ўзига бир қараб қўймасдан, сочларини тузатмасдан ўта олмас эди. Хонимнинг ҳамон ясан-тусанларга қизиқиши ва сотиб олган нарсаларига ўзида йўқ хурсанд бўлиши менга ғалати туйиларди. Бу нарсалар унинг чинакам ғамгинлигига ярашмас эди. Хоним модани кузатиб борар ва ўзи учун қиммат баҳо кўйлақлар тиктирар эди. Қим учун ва нима учун? Тўрт юз сўмга тушган бир янги кўйлақ ҳамон эсимдан чиқмайди. Бизнинг кундалик ёланиб ишловчи аёлларимиз ўз ёнларидан овқат еб, бажарган оғир меҳнатлари учун бир танга пул олганлари чоғда, Венеция ва Брюсселдаги уқа тўқувчи аёлларга кунига фақат ярим франкдан ҳақ тўлаб, қолганини бузуқлик билан топадилар деб қўйилган чоғда, ортиқча ва кераксиз бир кўйлакка тўрт юз сўм тўлаш инсофдан эмас эди; Зинаида Федоровна ҳам бу нарсага тушунмаганига ҳайрон қолардим ва менга алам қилар эди. Лекин хоним уйдан чиқиб кетиши биланоқ мен ҳамма нарсани кечирар, ҳамма нарсани бир сабаб билан изоҳлар ва пастки қаватдан швейцарнинг қўнғироқ чалишини, яъни хонимнинг қачон келишини кутиб ўтирар эдим.

Хоним менга малай, зоти паст деган тарзда муомала қилар эди. Итни силаш ва айни замонда унга бепарво бўлиш мумкин; менга иш буюришар, сўроқлашар, лекин менинг борлигимга аҳамият беришмас эди. Уй эгалари мен билан керагидан ортиқча гаплашишни одобсизлик деб

билишар; агар мен обед вақтида хизмат қилиб туриб, гапга аралашсам ёки кулиб юборсам, албатта мени жиннига чиқаришар ва ишдан бўшатиб юборишарди. Бироқ ҳар ҳолда Зинаида Федоровна менга ийиброқ муомала қилар эди. Мени бирор жойга жўнатиб тургандай ёки янги лампа билан қандай муомала қилишни тушунтирганда ва шунга ўхшаш бирор пайтда, унинг юзлари одатдан ташқари очиқ, меҳр-шафқатли бўлар, кўзлари тўппа-тўғри менинг юзимга тикилар эди. Шу маҳалларда ҳар сафар менга, хоним менинг Знаменская кўчасига хат ташиб юрганларимни миннатдорлик билан хотирлагандай кўринарди. Хоним қўнғироқ жиринглатиб мени чақирган вақтларида, мени хонимнинг жазмани деб билган ва шунинг учун ёмон кўрган Поля, заҳарханда қилиб:

— Югур, сени ўзингники чақираётир,— дерди .

Зинаида Федоровна менга паст назар билан қарар ва бу уйда ўздан бошқа хўрланган инсон йўқ деб гумон қилар эди. Мен малай бўлсам ҳам, унинг фироқида куяётганимни ва ҳар куни ўзимдан йигирма марталаб, келажакда хонимнинг ҳоли нима кечади ва бу ишлар нима билан тамом бўлади, деб сўраганимни билмас эди. Ишлар кун сайин сезиларли равишда ёмонлашмоқда эди. Бир кеча хизмат тўғрисида гаплашганларидан кейин, кўз ёшларини ёмон кўрувчи Орлов, хоним билан ортиқча гаплашишдан чўчиб қолди. Агар Зинаида Федоровна тортишиб ёки ёлвориб қолса, ёки йиғламоқчи бўлса, Орлов дарров бирор баҳона топиб ўз кабинетига кирар ёки бутунлай уйдан чиқиб кетар эди. Орлов борган сари уйда сийрак тунар ва уйда ундан ҳам сийрак обед қилар эди. Пайшанба кунлари у энди ўз ўртоқларидан бирор ёққа олиб боришларини сўрар эди. Зинаида Федоровна аввалгидай ўз ошхонаси, янги квартира ва чет элларга саёҳат тўғрисида орзу қилар, лекин орзулари орзулигича қолмоқда эди. Обедни ресторандан қелтирардилар, квартир масаласини Орлов, то чет элдан қайтиб келгунча қўзғамасликни сўради, саёҳатга эса, то сочлари узунроқ ўсмагунча чиқиш мумкин эмаслигини, чунки узун сочсиз отелмаотел юриш ва ғояга хизмат этиш мумкин эмаслигини айтди.

Буларнинг устига, Орловнинг йўқлигида кечкурунлари уйимизга Кукушкин келиб турадиган бўлиб қолди. Унинг авзойида бирор нарса сезилмаса-да, бироқ бир маҳал Зинаида Федоровнани Орловдан тортиб олиш тўғри-

сидаги гапларини эсимдан чиқара олмас эдим. Кукушкин-га чой ва қизил вино ичирардик, у ҳиқиллаб кулар ва ёқимли бир нарса айтмоқчи бўлиб, гражданча никоҳ ҳар жиҳатдан черков никоҳидан афзал туради, аслига қараганда ҳозир барча инсофли одамлар Зинаида Федоровна ҳузурига келиб, унинг оёғига таъзим қилишлари керак, дерди.

## VIII

Янги йил арафаси зерикарли, бирорта ёмон иш бўладигандай дилгирлик билан ўтди. Янги йил арафасида, эрталаб кофе ичиб турганда, Орлов тўсатдан ўзининг командировкага кетаётганини, бошлиқлар уни аллақайси бир губернани ревизия этиб турган сенатор ёнига айрим топшириқлар билан жўнаётганини эълон қилди.

— Боргим йўқ, лекин ҳеч баҳона топа олмай қолдим!— деди у афсусланиб.— Жўнаш керак, ҳеч илож йўқ.

Бу янгиликни эшитиб, бир нафасда Зинаида Федоровнанинг кўзлари қизариб кетди.

— Кўп вақтгами? — деб сўради хоним.

— Беш кунга.

— Мен очигини айтсам, сенинг йўлга чиқишингдан хурсандман,— деди хоним бир оз ўйлаб,— кўнглинг очилиб келади. Йўлда бирортасига хуштор бўлиб, сўнгра менга сўзлаб берасан.

Хоним, Орловни ҳеч бир қисмаганини ва у ўз хоҳишича иш кўриши мумкин эканини ҳар бир қулай фурсатда билдириб ўтишга уринарди. Лекин, оқ иплар билан тикилган, бахяси очиқ кўриниб турган бу содда сиёсат ҳеч кимни алдаёлмас, фақат Орловнинг эркин эмаслигини яна бир марта эслатиб ўтарди.

— Мен бугун кечқурун жўнайман,— деди у ва газета ўқишга тутунди.

Зинаида Федоровна уни вокзалга кузатмоқчи бўлди, лекин у, мен Америкага кетаётганим йўқ ва беш йилга эмас, фақат беш кунга, ҳатто ундан ҳам озга кетаётиман, деб хонимни қайтарди.

Соат еттидан сўнг хайрлашдилар. Орлов хонимни бир қўли билан қучоқлаб, пешонасидан ва лабларидан ўпди.

— Ақлли бўл, менсиз зерикиб қолма,— деди у мулозим ва самимий оҳангда.— Сени, яратганнинг ўзи асра-сиң!

Унинг бу сўзлари менга ҳам таъсир қилди.

Хоним унинг қимматли чеҳрасини эса маҳкамроқ сақлаб қолиш учун юзларига астойдил термулди, сўнг муқом билан бўйнидан кучоқлаб, бошини унинг кўкрагига қўйди.

— Уртамизда ўтган англашилмовчиликларни кечиргин, — деди хоним французчалаб. — Агар эр-хотин бир-бирини севса, жанжалсиз туrolмайди, мен эса сени телбаларча севаман. Эсингдан чиқарма... Тез-тез ва мукамал телеграф қилиб тур.

Орлов хонимни яна бир марта ўпди-да, ҳеч сўз айтмасдан, ташвиш билан уйдан чиқди. Уй эшиги беркилгач, у зинапоянинг ўртасида тўхталиб, саросималаниб, юқорига қаради. Менга туйилишича, шу вақтда агар юқоридан бирорга товуш эшитилганда эди, у қайтиб, уйга кирарди. Лекин тинчлик эди. У шинелини тузатди-да, қатъиятсизлик билан пастга туша бошлади.

Кўча эшик олдида кўпдан извошчилар кутмоқда эди. Орловнинг ўзи бир извошга ўтирди, мен эса чемоданлар билан иккинчи извошга ўтирдим. Совуқ қаттиқ эди, чорраҳа жойларда гулханлар тутамоқда эди. Извошнинг тез югуришидан совуқ шамол юзларимни ва қўлларимни ачитар, нафасимни бўғар, мен кўзларимни юмиб, ўйлардим: хоним на қадар олижаноб бир хотин! На қадар яхши кўради! Ҳозирги вақтда ҳатто кераксиз нарсаларни ҳам ҳовлима-ҳовли йиғиштириб, уни яхши ниятлар билан сотишмоқда, синган ойна ҳам яхши мато ҳисобланмоқда, лекин чиройли, ёш, ақлли ва одобли хотиннинг муҳаббати каби қиммат баҳо, ноёб бир мато бексрдан-бекорга нобуд бўлмоқда. Қадимги бир социолог ҳар қандай аҳмақона муҳаббатга ҳам бир куч сифатида қараган ва бу кучни усталлик билан яхши томонга йўналтириш мумкинлигини айтган. Бизда эса, олижаноб, гўзал бир муҳаббат туғилишга туғилади-ю, лекин ҳеч ёққа йўналтирилмайди, англамайди ва қабиҳлик орқасида бир ожизлик сифатида ҳалок бўлади. Нечун шундай?

Извошчилар кутмаганда тўхтадилар. Мен кўзимни очдим ва биз Сергиевская кўчасида Пекарский яшайдиган катта уй олдида турганимизни кўрдим. Орлов чанадан тушиб, уйга кириб кетди. Беш минутдан сўнг эшик оғзида Пекарскийнинг бошланг хизматкори кўринди ва совуқдан қалтираб туриб, менга қичқирди:

— Қулоғинг карми? Извошчиларнинг жавобини бериб, ўзинг юқорига чиқ. Чақираётирлар!

Ҳеч нарса тушунмасдан, мен иккинчи қаватга кўтарилдим. Мен Пекарскийнинг квартирасида илгари ҳам бўлган эдим, яъни даҳлизда туриб, ичкари зални ҳам кўрган эдим. Нам ва қоронғи кўчадан кирганимда ҳар гал бу квартира ўзидаги сурат рамлари, бронзалар ва қиммат баҳо уй жиҳозларининг ярқираши билан мени ҳайратда қолдирар эди. Энди мен мана шу ярқираган залда Грузинни, Кукушкинни ва бир оздан сўнг Орловни кўрдим.

— Гап бундай Степан,— деди у менинг ёнимга келиб:— Мен бу ерда жума ёки шанба кунгача қоламан. Агар хат ва телеграмма келса, ҳар кун шу ерга келтириб бер. Уйга борга, албатта, менинг жўнаб кетганимни ва салом айтганимни билдирасан. Худо оқ йўл берсин.

Уйга қайтиб келганимда, Зинаида Федоровна меҳмонхонадаги сўричада ётиб, нок емоқда эди. Қандилда фақат бир шам ёнмоқда эди.

— Поездга кечикмадингизми?— деб сўради Зинаида Федоровна.

— Кечикмадик. Салом айтишга буюрдилар.

Мен ҳам ўз малайхонамга кириб ётдим. Қиладиган ишим йўқ эди, китоб ўқигим ҳам келмас эди. Мен ажабланмас, аччиғланмас, фақат Орловнинг бу алдамчилиги нимага керак бўлганини тушуниш учун ўз ақлимни югуртмоқда эдим. Ахир бу йўсинда фақат ўспиринлар ўз ўйнашларини алдайди холос. Наҳотки, кўп китоб ўқиган ва кўп нарсага ақли етадиган одам бундан кўра бамаънироқ бирор нарса ўйлаб тополмади? Эътироф этишим керакки, мен уни ақли-фаросати жойида деб билар эдим. Агар унга ўз министрини ёки бошқа бир кучли одамни алдаш зарур бўлганда, у албатта анча куч ва маҳорат сарф қилган бўлур эди, лекин ҳозир эса бир хотинни алдаш учун, афтидан, у калласига дастлаб келган нарсани ишлата қолган; алдаш муваффақиятли чиқса — яхши, чиқмаса — ҳечқиси йўқ, иккинчи марта ҳам бош қотириб юрмасдан худди шундай осон ва тез ёлғонлаш мумкин.

Ярим кечаси, юқориги қаватда, янги йилни қаршилаб, стулларни суришиб, «ура» қичқириб бўлганларидан сўнг, Зинаида Федоровна кабинет ёнидаги бўлмадан менга қўнғироқ чалди. Хоним, ёта бериб бўшашган ҳолда стол ёнида ўтирар ва бир парча қоғозга нимадир ёзар эди.

— Телеграмма юбориш керак,— деди у ва жилмайди.— Тезроқ вокзалга бориш ва бу телеграммани измаиз жўнатишларини илтимос этинг.



Кўчага чиққандан сўнг, мен бояги бир парча қоғозда қўйидагини ўқидим: «Янги йил, янги бахт билан табриклайман. Тезроқ телеграф қил, жула соғиниб кетдим. Гўё асрларча вақт ўтди. Телеграф орқали минглаб бўса ва юрагимнинг ўзгинасини юбориш мумкин бўлмаганига ачинаман. Вақтинг хуш ўтсин, қувончим. Зина».

Мен бу телеграммани жўнатиб, эртаси эрта билан распискани топширдим.

## IX

Ҳаммадан ёмони, Орлов ўйламай-нетмай, Поляга ҳам ўз алдамчилигининг сирини билдириб, унга Сергиевская кўчасига кўйлак келтириб беришга буюрди. Шундан кейин Поля, Зинаида Федоровнага мен тушунмаган бир нафрат ва заҳарханда билан қарар, қувончидан ўз бўлмасида ҳам, даҳлизда ҳам пиқирлаб куларди.

— Бас энди, иззатни ҳам билиш керак!— дерди у шодлик билан,— ўзинг тушунишинг керак. . .

У, Зинаида Федоровна бизнинг уйда узоқ яшамаслигини сезар, фурсатни қўлдан бермаслик учун кўзига нима кўринса — атир шишалар, тошбақа косасидан ясалган шпилькалар, рўмоллар, ботинжаларгача ўғирлар эди. Янги йилнинг иккинчи куни Зинаида Федоровна мени ўз бўлмасига чақириб, менга пичирлаб, қора кўйлаги йўқолганини хабар қилди. Сўнг оппоқ оқарган, чўчиган ва аччиқланган ҳолда ҳамма бўлмаларни кезиб, ўз-ўзи билан гаплашиб юрди:

— Қандай иш бу? Йўқ, бу қандай иш? Ахир бу қулоқ эшитмаган шармандалик-ку!

Обед вақтида хоним ўзига шўрва қуймоқчи эди, лекин қўллари қалтираб қуёлмади. Хонимнинг лаблари ҳам титрарди. У титроқнинг босилишини кутиб дам шўрвага, дам сомсага ноилож тикилиб турди-да, чидаб туролмасдан бирданига Поляга қаради:

— Сиз, Поля, чиқиб кетишингиз мумкин,— деди хоним.— Степан бир ўзи турса бас.

— Майли, мен ҳам туравераман,— деб жавоб қайтарди Поля.

— Бу ерда туришингизнинг ҳожати йўқ. Сиз бу уйдан бутунлай кетинг. . . Бутунлай!— деб давом этди Зинаида Федоровна, кучли ҳаяжон билан ўрнидан туриб.— Ўзин-

гизга бошқа ўрин топишингиз мумкин. Ҳозир чиқиб кетинг!

— Бойваччанинг буйруғисиз мен кета олмайман. Мени ишга олган бойвачча. У киши нима буюрсалар, шу бўлади.

— Мен ҳам сизга буюраман! Мен бу уйнинг бекаси!— деди Зинаида Федоровна ва қип-қизариб кетди.

— Эҳтимол, сиз бека ҳамдирсиз, лекин мени ишдан фақат бойвачча бўшата олади. Мени ишга олган ўша киши.

— Сиз бир минут ҳам бу ерда қола олмайсиз!— деб қичқирди Зинаида Федоровна ва тарелкага пичоқ билан урди.— Сиз ўғри хотинсиз! Эшитдингизми?

Зинаида Федоровна стол устига салфеткани ташлаб, киши раҳми келадиган ва азоб чеккан бир қиёфа билан жадал юриб емакхонадан чиқиб кетди. Поля хўнграб йиғлаб ва алланима деб гўлдираб, у ҳам чиқиб кетди. Шўрва билан каклик гўшти совиб қолди. Негадир шу дамда менга, стол устида турган ресторан овқатлари қашшоқ, ўғирлаб олингандай ва Поляга ўхшаш кўринди. Тарелкадаги икки сомсанинг кўриниши энг расво ва жинояткорона эди. Бу сомсалар гўё шундай дерди:

«Бугун бизни ресторанга қайтариб олиб кетадилар, эртага эса яна обед вақтида бирорта амалдор ёки машҳур ашуланинг дастурхонига қўядилар».

Полянинг хонасидан менинг қулоғимга эшитилди:

— Бойвачча хотиннинг катталигини қара! Агар мен бойвачча хотин бўламан десам, аллақачон бўлар эдим, лекин номусим бор! Кўрамиз ҳали, қайсимиз олдин кетаркинмиз! Шундай!

Зинаида Федоровна қўнғироқ чалди. У, ўз хонасида, бурчакда, худди жазо бериб бурчакка ўтқизиб қўйилгандай ўтирарди.

— Телеграмма келтирмадиларми?— деб сўради у.

— Келтирганлари йўқ.

— Швейцардан сўраб кўринг, балки телеграмма бордин. Лекин уйдан чиқиб кетиб қолманг,— деди хоним менинг орқамдан,— якка ўзим қолсам кўрқаман.

Сўнгра мен соат сайин пастдаги швейцар ёнига югуриб, телеграмма йўқми, деб суруштириб турдим. Не балолик кун бўлди, очигини айтганда! Зинаида Федоровна Поляни кўрмаслик учун ўз хонасида обед қилар, чой ичар ва шу жойнинг ўзидаёқ «Э» ҳарфига ўхшаш қисқа диванда ух-

лар эди, тўшагини ҳам ўзи йиғиштирар эди. Дастлабки кунларда телеграмма топширгани мен қатнаб юрдим, лекин жавоб кела бермагач, хоним менга ишонмасдан, телеграмма юборишга ўзи борадиган бўлди. Хонимга қараб туриб, мен ҳам тоқатсизлик билан телеграмма кутадиган бўлиб қолдим. Мен, Орлов қандайдир бирор ёлғонни ўйлаб топар, масалан, бирорта станциядан телеграмма юборишга буюрар деб умид қилган эдим. Агар, у карта ўйнашга жуда ҳам берилиб кетмаган ёки бошқа бирорта хотинга хуштор бўлиб қолмаган бўлса, деб ўйлардим, у чоғда албатта Грузин ва Кукушкин бизнинг тўғримизда унинг эсига солиб қўйишар. Лекин биз беҳуда кутар эдик. Барча ҳақиқатни очиб айтиб бериш учун мен кунига беш марта Зинаида Федоровна ёнига кирар эдим, бироқ хоним менга эчкидай термилар эди, елкалари осилиб тушган, лаблари алланималарни шивирларди, шунинг учун мен бир сўз ҳам айтмасдан, қайтиб чиқиб кетар эдим. Раҳмдиллик ва шафқат мендаги мардликни бўшаштириб қўйган. Поля, бепарвойи-фалак, қувноқлик ва мамнунлик билан бойваччанинг кабинетини, ётоқхонасини йиғиштирар, шкафларни титар, идиш-товоқларни тарақлатар эди, Зинаида Федоровнанинг эшиги ёнидан ўтаётганда эса, бирорта қўшиқ айтар ва йўталиб кетарди. Хонимнинг яшириниб ўтириши Поляга ёқар эди. Кечқурун Поля аллақадекка кетар эди, кечаси эса соат икки ёки учда қайтиб келиб, қўнғироқни чаларди, мен унга эшикни очишим ва йўталиб ҳақида унинг танбеҳларини эшитишим керак эди. Шу ондаёқ иккинчи қўнғироқ эшитиларди, мен кабинет ёнидаги бўлмага югурардим, Зинаида Федоровна эшикдан бошини чиқариб сўрарди: «Ким қўнғироқ чалди?» Ўзи эса менинг қўлимга қараб — телеграмма йўқмикин дегандай тикиларди.

Ниҳоят, шанба куни пастки қаватдан қўнғироқ чалиниб, зинапояда таниш овоз эшитилгач, хоним шу даража қувониб кетдики, қувончидан йиғлаб юборди: Орловни қарши олишга югуриб борди ва қучоқлаб олди, кўкракларини, енгларини ўпди ва тушуниб бўлмайдиган алланималар гапирди. Швейцар чамадонларни олиб кирди, Полянинг қувноқ товуши эшитилди. Худди биров каникулга келгандай эди!

— Нима сабабдан телеграф бермадинг? — деди Зинаида Федоровна қувончидан оғир нафас олиб. — Нима сабабдан? Мен қийналиб адо бўлдим, зўрға тирик қолдим. . . Э, худойим!

— Сабаби жуда содда! — деди Орлов. — Сенатор иккимиз биринчи куниек Москвага жўнаб кетдик, мен сенинг телеграммаларингни олмадим. Обеддан сўнг мен, жонгинам, бу тўғрида тўла ҳисоб бераман, ҳозир эса ухлаш керак, ухлаш ва ухлаш. . . Вагонда эзилиб қолдим.

Тун бўйи унинг ухламагани кўриниб турарди: карта ўйнаган ва кўп ичган бўлса керак. Зинаида Федоровна уни ўрнига ётқизиб чиқди, сўнгра биз ҳаммамиз то кечгача оёқ учиди юрдик. Обед жуда хотиржамлик билан ўтди. Лекин кофе ичиш учун кабинетга кириб кетганларидан сўнг можаро бошланди. Зинаида Федоровна алланима тўғрисида тез-тез шивирлаб французчасига гапириб кетди, унинг гаплари худди ариқчадаги сувдай жилдираб эди, сўнг Орловнинг қаттиқ уҳ тортгани ва сўзлари эшитилди.

— Вой худо! — деди у французчалаб. — Наҳотки мана шу ёвуз ниятли хизматкор хотин тўғрисида доимий финшишдан бошқа янгироқ гапингиз йўқ?

— Лекин, азизим, бу хотин нарсаларимни ўғирлаш устига, менга қўпол гаплар ҳам гапирди.

— Аммо, нечун ўша хотин менинг нарсаларимни ўғирламайди ва менга қўпол сўзлар гапирмайди? Нима сабабдан мен ҳеч қачон хизматчи хотин, қоровул, малай сингари одамларнинг бор-йўқлигини сезмайман? Жонгинам, сиз инжиқлик қилаётирсиз ва характерга эга бўлишни истамаётирсиз. . . Мен ҳатто сиз ҳомиладор бўлгансиз деб гумон қилаётирман. Мен сизга хизматчи хотинни бўшатишни таклиф этганимда, сиз унинг қолишини талаб қилдингиз, энди эса, мен уни ҳайдаб юборишимни сўраётирсиз. Бундай маҳалларда мен ҳам ўжар одамман: инжиқликка мен ҳам инжиқлик билан жавоб қайтараман. Сиз унинг кетишини истасангиз, мен эса қолишини истайман. Бу усул сизни асабийликдан даволашнинг бирдан-бир усулидир.

— Бас энди, бас! — деди қўрққанидан Зинаида Федоровна. — Бу тўғрида гапни тўхтатамиз. . . Эртагача қолдирамиз. Энди менга Москва ҳақида гапириб бер. . . Москвада нима гап?

## Х

Эртаси кун — 7 январь. Ионн Креститель куни эди. Орлов ноништадан кейин қора фрак кийиб, орден тақиб, туғилиш куни билан табриклаш учун отасининг ёнига жўнашга ҳозирланди. Соат иккида жўнаш керак эди. Орлов

кийиниб тайёр бўлганда соат фақат бир ярим эди. Ярим соат вақтни нимага сарф этиш керак? У меҳмонхонада юрар ва қачонлардир болалигида отасига ва онасига ўқиган табрик шеърларини декломация қиларди. Тикувчи хотин уйига ёки магазинга боришга ҳозирланган Зинаида Федоровна ҳам шу ерда ўтирар ва унга табассум билан қулоқ соларди. Билмадим, ўрталарида гап нимадан бошланди, лекин мен Орловга қўлқопини келтириб берган чоғда, у Зинаида Федоровна қаршисида турар ва мижгов, ёлборгансимон қиёфа билан дерди:

— Худо ҳақи, бутун авлиё-анбиёлар ҳақи, аллақачондан бери ҳаммага маълум ва машҳур нарсалар тўғрисида ҳеч гапирманг! Ақлли-хушли хонимларимизнинг, кўпдан бери ҳатто гимнастнинг ҳам кўнглига урган нарсалар тўғрисида маънодор бир тарзда жон куйдириб гапирришларини бахтсизлик дейишдан бошқа илож йўқ! Оҳ, агар сиз бизнинг эр-хотинлик программамиздан барча мана шу жиддий масалаларни ўчирганингизда эди! Қандай яхши иш қилган бўлур эдингиз!

— Биз хотин кишилар ўз шахсий фикримизга эга бўлишга журъат эта билмаймиз.

— Мен сизга тўла эркинлик бераман, ҳаммага баб-баравар бўлинг, истаган авторлардан ўқий беринг, лекин бир нарсага қолганда менга енгиллик беринг, менинг ҳузуримда фақат икки нарса ҳақида: бири — киборлар жамиятининг ярамаслиги ҳақида, иккинчиси — никоҳ камчиликлари ҳақида сўзламанг. Тушуниб олишингиз керак, ахир. Савдогарлар, поплар, мешчан ва мужиклар, турлитуман Сидор ва Никиталар яшаган табақага қарама-қарши қўйиш учун доим киборлар жамиятини ёмонлайдилар. Ҳар иккала табақа ҳам мен учун жирканч, лекин агар менга виждон билан ҳар иккаласидан бирини танлашга таклиф этсалар, мен ҳеч бир ўйланиб ўтирмасдан киборлар жамиятини танлар эдим ва бу қилмишим алдамчилик ва қинғирлик бўлмас эди, чунки менинг табиатим ҳар жиҳатдан унга мойилдир. Бизнинг жамиятимиз ҳам ярамас, ҳам қуп-қуруқдир, лекин биз ҳар ҳолда дуппа-дуруст французча гаплашамиз, бирор нарса ўқиб турамыз ва ҳатто энг қаттиқ жанжаллашган вақтимизда ҳам бир-биримизнинг тумшуғимизга туширмаймиз. Сидор, Никитага ўхшаш жаноби олийлари ўртасида эса, хунук-хунук гаплар, сўкишлар, қовоқхона ахлоқи ва чўқиндиликнинг тўла бемаънигарчиликлари кўриниб туради.

— Мужик ва савдогар сизни боқмоқда.

— Хўп, шундай бўлса нима? Бу аҳвол фақат менинг эмас, уларнинг ҳам ёмон томонини тавсиялайди. Улар мени боқсалар ва икки букилиб таъзим қилсалар, демак, бошқача муомила этиш учун уларнинг ақл ва фаросатлари етишмаслигини кўрсатади. Мен ҳеч кимни сўкмайман ва мақтамайман, айтмоқчи бўламанки, киборлар жамияти ва пастки табақа иккови ҳам яхши. Қалбим ва ақлим билан мен ҳар икковига ҳам қаршиман, лекин табиатим киборлар жамиятига мойил. Хўш-ш, энди никоҳдаги чатоқликларга келсак,— деб давом этди Орлов соатга қараб,— аллақачон тушунишингиз керак эдиким, ҳеч қандай чатоқлик йўқ, ҳозирча фақат никоҳга нисбатан нотайин талаблар бор. Никоҳдан сиз нима истайсиз? Қонунлими, қонунсизми, яхшими, ёмонми, ишқилиб ҳамма қўшилиш ва бирга яшашнинг биргина моҳияти бордир. Сиз, хонимлар фақат мана шу моҳият учун яшайсиз, шу моҳият сизнинг жонингиз, агар ўша бўлмаса, яшашингизнинг ҳам маъноси бўлмас эди. Сизга мана шу моҳиятдан бошқа ҳеч нарса керак эмас ва сиз ундан баҳра олаётирсиз, лекин турли повестларни ўқиганингиздан бери, тўғридан-тўғри баҳра олишга уялиб қолдингиз, шунинг учун сиз у томонга югуриб, бошингизни гангитиб эркакларни алмаштираёсиз ва шу қилмишингизни оқлаш учун никоҳдаги чатоқликлар ҳақида гап очасиз. Агар сиз бояги моҳиятни, энг катта душманингизни, шайтонингизни четга суришни истамас экансиз, қулларча унинг сўзига кира берар экансиз, бу ҳақда қандай жиддий гап очиш мумкин? Сиз нимаики гапирманг, барчаси ёлғон ва қинғирлик бўлади. Мен сизга ишонмайман.

Мен извошчидан хабар олган швейцар ёнига кетдим, қайтиб келганимда, жанжал бошланган эди. Денгизчилар айтишича, шамол кучаймоқда эди. Зинаида Федоровна меҳмонхонада кучли ҳаяжон билан юриб, дерди:

— Кўриб турибманки, сиз мени ўз сурбетлигингиз билан ҳайрон қолдирмоқчисиз. Гапларингизни эшитишдан жирканаман. Худо ва кишилар олдида покман, тавба қиладиган жойим йўқ: эрим уйдан чиқиб сизнинг ҳузурингизга келганим учун фаҳрланаман. Фаҳрланишимнинг ростлиги учун ўз ор-номусимни шафе келтириб қасамёд этаман.

— Хўп, жуда яхши!

— Агар сиз виждонли, инсофли одам бўлсангиз, ме-

нинг қилмишим билан фаҳрланишингиз керак. Минглаб одамлар борки, худди мен сингари иш қилмоқчи бўлсалар-да, лекин қўрқоқлик ёки майда ниятлар туфайли журъат эта олмайдилар, шунинг учун бу қилмишим мени ва сизни минглаб шу хил одамлардан юқори кўтаради. Лекин сиз ярамас одамсиз. Сиз озодликдан қўрқасиз ва бирорта жоҳил одам ор-номусли эканлигингизни сезиб қолмасин деб чўчиб, соф юрак интилишларини калака қиласиз. Сиз мени ўз ошноларингизга кўрсатишдан қўрқасиз. Сиз учун мен билан бирга кўчада юришдан ёмонроқ жазо йўқ... Нима? Шу гапим тўғри эмасми? Нима учун сиз ҳозиргача мени ўз отангизга ва ўз жиянингизга таништирмадингиз? Нима учун? Йўқ, бу аҳвол кўнглимга уриб кетди, ахир!— деб қичқирди Зинаида Федоровна ва ер тепиб қўйди.— Мен ўз ҳуқуқимга тегишли нарсани талаб этаман. Марҳамат этиб, мени ўз отангизга таништинг!

— Агар сизга отам керак бўлса, ўзингиз таниша беринг. У ҳар куни эрталаб соат ўндан то ўн яримгача қабул қилади.

— Қандай паст одамсиз!— деди Зинаида Федоровна умидсизликдан эсанкираб.— Агар башарти сиз шу гапни жўрттага гапирган бўлсангиз ҳам, бу муомалангизнинг қаттиқлиги учуноқ сизга нафрат ўқиш мумкин. О, нақадар пасткаш одамсиз!

— Биз ҳамон теварак-атрофда айланиб юрибмиз-у, лекин ишнинг чинакам ўзагидан гаплашмаётирмиз. Ишнинг ўзаги шундаки, сиз хато қилгансиз, лекин хатонгизни очиқдан-очиқ бўйнингизга олишни истамаётирсиз. Сиз мени қаҳрамон гумон этгансиз ва тасаввурингизда менинг қандайдир фавқулудда идея ва идеалларим бордай кўринган, лекин текширишда кўриндики, мен энг расмона бир амалдор, карта ўйновчи қиморбоз ва ҳеч қандай идея-мидеяларга ҳушим йўқ. Мен, бўм-бўшлиги, пучлиги ва ярамаслигидан ғазабланиб қочиб чиққанингиз чирик киборлар жамиятининг арзанда харомзодаси бўламан. Сиз бўйнингизга олинг ва адолатли бўлинг: менга аччиғланманг, ўзингизга аччиғланинг, чунки мен эмас, сиз ўзингиз хато қилгансиз.

— Тўғри, мен бўйнимга оламан: хато қилганман!

— Мана энди жуда яхши бўлди. Энг муҳим масала ҳал бўлди, худога шукур. Агар мумкин бўлса, энди нарёғига қулоқ солинг. Мен сизнинг даражангизгача кўтарилмаман, чунки ҳаддан ортиқ бузилиб қолганман; сиз

ҳам менинг даражамгача тубан туша олмайсиз, чунки жуда ҳам юқоридасиз. Демак, фақат биргина чора бор...

Зинаида Федоровна чуқур тин олиб, бирдан қозғоғдай оқариб, шошилиб сўради:

— Нима чора?

— Мантиқни ёрдамга чақириб лозим бўлади...

— Георгий, нима учун мени қийнайсиз?— деди Зинаида Федоровна йиғламсираган товуш билан бирдан русчалаб.— Нима учун? Менинг изтиробларимни тушунсангизчи...

Орлов, кўз ёшларидан қўрқиб, шошганича кабинетига кириб кетди ва негадир, билмадим хонимнинг кўнглини яна қаттиқроқ оғритмоқчи бўлдими ёки шу хил пайтларда одатда нима қилиниши кераклигини эсладими,— эшикни ичкаридан қулфлаб олди. Хоним войдодлаб, кўйлаklarини шилдиради унинг кетидан югурди.

— Бу қандай қилиқ? — деб сўради хоним эшикни тақирлатиб.— Бу қандай қилиқ? — такрорлади хоним ингичка, ғазабдан узилиб-узилиб турган товуш билан.— Ҳали сиз шунақамисиз? Билиб қўйингки, мен сизни ёмон кўраман, сиздан жирканаман! Уртамизда ҳеч нарса қолмади! Тамом!

Қаҳ-қаҳа аралаш чинқириб йиғлаш эшитилди. Меҳмонхонадаги стол устидан кичкина бир нарса тушиб кетиб, сиқди. Орлов кабинетдан иккинчи эшик орқали даҳлизга чиқиб, қўрқа-писа атрофига қараб, шошилиб шинелини ва цилиндрини кийиб, чиқиб кетди.

Ярим соат ўтди, бир соат ўтди, хоним ҳамон йиғлар эди. Хонимнинг отаси ҳам, онаси ҳам, қариндошлари ҳам йўқлиги эсимга тушди; хоним бу уйда ўзини ёмон кўрувчи бир одам билан нарсаларини ўғирловчи Поля ўртасида яшайди — шу жиҳатдан ҳам, хонимнинг турмуши менга жуда ғурбатли бўлиб кўринди! Нима учун эканини ўзим ҳам билмасдан меҳмонхонага, хонимнинг ёнига кирдим. Занф, кўмаксиз, сочлари чиройли, менинг кўзимга латифлик ва гўзаллик намунаси бўлиб кўринган хоним, худди касал сингари азоб тортмоқда эди. У, юзини яшириб, кушеткада ётар ва аъзойи бадани титрар эди.

— Хоним, доктор чақириб келайми? — деб сўрадим оҳиста.

— Йўқ, керак эмас... Ҳечқиси йўқ,— деди хоним ва менга ёшланган кўзлари билан қаради.— Бошим сал оғримокда... Раҳмат.



Мен чиқиб кетдим. Кечқурун эса хоним хат кетидан хат ёзар ва мени дам Пекарский ёнига, дам Кукушкин ёнига, дам Грузин ёнига юборарди, охири қаерга бориб бўлса ҳам Орловни тезроқ топиб, унга хат топширишимни буюрди. Ҳар гал мен хатни қайтариб олиб келганимда, хоним худди иситмада алаҳлагандай гоҳ койир, гоҳ ёлборар, гоҳ қўлимга пул тутқизар эди. Хоним кечаси билан ухламасдан, меҳмонхонада ўтириб, ўз-ўзи билан гаплашиб чиқди.

Эртаси кун Орлов обед вақтида қайтиб келди ва икковлари ярашиб кетдилар.

Бу воқиядан кейинги биринчи пайшанба куниёқ, Орлов ўз ўртоқларига турмуши ўта даража оғир эканидан зорланди; у кўп чекар ва аччиқ билан гапирарди:

— Бу турмуш эмас, азоби жон. Кўз ёшлари, оху фиғонлар, маънодор гаплар, узур сўраб ёлборишлар, яна кўз ёши ва оҳи-фиғонлар, натижада эса, энди менинг квартирим йўқ, ўзим ҳам қийналиб кетдим, хонимни ҳам қийнаб юбордим. Наҳот шу аҳволда яна бир ёки икки ой яшашга тўғри келар экан? Наҳот? Ахир, шундай бўлиши ҳам мумкин!

— Сен эса хоним билан гаплашиб кўр,— деди Пекарский.

— Уриниб кўрдим, лекин эплай олмадим. Мустақил, ўз муҳокамасига эга одам билан ҳар қандай аччиқ ҳақиқатни дадил гаплашиш мумкин, бироқ бу ўринда эса, иродасиз, характерсиз, мантиқсиз бир зот билан иш кўришга тўғри келади. Мен кўз ёшларига чидаб тура олмайман, кўз ёшлари мени қуролсизлантиради. Хоним кўз ёши тўккан чоғда, мен абадий севаман деб онт ичишга ва ўзим ҳам кўз ёши тўкишга тайёрман.

Пекарский тушунмади, ўйланиб, ўзининг кенг пешонасини қашлаб қолди ва деди:

— Агар сен хонимга айрим квартира қилиб берсанг, дуруст бўлур эди. Ахир бу жуда осон-ку!

Хонимга квартира эмас, мен керак; Ортиқча гапнинг нима ҳожати бор? — деб уҳ тортди Орлов.— Мен фақат туганмас гапларни эшитаман-у, лекин дардимга ҳеч бир даво кўрмайман. Чиндан ҳам мен гуноҳсиз гуноҳкор бўлиб қолдим. Дўппининг ўрнига бошимни берадиган бўлдим. Умр бўйи қаҳрамонлик ролидан бўйин товлаб келдим, Тургенев романларини ёмон кўриб юрардим, энди бирданига, худди масхара қилгандай, ҳақиқий қаҳрамон қаторига қўшилиб қолибман. Чин сўз билан ишонтираман-

ки, мен ҳеч қандай қаҳрамон эмасман, мен бунга шаксиз далиллар келтираман, бироқ менга ишонмайдилар. Нима учун ишонмайдилар? Чиндан ҳам менинг ташқи қиёфамда бирорта қаҳрамонона хислат бўлса керак.

— Сиз яна губерналарни текширгани жўнаб кета қолинг, — деди Кукушкин кулги билан.

— Тўғри, фақат шу чора қолди холос.

Мана шу гапдан бир ҳафта кейин, Орлов яна, уни сенатор ёнига командировка қилганларини эълон этди ва шу куни оқшомдаёқ чамадонлари билан Пекарский ёнига жўнади.

## XI

Остонада, этаги ергача теккан узун пўстин ва қундуз телпак кийган олтмиш ёшлардаги бир чол турар эди.

— Георгий Иванович уйдами? — деб сўради у.

Дастлаб мен бу одамни, баъзан Орлов қошига Грузинга берилган майда қарзларни ундириш учун келиб турадиган судхўрлардан бири деб ўйладим, лекин у даҳлизга кириб, пўстинини ечгандан сўнг, мен фотографиялардан яхши таниб олганим қуюқ қошларни ва жипс юмулган ғалати лабларни ҳамда формали фракка тақилган икки қатор юлдузларни кўрдим. Мен уни танидим: бу одам Орловнинг отаси, машҳур давлат арбоби эди.

Мен унга, Георгий Иванович уйда йўқ, деб жавоб қайтардим. Чол лабларини маҳкам қисди ва ўйланиб, менга ўзининг қотма, тишсиз чеҳрасини бурди.

— Мен хат ёзиб қолдираман, — деди у. Мени ичкари уйга кузат.

У даҳлизда калошнини қолдириб, узун, оғир пўстинини ечмасдан, кабинетга кирди. Кабинетда ёзув столи олдидаги креслога ўтириб қўлига қалам олишдан илгари қўллари билан кўзларини худди қуёшдан тўсгандай тўсиб (авзойи бузилган пайтларда унинг ўғли ҳам худди шундай қилар эди), уч минутча нима тўғридадир ўйлади, унинг юзи қайғули, ўйчан бўлиб фақат қари ва диндор кишиларнинг қиёфасида акс этган итоаткорлик бор эди. Мен орқада туриб, унинг тепакалига ва бўйнининг чуқурчасига тикилар эдим, мана шу заиф, касал чол шу пайт энди менинг қўлимда экани кундуздай равшан эди. Ахир бутун кватирда мендан ва менинг душманимдан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Агар мен бир озгина жисмоний куч ишлатсам, сўнг асл мақсадимни яшириш учун унинг соатини ўғирлаб, орқа эшикдан чиқиб қочсам, мен малайликка кира-

ётганда мўлжаллаган нарсамдан кўпроқ иш қилган бўлур эдим. Мен, бундан кўра қулайроқ фурсат тўғри кела бермас деб ўйламоқда эдим. Лекин ўйлаганимни амалга ошириш ўрнига, мен бутунлай бепарволик билан дам унинг тепакалига, дам пўстинига тикилар ва бу одамнинг ягона ўғлига бўлган муносабатлари ҳақида, бойлик ҳам мансаб билан талтайган кишиларнинг, эҳтимол ўлгуси келмаслиги ҳақида бафуржа ўйламоқда эдим..

— Сен ўғлимникида кўпдан бери хизмат қиласанми? — деб сўради у, қоғозга йирик ҳарфлар билан ёзиб туриб.

— Учинчи ой, жаноби олийлари.

У хат ёзишни тамомлаб, ўрнидан турди. Мен учун ҳали ҳам вақт бор эди. Мен ўзимни шошилтирар ва аввалги душманлигимнинг гарчи бир қатрасини бўлса ҳам юрагимдан сиқиб чиқаришга уриниб муштаримни қисар эдим; яқиндагина мен унинг на қадар оташин, ўжар ва тоймас душмани бўлганимни эсладим... Лекин гугуртни уваланадиган тошга суриб ёндириш қийин эди. Қариган, ғамгин юз ва юлдузларнинг совуқ жилоси менда ер юзидаги ҳамма нарсанинг бебақолиги, тез кунда ўлиш тўғрисида нокерак фикрлар қўзғатдилар.

— Хайр, ука! — деди чол ва, телпагини кийиб, чиқиб кетди.

Менда ўзгариш юз берганига шубҳаланиш мумкин эмас эди: мен бошқа одамга айланган эдим. Ўзимни текшириб кўриш учун, мен хотирлай бошладим, лекин шу ондаёқ мени ваҳима босди, гўё мен бирдан қоронғи, зах бир бурчакка кўзим тушгандай бўлди. Ўз ўртоқларимни, танишларимни эсладим ва дастлаб, ҳозир улардан бирортасини кўриб қолсам қизариб ва ўзимни йўқотиб қўяман деб ўйладим. Мен энди ким? Нима тўғрисида ўйлашим керак ва нима қилишим керак? Қаерга борайин? Мен нима учун яшайман?

Мен ҳеч нарсага тушунмас ва фақат бир нарсани аниқ билар эдим: тезроқ ўз юкларимни йиғиштириб, бу уйдан кетишим керак. Уйга чол келиб кетгунича менинг малайлигимда бирон мақсад бор эди, энди эса малай бўлиб юриш кулгили эди. Менинг кўз ёшларим очилган чамадон ичига тўкилмоқда эди, чидаб бўлмас даражада ғам босмоқда эди, лекин яшаш истаги зўр эди! Мен ўзимнинг қисқа умримга одамзоднинг кучи етадиган барча нарсаларни сиғдиришга ва қучоғимга олишга тайёр эдим. Менинг ҳам

гапиргим, ҳам ўқигим ҳам бирор жойдаги катта заводда болға уриб ишлагим, ҳам вахтада тургим, ҳам қўш ҳайда-дагим келар эди. Кўнглим Невскийга ҳам, далаларга ҳам, денгизга ҳам ишқилиб, кўнглимга келган ҳар бир жойга тортар эди. Зинаида Федоровна уйга қайтгач, мен унга эшикни очишга югурдим ва айрим бир назокат билан унинг пўстинини ечдим. Энг сўнгги марта!

Чолдан ташқари, шу кун уйимизга яна икки киши келди. Кечқурун, тим қоронғи тушганда, Орлов учун аллақандай қоғозларни олишга тўсатдан Грузин кириб келди. У столини очиб, керакли қоғозларни олди-да, трубка қилиб ўраб, менга берди ва даҳлиздаги шапкаси ёнига қўйишимни буюрди, ўзи эса, Зинаида Федоровна ёнига кириб кетди. Хоним меҳмонхонадаги сўричада, қўлларини боши остига қўйиб ётар эди. Орлов ревизияга жўнаб кетганига беш ёки олти кун бўлган, унинг қачон қайтиб келиши ҳеч кимга маълум эмас, хоним энди телеграмма юбормас ва кутмас эди. Ҳамон уйда яшовчи Поляни гўё кўрмас эди. Хонимнинг эҳтироссиз, жуда ҳам оқариб кетган юзларида мен «майли!» деган маънони ўқир эдим. Энди хоним, худди Орлов сингари, ўжарликдан бахтсиз бўлишни истар эди. Хоним ўзига ва дунёдаги ҳамма нарсага аччиқ қилиб кун бўйи қимирламасдан сўричада ётар, ўзига фақат ёмонлик истар ва фақат ёмонликни кутар эди. Эҳтимол хоним, Орловнинг қайтиб келишини, у билан албатта жанжал бўлишини, сўнг унинг кўнгли совушини, хиёнат қилишини, кейин икковларининг ажралиб кетишларини тасаввур қилмоқда ва балки бу уқубатли фикрлар унга роҳат бахш этмоқда эди. Лекин хоним, ҳақиқатни билганда нима қилар эди?

— Мен сизни яхши кўраман, келин,— деди Грузин омонлашиб ва хонимнинг қўлини ўлиб.— Сиз жуда очиқ кўнгилсиз! Жоржинька эса жўнаб кетиб қолди,— деб ёлғонлади у.— Жўнаб кетди, бераҳм!

Грузин уҳ тортиб ўтирди ва мулойимлик билан хонимнинг қўлини силади.

— Бирор соат ёнингизда ўтиришга рухсат этинг, азизим,— деди у.— Уйга боргим келмади. Биршовларникига боришга ҳали эрта. Бугун Биршовларникида Катянинг туғилган куни, жуда яхши қизча!

Мен унга бир стакан чой ва коньяк қуйилган графинча келтирдим. У, аста, унча хоҳламасдан, чойни ичиб бўлди-да, стаканни менга узатиб туриб, секин сўради:

— Оғайним, оз-моз тамадди қилиш учун... бирор нарсангиз йўқми? Мен ҳали обед қилганим йўқ.

Уймизда ҳеч нарса йўқ эди. Мен ресторанга чиқиб, унга одатдаги бир сўмлик обеддан келтириб бердим.

— Сизнинг соғлигингиз учун, азизим! — деди у Зинаида Федоровнага ва ичкиликдан бир рюмка ичди.— Сиз ном қўйдирган, менинг кичкина қизим, сизга салом айгади. Бояқиш ҳозир ширинча касали билан оғриб қолди! Эҳ, болалар, болагиналар! — деб енгил нафас олди у.— Нимаики деманг, келин, ҳар ҳолда, лекин ога бўлиш ёқимлидир. Бу сезги Жоржинькага тушунарли эмасдир.

У яна ичди. Озгин, ранги оппоқ, кўкрагига ёш болаларнинг фартуғи сингари салфетка тутиб олган Грузин иштаҳа билан овқатни ер ва қошларини кўтариб, дам Зинаида Федоровнага, дам менга айбдор боладай термулар эди. Гўё овқат келтириб бермаганимда, у йиғлаб юборар эди. Қорни тўйғач, кўнгли очилди ва кулги аралаш Биршовлар оиласи ҳақида ниманидир сўзлай бошлади, лекин гаплари зерикарли чиққанини ва Зинаида Федоровнанинг кулмаганини сезиб, жимиб қолди. Негадир бирдан ўртага дилсиёҳлик тушди. Овқатдан сўнг ҳар икковлари ҳам меҳмонхонада биргина лампанинг ёруғида, индашмай ўтирди: Грузин учун ёлғон гапларни гапириш оғир эди, хоним эса ундан алланимани сўрашни истар, лекин оғиз жуфтлаёлмас эди. Шу аҳволда ярим соат ўтиб кетди. Грузин соатга қаради.

— Энди кетсам ҳам бўлар.

— Йўқ, ўтира туринг... Гаплашадиган гап бор.

Яна жим бўлиб қолишди. Грузин рояль қошига ўтирди, бир клавишни босди, сўнг чалиб хиргойи қилди: «Не ҳозирлар менга келажак?» — лекин одати бўйича шу ондаёқ ўрнидан туриб, бошларини силкитди.

— Бирор нарса чалиб беринг, қайната,— деб илтимос қилди Зинаида Федоровна.

— Нима чалай? — деб сўради у, елкаларини қисиб — Ҳаммасини ҳам эсдан чиқарганман. Аллақачонлар ташлаб юборганман.

Гўё хотирига олаётгандай, шипга тикилиб, ажойиб бир оҳанг билан Чайковскийнинг икки пьесасини жуда ёқимли қилиб ва жуда усталик билан чалиб берди. Унинг чеҳраси ҳар галгидай — маънодор ҳам эмас, бемаъно ҳам эмас эди; разил ва ифлос шароитда кўришга ўрганганим шу одамнинг бунчалик юксак ва менга насиб бўлмаган

юқори руҳий кўтаринкиликка, шу қадар покликка эга экани менга бир муъжизадай кўринди. Зинаида Федоровнанинг юзига қон югуриб ва ҳаяжонланиб, меҳмонхона ичида у ёқдан бу ёққа юра бошлади.

— Бир оз сабр этинг, келин, агар эсимга тушса, сизга бир нарса чалиб бераман,— деди у.— Мен уни виолончель чалганларини эшитган эдим.

Дастлаб секин-секин, терма қилиб, сўнгра ишонч билан Сен-Сансинг «Лебединая песня» асарини чалиб юборди. Чалиб бўлгач, яна бир марта такрорлади.

— Соз нарсами ахир? — деди у.

Ҳаяжонланган Зинаида Федоровна унинг ёнида тўхталиб, сўради:

— Қайната, менга дўстларча, ростини айтинг: менинг тўғримда нималар ўйлайсиз?

— Нима десам бўларкин?— деди у, қошларини чимириб.— Мен сизни яхши кўраман ва сизнинг ҳақингизда фақат яхши нарсаларни ўйлайман. Агар сиз умуман ўзингизни қизиқтирган масала юзасидан гапиришимни иста сангиз,— деб давом этди у тирсагини қоқиб ва қовоғини осилтириб.— Биласизми, жонгинам... Кўнгил мойил томонга эркинлик билан кета бериш яхши кишиларга ҳар қачон бахтиёрлик беравермайди. Киши ўзини эркин ва айни замонда бахтиёр сезиши учун, менинг билишимча, ҳаётнинг бераҳм, дағал ва ўз консерватизмида аёвсиз эканини ўз-ўзидан яширмаслиги керак ва унинг ўз қимматига яраша жавоб қайтариш керак, бошқача айтганда, киши ҳам худди шу ҳаёт сингари дағал ва эркинлик томон интилишида раҳмсиз бўлмоғи керак. Мен шундай ўйлайман.

— Кучим етармиди!— деб ғамгин илжайди Зинаида Федоровна.— Мен ҳориб қолдим, қайната. Мен шу қадар ҳориганманки, ўзимни қутқизиш учун бармоғимни ҳам қимирлата олмайман.

— Монастирга бора қолинг, келин.

Бу гапни у ҳазиллашиб гапирди, лекин бу гапдан сўнг Зинаида Федоровнанинг кўзларига, сўнгра Грузиннинг кўзларига ҳам жиқ ёш тўлди.

— Хўш-ш,— деди у,— ўтирсак ўтира берамиз, лекин кетиш ҳам керак. Хайр, келингинам, азизим. Худо соғлиқ ато қилсин.

У, хонимнинг ҳар икки қўлини ўпди ва оҳиста силади-да, эрта-индин албатта яна келишини сўзлади. Даҳлизда у ўзининг болалар камзилчасига ўхшаш пальтосини кийиб

туриб, менга чой чақа бериш учун анчагача чўнтаklarини ковлаштирди, лекин ҳеч нарса топа олмади.

— Хайр, азизим!— деди у ғамгинлик билан ва чиқиб кетди.

Бу одам кетгандан сўнг қолдирган кайфиятни ҳеч қачон эсимдан чиқармайман. Зинаида Федоровна ҳамон ҳаяжонланиб, меҳмонхонада у ёқдан бу ёққа юрмоқда эди. Ётмасдан юришининг ўзи ҳам яхшилик нишонаси эди. Мен, хоним билан очиқдан-очиқ гаплашиб олиш учун ҳозирги кайфиятдан фойдаланмоқчи ва шу ондаёқ бутунлай уйдан кетмоқчи эдим, лекин Грузинни кузатишим билан яна қўнғироқ жиринглади. Кукушкин келган эди.

— Георгий Иванович уйдаими?— деб сўради у.— Келдими? Йўқ, дедингми? Афсус, афсус! Ундай бўлса, кириб хонимнинг қўлчаларини ўпаман-да, кетаман. Зинаида Федоровна, мумкинми?— деб қичқирди у.— Мен қўлингизни ўпиб кетмоқчиман. Кечирасиз, кеч келиб қолдим.

У меҳмонхонада кўп ўтиргани йўқ, ўн минутча ўтирди холос, лекин менга кўпдан бери ўтиргандай ва ҳеч қачон кетмайдигандай кўринди. Мен ғазаб ва аламдан лабларимни тишлар, ҳатто энди Зинаида Федоровна ҳам кўзларимга ёмон кўринар эди. Гарчи унинг ёнида хонимнинг зеркиб ўтиргани кўриниб турса-да, «нега хоним уни ўзидан нарироқ қувламаётир?» деб аччиғланардим.

Унга пўстин кийдириб турган чоғимда, у мендан хурсандлигини билдириш учун, мен хотинсиз қандай чидаб юрганимни сўради.

— Лекин, мен ўйлайманки, сен оғзингни очиб ўтирмасанг керак,— деди у кулиб.— Сен Поля билан апоқ-чапоқ бўлсанг керак. . . Шайтон!

Ҳаётдаги тажрибамга қарамасдан, мен у маҳалда ҳали кишиларни яхши билмас эдим. Шу жиҳатдан кўп вақт мен чумолини туядай қилиб кўрган ёки муҳим бир нарсага ҳеч кўзим тушмаган бўлиши мумкин. Кукушкиннинг кулиши ва менга хушомад қилиши бекорга эмасдай кўринди: мен малай бўлганим учун, кечқурунлари, Орлов йўқлигида уйимизга унинг келиб туришини ва Зинаида Федоровна билан ярим кечагача ўтиришини ўзга малайхона ва ошхоналарда лақиллаб гапиришимни умид қилаётирмикин? Менинг ғийбатларим танишларининг қулоғига етгач, у кўзларини хижолат тортгансимон ерга тикиб ва чинчалағи билан дўқ урса ҳам ажаб эмас. Балки унинг ўзиёқ деб ўйладим, унинг кичкина совуқ юзига тикилиб туриб,

худди шу куннинг ўзида карта ўйнаб турган чоғда, бехосдан оғзидан чиқариб юборгандай Зинаида Федоровна аллақачон Орловдан тортиб олиб қўйдим, деб сўзламасмикин?

Кундуз куни, чол келган маҳалда етишмаган нафрат энди вужудимни қуршаб олди. Кукушкин чиқиб кетгач, мен чарм калошларининг судралишига қулоқ солиб туриб, унинг орқасидан хайр-маъзурга бирорта қўпол ҳақорат жўнатгим келди-ю, лекин ўзимни тугиб қолдим. Зинапояда қадам овозлари тингач, мен даҳлизга қайтдим ва нима қилганимни ўзим ҳам билмасдан, Грузин унутиб қолдирган қоғоз ўрамини ушладим-да, ўқдай пастга қараб югурдим. Пальтосиз, бошяланг кўчага чиқдим. Совуқ эмас, лекин лайлак қор ёғмоқда ва шамол эсмоқда эди.

— Жаноби олийлари!— деб қичқирдим Кукушкинни қувлаб бора туриб.— Жаноби олийлари!

Кукушкин фонарь ёнида тўхтади ва ҳайрон бўлиб орқасига қаради.

— Жаноби олийлари!— дедим ҳансираб,— Жаноби олийлари! Айтишга сўз тополмасдан, мен унинг юзига қўлимдаги қоғоз ўрами билан икки марта урдим. Ҳеч нарса тушунмасдан ва ҳатто таажжубланмасдан (мен уни шу даража шошириб қўйган эдим), у елкаси билан фонарга суянди ва қўллари билан юзини беркитди. Шу пайтда ёнимиздан қандайдир ҳарбий доктор ўтиб қолди ва мен бировни уриб турганимни кўрди, лекин фақат ҳайронлик билан бизга қараб қўйди-да, нари кета берди.

Мен уялиб кетдим ва қайтиб уйга томон югурдим.

## XII

Бошим қордан ҳўлланиб, ҳаллослаб югуриб келиб, малайхонага кирдим ва дарров фракни ечиб ташлаб, пиджак ва пальто кийдим-да, чамадонимни даҳлизга олиб чиқдим. Қочиш керак! Бироқ, кетишдан аввал, тезгина ўтириб, Орловга хат ёзишга киришдим:

«Сизга ўзимнинг қалбаки паспортимни қолдираман,— деб бошладим,— уни эсдалик учун сақлашингизни ўтинаман. жаноби қалбаки одам, Петербург амалдори!

Бировнинг уйига бегона ном билан кириб олиш, малайлик ниқоби остидан бировнинг ички ҳаётини кузатиш, кейинчалик, кутмаганда ёлғончиликларни фош этиш учун ҳамма нарсани кўриб ва эшитиб юриш — булар барчаси ўғирликка ўхшайди деб айтасиз, албатта. Тўғри, лекин



ҳозир олижаноблик билан ишим йўқ. Мен сизнинг ўнларча ужин ва обедларингизда бўлдим, ўша пайтларда сиз истаганингизни гапирдингиз ва қилдингиз, мен эса эшитишга, кўриб турсам ҳам индамасликка мажбур эдим, мен бу хизматларни сизга бекордан-бекорга тақдим этишни истамайман. Бунинг устига, ёнингизда сизга хушомад қилмасдан, ҳақиқатни гапирувчи бирорта тирик жон йўқлиги учун, ҳеч бўлмаса малай Степан чиройли тумшуғингизни ювиб қўйсин, дедим».

Хатни бундай бошлаш менга ёқмади, лекин тузатгим ҳам келмади. Ахир, барибир эмасми?

Қора пардалар осилган катта деразалар, ўрин, полда ётган ғижим фрак ва ҳўл оёқларимнинг излари қаҳрли ва қайғули кўринарди. Жимжитлик ҳам аллақандай, ўзгача эди.

Кўчага бошланг ва калошсиз югуриб чиққанымдан бўлса керак, иситмам жуда кўтарилиб кетди. Юзларим ловиллаб ёнар, оёқларим оғрир эди. . . Бошим оғирлашиб столга мункаяр, фикрларимда эса аллақандай иккиланиш бор эди, гўё миямдаги ҳар бир фикрнинг кетидан унинг сояси кезмоқда эди.

«Мен касал, зайф, руҳан эзилганман,— деб давом эттирдим,— шу сабабли истаганимча ёза билмайман. Биринчи минутларда кўнглимда сизни ҳақоратлаш ва пастга уриш хоҳиши бор эди, лекин энди сезишимча бу нарсага ҳақим борга ўхшамайди. Сиз билан мен — ҳар иккимиз ҳам тубанликка қулаб тушганмиз, энди иккимиз ҳам ўрнимиздан туролмаймиз. Менинг хатим гарчи жуда ўткир, кучли ва даҳшатли ёзилганида ҳам, ҳар ҳолда тобутнинг қопқоғини тақирлатганга ўхшаб кетар эди: қанча тақирлатма — ўлик уйғонмайди! Ҳар қандай кучаниш энди сизнинг лаънати совуқ қонингизни исита олмайди ва бу нарсани сиз мenden кўра яхшироқ биласиз. Бас, шундай экан, мен нима учун ёзишим керак? Лекин бошим ва юрагим ёнмоқда, мен ёзишни давом эттирмоқдаман, негадир ҳаяжонланмоқдаман, гўё бу хат ҳали сизга ва менга нажот берадигандай кўринмоқда. Иситмадан бошимдаги фикрлар бир-бирига қовушмайди, қалам ҳали қоғоз устида маъносиз кезмоқда, аммо менинг сизга бермоқчи бўлган саволим рўпарамда лахча чўғдай яққол турмоқда.

Нечун мен барвақт бўшашдим ва қуладим, изоҳлаш қийин эмас. Мен, инжилдаги паҳлавон сингари елкамга Газ дарвозаларини кўтариб, уларни тоғ чўққисига олиб

чиқмоқчи бўлдим, лекин чарчаганимдан сўнг, менинг ёшлигим ва соғлигим абадий сўнгандан сўнг, сезиб қолдим, ки, бу дарвозаларни кўтариш менга тўғри келмас экан, мен ўзимни бекор алдаган эканман. Бунинг устига мен тўхтовсиз, қаттиқ оғриқ сезиб турар эдим. Мен очликни, совуқни, касалликни, қамоқни бошдан кечирдим; шахсий бахтиёрликни кўрмадим ва билмайман, бирор бошпанам йўқ, хотиротларим жуда оғир, виждоним кўпинча улардан кўрқади. Лекин сиз нима сабабдан тубанликка қуладингиз, сиз? Умрингизнинг баҳор чечаклари тўла очилмаслигига қандай иблисона шум сабаблар халақит берди? Нима сабабдан сиз ҳали яшашга бошламасдан туриб, худойитаоло ато қилган шакл ҳам шамойилни иргитиб ташлашга шошилдингиз ва кўрқоқ бир ҳайвонга айландингизки, бу ҳайвон ўзининг ҳуришидан ўзи кўрққани учун ҳам бошқаларни кўрқитади. Сиз ҳаётдан кўрқасиз, кун бўйи парқувда ўтириб, чилим чекувчи осиелик сингари кўрқасиз, сиз кўп ўқийсиз ва сизга европача фрак жуда ярашади, лекин ҳар ҳолда сиз ўзингизни соф осиеча, хонларча ғамхўрлик ва меҳрибонлик билан очликдан, совуқдан, жисмоний уринишлардан, оғриқдан ва ташвишдан асрайсиз, сизнинг жонингиз чопон ичига жуда эрта яшириниб олган, ҳар бир соғлом ва нормал одам кураш олиб борадиган ҳақиқий ҳаёт ва табиат қаршисида сиз ўзингизнинг кўрқоқлигингизни кўрсатиб қўйдингиз. Ётиш-туришингиз жуда юмшоқ, шинам, иссиқ ва қулай, лекин жуда зерикарли! Шундай, худди турмада ёлғиз ўтиргандай, тарс ёрилиб кетгудай, зулматга чўккандай зерикарли бўлса-да, лекин сиз бу душмандан ҳам яширинишга уринасиз: сиз-суткасига саккиз соатлаб карта ўйнайсиз.

Сизнинг истеҳзонгиз-чи? О, мен уни жуда яхши тушунаман! Жонли, эркин, тегик фикр серҳавас ва серҳавсала бўлади; ялқов, беҳавас ақлга у душмандир. У, сизнинг тинчлигингизни бузмаслиги учун, сиз, минглаб ўз тенгқурларингизга ўхшаб, уни ёшлиқдан рамкага қисиб қўйгансиз. Сиз ҳаётга истеҳзоли қараш билан қуролланиб олгансиз, шунинг учун қисипқи, чўчитилган фикрсиз тўсиб қўйган панжарадан сакраб ўтишга журъат эта олмайди, гўё ипидан игнасигача сизга маълум бўлган ҳамма идеялар устидан масхарабозчилик қилган пайтларингизда, сиз жанг майдонидан шармандаларча қочган, лекин уялганини беркитиш учун урушни ва ботирликни мазохлаган дезертирга ўхшайсиз. Безбеглик аламни бостиради. Дос-

тоевскийнинг қайси бир повестидаги чол ўзининг севган қизи олдида ҳақли бўлолмагани учун унинг суратини оёқлари билан топтайди, сиз эса яхшилик ва ҳақиқат идеялари устидан разилларча, ифлосларча кулмоқдасиз, чунки бу улуг даргоҳга қайтиш учун кучингиз етмайди. Сизнинг тубанликка тушиб кетганингиз тўғрисидаги ҳар қандай самимий ва ҳаққоний ишора ҳам сизга қўрқинчлидир. **Шунинг учун ҳам сиз жўрттага атрофингизни хушомадгўй одамлар билан қуршагансиз. Кўз ёшларидан қўрқинингиз ҳам асло бежиз эмас, ҳеч бежиз эмас!**

Ўрни келганда, сизнинг аёлларга муносабатингиз тўғрисида айтай. Уятсизлик бизга танамиз ва қонимиз билан бирга мерос қолган, ўзимиз ҳам уятсизликда тарбия топганмиз, лекин инсончилигимизнинг маъноси мана шу ҳайвончилигимизни енгишдадир. Вояга етганингиздан сўнг, сизга *барча* идеялар маълум бўлгач, сиз ҳақиқатни кўрмасдан иложингиз йўқ эди; сиз уни билган эдингиз, лекин унинг кетидан бормадингиз, аксинча ундан қўрқиб кетдингиз; шундан сўнг, ўз виждонингизни алдаш учун: «мен айбдор эмас, балки хотиннинг ўзи айбдор, шу хотин ҳам худди менинг унга муносабатларим каби пасткаш» деб барала овоз билан ўзингизни ишонтира бошладингиз. Совуқ ва ахлоқсиз анекдотлар, тойчоқдай кишнаб ҳиринглашлар, никоҳнинг моҳияти ва никоҳга бўлган номуайян талаблар ҳақидаги сизнинг саноқсиз назарияларингиз, француз ишчиси хотин учун тўлайдиган ўн су пул, доим хотинларнинг мантиқи, алдамчилиги, заифлиги ва ҳоказолар тўғрисида гапиришингиз,— мана шуларнинг ҳаммаси хотин билан сизнинг муносабатларингиз бир даражада турсин учун хотинни ерга уриб, лойга тиқиш учун ўлиб-тирилиб қилинган ҳаракатларга ўхшамайдими? Сиз — заиф, бахтсиз, ёқимсиз бир одамсиз».

Сен-Сансинг Грузин чалиб берган пьесасини эсга олишга уриниб, Зинаида Федоровна меҳмонхонада рояль чала бошлади. Мен бориб тўшакка ётдим, лекин кетиш вақти етганини эслаб, зўрға ўрнимдан кўтарилиб, оғир ва қайноқ бошим билан яна стол ёнига ўтирдим.

«Лекин бир савол бор,— давом эттирдим.— Нима сабабдан биз чарчаганмиз? Бошлаб шу қадар эҳтиросли, жасур, олижаноб, худога ишонувчи кишилар ўтгиз-ўтгиз беш ёшга етар-етмас, нима сабабдан бусбутун тамом бўламиз? Нима учун бири сил бўлиб сўнади, иккинчиси ўзини отиб ўлдиради, учинчиси эса ароқ ва карта билан ўзини

овитмоқчи бўлади, тўртинчиси эса қўрқув ва қайғуни яшириш учун покиза ва сўлим ёшлигидаги портретини оёғи остига ташлаб, безбетлик билан топтайди? Нима учун биз бир марта қулагандан сўнг, ўрнимиздан кўтарилишга уринмаймиз, бир нарсани йўқотгач, иккинчисини қидирмаймиз? Нима учун?

Дорга осиладиган қароқчи ўлишига бир соат қолганига қарамасдан, кўнглига ҳаёт қувноқлигини, жасур ва тўқ умидларни сиғдира олади. Сизнинг олдингизда эса, ҳали узоқ йиллар бор ва мен ҳам эҳтимол ҳали тез ўлмасам керак. Агар ҳозир кўриб турганимиз туш, мудҳиш босринқираш бўлса-ю, ҳақиқатимиз кучидан биз янги, покиза, қувватли мағрур бўлиб кетсак, нима бўлур экан? . . . Ширин хаёллар мени куйдирмоқда ва мен ҳаяжондан зўрға нафас олмоқдаман. Менинг жуда-жуда яшагим келади, ҳаётимизнинг муқаддас, юксак ва осмон гумбази сингари юксак ва тантанали бўлишини истайман. Биз яшаяжакмиз! Қуёш бир кунда икки марта чиқмайди, умр ҳам икки марта берилмайди, умрингизнинг қолган қисмини маҳкам ушланг ва уни ҳалокатдан қутқаринг. . .».

Бундан ортиқ мен бирорта сўз ҳам ёзмадим. Бошимда фикрлар кўп эди, лекин улар ёйилишиб кетар ва сатрларга сиғмас эди. Хатни тамомламасдан, мен унинг остига мансабимни, исм ва фамилиямни ёздим-да, кабинетга кирдим. Қоронғи эди. Пайпаслаб столни топдим-да, хатни қўйдим. Қоронғида уйдаги жиҳозларга қоқиниб тарақлаган бўлсам керак. Меҳмонхонадан безовта товуш эшитилди:

— Ким у?

Столдаги соат ёқимли жаранги билан соат тунги бир бўлганини билдирди.

### XIII

Қоронғида мен ҳеч бўлмаганда ярим минутча эшикни пайпасладим, сўнгра секин очиб, меҳмонхонага кирдим. Зинаида Федоровна тирсагига суяниб кушеткада ётар ва менга тикилиб турар эди. Гапиришга ботинмай, мен секин ёнбошидан ўтиб кетдим, хоним эса, кўз қарашлари билан мени кузатди. Мен бир оз залда тўрлим-лэ, яна хонимнинг ёнидан ўтдим, хоним эса менга, диққат ва ҳайронлик билан, ҳатто қўрқув билан тикилди. Ниҳоят, мен тўхтадим ва зўрға:

— У қайтиб келмайди!— дедим.

Хоним шошилиб оёққа қолқди ва ҳеч нарса тушунмай менга тикилди.

— У қайтиб келмайди!— деб такрорладим ва юрагим қаттиқ дукиллаб кетди,— у қайтиб келмайди, чунки Петербургдан кетгани йўқ. У, Пекарскийнинг уйида яшаб турибди.

Хоним тушунди ва менга ишонди, мен буни унинг бирдан оқариб кетган юзларидан, бирдан қўлларининг қўрқув ва ёлборув билан кўкрагига қовуштирганидан билдим. Бир лаҳза хонимнинг хотирида унинг яқин ўтмиши жонланди, хоним тушунди ва бутун ҳақиқатни яққол, равшан кўрди. Лекин айна замонда у менинг малай эканимни, зоти паст эканимни эслади. . . Сочлари ҳурпайган, юзлари иситмадан, эҳтимол, ичкиликдан қип-қизарган, аллақандай расво кийимдаги бир аблаҳ ички ҳаётимга қўпол равишда аралашди, деб хоним хафа бўлди. Менга жаҳл билан деди:

— Сиздан сўраганим йўқ. Йўқолинг бу ердан.

— О, ишонинг менга!— дедим қизишиб, хоним томонга қўлимни чўзиб,— мен малай эмасман, мен ҳам худди сиздай эркин одамман!

Мен ўз исмимни айтдим ва хоним гапимни кесмасин ёки чиқиб кетиб қолмасин деб шошилганимдан тез-тез ўзимнинг кимлигимни ва нима учун бу ерда яшаётганимни тушунтирдим. Бу янгилик хонимга аввалгидан кўра кучлироқ таъсир қилди. Аввал хонимда ҳар ҳолда умид бор эди, малай ёлғон гапирган, хато ёки аҳмоқчилик қилган деб ўйлаши мумкин эди, энди-чи, мен ўзимни танитгандан кейин, хонимнинг ҳеч қандай шубҳаси қолмади. Хонимнинг бахтсиз кўз қарашларидан, кексариб ўз мулойимлигини йўқотган юзларининг бирдан ўзгариб, хунуклашиб кетишидан, хоним ҳозир ҳаддан ташқари қийналаётганини ва менинг бу гапни бошлашим яхши бўлмаганини билсам ҳам, бошлаган гапимни қизиқиш билан давом эттиравердим:

— Сенатор ва ревизия деган нарсалар сизни алдаш учун ўйлаб топилган эди. Январь ойида ҳам у худди ҳозиргидай ҳеч қаёққа жўнамай, Пекарскийнинг уйида яшган эди, мен эса у билан ҳар кун кўришган ва сизни алдашга иштирок этган эдим. Сиз уларга офир тушардингиз, сизнинг бу ерда туришингизни ёмон кўрардилар, сиздан кулардилар. . . Агар сиз уларнинг сизни ва сизнинг

муҳаббатингизни қандай масхара қилганларини эшитиб қолганингизда эди, бу ерда бир минут ҳам қолмас эдингиз! Қочинг бу ердан? Қочинг!

— Хўш, нима қилай?— деди хоним титроқ товуш билан ва қўли билан сочларини силаб қўйди.— Хўш, нима қилай? Майли.

Хонимнинг кўзлари жиқ ёшга тўлган эди, лаблари титрарди, бутун қиёфаси ҳайрон қоларли даражада оқариб кетган ва ғазабга тўлган эди. Орловнинг қўпол ва пасткаш алдоқчилиги хонимни ғазаблантирар, унга нафратли ва кулгили бўлиб кўринарди; хоним жилмаяр эди ва бу жилмайиш менга ёқмас эди.

— Хўш, нима қилай?— деб такрорлади хоним ва яна қўли билан сочларини силади.— Майли. У мени хўрликдан ўлади деб ўйлайди, менга эса бу... кулгили. Бекорга у қочиб юрибди.— Хоним роялдан нари кетди ва елкаларини қисиб деди:— Бекорга... қочиб, бегона квартирларда яшириниб юргандан кўра, очиқ-ёриқ гаплашиш осонроқ эди. Менинг кўзларим бор, мен ўзим ҳам кўпдан бери кўриб турган эдим... Узил-кесил гаплашиш учун фақат унинг қайтиб келишини кутардим.

Сўнгра хоним стол ёнидаги креслога ўтириб, бошини диваннинг тутқичига қўйиб, аччиқ-аччиқ йиғлади. Меҳмонхонадаги қандилда фақат бир шам ёнар эди, хоним ўтирган кресло атрофи қоронғи эди, лекин мен хонимнинг боши ва елкалари тесканиб-тесканиб турганини, сочлари ёйилиб кетиб бўйни, юзи ва қўлларини беркитганини кўрдим... Хонимнинг маромли, бир текис, ювош, оддий аёлча йиғисиди таҳқир этилган ғурур, алам, энди тузатиб бўлмайдиган ва кўникиб ҳам бўлмайдиган чорасизлик ва умидсизлик сезилиб турмоқда эди. Менинг ҳаяжонланган, изтиробланиб турган юрагим хонимнинг йиғи товушига акс садо бермоқда эди. Мен энди ўз касалимни ҳам, дунёдаги барча нарсани ҳам унутиб, меҳмонхонада у ёқдан бу ёққа юрар ва ўзимни йўқотиб ғўлдирар эдим:

— Бу қандай бўлмағур ҳаёт?.. О, бундай яшаш мумкин эмас! Мумкин эмас! Бу ҳаёт эмас, телбалик ва жиноятдир.

— Қандай хўрлик!— дерди хоним йиғлаб туриб.— Унга оғирлигим тушса, устимдан кулса, тагин мен билан бирга яшагани, менга илжайиб қарагани нимаси... О, қандай хўрлик!

Хоним бошини кўтарди ва сочлари орасидан ёшли кўзлари билан менга тикилиб, менга қарашга халақит берган соч толимларини тузатиб, сўради:

— Улар мёндан кулишдими?

— Бу одамларга сиз ҳам, сизнинг муҳаббатингиз ҳам ва гўё сиз ўқиб ибрат олганингиз Тургенев ҳам кулгили. Агар ҳозир биз иккимиз қайғи-ҳасратдан ўлиб қолсак, улар шунга ҳам кулишади. Бу тўғрида улар кулгили анекдот тўқишиб, сизнинг жаноза-маъракаингизда сўзлайдилар. Улар ҳақида гапириб ўтиришнинг нима ҳожати бор?— дедим мен тоқатсизлик билан.— Бу ердан қочиш керак. Мен бу ерда бир минут ҳам қола олмайман.

Хоним яна йиғлаб юборди, мен эса рояль ёнига ўтириб:

— Биз нимани кутмоқдамиз?— деб сўрадим ғамгин ҳолда.— Соат уч бўлай деб қолди.

— Мен ҳеч нарса кутмайман,— деди хоним.— Мен тамом бўлдим.

— Нега бундай дейсиз? Яхшиси, икковимиз бирликда, нима қилиш зарурлигини ўйлаб чиқайлик! Сизга ҳам, менга ҳам энди бу ерда қолиш мумкин эмас... Сиз бу ердан қаерга жўнамоқчисиз?

Бирдан даҳлизда қўнғироқ жаранглади. Юрагим шувиллаб кетди. Кукушкин менинг устимдан арз қилган бўлса, Орлов келиб қолмадимикин? деб ўйладим. Биз иккимиз қандай учрашамиз? Мен эшикни очгани бордим. Поля келган экан. У ичкари кириб, даҳлизда пальтосининг қорини қоқди-да, менга индамасдан, ўз бўлмасига кириб кетди. Мен меҳмонхонага қайтганимда, Зинаида Федоровнанинг ранги мурда каби оппоқ оқариб, уй ўртасида тикка турар ва кўзларини катта очиб мен томонга термуларди.

— Ким келди?— деб сўради хоним астагина.

— Поля,— деб жавоб бердим.

Хоним қўли билан сочларини силаб қўйди ва боши айланиб, кўзларини юмиб олди.

— Мен ҳозир бу ердан жўнаб кетаман,— деди у.— Сиз марҳамат қилиб, мени Петербургская сторонага қадар кузатиб қўйсангиз. Ҳозир соат неча бўлди?

— Чоракам уч.

#### XIV

Биз бир оздан сўнг уйдан чиқдик, кўчада ҳеч ким йўқ ва қоронғи эди, ҳўл қор ёғар, намхуш шамол юзларга урилар эди. Эсимда борки, ўша маҳал март ойнининг боши

эди, қор эриб, бир неча кундан бери извошчилар чана ўрнига гилдиракли извош қўшмоқда эдилар. Хилват зина-  
поя, совуқ, тун қоронғиси ва бизни дарвозадан чиқармас-  
дан туриб ҳовли қоровулининг сўраган гаплари таъсири  
остида Зинаида Федоровна бутунлай ҳолдан кетди ва руҳи  
чўкди. Биз извошга ўтириб, бошимизни беркитиб олган-  
дан сўнг, хонимнинг танасидаги титроқ ҳали босилмасда-  
ноқ, менга ташаккур айтишга шошилди:

— Мен сизнинг ниятингиз яхшилигига жуда ишона-  
ман, лекин ташвиш тортганингиз учун уялмоқдаман. . .—  
деди хоним.— О, мен албатта тушунаман, тушунаман. . .  
Бугун кечқурун Грузин келган чоғда, мен унинг ёлғон га-  
пираётганини ва чиманидир яширмоқда эканини сезган  
эдим. Хўш, нима ҳам қилай? Майли. Лекин ҳар ҳолда сиз  
ташвиш тортганингиз учун мен уялмоқдаман.

Хонимнинг ҳамон баъзи шубҳалари йўқ эмас эди. Бу  
шубҳаларни тамоман кўкка созуриш учун, мен извошчи-  
га Сергиевская кўчасидан юришга буюрдим; Пекарский  
нинг уйи ёнида тўхталиб, извошдан тушдим-да, уй қўнғи-  
роғини чалдим. Швейцар эшикни очгач, мен Зинаида Фе-  
доровна эшитгудай қаттиқ овоз билан, Георгий Иванович  
уйдами деб сўрадим.

— Уйда,— деди у,— келганига ярим соат бўлди. Энди  
ухлаб ётгандир. Сенга нима керак эди?

Зинаида Федоровна чидаб туролмади, извошдан бо-  
шини чиқариб, сўради:

— Георгий Иванович бу уйда кўпдан бери яшайдими?

— Ҳозир учинчи ҳафта.

— Ҳеч ёққа кетгани йўқмиди?

— Ҳеч ёққа,— деб жавоб қилди швейцар ва менга та-  
ажжуб билан қараб қўйди.

— Эртага барвақтроқ унга,— дедим.— Варшавадан  
синглингиз келибди, дегин. Хайр.

Шундан сўнг биз яна нари жўнадик. Извошнинг соя-  
бони йўқлигидан, устимизга қор ёғиб турмоқда эди, ай-  
ниқса Нева бўйига етганда, совуқ шамол суяклардан ҳам  
ўтиб кетди. Биз жуда кўпдан бери йўл босаётгандай, азоб  
чекаётгандай сезилди ва менга Зинаида Федоровнанинг  
титроқ нафаси ҳам кўпдан бери сезилаётгандай туйилиб  
кетди. Мен кўз учи билан, худди уйқуга кета туриб ярим  
алаҳлагандай ўзимнинг ғалати, бемаъно ҳаётимга қайри-  
либ қарадим ва негадир, болалик чоғимда икки марта  
кўрган «Париж тиланчилари» номли мелодрама эсим-



га тушиб кетди. Мен бу ярим алахлашдан қутилиш учун бошимни кўтариб извош тепасидан қараган эдим, тонг ёришганини кўрдим ва бирдан ўтмишнинг ҳамма образлари, ҳамма ноаниқ фикрлар бир бутун, равшан, мустаҳкам фикрга айланиб, мен ва Зинаида Федоровна энди тамоман ҳалок бўлганмиз деган маъно чиқди. Бу — ишонч эди, гўё кўм-кўк совуқ осмон шу нарсадан далолат берарди, лекин бир лаҳзадан сўнг мен бошқа нарса тўғрисида ўйлар ва бошқа нарсага ишонар эдим.

— Мен энди нима бўлдим?— деди Зинаида Федоровна совуқдан ва намликдан хириллаган товуши билан.— Қарга борай, нима қилай? Грузин: монастирга боринг, деди. О, мен монастирга борар эдим! Қийимларимни, қиёфамни, исмимни, фикрларимни, ҳамма, ҳамма нарсамни. . . ўзгартириб олардим ва кўздан абадий ниҳон бўлур эдим. Лекин мени монастирга қўймадилар. Мен ҳомиладорман.

— Биз эртага икковимиз чет элга жўнаймиз,— дедим.

— Мумкин эмас. Эрим менга паспортимни бермайди.

— Мен сизни паспортсиз олиб ўтаман.

Извошчи, қорамтир ранг билан бўялган икки қаватли ёғоч уй ёнида тухтади. Мен қўнғироқни жиринглатдим. Кичкинагина, енгил корзинкани (ўзимиз билан бирга олган бирдан-бир багаж шу эди) менинг қўлимдан олиб туриб, Зинаида Федоровна қандайдир бир нордон табасум билан, деди:

— Бу менинг жавоҳиротларим. . .

Лекин хоним шу қадар заифлашган эдики, бу жавоҳиротларни ушлаб туришга ҳам дармони етмас эди. Узоқ вақтгача эшикни очмадилар. Учинчи ёки тўртинчи қўнғироқдан сўнг деразалардан ёруғ кўринди, қадам товушлари, йўтал, шивирлаш эшитилди. Ниҳоят, қулф очилиб, эшик оғзидан қип-қизил, чўчиган юзли семиз бир хотин кўринди. Унинг орқасида, бир мунча нарироқда, оқ кофта кийган, қирқилган оппоқ сочли кичкинагина, озгингина кампир қўлига шам ушлаб турар эди. Зинаида Федоровна даҳлизга югуриб кирди-да, шу кампирнинг бўйнига ташланди.

— Нина, мен алдандим!— деб қаттиқ йиғлаб юборди.— Мен қўпол ва қабиҳ равишда алдандим! Нина! Нина!

Мен бояги хотинга корзинкани топширдим. Эшикни беркитдилар, лекин ҳамон ичкаридан йиғи ва «Нина!» деган қичқариқ эшитилиб турарди. Мен извошга ўтириб,

аста-секин Невский проспектидан юришга буюрдим. Узимни қаерда тунашим тўғрисида ҳам ўйлашим керак эди.

Эртаси кун кечга яқин Зинаида Федоровнанинг ёнига бордим. Хоним жуда ўзгарган эди. Унинг сарғайган, анча озиб қолган юзида энди кўз ёшларининг изи ҳам йўқ ва кўриниши ҳам бутунлай бошқача эди. Билмадим, хонимни энди зеби-зийнатлардан йироқ бир шароитда кўрганмиданми ва энди ўртамиздаги муносабатларимиз бошқача бўлганиданми ёки эҳтимол, кучли қайғи-ҳасрат хонимга ўз муҳрини урганиданми, у менга ҳар доимгидай латофатли ва жозибадор бўлиб кўринмади. Қадди-қомати гўё аввалгидан кичикроқ эди, ҳаракатларида, юришида, юзида мен ортиқча асабийлик, тажанглик сездим, худди у шошиларди ва ҳатто унинг табассумида ҳам аввалги мулоимлик йўқ эди. Мен энди кундуз куни сотиб олганим қиммат баҳо костюмни кийиб олган эдим. Хоним дастлаб менинг шу костюмимга ва қўлимдаги шляпага кўз ташлаб, сўнгра юзимга бетоқатлик билан синчиклаб текширгандай қаради.

— Сизнинг ўзгаришингиз менга ҳамон қандайдир муъжизадай кўринади,— деди хоним.— Мен сизга бу қадар синчиклаб қараганим учун кечирасиз. Ахир сиз фавқулодда ажойиб бир одам экансиз.

Мен хонимга яна бир марта ўзимнинг ким эканимни ва Орловнинг уйида нима учун яшаганимни айтиб бердим, бу тўғрида кечагига нисбатан узоқроқ ҳам мукамалроқ сўзладим. Хоним зўр диққат билан қулоқ солди ва сўзимни тамом қилдирмасдан, деди:

— Мен энди у билан узил-кесил бўлдим. Биласизми, мен чидаб тура олмасдан, хат ёзиб юборган эдим. Хатимга жавоб келди, мана.

Хоним менга узатган қоғозга Орловнинг қўли билан шундай ёзилган эди: «Мен ўзимни оқлаб ўтирмайман. Лекин бўйнингизга олингки, мен эмас сиз адашгансиз. Бахт тилайман ва сизни ҳурмат қилувчи Г. О. ни тезроқ унутиб юборишингизни ўтинаман.

Р. С. Буюмларингизни юбордим».

Орлов юборган сандиқ ва корзиналар худди шу меҳмонхонада турар эди, уларнинг орасида менинг арзимас чамадоним ҳам бор эди.

— Демак,— деди Зинаида Федоровна ва охирини гапирмади.

Биз жим қолишдик. Хоним хатни қўлига олиб, икки минутча кўз олдида тутиб турди. Шу чоғ унинг юзида, кеча иккимиз гаплаша бошлаганимиздаги каби, ғурур, нафрат ифодаси пайдо бўлди. Хонимнинг кўзларида ёш кўринди, лекин бу ёшлар қўрқидан, алам қилгандан эмас, ғурур ва ғазабдан келган ёшлар эди.

— Қулоқ солинг,— деди хоним, шиддат билан ўрнидан туриб ва мен унинг юзини кўрмаслигим учун дераза ёнига кетиб.— Мен шундай қарорга келдим: эртагаёқ сиз билан бирга чет элга жўнайман.

— Жуда соз. Мен бугун бўлса ҳам жўнашга тайёрман.

— Мени сафарбар этинг. Сиз Бальзакни ўқиганмисиз?— деб сўради хоним бирдан менга ўгирилиб.— Уқиганмисиз? Унинг «Горио ота» романининг охирида қаҳрамон қир тепасидан Парижга қараб туриб: «Энди биз ўчимизни оламиз!» дейди ва шундан сўнг янги ҳаёт бошлайди. Мен ҳам шундай, вагондан энг сўнгги марта Петербургга қараганимда унга: «Энди биз ўч оламиз!» дейман.

Бу сўзни айтгач, хоним ўзининг шу ҳазилига кулиб қўйди ва негадир бутун вужуди сесканиб кетди.

## XV

Венецияда менда плевритик оғриқлар бошланди. Кечкурун вокзалдан «Ванеч» меҳмонхонасига юзиб келаётганимизда шамоллаб қолган эканман. Биринчи кунданоқ ёстиққа бош қўйиб, икки ҳафта ётишга тўғри келди. Касал вақтимда ҳар куни эрталаб Зинаида Федоровна ўз номеридан менинг ёнимга, бирга кофе ичиш учун келар эди, сўнгра менга французча ҳам русча китобларни товуш чиқариб ўқиб берар эди, бу китобларни биз Венадан анчагина сотиб олган эдик. Бу китоблар менга кўпдан таниш ёки қизиқарли эмас эди, аммо ёнбошимда мулоийм, ёқимли овоз янграб тургани учун бу ўқишларнинг ҳаммасидан: мен ёлғиз эмасман деган мазмун чиқар эди. Хоним сайр этишга борар, оч кул ранг кўйлак ва енгил похол шляпа кийиб, баҳор қуёшидан баҳраманд, хушчақчақ қайтиб келар ва ўрним ёнига ўтириб, энгашиб юзимга яқин келиб, Венеция ҳақида бирор нарса гапирар ёки китоб ўқиб берар эди,— мен ҳузур қилар эдим.

Кечаси совқотардим, оғриғим қўзгарди, зерикардим, лекин кундуз куни ҳаёт гаштини сураар эдимки, бундан

яхши ибора топиш мумкин эмас. Очиқ деразаларга, балкон эшикларига сочилиб турган порлоқ ва қайноқ қуёш шуълалари, пастдан эшитилиб турган шовқинлар, қайиқ човларининг сувда шипиллаши, черков қўнғироқларининг жарангги, туш пайти отилган замбаракларнинг акс садо билан гумбурлаши ва тўла-тўкис эркинликни сезиш менга ажойиб таъсирлар кўрсатмоқда эди. Мен икки ёнбошимда кучли, кенг қанотлар сезар эдимки, бу қанотлар мени худо билсин, қаёқларга парвоз урдирар эди. Энди менинг ҳаётим билан ёнма-ён бораётган иккинчи бир ҳаёт борлигини ўйлашдан, ёш, чиройли ва бой, лекин заиф, таҳқирланган ёлғиз бир вужуднинг хизматкори, соқчиси, дўсти ва зарур йўлдоши эканимни ўйлашдан гоҳо қанча хурсандлик туғилар, қанча гўзал туйғулар уйғонар эди! Сенинг соғайишингни байрамни кутгандай кутиб юрувчи одамлар борлигини билганда, ҳатто касал бўлиб ётиш ҳам ёқимлидир. Бир марта эшик орқасида хонимнинг докторим билан шивирлашганини эшитдим, хоним ёнимга кирганда кўзлари ёшдан нам эди,— бу ёмон бир аломат эди,— лекин мен эриб кетдим ва кўнглим жуда енгил тортди.

Ниҳоят менга балконга чиқишга рухсат берилди. Қуёш ва денгиздан эсган енгил шаббода менинг хаста танимга ёқар, уни эркалатар эди. Мен пастга, денгиз сатҳига, хотинлардай таннозлиқ билан бир текис ва улуғвор сузиб юрган, худди одамдай бу оригинал ва нафис маданиятнинг барча зеби-зийнатларини сезгандай кўринган, мен кўпдан бери билган чиройли қайиқларга кўз тикаман. Денгиз ҳиди келади. Қаердадир тор чалинмоқда ва қўш овоз билан ашула айтишмоқда. Қандай яхши! Ҳўл қор ёғиб турган ва юзларга шатирлатиб уриб турган бирмаҳалги Петербург кечасига сира ўхшамайди! Мана, агар канал оша тўппа-тўғри кўз ташланса, денгиз соҳили кўринади; уфқдан кенг денгиз сатҳи бўйлаб қуёш шуълалари шу қадар ўткир, жимирлаб ўйнайдик, кўз қамашади. Мен ёшликда кўрган жонажон, яхши денгиз томон кўнглим талпинади. Яшамоқ истайман! Яшамоқ истайман, холос!

Икки ҳафтадан сўнг истаган еримга бора оладиган бўлдим. Мен офтобда ўтиришни, тушунмасам ҳам қайиқчининг гапига қулоқ солишни ва айтишларига кўра гўё Дездемона яшаган уйга соатларча тикилиб туришни яхши кўрар эдим,— бу уй содда, ғуссали ёш қизлар қиёфасидай кўринарди, ипак тўр сингари енгил эди, шу қадар енгил эдики, худди уни бир қўл билан жойидан силжитиш

мумкиндай эди. Канова<sup>1</sup> мозори ёнида узоқ вақт турар ва ҳасратли шер ҳайкалидан кўзларимни узмас эдим. Бошлиқлар саройида эса боёқиш Марино Фельерони<sup>2</sup> қора бўёқ билан бўяб ташланган бурчакка боргим келаверар эди. Рассом, шоир, драматург бўлиш яхши деб ўйлардим, лекин агар бунга менинг кучим етмаса, мистицизм билан шуғулланганим ҳам яхши. Мистицизм ёки сўфилик ўзининг беташвиш осойишталиги, бирорта эътиқоднинг, гарчи, кичкина парчаси билан бўлса ҳам кўнгилни тўлдириб, қаноатлантириб туриши билан мароқлидир.

Кечқурун устрица едик, вино ичдик ва қайиққа тушиб сайр этдик. Бизнинг қора қайиғимиз тебраниб турганлиги ва унинг остида сувнинг майин шипиллагани ҳамон эсимдадир. У ён бу ёнда, сув сатҳида, юлдузлар ва қирғоқдаги чироқлар акс этади. Бизнинг яқинимизда ранго-ранг осилган чироқлари сув бетида акс этиб турган бир қайиқда аллақандай кишилар ўтиришар ва ашула айтишар эди. Қоронғи қўйнидан гитара, скрипка, мандолина овозлари, хотин ва эркакларнинг товушлари эшитилади. Зинаида Федоровна оқарган, жиддий ва ҳатто қаҳрли чеҳра билан, лабларини ва қўлларини маҳкам қисиб, менинг ёнимда ўтирар эди. Хоним нима тўғридадир ўйларди, ҳатто қошларини ҳам қимирлатмас, менинг гапларим қулоғига кирмас эди. Юзлари, ўтириши, ва ҳаракатсиз, маъносиз кўз қарашлари ҳаддан ортиқ ғамгин, эслаган нарсалари мудҳиш, қор сингари совуқ эди, теваракда эса қайиқлар, чироқлар, музыка. «Ат-то! . . . Ат-то! . . .» деган шиддатли ва эҳтиросли қичқириқлар билан айтилган қўшиқлар — шу қадар ҳаёт қарама-қаршиликлари! Хоним шу йўсинда қўлларини қисиб, тошдай қотиб, ғамгин юз билан ўтирган чоғда, гўё менга биз икковимиз қадимги услубда ёзилган «Шўр пешона аёл», «Ташланган ёр» ёки шу хилдаги бирор романда иштирок этаётгандай кўринарди. Икковимиздан биримиз: хоним — шўр пешона, ташланган аёл, мен эса — вафодор, содиқ бир дўст, хаёлпараст, агар таъбир жоиз бўлса, ортиқча одам, йўталиш, хаёл суриш ва ўз ўзини қурбон қилишдан бошқа нарсага ярамайдиган, лаёқатсиз, толеи паст одам. . . лекин менинг қурбонларим

<sup>1</sup> *Канова Антонио (1757-1822)* — Италиян ҳайкалтароши.

<sup>2</sup> *Марино Фальеро (Фальери)* — қариб қолган чоғида республиканинг биринчи постига сайланган, ўзининг фожиали ҳаёти билан машҳур бўлган Венеция раҳбарларидан.

ҳозир кимга керак? Ва мен нимани қурбон қилишим мумкин? деган савол қўзғалади.

Кечқурунги сайр-томошадан кейин биз ҳар сафар хонимнинг номерида чой ичар ва суҳбатлашар эдик. Биз, ҳали усти бекилмаган эски яраларга қўл текизишдан қўрқмас эдик, аксинча, мен Орловнинг уйидаги ҳаётимни гапирсам ёки менга маълум бўлган ва мендан яширин қолиши мумкин бўлмаган муносабатлар ҳақида очиқдан-очиқ гапирсам, ҳатто ҳузур қилар эдим.

— Айрим пайтларда мен сизни ёмон кўриб кетардим,— дердим.— Орлов инжиқлик қилса, сизнинг раъйингизга юрса-ю, ёлғонласа, мен сизнинг ҳеч нарсани кўрмаслигингиздан, очиқ-ойдин нарсани тушунмаслигингиздан ҳайрон бўлар эдим. Унинг қўлларини ўпардингиз, хушомад қилардингиз. . .

— Мен. . . қўлларини ўпган ва тиз чўккан вақтимда уни севардим. . .— дерди хоним, қизариб.

— Наҳотки унинг кўнглидагини билиш шунчалик қийин эди? Яхши сфинкс? Сфинкс — Каммер-юнкер! Мен сиздан ҳеч гина қилмайман, худо сақласин,— деб давом этдим, мен ўзимнинг дағалроқ эканимни, ўзгалар кўнглини овлашда зарур бўлган киборлар жамиятига хос одоб ва хушмуомала менда йўқлигини сезиб турардим: илгари, то мен хоним билан танишгунча ўзимда бу камчиликни сезмас эдим.— Бироқ сиз нега сеза олмадингиз?— деб такорладим, лекин бу сафар секинроқ ва ҳадиксираброқ гапирдим.

— Сиз менинг ўтмишимни ёмон кўришингизни айтмоқчи бўласиз, сиз ҳақлисиз,— деди хоним қаттиқ ҳаяжонланиб,— сиз алоҳида кишилар тоифасига кирасизки, бундай кишиларни оддий газ билан ўлчаб бўлмайди, сизнинг ахлоқий талабларингиз одоб доирасидан ҳеч чиқмайди, шу сабабдан ҳам мен, сизнинг кечира олмаслигингизни тушунаман. Мен сизни яхши тушунаман, лекин, баъзан қарама-қарши гапирсам, бу сизга қараганда менинг нарсаларга бошқача қарашимни билдирмайди; эски сафсатарни гапиришимнинг сабаби — ўзимнинг эски кўйлакларимни хали кийиб эскирта олмаганимдан ва эски фикрларнинг қолдигандир. Ўзим ҳам ўтмишимни, Орловни ва унга бўлган севгимни ҳозир ёмон кўраман. Қандай севги эди бу? Ҳозир, ҳатто буларнинг барчаси кулгига ўхшайди,— деди хоним дераза ёнига келиб, пастдаги каналга қараб.— Бу севгиларнинг бари фақат виждонни

сусайтиради ва йўлдан оздиради. Ҳаётнинг мазмуни фақат бир нарсада — курашдадир. Қабих илоннинг бошини пошна остига олиб, ғирчиллатиб янчиш керак. Ҳаётнинг мазмуни мана шу. Бир шунинг ўзидагина мазмун бор, ёки бўлмаса, мазмун бутунлай йўқ.

Мен хонимга ўз бошимдан кечган воқиаларни айтиб ҳақиқатан ажойиб саргузаштларни тасвирлаб бердим. Лекин сўнгги вақтларда менда юз берган ўзгариш тўғрисида бирор сўз ҳам оғзимдан чиқармадим. Хоним ҳар гал менинг гапларимга зўр диққат билан қулоқ солар ва қизиқ жойлари келганда қўлларини ишқалаб, гўё шу хил саргузашт, ваҳима ва шодликларни бошидан кечира олмаганига афсуслангандай бўлар, лекин бирдан ўйга чўмиб кетар, ўз-ўзи билан овора бўлар, шунда хонимнинг чеҳрасидан менинг гапимга қулоқ солмаётганини кўрар эдим.

Мен, канал томондаги деразаларни беркитиб, хонимдан ўт ёқиш керакми? деб сўрардим.

— Йўқ, қўяверинг, совқотганим йўқ, — дерди хоним суст табассум билан. — мен фақат жуда бўшашиб кетдим. Биласизми, мен сўнгги вақтларда гўё жуда ақлли бўлиб кетганга ўхшайман. Ҳозир менда ажойиб, оригинал фикрлар пайдо бўлади. Мен масалан, ўтмиш тўғрисида, ўзимнинг ўша вақтдаги турмушим тўғрисида... умуман кишилар тўғрисида ўйлаган чоғимда, бу нарсаларнинг ҳаммаси бирга тўпланиб, биргина ўғай онамнинг образига айланади. Ўғай онам — қўпол, беҳаё, бераҳм, қаллоб, бўзуқ ва буларнинг устига яна морфихўр эди. Отам, заиф ва бўшанг бўлиб, менинг онамга пул учун уйланган, охири сил қилиб ўлдирган, иккинчи хотинини, менинг ўғай онамни эса, ўлгудай яхши кўрган... Кандай азоблар чекмадим мен! Гапирган билан адо бўлмайди! Шунинг учун айтаётирманки, ҳаммаси бир образга айланиб кетди... Менга алам қилади: нечун ўғай онам ўлиб кетди! Ҳозир у билан учрашишни истар эдим!..

— Нечун?

— Шундай, билмайман... — деди хоним кулиб ва бошларини чиройли силкитиб. — Хайрли тун, яхши туш кўринг. Соғайиб кетинг. Тўзалдингиз дегунча, ишларимиз билан шуғулланамиз... Хайр.

Мен хайрлашиб, эшикни очай деб турганимда, хоним сўради:

— Сиз нима дейсиз! Поля ҳамон унинг уйида яшаб юрганмикин!

— Эҳтимол.

Шундан сўнг мен ўз уйимга чиқиб кетдим. Шу аҳволда биз бир ой яшадик. Булутли кунлардан бирида, туш пайти, икковимиз менинг номеримда, денгиз томондан келаётган булутларга ва мовий тусга кирган каналга индамасдан тикилиб, ёмғир ёғишини кутмоқда эдик, бир чеккадан энсиз, қалин ёмғир қатлами қирғоқни худди дока сингари қоплаган эди, шу пайтда бирдан иккимиз ҳам зерикиб қолдик. Шу куннинг ўзидаёқ биз Флоренцияга жўнаб кетдик.

## XVI

Бу воқиа куз фасли Ниццеда юз берди. Бир кун эрта-лаб, мен хонимнинг номерига кирган чоғимда, хоним креслода, оёғини оёғига қўйиб, икки букилиб, қўллари билан юзини беркитиб, хўрсиниб-хўрсиниб йиғламоқда эди, унинг узун, таралмаган сочлари тиззасига тушиб турарди. Ҳозиргина кўриб келганим ва шу тўғрида сўзлаб бермоқчи бўлганим, ажойиб-ғаройиб денгиз таассуроти мендан нари кетди, юрагим оғриқдан сиқилди.

— Нима учун йиғлаётирсиз?— деб сўрардим.

Хоним бир қўлини юзидан айириб, менинг чиқиб кетишим учун ишора қилди.

— Ахир, нега йиғлаётирсиз?— деб такрорладим ва танишганимиздан бери биринчи марта унинг қўлини ўпдим.

— Йўқ, йўқ, ҳечқиси йўқ!— деди хоним шошилиб.— Ох, ҳечқиси йўқ, ҳеч... чиқиб кета қолинг... кўриб турибсиз-ку, мен кийинмаганман.

Мен жуда ҳайронлик билан чиқиб кетдим. Кўптан бери менга ҳамдам бўлмиш тинчлик ва қайғусиз кайфият, ачиниш туйғуси билан заҳарланган эди. Хонимнинг ўзи якка йиғламаслиги, мен билан ҳамдардлашиши учун унинг оёғига йиқилиб, унга ўлгудай ёлворгим келар эди. Денгизнинг бир текис шовқини энди менинг қулоғимга ваҳимали бир ваҳий сингари эшитилди ва мен янги кўз ёшлари, янги ҳасрат ва йўқотишларни кўрдим. Хоним нега йиғлаётир? деб савол берар эдим, унинг юзи ва изтиробли карашини кўз олдимга келтириб, хонимнинг ҳомиладорлиги эсимга тушди. Хоним ўз ҳомиладорлигини кишилардан ҳам, ўз-ўзидан ҳам яширишга уринар эди. Уй ичида у кенг блуза ёки кўкрак бурмалари дўмпайтирилган кофточка кийиб юрар, бирор ерга борганда эса, белини шу қадар қисиб боғлар эдики, шунинг учун сайр чоғида



икки марта беҳуш бўлиб йиқилган эди. Хоним мен билан ҳеч қачон ўз ҳомиладорлиги тўғрисида гаплашмас эди. Бир куни мен хонимга, доктор билан маслаҳат қилинса дуруст бўлур эди, деган мазмунда гап бошлаган эдим, у жуда қизариб кетди ва бирор сўз демеди.

Мен сўнгра хонимнинг ёнига кирганимда, у кийинган ва сочлари таралган эди.

— Бўлди, бўлди!— дедим, унинг йиғлаб юборгудай бўлиб турганини кўриб.— Қани юринг, денгиз бўйига бориб, гаплашамиз.

— Мен гаплашолмайман. Кечирасиз, мен ҳозир шундай бир кайфиятдаманки, ўзим ёлғиз ўтиргим келади. Сиздан ўтиниб сўрайман, Владимир Иванович, бундан бошқа вақтда менинг ёнимга кирмоқчи бўлсангиз, аввал бошлаб эшикни тиқирлатинг.

Бу «аввал бошлаб» сўзи менга қандайдир бошқача, хотин кишига хос бўлмаган тариқада эшитилди. Мен чиқиб кетдим. Петербургдаги сингари лаънати кайфият қайтиб келди ва менинг бутун орзуларим иссиқдан қовжирган япроқ сингари буришиб, жизгинаги чиқди. Мен яна ўзимнинг ёлғизлгимни, ўртамизда ҳеч қандай яқинлик йўқлигини сездим. Мен хоним учун худди анави хурмо дарахтида тасодифан осилиб турган ўргимчак уясилай нарса, ҳар лаҳзада шамол учуриб кетиши мумкин. Мен, музыка чалиниб турган боққа чиқиб айландим, казинога кирдим. Бу ердаги ҳаддан ортиқ ясанган, атир ҳидлари анқиб турган хотинларга кўз югуртирдим, ҳар битта хотин менга қараб, гўё: «Сен ёлғизсан, жуда соз...» дегандай кўринар эди. Сўнгра мен айвонга чиқдим ва ўзоқ вақт денгизни томоша қилдим. Олисда, уфқ томонда бирорта ҳам елкан кўринмас эди. Чап қирғоқда қизғич туман ичидан тоғлар, боғлар, минора ва уйлар кўринар, барчасида қуёш нурлари ўйнарди, лекин барчаси бегона, бепарво, аллақандай чалкаш эди.

## XVII

Хоним аввалгидай ҳар кун эрталаб менинг ёнимга кофе ичиш учун келар эди, лекин энди биз обедни бирга емасдик; хонимнинг айтишича, овқат егиси келмасди, фақат кофе, чой ва апельсин, карамель сингари майда-чуйдалар билан озиқланарди.

Энди кечқурунлари гаплашиб ўтирмайдиган бўлиб қолдик. Билмайман, нима учун шундай бўлди. Хоним йиғ-

лаб ўтирганда кириб гап сўраганимдан кейин, унинг муносабати бошқачароқ бўлиб қолди, хоним менга беилтифот қараб, ҳатто истехзо билан мени негадир «тақсирим» деб атай бошлади. Илгари хонимга ваҳимадор, ҳайрон қоларли, қаҳрамонона бўлиб кўринган ва унда ҳасад ҳам завқ қўзғатган саргузаштларим, энди унга асло таъсир этмас эди, одатда хоним менинг гапимни эшитиб бўлиб, енгилгина керишар ва:

— Шундай, тақсирим, Полтава ёнида иш катта — ҳамён латта бўлган эди, бир вақт, — дерди.

Ҳатто шундай бўлардики, мен хоним билан кун бўйи кўришмас эдим. Баъзан, айбдор кишидай эшикни аста-секин тиқирлатсам жавоб бўлмас эди; яна қайтиб тиқирлатсам ҳам жимлик... Сўнг эшик ёнида қулоқ солиб турардим. Лекин ёнбошимдан ўтиб кетаётган бир хизматчи хотин совуққина қилиб, дейди: «Хоним чиқиб кетганлар». Сўнг меҳмонхонанинг коридори бўйлаб юравераман... Аллақандай инглизлар, кўкраги лорсиллаган хонимлар; фрак кийган югурдаклар... Мен бутун коридор бўйлаб чўзилган йўл-йўл гиламга узоқроқ тикилиб қолсам, бу хотиннинг ҳаётида ғалати, балки қалбаки роль ўйнаганим ва бу ролни ўзгартиш энди қўлимдан келмаслиги кўнглимдан ўтади. Шундан сўнг ўз номеримга югураман, тўшакка ётиб олиб ўйлайман, ўйлайман, лекин ҳеч нарса ўйлаб тополмайман, фақат бир нарса равшан кўринадики, яшашни истайман! Хонимнинг юзи қанчалик хунукроқ ва сезгисизроқ бўла борса, шунчалик у менга ёқади ва мен иккимизнинг бир-биримизга яқинлигимизни шунчалик кучлироқ ва қаттиқроқ сезаман. Майли, мен «тақсири» бўлай, майли, бу енгилтак, беилтифот оҳанг давом этсин, майли, истаганинг бўлай, лекин фақат мени ташлаб кетма, жонгинам. Мен энди ёлғиз қолишдан қўрқаман.

Сўнгра мен яна коридорга чиқаман, ҳаяжон билан қулоқ соламан... Мен тушлик овқатни ҳам емайман, қандай кеч кирганини ҳам сезмайман. Ниҳоят, соат ўндан ошганда таниш қадамлар эшитилади ва зинапоя ёнидаги муюлишда Зинаида Федоровна кўринади. Ёнимдан ўтаётди:

— Айланиб юрибсизми? — деб сўрайди хоним. — Ташқарига чиқсангиз яхшироқ эди... Хайрли кеч!

— Наҳот, энди биз бугун кўришмаймизми?

— Кеч кириб қолганга ўхшайди, лекин ихтиёрингиз.

Хоним кетидан номерга кириб туриб сўрадим:

— Айтингчи, қаерда бўлдингиз?

— Қаерда бўлардим? Монте-Карлода эдим,— хоним чўнтагидан ўнтача олтин тангаларни чиқариб деди:— Ма-на, тақсирим. Ютиб олдим. Рулетка ўйнадим.

— Лекин, энди ўйнамассиз.

— Нима учун? Мен эртага ҳам бораман.

Мен хонимнинг беҳузур, касалманд қиёфада ҳомиладорлигини яшириш учун белини қаттиқ қисганча асал устида уймалашган пашшалар сингари олтин тангалар атрофини қуршаган бузуқ хотинлар, ақлдан озган кампирлар орасида карта столи олдида туришини кўз олдимга келтирдим. Хонимнинг нима учундир мендан яширинча Монте-Карлога кетганини эсладим.

— Мен сизга ишонмайман,— дедим бир куни.— Сиз у жойга бормайсиз.

— Ташвиш тортманг. Кўп пул ютқизмайман.

— Гап ютқизишда эмас,— дедим афсусланиб.— Сиз ўша ерда қимор ўйнаган чоғингизда: олтинларнинг йилтираши, ўша ердаги қари ва ёш хотинларнинг ҳаммаси, ҳамма вазият — ишчининг меҳнатини, жони-жаҳди билан ишлаб тўккан терини аблаҳларча, разилларча масхара-лашдан иборат эканлиги фикрингизга келмадими?

— Агар ўйнамасам, бу ерда нима иш қиламан?— деб сўради хоним.— Ишчининг меҳнати, жони-жаҳди билан ишлаб тўккан тери каби сўзларингизни кейинги сафаргача сақлаб қўйинг, ҳозир эса ўзингиз гап бошлаганингиз учун, менга давом эттиришга рухсат беринг; масалани кўндаланг қўйишга рухсат этинг: мен бу ерда нима қилай ва нима қиламан?

— Нима қилиш керак?— дедим елкаларимни қисиб.— Бу сўроққа бирдан жавоб бериш мумкин эмас.

— Мен сиздан виждонан жавоб беришингизни ўтинанман, Владимир Иванович,— деди хоним ва жаҳли чиқди.— Мен бу сўроқни сизга умумий гапларни эшитиш учун берганим йўқ. Мен сиздан сўрамоқдаман,— деб давом этди хоним, шапалоғи билан столга бир мақомда уриб,— мен бу ерда нима қилишим керак? Фақат бу ерда, Ниццедагина эмас, умуман нима қилишим керак?

Мен индамасдан, деразадан денгизга қарадим. Юрагим қаттиқ ўйнамоқда эди.

— Владимир Иванович,— деди хоним оҳиста, энтикиб нафас олиб; хонимга гапириш оғир эди.— Владимир Ива-

нович, агар сиз ўзингиз муайян бир ишга ишонмас экансиз, унга қайтишни ўйламас экансиз, нечун... нечун сиз мени Петербургдан бу ерга судраб келдингиз? Нега ваъда бердингиз ва нега менда телба умидлар қўзғатдингиз? Сизнинг эътиқодларингиз ўзгарди, сиз бошқа одам бўлиб қолдингиз, ҳеч ким сизни бунинг учун айбламайди, эътиқодлар ҳар чоқ киши ихтиёрида эмас, лекин... Владимир Иванович, худо ҳақи нима сабабдан сиз самимий эмассиз?— деб давом этди хоним аста, менга яқин келиб.— Мен шу ойлар ичида овоз чиқариб хаёл сурганимда, алаҳлаганимда, ўз планларимдан хурсанд бўлиб, мароқланганимда, ўз ҳаётимни янги усулга кўчираётганимда, сиз нима учун менга ҳақиқатни гапирмадингиз, индамдингиз, балки ҳикояларингиз билан мени қувватлаб, ўзингизни бусбутун менга хайрихоҳ равишда кўрсатдингиз? Нима учун? Бу нарса нима учун керак эди?

— Шарманда бўлганимни иқрор этиш қийин,— дедим ўгирилиб, лекин хонимнинг юзига қарамасдан.— Тўғри, мен ишончимни йўқотдим, толиқдим, руҳим тушди... Самимий бўлиш оғир, жуда ҳам оғир, шунинг учун мен индамаган эдим. Мен кечирган нарсаларни худо ҳеч кимнинг бошига солмасин.

Мен ҳозир йиғлаб юборадигандай кўриндим-да, индамай қолдим.

— Владимир Иванович,— деди хоним ва менинг икки қўлимдан ушлади.— Сиз кўп нарсани кўргансиз ва кўп нарсани бошдан кечиргансиз, мендан кўра кўпроқ биласиз; яхшилаб ўйлаб кўринг ва менга айтинг: мен нима қилайин? Менга ўргатинг. Агар энди қадам босишга ва орқангиздан бошқаларни эргаштириб кетишга кучингиз етмаса, ҳеч бўлмаса, қаёққа юриш кераклигини менга кўрсатиб беринг. Хўп денг, ахир мен тирик, сезгиси ва ақли бор бир одамман. Ноқулай аҳволга тушиб қолиш... аллақандай бўлмағур бир ролни ўйнаш... мен учун оғирдир. Мен сиздан гина қилмайман, сизни айбламайман, фақат ўғиниб сўрайман.

Чой келтирдилар.

— Хўш, нима дейсиз?— деб сўради Зинаида Федоровна, менга стаканни узатиб туриб.— Менга сиз нима маслаҳат берасиз?

— Туйнукдан тушган шуълани қуёш деб бўлмайди,— деб жавоб бердим.— Мендан бошқа ҳам одамлар бор, Зинаида Федоровна.

— Бор бўлса, ўшаларни менга кўрсатинг,— деди хоним дарров.— Менинг сиздан ўтиниб сўраётганим ҳам фақат шу холос.

— Мен яна айтмоқчиманки,— давом этдим,— ғояга турли соҳада ҳам хизмат қилиш мумкин. Бир соҳада адашган, ишончни йўқотган бўлсангиз, иккинчи бир соҳани топиш мумкин. Ғоялар дунёси кенг ва бепоёнدير.

— Ғоялар дунёси!— деди хоним ва юзимга кулиб қараб қўйди.— Яхшиси, бу тўғрида гапирмай қўя қолайлик... Нимани ҳам гапирардик...

Хоним қизариб кетди.

— Ғоялар дунёси! — деб такрорлади хоним ва салфеткасини бир четга иргитиб ташлади, юзлари эса, қаҳрли, жирканувчи тус олди.— Сизнинг барча мана шу гўзал ғояларингиз менинг билишимча, муқаррар ва зарурий бир ишга олиб боради, яъни мен сизнинг ўйнашингиз бўлишим керак. Сизга кераги мана шу. Ғоялар билан шуғулланган ҳолда, энг номусли, энг ғояли кишининг ўйнашига айланмаслик, ғояларни тушунмаслик экан-да. Ишни мана шундан, яъни ўйнашлиқдан бошлаш керак... Қолганлари эса ўз-ўзидан қўшилаверар экан-да.

— Сиз ачиқ устида гапираетибсиз, Зинаида Федоровна,— дедим.

— Йўқ, мен самимий гапираетибман!— деб қичқирди хоним, оғир нафас олиб.— Мен сидқидилдан гапирдим.

— Балки сиз самимий гапиргандирсиз, лекин янглиш гапирдингиз. Сизнинг гапингизни эшитиш менга оғир.

— Мен янглишибман-да! — деб кулиб юборди хоним.— Бошқа биров гапирса ҳамки, сиз гапирманг, тақсирим. Майли, мен сизга қўпол, беодоб муомала қилган бўлиб кўринарман, лекин қандай бўлмасин, сиз мени севасизми? Севасиз-ку, ахир?

Мең елкаларимни қисдим.

— Елкаларингизни қиссангиз қиса берасиз!— деди хоним кулиб.— Қасал ётган чоғингизда мен сизнинг алаҳлаганингизни эшитганман, сўнг доимий ошиқона кўз қарашларингиз, оҳи-воҳингиз, яқинлик, руҳий бирлик тўғрисида хуш ниятли гапларингиз... Лекин, энг муҳими, нима учун шу вақтгача самимий эмас эдингиз? Нима учун сиз бор нарсани яшириб, йўқ нарса тўғрисида гапириб юрингиз? Қандай ғоялар мени Петербургдан эргаштириб чиқиш учун сизни мажбур этганлигини аввал бошиданоқ айтиб қўя қолганингизда, мен нима қилишимни билар эдим.

Мен ўша вақтдаёқ заҳар ичиб қўяқолардим ва ҳозирги бемаза комедия ҳам бўлмас эди... Э, нимани ҳам гапирай!— деб хоним менга қўл силтади ва ўтирди.

— Сиз бузуқ ниятлари бор деган тарзда гапираётир-сиз,— деб хафа бўлдим.

— Хўш, майли энди. Бўлар иш бўлди. Мен сизнинг ниятларингиздан гумонсираганим йўқ, сизнинг ҳеч қандай ниятингиз бўлмаганини гапираётиман. Агар ниятларингиз бўлганда эди, менга маълум бўлар эди. Ғоя билан севгидан бошқа сизда ҳеч нарса йўқ. Ҳозир ғоя билан севги, истиқболда эса — мен ўйнаш хотин. Ҳаётда ҳам, романларда ҳам иш шу тартиб билан боради... Мана сиз Орловни ёмонлардингиз,— деди хоним ва кафтини столга урди,— лекин унинг фикрига қўшилишга киши мажбур бўлади. Унинг ғояларни ёмон кўриши бежиз эмас.

— У ғояларни ёмон кўрмайди, улардан қўрқади,— деб қичқирдим,— у қўрқоқ ва ёлғончи.

— Хўп, майли! У қўрқоқ, ёлғончи ва мени алдаб кетди, лекин сизчи? Очиғини гапирганим учун кечирасиз: сиз ким? Орлов мени алдади ва Петербургда ташлаб кетди, сиз эса мени алдаб, бу ерда ташладингиз. Лекин Орлов алдамчиликка ғояларини аралаштиргани йўқ, сиз эса...

— Худо ҳақи, нима учун сиз бундай дейсиз?— деб ваҳимага тушдим ва бошим қотиб, шошилганимча хоним ёнига келдим.— Йўқ, Зинаида Федоровна, йўқ, бу орсизлик, бу хил умидсизланиш ярамайди, менга қулоқ солинг, деб давом этдим. Шу онда бирдан бошимда сал йилтиллаган ва ҳар иккимизга ҳам нажот бериши мумкиндай кўринган бир фикрга суяниб дедим:— Менга қулоқ солинг. Мен ўз умиримда кўп нарса кўрдим, агар ҳозир хотирласам, бошим айланади. Лекин энди миям билан, оғриқ руҳим билан чуқур тушундимки, инсоннинг вазифаси битта, у ҳам бўлса ё яқин кишисига фидокорона муҳаббат қўйиш ёки бошқа ҳеч нарса эмас. Биз мана шунга қараб боришимиз керак. Бизнинг вазифамиз мана шундадир. Менинг ишончим мана шундай!

Яна мен раҳмдиллик тўғрисида, ҳеч нарсани кўнгилга олмаслик тўғрисида гапирмоқчи эдим, лекин товушим бирданига самимий оҳангини йўқотди ва мен хижолатга тушдим.

— Яшагим келади!— дедим сидқидилдан,— яшагим! Мен тинчлик, осойишталикни истайман, мана шу денгизни ва сизнинг ёнимда бўлишингизни истайман. О,

мен сизда ҳам мана шу эҳтирос билан яшаш истагини қўзғатмоқ истар эдим! Сиз ҳозиргина севги тўғрисида гапирдингиз. Лекин мен учун фақат ёнимда бўлишингиз, овозингизни эшитиш ва жамолингизни кўриш кифоядир. . .

Хоним қизариб кетди ва менинг гапимни кесиш учун, шошилиб деди:

— Сиз ҳаётни яхши кўрасиз, мен эса уни ёмон кўраман. Демак, иккимизнинг йўлимиз ҳар хил.

Хоним ўзига чой қуйди, лекин бир ҳўплам ҳам ичмай ётоқхонасига кириб кетди.

— Мен йўлайманки, биз шу гапларни йиғиштириб қўйсақ яхши бўлар эди,— деди хоним ётган жойидан.— Мен учун энди ҳамма нарса тамом бўлди, менга ҳеч нарса керак эмас. . . Ортиқча гапнинг ҳеч кераги йўқ!

— Йўқ, ҳаммаси тамом бўлгани йўқ!

— Бас энди, майли! . . Билаган! Кўнглимга урди. . .  
Бас.

Мен бир оз турдим, бурчакдан-бурчакка юрдим-да, коридорга чиқиб кетдим. Сўнгра, ярим кечадан кейин хонимнинг эшиги ёнига келиб, қулоқ солган эдим, йиғи товуши аниқ эшитилди.

Эртаси кун эрталаб, малай менга кийим узата туриб, табассум билан, ўн учинчи номердаги хонимни дард тутаётганини хабар қилди. Мен чала-чулпа кийиниб, ҳовлиқиб, Зинаида Федоровна ёнига югурдим. Хонимнинг номерида доктор, акушерка ва Дарья Михайловна деган харьковлик рус хотин бор эди. Эфир дорисининг ҳиди келиб турар эди. Остонадан ҳатлаб ўтишим билан хоним ётган бўлмадан оҳиста инграган товуш эшитилди, гўё бу товушни Россиядан шамол учуриб келганга ўхшади, Орлов, унинг истехзоси, Поля, Нева дарёси, лайлак қор, соябонсиз извош ва эрталабки совуқ осмонни томоша этганимда кўнглимга келган башорат эсимга тушди ва: «Нина! Нина!» деган фарёд эшитилгандай бўлди.

— Сиз хонимнинг ёнига кириб чиқинг,— деди харьковлик хотин.

Мен ўзимни худди чақалоқнинг отасидай сезиб, Зинаида Федоровна ёнига кирдим. Хонимнинг ранги оппоқ оқарган, озғин, бошида тўр чепчик, кўзини юмиб ётарди. Эсимдаки, шу маҳал хонимнинг чеҳрасида икки хил кўриниш бор эди: бири-бепарво, совуқ, сўлғин кўриниш, иккинчиси — бошидаги оқ чепчик болаларга ўхшатиб, ноилложлик акс этиб турарди. Хоним менинг кирганимни бил-

мади, билган бўлса ҳам эътибор бермади. Мен тик туриб хонимга қарадим ва кутдим.

Бирдан хонимнинг юзи оғриқдан қийшайди, кўзларини очиб, нима ҳодиса бўлганини билишга урингандай менга қаради. . . Унинг юзларида нафратланиш акс этди.

— Жирканч,— деб шивирлади хоним.

— Зинаида Федоровна,— деб чақирдим астагина. У менга бепарво ва суст қаради-да, кўзларини юмиб олди. Мен бир оз тургач чиқиб кетдим.

Кечаси Дарья Михайловна менга қиз туғилганини, лекин қизнинг онаси хавфли аҳволда эканини хабар қилди; сўнг коридорда югур-югур, шовқин-сурон бўлди. Менинг ёнимга яна Дарья Михайловна ранги ўчган ҳолда келиб, бармоқларини қисирлатиб, деди:

— О, нақадар мудҳиш! Доктор, хоним заҳар ичган бўлса керак деб гумон қилаётир. О, бу ерда руслар ёмон иш қилаётирлар!

Эртаси кун туш пайтида Зинаида Федоровна вафот этди.

## XVIII

Икки йил ўтди. Шароит ўзгарди, мен яна Петербургга келдим, энди бу ерда яширинмасдан яшашим мумкин эди. Мен энди таъсирчанликдан ва таъсирчан бўлиб кўринишдан чўчимас эдим. Зинаида Федоровнанинг қизи менинг оталик ҳисларимни ёки тўғрироғи художуйлик ҳисларимни уйғатиб юборгани учун мен бутунлай шу ҳисларга берилиб кетдим. Мен қизчага ўз қўлим билан овқат берар, чўмилтирар, ухлашга ётқизар ва кечалари ҳам ундан кўзимни узмас эдим, агар энага қўлидан тушириб юбораётгандай кўриниб қолса, бирдан қичқирардим. Менинг оддий обивателча ҳаётни ишташим вақт ўтиши билан тобора кучлироқ, ташвишлироқ бўлди, лекин бутун орзум Сонядан эди, гўё менга керакли нарсани, ниҳоят шу қизчадан топгандим. Мен бу қизчани телбаларча севардим. Бу қизчада мен ўз ҳаётимнинг давомини кўрар эдим, ниҳоят бир куни мен ўлганимда, новча, ориқ, узун соқолли танам қора ер остига кирганда, менинг ҳаётим мана шу мовий кўзларда, новватранг ипакдай сочларда ва юзларимни меҳр билан силаб, бўйнимдан қучоқловчи дўмбоққина пушти ранг қўлчаларда давом этишини гумон этибгина қолмай, сезардим ва қарийб ишонар эдим.



Соиянинг тақдири мени чўчитарди. Унинг отаси Орлов эди, туғилиш шаҳодатномасида эса Красновская деб ёзилган эди, бу қизнинг дунёда борлигини билувчи ва шунга қизиқувчи бирдан-бир одам, яъни мен бўлсам, ўзим зўрға юрардим. Қизча тўғрисида жиддий ўйлаб кўриш керак эди.

Петербургга келишимизнинг иккинчи куниёқ мен Орлов ёнига бордим. Чакка соқоллари сап-сарик, мўйловсиз, афтидан немисга ўхшаган йўғон бир чол менга эшикни очди. Меҳмонхонани йиғиштириб юрган Поля мени танимади, лекин Орлов дарров таниди.

— А, исёнчи жаноблари!— деди у, менга қизиқсиниб қараб ва кулиб.— Қандай шамол учирди?

У ҳеч ўзгармаган эди: ҳамон ўша йилтиллаган, ёқимсиз юзи ва ўша истеҳзоли боқиши. Столда ҳам худди илгариги сингари аллақандай янги бир китоб ётар, китоб ичига фил суягидан пичоқ шаклида ясалган хатчўп қистирилган эди. Афтидан у, мен келишим олдидан ўқиб турган бўлса керак. У мени ўтқизгач, сигара чекишга таклиф қилди ва фақат жуда яхши тарбия кўрган кишиларга хос сипогарчилик билан, менинг қиёфам ва қотма қоматим кўзғатган ёқимсиз туйғуни яшириб туриб ҳеч ўзгармаганимни, ҳатто соқолим жуда ўсиб кетганига ҳам қарамасдан таниш осонлигини гапирди. Обиҳаво тўғрисида, Париж тўғрисида гаплашдик. Ўзини ва мени қийнаб турган оғир сўроқдан тезроқ қутулиш учун у сўради:

— Зинаида Федоровна вафот этдимми?

— Ҳа, вафот этди,— дедим.

— Туғиш чоғидами?

— Ҳа, туғиш чоғида. Доктор ўлимнинг сабабини бошқача гумон қилди, лекин... сиз учун ҳам, мен учун ҳам хоним туғишдан ўлди деб ўйлаш беташвишроқдир.

У одоб юзасидан ух тортди ва жим қолди. Раҳматлик хоним хотираси учун бир нафас сукунат давом этди.

— Шундай. Менинг уйимда эса ҳамма нарса эскича, ҳеч қандай ортиқча ўзгариш йўқ,— деди у шошиб, мен кабинетга кўз югуртирганимни кўриб.— Отам, ўзингиз биласиз? Истефога чиққан, анчадан бери дам олиб ётибди, мен эса ҳамон эски ўрнимда. Пекарский эсингиздами? У ҳамон боягидай. Грузин ўтган йил дефтерит касалидан вафот этди... Кукушкин эса, тирик ва тез-тез сизни эсга олиб туради. Айтмоқчи,— деб давом этди Орлов, уялгансимон ерга қараб,— Кукушкин сизнинг ким-

лигингизни билгандан кейин гўё сиз унга ҳужум қилиб, уни ўлдирмоқчи бўлганингизни. . . ва у зўрға қутулганини ҳар жойда сўзлаб юрди.

Мен индамадим.

— Эски хизматкорлар ўз хўжайинларини эсдан чиқармайдилар. . . Сиз жуда яхши келдингиз,— деб ҳазиллашди Орлов.— Балки вино ёки кофе ичгингиз келар? Ҳозирлашга буюрай.

— Йўқ, раҳмат. Мен сизнинг ёнингизга жуда бир муҳим иш билан келдим, Георгий Иванович.

— Мен муҳим ишларни яхши кўрмайдиган одамман. Лекин шундай бўлса ҳам хизмат кўрсатишга хурсандман. Нима хизмат?

— Биласизми,— деб бошладим ҳаяжон билан,— ҳозирги вақтда раҳматли Зинаида Федоровнанинг қизи менинг қўлимда. . . Ҳозирги кунгача мен унинг тарбияси билан шуғулланиб келдим, лекин кўриб турибсизки, яқин ўртада мен абадий кўз юмаман. Мен шу қизчани бирор жойга ўрнаштириб, кўнглимни тинчитиб кетиш фикриданман.

Орлов бир оз қизарди, қовоғини солди ва ўнғайсизланиб менга қиё қараб қўйди. Унга «муҳим иш»дан кўра ҳам менинг абадий кўз юмишим ҳақидаги сўзлар кўпроқ таъсир этди.

— Рост, бу тўғрида ўйлаб кўриш керак,— деди у. Қўзларини худди қуёқдан беркитгансимон тўсиб.— Раҳмат сизга. Қиз дедингизми?

— Ҳа, қиз. Ажойиб қиз!

— Шундай: У, албатта, кучук эмас, одам. . . Маълумки, жиддий ўйлаб кўриш зарур. Мен иштирок этишга тайёрман ва. . . сиздан жуда миннатдорман.

У ўрнидан турди, тирноқларини тишлаб у ён-бу ёнга юрди ва сурат ёнида тўхтади.

— Бу тўғрида ўйлаб кўриш керак,— деди у секин, менга орқасини ўгириб туриб.— Мен бугун Пекарский қошига бораман ва ундан Красновский ёнига бориб келишини илтимос этаман. Уйлайманки, Красновский узоқ бош қотириб ўтирмасдан қизчани олишга рози бўлар.

— Лекин, кечирасиз, мен билмайман, бу ишга Красновскийнинг нима даҳли бор,— дедим ўрнимдан туриб ва кабинетнинг иккинчи бурчидаги сурат ёнига келиб:

— Ахир, қизча унинг фамилиясида-ку, ишонаман,— деди Орлов.

— Тўғри, эҳтимол у қонун бўйича болани ўзига олишга мажбурдир, мен билмайман, лекин мен сизнинг ёнингизга Георгий Иванович, қонун тўғрисида гаплашиш учун келганим йўқ.

— Тўғри, тўғри, сиз ҳақлисиз,— деди у дарров менинг гапимга қўшилиб.— Мен бўлмагур гапни гапирганга ўхшайман. Лекин сиз ташвиш тортманг. Биз бу масалани сихни ҳам, кабобни ҳам куйдирмай муҳокама этиб кўрамиз. Бир қарорга келмасак, иккинчисига, иккинчиси бўлмаса учинчисига тўхталиб, хуллас бу нозик масалани ҳал этажакмиз. Пекарский ҳамма ишни тўғрилайди. Сиз марҳамат қилиб, адресингизни қолдиринг, нимаики қарорга келсак, сизга дарров ёзиб юборамиз. Қаерда турасиз?

Орлов адресимни ёзиб олгач, енгил нафас олди ва кулиб туриб деди:

— Қандай иш бу, худойим, кичкина қизнинг отаси бўлмоқ! Лекин Пекарский ҳамма ишни тўғрилайди. Унинг мияси жойида. Сиз Парижда қанча турдингиз?

— Икки ойча турдим.

Биз жим қолдик. Орлов, афтидан, менинг яна қизча тўғрисида гап бошлашимдан чўчиган бўлса керак, диққатимни бошқа томонга тортиш учун, деди:

— Сиз, эҳтимол, ёзган хатингизни эсдан чиқармагандирсиз. Мен бу хатни сақлаб қўйганман. Сизнинг ўша чоғдаги кайфиятингизни тушунаман ва ростини айтсам, шу хатни ҳурмат қиламан. Лаънати, совуққон, осиелик, от кулгиси деб ишлатган сўзларингиз жуда яхши ва характерлидир,— у, истехзоли жилмайиб гапида давом этди.— Гарчи узлуксиз тортишув мумкин бўлса-да, лекин бу хатдаги асосий фикр ҳақиқатга яқиндир. Яъни,— деб тутилиб қолди у,— фикрнинг ўзи билан эмас, сизнинг масалага бўлган муносабатингиз, сизнинг темпераментингизга нисбатан баҳслашиш мумкин. Тўғри, менинг ҳаётим қолипдан чиққан, бузилган, ҳеч нарсага ярамайди, янги ҳаёт бошлашга эса қўрқоқлик халақит беради, бу ўринда сиз мутлақо ҳақлисиз. Аммо бу нарсани юракка яқин олишингиз, ҳаяжон ва умидсизликка тушиб қолишингиз баҳона эмас, бу ўринда сиз мутлақо ҳақли эмассиз.

— Тирик одам ўзининг ва атрофдагиларнинг ҳалок бўлаётганини кўрганда ҳаяжонланмасдан, ташвишга тушмасдан иложи йўқ.

— Қим иложи бор дейди! Мен мутлақо бепарволикни тарғиб этаётганим йўқ, мен ҳаётга беғараз муносабатда

бўлишни истайман. Муносабат қанча беғараз бўлса, хатога йўл қўйиш хавфи шунча оз бўлади. Масаланинг илди-зига қараш керак ва ҳар ҳодисадан ҳамма сабабларнинг сабабини қидириш керак. Биз заифлашиб кетдик, тубан-лашдик, ниҳоят разолатга учрадик, бизнинг авлодимиз нуқул асабийлашган ва инжиқ одамлардан иборат, бизнинг топиб олган гапимиз чарчоқлик, заифлашганлик тўғрисида, холос. Лекин бунга сиз ва мен айбдор эмас, бутунбошли бир авлоднинг тақдири бизнинг хоҳишимизга боғлиқ бўлиши учун биз жуда кичкиналик қиламиз. Бу ўринда, каттароқ, умумийроқ, биологик нуқтаи назардан каттагина ички маъноси бўлган сабаблар бор, деб ўйлаш керак. Биз асабий кишилармиз, латтадай бўшашганмиз, йўлимиздан қайтганмиз, лекин эҳтимол бу аҳвол биздан кейин яшовчи авлодлар учун керакли ва фойдали бўлиб чиқар. Кишининг бирор тола мўйи худойи таолонинг амридан ташқари ҳам бўлмайди, бошқача сўзлар билан айтганда, табиатдаги ва инсонлар ўртасидаги ҳодисалар ўз-ўзидан юз бермайди. Ҳаммасининг бирор сабаби ва зарурияти бор. Гарчи шундай экан, бизнинг ортиқча ташвишланишимизнинг ва куйиб-ёниб хатлар ёзишимизнинг нима ҳожати бор?

— Шундайликка-ку, шундай,— дедим ўйлаб.— Мен сўнги авлодларга осонроқ ҳам равшанроқ бўлишига ишонаман; бизнинг тажрибамиз уларга хизмат этajak. Бироқ, фақат келгуси насллар учун эмас, улардан мустақил яшагимиз ҳам келади, ахир. Одам бир марта умр кўради ва шу умрни қувноқ, мазмундор, чиройли ўтказгуси келади. Кўзга кўринарли, мустақил, олижаноб роль ўйнагинг келади. Келгуси насллар бизнинг ҳар биримиз тўғрисида: улар арзимас кишилар эдилар ёки ундан ҳам баттар эдилар... дея олмасликлари учун катта ишлар қилгинг келади. Теварагимда бўлиб турган ишларнинг мақсадга мувофиқ ва зарурат эканига ишонаман, лекин бу зарурат билан менинг нима ишим бор, нима учун менинг шахсим, яъни «мен» барбод бўлишим керак?

— Хўш, нима қилиш керак!— деб Орлов уҳ тортди ва ўрнидан туриб, гўё бизнинг суҳбатимиз энди тамом бўлганига ишора қилгандай бўлди.

Мен шапкамни қўлга олдим.

— Атиги ярим соат ўтирдик, холос. Лекин қанча масалаларни ҳал этдик, қаранг-а!— деди Орлов мени даҳлизгача кузата туриб.— Шундай қилиб, мен бояги тўғри-

да уринаман... Бугуноқ Пекарский билан кўришаман.  
Кўнглингиз тўқ бўлсин.

Мен кийингунча у тўхтаб кутиб турди, афтидан, ҳозир кетишимни ўйлаб хурсанд бўлмоқда эди.

— Георгий Иванович, хатимни менга қайтиб беринг,— дедим.

— Хўп бўлади!

У кабинетга кириб кетди ва бир минутдан сўнг хатни олиб чиқди, мен ташаккур билдириб, чиқиб кетдим.

Эртагиси кун ундан хат олдим. Хатда у мени, масаланинг муваффақиятли ҳал бўлиши билан табриклаган эди. Пекарскийга таниш бир аёл бор, деб ёзган эди у, шу аёл қарамоғида болалар боқчасига ўхшаш бир пансион бор, шунга ҳатто энг кичкина болалар ҳам қабул қилинади. Шу аёлга буткул ишонғиш мумкин, лекин у билан келишувдан илгари, Красновский билан гаплашиб олиш ёмон бўлмайди — расмият шуни талаб этади. Тездан Пекарский ҳузурига боришни ва агар бор бўлса туғилиш шаҳодатномасини бирга олиб боришни маслаҳат берган эди. Даргоҳи хизматингизда бўлган каминангизнинг самимий ҳурмати ва изҳори садоқатини қабул қилгайсиз...».

Бу хатни ўқиганимда, Соня столда ўтирар ва худди ўз тақдири ҳал бўлаётганини сезгандай менга диққат билан мишжжа қоқмасдан тикилиб турар эди.

## ҚОРА МОНАХ

### I

Магнстр Андрей Васильевич Коврин қаттиқ чарчаб, асабий касал бўлиб қолди. У даволанмади. Лекин доктор ошнаси билан бир шиша вино ичиб ўтирганида шунчаки гапириб қўйди, ошнаси унга баҳор ва ёзни қишлоқда ўтказишни маслаҳат берди. Шу орада Таня Песоцкаядан узундан-узоқ хат келиб қолди, хатда у Андрейни Борисовкага келиб меҳмон бўлиб кетишини сўраган эди. Ростдан ҳам бир айланиб келсам чакки бўлмас, деб қўйди Коврин.

Апрель ойида у ўз қишлоғи, туғилган еридан Ковринкага келди ва йўллар эпақага келишини кутиб, бу ерда ёлғиз ўзи бир уйда уч ҳафта турди; кейин ўзининг собиқ васийси ва тарбиячиси, Россияда машҳур боғбон Песоцкийникига извошда жўнаб кетди. Ковринкадан Песоцкийлар яшайдиган Борисовкагача етмиш чақиримча келар эди, баҳордаги юшоқ йўлда рессорли извошда бориш чиндан ҳам роҳатижон эди.

Песоцкийнинг уйи катта-катта устунли баҳайбат шердор бино бўлиб, кираверишда фрак кийган лакей турарди. Инглиз услубида қурилган, қоп-қоронғи ва тўппа-тўғри кўҳна боғ ҳовлидан то дарёгача бир чақиримга яқин масофага чўзилган бўлиб, пахмоқ панжаларга ўхшаш илдизлари очилиб ётган, қарағайлар ўсиб ётган ўнқир-чўнқир тик қирғоқ билан тугарди; пастда, хилватгинада сув ялтирар, лойхўрақлар мунгли чийиллашиб у ёқдан бу ёққа учишарди. Бу ерда киши ўтириб баллада ёзгиси келиб қоларди. Бироқ уйга яқин ерда, ҳовли ичида ва кўчатзорлар билан бирга қўшилиб ўттиз десятина ерни эгаллаган мевазор боғда, ҳатто ҳаво булут кунларда ҳам нашъали ва файзли бўлар эди. Песоцкийнинг боғидаги мана бу ажойиб

атир гуллар, нилуфарлар, чой гуллар, мана бу оқдан бошлаб куядек қоп-қора, ранг-баранг лолалар, умуман бу ердагидек гўзалликни Коврин бошқа ҳеч ерда кўрмаган эди. Баҳор эндигина бошланган, чаманзорларнинг асли зеби-зийнати ҳали иссиқ гулхоналарда яшириниб ётарди, аммо хиёбонлар ёқалаб ва пушталарнинг у ер бу ерида очилган гулларни, айниқса ҳар бир гул барги устида шудринг ялтираган чоғда боғда айланиб юрган киши ўзини нафис ранглар оламида ҳис эта олар эди.

Боғнинг Песоцкий унча назар-писанд қилмай юрадиган анави зебу зийнатли қисмининг ўзи, Ковринда болалик чоқларидаёқ ажойиб таассуротлар қолдирган эди. Бу ерда қанақа ажойиботларни кўрмайди киши! Назокатли бесўнақайлик ва табиатни мазах қилишни кўрсангиз! Бу ерда қатор-қатор тизилиб кетган мева дарахтлари, мирзатераклар нухасида солинган чоклар, куррасимон эман ва арғувон дарахтлари, соябонсимон олма туплари, пештоқлар, вензеллар, қандиллар ва ҳаттоки Песоцкийнинг эндигина боғбонлик билан шуғуллана бошлаган йилини кўрсатадиган — 1862 деган олхўрилардан ясалган рақамлар мавжуд эди. Бу ерда чиройли, келишган хурмо дарахтидек адил ва бақувват шохли дарахтларни ҳам кўриш мумкин. Лекин зеҳн солиб қаралса, бу дарахтлар оддий крижовник ёки смородина экани билинарди. Лекин боғни ҳаммадан кўра нашъали қилиб, унга ҳамиша жон киргизиб турган бу ердаги тинимсиз ҳаракат эди. Эртадан кечгача дарахтлар, буталар олдида, хиёбонлар ва гул пушталарида қўлларига замбил, кетмончалар, сув қуядиган идишлар ушлаган одамлар чумолидек қайнашар эди. . .

Коврин Песоцкийларникига кечқурун соат тўққиздан ўтганда, Таня ва унинг отаси Егор Семенич ташвишланиб турганлари устига келди. Ҳаво очиқ, юлдузлар чарақлаб турар, эрталаб совуқ бўлиши эҳтимол эди. Унинг устига боғбон Иван Карлич шаҳарга тушиб кетган бўлиб, ундан бошқа кишига ишониб бўлмас эди. Кечки овқат маҳалида гап фақат эрталабки совуқ ҳақида борди ва ниҳоят шундай қарорга келинди: Таня ухламайдиган ва соат ўн иккидан ошганда боғдан хабар оладиган, Егор Семенич эса соат учларда, балки ундан ҳам барвақтроқ турадиган бўлди.

Коврин бутун оқшом Таня билан ўтирди ва ярим кечадан ошганда у билан бирга боққа чиқди. Ҳаво совуқ, ҳовлидан аччиқ тутун ҳиди келарди. Камерсия боғи деб

аталадиган ва ҳар йили Егор Семеничга бир неча минг нақд фойда келтирадиган катта мевазор боғ — ери қора, қалин аччиқ тутун билан қопланган ва дарахтларни ўраб ҳалиги минг-мингларни совуқдан сақлар эди. Бу ерда дарахтлар сатранж тахтасисимон экилган, уларнинг қаторлари тўппа-тўғри ва аскар қаторларидек тартибли, мана шу ҳаддан ташқари бачкана тўғрилиқ ва бу ердаги ҳамма дарахтларнинг бўйи баб-бараварлиги, тана ва шохларининг бир хилдалиги манзарани қандайдир бир хил ва ҳатто зерикарли қилиб кўрсатар эди. Қоврин билан Таня тезак, похол ва турли чиқиндилар тутаб ётган қаторлардан оралаб кетишди, аҳён-аҳёнда улар тутун ичида кўланкадек изғишиб юрган хизматкорларни кўриб қолишарди. Олчалар, олхўрилар ва баъзи олмалар гуллаб ётибди, аммо бутун боғ тутун билан тўлган, Қоврин кўчатзорга боргандагина бемалол нафас олди.

— Болалигимда ҳам бу ерда тутундан нафасим қайтар эди,— деди у елкасини қисиб,— лекин қанақа қилиб тутун аёздан сақлашига шу чоққача ақлим етмайди.

— Ҳаво булут бўлмаган кунларда тутун булутнинг ўрнини босади. . .— деб жавоб берди Таня.

— Ҳа, булутнинг нима кераги бор?

— Булут чиқиб, ҳаво айнаб турган пайтларда унчалик аёз бўлмайди.

— Шундай денг!

У кулиб қўйди ва қизнинг қўлидан ушлади. Танянинг ингичка қора қоши, кенг, жуда сипо, совуқ қотган бети, кўтариб олган ва шунинг учун унинг бошини бемалол қимирлатишга халақит бераётган пальтосининг ёқаси ва унинг борлиқ сиймоси, шудрингдан сақлаш учун этагининг учини кўтариб олган бўлса ҳам ярашиб турган кўйлаги, озғиндан келган сарв қомати барчаси бир бўлиб, Қовриннинг ҳавасини келтирмоқда эди.

— Тавба, шундай кап-катта қиз бўлиб қолибсиз-а!— деди у. — Мен бундан беш йил илгари охириги марта бу ердан кетганимда сиз ҳали ёшгина эдингиз. Сиз ориққина, оёқларингиз чиллакдай эди, капкалта кўйлак кийиб, бош-яланг юрар эдингиз, мен сизни лайлак деб-масхара қилар эдим. . . Вақт ўтиши билан одам қандай бўлар экан!

— Ҳа, беш йил!— деб чуқур нафас олди Таня.— Ундан бери кўп дарахтлар кесилиб кетди. Ростини айтинг, Андрюша,— деди тетиклик билан у Қовриннинг юзига



тикилиб,— биздан анча узоқлашиб кетдингиз-а? Сўраганим қизиқ, тавба? Ҳар ҳолда сиз эркаксиз, сиз энди ажойиб ҳаёт кечирасиз, сиз катта одамсиз. . . Узоқлашишингиз табиий! Лекин, Андрияша, нима бўлса ҳам сиз бизни ўз одамингиз деб ҳисоблашингизни истар эдим. Бунга ҳақимиз ҳам бор.

— Ҳали ҳам шундай, Таня.

— Чинданми?

— Чин сўзим.

— Сиз бугун биздаги суратларингизни шунча кўплигига ҳайрон бўлдингиз. Биласизми, дадам сизни қандай яхши кўради. Ёзъан у сизни мендан ҳам ортиқ кўрса керак деб қоламан. У сиз билан фахрланади. Сиз олим, ажойиб одамсиз, сизнинг истиқболингиз порлоқ. Шунинг учун ҳам дадам: мен тарбия қилган одам шундай бўлиб етишди, деб ўзича қувонади. Майли, мен унинг шундай деб ўйлашига халал бермайман.

Тонг ота бошлади, бу тутунларнинг ҳавода паға-паға бўлиб сузиши ва дарахтлар шох-баргларининг аниқ кўринишдан айниқса сезила бошлади. Булбуллар сайрарди ва дала томондан беданаларнинг питпилдиғи эшитилар эди.

— Ухласак ҳам бўлар энди,— деди Таня.— Совуқ қотиб ҳам кетдик.— Таня уни қўлтиқлаб олди.— Келганингиз учун раҳмат, Андрияша. Тузукроқ танишлар ҳам йўқ, борлари ҳам жуда кам. Бизда боғдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Штамб, ярим шамб деб кулди у,— апорт, ранет, боровинка<sup>1</sup> пайванд, қаламча пайванд. . . Бор умримиз шу боққа кетди, ҳатто тушимда ҳам олма-нокдан бошқа нарса кўрмайман. Шубҳасиз бу жуда яхши, фойдали иш, лекин баъзи вақтларда ҳадеб бир хил бўлавермаслик учун бошқа нарсани ҳам кўришни истайди киши. Эсимда бор, сиз каникулгами ёки шунчаки ўзингиз келган вақтлардами, гўё қандиллардан ва мебеллардан жилди олингандек уйимизга аллақанча файз кириб, яшнаб кетар эди. У вақталарда мен ёш қиз эдим. Лекин ҳамма нарсага ақлим етар эди.

У узоқ ва қизиқиб гапирди. Негадир тўсатдан Ковриннинг хаёлига ёз мобайнида мана бу кичкина, ожизгина жононга кўнгил бериб қўйиш, берилиб кетиб кейин ошиқ бўлиб қолиш ҳам ҳеч гап эмас, деган фикр келди. Дарҳа-

<sup>1</sup> Олма навлари.

қиқат улар кечираётган вазиятда шундай бўлиши ҳам мумкин эди. Бу фикрдан унинг кўнгли эриди ва кулгиси қистади; у қизнинг жозибали, ташвишли юзига эгилди-да, астагина куйлади:

Онегин, мен яширмайман, йўқ,  
Татьянани жондан севаман...

Улар уйга келганда Егор Семенич ўрnidан турган эди. Ковринни уйқуси келмас эди, у чол билан гаплашиб қолди ва у билан бирга боққа қайтиб келди. Егор Семенич баланд бўйли, елкаси кенг, қорни катта киши эди ва доим ҳарсиллар, бунга қарамай шундай тез юрардики, унинг орқасидан етиш қийин эди. Кўриниши жуда ташвишли, қачон қарасангиз бир минут кечикиб қолса, бирор фалокат юз бериб қолаётгандек қаёққадир шошилар эди.

— Шунақа гаплар, иним...— деб бошлади у нафасини ростлаб олиш учун тўхтаб,— ер сатҳи совуқ, лекин термометрни ердан икки газ юқорига кўтарсанг борми, у ер илиқ... Бу нимадан бўларкан?

— Қайдам,— деди Коврин ва кулиб қўйди.

— Ҳм... Ҳамма нарсани билавериш қийин, албатта... Ақл қанча кўп бўлгани билан ҳамма нарсага етавермайди. Сан кўпроқ фалсафа билан қизиқасан-а?

— Ҳа, психологиядан дарс бераман, умуман фалсафа билан шуғулланаман.

— Кўнглингга тегмайдими?

— Аксинча, мен шу билан тирикман.

— Ҳа майли, худо ёр бўлсин...— деди Егор Семенич хаёлчанлик билан, оқ бакенларини силаб.— Худо ёр бўлсин. Мен сендан жуда хурсандман... хурсандман, иним...— деб қўйди.

Лекин у тўсатдан қулоқ солди ва афти-башарасини буриштириб бир чеккага чопиб кетди ва хаш-паш дегунча дарахтлар, тутунлар орасида ғойиб бўлди.

Егор Семеничнинг:

— Ким бу отни олмага боғлаб қўйди?— деган қулоқни батанг келтирадиган зардали товуши эшитилди,— бу қандай аблаҳ ва лаънати одам, отни олмага боғлашга журъат этган? Эй худо, эй худо ишдан чиқардиларинг, музлатдиларинг, пес-мохов қилдиларинг, харом қилдиларинг! Тамом бўлди боғ! Хароб бўлди боғ! Эй худо!

У Коврин олдига қайтиб келганда кўриниши ниҳоятда ҳақоратланган, мадори қуриган кишига ўхшар эди.

— Мана бу лаънати одамларни нима қилса бўлади энди-а?— деди у йиғламсираб, қўлларини кериб.— Стёпка кечаси гўнг ташибди-да, отни олмага боғлаб қўйибди! Падар лаънат шундай қаттиқ боғлабдики — олманинг уч еридан пўстлоғи сидирилиб кетибди. Буни қаранг-а! Унга гапирсам овсар нуқул анқаяди ва кўзини пирпиратади. Осиб ўлдирсанг ҳам арзийди буларни!

Тинчлангандан кейин у Ковринни қучоқлади ва бетидан ўпди.

— Ҳа, худога шукур... худога шукур...— деб гўлдиради у.— Келганингга жуда хурсандман, бениҳоят хурсандман... Раҳмат.

Кейин у ўша тез юриш ва ташвишли юз билан боғнинг ҳамма ёғини айланиб чиқди, ўзининг собиқ асранди ўғлига гулхоналарни, иссиқхоналарни, тошдан қилинган омборларни ва ўзича асримизнинг муъжизаси деб атайдиган асалари уясини кўрсатиб чиқди.

То улар айланиб чиққунча қуёш ҳам чиқди ва боғни чарақлатиб ёритиб юборди, ҳаво исиб қолди. Коврин, ҳозир фақат май ойининг боши эканини, бутун ёз бўйи мана шундай равшан, нашъали, узун кунлар бўлишини эслади ва тўсатдан унинг қалбида ёш болалик чоғларида, шу боғда чопиб юрган кезларида сезиладиган ажойиб шодликлар ила тўлиб тошган ёш туйғу жонланиб кетди. У чолни қучоқлади ва оҳиста ўпди. Иккилари ҳам ҳаяжонланиб уйга киришди ва қаймоқлар, тўқ тутадиган ширин крендиллар билан қадимдан қолган чинни қулоқ пиёлаларда чой ичишди, бу майда-чуйда нарсалар ҳам Ковриннинг болалик ва ўсмирлик даврларини яна эслатди. Ундаги ҳозирги ажойиб туйғулар уйғониб келаётган ўтмиш таъсирларига қўшилди ва уларни қалбига сиғдирилмади. Лекин кўнгли жуда хурсанд эди.

У Таня уйғонгунча кутиб ўтирди, кейин у билан кофе ичди, бирга сайр этиб келди, кейин ўз хонасига бориб ишга ўтирди. У диққат билан ўқирди, белгилар қўярди ва ҳар замонда очиқ ойнадан қараб қўйиш, стол устидаги вазаларда турган, ҳали устидаги шудринги ҳам кетмаган эндигина узилган гулларга қараш учун бошини кўтариб қўяр ва яна китобга тикилар, унинг назарида ҳар бир томири роҳатдан титрар ва ўйнар эди.

У қишлоқда ҳам шаҳардагидек асабий ва беҳаловат ҳаёт кечирарди. У кўп ўқирди ва кўп ёзарди, италянча тил ўрганарди ва сайр қилиб юрганда ҳам яна ишга ўтиришни қувонч билан ўйларди. У шу қадар кам ухлар эдики, ҳамма бунга ҳайрон қоларди; башарти кундузи тасодифан ярим соатгина ухлаб олса, кейин кечаси билан ухлолмай чиқарди ва уйқусиз кечадан кейин ҳам писанд қилмай ўзини тетик ва шод ҳис этиб юраверарди.

У кўп гапирар, вино ичар ва қиммат баҳо сигаралар чекарди. Песоцкийларникига деярли ҳар куни қўшни қизлар келиб турарди; улар Таня билан рояль чалишарди, ашула айтишарди; яхши скрипкачи ёш қўшни йигит ҳам баъзан келиб турар эди. Қоврин музика ва ашулаларни зўр иштиёқ билан тинглар, улар Қовриннинг кўнглини эритар, бу эса унинг кўзлари юмилиб, боши бир ёққа оға бошлашида кўринар эди.

Кунлардан бир кун у кечқурун чойдан кейин балконда ўқиб ўтирар эди. Бу вақт меҳмонхонада Таня — Сопрано, қизлардан биттаси контраљто ва ёш йигит скрипкада Браганинг машҳур серенадасини ўрганмоқда эди. Қоврин ашуланинг сўзларига қулоқ солди. Улар русча бўлса ҳам маъносига ҳеч тушунолмади. Ниҳоят китобни қўйиб, диққат билан қулоқ солди, бу гал тушунди: руҳий хасталикка дучор бўлган қиз тунда боғ томондан аллақанақа сирли овозлар эшитар, улар шу қадар ажойиб ва ғаройиб эканки, қиз уларни оддий одамлар тушунолмайдиган бир оҳанг, шунинг учун ҳам қайтиб фалакка учиб кетадиган муқаддас гармония эканига иқрор эди. Қовриннинг кўзлари юмила бошлади. У ўрнидан турди ва дармони қуриб меҳмонхонада, кейин залда у ёқдан бу ёққа юрди. Ашула тамом бўлгач, Таняни қўлтиқлаб балконга чиқди.

— Бугун эрталабдан бери бир афсона менинг хаёлимдан кетмаяпти,— деди у.— Мен уни бирор жойда ўқиганманми, ёки эшитганманми, эсимда йўқ. Лекин афсона жуда ғалати, ҳеч ўхшаши йўқ. Шундай дейиш мумкинки, у аниқ эмас. Бундан минг йил илгари, устига қора либос кийган қандайдир бир монах Сурия ёки Арибистон саҳросида кетаётган эмиш... У юрган ерлардан бир неча миля нарида балиқчилар қўл сатҳида аста-секин қимирлаб келаётган бошқа бир қора монахни кўришган. Бу иккинчи монах сароб экан. Энди афсоналар ўз ичига сиғди-

ролмайдиган оптиканинг барча қонунларини йиғиштириб қўяйлик, энди бу ёғига қулоқ солинг. Бу саробдан бошқа сароб чиқди, кейин ундан яна бошқаси, бошқасидан яна бошқаси чиқибди, шундай қилиб, қора монахнинг образи бир атмосфера қатламидан иккинчисига узлуксиз ўтиб келаверди. Уни гоҳ Африкада, гоҳ Испанияда, гоҳ Ҳиндистонда, гоҳ Узоқ Шимолда кўришди. . . Ниҳоят, у ер юзи атмосфераси доирасидан чиқди ва энди эса ғойиб бўлиб кетиш имконияти туғиладиган бир шароитга тушолмай бутун коинотни кезиб юрипти. Эҳтимол энди уни Марсда ёки аллақандай юлдузда учратиш мумкинدير. Лекин, азизим, афсонанинг асли маъноси, моҳияти шундаки, ўша монах саҳро кезиб юрган пайтдан роса минг йил ўтгандан кейин сароб тагин ер атмосферасига тушади ва одамларга кўринади. Гўё ўша минг йил ҳозир тугай деб қолди. Афсонанинг маъносига қараганда қора монахни биз бугун бўлмаса, эрта кутишимиз керак.

— Ғалати сароб,— деди Таня, афсона унга ёқмаган эди.

— Ҳаммадан қизиғи шуки,— деб кулди Коврин,— менинг хаёлимга бу афсона қаердан келиб қолганини ҳеч эслай олмайман. Бирор ерда ўқиганманми? Эшитганманми? Еки қора монах тушимга кирганмикин! Худо ҳақи, ҳеч эслай олмайман. Бироқ бу афсона хаёлимни банд этган. Бугун куни билан ўшани ўйлаб юрибман.

Таняни меҳмонларнинг олдига киргизиб юбориб, у уйдан чиқди ва гул пушталари ёнида ўйчанлик билан кезиб юрди. Қуёш ботмоқда эди. Гуллар ҳозиргина суғорилгани учун нам, димоқни қитиқлайдиган ҳид тарқатмоқда эди. Уйда яна қўшиқ айтилди ва скрипканинг овози узоқдан одам товушига ўхшаб эшитилди. Коврин афсонани қа рда эшитганини ёки ўқиганини эслаш учун диққат билан ўйлаб, шошилмай боғ томон йўлланди ва дарё бўйига чиққанини ўзи ҳам сезмай қолди.

Очилиб ётган илдиэлар олдидан типпа-тик қирғоқ ёқалаб кетган сўқмоқ йўлдан у пастга, сув бўйига тушди, лойхўрақларни безовта қилиб, иккита ёввойи ўрдакни учуриб юборди. Қоп-қора қарағайларнинг у ер бу еридан бота бошлаган қуёшнинг сўнги нурлари мўралаб қоларди. Лекин дарё сатхи қоронғи эди. Коврин кўприкдан дарёнинг нариги ёғига ўтди. Энди унинг кўз ўнгида ҳали бош тортмаган ёш жовдари билан қопланган кенг дала ёйилиб ётар эди. Яқин орада на одам турадиган бирон

жой ва на бирон жондор кўринар, гўё мана шу сўқмоқ йўлдан кегаверса киши ҳозиргина қуёш ботган, кечки шафақ шу қадар ажойиб кенг ва дабдабали яллиғ сочиб ётган номаълум, сирли ерга бориб чиқадигандек туюларди.

«Бу ер нақадар кенг, эркин, тинч! — деб ўйлади Коврин, сўқмоқдан кета туриб. — Гўё бутун олам менга қараб турибди, мен унга тушуниб олишимни кутиб, биқиниб ётибди. . .»

Мана энди, жавдар усти тўлқинланиб кетди ва оҳиста эсанг шамол унинг яланг бошига астагина тегиб ўтди. Бирпасдан кейин яна шамол турди, лекин бу гал қаттиқроқ эсди, жавдарзор шувуллади ва орқа томондан қарағайларнинг бўғиқ гувуллаши эшитилди. Коврин таажжубланиб тўхтади. Уфқда гўё гирдоб ёки қуюндек ердан осмонгача баланд қора устун кўтарилди. Унинг шакли ноаниқ, аммо биринчи лаҳзадаёқ у, бир жойда турмай, ниҳоятда тезлик билан ҳаракат қилаётгани, шу ёққа қараб, худди Ковринга қараб келаётгани, яқинлашган сари кичиклашётгани ва аниқлашаётгани маълум эди. Коврин унга йўл бериш учун ўзини четга жавдарзорга олишга аранг улгурди. . .

Қора либос кийган, оқ сочили, қора қошли монах қўлини кўкрагига қўйиб, унинг олдидан ўтиб кетди. . . Унинг ялангоёқлари ерга тегмас эди. У, уч сажен ўтиб, Ковринга айланиб қаради-да, бош ирғатди ва унга ширин, шу билан бирга макрли илжайиб қўйди. Бироқ рангида бир қатра қон йўқ, юзи ҳаддан ташқари рангсиз ва ориқ! У яна тобора катталаниб дарёдан учиб ўтди, тупроқли қирғоққа ва қарағайларга оҳиста урилди-да, уларнинг орасидан ўтиб, тутундек ғойиб бўлди.

— Ана холос. . . — деди ғудирлаб Коврин. — Демак афсона тўғри экан-да.

Бу ажойиб ҳодисанинг тағига етишга ҳам уринмай, монахнинг қора либосинигина эмас, ҳатто унинг юзини, кўзини шунчалик яқиндан, шунчалик аниқ кўра олганидан мамнун бўлиб, ёқимли бир ҳаяжон билан уйга қайтди.

Паркда ва боғда одамлар тинчгина юришар, хонадан ҳамон музика садоси эшитилар — демак, монахни ёлғиз ўзи кўрибди. Ҳамма гапни Таняга ва Егор Семеничга гапириб бергиси келди, лекин улар балки унинг гапларини алаҳляпти дейишлари ва қўрқиб кетишлари мумкин деб, индамай қўя қолишга жазм қилди. У қаттиқ кулар, қў-

шиқ айтар, мазуркаға танца тушар, унинг севинчи ичига сифмасди, шунинг учун ҳамма меҳмонларга ҳам, Таняга ҳам бугун негадир унинг юзи ажойиб, порлоқ, илҳомбахш ва жуда чиройли кўринди.

### III

Кечки овқатни еб, меҳмонлар тарқалишгач у ўз хонасига кирди ва диванга ёнбошлади: монах ҳақида ўйлагиси келар эди. Лекин бирпасдан кейин Таня кириб келди.

— Мана Андрияша, дадамнинг мақоласини ўқиб чиқинг,— деди у бир тўда брошюра ва оттискларни унга узата туриб,— ажойиб мақолалар. У жуда яхши ёзади.

— Жуда яхши бўлиб қаёққа борарди!— деди Егор Семенич қизининг орқасидан кириб ва зўрма-зўраки илжайиб; у хижолат тортар эди.— Унинг гапига кирма, ўқима, барака топкур! Ҳа, майли, агар уйқум келсин десанг ўқий қол, аини уйқу келтирадиган чора.

— Менимча ниҳоятда яхши мақолалар,— деди Таня чуқур ишонч билан.— Сиз ўқиб кўринг Андрияша, дадамни кўпроқ ёзиб туришга унданг. У боғдорчилик ҳақида тўлиқ курс ёзса ҳам қурби етади.

Егор Семенич қотиб-қотиб кулди, қизариб кетди ва одатда хижолат тортган авторлар гапирадиган гапларни айтди. Ниҳоят у ҳовридан тушиб:

— Бундай бўлса сен аввал Гоше мақоласини ва мана бу русча мақолачаларни ўқиб чиқ,— деб ёлдиради, титроқ қўллари билан брошюраларни титкилаб,— бўлмаса унча тушунмайсан. Менинг эътирозларимни ўқишдан олдин нимага эътироз қилаётганимни билиш керак. Шуниси борки, анча бекорчи гаплар... одамни зериктиради. Ҳа, ухлайдиган вақт ҳам бўлиб қолди, шекилли.

Таня чиқиб кетди. Егор Семенич диванга, Коврин олдига келиб ўтирди-ю, бир уҳ тортиб қўйди.

— Шунақа гаплар, иним...— деб бошлади у бир оз сукутдан кейин. Шунақа гаплар, муҳтарам магистрим. Мана мен мақолалар ҳам ёзаман, кўргазмаларда ҳам қатнашаман, медаллар оламан... Песоцкийнинг ҳар бир олмаси калладек келармиш дейишади ва Песоцкий боғи туфайли давлат тўплади дейишади. Хуллас Кочубейдек бадавлат ва машҳурман. Аммо шулар ҳаммаси ким учун деган савол келади. Боғ ҳақиқатан ҳам ажойиб, намуна-

ли. Бу боғ эмас, давлат аҳамиятига эга бўлган бутунбошли олий бир маҳкама, чунки бу, мен сенга айтсам, рус хўжалигининг ва рус саноатининг янги даврга олиб чиқадиган биринчи босқичидир. Лекин мақсад нима? Нимага керак?

— Иш ўзи кўрсатади.

— Бу мақсадда айтганим йўқ. Ахир мен ўлиб кетсам боғ нима бўлади деяпман? Мен ўлиб кетганимдан кейин бир ойдан кейиноқ ҳозирги сен кўраётган ҳолда қолмайди. Бу ютуқларнинг асли сири боғнинг катталиги, ишчиларнинг кўплигида эмас, сири шундаки, мен шу ишни севаман,— тушунасанми?— Севаман, эҳтимол ўз жонимдан ҳам ортиқ севаман. Мени кўряпсанми: ҳамма ишни ўзим қиламан. Мен эртадан кечгача тинмайман. Ҳамма пайвандларни ҳам ўзим қиламан. Буташ борми, ўтқазиш борми, ҳаммасига ўзим балогардон. Менга ёрдамлашсалар гашим келади ва қўполлик қилиб юбориш даражасида жаҳлим чиқиб кетади. Ҳамма сир — севишда, яъни эганинг ўткир режалик кўзларида, эганинг қўлларида, ундан ташқари кўнгида ҳам: башарти бирон жойга бирор соага меҳмонга бориб қолсанг борми, ўтирасан-у, лекин хаёлинг бир жойда эмас, юрак гаши тортиб туради: боғда бирор ҳодиса бўлиб қолмадимикин деб ҳавотир олиб ўтирасан. Ўлиб кетганимдан кейин ким қарайди? Ким ишлайди? Боғбонми? Хизматкорларми? А? Мана, азиз иним, мен сенга айтсам бизнинг ишимизда ашаддий душман қуён ҳам эмас, тиллақўнғиз ҳам эмас ва совуқ ҳам эмас, бегона одам! Билдингми, бегона одам!

— Танячи?— деб сўради Коврин кулиб.— Ахир уни қуёндан ҳам зарарли деб бўлмайди ахир. У бу ишни севади ва тушунади.

— Ҳа, у севади ва тушунади. Мен ўлиб кетгач боғ унга қолса ва у эга бўлса кошкийди, бу жуда кўнгилдагидек гап-ку. Бироқ, худо кўрсатмасин, борди-ю у эрга тегиб кетса-чи?— деб шивирлади Егор Семенич ҳамда ваҳима босиб Ковринга қараб қўйди.— Гап шунда-да! Эрга тегади, болалар кўпайишади. Ундан кейин боққа қарашга ҳам вақти бўлмай қолади. Лекин ҳаммадан кўпроқ чўчитадиған ери шуки, у бирорта олифта эрга тегади, у очкўзлиқ қилиб боғни савдогарларга ижарага беради, шундай қилиб бир йил ўтмай ҳаммаси барбод бўлади! Бизнинг ишимизда аёллар ҳеч нарса тушунмайди.

Егор Семенич уҳ тортди ва бир оз жим ўтирди.



— Балки бу худбинликдир, лекин тўғриси айтсам Танянинг эрга тегишини хоҳламайман. Қўрқаман! Мен сенга айтсам, шу бизникига битта сурбет келиб, скрипкасини ғижиллатиб юради; биламан, Таня унга тегмайди, буни яхши биламан, лекин барибир кўргани кўзим йўқ! Тўғриси айтганда, иним, тентакроқман. Бунга ўзим ҳам иқрорман.

Егор Семенич ўрнидан турди ва ҳаяжон билан уйнинг у ёқ бу ёғига юрди, қандайдир муҳим бир гап айтмоқчилиги кўриниб турарди, лекин ботинолмасди.

— Мен сени жонимдан ҳам ортиқ кўраман ва сен билан очиқ гаплашавераман,— деди у, ниҳоят қўлларини чўнтакларига тика туриб,— баъзи бир нозик масалаларга мен оддийгина қарайман ва фикримни тўппа-тўғри гапировавераман, махфий фикрлар деган гапларга тоқатим йўқ. Очиғини айтсам: ёлғиз сенгагина қизимни беришдан қўрқмас эдим. Сен ақлли-ҳушли, раҳмдил йигитсан, менинг севган ишимни йўқ бўлиб кетишига йўл қўймас эдинг. Энг муҳими шуки, мен сени ўз ўғлимдек севаман... ва сен билан фахрланаман. Таня билан ораларингда бирор ишқ-муҳаббат бошланса кошкийди. Мен бениҳоят қувонар эдим, ҳатто ўзимни бахтли деб билардим. Мен дили пок одам бўлганим учун ноз-карашма қилмай, очиғини гапиратибман.

Коврин кулиб қўйди. Егор Семенич чиқиб кетмоқчи бўлиб эшикни очиб, остонада тўхтади-да:

— Агар Таня билан ўрталарингда ўғил туғилса, мен уни боғбон қилар эдим,— деди ўйлаб туриб.— Ҳа булар ҳаммаси ҳозирча хом хаёл... Хайрли кеч.

Коврин ёлғиз ўзи қолгач, ўрнашиб ётди ва мақолаларни ўқий бошлади. Биттасининг сарлавҳаси: «Ораликдаги экинлар ҳақида», бошқасида: «Zнинг янги боғ бўладиган ерни чопиш деган мақоласи устида бир неча сўз», учинчисида: «Яна куртак билан пайванд қилиш ҳақида» ва бошқалар. Аммо мақоланинг бошдан оёғи ўта кетган асабийлик, жирттакилик билан ёзилган жумлалар билан тўла! Мана масалан, жуда беозор сарловҳали ва оддий мазмунли бир мақола: бунда гап рус антонов олмалари ҳақида боради. Лекин шуни Егор Семенич «*caudiatut altera pars*»<sup>1</sup> деб бошлайди-да, «*sapienti sat*»<sup>2</sup> билан ту-

1 «Бошқа томонини ҳам эшитиб қўйсинлар».

2 «Донога шуни ўзи кифоя».

гатади, лекин бу ҳикматли сўзлар орасида: «табиатни ўз кафедралари тепасида туриб мушоҳада қилувчи патентли жаноби боғбонларимизнинг илмий нодонлиги»га қаратилган ёки Г. Гошега тегизиб: «унинг ютуқлари нодонлар, юзаки қаровчилар томонидан қозонилган» деган турли заҳарли кесатиқлар билан тўлган, тагин шу жойда узундан-узоқ ва беандишалик билан ҳўл мева ўғирлайман деб дарахтларни синдирувчи мужикларни дарра билан савалаш йўқ бўлиб кетганидан нолийди.

«Ажойиб, гўзал ва фойдали иш, лекин шу ерда ҳам эҳтирос ва жанг,— деб ўйлади Коврин.— Чамаси ҳамма ерда ва ҳамма соҳада ҳам гоёли одамлар асабий ва қизиқ-қонликлари билан ажралиб турсалар керак. Мазмунан, шундай бўлса керак».

Егор Семеничнинг мақолалари жуда ёққан Таяни эслади. Бўйи унча баланд эмас, рангсиз, озгинлигидан ҳатто ўмров суюги ҳам чиқиб туради; қора, тийрак кўзлари катта очилиб ҳамиша қаёққадир аланглаб, ниманидир ахтариб туради; қадам ташлаши отасиникига ўхшаш майда-майда, илдам. У жуда кўп гапиради, масала таллашишни яхши кўради ва бундай вақтларда ҳатто ҳар қанақа арзимаган жумлани ҳам юз ва қўлларни ҳаракатга келтириб гапиради. Ҳаддан ташқари асабий бўлса керак.

Коврин ўқишни давом эттирди, лекин ҳеч нарса тушунмади ва ташлаб қўя қолди. Мазуркага танца тушганда ҳам, музика эшитганда ҳам ундаги ёқимли руҳий кўтаринкилик энди уни чарчатди ва кўп фикрларни уйғотди. У ўрнидан турди ва қора монахни ўйлаб, уйнинг у бошидан бу бошига юрди. Борди-ю ана шу ғалати, ғайри табиий монахни битта ўзим кўрган бўлсам, демак ҳасталанганман ва кўзимга бир нарсалар кўриниш даражасига етганман деган фикр унинг бошига келди. Бу мулоҳаза уни кўрқитиб юборди, лекин кўрқиш узоқ давом этмади.

«Ахир менга яхши-ку, мен ҳеч кимга ёмонлик қилмасам, демак менинг кўзимга ҳар нарсалар кўриниши ҳеч қанақа ярамас гап эмас» деб ўйлади у ва яна ўзини яхши ҳис этди.

У диванга ўтирди ва бутун борлигини тўлдириб келаятган ноаниқ шодликдан ўзини тутмоқ учун қўлларини бошига ҳалқа қилди, кейин яна у ёқдан бу ёққа юрди ва келиб ишига ўтирди. Аммо китобдан ўқиётган фикрлари уни қаноатлантирмади. У қандайдир улкан, бепоён, ҳайратга соларлик бир нарсани истар эди. Тонг отишга яқин

у ечинди ва истар-истамас ўринга ётди: ахир ухлаш ҳам керак-да!

Боққа чиқиб кетаётган Егор Семеничнинг оёқ товуши эшитилганда Қоврин қўнғироқ чалди ва малайга вино келтиришни буюрди. У мазза қилиб бир неча рюмка лафит ичди-да, бошини буркаб олди; унинг хаёли чалғиди ва ухлаб қолди.

#### IV

Егор Семенич билан Таня тез-тез уришиб туришар ва бир-бирларига аччиқ-тизиқ гаплар айтишар эди.

Бир кун эрталаб улар нима ҳақдадир гижиллашиб қолишди. Таня йиғлаб ўз хонасига кириб кетди. У овқатга ҳам, чой ичишга ҳам чиқмади. Егор Семенич олдин мен учун дунёда адолат ва тартиб ҳамма нарсадан юқори туради деган тарзда, булар тушуниб қўйсин дегандек гердайиб ва димоқ қилиб юрди, лекин буни охирига етказолмади, руҳи тушиб кетди. У паркда хомуш кезарди ва тинмай: «Эй худойим, эй худойим!» деб уҳ тортар эди, овқат маҳалида ҳам оғизга бир бурда нон олмади. Ниҳоят, виждон азобида қийнала-қийнала, айбдордек келиб берк эшикни тикиллатди ва чўчибгина:

— Таня! Ҳой Таня!— деб чақирди.

Унга жавобан эшик орқасидан йиғлайвериб ҳолдан кетган, ожизгина, лекин қатъий овоз эшитилди:

— Ўз ҳолимга қўйинг, сиздан сўрайман.

Уй эгаларининг хафалиги бутун уйга, ҳатто боғда ишлаётганларга ҳам таъсир қилди. Қоврин ўзининг жуда қизиқ ишига берилиб кетган эди, лекин ниҳоят у ҳам зерикди ва ўзини ўнғайсиз сизди. Қандай қилиб бўлса ҳам умумий хафаликни тарқатиб юбориш учун у ўртага тушмоқчи бўлди ва кечга яқин Танянинг эшигини қоқди. Уни киргиздилар.

— Вой-бо, сизни қаранг-а!— деди у ҳазил қилиб ва Танянинг йиғлайвериб қизариб кетган юзига ажабланиб тикилиб.— Наҳотки арзимаган гапга шунчалик димоғ-фироғ қилсангиз. Вой-бо.

— Агар у мени қанчалик қийнаганини сиз билсангиз эди!— деди у ва унинг катта кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди. У мени қийнаб юборди!— деб давом этди у бармоқларини қисирлатиб.— Мен унга ҳеч нарса деганим йўқ. . . Ҳеч нарса. . . Мен фақат хоҳлаган пайтда мар-

дикор солиш мумкин бўлгач, ортиқча хизматкорларни ушлаб туришга эҳтиёж йўқ дедим, холос. Ахир... ахир хизматкорлар бир ҳафтадан бери ҳеч иш қилишгани йўқ... Шу... гап оғзимдан чиқиши билан шовқин солиб юборди ва менга... ҳар хил бўлмағур ҳақоратли сўзлар айтди... Нимага энди?

— Ҳа, бўлди,— деди Коврин,— қизнинг сочларини силаб.— Уришдинглар, йиғлаб олдингиз, шунинг ўзи бўлади, кек сақлаб юриш ярамайди, бу яхши эмас... айниқса у сизни жони-дилидан яхши кўради.

— У менинг... менинг ҳаётимни расво қилди,— деб давом этди Таня пиқиллаб йиғлаб.— Ҳақорат, зардадан бошқа гап эшитмайман... У мени шу уйда ортиқча матоҳ деб ҳисоблайди. Нима бўпти! У ҳақли, майли... Мен эртагаёқ шу ердан йўқоламан, телеграфистликка кираман... Майли...

— Жаҳлингиздан сал тушинг... йиғламанг, Таня. Қўйинг энди азизим... Иккиларинг ҳам жиззакисизлар, жаҳллариинг тез, иккиларинг ҳам айблисизлар. Юринг, мен сизларни яраштириб қўяман.

Коврин ширин сўз билан ишонарли гапирар, у эса чиндан ҳам катта бир бахтсизликка учрагандек елкаларини силкитиб, қўлларини ишқалаб йиғлар эди. Айниқса Коврин қизнинг арзимаган нарсага хафа бўлиб, ич-ичидан куйишига ачинар эди. Арзимаган нарса билан мана бу гўзал қизни бир кун, ҳатто бир умр хафа қилиб қўйиш мумкин эди! Таяни овитар экан, Коврин мана шу қиз билан унинг отасидан бошқа ўзини, ўз туғишган қариндошидек севадиган одамлар бу дунёда бутунлай йўқлигини ўйларди, агар мана шу икки одам бўлмаса, ёш болалик вақтидаёқ ота-онасидан айрилган Коврин ўлгунча ҳам мана бундай самимий ва фақат энг яқин жигарларига бўладиган содда, чексиз меҳр-муҳаббатни билмас эди. Унинг хасталанган, ишдан чиққан асабларига темирни магнит ўзига тортгандек мана шу йиғлаб, титраб ўтирган қизнинг асабларигина жавоб бера олишини сезар эди. У энди ҳеч қачон соғлом, бақувват, юзлари қип-қизил аёлни сева олмас керак, лекин рангсиз, ожиз, бахтсиз Таня унга ёқар эди.

Андрей мамнуният билан унинг сочини, елкасини силар, қўлларини қисар ва кўз ёшларини артар эди... Ниҳоят Таня йиғидан тўхтади. У яна узоқ вақт отасидан ва ўзининг бу уйдаги оғир ва чидаб бўлмас ҳаётидан нолиди,

Ковриндан унинг аҳволига тушунишини илтимос қилди; сўнг аста-секин жилмайди ва худо ўзига бундай ёмон хулқ берганини гапириб, у уҳ торгди, оқибат, қаттиқ кулиб, ўзини тентак деб атаб, уйдан югуриб чиқиб кетди.

Бир оздан кейин Коврин боққа чиққанда Егор Семенич билан Таня, орада ҳеч нарса ўтмагандек, хиёбонда айланиб юрарди ва иккилари ҳам туз секиб қора нон еярди, чунки икковлари ҳам оч қолган эди.

## V

Яраштира олганидан мамнун бўлиб, Коврин паркка чиқди. Скамейкада хаёл суриб ўтирар экан, извошлар тарақ-туруқини ва аёллар кулгисини эшитди, демак, меҳмонлар келишган эди. Боққа қоронғилик кўланка ташлаб, скрипка ва қўшиқ овозлари ғира-шира эшитилганда унинг эсига қора монах тушди. Қаерда, қайси мамлакатда, ёки қайси сайёрада кезиб юрганки бу кўз илғамас хаёлий одам деб ўйлади.

У афсонани эслади ва жавдаризорда кўрган қора шарпани кўз олдига келтирган ҳам эдики, қарағайлар орқасидан, унинг рўпарагинасидан эшиттирмай, шитирламай, ўрта бўйли, оқ сочли, бошьяланг, бош-оёқ қора либос кийган ялангоёқ бир одам чиқди. У тиланчига ўхшар, мурдадек қонсиз юзида қошлари қоп-қорайиб турар эди. Бу тиланчи ёки сайёҳ бошини оҳистагина ирғатиб, скамейка олдига жимгина келиб ўтирди. Коврин бу одам қора монах эканини дарров билди. Бир дақиқа иккилари бир-бирларига, Коврин таажжубланиб, монах эса ёқимтойгина ва худди аввалгидек озгина макр ва ғараз билан тикилиб турар эди.

— Ахир сен саробсан-ку,— деди Коврин.— Нега ахир сен бу ердасан, нега бир жойда ўтирибсан? Бу афсонага боғланмайди-ку?

Монах дарров жавоб бермади, кейин унга ўгирилиб ўтирди-да, паст овоз билан:

— Бу барибир. Афсона, сароб ва мен — ҳаммаси сенинг ҳаяжонга келган тасаввуринг самарасидир, мен шарпаман,— деди.

— Демак сен йўқ нарсадай экансан-да?— деб сўради Коврин.

— Хоҳлаганингча ўйлайвер,— деди монах ва жилмайиб қўйди.— Мен сенинг тасаввурингда мавжудман, се-

нинг тасаввуринг эса табиатнинг бир бўлаги, демак мен табиатда ҳам мавжудман.

— Башарангдан мингга кирганга ўхшайсан. Жаҳонгашталигинг, кўпни кўрганлигинг сезилиб турипти,— деди Коврин,— менинг тасаввурим бундан нодир ҳодисани яратишга қобилиятли эканини билмаган эдим. Хўш, нега менга мунча завқ билан қараб қолдинг? Мен сенга ёқдимми?

— Ҳа, ростини айтганда, сен чиндан ҳам худонинг севган бандаси дейиладиган, камдан-кам учрайдиган одамларнинг бирисан, сен абадий ҳақиқатга хизмат қиласан. Сенинг фикрларинг, ниятларинг, ажойиб билиминг ва бутун ҳаётинг ғоят гўзал, илоҳий, самовий хислатга эгадир. Зероки улар донолик ва гўзалликка, яъни нимаки абадий бўлса ўшанга бағишланган.

— Сен абадий ҳақиқат дединг-а... Бироқ, модомики абадий ҳаёт бўлмагач инсонларга абадий ҳақиқат ва унга эришишнинг ҳожати борми?

— Абадий ҳаёт — охират бор,— деди монах.

— Сен инсон руҳининг ўлмаслигига ишонасанми?

— Ҳа, албатта. Сиз инсонларни буюк, порлоқ истиқбол кутади. Сенга ўхшашлар ер юзида қанча кўп бўлса, ўша истиқбол шунча тез юзага келади. Сизларсиз, илоҳи, қудратга содиқ ва итоат этувчи онгли ва озод бўлган сиз каби кишиларсиз инсоният ҳаёти бир чақага ҳам арзимасди; инсоният агар ўзининг табиий тараққиёт қонуни билан ривожланса, у ер юзида яна узоқ яшаган бўлар эди. Уни абадий ҳақиқат оламига бир неча минг йиллар илгари олиб чиқувчилар сизлар-ку. Сизларнинг юксак хизматларингиз мана шунда. Сиз одамларнинг илоҳи эътиқодларини камолотга етказасиз.

— Абадий ҳаётдан муддао нима?—деб сўради Коврин.

— Ҳар қандай ҳаётдагидек ҳузур-ҳаловатда яшамоқ демакдир. Чинакам ҳузур-ҳаловат онгдадир, охират эса англаш учун сонсиз-саноқсиз, битмас-туганмас манбалар яратади. Бу тўғрида: Менинг Отам уйининг ҳамхоналарида гап кўп, дейилган.

— Сўзларингни тинглаш нақадар ёқимли эканини ўзинг билсайдинг!— деди Коврин қувонч билан қўлларини ишқалаб.

— Жуда хурсандман.

— Лекин биламан: сен бу ердан кетгач сенинг моҳиятинг мени ташвишга солади. Сен тимсолсан. Кўзга кўрин-

ган нарсасан. Бундан чиқди мен руҳий ҳасталикка учраган, телба эканманда-а?

— Башарти шундай бўлса-чи? Номус қиласанми? Қасаллигингни боиси шуки, сен ҳаддан ташқари кўп ишладинг, чарчадинг, бу демак сен ўз сиҳатингни маслак йўлида қурбон қилдинг ва унинг учун ўз ҳаётингни берадиган вақт ҳам яқин. Қайсиси яхшироқ? Бу эса умуман барча истъодли, энг олижаноб шахслар шунга интилади демакдир. . .

— Мен ўзимнинг руҳий хасталигимни билсам, ўзимга ишонсам бўладими?

— Бўлмасачи? Уша бутун дунё уларга ишонадиган гениал одамлар ҳам тимсолларни кўрмаган деб ўйлайсанми? Ахир ҳозирги олимлар генийлик жиниликка яқин туради деб айтишади-ку. Эй, дўстим фақат ярамас, молга ўхшаган одамларгина соғ ва эс-ҳуши жойида бўлади. Асабийлик асри, чарчаш, зоти айниш ва ҳоказолар, ҳақидаги муҳокамалар фақат бу дунёга ишонган, яъни ҳайвон сифат одамларни жиддий ҳаяжонга солади холос.

— Римликлар: *mens sana in corpore sano*<sup>1</sup>,— дейдилар.

— Римликлар ёки греклар айтган гапларнинг ҳаммаси тўғри бўлавермайди. Руҳий кўтаринкилик, ҳаяжон, жазава — булар ҳаммаси пайғамбарларни, шоирларни, ғоя учун курашиб азоб чекувчиларни оддий инсонлардан ажратиб турадиган, инсоннинг ҳайвоний туйғусига қарама-қарши, яъни унинг жисмоний сиҳатига қарама-қарши ҳислатлардир. Яна қайтариб айтаман: соғ ва бақувват бўламан десанг подага бориб қўшил.

— Тавба, сен кўпинча менинг ҳам фикримга келадиган гапларни қайтарасан,— деди Коврин.— Сен гўё мени кузатиб, менинг махфий фикрларимни эшитиб олгандек гапирасан. Лекин, кел қўй, менинг тўғримда гаплашмаймиз. Сен мангу ҳақиқат деб нимани тушунасан?

Монах жавоб бермади. Коврин унга қаради-ю, унинг афтини кўролмай қолди: унинг юз қиёфаси хиралашиб бориб кўринмай қолди. Кейин монахнинг боши, қўллари йўқола бошлади, гавдаси скамейка ва оқшом қоронғис билан аралашиб кетди ва тамом ғойиб бўлди.

— Ҳодиса кўриш тамом бўлди!— деди Коврин ва кулиб юборди. Кейин:— Аттанг!— деб қўйди.

<sup>1</sup> Соф танада — соф ақл.

У хурсанд ва қувноқ ҳолда ҳовлига қайтиб кетди. Қора монах гапирган ўша озгина гап унинг иззат-нафсигагина эмас, бутун қалбига, бутун вужудига манзур бўлган эди.

Севилган банда бўлиш, абадий ҳақиқатга хизмат қилиш, инсониятни бир неча минг йил илгари қудрати парвардигорга сазовор этувчилар сафида бўлиш, яъни инсонларни бир неча минг йиллар олдинроқ курашдан, гуноҳдан, азоб-уқубатдан халос этиш, ғоя учун ёшликни, бор куч-қувватни бериш, бахт-саодат йўлида ҳалок бўлишга ҳам тайёрлик! Бундан улур, бундан бахтли қисмат бормикин! Унинг хотирасида ўзининг покиза, масъум, меҳнат ила тўлиб тошган ўтмиши гавдаланди, у ўзининг билимларини ва бошқаларга берган билимларини эслади ва монах гапларида муболиға йўқлигига қаноат ҳосил қилди.

Паркда юрган маҳалда унинг қаршисидан Таня чиқди. У энди бошқа кўйлак кийган эди.

— Сиз бу ердасизми?— деди у.— Биз бўлса сизни қидиравериш эсимиз кетди... Ҳа, сизга нима бўлди?— деб ажабланди у, унинг завқ ила порлаган юзига, ёшга тўлиб турган кўзларига тикилиб.— Жуда ғалати одамсиз-а Андрюша.

— Мен хурсандман, Таня,— деди Коврин унинг елкасига қўлини қўйиб.— Мен теримга сиғмай кетяпман, мен бахтлиман! Таня, Таня жоним, сиз жуда ҳам ажойиб жозибатор зотсиз! Таня жоним, мен шу қадар хурсандманки, шу қадар!

У Танянинг қўлидан эҳтирос билан ўпди ва давом этди:

— Мен ҳозиргина порлоқ, ажойиб, бу оламда бўлмайдиган дақиқаларни кечирдим. Лекин мен сизга ҳаммасини гапириб беролмайман. Чунки айтсам сиз мени жинни бўлиб қолибди дейсиз ёки менга ишонмайсиз. Келинг, сизнинг ҳақингизда гаплашамиз, жонгинам, азизим Таня! Мен сизни севаман ва сизга ўрганиб қолдим. Сизнинг ошналигингиз, сиз билан бир кунда дам-бадам учрашиб туришларимиз, қалбимнинг зарур талаби бўлиб қолди. Уйимга кетганимда сизсиз нима қиламан, бунга ақлим етмай қолди.

— Қўйсангиз-чи!— деб кулди Таня.— Икки кундан кейиноқ бизни эсингиздан чиқариб юборарсиз. Биз кичкина одамлармиз, сиз эса улур одамсиз.



— Йўқ, келинг, жиддий гаплашамиз,— деди у.— Мен сизни бирга олиб кетаман Тая. Хўпми? Мен билан кета-сизми? Менга тегишни истайсизми?

— Йўғ-э!— деди Тая ва яна кулмоқчи бўлди. Лекин кулолмади, юзлари қип-қизил доғлар ила қопланди.

У тез-тез нафас олди ва илдам юриб кетди, уйга эмас, парк томон кетди.

— Мен бу тўғрида ўйлаган эмасдим... Уйламаган-дим!— дерди у, худди мушкул аҳволда қолгандек, қўлларини силкиб.

Коврин эса унинг орқасидан борар ва ҳамон чеҳраси ҳалигидек қувончдан завқланиб, яшнаб сўзида давом этар эди:

— Мен, бутун борлигимни қамраб оладиган муҳаббат истайман, шу севгини фақат сизгина инъом эта оласиз Тая. Мен бахтиёрман! Мен бахтлиман!

Қиз довдираб қолди, гўё бирдан ўн ёш қариб қолгандек букчайиб, гужанак бўлиб олди. Коврин эса уни ҳамон мақтар ва қувончини баланд овоз билан изҳор этар эди:

— Нақадар гўзал бу қиз!

## VI

Қизи билан Коврин ўртасидаги муносабат фақат оддий хушторликкина бўлмай, ҳатто тўй ҳам бўлишини Ковриндан эшитиб Егор Семенич ўз ҳаяжонини яширишга уриниб анчагача уйнинг у бошидан бу бошига юрди. Унинг қўллари титрар эди, бўйни шишиб қип-қизариб кетди. Извош қўшишга буюрди ва қаёққадир жўнаб кетди. Отасининг отга қамчи уришини ва шапкасини кўзига-ча босиб кийиб олганини кўрган Тая унинг кайфиятига тушунди ва ўз уйига кириб, ичидан бекитиб олиб кечгача йиғлаб куни ўтди.

Оранжереяларда шафтолилар ва олхўрилар пишди, бу нозик ва серҳашам юкни жойлаш ва Москвага юбориш анча диққат, меҳнат ва оворагарчилик талаб қилар эди. Ёз жуда иссиқ ва қуруқ келгани учун ҳар бир дарахтни суғоришга тўғри келар эди, жуда кўп вақт ва ишчи кучи сарф этилар эди, ундан ташқари капалак қуртлар жуда кўпайиб кетди, Ковринни жиркантириб хизматчилар, ҳатто Егор Семенич билан Тая ҳам қуртларни тўппа-тўғри бармоқлари билан эзиб ўлдиришарди. Шунча иш устига тагин кузги ҳўл мевалар, дарахтлар учун заказ-

лар қабул қилиш, жуда кўп хатлар ёзишга тўғри келар эди. Ҳеч кимни қўли тегмайдиган, айна иш қизиган пайтда, дала ишлари бошланди, бу эса боғда ишлаётганларнинг ярмидан кўпини банд қилиб қўйди; қоп-қорайиб кетган, қийналган, тажанг Егор Семенич ҳали боққа югурар, ҳали далага чопар ва: ўлар бўлсам ўлдим, жоним қолмади, ўзимни отиб қўя қолай! деб бақирар эди.

Яна бунинг устига сеп ҳақида бош қотириш керак, чунки Песоцкийлар бу масалага алоҳида эътибор беришадди. Қайчиларнинг чақир-чуқуридан, тикув машиналарининг овозидан, дазмолларнинг ҳидидан ва аразчи, асабий чевар хотиннинг хархашасидан уйдагиларнинг боши айланар эди. Тагин худди аксига олгандек бир кун ҳам меҳмон канда бўлмас, уларни меҳмон қилиш, кўнглини олиш ва ҳаттоки ётиб қолишга ҳам қисташ керак бўлар эди. Лекин бу ғовғалар ҳаммаси бир тумандек, сезилмай ўтиб кетди. Таян ўн тўрт ёшидан бери Коврин ўзига уйланишига ишониб юрган бўлса ҳамки, муҳаббат ва бахтиёрлик саросимага солгандек ҳис этар эди. У таажжубланар, эсанкирар ва ўзига ишонмасди. . . Бир қараса уни шундай шодлик ўраб оладики, осмонга парвоз қилиб, у ерда худога санолар айтгуси келади, ёки бирдан уни эсига август ойида туғилиб ўсган ерлар билан айрилиш, отасини ташлаб кетиш тушади, ёки бўлмаса қаёқдандир унинг миясига: мен шундай улуг киши Ковриннинг тирноғига ҳам арзимайдиган, тубан, кўзга кўринмайдиган қизман, деган фикр келиб қолади ва бундай вақтларда у уйни ичидан бекитиб олади-да, соатлаб ҳунг-ҳўнг йиғлайди. Меҳмонлар бўлган вақтларда унинг назарида Коврин тенги йўқ чиройлик, гўё ҳамма аёллар унга ошиқ ва ҳаммалари унинг бахтига ҳаваслари келаётгандек туюлади ва гўё у бутун оламни энгиб олгандек, унинг қалби шавқ-завқ ва ифтиҳор билан тўлиб тошади, лекин худо кўрсатмасин Коврин бирорта қизга илжайиб қўйса борми, у рашқдан қалтирайди, ўз хонасига кириб кетиб яна йиғлайди. Бу янги туйғулар унинг борлигини батамом ўраб олди, у отасига беихтиёр ёрдамлашар ва энди на шафтоли, на капалак қурт, на ишловчиларнинг биронтаси унинг кўзига кўринар, вақтнинг ўтиб кетаётганини ҳам сезмас эди.

Егор Семенич ҳам худди шундай. У эртадан кечгача жаҳли чиқар, лекин булар ҳаммаси қандайдир сеҳрли, ишлар, ҳамма вақт қаёққадир шошилар, хуноб бўлар,

тушида бўлаётгандек. Гўё иккита Егор Семенич бўлиб қолгандек — унинг биттаси боғбон Иван Қарличнинг тартибсизликлар ҳақидаги гапларини эшитиб тутоқиб кетадиган ва фиғони чиққанидан бошини тутамлайдиган росткам Егор Семенич, иккинчиси худди ширакайф одамдек гапидан айниб кетадиган, яъни иш ҳақида гапириб туриб, ёнидаги одамнинг оғзидаги гапини юлиб, ўз дардини айтадиган ғалати Егор Семенич. У боғбоннинг елкасига қоқиб қўйиб, гапира бошлади:

— Нима бўлса ҳам қонига тортар экан-да. Унинг онаси ажойиб, олижаноб, доно аёл эди. Унинг париштадек нуроний, покиза, соф юзига қарашнинг ўзи бир роҳат эди. У яхши рассом эди, шеърлар ёзар эди, бешта чет тилни сувдек билар эди, ашула айтар эди. Бечора, худо раҳмат қилгур, силдан вафот этиб кетди.

Егор Семенич ғалати уҳ тортади, бир оз жим тургач давом этади:

— У бола вақтида меникида ўсди. Унинг қарашлари ҳам, ҳаракатлари ҳам, гапи ҳам онаси каби нозик ва назокатли. Ақли-чи? У ҳамма вақт ўзининг ақли-ҳуши билан бизни ҳайратда қолдирар эди. Бўлмаса магистр бўлиш осон бўлибдими! Магистр-а! Ҳали шошмай тур, Иван Қарлич, ўн йилдан кейин ҳали у қанақа бўлиб кетади! Жуда ўсиб кетади у!

Бироқ, шу топда росткам Егор Семенич эсига келиб қолиб, башарасини буриштирди-ю, бошини чангаллаганича қичқира бошлайди:

— Шайтонлар! Хароб қилдинглар, худога ургиздинглар, совуқ урдириб юбординглар! Боғ битти! Боғ хароб бўлди.

Коврин эса аввалгича тиришиб ишлар ва бўлаётган ғовур-ғувурларни сезмасди ҳам. Муҳаббат унинг илҳомини ошириб юборди. Таня билан ҳар кўришгандан кейин у бахтиёр ва қувноқ ҳолда ўз хонасига қайтар ва ҳозиргина Таняни қанчалик эҳтирос билан ўлган ва қандай жўшқин изҳори муҳаббат қилган бўлса, шундай эҳтирос ва жўшқинлик билан китобни ёки қўл ёзмаларини қўлга олар эди. Қора монахнинг худонинг севган бандаси, мангу ҳақиқат, инсониятнинг порлоқ келажаги ва ҳоказолар ҳақида айтган гаплари эса, унинг ишига ўзгача бир ажойиб маъно берар ва унинг қалбини ғурур ва ўзининг улғу одам эканлиги ҳақидаги тушунча билан тўлдирар эди. Ҳафтада бир ёки икки марта у, паркда ёки уйда қора

монах билан учрашар ва узоқ суҳбатлашар эди, лекин бу учрашувлар уни қўрқитмас, аксинча уни қувонтирар, чунки бу каби хаёлий шарпалар ёлғиз ўзини ғоя йўлида хизмат этишга бағишлаган сара, машҳур одамларнигина зиёрат қилишига қаттиқ ишонч ҳосил қилган эди.

Кунлардан бир кун монах тушки овқат маҳалида келди ва уйнинг деразасига келиб ўтирди. Коврин жуда севиниб кетди ва жуда усталик билан монахни қизиқтирадиган гаплар ҳақида Егор Семенич ва Таня билан гаплашиб ўтирди; қора меҳмон унинг гапини эшитар ва бошини оҳиста ирғатиб қўярди, Егор Семенич билан Таня эса Коврин улар билан эмас, кўзига кўринган киши билан гаплашаётганига шубҳа ҳам қилмай эшитишар ва севиниб илжайишар эди.

Елиб-югуриб Успенский рўзаси ҳам етиб келди, унинг орқасидан кўп ўтмай тўй ҳам бўла қолди. Егор Семеничнинг қистоғи билан тўй жуда ҳашаматли бўлди, яъни икки кеча кундуз давом этган бемаъни маишатлар билан ўтди. Уч минг сўмча сарф бўлди. Едилар, ичдилар, лекин олиб келинган музикаларнинг ярамаслигидан, шовқин-сурон қадаҳ кўтаришлардан ва малайларнинг у ёққа чоп, бу ёққа чопидан, бақир-чақирлардан атайлаб Москвадан олдириб келтирилган қиммат баҳо винолар, ғалати закускаларнинг мазасига тушунмадилар ҳам.

## VII

Кунлардан бир кун, узоқ қиш кечаларининг бирида Коврин ўрнида ётиб французча роман ўқир эди. Шаҳар ҳаётига ўрганмагани учун кечқурунлари боши оғрийдиган бечора Таня аллақачон ухлаган ва уйқусида алаҳлаб аллақанақа тушуниб бўлмайдиган жумлаларни айтиб қўярди.

Соат учга занг урди. Коврин шамни ўчириб, ётди; у кўзларини юмганча анча ётди, лекин ётоқхонанинг исиб кетганиданми ёки Тяняннинг алаҳлашиданми уйқуси келмади. Соат тўрт яримда яна шам ёқди ва шу замон ўрнига яқин турган креслода ўтирган қора монахни кўрди.

— Саломатмисан?— деди монах ва бир оз индамай ўтиргандан кейин:— Сен энди нима тўғрида ўйлаяпсан?— деб сўради.

— Шуҳрат ҳақида, — деб жавоб берди Коврин.— Ҳозир мен ўқиётган французча романда, кўп бемаъниликлар

қиладиган ва шуҳрат қозонолмай армонда қоладиган ёш олим ҳақида сўз боради. Мана шу армоннинг сабабига тушунмадим.

— Чунки сен ақлли одамсан. Шуҳратга, қизиқтирмайдиган бир ўйинчоқ деб қарайсан.

— Ҳа, бу тўғри.

— Машҳурлик сенга кулиб боқмайди. Улганингдан кейин сенинг номингни мармар тошга ўйиб ёзиб қўйишларидан сенга бирор мақтарли ёки қизиқарли, ёки бўлмаса ибрат бўларли жойи борми? Барибир, тилла суви юритилган ёзувларни ҳам кейин вақт ўчириб ташлайди. Сиздақаларнинг сони-саноғи йўқлигидан сизнинг номларингизни ёдда сақлаб қолиш осон ҳам эмас.

— Тушунарли,— деди Коврин унинг фикрини маъқуллаб.— Сақлаб қолишнинг нима ҳожати ҳам бор? Кел қўй, бошқа гаплардан гапиришамиз. Масалан, бахт ҳақида. Бахт нима деган нарса ўзи, а?

Соат бешга занг урганда у кроватдан оёғини гиламга осилтириб ўтирганча монахга гапирар эди:

— Қадим замонларда бир бахтли одам, шу қадар катта бахтга эга эканки, бориб-бориб ўз бахтидан қўрқиб кетган экан.— Тангри қаҳр-ғазабига олмаслиги учун ўзининг яхши кўрган узугини иона қилган экан. Биласанми? Мени ҳам, ўз бахтим Поликрат бахтига ўхшаш озгина ташвишлантира бошлади. Эртадан кечгача фақат хурсанд бўлишим ўзимга ғалати кўриняпти, бу шодлик бутун борлигимни тўлдирган барча туйғу-ҳисларни босиб юбормоқда. Мен қайғу, хафалик ёки зеркиш нималигини билмайман. Мана мен ухлай олмайман, уйқусизликка учраганман, лекин зерикмайман. Чиндан гапиряпман: ростдан ҳам жуда ҳайрон қоляпман.

— Нега ахир?— деди монах ажабланиб.— Ахир шодлик ғайри табиий туйғуми? Ахир у инсоннинг нормал ҳолати бўлолмайдими? Одам ўзининг ақлан ва ахлоқан ўсиши жиҳатидан қанча юқори бўлса, шунча у эркин бўлади, ҳаёт унга шунчалик ҳузур-ҳаловат бағишлайди. Сократ, Диоген ва Марк Аврелийлар қайғуни эмас, шодликни сезганлар. Апостол ҳам, доимо шодликдан бошинг чиқмасин, деган. Сен ҳам хурсанд бўлавер, бахтли бўл.

— Бирдан худонинг қаҳри келиб қолса-чи? — деди ҳазиллашиб Коврин ва кулиб қўйди. Агар у менинг роҳатимни бузиб, очликдан, совуқдан қийналишга мажбур этса, у менга маъқул бўлмас.

Шу орада Тая уйғониб қолди ва ҳайрон қолиб ҳам-да ваҳима босиб эрига тикилди. У креслога қараб гапирар, қўлларини ҳаракатга келтирар ва кулар эди, унинг кўзлари ялтирар, кулгиси ҳам аллақанақа, ғалати эди.

— Андрияша, ким билан гаплашяпсан?— деб сўради у эрининг монахга узатган қўлини ушлаб.— Андрияша! Ким билан?

— А? Ким билан дейсанми?— деб хижолат тортди Коврин.— Ана у билан. . . Мана у, ўтирибди,— деди у қора монахни кўрсатиб

— Бу ерда ҳеч ким йўқ-ку. . . Ҳеч ким! Андрияша бетоб бўлиб қолибсан. . .

Тая эрини қучоқлади ва кўзига кўринган нарсадан уни ҳимоя қилгандек, бағрига босиб, қўли билан унинг кўзларини бекитди.

— Касал бўлибсан! — деб ҳўнграб йиғлади у, бутун вужуди қалтираб.— Мени кечир азизим, севгилим, лекин мен сенинг касал эканингни анчадан бери сезиб юрардим. . . Сен руҳий касалликка учрагансан, Андрияша. . .

Унинг титроғи Ковринга ҳам ўтди. У яна бир марта креслога қаради, кресло бўш турар эди, бирдан оёқ-қўллари бўшашиб кетганини сезиб, қўрқиб кетди ва кийина бошлади.

— Ҳеч гап эмас, Тая, ҳечқиси йўқ. . .— деб ғудирлади у дир-дир титраб.— Ростдан ҳам мен бир оз касалман. . . иқроп бўлишим керак энди.

— Мен кўпдан бери сезаман. . . Дадам ҳам сезган,— деди у ҳўнграб юборишдан аранг ўзини тутиб,— сен ўз ўзинг билан гаплашасан, ғалати куласан. . . ухламайсан. Эй тангрим, ўз паноҳингда сақла бизни!— деди у ваҳима босиб.— Лекин сен қўрқма, Андрияша, қўрқма, худо ҳақи қўрқма. . .

У ҳам кийина бошлади. Эндигина Коврин хотинига қараб ўз аҳволининг нақадар хатарли эканига ишонди, қора монах ва у билан бўладиган суҳбатларнинг нима эканига тушунди. Ўзининг жинни бўлиб қолганини энди аниқ билди.

Иккилари ҳам негадир кийиниб, Тая олдинда, Андрияш унинг орқасидан залга чиқишди. Бу ерга меҳмон бўлиб келган, йиғи овозидан уйғониб кетган Егор Семенич қўлига шам ушлаб халат кийиб турар эди.

— Сен қўрқма, Андрюша, — дерди Таня, безгак тутгандек қалтираб, — қўрқма. . . Дада, бу ҳаммаси ўтиб кетади. . . Ҳаммаси ўтиб кетади. . .

Коврин ҳаяжондан гапиролмас. У қайнатасига қизиқчилик билан; табриклашингиз мумкин, мен ақлдан озганга ўхшайман, — демоқчи бўлди-ю, лекин гапиролмай, лабларини қимирлатди ва истехзо билан илжайди.

Эрталаб соат тўққизда унга пальто ва пўстин кийги-зиб, бўйнини рўмол билан ўраб, коретада докторга олиб кетдилар. У даволана бошлади.

## VIII

Яна ёз келди ва доктор қишлоққа кетишга буюрди. Коврин тузалиб қолди, қора монахни кўрмайдиган бўлди, энди у қувватга кириб олиши керак эди. Қишлоқда қайнатасиникида турди. Сутни кўп ичар, суткасига фақат икки соат ишлар, ичкилик ичмас ва чекмас эди.

Ильин байрамига ўтар кечаси уйда кечки ибодат ўқилди. Дьячок попга кадилони узатган пайтда каттакон эски залда қабристон иси келиб кетди ва бундан Ковриннинг юраги сиқилиб, боққа чиқиб кетди. Ажойиб гулларга аҳамият ҳам бермай боғда сайр қилиб юрди, скамейкада ўтирди, кейин паркда у ёқдан бу ёққа юрди, дарёга етганда пастга тушди, сувга тикилганича хаёл суриб турди. Ўтган йили шу ерда уни ёш, хушчақчақ ва бардам кўрган пахмоқ илдизли маъюс қарағайлар энди шитирлашмас, аксинча, гўё уни таниёлмагандек, қимирламай жимгина туришар эди. Ҳақиқатан ҳам унинг узун, чиройли сочлари олиб ташланган, у суштгина қадам ташлайди. Юзи бултур-гига қараганда тўлишган ва ранги кетган.

Лавалар орқали у нариги қирғоққа ўтди. Ўтган йили жавдар экилган ерда энди ўрилган сули қатор-қатор бўлиб ётар эди. Қуёш ботган, уфқдан эса эртага шамол бўлишидан дарак берувчи кенг, қип-қизил шафақ ёлқинланмоқда эди. Ҳамма ёқ жимжит, Коврин ўтган йили қора монахни даставвал кўрган томонига тикилганича йигирма минутча, кечки шафақ сўна бошлагунча турди. . .

Коврин бўшашиб, ҳафсаласи пир бўлиб уйга қайтиб келганда кечки ибодат тутаган эди. Егор Семенич билан Таня айвон пиллапоясига ўтириб олиб чой ичмоқда, нима тўғридадир гаплашиб ўтирар эди. Лекин Ковринни кўриб

бирдан жим бўлиб қолдилар, уларнинг авзойидан Коврин ўзи ҳақида гап бораётганини сезди.

— Сут ичадиган вақтинг ҳам бўлиб қолди-я,— деди Таня эрига.

— Йўқ, бўлгани йўқ... — деб жавоб берди у пилла-поянинг энг пастки босқичига ўтира туриб.— Ўзинг ичавер. Мен хоҳламайман.

Таня олазарак бўлиб отасига қараб қўйди-ю ва айбдордек:

— Сутни сенга фойдаси тегаётганини ўзинг ҳам сез-япсан-ку,— деди.

— Ҳа, жуда ҳам фойда қиляпти,— деди Коврин заҳар-ханда қилиб.— Муборак бўлсин: жумадан бери яна бир қадоқ семирибман.— У қўллари билан бошини маҳкам чангаллади ва алам билан бошлади:— Нега, нега ахир сизлар мени даволадингиз? Бромли препаратлар, бекорчилик, иссиқ ванналар, назорат, бир қултум сув ичиш, бир қадам ташлаш учун ҳам қўрқиб туришлар ҳаммаси қўшилиб ахир бир куни ростакам жинниликка олиб боради. Мен ақлдан озган эдим, менда ўзини улуг сезиш савдо-йилиги бошланган эди, лекин шод-хуррам, бардам, ҳатто бахтли эдим, мен ажойиб, ғалати бир одам эдим. Энди мен оғир-вазмин, улугсифат одамман, лекин ҳамма қанақа бўлса мен ҳам ўшанақаман: мен ўрта даража одамман, яшашнинг менга қизиғи йўқ... Эссиз, эссиз... Сизлар менга нақадар шафқатсизлик қилдингиз! Мен ғалати бир ҳодиса кўрардим, лекин бу кимга халақит берарди, а? Кимга халақит берарди деяпман?

— Нималар деб валдираяпсан, тавба,— деди уҳ тортиб Егор Семенич.— Одамнинг эшитгиси ҳам келмайди.

— Сиз эшитмай қўя қолинг.

Одамларни, айниқса Егор Семенични кўрганда Ковриннинг қони қайнар эди. Унга қуруқ, совуқ, ҳатто қўпол жавоб қайтарар эди, заҳарханда қилиб, нафратланиб қарар, Егор Семенич эса хижолат тортар, ўзини айбдор деб билмаса ҳам, айбдордек йўталиб қўяр эди. Буларнинг шу қадар меҳрибон ва яхши муносабатларини кескин ўзгариб кетганлиги сабабига тушунолмай Таня отасининг пинжигига тиқилиб, унинг кўзларига ташвиш билан қарар эди: у тушунишга уринар, лекин тушунолмас, унга аён бўлгани шу эдики, отаси билан эри ўртасидаги муносабат кундан-кунга ёмонлашмоқда. Устига устак отаси кейинги кунларда анча қариб қолди, эри эса сержаҳл, серхархаша,



тирғилаверадиган ва хунук бўлиб қолди. Тая энди кулишини ҳам унутди, ашула ҳам айтмасди, ҳеч нарса емас, бирор фалокат юз беришидан қўрқиб тонг отгунча мижда қоқмас эди. У шунчалик қийнаиб кетдики, бир куни тушки овқатдан кейин кечгача беҳуш бўлиб 'ётди. Кечки ибодат маҳалида назарида отаси йиғлагандек кўринди. Мана ҳозир учалалари айвонда ўтиришган пайтда Тая ўша ҳақда ўйламасликка зўр бериб уринар эди.

— Будда ва Муҳаммад ёки Шекспир қанчали бахтли одамлар бўлишган, меҳрибон қариндошлар, докторлар уларни жазаваси тутиш ва илҳомланишдан даволамаган! — деди Коврин. — Агар Муҳаммад асабларини даволаш учун бромли калий ичган бўлса, кунига икки соат ишлаб ва сут ичиб юрган бўлса, бу олижаноб одамдан кейин унинг итидан қолганча оз таъсир қолар эди. Докторлар ва меҳрибон қариндошлар шунга олиб боришадики, ниҳоят одамзоднинг зеҳни пасаяди, — ўрта даража генийлик ҳисобланади ва маданият ҳалок бўлади. Қуллуқ илтифотларингизга — деди Коврин ачитиб, — мен сизлардан ниҳоятда миннатдорман!

У жаҳли чиқиб кетаётганини сезди ва ортиқча гап айтиб юбормаслик учун тезгина ўрнидан турди-ю, уйга қараб кетди. Жимжит эди, уйга очиқ деразадан боғдан тамаки билан ялаппанинг ёқимли иси кириб турмоқда, каттакон қоронғи залда полга, рояль устига ойнинг шуъласи кўкимтир бўлиб тушиб турибди. Ковриннинг эсига ўтган ёзнинг шодликлари тушиб кетди, ўшанда ҳам худди шундай ялаппалар ҳиди гуркираб, ойналарда ой нури ўйнар эди. Утган йилги туйғуларни қайтариш учун шошилиб ўз хонасига кирди, ўткир сигарет чекди ва малайга вино келтиришни буюрди. Бироқ сигаретадан оғзи ачиб, тахир бўлиб кетди, вино эса бултургидек ширин татимади. Чекиш ва ичишдан анча қайтиб қолган экан! Сигаретадан ва икки қултум винодан унинг боши айланиб, юраги шундай уриб кетдики, бромли калий ичишга тўғри келди.

Ухламоқчи бўлиб туришганда Тая унга:

— Дадам сени ҳурмат қилади. Сен негадир ундан хафа бўлиб юрибсан, бу эса уни жуда қийнаяпти? Ўзинг кўргин: у кун сайин эмас, соат сайин қарияпти. Ялиниб сўрайман, Андрюша, худо ҳақи, марҳум отанг ҳурмати, ҳеч бўлмаса менинг тинчлигим учун у билан ширин муомалада бўлгин! — деди.

— Бўлмайман ҳам, хоҳламайман ҳам.

— Нега ахир?— деди Таня аъзойи-бадани титраб.— Менга айтгин, нима учун?

— Чунки у мөнинг дидимга ёқмайди, бўлди ми? — деди Коврин бепарволик билан ва елкасини қисиб қўйди,— кел қўй, у ҳақда гапиришмаймиз: минг қилса ҳам у сенинг отанг.

— Тушунолмайман, асти тушунолмайман!— деди Таня чаккаларини сиқиб ва бир нуқтага қараган ҳолда — Қандайдир тушуниб бўлмайдиган ёмон бир ҳодиса рўй беряпти бизнинг уйимизда. Сен шундай ўзгариб кетдингки, ўзингга ўхшамай қолдинг. . . Сен ақлли-хушли, олижаноб бир одамсан, лекин арзимаган нарсага жаҳлинг чиқади, майда гапларга аралашасан. . . Шу қадар арзимаган нарсалар сени тутоқтириб юборадикки, баъзан қараб туриб ахир бунга нима бўлди деб ўйлаб қолади киши. Ҳа, бўлди, бўлди жаҳлинг чиқмасин, — деб давом этди у ўзининг айтиб қўйган гапига пушаймон бўлиб ва унинг қўлини ўпиб.— Сен ақлли, кўнгилчан, олижаноб одамсан. Отамга нисбатан инсофлироқ бўласан. У шундай кўнгилчан одамки!

— У кўнгилчан эмас, соддадил, сенинг дадангга ўхшаган ҳаддан ташқари меҳмондўст ва тентакроқ чоллар ўзларининг хирсдан тўқликлари, ёқимтой афт-башаралари билан бир вақтда қиссаларда ҳам, водевилларда ҳам, ҳаётда ҳам менинг раҳимини келтирар эди. Энди бўлса улар менга ёқмайди. Худбинлик уларнинг суяк-суягига сингиб кетган. Мени ҳаммадан ҳам нафратимни кўз-ғатадиган нарса уларнинг тўқлиги ва ана шу буқадек ёки тўнғиздек фақат қорнининг ғамини ейишларидир.

Таня ўрнига ўтирди ва бошини ёстиққа қўйди.

— Ёу қанақа азоб,— деди у, овозидан унинг ниҳоятда чарчаганлиги ва гапиришга ҳам мадори йўқлиги кўриниб турарди.— Қишдан бери бир минут ҳам тинчлик бўлмасая. . . Ахир бу нима деган гап, эй тангрим! Қийналиб кетдим. . .

— Ҳа, албатта мен — золим, сен ва отанг бегуноҳ гўдаксизлар, албатта!

Унинг бети Таняга хунук ва ёқимсиз кўрнниб кетди. Нафратланиш ва масхара қилиш унинг башарасига ярашмас эди. Ҳа, унинг юзида нимадир етишмаганини у илгари ҳам сезган, худди у сочини олдиргандан бери башараси ҳам ўзгариб қолгандек. Таня унга бирорта алам қилади-

ган сўз айтмоқчи бўлди, лекин ўзида унга қарши адоват уйғонаётганини сезиб қолди ва қўрқиб кетиб, ётоқхонадан чиқиб кетди.

## IX

Коврин мустақил кафедра олди. Бошланғич лекция иккинчи декабрга тайинланиб, бу ҳақда университет коридорида эълон ёпиштириб қўйилди. Аммо тайинланган куни у студентлар инспекторига касаллиги туфайли лекция ўқий олмаслигини телеграмма орқали билдирди.

Унинг томоғидан қон келар эди. У қон тупирар эди, лекин ойида бир-икки марта қон шу қадар кўп кетар эдики, у ҳаддан ташқари ҳолдан кетар ва уйқу босадиган бўлиб қолар эди. Бу касал у қадар уни ташвишга солмас, чунки унинг марҳума онаси ҳам шу касал билан ўн йил, балки ундан кўпроқ яшаганлиги унга маълум эди ва докторлар ҳам бу касалнинг хавfli эмаслигини тушунтирар, фақат кўп уринмасдан, тўғри ҳаёт кечириш ва камроқ гапиришга маслаҳат берарди. Январда ҳам ўша сабаб билан лекция бўлмай қолди. Февралда эса дарс беришга кеч бўлиб қолди. Янаги йилга қолдиришга тўғри келди.

У энди Таня билан турмас, ўзидан икки ёш катта бўлган ва уни ёш боладек парвариш қиладиган бошқа бир аёл билан яшар эди. Аҳволи, руҳи тинч, итоатли эди. Варвара Николаевна — йўлдошининг исми шундай эди — уни Қримга саёҳатга олиб бормоқчи бўлганида, гарчи бу сафардан ҳеч қанақа наф бўлмаслигига ақли етиб турса ҳамки, мамнунлик билан рози бўлди.

Улар Севастополга кечқурун келишди ва дам олиб эртасига Ялтага жўнаб кетиш учун меҳмонхонада тўхташди. Йўл иккалаларини ҳам чарчатган эди. Варвара Николаевна чой ичиб бўлиб, ётгани кириб кетди ва дарров ухлаб ҳам қолди. Лекин Коврин ётмади. Уйдалигида, вокзалга чиқишга бир соат қолганда, у Танядан хат олган эди, уни очишга юраги дов бермади, мана энди ўша хат ён чўнтагида турибди. Лекин ҳар эсига тушганда юраги ғаш бўларди. У энди Таняга уйланиб ўзини чиндан ҳам хато иш қилганига иқрор ва ниҳоят у билан узил-кесил ажралиб кетганидан хурсанд. Бора-бора тикилиб қарайдиган катта-катта тийрак кўзларидан бошқа ҳеч жозибали жойи

қолмаган, тирик мурдага айланган бу аёлни эсга олишнинг ўзи, Андрейнинг ўзига нисбатан ачиниш ва афсусланиш туйғуларини уйғотар эди. Конверт устидаги хат унга бундан икки йил муқаддам ҳеч бир гуноҳсиз одамларга ўзининг маънавий қашшоқлик, юрак қизиши, ёлғизлик, ҳаётдан норазилик аломатларини тўкиб, уларга инсофсизлик, қаҳри қаттиқлик қилганларини эслатади. Шу орада тагин у бир кунги воқиани эслади; кунлардан бир кун у ўзининг диссертациясини ва касал вақтида ёзган барча мақолаларини майда-майда қилиб йиртиб деразадан ташлади, йиртилган қоғоз парчалари шамолда учиб дарахтларга, гулларга илинар эди, ҳар бир сатрда у ғалати, ғалати, ҳеч нарсага асосланмаган даъволар, беандиша ғурур, дағаллик, ўзини улуғ сезиш савдойилигини кўрди, бу унга қаттиқ таъсир этди, гўё у ўз нуқсонларининг тасвирини ўқиётгандек бўлди; лекин охириги дафтар йиртилиб деразадан отилганда, негадир унга бирдан алам қилиб кетди, у хотини олдига чиқиб унга анча аччиқ-тизиқ гаплар айтиб юборди. Ё раббий, қанчалик уни эзар эди-я! Бир кун у хотинига алам қилсин учун, бизнинг муҳаббатимизда отанг хунук хизмат қилган, у мени сенга уйланишимни сўраган, деб юборди; Егор Семенич бу сўзни тасодифан эшитиб қолиб, уйга югуриб кирди, азбаройи туюқиб кетганидан оғзига гап келмай, фақат турган ерида ер тепиб, худди тилдан қолгандек аллақанақа бўкирар эди, Таня отасининг холини кўриб қаттиқ чинқирди-ю, ҳушидан кетиб йиқилди, бу энди ҳаддан ташқари расвогарчилик эди.

Таниш хатга кўзи тушиши билан булар ҳаммаси хотирига келди. Коврин балконга чиқди; ҳаво тинч, илиқ, денгиз ҳиди келар эди. Ажойиб кўрфазда ой ва чироқлар акс этар ва шундай товланар эдики, қандай рангда эканини ҳисоблаб бўлмасди. Бу ҳаво ранг билан кўкнинг нафис қўшилгани эди; баъзи бир ерларда сувнинг ранги тўтиёга ўхшар, баъзи бир ерларда эса ойнинг нури қуюқлашиб, сув ўрнига кўрфазни тўлдиргандек, умуман айтганда рангларнинг ажойиб мослиги, нақадар тинч, оҳиста ва олижаноб.

Пастки қаватда, балкон тагида деразалар очиқ бўлса керак, чунки аёллар товуши ва кулги овозлари баҳузур эшитилмоқда. Чамаси у ерда зиёфат бўляпти.

Коврин ахир ўзини мажбур этиб мактубни очди ва у ўз номерига кириб ўқий бошлади:

«Отам ҳозир вафот этди. Бунинг учун мен сендан миннатдорман, чунки уни сен ўлдирдинг. Боғимиз хароб бўлмоқда, бечора отамнинг энг қўрққан нарсаси амалда кўриниб, аллақачон бегоналар эгалик қилмоқда. Бунинг учун ҳам сендан миннатдорман. Мен сени қалбдан ёмон кўраман ва тезроқ жувонмарг бўлишингни истайман. Қанчалик қийналиб кетдим! Юрагимни ўтқир алам куйдирыпти... Балога учрагин сен. Мен сени ажойиб, гениал одам деб ўйлагандим, мен сени севгандим, сен бўлсанг ғирт жинни экансан...»

Коврин ортиқ ўқий олмади, мактубни йиртиб-йиртиб ташлади. Уни ваҳимага ўхшаш безовталик босди. Ширма орқасида Варвара Николаевна ухлар ва унинг нафас олиши эшитилмоқда эди; пастки қаватдан аёллар овози ва кулги эшитилар, лекин унинг назарида бутун меҳмонхонада ундан бошқа битта ҳам жондор йўқдек туюлар эди. Қайғу-ҳасратга ботган Тәня ўз мактубида уни қарғаб, унга ўлим тилганидан қаттиқ ваҳимага тушар ва шу икки йил мобайнида ўзининг ва унга яқин одамларнинг ҳаётига қанчадан-қанча фалокатлар келтирган ана у номаълум куч номерга кириб, яна унинг ихтиёрини ўғирлаб қолмасин деб қўрққандек, эшикка кўз қирини ташлаб қўяр эди.

У энди ўз тажрибасидан, асабийлаша бошласа ундан қутулиш учун энг яхши чора иш билан овуниш эканини билади. Ҳозир ўтириб, қандайдир бир нарса устида фикрни бир жойга тўплашга ўзини мажбур қилиш керак. У ўзининг, қизил портфелидан, башарти Қримда зерикиб қолсам, эрмак қилишга керак бўлар деб олиб келган, унчали катта бўлмаган компилятив иш ҳақида конспект тузган дафтарини олди. У столга ўтирди ва конспект билан шуғулланди ва назарида унга яна тинч, итоатли бепарволик руҳи қайтаётгандек бўлди. Конспектли дафтар, ҳатто уни дунёвий тараддудлар ҳақидаги мулоҳазага олиб борди. Ҳаёт одамга бера оладиган ўша арзимаган ёки жуда оддий фаровонлик учун қанча кўп ҳақ олишини ўйлади. Масалан, Ковриннинг ўзи; қирққа яқинлашганда битта кафедра олиш, оддий бир профессор бўлиш учун, лаванг, зериктирадиган оғир тил билан оддий, шу билан бирга бировлардан қолган фикрни изҳор қилиш учун, қисқасини айтганда ўрта даража олим бўлиш учун ўн беш йил ўқишга тўғри келди, кеча-кундуз ишлашга, оғир руҳий касалликни бошдан кечиришга, хотин олишда ҳам алданишга

ва қанчадан-қанча аҳмоқчилик, инсофсизликлар қилишга тўғри келди, улар эсга тушса хафа бўлиб кетади киши. Коврин энди ўрта даража одамлигига аниқ иқрор бўлди ва шунга ҳам шукур қилди, чунки унинг фикрича энди ҳар бир киши ўзининг ким, нима эканига шукур қилиши керак.

Конспект анча тинчита бошлаган бўлса ҳам, полда оқариб ётган йиртилган мактуб унинг фикрини чалғитар эди. У стол олдидан турди, мактуб парчаларини йиғиб олиб деразадан ташлади, лекин денгиз томондан энгил шамол эсди, қоғоз парчалари ойна тоқчасига учиб тушди. Яна уни ваҳимага ўхшаш безовталиқ босди ва унинг назарида меҳмонхонада ундан бошқа бирор жондор йўқдек туюлди. . . У балконга чиқди. Кўрфаз жони бордек ҳаво ранг, кўк феруза ва ёниб турган ҳадсиз-ҳисобсиз кўзлари билан унга қарар ва уни ёнига имлаб чақиргандек бўлди. Аслида ҳаво иссиқ ва дим эди, бир чўмилиб олса ёмон бўлмасди.

Бирдан пастки қаватда, балкон тагида скрипка чалинди, икки аёлнинг ёқимли овози эшитилди. Коврин буни илгари ҳам эшитган эди. Пастда айтилаётган романсда руҳий хасталикка учраган аллақанақа қиз кечалари боғда сирли овозлар эшитиши ва буни осий бандалар тушунмайдиган муқаддас садо деб билиши куйланар эди. . . Ковриннинг нафаси бўғилди, ғуссадан юраги сиқилди ва аллақачон унутилиб кетган ажойиб, ширин шодлик унинг қалбида барқ урди.

Кўрфазнинг нариги қирғоғида уюрма ёки қуюнга ўхшаш қора, баланд устун кўринди. У ниҳоятда тезлик билан кўрфаздан меҳмонхона томон келмоқда ва тобора кичиклашиб ва қорайиб бормоқда, Коврин унга йўл бериш учун зўрға улгурган ҳам эдики. . . бошланг, оқ соч, қора қош, оёқяланг, қўлини кўксига қовуштирган ҳолда монах унинг ёнидан ўтиб кетди ва уй ўртасида тўхтади.

— Нима сабабдан менга ишонмадинг?— деб сўради у таънаомиз, Ковринга ёқимли тикилиб.— Агар сен ўзингни гениал одам эканингга ишонган бўлганингдайди бу икки йилни мана шундай қайғу ва қашшоқлик билан ўтказмаган бўлур эдинг.

Коврин аллақачон ўзини худонинг севган бандаси, гениал одам эканига ишонган, у ўзини қора монах билан бўлган гапларини дарров эслади ва яна гаплашмоқчи бўлди. Лекин унинг томоғидан қон келиб кўксига оқиб кетди.

У нима қилишини билмай қўли билан кўкрагини силаган эди, енглари қонга буланиб ҳўл бўлди. У ширма орқасида ухлаб ётган Варвара Николаевнани чақирмоқчи бўлди ва зўрғатдан:

— Таня! — деди.

У ерга йиқилди ва қўлига тиралиб туриб яна чақирди.

— Таня!

У Таняни чақирар, шудринг тушган ажойиб гулзорни, катта боғни, паркни, пахмоқ илдизли қарағайларни, жавдар экилган далани, ўзининг ажойиб илмини, ўзининг ёшлигини, жасорат, шодликни, гўзал ҳаётни чақирар эди. У ерда, юзи олдида катта қон халқобини кўрди ва дармони қуригандан бир оғиз сўз айтолмади, аммо чексиз қувонч унинг вужудини эгаллади. Пастда, балкон тагида скрипка чалинар, қора моңах эса унга унинг гениал одам эканини ва у шунинг учун вафот этаётгани, унинг ожиз инсоний жисми ўз мувозанатини йўқотганини ва танаши гениаллик учун ортиқ хизмат қилолмаслигини шивирлар эди.

Варвара Николаевна уйғониб ширма орқасидан чиққанда Коврин ўлиб ётар, юзида дарвешона бир табассум бор эди.

## РОШТИЛЬДНИНГ СКРИПКАСИ

Бу шаҳарча кичкинагина қишлоқдан баттар бўлиб, унда фақат қари-қартанглар яшарди, улар шунчалик кам ўлардики, одам ҳатто пушаймон ерди. Касалхона ва қамоқхонага эса тобут камдан-кам керак бўлар эди. Хуллас ишлар пачава эди. Башарти Яков Иванов губерна шаҳарида тобутсозлик қилганда, эҳтимол унинг ўз ҳовлиси ҳам бўлар эди ва уни Яков Матвеич деб аташарди. Бу шаҳарчада уни шунчаки Яков деб аташади ва негадир кўчада уни Бронза деб чақиришади, у эса фақат бир хонадан иборат кичкина, эски уйда, оддий бир мужикдек камбағалчилик билан яшайди, бу хонада ўзи, Марфа, печка, икки киши ётадиган кроватъ, тобутлар, дурадгорлик столи ва бошқа нарсалар жойлашган.

Яков яхши ва мустаҳкам тобутлар ясар эди. Мужиклар ва мешчанлар учун у тобутни ўз бўйига ўлчаб тайёрлар ва ҳеч қачон янглишмас эди, чунки етмиш ёшга кирганлигига қарамай ундан новча ва бақувват киши ҳеч қарда, ҳатто қамоқхона қўрғонида ҳам йўқ эди. Оқ суяклар ва аёлларга эса темир газ билан ўлчаб тайёрлар эди. Болаларга тобут ясашни у хоҳламас, уларга тўғридан-тўғри, жаҳли чиқиб, ўлчовсиз ясар эди ва пул олаётганда:

— Тўғрисини айтсам, бачкана ишлар билан шуғуллинишни ёмон кўраман,— дерди.

Бу ҳунаридан ташқари скрипка чалишдан ҳам у унча-мунча даромад топар эди. Шаҳарчадаги тўйларга одатда яхудийлар оркестри келар, унга мискар Моисей Ильич Шахкес бошлиқ бўлиб, тушган даромаднинг ярмидан кўпини ўзи олар эди. Яков скрипкани яхши чалгани, айниқса рус қўшиқларини яхши билгани учун Шахкес



уни баъзан, меҳмонлардан тушадиган совғалардан ташқари, кунига эллик тийин тўлаш шарти билан оркестрга чақирар эди. Бронза оркестрда ўтирган пайтда аввало унинг юзи қип-қизариб, терлаб кетар эди; чунки уй ичи дим, саримсоқ иси нафасини қайтарар, скрипка чийиллар, ўнг қулоғи тагида контрабас хириллар, чап томонда эса, юзи қизил ва кўк қон томирлари билан қопланган, машҳур бой Ротшильднинг адаши сап-сарик ориқ яҳудийнинг найи нола қилар эди. Мана шу лаънати яҳудий энг қувноқ куйларни ҳам мунгли қилиб чалар эди. Яков бора-бора яҳудийларни ёмон кўриб, улардан нафратлана бошлади, айниқса Ротшильдни кўргани кўзи йўқ эди; Яков унга тирғилаверар, ҳақорат қилар ва ҳатто бир кун урмоқчи ҳам бўлди, шунда Ротшильд хафаланиб ва унга ўқрайиб:

— Агар мен сизнинг талантингизни ҳурмат қилмаганимда, аллақачон деразадан улоқтириб ташлар эдим,— деди.

Кейин у йиғлаб юборди. Шундан кейин Бронзани оркестрга камдан-кам, яҳудийлардан келмай қолиб жуда зарур бўлган пайтлардагина чақиривадиган бўлди. Яков ҳадеб зиён кўраверганидан доим табиати тирриқ бўлиб юрар эди. Масалан, якшанба ва байрам кунлари ишлаш гуноҳ эди, душанба — оғир кун бўлганидан беихтиёр қўл қовуштириб ўтиришга тўғри келарди. Ахир булар қанча зиён! Агар шаҳарда бирор киши музикасиз тўй қилса ёки Шахкес Яковни таклиф қилмаса, бу ҳам зарар эди. Полиция нозири икки йилдан бери касал, ўладиган бўлиб ётарди. Яков унинг ўлимини тоқатсизлик билан кутар эди, бироқ нозир губерна шахрига даволашнишга кетиб ўша ернинг ўзида ўлиб қўя қолди. Мана сизга яна битта зарар, ҳеч бўлмаганда ўн сўм йўқолди денг, чунки бу тобутга оро бериб, қиммат баҳо қилиб ясашга тўғри келар эди. Зарарлар ҳақидаги фикрлар Яковни айниқса кечалари безовта қилар эди; У скрипкасани ёнига қўйиб ётадиган ва турли фикрлар миясини ғовлата бошласа скрипка торини чертиб қўядиган бўлди, қоронғида эшитилган овоздан у енгил тортгандек бўлар эди.

Ўтган йилнинг олтинчи май куни Марфа тўсатдан бетоб бўлиб қолди. Кампир оғир нафас олар, кўп сув ичар ва гандираклар эди, шунга қарамай эрталаб ўзи печка ёқди, ҳатто сувга ҳам ўзи бориб келди. Кечга бориб ўзини таппа ташлади. Яков кунни билан скрипка чалди; қорон-

ғи тушгандан кейин ҳар кунги зарарларни ёзиб борадиган дафтарини олиб, зерикканидан бир йиллик якунини ҳисоблади. Ҳисобида зиён минг сўмдан ошиб кетибди. Бундан шундай ғазабландики, у счетни ерга уриб, тепа бошлади. Кейин счетни яна олиб, уҳ тортиб анчагача шиқиллатиб ўтирди. Унинг юзи қип-қизариб терлаб кетган эди. У, мана шу йўқотилган минг сўмни банкага қўйганда, бир йилда камида қирқ сўм процент туғар эди, деб ўйлади. Демак мана шу қирқ сўм ҳам зиён. Хуллас, қаёққа қарама зарардан бошқа гап йўқ.

— Яков! — деб чақирди бирдан Марфа. — Уляпман!

У хотинига ўғирилди. Унинг бетлари иситманинг зўридан қизариб кетган ва чеҳраси ниҳоятда очиқ ва хурсанд эди. Хотинининг юзини рангсиз, чўчиб турган ва нохуш кўришга одатланган Бронза, энди довдираб қолди. У ҳақиқатан ўлаётганга ва ниҳоят мана бу уйдан, тобутлардан, Яковдан абадий ажралиб кетаётганига хурсандга ўхшар эди. У шипга тикилганича пичирлар, унинг чеҳраси шод, гўё у ўзининг нажоткори бўлган ўлимни кўриб, у билан гаплашаётгандек эди.

Тонг ёриша бошлаган, деразадан эрта тонг нури кўринарди. Яков кампирга қарар экан, негадир умр бўйи бирор марта эркалатмагани, ачинмагани, биттагина рўмол олиб келиб бериш ҳам эсига келмагани ёки тўйдан бирон ширинлик олиб келмагани эсига тушди, бундай қилиш у ёқда турсин, ҳамма вақт унга бақирар, зиёнлари аламини ундан олар, унга мушт кўтариб дўқ қилар эди; лекин бирор марта қўл тегизган эмас, фақат пўписа қилар, Марфа ҳар гал қўрқанидан эсини йўқотиб, қотиб қолар эди. Ҳа, Яков хотинига чой дамлаб ичишга рухсат бермаган, чунки бусиз ҳам харажат катта бўлиб, Марфа ҳар доим қайнаган сув ичар эди. У хотинининг чеҳрасига қараб, бундан ғалати хурсандлик сабабини англади ҳамда ваҳимага тушиб қолди.

Тонг отищини кутди ва қўшнисининг отини сўраб, Марфани касалхонага олиб кетди. У ерда касаллар кўп бўлмагани учун узоқ кутмади, фақат уч соатча кутди. Бетоб бўлиб қолгани учун касалларни бу гал докторнинг ўзи эмас, кекса фельдшер Максим Николаич қабул қилаётган экан. Уни кўриб Яков ниҳоятда хурсанд бўлиб кетди, чунки фельдшерни шаҳарда ҳамма: у ичиб ва ёқалашиб юрса ҳам касални доктордан кўра яхшироқ билади деб айтар эди.

— Саломатмилар,— деди Яков кампирни қабулхонага олиб кета туриб.— Бўлар-бўлмас ишлар билан сизни овора қилганимиз учун Максим Николаевич, кечирасиз. Мана шу хотинимнинг гапга нўноқлиги учун кечирасиз, умр йўлдошимнинг тоби қочиб қолди. . .

Оқ қошларини чимириб ва бакенларини силаб фельдшер кампирни кўра бошлади. Кампир бўлса курсида қоқ суяк гавдасини букчайтирганича бурнини сўррайтириб ўтирар, оғзининг очилиб турганидан ён томондан қараса сув ичмоқчи бўлган қушга ўхшар эди.

— Ҳм. . . шундай,— деди чўзиб фельдшер ва уҳ тортиб қўйди.

— Инфлуэнца, иситма бўлиши ҳам эҳтимол. Ҳозир шаҳарда терлама тарқалган. Нима ҳам қилардик? Худога шукур, кампир ёшини яшаб, ошини ошаган. . . Нечага кирган?

— Бир кам етмиш, Максим Николаич.

— Нима ҳам қилардик. Ёши ҳам бориб қолибди. Иззатни ҳам билиш керак-да.

— Ҳақини айтганда, Максим Николаич, бу гапингиз тўғри,— деди Яков ҳурмат юзасидан илжайиб,— илтифотингиз учун кўп миннатдоримиз, лекин мен сизга айтсам. . . ҳар бир қурт-қумурсқанинг ҳам яшагуси келади-да.

— Нима бўлибди?— деди фельдшер, кампирнинг ҳаёти ёки ўлими унга боғлиқ бўлгандек бир оҳангда.— Хўп гап шу, азизим, бошига совуқ компресс қиласан, кунига икки маҳал мана бу порошокларни берасан. Хўп, хайр.

Фельдшернинг турқидан Яков иш чатоқлигини, ҳеч қанақа порошок билан ёрдам бериб бўлмаслигини, Марфанинг ажали етиб турганини, бугун бўлмаса эртага ўлишини англади. У астагина фельдшернинг тирсагига туртиб, кўзини қисиб қўйиб, шивирлади:

— Максим Николаич, шу стакан қўйилса қанақа бўларкин-а?

— Вақтим йўқ, азизим, вақтим йўқ. Кампирингнинг олиб, худо деб кетавер. Хайр.

— Худо хайр бергур, раҳм қилинг,— деб ялинди Яков.— Ўзингиз биласиз, унинг юраги оғриётган ёки ичида бирор касали бўлганда порошок ёки суюқ дори кор қиларди, ахир у шамоллаган-ку! Шамоллаганда энг аввал қонни юргизиш керак-ку, Максим Николаич.

Фельдшер эса аллақачон навбатдаги касални чақирди, қабулхонага бола кўтарган аёл кириб келди.

— Бор, жұна...—деди у Яковга хўмрайиб, хира бўлаверма кўп.

— Ҳеч бўлмаса битта-яримта зулук солинг. Доим дуо-йи жонингизни қилай.

Фельдшер аччиғланиб ва бақириб:

— Ҳурғатма менга. Қаллаварам...— деди.

Яков ҳам аччиғланди ва қип-қизариб кетди, лекин ҳеч нима демай, Марфани қўлтиқлаганича қабулхонадан чиқди. Аравага ўтирганидагина касалхона томон жаҳл ва истеҳзо билан қараб:

— Қўйиб қўйган одамларини қаранглар. Бой келса индамай стакан солаверади, камбағалга битта зулукни ҳам раво кўрмайди, бағри тошлар!— деди.

Уйга келишганда Марфа бирпас печкани ушлаб тикка турди. Башарти у ётса назарида Яков яна зиёнлардан гапирадигандек ва хушқўмас, ялқов деб сўкадигандек туюлди. Яков эса унга қараб ўз ташвишини ўйлар — эртага Иоанна авлиё кун, индинга кароматли Николай кун, кейин якшанба, ундан кейин душанба — қўл ишга бормайдиган кун. Тўрт кун ишлаб бўлмайди. Марфа мана шу кунлардан бирида ўлса керак; демак тобутни шу бугун қилиб қўйиш керак. У ўзининг темир газини олиб, кампирнинг олдига борди ва унинг бўйини ўлчади. Кейин Марфа ётди, у бўлса чўқиниб олиб, тобут ясай бошлади.

Иш тугагач Бронза кўзойнагини тақиб, дафтарчасига:

«Марфа Ивановна тобути 2 сўм 40 тийин турди» деб ёзиб қўйди ва оғир тин олди. Кампир кўзини юмганича жим ётар эди. Бироқ кечқурун, қоронғи тушгач, кампир тўсатдан чолини чақирди.

— Яков, эсингда борми?— деб сўради у Яковга шодлик билан қараб.— Эсингда борми, эллик йил илгари худо бизга сарғиш сочли қиз берган эди? Ушанда биз сен билан ҳар доим дарё лабида ўтириб, ашула айтар эдик... Тол тагида, ва истеҳзо билан илжайиб:— Қизгина ўлиб кетди.

Яков увалло эслашга уринса-да, қизни ҳам, толни ҳам эслай олмади.

— Алаҳлаяпсан шекилли,— деди Яков.

Поп келди, имонини ўғирди. Ундан кейин Марфа валдирай бошлади, азон пайтда жони узилди.

Қўшни кампирлар келиб ювишди, кийинтиришди ва тобутга солиб қўйишди. Ортиқча харажат бўлмаслиги

учун Яковнинг ўзи жаноза ўқиди, гўр учун ҳам ундан ҳеч нарса олишмади, чунки, гўристон қоровули унинг ошнаси эди. Тўртта мужик тобутни пул учун эмас, Яковга ҳурмат юзасидан қабристонгача кўтариб борди, тобут орқасидан кампирлар, гадойлар, иккита девона эргашиб борди. Утган-кетганлар чўқинишарди... Яков ҳамма ишлар тўғри, тавфиқ билан бажарилганига ва арзонга тушганига, ҳеч кимнинг кўнгли оғримаганига жуда хурсанд эди. Яков охирги марта Марфа билан видолашар экан, тобутни ушлаб туриб: «Пухта ишланибди!»— деб ўйлади.

Лекин қабристондан қайта туриб унинг юраги сиқилиб кетди. Узини ёмон ҳис эта бошлади: нафаси қисилди, оёқлари бўшашиб кетди, юраги куйди. Бу орада миясига турли-туман хаёллар келди. Умрида бирор марта Марфага ачинмагани, уни бирор марта эркалатмагани яна эсига тушди. Улар бир уйда эллик икки йил яшади, лекин шу узоқ йиллар мобайнида у бирор марта Марфа тўғрисида ўйламади, унга бир мушукча ёки кучукча ҳам эътибор бермади. Марфа эса ҳар куни печга ўт ёқар, овқат пиширар, нон ёпар, сув ташир, ўтин ёрар, у билан бир кроватда ётар, у тўйдан маст бўлиб келганларида ҳар гал унинг скрипкасини авайлаб деворга осиб қўяр ва жимгина ювошлик, ғамхўрлик билан уни ўрнига ётқизар эди.

Яковнинг қаршисидан оғзи қулоғига етиб ва таъзим билан Ротшильд келаверди.

— Мен сизни қидириб юрибман, амаки,— деди у.— Сизга Моисей Ильич дуо дедилар ва дарров уларникига боришингизни буюрдилар.

Яковнинг кўнглига шу топда ҳеч нарса сиғмас, ўпкаси тўлиб турган эди.

— Йўқол,— деди у ва йўлида давом этаверди.

— Бу қанақа бўлди энди?— деди ташвишланиб Ротшильд ва унинг олдига чопиб ўтиб:

— Ахир Моисей Ильич хафа бўладилар. Дарров боришингизни буюрдилар.

Яҳудийнинг ҳарсиллаши, кўзини пириллатиши, сариқ сепкиллариининг жуда кўплиги Яковнинг ғижинини келтирди. Унинг қора ямоқ солинган кўк камзули ва заиф, нозик гавдасига қараб ундан жирканди.

— Ҳей, нега менга илашаверасан сассиқ саримсоқ?— деб бақирди Яков.— Йўқол дедим.

Яҳудий аччиғланди ва у ҳам бақирди:

— Оғзингизга қараб гапиринг, бўлмаса бир тепаман.

— Йўқол кўзимдан!— деб бўкирди Яков, ва мушт ўқ-талиб югурди.— Сен товукхўрларнинг дастидан тинчлик йўқ.

Ротшильднинг ўтакаси ёрилиб, ўтириб қолди ва мушт келиб тушмасин дегандек қўлларини боши устида силкитди, кейин ўрнидан ирғиб туриб, шаталоқ отиб қочди. У сакраб-сакраб чопар, қўлларини силкитар, узун, ориқ елкасининг титрагани билиниб турар эди. Бу ҳол болаларга жуда ёқиб кетди ва улар: «Жухуд! Жухуд!» деб унинг орқасидан бақириб югурди. Итлар ҳам унинг орқасидан вовуллаб қувиб кетди. Қимдир хахолаб кулди ва ҳуштак чалди, итлар ундан баттарроқ вовулладилар... Кейин итлардан биттаси Ротшильдни тишлаб олди шекилли, унинг бақиргани эшитилди.

Яков яйловда айланиб юрди, кейин шаҳарнинг бир чеккасидан боши оққан томонга кетди, уни кўрган болалар: «Бронза келяпти! Бронза келяпти» деб чувуллашди. Мана дарёга ҳам етиб келди. Бу ерда лойхўрақлар чийиллашар, ўрдақлар ғақиллашар, жазирама офтобда сувнинг жавирлашидан кўз қамашар эди. Яков дарё қирғоғидаги ёлғизоёқ йўлдан кета туриб, чўмилиб чиқиб келаётган семиз, қизил юзли аёлни кўриб қолди ва ичида: «Анави сувсарни қара-я!» деб қўйди. Чўмиладиган жойдан нарироқда болалар қисқичбақа тутишарди, уни кўриб қолиб ғазаб билан :«Бронза! Бронза!» деб бақирди. Мана каттакон кавакли кекса тол, устида эса қарға уяси бор... Шу чоқ Яковнинг хотирасида Марфа айтган ўша сарғиш сочли қиз ва тол гавдаланди. Ҳа, мана шу ўша — кўм-кўк, тинч, маъюс толнинг ўзи... Бечора нақадар қариган!

У тол тагига ўтириб эслай бошлади. Нариги қирғоқдаги ҳозирги серўт яйлов ўрнида илгари катта қайинзор ўрмон бор эди, ҳов анави уфқда кўриниб турган тақир тепалик ўрнида бўлса, у вақтда кўҳна қарағай ўрмони кўкариб кўринарди. Дарёдан юк кемалари ўтиб турарди. Энди бўлса ҳамма ёқ теп-текис бўлиб кетган, нариги қирғоқда эса яккагина, сарвқад қайин дарахти қаққайиб турибди, дарёда бўлса ўрдақ, ғозлардан бошқа ҳеч бало йўқ, бир вақтлар шу ерлардан кемалар сузиб юрганга одамнинг кўзи етмайди. Илгаригига қараганда ғозлар ҳам камайиб қолганга ўхшайди. Яков кўзини юмди, унинг хаёлида тўда-тўда оқ ғозлар бир-бирига қарама-қарши келаётгандек бўлди.

Қандай қилиб у умрининг шу охирги қирқ ёки эллик йили ичида бирор марта дарё лабига келмаганига, келганда ҳам унга эътибор бермаганига таажжубланар эди. Ахир дарё ҳазилакам дарё эмас эди-ку: бунда балиқчиликни юргизиб юбориш, балиқларни эса савдогарларга, амалдорларга ва станциядаги буфетчига пуллаш, кейин пулни банкка қўйиш; қайиқда у қўрғондан бу қўрғонга сузиб ўтиш ва скрипка чалиб юриш ҳам мумкин эди. Турли табақага мансуб кишилар ҳоли бақудрат пул тўларди, кема юритиб кўриш ҳам мумкин бўларди — бу ҳар ҳолда тобут ясашдан кўра тузукроқ эди; ҳеч бўлмаса ғозларни кўпайтириш, қиш кезлари уларни сўйиб Москвага жўнатиш ҳам мумкин эди-ку; битта парнинг ўзидан ўн сўмча тушар эди. Лекин у ғўдайиб ўтиб кетаверди. О, қанчали зиёнлар кўрди! Қанчали зиёнлар-а! Борди-ю ҳаммасини бирдан қилган бўлса — балиқ овласа, скрипка чалиб юрса, кема юритса, ғозларни сўйиб сотса озмунча давлат тўплармиди-а! Лекин буларнинг бирортаси тушига ҳам кирмади, умр бефойда, ҳузур-ҳаловатсиз, бекорга ўтиб кетди. Эндиги умрдан умид йўқ, ўтган умрга қарасанг эса тушса қалтироқ босиб кетадиган зарарлардан бошқа ҳеч бало йўқ. Нима учун одамзод мана шу зарар ва йўқотишларсиз яшай олмас экан? Мана бу қайинзор ва қарағай ўрмонларни нима учун кесиб ташлабдилар? Нима учун яйловлар бекор ётаркин? Нима учун одамлар ҳамма вақт керак бўлмаган ишларни қилишади? Нима учун Яков бир умр сўкиб, бақириб, мушт ўқталиб, ўз хотинини ранжитиб келди? Ҳалигина битта яҳудийни қўрқитиб, ҳақорат қилишнинг нима ҳожати бор эди? Умуман одамлар нима учун бир-бирини чиқиштирмас экан? Ахир булардан қанчадан-қанча зиёнлар келиб чиқади! Қанчалик зарарлар-а! Агар дунёда нафрат ва ғазаб бўлмаса одамлар бир-бирларига қанчали катта фойдалар етказарди.

Оқшом ва кечаси унинг кўз ўнгида гўдак, тол, балиқ, сўйилган ғозлар ва ёнидан қараганда сув ичмоқчи бўлиб турган қушга ўхшаган Марфа, Ротшельднинг рангсиз хунук юзи ва аллақанақа башаралар унинг устига ёпирилиб келиб, зиёнлар ҳақида бидирлашгандек бўлди. У тўлғаниб чиқди ва беш марта скрипка чалиш учун ўрнидан турди.

Эрталаб ўрнидан аранг турди-да, касалхонага кетди. Уша Максим Николаич бошига совуқ компрес қўйишни буюрди, порошоклар берди, унинг турқидан, гапининг

оҳангидан Яков иши пачавалигини, энди ҳар қанақа порошкнинг фойдаси йўқ эканини тушунди. Кейин у уйга кета туриб, ўзига ўлишдан фойда келишни ўйлади: ўлганингдан кейин емайсан ҳам, ичмайсан ҳам, солиқ ҳам тўламайсан, одамларни хафа ҳам қилмайсан, ундан ташқари одам гўрда бир йил эмас, юз йиллаб, минг йиллаб ётади, шуларнинг барчасини ҳисобласа, жуда катта фойда етган бўлади. Яшашдан одамга зарар, ўлимдан эса фойда. Бу фикрлар албатта тўғри, лекин нима қилганда ҳам алам қилади ва хафа бўлади киши: одам дунёга бир марта келади-ю умри бефойда ўтиб кетади, ахир оламда шу бетартибликнинг нима ҳожати бор?

У ўлишдан қўрқмади, лекин уйга келиб, скрипкани кўриши билан юраги увишиб ва ачиниб кетди. Скрипкани гўрига олиб кетиб бўлмаса. Энди у ҳам худди қайинзор ва қарағай ўрмон аҳволига тушади. Бу дунёда ҳамма нарса йўқолиб кетмоқда ва йўқолаверади. Яков уйдан чиқди ва скрипкасани кўкрагига босиб остонада ўтирди. У етган зарарлар ва хароб бўлган турмушини ўйлаб, хаёлига келган нарсани чалаверди, лекин куй жуда мунгли ва таъсирли чиқди, унинг кўз ёшлари мўлт-мўлт юзидан оқди. У қанчалик қаттиқ ўйласа, скрипка шунчалик мунгли куйлар эди.

Дарвоза эшиги бир-икки ғичирлади ва Ротшильд кирди. Ҳовлининг ярмигача у ботиниб келди, лекин Яковни кўриб қолиб, бирдан тўхтади. Қўрққанидан бужмайиб қолди ва ҳозир неча соат эканини билмоқчи бўлгандек, бармоғи билан ҳар хил ишора қилди.

— Келавер,— деди Яков мулоимлик билан ва қўли билан келавер бу ёққа,— деб ишора қилди.

Ротшильд унга ишонмай, қўрқув билан жовдираб олдинга юрди ва бир сажен бериди тўхтади.

— Сиз инсоф қилиб, мени урманг!— деди у, ўтирар экан.— мени яна Моисей Ильич юбордилар. Сен қўрқмасдан Яков олдига боравер дедилар, сизсиз ҳеч иш битмас экан дегин дедилар. Боғда тўй бўляпти... Ҳа-а. Шаповалов жаноблари қизларини жуда яхши одамга эрга беряптилар. Тўй жуда катта бўлмоқчики, асти қўяверинг!— деб қўшиб қўйди яҳудий ва бир кўзини қисди.

— Боролмайман...— деди Яков ҳарсиллаб.— Тобим қочиб қолди, иним.

Яна скрипка чалди ва кўз ёшлари скрипкага тома бошлади. Унинг ёнида ўтирган Ротшильд қўлини қовуш-



тирганича эътибор билан тинглар эди. Унинг юзидаги қўрқув, таажжубланиш бора-бора қайғу ва азоб аломати-га айланди, у гўё дард-алам билан ва завқланаётгандек кўзларини олайтириб: «Оҳ!..» деб қўйди. Унинг кўз ёшлари юзларидан ўрмалаб кўк камзулига тома бошлади.

Кейин Яков кучи бўйи хафа бўлиб ётди. Кечқурун поп келиб унинг имонини ўгириб, бирор васиятинг борми деб сўради, у эса ўзининг заифланиб бораётган хотирасига зўр бериб ўйлади ва яна Марфанинг хафа юзини, ит тишлаб олган яҳудийнинг бақиринини эслади-да, эшитилар эшитилмас:

— Скрипкани Ротшильдга беринг,— деди.

— Яхши,— деди поп.

Энди шаҳарчада ҳамма: Ротшильд шундай яхши скрипкани қаердан олди экан? Сотиб олганмикин, ёки ўғирлаб олганмикин ёки бирор киши гаровга қўйиб кетганмикин? деб сўрайди. У аллақачондан бери най чалишни ташлаб юборган, фақат скрипка чалади. Скрипка каманчаси тагидан ўша қадимги найдан чиққандек шикаст оҳанглар қуюлади, лекин у ҳам остонада ўтириб Яков чалган куйларни такрорламоқчи бўлса, шу қадар мунгли, ғамгин товуш чиқадики, эшитиб ўтирганлар йиғлайдилар, ниҳоят унинг ўзи ҳам кўзларини олайтириб «Оҳ!..» деб қўяди. Бу янги қўшиқ шаҳар аҳлига шундай ёқиб қолдики, савдогарлар, амалдорлар Ротшильдни ўзлариникига тинмай чақиртирадилар ва шу куйни ўн мартадан қайтариб чалдирадилар.

## ТИЛАДАБИЁТ УЎҚИТУВЧИСИ

### I

От туёқларининг ёғоч полга дукур-дукур урилгани эшитилди; отхонадан аввал қора тўриқ Граф Нулинни, ундан кейин оқ Великанни, сўнгра унинг ҳамшираси Майкани олиб чиқдилар. Булар жуда яхши ва қиммат баҳо отлар эди. Кекса Шелестов Великанни эгарлади ва қизи Машага қараб, деди:

— Қани, Мария Годфруа, кел, отга мин. Хўппа!

Маша Шелестова кенжа қиз эди: ўн саккизга кириб қолган бўлса-да, кичкина қиздай уни оилада ҳамма Маня, Манюся; шаҳарга цирк келганда Маня циркка босим бориб тургани учун уни Мария Годфруа деб атарди.

— Хўппа!— деди қиз, Великанга минар экан.

Мариянинг опаси Варя — Майкага, Никитин — Граф Нулинга минди, офицерлар эса ўз отларига миндилар, узун гўзал суворилар тўдаси оппоқ кителлар ва қора амазонкалар билан ола-чипор бўлиб қўрадан аста чиқди.

Отларга минаётган пайтда ва кўчага чиққанда Никитин, Манюся негадир унга эътибор билан қараганини сизди. Манюся Никитинга ва Граф Нулинга саросималик билан қараб, деди:

— Сиз, Сергей Васильич, отингизнинг жиловини доим тортиб боринг. Эҳтиёт бўлинг, ҳуркиб кетмасин. Бу муғомбир от.

Манюся минган от — Великан, Граф Нулин билан жуда иноқлигиданми, ёки иттифоқо шундай бўлди, Мария ҳозир ҳам, кеча ҳам, аввал куни ҳам Никитин билан ёнма-ён борди. Никитин эса оппоқ гижинг от устида ўтирган қизнинг келишган жажжи қоматига, нафис юзига ва шу юзига ҳеч ярашмасдан, ёш қизни каттароқ қилиб

кўрсатган цилиндрга хурсандлик билан кўз ташлар, ёгдай эрир, ўзида йўқ қувонар, қизнинг гапига қулоқ солса-да, нима деганини ажратмас ва:

«Ростини айтсам, худо ҳақи, шу бугун ҳеч уялмасдан унга ўз муҳаббатимни изҳор этаман. . .» деб ўйлар эди.

Кеч соат олтидан ошган эди, бу вақтда оқ акация билан сирень шу қадар кучли ҳид таратадики, гўё ҳаво ва дарахтлар ўз ҳидларидан маст бўлгандай эди. Шаҳар боғида музика чалинмоқда. Отлар тош кўчадан тарақа-туруқ қилиб бормоқда; ҳар томондан кулги, шовқин, кўча эшикларининг очилиб-ёпилгани эшитилади. Йўлда учраган солдатлар офицерларга, гимназистлар эса Никитинга салом беради. Сайр этиб юрган ва музика томон бораётганлар, афтидан суворилар тўдасига завқ билан қарар эди. Ҳаво илиқ, парча-парча майин булутлар сузиб юради, терак ҳам акацияларнинг соялари шу қадар беозор ва ҳузурбахшки, кенг кўчадан ошиб, нариги томондаги уйларнинг балконлари ва устки қаватларигача кўланка ташлайди!

Шаҳардан чиққач, катта йўлда отларни йўрттириб чопдилар. Бу томонда энди акация ва сирень ҳиди келмас, музика овози эшитилмас, лекин даланинг ёқимли ҳиди келар, ям-яшил жавдари ва буғдойлар кўзни қувонтирар, юмронқозиқлар чийиллар, қораялоқлар чағиллар эди. Қай томонга кўз ташламанг, ҳар томон ям-яшил, фақат онда-сонда полизлар қорайиб кўриниши ва узоқдан, чап томондаги қабристондан, гулини тўкаётган олмалар оқариб туради.

Кушхона ва пиво заводи ёнидан ўтдилар, шаҳар чеккасидаги боққа шошиб-пишиб бораётган музикачи солдатлардан ўзиб кетдилар. Манюся Варя билан ёнма-ён кетаётган офицерни Никитинга ишора билан кўрсатиб, деди:

— Полянскийнинг минган оти шубҳасиз жуда яхши. Лекин бу от брак қилинган. Чап оёғига оқ доғ тушниси жуда ножўя бўлган, уни қаранг, бошини ирғатиб боряпти. Энди уни ўлгунича бу одатидан қайтариб бўлмайди.

Манюся ҳам отаси сингари отга жуда ишқибоз эди. Биронта одамнинг яхши отини кўрса, ичи куяр, нуқсонини топса, хурсанд бўлар эди. Никитин отнинг фарқига бормас, жilовини тортиб бориш, йўрттириб ёки сакратиб чоптириш унинг учун барибир эди. У от устида ҳавотирланиб, ноқулай ўтирганини сезар, шунинг учун ҳам эгар-

да ғоздай ўтирган офицерлар Манюсяга ёқади деб ўйлар, уни офицерлардан қизғонар эди.

Шаҳар чеккасидаги боғ ёнидан ўтиб бораётганларида, кимдир боққа кириб сельтерский ичишни таклиф қилди. Боққа кирдилар. Боғда фақат дуб дарахтлари бўлиб, яқиндагина барг ёза бошлаган эди. Шунинг учун ҳам ниҳол япроқлар орасидан боғнинг ҳамма тарафи — эстрада, столлари, ҳайинчаклари кўриниб турарди. Дарахтлардаги каттакон шапкага ўхшаш қарға уялари ҳам яққол кўринарди. Эракак ва аёл отличлар бир стол ёнида эгардан тушдилар-да, сельтерский талаб этдилар. Улар ёнига боғда сайр этиб юрган танишлари келди. Шу пайтда қўнжи узун этик кийган ҳарбий доктор билан музикачиларни кутиб турган капельмейстер ҳам келди. Никитини доктор студент деб гумон қилиб, ундан сўради:

— Сиз каникулга келган бўлсангиз керак?

— Йўқ, мен ўзим шу ерликман,— деди Никитин.— Гимназияда ўқитувчиман.

— Йўғ-е?— деди доктор ажабланиб.— Шунчалик ёш бўла туриб, ўқитувчилик қиласизми?

— Нима ёш? Мен йигирма олтига кирганман... Худога шукур.

— Соқол-мўйловингиз бўлса ҳам ҳар ҳолда, афтингиздан сизни йигирма икки-йигирма уч ёшдан ортиқ деб бўлмайди. Шу қадар ёш кўринасиз!

«Бу қандай номаъқулчилик!— деб ўйлади Никитин.— Бу одам ҳам мени ҳали она сутти оғзидан кетмаган бола деб ҳисобламоқда!»

Агар биров унинг ёшлиги тўғрисида гап очса, айниқса, бу аёллар ёки гимназистлар қошида бўлса, Никитининг авзойи жуда ҳам ўзгариб кетарди. Никитин шу шаҳарга келиб, хизматга кирганидан бери ўзининг ёш кўринишини севмай қолди. Гимназистлар ундан қўрқмас, кексалар ёш йигит деб аташар, аёллар унинг узундан-узоқ муҳокамаларини тинглашдан кўра, у билан танца тушишни афзал кўрардилар. Шу туфайли Никитин ўн ёш кексариш учун ҳар қанча тўлашга ҳам рози эди.

Боғдан чиқиб, яна нарига, Шелестовлар фермасига жўнашди. Ферма дарвозаси ёнида тўхтадилар, гумаштанинг хотини Прасковьяни чақириб, янги соғилган сут олиб келишни буюрдилар. Сутни ҳеч ким ичмади, бир-бирларига кўз ташлашиб, кулишиб, яна от чоптириб орқага қайтдилар! Қайтаётганда шаҳар чеккасидаги боғда му-

зика чалинмоқда, қуёш қабристон орқасига бекинган, осмоннинг ярмиси шафақ нуридан қип-қизарган эди.

Манюся яна Никитин билан ёнма-ён бормоқда эди. Никитин уни эҳтирос билан севишини айтмоқчи бўлса-да, офицерлар билан Варя эшитишидан чўчиб, жим борар эди. Манюся ҳам жим борарди, Никитин нега қизнинг жим ва ёнида келаётганининг маънисига тушунар, бу тушунчадан у шу қадар хурсанд эдики, ер, осмон, шаҳар чироқлари, пиво заводининг қора кўланкаси унинг кўз ўнгида аллақандай жуда яхши ва ёқимли бир нарсага айланиб кетди, унинг минган оти Граф Нулин ҳавода учиб, лола ранг осмонга сакрагандай бўлди.

Уйга қайтиб келдилар. Боғдаги столда аллақачонлар самовар қайнаб турар, столнинг бир четида ўз улфатлари — округ судининг амалдорлари билан кекса Шелестов ўтирар ва одати бўйича ниманидир танқид этмоқда эди.

— Бу сурбетлик!— дерди у. Сурбетликдан бошқа нарса эмас. Ҳа-а, бу сурбетлик!

Манюсяга хуштор бўлиб қолгандан бери Никитинга Шелестовлар оиласидаги ҳамма нарса ёқар эди: уй ҳам, уй ёнидаги боғ ҳам, сават стуллар ҳам, кампир энага ҳам, чол тез-тез такрорлаб турадиган ҳатто «сурбетлик» деган сўз ҳам ёқар эди. Унга фақат ит ва мушукларнинг кўплиги ҳамда айвондаги катта қафасда нолаю фигон этувчи қумрилар ёқмас эди. Ҳовлида ва уйда яшовчи итлар шу қадар кўп эдики, Шелестовлар оиласи билан танишгандан бери Никитин иккитасини: Мушка блан Сомнигина таниган эди. Мушка кичкина, тумшуғи сержун, ўзи туллаган, жаҳли тез ва эрка бир кучук эди. Бу ит Никитинни ёмон кўрар, уни кўрганда, бошини қийшайтириб: «ррр... гаф-гаф... ррр, гаф-гаф...» деб ирилларди. Сўнгра ит стул остига ўтирарди. Никитин итни стул остидан қувламоқчи бўлганда, ит вангиллар, уй эгалари эса:

— Қўрқманг, тишламайди. Бу яхши ит, — дерди.

Сом эса узун оёқ ва таёқдек думи қаттиқ каттакон қора ит эди. Обед ва чой маҳалларида одатда у индамай стол тагида юрар ва думини этикларга, стол оёқларига урар эди. Бу ювош ва бефаросат бир ит эди, лекин Никитиннинг бу итни кўргани кўзи йўқ эди, чунки овқатланувчиларнинг тиззасига тумшуғини қўйиб, сўлакайини шимларга оқизиб қўядиган одати бор эди. Никитин неча марта пичоқ дастаси билан бу итнинг кенг пешонасига уриб кўрди, бурнига чертди, сўкинди, шикоятланди, аммо

ҳеч нарса унинг шимларини ит сўлакайининг доғлардан асраб қололмади.

От миниб ўйнаб келгандан сўнг чой, мураббо, сухари ҳамда мой жуда мазали туюлди. Биринчи стаканни ҳамма жим ўтириб иштаҳа билан ичди. Иккинчи стакан олди-дан тортишув бошланди. Чой вақтида ва обед вақтида ҳар доим тортишувни Варя бошлар эди. Варя йигирма уч ёшга тўлган бўлиб, қадди-қомати келишган, Манюсядан ҳам чиройли, оилада энг ақлли ва ўқимишли қиз ҳисобланарди. Уйда раҳматли онасининг ўрнига қолган тўнғич қиз бўлганидан Варя ўзини улугвор ва сипо тутар эди. Худди уй бекасидай меҳмонлар ҳузурда блуза кийиб юраверарди ва офицерларнинг фамилиясини айтиб мурожаат қиларди. Манюсяга кичкина қизчадай қараб, у билан мураббиядай гаплашар эди. Ўзини қари қиз деб атар — демак, эрга тегишга кўнгли бор эди.

Ҳар қандай гапни, ҳатто об-ҳаво тўғрисидаги гапни ҳам Варя албатта тортишувга айлантирар эди. Ҳаммани сўздан тутиб олиб, қарама-қаршиликларни фош этиш, жумла тўғрисида жанжаллашишга бу қизнинг аллақандай иштиёқи бор эди. Сиз унга бирор тўғрида гапирсангиз, у сизнинг юзингизга синчиклаб тикилиб туради-да, бирдан сўзингизни кесиб: «Тўхтанг, тўхтанг, Петров, бундан уч кун илгари сиз бутунлай тескарисини гапирган эдингиз-ку!» дейди.

Ёки истехзо билан жилмайиб: «Бироқ, менинг сезишимча, сиз Учинчи бўлимнинг принципларини тарғиб эта ётирсиз. Қутлуғ бўлсин» дейди.

Агар сиз бирор қизиқчилик ёки сўз ўйини қилсангиз, шу ондаёқ Варянинг: «Бу эски гап!» ёки «Бу сийқа гап!» деганини эшитасиз. Агар офицер қизиқчилик қилса, у бурнини жийириб: «Аррмия аскияси!» дейди.

Мана шу «ррр...»ни қиз шу қалар боплаб айтадики, стул тагидан Мушка албатта унга жавобан: «ррр... гаф-гаф...» дейди.

Энди, чой вақтидаги тортишув, Никитиннинг гимназиядаги имтиҳонлар тўғрисида гапиришидан бошланди.

— Рухсат этинг, Сергей Васильевич, — деб унинг гапни кесди Варя. — Сиз ўқувчиларга қийин деб айтдингиз. Ўзингиздан сўрашга рухсат этинг, бунга ким айбдор? Масалан, сиз саккизинчи синф ўқувчиларига «Пушкин психолог сифатида» деган мавзуда иншо ёзишга буюргансиз. Биринчидан, бу хил қийин темалар бериш мумкин эмас,

иккинчидан эса, Пушкин қандай психолог бўлиши мумкин? Шchedрин ёки айтайлик, Достоевский — бошқа гап, Пушкин эса, буюк шоир холос, вассалом.

— Шchedрин ўз йўлига, Пушкин ўз йўлига,— деб жавоб берди Никитин қовоғини солиб.

— Мен биламан, сизнинг гимназиянгизда Шchedринга эътибор бермайдилар, лекин гап бунда эмас. Сиз менга айтингчи, Пушкин нега психолог?

— Наҳотки психолог бўлмаса? Рухсат этинг, мен сизга мисоллар келтирайин.

Никитин «Онегин»дан, сўнгра «Борис Годунов»дан бир неча ўринларни декломация этиб берди.

— Ҳеч қандай психологияни кўрмаяпман,— деб уҳ тортди Варя.— Киши руҳининг жингалакларини тасвир этувчи киши психолог деб аталади, ўқиб берганларингиз эса, гўзал бир шеърдан бошқа нарса эмас вассалом.

— Сизга қандай психология кераклигини биламан!— деб хафа бўлди Никитин.— Сизга шундай психология керакки, гўё биров ўтмас арра билан менинг бармоқларимни арраласа-ю, мен жон аччиғида додлаб қичқирсам — мана шу, сизнингча, психология.

— Сийқа гап! Бироқ ҳар ҳолда сиз менга Пушкин нега психолог эканини исбот этмадингиз.

Мутаассиблик, тор қарашлик ёки шу қабилда бўлиб кўринган нарса учун тортишишга тўғри келган пайтда, Никитин одатда ўрнидан ирғиб туриб, икки қўли билан бошини чангаллаб, ингроқ товуш билан бурчакдан-бурчакка югурар эди. Ҳозир ҳам худди шундай қилди: ирғиб ўрнидан турди, бошини чангаллаб олди-да, ингроқ товуш билан стол теварагини айланди, сўнг нарироққа бориб ўтирди.

Офицерлар унинг тарафини олишди. Штабс-капитан Полянский, Пушкин ҳақиқатан ҳам психолог эканлигига Варяни ишонтирмақчи бўлиб, бунинг исботи учун Лермонтовнинг иккита шеърини ўқиб берди. Поручик Гернет эса, агар Пушкин психолог бўлмаганда эди, унга Москвада ҳайкал қўймас эдилар, деди.

— Бу сурбетлик!— деган овоз эшитилди столнинг нариги чеккасидан.— Мен губернаторнинг ўзига ҳам шундай деб айтдим: жаноби олийлари, бу сурбетлик!

— Мен ортиқ тортишмайман!— деб қичқирди Никитин.— Бу хил тортишувнинг ниҳояти бўлмайди! Бас! Эҳ,

йўқол, афтинг курсин, ифлос и!— деб қичқирди у, худди шу пайтда унинг тиззасига бошини ва оёғини қўйиб турган Сомга қараб.

Стул остидан эса «ррр... гаф-гаф...» деган товуш эшитилди.

— Бўйнингизга олинг, сиз ҳақли эмассиз!— деб қичқирди Варя.— Бўйнингизга олинг!

Лекин шу пайтда бир неча қиз меҳмонлар келди, тортишув ўз-ўзидан тўхтаб қолди. Ҳамма залга йўл олди. Варя рояль олдига ўтириб, танца музикасини чалди. Дастлаб вальсга ўйин тушдилар, сўнгра полкага ўйнадилар, сўнг катта даврада ўйинга тушдилар, бу ўйинни бутун хоналар бўйича штабс-капитан Полянский бошқариб борди, сўнгра яна вальсга ўйин тушдилар.

— Ўйин чоғида кексалар залда ўтиришиб, чекишиб, ёшларни томоша қилдилар. Булар ўртасида ўзининг адабиётга ва саҳна санъатига муҳаббати билан ном чиқарган, шаҳар кредит жамиятининг директори Шебалдин ҳам бор эди. У маҳаллий «Музыка драматик тўгарак»ни дастлаб ташкил этган, ўзи ҳам спектаклларда иштирок этар ва негадир доим фақат кулгили малайлар ролини ўйнар ёки баланд овоз билан «Гуноҳкор қиз»<sup>1</sup>ни ўқир эди. Шаҳарда уни мумиё деб аташарди. Чунки у новча, жуда ориқ, томирлари чиққан эди, чехраси доимо тантанали, кўзлари эса хира ва ҳаракатсиз боқар эди. Саҳна санъатини у жони-тани билан севганидан, ҳатто соқол-мўйловларини ҳам қирдириб юрар, бу эса уни яна кўпроқ мумиёга ўхшатиб қўярди.

Катта давра ўйинидан кейин у Никитин олдига қий-шайиброқ келди-да, йўталиб олгач, деди:

— Мен чой маҳалидаги тортишувга ҳузур қилиб қулоқ солдим. Мен тамоман сизнинг фикрингизга қўшиламан. Биз иккимиз фикрдошмиз, мен учун сиз билан суҳбатлашиш жуда ҳам ёқимли бўлур эди. Сиз, Лессингнинг «Гамбург драматургияси» номли асарини ўқиганмисиз?

— Йўқ, ўқиган эмасман.

Шебалдиннинг кайфи учиб кетди, худди бармоқларини куйдириб олгандай қўлларини силкитди ва ҳеч нарса гапирмасдан Никитин олдидан тисарилиб кетди. Шебал-

---

<sup>1</sup> «Гуноҳкор қиз» (Грешница) — машҳур рус ёзувчиси А. К. Толстой (1817—1875) поэмаси.



диннинг қиёфаси, унинг саволи ва ажабланиши Никитинга кулгили кўринди, лекин ҳар ҳолда ўйлаб қолди:

«Ҳақиқатан ҳам ўнғайсиз. Мен тил-адабиёт ўқитувчиси бўлиб туриб, ҳозиргача Лессингни ўқиганим йўқ. Ўқиб чиқиш керак».

Кечки овқат олдидан ёш-қари, ҳамма барабар «тақдир» ўйинини ўйнашга киришди. Икки пачка карта олинди: бири ҳаммага тақсимлаб берилди, иккинчиси тўнтариб стол устига қўйилди.

Кекса Шелестов шу иккинчи картанинг устидан бирини олиб, тантанали равишда бошлади:

— Мана шу карта кимнинг қўлига чиқса, ҳозир болалар бўлмасига кириб, энагани ўпиши керак.

Энага билан ўпишмоқ гашти Шебалдин ҳиссасига тушди. Ҳамма уни қуршаб, кулиб ва чапак чалиб, болалар бўлмасига олиб борди ва энага билан ўпишишга мажбур этди. Шовқин-сурон кўтарилди. . .

Кулгидан кўзи ёшланган Шелестов:

— Бунчалик қаттиқ ўпманг! Қаттиқ ўпиш йўқ,— деб қичқиради эди.

Никитинга ҳаммани тавба қилдирмоқ тақдири чиқди. У зал ўртасида стулга ўтирди. Рўмол олиб келиб унинг бошини буркадилар. Дастлаб унинг ҳузурига тавба қилмоқ учун Варя келди.

— Мен сизнинг гуноҳларингизни биламан,— деб бошлади Никитин, рўмол қоронғилиги орасидан унинг жиддий қиёфасига кўз тикиб.— Айтингчи менга, ойим қиз, нима сабабдан ҳар куни сиз Полянский билан сайр этасиз? Оҳ, бежиз эмас, бу қизнинг гусар билан юриши, бежиз эмас!

— Бу сийқа гап,— деди Варя ва кетди.

Сўнг рўмол остидан унга беҳаракат шаҳло кўзлар йилтираб кўринди, қоронғида ожиз қиёфа кўринди, қандайдир қиммат баҳо ва кўпдан таниш бир хушхид эсди, бу ҳид Манюсянинг бўлмасини эслатди.

— Мария Годфруа,— деди у ва ўз товушини таниёлмай қолди,— товуши шунча нозик ва юмшоқ эди,— сизнинг қандай гуноҳингиз бор?

Манюся кўзларини сузди ва унга тилининг учини кўрсатди-да, қаҳ-қаҳ уриб, қочиб кетди. Бирпасдан сўнг эса, Манюся зал ўртасида туриб, чапак чалиб, қичқирди:

— Кечки овқатга! Овқатга! Овқатга!

Ҳамма емакхонага кириб борди.

Кечки овқат устида Варя бу сафар отаси билан тортишди. Полянский бошлаб ер, қизил вино ичар ва Никитинга урушда бўлган чоғида бир марта қишда тун бўйи тиззасидан балчиқда туриб чиққанини ҳикоя қиларди; душман яқин эди, шунинг учун на сўзлашиш, на чекиш рухсат этилмас эди, тун совуқ, қоронғи бўлиб, изғирин шамол эсарди. Никитин унинг гапига қулоқ солар, кўзлари Манюсяда эди. Манюся эса унга тикилиб, мижжа қоқмай, бирор нарса тўғрисида ўйланиб ёки ҳуши учиб қолгандай қарарди. . . Бу ҳолат Никитин учун ҳам ёқимли, ҳам изтиробли эди.

«Нима учун менга бу қадар тикилиб қарайди? — деб изтироб чекарди у. — Бу яхши эмас. Сезиб қолишлари мумкин. Эҳ, бу қиз ҳали шу қадар ёш, шу қадар содда!»

Меҳмонлар ярим кечада тарқалди. Никитин дарвозадан ташқари чиққанда уйнинг иккинчи қаватидаги дераза очилиб, Манюся кўринди.

— Сергей Васильевич! — деб чақирди қиз.

— Нима хизматингиз бор?

— Гап бундай. . . — деди Манюся, нима дейиш кераклигини ўйлагандай. — Ҳа, шундай. . . Полянский яқинда ўз фотографияси билан келиб, ҳаммамизнинг суратимизни олишга ваъда қилди. Тўпланиш керак бўлади.

— Яхши.

Манюся беркинди, дераза ёпилди ва шу ондаёқ уй ичида кимдир рояль чалди. «Уймисан — уй! — деб ўйлади Никитин, кўчанинг нариги юзига ўта туриб. — Бу уйда ёлғиз қумриларгина нолаю фиғон қилади, чунки, улар шодликларини бошқа йўсин билан изҳор эта билмайди!»

Аммо фақат Шелестовларникида хурсандчилик бўлмай, Никитин икки юз қадам босмасданоқ, иккинчи бир уйдан ҳам рояль товуши эшитилди. Яна бир оз юргач дарвоза ёнида ўтириб балалайка чалаётган мужикни кўрди. Ёғда эса оркестр рус қўшиқларидан тузилган машқни чаларди. . .

Никитин Шелестовлар уйидан ярим чақирим нарида саккиз хонали уйда турар эди, бу уйни у ўз ўртоғи, география ва тарих ўқитувчиси Ипполит Ипполитич билан бирга йилига уч юз сўмга ижара олган эди. Ҳали кексармаган, сариқ соқолли, қаншари паст, юзидан интеллигентга эмас, косибга ўхшаш, дағалроқ, софдил Ипполит Ипполитич, Никитин уйга келганда, ўз хонасида стол ёнида ўтириб, ўқувчилар чизган хариталарни тузатмоқда эди.

У, география хариталарини чизишни, тарихдан эса, хронологияни билишни энг керакли ва энг муҳим деб билар; тун бўйи ўтириб у кўк қалам билан ўз ўқувчилари чизган хариталарни тузатар ёки хронология жадваллари тузар эди.

— Бугун ҳаво жуда яхши! — деди Никитин, унинг олдига кириб.— Шундай пайтда уй ичида ўтирганингизга ҳайронман.

Ипполит Ипполитич камгап одам бўлиб, у ё индамас, ёки фақат ҳаммага маълум нарсалар ҳақида гапирар эди. Ҳозир у шундай жавоб берди:

— Тўғри, ҳаво жуда яхши. Ҳозир май, тез кунда ҳақиқий ёз бўлади. Ёз эса, қишдан катта фарқ қилади. Қишда печка ёқиш керак, ёзда эса печкасиз ҳам иссиқ. Ёзда кечаси деразани очсанг ҳам иссиқ, қишда эса, қўшқават дераза ичида ҳам совуқ.

Никитин стол ёнида бир минутча ўтирмасданоқ зерикиб қолди.

— Хайрли кеч! — деди у, ўрнидан кўтарилиб ва эснаб туриб.— Мен сизга ўзимга доир муҳаббатга ўхшаш бир нимани гапирмоқчи эдим, лекин сиз географиядан бош кўтармайсиз! Сизга муҳаббатдан гап бошласам, сиз дарров: «Калка ёнидаги уруш қайси йили бўлган эди?»<sup>1</sup> дейсиз. Урушларингиз ҳам, Чукотка бурунларингиз ҳам қуриб кетсин!

— Нега жаҳлингиз чиқади?

— Алам қилади-да, ахир!

Никитин Манюсяга ҳамон муҳаббатини изҳор эта олмагани ва бу муҳаббатни сўзлашга одам топилмагани алам қилиб, ўз уйига кириб кетди ва диванга ётди. Уй ичи қоронғи, жимжит эди. Етиб, қоронғиликка тикилиб, Никитин негадир, икки ё уч йилдан сўнг бирор нарса учун Петербургга жўнашини, Манюся уни вокзалга кузатишини ва йиғлашини ўйлаб кетди; Петербургда эса, у Манюсядан узун бир хат олади, бу хатда Манюся унинг тезроқ уйга қайтишини ялиниб сўрайди. Бу хатга у жавоб қайтарди. . . Ўз хатини шундай бошлайди: «менинг азиз йўлдошим. . .»

— Худди шундай, менинг азиз йўлдошим,— деди у ва кулиб юборди.

---

<sup>1</sup> Рус қўшинларининг Чингизхон қўшинлари билан бўлган биринчи уруши, 1223 йилда Калка дарёси бўйида бўлган.

У ёмон ётиб қолган эди. Қўлини боши остига қўйиб, чап оёғини диваннинг суянчиғига гиради-да, яхшилаб ўрнашиб олди. Бу орада дераза ёришиб, ҳовлидан хўрозлар товуши кела бошлади. Никитин, ўзининг Петербургдан қайтишини, вокзалда Манюсянинг қандай кутиб олишини ва шодлигидан қичқириб, бўйнига ўзини ташлашини ўйлади. . . Ёки яна яхшироғи у айёрлик қилади: кечаси секингина келади-да, ошпаз хотин унга эшикни очади, у эса оёқ учида юриб ётоқхонага ўтади-да, секингина ечиниб ўрнига киради!

Хотињи уйғонади ва қандай қувонади!

Жуда ёруғ бўлиб қолди. Никитин уйни ҳам деразаларни ҳам сезмас. Шу куни кечқурун от миниб ёнидан ўтишган пиво заводининг зинапоясида Манюся ўтирар ва алланима дерди. Сўнгра у Никитинни қўлтиқлаб, шаҳар чеккасидаги боққа кетди. Ёғда у дуб дарахтларини, шапкага ўхшаш қарға уяларини кўрди. Бир уя қимирлади ва унинг ичидан Шебалдин бошини чиқариб, қаттиқ қичқириб: «Сиз Лессингни ўқимагансиз!» деди.

Никитин чўчиб кўзини очди. Диван олдида Ипполит Ипполитич турар, бошини кўтариб, галстук боғламоқда эди.

— Туринг, хизматга бориш вақти келди,— деди у,— усти-бошни ечмасдан ухлаш мумкин эмас, кийим ёғимланади. Ечиниб ётиш керак. . .

У ўз одати бўйича, узундан-узоқ ва дона-дона қилиб, ҳаммага кўпдан маълум нарсалар тўғрисида сўзлаб кетди.

Биринчи дарсни Никитин иккинчи классда рус тилидан берар эди. У худди соат тўққизда шу классга кирганида, қора тахтага оқ бўр билан икки катта ҳарф ёзиб қўйилган эди: М. Ш. Бу ҳарфлар мазмуни Маша Шелестова эди.

«Аллақачон сезибдилар, аблаҳлар. . .— деди Никитин.— Булар қаердан билган экан?»

Иккинчи дарсни Никитин тилдан бешинчи классда берар эди. Бу ерда ҳам тахтага М. Ш. деб ёзиб қўйилган эди. Никитин дарсни тамомлаб, бу классдан чиқаётганда унинг кетидан театрдаги сингари:

— Ура-а-а! Шелестова!— деган шовқин кўтарилди.

Кийими билан ухлагани учун Никитиннинг боши оғриб, танаси увушиб турар эди. Имтиҳон олдидан жавоб бериб юборилишини кутган ўқувчилар, ҳеч нарса қилишмас, қисилар, ва зеркканларидан шўхлик қиларди. Никитин ҳам

қисилар, шўхликларни сезмас, ҳадеб дераза олдиға боравар ва у ердан қуёш нурида чарақлаб турган кўчани, уйлар тепасидаги кўм-кўк, тиниқ осмонни, осмонда қушлар ўйнаб юришини, узоқ-узоқларда эса ям-яшил боғлар ва уйлар ортида кенг, бепоён ўрмон ястаниб ётганини, югуриб кетаётган поезд тутунидан юзига юпқа парда тутганини кўрарди. . .

Акация соя солиб турган кўчадан, қўлларидаги хипчинларини ўйнаб, оқ китель кийган икки офицер ўтиб кетди. Аравада оппоқ соқолли, картуз кийган бир тўда яҳудий ўтиб кетди. Гувернантка директор невараси билан сайр этмоқда. . . Орқасидан иккита кўппакни эргаштириб, Сом югуриб ўтди. . . Оддий кулранг кўйлак ва қизил пайпоқ қийиб, қўлиға «Вестник Европи»<sup>1</sup> журналини ушлаб, Варя борарди. У шаҳар кутубхонасига борган бўлса керак. . .

Дарслар тез тамом бўлмай, соат учгача чўзилади! Дарслардан кейин уйға эмас, Шелестовлар уйға ҳам эмас, Вольфникига сабоқ бергани бориш керак. Лютеранлик мазҳабини қабул этган бой яҳудий Вольф болаларини гимназияға бермай, гимназия ўқитувчиларини уйға таклиф этиб, уларнинг ҳар бир дарси учун беш сўмдан тўлар эди. . .

«Зерикарли, зерикарли, зерикарли!»

Соат учда Никитин Вольфнинг уйға борди, то унинг уйидан чиққунча, бир умр ўтгандай бўлди. Унинг уйидан соат бешда чиқди, соат еттида эса, яна гимназияға, педагогик советға бориш, тўртинчи ва олтинчи класслар учун оғзаки имтиҳон жадвалини тузиш керак эди!

Кечаси гимназиядан чиқиб, Шелестовлар уйға бораётганда, унинг юраги дукиллаб ўйнар, юзлари ёнар эди. Бундан бир ҳафта, бир ой илғари ҳар сафар у ўз муҳаббатини изҳор этишға ҳозирланиб, муқаддимали ва хотимали бутун бир нутқ ҳозирлаган эди, ҳозир эса унинг бошида биронта сўз ҳам қолмай, ҳаммаси бўталиб кетган эди. Фақат у, албатта бугун муҳаббат изҳор этишини, ортиқ кутишға ҳеч тоқати қолмаганини билар эди.

«Мен уни боққа таклиф қиламан-да, бир оз сайр этиб юриб, муҳаббатимни изҳор этаман. . .» деб режа тузди.

Даҳлизда ҳеч ким йўқ эди; у залға кирди, сўнг меҳмонхонаға ўтди. . . Бу ерда ҳам ҳеч ким йўқ эди. Юқорида, ик-

<sup>1</sup> «Вестник Европи» — 1802 йилда ташкил топган ижтимоий-сиёсий, адабий-бадий журнал.

кинчи қаватда Варянинг ким биландир тортишгани ва болалар бўлмасидан ёлланма машиначининг қайчи овози эшитилиб турарди.

Уйда бир хона бўлиб, у уч ном билан аталарди: кичик хона, йўлак, қоронғи. Шу хонада дорилар, порох ва овчилик анжомлари солинган катта бир эски шкаф турарди. Бу жойдан иккинчи қаватга чиқадиган тор ёғоч зинапоя бор эди. Бу зинапояда доим мушуклар ухлашарди. Шу ерда икки эшик бўлиб, бирдан болалар хонасига, иккинчисидан меҳмонхонага чиқиларди. Юқорига кўтарилиш учун Никитин шу ерга кирганда, болалар хонасининг эшиги шу қадар қаттиқ тарақлаб очилдики, зинапоя ва шкафгача зириллаб кетди; қўлига кўк мата ушлаганича, қора кўйлак кийган Манюся югуриб чиқди ва Никитинни кўрмасдан зинапояга қадам қўйди.

— Тўхтанг...— деди Никитин.— Салом, Годфруа... Рухсат этинг...

Никитин ҳансирар ва нима дейишини билмас эди; бир қўли билан қизнинг қўлини, иккинчи қўли билан кўк матани ушлаб турарди. Қиз эса, қўрққаниданми, ажабланганиданми, кўзларини катта очиб, унга қараб қолган эди.

— Рухсат этинг...— деди Никитин, қиз кетиб қолмасин деб ҳадиксираб.— Менинг сизга бир-икки оғиз гапим бор... Фақат... Бу жой ўнғайсиз. Менинг тоқатим йўқ, иложсизман... Тушунасизми, Годфруа, иложим йўқ... Гап шу...

Кўк мата ерга тушиб кетди, Никитин Манюсянинг иккинчи қўлидан ҳам ушлаб олди. Қизнинг ранги оқариб кетди, лабларини қимирлатди, сўнг орқасига тисарилиб, девор билан шкаф ўртасидаги бурчакка кириб олди.

— Чин сўз, ишонинг сиз...— деди Никитин секингина.— Манюся, чин сўз...

Қиз бошини орқага ташлади, Никитин эса унинг лабларидан ўпди, бу ўпич узоқроқ давом этсин учун бармоқлари билан қизнинг юзларидан тутди; ниҳоят шундай бўлдики, Никитиннинг ўзи жовон билан девор орасидаги бурчакка кириб, қиз эса қўллари билан унинг бўйнидан кучоқлаб, бошини унинг иягига тираб қолди.

Сўнгра ҳар икковлари югуришиб боққа чиқиб кетдилар.

Шелестовларнинг боғи катта бўлиб, тўрт десятина эди. Боғда йигирматача қари клён ва липа дарахти, битта арча

бўлиб, қолгани мева дарахтлар эди: гилос, олма, нок, ёв-войи каштан, кумуш ранг маслина. . . Гуллар ҳам кўп эди.

Никитин билан Манюся индашмасдан хиёбонларда юрар, кулар, аҳёнда бир-бирларига қисқа-қисқа савол берар ва бу саволларга жавоб қайтаришмас эди. Ёғ тепасида ярим ой нур сочар, шу хира ёруғ остида ётган майсазордаги лолалар ва ирис гуллар ўзлари билан муҳаббат изҳор қилишни сўрагандай бўйларини чўзар эди.

Никитин билан Манюся уйга қайтиб келганларида офицерлар ва ойим қизлар йиғилган бўлиб, мазуркага ўйин тушишмоқда эди. Полянский яна катта даврадаги ўйинни бошқарди, танцадан кейин яна тақдир ўйини ўйналди. Меҳмонлар овқатланиш учун емакхонага ўтганларида, Манюся Никитин билан қолди ва унинг бағрига кириб, деди:

— Отам ва Варя билан ўзинг гаплаш. Мен уяламан. . .

Овқатдан кейин Никитин чол билан сўзлашди. Шелестов унинг сўзини эшитиб, ўйлади-да, шундай деди:

— Менга ва қизимга сиз билдирган шону шараф учун кўп миннатдорман. Аммо, сиз билан дўстона гаплашмоқ учун рухсат этинг. Сиз билан ота тарзида эмас, джентельмен билан джентельмен каби сўзлашаман. Марҳамат қилиб айтингчи, бунчалик ёш уйланишнинг нима ҳожати бор? Фақат мужикларгина ёшлигида уйланишади, маълум, бу бемазагарчилик, холос, лекин сизга нима бўлди? Бу қадар ёш чоғингизда ола хуржинни бўйинга илишдан қандай ҳузур топасиз?

— Мён сира ёш эмасман! — деди хафа бўлиб Никитин. — Ёшим йигирма еттига етди.

Варя иккинчи хонадан қичқирди:

— Дада, от табиби келди!

Шу билан гап узилди. Никитинни Варя, Манюся ва Полянский уйгача кузатди. Унинг кўча эшиги ёнига келганда Варя деди:

— Нима учун сизнинг сирли Митрополит Митрополитингиз ҳеч ерга чиқмайди? Ақалли бизникига келса бўлур эди.

Сирли Ипполит Ипполитич, олдига Никитин кирганда, ўз ўрнида ўтириб шимини ечмоқда эди.

— Ётмай турунг, ётмай турунг! — деди Никитин унга ҳарсиллаб, — тўхтанг ётмай турунг!

Ипполит Ипполитич дарров шимини кийди-да, ташвишга тушиб сўради:

— Нима гап?

— Мен уйланаман!

Никитин ўртоғининг ёнига ўтирди, худди ўз-ўзига ажаблангандай қараб, деди:

— Тасаввур этинг, мен Маша Шелестовага уйланаман. Бугун таклиф этдим.

— Хўш? У қиз, яхши шекилли. Фақат жуда ёш.

— Тўғри, ёш!— деди Никитин, чуқур нафас олиб ва ташвиш билан елкаларини қисди.— Жуда, жуда ёш!

— Бу қиз гимназияда менда ўқиган эди. Мен уни биламан. Географиядан тузук ўқир эди-ю, лекин тарихдан ёмон эди. Классда ҳам ҳушёр эмас эди.

Никитин бирдан негадир ўз ўртоғига ачинди ва унга бирорта мулоийм, дилкаш сўз айтгиси келди.

— Азизим, сиз нега уйланмайсиз? — деб сўради у.— Ипполит Ипполитич, сиз, масадан, Варяга уйлансангиз бўлмайдими? Бу қиз ажойиб, олижаноб бир қиз! Тўғри, у тортишувни севади, лекин дили. . . дили кўп покиза! Варя ҳозир сизни сўради. Шунга уйланиб қўя қолинг, азизим!

Никитин бу хафагазак, пучуқ одамга Варя асло тегмаслигини яхши билса ҳам, унинг Варяга уйланишини таъкидлар эди. Нима учун?

— Уйланиш жиддий бир қадам,— деди Ипполит Ипполитич, ўйлаб кўргач.— Ҳар томонни муҳокама этиб, тарозуга солиб кўриш керак, бирдан мумкин эмас. Уйлаб иш қилиш ҳеч қачон зарар бермайди, айниқса уйланишда, одам бўйдоқликдан чиқиб, янги ҳаёт бошлаётган чоғда асло зарарли эмас.

Шундан сўнг у ҳаммага маълум, машҳур бўлган нарсалар тўғрисида гап юргизиб кетди. Никитин унинг гапларига қулоқ солиб ўтирмади, хайрлашиб, ўз уйига кириб кетди. Ўз бахти-саодати ҳақида, Манюся ҳақида, келажак ҳақида хаёл суриш учун тезгина ечинди-да, ётиб олди. Етгандан сўнг кулумсиради ва бирдан ҳамон Лессингни ўқимагани эсига тушди.

«Ўқиб чиқиш керак. . .— деб ўйлади у. Айтмоқчи, нима учун мен ўшани ўқишим керак? Ҳе, нари борсин-э!»

Ўз қувончидан эриб, дарров ухлаб қолди, тонг отгунча чеҳрасидан табассум аримади.

Унинг тушига от туёқларининг ёғоч полга дукур-дукур урилгани кирди. Тушида отхонадан дастлаб қора тўриқ граф Нулинни, сўнгра оқ от Великанни, сўнг унинг ҳамшираси Майкани олиб чиққанларини кўрди. . .



«Черков ичида одам тўла ва сершовқин эди, ҳатто кимдир бир марта қичқириб ҳам юборди, мен билан Манюсяни никоҳлаб турган протоиерей кўзойнак устидан оломонга қараб, жаҳл билан деди:

— Черков ичида юрманглар, шовқин ҳам солманглар, бир ерда жим туриб, ибодат қилинглар! Худодан қўрқиш керак!

Менинг шоҳидларим иккита ўртоғим эди, Манюсянинг шоҳидлари штабс-капитан Полянский билан поручик Гернет эди. Архиерей хори жуда соз ашула қилди. Шамларнинг чирсиллаши, теварак-атрофнинг ялтираши, ясантусанлар, офицерлар, жуда кўп хушнуд, мамнун чехралар ва Манюсянинг қандайдир назокатли кўриниши, умуман барча кишилар ва жиҳозлар, никоҳ сўзларининг таъсиридан кўзимдан ёш чиқди ва кўнглим қувончга тўлиб тошди. Мен ўйлар эдим: сунгги вақтларда ҳаётим нақадар гуллади ва нақадар шоирона гўзал бир тусга кирди! Икки йил илгари студент эдим, Ниглинний кўчасидаги арзон номерларда турардим, пулим, қариндош-уруғларим йўқ эди, назаримда ўша вақтда истиқболим ҳам йўқ эди. Энди-чи, мен — энг яхши губерна шаҳарларидан бирида гимназиянинг ўқитувчисиман, таъминотим яхши, одамлар яхши кўради ва эркаман. Ҳозир шу ердаги одамларнинг ҳаммаси мен учун тўпланган, деб ўйлардим; мен учун учта қандил ёнмоқда, протодьякон овози борича хониш қилмоқда, ҳофизлар ҳам астойдил айтмоқда; ёнбошимдаги ёшгина, гўзал, латофатли ва қувноқ қиз сал туриб меники бўлади ва менинг хотиним деб аталади. Мен дастлабки учрашувларимизни, шаҳар чеккасига биргалашиб сайр этган чоғларимизни, муҳаббатимни изҳор этган пайтимни ва бутун ёз бўйи бир хил жуда яхши келган оби-ҳавони эслаб кетдим. Ниглинний кўчасида турган вақтимда роман ва повестлардагина бўлиши мумкин кўринган бахтни энди ўзим чинакамига бошимдан кечириб, гўё қўлларим билан ушлаб турган эдим.

Никоҳ ўқилгандан сўнг ҳамма тўс-тўполон билан мен ва Маня атрофида парвона бўлди, ўзларининг самимий хурсандчиликларини билдирди, табриклади ва бахт-саодат тилади. Етмишларга бориб қолган бригада генерали фақат Манюсянинг ўзини табриклар, унга қалтироқ товуш билан:

— Ишонаманки, азизим, тўйдан кейин ҳам худди аввалгидай атир гул бўлиб қоласиз,— деди. Бу сўзларни у шу қадар баланд овоз билан гапирдики, черков жаранглаб кетди.

Офицер, директор ва барча ўқитувчилар одоб юзасидан табассум қилдилар, мен ҳам ўз чехрамда ёқимли ва гайри самимий бир табассум сездим. Ҳар доим барчага маълум, машҳур нарсаларни гапирувчи тарих ва география ўқитувчиси ҳурматли Ипполит Ипполитич менинг қўлимни қаттиқ қисди ва таъсирли қилиб:

— Ҳозиргача сиз уйланмаган эдингиз, ёлғиз яшар эдингиз, энди сиз уйландингиз, энди икковингиз бирга яшайсиз,— деди.

Черковдан чиқиб тўғри, энди бизга берилган, сувоқдан чиқмаган икки қаватли уйга жўнадик. Бу уйдан ташқари Маняда йигирма минг сўмча пул бўлиб, яна Мелитоновка деган жойдаги аллақандай бўш майдон бостирмаси билан менга тегар эди. Бу бостирмада, айтишларига кўра жуда кўп товуқ ва ўрдаклар бор бўлса-да, уларга қаровчи йўқлигидан ёввойилашиб кетмоқда экан. Черковдан қайтгач, мен ўзимнинг янги хонамга кириб, керишиб, туркча диван устига ағнаб ётдим. Остим юмшоқ, ётишим қулай ва уйим шу қадар шинам эдики, умримда ҳеч қачон бундай ҳузур қилмаган эдим. Бу маҳалда меҳмонлар «ура» деб қичқирар, даҳлизда эса, шалоқ музикантлар туш ва бачкана куйларни чалар эди. Манянинг опаси Варя, қўлида қадаҳ кўтарганича, югуриб хонага кирди, унинг кўриниши аллақандай, ғалати, талвасали, гўё оғзига сув тўлдириб олгандай эди. У, афтидан нарироқ қочмоқчи эди, лекин бирдан қаҳ-қаҳа урди ва йиғлаб юборди, қўлидаги қадаҳ эса, жаранглаб полга тушиб кетди. Биз Варяни суяб қолдик ва ичкари уйга олиб кетдик. Сўнгра у энг чеккадаги энага уйида ўринда ётиб, валдиради:

— Ҳеч ким тушуна олмайди! Ҳеч ким, ҳеч ким! Вой худойим, ҳеч ким тушуна олмайди!

Лекин ҳамма жуда яхши тушунар эдики, у синглиси Манядан тўрт ёш катта бўлса-да, ҳамон турмушга чиқмаган; ҳозир йиғлашининг сабаби унга ҳасад қилганидан эмас, турмушга чиқиш вақти ўтиб кетаётганлигининг, эҳтимол ўтиб кетганлигининг ғуссасидир. Кадриль ўйинига тушилган маҳалда Варя, кўз ёшлари томган юзларига упани қалин суртиб, чиқиб залда ўтирган эди. Мен

штабс-капитан Полянскийнинг морозеное солинган ликобчани тутиб турганини, Варя эса қошиқча билан еганини кўрдим...

Эргалаб соат олти. Мен ўзимнинг мукамал ва рангбаранг қувончимни тасвирлаш учун кундалик дафтаримни қўлга олдим. Олти саҳифача ёзмам ва эртасига Маняга ўқиб бераман деб ўйладим, лекин ажабо, бошимдаги ҳамма нарса бўталиб, ноаниқ туш сингари бўлиб қолди ва хотирамда фақат Варянинг кечасидаги аҳволи қолди, боёқиш Варя! деб ёзгим келди. Қанча ўтирмайин фақат қайта-қайта: боёқиш Варя! деб ёзар эдим. Шу асосда дарахтлар шовуллаб қолди: ёмғир ёғди; қарғалар қағиллашяпти, ҳозиргина уйқуга кетган Манямнинг юзлари негадир гуссали кўринади».

Сўнгра Никитин кундалик дафтарини узоқ вақт қўлига олмади. Августнинг дастлабки кунларидан бошлаб қайта имтиҳонлар ва қабул имтиҳонлари, Успенъев кунидан сўнг эса, класс машғулотлари бошланди. Одатда у соат саккиздан ўтганда хизматга кетар, ўнга яқин Маняни соғинар ва уз уйига кетгиси келиб, ҳадеб соатга қарайверар эди. Пастки классларда у болалардан бирортасига диктовка айттирар, ўзи эса, то болалар ёзиб бўлгунича деразада ўтириб, кўзларини юмиб, хаёл сурарди. Келажак ҳақида хаёл сурардими, ўтмиш хотираларини эслайдими — ҳаммаси эртак сингари гўзал чиқар эди. Юқори классларда овоз чиқариб Гоголь ёки Пушкин прозасини ўқишарди, ўқиш уни мудроқ бостирарди, унинг тасавурида одамлар, дарахтлар, далалар, от-уловлар пайдо бўлар ва у оҳ уриб, гўё авторга қойил қолгандай:

— Қандай яхши! — деб кўярди.

Катта танаффус чоғида Маня унга оппоқ рўмолчага ўраб нонушта юборарди, Никитин бу нонуштани баҳазур, ҳузур қилиб секин-аста еяр эди. Одатда фақат қуруқ нон билан нонушта қиладиган Ипполит Ипполитич, унга ҳурмат билан ва кўзи куйиб қарар, ҳамда ҳаммага маълум:

— Кишилар овқатсиз яшолмайди, — каби гапни айтар эди.

Гимназиядан чиқиб Никитин яҳудий бойнинг уйига дарс беришга борар, ниҳоят, кечки соат олтига яқин уйга қайтаётганида, гўё уйда бир йилдан бери бўлмагандай ҳам шодлик, ҳам ҳаяжон сезар эди. У зинапоядан югуриб чиқар, ҳарсиллаб уйга кирар ва Маняни қучоқлаб ўпар, уни севганига, усиз яшай олмаслигига онт ичар, ўл-

гудай соғинганини айтар, талваса билан унинг соғлигини ва нечун нохушлигини сўрар эди. Сўнг бирга овқатланар эди.

Овқатдан сўнг у диванга ётиб чекар, Маня эса унинг ёнида ўтириб оҳиста сўзлар эди.

Энди унинг энг бахтиёр кунлари якшанба ва байрам кунлари эди, бу кунларда эртадан то кечгача уйда қоларди. Бу кунларда у содда, лекин табиат қучоғидаги тинч ва осойишта чўпон ҳаётини эслатувчи фавқулодда ёқимли рўзғор ишларида иштирок этар эди. Ўзининг ақлли, чечан хотини Маня рўзғорни қандай жамғараётганини кузатиб борар ва ўзи ҳам уйда бекорчи эмаслигини кўрсатиш учун бирорта фойдасиз иш билан шуғулланар эди, масалан, саройдан шарабан аравани ғилдиратиб чиқиб, унинг ҳар томонини кўрар эди. Манюся учта сигир боқиб, сутчиликни йўлга қўйди, ертўласининг ичида ҳам, томида ҳам сут, қаймоқ солинган кўвачалар ва хурмачалар турар эди, буларни Манюся сариеғ олиш учун асрар эди. Баъзан Никитин ҳазиллашиб ундан бир стакан сут сўрар эди; бу тартибга хилоф бўлгани учун Манюся чўчиб тушар эди, шундан сўнг Никитин қаҳ-қаҳлаб кулиб, уни қучоқлар ва дерди:

— Йўқ, йўқ, ҳазиллашдим, азизим! Ҳазиллашдим!

У баъзан хотинининг эзмалигидан кулар эди, масалан, хотини шкафдан қотиб қолган бир парча колбаса ёки сир топиб олиб, жиддий равишда:

— Бунни ошхонадаги хизматкорлар ер,— дерди.

Никитин эса, бу бир парча колбаса фақат сичқон тутиш учун қопқонга ярашишини сўзлар, хотини эса, эркакларнинг рўзғор ишидан хабарсизлигини, ошхонадагиларга уч пуд берсанг ҳам етмаслигини куйиб-пишиб исбот этишга тушар эди. Никитин унинг гапига қўшилар ва хурсанд бўлиб қучоқларди. Хотинининг гапларидаги мантиққа ниҳоятда ҳайрон қолар, унинг фикрига қўшилмаган пайтларда эса хотини содда, севимли бўлиб кўринарди.

Баъзан унинг файласуфлиги тутиб, қандайдир мавҳум бир мавзуда фикр юрита бошлар, Манюся эса қулоқ солар ва унинг юзига қизиқсиниб тикилар эди.

— Мен сен билан беҳад бахтиёрман, сен менинг қувончимсан,— дерди Никитин Манюсянинг бармоқларини ўйнаб, ёки унинг кокилини ечиб ва қайтадан ўриб туриб.— Аммо, ўзимнинг бу бахтиёрлигимга осмондан тушган ал-

лақандай бир нарасадай қарамайман.— Бу бахтиёрлик — бусбутун табиий, изчил, мантиқан тўғри бир ҳодисадир. Мен, киши ўзи бахтининг ижодкори эканлигига ишонаман, шунинг учун мен ҳозир ўзим вужудга келтирган нарсани қўлимга тутмоқдаман. Шундай, беҳазил гапим шуки, бу бахтни мен ўзим вужудга келтирдим ва шу бахтга эга бўлишга ҳақлиман. Сенга менинг ўтмишим: етимлигим, қашшоқлигим, бахтсиз бола бўлганлигим, ўсмирликда ғусса тортганларим,— булар барчаси кураш, булар барчаси менинг бахт сари очган йўлимдир.

Октябрь ойида гимназияда оғир кулфат рўй берди: Ипполит Ипполитич сарамас касали билан оғриб, вафот этди. Улимидан икки кун олдин ҳушсиз ҳолда, алаҳлаб ётди, алаҳлаганда ҳам ҳаммага маълум:

— Волга Қаспий денгизига қуйилади... Отлар арпа ва пичан ейдилар... — каби гапларни айтди.

Уни кўмган кунни гимназияда ўқиш бўлмади. Марҳумнинг ўртоқлари ва ўқувчилар тобутни ва унинг қопқоғини кўтариб бордилар, гимназия хори қабристонга етгунча бутун йўл бўйи «Святой боже»ни хониш қилиб борди. Кўмиш маросимида уч поп, икки дьякон, бутун эрлар гимназиясидагилар ва мотам либослари кийган архиерей хори иштирок этди. Бу тантанали маросимни кўрган йўловчилар чўқинар ва:

— Ҳар кимга ҳам шундай обрў насиб бўлсин,— дерди.

Қабристондан қайтиб келгач, ҳаяжонланиб кетган Никитин стол ичидан кундалиқ дафтарини топиб:

— «Ипполит Ипполитич Рижицкийни ҳозиргина лаҳадга қўйдик.

Қабрингда тинч ёт, камтарин захматкаш! Маня, Варя ва кўмиш маросимига борган ҳамма аёллар астойдил йиғладилар. Сабаби жафокаш бу хунук одамни ҳеч бир аёл севмагани учун бўлса керак. Мен қабр устида ўртоғимнинг яхши фазилатларини гапирмоқчи эдим, директор марҳумни ёмон кўргани учун гапим унга ёқмай қолишини айтдилар. Тўйдан бери шу бугун дилим ғаш бўлган бўлса керак»...

Шундан сўнг бутун ўқиш мавсуми ҳеч қандай айтарли воқиа бўлмади.

Қиш бўштоб, илиқ келди, доимо ҳўл қор ёғиб турди; масалан, Крешенье<sup>1</sup> арафасида тун бўйи куз шамоли эс-

<sup>1</sup> Крешенье — январь бошида келадиган христиаплар байрами.

ди, томлардаги қор эриб оқди, эрталаб эса крестни ювиш вақтида, полиция ҳеч кимни дарёга туширмади, чунки дарё музи эриб, юмшаб қолган деди. Лекин ёмон об-ҳавога қарамай Никитин қишда ҳам ёздагидай бахтиёр яшар эди. Ҳатто унинг турмушига яна бир кўнгил очадиган нарса қўшилиб, винт деган карта ўйинини ҳам ўрганиб олди. Фақат бир нарса баъзан уни безовта қилар ва жаҳлини чиқарар, гўё унинг тўла-тўқис бахтиёрлигига халақит бергандай эди: булар унга сеп билан бирга берилган мушук ва итлар эди. Уй, хоналарда доим, айниқса эрталаб, ҳайвонотхонанинг иси келар ва бу ҳидни ҳеч нарса билан йўқотиб бўлмас эди. Мушуклар кўп вақт итлар билан уришарди. Сержаҳл Мушкага кунига ўн марта овқат беришар, у ҳамон илгаригидай Никитинни танимас ва унга ириллар эди:

«Ррр. . гаф-гаф. . .»

«Великий пост»<sup>1</sup> пайтида бир кун и ярим кечаси Никитин, клубдаги карта ўйинидан уйига қайтар эди. Ёмғир ёғмоқда, қоронғи ва лойгарчилик эди. Никитиннинг кўнгли ғаш эди, сабабини ўзи ҳам тушунолмади: клубда ўн икки сўм пул ютқизиб қўйганиданми, ёки пулни тўлаб турганда, ўйинчилардан бири: Никитиннинг пули жуда кўп деб, олган сепига ишора қилганиданми? Ютқизган ўн икки сўмига ачинмас, рақибининг айтган гапларида ҳам хафа бўларли ҳеч нарса йўқ эди, лекин ҳар ҳолда кўнгли ғаш эди. Ҳатто уйига қайтгиси ҳам келмас эди.

— Вой-бўй, мунча кўнглим ғаш! — деди у кўчадаги фонарь ёнида тўхтаб.

Ютқизган ўн икки сўми теппа-текин қўлига киргани учун ачинмаётганлиги эсига келди. Агар у хизматкор бўлганида эди, ҳар бир тийиннинг қалдига етарди, ютиш ва ютқазिशга бепарво қарамас эди. Суриштириб қараганда, деб ўйлар эди у, шу бахтиёрликнинг барчаси ҳам унга теппа-текин келди, аслида бу нарса унинг учун соғлом одамга берилган дори каби эди. Агар у, жуда кўп кишиларга ўхшаб, бир парча нон ташвиши билан эзилган, яшаш учун курашса эди, агар оғир ишдан унинг елка ва кўкраги оғриса эди, шинам уй ва ойилавий бахт хаётнинг талаби, мукофоти ва безаги бўлур эди; ҳозир эса, бу нарсаларнинг ҳаммаси унинг учун ғалати бир номуайян аҳамиятга эга эди.

---

<sup>1</sup> Христианларнинг рўза вақти.

— Вой-бўй, мунча кўнглим ғаш!— деб такрорларди у ва шу фикрнинг ўзи ҳам ёмонлик аломати эканини яхши тушунди.

Никитин уйга келганида, Маня ўринда ётар эди. У бир текис нафас олар, жилмаяр, афтидан, маза қилиб ухлаётгани кўринарди. Унинг ёнида кулча бўлиб, оқ мушук ётар ва хуриллар эди. Никитин шам ёқиб, чекиб бўлгунча, Маня уйғонди ва жон ҳолатда бир стакан сув ичди.

— Мармеладни кўп еб қўйибман, деб кулди Маня.— Сен отамникига бордингми?— деб сўради бир оздан сўнг.

— Йўқ, борганим йўқ.

Сўнгги вақтларда Варя жуда кўнгли кўйиб, ишониб юрган штабс-капитан Полянский ғарбий губерналардан бирига кўчирилганини ва ҳозир шаҳарда ҳамма билан хайрлашиб юрганини ва шу сабабли қайнатасининг уйда ўйин-кулги йўқлигини Никитин билар эди.

— Кечқурун Варя келган эди,— деди Маня, ўтирар экан.— Ҳеч нарса гапиргани йўқ, лекин изтироб чекаётгани юзидан кўриниб турибди, боёқиш. Полянскийни кўришга тоқатим йўқ. Йўғон, хомсемиз, юрса ёки ўйин тушса икки бети сўлқиллаб туради. . . Мен хуш кўрадиган одам эмас. Лекин ҳар ҳолда мен уни инсофли одам деб билар эдим.

— Мен ҳозир ҳам уни инсофли одам деб биламан.

— Нимага бўлмаса у Варяга нисбатан хунук иш қилди?

— Нима учун хунук иш? — деб сўради Никитин, елкасини букиб керишаётган оқ мушук ғашини келтираётганини сезиб,— Менга маълум бўлишича, Полянский уйланишни таклиф қилган эмас ва ҳеч қандай ваъда ҳам берган эмас.

— Нега бўлмаса, тез-тез уйга борарди? Агар уйланиш кўнглида бўлмаса, қизнинг уйига бормаслиги керак эди.

Никитин шамни ўчириб ётди. Лекин на уйқуси ва на ётгуси келарди. Гуё калласи бўм-бўш катта омборхонаю, ичида қандайдир айрим фикрлар узунчоқ соялар шаклида кезар эди. Осойишта оилавий ҳаётга жилмайиб турган ёқимли шамчироқ шуъласидан ташқари, ўзи ва оқ мушук роҳат қилиб яшаб тургани мана шу тор дунёдан ташқари, яна бошқа бир дунё борлигини ўйлади. . . Шу дамда бирдан Никитиннинг ўша бошқа дунёда юргиси, ўзи бирорта ердаги заводга ёки катта мастерскойга кириб ишлагиси, кафе-

драда гапиргиси, китоб ёзгиси, бостиргиси, шовқин солгиси, толиққиси, изтироб чеккиси қистаб кетди. . . Ҳзини-ўзи унутиш даражасигача, шахсий бахтиёрликка бепарво қараш даражасигача кишини қамраб оладиган бирор нарса билан шуғуллангиси келиб қолди. Унинг хаёлида бирдан соқоли қирилган Шебалдин жонланиб кўринди ҳамда ваҳимага тушиб, деди:

— Сиз ҳатто Лессингни ҳам ўқимагансиз! Нақадар кейинда қолгансиз! Э худо, нақадар тубанлашгансиз!

Маня яна сув ичди. Никитин унинг бўйнига, тўла елкаси билан кўкракларига кўз ташлади ва никоҳ пайтида черковда бригада генералининг атир гул дегани эсига тушди.

— Атир гул,— деб вўлдиради у ва кулиб юборди.

Унга жавобан кровать остидан уйқусираган Мушка ириллади.

— «Ррр. . . гаф-гаф. . .»

Унинг юрагида қаттиқ ғазаб совуқ тўқмоқдай айланди ва шу замон Маняга қараб бирорта қўпол сўз айтгиси, ҳатто ирғиб туриб, ургиси келди. Юраги ўйнай бошлади.

— Шундай дегин?— деб сўради у, ўзини тўхтатиб,— агар мен сизларнинг уйларингизга бориб юрган бўлсам, албатта сенга уйланишим керакмиди?

— Албатта. Бу нарсани сен ўзинг жуда яхши тушунасан-ку.

— Жуда соз.

Бирпасдан сўнг яна:

— Жуда соз,— деб такрорлади.

Ортиқча гап айтиб қўймаслик ва юрак ўйноғисини бошиш учун Никитин ўз хонасига чиқди ва ёстиқ қўймасданоқ диванга ётиб олди, сўнгра гилам устида полда ётди.

«Қандай номаъқулчилик!— деб ўзига-ўзи тасалли берар эди у.— Сен — ўқитувчисан, олижаноб бир соҳада ишламоқдасан. . . Сенга яна иккинчи бир дунё нега керак бўлиб қолди? Бу қандай бемаънилик!

Лекин шу пайтнинг ўзидаёқ тамоман ишонч билан ўз-ўзига айтдики, у мутлақо педагог эмас, грек тили ўқитувчиси чех каби лаёқатсиз ва тутуриқсиз бир чиновник. Унда ўқитувчилик иши учун ҳеч қандай қобилият бўлмаган, у педагогика билан таниш эмас ва ҳеч қачон унга қизиқмаган, болалар билан муомала қила билмайди; берган дарсларининг аҳамияти унга номаълум эди ва эҳти-



мол у ҳатто кераксиз нарсаларни ўргатгандир. Марҳум Ипполит Ипполитичнинг нодонлиги маълум ва машҳур эди, ҳамма ўртоқлари ва ўқувчилари унинг кимлигини ва ундан нима кутиш мумкинлигини билар эди. Никитин эса, чех сингари ўз нодонлигини яшира олади, кўринишидан, худога шукур, ҳамма иш жойида дегандай, жуда усталик билан ҳаммани алдайди. Бу янги фикрлар Никитинни чўчитар эди, бу фикрларни рад этар, аҳмақона деб атар, булар асабийликдан, кейин ўзим-ўзимдан куламан деб ўйлар эди.

Чиндан ҳам эрталабга яқин, у энди, ўз асабийлигидан кулмоқда ва ўзини хотин киши деб атамоқда эди. Лекин тинчи йўқолганлиги, эҳтимол абадий йўқолганлиги ва икки қаватли, шувалмаган уйда бахтиёр бўлиши мумкин эмаслиги унга энди равшан эди, у хомхаёл йўқолганига, энди осойишталик ва шахсий бахтиёрлик билан келишмовчи янги, асабий, онгли ҳаёт бошланаётганига ақли етиб турарди.

Никитин эртаси, якшанба куни, гимназия черковига борди, у ерда директор ва ўртоқлари билан кўришди. Унинг кўзига, уларнинг барчаси ўзларининг жоҳилликларини ва ҳаётдан норозиликларини усталик билан яшириш билангина оворадай кўринди, ўзи ҳам нотинчлигини билдириб қўймаслик учун ёқимли илжаяр ва арзимас нарсалар ҳақида гапирар эди. Сўнгра у вокзалга борди, у ерда почта поезде келиб-кетганини кўрди, ўзининг ёлғизлиги ва ҳеч ким билан гаплашиш эҳтиёжи йўқлиги уни хурсанд қилар эди.

Уйга келгач, меҳмон бўлиб келган қайнатаси билан Варяни кўрди, Варянинг кўзлари йиғидан қизарган, бош оғриғидан зорланиб ўтирарди, Шелестов эса жуда кўп овқат еяр ва ҳозирги ёшларга ишониб бўлмаслигини ва уларда жентельменлик озлигини гапирарди.

— Бу сурбетлик! — дер эди у. — Мен унга тўппа-тўғри шундай деб айтаман: бу сурбетлик, жаноби олийлари!

Никитин ёқимли илжаяр ва меҳмонларни сийлаш учун Маняга кўмаклашар эди, лекин овқатдан кейин ўз кабинетига кириб, эшикни беркитиб олди.

Март қуёши ёрқин нур сочар, дераза ойналари оша столга иссиқ шуълалар тушар эди. Ҳали ойнинг йигирманчи куни бўлса-да, аллақачон чана ўрнига филдиракли аравалар юриб қолган ва боғда чуғурчиқлар чуғуллар эди. Ҳозир Маня кириб келадиганга, бир қўли билан

унинг бўйнидан қучоқлайдиганга, зинапоя ёнига эгарланган отларни ёки от қўшилган шарабан аравани келтиришларини буюрадиганга ва совуқотмаслик учун нимани кийишини ундан сўрайдиганга ўхшаб турар эди. Баҳор бошланмоқда, бу йилги баҳор худди ўтган йилги каби ажойиб ва худди шундай шодликлар ваъда этмоқда эди. . . Аммо Никитин, ҳозир отпускаи олиб, Москвага жўнаб кетсам, у ерда Нигилинний кўчасидаги меҳмонхоналарга бориб қўнсам жуда яхши бўлар эди, деб ўйламоқда эди.

Ёндаги хонада кофе ичишмоқда ва штабс-капитан Полянский тўғрисида сўзлашмоқда эдилар, Никитин эса қулоқ солмасликка уринар ва ўз кундалик дафтарига ёзар эди: «Қай ёрдаман, эй худойим?! Теварагимни қабоҳат ва разиллик ўраб олган. Димхафа, разил одамлар, қаймоқ солинган хурмачалар, сут қуйилган кўвачалар, сувараклар, аҳмоқ аёллар: . . . Разилликдан қўрқинчироқ, ҳақоратлироқ, ғамгинроқ нарса йўқдир. Бу ердан қочмоқ керак, шу куннинг ўзидаёқ қочмоқ керак, акс ҳолда мен ақилдон озажакман!»

## ПОМЕШЧИК ҚҰРҒОНИДА

Павел Ильич Рашевич полга тўшалган украинча шолчаларни авайлаб босиб, у ёқдан бу ёққа юрар, сўррайган ингичка сояси шип ва деворларга тушиб турарди; унинг меҳмони, терговчи вазифасини бажарувчи Мейер эса, туркча диванда чордана қуриб олиб, папирос чекар ва гапга қулоқ соларди. Соат ўн; кабинет ёнидаги уйда столга алланималар қўйилаётгани эшитиларди.

— Нима десангиз ҳам, дерди Рашевич, — чунончи, биродарлик, тенглик ва шунинг сингари бемаъни гаплар нуқтаи назаридан қаралса — чўчка боқувчи Митькани ҳам Гёте билан Улуғ Фридрих қатори кўриш керак бўлади; аммо илмий асосларга суяниб, фан далилларига тан бера олсангиз — оқ суяк деган нарсанинг, хурофот ёки хотинлар тўқиган анчайин гап эмаслиги сизга дарров равшан бўлади. Оқ суякнинг табиий ва тарихий важ ва далиллари бор, азизим, ва буни инкор этишлик, менимча, кийикнинг шохи йўқ дейишга ўхшаган номаъқул бир гап. Далилларга тан бериш керак! Сиз — юристсиз ва гуманитар фанлардан бошқасининг мазасини ҳали тотмаган одамсиз, тагин ўша тенглик, биродарлик сингари йўқ гапларга шайдо бўлиб юрганингизга ҳайронман: мен — ўта кетган дарвинистман ва мен, насл, аристократизм, оқ суяк, тоза қон деган сўзларни — қуруқ гап деб тушунмайман.

Рашевич қизишган, шунинг учун ҳаяжонланиб сўзларди. Кўзлари чақнар, пенсенеси бурнидан тушиб кетаверар, ҳадеб кифтларини қисиб, қошларини учуриб турарди, айниқса «дарвинист» сўзини айтганда ўзини ойнага солиб, ғурур билан қаради-да, икки қўли билан оқарган

соқолини тараб қўйди. Эгнидаги пиджаги жуда калта, эскирган шими тор эди; унга чаққон ҳаракат, мардонавор қиёфа ва бу чўлтоқ пиджак бутунлай ярашмай, сочи ўсиб кетган архиерей ёки отоқлик шоирнинг бошини новча ва озгин олифта йигитнинг танасига улаб қўйгандай кўринади. Оёқларини кериб турса, сояси каттакон қайчига ўхшарди.

Умуман у сўзлашни яхши кўрарди ва ўз назарида янги ва тутилмаган нарсаларни гапираётиман деб ўйларди. Мейернинг олдида руҳи кўтарилиб кетиб миясига ажойиб фикрлар кела бошлаганини сезди. Терговчини у хуш кўрарди, ундаги ёшлик ва соғломликдан, чиройли қилиқлари ва сиқолигидан илҳомланарди, хусусан уни ва оиласини чин кўнгилдан ҳурмат этгани унга жуда ёқар эди. Танишлари Рашевични севмасди, ҳамиша ундан тортинишарди; унинг тўғрисида: хотинини сассиқ сўзлиги билан ўлдирган деган гап юргани, одамлар сиртдан уни «ичи қора, бақа» деб атагани ўзига маълум эди. Мейер янги келган одам бўлиб, ҳар хил гапларга ишонавермагани учун уникага тез-тез келиб турарди, ҳатто аллақерда ҳам у: Рашевич ва унинг қизларини ўз қариндошларимдай билиб, улар ёнида яйрайман, уездда бошқа ҳеч қимни бунчалик кўнглим тортмайди, деган экан. Рашевичга яна бир ёққан томони шуки, Мейер ўзи ёш, катта қизи Женяга яхшигина жуфт бўла олиши мумкин эди.

Мана ҳозир Рашевич фикрларининг таъсири ва овозининг жаранглашидан бира тўла талтайиб кетди-да, бу ўстирган сочлари чиройли, лўппигина, одамшаванда Мейерга завқланиб қарай бошлади. Рашевич қизи Женяни яхшироқ одамга узатишни ва қўрғоннинг бутун ташвишларини куёвга юклаб қўя қолишни ўйларди. Ўзи ҳам чакана ташвиш эмас! Банкка процент тўлашнинг икки муддати ўтиб кетган, икки минг сўмдан ортиқ ҳар хил боқиманда-ю пенейлар йиғилиб қолган эди.

— Мен шуни мутлоқ шубҳасиз биламан,— деб Рашевич борган сари илҳомланиб гапирарди,— модомики, ўша шер юрак Ричард ёки Фридрих Барбаросса мард ва олижаноб зотлар экан, демак, улардаги бу фазилатлар наслига ўтади, яъни миядаги эгри-бугри чизиқлар ва гудда-гудда шишлар туфайли ўғли ҳам отасидай бўлади. Агар ўғлидаги ана шу мардлик ва олижанобликни тарбия ва машқ воситаси ила такомиллаштирилса ҳамда ўзига мувофиқ мард ва олижаноб маликани олиб берилса — на-

бирасига ҳам ўтади ва бориб-бориб бу нарса мазкур авлоднинг наслий хусусиятига айланади-да, томир ва қонларига сингиб кетди. То шу дамгача жинсий саралашга қаттиқ риоя этилгани, яъни, кибор оилалар паст табақага қуда бўлишдан ҳазар килгани ва аслзода ёшлар бетайин қизларга уйланмагани учун, энг юксак руҳий фазилатлар ўша покизалигича наслдан-наслга ўтиб келди, қадимгисича сақланди, бориб-бориб тарбия-ю машқлар натижасида яна ҳам такомиллашди, яна ҳам юксалди. Инсониятдаги тамомий яхши фазилатлар учун биз фақат табиатдан миннатдор бўлмоғимиз лозим, унинг табиий-тарихий қонунларига, йўли тараққиёт мақсадларига мувофиқ эканига, оқ суякни қора суякдан асрлар бўйича мақсадга мувофиқ асраб келганига тан бермоғимиз лозим. Ана шундай азизим! Ахир, адабиёт, санъат, фан, ҳуқуқ, ор-номус ва бурч деган тушунчани бизга исқиртлар, малайбаччалар берган эмас! Бу нарсаларнинг ҳаммаси учун инсоният фақат оқ суяк кишидан минатдор бўлмоғи лозим; мана шу табиий-тарихий томондан қаралганда, Собакевич ёмон бўлса ҳам, ўн бешта музей солган энг яхши савдогардан минг чандон аъло ва фойдалироқ, чунки зоти оқ суяк. Нима десангиз — дейверинг! Агар мен исқиртга ёки малайбаччага қўл бермас эканман, уни яқинимга йўлатмас эканман, бунинг маъниси, оламдаги энг яхши нарсаларни ҳимоя этганим, бизни камолот сари элтувчи она-табиатнинг энг юксак йўл-йўриқларидан бирига амал қилганим бўлади. . .

Рашевич тўхтаб, икки қўли билан соқолини таради; каттакон қайчига ўхшаган сояси деворда тўхтаб қолди.

— Узимизнинг она-Расеямизни олиб қаранг, — деди қўлларини чўнтақларига солиб; у гоҳ оёқ учини, гоҳ пошнalarини дам-бадам кўтарарди. — Унинг энг яхши кишилари ким? Энг нодир рассомларни, адабиётчи ва композиторларни олиб қаранг. . . Булар ким? Булар ҳаммаси, азизим, оқ суяклар табақасининг намоёндалари. Пушкин, Гоголь, Лермонтов, Тургенев, Гончаров, Толстой — биронтаси ҳам малайбаччалардан эмас!

— Гончаров савдогарлардан, — деди Мейер.

— Майли! Мустасно деганимиз қайтага қонданинг тўғирлигини тасдиқлайди.

— Сўнгра, Гончаровни гениал одамлар қаторига қўшиш ё қўшмаслик устида ҳали кўп галашиш мумкин. Лекин номларни қўя туриб, далилларга ўтайлик. Сиз, маса-

лан, ана шу яққол фактга нима дейсиз, азизим: илгари та-қиқланган соҳаларга — яъни, киборлар табақасига, фан ва адабиётга, суд ва земство ишларига исқиртлар аралаша бошлагани сезилган ҳаманоқ, инсоният олий ҳуқуқларини ҳимоя қилмоқ учун табиатнинг ўзи ҳаммадан олдин киришди ва бу ифлослар қўшинига қарши ўзи биринчи бўлиб уруш очди. Ўз иззатини билмай, пойгадан тўрға чиққан исқиртлар тез орада озиб-тўзиб, биратўла сўлиб, жинни бўла бошлади, ёппасига айнишга тушди; ҳозир хилма-хил асабийлар, руҳий касалликка мубтало бўлганлар, сил касаллар, нимжон ва ногиронлар фақат шу чурвақалар орасидан топилади. Кузакдаги пашшадай қирилмоқдалар. Ҳайриятки, табиат буларни ёппасига наслини айнитиб, бир бошдан қирмоқда, йўқса, маданиятимиздан асар ҳам қолмасди ва тамомий нарсани исқиртлар еб-ютиб юборган бўларди. Қани, менга айтингчи, азизим, исқиртлар ҳужуми бошлангандан бери то шу дамгача улар бизга бир нима бера олишдими? Исқиртлардан бир нима кўрдикми?— Рашевич кўрқиб кетган одамдай, юзларига сирли тус берди-да, давом этди.— Фан билан адабиёт илгари бу даража тубанликка сира тушмаган эди! Эндиги одамларда, азизим, на идея, на идеал бор, уларнинг бутун фаолияти ёлғиз бир нарсага қаратилган: қандай қилсаю, кўпроқ юлиб олса, иложини топса, кўйлагингизгача шилиб олишдан ҳам тўймайди. Ўзларини пешқадам ва ҳалолу покиза киши қилиб кўрсатган эндиги азаматларни бир сўлкавойга бемалол сотиб ола биласиз; ҳозирги замон зиёлиларида шундай бир хусусият борки, улар билан гаплашганда, чўнтагингизни маҳкам чангаллаб турмогингиз керак, йўқса, ҳамёнингизни ўғирлаб қўяди.— Рашевич кўзини қисди ва хаҳолаб кулиб юборди.— Худо урсин, ўғирлаб қўяди!— деди ва суюнганидан овози чийиллаб кетди.— Ахлоқи-чи? Хўш, ахлоқи қандай?

Рашевич эшикка бир қараб олди.

— Ҳозир хотини эрининг нарсаларини ўғирлаб, кетиб қолса — ҳеч ким таажжубланмайди, бу ҳам гап эканми ҳали! Эндиги ўн икки яшар қизлар, азизим, ўйнаш топишнинг пайида, бунисига нима дейсиз? Мана шу ҳаваскор спектакллар ва адабий кечалар ҳаммаси — кулакнинг бойлигини осонгина қўлга илинтириш ва унинг қарамоғига ўтиб олиш учун ўйлаб топилган лўттибозликдан бошқа нарса эмас. . . Оналар ўз қизларини сотишади, эрлари эса, ўз хотини неча пул туришини рўйрост айтиб, савдо қила-

веради, хатто нархига бир оз талашиши ҳам мумкин, азизим. . .

Боядан бери қимирламай, жим ўтирган Мейер, бирдан ўрнидан турди-да, соатга қаради:

— Кечирасиз, Павел Ильич мен уйга кетишим керак.

Лекин Павел Ильич, ҳали гапини тамомламагани учун, уни кучоқлаб олди-да, зўрлаб диванга ўтқазаётиб, кечки таомсиз жўнатмаслигини айтиб қасам ичди. Мейер ўтириб, яна гапга қулоқ солди, бироқ, Рашевични эндигина тушуна бошлаган одамдай, саросима ва ҳайрон бўлиб, унга тез-тез қараб қўярди. Юзлари қизариб кетди. Ниҳоят, оқсоч кириб, қизлари таомга таклиф этганларини айтганда, Мейер эркин нафас олди-да, биринчи бўлиб уйдан чиқди.

Енбошдаги уйда Рашевичнинг қизлари Женя билан Ириада стол қошида ўтирган эдилар; бири йигирма тўрт, бири йигирма икки ёшларда, иккиси ҳам қора кўз, бўйлари баб-баравар, ранглари оппоққина Женянинг сочлари тушиб турар, Ириаданики эса ўрилиб тугиб қўйилган эди. Таомдан олдин иккала қиз ҳам бир рюмкадан аччиқ ичкиликни ютиб олишди ва худди умрида биринчи марта билмасдан ичган одам сингари уялиб кетишди ва кулиб юборишди.

— Шўхлик қилмай ўтиринг, қизлар,— деди Рашевич.

Женя билан Ириада отаси ва меҳмон билан русча, ўзаро французча гаплашарди. Иккиси бараварига гапирмоқчи бўлиб, бир-бирига «сен шошма, мен айтмай» деб, халақит беришар, русчани французчага қориштириб, илгари худди шу маҳалда, августда институтга жўнаганларини ва ўшанда қанчалик хурсанд эканларини шошиб-пишиб сўзлашади. Энди борадиған жойлари йўқ, ёзин-қиншин ҳеч ёққа чиқмай, қўрғонда яшашга тўғри келади. Қандай зерикишади!

— Шўхлик қилманг, қизлар!— деб такрорлади Рашевич.

Ўзи гапиргиси келиб, зўрға турарди. У бор жойда агар биров гапирса — гаши келиб турарди.

— Ана шундай гаплар, азизим. . .— деб яна бошлади у, терговчига ёқимтойгина қараб.— Биз жуда кўнгилчан ва соддамиз, одамлар бизни қолоққа чиқариб қўймасин ва гап-сўз қилишмасин деб қўрқамиз, шунинг учун кўринган ҳар бир ифлос билан апоқ-чапоқ бўлаверамиз, кулаклар ва қовоқхоначиларга биродарлик ва тенглик тўғ-

рисиди ваъз-насиҳат қиламиз; агар биз чуқурроқ ўйлаб кўрганимизда, биздаги кўнгилчанлик нақадар ёмон жиноят эканини тушунарлик. Биз қилган номаъқулликлар натижасида мана энди маданият қилнинг учиди турибди. Эй, азизим! Ота-боболаримиз асрлар бўйи яратган нарсалар бугун-эрта мана шу янги чиққан ёввойилар томонидан хорланади ва ному нишони ҳам қолмайди. . .

Таомдан сўнг ҳаммаси меҳмонхонага чиқди. Женя билан Ириада рояль устидаги шамни ёқиб, ноталарни тайёрлаб қўйишди. . . Лекин отаси ҳали ҳам гапирар ва қачон тўхтатиши маълум эмасди. Энди юраклари сиқилди, афсусланиб, бу худбин отага тикила бошладилар, бироқ, ўзига бино қўйган бу чол ўз қизларининг бахтидан кўра, маҳмаданалик қилишни, донолигини пеш қилиб, мақтанишни афзал ва муҳимроқ биларди. Буларнинг уйига йиғитлардан ёлғиз Мейер келади ва албатта шу дилкаш опа-сингилни деб келади—буни қизлар аниқ билишади—бироқ шуни ҳам овозинг ўчгур чол эгаллаб олиб, ёнидан бир қадам нари силжитмайди.

— Биз ҳам энди, худди гарб рицарлари мўғуллар ҳужумини қайтарганидек, вақтни ўтказмасдан, дарҳол қўзғалмоғимиз ва бир ёқадан бош чиқариб душманга зарба бермоғимиз лозим.— Рашевич ўнг қўлини баланд кўтариб, ваъз айтаётган мударрисдай гапирди.— Исқиртлар мени кўрганда Павел Ильич эмас, Шер Юрак Ричард келди деб билсин! Қачонгача уларга кўнгилчанлик қиламиз, бас энди! Ҳаммамиз гапни бир жойга қўйиб, исқиртлар яқинимизга келди дегунча нафратимиз қўзғаб, ифлос башарасига қарата: «Йўқол бу ердан, кўнғиз, сени тенгинг тўнғиз» дейдиган бўлайлик!» Рашевич биратўла завқланиб, букилган бармоғини ҳадеб олға ниқтарди.— Ифлос башарасига! Харом тумшуғига!

— Мен ундай қила олмайман,— деди зўрғатдан Мейер ва юзини ўгирди.

— Нега энди?— деб сўради Рашевич, у ғалати суҳбат, узоқ мубоҳаса ва талашувлар бўлишини кўзлаб жони кирган эди,— нима учун?

— Чунки, мен, ўзим пастки табақаданман.

Мейер бу гапдан ўзи қизариб кетди, ҳаттоки бўйин томирлари шишиб, кўзида ёш пайдо бўлди.

— Менинг отам оддий бир ишчи эди,— деди у қалтироқ овоз билан,— лекин бунинг ҳеч қандай ёмон томсони борлигини кўрмадим.



Рашевич қаттиқ хижолат тортди ва қўлга тушган жиноятчидай гангиб қолди, саросималикда Мейерга тикилар ва нима дейишини билмасди. Женя билан Ираида қизариб-бўзариб, бошларини кўтара олмай, нотага энгашганча қолишди; беандиша отанинг дастидан ер ёрилмадики, кириб кетишса... Хижолатдан бир минутлик сукунат бир йилдай узоқ кўриниб турганда, тўсатдан ва бемаврид жаранглаган аламзада овоз, қизларнинг юрак-бағрини эзиб ташлади.

— Рост, мен мешчанман ва бунга фахрланаман.

Мейер отлар қўшилишини кутмасданоқ хайрлашди, мебелга туртиниб, қоқилиб кетди ва илдам-илдам юриб даҳлизга чиқди.

— Қоронғи вақтда кетаётибсиз,— деб ғўлдиради Рашевич.— Ой бугун кеч кўтарилади.

Иккиси қоп-қоронғи зинапояда отни кутиб туришди. Ҳаво бир оз совуқ эди.

— Юлдуз учди...— деди Мейер пальтосига ўралиб.

— Августда жуда кўп учади.

Отлар келтирилгач, Рашевич осмонга тикилиб қаради-да:

— Ўзи ҳам Фламарион<sup>1</sup> қалами билан тасвирландиган манзара бўлибди...— деб чуқур тин олди.

Меҳмонини жўнатгач, боғни айланди; қоронғида қўларини пахса қилиб, ўзича бир нимани маъқуллар ва шу тобдагина ярамас бир иш, аҳмоқона бир кўнгилсизлик рўй берганига ишонгиси келмасди. Ўз қилмишидан уялар ва афсусларди. Биринчидан, аввало бировнинг кимлигини билмай туриб, унинг олдида ана шу касофат оқ суяк масаласидан гап очишининг ўзи қалтис нарса ва каттакон беандешалик эди; илгари ҳам худди шунга ўхшаш хижолатпазликка бир тушган эди: бир куни вагонда немисларни роса сўккан, кейин қараса ёндагиларининг ҳаммаси немис экан... Иккинчидан, энди Мейернинг уникага қадам босмаслигига ақли етди. Халқдан чиққан ана шу зиёлилар гап кўтармайдиган, ориятли, қайсар ва жуда гинахон одамлар...

— Яхши бўлмади, яхши эмас, ...— деб ғўлдиради Рашевич ва тупура бошлади; худди совун ютиб юборгандай кўнгли айнир ва ўнғайсизларди.— Ҳе, яхши бўлмади-да!

<sup>1</sup> Фламарион — француз рассоми. (Тарж.)

Боғ томондаги деразадан меҳмонхона кўринади: Женя сочлари тўзган, ранги ўчган ҳолда рояль ёнида турар ва ҳовлиқиб алланимани гапирарди. . . Ириада бўлса хаёл ичида у ёқдан бу ёққа бориб-келиб турибди; ана энди нафратланиб тез-тез гапира бошлади. Опа-сингил баравар гапирмоқда. Биронта сўз эшитилмаса ҳам, Рашевич нима гапирётганларини тушунди. Женя шу топда, отаси гапиравериб, ҳамма тузук одамларни уйга келмайдиган қилганини, бугун энг сўнгги танишларидан, куёв бўла оладиган бир кишидан айирганини ва энди у бечора йигитнинг бутун уездда бориб кўнгил очадиган жойи қолмаганини айтиб нолиётгандир. Ириаданинг жон-жаҳди билан қўлларини бошига кўтариб гапирганига қараганда, шу мароқсиз турмушдан ҳасрат қилаётган, нобуд бўлган ёш умрига ачинаётган бўлса керак. . .

Рашевич ўз ётоқ бўлмасига кирди-да, кроватга бориб ўтирди ва ивирсиб ечина бошлади. У руҳан изтироб чекмоқда, совунга ўхшаш бояги нарса ҳали ҳам кўнглини беҳузур қилмоқда эди. Қаттиқ хижолат тортарди. Ечиниб бўлди-да, томирлари чиққан чандирга ўхшаш узун ва бедармон оёқларига тикилиб қолди: уездда ҳамма уни «бақа» деб атагани, ҳар бир узоқ суҳбатдан кейин доим хижолатда қолгани эсига тушди. У ҳамиша юмшоқлик ва ширин сўзлик билан гап бошлар, ўзини кекса студент, идеалист, Дон Кихот, деб атар ва яхши ниятда суҳбатга аралашарди, бироқ, нима фалокат босардию, секин-секин ҳақорат, туҳмат ва ёмон сўзларга ўтиб кетганини ўзи сезмай қоларди; ҳаммадан қизиғи шуки, ўзи йиғирма йилдан бери биронта китоб ўқимаганига қарамай, губерна марказидан нарисини кўрмаганига ва оламда нима бўлаётганидан мутлақо беҳабар эканига қарамай, тағин, фанни, санъатни, одоб ва ахлоқни танқид қилишни яхши кўрарди. Мабодо ўтириб бирон нарса ёзишга киришса, масалан, табрик хати юбормоқчи бўлса, натижада барибир, шу анчайин хат ҳам ҳақоратдан иборат бўлиб чиқарди. Аслда ўзи кўнгли бўш ва салга йиғлаб юборадиган одам, бироқ, нега ундай бўлишини сира тушуна олмасди. Ёки, ичига бирон жин-ажина кириб олиб, унинг ихтиёридан ташқари ўзича адоват ва нафратни қўзғаётганмикан?

— Яхши эмас. . . — деб уҳ тортди у кўрпага кириб олгач. — Яхши эмас!

Қизлари ҳам ухлагани йўқ. Хаҳолаган ва қийқирган товуш эшитилиб, худди бировни қувгандай бўлишди: Же-

нянинг жазаваси тутган эди. Бир оздан сўнг Ирида ҳам ҳўнграб йўғлади. Оқсоч бир неча марта коридордан оёқ-яланг чопиб ўтди. . .

— Шунақанги азоб, худойим-эй. . .— деб гўлдиради Рашевич ва чуқур тин олиб, бу ёнбошига ўтирилиб олди.— Яхши эмас!

Уйқусида босиринқирай бошлади. Тушида яп-яланғоч, туяқуш сингари уйнинг ўртасида қаққайиб турган эмиш ва бармоғини ҳадеб олға ниқтаб:

— Ҳаром тумшуғига! Ифлос башарасига! Ҳаром тумшуғига!— дермиш.

У чўчиб уйғонди ва ўша заҳотиёқ, кеча Мейер билан ораларида ёмон воқиа рўй берганини ва у энди сира бу ерга келмаслигини эслади. Бундан ташқари, банкка процент тўлаш, қизларни эрга узатиш, ейиш-ичиш кераклиги эсига тушди; ўзи касалманд, қариган чол бўлса, ҳамма ёқ ташвиш, яқинда қиш келади, ўтин йўқ, у йўқ, бу йўқ. . .

Эрталаб соат тўққиздан ошган эди. Рашевич шошмасдан кийинди, катта икки бурда нонга ёғ суриб еб олди ва чойга қонди. Қизлари уни кўргиси келмай, чойга чиқишмади; унинг кўнглига бу нарса қаттиқ тегди. Уйига кириб, диванда чўзилиб ётди, сўнгра туриб, стол қошига бордида, қизларига хат ёза бошлади. Қўли қалтирар ва кўзи қичирди. Эндиликда ўзининг қариганлигидан, ҳеч кимга керак бўлмай қолганидан ва уни ҳеч ким севмаслигидан ҳасрат қилиб ёзди, қизларидан ўтиниб, уни эсдан чиқаришларини ва ўлганида оддий қарағай тобутга солиб, ҳеч қандай маросим ва тантанасиз кўмишларини ёки жасадини Харьковдаги анатомия лабораториясига юборишларини сўради. Хатининг ҳар бир сатридан қаҳр-ғазаб ёғилиб, икки юзламалиги сезилиб турса ҳам, энди ўзини тўхтата олмас ва ҳадеб ёзарди холос. . .

— Бақа!— деган овоз бирдан ёнбошдаги уйдан чиқди; бу — аламига чидай олмаган катта қизининг отага нафрати эди.— Бақа!

— Бақа!— деб такрорланди худди акс садодай бўлиб кичкинасининг товуши.— Бақа!

## ХОТИН

— Мен сизга столимнинг устидаги нарсаларни йиғиштирманг деб айтган эдим-ку,— деди Николай Евграфич.— Сиз йиғиштиргандан кейин ҳеч қачон ҳеч нарсани топиб бўлмайди. Телеграмма қани? Қаёққа ташладингиз уни? Ахтариб кўринг. У Қозондан келган, кечагина ёзилган эди.

Рангсиз, новдадай ингичка хизматчи хотин, бепарволик билан, столнинг остидаги саватдан бир неча телеграммани топди-да, ғинг демасдан уларни докторга узатди; бироқ булар ҳаммаси шаҳардаги ўзига боқизган касаллардан келган телеграммалар эди. Сўнгра меҳмонхонани ва Ольга Дмитриевнанинг хонасини ахтаришди.

Кечаси соат ўн иккидан ошган эди. Николай Евграфич, хотинининг ҳали-бери келмаслигини, лоақал соат бешларда қайтишини билар эди. У хотинига ишонмас, хотини узоқ вақтгача уйга келмаса, ухлолмас, сиқилар эди ва шу билан бирга хотинидан ҳам, унинг ўрнидан ҳам, ойнасидан ҳам, бонбоньеркасидан ҳам ва ҳар куни ҳар кимлардан келиб турадиган ва бутун уйга гул дўконидагидек ўткир ҳидлар сочиб турувчи марварид гулларида ва сунбулларида ҳам жирканар эди. Мана шундай кечаларда инжиқ, серхархаша, ўчакувчи бўлиб олар эди; шу пайтда, унга, кеча акасидан келган, мазмуни байрамини табриклардангина иборат бўлган телеграмма жуда ҳам керакдек туюлди.

Хотинининг хонасидаги столдан, почта қоғоз қутичасининг тагидан у аллақандай бир телеграмма топиб олди-да, унга бир қараб қўйди. У Ольга Дмитриевнага бериб қўйиш учун қайнанасининг номига ёзилган, Монте-Карлодан, Michel деган имзо билан келган эди. . . Доктор телеграм-

манинг бирор сўзига ҳам тушунмади, чунки у қандайдир бир чет тилда, инглиз тилида ёзилганга ўхшар эди.

— Бу Мишель ким экан? Нучук Монте-Карлодан? Нега қайнанамининг номига ёзади?

У рўзгор тебратган етти йил мобайнида шубҳаланишга, ўйлаб топишга, далилларни текширишга ўрганиб қолган, ана шундай хонаки тажрибалар орқасида ажойиб изқувар бўлиб етишажаги унинг ақлига кўп марта келган эди. Хонасига қайтиб кириб, мулоҳаза этиб кўргач, унинг дарров эсига шулар келди: бир ярим йилча илгари — хотини билан бирга Петербургга борган эди ва Кюбада ўзининг бир мактабдош ўртоғи, темир йўл инженери билан бирга нонушта қилган эди ва бу инженер унга ва хотинига йигирма икки-йигирма уч ёшлардаги бир йигитни таништирган эди, уни Михаил Иванович деб айтган эдилар; фамилияси қисқа, сал ғалатироқ: Рис эди. Шундан икки ой ўтгач доктор хотинининг альбомида ўша йигитчанинг расмини кўрган эди ва у расмга француз тилида: «Ҳозиргининг хотираси учун ва келгусининг умидида» деб ёзилган эди; кейин уни икки марта ўз қайнанасининг уйида кўрган эди. . . Бу ҳодиса, айни, унинг хотини тез-тез чиқиб кетиб, уйга эрта соат тўрт-бешларда қайтадиган бўлиб қолган бир даврга тўғри келган эди. Бу даврда хотини ундан менга чет эл паспортини олиб беринг деб сўрай берар, у эса рад этар, уларнинг уйида кун бўйи уриш-жанжал бўлар, ҳатто уй хизматчиси — аёл олдида уялиб ҳам қолар эди.

Ярим йил муқаддам унинг ўртоқлари сизда сил касаллиги бошланибди, бунақа қилиб юрмай, Қримга жўнанг, деб маслаҳат беришган эди. Буни билиб Ольга Дмитриевна гўё жуда қўрққандай бўлиб кўринган эди; у эрига эркаланиб, ҳадеб Қрим совуқ, унда одам зерикади, яхши-си Ниццуга бора қолинг, у ҳолда мен ҳам бирга бораман, сизни парваришлайман, жонингиз ҳузур топади, фароғатда яшайсиз деган эди.

Энди у хотинининг нима учун Ниццуга бормоқчи бўлганига тушунди: Michel Монте-Карлода тургани учун экан.

У инглизча-русча луғатни олди, унга қараб сўзларни таржима қилиб ва маъноларини фаҳмлаб, секин-аста шундай жумлани тузди: «Қимматли севгилимнинг соғлиги учун ичаман, унинг оёқчасини минг марта ўпаман. Қелишини сабрсизлик билан кутаман». Агар у хотинининг

гапига кириб, Ницсуга боришга кўнса, у ҳолда қандай ночор, кулгила аҳволга тушиб қолишини англади-а, аламидан йиғлаб юборишига сал қолди ва ортиқ ҳаяжонланганидан у хонадан бу хонага юра бошлади. Унинг ори келди ва иззат-нафси койиди. У муштини сиқиб, жирканишдан афтини буриштириб, мен қишлоқ попининг ўғли, диний мактабда таълим олган, ростгўй, дағал, касби хирург бўлсам-у, қандай қилиб ўзимни қулликка соламан, шундай арзимас, пастарин, сотқин махлуққа ем бўламанми? деб ўз-ўзига савол берар эди.

— Ҳим, кичкинагина оёқча!— деб гўлдиради у, телеграммани гижимлаб.— Кичкина оёқча!

Уни яхши кўриб қолган ва хотин бўлишга таклиф этган, сўнгра етти йил бирга турган вақтдан бери унинг хотирасида фақат узун муаттар сочлар, бир қучоқ юмшоқ уқа ва ҳақиқатан ҳам жуда кичкина, чиройли оёқча ҳақидаги хотиралар сақланиб қолган эди; энди ҳам, илгариги қучоқлардан унинг қўлларида ва юзида ипак ва уқалардан таъсир сақланиб қолган, бошқа ҳеч нарса қолмаган эди. Агар ҳушдан кетишларни, қий-чув, таъна, дўқ ва гапиришларни, безбетлик билан хиёнаткорона алдашларни ҳисобга олмаганда, унинг хотирасида бошқа ҳеч нарса қолмаган эди. . . Қишлоқда, отасиникида, паррандалар тўсатдан уй ичига учиб кириб, ўзини ойнага парт-пурт уриши ва нарсаларни тушириб юбориши эсида қолган эди; шунга ўхшаш, ўзига тамоман хил келмаган бу хотин ҳам бунинг рўзгорига учиб кириб, уни чиндан ҳам вайрон этган эди. Ҳаётининг яхши йиллари дўзахда ўтгандай бўлди, бахтга эришув йўлидаги умидлари узилган ва масхараланган, соғлиги йўқ, унинг уйидаги жиҳозлар пасткаш сатангларникига ўхшайди, у ҳар йили топадиган ўн минг сўмча пулдан онаси— поп хотинига юбориш учун лоақал ўн сўм ҳам ажратиб қололмайди, бунинг устига вексель билан олган қарзлари ўн беш мингга етиб қолган. Агар бунинг уйида ўғрилар шайкаси турганда ҳам, унинг ҳаёти бу хотин билан турганидагидек умидсиз, ўнғалмас даражада вайрон бўлмасдек туюлар эди.

У йўталди ва нафаси қисилди. У ўринга ётиб исиниши керак эди, аммо ётолмади, бирдай хонадан-хонага юрар ёки столга ўтирар ва асабийлик билан қаламни қоғоз устида тебратиб, беихтиёр:

«Перони синаб кўриш. . . Кичкинагина оёқча. . .» деб ёзар эди.

Соат бешларга яқинлашгач, унинг мадори қуриди ва ўтган ишларнинг ҳаммаси учун бир ўзини айблади; у ўз ичида — агар Ольга Дмитриевна бошқа кишига тегса, балки у эр унга яхши таъсир этар эди,— буни ким биларди?— у ҳолда Ольга Дмитриевна яхши, тўғри хотин бўлиб кетар деб ўйлар эди; ўзини эса, мен яхши психолог эмасман, хотинларнинг руҳини билмайман, бунинг устига чиройли ҳам эмасман, қўполман... дерди.

«Менинг умрим оз қолди,— деб ўйларди у.— Мен ўликман, тирикларга халақит бермаслигим керак. Эндиликда эрингман деб хўжайинлик қила бериш қизиқ ва бемаънилик бўлур эди, майли у севганига борсин... Талоқ хатини бераман, ҳамма айбни ўз устимга оламан...»

Оқибат, Ольга Дмитриевна келди ва оқ пўстин, бошида шапка, оёғида калиш бўлгани ҳолда кабинетга кириб, креслога ўзини ташлади.

— Ифлос, бақалоқ бола,— деди у оғир нафас олиб ва хўрсиниб. Ер тепиниб:— Бу виждонсизлик, ярамаслик. Шўрим қурсин, вой нима қиламан энди!

— Нима бўлди?— деб сўради Николай Евграфич, унинг олдига келиб.

— Ҳозир мени студент Азарбеков олиб келиб қўйди, у менинг сумкамни йўқотиб қўйди, ичида ўн беш сўм пули бор эди, онамдан олган эдим.

У худди қиз болаларга ўхшаб, астойдил йиғлади ва кўзидан оққан ёшларига рўмолчасигина эмас, қўлқопларини ҳам ивитиб юборди.

— Нима қилолардинг энди!— деб чуқур нафас олди доктор.— Йўқолибди, йўқолибди, бош-кўзингдан садақа. Қўй энди, менинг сенга айтадиган гапларим бор.

— Мен миллионер эмасман-ку, ҳа, майли деб қўя қолсам. У тўлайман деб айтди. Аммо мен ишонмайман, у камбағал...

Эри уни юпатиб, гапига қулоқ солишни сўради, у эса ҳадеб студент тўғрисида ва йўқотган ўн беш сўми тўғрисида гапирар эди.

— Ҳаҳ, мен сенга эртага йигирма беш сўм берай, фақат жим бўлгин, худо хайр бергур! — деди у газабланиб...

— Кийимимни алмаштиришим керак,— деб йиғлаб юборди.— Мен пўстинда туриб, тузукроқ гаплаша олармидим! Қизиқ гапирасиз!

У хотинининг пўстинини ва калишини етиб олди. Шунда у яхши кўрган оқ винонинг ҳидини сизди (у нозиклигига қарамай овқатни жуда кўп ер ва кўп ичар эди). У хонасига кириб кетди, бир оздан кейин кийимларини алмаштирган, упалар суртган, кўзлари қизарган ҳолда қайтиб чиқиб, ўтирди ва ўзининг уқа тугган юпқа капотига ботиб кетди, қат-қат пушти ранг варақлар ичида эри унинг фақат тарқоқ сочларини ва туфли кийган кичкина оёқларини ажрата олди.

У креслода чайқалар экан:

— Сен нима тўғрида гапирмоқчисан?— деб сўради.

— Мен бехосдан мана буни кўриб қолдим. . .— деди доктор ва унга телеграммани берди.

Хотини телеграммани ўқиб кўриб, елкасини қисиб қўйди.

— Нима бўлди? — деди у, яна қаттиқроқ чайқалиб.— Бу янги йилни табриклаган телеграмма, бошқа ҳеч нарса эмас. Бунда ҳеч қандай сир йўқ.

— Сен мени инглиз тилини билмайди деб ўйлайсан-да. Ҳа, мен инглиз тилини билмайман, аммо менда луғат бор. Бу Рисдан келган телеграмма, у ўз севгилисининг соғлиги учун ичади ва сени мишг марта ўпади. Майли, буларни қўя турайлик, қўя турайлик. . .— деб гапира кетди шошилганича доктор.— Мен сени таъна қилмоқчи эмасман ёки жанжаллашмоқчи ҳам эмасман. Шунча жанжаллар ва шунча таъналар етар энди. . . Сенга айтмоқчи бўлган гапим шуки, энди сенинг бошинг очиқ, қандай хоҳласанг, шундай тура оласан.

Жим қолишди. Ольга Дмитриевна секин йиғлай бошлади.

— Мен сени ҳийлаю найранг ишлатишдан ва ёлғон гапириш заруратидан қутқазиб қўяман,— деб давом этди Николай Евграфич.— Агар у йигитни севсанг, сева бер, агар чет элга унинг олдига боргинг келса, бора бер. Сен ёшсан, соғламсан, мен бўлсам яримжон бўлиб қолдим, умрим ҳам оз қолди. Қисқасини айтганда. . . У ёғини ўзинг тушунасан.

У ҳаяжонланганидан ортиқ гапиролмади. Ольга Дмитриевна йиглаб ва ўзига-ўзи ачинган овоз билан гапириб, Рисни севишини, у билан извошда шаҳар атрофига сайр этишга чиққанини, унинг номерига бирга борганларини ва эндиликда чет элга жуда ҳам боргиси келаётганини эътироф этди.



— Кўрдингми, мен ҳеч нимани яшираётганим йўқ.—  
Менинг кўнглим очиқ. Мен сендан яна ялиниб сўрайман,  
мурувват қилиб, менга паспорт олиб бергин!

— Такрор айтаман: сенинг бошинг очиқ!

Ольга Дмитриевна эрининг юзидаги маъноларни би-  
лиш учун унга яқинроқ ўтирди. У эрига ишонмас эди,  
эндиликда эса, унинг дилида нима муддао борлигини  
билишни истаб қолди. У ҳеч қачон, ҳеч кимга ишонмас  
эди, кишининг нияти қандай яхши бўлса-да, унинг тагида  
бузуқ ғаразлар бўлса керак деб гумон қилар эди. У эри-  
нинг юзига тикилиб қараганида, эри унинг кўзлари баай-  
ни мушукнинг кўзидек яшил тусда ялт этганини кўрди.

— Мен қачон паспортни оламан,— деб сўради у.

У тўсатдан «ҳеч қачон» деб юбормоқчи бўлди-ю, аммо  
ўзини босди ва:

— Хоҳлаган вақтингда,— деди.

— Мен бир ойгагина бораман.

— Сен Риснинг олдига бутунлай кетасан. Мен талоқ  
хатингни бераман, айбни ўз бўйнимга оламан, Рис ҳам  
сенга уйлана олади.

Ольга Дмитриевна ҳайрон қолган бир қиёфада:

— Мен сендан талоқ хатини бутунлай олмайман,—  
деди дадиллик билан.— Мен сендан талоқ хати сўраёт-  
ганим йўқ! Менга паспорт олиб берсанг бўлди, вассалом.

Докторнинг газаби келди ва:

— Нима учун сен талоқ хати олишни истамайсан? —  
деди. Сен ғалати хотинсан. Сен жуда ғалатисан-а! Агар  
сен уни яхши кўриб қолган бўлсанг, у ҳам сени яхши кўр-  
са, у ҳолда иккиларингиз ҳам эр-хотин бўлиб кетишдан  
бошқа нарсани ўйламай қоласизлар. Наҳотки сен яна  
эринг билан ўйнаш ўртасида лўттибозлик қилиб юрасан?

У эрининг олдидан кетар экан:

— Мен гапингизга тушундим,— деди. Унинг важоҳати  
бузилиб, худди ўч оладиган қиёфага кирган эди.— Мен  
гапингизни жуда яхши тушундим. Мен сизни зериктирдим,  
сиз мендан қутулиш учун қўйиш-чиқишни ўртага қўяп-  
сиз. Раҳмат сизга, мен сиз ўйлаган аҳмоқлардан эмасман.  
Мен сиздан чиқмайман, чиқмайман дедим — чиқмайман!  
Биринчидан, мен эл-юртнинг олдида эътиборимни кетка-  
зишни хоҳламайман,— деб шошилиб гапирди у, гўё гапи-  
риш учун биров унга халақит бераётгандай, қўрқиб,—  
иккинчидан, мен ҳозир йигирма етти ёшдаман, Рис эса,  
йигирма учда; бир йилдан кейин мен унинг кўнглига

тегаман, сўнг у мени ташлайди. Учинчидан, агар билишни истасангиз, менинг унга кўнгил беришим узоқ давом этишга ақлим етмайди. . . Гап шу! Мен сиздан чиқмайман.

— Мен сени уйдан ҳайдайман! — деб қичқирди Николай Евграфич ва ер тепинди.— Ҳайдайман сен паст, ярамас хотинни!

— Кўрамиз! — деб чиқиб кетди хотини.

Ховлида аллақачон тонг ёришган бўлса-да, доктор ҳамон столда ўтирар ва қоғоз устида қалам тебратиб:

— «Карамли шоҳим. . . кичкина оёқча. . .» деб ёзар эди.

Ёки уй ичида юрар ва меҳмонхонада, бундан етти йил илгари олдирилган фоторасм қаршисига бориб тўхтар ва уни узоқ кўздан кечирар эди. Бу бутун бир оила аъзолари: қайнатаси, қайнанаси, ўзининг йигирма яшар хотини Ольга Дмитриевна ва ёш бахтиёр куёв — ўзи эди. Қайнатаси соқол-мурти қирилган, тўлагина, хомсемиз тайний советник, муғомбир ва пулга ўч, қайнанаси — юз-кўзининг тузилиши кичкина ва сассиқ кўзанники каби қаҳрли, ўз қизини жуда ҳам севувчи ва унга ҳар жиҳатдан ёрдам берувчи семиз аёл эди; агар қизи бирор кимсани бўғиб ўлдираётган бўлса, онаси унга бирор сўз демас, ҳатто уни ўз этаги билан яширар эди. Ольга Дмитриевнанинг юз тузилиши ҳам кичкина, қаҳрли, аммо онасиникига қараганда ҳам ўткир ва дадил эди; бу сассиқкўзан эмас, каттароқ йиртқичга ўхшар эди! Николай Евграфичнинг ўзи эса, бу расмда содда, очиқ кўнгил, камтар йигитчадек кўринади; унинг юзида семинаристларга хос оқкўнгиллик сезилади ва у, соддадиллик қилиб, ўзи ораларига тасодифан кириб қолган бу йиртқичлар гуруҳи бахт-саодатга эриштиради деган ҳамда «Севмаслик — ёшлик ҳаётини сўндиришдир. . .» деб, студент бўлиб, қўшиқ айтиб юрган чоғларида хаёл қилган ҳамма умидларим юзага чиқади деб ўйлаган эди.

У ҳайрон бўлар ва мен қишлоқ попининг ўғли бўлсам, диний мактаб тарбиясини кўрган, содда, қўпол ва ўжар одам бўлсам-у, нечун шундай паст, ёлғончи, ярамас, ўзимга бутунлай ножинс бўлган бир махлуқнинг қули бўлиб қоламан, деб ўз-ўзига савол берар эди.

Соат ўн бирда у кийим-бошини кийиб, касалхонага кетишга ҳозирланиб турганида хизматчи хотин кабинетга кириб келди.

— Нима керак сизга? — деб сўради доктор.

— Бариня турдилар ва кеча сиз ваъда қилган йигирма беш сўмни сўраптилар,— деди.

## Қ А Ш Қ А

Оч она бӯри ов қилмоқчи бӯлиб ўрнидан турди. Болаларининг учаласи ҳам ғуж бӯлиб, бир-бирини иситиб, ширин уйқуда ётар эди. Она бӯри болаларини ялаб-ялаб уясидан чиқди ва йўлга тушди.

Баҳор ойи — март кирган бўлса ҳам, дарахтлар ҳамон декабрь ойидаги каби кечалари совуқдан қарсиллаб ёрилади, бӯри тилини чиқарса ўймалаб кетади. Бӯри нимжон, чўчима бӯлиб қолганидан тиқ этган товушдан қалтирар, ўзим йўғимда болаларимни биров хафа қилмасайди деб ташвишланаверарди. Одам ёки от изининг ҳиди, тўнкалар, тахлаб қўйилган ўтин ёки қорайиб кўринган йўл ҳам уни қўрқитар; унга дарахтлар панасида одамлар тургандек, ўрмон орқасида аллақерда итлар увлаётгандек туюларди.

Унинг ёши қайтиб, сезгиси шундай сусайиб кетган эдики, тулкининг изини ит изи деб билар, шу туфайли баъзан, ҳатто йўлдан адашиб кетарди, бундай аҳвол ёшлигида ҳеч қачон бўлмаган эди. Нимжонлигидан бузоқларни, катта қўйларни овламас, қулунлари билан юрган бияларнинг яқинига йўламас, фақат ўлимтик билан тирикчилик қиладиган бӯлиб қолган; янги ғўшти аҳёнда ер, баҳор кезлари қуёнга дуч келиб қолса, унинг болаларини тортиб олар ёки деҳқонларнинг қўзичоқлари турган оғилхоналарга тушарди.

Унинг уясидан тўрт чақиримча нарида, почта йўли ёқасида бир қишлоқ бор. У ерда етмиш яшар чол Игнат қоровуллик қилади, у нуқул йўталади, ўзи билан ўзи сўзлашади. У, одатда, кечаси ухлаб, кундузи бир оғизли милтигини олиб ўрмон кезади, секин-секин ҳуштак чалиб, қуён чақиради. Илгари механик эканми, ҳар гал тўхта-

моқчи бўлганида: «Тўхта, машина!» деб қўяди, йўлга тушмоқчи бўлганида ҳам яна «Бўшат тормозни!» дейди. Ҳамма вақт унинг ёнида Арапка деган зоти номаълум катта қора ит юради. Ит илдамлаб кетса, чол унга: «Бур орқага!» деб қичқиради. Баъзан чол гандираклаб қўшиқ айтиб юради, тез-тез йиқилиб тушади, (бўри, шомолдан бўлса керак, деб ўйларди), ана шунда «Издан чиқди!» деб қичқиради.

Ёз ва куз пайтларида ҳам қишлоқ атрофида қўчқор билан икки тўқли ўтлаб юргани бўрининг ёдидан чиққан эмас, яқиндагина шу ердан ўтиб кетаётганида оғилхонада нимадир маърагандек бўлди. Мана энди, қишлоққа яқинлашар экан, март ойи бўлгандан кейин оғилхонада албатта қўзичоқлар бўлса керак, деб ўйлади. У очликдан азоб чекар, салдан кейин зўр иштаҳа билан қўзичоқ гўшти ейишини ўйлаб, тишлари такиллар, кўзлари қоронғида чўғдек кўринарди.

Игнатнинг уйи, унинг саройи, оғилхонаси, қудуғи атрофига қор уюлиб ташланган. Ҳамма ёқ жимжит. Арапка саройда ухлаб ётган бўлса керак.

Бўри, қор уюмидан оғилхона устига чиқди-да, тумшуғи ва оёқлари билан похол томни титкилай бошлади. Похол чириб қолганидан бўри оғилхонага тушиб кетаёзди; илиққина буғ, гўнг ва қўй сутининг ҳиди гуп этиб бурнига урди. Баданига совуқ теккан қўзичоқ пастда астагина маъраб қўйди. Бўри туйнукка ўзини урди, қўйга ўхшаш илиқ, юмшоқ бир нарса устига олдинги оёқлари билан кўкраги аралаш тушди. Худди шу пайт оғилхонада нимадир ингиллади, ингичка товуш билан чўзиб-чўзиб вовиллади, қўйлар тумтарақай бўлиб бурчак-бурчакка ёпишиб олди. Бўри қўрқиб кетганидан, дуч келган нарсани тишлаб олиб, ташқарига отилди. . .

У жон-жаҳди билан югурарди, бўри ҳидини сезиб қолган Арапка зўр бериб вовиллар, қишлоқдаги безовта бўлган товуқлар қақағлашарди. Игнат уйдан чиқиб, қичқирарди:

— Бўшат тормозни! Бос, Арапка!

Шундай деб, ўзи машинадек ҳуштак чаларди, яна «го-го-го-го» деган товуш чиқарарди. Ўрмондаги акс садо бу шовқинни такрорларди.

Булар аста-секин босилгандан кейин бўри тинчлана бошлади; у тишлаб келаётган ўлжасининг баҳордаги қўзичоқлардан оғирроқ ҳам каттароқ эканини сезди; ўлжа-

дан келаётган ҳид ҳам бошқачароқ туюлар, унинг товуши ҳам ғалатиноқ эшитиларди. . . Бўри тўхтади-да, дам олиш ва овқатланиш учун юкени ерга қўйди-ю, жирканиб, сапчиб кетди. Бу қўзичоқ эмас, қоп-қора кучук эди. Унинг боши катта, оёқлари узун-узун, ўзи йирик зотли, оқ қашқаси Арапканикига ўхшаш бутун пешонасини эгаллаган. Қилиқларига қараганда нодон, оддий кўппак эди. У эзилган, яраланган елкасини ялади-да, ҳеч нарса кўрмагандек думини ликиллашиб, бўрига қараб акиллай бошлади. Бўри итга ўхшаб бир ириллади-ю, югурганича қочиб қолди. Кучук ҳам унинг кетидан қолмади. Бўри орқасига қараб тишларини такиллади; кучук ҳайрон бўлиб тўхтади-да, бўри ўйнашпоти деб ўйлади шекилли, қишлоқ томонга тумшугини чўзиб, сен ҳам келиб ўйнашгин деб онаси Арапкани чақираётгандек, қувонч билан қаттиқ-қаттиқ акиллайверди.

Бўри қалин дарахтзордан уясига ўтиб кетаётганида, тонг отган, ҳар қайси дарахтни кўз илғайдиган бўлиб қолган, қурлар уйғона бошлаган, кучукнинг бесўнақай сакрашлари ва акиллашидан чўчиган чиройлик хўрозлар патир-путур учарди.

Бўри бўлса: «Нега кетимдан қолмайди-я?— деб гижинарди.— Еб қўя қол деярган бўлса керак».

Бўри болалари билан пастаккина ғорда яшар эди; уч йил аввал қаттиқ бўрон туриб, бир кекса қарағайни илдизи билан қўпариб ташлаган эди; бу ғор ана ўшанда пайдо бўлган. Энди ғорнинг тагида хашак ва эски барглар бор, шу ернинг ўзида суяклар, буқа шохлари сочилиб ётибди, бўри болалари буларни ўйнар эди. Улар аллақачон уйғониб, ғор лабига тизилиб олган ва қайтиб келаётган оналарига қараб, думларини ликиллашиб, учаласи ҳам бир-бирига жуда ўхшаш эди. Кучук бўриларни кўриб бериноқда тўхтади-да, анчагина тикилиб қолди; бўриларнинг ҳам қаттиқ тикилиб турганини сезиб, бегоналарга акиллагандек, жони жаҳди билан акиллай бошлади.

Аллақачон тонг отиб, офтоб чиққан, атрофдаги қор жилваланиб ётибди, у бўлса ҳамон ўша жойда туриб акиллади эди. Бўри болалари оналарининг озгин қорнига тармашиб эмар, бўри эса оқариб, қуриб кетган от суягини ғажир эди; у очликдан азобланар, кучукнинг акиллашидан боши оғриб, бу хира меҳмонга ташланиб, уни ёриб ташлагиси келарди.

Кучук охири чарчаб хириллаб қолди; унга қарамаётганларини, ҳатто парво қилмаётганларини кўргандан кейин, қўрқа-писа, гоҳ ўтириб, гоҳ дик-дик сакраб бўри болаларига яқин келди. Энди, кундузи уни яхшигина кўриш мумкин эди. Унинг оппоқ кенг пешонасида жуда ҳам бетамиз кучукларда бўладиган дўнг бор; кичкина кўк кўзлари нурсиз, башарасидан бетамизлиги яққол намоён. Бўри болалари ёнига бориб, бесўнақай панжаларини олдинга чўзиб, тумшуғини оёқлари устига қўйиб, қилиқ қила бошлади:

— Мня, мня... нга-нга-нга!..

Бўри болалари ҳеч нима тушунмаган бўлсалар ҳам, думларини ликиллашиб туришди. Шунда кучук улардан биттасининг каттакон бошига панжаси билан тушириб қолди. Бўри боласи ҳам унинг бошига бир туширди. Кучук унга ён бериб, думини ликиллаганича кўз қирини ташлаб турди-да, бирданига югуриб келиб, ҳали ҳам сақланиб қолган, лекин юққалашиб кетган муз устида бир неча марта айланиб чиқди. Бўри болалари унинг кетидан қувлади, у оёқларини осмонга қилиб ётиб олган эди, учаласи бирдан унга ёпишиб, чийиллаб, севина-севина тишлади; лекин ҳазиллашиб, офритмай тишлади. Баланд қарағайда ўтирган қарғалар бу олишувни кўриб, ниҳоятда ташвишланди. Шовқин-сурон, хурсандлик авж олди. Офтоб энди кўккламдагидек исита бошлади; бўрон қулатган қарағай устидан у ёқ бу ёққа учиб ўтаётган хўрозлар қуёш нурида зумраддай товланиб кўринарди.

Она бўрилар одатда қўлга туширган ўлжаларини болаларига бериб, уларни овга ўргатади; мана ҳозир ҳам болаларининг кучукни қулаб, у билан олишаётганини кўрган она бўри: «майли, ўрганишаверсин» деб қўйди.

Обдон ўйнаб бўлгандан кейин, бўри болалари ғорга кириб, ухлагани ётишди. Кучукнинг қорни очиб, бир оз гиншиб турди-да, кейин офтобда узала тушиб, ухлаб қолди. Ухлаб бўлиб, яна ўйнашаверди.

Бўри ўтган кеча офилхонада қўзичоқ маъраганини, димоғига урган қўй сути ҳидини куни билан ўйлади. У очликдан тишларини такиллатар, эски суякни, қўзичоқ хаёл қилиб, ҳеч тинмай чайнарди. Бўри болалари эмиб-эмиб олишар, очиқиб кетган кучукча бўлса, гир айланиб, қор искаб юрарди.

«Шуни еб қўя қолайми...» деб ўйлади бўри.

Бўри унга яқинлашган эди, у ўйнашмоқчи деб ўйлаб, бўрини тумшуғидан ялаб, ингиллай бошлади. Бўри ит гўштини еган пайтлари ҳам бўлган эди, лекин кучукчадан бадбуй ҳид анқиб турар, бўри нимжон бўлиб қолганидан, бу ҳидга тоқат қилолмас, шунинг учун у жирканиб, нари кетди. . .

Кечаси совуқ бўлди. Кучук зерикиб қолиб, уйига жўнади.

Болалари қаттиқ уйқуга киргандан кейин, бўри яна овга чиқди. Ўтган кечасидек, бу гал ҳам тиқ этган товушдан хавфсирар, тўнкалардан ҳам, ўтиндан ҳам, узоқдан одамга ўхшаб кўринадиган якка қора арчалардан ҳам кўрқар эди. У йўлдан юрмай чекка-чеккадан борди. Тўсатдан бир нарса узоқда қорайиб кўрингандек бўлди. . . У қаттиқ тикилиб, жим қулоқ солди. Олдинда чиндан ҳам алланима юриб кетяпти, ҳатто салмоқлаб ташлаётган қадами ҳам эшитилиб турибди. Бўрсиқ бўлмасин яна? Бўри дамани ютиб қора нарсадан секин айланиб ўтиб орқасига қараса, қашқа кучук битта-битта қадам ташлаб, қишловиغا қайтиб келаётган экан.

«Яна халал бермаса яхши эди» деб ўйлади бўри ва илдамлаб кетди.

Қишлов яқин қолган эди, бир нафасда етиб келиб, яна қор уюмидан оғилхона устига чиқди. Кечаги туйнук аллақачон баҳорги похол билан бекитилиб, томга иккита ходача бостириб қўйилибди. Бўри оёқлари ва тумшуғи билан ишга тушиб, кучук келиб қолмасайди деб, тез-тез орқасига қарарди, лекин иссиқ буф билан гўнг ҳиди бурнига кирган заҳоти, орқадан севиниб акиллаган товуш эшитилди. Кучукча етиб келган эди. У, липиллаб бўри ёнига чиқиб олди-да, туйнукдан ичкарига сакради, иссиққина уйига кириб, ўз қўйларини танигандан кейин, баттароқ акиллай бошлади. Саройда ётган Арапка уйғониб кетди-да, бўри ҳидини сезиб, вовиллашга турди, товуқлар қақоғлашиб кетди. Игнат уйдан бир оғизли милтигини кўтариб чиққанида бўри ўтакаси ёрилгудай бўлиб қишловдан узоқлашиб кетган эди.

— Ҳушт! — этиб ҳуштак чалди Игнат. — Ҳушт! Босиб қол олдинга!

У тепкини босиб юборди — пистон чақилмади; яна босди, яна чақилмади, у учинчи гал тепкини босди — милтиқдан каттакон аланга отилиб чиқди-да, «гумбур» этиб кетди. Милтиқ елкага қаттиқ тепди; Игнат бир қўлига

милтиқ, бир қўлига болта олиб, шовқин чиққан тарафга хабар олишга кетди...

Бир оздан кейин у уйига қайтиб кирди.

Шу кеча Игнатникида ётиб қолган дарвиш шовқиндан уйғониб, бўғиқ овоз билан сўради:

— Нима гап?

— Ҳеч...— деди Игнат.— Бўлмаган савдо. Бизнинг Қашқамиз қўйлар билан иссиққинада ётадиган ҳунар чиқарган. Лекин эшикни тан олмайди, хумпар нуқул томдан юради. Кеча кечаси том тешиб уйнагани чиқиб кетибди, бу кеча қайтиб келиб, яна томни дабдала қилиб кирибди.

— Бетамизликни қаранг-а.

— Ҳа, миясининг танопи узилган. Бетамизларни кўрсам, жоним ҳиқилдоғимга келади! — деди уҳ тортиб Игнат, печь устига чиқа туриб.— Э, авлиё одам, ҳали жуда вақтли, тормозларни бўшатиб, бир ухлайлик-чи...

У эрта билан Қашқани чақириб олди-да, қулоғидан қаттиқ чўзиб, хипчин билан савалаб уқтирди:

— Эшикдан юр! Эшикдан юр! Эшикдан юр!



## ҚОТИЛЛИК

### I

Прогонная станциясидаги черковда тунги ибодат ўқилмоқда. Зарҳал устидан равшан қилиб чизилган каттакон икона олдида станция хизматчилари, уларнинг хотин ва болалари ҳамда шу атрофда ишлаётган саржинчи ва арракашлар турибди. Ҳамма жимжит турганича, ярқиллаган шамчиноқ нурига ва бўроннинг бемоврид гувуллаганига маҳлиё бўлиб қолибди, ҳозир Благовешчение куни яқинлашиб қолганига қарамай, тўсатдан черков ҳовлисида бўрон кўтарилгани ғалати эди. Веденяпинодан келган кекса поп ибодат ўқир, қори билан Матвей Терехов унга қўшилишарди.

Матвейнинг чеҳраси яшнаб турар ва қироат маҳалида, парвоз қилмоқчи бўлган қуш сингари, бўйини чўзарди. Матвей ингичка овоз билан ўқир, ибодат қондаларини ҳам жаранглаган хушовоз билан астойдил баланд кўтарарди. «Жабраил сувраси» ўқиладиганда, дирижёр сингари қўлини ўйнатиб турар ва ингичка овозини дьячок чолнинг йўғон товушига жўр қилиб, жуда баланд авжга чиқар, ўз қироатидан лаззатланаётгани юзидан кўриниб турарди.

Мана энди тунги ибодат тамом бўлди, одамлар секин-аста тарқалди; ҳамма ёқни яна қоронғилик босди ва яна аввалгидай бўш қолди; станцияда шу қадар жимлик бошландики, бундай аҳвол фақат чўл ёки ўрмондаги станцияларда бўлиши мумкин; бу ҳолда гувиллаган шамолдан бошқа ҳеч садо эшитилмас, ҳамма ёқ бўш қолгандай, ҳаёт кишига ёмон таъсир қилади.

Матвейнинг турган жойи станциядан узоқ бўлмай, амакиваччасининг қовоқхонасида эди. Лекин уйга кетгиси келмади. У ҳозир станциядаги буфетнинг ичида ўтирар

ва ўз саргузаштини буфетчига секин-секин сўзлаб берарди:

— Кошин қиладиган заводда ўзимизнинг хоримиз бор эди. Лекин мен сизга айтсам, ўзимиз оддий ҳунарманд бўлсак ҳам, хоримизнинг овозаси кетган ва ҳаммага манзур бўлган эди. Бизни тез-тез шаҳарга чақириб туришарди; Троицкая черковига епископ муовини Иоанн ҳазратлари қадам ранжида қилиб, ибодатга ўтадиган бўлсалар — ўнг томонда архиерей ҳофизлари, чап томонда бизнинг хоримиз ўқир эди. Лекин шаҳарликлар, завод хори жуда чўзиб юборади, деб полишарди. Буниси тўғри гап: биз Андрей қароргоҳи билан саловатни кечқурун олтидан сал ўтганда бошлаб, ўн бирдан кейин тамомлар эдик, заводга қайтиб келгунимизча соат бирга яқинлашиб қоларди. Хўп яхши вақтлар экан!— деб чуқур тин олди Матвей.— Жудаям яхши эди, Сергей Никанорич! Лекин бу ерда, ота-онамнинг уйида ҳеч қандай шодлик йўқ. Энг яқин черков беш чақирим жойда, ўзим касалманд бир одамман, у ерга бориб ҳофизлик қилай десам, йўлда қолиб кетаман. Оиламизда бўлса, ҳеч қандай ҳаловат йўқ, кун бўйи шовқин-сурон, уриш-сўкиш, ифлосликни айтмайсизми — ҳаммамиз мужиклар сингари бир идишда овқат еймиз, карам шўрвада суварак сузиб юради... Худо тан соғлик бермаяпти, бўлмаса бир кун ҳам турмасдим, Сергей Никанорич.

Матвей Терехов ҳали қари эмас, энди қирқ бешларга кирган эди, бироқ ранги-рўйидан касалга ўхшар, юзлари буришган ва сийрак соқоли бутунлай оқариб кетганидан анча қари кўринарди. Гапирганда овози суст чиқар, ўзини жуда эҳтиёт қилар ва йўтали тутса кўксини ушларди, ўшанда авзойига назар солинса, бир хил инжиқ одамлар сингари ўзидан-ўзи безовта бўлиб, таҳликага тушгани сезилиб турарди. Қаери огриётганини у сира очиқ айтмасди, лекин бир куни заводда огир яшиқни кўтараман деб лат еганини ва шунинг натижасида кошин заводидан кетишга мажбур бўлганини, сўнгра юртига қайтганини узундан-узоқ гапиришни яхши кўрарди. Бироқ лат нима эканини тушунтириб бера олмасди.

— Чинимни айтсам, мен амакиваччамни яхши кўрмайман,— деб сўзида давом этди, ўзига чой қуйиб олиб.— у мендан катта, гапирсам — ғийбат, гуноҳкор бўламан, худодан кўрқаман, лекин гапирмасликнинг иложи йўқ. Ўзи такаббур, баджаҳл, оғзи чакки одам, ўз қариндош-

уруғ ва хизматкорларига кўп озор беради, черковга сира бормайди. Утган якшанба куни мен унга ширин гапириб: «Акажон, юринг, Пахомовога бориб, тушки ибодатни ўқиб келайлик» деб илтимос қилсам, у менга: «Бормайман, у ердаги поп карта ўйнайди» деди. Бугун бу ерга ҳам келмади, чунки, Веденяпинонинг попи папирос чекармиш, ароқ ичармиш. Руҳонийларни ёмон кўради! Тушки ибодатни ҳам, кечкисини ҳам ўзи ёлғиз ўқийди, опаси дьячоклик қилади. Укаси: худога сиғинайлик!— деса, опаси, ингичка овоз билан курка товуққа ўхшаб: худоё раҳминг келсин!— деб чийиллайди!.. Осийликдан бошқа гап эмас. Мен унга ҳар куни: «Акажон, кўзингизни очинг, тавба қилинг, ака!» дейман, лекин қани кор қилса...

Буфетчи Сергей Никанорич беш стаканга чой қуйиб патнисга қўйди-да, аёллар ўтирган уйга олиб кириб кетди. У ичкарига кирар-кирмас бақирив эшитилди:

— Бу қанақа чой тутиш, чўчка тумшуқ? Тузукроқ уза-тишни ҳам билмайсан!

Бу станция бошлиғининг товуши эди. Сўнгра буфетчининг қўрққанидан ғўлдирагани ва кетидан яна ҳалиги овознинг ғазаб билан:

— Йўқол! — деб бақиргани эшитилди.

Буфетчи қаттиқ хижолат тортиб қайтиб чиқди.

— Бир замонлар графларга манзур қилган эдим,— деди у зўрға овозини чиқариб.— Ана энди, қаранг, чой беришни ҳам билмасмишман... Поп ва хонимлар олдида сўкди-я!

Буфетчи Сергей Никаноричнинг бир вақтлар пули кўп бўлиб, темир йўл тўқнашадиган губерна шаҳарининг вокзалида буфет тутар эди. Уша кезларда у фрак кияр, олтин соат тақарди. Лекин ишлари юришмади, ҳамма пули қиммат баҳо идиш-товоқ сотиб олишга кетди, хизматчилари ўғирлик қилди, бориб-бориб абгор бўлди-да, мундоғроқ бир станцияга кўчиб ўтди; бу ерда хотини уни ташлаб, ҳамма кумушларини йиғиштириб олиб кетгандан кейин, яна пастроқ учинчи станцияга кўчди, бу ерда иссиқ овқат сотиши ҳам мумкин эмасди. Ундан кейин тўртинчи станция. Шу аҳволда дам-бадам жой ўзгартиравериб бэрган сайин пастлашавериб, ниҳоят, Прогонная станциясига келиб тўхтади; энди чой билан арзон ароқ сотади холос, тамаддисига қаттиқ пиширган тухум, қотиб кетган колбаса қўяди; колбасадан қатрон ҳиди келади ва ўзи ҳазил қилиб, унга созандалар колбасаси деган ном қўйган. Ўзи

тап-тақир тепакал, кўзлари кўк ва чақчайган одам бўлиб, қалин ва майин бакенларини<sup>1</sup> кичкина кўзгига қараб дам-бадам тараб турарди. Утмиши эсига тушса, доим юраги эзилар, созандалар колбасасига, станция бошлиғининг қўрслигига, мужикларнинг савдолашганига сира ўргана олмасди, унинг фикрича, буфетда савдолашиш — аптекада савдолашган каби уят эди. Узининг бунчалик камбағал, хор, абгор бўлиб юрганидан уяларди ва ҳозирги ҳаётида уялишдан бошқа нарсани сезмас эди.

— Бу йил баҳор ҳам кечикди,— деди Матвей бир нарсага қулоқ солгандай бўлиб.— Бир ҳисобда кечиккани ҳам тузук, мен баҳорни севмайман. Кўкламда жуда лойгарчилик бўлади, Сергей Никанорич. Китобларда: баҳор, қушлар сайрайди, қуёш ботади деб ёзишади, лекин бунинг нимаси яхши экан? Минг мақтаганда ҳам, зоти қушда, бошқа ҳеч нарса эмас. Мен яхши улфатчиликни севман, одамларнинг суҳбатига қулоқ солсам, дин тўғрисида гаплашсак, бирон ёқимли куйни хор бўлиб айтсак дейман, унақа гулу булбулларни бошимга ураманми!

Матвей яна кошин заводи ва ундаги хор тўғрисида гап бошлади, лекин ҳалиги ҳақоратдан кейин Сергей Никанорич сира тинчий олмас ва аламзадаликдан ҳадеб кифтини қисар, бир нималарни айтиб, ўзича ёўлдирар эди. Матвей хайрлашди ва уйига кетди.

Совуқ эмас, томлардаги қор эрий бошлаган, бироқ лайлак қор ёғмоқда эди; қор ҳавода чарх урар ва оппоқ булутдай бўлиб, темир йўл бўйлаб бир-бирини қувларди. Йўлнинг икки томонидаги дуб ўрмони, булутлар орасида яшириниб олган ойнинг хира шуъласида зўрға кўринар ва шиддат билан гувиллар эди. Кучли бўрон дарахтларни чайқатганда бирам ваҳима бўладики! Матвей юз ва қўлларини беркитиб, темир йўл ёқасидаги тош йўлдан кетмоқда, шамол уни ҳайдаб бормоқда эди. Бирданига устини қор босган кичкина от кўринди, чанасини шип-шийдам тош кўчадан судрамоқда, бошини буркаб олган мужик ҳам оппоқ бўлиб отини қамчиламоқда. Матвей бурилиб қарагунча чанадан ҳам, мужикдан ҳам асар қолмади, худди хаёлида кўринган нарсадай ғойиб бўлди, тўсатдан уни ваҳима босиб, қадамини тезлатди, бироқ нимадан чўчиганини ўзи ҳам билмасди.

<sup>1</sup> Икки чаккадан қўйилган соқол. (Тарж.)

Ана, темир йўлни кесиб ўтадиган жой ва қоровул яшайдиган уйча кўринди. Шлагбаум очиқ, ёнида тепадай бўлиб қор уйилибди, қор парчалари жинлар базм қургандай чарх урмоқда. Қадимги катта кўча темир йўлни шу ерда кесиб ўтади, одамлар бунини ҳалигача тракт деб атайди. Шу ердан ўтгач ўнг томонда, йўлнинг ёнгинасида Тереховнинг қовоқхонаси жойлашган, илгари бу карвон сарой бўлган экан. Кечалари ҳамиша бу уйдан чироқ кўриниб туради.

Матвей уйга келганда ҳамма бўлгани ва ҳатто даҳлиларгача бухўр ҳиди босиб кетган, амакиваччаси Яков Иванич ҳали ҳам тунги ибодатини тамомламаган эди. Ибодат қилинаётган ҳужранинг тўридаги бурчакда лавх турибди, унинг устига ота-боболардан қолган зарҳал иконалар қўйилибди, ўнг ва чап томондаги деворлар эскича ва янгича қизилган иконалар билан тўлган, баъзиси расмда, баъзиси шундай осилган эди. Столга ергача осилтириб дастурхон ёзилган, устида Благовешченне сурати, сарв новдасидан ишланган крест, бухўр тутатадиган идиш турар ва мум шамлар ёқилган эди. Стол қошига минбар қўйилган. Матвей ибодат ҳужраси ёнидан ўтаётган ичкарига кўз ташлади. Худди шу вақтда Яков Иванич минбарда туриб ўқимоқда, новча бўйли, кўк кўйлак кийиб, оқ рўмол ўраган қотма кампир — опаси Аглая ҳам ибодат қилмоқда эди. Яков Иваничнинг ўн саккиз ёшлардаги қизи Дашутка ҳам шу ерда, ўзи хунуқкина, юзларига сенкил тошган, ҳар доимгидай ялангоёқ ва кечқурун мол сугоргандаги кўйлаги ҳали ҳам эғнида эди.

— Сенга минг ҳамду саноким, бизга ёруғликни кўрсатдинг! — деб чўзиб айтди Яков Иванич ва ергача энгашиб таъзим қилди.

Аглая кўлини жағига тираб олди-да, ингичка ва чийиллоқ овозини чўзиб хониш қилди. Шипнинг устидан ҳам аллақандай ноаниқ овозлар эшитилиб, гўё ваҳима солаётгандай ёки бирон бало-қазодан дарак бераётгандай бўлди. Кўп йиллар илгари ўт тушган болохонада ҳеч ким турмас, деразаларига тахта қоқиб ташлаган ва пол ходаларининг ораси бўш бутилкага тўлган эди. Ҳозир у ерда шамол гувиллаб тарақлатгани учун тепада биров ходаларга қоқилиб югураётганга ўхшарди.

Пастки қаватнинг ярмини қовоқхона эгаллаган, қолган ярмида Терехов оиласи яшарди; шунинг учун ошхонада бақирган маст йўловчиларнинг ҳамма гаплари уйда бема-

лол эшитиларди. Матвей ошхонанинг ёнбошидаги катта-кон печлик ҳужрада турарди; илгари бу жойларда сарой бўлган вақтда мана шу ҳужрада ҳар куни нон ёпилар экан. Дашутканинг алоҳида бўлмаси бўлмагани учун ҳозир у ҳам шу ҳужрада, печнинг орқасида ётарди. Кечалари доим чигиртка чириллаб, сичқонлар югуришиб чиқади.

Матвей шамни ёқди ва станциядаги жандармадан олган китобни ўқий бошлади. У китобни ўқийверди, ибодат тугади, ҳаммалари ётишди. Дашутка ҳам ётди. Қиз ўша заҳотиёқ хуррак ота бошлади, лекин тезда уйғониб эснади ва:

— Матвей амаки, шамни бекорга исроф қилмасанг бўларди. — деди.

— Шам ўзимники, — деб жавоб қилди Матвей, — мен бунни ўз пулимга сотиб олганман.

Дашутка бирпас у ёнбошдан бу ёнбошга ағнади-да, яна ухлаб қолди. Матвей узоқ ўтирди, чунки уйқуси келмасди, — охирги саҳифасини ўқиб бўлгандан кейингина, сандиқдан қаламини олди-да, китобга ёза бошлади: «Ушбу китобни мен, Матвей Терехов, ўқиб чиқдим ва жамий ўқиган китобларим ичида бунинг энг яхшиси деб биламан, шунинг учун мазкур бебаҳо китобнинг эгасига, яъни, темир йўллар жандарма бошқармасининг унтер-офицери Кузьма Николаевич Жуковга ўзимнинг миннатдорчилигимни билдираман». Бировнинг китобига шунақа хат ёзиб қўйишни Матвей одобдан деб биларди.

## II

Айни Благовешчение куни, почта поезди жўнатилгандан кейин, Матвей буфетда ўтириб лимонли чой ичар ва сўзларди.

Буфетчи билан жандарм Жуков унинг гапини тингларди.

— Мен сизга айтсам, — деди Матвей, — болалик чоғимдан динга берилган эдим. Ешим ўн иккига киргандаёқ мен черковда апостолни ўқиганман ва ота-онамни кўп суюнтирганман; раҳматли онам билан ҳар ёз зиёратга борар эдик. Бошқа болалар қўшиқ айтишар ёки қисқичбақа овлашарди, мен бўлсам, онамдан ажрамасдим. Катталар мени кўп мақташарди, ўзим ҳам шунчалик баодоб бўлганимдан хурсанд эдим. Онагинанинг розилигини олиб, заводга кирганимдан кейин, бўш вақтларимда у ердаги хорга қўшилиб ашула айтадиган бўлдим ва мунча-

лик роҳатни ҳалигача кўрган эмасман. Албатта, мён ароқ ичмасдим, тамаки чекмасдим, ўзимни покиза тутардим, лекин маълумки бу зайлда ҳаёт кечирган киши одамизод душмани иблисга ёқмайди, шунинг учун малъун пайимга тушиб, мени йўлдан оздирмоқчи, ақлимни олмоқчи ва ана шу амакиваччамга ўхшатиб расво қилмоқчи бўлди. Аввало мен, ҳар душанба пархез қилишга, бошқа кунлари-гўшт емасликка аҳд қилдим ва шу аҳволда бориб-бориб, тақводорликни ҳаддан ошириб юбордим. Улуғ рўзанинг биринчи ҳафтаси то шанба кунигача қуруқ таом емоқни авлиёлар буюрганлар, меҳнат қилаётган ҳамда дармонсиз кишилар чой ичса ҳам гуноҳ эмас деганлар, лекин мен якшанбагача оғзимга бирон нарса олмасдан, сўнгра, рўзанинг охиригача мойни яқинимга йўлатмасдим, чоршанба ва жума кунлари бўлса, мутлақо ҳеч нарса тотимасдим. Қичкина рўзаларда ҳам шу аҳвол. Заводдаги одамлар Петровкада карам шўрва ичишса, мен бир чеккада нони қоқ ковшардим. Одамларнинг кучи ҳар хил бўлади, албатта, лекин мен ўзимга қиёс қилиб айтаман: рўза кунлари меҳнатдан сира толиққан эмасман, қанчалик ғайрат қилсам, шунчалик иш енгиллашарди. Рўзанинг дастлабки кунлари овқат егинг келади, кейин ўрганиб қоласан, қийналмайсан, қарасанг, охирларига бориб овқат ҳам эсингга келмайди, бирам енгиллашасанки, оёғинг ерда эмас, худди булутлар устида юрганга ўхшайди. Бундан бошқа яна бир мунча риёзатларга ўзимни ўргатдим: кечалари туриб сажда қилар, оғир тошларни кўтарар, қорда ялангоёқ юардим. Юриб-юриб, бир куни мен поп ҳузурида тавба қилиб чиққач, бирданга хаёл суриб қолдим: охир бу поп уйланган бўлса, рўза тутмаса, тамаки чекса — қандайига менинг тавбамни тингласин-у, гуноҳларимни кечиришга унинг нима ҳақи бўлсин? Ўзи мендан баттар гуноҳкор одам-ку! Мен зиғир мойдан ҳам пархез қиламан, у балиқ гўштини ҳам еяверади. . . Бошқа поп ёнига бордим, аксига семиз бир одам бўлиб, шойи ридо кийиб, хонимлар сингарини шилдираб турибди, бундан ҳам тамаки ҳиди келади. Тавба қилгани монастирда бордим, у ерда ҳам кўнглим тинчимани: назаримда монахлар қондага хилоф равишда яшаётгандай бўлаверди. Шундан кейин мен кўнглимга ёқадиган черков тополмай қолдим: бир ерда ибодатни тез ўқиб қўйишади, иккинчи жойда ҳар сурани ўз ўрнида ўқишмайди, учинчисиди — дьячоги манқа. . . Баъзан, худоё осий бандангни, ўзинг кечиргайсан, баъзан черковда

туриб, ғазабимдан юрагим ҳовлиқиб кетади. Шу аҳволда ибодат бўлармиди? Назаримда черковдаги халойиқ бошқача чўқинаётгандай, нотўғри тинглаётгандай бўлаверди; қайси бирига қарамай — ҳаммаси ароқхўр, рўзахўр, кашанда: фосиқ, қиморбоздай кўринади, ёлғиз мен дин буйруқларига тўғри амал қиламан. . . Маккор иблис жим қўймади, борган сари баттароқ йўлдан оздирди, мен хорга ҳам қўшилмайдиган, черковга ҳам кирмайдиган бўлиб олдим; назаримда, мен авлиёлик даражасига етишдим-да, черковни ҳам бир мунча камчиликлари учун менсимай қўйдим ва баайни худо даргоҳидан қувилган иблис сингари ҳаддимдан ошиб, бира тўла ҳовлиқиб қолдим. Шундан кейин ўзим ибодатхона очиш ҳаракатига тушдим. Шаҳардан четроқда, қабристон ёнидаги бир қар хотиннинг уйини ижарага олиб, амакиваччамникига ўхшаган ибодатхона қилиб қўйдим, лекин меникида ҳар хил лавҳлар ва ростакам бухўрдон бор эди. Мен ўз ибодатхонамда Афон тоғидаги авлиёларнинг йўлини тутардим, яъни, ҳар куни эрталабки ибодат ярим кечада бошланиши шарт эди; ўн иккита энг улуғ байрамлар куни келганда, тунги ибодат ўнда, баъзан ўн бирда бошланарди. Монахлар қоидага мувофиқ, саловат айтиладиган ёки тасбеҳ ўгирадиган маҳалда ўтиришади, мен бўлсам, монахлардан ҳам зиёда худога ёқмоқ учун бошдан охиригача тикка турардим. Мен ибодатни ҳам, қироатини ҳам чўзиб хониш қилардим, кўзларим ёшланиб, қўлларимни очиб, оҳ тортардим; ибодатдан сўнг ухламасдан тўғри ишга борардим ва ишлаётим ҳам оғзим ибодатдан тинмасди. Шундан кейин шаҳарда: Матвей авлиё эмиш, бемор ва жинниларни тузатар эмиш деган гап тарқалди. Албатта, мен ҳеч кимни тузатган эмасман, бироқ маълумки, қаерда ёлғондакам мазҳаб, авлиё пайдо бўлибди, деса, ўша заҳоти хотинлар жинсига худо беради. Худди асалга ёпирилган пашшалардай ёпирилишади. Ҳар хил момалар ва қари қизлар келаверадиган одат чиқаришди, оёғимга йиқишлиди, қўлимни ўпишди, мени авлиёсан деб дод-вой солишди ва ҳоказо. Ҳаттоки бир хотин бошим устида нур кўрган эмиш. Ибодатхонам торлик қилиб қолди, бошқа каттароқ уй топдим ва шундан кейин ҳақиқий қиёмат бошланди, иблис мени биратўла қўлга олиб, ёруғ дунёни кўзимга қоронғи қилди. Биз ҳаммамиз қутурган одамлар кўйига тушдик. Мен ўқирдим, момалар ва қари қизлар хониш қиларди, шу алфозда оч-наҳор бир сутка ёки ундан ҳам ортиқ тикка



туравергандан кейин безгак тутгандай, ҳаммаси дағ-дағ титрай бошлайди, у ёқдан униси, бу ёқдан буниси фарёд қилади ва шундай ваҳима бўладики! Мени ҳам товони куйган яҳудийдай қалтироқ босади ва нега бундай бўлганимни ўзим билмайман, фақат оёқларимиз сакрайди холос. Ростданам жуда ғалати бўлар экан: истамасанг ҳам, ўзидан-ўзи оёқларинг сакрайверар, қўлларинг қимирлайверар экан; сўнгра дод-вой, қий-чувларни айтинг, ўйинга тушиб бир-биримизнинг кетимиздан то йиқилиб қолгунча югурамиз. Ана шундай ваҳшат ичида мен эс-ҳушимдан ажраб, фосиқлиқ қилиб қўйдим.

Жандарм кулиб юборди, бироқ бошқалар кулмаганини кўриб, дарров жиддий бўлиб олди-да:

— Бу молоканлар<sup>1</sup> мазҳаби. Мен ўқиганман: Кавказда ҳамма шунақа эмиш.

— Тағин ҳам чақмоқ чақиб, мени чил-парчин қилмади,— деб иконага қаради ва лабларини қимирлатиб чўқиниб олди Матвей.— Онам раҳматли у дунёда менинг ҳаққимга дуо қилган бўлса керак. Шаҳарда ҳамма мени авлиёга жўйиб, ҳаттоки, хонимлар ва туппа-тузук жаноблар ҳам тасалли олмоқ учун секин-аста менинг олдимга кела бошлаганларидан сўнг, мен бир куни хўжайинимиз Осип Варламич билан хайрлашгани ёнига бордим,— худди қабул куни эди,— хўжайин мундоғ қилиб эшикни ичидан қулфлаб олди, иккимиз юзма-юз қолдик. Мени бирам койидики, асти қўяверасиз. Лекин мен сизга айтсам, Осип Варламич ўзи маълумотсиз бўлса ҳам, узоқни кўрадиган оқил одам, ҳамма уни иззат этар ва қўрқарди, чунки у, худонинг амрига қаттиқ риоя қиларди, меҳнаткаш эди. Шаҳар бошлиғи ҳам бўлган, йигирма йилча оқсоқоллик ҳам қилган, қўлидан кўп яхшиликлар келган одам; Ново-Московская кўчасига бошдан-оёқ шағал тўқдирди, жомени бўятди, устунларини яшил тошга ўхшатиб безатди. . . Эшикни беркитиб олиб денг — «кўпдан бери қўлимга туширолмай юрувдим сен фалон-туганни. . . Сен, дейди, авлиёман деб ўйлаясанми ҳали? Йўқ, авлиё эмассан, сен худодан қайтган, даҳрий ва нобакорсан! . . .» деб гапираверди, гапираверди. . . Нималар деганини мен сизга айта олмайман-у, лекин ширингина ва дона-дона қилиб, худди китобий гапларни келтириб, биратўла эритиб юборди. Икки соат насиҳат қилди. Унинг сўзлари менга қаттиқ

<sup>1</sup> Сўт ичмайдиганлар. (Тарж.)

таъсир этиб, кўзларим очилди. Тинглайвердим, тинглайвердим ва бирданига ҳўнграб йиғлаб юбордим. «Росмана одам бўлгин, деди, егин, ичгин ва одамлар қатори росмана ибодат қилгин, ғайри расмий нарсаларнинг ҳаммаси иблисдан чиққан. Сенинг риёзатларинг ҳам иблисдан, рўзаларинг ҳам иблисдан, ибодатхонанг ҳам иблисдан, ҳаммаси ҳам такаббурлик, ношукурчилик» деди. Эртаси, муқаддас душанба куни худонинг амри билан мен касал бўлдим. Лат еган эканман, мени касалхонага элтиб қўйишди: беморликда не-не азобларни тортар, зор-зор йиғлар, ваҳима босиб титрардим. Қасалхонадан тўғри дўзахга кетар эканман деб ўйладим, ўлишимга сал қолган эди. Ярим йилча ўлим тўшагида ётдим, сўнгра касалхонадан чиққач, рўзамни очдим-да, яна туппа-тузук одам бўлдим-қолдим. Осип Варламич мени уйга жўнатаётиб: «Матвей, ғайри расмий нарсалар ҳаммаси иблисдан эканини унутма» деб қайта-қайта тайинлар эди. Мана ҳозир мен одамлар сингари ейдиган, ичадиган, одамларга ўхшаб ибодат қиладиган бўлдим... Агар ҳозир попимиздан тамаки ёки вино ҳиди келганини сезсам, унга тил тегизиб, ёмонламайман ҳам, чунки поп ҳам бир инсон-да. Лекин бирон шаҳарда ёки қишлоқда авлиё пайдо бўлибди, бир ҳафталаб овқат емасмиш, ўзича янги йўл-йўриқ чиқарибди деб эшитсам — муқаррар биламанки, бу иблиснинг иши. Мана, азиз жаноблар, менинг бошимдан шунақангги воқиалар ўтган. Ўша Осип Варламич сингари мен ҳам ҳозир амакиваччам билан опасига насиҳат қилаётиман, уялтириб кўраётиман, бироқ девор нима-ю, улар нима — сира таъсир қилмайди. Худо мени гапгаям уста қилмаган экан.

Матвейнинг ҳикояси ҳеч қандай таъсир этмади. Сергей Никонорич ҳеч нарса демади ва прилавкадаги тамадиларни йиғиштиришга тушди, жандарм бўлса, Матвейнинг амакиваччаси Яков Иваничнинг бойлиги тўғрисида гапириб кетди.

— Бўлмаганда, энг ками ўттиз минг пули бор,— деди у.

Жуков деган жандарм ўзи сап-сариқ, лўппи юз бир одам, юрганда икки юзи сўлқиллайди; гавладан худо берган, семизлиги ҳам жойида, каттаконлар йўқ маҳалда талтайиб, оёғини чалиштириб ўтирадиган одати бор; гапирса чайқалиб туради ва менсимасдан ҳуштак чалаверади, ана шунда юзлари ҳам биратўла ўзгариб, ҳозиргина овқат еб тўйган одамдай мағрурона тиржайиб кетади.

Унда пул узилмасди ва бу тўғрида ҳамиша уддабуро кишиларга ўхшаб гап маъқулларди. У даллоллик қиларди, агар биров мулкни, от ёки миниб юрган аравасини сотмоқчи бўлса, шунга мурожаат қиларди.

— Ҳа, ўттиз мингга етади, албатта,— деб унинг гапини маъқуллади Сергей Никанорич.— Боболарингнинг давлати жуда катта эди,— деди у Матвейга қараб.— Шунанангги дунёси бор эдики! Ҳаммаси сизнинг дадангиз билан амакингизга қолган. Дадангиз ёш ўлиб кетди, кейин тамомий давлатни амакингиз эгаллаб олди, ундан кейин, демак, Яков Иваничга қолди. Сиз онангиз билан зиёратгоҳларда юрган ва завод хорида ҳофизлик қилган маҳалларда бу ердагилар қараб ўтиришгани йўқ.

— Расамати билан сизга ўн беш минг тегиши керак,— деди жандарм тебраниб.— Қовоқхона ўртада, демак, пул ҳам ўртада. Шундай. Сизнинг ўрнингизда мен бўлсам, аллақачон судга берардим. Судга беришим аниқ эди, лекин унғача яккама-яккасига оғзи-бурнини қоп-қора қон қилардим...

Яков Иванични ҳеч ким севмасди! Чунки, агар бирон одам кўпчиликдан бошқачароқ ибодат қилса, бу нарса ҳаттоки динга эътибор бермайдиган кишиларга ҳам ёмон таъсир этади, ҳаммининг гаши келади. Жандарм уни ёмон кўришининг яна бир боиси шуки, Яков Иванич ҳам асп жаллоблик ва минилган арава олиб сотиш билан шуғулланарди.

— Сиз амакиваччангиз билан судлашгингиз ҳам келмайди, чунки, ўзингизда пул кўп,— деди Матвейга рашк билан тикилиб туриб буфетчи.— Кимда пул бўлса, ўшаники маза, лекин мен бечора шу аҳволда ўлиб кетадиганга ўхшайман...

Матвей, бутунлай пули йўқ эканини айтиб, ишонтирмоқчи бўлди, лекин Сергей Никанорич қулоқ солмади; ўтган умри, ҳозирги ҳар кун эшитаётган ҳақоратлари бирданига эсига тушиб кетди; тақир боши терлади, қизариб, кўзлари жовдираб қолди.

— Марг-эй, бундай турмушга!— деди у аламзадалик билан ва колбасани ерга бир урди.

### III

Одамлар бу карвон сарой, Александр I замонида аллақандай бир бева томондан солинган дейишарди; у хотин ўғли билан бу ерга кўчиб келган экан; номи Авдотья Тереза...

хова экан. Почта аравада шу ердан ўтган йўловчилар, айниқса ойдин кечалари қоронғи қўра билан бостирмани ҳамда ҳамиша берк турган сарой дарвозасини кўриб, юраклари сиқилар, ваҳима босар, бу қўра кўзларига жодугар ёки қароқчилар маконига ўхшаб кўринар экан; ҳар сафар аравакаш дарвозадан ўтиб олгач, орқасига бурилиб қарар ва отини қамчилар экан. Бу ерда одам камдан-кам тўхтарди, чунки саройбонлари кўрс ҳамда йўловчидан кўп пул оларди. Қўранинг ичи ёзда ҳам, ифлос, лой бўларди; каттакон семирган чўчқалар лойда ағанашиб ётарди, Тереховлар асп жаллоблик қилганидан, тўда-тўда отлар яйдоқ юраверади; баъзан отлар санқиб қўрадан чиқарди ва қутургандай кўчада чопишиб, ўткунчи дарвишларни қўрқитади. Уша кезларда бу йўл жуда серқатнов эди; бу ердан мол ортган қатор-қатор аравалар ўтар ва баъзан ғалати ҳодисалар ҳам бўлиб турарди, масалан, ўттиз йил муқаддам аравакашларнинг жаҳли чиқиб муштлашганда, бир савдогарни ўлдириб қўйишган; саройдан ярим чақирим нарироқда ҳали ҳам қийшайган крест турибди; уч от қўшган қўнғироқли почта аравалари, бойларнинг ғалати соябон аравалари қатнар, қий-чув мағраган пода-пода қора молларни чанг-тўполон ичида ҳайдаб ўтишарди.

Темир йўл солинганда дастлаб бу ерда фақат ярим станция бор эди, уни разъезд деб аташарди; кейинчалик, орадан ўн йилча ўтгач, ҳозирги Прогонная станцияси солинди. Қадимги почта йўлидан қатновлар бутунлай деярли тўхтаб қолди; ҳозир бу йўлдан фақат маҳаллий помешчиклар ва мужиклар қатнайди, баҳор ва куз пайтларида гала-гала ишчилар ўтади. Қарвон сарой қовоқхонага айланган; болохонаси куйган, тунукалари занглаб, сарғайиб кетган бостирмаси қаровсизликдан йиқилиб тушган, лекин ҳали ҳам каттакон, семиз, қип-қизил, бадбуруш чўчқалар лойга буланиб ётади. Ҳали ҳам, отлар баъзан қўрадан чопиб чиқишади-да, думини хода қилиб қутургандай югуришади. Қовоқхонада чой тайёр, пичан, сули, ун сотилади, ароқ ва пиво топилади, ўтириб шу ерда ичиш ҳам мумкин, олиб кетиш ҳам; лекин ичкиликни жуда эҳтиёт қилиб сотишади, чунки умр бўйи унга патент олишган эмас.

Тереховлар авлоди умуман диндор кишилар эди, шунинг учун уларга художўйлар деган ном бергандилар. Лекин бу оила аъзолари айиқлар сингари бир чеккада

яшагани, одамга аралашмагани ва ҳар бир масалани ўзларича тушунишга ўрганганлариданми, ишқилиб, хаёл-парастроқ одамлар эди ва ҳар қайси авлод бошқача ибодат қиларди. Карвон саройни қурган момалари Авдотья эски мазҳабда эди, унинг ўғли ва икки набираси эса, (Матвей билан Яковнинг оталари) православ черковида ибодат қиларди, руҳонийларни уйига чақиришар ва янги иконаларни ҳам, эски иконаларни ҳам баб-баравар ҳурмат этиб, чўқинаверарди; ўғли қариган чоғида гўшт емади ва ҳар қандай гапни гуноҳ билиб, риёзатга кирди; невараларининг хусусияти шу эдики, улар муқаддас китобларни бошқача тушунар ва унинг ҳар бир сўзида бошқача сир бор деб инонарди. Авдотьянинг эвараси Матвей ёшлик чоғидан бошлаб хаёлпарастрликка қарши курашиб келди ва сал бўлмаса бу йўлда ҳалок бўлаёзган эди: иккинчи набираси Яков Иванич православ мазҳабида эди, хотини ўлгандан кейин бирданига черковни йиғиштириб, уйда ибодат қиладиган бўлиб олди. Унга қараб, опаси ҳам йўлдан озди: Аглая ўзи ҳам черковга бормас, Дашуткани ҳам боргани қўймас эди. Ёшлик чоғларида Аглая Веденяпинодаги ўзини хипчинловчиларга аралашган ва ҳозир ҳам яширинча хипчинпарастрлик қилади, шунинг учун оқ рўмол ўрайди деган гаплар юрарди.

Яков Иванович Матвейдан ўн яшар катта эди. Бу новча бўйли, кенг кифтли, оқ соқол, жуда чиройли чол эди; соқоли белигача тушар, қошлари жуда қалин бўлгани учун юзини хунук ва ҳаттоки баджаҳл қилиб кўрсатарди. Яков тоза мовутдан тикилган белбурма узун камзул ёки романча калта қора пўстин кияр ва умуман тоза ва чиройли кийиниб юришга ҳаракат қиларди; қуруқчиликда ҳам калишини ташламасди. Черковга кирмаганининг сабаби шу эдики, у черковда ибодат қондасига риоя қилинмайди, поплар бемоврид ичимлик ичади ва тамаки чекади деб биларди. Уйда у ҳар куни ўзи ибодат ўқир ва Аглая билан хониш қиларди. Веденяпинодаги черковда эрталабки ибодат маҳалида қонунни мутлақо ўқишмас ва кечки ибодатни ҳатто катта байрам кунларида ҳам адо этишмасди, лекин Яков лозим бўлган кундалик ҳамма оятларни биронта сатрини қолдирмасдан, шошмасдан ўқиб чиқарди, бўш вақтларида авлиёлар қиссасини баланд овоз билан ўқирди. Кундалик турмушда ҳам китобга қаттиқ амал қиларди; улуғ рўза кунларидан бирида, масалан, «меҳнат машаққати эвазига шароб ичмоқ даркор» де-

Йилган бўлса, кўнгли тиламаса ҳам, албатта, вино ичарди.

Яковнинг ибодати, ўқиган оятлари, қилган хониши ва тутган рўзалари худодан бирон бахту саодат кутганидан эмас, қондаи тартиб учунгина эди. Инсон динсиз ҳаёт кечири олмайди, демак динни тўғри бажармоғи керак; йил ўн икки ой маълум бир тартибда кун сайин ибодат қилмоғи, ҳар сабоҳ ва ҳар оқшом ана шу кун, ана шу соат учун муносиб бўлган муайян сўз ва фикрлар билан худога мурожаат қилмоғи лозим. Яшамоқ керак, демак, худонинг даргоҳида қабул бўладиган тарзда ибодат қилмоқ керак, шунинг учун ҳар куни фақат худога манзур бўладиган, яъни қонунда белгиланган дуоларнигина ўқи-моқ ва хониш қилмоқ зарур; масалан, Иоани сурасининг биринчи бобини фақат Пасха куни ўқилади, Пасха билан Вознесение орасида «Таомдан баҳраманд» сурасини ўқиб бўлмайди ва ҳоказо. Яков Иванич мана шу қондаларни ҳамда унинг аҳамиятини яхши тушунар ва ибодат пайтлариди бу тушунчадан кўп ором оларди. Баъзан бирон зарурат орқасида, масалан, мол олиб келгани ёки банкка учрашгани шаҳарга жўнаб, кундалик қондаи тартиб бузиладиган бўлса, Яков Иванич виждонан азоб чекар ва ўзини бахтсиз сезарди.

Амакиваччаси Матвей заводдан бирданига қайтиб, қовоқхонага, ўз уйига кўчиб келгандай, жойлашиб олганидан бери, биринчи кунларданоқ тартибни буза бошлади. У, биргаликда ибодат қилишни истамас, кеч турар, чойни кеч ичар, овқатини бемаҳал ерди; чоршанба ва жума кунлари, беқувватман деб сут ичаверарди; деярли ҳар кун ибодат вақтида ибодатхонага кирар ва: «Акажон, бу йўлдан қайтинг, тавба қилинг, акажон!» деб бақираверарди. Бу сўзлардан Яков Иваничнинг жизғинаги чиқар, Аглая эса, аччиғига чидай олмай қарғарди. Баъзан Матвей кечалари билдирмасдан ибодатхонага кириб олардида, шивирлаб: «Акажон, бу тоат-ибодатингиз худога манзур эмас. Чунки, китобларда: «Аввало ўз биродаринг ила ярашгин, сўнгра дуо-ю тиловатларингни менга келтиргин» дейилган. Сиз ахир, пулни ижарага бериб, суд-хўрлик қиляпсиз, ароқфурушлик қиляпсиз. Тавба қилинг!» дерди.

Матвейнинг сўзларини Яков, тутуриқсиз ва ялқовлар ишлатадиган анчайин баҳона деб тушунади, бундай одамлар яқинларга муҳаббат, биродарлар орасида ҳамжиҳат-

лик тўғрисидаги ва ҳоказо гапларни атайи ўзларининг ибодат қилмаганини, рўза тутмаганини ва муқаддас китобларни ўқимаганини яширмоқ учун айтишади, деб билади ва буларнинг дунё кўпайтиш, пулни ижарага бериш масаласига мунчалик ёмон қараганини ҳам ишқ-масликдан кўради. Ахир, бой бўламан деб қийналиб юргунча, ҳеч нарсани аямасдан, дунё тўпламасдан, камбағал бўлиб қўя қолган осон-ку.

Лекин барибир унинг ҳаловати бузилган ва энди аввалгидай ибодат қила олмас эди. Ибодатхонасига кириб, китобини очар-очмас, Матвей кириб, халақит бермасайди деган ваҳима босарди; ҳақиқатан ҳам дарҳол Матвей пайдо бўлар ва қалдироқ овозда: «Бу йўлингиздан қайтинг! Тавба қилинг, акажон!» деб бақириб қўймасди. Опаси қарғар, Яков ҳам ўзини тута олмай: «Йўқолменинг уйимдан!» деб бақирарди. Матвей бўлса: «Бу ўрта-миздаги уй» дерди.

Яков яна бошқатдан ўқимоқчи ва хониш қилмоқчи бўлса ҳам, барибир кўнгли энди тинчий олмасди, китобга қараб туриб, бехосдан ўйланиб кетганини ўзи сезмай қоларди; амакиваччасининг сўзларини бекорчи ҳисоблаб, аҳамият бермасликка ҳаракат қилса ҳам, негадир, сўнги кунларда ўзи ҳам ҳар хил нарсаларни ўйлай бошлади: бойларнинг жаннатга кириши жуда маҳол деган гаплар, уч йил муқаддам ўғирлик отни арзонга сотиб олгани, хотини тирик маҳалда бир куни қовоқхонада аллақандай пиёнистанинг ароқ ичиб, ўлиб қолгани эсига тушиб кетди. . .

У энди кечалари нотинч ётадиган, уйқуси жуда сергак бўлиб қолди, тонг отгунча Матвейнинг ҳам ухлამасдан, кошин заводини қўмсаб уҳ тортганларини эшитиб чиқарди. Яков ёнбошидан-ёнбошига ағнаб, кечаси ухлай олмаган чоғларида ўғирлик от, ароқхўрнинг ўлиги, инжилдаги туя воқиаси бирма-бир кўз олдидан ўтаверарди.

Худди хаёлпарастлик дарди яна бошланаётганга ўхшарди. Аксига, ҳозир март ойининг охири бўлса ҳам, ўчакишгандай ҳар куни қор ёғар, ўрмон қиш маҳалидагидай шувуллашини қўймас ва бу яқин орада баҳор келишига ишониб бўлмасди. Ҳаво шу аҳволда бўлгандан кейин зерикилади ҳам, орада низо ҳам кўпаяди, нафрат ҳам кучаяди; кечалари шипнинг устида шамол гувилласа, худди ўша бўш ётган болохонада аллаким юргандай бўлаверар ва борган сари мияга ҳар хил хаёллар келаверарди-да, боши чўғдай ёнар ва уйқуси ўчиб кетарди.

Муқаддас душанба куни эрталаб Матвей ўз ҳужрасидан Дашутканинг Аглаяга гапираётганини эшитди:

— Кеча Матвей амаким рўза тутиш керак эмас,— деди.

Матвей Дашуткага кеча нималар гапирганини бир бошдан эслаб чиқди-да, бирданига ўзига алам қилиб кетди.

— Қизи тушкур, ёлғон гапирма, гуноҳкор бўласан!— деди у хасталар сингари ингроқ товуш билан.— Рўза тутмаслик мумкин эмас, тангримиз ўзи қирқ кун рўза тутган. Мен сенга фақат, ёмон одам учун рўзанинг нафи йўқлигини тушунтирдим холос.

— Сен заводдагиларга қулоқ соладиган бўлсанг, кўпгина «савоб» ишларни ўрганасан,— деди кинояли қилиб, пол юваётган Аглая (оддий кунлари полни ўзи ювар ва ҳаммага заҳрини сочар эди). Заводдаги рўзанинг нималиги маълум. Ундан кўра сен амакингдан жончасини сўрагин, сўра-чи, ўша жонон илони билан иккаласи рўзада қандай қилиб сут ичганларини гапириб берсин. Бошқаларни ўргатишга уста, бироқ илони эсидан чиқиб кетибди-да! Сўрагин-чи, пулларини кимга қолдирган экан, кимга?

Матвей бу сирни худди ёмон ярани беркитгандай ҳаммадан қаттиқ яширар эди; ўша ўзи ибодатхона қилиб, атрофига момаю қари қизларни тўплаб, зикир тушиб юрган кезларида бир хотин билан алоқада бўлган ва ундан бола кўрган эди. Уйга қайтаётган вақтида заводда орттирган тамомий бор-йўғини ўша хотинга бериб келган, ҳаттоки, йўл кира учун хўжайиндан пул олган эди; ҳозир ёнида бир неча сўмгина пули бўлиб, шуни чой пули ва шам олишга ишлатиб юрарди. Сўнгра «жонони» бола ўлганлигини билдириб, ўша пулни нима қилиш кераклигини сўраб хат ёзган эди. Бу хатни станциядан бир хизматкор келтирган, хат Аглаянинг қўлига тушиб, ўқиб кўрган ва ўшандан бери Матвейни «жононинг» деб кўз очгани қўймасди.

— Тўққиз юз сўм — ҳазилакам пулни?— деб вайсаб кетди Аглая.— Тўққиз юз сўмни бегона байталга, завод илонига бериб келаверибди, ер юткур, имонсиз!— У энди биратўла кўтарилиб кетди ва чийиллаб бақира бошлади.— Жавоб бер, нега индамайсан? Гўштингни бурдалаб



ташлайман, кўрнамак! Тўққиз юз сўми тийинчалик билмабди! Дашутканинг номига ўтказиб қўйгин эди — минг қилса ҳам бу ўзингники, бегона эмас, ёки Белевдаги Марьянининг етимчаларига юборгин эди. Шунча пулни ютаман деб тиқилиб ўлмабди-да, ўша илонинг! Худоё арвоқлар қўш қўллаб урсин ўша алвастингни! Еруф кунни кўролмабди ўтиб кетсин!

Яков Иванич Аглаяни чақирди; чошгоҳ ибодат маҳали бўлган эди. Аглая ювинди, оппоқ рўмолини ўраб, ибодатхонага, севган укасининг ёнига борди ва бутунлай тинчиб, мўмин бўлиб олди. Аглая Матвей билан гаплашганда ёки қовоқхонадаги мужикларга чой берганда ҳақиқатдан қотма, кўзлари ўткир, заҳар кампир эди, бироқ ибодатхонага кирганида кўнгли эриб, юзлари очилиб турарди, ўзи хийла яшаргандай бўлар, олифталик билан ўтириб турар ва лабларини чўччайтириб, йиғиб оларди.

Яков Иванич чошгоҳ дуоларини ҳар доим улуғ рўзада ўқиганидай хиргойи қилиб, мунгли овоз билан бошлади. Пича ўқигандан сўнг тўхтади ва уйдаги сукунатга бир қулоқ солиб олди-да, қаноат ҳосил қилиб, яна давом этди; қўлларини таъзимга қовуштирар, кўзларини сузар, бошини чайқар, оҳ тортарди. Бирданига овозлар эшитилди. Матвейга меҳмон бўлиб, жандарм билан Сергей Никанорич келди. Уйда бегона одамлар бўлса, Яков Иванич овозини чиқариб ўқишга ва хониш қилишга уяларди, шунинг учун у энди шивирлаб, секин-аста ўқий бошлади. Буфетчининг гапиргани ибодатхонада бемалол эшитиларди:

— Шчеповедаги татар ҳамма дов-дастгоҳини бир ярим мингга берадиган бўлибди. Ҳозирча унга беш юз сўм, қолганига вексель берилса бўлади. Шунинг учун, Матвей Васильич, бир меҳрибонлик қилиб, менга беш юз сўм бериб турсангиз. Мен сизга ойда икки процент тўлаб тураман.

— Менда пул қаёқда?— деб таажжубланди Матвей.— Менда пул нима қилади?

— Ойига икки процент сизга осмондан тушгандай келаверади,— деб тушунтирди жандарм.— Пулийгиз сандикда ётаверса, куя ейди холос, бошқа ҳеч қанақа нафи бўлмайди.

Сўнгра меҳмонлар кетишди ва уй ичи яна жим бўлди. Лекин Яков Иванич эндигина тагин товушини чиқариб ўқий бошлаган эдики, эшик орқасидан овоз эшитилди:

— Акажон, Веденяпинога бориб келишга от керак бўлиб қолди, олсам майлими?

Бу Матвей эди. Яковнинг кўнгли яна безовта бўлди.

— Қайси отда борасиз?— деб сўради у бир оз ўйла-ниб.— Тўриқни хизматкор қўшиб, чўчқа ортиб кетган, айғирни ўзим миниб Шутейкинога бормоқчиман, ҳозир ибодатни тамомласам, жўнайман.

— Акажон, нима учун сиз отларга хўжайинлик қила оласизу, нега менинг ҳақим йўқ?— деб сўради Матвейнинг жаҳли чиқиб.

— Чунки мен ўйнагани эмас, ишга бораман.

— Бу мулк бизнинг ўртамизда, демак, отлар ҳам ўртада баравар бўлиши керак, сиз буни тушунинг-да, ахир, акажон?

Иккиси ҳам жим бўлиб қолди. Яков ибодатни тўхта-тиб, Матвейнинг эшик ёнидан узоқлашишини кутарди.

— Акажон,— деди яна Матвей.— Мен касалванд одамман, менга мулк керак эмас, майли, сиз ола қолинг, лекин касаллигимда еб, тирикчилик қилиш учун озгина нарса берсангиз бўлади. Беринг — мен бу ердан кетайин.

Яков индамасди. Ичида биратўла Матвейдан қутулиб қўя қолгиси келиб турса ҳам, лекин унга пул бера олмасди, чунки, ҳамма пули молда банд эди; сўнгра, Тереховлар авлодида ота-боболаридан бери мерос бўлиш деган гап ўтган эмас; мерос бўлиш — хонавайрон бўлиш демакдир.

Яков чурқ этмай, Матвейнинг кетишини кутар ва дамбадам опасига қараб қўярди, чунки, агар у ҳам аралашадиган бўлса, эрталабгига ўхшаб яна қарғиш бошланишидан қўрқарди. Ниҳоят, Матвей кетгандан кейин у, ибодатни давом этдирди, бироқ ибодатнинг мазаси қочган эди, сажда қилишдан боши оғирлашди ва кўзлари тинди, ўз мунгли овозини эшитгиси келмай қолди. Кечалари кўнгли шу хилда бўлганда буни уйқусизликдан кўрарди, лекин куппа-кундуз куни руҳий тушкунликка йўлиққанидан қўрқар ва назарида, бошига ва икки кифтига жинлар миниб олгандай бўлаверарди.

Чошгоҳ ибодатини бир амаллаб тамомлади-ю, бироқ қаноат ҳосил қилмади, дарғазаб бўлиб Шутейкинога жўнаб кетди. Кузақда ер қазувчилар Прогонная станцияси ёнидан чегарани белгилаш учун ариқ очганларида қовоқхонадан ўн саккиз сўм қарздор бўлишган эди; ҳозир Шу-

тейкинога бориб шуларнинг пудратчисига йўлиқиш ва ўша пулни ундириш керак эди. Бир ёқда ҳаво исиб, бир ёқдан қор бўрайверганидан йўл ишдан чиққан, ҳамма ёқ қорайиб, ўнқир-чўнқир бўлиб кетган ва баъзи жойлари ўпирилиб тушган эди; икки ёнбошдаги қорлар йўлдан ҳийла паст чўкиб тушганлиги учун торгина кўтармадан кетаётгандай юриларди ва тўқиниш келинганда четга чиқиб олиш жуда маҳол эди. Осмон эрталабдан бери қовоғини очмас, шамол ҳам тинмасди. . .

Рўпарадан қатор чаналар кўринди: хотинлар ғишт ортиб келаётган эди. Яков йўл бўшатишга мажбур бўлди; оти қорнигача қорга кириб кетди, бир кишилик чанаси ўнг томонга оғиб қолди, ўзи бўлса, ағдарилиб тушмаслик учун чапга қийшайиб олди-да, то чаналар аста-секин ўтиб бўлгунча шу аҳволда қимирламай ўтирди. Яков шамол аралаш чаналарнинг ғижиллаганини, ориқ отларнинг пишиллаганини ва хотинлар унга қараб: «Художўй, йўлга чиқибди» деганларини эшитди, биттаси унинг отига тикилди-да, шошиб-пишиб:

— Бу қор Егориягача эрмайдиганга ўхшайди. Тоза қийналдик-эй!— деб қўйди.

Яков жуда ноқулай ўтирган ва бир ёққа энгашиб қолган эди, шамолдан ҳадеб кўзини қисарди; кўз ўнгидан липиллаб гоҳ от, гоҳ қизарган ғишт кетма-кет ўтиб турарди. Ноқулай ўтириб қолганиданми ёки биқини оғрий бошлаганиданми, ишқилиб, бирданига ўзига алам қилди ва зарур деб кетаётган юмушнинг ҳозир аҳамияти қолмагандай бўлиб, Шутейкинога эртага хизматкор юборилса ҳам бўларди, деган фикрга келди. Уйқусиз ўтган у кунга ўхшаб туя ҳақидаги афсона яна эсига тушди, ундан кейин ўғирлик от сотган мужик, қовоқхонада ўлиб қолган пияниста, самоварини гаровга қўйган хотинлар бирма-бир хаёлига келаверди. Албатта, ҳар бир савдогар фойда талаб, албатта, кўпроқ юлиб қолишга ҳаракат қилади, лекин Яков савдогарчиликдан чарчаганини пайқади, бу хил тирикчиликдан бирон узоқ жойга кетгиси келди ва бугун кечқурун тағин ибодат қилиш кераклигини ўйлаб, юраги сиқилди. Шамол унинг юзига урар ва ёқаси ичида ўйнаб юрарди, оппоқ кенг дала томондан шу хаёлларни бошлаб келиб, қулоғига шивирлаётгандай бўларди. . . Болалик чоғидан бери ўзи билган мана шу далага қараб туриб, Яков ёшлик даврини эслади: ўша кезлари ҳам, хаёлпарастликка берилган ва кўнгли диндан совуған

пайтларда шунақа ваҳима босишлар, шу хилда хаёл чалғишлар бўлар эди.

Даллада бир ўзи қолишга юраги дов бермади; отини бурди-да, чаналар кетидан секин-секин келаверди, хотинлар кулиб:

— Художўй қайтди,— деб масхара қилди.

Рўза кунлари бўлгани учун уйда овқат пиширилмаган ва самовар ҳам қўйилмаган эди, шунинг учун кун жуда узайиб кетгандай бўлди. Яков Иванич отини чанадан чиқаргани аллақачон эди, станцияга керакли унни жўнатиб ҳам бўлди, икки марта тиловат қилишга ҳам киришиб кўрдик, бироқ кеч киришига ҳали узоқ эди. Аглая ҳамма полларни юшиб чиққан ва қиладиган бошқа юмуш қолмаганидан сандиғидаги буюмларини йиғиштирмақда; сандиғининг қопқоғига ичкарисидан бутилка этикеткалари ёпиштирилиб ташланган. Матвейнинг қорни оч, таъби хира, гоҳ ўтириб олиб ўқир, гоҳ голландча печка ёнига бориб кошчиларини томоша қилар, бу кошчилар унга заводни эслатарди. Дашутка уйғонди-да, молларни суғоргани кетди. Қудуқдан сув тортаётганда арқон узилиб, челаги қудуқда қолди. Челакни олмоқ учун хизматкор илгак ахтаришга тушди, Дашутка эса, қор аралаш лой кечиб, оёқлари ғоз панжасига ўхшаб қизариб кетганига қарамай, унинг кетидан югуриб юрар ва ҳадеб: «Жуда гум-ку!» дейвериб хизматкорни безор қиларди. Дашутка: қудуқ жуда чуқур, илгак етмайди, демоқчи эди, лекин хизматкор гапига тушунмади ва жонига текканидан бирдан бурилиб қаради-да, уни сўкиб юборди. Дашутка ҳам болохонадор қилиб, бир гала ҳақорат сўзлар билан унга вағиллаб жавоб қайтараётган маҳалда отаси Яков Иванич ҳовлига чиқиб қолди-да, ҳаммасини эшитди: қиз бундай гапларни фақат қовоқхонадаги пияниста мужиклардан ўрганган бўлса керак.

— Бу нимаси, шарманда?— деб бақирди қизига ва товушидан ҳатто ўзи ҳам кўрқиб кетди.— Қандай сўзларни гапираётибсан-а?

Дашутка ҳайрон бўлиб, анқайиб отасига қаради ва бу сўзларни нима учун гапириш мумкин эмаслигини тушуна олмади. Яков Иванич Дашуткани койиб, насиҳат қилмоқчи эди, бироқ қизининг шу қадар жоҳил ва ёввойилашиб кетганини кўриб, индамай қўя қолди; қизи ёнига келганидан бери унда ҳеч қандай диний эътиқод йўқлигини биринчи марта англади. Қорда, ўрмон ичида кечирган бу

турмуши, маст мужикларнинг сўкиб сўзлаши орасида ўтказган бу тирикчилиги — ҳаммаси ҳам унга шу қиз сингари ёввойи ҳамда жаҳолатдан иборат бўлиб кўринди, шунинг учун қизига насиҳат ҳам қилмади, қўл силтади-ю, уйга кириб кетди.

Шу пайтда Матвейнинг олдига яна жандарм билан Сергей Никанорич келди. Яков Иванич бу одамларда ҳам ҳеч қандай дин, эътиқод йўқлигини ва улар бунга парво қилмай бемалол юрганларини эслади; шундан кейин ҳаёт ҳам унга энди дайди итнинг умридай, галати, бемаъни, зим-зиё зулмат бўлиб кўрина бошлади. Яков Иванич бош-яланг кўрани айланди, сўнгра кўчага чиқди ва муштарини маҳкам сиқиб, анчагача юрди — шу маҳалда лайлак қор ёға бошлади, соқолини шамол тўзитарди, бир нарса алвасти сингари бош ва елкасига миниб олиб эзаётгандай бўларди, ҳадеб бошини силкитарди, назарида, бу юрган ўзи эмас, аллақандай ҳайбатли ва ваҳимали бир ҳайвон эди, мабодо бақирса, овози тамомий дала-ю ўрмонга ларза солиб, ҳамманинг юраги ёрилади деб гумон қиларди. . .

## V

У уйига қайтганда, жандарм йўқ эди, Матвейнинг ҳужрасида буфетчи бир нималарни чўтга солиб ўтирарди. Буфетчи илгари ҳам деярли ҳар куни қовоқхонага келиб турарди; лекин олдин Яков Иванични деб келса, ҳозир Матвейни топиб олган. У чўт солишга астойдил киришганидан қош-кўзлари чимирилиб юзлари терлаб кетган эди; ҳозир у пул сўраётган бўлса керак ёки бакенларини силаб, бир замонлар биринчи даражали станцияда офицерлар учун крүшон тайёрлаб берганини ва катта зиёфатларда тансиқ балиқ шўрвани ўзи сузганини гапириб, мақтанаётган бўлиши мумкин. Бу дунёда буфетдан бошқа ҳеч нарса уни қизиқтирмас, у фақат таомлар, чиройли товоқ-қошиқлар ва винолар тўғрисида гапиришга уста эди. Бир куни чақалоғини эмизиб ўтирган хотинга чой бераётиб, унинг кўнглини очмоқ учун:

— Онанинг эмчаги боланинг буфети,— деб юборган.

Матвейнинг ҳужрасида чўт қоқаётиб, у пул сўрар ва Прогонная станциясида ортиқ яшай олмаслигини сўзларди; бир неча марта йиғлаб юборадиган одамдай:

— Мен энди қаёққа бораман? Қаёққа бораман энди, қани, айтингчи?— деб нолиди.

Сўнгра Матвей ошхонага кирди-да, сувга қайнатган картошкани тозалай бошлади, буни у кеча яшириб қўйган бўлса керак. Ҳамма ёқ жимжит бўлгани учун Яков Иванич буфетчини кетган деб гумон қилди. Кечки ибодат пайти аллақачон бўлган эди; опаси Аглаяни чақирди ва уйда ҳеч ким йўқ деб ўйлаб, баланд овоз билан тортинмасдан қироат бошлади. Яков Иваничнинг тили хониш қилар ва ибодат ўқирди-ю, бироқ кўнгли бошқа сўзларни айтар ва: «Худоё кечиргайсан, худоё ўзинг асрагайсан!» деб ёлборарди ҳамда ўзини жўрттага ҳоритмоқчи бўлаётгандай кетма-кет, узлуксиз сажда қилар ва ҳадеб бошини силкитарди; Аглая ҳайрон бўлиб унга қарарди. Яков Иванич Матвейнинг кириб келишидан қўрқарди ва унинг киришига муқаррар ишонган эди; Матвейга қарши юрагида ғазаб уйғонганини сезди ва бу ғазабни на дуо ўқиш ва на сажда қилиш билан йўқота олмади.

Матвей оҳиस्ताгина эшикни очди-да, ибодатхонага кирди.

— Гуноҳ, гуноҳи азим!— деди у айбситиб ва чуқур нафас олди.— Тавба қилинг! Кўзингизни очинг, акажон!

Яков Иванич муштларини маҳкам тугиб олди-да, уни солиб қолмаслик учун юзини ўгириб ибодатхонадан чиқиб кетди. Бояги йўлдагидай яна ўзини ҳайбатли ҳамда ваҳимали бир ҳайвондай ҳис қилиб, даҳлизга чиқди, ундан ўтиб мужиклар чойхўрлик қиладиган хонага, буғ ва тутун босган хунук ва ифлос уйга чиқди-да, анчагача у бурчакдан бу бурчакка гурсиллатиб юра бошлади; қадамнинг зарбидан тоқчадаги идиш-товоқлар жаранглар, столлар қимирларди. Ўз эътиқодидан норози экани ва қадимгисидай ибодат қила олмаслиги унга энди тамоман равшан бўлди. Тавбаи тазарруқ қилиш, кўзни очиш, эсхушни тўплаш керак эди, бошқача ҳаёт кечириш ва бирон йўсинда бошқача ибодат қилиш лозим эди. Лекин қандайига ибодат қилсин? Эҳтимол, бунинг ҳаммаси шайтоннинг васвасасидир, балки бундай нарсанинг кераги ҳам йўқдир? .. Нима қилсин? Қандай қилмоқ керак? Ким унга маслаҳат бера олади? Ана ноиложлик! У тўхтади-да, бошини ушлаб олиб ўйлай бошлади, лекин Матвейнинг шу ердалигидан хаёлини тўплаб ололмасди. Яков Иванич шартта ичкарига кирди.

Матвей ошхонада бир товоқ картошкани олдига қўйиб еб ўтирган эди. Аглая билан Дашутка ҳам шу ерда, бир-бирига рўпарама-рўпара печь ёнида ўтиришган эди.

Печь билан Матвей ўтирган стол орасига дазмол тахта қўйилган, орқасида совуқ дазмол турарди.

— Опажон, менга бир оз ёғ берсангиз,— деб илтимос қилди Матвей.

— Ахир, шундай кунда ёғ еб бўладими? —деб сўради Аглая.

— Опажон, мен монах эмас, анчайин бир бандаман. Соғлиғимнинг мазаси йўқ, шунинг учун мен ёғ ейишгина эмас, ҳатто сут ҳам ичишим мумкин.

Аглая тоқчадаги зигирёғли шишани олди-да, дўқиллатиб Матвейнинг олдига қўйди ва заҳарханда қилиб илжайди, чунки у Матвейни роса гуноҳкор ҳисоблар ва шунинг учун хурсанд эди.

— Мен сенга ёғ ейиш мумкин эмас дейман! — деб бақирди Яков.

Аглая билан Дашутка чўчиб тушди, Матвей бўлса унинг гапини эшитмагандай, товоққа ёғдан солди-да, картошкани еяверди.

— Мен сенга ёғ ейиш мумкин эмас деяпман! — деб қаттиқроқ бақирди Яков ва тамоман қизариб кетди-да, бирданига товоқни олиб, баланд кўтариб ерга урди, товоқ чил-чил бўлиб кетди ва Матвей чурқ этмаса ҳам:— Овозингни чиқарма! — деб чинқариб юборди.— Овозингни ўчир! — деб такрорлади ва мушти билан столни урди.

Матвей ранги-рўйи ўчган ҳолда ўрнидан турди.

— Акажон! — деди у оғзидаги картошкасини чайнаб.— Акажон, оғир бўлинг ахир!

— Йўқол, уйимдан чиқиб кет! — деб бақирди Яков; у ҳозир Матвейнинг ажин босган юзидан нафратланар, овозини эшитгиси келмасди, мўйловига ёпишган ушоқлардан, ковшанган лаби-лунжидан безор эди.— Йўқол, деяпман сенга!

— Акажон, бир оз тинчланинг! Сиз иблиснинг васвасасига йўлиқибсиз!

— Овозингни ўчир! (Яков ер тепина бошлади.) Йўқол, сен иблиссан!

— Агар сиз кимлигингизни билмоқчи бўлсангиз,— деди Матвей қаттиқроқ қилиб, энди унинг ҳам жаҳли чиқиб,— сиз худодан қайтган даҳрийсиз. Малъун шайтон сизга ҳақиқий ёруғлиқни қоронғи қилиб қўйибди, ҳамма тоат-ибодатларингиз худога манзур эмас. Ҳали ҳам вақт ўтмай, тавба қилинг! Осийлар жон берарда не-не азобларга тушади! Тавба қилинг, акажон!

Яков унинг елкасидан тутиб олди-да, столдан судраб турғизди, Матвейнинг ранги ўчиб, қўрқиб кетди ва шармисорликдан: «Бу нимаси? Бу нимаси ахир?» деб чулдирай бошлади; у оёқларини тираб олди, Яковнинг қўлидан қутулмоқчи бўлиб уринганда, бехосдан унинг кўйлагини елкасидан тутиб қолди-да, ёқасини йиртиб юборди; Аглая эса, энди Матвей Яковни урмоқчи, деган хаёлда, қўрқанидан чинқириб юборди ва зиғир ёр солинган шиша билан кўзига балодай кўринган амакиваччасининг қоқ миясига солиб қолди. Матвей галдираб кетди ва бир зумда юзлари тамоман ўзгариб, авзойи ҳавсаласи пир бўлган, хотиржам одамларга ўхшаб қолди; Яков оғир нафас олар ва шиша бошга текканда жонли нарсага ўхшаб ғарч этганидан лаззатланар, Матвейни қўлагани кўймай ушлаб турарди; бир неча марта имлаб, Аглаяга бармоғи билан дазмолни кўрсатди (буни у сира эсидан чиқармайди) ана шундан кейин қўллари қонга бўялганини кўрди, Дашутканинг бақириб йиғлаганини эшитди; сўнгра дазмол тахта тарақлаб қулади, устига Матвей гурсиллаб ағдарилди, Яков ҳам жаҳолатидан тушиб, нима бўлганини энди тушунди.

— Улса сатқайсар! Эндиям заводга бориб айғирлик қилсин-чи!—деди нафрат билан Аглая; у қўлидаги дазмолни ҳали ҳам ерга қўймаган эди, қон сачраган оппоқ рўмоли елкасига тушиб кетган, оқарган сочлари тўзган эди.— Тўнғиз қавмида кетсин!

Ҳамма ёқни ваҳима босди. Дашутка печка ёнида ерда ўтириб қолган эди, унинг қўлида нина, энтикиб-энтикиб йиғлар ва дам-бадам бошини қуйи соларди ва ҳар энгашганда «ҳим! ҳим!» деган овози эшитиларди. Лекин Яков учун ҳаммасидан ваҳимали нарса — қонга аралашиб ерда сочилиб ётган пишган картошка эдики, уни босишдан қўрқарди; яна бир мудҳиш нарсани кўриб, Яков босинқираш маҳалидагидай қийноққа тушди, энг ёмон хавф шу эди ва буни дастлабки дақиқада сира тушина олмади. Бу — остонада турган буфетчи Сергей Никанорич эди; унинг қўлида чўт, ранглари ўчган, қўрқиб кетган, ошхонада бўлаётган ҳодисанинг ҳаммасини кўриб турган эди. У бурилиб, тез юриб даҳлизга ва ўшанақаси ташқарига чиққандагина, Яков унинг кимлигини англади ва кетидан югурди.

Яков йўл-йўлакай қўлларини қорга ишқалаб артар ва ўйларди. Бирданига, хизматкорнинг ётиб келиш учун жа-



воб олиб, боя ўз қишлоғига кетгани эсига тушди; кеча чўчқа сўйишгани учун қорни, чанани ва ҳатто қудуқнинг бир ёғини парча-парча қон доғлари босиб кетганидан, ҳозир Яковнинг бутун оиласи қонга бўялган тақдирда ҳам, шубҳаланишга ҳеч қандай асос йўқлигини ўйлаб чиқди. Қотилликни яшироқ оғир машаққат, бироқ станциядан жандарм келиши, ҳуштак чалиб, истеҳзоли кулишлари, му-жикларга Яков билан Аглаянинг қўлларини боғлатиб даб-дабали суратда волость маҳкамасига, ўшанақаси шаҳарга ҳайдаб кетишлари ва йўл-йўлакай кўринган одам суюниб: «Ана, художўйларни олиб кетишяпти!» деб кўрсатишлари ёмон; Яков учун бундай сазойилик ҳамма нарсадан ҳам оғир эди, шунинг учун у бир амаллаб вақт ўтишини ва бу хил сазойилик ҳозир эмас, қачон бўлса ҳам майли, ишқи-либ, кейинга чўзилишини истарди.

— Мен сизга минг сўм бериб туришим мумкин... — деди у, Сергей Никаноричга етиб олиб. — Мабодо бировга айтганингиз билан, ҳеч қанақа нафи бўлмайди... Ўлган ўлиб кетди, барибир тирилмайди, — Яков буфетчининг кетидан зўрға етиб юрар ва оғзи гапдан тўхтамасди, у бўлса, бурилиб қарамас ва борган сари тезроқ юришга ҳаракат қиларди. — Бир ярим минг ҳам беришим мумкин...

Яков ҳаллослаб қолиб тўхтади, лекин Сергей Никанорич боягисидан ҳам юришини тезлатиб кетаверди, мени ҳам ўлдириб қўймасин деб қўрққан бўлса ажаб эмасди. Фақат поезд йўлини кесиб ўтгандан сўнг, станцияга борадиган тош кўчанинг ярмига етгач, оҳистагина кетига қараб олди-да, юришини секинлаштирди. Станцияда ва темир йўл бўйларида қизил ва кўк чироғлар ёқилган эди; шамол босилган, лекин ҳали ҳам лайлак қор ёғар ва йўллар оқариб қолган эди. Станцияга қарийб яқин қолганда Сергей Никанорич тўхтаб, бирпасгина ўйланиб олди-да, шартта бурилиб орқасига қайтди. Қоронғи тушган эди.

— Қани, бир ярим мингни чўзинг, Яков Иванич, — деди секингина; буфетчининг аъзойи бадани қалтирарди. — Мен розиман.

## VI

Яков Иваничнинг пуллари банкка қўйилган ва ижарага берилган эди; уйда у энг зарур, дастмояга лойиқ пул сақлар эди. Ошхонага кириб, қиёқ гугурт солинган тунука қутини сийпалаб топди, олтингугурт кўкимтир милтил-

лаб, туташиб олгунча, Матвейнинг жасадига кўзи тушди; Матвей боягисича стол ёнида полда ётарди, лекин устига оқ чойшап ёпиб қўйилган, фақат этиклари кўринарди. Чигиртка чириллайди. Аглая билан Дашутка уйда эдилар: иккиси ҳам чойхонага чиқиб, прилавка қошида индамай ип ўраб ўтиришган эди. Яков Иванич чироғни кўтариб ўз бўлмасига кирди-да, кровать тагидаги сандиқни олди, ишлатиб турган пулини шунга соларди. Сандиқдаги пулнинг ҳаммаси тўрт юз йигирма сўм қоғоз ва ўттиз беш сўм танга чиқди; қоғозлардан ёмон бир қўланса ҳид келарди. Пулларни телпагига солиб, Яков Иванич ҳовлига чиқди, сўнгра дарвоза ёнига борди. У ҳамма ёқни қараб-қараб бораверди, бироқ буфетчидан дарак йўқ эди.

— Ҳой!— деб чақирди Яков.

Темир йўлни кесиб ўтадиган жойдаги шлагбаум ёнидан бир одамнинг қораси ажради-да, кўрқа-кўрқа унинг ёнига келди. Бу буфетчи эди.

— У ёқдан бу ёққа юраверасизми ахир? — деди Яков аламига чидамай.— Мана сизга: беш юзга бир оз етмади... Уйда бори шу экан.

— Жуда соз... Сиздан жуда миннатдорман,— деб ёўлдиради Сергей Никанорич, пулларни жон-жаҳди билан чангаллаб чўнтақларига солар, дағ-дағ қалтирар ва қоронғи бўлишига қарамай авзойи, ҳаракатлари кўриниб турарди.— Яков Иванич, сиз хотиржам бўлинг... Мен оғзига кучи етмайдиганлардан эмас. Қулоғим эшитгани йўқ, кўзим кўргани йўқ. Туя кўрдингми — йўқ, деган гапни биласиз-ку!— деди ва гап орасида уҳ тортиб:— Ҳе лаънати ҳаёт!— деб қўйди.

Иккиси бир-бирига қаролмай бирпас жим туриб қолишди.

— Арзимаган нарсадан чиқиб кетди-я, худонинг хоҳишини қаранг...— деди буфетчи қалтираб.— Чўт қоқиб ўтирсам, бирданига тўполон... Эшикдан қарасам — сиз ҳалиги зигир ёғи тўғрисида... У қаерда ётибди?

— Уша ошхонада.

— Бирон жойга обориб ташласангиз бўларди... Нимани кутасиз?

Яков уни станциягача кузатиб қўйди, сўнгра уйга қайтиб, Матвейни Лимаровога дап қилиб келиш учун чанасини қўшди. Уни Лимарово ўрмонига элтиб, ўша ердаги йўлга ташлаб келишга ва сўнгра, Матвей Веденяпинога

кетиб қайтиб келмади, деган овоза тарқатишга жазм қилди; йўловчилар ўлдириб кетган деб ўйлашар деб қўйди. Лекин бунинг билан ҳеч кимни алдаб бўлмаслигини Яков билар эди-ю, лекин бирон ҳаракат қилмаса иложи йўқ эди, чунки ваҳима босиб, кутиб ўтиргандан кўра, қимирлаб турса, ҳар ҳолда унча қийналмасди. У Дашуткани ёнига чақириб олди-да, иккиси Матвейни аравага ортиб жўнади. Аглая ошхонани саранжом қилмоқ учун уйда қолди.

Яков билан Дашутка қайтиб келаётганларида шлагбаум ёпиқ бўлгани учун поезд йўли ёнида тўхташга мажбур бўлди. Узундан-узун товар поезд ўтаётган эди, унга тиркалган қўш паровоз оғир-оғир вишиллар ва ўтхонасидан аждарҳодай олэв сочиб келарди. Шлагбаумга етиб станция кўринганда олдинги паровоз чинқириб сигнал берди.

— Сигнал беряпти... — деб қўйди Дашутка.

Ниҳоят, поезд ўтиб бўлди, қоровул шошмасдан шлагбаумни очди.

— Сенмидинг, Яков Иванович? — деди у. — Танимабман, демак, бой бўларкансан.

Сўнгра, уйга келишди ва уйқу тараддудига тушишди. Аглая билан Дашутка чойхонада ерга жой солиб, ёнмаён ётишди, Яков прилавка устига чўзилди. Ётиш олдидан ибодат ҳам қилишмади, шам ҳам ёқишмади. Учови тонг отгунча ухлашмади, лекин бир оғиз гапга тиллари ҳам бормади, бўш ётган болохонада биров тун бўйи юриб чиққандай бўлди.

Икки кундан кейин шаҳардан даҳа бошлиғи билан терговчи келишди-да, олдин Матвейнинг ҳужрасини, сўнгра бутун қовоқхонани тинтиб чиқишди. Ҳаммадан аввал Яковни сўроқ қилишди, у ўз жавобида Матвейнинг душанба кuni кечга томон Веденяпинога рўза тутгани кетганлигини ва йўлда уни темир йўлда ишлаётган арракашлар ўлдирган бўлиши мумкинлигини гапириб берди. Терговчи ундан, бўлмаса, нима сабабдан Матвейнинг ўлиги йўлда топилади-ю, шапкаси уйда қолади, ёки Веденяпинога бошяланг кетганмиди? деб сўради. Ҳамда нега унинг боши мажағланганига, юз ва кўкраги қоп-қора қонга бўялганига қарамай, ўлиги ётган жойдаги қорда бир томчи қон бўлмагани тўғрисида савол берганда, Яков хижолат тортиб, эсанкираб қолди ва:

— Била олмадим,— деган жавобни берди.

Айни Яков қўрққан нарсанинг ўзгинаси бўлди: жандарм келди, ибодатхонада миршаб тамаки чека бошлади. Аглая уни қарғади ва даҳа бошлиғига қўрслик қилди, сўнгра Аглая билан уни ҳовлидан олиб чиқишганда, дарвоза олдига тўпланган мужикларнинг: «Художўйларни ҳайдаб кетишяпти» деган гапларини эшитди, назарида ҳаммаси хурсанд эди.

Тергов вақтида жандарм: Матвей билан мерос бўлишмаслик учун Яков билан Аглая уни ўлдирганлар, деб рўй-рост айтди, Матвейнинг ўз пули борлигини ва агар пули ёнидан чиқмаган бўлса, демак Яков билан Аглая олиб қўйган бўлишини гапириб берди. Дашуткани ҳам сўроқ қилишди. У, Матвей амакиси билан Аглая аммаси ҳар куни пул хусусида сан-манга бориб, муштлашиш даражасига етганларини, амакиси бой эканини, ҳаттоки аллақандай бир жононга тўққиз юз сўм берганини айтди.

Қовоқхона Дашуткага қолди; энди ҳеч ким чой ва ароқ ичгани келмасди, шунинг учун у кун бўйи уйларни супурар, бол ичар ва тешик кулча ерди; лекин бир неча кундан кейин шлагбаумдаги қоровулни сўроқ қилишган ва у, душанба куни кечаси Яков билан Дашутканинг Лимароводан қайтиб келаётганини кўрганлигини гапириб берган. Дашутка ҳам олиб кетилди, шаҳарга жўнатилиб, авахтага қамаб қўйилди. Орадан сал ўтмай, Аглаянинг гапидан, ўлдириш тепасида Сергей Никаноричнинг ҳам бўлгани аниқланди; унижада тинтув ўтказилганда, печканинг остидан ичига пул солинган пийма чиқди. Ҳаммаси майда қоғоз пул эди, ёлғиз бир сўмликларнинг ўзи уч юзга етарди. Буфетчи қасам ичиб, бу пуллар савдодан тушганлигини, Яковнинг олдига бормаганига бир йилдан ошганини гапирди, ўзининг камбағаллиги ва сўнгги вақтларда пулга жуда муҳтож бўлгани учун Матвейдан қарзга пул сўраб, ҳар куни қовоқхонага қатнаганларини гапириб берди; жандарм ҳам Матвей ўлдириладиган куни далолат қилгани унинг билан икки марта охшонага борганини айтди. Душанба куни кечқурун товар пассажир поезди келган вақтда Сергей Никанорич буфетини очмаганлиги, аллақайёққа кетиб қолганлиги аниқланди. У ҳам қамоққа олиниб, шаҳарга жўнатилди.

Ун бир ойдан кейин суд бўлди.

Яков Иванич анча қариб қолган, озиб кетган эди, у энди бемор одам сингари зўрға гапирарди; ўзини жуда

ожиз, ғариб ва ҳаммадан пакана ҳис қиларди; турмада тортган виждон азоблари ва қадимги хаёлпарастлиги натижасида руҳи ҳам вужуди сингари қартайиб, адоий тамом бўлганга ўхшарди. Черковга бормаслиги устида гап очилганда, суд раиси унга савол берди:

— Сиз даҳриймисиз?

— Била олмадим,— деб жавоб берди Яков.

Унда энди ҳеч қандайин дин, эътиқод йўқ, ҳеч нимани билмас ва тушунмасди, илгариги эътиқодидан ҳазар қилар, назарига бемаъни ва қоронғи бир нарса бўлиб кўринарди. Аглая ҳали ҳам димоғидан тушмаган, марҳум Матвейни аввалгидай ҳақорат қилар ва тамомий касофатни ўшанга тўнкарди. Сергей Никаноричнинг бакенлари оддий соқолга айланиб кетган; судда у терлаб-пишиб, қизариб зўрға ўтирар ва афтидан, эғнидаги тўзган либосдан ҳамда оддий мужиклар қаторида бир қора курсида ўтирганидан уялаётгандай кўринарди. Ўзини оқламоқ учун жуда шудсиэлик қилар ва бир йилдан бери Яковнинг ошхонасига бормаганлигини исботламоқчи бўлиб, ҳар бир гувоҳ билан баҳсга тушиб кетар, одамлар уни масхара қилиб кулишарди. Дашутка турмага тушганидан бери анча семирибди; судда берилган саволларни тушунмасди, фақат Матвей амакисини ўлдиришаётганда олдин жуда кўрқиб кетганини ва сўнгра ўзини босиб олганини гапирди.

Тўрталаси ҳам ғаразли мақсад билан одам ўлдирилишликда айбдор деб топилди. Яков Иванични йигирма йил муддатга каторга ишига ҳукм қилинди, Аглая — ўн уч ярим йилга, Сергей Никанорич — ўн йилга, Дашутка — олти йилга кесилди.

## VII

Сахалиндаги Дуэс рейдига бир куни қоронғи тушганда чет эл пароходи келиб тўхтади-да, кўмир ортиб берилишини талаб этди, командирдан эрталабгача сабр этишни кўп сўрадилар, бироқ у кечаси ҳаво айниб қолса, кўмир ололмай кетишга тўғри келади деган мулоҳаза билан бир соат ҳам кута олмаслигини айтиб туриб олди. Дарвоқе Татар бўғозидан ярим соат орасида ҳаво бутунлай айниб кетиши мумкин, ана ўшанда Сахалин қирғоқларига сира йўлаб бўлмайди. Ҳаво ҳийла совуб, тўлқин кўтарила бошлаган эди.

Сахалин турмалари орасида энг хунуги ва энг даҳшатлиси ҳисобланган Воевода турмасидан бир гала маҳбус-

ларни кўмир конга ҳайдаб келишди. Каттакон баржаларга кўмир тўлғазиш ва сўнгра уни моторли қайиққа судратиб қирғоқдан ярим чақиримча нарида турган пароход ёнига олиб бориш керак; ана ўша ерда пароходга кўмир ортилади. Бу шу қадар сермашаққат ишки, тўлқин баржани пароходга уради, ишчилар денгиз касалига<sup>1</sup> йўлиқиб, оёқда зўрға-зўрға туришади. Эндигина уйғотиб ҳайдаб келинган маҳбуслар мудрай-мудрай қоронғида қоқилишиб, кишанларини шарақлатиб денгиз бўйидан юриб бормоқда эдилар. Чап томонда баланд ва қия, жуда хунук денгиз бўйи аранг кўринади, ўнг томони қоп-қоронғи зулмат; денгиз шу ёқдан ҳайқириб, тўхтовсиз ва чўзиқ: «а... а... а... а...» деганга ўхшаб тувиллайди; фақат назоратчи трубка чекмоқчи бўлиб гугурт чаққандагина, милтиқли соқчи ва олдидаги икки-уч маҳбуснинг хунук башараси ялт этиб кўринади, агар у фонари билан сувга яқин борса, олдинги тўлқинларнинг кўпирган қиррасини ҳам ажратиш мумкин бўларди.

Шу тўп одамлар орасида Яков Иванович ҳам бор, соқолининг узунлигидан маҳбуслар унга супурги деган лақаб қўйган эди. Исми-насабини кўп замонлардан бери ҳеч ким тилга олмас, анчайин Яшка деб чақир шарди. Каторгага келгандан кейин, орадан уч ой ўтгач, юртини қаттиқ соғина бошлади ва хом хаёлга берилиб қочди, бироқ тезда қўлга тушиб, қирқ қамчи еди; ана шундан бери бу ерда ёмон отлиғ бўлиб қолди; сўнгра, пошшолик усти-бошни йўқ қилгани учун яна икки марта дарра билан савалди, лекин ҳақиқатан икки сафар ҳам усти-бошни ўғирлатгани рост эди. Юртини соғинишлик дастлаб уни Одессага олиб кетаётганда, маҳбуслар поезди Прогонная станциясида тўхтаган пайтдан бошланган эди; ўшанда у вагон деразасига ёпишиб олиб, туғилиб ўсган кўрасини кўрмоқчи бўлди, бироқ қоронғида ҳеч нимани кўра олмади.

Ўз юрти тўғрисида гаплашиб, кўнгил ёзадиган ҳеч кими йўқ. Опаси Аглаяни Сибирдан ҳам нарига сургун қилишган ва ҳозир қаердалиги маълум эмасди. Дашутка Сахалинда эди, бироқ уни аллақайси бир сургундаги одамга хотинликка узоқ жойга бериб юборишган: ундан ҳеч қандай дарак йўқ эди; фақат Воевода турмасига тушган бир

---

<sup>1</sup> Тўхтовсиз чайқалавериш натижасида рўй берадиган кўнгил айнаш, лоҳас бўлиб қайд қилиш. (Тарж.)

сурғундаги одамдан Дашутканинг ҳозир учта боласи борлигини Яков эшитди. Сергей Никанорич Дуэда, шу яқин ўртадаги бир чиновникникида малайлик қилади, лекин Яков унинг билан бирон марта учрашмоқни орзу ҳам эта олмасди, чунки у паст табақадаги маҳбуслар билан салом-алик қилишни ўзига ор биларди.

Маҳбуслар тўдаси кўмир конга етиб боришди ва пристанда жойлашди. Ҳаво айний бошлагани учун кўмир ортилмасмиш, пароход жўнашга ҳозирланаётганмиш деган гап чиқди. Учта чироғ кўринди. Биттаси қимирлаб турибди: бу моторли қайиқнинг чироғи, қайиқ пароход ёнига борган, ҳозир қайтиб келаётганга ўхшайди, иш бўладими, йўқми шунинг хабарини олиб келяпти. Кузги совуқдан ва денгиз атрофидаги захдан қалтираган Яков Иванич калтагина йиртиқ пўстинига жунжикиб ўранади ва ўз юрти томонга қарайди. Турмада дунёнинг ҳар бурчидан тўпланган хилма-хил одамлар билан бирга яшай бошлагандан бери руслар, украинлар, татар, грузин, хитой, чухна, лўли ва яҳудийлар гапини эшитавериб, уларнинг азобу уқубатларини кўравериб, у, энди яна художўй бўлиб олган эди; назарида, момаси Авдотьядан тортиб, бутун авлод-аждоди зўр иштиёқ билан умр бўйи қидирган ва топа олмаган ҳақиқий динни, ниҳоят, энди ўзи топгандай бўлди. У энди ҳамма нарсани билар, худонинг қаердалигини ва унга қай хилда ибодат этиш кераклигини тушунарди, лекин ёлғиз бир нарса унга тушунарли эмасди: одамларнинг тақдири нега бунчалик хилма-хил эканини, нега худо бошқаларга шу оддий дин билан яхши турмушни бекорга беради-ю, унга нега мунчалик қиммат тушганини тушуна олмасди; Яков шу эътиқодга эришгунча шу қадар ваҳима-ю азобларни бошдан кечирдики, бу азоблар то ўла-ўлгунча тўхтовсиз давом эта керак; шуни ўйласа, пиянисталарникига ўхшаб қўл-оёқлари қалтирайди. У қоронғиликка астойдил тикилиб қаради ва назарида бу зулматдан мишларча чақирим нариёқдаги ватанини, жонажон губернасини, ўз уездини, Прогонная станциясини, у ердаги нодонликни, ваҳшийликни, раҳмсизликни ва одамлар орасидаги бефаҳмликни ҳайвонларча қўрс муомалани кўраётгандай бўлди; жиққа ёшга тўлган хира кўзлари ила ҳали ҳам йироқларга, милт-милт чироғи кўринган пароход томонга тикилади; ўшанда ватанини қаттиқ қўмсайди ва юраги шиғиллаб кетади, яшагиси, уйига кетгиси келади; у ердагиларга ўзининг янги эътиқодини сўзлаб беришни ва

лоақал бир кишини бўлса ҳам ҳалокатдан қутқаришни, лоақал бир кунгина беазоб яшашни истайди.

Қайиқ қайтиб келди, шунда назоратчи баланд овоз билан кўмир ортилмаслигини эълон қилди.

— Қайт!— деб команда берди у.— Смирно!

Пароходда лангар занжирлари йиғиштирилаётгани эшитиларди. Шамол кучайган, визиллаб қичқирар, қиялик қирғоқнинг юқори томонидаги дарахтлар қарсилларди. Афтидан, қаттиқ довул кўтариладиганга ўхшарди.



## БОЛОХОНАЛИ УЙ

(Рассом ҳикояси)

### I

Бу воқиа бундан олти-етти йил аввал, мен Т. губерна-сининг уездларидан бирида, помещчик Белокуровнинг мулкида яшаб турганимда рўй берган эди. Белокуров ёш йигит бўлиб, саҳарлаб ўрнидан туриб, бели бурма камзул кийиб юарди ва кечқурунлари пивохўрлик қиларди. У менга ҳеч қаерда биронта ҳамдард топилмаслигидан ҳамма вақт шикоят қилиб юар эди.

У боғчадаги уйда яшарди, мен эса, ўзим ётиб ухлайдиган кенг диван ва ўзим карта ёядиган столдан бўлак жиҳози бўлмаган бойнинг эски уйидаги йўғон-йўғон устунлик катта бир залда турардим. Бу залдаги эски амос печлари ичида, ҳатто ҳаво очиқ вақтларида ҳам, нимадир гувиллаб турар, момақалдироқ турганда бутун уй зириллар, майда бўлақларга ажралиб кетаётгандек туюларди. Айниқса кечалари, чақмоқдан ўнта катта дераза тўсатдан ярақлаб кетганда эса, бир оз ваҳимали бўлар эди.

Тақдир тақозоси билан мен бирор иш билан шуғулланмай, уйнинг ойналаридан соатлаб осмонга, қушларга, хиёбонларга қараб ўтирардим, почтадан нима келтирсалар шуни ўқирдим ва ухлар эдим. Гоҳо мен уйдан чиқиб кетар эдим-да, қоронғи тушгунча бирор ерда санқиб юардим.

Бир кун уйга қайтишда аллақандай бир қўрғонга адашиб кириб қолдим. Қуёш бота бошлаган, яшнаб турган жавдарлар устига кечки соя тушган эди. Зич ўтказилган икки қатор баланд-баланд қари арча дарахтлари, қопқора кўркам бир хиёбон ташкил қилиб, икки девордек туради. Мен тўсиқдан осонгина ошиб ўтдим-да, шу хиёбон бўйлаб ерни тўрт энликча қоплаб ётган арча барглари устидан тойғана-тойғана юриб кетдим. Жимжит ва қо-

ронғи бўлиб, дарахтларнинг тепасида онда-сонда равшан нур товланиб кетиб, ўргимчак уяларида жилваланар эди; игнабаргли дарахтлар ҳиди нафасни қайтариш даражасида анқиб туради. Кейин мен арғувон дарахтли узун хиёбонга бурилдим. Бу ерда ҳам қаровсизлик ва кексалик; ўтган йилги хазонлар оёқлар тагида ёқимсиз шитирлайди, шом қоронғилигида дарахтлар орасида соялар беркинмачоқ ўйнайди. Ўнг тарафда, қариб қолган мева боғида заиф бир овоз билан истар-истамас, зарғалдоқ сайрайди. Эҳтимол у ҳам кексайиб қолгандир. Мана, арғувон дарахтлари ҳам тамом бўлди; мен айвонлик ва болохонали оқ уйнинг ёнидан ўтдим, кўз ўнгимда барин ҳовлиси, атрофида тўда-тўда кўм-кўк толлар ўсган, чўмиладиган жойлари ажратилган катта ҳовуз пайдо бўлди. Ҳовузнинг нариги бетида, қишлоқ черковининг баланд, ингичка қўнғироқхонаси тепасидаги крест ботаётган қуёшни акс этдириб турар эди. Мен шу манзарани қачондир болалик чоғимда кўргандек бўлдим, аллақандай жуда қимматли, таниш нарса бир лаҳза хаёлимни банд этди.

Қўрғондан далага чиқаверишдаги оқ тошдан ишланган қадимий мустаҳкам шердор дарвоза олдида иккита қиз турар эди. Улардан бири — каттароғи баланд бўйли, рангпар, ниҳоятда гўзал, қалин қўнғир соч, оғзи бежирим, жиддий қиёфали бўлиб, менга бир назар ташлаб қўйди. Иккинчиси эса, ёшгина ўн етти-ўн саккиздан ошмаган эди. У ҳам каттасига ўхшаш баланд бўйли, рангпар, ammo оғзи катта, шахло кўз бўлиб, мен уларнинг олдидан ўтар эканман, менга таажжуб назари билан қаради-да, инглизчалаб бир нима деди ва ўзи хижолат тортиб қизариб кетди. Бу икки ёқимли юз ҳам менга аллақачондан бери танишдек бўлиб туюлди. Мен уйга яхши туш кўрган одамдек бир туйғу билан қайтиб келдим.

Шундан кўп ўтмай, бир куни мен Белокуров билан туш пайтида уйнинг олдида сайр қилиб юрган эдим, тўсатдан ўтларни шитирлатиб ўша қизлардан бири ўтирган рессорлик извош қўрғонга кириб келди. Бу ўша қизларнинг каттаси бўлиб, ёнғиндан зарарланганларга ёрдам варақасига имзо чекишга даъват қилиб келган эди. Қиз ердан кўзини узмай Сиянов қишлоғида қанча уй-жой куйиб кетганини, қанча эркак, хотин ва болалар бошпанасиз қолганини ва унинг ўзи ҳозирда аъзо бўлган ёнғиндан зарарланганлар комитети дастлаб қандай тадбирлар кўриш ниятида эканини жиддий ва батафсил сўзлаб берди. У бизларни ва-

рақага имзо чектириб, варақани жойлаб қўйди-да, шу ондаёқ хайрлашди.

— Бизни жуда унутиб юбордингиз, Петр Петрович,— деди у Белокуровга,— боринг, агар monsieur N. (у фамилиямни атади) ҳам у кишининг истеъдодларини қадрловчилар қандай яшаётганлигига бир назар солишни истасалар ва бизни кига борсалар, ойм иккаламиз жуда хурсанд бўламиз.

Мен таъзим қилдим.

У кетгандан кейин Петр Петрович сўзлай бошлади. Унинг сўзича, бу қиз яхши оиладан бўлиб, исми Лидия Волчанинова экан, у ўз онаси ва синглиси билан яшайдиган мўлкнинг ва ҳовузнинг нариги бетигаги қишлоқнинг номи Шелковка экан. Қизнинг отаси бир вақтлар Москвада бообрў одам бўлиб, тайний советник даражасига етганда вафот этган экан. Волчаниновалар, етарли маблағга эга бўлса ҳам, ёзин-қишин ҳеч қаерга бормасдан қишлоқда яшар экан. Лидия ўзининг Шелковка қишлоғидаги земство мактабида муаллималик қилар, ойига йигирма беш сўм маош олиб, ўз шахсий харажатлари учун шу пулнигина ишлатиб, ўз меҳнати билан яшаётганига фахрланар экан.

— Ажойиб оила,— деди Белокуров.— Балки бир бориб келармиз. Сиз борсангиз улар жуда хурсанд бўлади.

Байрам кунларидан бирида, тушки овқатдан кейин, нима бўлди-ю, Волчаниноваларни эслаб қолдик ва уларни кига — Шелковкага жўнадик. Волчаниновалар, икки қиз ва онаси уйда экан. Онаси, Екатерина Павловна, кўринишидан бир вақтлар гўзал бўлган, ҳозир эса ёшига номуносиб хомсемиз, нафас сиқиш касалига учраган, маъюс, паришонхотир хотин рассомлик санъати ҳақида гап бошлаб менинг кўнглимни очишга ҳаракат қилди. Менинг Шелковкага келишим эҳтимоли борлигини қизидан эшитиб, у Москвадаги виставкада кўрган менинг пейзажларимдан икки-учтасини шошилинич равишда хотирига келтириб, энди мендан ўша пейзажларда нималарни ифодалмоқчи бўлганимни сўради. Лидия ёки, уни уйда аташларича, Лида мендан кўра Белокуров билан кўпроқ таплашар, ундан нега земствода хизмат қилмаслиги, нега шу вақтгача биронта ҳам земство мажлисида иштирок этмаганини жиддий қиёфада сўрар эди.

— Яхши эмас, Петр Петрович,— дерди у, таъна билан.— Яхши эмас. Уят.

— Тўғри, Лида, тўғри,— деб маъқулларди онаси.— Яхши эмас.

— Бизнинг уездимиз тамоман Балагиннинг қўлида,— давом этди Лида менга мурожаат қилиб.— У маҳкаманинг раиси, уезддаги қолган барча лавозимларни эса жиянлари ва куёвларига бўлиб берган. Нимани истаса, шуни қилади. Қурашиш керак. Ешлар ўзларидан кучли бир партия ташкил қилишлари лозим, аммо, мана, бизнинг ёшларимиз қандай эжанлигини кўриб турибсиз. Уят, Петр Петрович!

Кенжа қиз, Женя, земство ҳақида гап бораётганда жим ўтирди. У жиддий суҳбатларга қўшилмас, оилада уни ҳали балоғатга етмаган деб билишар ва болалик чоғида мураббияси мисси мисюсь дегани учун, кичик қизчадай уни Мисюсь деб аташаркан. Суҳбат давомида Женя менга қизиқиб қараб турди. Мен альбомдаги суратларни кўздан кечираётган вақтда эса; «Бу амаким... Бу тутунган дадам» деб бармоқчасини суратлар устидан юргизиб, менга тушундирди. Шу вақтда у болалардек елкасини менга текизар, мен унинг заиф, яхши етилмаган кўкрагини, нозик елкаларини, кокилларини ва белбоғ билан таранг тортилган ориққина танасини яқиндан кўрар эдим.

Биз крокет ва lawn tennis ўйнадик, боғда сайр қилдик, чой ичдик, кейин баҳазур овқатланиб ўтирдик. Устунлари баҳайбат каттакон бўш залда яшаб юрганимдан, деворларида ранг-баранг расмлар бўлмаган бу муъжазгина уйда, хизматкорларга ҳам сизлаб муомала қилинадиган бу оилада мен ўзимни жуда яхши сездим, Лида ва Мисюснинг борлиги туфайли менинг кўзимга ҳамма нарса ёш, покиза, ҳамма нарсада тартиб-интизом бордек кўринар эди. Кечки овқатдан кейин Лида яна Белокуров билан земство ҳақида, Балагин ҳақида, мактаб кутубхоналари ҳақида гаплашди. Бу ғайратли, софдил, эътиқодли бир қиз эди. Мактабда гапириб ўрганиб қолганидан бўлса керак, у баланд овоз билан гапирар, шундай бўлса ҳам уни тинглаш мароқли эди. Аммо бизнинг Петр Петрович эса студентлик давридан қолган одати бўйича, ҳар бир гапни тортишувга олиб боришга тиришар ва ўзини ақлли, илғор киши қилиб кўрсатишга уриниб, зерикарли, суст ва узоқ вақт гапирар эди. У қўлини пахса қилиб гапираётиб, енги билан соус идишини афдариб юборди, дастурхон булғанди, аммо буни мендан бошқа ҳамма кўрмагандек бўлиб ўтираверди.

Биз уйга қайтаётганимизда қоронғи тушган ва ҳамма ёқ жимжит эди.

— Кишининг яхши тарбия олганлиги, унинг дастурхон устига соусни ағдариб юбормаслигида эмас, бошқа бирор киши бехосдан шундай қилган тақдирда, уни пайқамангандек бўлиб кўринишда,— деди Белокуров ва чуқур нафас олиб қўйди.— Ҳақиқатан жуда ажойиб, маданиятли оилада. Мен яхши одамлардан узоқлашиб кетдим, вой-бў, қанчалик орқада қолдим. Ҳаммасига ҳам иш сабаб. Иш!

У ўрناق бўларли деҳқон хўжалиги бўлиш учун жуда кўп меҳнат қилиш кераклигини гапирар, мен эса, бу қандай тепса тебранмас, иш ёқмас одам! — деб ўйлардим. У бирор масала устида жиддий сўзлаган вақтида «э-э-э» деб чўзар, иш билан машғул бўлган вақтда ҳам худди гапирганидек имиллаб, ҳамма вақт кечикиб, фурсатни ўтказиб ишлар эди. Почтага элтиб ташлашни илтимос қилиб берган хатларимни ҳафталар давомида чўнтагида олиб юришининг ўзиданоқ мен унинг ишчанлигига яхши ишонмас эдим.

— Ҳаммадан ҳам кишига алам қиладигани,— деб гўлдирадди у, менинг ёнимда кета туриб,— ҳаммадан ҳам кишига алам қиладигани шуки, эртаю кеч ишлайсан-у, биронта одамнинг хайрихоҳлигини сезмайсан. Биронта ҳамдард топилмайди!

## II

Мен Волчаниноваларникига бориб-келиб турадиган бўлиб қолдим. Одатда, айвоннинг пастки зинасига ўтириб, ўйга чўмар эдим; ўз-ўзимдан норозилик мени азоблар эди. Шу қадар тез ва мароқсиз ўтаётган умрига ачинардим, бундай вазминлашиб кетган юрагимни юлиб ташлагим келар эди. Шу вақтда айвонда гаплашишар, китоб варақлашар, кўйлақларнинг шигирлагани менга эшитилиб турар эди. Лиданинг кундузлари касалларни қабул қилишига, китоблар тарқатишига, бошяланг ҳолда соябон тутиб тез-тез қишлоққа бориб-келиб туришига, кечқурунлари эса баланд овоз билан земство ва мактаблар ҳақида гапиришларига мен тезда ўрганиб қолдим. Бу новдадай, гўзал, ҳамниша жиддий қиёфали ва нафис жажжи оғизли қиз, ҳар гал бирор ишга доир суҳбат бошланаётганда менга қараб, совуққина қилиб:

— Сиз учун бунинг ҳеч қизиғи йўқ,— деб қўяр эди.

У мени ёқтирмас эди. Менинг пейзажист бўлганим, ўз расмларимда халқнинг эҳтиёжларини акс эттирмаганим учун, у қаттиқ ишонган нарсага, унинг назарида, мен бепарво қараганим учун у мени ёмон кўрарди. Мен бир вақт Байкал қирғоғида кетаётганимда менга кўк дабадан тикилган кенг кўйлақ ва лозим кийган отлиқ бир бурят қизи дуч келгани, мен ундан трубкагни сотмайсанми деб сўраганим ва биз гаплашиб турар эканмиз, у менинг европолик юзимга, шляпамга нафрат билан қараб тургани ва бир пасдаёқ мен билан гаплашишдан зерикиб, ҳайт деб отига қамчи бериб, мендан узоқлашиб кетгани эсимда. Шунга ўхшаш, Лида ҳам мени ётсираб нафратланар эди. Мени ёқтирмаслигини у ташқи кўринишидан ҳеч сездирмас, аммо мен буни ҳис қилиб турар эдим. Айвоннинг пастки зинасида ўтириб, асабийлашиб: врач бўлмай туриб мужикларни даволаш — уларни алдашдир, икки минг десагина ерга эга бўлгач, олий ҳиммат бўлиш ҳеч гап эмас, деб ўйлар эдим.

Унинг синглиси, Мисюсь эса ҳеч бир ташвишсиз бўлиб, ўз умрини менга ўхшаб бутунлай бекорчилик билан ўтказар эди. У эрталаб тура солиб китобга ёпишар, айвондаги чуқур креслода оёқлари ерга тегар-тегмас бир ҳолда ўтириб олиб, ўқишга берилар ёки китобни олиб арғувон дарахтлари хиёбонига кириб кетар, ёки бўлмаса, дарвозадан чиқиб, далага томон йўл олар эди. У зўр иштиёқ билан китобга тикилиб олиб, кун бўйи ўқир, унинг қарашлари чарчоқ, эсанкираганидан, юзи қаттиқ бўзариб кетганидан, ўқиш унинг миясини чарчатиб қўйганини билиш мумкин эди. Мен келган вақтларда у мени кўриб бир оз қизарар, китобни қўяр ва шахло кўзларини менга тикиб, мен йўғимда нима воқиалар бўлганини, масалан, хизматкўрлар хонасида қурум ёниб кетганини ёки хизматкўр ҳовуздан катта балиқ тутиб олганини сўзлаб берар эди. Оддий кунларда у рангдор кўйлақча ва тўқ кўк юбка кийиб юрарди. Биз бирга сайр қилар, мураббо қилиш учун олча терар, қайиққа тушардик. У олчани узиб олиш учун сакраган ёки эшкак тортган вақтларида кенг енг орасидан унинг нафис, нозик билаклари кўриниб кетар эди. Гоҳо мен этюд чизиш билан шуғулланардим. Мисюсь бўлса менинг ёнимда завқ билан қараб турар эди.

Якшанба кунларидан бирида, июль ойининг охирларида мен Волчаниноваларникига эрталаб соат тўққизларда келдим. Ўзимни уйдан узоқроқ олиб, бу йил жуда кўп

битган оқ замбуруғларни топиб, кейинроқ Женя билан бирга териб олиш мақсадида, уларни белгилаб қўйиб, боғчада айланиб юрдим. Гармсел шамоли эсиб турарди. Женя онаси билан черковдан қайтиб, уйга ўтганини кўрдим. Иккиси ҳам рангдор байрам кийимида эди. Женя шамол учуриб кетмасин деб шляпасини ушлаб борар эди. Бир оз кейинроқ мен уларнинг айвонда чой ичаётганларини сездим.

Мендек беташвиш, ўзининг доимий бекорчилигини оқлашга бирор важ ахтарувчи киши учун бизнинг қўрғонлардаги бу ёзги байрам тонглари ҳамма вақт фавқулодда кўркам бир тусда кўринади. Ҳали кўтарилмаган шудрингдан нам кўм-кўк боғ офтоб нурида ярқираб қувончли кўринади; уйнинг атрофида қалампир гул ва тол гуллар анқиб туради; ёшлар ҳозиргина черковдан қайтиб келиб, боғда чой ичиб ўтирибди; улар жуда чиройли кийинишган, хушчақчақ; ниҳоят, бу соғлом, тўқ, кўркам йигитлар бутун узоқ кун бўйи ҳеч иш қилмастикларини билгач, бутун умр шундай бўлишини киши хоҳлаб қолади. Мен ҳозир ҳам шу ҳақда ўйлаб боғда айланиб юрардим ва ҳеч қандай мақсадсиз, ишсиз бутун кун бўйи, бутун ёз бўйи шундай юришга тайёр эдим.

Саватча кўтариб Женя келиб қолди; мен билан боғда учрашишини олдиндан билганлиги ёки сезганлиги унинг қиёфасидан кўриниб турарди. Биз гаплашиб юриб замбуруғларни йиғиб юрдик. У мендан бирор нарсани сўраганда, юзимни кўриб туриш учун олдинга ўтиб олар эди.

— Кеча бизнинг қишлоқда бир муъжиза юз берди,— деди у.— Оқсоқ Пелагея бир йилдан бери касал бўлиб ётар, ҳеч қандай табиб ва дори-дармонлар унга ёрдам бермас эди. Қуни кеча дуохон кампир бир дам солган эди, ўрнидан туриб кетди.

— Бунинг аҳамияти йўқ,— дедим.— Муъжизаларни фақат касаллар ва кампирларнинг олдидан қидириш керак эмас. Ахир соғломлик ҳам муъжиза эмасми? Ҳаётнинг ўзи-чи? Нима нарсага тушуниб бўлмаса — ўша муъжиза.

— Сиз тушунарли бўлмаган нарсадан кўрқмайсизми?

— Йўқ. Мен ўзим тушуна олмаган ҳодисага дадил қарайман, бўйсунмайман. Мен улардан юқори тураман. Киши ўзини шер, йўлбарслардан, юлдузлардан табиатдаги барча нарсалардан, ҳаттоки тушуниб бўлмайдиган, муъ-

жиза бўлиб кўринадиган нарсалардан ҳам устун билиши лозим. Акс ҳолда у одам эмас, ҳар бир нарсадан қўрқа берадиган сичқондир.

Женя мен рассом бўлганим учун, кўп нарсани биладиган, билмаганларини эса тўғри пайқайдиган одам деб ўйлар эди. Женя мен уни абадият ва гўзаллик оламига, унинг фикрича, мен ўз кишиси бўлган киборлар жамиятига йўллашимни истар, шунинг учун ҳам у мен билан мангу ҳаёт ва ажойиботлар ҳақида сўзлашар эди. Мен эса вафот этганимдан кейин ўз тасаввурларим билан абадий ҳок бўлажагимга ишонмаганим туфайли: «Ҳа, кишилар мангу яшайдилар», «Ҳа, бизни мангу ҳаёт кутади», деб жавоб берар эдим. У менинг сўзларимни тинглар, ишонар ва ҳеч қандай далил келтиришимни талаб қилмас эди.

Биз уйга қайтиб кетар эканмиз, у йўлда тўсатдан тўхтади-да, гап бошлади:

— Бизнинг Лида жуда ажойиб одам. Тўғри эмасми? Мен уни ғоят севаман; керак бўлса унинг учун жонимни бераман. Аммо, айтингчи, — Женя менинг енгимга бармогини теккизди, — айтингчи, нега сиз у билан ҳар доим тортишасиз? Нега мунча асабийсиз?

— Чунки у ноҳақ.

Женя норозилик билан бошини тебратди ва кўзига ёш олди.

— Мен ҳеч нарсага тушунолмаман! — деб қўйди у.

Шу вақт қўлида навда ушлаган Лида қаердандир ҳозиргина келиб, хушқомат, гўзал бир суратдай офтоб нурида, зинапоя ёнида хизматкорга ниманидир буюриб турар эди. У баланд овоз билан гапириб, шошилинч равишда икки-учта беморни қабул қилди, кейин жиддий, ташвишли қиёфада гоҳ у шкафни, гоҳ бу шкафни очиб-ёпиб хоналарда айланиб юрди, болохонага чиқиб кетди; уни анча қидиришди, овқатга чақирди, у эса биз шўрвани ичиб бўлгач келди. Бу майда-чуйда тафсилотларнинг ҳаммасини мен негадир ёдимда сақлаб қолганман ва уларни севаман; гарчи айтарли ҳеч қандай ҳодиса юз бермаган бўлса ҳам, ўша кунни жуда равшан хотирлайман. Тушки овқатдан кейин Женя чуқур креслога чўмиб, китоб ўқишга киришди, мен эса айвоннинг пастки зинасида ўтирдим. Биз сукутга чўмдик. Бутун осмонни қора булут қоплаб олди, сийрак, майда ёмғир севалай бошлади. Гармсел шамол аллақачон босилган, ҳаво дим, бу кун ҳеч тугамай-



дигандек туюлар эди. Биз ўтирган айвонга уйқудан қовоқ-лари салқиган Екатирина Павловна қўлида елпигич ушлаб чиқиб келди.

— Оҳ, ойижон,— деди Женя, унинг қўлларини ўпа туриб,— кундузи уклаш сенга зарар қилади.

Улар бир-бирини қаттиқ севардилар. Биттаси боғга чиқиб кетаётган бўлса, иккинчиси дарров айвонга чиқиб олар ва баҳайбат дарахтларга қараб, «Ау, Женя!» ёки бўлмаса «Ойижон, қаердасан?» деб турар эди. Улар иккиси ҳамма вақт бирга ибодат қилар, эътиқодлари ҳам бир хил ва ҳатто жим турганларида ҳам, бир-бирларининг фикрларига яхши тушунар эдилар. Уларнинг кишиларга бўлган муносабатлари ҳам бир хил эди. Екатерина Павловна, қизи Женядек менга тезда одатланиб ва меҳр қўйиб қолди. Агар мен уларникига икки-уч кун бормай қолсам, у одам юбориб, мендан хабар олдирар эди. Менинг этюдларимни у ҳам завқ билан томоша қилар ва Мисюсь каби очиқ-ёриғ, оққўнгиллик билан, содир бўлган воқиаларни менга сўзлаб берар, кўпинча ўзининг оила сирларини ҳам менга ишониб айтар эди.

Екатерина Павловна катта қизини жуда ҳурматлар эди. Лида ҳеч қачон эркалик қилмас, фақат жиддий масалалар ҳақида сўзлар эди; у ўзгача бир ҳаёт кечирар, доимо ўз каютасида ўтирувчи адмирал, матрослар учун қандай муқаддас ва қандай сирли бўлса, у ҳам ўз онаси ва синглиси назарида шундай муқаддас ва сирли эди.

— Бизнинг Лида жуда ажойиб одам,— дерди, кўпинча онаси.— Тўғри эмасми?

Ҳозир ҳам, ташқарида ёмғир севалаб турар экан, биз Лида ҳақида гаплашар эдик.

— У ажойиб одам,— деди онаси ва чўчиб атрофига аланглаб фитначидек шивирлаб қўйди:— Гарчи мен бир оз ташвишга туша бошлаган бўлсам ҳам, барибир, бунақа одамларни кундузи ҳам қидириб топиб бўлмайди. Мактаб, дорихоналар, китоблар — бу ҳаммаси жуда яхши, аммо ҳаддан ошишининг нима кераги бор? Ахир у, мана, йигирма тўртга қадам қўйди, ўз турмуши ҳақида жиддий ўйлаш вақти келди. Шу аҳволда китоблар, дорихоналар кетидан югуриб юриб, ҳаёт қандай ўтиб кетганини билмай қолади. . . Эрга тегиш ҳам керак.

Уқий бериб ранги оқариб кетган, сочлари ёғимланган Женя бошини китобдан бир оз кўтарди-да, ўз-ўзи билан гаплашаётгандек, онасига қараб:

— Ойижон, ҳамма нарса худонинг иродасига боғлиқ! — деб қўйди. Яна китобга шўнғиди.

Бели бурма камзул ва кашта гулли қўйлак кийган Белокуров кириб келди. Биз крокет ва lowп tennis ўйнадик, қоронғи тушгач, баҳазур овқатландик. Лида яна мактаблар ҳақида, бутун уездни ўз қўлига қамраб олган Балагин ҳақида гапирди. Бу кеча, Волчаниноваларникидан қайтар эканман, мен бекорчилик билан ўтказилган узун куннинг таассуроти билан, шу билан бирга дунёда қанчалик узоқ бўлмасин, барибир, тамом бўлмайдиган ҳеч бир воқиа йўқ деган қайғули фикрга чўмган ҳолда борар эдим. Дарвозагача бизни Женя кузатиб қўйди; у эрта-лабдан кечгача бутун кунни мен билан бирга ўтказгани учуғими, усиз мен зерикиб қоладиганга ўхшаганим учунми, бу ёқимли оила менга жуда яқин, қадрдон эканини ҳис қилдим; шундан кейин, бутун ёз бўйи биринчи марта расм ишлашга иштиёқ туғилди.

— Айтингни, нега сиз бундай зерикарли, нашъасиз ҳаёт кечирасиз? — деб сўрадим Белокуровдан, у билан уйга қайтаётим, — менинг ҳаётим зерикарли, машаққатли, бир хил, чунки мен рассомман, ажиб бир кишиман; мен ёшлик кунларимданоқ ҳасад билан, ўз-ўзимдан норозилик, ўз касбимга ишончсизлик билан азобланиб, асабийлашиб қолганман; мен ҳамма вақт қашшоқ, дарбадарман, аммо сизчи, сиз соғлом, эс-ҳуши жойида одамсиз, помешчиксиз, хўжайинсиз, — нима сабабдан сиз бундай мароқсиз яшайсиз, ҳаётдан жуда оз баҳра оласиз? Нима сабабдан сиз, шу вақтгача, масалан, Лиданими ёки Женяними севиб қолмагансиз?

— Сиз менинг бошқа хотинни севишимни унутяпсиз, — деб жавоб берди Белокуров.

У ўзи билан бирга боғчадаги уйда яшовчи Любовь Ивановнани айтаётган эди. Мен бу тўладан келган, лўппигина, бўрдоқига боқилган ғозга ўхшаш, димоғдор хонимни маржонлар тақиб рус кийимида, зонтик тутиб боғда сайр қилиб юрганини ҳар куни кўрардим. Хизматкор хотин уни гоҳ овқатланишга, гоҳ чойга чақириб турарди. Бу хотин бундан уч йил илгари боғлардаги уйнинг бирини ижарага олиб келган-у, шу бўйича Белокуровникида, яшаб қола берган экан. У Белокуровдан ўн ёшча катта бўлиб, уни ўз ҳукмига жуда бўйсундириб олган. Белокуров уйдан бирор ёққа бормоқчи бўлса, ундан рухсат сўраши лозим эди. Бу хотин кўпинча йўғон, эркакларникига

Ўхшаш овоз билан йиғлашга тушар, шундай вақтларда мен унинг олдига одам юбориб, агар у йиғлашдан тўхта-маса уйни ташлаб кетишимни билдирар эдим. Шундан кейин у йиғидан тўхтар эди.

Биз уйга қайтгач, Белокуров диванга ўтириб, қовоғини солиб чуқур ўйга толди, мен эса севиб қолган кишидек, бир оз ҳаяжонланиб залнинг у бошидан бу бошига бориб-келиб турдим. Волчаниновалар ҳақида гапиргим келарди.

— Лида фақат ўзига ўхшаган, дарди-фикри шифохона ва мактаблар бўлган земство ходимига кўнгил бериши мумкин,— деб гап бошладим.— Оҳ, бундай қиз учун земство ходими бўлишгина эмас, эртақларда айтилганидек, темир кавушни кийиб тўздириш ҳам мумкин. Мисюсь-чи? Қандай латофатли бу Мисюсь!

Белокуров гап орасида «э-э-э» деб чўзиб, асримизнинг касали — пессимизм ҳақида гапга тушиб кетди. У ишонч билан, мен билан баҳс талашаётгандек бир оҳангда гапирар эди. Юз чақиримлаб бошдан-оёқ бир хил кўринишдаги бўм-бўш қовжираган, гиёҳсиз дашт-биебонда йўл юриш ҳам кишини рўпарада ўтириб гап сотаётган, қачон туриб кетиши номаълум битта одамдек хафа қилмайди.

— Гап пессимизмда ҳам, оптимизмда ҳам эмас,— дедим қизишиб,— кишиларнинг юзидан тўқсон тўққизтасининг фаҳм-фаросати йўқлигида.

Белокуровга бу гап тегиб, хафа бўлди-да, чиқиб кетди.

### III

— Князь Малозёмово қишлоғида меҳмондорчиликда юрибди, сенга салом айтиб юборди,— деди Лида онасига қаердандир қайтиб келгач, қўлқопини еча туриб.— Кўп қизиқ гапларни сўзлаб берди... Малозёмовода медицина пункти очиш масаласини губерна мажлисида қайтадан кўтаришни ваъда қилди, аммо, умид кам, дейди.— Сўнг менга қараб гап ташлади:— Кечирасиз, бу нарса сизни қизиқтирмаслигини мен ҳамма вақт эсимдан чиқараман.

Менинг гашим келиб:

— Нега энди қизиқтирмас экан?— деб сўрадим елкамни қисиб.— Менинг фикримни билишга сизнинг майлингиз йўқ, аммо, ишонтириб айтаманки, бу масала мени ғоят қизиқтиради.

— Шунақами?

— Ҳа. Менимча, Малозёмовода медицина пункти очишнинг ҳеч ҳожати йўқ.

Унинг ҳам гаши келиб, менга қаради-да, кўзларини қисиб сўради:

— Бўлмаса нима керак? Пейзажларми?

— Пейзажлар ҳам керак эмас. У ерга умуман ҳеч нарса керак эмас.

У қўлқопини ечиб бўлди-да, почтадан ҳозиргина келтирилган газетани очди; бир оз вақт ўтгач, афтидан, ўзини тутиб, паст овоз билан гапира бошлади:

— Утган ҳафта Анна деган хотин туғолмай ўлди, агар бирор яқинроқ жойда медицина пункти бўлганда эди, у тирик қоларди. Жаноб пейзажистлар ҳам бу ҳақда қандайдир бир фикрга эга бўлсалар, менимча, ёмон бўлмас эди.

— Бу ҳақда мен жуда аниқ бир фикрга эгаман, бунга амин бўлинг,— деб жавоб бердим, у бўлса менинг гапимни эшитгиси келмагандек, газета билан юзини беркитиб олди.— Менимча, мавжуд шароитда медицина пунктлари, мактаблар, кутубхоналар, аптекалар халқни асоратга солиш учунгина хизмат қилади. Халқ улуғ бир занжир билан чулғаб ташланган, сиз эса бу занжирни узиш ўрнига унга яна янги ҳалқалар қўшасиз, холос — мана сизга менинг фикрим.

У менга назар ташлади-да, истеҳзо билан илжайди, мен эса, асосий фикримни топиб олишга уриниб, гапда давом этдим:

— Битта Аннанинг туғолмай ўлганининг аҳамияти йўқ. Муҳими шундаки, барча Анналар, Мавралар, Пелагеялар тонг отгандан қоронғи тушгунча белларини букиб ишлайдилар, оғир меҳнат натижасида касалга чалинадилар, умр бўйи оч-яланғоч, касал болалари учун куядилар, бутун умр бўйи ўлимдан, касалликлардан қўрқадилар, умр бўйи даволанадилар, жуда эрта сўлийдилар, барвақт кексайиб қоладилар, охири ифлос бадбўй жойларда жон берадилар; уларнинг болалари катта бўлгач, шу нағмани чаладилар, шу аҳволда юзлаб йиллар ўтади, миллиардлаб кишилар ҳайвонлардан ҳам баттар, фақат бир бурда нон учун, доимий қўрқинч остида яшайдилар. Уларнинг бундай фожиали аҳволда эканликларининг сабаби шундаки, улар маънавий фаолият ҳақида ўйлашга вақт тополмайдилар, ўз қиёфалари ва сиёҳларини хотирга олишга ҳам вақт тополмайдилар. Очлик, совуқ, доимий қўрқинч ва оғир меҳнатлар қор кўчкинларидек уларнинг маънавий фаолиятга интилиш йўлларини тўсиб ташлаганлар ва шу

билан кишини ҳаётга рағбатлантирувчи одамни ҳайвондан ажратувчи бирдан-бир ғоядан уларни маҳрум этганлар. Сиз шифохона ва мактаблар билан уларга ёрдамлашмоқчи бўласиз. Аммо, бу билан уларни асоратдан озод қилолмайсиз, аксинча, уларни яна ҳам баттарроқ асоратга соласиз, чунки сиз уларнинг турмушига янги таассублар киргизар экансиз,— улар талабларининг сонини ҳам кўпайтирасиз; малҳамлар, китобчалар учун улар земствого пул тўлашлари, демак, яна ҳам кўпроқ бел букиб ишлашлари лозим эканлигини гапириб ўтирмасак ҳам бўлади.

— Мен сиз билан тортишмайман,— деди Лида газетани юзидан тушира туриб.— Мен бу гапни аллақачон эшитганман. Сизга фақат битта нарсани айтиб қўймоқчиман: қўл қовуштириб ўтириш керак эмас. Тўғри, биз инсониятни қутқариб қолаётганимиз йўқ, кўп масалаларда хато ҳам қилаётгандирмиз, аммо биз қўлимиздан нимаики келса, шуни қиялпмиз ва биз — ҳақлимиз. Маданий кишининг энг улуғ ва муқаддас бурчи — ўз яқинларига хизмат қилишдир, биз ҳам қўлимиздан келганча хизмат қилишга тиришяпмиз. Бу сизга ёқмайди, албатта, аммо ҳамманинг ҳам кўнглини олиб бўлмайди.

— Тўғри, Лида, тўғри,— деди онаси.

Лиданинг олдида у ҳамма вақт ҳайқиқиб турар, бирор ортиқча ёки ноўрин сўз айтиб қўйишдан қўрқиб, унинг бетига ташвишли назар ташлар ва ҳеч қачон унга эътироз билдирмас, доимо унинг фикрини маъқуллаб: тўғри Лида, тўғри, дерди.

— Сизнинг деразаларингиздан тушаётган нур мана шу каттакон боғни ёрита олмаганидек, мужикчасига саводлилик ҳам, ожиз насиҳат ҳам, қочириқлар билан тўлган китобчалар ва медицина пунктлари ҳам на нодонликни ва на халқнинг кўп ўлишини камайтира олмайди,— дедим.— Сиз ҳеч енгиллик келтира олмайсиз, аксинча, бу бечораларнинг ҳаётига аралашиш билан фақат янги эҳтиёжлар ва оғир меҳнатга ундовчи янги сабаблар келтирасиз, холос.

— Эй, худойим-эй, бирор нарса қилиш керак-ку, ахир!— деди Лида алам билан, унинг сўз оҳангидан, у менинг мулоҳазаларимни аҳамиятсиз бир нарса деб ҳисоблаб, назар-пйсанд қилмаётганлиги сезилиб турар эди.

— Кишиларни оғир жисмоний меҳнатдан озод қилиш лозим,— дедим. Улар бутун умрларини далада, печлар ва

жомашовлар ёнида ўтказмай, балки ўзларининг маънавий фаолиятлари ҳақида, худо ҳақида ўйлашга ҳам вақт топа олишлари, ўзларининг маънавий қобилиятларини ҳар тарафлама кўرгаза олишлари учун улар тортаётган жабр-зулмларни бир оз енгиллаштириш, уларга бир оз тиним бериш лозим. Ҳар бир кишининг маънавий фаолиятдаги бурчи — ҳақиқатни ва ҳаёт маъносини узлуксиз ахтаришдadir. Дағал, машаққатли меҳнатни улар учун нозарур ҳолга келтиринг, уларга, ўзларини озод ҳис қилишлари учун шароит туғдиринг, ана шунда сиз бу китобчалар ва аптечкаларнинг, ҳақиқатда, қандай масхаботчилик эканлигини англайсиз. Киши ўзининг ҳаётдаги ҳақиқий бурчини англаб экан, уни бу бўлмағур нарсалар эмас, дин, илм ва санъатларгина қониқтира олади.

— Меҳнатдан озод қилиш?— деб истеҳзо билан гап ташлади Лида.— Бу мумкинми, ахир?

— Мумкин. Улар қилаётган меҳнатнинг бир қисмини ўз зиммангизга олинг. Биз ҳаммамиз, шаҳар ва қишлоқ аҳолилари, ҳеч кимни истисно қилмасдан, умуман инсоният томонидан жисмоний эҳтиёжларини қондириш учун сарфланаётган меҳнатни ўзаро тенг бўлиб олишга рози бўлганимизда эди, бизларнинг ҳар биримиз бир кунда икки-уч соатдан ортиқ ишламаган бўлардик. Ахир ўйлаб кўринг-а, биз ҳаммамиз, бойлар ҳам, камбағаллар ҳам бир кунда фақат уч соатгина ишлаймиз, қолган вақтимиз бўш. Яна ўйлаб кўринг, биз ўз гавдамизга камроқ тоби бўлиш, меҳнат машаққатларини камроқ тортиш учун қўл меҳнатининг ўрнини босадиган машиналар ихтиро қиламиз, ўз эҳтиёжларимиз сонини имкон борича камайтиришга тиришамиз. Анна, Мавра, Пелагеялар каби болаларнинг соғлиқлари устида доимий жон куйдирмаслигимиз учун биз ўзимизни ва совуқдан, очлик даҳшатидан қўрқмасликларини учун болаларимизни чиниқтириб борамиз. Тасаввур этинг, биз шифоланиб юрмаймиз, аптекалар, тамаки фабрикалари ва ароқ заводлари қурмаймиз,— натижада бизда қанча вақт бўш қолади! Бу вақтни эса биз ҳаммамиз биргалашиб илмга, санъатга бағишлаган бўлур эдик. Мужиклар гоҳо жамоат жам бўлиб йўлларни тозаллаганларидек, биз ҳам ҳаммамиз биргалашиб, жамоат жам бўлиб, ҳақиқатни, ҳаётнинг маъносини ахтарган бўлар эдик, ҳамда,— мен бунга аминманки,— ҳақиқат тезда очилган, кишилар бу изтиробли ўлим ваҳимасидан, ҳаттоки ўлимнинг ўзидан ҳам қутулган бўлур эди.

— Бироқ сиз ўз фикрингизга ўзингиз қарши чиқяпсиз,— деди Лида.— Сиз илм, илм дейсизу, ўзингиз саводхонликни инкор этасиз.

— Киши фақат қовоқхоналар эшигига осилган вивескаларни ва аҳён-аҳёнда ўзи тушунмайдиган китобларни ўқийдиган саводхонлик бизга керак эмас,— бундай саводхонлик бизда Рюрик замонларидан бери давом этиб келмоқда, Гоголнинг Петрушкаси аллақачонлардан бери ўқишни билади, ҳолбуки қишлоқ аҳолиси Рюрик замонда қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай. Саводхонлик эмас, маънавий фаолиятни кенг миқёсда юзага келтириш учун озодлик керак. Мактаблар эмас, университетлар керак.

— Сиз медицинани ҳам инкор қиляпсиз-ку.

— Ҳа. У касалликларни даволаш учун эмас, уларни фақат табиат ҳодисалари сифатида ўрганишгагина керак бўлур эди. Даволаганда ҳам, касалликларни эмас, уларнинг сабабларини йўқотиш керак бўларди. Асосий сабаб бўлмиш жисмоний меҳнатни йўқотинг; ана унда касалликлар ҳам бўлмайди. Мен даволаш билан шуғулланувчи илмни ҳеч инобатга олмайман,— дедим ҳаяжонланиб.— Илм ва санъатлар, агар улар ҳақиқий бўлса, муваққат, айрим мақсадларга эмас, абадий ва умумий мақсадларга интиладилар ва улар ҳақиқатни, ҳаётнинг маънисини қидирадилар, худони қидирадилар, уларни кундалик эҳтиёж ҳам воқиаларга, аптечка ва кутубхоналарга боғлаб қўйилганда эса, улар ҳаётни мураккаблаштириб, мушкуллаштириб юборадилар, холос. Бизда кўп медиклар, фармацевтлар, юристлар бор, саводли кишилар кўпайди, аммо биологлар, математиклар, файласуфлар, шоирлар эса, бутунлай йўқ. Бутун ақл, бутун ғайрат муваққат, ўткинчи эҳтиёжларни қондиришга қаратилган... Олимларнинг, ёзувчиларнинг, рассомларнинг ишлари юришган, уларнинг шарофати билан ҳаёт қулайликлари кундан-кунга ортиб бормоқда, кишиларнинг жисмоний талаблари кўпаймоқда, аммо шунга қарамай ҳақиқат ҳали жуда йироқ, инсон илгаригидек энг ваҳший, энг нопок жониворлигича қолиб келмоқда ва бу ҳаммаси аксар инсониятнинг бузилишга, ҳаёт қобилиятини абадий йўқотишга яқинлашиб бораётганидан дарак беради. Бундай шароитда рассомнинг ҳаёти ҳеч қандай маънога эга эмас, у қанчалик истеъдодли бўлса, унинг роли ҳам шунчалик ажиб ва мавҳум. Негаки, ўйлаб қўрилганда, у мавжуд тузумни ёқлар экан, мазкур нопок ваҳший жониворга

эрмак гайёрлаш учун ишлайди, холос. Мана шунинг учун ҳам мен ишлашни истамайман ва ишламайман ҳам... Ҳеч нарсанинг кераги йўқ, майли бутун борлиқ, жаҳаннамга қуласин!

— Мисюска,— чиқиб тур,— деди Лида синглисига афтидан, менинг сўзларимни ёш қиз учун зарарли ҳисоблаб.

Женя опасига ва онасига маъюс боқди-да, чиқиб кетди.

— Бундай ёқимли гапларни, одатда, кишилар ўз бепарволикларини оқламоқчи бўлган вақтларида айтадилар,— деди Лида.— Шифохона ва мактабларни инкор қилиш, даволаш ва ўқитишдан кўра енгилроқ, албатта.

— Тўғри, Лида, тўғри,— деди онаси.

— Сиз ишламайман деб пўписа қиляпсиз,— деб давом этди Лида.— Чамаси, сиз ўз асарларингизни жуда қадрласангиз керак. Баҳслашишни тўхтатиб қўя қолайлик, биз сиз билан ҳеч қачон келиша олмаймиз, чунки сиз ҳозир шундай нафрат билан баҳо берган шифохоналар ва мактабларнинг энг мукамал бўлмаганини ҳам мен дунёдаги барча пейзажлардан афзалроқ кўраман.— Шу заҳотиёқ, онасига қараб, бутунлай бошқа оҳангда гапира бошлади:— Князь бизникига келиб-кетгандан бери жуда ориқлаб, ўзгариб кетибди. Уни Вишига юборяптилар.

Лида мен билан гаплашмаслик учун онасига князь ҳақида гапираётган эди. Унинг юзлари ёнар ва ўзининг ҳаяжонланганини яшириш учун, яқиндан кўрадиган кишига ўхшаб столга энгашиб олиб, ўзини газета ўқиётган қилиб кўрсатмоқчи бўлар эди. Менинг бу ерда туришим ўнғайсиз эди. Мен хайрлашдим-да, уйга қараб жўнадим.

#### IV

Ташқарида жимжитлик; ҳовузнинг нариги бетидаги қишлоқ аллақачон уйқуга толган, биронта ҳам шуъла кўринмайди, фақат ҳовуздагина юлдузларнинг сўниқ акси милтиллаб кўринарди. Шердор дарвозанинг олдида кўзатиб қўйиш учун, Женя мени кутиб тик турар эди.

— Қишлоқдагилар ҳаммаси уйқуда,— дедим унга, қоронғида унинг юзига назар ташлаб, унинг менга тикилган қоп-қора маъюс кўзларини кўрдим.— Қовоқхоначи ҳам, от ўғрилари ҳам баҳазур ухламоқда, биздай туппа-тузук кишилар, бир-биримизнинг ғашимизга тегамиз, тортишамиз.



Маъюс август кечаси,— чунки куз ҳиди келиб қолган; тўқ қизил булут билан ўралиб чиқиб келаётган ой йўлни ва унинг атрофидаги қоп-қора ерларни аранг ёритарди. Тез-тез юлдузлар учиб туради. Жёня йўлда ёнгинамда борар ҳамда негадир уни кўрқинчга солаётган учиб тушаётган юлдузларни кўрмаслик учун осмонга қарамасликка тиришар эди.

— Менимча, сиз ҳақлисиз,— деди у шабнамдан титраб.— Агарда кишилар ҳаммалари биргалашиб маънавий фаолиятга берилганларида эди, улар тезда ҳамма нарсани билиб олган бўлар эди.

— Албатта. Бизлар — табиатнинг энг олий маҳсулимиз, агарда, ҳақиқатан ҳам биз кишилик улуғ истеъдоднинг бутун куч-қувватини англаб, фақат олий мақсадлар учун яшасак, биз худога яқинлашиб қолган бўлардик. Аммо, ҳеч қачон бундай бўлмайди, инсоният бузилади, улуғ истеъдодлардан асар ҳам қолмайди.

Дарвоза кўзга кўринмай қолгач, Жёня тўхтади-да, шошиб-пишиб менинг қўлимни сиқди.

— Хайрли кеч,— деди титраб, у фақат битта кўйлақда бўлиб, совуқдан жунжиб турар эди.— Эртага келинг.

Ўзимдан ҳам, кишилардан ҳам норози, асабий бир ҳолда ёлғиз қолишни ўйлаб, ваҳимага тушдим, энди мен ҳам учиб тушаётган юлдузларга қарамасликка тиришар эдим.

— Яна бирпасгина мен билан бўлинг,— дедим.— Илтимос қиламан.

Мен Жёняни севар эдим. Эҳтимолки у мени кутиб олиш ва кузатиб қўйишлари учун, менга меҳр ва завқ билан боқишлари учун севган бўлсам. Унинг рангпар чехраси, ингичка бўйни, нафис қўллари, унинг нозиклиги, бекор юриши — ҳаммаси мен учун нақадар таъсирли эди. Унинг ақли-чи? Менинг гумонимча у ниҳоятда ақлли бўлиб, жиддий, гўзал, мени ёмон кўрувчи Лидадан бошқачароқ фикр юритгани туфайли, унинг масалага қарашларининг расолиги мени гоят завқлантирар эди. Жёня мени рассом сифатида яхши кўрарди. Мен унинг қалбидан ўз истеъдодим билан жой олган эдим. Мен фақат Жёня учун ишлашни истар ва у ҳақда ширин хаёлларга чўмар эканман, уни шу дарахтлар, шу туман далалар, шу гўзал тонг устидан, мен ўзимни унинг бағрида умрбод ёлғиз, кераксиз деб ҳис қилган мана шу ажойиб, жозибадор та-

биат устидан мен билан бирга ҳукмронлик қилувчи ўзимнинг жажжи маликам деб ўйлар эдим.

— Яна бир оз тўхтанг,— деб ёлбордим.— Утинаман сиздан.

Мен пальтомни ечиб, унинг совқотган елкасига ёпдим. У эркак пальтосида ғалати кўринишдан хавфсираб кулдида, пальтони елкасидан тушириб юборди. Шу топда мен уни қучоқлаб олдим, унинг юзи, елкалари, қўлларидан эҳтирос билан ўпа бошладим.

— Эртагача хайр!— деб шивирлади у ва кеча сукунати бузишдан кўрққандек, астагина мени қучоқлади.— Биз уйда бир-биримиздан ҳеч нарсани яширмаймиз, мен ҳозироқ ҳаммасини ойимга ва опамга айтиб беришим керак... Бу жуда кўрқинчли. Ойим-ку майли-я, ойим сизни яхши кўради, аммо Лида!

У дарвоза томон чошиб кетди.

— Хайр!— деб қичқирди у.

Кейин мен бирпас унинг чошиб кетаётганини эшитиб турдим. Менинг уйга кетгим келмасди, борганда ҳам нима қилардим. Бир оз ўйлаб турдим-да, Женя яшайдиган ёқимли, содда, ўз болохонасининг ойналари билан менга қараб, бутун аҳволимни тушунаётгандек бўлиб кўринган эски уйга яна бир қараш учун аста-секин орқага қайтдим. Мен айвон олдидан ўтиб, lown tepnis ўйнайдиган майдонча четида, эски қайрағоч тагида, қоронғи жойда турган скамейкага ўтириб, шу ердан уйга қараб ўтирдим. Ми-сюсь турадиган болохонанинг ойналарида аввал ёрқин нур ярқиради-да, сўнг осойишта яшил рангга айланди,— лампага қалпоқ қўйилди, соялар тебраниб кетди... Бутун қалбимни меҳр, сукунат ва ўзимдан мамнунлик — бировга кўнгил қўёлганлигим ва сева олганлигимдан мамнунлик қоплаган эди, аммо, айни вақтда, мендан бир неча қадам нарида, шу уйнинг хоналаридан бирида мени ёқтирмовчи, балки менга нафрат билан қаровчи Лида яшаётганини ўйлаб ўнғайсизланар эдим. Мен Женя чиқиб қолмасмикин, деб кутиб ўтирдим, диққат билан қулоқ солардим, менга худди болохонадагилар гапиришаётгандек бўлиб туюлар эди.

Бир соатча вақт ўтди. Яшил нур сўнди, соялар ҳам кўринмай қолди.

Энди ой баландда, уйнинг тепасида порлаб, жимликка ботган боғчани, йўлчаларни ёритиб турар, уй олдидаги гулзорга ўтқазилган картошка гуллар, атир гуллар бир

ранглидек бўлиб кўринар эди. Совуқ-тобора зўрайиб борарди. Мен боғчадан чиқдим-да, йўлдан пальтомни топиб олиб, шошмасдан уйга қараб жўнадим.

Мен эртаси куни тушдан кейин Волчаниноваларникига келганимда, боғчага қараган ойнавонли эшик ланг очилиб ётарди. Мен шу топда гулзор орқасидаги майдончами ёки хиёбонлардан биридами Жёня кўриниб қолишини ёки хоналардан биридан унинг овози эшитилиб қолишини кутиб, айвонда бир оз ўтирдим; кейин меҳмонхонага ўтдим. Биронта ҳам одам кўринмас эди. Меҳмонхонадан ўтиб узун йўлакдан олдинги хонага чиқдим, кейин яна орқага қайтдим. Бу йўлакда бир нечта эшик бўлиб, уларнинг биридан Лиданинг овози келиб турарди.

— Бир жойда олақарфага. . . худо. . . — дерди у баланд овоз билан чўзиб, афтидан диктовка қилаётган бўлса керак. — Худо бир парча пишлоқ берибди. . . Бир жойда олақарфага. . . Ким у? — қичқириб сўради у бирдан, менинг оёқ товушимни эшитиб.

— Бу мен.

— Э! Кечирасиз, ҳозир сизнинг олдингизга чиқолмайман, мен Даша билан машғулот ўтказяпман.

— Екатерина Павловна боғчадамилар?

— Йўқ, улар синглим билан Пенза губернасига, холамларникига кетдилар. — Бир оз жим тургач: — Қишда эса, улар чет элларга саёҳатга боришса керак. . . — деб қўшиб қўйди у, — бир жойда олақарфага ху-удо бир парча пишлоқ берибди. . . Ёзиб бўлдингми?

Мен олдинги хонага чиқдим ва ҳеч нарсани ўйламай у ердан ҳовузга ва қишлоққа тикилиб турдим, менинг қулоғимга эса:

— Бир парча пишлоқ. . . Бир жойда олақарфага худо бир парча пишлоқ берибди. . . — деган овоз эшитиларди.

Шу билан мен кўрғонни ташлаб бу ерга биринчи бор келган йўлим билан қайтиб кетдим. Фақат илгаригининг аксича, аввал уйнинг ёнидан ўтиб ҳовлидан боғчага, сўнг арғувон дарахлари хиёбонидан. . . Бу ерда орқамдан бир бола қувлаб етиб, қўлимга бир хат тутқазди. «Мен ҳаммасини опамга сўзлаб бердим, у сиз билан ажралишимни талаб қиляпти, — деган сўзни ўқидим. — Мен опамнинг измидан чиқиб, уни ранжитишга қодир бўла олмас эдим. Тангри сизга бахт йўлласин, мени афв этинг. Онам ва мен хун-хун йиғлаётганимизни билсангиз эди!»

Сўнг қоронғи арча хиёбони, қулаган девор... Илгари жавдар яшнаб турган, беданалар сайраган далада ҳозир сигирлар, тўшовига чалкашган отлар дайдиб юради. Унда-бунда баландликларда кузги экинлар кўкариб кўринадиди.

Менинг вужудимни кундалик ҳушёр кайфият чулғаб олди, Волчаниноваларникида айтган ҳамма гапларимни ўйлаб ўз-ўзимдан уялиб кетдим, шундан кейин ҳаёт илгаригидек зерикарли бўлиб қолди. Уйга қайтиб келиб, нарсаларимни жойлаб, кечқурун Петербургга қараб жўнадим.

Бундан кейин мен Волчаниноваларни ҳеч кўрмадим. Яқинда, Қримга кетаётганимда мен вагонда Белокуровни кўриб қолдим. У илгаригидек бели бурма камзул ва кашта гулли кўйлак кийган бўлиб, мен ундан ҳол-аҳвол сўраганимда у: «сизнинг дуоларингиз билан» деб жавоб қилди. Биз суҳбатлашишга бошладик. У ўз ер-мулкини сотиб, бошқа кичикроғини олибди ва Любовь Ивановна номига ёздирибди. Волчаниновалар ҳақида у жуда оз маълумот берди. Унинг айтишича, Лида қадимгидек Шелковкада яшар, мактабда болаларга дарс берар экан; у аста-секин, ўзига ёққан кишилардан тўгарак ташкил қилибди. Улар ўзларидан кучли бир партия тузиб, охириги земство сайловларида шу вақтгача бутун уездни ўз қўлида ушлаб турган Балагинни «қулатиб» юборишибди. Женята келганда, Белокуров унинг ўз уйида яшамаётганини, қаердалиги номаълум эканини гапирди.

Мен энди болохонали уйни унута бошладим. Фақат гоҳ-гоҳ ёзиб ёки ўқиб ўтирган пайтларимда, тўсатдан, деразадан кўринган яшил нурми ёки севги хаёлларига берилиб совқотган қўлларимни бир-бирига ишқалаб уйга қайтаётган вақтларимдаги тинч далада, кеча сукунатини бузиб, янграган ўзимнинг оёқ товушимми беихтиёр ёдимга тушиб кетади. Бундан ташқари, ёлғизлик тинкамни қуритган, қайғу гирдобига чўмган чоғларимда болохонали уй хотиримга ғира-шира келади, шундан кейин негадир, секин-аста, мени кимдир эслаётгандек, мени кутаётгандек ва мен у билан учрашадигандек бўлиб туюлади...

Қаердасан, Мисюсь?

## МЕНИНГ ҲАЁТИМ

(Бир провинциал ҳикояси)

### I

Бошлиқ менга: «Муҳтарам падарингизнинг юзи-хотир қилиб сизни сақлаб юрибман, бўлмаса, аллақачон ҳайдаб юборардим» деди. Мен унга жавобан: «Мен мол эмасман, жаноби олийлари, ҳайдамасангиз ҳам ўзим кетавераман» дедим, шундан кейин: «Бу жанобни кўзимдан йўқотинг, жуда ғашимга тегяпти» деганини эшитдим.

Икки кундан кейин мени ишдан бўшатишди. Демак, вояга етганимдан бери мен тўққизинчи марта хизматдан қувилиб, шаҳар архитектори бўлган отамни кўп дилсиёҳ қилдим.

Мен тўққизта маҳкамада ишладим, бу хизматларнинг ҳаммаси бир-бирига айнан ўхшарди; вазифам: қимирламай ўтириб хат ёзиш, бемаъни насиҳат ва кўрс гапларни тинглаш ҳамда «қачон ишдан бўшатишаркан» деб кутишдан иборат эди.

Мен отам олдига кирсам, кўзларини юмиб, креслода баҳузур ўтирган экан. Унинг қотма ва озғин юзларидан мўмин-қобиллиги, қуллуқ қилишга ўрганиб қолганлиги яққол кўриниб турарди; соқоли қирилгани учун ўрни кўкариб кўринар ва умуман башараси католик черковидаги кекса органчига ўхшар эди. Отам саломимга жавоб бермади, лоақал кўзини ҳам очмай:

— Агар бечора онанг ҳаёт бўлганда, сен шу аҳволинг билан унинг бошига минг-минг кулфатларни солар экансан. Энди билсам, унинг бемаҳал вафот этгани ҳам — худонинг меҳрибонлиги экан. Сендан ўтинаман, эй бахтсиз бола, — деди у кўзини очиб, — қани, айтчи, сени нима қилайин? Узинг бирон маслаҳат бергин, ахир!

Ёшлик чоғимда қавм-қариндош ва таниш-билишларим нима қилишим кераклигини айтишарди: бири — ҳар-

бий хизматга киришни, иккинчиси — аптекада ишлашни, учинчиси — телеграфчи бўлишни маслаҳат берарди. Ҳозир ёшим йигирма бешдан ошиб, чакка сочимга оқ оралаб қолди: ҳарбий хизматни ҳам, аптекани ҳам, телеграфни ҳам искаб чиққанимдан сўнг, ер юзида мен билмаган нарса қолмагандай кўринади. Энди одамлар маслаҳат ҳам бермайди, мени кўрганда уҳ тортишади ёки «эссиз йигит» дегандай бош чайқашади.

— Нима қилиб юрибсан?— деб давом этди отам.— Сен тенги йигитлар бирон ишнинг бошини тутиб, бирон ижтимоий мавқега эга бўлиб олди. Сен ўз аҳволингга бир назар солсанг-чи! Пролетарсан, гадосан, отанг бошига битган балосан!

Отам одати бўйича вайсаб кетди: энди ёшлар динсизлик касофатидан расво бўлаётганини, материализмга ва ҳаддан зиёда манманликка берилганлиги натижасида ҳалокатга учраётганини гапирди; ҳаваскорлар спектакли ёшларни ўз бурчидан ва хусусан диндан четлатадиган нарса эканини, шунинг учун бунини ман этиш зарурлигини айтди.

— Эртага мен билан бирга бориб, бошлигиндан уэр сўрайсан ва минбаъд мундоқ қилмасликка, ҳалол хизмат этишга ваъда берасан. Сен бир кун ҳам ижтимоий мавқесиз юрмаслигинг лозим,— деб гапни тугатди.

— Менинг гапимга бир оз қулоқ солишингизни сўрайман,— дедим маъюсланиб, лекин гапим унга кор қилмаслигига ақлим етарди.— Ижтимоий мавқе деб сиз мақтаган хизматларнинг ҳаммаси — фақат давлатманд ва илмли кишиларга насиб бўладиган нарса. Камбағал ва илмсиз одамлар эса ёлғиз жисмоний меҳнат орқасида кун кўради. Шу одамлардан менинг бирон ортиқ жойим йўқ-ку, ота.

— Жисмоний меҳнат тўғрисида оғиз очганингда, гапингдан аҳмоқлик ва беорлик ҳиди келади!— деди отам аччиғланиб.— Ахир тушунсанг-чи, анқов одам, шу қўпол жисмоний кучдан ташқари сенда руҳи илоҳий, нури муқаддас деган нарса бор; бунини тушуниш лозим, мияси йўқ — каллаварам! Сен ана шу нури муқаддаснинг шарофати билангина эшакдан, тамомий махлуқ ва газандалардан фарқ қиласан, шунинг хосияти туфайли худованди таоло илтифотига сазовор бўла оласан! Энг азиз одамларнинг йиллар давомида уриниб, бу нурга эришганлар. Сенинг бобо калонинг жаноби Полознев — генерал ўтган,

Бородинода жанг қилган одам; бобонг эса — шоир ва нотик киши, дворянларнинг сардори эди; амакинг — педагог, ниҳоят мен, отанг эса — архитектор. Бутун Полозневлар аждоди кўз қорачиғидай асраб келган бу муқаддас нурни энди сен сўндирмоқчи бўласанми?

— Ростини айтиш керак, ота,— дедим.— Миллион-миллион кишилар жисмоний меҳнат билан шуғулланмоқда.

— Майли, шуғулланаверсин! Уларнинг қўлидан бошқа иш келмайди. Жисмоний меҳнатни ҳар қандай одам, ҳатто ўтакетган аҳмоқлар ва жинойтчилар ҳам қилаверади, чунки тамомий қулу ваҳшийларнинг пешонасига ёлғиз шу меҳнат битилган холос. Бироқ муқаддас нур деган нарса камдан-кам одамларга насиб бўлади!

Бу мунозарани ортиқ давом эттиришдан фойда чиқмаслигини тушундим, чунки, отам ўзига бино қўйган одам, доим ўз фикрини маъқуллашини, бировнинг гапига мутлақо кўнмаслигини билардим. Отам қора меҳнатни нима учун бу қадар таҳқирлаб, ерга уришининг асл сабабини ҳам мен яхши биламан. Уни ташвишлантирган нарса асло муқаддас нур тўғрисидаги мулоҳазалар эмас, ўғли ишчи бўлса — овозаси шаҳарга тарқалиб, маломатга қолишидан қўрқади. Бунинг устига, ҳамма тенгқурларим аллақачон университетни битириб, яхши-яхши жойларга ўрнашиб олганини, ҳатто Давлат банк идораси бошлиғининг ўғли коллеж ассессори даражасига етганини кўриб, ўзининг яккаю ягона ўғли ҳалигача сўррайиб юрганига ори келади. Гапни чўзган билан фойда бермаслигига, дилим баттар сиёҳ бўлишига кўзим етиб турса ҳам, ожизгина эътироз билдириб, гапимга ахири тушунар деган умидда ўтиравердим. Масала жуда оддий ва равшан бўлиб, фақат қайси йўл билан нон топишим кераклиги устида борар эди. Бироқ отам шу оддий нарсани кўрмасди, лўнда гапни чучмаллаштириб, қаёқдаги Бородинони, муқаддас нурни ва бир замонда маза-матрасиз шеър ёзган, ҳозир эса, ному нишони ўчиб кетган амакимни мисол келтирар, мени мияси йўқ — каллаварам, анқов одамга чиқариб, ҳадеб ҳақорат қиларди. Мен бечора, кўнглимдаги дардимни тушунтира олмай, афсусланардим. Шундай бўлса ҳам отам билан опамни жуда яхши кўраман ва болалик чоғимдан бери шулардан ижозат сўраб иш қилишга одатланганман. Бу одат суяк-суякларимга сингиб кетгани учун энди ундан қутулишга сира кўзим етмай қолди. Орада гап кўтарилса,

ҳақлиманми, йўқми, ишқилиб, шулар ранжимасин деб ҳавотир олиб тураман. Мана, бу сафар ҳам отам салгина ҳаяжонланган эди, ингичка бўйни дарҳол қизариб кетди, мен эса кўнгли озиб қолмасин деб ташвишга тушдим.

— Машинка билан бирпасда ёзиб ташланадиган ишни дим идорада эртадач кечгача пишиллаб, кўчириб ўтиришни — йигитлар учун уят ва ҳақорат деб биламан,— дедим.— Бунинг нимасини муқаддас нур дейсиз? Ота!

— Барибир, бу — ақлий меҳнат ҳисобланади,— деди отам.— Бўлди энди, бу гапни бас қилайлик. Лекин ҳар эҳтимолга қарши шуни билиб қўйгинки, агар сен хизматга кирмай, яна ўша ярамас ишларга майл қўйиб юраверадиган бўлсанг — опанг ва менинг меҳр-муҳаббатимиздан маҳрум бўласан, мен сени меросдан маҳрум қилишга қасамёд этаман!

Мен ўз ҳаётим йўлида нақадар покиза ва самимий ниётларга суянганлигимни унга билдириш мақсадида ҳеч қандай ғаразсиз:

— Мерос масаласининг меним учун унчалик аҳамияти йўқ,— дедим.— Ҳозирдан эътиборан мен ҳаммасидан кечдим.

Бу гапни нима учун отамга қаттиқ текканини ўзим пайқамай қолдим.

— Қайси бет билан отанга шундай дейсан, аҳмоқ? — деб чинқириб юборди отам ва одатдаги эпчиллигини ишлатиб, юзимга кетма-кет икки тарсаки тортиб юборди.— Ҳаддингдан ошиб кетибсан-ку, бадбахт!

Болалик чоғимда отам урганда мен икки қўлимни ёнга қилиб, кўзига тикилганча қимирламай туришим шарт эди. Бу гал ҳам мен ўзимни бутунлай йўқотиб, айнан болалик вақтимдагидай қимирламай туришга ва кўзимни кўзидан олмасликка ҳаракат қилдим. Отам анча қариган, озғин одам бўлгани учун қўллари қайишдай қаттиқ ва ёмон тегар эди.

Мен тислана-тислана даҳлизга чиқдим, бироқ аллақайдан қўлига соябон тушиб қолиб, бошу елкаларимга бир неча марта аямай солиб қолди. Бу ерда нима тўполон бўлаётганини билмоқчи бўлиб, опам меҳмонхона эшигини очиб қаради-ю, аҳволимга ачинди ва қўрқиб кетди, лекин кўнгил учун отамга бир оғиз ҳам гапирмай, ўша заҳотиёқ юзини ўгириб олди.

Мен идора юзини кўрмасликка, оддий ишчи бўлиб, янги ҳаёт бошлашга узил-кесил қарор қилган эдим. Энди



хамма гап қайси ишни танлаб олишимда қолди ва мен бу тўғрида ташвишланмайман, чунки, ўзим бақувват, чидамлик бўлганим учун энг оғир меҳнатга ҳам қобил эканимни биламан. Бундан бу ёқ очликка, йўқликка қаноат қилишни, оддий бир ишчи қаторида ҳузур-ҳаловатсиз умр кечиришим, бир бурда нонга мухтож бўлиб, туну кун пул топиш хаёлида зир югуришимга ақлим етади. Қим билади? — бориб-бориб бир куни, мен Большая Дворянская кўчаси билан ишдан қайтаётганимда, ақлий меҳнат билан яшовчи инженер Должиковга ҳавасим келиб, пушаймон ҳам қиларман. Лекин ҳозир келгуси кулфат ва мусибатларни ўйлаган сари, негадир, завқланиб, кўнглим очиларди. Бир замонлар мен ақлий меҳнат билан кун кўришни орзу қилган эдим, гоҳ ўқитувчи, гоҳ ёзувчи, гоҳ доктор бўлгим келарди, лекин орзуларимнинг биронтаси рўёбга чиқмади. Мен ҳар хил завқларга қаттиқ берилган эдим, масалан театр ва китобхонликни айниқса яхши кўрардим, бироқ ақлий меҳнатга лаёқатим борлигини айта олмайман. Гимназияда ўқиган вақтимда энг ёмон кўрган дарсим — юнон тили бўлиб, шунинг касофатидан тўртинчи синфни ташлаб кетишга мажбур бўлдим. Репетиторлар мени бешинчи синфга тайёрламоқчи бўлиб кўп уринди. Сўнгра турли маҳкамаларда хизмат этиб, куннинг ярмидан кўпини бутунлай бекор ўтказишга ўргандим; одамлар буни менга ақлий меҳнат деб мақташар эди. Ўқиш ва хизмат соҳасидаги вазифаларим учун бекорчиликдан бошқа нарса даркор бўлмай қолди: бирон ақл ишлатадиган, талант, шахсий қобилият ёки ижодий завқ керак бўладиган жойи йўқ эди. Бундай ақлий меҳнатдан нафратланаман ва жисмоний меҳнатни афзал кўраман, чунки беташвиш, айш-роҳатда ҳаёт кечиришлик учун ҳеч қандай асос ёки ваз жўла олмаслигини яхши тушунаман, чунки бу хил меҳнатлар бекорчиликнинг айнан ўзгинаси бўлиб, аслида фирибгарликдан бошқа нарса эмас. Ҳақиқий ақлий меҳнатнинг нималигини мен ҳеч қачон билмаган бўлсам ҳам эҳтимол.

Кеч кирди. Биз Большая Дворянская кўчасида турар эдик. Шаҳримизнинг энг катта кўчаси шу бўлиб, бирон тузукроқ боғ бўлмагани учун тамоми казо-казолар ҳар оқшом шу ерда сайр қилишади. Икки бетига қатор тераклар ўтказилган бу ажойиб кўча қисман томошабоғ вазифасини адо этади. Хусусан ёмғирдан кейин тераклардан кушбўй ҳид тарқалади, уй олдидаги тулзору боғчаларда,

деворлар орқасида гуллаб турган акас, сирень, шумурт ва олма дарахтларининг шохлари кўчанинг ҳусн-латофатини ортттиради. Май оқшомлари ёруғ бўлади, майса кўкатлардан тушган майин соя, сирень гулининг муаттар ҳиди, қўнғизларнинг ғинғиллаши, ҳамма ёқ жимжит, ҳаво ҳам илиққина; йил сайин баҳор шу зайл такрорланса ҳам, ҳар сафар кишида янги-янги таассуротлар туғилади. Мен сайр этувчиларни томоша қилиб, кўча эшик олдида турган эдим. Бу юрганларнинг кўпчилиги билан бирга ўйнаб-ўсган бўлсам ҳам, ҳозир уларга аралаша олмасдим, чунки уст-бошим анча хароб бўлиб, бу олифталар мендан эҳтимол ор қилар эди; кийимим пойма-пой, шимим тор, этигим қўполлиги учун мени «макарой кема» деб аташарди. Ижтимоий мавқеим бўлмагани, кўпинча анчайин қовоқхоналарда бильярд ўйнаганим, бунинг устига бекордан-бекор икки марта жандарма офицерининг олдига судраб боришгани натижасида номим булганиб, шаҳарга танилиб қолган эдим.

Рўпарадаги инженер Должиковнинг ҳашаматли уйида аллаким рояль чалади. Қоронғи тушди, осмонда липлип йилтираб юлдузлар кўрина бошлади. Ана отам, йўлиққан одамларнинг таъзиму саломларига жавоб қайтариб, секин-секин ўтиб кетди. Отам кенг соябони қайилган эски цилиндрни кийиб олиб, опам қўлтиғидан тутиб бормоқда.

— Қара! — деди опамга, боя мени урган соябон билан осмонни кўрсатиб.— Осмонга қарагин! Шу юлдузларнинг энг кичкинаси ҳам — айрим бир олам! Инсон — чексиз коинотга нисбатан анчайин бир зарра.— Отам бу гапни шундай оҳангда айтдики, ўзини анчайин бир заррадан иборатлигига иқрор бўлишнинг мақтанадиган нимаси борлигига мен тушуна олмадим. Инсон ҳам шу қадар нўноқ бўладими? Афсуски шу одам шаҳримизда бирдан-бир архитектор эди! Сўнги ўн беш-йигирма йил ичида бу ерда биронта тузукроқ иморат солинганини билмайман. Бирон киши унга план чизиб беришни топширса, у аввало зал билан меҳмонхонанинг суратидан бошлайди. Бир вақтлар институтда ўқиётган қизлар танца ўрганмоқчи бўлса, печкани мўлжал қилиб олиб, сўнгра бошларкан. Отам ҳам худди шулар сингари ўз ижодий «санъатини» зал билан меҳмонхонадан бошламаса, миясига илҳом келмаса керак. Зал билан меҳмонхона суратини батамом чизиб бўлгандан кейин, овқатланадиган уй, болалар бўл-

маси, кабинет ва бошқа ҳужраларни ёнига қўшаверади. Натижада ҳар уйга иккитадан, ҳатто учтадан эшик тўғри келиб, ҳаммаси йўлакка ўхшаган оёқ-ости бўлиб қоларди. Бу соҳада етарли билими бўлмаганини, бинокорлик ишининг талабларини пухта ва чуқур тушунмаслигини мен аниқ билардим. Отам, планда нимадир етишмаганини сезиб, доим қўшимча нарсалар билан безашга уринар эди. У қурган иморатлардаги даҳлизлар кафтдек, йўлаклари тор, болохонага чиқадиган зиналар қинғир-қийшиқ бўлиб, ҳали ҳам кўз олдимдан кетмайди. Болохона ҳам шу қадар бесўнақай бўладими: турсанг — бошинг шипга тегади, оддий пол ўрнида учта қўнқайган зинани кўрасан. Ошхонани, албатта, подвалга тиқиштирмаса, отамнинг кўнгли жойига тушмайди, шипи муқаррар гумбазлик, полиғиштин бўлиши шарт. Бу иморатларнинг сиртқи кўриниши бирам хуник ва бесўнақайки, ҳайрон қоласан киши. Ҳамма биноларнинг томи япасқи ва пастаккина бўлар, онда-сонда сағанага ўхшаган мўрилар кўриниб турар ва ҳар қайсисининг устида биттадан қорамтил шамол паррак чириллаб айланиб турмаса сира иложи йўқ эди. Бир-биридан баттар ва ўхшовсиз шу биноларни кўрган сайин эсимга, отамнинг эски цилиндри, сўррайган ғавс гардани тушаверади. Йиллар ўтиши билан, шаҳар халқи ҳам отамнинг ношудлигига ўрганиб қолди ва бу бесўнақай бинолар эса, Полозневлар стили бўлиб танилиб кетди.

Отам ўзининг шу бебурд стилини опам ҳаётига ҳам аралаштирди. Мени Мисаил, уни Клеопатра деб чақирар ва шуни ҳам ўзича бир мансаб ҳисобларди. Болалик чоғидан бери опамга осмондаги юлдузлар, қадимги донишманду азиз одамлар, аждодларимиз тўғрисида ҳар хил гапларни уқдиравериб, бечоранинг юрагини олиб қўйган эди. Турмуш нима, бурч нималигини соатлаб унга тушунтирарди. Мана ҳозир ёши йигирма олтига кирган бўлса ҳам, то шу дамгача бечорани ўз ҳолига қўймайди, ўша насиҳатларини қайта-қайта такрорлайверади, бегона кишини опам яқинига йўлатмай, ўзи билан олиб юрарди. «Ахири бориб, одобли бир йигит топилади ва менинг шахсий фазилатларим ҳурмати учун қизимга уйланади» деган хом хаёлларни ўйлайди. Опам дадамини сидқидил яхши кўрар, унинг ақлу фазилатларига батамом ишонар, лекин ундан қўрқарди.

Қоронғи тушди, бориб-бориб кўчада ҳеч ким қолмади. Рўпарадаги уйдан келаётган музика садоси ҳам ўчди.

Сал ўтмай дарвоза ланг очилиб, уч от қўшган извош пайдо бўлди-да, қўнғироқларини жаранглатиб, ҳайдаганича ўтиб кетди. Инженер Должиков қизи билан сайр этгани чиқди. Энди ухлаш керак!

Уйимиздаги туппа-тузук бўлмадан кечиб, мен ҳозир ҳовлидаги бир ярамас ҳужрада турибман. Бу ҳужра бос-тирмага туташган ва аслида эгар-жабдуқ қўйиш учун бобом замонида солинган бўлиб, тамомий деворларига қозиқ қоқилган эди. Кейинчалик ҳужрага эҳтиёж қолмаганидан отам ўттиз йилдан бери бу ерга газеталарини қўядиган бўлди; газетанинг ҳар олти ойлик сонлари алоҳида муқовалатилиб, ҳеч кимга олгани рухсат этилмасди. Шу ҳужрада турсам, отам ва меҳмонлар кўзидан четроқда бўлишимни ҳамда «сён текинхўрсан» деган маломатдан қутулишимни билардим; шунинг учун яхшигина уйдан ва у ерда пишириладиган овқатлардан кечишга мажбур бўлдим.

Опам мени ҳужрада кутиб турган экан. Бечора, отамдан яшириб, бир бурда нон билан қиттай яхна гўшт келтирибди. Оиламизда: «пул — ҳисоблик нарса, тийинни тежасанг — сўм бўлади» деган сўз кўпинча такрорланарди. Отам учига чиққан хасис бўлгани учун бир тийин устида талашаверарди; опам бечора эса — унинг сассиқ сўзлигидан изтироб чекар ва ўлиб-толиб рўзғор харожатларини камайтиришга ҳаракат қиларди. Уйимизда бирон марта тузукроқ овқат пиширилганини эслай олмайман. Опам қўлидаги тарелкани столга қўйиб, тўшагим устига ўтирдиди, йиғлаб юборди.

— Мисаил,— деди у,— бу нима қилганинг? — у юзини яширмади; кўз ёшлари кўксига ва қўлларига томчилаётганини кўрдим; чеҳраси ҳаддан зиёда ғамгин эди. Бирданига юзини ёстиққа буркаб олиб, ўзини тута олмасдан ҳўнграб йиғлай бошлади.

— Тағин хизматдан бўшабсан...— деди йиғи аралаш.— Ниҳоятда ёмон иш бўлибди!

— Менинг ҳам дардимни тушунсанг-чи, опа! — деб ялиндим. Унинг йиғлашини кўриб, кўнглим бутунлай бузилиб кетди. Аксига, керосин ҳам тамом бўлиб, лампа тутаб кетди ва ўчар-ўчмас липиллай бошлади. Ғира-шира ёруғда девордаги қозиқлар ваҳимали бўлиб кўринар, унинг соялари ҳадеб типирчиларди.

— Бизга раҳминг келмайдими? Мисаил,— деб сўради ўрнидан тураётиб.— Отам бу ғаму ғуссалардан адои та-

мом бўлди, мен — хастаман, зўрға юрибман, ўйлайвериб, жинни бўлаёдим. Пировардида нима бўлишингни биласанми ўзинг? — деб, қайта-қайта сўрар, қўлларини чўзиб, ёлвориб йиғлар эди. — Сендан сўрайман, жон ука марҳум онамизни шафиғ келтириб сўрайман: яна қайтиб хизматга киргин, Мисаил!

— Йўқ, бўлмайди, Клеопатра! — дедим. Опам яна бир оз қистаса гапини қайтара олмаслигимга кўзим етди. — Йўқ, мумкин эмас!

— Нега? — деб қўймади опам. — Нега? Агар бошлинг билан чиқиша олмаган бўлсанг, бошқа бирон идорага хизматга кир. Масалан, темир йўлда бирон ишга кирсанг бўлмайдами? Мен ҳозир Анюта Благово билан гаплашдим. Темир йўлда, албатта сени ишга қабул қилади дейди, ҳатто бу тўғрида ўзи ҳаракат қилмоқчи бўлиб, ваъда берди. Худо ҳақи, Мисаил, ўйлаб иш қилгин! Бир ўйлаб кўргин, сендан илтимосим шу!

Яна бир оз гаплашгандан сўнг мен таслим бўлдим. Янгидан қурилаётган темир йўлда хизмат қилиш фикри то шу дамгача хаёлимга келмаганини ва бу ишга тайёр эканимни айтдим. Опам бечора суюнганидан кўз ёшлари аралаш менга кулиб боқар, қўлларимни маҳкам қисар ва ўзини тўхтата олмай ҳадеб йиғларди.

Мен керосин келтириш учун ошхонага бордим.

## II

Ҳаваскорлар спектакли, концерт ва иона тўплаш учун томоша қўйишда шаҳардаги ишқивозларнинг энг биринчиси — Ажогиналар эди. Бу оила Большая Дворянская кўчасидаги ўз ҳовлисида турарди; томошаю спектакллар ҳамиша шуларникида ўтказилиб, тамомий ташвишу чиқимлар ҳам шуларга юкланарди. Уездда буларнинг уч минг десятина ери ва ҳашаматли қўрғони бўлиб, энг бой помешчиклардан ҳисобланар, бироқ қишлоқни ёқтирмагани учун қишин-ёзин шаҳарда яшарди. Оилада онаю уч қиз бор эди, онаси новча бўй, қотмароқ келган, сочлари калта қилиб кесилган мулойимгина бир хоним; инглизча модага таҳасиб қилиб, калта кофта билан силлиқ юбка кияди. Ҳеч ким бу уч қизнинг отини айтмас, ҳамма уларни: каттаси, ўртанчаси, кенжаси деб айтаверарди. Учовининг ҳам энгаги чўзиқ ва хунук бўлиб, хира кўз, букчайган қизлар эди; онасига ўхшаб кийинишар ва мудом ши-шилаб гапиришарди. Шунга қарамай улар ҳар бир томо-

шага қатнашиб, спектаклда ўйнар, декламация ўқир, ашула айтар, ишқилиб хайр-эҳсон тарзида ҳамиша аралашиб туришарди. Бу қизлар шу қадар жиддий эдики, бирон марта кулганини биров кўрган эмас, ҳатто энг кулгили ролларни ўйнаганда ҳам худди бухгалтерлик қилаётгандай хўмрайиб тураверишарди.

Мен бу спектаклларни ва айниқса репетицияларни жуда яхши кўрадим. Репетицияларимиз тез-тез бўлиб турар, ҳамиша тўполон, шовқин-сурон билан ўтар ва тамом бўлгандан кейин ҳаммани овқатга таклиф этишарди. Пьеса танлаш ҳамда ролларни тақсимлаш вақтида мен қатнашмасдим. Менга саҳна ишлари юкланган эди. Мен декорация чизардим, ролларни кўчирадим, суфлёрлик, гримёрлик қилардим; саҳна орқасида булбул бўлиб сайраш, момақалдироқ каби гулдуратиш ва шунинг сингари турли садолар ҳаммаси менга топширилган эди. Ижтимоий мавқеим ва тузукроқ кийимим бўлмаганидан, мен репетиция пайтларида мумкин қадар одамларга аралашмасликка, кўпинча саҳна ортида бўлишга ҳаракат қилардим ва уятчанлитимдан гапиролмасдим.

Декорацияларни мен Ажогиналарнинг ҳовлисида ёки бостирмаси тагида чизардим. Бу ишда менга бир буёқчи доим қарашар эди. Эллик ёшлар чамасидаги Андрей Иванов деган бу одам ўзини буёқ ишларининг пудратчиси деярди. Бу новча буёқчи жуда озиб кетган, кўкраги чўккан, кўзларининг таги кўкарган эди, чеккаларида бир парча эт қолмаган ва умуман ранги-рўйи бир ҳолатда бўлиб, одам кўрса — қўрқиб кетарди. Бечора аллақандай дармон қуригадиган бир дардга чалинган эди. Ҳар йил баҳор ва кузак пайтлари касали зўрайиб: «ўлим тўшагида ётибди» деган овоза бўларди-ю, бироқ ётиб-ётиб тузалиб чиқар ва одамларга: «Яна ўлмасдан қолдим» деб мақтаниб юрарди.

Шаҳар аҳли уни Редька деб чақирар ва кўп одамлар, унинг асл фамилияси шу бўлса керак деб ўйларди. У ҳам менинг сингари театрни яхши кўрар ва «спектакль қўйилармиш» деган хабарни эшитган ҳамон, ҳамма ишларини йиғиштириб, декорация бўягани тўппа-тўғри Ажогиналарникига келаверарди.

Опам билан гаплашган оқшомнинг эртаси куни мен эртадан-кечгача Ажогиналарникида ишладим. Репетиция кеч соат еттига белгиланиб, бошланишга бир соат қолганда, ҳамма иштирокчилар залга йиғилди. Уч опа-сингил: каттаси, ўртанчаси ва кенжаси — саҳнада бўлиб, даф-

тарга ёзилган ролларини ёдламоқда эди. Редька эса — эгнида узун малла пальто, бўйнида шарф, деворга чеккасини суюганича боядан бери саҳнага тикилиб, маҳлиё бўлиб, қотиб қолибди. Ажогина хоним дам-бадам одамлар ёнига бориб, бирон гап билан кўнглини кўтаришга, ишқилиб зериктирмасликка ҳаракат қилмоқда. Хонимнинг қизиқ бир одати бор: одамга қаттиқ тикилиб қарайди ва гапига сирли тус бериб, доим шивирлаб гапиради.

— Декорация чизиш ҳам жуда оғир нарса,— деди секингина менга.— Биз Муфке хоним билан эндигина хурофот тўғрисида гаплашиб турган эдикки, эшикдан сиз кириб келдингиз. Худога аён: мен умр бўйи хурофот ва бидъатларга қарши курашиб келаман. Хизматкорларимни ҳар хил ирим-сиримларидан қайтариш ниятида жўртга га уч дона шам ёқаман, энг муҳим ишларимни атайи ўн учинчи числода бошлайман<sup>1</sup>.

Сочлари новвотдай товланиб, лўппигина гўзал бир қиз кириб келди. Бу инженер Должиковнинг қизи бўлиб, бошдан-оёғигача Париж кийимларига ясанган эди. У спектаклда қатнашмаса ҳам, репетицияларга келиб турар ва унинг учун ҳар сафар саҳнага махсус стул қўйиб бериларди. Спектаклга келганда кийимлари бирам ярашиб, хилма-хил турланиб, чақнаб турар, ҳаммани ўзига маҳлиё этар ва у биринчи қаторда ўрнашиб олмагунча — парда очилмасди. Бу ўзи пойтахтдан келган уддабура қиз бўлгани учун, бизнинг репетицияларимизга бемалол аралашаварди; ёқмаган жойларини такаббурлик билан, қулиб туриб айтиб берар, мулойимгина тузатишга ҳаракат қиларди; умуман бизнинг спектаклларимизни анчайин эрмак ҳисоблаб, менсимагани сезилиб турарди. Унинг Петербург консерваториясида ўқиб, ашулачи бўлгани ва ҳатто аллақайси хусусий операда бир қиш ишлагани тўғрисида гап юрарди. Бу қиз менга жуда ёққанлиги учун репетиция ва спектакль пайтларида кўзимни ундан узмай тикилар эдим.

Мен суфлёрлик қилишга тайёрланиб, эндигина пьесани қўлимга олган эдимки, бирданига опам кириб қолди, пальто ва шляпасини ечмасдан, тўғри менинг ёнимга келди.

— Сендан илтимос қиламан, бу ёққа юр.

---

<sup>1</sup> Уч дона шам ёқишнинг ва ўн учинчи числонинг ҳосияти бўлмайди деган ирим бор. (Тарж).

Мен гапини қайтармадим. Саҳна ортидаги эшик ёнида Анята Благово кутиб турган экан. У қорамтил тўр тутган қалпоқ кийган эди. Анята суд раиси муовинининг қизи бўлиб, отаси деярли округ суди ташкил топгандан бери шаҳаримизда хизмат қиларди. Анята қадди-қомати кетишган ва хушрўй бўлгани аксарият томошаларда уни пари ё малак тусида ясатиб қўйиларди, бироқ ўзи бундан уялар, қизариб-бўзариб зўрға турарди. Анята спектаклларда қатнашмас, фақат зарур иши бўлса, репетицияга келар, бироқ залга кирмасдан шу заҳотиёқ қайтаверарди. Бу гал ҳам шошиб тургани аниқ эди.

— Отам сизнинг тўғрингизда Должиков билан гаплашган экан,— деди Анята қизариб, юзимга қарамасдан.— Должиков сизни темир йўлда бирон хизматга қабул қилмоқчи бўлибди. Эртага шунга боришингиз лозим, ўзи уйда бўлади.

Мен бу ғамхўрлиги учун Анятага таъзим қилиб, миннатдорлик билдирдим.

— Буни шу ерда қолдирсангиз бўларди,— деди у қўлимдаги пьесани кўрсатиб.

Опам иккиси Ажогина хонимнинг ёнига бориб, икки минут чамаси шивир-шивир қилишди; ора-сира мен томонга қараб-қараб қўйишар ва ниманидир маслаҳат қилишарди.

Ажогина хоним эста-секин ёнимга келди-да, кўзимга тикилиб, деди:

— Дарҳақиқат, агар бу нарса асосий ишларингизга халақит берадиган бўлса, буни бошқа бировга топширингиз маъқул. Хафа бўлманг, майли бора қолинг, дўстим! Сизни худога топширдим.

Мен унинг билан хайрлашдим, бироқ негадир қаттиқ хижолатда қолдим. Зинадан тушиб келаётиб, опам билан Анята Благовони кўрдим: иккиси алланимани гаплашиб, шошилганича кўчага чиқиб кетаётган экан. Менинг темир йўлга ишга киришимдан бошқа ҳозир нимани гаплашишлари мумкин? . . . Опам умрида репетицияга келмаган бўлиб, берухсат Ажогинаникига келганини агар отам билиб қолса, яхши бўлмайди. Ҳозир шуни ўйлаб, опамнинг хавотирланиши, виждон азобида қийналиши муқаррар, мен буни яхши биламан.

Эртаси куни соат ўн иккидан ўтганда Должиковникига бордим. Хизматкори мени чиройли бир уйга бошлаб кирди. Бу жой унинг ҳам меҳмонхонаси, ҳам иш кабинети



экан. Бу ердаги тамомий нарса нафис ва гўзал. Мен сингари дабдабага ўрганмаган кишилар шу ғалати буюмларни кўриб, ўзини йўқотиб қўйиши ҳам мумкин. Қиммат баҳо гиламлар, баҳайбат диванлар, хилма-хил суратлар, ғижим бахмал билан зар қоплаган рамлар кўзни қамаштиради; хушрўй хотинларнинг ажойиб фоторасмлари деворларга осилган; эркин қиёфасини, маънидор ва гўзал чеҳрасини томоша қилган одам лаззатланади. Меҳмонхонанинг боғ томондаги балконга чиқадиган эшиги қия очиқ: гуллаётган сирень дарахти, нонушта учун ҳозирланган дастурхон, анчагина бутилка ва бир даста гул кўринади; баҳор ҳиди ва қиммат баҳо сигаранинг иси келади, тамомий нарсалар бахт-соадатдан дарак бериб, бамисоли: мана кўрдингизми? Бу одам астойдил меҳнати туфайли дунёда ҳеч ким кўрмаган ҳузур-халоватга эришди, деб Должиковни мақтаётгандай бўларди. Ёзув столи қошида инженернинг қизи газета ўқиб ўтирган эди.

— Дадамда ишингиз борми? — деб сўради қиз. — Душ қабул қияпти, ҳозир келиб қолади. Қани, марҳамат, ўтиринг!

Мен ўтирдим.

— Сиз рўпарадаги уйда турсангиз керак? — деб сўради бир оздан сўнг.

— Ҳа.

— Мен ҳар кунни зерикканимдан деразадан ташқарига қараб томоша қиламан; бунинг учун мени кечирарсиз, — деди газетадан кўзини олмай. — Кўпинча опангизни ва сизни кўриб тураман. Опангиз истараси иссиққина қиз экан, бироқ доим ўйланиб юради.

Должиков кириб келди; қўлидаги сочиқ билан бўйнини арта бошлади.

— Дада, monsieur Полознев сизни кутади, — деди қиз.

— Ҳа, ҳа Благово гапирган эди, — деди-да, мен томон бурилди-ю, кўришмади. — Хўш, мен сизга нима иш беришим мумкин? Мендаги ишларни биласизми? Сиз жаноблар, ҳаммангиз ҳам ғалати одамларсиз! — деб бақириб гапиргани назаримда худди менга танбиҳ бераётгандай сезиларди. — Ҳар кунни сизга ўхшаганлардан камида йигирматаси мендан иш сўраб келади. Билмадим, инженер Должиковнинг департаменти бор деб ўйлашадими? Мен йўл солаётиман, мендаги ишга одамнинг — одами чидай олади; менга механик, слесарь, дурадгорлар, ер

қазувчилар, қудуқ кавлаб сув чиқарувчи кишилар даркор; сизлар эса — ўтириб олиб хат ёзишдан бошқани билмай-сиз! Ҳаммангиз ёзувчиликка устасиз, холос!

Должиковнинг чеҳрасида, ҳаттоки, гилам ва кресло-ларида ҳам бахтиёрлик акс этиб турарди. Унинг семиз ва соғломлигига, қип-қизил юзи ва тоғдай азамат кўксига ҳавасим келди. Ҳозиргина ювиниб, топ-тоза чит кўйлак ва чалвор кийиб чиққан бу одам чинни кўғирчоққа ўхшаб, йилтираб турарди. У соқоли жингалак ва ихчамгина, биронта оқарган мўй кўринмас, қирра бурун, қора кўз одам бўлиб, кўзлари тиниқ ва ўткир эди!

— Кўлингиздан нима иш келади? — деб сўради у.— Ҳеч нима келмайди, дея қолинг! Мен инженерман, давлатим ўзимга етади, бироқ темир йўл қуришга эришгунча, она сутим оғзимга келган: оддий машинист бўлиб, паровоз ҳайдаганман, Бельгияда роса икки йил вагон мойлаб, смазчиклик қилганман. Ўзингиздан қолар гап йўқ, мен сизни қайси ишга кўйишимни билмай қолдим, азизим!

— Албатта, бу гапларингиз тўғри-ку... — дедим зўр-ғатдан ғўлдираб; ҳалиги тиниқ ва ўткир кўзлар тикилиб турганидан бутунлай бошимни кўтара олмай қолган эдим.

— Ҳеч бўлмаса, биронта аппаратни биласизми? — деб сўради ўйланиб туриб.

— Биламан, мен телеграфхонада хизмат қилганман.

— Ҳм... Ундай бўлса кўрамиз. Ҳозирчалик Дубечняга борасиз. У ерга бир йигитни кўйганман, ярамас одам чиқди.

— Вазифам нимадан иборат бўлади? — деб сўрадим.

— Борганда биласиз. Ҳозирча бора туринг-чи, кейин ўзим айтаман. Аммо, зинҳор ичкилик ичмайсиз ва ҳеч қанақа илтимослар билан бошимни қотирмайсиз. Акс ҳолда ҳайдаб юбораман.

Инженер лоақал бош қимирлатиб хайрлашмоқни ҳам эп кўрмади шекилли «гап тамом» дегандай қилиб, мендан узоқлашди. Мен газета ўқиб ўтирган қизга ва унинг тақаббур отасига таъзим қилдим-да, дарҳол чиқиб кетдим. Кўнглим шу қадар ранжиган эдики, опам: инженер қандай қабул қилди? деб сўраганда тилим тутилиб, ҳеч нарса дея олмадим.

Дубечняга бориш ҳаракатида мен кун чиқар-чиқмас, барвақт туриб олиб, йўлга чиқдим. Бизнинг Большая Дворянская кўчадагилар ҳали уйғонмагани учун кўчада биронта инсон кўринмас, ҳамма ёқ жимжит бўлиб, ёлғиз ме-

нинг тап-туп юрганим эшитиларди. Теракларга шабнам тушган, ҳаво шинам, муаттар ҳидга тўлган эди. Кўнглим ниҳоятда ғамгин, шаҳардан кетгим келмасди; чунки мен шу шаҳарда туғилиб ўсганман ва уни яхши кўраман. Шаҳаримни мен жуда гўзал ва дилдор сезардим. Мана шу кўринган майсаю кўм-кўк дарахтларни, чарақлаб турган жимжит эрталабки пайтларни, черков кўнгироқларининг вазмин садоларини севардим, бироқ ҳамшаҳарларимнинг ҳаммаси ёқимсиз, мендан узоқ ва ҳатто ярамас одамлар эди. Мен уларни ёқтирмасдим ва уларга бутунлай тушунолмас эдим.

Шаҳримиздаги олтмиш беш минг кишининг нима учун яшашини ва нима билан тирикчилик қилишини тушунмасдим. Мен Кимри шаҳрининг аҳолиси этикдўзлик орқасида кун кечиришини, Туланинг самовар ва милтиқ билан ном чиқарганини, Одессанинг дунёга танилган порти борлигини биламан-у, бироқ бу шаҳарнинг ўзи нимаю, халқи нима иш қилишига тушуна олмайман. Большая Дворянскаядан бошқа тагин иккита озодароқ кўчаси бор; ҳамма савдогару, амалдор шу ерда туради; савдогарлар савдо-сотиг билан, амалдорлар — ғазнадан оладиган маош билан яшайди. Қолган саккизта кўча эса уч километрга чўзилиб, этаги қирнинг нариги томонида тугайди. Энди бу саккиз кўчанинг аҳолиси нима билан ва қандай кун кўришига сира ақлим етмайди: бу нарса мен учун мушкул бир жумбоқ эди. Бу одамларнинг нимасини айтасиз? Ишқилиб, номига турмуш, ўлмаснинг куни: кечирган ҳаётини тилга олиб бўлмайди! Биронта томошабоғ, театр, ёки тузукроқ бир оркестр йўқ; шаҳардаги ҳамда клуб ёнидаги кутубхоналарга ўспирин яҳудийлардан бошқа ҳеч ким кирмаганидан, янги келган китоб ва журналлар ойлаб варағи кесилмай боягисича ётаверади; бой ва зиёли оилалар эса, дим, тор уйларда туришар, каналаб кетган ёғоч кроватларда ётишарди; болаларини жирканч ва ифлос ҳужраларда сақлаб, тагин уни, болалар бўлмаси деб аташарди; ҳатто умр бўйи шуларнинг хизматини қилиб қариган қароллари ҳам уводага ўралиб, ўчоқ бошларида ётиб кетаверишарди; оддий кунлари карам шўрва, рўзада эса — семичка мойига қовурилган балиқ ҳиди тамомий уйни босиб кетарди. Егани бемаза овқат, ичгани ёмон сув эди. Кўп йиллардан бери думахонада, губернатор идорасида, архиерейникида, умуман ҳамма жойда одамлар тоза ва арзон сув келтириш учун ғазнадан икки юз

минг қарз олиб водопровод қуриш кераклигини тинмай гапиришарди. Шаҳримизда ўттизга яқин бадавлат кишилар бўлиб, баъзан булар бутун бошли мулкларини қиморга бой берганларини билардим, бироқ мен бу зикналарнинг ифлос сувни ичиб туриб, ғазнадан қарз олиш тўғрисида оғиз кўпиртириб вайсаганига, нима учун ўз ёнидан сарф қилиб қўя қолмаганига асло тушунмасдим.

Шаҳримизда биронта тўғри одам борлигини билмайман. Отам ҳам порадан тортинмас: маънавий фазилатларим учун берадилар, деб олаверарди; гимназистлар синфдан-синфга ўтмоқ учун муаллимларининг уйидан овқатланар ва овқат пули деган баҳона билан уларга пора беришарди; ҳарбий бошлиқнинг хотини солдатликка одам олиш вақти келганда йигитлардан пора олар, улар тутган ароқни уялмай ичаверарди; ҳатто бир куни роса маст бўлиб, черковда ўрнидан тура олмай қолганини кўрганман; солдат олиш пайтида докторлар ҳам бўлганича бўлиб олишарди; шаҳар доктори ва мол доктори бўлса-ку, қас-собхонаю ошхона эгаларига солиқ солавериб, кўз очгани қўймасди; уезд мактабида учинчи даражага енгиллик берадиган гувоҳномани очиқ-ойдин сотиларди; диния назоратидагилар ўз қарамоғидаги вақф вакилларидан, черков мутаваллиларидан пора олишарди; биронта инсон шаҳар маҳкамасига, ҳунармандлар бошқармасига, ёки соғлиқни сақлаш шуъбасига, ишқилиб киши қайси идорга келмасин — ишини битириб, тўғри чиқиб кета олмасди: «Индамай кетаверасанми?» деб кетидан бақиришарди; бечора изига қайтиб, ўттиз-қирқ тийин узагишга мажбур бўларди. Шулар орасида гоҳо суд мансабдорларига ўхшаган, пора олмайдиган кишилар учраса ҳам, булар ўта кетган димоғдор бўларди; кўришганда зўрға қўл учини берар, доим карта ўйнар, арақхўрликдан бош кўтармас, ақлу идрокдан бенасиб ва ўлгидай совуқ одамлар эди; кўпчилиги бой хотинларни топиб олиб, хотинининг давлатида ҳаёт кечирар, истаган бузуқлигини қилиб, бошқаларни ҳам йўлдан оздирарди. Фақат қизлар ахлоқ жиҳатидан покиза ва мусаффо эди. Аксарияти руҳан покиза, ҳалол ва тўғри бўлиб, олижаноб мақсадларга интиларди; бироқ бу бечоралар турмушни тушунмас ва порани кишининг маънавий фазилатлари учун берилади деган гапга ишонарди; эрга теккандан кейин тез орада қариб, эскилик ботқоқлиги ҳамда мешчанлик икир-чикири ичида бутунлай ҳоки-туроб бўлиб кетарди.

Уша кезлари биз томонда темир йўл қурилмоқда эди. Ҳайит ва байрам арафаларида шаҳримизни чувринди одамлар босиб кетарди. Аҳоли буларни «чўянчи» деб атар ва ҳамма улардан қўрқарди. Кўпинча мен, афт-башараси қонга бўялган, бошьяланг чувриндини одамлар полиция идорасига олиб кетаётганини кўрардим. Уғрилигининг далилу исботи учун самовар ёки ювиб ёйиб қўйилган ҳўл кўйлакни кўтариб боришарди. Бу чўянчилар доим қовоқ-хона ва бозор атрофида гужгон ўйнашар, топганини еб-ичиб олиб, сўкишар ва биронта фоҳиша хотин кўриниб қолса, кетидан қийқиришиб, ҳуштак чалишарди. Бизнинг баққолларимиз ҳам атайлаб шу очофат чувриндиларга эрмак учун ит ва мушукларга ароқ ичира ёки итнинг думига тунука идиш боғлаб қўйиб юборишарди: ҳуштак чалишарди, ит тумтарақай қочар, тунука тарақлаган сари вангилларди, бир балойи азим қувлаётгандай ўтакаси ёрилиб, шаҳардан чиқиб кетар ва мажоли қолмай далада бирон жойга бориб йиқиларди. Шаҳримизда думини қисиб, қалтираб турадиган бир неча ит бор эди, одамлар уларни эрмакка бардош беролмай, жинни бўлган деярди.

Вокзални шаҳардан беш чақирим нарироқда қура бошладилар. Уни шаҳар яқинига қурмоқ учун инженерлар эллик минг сўм пора сўраган эмиш; шаҳар маҳкамаси эса, фақат қирқ минг бермоқчи бўлибди, ўн мингга қолганда гап пишмай, вокзал узоқда қолибди. Энди ҳамма: эллик мингга кўна қолсак бўлмас эканми? деб пушаймон қиларди, чунки вокзалгача тош кўча солиш кераклиги ва бу йўл эллик мингдан ҳам қиммат тушиши аниқ эди. Темир йўлнинг шпал ва излари ётқизилиб, аллақачон тайёр бўлса ҳам, ҳозирчалик фақат йўл эҳтиёжи учун хизмат қиладиган поезд қатнаб, материал ҳамда ишчиларни ташир эди. Инженер Должиков солаётган кўприклар ва баъзи станция бинолари ҳали битмаганидан йўлнинг батамом очилиши фақат шунга қараб қолган эди.

Биринчи станциянинг номи Дубечня бўлиб, ораси шаҳардан ўн етти километр эди. Мен пиёда йўлга чиқдим. Теварак-атрофимдаги баҳори ва кузги бугдойзорлар эрталабки қуёш нурида кўм-кўк товланарди. Йўлим чиройли ва текис жойлардан ўтганлиги учун олисдан вокзал бинолари, қўрғонлар ва йироқларда помешчик иморатлари

кўринарди... Кенг далада кўнглим ором оларди. Мен лоақал шу эрталабки чоғда эркинлик лаззатини беташвиш тотгим келарди, шунинг учун шаҳарда бўлаётган ишларни ўйламасликка, юрагимдаги дарду аламларни нутишликка ҳаракат қилардим; кўнглим овқат тиламасди! Дунёда ҳеч нарса менга очлик сингари ёмон таъсир қилган эмас: хаёлим энг яхши фикрлар билан банд бўлиб турганда, қора буғдой ёрмасидан қилинган бўтқа, қовурилган балиқ ва котлетлар дарҳол эсимга тушиб, халақит берарди. Мана ҳозир мен осмонга тикилиб, ҳавода қимир этмай сайраётган тўрғай ноласини тинглайману, кўнглим шу топда нон билан сариёғни тусаб, тагин хаёлни чалғитади. Еки, йўл ёқасида бир оз ўтириб дам олай-да, май ойининг ажойиб нағмасини тинглай десам — дарҳол пиширган картошканинг ҳиди эсимга келиб, фикримни бузади. Мен барваста ва бақувват йигит бўлсам ҳам, тўйиб овқат емай, сиқилиб ўсганман, кун бўйи мени қийнаган нарса асосан очлик туйғуси бўлган. Умрим очинтўқин ўтганидан мен минглаб кишиларнинг фақат бир парча нон учун ишлаб, нима учун овқатдан бошқани тилга олмаганларини жуда яхши тушунардим.

Дубечняда станция биносининг ички сувоқларини ҳамда водокачка ёнидаги бир ёғоч иморатнинг устки қаватини тамомлашаётганини кўрдим. Кун иссиқ, ҳамма жойда оҳак ҳиди бурқсар; ишчилар тўп-тўп уйилган пайраха ва ахлатлар орасида ивирсиб юрарди; стрелкачи ўз будкаси олдида, роса куннинг тигида ухлаб ётарди. Атрофда биронта дарахт йўқ. Телеграф симларининг гинғиллаган садоси эшитилади, онда-сонда симга қўнган қирғийлар кўринади. Мен нима қилишимни билмай ҳалиги жойларни айланиб юрар эканман: вазифам нимадан иборат деган саволимга инженернинг: «борганда кўрасиз» деган жавоби эсимга келди. Бироқ бу даштда нимани кўриш мумкин? Сувоқчилар менга ишбоши ва яна аллақандай Федот Васильев тўғрисида гапиришди-ю, бироқ гапларига тушунмадим ва зерика бошлаганимни сездим; юрагим шу қадар сиқилдики, шу каттакон жасаду оёқ-қўлларим соппа-соғ бўла туриб нимага ишлатишимни, нима қилишимни билмаганим алам қилди.

Икки соат чамаси тажангликда нари бориб, бери келиб юргач, станциядан ўнг томонга қатор симёғоч кетганини ва бир ярим-икки чақирим жойда кўринган оппоқ тош деворга бориб тақалганини кўрдим; ишчилар конто-

ранинг ўша ердалигини айтишди, шу ёққа боришим кераклигини англадим.

Бу жуда эски ва ташландиқ ҳолга тушган бир қўрғон эди. Девори оқ харсанг тошдан ишланган бўлиб, уваланиб кетган ва баъзи жойлари қулай бошлаган эди; уйга туташган ҳужранинг дала томонида дераза йўқ, тунука томи занг босиб, тўзиб кетган, онда-сонда ямалган жойлари кўринади. Дарвозадан қаралса, бурган босиб кетган кенгинга ҳовли ва бойдан қолган қадимги уй кўринадди, деразаларига чий парда тўсилган, томи баланд, тунукаси занглаб кетган. Уйнинг ўнг ва чап томонларига бир хил қилиниб иккита ҳужра солинган экан; бирининг деразаларига тахта қоқиб ташланибди, иккинчи ҳужранинг деразалари очиқ, ёнига арқон тортилиб, кир ёйиб қўйилибди, теварагида бузоқлар юрибди. Сўнги телеграф ходаси ҳовлига кўмилган бўлиб, симлар тўғри бояги деразасиз ҳужрага киради. Эшиги очиқ экан, мен кирдим. Телеграф аппарати турган стол ёнида қоп-қора жингалак сочли аллақандай бир жаноб ўтирарди; эгнида парусиндан тикилган пиджак. У хўмрайиб, кўз қирида менга боққан бўлди-да, бироқ шу заҳотиёқ илжайиб:

— Салом, арзимаган фойда!— деб сўрашди.

Бу йигит гимназияда мен билан бирга ўқиган ва папирос чеккани учун иккинчи класдан қувилган ўртоғим — Иван Чепраков эди. Бир вақтлар кузакда икковимиз саъва, майна ва тўрғайларни тутиб, ота-оналаримиз уйғонгунча саҳарлаб бозорга элтиб сотиб келардик. Биз чуғурчиқ учиб ўтадиган жойда пусиб ётардик-да, гала кўринган ҳамон майда чочма дори билан отардик ва ярадор бўлиб йиқилганини тутиб олардик. Баъзилари тузалмай роса азоб чекиб ўларди; бу бечораларнинг туни билан қафасда чийиллаб чиққанлари ҳали ҳам қулоғимдан кетмайди. Тузалганларини бозорга элтиб, харидорга ёлғондан онт ичиб, бу эркак деб бир амаллаб пуллар эдик. Бир куни қўлимда битта чуғурчиқ сотилмай қолган эди. Бозорда унга-бунга роса ишқаб кўрдим ва ниҳоят зўрға бир тийинга сотдим. Пулни чўнтагимга солаётим: «арзимаган фойда» деб юборибман; ўша-ўша бўлди-ю, кўчадаги болалар ва ҳамма гимназистлар мени «арзимаган фойда» деб чақирадиган бўлди; то шу дамгача болалар ва баққоллар баъзан шуни айтиб мени масхара қилади, бироқ бу лақабнинг қаердан келиб чиққани мендан бошқа ҳеч кимнинг эсида қолмаган бўлса керак.

Чепраковнинг қадди-қомати заиф; кўкраги чўккан, букчайган, узун оёқ бир йигит эди. Галстуги эшилиб кетган, ичда нимча йўқ, этигининг пошнаси меникидан баттар қийшайган эди. Кўзлари онда-сонда бир киприк қоқар, доим аланглаб турар ва бир нимани тутиб олмоқчи бўлгандай ҳовлиқаверарди.

— Қани, мундоқ кел-чи! — деди у ҳовлиқиб. — Олдин гапга қулоқ сол! . . . Айтгандай, нимани гапираётувдим?

Иккимиз узоқ гаплашдик. Турган уйимиз яқиндагина шуларники бўлиб, кузда инженер Должиковга сотилганини айтиб берди. Инженер пул сақлашдан кўра мулк сақлаш керак деб, ўлкамизда уч ерда яхши-яхши мулкни гаровдан ажратиб, арзонгина қўлга киритиб олган. Чепраковнинг онаси мулкни сотаётган пайтида икки йилгача ёнбошдаги ҳужрада туришни ва ўғлига идорадан бирон хизмат беришни шарт қилиб қўйган экан.

— Пули кўпайгандан кейин олади-да! — деди Чепраков, инженерни назарда тутиб. — Ёлғиз пудратчилардан шилган пули оёмунчами? Шилмаган одами йўқ!

Сўнгра мени тушги таомга бошлаб, бундан буёқ унинг билан ҳужрада туришим ва онасининг уйдан овқатлашим лозимлигини айтди.

— Онам зиқна хотин, — деди у, — лекин сендан кўп пул олмайди.

Онаси турган хоналар жуда тор бўлиб, жой сотилгандан кейин катта уйдаги мебеллар шу ерга, даҳлиз ва йўлакларгача тиқиб ташланган экан. Ҳаммаси қизил ёғочдан ишланган қадимги мебель. Жаноб Чепракова жуда семиз, кўзи хитойларникидай қийғоч, ёши қайтган бир хоним эди. Мен уйга кирганда дераза олдидаги катта креслода пайпоқ тўқиб ўтирган эди. Мени хийла такаллуф билан қабул қилди.

— Онажон, бу киши Полознев, — деб таништирди Чепраков. — Шу ерда хизмат қилади.

— Сиз дворян оиласиданмисиз? — деб сўради кампир ёқимсиз, ғалати бир овоз билан; семизлигидан томоғида ёғ биқирлаётганга ўхшади.

— Ҳа, — дедим.

— Ўтиринг.

Овқатнинг мазаси бўлмади. Тахир сузма солинган пирог билан сут оши қўйилди; Елена Никифоровнанинг, яъни уй бекасининг гоҳ ўнг кўзини, гоҳ чап кўзини қисадиган ғалати бир қилиғи бор экан. Оғзи овқатдан ва гап-



дан сира тинмасди, тамомий важоҳати жони йўқ нарсадай, ҳатто мурданинг ҳиди келиб турарди. Кампир ўлиб-ўлмай, қолиб-қолмай қилтираб зўрға юрса ҳам қадимги дағдағасидан сира тушмасди; бир замонлар шу помешчик кампирнинг ўз крепостнойлари бўлган, эри генерал ўтган, қароллари лаббай, жаноби ойимбека деб хизматида тайёр турган. Мана, шу тобда ҳам ўша даврларидан қолган хунук одатлари эсига тушиб, ўғлини тергамоқчи бўларди:

— Жан, қошиқ ундоғ ушланмайди ахир!

Эки ора-сира нозу таманно ва уҳ тортишлар билан, меҳмон зерикмасин дегандай, менга гапира бошларди:

— Биласизми, биз қўрғонимизни сотдик. Албатта, ачинамиз, чунки ўрганган ўз жойимиз эди, лекин Должиков Жанни Дубечня станциясига начальник қиламан, деб ваъда берган, демак биз кўчмаймиз, шу ерда қоламиз, ўз қўрғонимиздай тураверамиз. Инженер ҳимматли одам экан. Ўзи ҳам жуда чиройли дейман, сиз нима дейсиз?

Илгари Чепраковлар бой экан, бироқ генерал ўлгандан кейин аҳвол бутунлай ўзгарибди. Елена Никифоровна қўшнилари билан чиқишмай судлаша бошлабди, тумашта ва ишчиларнинг ҳақларига тирриқлик қилибди, мулкнинг талон-торож бўлиш ваҳимасига тушиб, ҳадиксирай-верибди, натижада ўн йил ўтар-ўтмас Дубечня таниб бўлмайдиган аҳволга тушибди.

Бу каттакон уйнинг орқа томонидаги боғни ҳам бурган ва буталар босиб, чакалакка айланган эди. Мен ҳали мустаҳкам ва чиройликкина бўлган айвондан ўтдим; ойнали эшикдан паркет полли бир уй кўринди, бу меҳмонхона бўлса керак; ичкарида қадимги фортепьяно турар, деворларига қизил ёғочдан ишланган катта-катта рамалардаги ўймакор расмлар осилган — бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Илгариги гулзорлардан фақат пион гул билан лолалар қолибди, булар ҳам эндигина ўтлар орасидан бош кўтариб, қип-қизил ва оппоқ гуллари зўрға кўринарди; йўл ёқаларида бири-бирига туташиб, зичгина ўсган бужун ва заранг дарахтларининг новдаларини сигир ғажиб ташлабди. Фақат уй тевараги сердарахт бўлиб, бу томонда қадимги хиёбондан тераклар, липа ва қарағайлар қолган ва умуман бу ёқдан қаралганда боғ чакалакзорга ўхшар, нариги томони пичанзор қилиш мақсадида дарахтлари кесила бошлаганидан хийла сайхон бўлиб қолган, бу ерда оғиз-бурнига ўргимчак ини ўралишмас, одам димиқмас, ғир-ғир шамол эсиб турарди, қанчалик нари борилса,

шунчалик баҳаво ва кенг жойларга чиқиларди, олча ва олхўрилар тирговуч қўйилган шохдор олмалар, баланд-баланд ноклар кўринарди; нокларнинг бу қадар бўйдорлигидан ноклигига одам ишонгиси келмасди. Боғнинг бу қисмини бизнинг шаҳримиздаги савдогарлар барибоққа олишган эди; меваларни ўғри ва чуғурчиқлардан қўриқлаш учун овсарроқ бир мужикни қоровул қилиб қўйишган ва бу одам чайлада яшарди.

Боғнинг дарахтлари сийракланиб бориб, кенг пичанзорга чиқилар ва этаги кўм-кўк қамиш ва самбит ўсиб ётган дарё бўйига тушарди; тегирмон тўғонининг ёнбошида сув тўхтаб, чиройликкина бир кўл ҳосил бўлибди; ўзи чуқур; балиқнинг кони; похол том остидаги тегирмон тарақлаб. қурбақалар сайраб турибди. Баъзан балиқлар ўйнашиб сакраганда ойнадай тип-тиниқ сув юзида хилма-хил доиралар пайдо бўлади, нилуфар гул ҳам чайқалади. Дарёнинг нариги бетида Дубечня қишлоғи бор. Бу сокин, кўм-кўк кўл кишини ўзига мафтун этар, салқин шабадаларидан инсон баҳраманд бўларди. Ҳозир бу кўл ва тегирмон, бу шифобахш дарё бўйлари инженер Должиков кўлига ўтганди!

Шундай қилиб, мен янги хизматимни бошладим. Мен телеграммаларни ўзим қабул қилиб, ўзим юборардим; ҳар хил ведомостлар тузардим, чаласавод ишбоши ва усталар юборган талабнома, шижоят ва рапортларни қайтадан кўчириб ёзардим. Лекин кун бўйи деярли бўш бўлганимдан телеграмма келишини кутиб, у ёқдан бу ёққа юриб турардим ёки бирон болани аппарат қошида қолдириб, боғни сайр этардим; бола олдимга бориб, аппарат чиқиллади, деб хабар берганда қайтиб келардим. Чепракова хонимникида овқатланардим. Гўштни камдан-кам ишлатишар, аксарият овқатлари сутдан бўларди, чоршанба ва жума кунлари эса, фақат ёвгон ошга қантаришарди, тагин уни тақводорлик белгиси бўлган пушти ранг тарелкаларга сузиб келишарди. Чепракованинг кўз қисадиган хунук қилиғи учунми, ишқилиб, ёнида ўтира олмай гашим келаверарди.

Бу ердаги иш лоақал бир кишига ҳам етмагани учун Иван Чепраков бутунлай бўш, кун бўйи ётиб ухлар ёки милтиғини олиб, кўлга ўрдак отгани кетарди. Кечқурунлари қишлоқдан ёки станциядан маст-аласт қайтар ва ётиш олдида ўзини ойнага солиб бақирарди:

— Ассалом, Иван Чепраков!

Мастлигида ранги қув ўчиб кетарди, қўлини ишқалай-верар ва ўзидан-ўзи куларди, кулиши бирам хунук, худди от кишнагандай: ги-ги-ги қиларди. Уст-бошларини ечиб ташлаб, қип-яланғоч далани айланиб чопаверарди. Жир-канмасдан пашшани ютиб юбориб: нордонгина экан, деб қўярди.

#### IV

Бир куни овқатдан кейин энтикканича ҳужрага чопиб кирди-да:

— Югур, опанг келди! — деди.

Мен чиқдим. Дарвоқе, катта уйнинг зинапояси олдида шаҳардан келган извош турибди. Опам, Анюта Благово, яна аллақандай ҳарбий китель кийган жанобни кўрдим; яқинроқ боргач, уни танидим: бу — Анютанинг акаси — ҳарбий доктор эди.

— Биз сайил қилиб, сиз томонларни айланиб кетгани келдик, — деди у. — Майлими?

Опам билан Анюта менинг қандай ўрнашиб олганимни сўрамоқчи бўлишди-ю, негадир, индамай менга тикилиб тураверишди. Мен ҳам индамадим. Иккиси ҳам бу жой менга ёқмаганини сизди: опамнинг кўзлари ёшланди, Анюта эса қизариб кетди. Боққа чиқдик. Доктор ҳаммамиздан олдинда борар ва завқланиб гапирарди:

— Ҳавонинг тозалигини қаранг! Худо ҳақи, роса баҳаво жой экан!

Сиртқи кўринишдан бу одам ҳали студентга ўхшарди. Гаплари ҳам, юриш-туриши ҳам студентча, кўкимтил кўзлари ҳам айнан дилкаш студентникидай беғараз, содда ва шўхгина эди. Новчадан келган соҳибжамол синглисининг ёнида у хипчагина ва хийла заиф кўринарди; соқоли сийрак, овози ингичкароқ ва ёқимли эди. Ўзи аллақайси юртда полкда хизмат этар, шу кунларда отпускага келган, кузда Петербургга бориб имтиҳондан ўтиб, медицина доктори номини олиш ниятида эканини гапириб берди. Ҳозир хотини ва учта боласи бор эди. У жуда эрта, иккинчи курсда ўқиётгандаёқ уйланган, бироқ оилавий турмуши беҳаловат экани, хотинидан айрим тургани шаҳарга овоза бўлган эди.

Опам ташвишланиб деди:

— Соат неччи экан? Вақтлироқ қайтмасак бўлмайди: дадам укамни кўриб қайтиш учун фақат соат олтигача рухсат берган.

— Уҳ, дадангизни қарангу! — деди доктор чуқур нафас олиб.

Мен самовар қўйдим. Айвон олдига гилам ёзиб, ўша ерда чой ичдик; доктор тиз чўкиб ликобчада чой ичар ва кайф қилаётганини сўзларди. Сўнгра Чепраков калитни келтириб, ойнали эшикни очди, ҳаммамиз уйга кирдик. Ичкараси ғира-шира ёруғ ва роса хилват жой эди, қўзиқорин ҳиди келар, полини боссанг — ости подвалдай гурсилларди. Доктор фортепьяно клавишларини босди: бўштоб, қалтироқ, мунгли садо эшитилди, лекин сози ҳали айнамаган эди; доктор товушини ростлаб, аллақандай бир романсни айтиб берди; ашула вақтида бирор клавиш ишламай қолса, оёғи билан ҳадеб тақиллатар ва юзларини буриштириб ғижинарди. Опам уйга қайтишни ҳам унутиб юборди: у ёқдан бу ёққа юрар ва завқланиб, ҳадеб:

— Мен хурсандман! Жуда-жуда хурсандман!—дерди. Унинг овозида бошқалар сингари кўнгли чоғ бўла олишига ишонмагани ва шу топдаги хурсандчилигига ўзи ҳайрон экани билиниб турарди. Мен уни умримда биринчи марта шу хилда хурсанд кўрдим. Опам ҳатто очилиб кетди. Юзи чиройли эмасди: ёнбошдан қаралса — оғзи ва бурни чўччайиб, худди бир нимани пуфлаётгандай бўлиб турарди, лекин кўзлари тим қора, юзи оппоқ, нозик ва нафис, чеҳраси маъюс ва ёқимли эди; тапира бошласа ҳусни очилиб тобора яшнайверарди. Биз, опа-ука айнан онамизга ўхшаганмиз: бўлиқ, бақувват ва пишиқ бўлиб ўсганмиз, бироқ дардмандликдан опамнинг ранги сўлғин ва оқишроқ кўринарди; тез-тез йўталарди ва мен унинг кўзларига қараб туриб, бирон жиддий хасталикка дучор эканини ва бу дардни яширишга ҳаракат қилаётганини гумон қилардим. Унинг ҳозирги хурсандлиги аллақандай самимий соддаликни, болалик чоғимизни эслатардики, ёшлигимизнинг ажойиб туйғуларини отамнинг қўполлик билан тарбиялаши жувонмарг қилган эди: мана ҳозир мен опамда қадимги хурсандчиликнинг уйғонганини сездим.

Кеч кирди, стлар қўшилиб, извош тайёр қилинганч, опам бирданига жим бўлиб, маъюсланиб қолди; сўнгра айбдорлар курсисига ўтираётгандай, извошга тушди-да, менга индамай жўнаб кетаверди.

«Ажойиб қиз! — деб ўйланиб қолдим.— Аломат қиз!»

Петров рўза кунлари келиб, биратўла гўштсиз овқатга ўтиб олдик. Хиёматимнинг тайини бўлмаганидан ва

бекорчиликдан зерикиб қолдим, ўзимдан ўзим диққат бўлиб, бўшашиб, оч ҳолда боғда саланглаб юрар ва бу ердан кетиш учун қулай пайт пойлар эдим.

Бир куни кечқурун, айти ҳужрамда Редька ўтирган пайтда Должиков кириб келди; ҳамма ёғи чанг босган, башараси офтобдан қорайиб кетган эди. Инженер уч кунгача ўз участкаларида бўлиб, ҳозир Дубечняга паровозда келганди. Шаҳардан араваси келгунча гумаштаси билан қўрғонни айланиб чиқди ва керакли буйруқлар берди; сўнгра бир соат чамаси ҳужрамизда аллақандай нарсаларни ёзиб ўтирди. Уша пайтда келган телеграммаларга ўзи аппаратда ўтириб жавоб қайтарди. Биз учаламиз қимирламай қотиб туравердик.

— Ҳамма ёқ тартибсиз! — деди у нафрат билан дафтарга боқиб. — Икки ҳафтадан кейин мен идорани станцияга кўчираман; сиз жанобларни нима қилишимни ҳам билмайман.

— Жаноби олийлари, мен кучимнинг борича тиришаётиман, — деб ялингандай бўлди Чепраков.

— Тиришганингизни кўриб турибман: фақат маош олишни биласиз, — деди инженер кўзини мендан узмасдан. — Фақат хомийларингизга ишонасиз, тезроқ ва осонгина йўл билан маъсабга эришиш пайдан бўласиз. Лекин мен хомийларингизнинг юзи-хотирини қилиб ўтирмайман. Менинг учун ҳеч ким жон куйдириб, ўртага тушгани йўқ. Темир йўл қуриш топширилгунча мен оддий машинист бўлиб, паровоз ҳайдаганман, Бельгияда вагонларга мой қуйиб, смазчилик қилганман. Сен нима қилиб юрибсан бу ерда Пантелей? — деб сўради у шартта бурилиб Редькадан. — Булар билан ароқхўрлик қилаётгандирсан?

Инженер ҳамма камбағални Пантелей деб қақирарди, мен билан Чепраков сингари одамлардан ҳазар қилар ва рўйроқ: «ароқхўр, ҳайвон, аблаҳ» деб ҳақорат қилаверарди. Умуман у, кичик хизматчиларга нисбатан қаттиққўл бўлиб, уларга штраф солар, суриштирмай ишдан ҳайдаб юбораверарди.

Ниҳоят, кутган араваси келди. Кетаётиб, икки ҳафтадан сўнгра ҳаммамизни ишдан бўшатажагини айтди, гумаштасини бефаҳм деб сўклиди, извошда талтайиб ўтириб олиб, шаҳарга жўнаб кетди.

— Андрей Иванович, — дедим Редькага, — мени ўз ёни-нигизга олсангиз-чи! Ишчи бўлиб ишлай қолардим.

— Майли, мен қарши эмасман!

Шундай қилиб Редька билан иккимиз шаҳар томонга йўл солдик. Қўрғон ва станциядан анча узоқлашгач, мен унга савол бердим:

— Андрей Иванович, ростини айтинг-чи: Дубечняга келганингизнинг сабаби нима?

— Аввало, шерикларим шу йўлда ишлайди, иккинчидан, генерал ойимга процент тўлагани борувдим. Утган ёз шу судхўрдан эллик сўм қарз олганман, ҳар ой бир сўмдан шунинг ижарасини тўлаб кетаман.

Бўёқчи тўхтади, менинг тугмачамдан тутиб, ўйлаиб:

— Мисаил Алексеевич, сиз фариштадай бегуноҳсиз,— деди у.— Агарки, бирон оддий киши ёки хўжайин — пулига ижара оладиган бўлса, мен уни балохўр, жиноятчи деб биламан. Ундай одамда ҳалоллик, ҳақиқат бўлиши асти мумкин эмас.

Редька озиб кетган, ранги-рўйи бўзарган, важоҳатидан одам қўрқарди; у кўзларини юмди, афсусланиб бош чайқади ва файласуфлар каби қуйидаги сўзларни айтди:

— Экинни ширадан, темирни зангдан, кўнгилни эгриликдан асрамоқ даркор; худоё, осий бандаларингни ўзинг асрагайсан!

## V

Редька хийла тажрибасиз ва кўп нарсага ақли етмайдиган одам эди; ҳамиша ўз ҳолига қарамай, ортиқча иш олиб қўяр ва ҳисоб-китобга келганда хавотирланар, адашаварарди, натижада муқаррар зарар кўрарди. У бўяр, ойна солар, деворларга гул қоғоз ёпиштирар ва ҳатто тунука қоқиш ишларидан ҳам қайтмасди. Арзимаган бир заказ учун уч кунгача зир югуриб тунукачи қидиргани эсимда бор. Лекин Редька энг ўткир усталардан эди, баъзи кунлари ўн сўмга етказиб пул ишларди. У негадир ишбоши бўлишни, пудратчи деб аталишни ҳавас қиларди, агар шу нарса бўлмаганда, энг серпул одамлардан бўлиши муқаррар эди.

Ўзи ишбай асосда ҳақ оларди, мен ва бошқа йигитларга кунбай асосида кунига етмиш тийиндан то бир сўмгача тўларди. Ҳаво очик, кун иссиқ бўлганидан биз иморатнинг сиртқи ишлари билан, асосан том тунукаларини бўяш билан машғул эдик. Илгари бундай юмушни қилмаганимдан тунуканинг иссиқлигига чидай олмасдим, оёғимга пийма кийсам — терлаб-пишиб кетарди. Бориб-бориб жазирама тунукаларни ҳам писанд қилмай, бемалол юра-

диган бўлдим. Мен энди ўзини меҳнат қилишга мажбур ва маҳкум деб билган кишилар орасида яшай бошладим; булар аравакаш отдай эртадан кечгача ишлаб, кўпинча, меҳнатнинг маънавий аҳамиятини пайқамас ва «меҳнат» сўзини мутлақо тилга олмасди. Улар орасида юравериб, мен ҳам ўзимни аравакаш отдан қолишмаслитимни, шу хил ишларга мажбур ва маҳкум эканимни тушундим; кўнглим бундан тасалли топар ва ҳаётим анча енгиллашгандай бўларди.

Биринчи кунлари ҳар бир нарса менга қизиқ ва бошқача кўринди, худди ўзимни янгидан туғилгандай ҳис қилдим. Мен ерда бемалол ётиб кетаверадиган, яланг оёқ юраверадиغان бўлиб қолдим, бундан ҳатто роҳатланардим. Мен оддий кишилар орасида бемалол юраверардим; агар кўчада извош отининг йиқилганини кўрсам, югуриб бориб, ёрдамлашиб, турғизиб юборардим ва уст-бошим булғанади-ю деган нарса хаёлимга ҳам келмасди. Энг яхшиси шуки, ўз кунимни ўзим кўриб, ҳеч кимга оғирлигим тушмасди!

Том тунукасини мойлаганда, агар алиф ва бўёқлари ўзимиздан бўлса — катта фойда қилардик; шунинг учун ҳатто Редька сингари энг яхши усталар ҳам ноқулай ва оғирлигига қарамай шу ишга ёпишар эди. Қалта шимнинг почаларидан қип-қизил, ингичка оёқлари кўриниб, томда лайлак сингари юрарди; гоҳо чўтка билан мой сураётиб, оғир нафас олар ва менга:

— Азоб, азобу уқубатдан бошқаси биз осийларга насиб эмас экан! — дерди.

Унинг учун ер нимаю, қия том нима — бемалол юраверарди. Ўзининг хасталигига, ранги-рўйи бир ҳолатда бўлиб, башараси мурдадай эканига қарамай, ниҳоятда эпчил эди; энг баланд черков гумбазларини ва минора учларини ҳоваза қурмасдан, нарвон қўйиб ёки арқон боғлаб чиқиб, қўрқмасдан мойлайверарди, шу қадар баланд ва қалтис жойда ғоз туриб оларди-да, ўзидан-ўзи севган сўзларини такрорларди:

— Экинни ширадан, пўлатни зангдан, кўнгилни эгриликдан асрамоқ даркор.

Ёки хаёлида алланималарни ўйлаётганиданми, баъзан ўзидан-ўзи гапириб юборарди:

— Бўлиши мумкин! Бошга тушса кўз кўраверади!

Ишдан чарчаб уйга қайтганимда дарвозалар олдида ўтирган гумашта, дастёр болалар ҳамда уларнинг хўжа-

Йинлари кетимдан ҳар хил гап ташлаб, кулиб, масхара қиларди. Олдин бу одамларнинг гапидан жуда безор бўлдим, булар кўзимга балодай кўринар эди.

— Арзимаган фойда! — деган овозлар ҳар томондан эшитиларди.— Бўёқчи! Ҳой, охра!

Ҳаммасидан ҳам алам қилган жойи шуки, бошқалар индамаса ҳам, кечагина ўзлари камбағал ўтиб, қора меҳнат орқали кун кечирган кишилар, бугун мени аямай масхара қиларди. Шунисига чидай олмасдим. Савдо растасида, темир-терсак дўкони ёнидан ўтиб бораётсам, биров бехосдан устимга сув сочиб юборди, яна биттаси менга қарата таёқ улоқтирди. Соқоли оппоқ балиқфуруш бир чол эса, йўлимни тўсиб олди-да, ғазаб билан юзимга тикилиб:

— Сен аҳмоққа ачинмайман! Отангга ачинаман!— деди.

Ёру оғайниларим мени кўрса, негадир, уялиб тескари қарашадиган бўлди. Баъзилари мени овсар ёки лўтгибоз деб ўйлашар, баъзилари ҳолимга ачинишарди, бир хили менга қандай муносабатда бўлишини билмас ва ўзим ҳам уларнинг қандайлигини тушуна олмас эдим. Бир куни Большая Дворянскаянинг ёнидаги тор кўчалардан бирида келаётиб, Анята Благовони кўриб қолдим. Қўлимда икки дона узун дасталик чўтка билан буёқ солинган челақ бор эди. Анята мени таниган ҳамон қизариб кетди.

— Сиздан ўтинаман: кўчада мен билан саломлашманг,— деди, овози қалтираб, дағаллик ва асабийлик билан менга қўлини ҳам бермади, негадир, бирданига кўзлари ёшга тўлди.— Агар шу ишларни ўзингизга раво кўрган бўлсангиз — майли. . . Мен ҳеч нарса демайман, бироқ менга йўлиқмаслигингизни илтимос қиламан!

Мен ортиқ Большая Дворянская кўчасида тура олмай Макариханнинг бир чеккасида яшовчи энагам Қарповна-никига кўчиб бордим. Бу кампир кўп меҳрибон, ҳамиша маъюсланиб юрар ва тушидан қўрқарди, уйга биронта асалари ёки ари учиб кирса: бу яхшилиқдан дарак бермайди, деб гумонсирайверарди. Менинг ишчи бўлганимни ҳам: охири бахайр эмас, деб қўя қолди.

— Бошинг кулфатдан чиқмайди, болам!— деди энагам ачиниб, бошини чайқаб.— Балого қолдинг!

Энагам уйда асранди боласи Прокофий деган йигит ҳам турарди. Ўттиз ёшлар чамасидаги бу йигит қассобчилик қилар, гавдадан худо берган, лекин ўлгудай қовушма-



ган, сап-сариқ бир одам эди. Мен билан даҳлизда учрашиб қолса—дарҳол йўл берар ва агар кайфи бўлса — беш панжасини бошига қилиб, честь беришга уринарди. Кечқурунлари овқат орасида кетма-кет рюмкаларни бўшатаётиб, кекирганини ва чалп-чулпларини мен тахта девор орқасидан бемалол эшитиб ётардим.

— Онажон!— деб зўрға чақирарди.

— Нима?— деган овоз дарҳол эшитиларди. Карповна уни жуда яхши кўрарди — Нима дейсан, болам?

— Мени боққанларингизни риюя қиламан, онажон! Бу дунёда мен сизни умр бўйи боқаман, ўлганингиздан кейин ўзим кўмаман, бутун сарф-харажатларни ўз гарданимга оламан. Гап шундай!

Мен доим кун чиқмай туриб ётардим ва барвақт турардим. Биз бўёқчилар овқатни кўп еб, қаттиқ ухлардик, негадир, кечаси юрагимиз қаттиқ уриб чиқарди. Уртоқларим билан мен иноқ эдим. Шерикларим орасида бекордан-бекорга қасам ичиш, ҳар гапга: «кўзим оқиб тушсин, жувонмарг бўлай»ни аралаштириш одат бўлиб кетган ва эртадан кечгача шундан қулогим тинмасди. Шундайлигига қарамай ҳаммамиз ака-укадай тотув яшардик, шерикларим мени диндор гумон қилишар ва: отанг ҳам сендан кечиб юборди, деб ҳазиллашарди; булар онда-сонда черковга борганини, кўпчилиги ўн йиллаб ибодатхона юзини кўрмаганини гапириб: «қушлар орасида захчани, инсонлар орасида бўёқчини худо шундай қилиб қўйган» деб ўзларини оқламоқчи бўларди.

Шерикларим мени яхши кўрар ва ҳурмат қиларди; афтидан, ичкилик ичмаганим, папирос чекмаганим, тинч ва сипо турмуш кечирганим уларга ёққан бўлса керак. Фақат уларга қўшилиб алиф мой ўғирламаганим ва хўжайиндан чой пул сўрамаганим учун мени бир оз ётсирашарди. Хўжайиннинг алиф ва бўёғини ўғирлаш бўёқчилар орасида расм бўлиб кетган ва бу нарса ўғирликка ҳам кирмайди, ҳатто энг ҳалол одамлардан ҳисобланган Редька ҳам ҳамиша ишдан қайтганда бир оз алиф ва белила олиб кетарди. Чой пулини бўлса-ку, Макарихада уйи, жойи бор, гуппа-тузук чоллар ҳам уялмай сўрашаверарди. Мен, иш бошланганда ёки тамомлаганда бир гала шерикларимнинг пасткаш хўжайин олдига бориб: муборак бўлсин қилганларига ва берган ярим тангаси учун қайта-қайта қуллуқ қилганларига ғижиним келиб, уялганимдан ерга кириб кетгим келарди.

Бўёқчилар худди қув вазирлар сингари хўжайиннинг пинжиги кириб олишларди ва деярли ҳар куни мен Шекспир Полонийсининг қилиқларини кўриб турардим.

Хўжайин осмонга қараб:

— Ёмғир ёғадиганга ўхшайди,— деса, бўёқчилар ҳам:

— Ёғади, албатта ёғади!— деб барабар такрорларди.

— Ҳар ҳолда, қора булут кўринмайди, ёғмаса керак.

— Ёғмайди, жаноби олийлари! Рост айтасиз, ёғмайди.

Булар умуман заказчиларнинг орқасидан гапириб, масхара қилишни яхши кўрарди; биронта хўжайиннинг айвонда газета ўқиганини кўришса, гап тўқишарди:

— Оч қоринга газета ўқишини қара! Уйда овқат ҳам топилмаса керак.

Мен уйимизга сира бормаи қўйдим. Кўпинча ишдан қайтгач, опам қолдирган қисқа ва таҳликали хатларни олиб ўқирдим. Бечора опам отам тўғрисида ёзар — гоҳ овқат устида хаёл суриб, ҳеч нима емаганини, гоҳ ўзидан ўзи галдираб кетганини, гоҳ кабинетини ичидан беркитиб олиб, ташқари чиқмай қўйганини айтар эди. Бундай хабарлар менга қаттиқ таъсир этиб, кечалари ухлай олмай диган бўлдим ва ҳатто бир куни ярим кечада Большая Дворянская кўчасида юриб, уйдагиларнинг тинч-омонлигини билмоқ учун деразаларидан мўралаб, кўп овора бўлдим. Якшанба кунлари опам энаганикига бориш баҳонаси билан яширин мени кўргани келарди. Мен уни доим ранглари сўлғин, кўзлари йиғидан паришон ҳолда кўрардим; келиши биланоқ йиғлай бошларди.

— Отамнинг бу маломатларга бардош бера олишига кўзим етмай қолди, Мисаил,— дерди бечора.— Худо кўрсатмасин, агар унга бир гап бўлса, умринг виждон азоби билан ўтади! Бу яхши эмас. Мисаил! Онамизнинг муборак хотиралари ҳурмати сендан ялиниб сўрайман; бу йўлингдан қайт; укажон!

— Опажон, онамдан қолган ягона ёдгорим, меҳрибон опажоним!— деб ялинардим.— Мен қандай қилиб йўлимдан қайтаман? Бу йўлга мени виждоним бошлаган-ку! Буни тушунгин, ахир!

— Тушунаман, виждон измида эканлигингни биламан, Мисаил, бироқ ҳеч кимни ранжитмайдиган, бошқачароқ йўлдан борсангмиқан дейман, ука!

Эшик орқасидан кампирнинг оҳ-воҳлари эшитилади:

— Ҳе, тавба, тавба! Бошинг кулфатдан чиқмайди энди! Балого қолдинг, болам, балого қолдинг!

Якшанба кунларидан бирида тўсатдан доктор Благово кириб келди. Шойи кўйлак устидан китель кийган, оёғида баланд пошнаги американ этик. Студентчасига қўлларимни маҳкам сиқиб кўришди.

— Сизни кўргани келдим. Ҳар куни таърифингизни эшитавериб, сизни кўриш орзусида эдим, юрак чигилларини ёзиб, бир гаплашгим келди. Шаҳарда гапга тушунадиган биронта инсон кўринмайди, зерикиб ўлиб бўлдим. Аксига, ҳавонинг исиганини қаранг!— доктор кителини ечиб қўйди.— Қани, азизим, иккимиз бир гаплашиб олайлик-чи!

Ўзим ҳам роса зерикиб, кўпдан бери бўёқчилардан бошқа бирон кишининг суҳбатида бўлиш орзусида эдим, шунинг учун докторнинг келганига астойдил суюндим.

— Аввало, мен чин кўнгилдан сизга хайрихоҳ эканимни ва турмушингизга ҳурматимни билдирмоқчиман; ҳақиқатда бу ҳаётингиз ҳурматга сазовор деса бўлади. Бу ердагилар сизни тушунмайди ва бу табиий бир нарса, чунки шаҳаримизда гапга тушунадиган одамнинг ўзи йўқ, тузуги аҳён-аҳёнда учрайди, кўпчилиги, Гоголь айтгандай, чўчқа бўлиб, ер титкилайди. Мен ўша боғ сайлига борганимиздаёқ кимлигингизни ажратиб олганман. Сиз — оқ кўнгил, ҳалол ва покиза олижаноб бир кишисиз! Мен сизни чиндан ҳурмат этаман ва бу қўлларингизни сиқмоқни ўзим учун улуғ бир шараф деб биламан!—Доктор ҳаяжонланиб гапира бошлади.— Киши ўз ҳаётида сиз каби кескин ва қатъий бурилиш ясамоқ учун энг оғир руҳий ҳолатларни бошидан кечирган бўлиши шарт. Энди шу ажойиб йўлдан қайтмаслик ва ҳар вақт ўз маслагингизга муносиб даражада бўлишингиз учун сиз туну кун ақлан ва руҳан тинмай ишлашингиз лозим. Суҳбатимизнинг бошида мен сиздан шуни сўрамоқчи эдим: агар сиз ўткир иродангизни, бутун ғайратингизни, шу ноёб ақлу идрокингизни бошқа бир йўлга, масалан, замонаси келиб, улуғ олим ёки машҳур рассом бўлиш мақсадига сарф этсангиз — қалай бўларкин? Ана шунда ҳаётингиз чуқур ва кенг маъноларга эришиб, ишингиз ҳамма томондан самаралироқ бўлмас-миди?

Биз узоқ сўзлашиб кетдик; гапимиз жисмоний меҳнатга келиб етганда мен шундай бир фикрни ўртага ташладим: кучли одамлар кучсизларни эзмаслиги учун, озчилик

кўпчиликнинг қонини кана ёки насос каби мудом сўрмаслиги учун — кучлигу кучсизлар, бою камбағаллар, ишқилиб ҳамма одам баб-баравар, ҳоли-бақудрат яшаш учун курашмоғи, ҳар ким ўзи учун ишламоғи кераклигини айтдим. Бу мақсадни амалга оширмақ ҳамда одамлар орасидаги фарқни йўқотмоқ учун энг яхши чора жисмоний меҳнат эканини, фақат умумий ва мажбурий меҳнатгина ҳаммани бахтиёр қила олишини астойдил унга тушунтирмақчи бўлдим.

— Демак, сизнинг фикрингизга қараганда, жисмоний меҳнат билан бемустасно ҳамма шуғулланиши керак. Шундайми?— деб сўради доктор.

— Ҳа.

— Борди-ю ҳамма одам, шу жумладан улуғ мутафаккир ва машҳур олимлар ҳам яшаш учун курашиб, ҳар қайсиси ўзи учун ишлашга, қимматли вақтларини тош майдалашга, том бўяшга сарф қиладиган бўлса— тараққиётимиз учун жиддий хавф туғилмасмикан? Бунга нима дейсиз?

— Нечук хавф туғилади?— деб сўрадим.— Ахир тараққиёт инсоннинг бир-бирига муҳаббатидан, ахлоқ қонунларини бажаришидан иборат эмасми? Агар сиз ҳеч кимга зулм қилмасангиз, бировга малол келтирмай, ўз тирикчилигингизни ўзингиз тебратадиган бўлсангиз, тагин қанақа тараққиёт керак экан?

— Йўқ, ундай эмас!— Благово қизишиб ўрнидан турди.— Менга қаранг ахир! Агар шилиқ қурт ҳам чиганоғида ивирсиб ўз шахсини такомиллаштиришга уринса ва ахлоқ қонунларини титкилай бошласа — шу ҳам тараққиёт ҳисобланадими?

— Нима учун титкилар экан?— деб менинг жаҳлим чиқди.— Ҳозирги ҳаётимизнинг бошдан-оёқ қуллик асосига қурилганлигини биласиз. Агар кўпчиликни озчиликни боқишга, кийинтиришга, извошда олиб юришга, душмандан ҳимоя қилишга мажбур қилинмаса, яъни ҳар ким ўз меҳнати орқалигина яшайдиган бўлса — ахир шунинг ўзи тараққиёт эмасми? Менимча, инсон учун бирдан-бир мумкин ва керак бўлган асл тараққиёт шундай бўлади.

— Кишилиқ жамияти, яъни дунё миқёсидаги тараққиётнинг чегараси йўқ; шунинг учун мен биздаги мавжуд эҳтиёжлардан ёки муваққат назариялардан келиб чиққан: «мумкин ва керак» дейилган анчайин тараққиётлар туғрисида баҳслашиб ўтиришни кулгили деб биламан.

— Агар, сиз айтгандай, тараққиётнинг чегараси бўл-  
маса, демак, мақсадлари ҳам муайян эмас экан,— де-  
дим.— Инсон нима мақсадда яшаганини ўзи билмаса —  
ғалати бўлади-ку!

— Майли! Лекин сиздаги «билимдонлик»дан кўра шу  
«билмаслик» инсонга кўпроқ асқотади... Мен зинадан  
юқори чиқаман, бу зинанинг номи: тараққиёт, цивилиза-  
ция, маданият; қаёққа чиқаётганимни аниқ билмасам ҳам,  
тўхтамай чиқавераман; дарҳақиқат, ана шу ажойиб зина-  
нинг ўзи учуноқ инсон тармашса, яшашга уринса арзийди.  
Ўзингиз нима мақсадда яшаётганингизни биласизми? Сиз,  
биров-бировни эзмаслиги учун, рассом билан унга бўёқ  
тайёрлаб берувчи киши бир хилда овқатланиши учун яшар  
экансиз. Бироқ бу нарса — ҳаётнинг энг қизиги йўқ, икир-  
чикирдан иборат бўлган мешчанлик томони эмасми?  
Наҳотки инсон фақат шуни деб яшаса! Бундай бемаза  
ҳаётдан ҳазар қилмоқ керак. Агар қурт-қумурсқалар бири-  
иккинчисини эзиб, зўравонлик қилса, сатқай сар, сира  
парво қилманг, майлига, бири-бирини еб қирилишаверсин!  
Бизга юкланган вазифа — буларнинг ташвиши эмас; биз  
ғамхўрлик қилиб қулликдан қутқарганимиз билан, бари-  
бир, улар қирилиб чуриб кетади; биз ҳозир — кўп замон-  
лардан кейин инсоният оламига насиб бўлгуси улуғ ва  
номаълум келажак тўғрисида ўйлашимиз керак.

Благово мен билан қизғин баҳслашаётган бўлса ҳам,  
аллақандай бир нарсадан безовталангани сезилиб ту-  
рарди.

— Опангиз келмайдиганга ўхшайди, — деди у соати-  
га қараб.— Кеча у бизникига борган ва бугун бу ерга кел-  
моқчи эди. Сиз ҳадеб: қул, қуллик дейсиз,— деди бояги  
гапини давом эттириб.— Булар ҳаммаси айрим масала-  
лар, лекин тамомий масалаю саволларни инсоният аста-  
секин, ўз-ўзидан ҳал қилиб беради.

Сўхбатимиз аста-секинчилик масаласига кўчди. Мен —  
яхшилиқ ёки ёмонлик қилишни ҳар ким ўз билганича  
ҳал қилади ва бу масалани аста-секин инсоният ҳал  
қилиб берар экан деб кутиб ўтирмайди, дедим. Бундан  
ташқари, аста-секинчиликнинг икки томони бўлади.  
Инсонпарварлик идеяларининг аста-секин тараққиёти  
билан бир қаторда, бошқача идеяларнинг ҳам аста-секин  
ўсиб келаётганини кўраимиз. Ҳозир крепостнойлик ҳуқуқи  
йўқ, бироқ капитализм ўсиб келяпти. Ҳатто озодлик идея-  
лари роса тараққий топган шу кунларда ҳам, худди Боту-

хоң замонасидагидек, озчиликни боқиш, кийинтириш, ҳимоя қилиш ишлари яна кўпчиликнинг гарданида, ўзлари бўлса бояги-бояги оч, яланғоч ва ҳимоясиз юришибди. Хилма-хил янги йўл ва ажойиб фикрларни тарғиб этувчи кишилар бўлса,— шу разил аҳволни табиий билиб, кўз юмиб кетаверади, чунки эзиш санъати ҳам аста-секин тараққий этади, озчилик кўпчиликни аста-секин, алдаб-алдаб қул қилиб олади. Ҳозир малайларимизни қадимгидай отхонага қамаб савалашлар йўқ, албатта, лекин биз қул қилиш бобида энг нозик-нозик усулларга эга бўлиб олганмиз ва ҳар сафар инсонни хўрлар эканмиз — ғалати-ғалати важларни келтириб, ўзимизга сира сув юқтирмаймиз. Идеяларимиз — идеялигича қолиб кетди. Агар қўлимиздан келса-ку, биз ҳозир, шу XIX асрнинг охирида, идея томонини суриштирмасданоқ тамомий жирканч физиологик ҳожатларимизни ҳам ишчиларга юклаб қўя қолардик-да, ўзимизни оқлаш учун уялмасдан: улуг зотлар, мутафаккирлар ва олимлар қимматли вақтларини ҳожа ишларига сарф этадиган бўлса — тараққиётимизга жиддий хавф туғилади, деб юраверардик.

Ниҳоят, опам ҳам келди. Докторни кўриши билан тирчиллиб, ҳовлиқиб қолди ва шу ондаёқ кетмаса бўлмаслигини, уйда отам кутиб ўтирганини айтиб шоша бошлади.

— Клеопатра Алексеевна!— деб ялинди Благово, икки қўлини астойдил кўксига босиб.— Агар сиз мен билан укангиз ёнида ярим соатгина туриб кечикиб борсангиз, дадангизга бир гап бўлиб қоладими?

Доктор очиқ кўнгил ва қувноқ одам бўлгани учун ёнидагиларни бирпасда ўзига эл қилиб оларди. Опам бир оз ўйлагандан сўнг, бирданига чеҳраси очилиб, кулди ва ўша боғ сайилидагидай яшнаб кетди. Биз далага чиқиб, кўкатзор ичида ёнбошлаб олдик-да, суҳбат аралаш узоқдан шаҳарни томоша қила бошладик: кун ботиш пайти бўлганидан ғарбга қараган тамомий деразалар қуёш нурида зарварақдай товланиб, ялт-ялт этарди.

Ана шу учрашувдан сўнг ҳар доим опам келса, кетидан албатта, Благово ҳам кириб келадиган бўлди. Иккинсининг сўрашишини кўрган одам: булар тасодифан дуч келиб қолишган бўлса керак, деб гумон қиларди. Доктор билан менинг баҳсларимизни опам зеҳн солиб тинглаб ўтирар, чеҳрасидан завқланаётгани, кўнгли эриб, ором олаётгани сезилиб турарди ва мен, унинг кўз олдида етти ухлаб тушига кирмаган янги бир оламнинг намоён бўла

бошлаганини пайқардим, опам бунинг сиру асрорини билмоққа интиларди. Доктор бўлмаган пайтларда кўпинча унинг жим ва маъюслиниб ўтирганини кўраман. Ҳозир ҳам гоҳо кроватимда ўтириб йиғлайди-ю, бироқ сабабини била олмайман: опам менга сирини айтмайди.

Август ойида Редька ҳаммамизни йўлга чиқишга буюрди. Шаҳардан жўнашимиздан икки кун аввал отам менинг қошимга келди. У ўтирди, шошмасдан ва менга қарамасдан қизарган юзларини артди, сўнгра, шаҳримизда чиқадиган «Вестник» газетасини чўнтагидан олди-да, ҳар бир сўзини салмоғлаб ўқий бошлади. Унда, Давлат банки мудирининг ўғли, яъни менинг тенгдошим — ҳозир давлат палатаси бўлимининг бошлиғи қилиб тайинлангани хабар берилган эди.

— Ана энди ўз аҳволингга назар солгин-чи!— деди отам газетани йиғиштириб.— Сен бир гадоё, чувринди, аблаҳ бўлиб кетдинг! Ҳаттоки, мешчану деҳқонлар одам бўлармиканман деб маълумот олиш ҳаракатида, бироқ сен бўлсанг — машҳур ва мардона Полозневлар насл-насабини хорлаб, ўзингни лойга булғаётибсан! Лекин мен бу ерга сенинг билан гап сотишиб ўтиргани келганим йўқ, сендан аллақачоноқ қўлимни ювиб қўлтиғимга урганман,— деди ўрнидан тураётиб, бўғиқ овоз билан.— Мен опанг қаердалигини билмоққа келдим. Опанг қани, аблаҳ? Тушги овқатдан сўнг уйдан чиқиб кетган эди, мана ҳозир соат еттидан ошдики, ҳали ҳам дараги йўқ. Мендан ижозатсиз тез-тез кетаверадиган одат чиқариб олди, мени писанд қилмай қўйди; ҳаммаси сенинг касофатинг, сенинг ярамас таъсиринг оқибати. Опанг қани дейман?

Яна қўлидаги ўша дардисар соябонга кўзим тушиб, кўрқиб, довдираб қолдим, мактаб боласи сингари отамнинг савалашини кутиб, аввалгидай тайёр туришимга сал қолди, бироқ менинг соябонга қараганимни пайқади шекилли, ўзини босиб олди, урмади.

— Истаганингча яшай бер!— деди отам.— Мен сени оқ қилдим! Сендан рози эмасман!

— Вой, шўринг қурсин!— деб жавраб кетди энага.— Пешонанг шўр экан! Кўнглим сезиб турибди, бир балога учрайсан энди, бечора болам!

Мен йўлда ишладим. Бутун август ойи тинмай ёмғир ёрди; кун совуқ, ҳамма ёқ захлаб кетган эди; даладан дондун келмай қолди. Катта хўжаликларда буғдойни машина билан ўриб, боғламасдан ғарам-ғарам қилиб ташланган

эди. Бу ғарамларнинг кундан-кунга қорайиб, дони уна-  
ётганини кўриб ачинардим. Иш жуда оғирлашди, қилган  
ишимизни жала ювиб кетди. Станция уйларида туришга  
рухсат берилмаганидан, ёзда «чўянчилар» қазиган ифлос  
ва зах ертўлаларда тиқилишиб яшардик; оппоқ тонг от-  
гунча мен совуқдан қалтираб, ухламай чиқардим, бунинг  
устига бет ва қўлларимда эшак қурт ўрмалайвериб,  
ғашимни келтирарди. Кўприк атрофида ишлаган пайтлар-  
римизда кечқурунлари «чўянчилар» жонимизга тегарди;  
булар гала-гала бўлиб бизни ургани келар ва бундан оёқ-  
қўлларининг чигили ёзилгандай роҳатланишарди. Бизни  
дўппослашар, бўёқ чўткаларимизни ўғирлашар ва атайлаб  
ғазабимизни кўзғатиб, тўполон, муштлаш чиқармоқ учун  
тайёр ишларимизни бузиб кетишарди; масалан, эндигина  
қўлдан чиққан янги будкага кўк бўёқ чаплаб, расво қили-  
шар эди. Ўлганнинг устига кўмган дегандай. Редька ҳам  
пулимизни вақтида тўламайдиган бўлиб олди. Участкада-  
ги ҳамма бўёқ ишларини пудратчи баҳолаб олиб, бошқа  
бир одамга ўтказган; буниси — йигирма процент ҳақ тў-  
лаш шарти билан Редькага топшириб кетган эди. Бундан  
фойда чиқмаслигини ҳаммамиз билардик, ажсига ёмғир  
тинмай, эртадан кечгача бекор юрардик; Редька эса, иш-  
ласак-ишламасак бизга кунбай ҳақ тўлашга мажбур эди.  
Оч қолган бўёқчилар уни: қонхўр, муттаҳам, динини сот-  
ган, деб сўка башлади, дўппослашга сал қолди; бечора оҳ  
тортар, қўлларини осмонга кўтариб, нажот тилар ва кун-  
ора Чепракова хонимдан ижарага пул сўрагани борарди.

## VII

Ёмғир ва лойгарчиликни бошлаб кечки куз киоли.  
Ишсизлик бошимга тушди. Мен уч кунлаб уйда бекор  
ўтирадиган ёки дуч келган оғир ишлардан ҳам қайтмайди-  
ган бўлдим; баъзан эртадан кечгача тупроқ ташиб йигир-  
ма тийиң пул топиб келардим. Доктор Благово Петер-  
бургга жўнаб кетди. Опам ҳам келмайдиган бўлди.  
Редька касал бўлиб, ўлим тўшагида ётарди.

Таъбим ниҳоятда хира эди. Эҳтимолки, бунга ишчи  
бўлганимдан кейингина шаҳар турмушининг ҳақиқий ба-  
шарасини кўра бошлаганим сабабдир. Мен деярли ҳар  
куни бирон ярамас аҳволни кўриб турар, тепа сочим тик-  
кайиб, қаттиқ ғазабланардим. Илгари мен унчалик бил-  
маган ёки кўзимга сиртдан туппа-тузук кўринган ҳамша-  
ҳарларимнинг ҳақиқатда энг пасткаш, муттаҳам, ҳеч ни-



мадан қайтмайдиган золим ва ярамас одамлар эканини энди тушундим. Биздек камбағалларни ҳақорат этишар, алдар ва ҳақимизга хиёнат қилишарди, неча соатлаб совуқ даҳлизда кутдирар ва умуман бизни одам қаторига қўшишмас эди. Кузакда мен клуб қироатхонаси билан икки уйга гул қоғоз ёпиштириб бердим. Бир ўрамини ёпиштирганим учун менга етти тийиндан ҳақ тўлашди-да, бироқ ўн икки тийиндан қўл қўйдириб олишмоқчи бўлишди. Мен кўнмадим. Шу ерда кўриниши туппа-тузук, тилла кўзойнак таққан бир одам турган эди, ўзи клуб каттаконларидан бўлса керак, менга ўдағайлади:

— Агар сен, аблаҳ, гапни чўзадиган бўлсанг, афти-башарангни мажағлаб ташлайман!

Хизматкор унинг қулоғига шивирлаб, менинг архитектор Полознев ўғли эканимни айтганда, бир оз хижолат бўлиб, қизарди-да, бироқ дарҳол ўзини тутиб олиб:

— Сатқай сар! — деди.

Қассоблар биз ишчиларга ҳидланган гўштни, баққоллар мита босган ун ва шамани пулларди; черковга кирсак — полиция турткилар, касалхонада ётсак — фельдшер билан ҳамширалар бор-йўғимизни шилиб оларди, агар камбағалчиликдан пора бера олмасак — қасддан ювуқсиз идишда овқат берарди; почтадаги энг паст мансабли хизматчилар ҳайвонга қилинадиган муомалани бизга раво кўрар: «Шошмасанг-чи! Нариге тур!» деб бақириб сўкишарди. Ҳатто қўрадаги итлар ҳам бизни ёқтирмай, жон-жаҳди билан талар эди. Лекин ўша ғариб ва оғир кунларимда менга энг ёмон таъсир этган нарса — оламда ҳақиқат йўқлиги эдики, халқимиз бунга «Худони унутишди» деб таъбирлайди. Товламачилак ва муттаҳамлик ораламаган бирон кун йўқ эди. Бизга алиф мой сотадиган савдогарлар ҳам, пудратчию заказчилар ҳам, ҳатто ўз шерикларим ҳам фриб ишлатарди. Ўз ҳуқуқимиз тўғрисида оғиз очиб олмас ва ҳатто ишлаган ҳақимизни ҳам орқа эшикдан келиб, бошланг туриб, худди садақа сўраётгандай олардик.

Бир куни кечқурун мен клуб қироатхонаси ёнидаги бир уйда гулқоғоз ёпиштираётган эдим, инженер Должиковнинг қизи бир даста китобларни кўтариб, шу ерга кириб келди.

Мен унга таъзим этдим.

— Ҳа, яхшимисиз? — деди у мени таниб ва дарҳол қўл бериб сўрашди.— Сизни кўриб, жуда хурсанд бўлдим.

Қиз кулимсиради, ҳайрон бўлиб менинг жомакоримни челакдаги ширач ва ерга ёйиб ташлаган гулқоғозларни бирма-бир томоша қилди. Мен қизардим, у ҳам ўн-ғайсизланиб қолди.

— Сизга бу хилда тикилиб қараганим учун мени кечирасиз,— деди у.— Одамлар менга сизни кўп гапиришди. Айниқса Благово мақтайди — докторнинг сизга эътиқоди жуда баланд. Опаңгиз билан ҳам танишиб олдим; хушфеъл, истараси иссиққина қиз экан, бироқ мен: укангизнинг оддийлашганига куйманг, бунинг ҳеч қандай ёмон томони йўқ, деб шунча гапирсам ҳам тушунмади. Ишчилик айб эмас, аксинча, ҳозир энг ажойиб одам сизсиз!

У яна бир карра челак ва гулқоғозларга қараб чиқдида, гапини давом этди:

— Мен доктар Благоводан сиз билан таништириб қўйишини илтимос қилган эдим, бироқ у унутдими ёки вақти тўғри келмадими, ишқилиб, таништирамади. Қандай бўлмасин, энди танишмиз, агар вақтингизни аямай ва тортинмай бизни кига кела олсангиз — бошим осмонга етарди. Сиз билан суҳбатлашиш орзусидаман. Мен оддий бир кишиман,— деди у менга қўлини узатиб,— бемалол ўтириб қайтасиз. Уйда дадам йўқ, у ҳозир Петербургда.

Қиз этакларини шилдиратиб, қироатхонага чиқиб кетди ва мен уйга қайтгач, не вақтгача ухлай олмадим.

Ўша нохуш кузда раҳмдия бир кимса ғариб жонимга ора кирди. Мен унинг кимлигини билмасдим. Менга ҳар замонда гоҳ чўй, гоҳ лимон, гоҳ печенье ёки қовурган чилларни юбориб турарди. Карповна бу нарсаларни ҳар сафар бир солдат олиб келганини айтарди, бироқ ким юборганлигини у ҳам билмасди; солдат ҳамиша менинг соғлиғимни, вақтида овқат еган-емаганимни, иссиқ кийимим бор-йўқлигини суриштирар экан. Совуқ тушгандан кейин бир куни мен уйда йўқ пайтда яна ўша солдат юмшоққина момикдан тўқилган шарфни бериб кетибди. Шарфдан нафисгина, билинар-билинемас муаттар ҳид келарди, мен ғамхўр парининг кимлигини дарҳол топдим. Шарфга худди Анята Благовонинг суйган ландиш атири сепилган эди.

Қишда яна иш кўпайиб, кўнглим аслига келди. Редька яна тузалди ва иккимиз қабристон черковидаги иконостасни замаскалаб, зарҳал суришга тайёрладик. Бу жуда озода, тинч ва бўёқчилар айтганидай, унумли иш эди. Бир кунда анчагина пул топиш мумкин эди, ишдан чарчамас-

дик, вақтнинг ўтиб кетганини сезмай қолардик. Сўки-ниш, кулиш, бақириб гапириш бу ерда мутлақо йўқ. Жойнинг ўзи ҳар қандай кишини сукутга, вазминликка ундайди, жиддий ва чуқур хаёлларга бошлайди. Туриб ёки ўтириб, астойдил ишлаётган ҳолатимизни четдан кўрган одам бизни ҳайкал деб гумон қилиши мумкин; ҳамма ёқни оғир сукунат, қабристон жимлиги босган, ҳатто анчайин бир асбоб ерга тушса ёки шамчироқдаги олов чирсилласа — бутун черков ичи гулдураб кетар ва биз чўчиб тушардик. Узоқ жимжитликни баъзан арининг учишига ўхшаш ғўн-ғиллаган овозлар бузарди; гоҳо бу овоз қабристон айвонида бирон ғўдакнинг жанозаси секин-секин ўқиётганлигидай, ёки гумбазга кабутар ва юлдузлар суратини солаётган рассомнинг оҳиста сизфирганидай эшитиларди; рассом беодоблик қилганини пайқаб, бирпасда жим бўларди; Редька ҳам гоҳо ўзидан-ўзи хўрсиниб, кўнглидаги саволларга жавобан: «Ҳамма нарсанинг бўлиши мумкин! Бошга тушса — кўз кўраверади!» деб қўярди; баъзан тепамиздаги бутхона қўнғироқларининг вазмин ва маъюс садолари эшитила бошларди ва бу дабдабадан биз, биронта бойнинг ўлиги келаётганини пайқардик. . .

Мен кунни шу жимжит ва гира-шира қоронғи черковда ўтказар, узоқ кечалари эса ишлаган пулимга олган янги трико костюмимни кийиб олиб бильярд ўйнашга ёки болохонада ўтириб спектакль кўришга чиқиб кетардим. Шу кезларда Ажогинаникида спектакль ва концертлар қўйила бошлади; декорацияларини ҳозир Редька ёлғиз ўзи ишларди. У Ажогинаникида қўйилган пьеса ва томошаларнинг мазмунини сўзлаб берганда роса ҳавасим келиб, ичим куйди. Ажогинаникига боргим келиб, ўлиб турсам ҳам юзим чидамади.

Рождество ҳайитига бир ҳафта қолганда, доктор Благово Петербургдан келди. Яна қадимги баҳс ва талашларимиз бошланди; оқшомлари бильярд ўйнашдан бўшамас эдик. Уйин пайтида у камзулини ечар, кўйлак тугмачаларини бўшатар ва умуман ўтакетган ишратпараест одамга ўхшаб олишни яхши кўрарди. Ўзи кўп ичмаса ҳам, улфатлар орасида шовқин-сурон қилаверарди. Емон ва арзон «Волга» қовоқхонасида бир кечада тантивозликка йигирма беш сўм сарфлаб кетаверарди.

Опам яна меникига қатнай бошлади; ҳар сафар иккиси худди беҳосдан учрашгандай сўрашиб, ҳайрон бўлишарди, бироқ мен опамнинг суюнганини, бир оз хижолат тортга-

нини сезар ва бу учрашувларнинг тасодифий эмаслигини билардим. Бир куни кечқурун бильярд ўйнаётиб, доктор менга шундай деди:

— Менга қаранг, сиз нима учун Должикованикига бормайсиз? Биласизми Мария Викторовна қанақа одам? Ундай доно, камтар, хушфеъл ва гўзал қиз камдан-кам йўлиқади.

Кўкламда инженер мени қай тарзда қабул қилганини унга гапириб бердим.

— Бекорчи гап!—деди кулиб.— Инженер — ўз йўлига, қизи — ўз йўлига. Ҳар ҳолда, азизим, сиз уни хафа қилманг, вақт топиб бир боринг. Яхшиси, эртага кечқурун бора қолайлик. Нима дейсиз?

Доктор кўнмаганимга қўймади. Эртаси куни кечқурун мен янги трико кастюмимни кийдим-да, кўп истиқолалар билан Должикованикига бордим. Бу гал менга хизматкори ҳам унчалик басавлат ва такаббур кўринмади, мебелу анжомлари ҳам ўша хизмат сўраб келган кунимдагидек кўзимни қамаштирмади. Мени кутиб ўтирган Мария Викторовна ўрнидан туриб, худди яқин ошнасидай қарши олди, қўлларимдан маҳкам тутиб, дўстона кўришди. Эгнига, енглари кенгина кўкимтил мовут кўйлак кийган, сочларини янгичасига тугиб олган эди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас бу хил соч тугиш шаҳримизда ҳаммага расм бўлиб унга: «итқулоқ» деб ном қўйишди. Чекка сочлари силлиқ қилиниб, қулоқ орқасига тараб қўйилганидан Мария Викторовнанинг юзлари бир оз очилгандай кўринарди ва шу ранги-рўйидан мен уни бу сафар худди қип-қизил ва кенг юзли, аравакаш башара отасига ўхшатдим. Мария ҳақиқатан хушрўй ва сўлимгина қиз бўлиб, кўриниши ўттизининг дидини берса ҳам, аслда йигирма беш ёшлардан ошмаган эди.

— Доктор барака топсин-эй, яхшиям ўша бор экан! — деди менга жой кўрсатиб.— Агар доктор бўлмаса, мен томонга сира қадам босмас экансиз, дейман! Мен зерикиб, жинни бўлаёздим. Отам мени ёлғиз ташлаб кетаверди, бу шаҳри азимда бир ўзим нима қилишимни билмайман.

Сўнгра Мария ҳозир қаерда ишлаётганимни, қанча пул олишим ва қаерда турганимни суруштира бошлади.

— Сиз ўзингиз ишлаб топган пулга қаноат эта оласизми? —деб сўради у.

— Ҳа.

— Сиз бахтиёр одам экансиз!— деб чуқур тин олди Мария.— Менимча, ҳаётимиздаги тамоми бало-кулфатлар фақат олифтагарчиликдан, бекорчиликдан, қуруқ санқишдан, ақлий пучликдан келиб чиқади, кишики, бошқалар ҳисобига яшамоққа ўрганиб олгандан кейин, албатта бу балоларга гирифтор бўлмай қолмайди. Тагин, ёлғондан гап сотяпти, деган хаёлга борманг, мен сизга чинимни айтяпман: давлатманд бўлишнинг ҳеч қандай қизиғи ва ҳаловати йўқ экан. Ҳаром йўл билан топган давлатингиз орқали дўстларни кўпайтиринг, дейилган, чунки умуман ҳалол йўл билан давлат топиб бўлмайди ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Уйдаги мебелларга совуққина бир назар ташлаб, санамоқчи бўлгандай қараб чиқди.

— Уйнинг қиммат баҳо буюмлар билан жиҳозланган, бадастир, бемалол ва қулай бўлишида ғалати бир жозибали қувват бор; бу нарса ҳатто энг иродаси кучли кишиларни ҳам аста-секин ўзига тортиб олади. Илгари отам иккимиз ўртача ва оддий турмуш кечирардик, ана энди қаранг! Ахир бир йилда, — деди у кифтини қисиб, — ота-бола йигирма минг сарфлаймиз-а! Тагин бу ер провинция, агар пойтахтда яшасак — қанча пул кетаркан, денг!

— Ҳамма жиҳозу қулайликлар фақат давлатманд ва илмли кишиларга муяссар бўладиган нарса деб қараш керак, — дедим, — бироқ менинг билишимча, турмуш қулайликларини энг оғир ва ифлос меҳнат билан мослаштириб олиб борилса бўлади. Отангиз бой одам, лекин гапига қараганда, машинист ҳам бўлибди, оддий смазчик ҳам бўлибди.

Мария кулди ва бекорчи гап, дегандай бошини чайқади.

— Дадам баъзан квасга нон бўктириб еб ўтиради, лекин, бу, анчайин инжиқлигидан ёки кўз кўрсинга шунақа қилади.

Шу топда қўнғироқ чалингани эшитилди-да, Мария ўрнидан турди.

— Илмли одамлар ҳам, бойлар ҳам—ҳаммаси ишлаши лозим, — деди гапини давом эттириб, — жиҳоз ва қулайликлар ҳаммага баб-баравар бўлиши керак. Бировга имтиёз, бировни камситиш деган нарсанинг бўлиши мумкин эмас. Келинг, қўйинг энди шу фалсафани! Яхшиси, қизиқ-қизиқ гаплардан эшитайлик. Бўёқчилар тўғрисида менга гапириб беринг-чи! Улар қандай одам? Ғалатими?

Доктор келди. Мен бўёқчилар тўғрисида гап бошлади-му, бироқ ётсираб, уялаверганимдан ҳикоям этнографнинг лекциясига ўхшаб, жиддий ва тўмтоқроқ чиқди. Доктор ҳам ишчилар турмушидан бир неча анекдот сўзлаб берди. У ҳикоядаги типларни тасвирлаб, гоҳ мастлар сингари гандираклаб чайқалар, гоҳ йиғлар, гоҳ тиз чўқар ва бира тўла кайфи ошиб қулаганини кўрсатмоқ учун, чўзилиб полга ётиб оларди. Доктор актёрликка моҳир одам эди ва Мария Викторовна унинг тақлидларини томоша қилар экан, қотиб-қотиб куларди. Сўнгра у рояль чалиб, ингичка овозда ашула қила бошлади, Мария Викторовна эса, керакли ноталарни топиб берар ва доктор адашганда тузатиб турарди.

— Сизни ҳам ашула айгади деб эшитган эдим, ростми?— деб сўрадим.

— Айтганда қандоғ! — деб хитоб қилди доктор. — Мария Виткоровна ажойиб ашулачи, артистка-ку! Тағин «ростми» дейсиз-а! Гапингизни қаранг, оғайни!

— Мен илгари кўп шуғулланар эдим, бироқ ҳозир ташлаб юборганман,— деб жавоб берди.

Мария пастаккина курсига ўтириб олиб, ўзининг Петербургдаги ҳаётини сўзлаб берди, у ердаги машҳур ашулачиларнинг юзини, овозини ва ашула айтаётгандаги қилиқларини қилиб кўрсатди; альбомига докторнинг ва сўнгра менинг расмимни солди, рассомликда нўноқроқ бўлса ҳам иккимиз жуда ўхшаб чиқибмиз. Мария ҳадеб кулар, ҳазиллашар, юзларини буриштириб масхарабозлик қилар ва бу қилиқлари ўзига, ҳаромдан топган бойлик тўғрисидаги гаплардан кўра кўпроқ ярашарди. Боя менга бойлик ва жиҳозлар масаласида айтган фикрларининг жиддий эмаслигини, аллакимларга таҳасиб қилиб гапирганини энди пайқадим. Мария ажойиб ҳажвий артистка эди. Мен хаёлан уни бошқа қизларга солиштириб чиқдим, ҳатто гўзал ва сипо деб танилган Анюта Благово ҳам унга тенглаша олмасди, таповут жуда катта, орада наъматак билан атиргулчалик фарқи бор эди.

Кечки таом келтирилди. Доктор билан Мария Викторовна қизил вино, шампанское ҳамда кофега коньяк қўшиб ича бошлади; иккиси дўстлик учун, ақл ва тараққиёт учун, озодлик учун қадаҳ уриштириб ичар, бироқ маст бўлмас, фақат юзлари қизариб, бекордан-бекорга қотиб куларди. Мен ҳам бўзрайиб ўтиравермаслик учун қизил винодан ичиб турдим.

— Талантли, истеъдодли кишилар,— деди Должикова,— қандай ҳаёт кечиришни билади ва ўз йўлини топиб юради; лекин, масалан, менга ўхшаш ўртача одамлар эса — ҳеч нарсани билмайди ва ўзича бирон ишни эплай олмайди; агар булар бирон ижтимоий оқимни сезиб қолса, ўзини шунга ташлайди-ю, қайси томонга оқаётганини суриштирмай сузиб кетаверади.

— Йўқ нарсани қандай қилиб сезиб қолиш мумкин? — деб сўради доктор.

— Кўринмаган нарсани йўққа чиқарманг.

— Ундай эмасдир? Ижтимоий оқимни янги адабиёт ўйлаб чиқарган. Бизда бу нарса мутлақо йўқ.

Баҳслар бошланди.

— Бизда ҳеч қандай мустаҳкам ижтимоий оқим йўқ ва бўлган эмас,— деди доктор баланд овоз билан.— Янги адабиёт нима деса, қулоқ солаверасизми!! У ҳозир қишлоғимизда меҳнаткаш интеллигентлар пайдо бўлди, деб жар соляпти; шунга ишонса бўладими? Жамики қишлоқларимизни ахтариб чиқсангиз, кўз кўрсинга пиджак ёки қора сюртук кийган, «яна»<sup>1</sup> сўзида тўртта хато қиладиган чаласавод тасқарадан бошқасини топа олмаймиз. Маданий ҳаёт бизда ҳали бошланган эмас. Бундан беш юз йил аввал одамларимиз нақадар ваҳший, шарманда, хору зор яшаган бўлса — ҳозир ҳам шу аҳвол давом этмоқда. Янги фикр, янги оқим дейсизу, бироқ буларнинг заррача аҳамияти йўқ, ночор гаплардир; ярамас ва паст мақсадларни хаспўшлаш учун атайлаб шу совлатлик сўзларни ишлатилади ва бунинг бирон жиддий томони борлигига сира ишониш мумкин эмас. Агар сиз жамиятда мустаҳкам бир оқим бошланганини сезган бўлсангиз ва — шу оқимга эргашиб бошқалар қаторида сиз ҳам энди ўз ҳаётингизни ҳашоратларни қулликдан озод этишга ёки мол гўштидан парҳез қилишга бағишламоқчи бўлсангиз,— мен нима дейман. Ойимқиз, бу кўй муборак бўлсин! дейман холос!.. Бизга фақат ўқиш керак: ўқиш, ўқиш. Мустаҳкам ижтимоий оқимларни ҳозирчалик қўйиб турайлик, чунки биз у оқимлар даражасигача ўсиб етганимиз йўқ, тўғриси айтганда, нималигига ҳали ақлимиз ҳам етмайди.

— Сизнинг ақлингиз етмаса, меники етади,— деди Мария Викторовна.— Бугун сизга ўзи нима бўлди?

<sup>1</sup> Ещё сўзини Екатерина икки — исчо ёзар экан. (Ред.)

— Бизнинг вазифамиз — ўқиш ва ўқишдир, мумкин қадар кўпроқ билим олишга ҳаракат қилишимиз лозим, чунки ҳар қандай жиддий оқим — билими бор жамиятда бошланади, келгуси инсониятнинг бахти-саодати ҳам билимга боғлиқ. Мен фан учун ичаман!

Мария Викторовна бир оз ўйланиб қолди-да:

— Тўғриси айтганда, ҳаётимизни бошқачароқ йўлга солмасак бўлмас экан,— деди,— то шу дамгача кечирган ҳаётимиз — сариқ чақага арзимади. Бу тўғрида гапирмай кўя қолайлик.

Доктор билан кўчага чиққанимизда соборда соат иккига занг урилди.

— Қалай, ёқдимиз? — деб сўради доктор.— Мария Викторовна яхши қиз, тўғрими?

Рождество ҳайитининг биринчи куни биз Мария Викторовнаникида меҳмонда бўлдик, сўнгра байрам тугагунча деярли ҳар куни келиб турдик. Унинг уйида биздан бошқа ҳеч ким бўлмас, шаҳарда икковингиздан бошқа танишим йўқ, дегани тўғри эди. Кўпчилик вақтимиз суҳбатда ўтар, баъзан доктор китоб ёки журнал келтирар ва бизга ўқиб берарди. Умримда менга йўлиққан биринчи маълумотли киши — шу доктор эди. Мен унинг қанчалик билими борлигини айта олмайману, бироқ ҳар тарафлама маълумотга эга экани, ҳар бир гапидан сезилиб турарди, у доим ўз билимини бошқаларга ҳам билдиришни истарди. Агар у медицина ҳақида сўз бошлайдиган бўлса — шаҳримиздаги докторларнинг биронтасига ҳам ўхшамас, балки кишида тамоман янги, фавқулодда ва ажойиб бир таассурот қолдирарди; мен бу одам, агар истаса ҳақиқий олим бўла олади, деган хулосага келдим. Ўша пайтларда меним учун доктор бирдан-бир обрўли киши бўлиб, менга таъсири зўр эди. Унинг билан учрашган сари, берган китобларини ўқиган сари менда тобора билим олишга ҳавас ошаётганини сездим, чунки билимнинг оғир меҳнатини енгил қилишига, ғамнок кўнглимга тасалли беришига умидим бор эди. Бориб-бориб мен, масалан, дунё олтмиш хил оддий жисмдан иборат эканини, алиф мой билан бўёқнинг нималигини тушундим ва бу нарсаларни билмасдан то шу дамгача қандай қилиб яшаб келганимга ҳайрон қоладиган бўлдим. Доктор билан танишлигим маънавий жиҳатдан юксалишимга ҳам сабаб бўлди. Мен унинг билан тез-тез баҳслашиб турардим. Одатда ўз фикримда қолсам ҳам, илгари менга қоронғи бўлган кўп



масалалар шу доктор туфайли аста-секин ёришди, шундай қилиб мен энди виждоним талабларига мос, аниқ, равшан ва муайян мақсадларни ўзим учун белгилаб олишга ҳаракат қила бошладим. Бироқ шунчалигига қарамай шаҳримизнинг энг яхши ва маълумотли кишиси бўлган шу докторда ҳам нуқсонлар кўп эди. Унинг қилиқларида, оддий суҳбатни доим талашга айлантириб юбориш одатида, ёқимли овози ва ҳатто хушмуомалалигида ҳам аллақандай қўполлик, семинарияга мос дағаллик сезилиб турарди. Сюртугини ечиб ташлаб кўйлақчанг қолганини ёки қовоқхонадаги малайга чой пули ташлаганини кўрган сари менинг ғашим келар ва — минг маданиятли бўлганида ҳам кўнгли ваҳшийлигича қола берибди,— деб ўйлардим.

Крещение кунлари доктор яна Петербургга жўнади. Эрталаб у кетди, тушдан сўнг опам келди. Пўстинини ва шапкасини ечмасдан бир нуқтага тикилганича индамай ўтираверди. Унинг ранги ўчган, тоби йўқ одамдай жунжикар ва зўрға тоқат қилаётгани билиниб турарди.

— Шамоллаб қолганга ўхшайсан,— дедим. Опамнинг кўзлари бирдан жиқ ёшга тўлиб, мендан аразлагандай ҳеч нима демади-да, ўрнидан туриб, Карповнанинг ёнига чиқиб кетди. Бир оздан кейин мен унинг аламли ҳасратларини эшитдим:

— Энажон, то шу дамгача мен нега яшаганман? Нима учун? Айтчи; менинг ёшлик ҳаётим расво бўлмаганми? Умримнинг энг гўзал даври фақат харажатларни ёзиш, чой кўйиш, чақа санаш, меҳмонларга қараш билан ўтиб кетибди, мен ҳам шуни билибману: дунё шу экан, деб юраверибман. Ахир мен ҳам одамманми, йўқми, энажан? Менда ҳам инсоний талабу тилаклар бор, мен яшамоқни истайман, бироқ, рўзгор ишларидан бошим чиқмайди, қўлимда бир даста калит, югурганим-югурган. Бу нима деган гап? Тоқатим қолмади-ку ахир, энажон!

Опам калитларини эшикдан улоқтириб ташлаб эди, менинг ёнимга шарақлаб келиб тушди. Булар — буфет, ошхонадаги шкаф, ертўла ва чой қутиларнинг калитлари бўлиб, онам тириклигида ёнидан узмас эди.

— Вой тавба-эй, тавба!— деб нолий бошлади кампир.— Авлиёларга сизингин, болам!

Опам кетаётиб, калитларини олмоқ учун менинг уйимга кирди:

— Сен мени кечиргин. Шу кунларда менга ўзи бир баало бўлди,— деди.

Бир куни Мария Викторовнаникидан кечроқ уйга қайдим; яп-янги форма кийган ёшгина миршаб мени уйда кутар ва стол устидаги китобларимни варақлаб ўтирар эди.

— Келдингизми? — деди-да, ўрнидан туриб, керишди.— Мен уч марта сизни қидириб келдим. Эртага эрталаб соат тўққизда губернаторнинг олдига борар экансиз; буйруқ шундай, албатта етиб боринг.

Жаноби олий губернаторнинг буйруғи олинди ва сўзсиз бажарилади, деган мазмунда мендан тилхат олгач, миршаб чиқиб кетди. Миршабнинг бунчалик кеч келгани ва мени тўсатдан губернатор чақиртиргани таъбимни жуда хира қилди. Ёшлик чоғимдан бери жандарма, полиция ва суд хизматчиларини кўрсам ваҳима босаверарди, шунинг учун бирон гуноҳ қилиб қўйган одамдай, ўзимдан ўзим ташвишланавердим. Шу алфозда кўзимга уйқу келмади. Энагам билан Прокофий ҳам хавотир бўлиб, ухлолмади. Аксига кампирнинг қулоғи оғриб инграйверди ва бир неча бор йиғлаб олди. Прокофий ухламаганлигимни сезиб, менинг уйимга кирди-да, оҳиста стол ёнига бориб ўтирди; унинг қўлида чироқ бор эди.

— Бир оз перцовка ароқ ичиб олсангиз яхши бўларди,— деди ўйланиб туриб.— Агар ичиб олсангиз — оламини сув босса, тўпигингизга чиқмайди. Онамнинг қулоғига ҳам озгина ароқ қўйилса — таққа қоларди.

Кечаси соат иккидан ўтганда Прокофий гўшт олгани кушхонага жўнади. Энди тонг отгунча ухлай олмаслигимга кўзим етди, эрталаб соат тўққизгача бир амаллаб вақт ўтсин учун мен ҳам унинг билан кушхонага боришга жазм қилдим. Биз қоронғида фонуз тутиб борар эдик, ўн уч яшар чамадаги Николка исмли унинг дастёри кетимиздан чана ҳайдаб, отни чу-чулаб келарди. Николканинг юзлари совуқдан кўкариб кетган, бироқ овози — қароқчиларникидан қолишмасди.

— Сизни губернатор ҳузурида жазолаб, таълим бермоқчилар,— деб йўлда гап бошлади Прокофий.— Губернаторлик илми-таълими бор, архимандритчаси ҳам бор, офицерлик, докторлик илми-таълими, ишқилиб ҳар бир мансабнинг ўзига яраша илми-таълими бор. Лекин сиз ўз илмингизга рия қилмайсиз, бундай қилишга сизга рухсат берилмайди.

Кушхона қабристоннинг орқасида бўлиб, илгари мен уни тузукроқ кўрмаган эканман. Унинг бутун дови-дастгоҳи учта бостирмадан иборат ва атрофи анчайин кесак девор билан ўралган эди. Ёзда кун исиганда шу ёқдан шамол турса — атрофни қўланса ҳид босиб, бурунни ёргудай бўларди. Лекин қоронғида бостирмалар кўзимга кўринмас, фақат гўшт ортган ва бўш қайтган чаналарга дуч келардим; фонус ушлаган одамларнинг у ёқдан бу ёққа юрганини кўрардим ва чапаничасига сўкишганини эшитардим холос. Прокофий ҳам, Николка ҳам барала бақиришиб сўкинишар, умуман қий-чув сўкиш ва ҳайқириқлардан, йўтал ва кишнашлардан бошқани ажратиб бўлмасди.

Сўйилган молларнинг ва гўнглларнинг ҳиди бурқсарди; қор эриб, лой билан аралашиб кетган ва назаримда қон кечиб юргандай бўлардим.

Чанага тўлдириб гўшт босдик-да, бозор сари, қассоблик томонга жўнаб қолдик. Тонг ёриша бошлади. Биринкетин сават кўтарган оқсоч хотинлар, кенг пальтога ўралган кампирлар учрай бошлади.

Прокофий қон сачраган оқ фартугини тутиб, болтани қўлга олди-да, астойдил қасам ичиб, черковга қараб чўқиниб, гўштни ўз нархига ва ҳатто зарарига сотишини айтиб харидор чақира бошлади. У тошдан ҳам, торозидан ҳам урар, пулини ортиқча ҳисоблаб оларди; оқсоч хотинлар аҳволни кўриб-билиб туришса ҳам, қассобнинг бақирганидан гангиб индашмас, фақат қарғаб кетишаверарди. Ваҳималик болтасини баланд кўтарганда ва кундага урганда — гавдаси сурат сингари хилма-хил вазиятда ўзгариб турар ва ҳар гал «ғиқ» деган овози эшитиларди; мен шу аҳволда бирон кишининг бошини ёки қўлини чопиб ташламасайди, деб қўрқа бошладим.

Шундай қилиб мен эрталабги вақтимни қассобхонада ўтказиб, ниҳоят, губернатор олдига жўнадим; пўстинимга гўшт ва қон ҳиди уриб қолибди. Кўнглим шу қадар хира эдики, биров мени бўйнимдан боғлаб судраётгандай қадам ташлар эдим. Губернатор маҳкамасидаги баланд зина ва тўшалган йўл-йўл пояндоз ҳамда ялтироқ тугмалик фрак кийган ёшгина чиновник сира эсимдан чиқмайди; у индамасдан, икки қўли билан менга эшикни кўрсатди-да, ўзи маълум қилгани олдинроқ ичкари кириб кетди. Мен кирган зал қиммат баҳо анжомларга тўлган бўлиб, бироқ хунук ва ўхшовсиз жиҳозланган эди, айниқса де-

раза оралиғига қўйилган энсиз ва баланд ойналар ҳамда сап-сариқ дарпардалар — бу ердагиларнинг дидсизлигини, губернаторлар алмашиб турса ҳам, зал қадимгисича қолаверганини яққол кўрсатиб турарди. Бояги чиновник яна икки қўллаб менга эшикни кўрсатгач, мен ичкари кириб, каттакон кўк стол ёнига бордим; стол тўрида бўйнига Владимир ордени таққан ҳарбий генерал ўтирарди.

— Жаноб Полознев, сизни чақиртиришдан мақсад,— деб гап бошлади генерал. Унинг қўлида аллақандай бир хат бўлиб, оғзи О ҳарфига ўхшаб каттакон очиларди.— Сизни чақиришдан мақсад, қуйидаги масалани сизга айтиб қўйиш эди. Муҳтарам падарингиз сизнинг тўғрингизда губерна дворянлар саркардаси Александр Павловичга оғзаки ва хат орқали мурожаат қилибди; сиз дворян бўла туриб, ўз насл-зотингизга нолойиқ ишлар билан шуғулланаётганингиз учун сизни чақиртириб, бирон танбиҳ бермоқларини илтимос этибди. Александр Павлович масалага тўғри тушуниб, сизнинг бу хил корибдингиз бошқаларга ҳам таъсир этиш эҳтимолини ўйлаб, мана бу хатни менга юборибди. Фақат тушунтириш ва танбиҳ бериш билан сизни ёмон йўлдан қайтара олишига кўзи етмаганидан: «жиддий маъмурий чоралар кўриш керак бўлармикин» деган мақсадда ушбу хатга ўз мулоҳазаларини ёзиб, менга ҳавола қилибди ва бу мулоҳазаларини мен тамоман қувватлайман.

Генерал бу гапларни оҳиста ва майин овоз билан, худди мени ўз бошлиғи билиб, ҳурматлаётгандай, менга мулойим-мулойим боқиб, тик турган ҳолда гапирди. Юзларини ажин босиб кетган, кўз таглари салқиб, халтачалар пайдо бўлган, сочлари бўялган ва сиртдан қараган одам: қирқдами, олтимишдами — ажратолмасди.

— Умид қиламан,— деди у гапини давом эттириб,— сиз, Александр Павловичнинг бу қадар ҳимматидан албатта миннатдор бўлсангиз керак, чунки у менга расмий суратда эмас, оғайнилик йўли билан мурожаат қилишни лозим кўрибди. Мен ҳам сизни ғайри расмий равишда чақирганман ва сиз билан ҳозир губернатор сифатида эмас, отангизнинг самимий мухлиси сифатида сўзлашаётиман. Хуллас, сиздан илтимосим шуки, ёки бу корибдинларни ташлаб, ўз насл-насабингизга лойиқ бирон хизматга қайтасиз, ё эса, бошқаларни ҳам йўлдан оздирмаслик учун, сизни ҳеч ким танимайдиган бошқа бирон жойга кўчиб кетасиз; ана ўша ерда истаган ишни қилаверишинг-

из мумкин. Акс ҳолда мен жиддий чора кўришга мажбур бўламан.

У оғзини очиб, бирпас менга тикилиб турди.

— Сиз вегетарианецмисиз?— деб сўради.

— Йўқ жаноби олийлари, мен гўшт ейман.

Генерал ўтирди ва аллақандай қоғозни олди; мен таъзим қилиб, чиқиб кетдим.

Тушки овқат вақтигача энди ишга боришнинг кераги ҳам йўқ эди. Мен уйга қайтиб, ухламоқчи бўлдим, бироқ кушхонада кўрганларим ва губернатор билан бўлган суҳбатим натижасида кўнглим ғаш, таъбим хира бўлиб, кун бўйи ухлай олмадим; бир амаллаб кунни кеч қилдим-да, хафалигимга чидамай Мария Викторовнаникига бордим. Мен унга губернатор ҳузурида нима гаплар ўтганини гапириб бердим. Мария анқайиб тинглади-да, бирданига шундай хохолаб кулиб юбордики, соф кўнгил, қувноқ одамларгина шундай кула оларди.

— Агар шу гапларни Петербургда эшитишса!— деди ва кула-кула йиқилаёзиб, зўрға столга суялиб қолди.— Агар Петербургда гапириб берилсами!

## IX

Энди биз тез-тез, кунига икки марта кўришиб турадиган бўлдик. Мария деярли ҳар куни тушдан сўнг қабристонга келар, крест ва мрамар тошларга ёзилган хатларни ўқиб, мени кутиб турар эди. Баъзан черковнинг ичкарасига кириб, менинг ишлашимни томоша қиларди. Бу ердаги сукунат, рассомлик ва тиллакорлик ҳунарининг соддалиги, Редьканинг баманилиги, мен ҳам бошқалар қатори ёлғиз нимчаю кавуш билан ишлаётганим, шерикларимдан ҳеч қандай фарқим йўқлиги ва ҳаммаси мени сансирагани — Мария учун таъсирли ва тамоман янги нарса эди.

Бир куни Мария кириб турган пайтда юқорида каптар суратини солаётган рассом менга:

— Мисаил, белилани узатиб юбор!— деди.

Мен белилани элтиб бериб, ингичка шотидан тушиб келаётганимда, таъсирланганидан кўзлари ёшга тўлиб, менга қараб турган Мария кулди-да:

— Шу қадар мулоғим, жонажон одамсизки!— деди.

Болалик вақтимда бир бойнинг кўм-кўк тўтиси қафасдан чиқиб кетган эди; бу чиройли парранда бир ойгача шаҳримизда боғдан-боғга учиб, ёлғиз ўзи адашиб юргани

ҳали ҳам эсимдан чиқмайди. Мария Викторовна менга худди ўша тўтиқушни эслатарди.

— Шу қабристондан бошқа ҳеч ерга боргим келмай қолди,— деди менга кулиб.— Шаҳар жонимга тегиб кетди. Ажогинаникидаги китобхонлик, ашулабозлик, шивир-шивирларни шу кунларда сира ёқтирмайдиган бўлибман; опангиз хилватпараст бўлиб олибди, Анюта Благово эса ўзидан ўзи мендан бешиб қолибди; театрни севмасам — энди қаёққа бориб, ким билан гаплашай?

Усти-бошларимни бўёқ ва скипидар ҳиди босиб кетган, қўлларим қорайган бўлса ҳам уйига бораверардим ва бу аҳволимдан Мария асло ранжимас, аксинча, хурсанд бўларди; у мени фақат иш кийимимда кўришни, уни ечмай кириб келаверишимни истарди, бироқ мен меҳмонхонада жомакор билан ўтирсам, уялиб, мундир кийган одамдай сиқилиб кетаверардим, шунинг учун, уникага борадиган бўлсам, ҳар сафар янги трико костюмимни кийиб олардим. Бу ишим унга ёқмасди.

— Ростини айтиб қўя қолинг: сиз янги иш, янги ша-роитга ўргана олмаяпсиз,— деди бир куни у менга.— Ишчи кийими сизга қовушмаяпти, аллақандай сиқилияпсиз. Айтингчи, бу нарса ҳозирги ҳаётингиздан қаноатланмаганингиз ва кўнглингиз шунга чопмаганидан эмасмикан? Наҳотки шу хил меҳнат ва танлаб олган бўёқчилик касбингиз сизни қаноатлантирса?— деб сўради кулиб.— Мен албатта бўялган нарсанинг чиройли ва мустаҳкам бўлишини биламан, бироқ булар ҳаммаси шаҳарликларники, бойларники-ку! Минг қилганда ҳам булар уйни безашдан бошқага ярамайдиган буюмлар. Сиз бир неча марта менга: ҳар ким ўз нонини ўз қўл кучи билан топиши керак, деган эдингиз, ваҳоланки, ҳозир сиз нон эмас, фақат пул топаётибсиз. Айтганингиздан қайтмай, ўша гапнинг сўз-ма-сўз маъносига мувофиқ иш қилсангиз — қўлингиздан келмайдими? Менимча, ўша сиз айтган ноннинг тадорикни қилиш, яъни ер ҳайдаш, экин экиш, ўриш, янчиш, ишқилиб қишлоқ хўжалигига бевосита алоқадор, масалан: мол боқиш, ер чопиш, уй солиш каби ишлар билан шуғулланиш керак...

Мария ёзув столи ёнида турган чиройликкина шкафини очдида, шундай деди:

— Бу гапларни сизга айтганимнинг бойси шуки, мен сизни ўз сиримга ошно қилмоқчиман! Марҳамат! Қишлоқ хўжалигига оид ҳамма китобларим шу ерда. Бу шкафда

далачилик, полизчилик, боғдорчилик, чорвачилик, асалари-чилик соҳасида китоблар бор. Мен ҳаммасини астойдил ўқиб чиқдим ва ҳозир назарий томондан бекам-кўст би-либ олдим. Менинг энг ширин орзу-умидим: март ойи ки-риши билан Дубечняга кўчиб бориш. У ерни жаннат деса бўлади! Еки нотўғрими? Биринчи йили у ёқ бу ёқ билан танишиб, ўрганиб, паст-баландини билиб олсам — кифоя, иккинчи йили астойдил бел боғлаб ишга киришаман, оғир-енгилига, чарчаганимга қарамай ўзим ишлайман. Отам Дубечняни менга инъом қилмоқчи; кўнглим нимани иста-са — ўшани қилиб, шу ерни обод этмоқчиман.

Мария гоҳ қизарар, гоҳ ҳаяжонидан кўзлари ёшланар ва куларди, у Дубечнядаги ҳаёти нақадар гўзал ва ало-мат бўлишини ўйлаб, ҳалитдан орзу қиларди. Чиндан ун-га ҳавасим келди. Март яқинлашиб, кунлар узая бошлаган эди, туш пайти қуёш қизигида томлардаги қор эриб оқар ва ҳар ёқдан баҳор ҳиди келиб турарди; кўнглим мени қишлоққа чорларди.

Унинг мен яқинда Дубечняга кўчиб кетаман деганини эшитган ҳамон дарҳол шаҳарда ёлғиз қолишим кўз ол-димга келди ва мен шу китоб солган шкафни, қишлоқ хўжалигини Марияга раво кўрмай, рашким кела бошлади. Мен қишлоқ хўжалигини билмас ва севмас эдим, ундаги меҳнатни қулларга муносиб деб тушунардим; шу фикрим-ни Марияга айтмоқчи бўлиб туриб, отам эсимга тушиб кетди: отам менга мудом шу гапларни айтарди, шунинг учун индамай кўя қолдим.

Рўза кирди. Анчадан бери бедарак бўлиб, ёдимдан чиқаёзган инженер Виктор Иванович Должиков Петер-бургдан қайтди. У лоақал телеграмма ҳам бермасдан тў-сатдан кириб келди. Одатдагича мен кечқурун келсам, у ювиниб-тараниб, соч-соқолини олдириб бўлган, меҳмонхо-нада қизига алланимани гапириб бераётган экан, афтидан анча яшариб кетибди. Мария тиз чўкиб турган ҳолда чама-донлардаги совғаларни, қутиларни, атир ва китобларни олиб, хизматкори Павелга узатмоқда эди. Инженерни кўриш билан мен беихтиёр орқамга тисланган эдим, би-роқ у икки қўлини менга чўзиб, кулимсиради ва оппоқ садафдай тишлари кўриниб кетди.

— Ана ўзи, ўзи ҳам келди! Сизни жуда кўргим келиб туриб эди, яхши келдингиз. Марҳамат, жаноби бўёқчи! Мария ҳамма воқиани гапириб берди, сиз йўғингизда мен-га роса мақтаб сайради, эшитдим. Мен ҳамма гапга ту-

шундим ва батамом қўшиламан! — деди у қўлтиғимдан тутиб. — Идорада пошшоликнинг қоғозини нобуд қилишдан ва пешонага кокарда тақиб юришдан кўра ҳалол ишчи бўлишлик минг марта аъло ва афзалдир. Мана шу қўллар билан мен Бельгияда роса ишлаганман, сўнгра икки йил машинистлик қилганман. . .

Инженернинг эғнида калта пиджак, оёғида хонаки шиппак бўлиб, юрганда бир оз оқсоқланар ва қўлларини ҳадеб ишқалайверарди. Фингиллаб ўзича ашула қилар ва узоқ йўл юриб уйига етиб олганидан, ўрганган ва севган ваннасини қабул қилганидан жони кириб, жунжикиб роҳатланарди.

— Шубҳам йўқки, — деди у менга кечки таом пайтида, — ҳаммангиз ҳам туппа-тузук, ёқимтой ва ажойиб одамларсиз, бунга шубҳам йўқ, бироқ жисмоний меҳнатни ушласангиз ҳам ёки мужикларни озод этишга киришсангиз ҳам, негадир, оқибати мазҳабпарастликка айланиб кетади. Сиз ҳам тақводор мазҳабпараст эмасми? Ароқ ичмай ўтирибсиз. Бу тақводорлик эмасми, ахир?

Инженернинг кўнгли учун мен ароқдан ичдим. Винони ҳам ичдим. Биз, инженер келтирган пишлоқ, колбаса, паштет, пикули ва хилма-хил таомларни еб, у йўқ вақтда чет элдан олинган виноларни ичиб ўтирдик. Ажойиб винолар эди. Вино билан сигараларни, негадир, бож тўламай чет элдан олаверарди; икра ва сур балиқларни аллаким текинга юбориб турарди; ўтирган уйига ижара пули тўламас, чунки уй эгаси йўл учун керосин етказиб бериш кафолатини олган бўлиб, хушомадга уйини текинга бериб қўйган эди. Умуман ота-бола иккиси менда шундай таъсурот қолдирдики, дунёдаги тамоми ширин таому яхши буюмлар шулар учун яратилган экан деб гумон қилдим.

Мен уларникига борди-келдини давом эттира бердим, бироқ илгаригидай кўнглим чопмас эди. Мен инженердан андиша қилардим ва у уйда бўлса, яйраб ўтира олмас эдим. Унинг тип-тиниқ ва ўткир кўзларига ботиниб қарай олмасдим, гапирса сиқилаверардим ва ғашим келарди; яқиндагина шу тўқ ва қип-қизил одам хўжайиним бўлганини, менга ҳаддан ташқари қўполлик қилганини, кўнглимни қаттиқ ранжитганини ўйласам, тинкам қуриб кетарди. Тўғри, у мени белимдан тутиб, елкамга қоққанлари, турмушимни мақтаб, кўнглимни кўтариб гапирганлари тўғри, бироқ ичдан мени илгаригидай ёмон кўришини,



анчайин бир одам қатори кўрмаслигини ва қизининг рўй-хотири менинг келиб-кетишимга чидаганини сезардим. Мен энди илгаригидай кулиб-ўйнаб, истаганимча гапира олмасдим, борган сари ётсираб, шу аҳвол давом этаверса, менга ҳам, ўз малайи Павел сингари Пантелей номи қўйишдан тоймаса керак, деб ўйлардим. Мендаги провинциал, мешчанлик ориятим уйғона бошлади. Ўзим бўёқчи бир пролетар бўлсаму, бутун шаҳар халқи ажнабий қаторида қурган ва менга тамоман ёт бўлган бойникига ҳар кун ибориб қиммат баҳо виноларини ичсам-да, хилма-хил лаззатли таомларини есам — бу қандай гап? Виждоним бунга чидай олмасди. Инженерликка бораётганимда учраган одамдан ор қилиб, ҳақиқатан тақводор одам сингари ерга қараб олардим; қайтганда эса қорним тўқлиги учун ўзимдан-ўзим уялардим.

Мен қизига ошиқи-шайдо бўлиб қолишдан кўрқардим. Кўчада кетаётганимда ҳам, ишлаб турганимда ҳам, шерикларим билан гаплашаётганимда ҳам Мария Викторовна бир дақиқа хаёлимдан кетмасди; кечқурун уникка қандай боришимни, унинг овозини, юриш-туришларини ўйлайверардим. Уникка борадиган бўлсам — ўзимни ҳар гал энагамнинг қинғир кўзгусига солиб, роса таранар, галстугимни қайта-қайта бузиб боғлар эдим, назаримда трико костюмим сира ярашмагандай бўлиб, ўзимдан-ўзим сиқилардим-да, нега бу қадар инжиқман, деб ўзимни койир эдим. Уйга келганимда гоҳо нариги хонадан туриб у: шошманг, кийиниб олай, деб илтимос қиларди ва мен кийимларининг шитир-шитирини эшитиб туриб ҳаяжонланар, назаримда мен турган пол чўкиб кетаётгандай бўлар эди. Кўчада бирон хотиннинг қорасини узоқдан кўриб қолсам, муқаррар унга таққослардим; ўша кезларда тамомий хотин ва қизларимизни шармсиз, ўзини тута олмайдиган, кийим кийишни билмайдиган, шуди йўқ бир дардисар деб тушинган эдим, таққослаган сари кўнглим қувониб: Мария Викторовна ҳаммасидан ҳам афзал деб фахрланардим. Кечалари мен уни тушимда кўрардим: доим иккимиз бирга бўлардик.

Бир кун икки кечки овқат маҳалида инженер иккимиз бутун бошлиқ омар балиқни еб қўйибмиз. Уйга қайтгач инженернинг таом устида икки марта менга, «азизгинам» деб мурожаат қилгани эсимга тушди; ўйлаб туриб, бу уйдагилар мени эгасидан адашган бахтсиз кўппак сингари эркалаётганига, мени анчайин эрмак қилиб олишганига ва

жонларига текканимда, итдай ҳайдаб юборишларига ақлим етди. Ўзимдан-ўзим уялиб, ер ёрилмадики, кириб кетсам! Гўёки хўрланиб таҳқир этилгандай, кўксимни биров пичоқлагандай жоним ҳалқумимга келган эди. Ана шунда бу аҳволга хотима бериш учун осмонга қараб қасам ичдим.

Эртаси куни Должиковникига бормадим. Кеч кириб, роса қоронғи тушиб, ёмғир қуяётган пайтда Большая Дворянская кўча уйларининг деразаларига бирма-бир қараб чиқдим. Ажогиналарникида ҳамма ухлаган, фақат энг четдаги деразадан ёруғ кўринарди; бу Ажогина кампир эди, назаримда: хурофотга қарши курашиб, учта шам ёқиб олиб, ўз бўлмасида иш тикиб ўтирарди. Бизнинг уйда чироқ йўқ эди, қаршимиздаги Должиковнинг деразаларидан чироқ тушиб турса ҳам, гул ва пардалар тўсганидан ичкарида нима бўлаётганини кўриб бўлмасди. Мен кўчада кўп ўйландим, муздай март ёмғири ҳамма ёғимни ивитиб юборди. Отам клубдан қайтиб, дарвозани қоққанини эшитдим, бир оздан сўнг ичкарида чироқ ёнди-да, чироқ тутган опамни кўрдим; опам тез-тез юриб келар ва йўл-йўлакай қалин сочларини бир қўллаб тузатарди. Сўнгра отам кирди ва меҳмонхонанинг у бурчидан бу бурчига бориб-келиб, нималарнидир гапириб, қўлларини ишқалай бошлади; опам қимирламай креслода ўтирар ва бошқа нарсаларни ўйлаб, унинг гапларига қулоқ солмас эди.

Иккиси чиқиб кетди, чироқ ўчди... Мен бурилиб инженернинг уйига қарадим, ундаги чироқлар ҳам ўчган эди. Қоп-қоронғи ва ёмғирли кечада мен ғурбатда юрган ғарибдай ёлғиз ва ожиз эканимни, тақдир тақозоси билан кимсасиз қолганимни сездим, ҳозирги ёлғизлигим, шу тортаётган азобу уқубатларим ҳамда келажакдаги сержафо ҳаётим олдида — бу қилаётган ишлару, умидлару, то шу дамгача гапирган ва ўйлаганларим — ҳаммаси ҳам анчайин бир нарса эканини тушундим. Афсуски, инсоннинг иши билан фикри унинг тортган ғаму ғуссаларидай катта ва кучли бўлмас экан! Шу аламлардан сўнг мен нима бўлишининг мулоҳазасига бормасдан, ўзимдан-ўзим Должиков дарвозасидаги қўнғироқ симини кучим борица тортиб юбордим, сим узилиб кетди ва мен, биронтаси чиқиб таниб қолмасайди, деб ёш бола сингари орқамга қарамай чопа бошладим. Кўчанинг охирига бориб, нафасимни ростламоқ учун тўхтаб қулоқ солдим: фақат ёмғирнинг шу-

виллашини ва узоқдан қоровулнинг чўянини ураётганини эшитдим.

Мен бир ҳафтагача Должиковникига бормадим. Трико костюми сотилди. Бўёқ ишлари учрамай қолди, мен яна тўғри келган оғир ва ифлос ишларни бажариб ўн ёки йигирма тийин топадиган, очин-тўқин юрадиган мушкул кунларга қолдим. Совуқда тизза бўйи лой кечиб, жўрттага кўнглимни вайрон этиб, хотираларни унутишга уринардим, гўё инженерникида еган пишлоқ ва консерваларим учун ўзимдан ўч олардим; кўнглим вайрон бўлиб, оч-наҳор ивиган ҳолда бошимни ёстиққа қўйишим билан дарҳол ажойиб, жозибали манзаралар ожиз хаёлимни қоплаб оларди ва мен севганимга, ишқ балосига гирифтор эканимга таажжубланардим ва ниҳоят иқрор бўлардим. Бу оғир турмушдан бутун вужудим қайтага яшариб, кучга тўлганимни сезиб, ширин ва қаттиқ уйқуга кетардим.

Бир куни кечқурун бевақт қор бўради-да, шимолдан ел туриб, яна қиш бўлиб қолди. Уша оқшом ишдан қайтиб келиб, уйимда Мария Викторовнани кўрдим. У пўстин кийган, икки қўлини муфтасига солиб ўтирган эди.

— Нима учун меникига бормайсиз?— деб сўради, маънодор ва тиниқ кўзларини менга тикиб; мен эса суюнганимдан қизариб-бўзариб, унинг қаршисида отам урмоқчи бўлгандаги ҳолатимда, қотиб қолдим. Мария юзларимга тикилиб қаради-да, менинг нима учун хижолат бўлганимни пайқади.

— Нима учун меникига бормайсиз? — деб такрорлади у. — Агар боргингиз келмаса, мана мен ўзим келдим.

Мария ўрнидан туриб, яқинимга келди.

— Мени ташлаб кетманг, — деди-да, кўзлари жиққа ёшга тўлди.— Мен ёлғизман, ҳеч кимим йўқ!

Юзини муфтаси билан тўсиб, йиғи аралаш илтижо қилди:

— Ёлғизман! Турмушда ҳаловат қолмади, мен қон ютяпман, дунёда сиздан бошқа менинг ҳеч кимим йўқ. Мени ташлаб кетманг!

Мария кўз ёшларини артмоқчи бўлиб, рўмолчасини излар экан, оҳиста кулимсиради; иккимиз ҳам анчагача индаёлмай қолдик, сўнгра мен уни қучоқлаб ўпдим; шапкасидаги тўғнағичнинг учи тегиб, юзим бир оз қонади.

Иккимиз кўпдан бери жонажон дўстлардек ширин-ширин сўзлашдик...

Икки кундан сўнг Мария мени Дубечняга жўнатди ва бундан мен ниҳоят мамнун бўлдим. Вокзалга кетаётганимда ва сўнгра вагонга ўтирганимда ўзимдан-ўзим хурсанд бўлиб кулардим, одамлар мени маст гумон қилиб, қараб қўйишар эди. Қор ёғиб, эрталабги пайтлари изғирин кўтарилар, бироқ йўллар эриб ҳамма ёқ қорайган ва ҳавода зағчалар чағиллаб, тўда-тўда учишиб юрарди.

Олдин мен, Маша билан иккимиз учун Чепракова жонимнинг рўпарасидаги ён ҳужрадан жой тайёрламоқчи бўлган эдим, бироқ бу уй кўпдан бери каптархона ва ўрдакхона қилиб қўйилгани учун, инларни бузмасдан уни тозалаб чиқишлик мумкин бўлмади. Нонлож чий парда тутилган катта уйнинг ёқимсиз хоналарида жойлашишга тўғри келди. Мужиклар бу уйга палата, деб ном қўйишган эди, унда ўн иккитадан ортиқ хоналар бўлиб, битта фортепьяно билан томда ётган ўйинчоқ курсидан бошқа ҳеч қандай мебели йўқ эди. Агар Маша шаҳардаги ҳамма мебелларини келтириб, шу уйга жойлаганда ҳам, барибир, бу ердаги ҳувиллаган бўшлиқ ва хунукликдан қутулиб бўлмасди. Мен деразалари боққа қараган учта кичик-кичик бўлмани танладим-да, эртадан кечгача шуларни тозалаш, деразаларига ойна солиш, деворларига гул қоғоз ёпиштириш, полдаги дарз ва кавакларни ямаш билан овора бўлдим. Бу ишлар енгил ва кўнглимга жуда мос тушган эди. Ора-сира югуриб, муз кўчганини билмоқ учун дарё бўйига борардим; назаримда чуғурчиқ келгандай бўларди. Кечалари Машани ўйлаб ширин хаёллар ичида ётганимда, каламушларнинг югурганига, шамол тувиллаб тунукани тарақлатганига завқ билан қулоқ солардим; чердакда алвасти йўталётгандай бўларди.

Қор қалин эди; март охирларида уст-устига ёғиб, уйлиб кетди-да, тўсатдан эрий бошлаб, сувлар шарақлаб оқиб, тезда ғойиб бўлди, апрель кирар-кирмас боғда чуғурчиқ чуғурлаб, сариқ капалаклар ҳам кўринди. Ажаб хушҳаво, илиқ кунлар бошланди. Мен ҳар куни кечга яқин Машанинг келишини кутиб, йўлга чиқардим; энди қурий бошлаган юмшоққина йўлда оёқяланг юришнинг роҳатини камдан-кам одам билади! Анчагина юргач, ўтириб олиб, узоқдан шаҳарни томоша қилардим, яқинига боришга юрагим бетламасди, чунки қорасини кўрсам безовта бўлаверардим. Таниш-билишлар бу ишқий саргузаштимни

эшитишса нималар дейишини билгим келарди. Отам нима дер экан? Ҳаётим борган сари мураккаблашиб, тизгини қўлимдан кетганини ва ҳаёт мени бошим оған томонга олиб кетаётганини ўйласам, қаттиқ хижолат тортардим. Мен энди қандай қилиб овқат топишнинг ғамини емас, қай хилда кун кечиришни ўйламасдим, ростини айтсам, ўша кезларда нимани ўйлаганимни эслай олмайман ҳам.

Маша коляскада келарди; мен дарров ёнига чиқиб олардим-да, иккимиз кайфи чоғ, жонимиз кириб, Дубечняга келардик. Баъзан кун ботгунча кута-кута зерикиб, хафа бўлиб, нима учун келмаганига тушуна олмай, уйга қайтганимда, тўсатдан дарвоза олдида ёки боғда жонажон Маша мени пойлаб турганини кўрардим. Бу сафар поезд билан йўлга чиққани ва станциядан тўғри пиёда келгани маълум бўларди. Бу — менинг учун ҳақиқий байрам эди! Қўлида оддий соябон, бошида дуррача, оёғида чет элдан олинган ботинка; содда кўйлаги ярашган, қадди-қомати бежирим; умуман Маша — мешчан қиз ролини ўйновчи талантли актриса эди. Биз ўз хўжалигимизни қараб чиқиб, ким қайси уйда туришини, қаерда хиёбон, қаерда полиз бўлишини, қаерга асалари қутилари қўйилишини аниқладик. Анчагина товуқ, ўрдак, ғоз боқдик ва бу паррандалар ўзимизники бўлганига суюнардик. Экиш учун сули, йўнғичқа, лух, қора буғдой ва сабзавот уруғлари тайёрланган эди; иккимиз бу уруғларни тез-тез текшириб турар ва қанча ҳосил беришини гаплашардик. Машанинг менга айтган сўзларини ғоятда маъноли ва ажойиб фикрлар деб билардим. У кунлар ҳаётимнинг энг бахтли даври эди.

Фома байрамидан кейин, Дубечнядан уч чақирим нарироқда бўлган Куриловка қишлоғидаги черковда иккимиз никоҳдан ўтдик. Маша тўйимизнинг дабдабасиз ўтишини истарди; унинг хоҳишига мувофиқ, янгалар ўрнига деҳқон йигитлар куёв жўра, келин жўра бўлишди, битта дьякон хутба ўқиди; чорковдан қайтишда кичкина шалди-роқ гарантасга тушдик, аравани Мария ўзи ҳайдаб келди. Шаҳардагилардан ёлғиз опам Клеопатра бор эди; биз унга тўйдан уч кун олдин хат ёзган эдик. Опам эгнига янги оқ кўйлак, қўлларига қўлқоп кийиб келган эди. Бечора, никоҳ ўқиладиган пайтда хурсандлигини, чексиз меҳр-муҳаббатини ичига сиғдира олмай, оналар сингари секин-аста йиғларди. Бизнинг бахтиёр эканимизни кўриб, ўзи ҳам бахт-саодат шарбатини тотаётгандай суюнчидан ку-

ларди. Мен никоҳ ўқиладиганда опамга кўз қирида боқиб, дунёда унинг учун ишқдан, инсоний муҳаббатдан юксак нарса йўқлигини ва бу муҳаббат тўғрисидаги орзуларини ошкор эта олмаслигини, бироқ севгиси қизгин, чин ва чексиз эканини тушундим. У Машани кучоқлаб, кетма-кет ўпар ва ўз хурсандлигини қандай қилиб изҳор этишини билмай, ҳадеб менинг тўғримда:

— Бу жуда оқ кўнгил, жуда олижаноб йигит!— дерди.

Опам жўнаш олдидан усти-бошини алмаштириб кийиб олди-да, холи гаплашиб олмоқ учун мени боққа таклиф этди.

— Отам хат ёзмаганинг учун сендан анча ранжиди,— деди у.— Унинг розилигини олсанг бўларди. Лекин, чинини айтганда, эшитиб, жуда суюнди. Бу уйланиш жамият назарида унинг обрўйини кўтаради ва Мария Викторонанинг таъсири остида турмушга жиддийроқ қарайдиган бўлади, деди. Ҳар оқшом биз сендан гап очамиз. Кеча отам: «Бизнинг Мисаил» деб отингни тилга олганда мен жуда суюниб кетдим. Афтидан, бир нарсага жазм қилганга ўхшайди ва менинг билишимча, олижаноблик қилиб, ўзи сен билан ярашмоқчи бўлса керак. Яқин кунлар ичида келиб қолса ҳам ажаб эмас.

У мени бир неча бор шошиб-пишиб чўқинтирди-да:

— Хайр, сени худога топширдим, бахтинг ёр бўлсин!— деди.— Анюта Благово жуда ақлли қиз, уйланишингни эшитиб: укангни худо яна бир синовдан ўтказмоқда, деди. Ким билади дейсан? Оилавий турмушни фақат роҳатдан иборат деб бўлмайди, унинг азобу уқубатлари ҳам бўлади. Бусиз мумкин эмас.

Маша иккимиз опамни уч чақиримча жойга кузатиб бордик; қайтишда сайр қилиб юргандай, секин-секин ва гаплашмай келдик. Маша қўлимдан ушлаб келарди; кўнглим равшан, энди муҳаббатдан гап очишни истамасдим. Никоҳдан ўтгандан сўнг яна ҳам яқин, яна ҳам қадрдон бўлганимизни ва дунёда энди ҳеч нарса бизни ажрата олмаслигини сезардик.

— Отанг ёқимтойгина қиз экан,— деди Маша,— бироқ бечора қийноқда қолган одамга ўхшайди. Отанг жуда золим бўлса керак.

Опам билан мен қандай тарбияланганимизни, ёшлик умримиз азоб ичида ўтганини сўзлаб бердим. Отам яқинда ҳам мени урганини эшитиб, Мария сесканиб тушиб, пинжимга кириб олди.

— Бас, у ёғини айтма!— деб тўхтатди мени.— Бу муд-  
ҳиш нарса.

У энди мендан сира айрилмас эди. Биз уч хонали катта уйда турар ва кеч кириши билан нариги бўш етган хонага чиқадиган эшикни, худди у ёқда бирон бало бордай қўрқиб, маҳкам беркитиб олардик. Мен тонг ёришиши билан ўрнимдан туриб, дарҳол бирон иш қилишга киришардим. Мен арава тузатардим, боғда йўл қилардим, жў-як чопардим, том тунукасини мойлардим. Сули экиш пайти келганда ер ҳайдашга, мола босишга, уруғ сочишга астойдил ҳаракат қилиб, хизматкорлардан қолишмай аралашиб ишлайверардим; мен роса чарчардим, ёмғир ва изғирин совуқдан юзларим, қўл-оёқларим жазиллар, тушимда ҳайдалган шудгорларни кўриб чиқардим. Лекин дала ишлари мени қизиқтирмади, чунки мен қишлоқ хўжалигини билмас ва уни севмасдим; бунга — менинг отабоболарим деҳқон ўтмагани ва киндигимнинг қони шаҳарда тўкилгани сабаб бўлса керак. Табиатга муҳаббат қўйган эдим, мен далани, пичанзорларни, экинзору полизларни севардим, бироқ ориқ отни чу-чулаб, омоч билан ер ҳайдаётган чуринди кийимлик, ивиган, қилгириқ бўйин мужикни мен ваҳшиёна дағал ва қўпол кучнинг намунаси деб ҳисоблардим ва ёқтирмас эдим; унинг ўхшовсиз ва бесўнақай ҳаракатларига ҳар сафар назар солганимда — одамлар ўт нималигини билмаган қадимги афсонавий замонларни беихтиёр ўйлар эдим. Подада юрган даҳшатли буқадан, қишлоқ кўчасидан тасир-тусур чоғиб ўтган йилқилардан ҳам қўрқардим, ҳаттоки шохлик қўчқор, эркак ғоз, қопонғич ит ва умуман салгина каттароқ, кучли ва асовроқ ҳайвонлар ҳам назаримда, ўша ваҳшиёна қўпол кучнинг намоёндаси бўлиб кўринаверарди. Бу дардисар хаёллар мени айниқса ҳаво ўзгарган ва ҳайдалган шудгор тепасида қора булут ўралишган пайтларда роса безовта қиларди. Масаланинг муҳими шу эдики, мен қандай ер ҳайдаб, қандай уруғ сепаётганимга икки-уч киши қараб турганини кўрсам — бу қилаётган меҳнатимга ҳеч қандай зарурият ва эҳтиёж йўқлигини, анчайин эрмак учун ишлаётганимни англардим-да, пушаймон бўлардим. Шунинг учун мен кўпинча ҳовлида бошқа бирон иш билан машғул бўлишни, хусусан том тунукасини бўяшни афзалроқ кўрардим.

Мен боғ ва пичанзордан ўтиб, тегирмонимизга борардим. Уни Куриловка қишлоқлик буғдой ранг, қора соқол,

чиройли ва паҳлавон башара Степан деган мужикка ижарага берилган эди. Тегирмон ишларини у ёмон кўрар ва бу касбни умуман қизиги ҳамда нафи йўқ деб билар, фақат уйдан безор бўлгани учун тегирмонда туришга мажбур эканини айтарди. Степан сарроч бўлгани учун ҳаммиша унинг уйдан қатрон ва чарм ҳиди келарди. Гапни ёқтирмас, бўшанг ва кам ҳаракат одам эди, дарё бўйида ёки остонада ўтириб, нуқул «лай-ла-лай» деб ашула қиларди. Баъзан уни кўргани хотини билан қайнанаси Куриловка қишлоғидан келишар, иккиси ҳам оппоққина, сузилган ва ювош хотин эди; булар эгилиб таъзим қилишар ва уни «сиз, Степан Петрович» деб сизлашарди. Степан бўлса, на уларнинг таъзимига, на гапига жавоб берар, сўрашмай-нетмай бир четга чиқиб ўтирарди-да, бемалол «лай-ла-лай»ини айтаверарди. Шу аҳволда бир соат, икки соат гап йўқ, сўз йўқ ўтираверарди. Қайнанаси билан хотини шивирлаша-шивирлаша ўрниларидан турар ва бурилиб қарармикан деган умидда анчагача унга маҳтал бўлиб туришарди-да, ниҳоят, яна эгилиб таъзим қилиб ва мунгли овоз билан:

— Хайр бўлмаса, Степан Петрович!— деб кетавершарди.

Сўнгра Степан келтирилган тугунчадаги нон ва кўйлаklarини йиғиштираётиб хўрсинар ва улар кетган томонга имо қилиб:

— Зоти хотин-да!— деб қўярди.

Икки тошли тегирмон туну кун тинмай ишларди. Кўпинча Степанга қарашиб турардим, умуман бу ердаги ишлар менга жуда ёқар ва агар у бирон жойга борадиган бўлса, тегирмонда ўзим қолаверардим.

## XI

Иссиққина очиқ кунлар кетидан ёғингарчилик бошланди; бутун май ичи ёмғир тинмай, ҳаво совиб кетди. Тегирмон паррагининг шувиллаши ва ёмғирнинг шилдир-шилдири кишини зериктирар ва уйқусини келтирарди; полтинимсиз чайқалиб турар, тегирмонни ун ҳиди босиб кетарди, бу ҳам мудроқ бостирарди. Хотиним калта пўстин, эркакча баланд пошнали этик-калиш кийиб олиб, кунига икки марта келиб кетар ва ҳадеб нолир эди:

— Шу ҳам ёз бўлдимиз? Октябрь ойида ҳам бу қадар лойгарчилик бўлмас!



Иккимиз бирликда чой ичар, шовла пиширар ёки кун бўйи ёмғир тинишини кутиб индамай ўтирардик. Бир кунни Степан аллақайси ярмаркага бормоқчи бўлиб кетди. Маша ҳам менинг ёнимда, тегирмонда ётиб қолди. Ўрни-миздан туриб у ёқ-бу ёқни қарасак — соат нечалигини билиб бўлмайди: осмонни қора булут ўраб олибди; фақат Дубечня томондан ҳар замонда хўроз чақиргани ва пичанзорда мошак сайрагани эшитиларди; вақт жуда эрта бўлиб, тонг отмай уйғонибмиз. . . Биз эру хотин, кўл бўйига бориб, кеча Степан қўйган саваг тўрни сувдан тортиб олдик. Тўрда битта каттаком олабуға балиқ питирлар, қисқичбақа қисқичини кўтариб ҳурпаярди.

— Қўйиб юбор,— деди Маша.— Шу жониворлар ҳам биздек бахтиёр яшасин.

Биз жуда эрта туриб, ҳеч иш қилмаганимиз учун назаримда кун узайиб кетгандай ва умримда бунчалик узун кун бўлмагандай кўринарди. Кечқурун Степан келди, мен уйга қайтдим.

— Бугун отанг келган эди,— деди Маша.

— Қани ўзи?— деб сўрадим.

— Қайтиб кетди. Мен қабул қилмадим.

Менинг индамай туриб қолганимни, отамга раҳмим келганини фаҳмлаб, деди:

— Одам деган субутли бўлмоғи лозим. Мен отангни қабул қилмадим ва бундан буёқ ташвишланиб, келиб овра бўлмасин, деб айттирдим.

Бир минутдан сўнг мен дарвоза ташқарисига чиқиб, отамга узр айтмоқ учун шаҳар томон жўнадим. Йўл лой ва тойғончиқ, ҳаво совуқ эди. Тўйдан кейин биринчи марта хафа бўлиб, юрагим сиқилаётганини сездим, бугунги узундан-узоқ бемаза кундан чарчаган миямда: эҳтимол бу хилда яшашим тўғри эмасдир, мен янглишгандирман, деган фикр пайдо бўлди. Мен чарчадим, бора-бора бўшанглик ва эринчоқлик мени енгди-да, юришга, ўйлашга тоқатим қолмади, яна бир оз юрдим-да, кўл силтаб, қайтиб келдим.

Инженер келганини ва ҳовлининг ўртасида бақириб гапираётганини кўрдим; устида қалпоқдор чарм пальтоси бор эди.

— Мебеллар қани? Бу ерда *empire* услубидаги чиройли мебель, сурат, вазалар бор эди, қораси ҳам қолмабди-ку! Мен бу мулкни мебеллари билан сотиб олганман, қани булар?

Унинг ёнида генерал хизматкори Моисей телпагини қўлида мижиғлаб турарди; бу озгин, чўтир, биткўз, бир ёқ бети салқигансимон катгарақ, йигирма беш яшар чамасидаги бўзрайган бир йигит эди.

— Сиз жаноби олийлари, бу мулкни мебелсиз олган эдингиз,— деди у зўрғатдан овозини чиқариб.— Менинг эсимда бор.

— Овозингни ўчир!— деб бақириб юборди инженер қизариб, титроқ босиб; унинг овози боғда акс садо бериб, жаранглаб такрорланди.

## XII

Боғда ёки қўрада мен бирон иш қилаётган бўлсам — Моисей қўлларини орқасига қилиб, кичкина шум кўзларини менга тикиб, тепамда бўзрайиб турарди. Унинг бу қилиғи шу қадар жонимга теккан эдики, гашим келиб, дарҳол ишни ташлаб кетишга мажбур бўлардим.

Мана шу Моисей генерал хонимнинг ўйнаши эканини Степан бизга гапириб берди. Одамлар қарзга пул сўраб келганда, олдин Моисейга мурожаат қилганларини пайқадим; бир куни аллақандай қоп-қора бир мужик, афтидан кўмирчи бўлса керак, унинг оёғига йиқилиб ялинаётганини кўрдим; баъзан ўзаро шивирлашиб, хонимга билдирмай ўзи пул бераверарди, мен шундан сўнг унинг ҳам ўз пули бўлиб, судхўрлик билан шуғулланишини тушундим.

Моисей ҳамиша бизнинг боққа кириб, деразамиз тегида милтиқ отар; ертўламиздан уни-буни ўғирлаб кетар, отларимизни сўрамасдан олиб ишлатаверарди; биз қаттиқ ғазабланардик, бора-бора Дубечня бизники эканига ишонмай қолдик.

Бу аҳволдан Машанинг ранги ўчиб:

— Шу ифлослар билан яна бир ярим йил қандай қилиб яшай оламиз?— дерди.

Генерал оймнинг ўғли Иван Чепраков темир йўлда кондуктор бўлиб ишларди. Қиш ичи у анчагина озган, дармони қуриган ва энди бир рюмка ароққа маст бўлиб, сояда турса қалтирайверарди. Кондукторлик формасини ёмон кўрар ва кийимидан ор қилиб юрса ҳам, шам ўғирлаб сотиш имконияти борлиги учун, бу хизматни қулай деб биларди. Мен Машага уйланиб, Дубечняга хўжайини

бўлиб қолганимга у тушуна олмай, боши қотган ва нима қилишини билмас эди; гоҳ менга рашки келар, гоҳ ўзига ҳам шу хилда омад боқишидан умидвор бўлиб, кўнглини овутиб юрарди. Ёнидан Маша ўтиб қолса, завқланиб унга тикилар, ҳозир қандай таомлар еётганимни суриштирар ва унинг қотма, хунук башараси гоҳ маъюсланиб, гоҳ илжайиб, суқтойлигини билдириб қўярди, панжалари ҳам ўша таомларни сезаётгандай ўзидан-ўзи ҳаракатга келиб, қимирлайверарди.

— Менга қара, арзимаган фойда,— деб ҳовлиқиб қоларди Чепраков, кетма-кет папирос тутатиб; у ўтирган жойга сира сон кирмасди, чунки битта папиросни ёндирмоқ учун ўнга гугурт қақиб ташлаганидан ҳамма ёқ ивирсиб кетарди.— Биласанми, ҳозир менинг ҳаётим расво бўлган. Ҳар қандай арзимаган прапоршик ҳам сансираб: «Ҳой кондуктор! Сен — фалон! Сен — туган!» деб менга дўқ қилаверади. Вагонларда турли туман гапларни эшитавериб, бўлганимча бўлдим, оғайни; билсам — бу турмуш эмас — расвогарчилик экан. Мени расво қилган онам! Вагонда бир доктор менга: бузуқ ота-оналарнинг боласи, албатта, ё ароқхўр ё жиноятчи бўлади деди. Демак, ҳамма касофат онамда экан!

Бир куни у гандираклаб ҳовлига кириб келди. Шира кайф кўзларини аланглаптиб, оғир-оғир нафас оларди: Иван гоҳ кулар, гоҳ йиғлар ва алаҳлаётган одамдай алланималарни айтиб ўзидан-ўзи чулдиарди; унинг боши йўқ, кети йўқ нутқидан мен: «Менинг онам! Қани онам?» деганини англадим; у оломон орасида онасини йўқотиб қўйган боладай ҳўнграб йиғлар эди. Мен уни боққа етаклаб кирдим-да, дарахт тегига ётқизиб қўйдим; Маша икковимиз кун бўйи ва кечаси тонг отгунча навбатма-навбат ёнида қоровуллик қилиб чиқдик. У лоҳасланиб, безовта бўлганда, терлаб бўзариб кетган жирканч башарасига Маша қараб туриб:

— Шу ифлослар бизнинг қўраимизда яна бир ярим йил турадимми, а?— деб ғазабланарди.— Бунга қандай чидаб бўлади? Бу расвогарчилик-ку!

Деҳқонларнинг бизга қилган қилғилиklarини айтмай-сизми! Келганимиздан бери бирон кун бошимиз ташвишдан чиқмади, бахт-саодат истаган кўнглимиз шу гўзал баҳор ойларидан баҳраманд бўла олмади. Уларнинг хиралиги ҳавсалани совутди. Хотиним мактаб солиш ҳаракатига тушди. Мен олтмиш бола учун мактаб планини

чизиб бердим, земство маҳкамаси уни тасдиқлади, бироқ мактабни биздан уч чақирим наридаги Куриловка қишлоғида солишга маслаҳат берди; дарвоқе, Куриловка мактабига тўрт қишлоқдаги, шу жумладан бизнинг Дубечнядаги болалар қатнаб ўқир ва иморати жуда тор, эскиб кетган, поллари чуриб, ўпирилай деб турган эди. Март ойининг охирида Машани ўз ихтиёрига мувофиқ Куриловка мактабига васий қилиб тайинлашди ва шундан сўнг апрель ойида уч марта деҳқонларни мажлисга йиғдик. Ҳар мажлисда бу мактабнинг торлик қилганини, эскиганини ва янги бино қуриш зарурлигини тушунтириб гапирардик. Земство маҳкамасининг аъзоси ва халқ мактаблари инспектори келиб, булар ҳам роса тушунтиришди. Ҳар йиғиндан кейин деҳқонлар бизни ўраб олишиб, бир челақ ароққа пул сўраб қисташарди; одамлар ичида куйиб-пишиб, чарчаб кетардик, аҳволдан норози ва бир оз ўсал бўлиб, уйга қайтардик. Мужиклар талаша-талаша мактаб учун ер ажратиб беришди ва қурилиш материалларини шаҳардан ўз араваларида ташиб беришни зиммаларига олди. Баҳори экинларни экиб бўлгандан сўнг, дастлабки якшанба кунини Куриловка билан Дубечнянинг аравалари пойдеворга фишт келтириш учун жўнади. Тонг отар-отмас йўлга чиққан аравалар кечаси алламаҳалда қайтди; мужиклар маст эди ва тоза қийналганларини айтиб, нолишарди.

Ўчакишкандай бутун май ойи ёмғир билан совуқдан қутулмадик. Йўллар бузилиб, лойгарчилик бошланди. Шаҳардан қайтган ҳар бир арава қўрамизга кириб ўтишни одат қилиб олди. Бу расвогарчиликни кўринг! Олдин дарвозадан қорни осилган, олдинги икки оёғини керган от кўринади; ичкарига кираверишда эгилиб-букилиб кетади; сўнгра унинг кетидан тегарчагига ортилган йигирма газлик ҳўл ва шиллиқ ходалар судралиб кираверади; унинг ёнида ёмғирдан ўралиб олган, этаклари белига қистирилган, оёқ остидаги лою балчиқларни парво қилмай, шалоплатиб келаётган мужикни кўрасиз. Шу аҳволда иккинчи арава ҳам тахта ортиб кириб келади, унинг кетидан хода ортган учинчиси, тўртинчиси... қўйинг-чи, секин-секин уйнинг олди от, хода, тахталар билан тўлиб, қадам босгани жой қолмайди. Боши бурканган, кўйлаги қистирилган эркагу аёллар бизнинг дераза томонга хўмрайиб тикилади, шовқин солади ва Машанинг чиқишини талаб этади, сўкканлари бемалол эшитилиб туради. Мои-

сей бўлса — бизнинг бошимизга келган бу шармондавоз-ликни маза қилиб, четдан томошасини кўрарди.

— Энди ташимаймиз!— деб бақиради мужиклар.— Қийналиб, ўлиб бўлдик! Ўзи ҳам ташиб кўрсин!

Машанинг ранглари ўчиб, шошиб қолади ва уйга бостириб киришларидан кўрқиб, дарҳол ярим челақ ароққа пул чиқаради; шундан сўнг шовқин пасайиб, узун ходалар бирин-кетин ҳовлидан чиқиб кетади.

Мен иморат тепасига бормоқчи бўлсам, хотиним хавотир бўлаверарди.

— Мужиклар ёмон. Сенга бирор зарар етказишлари мумкин. Йўқ, шошмай тур, ўзим бирга бормасам, кўнглим тинчимайди.

Шундай қилиб биз Куриловкага бирга борардик, бориб етишимиз билан дурадгорлар чой пули сўрарди. Ёғочлар чопилиб тайёрланди ва энди пойдеворини кўтариш пайти келди, бироқ фишт терадиган усталар келмаганидан иш тўхтаб қолиб, дурадгорлар мингиллай бошлади. Ниҳоят терувчилар келганда, қум йўқлиги маълум бўлди; қум керак бўлиши ҳеч кимнинг хаёлига келмабди. Аҳволимизнинг танглигидан фойдаланиб, мужиклар: бир арава қумга ўттиз тийиндан берасан, деб туриб олишди; қум олинадиган дарё бўйи билан иморат ораси чорак чақирим келмаса ҳам, айтганини беришга мажбур бўлдик; камида беш юз арава қум ишлатилди. Орадаги англашилмовчиликларнинг, сўқинишу тиланишларнинг ниҳояти йўқ эди; хотиним бечора қаттиқ ғазабланар. Тит Петров деган етмиш яшар пудратчи эса, қўлидан ушлаб, тинчитишга уринар ва:

— Мана бунисига қара! Сен бу ёғига қара!— дерди. Олдин сен қумни тайёр қил, мен ўн одамни бошлаб келиб, икки кунга қолмай битираман. Сен бу ёғидан бохабар бўл!

Қум ҳам тахт қилиниб, икки кун ўтди, тўрт кун, бир ҳафта ўтдиямки, одамдан дарак йўқ: пойдевор ўрни боягисича ариқча-ариқча бўлиб ётар эди.

— Бу аҳволда жинни бўлиш ҳеч гап эмас!— деб тутақишарди хотиним.— Бу қандай одамлар! Бу нима деган гап!

Уша иш юрилмаган сержанжал кезларда баъзан инженер Виктор Иванович келиб қоларди. У бирталай виною тамаддиларини кўтариб келар ва роса еб-ичиб тўйиб олгач, айвонда ётиб ухлар ва барала хуррак отарди. Бу аҳволни кўрган мужиклар бошларини чайқаб:

— Ё тавба!— деб таажжубланарди.

Маша дадасининг келганига суюнмас, умуман унга ишонмас ва шундай бўлса ҳам ундан маслаҳат сўраб турарди; инженер хомуш ва ланж бўлиб уйқусидан уйғонарди-да, бизнинг хўжалигимизни ёмонлай берарди ёки шу Дубечняни сотиб олганига пушаймон бўлиб, ундан қанча зиён кўрганини гапира бошлаганда бечора Машанинг сиқилиб, маъюсланганини сезардим. Маша дадасига ҳасрат қилар, бироқ у ҳадеб эснайверар ва: — мужикни шиши керак,— дерди.

Бизнинг уйланганимизни, бу турмушимизни комедия деб атар ва бу нарсага: бетайин инжиқлик, анчайин шўхлик деб қарарди.

— Мен унинг шунақа қилиғини бир карра кўрганман,— деди менга Машадан гап очиб.— Бир йили опера ашулачиси бўлиш кўйига тушиб, ундан кетиб қолган; мен уни роса икки ой излабман денг, азизим, ёлғиз телеграмманинг ўзига минг сўмим кетган.

У мени энди мазҳабпараст деб ҳам атамас, жаноб бўёқчи деб ҳам чақирмасди, менинг ишчи бўлиб ҳаёт кечирганимни илгари мақтаган бўлса ҳам, ҳозир ёқтирмасди.

— Сиз ғалати одамсиз! Сал ғалатироқ одам экансиз! Ишқилиб айтганим келмасин-у, лекин охири пачавангиз чиқиши муқаррар!

Маша кечалари беҳузур бўлиб, нотинч ухлайдиган, кровать ёнидаги дераза олдида ўтириб олиб, алланималарни ўйлайдиган бўлиб қолди. Аввалги кечки таом маҳалидаги кулишлари, ёқимли қилиқ ва боқишлари йўқолиб кетди. Мен азобда эдим; ёмғир ёға бошласа, ҳар бир томчиси сочма ўқдай юрагига қадаларди ва мен Машанинг оёғига йиқилиб бу ярамас ҳаво учун узр сўрагим келарди. Ҳовлида мужиклар шовқинлашса ҳам, мен ўзимни айбдор сезаварардим. Ўтирган жойимдан неча соатлаб қўзғалмай фақат Машани, унинг нақадар олижаноб ва ажойиб одам эканини ўйлардим. У кабинетда жимжит ишлашни, узоқ ўтириб китоб ўқишни, бирор нарсани ўрганишни яхши кўрарди; Маша хўжалик масалаларини китобдан, фақат назарий томондан билганлигига қарамай, ўз билими билан ҳаммани ҳайратда қолдирар ва берган маслаҳатининг биронтаси зое кетмас, хўжалигимизга яхши фойда келтирарди. Бунинг устига, Машадаги дид ва фаросатни, олижаноблик ва олий ҳимматликни

айтмайсизми! Бу фазилатлар фақат юксак тарбия олган кишиларда бўлиши мумкин!

Тўғри ва соғлом фикрли бу доно хотин учун жанжалу ташвишлардан чиқмаган бизнинг ҳозирги тартибсиз турмушимиз — турмуш эмас, чинакам бир азоб эди; мен бунчи аниқ билар ва кечалари ухламай, ўйланаверар, ўпкам тўлиб, йиғлагудай бўлиб чиқардим. Нима қилишимни билмай бошим қотган эди.

Мен атайи Маша учун шаҳардан китобу газеталар, конфету гуллар келтирардим, ёнимга Степанни олиб балиқ овлардим, ёмғирда бўйнимгача муздай сув кечиб, неча соатлаб налим балиқ излардим, ишқилиб, бу тансиқ таомдан Маша хурсанд бўлсин, деб жон куйдиардим; мужиклар олдида ўзимни хор этиб, ялиниб-ёлвориб шовқин-сурон кўтармасликларини сўрардим, ароқ қуйиб ичирар, пул билан алдар, ҳар хил ваъдалар берардим. Қилмаган номаъқулчилигим қолмади!

Ахири ёмғир тинди, ерлар қуриди. Эрталаб барвақт, соат тўртларда тураман, боққа чиқаман — гулларда шабнам ялтирайди, қушлар сайрайди, арилар гўнғиллайди, осмонда булутдан асар кўринмайди; боғу, пичанзору, дарёни томоша қилсанг, бири биридан гўзал! Лекин мужиклар, аравалар ёки инженер эсга тушса — юрак орқага тортиб кетади. Маша иккимиз пойга аравасига тушиб оламиз-да, сулиларни кўриб келгани, жўнаймиз. Аравани Маша ҳайдайди, мен кейинида ўтираман; кифтлари кўтарилиб, шамол сочларини ўйнатади.

— Ўнг томондан ўт!— деб бақиради дуч келганларга.

— Худди ямшикка ўхшайсан-а!— дедим унга бир куни.

— Ўхшасам ажаб эмас! Бобом ахир, инженернинг даси, ямшик ўтган. Эшитганинг йўқмиди?— деб сўради мен томон бурилиб ва ўша заҳотиёқ ямшикларнинг бақиришини ва ашула айтишини қилиб берди.

— Худога шукур!— деб қўйдим ичимда бу гапни эшитиб.— Худога шукур!

Яна мужиклар, аравалар, инженер эсимга тушди. . .

### XIII

Велосипед миниб доктор Благово келди. Опам ҳам тез-тез келиб турадиган бўлиб қолди. Яна жисмоний меҳнат, тараққиёт тўғрисидаги, инсоният оламига насиб бўлғуси улуг ва номаълум келажак тўғрисидаги баҳсларимиз қи-

зиб кетди. Доктор бизнинг хўжалигимизни севмасди, чунки бу нарса баҳслашишимизга халақит берарди; ҳайдаш, ўриш, бузоқ боқиш каби ишлар эркин инсон учун муносиб эмаслигини ва турмуш учун курашдаги бу хил оғир, қўпол юмушларни одамлар келгусида ҳайвонга ва машинага юкляяжagini, ўзлари фақат илмий тадқиқотлар билан шуғулланажagini гапирарди. Опам эса дам-бадам кетишга рухсат сўрар ва агар барвақт кета олмаса ёки ётиб қолгудай бўлса, ваҳима босиб, ҳовлиқаверарди.

— Тавба-эй, ёш болага ўхшайсиз-а!—деярди Маша.— Бунақа қилишингиз жуда ғалати-ку, ахир!

— Рост айтасиз, ғалати,— дерди опам,— мен ғалати эканини билиб турибман; бироқ ўзимни боса олмасам — нима қилай ахир? Назаримда чакки иш қилаётган одамдай, кўнглим ғаш бўлаверди.

Чалғида пичан ўришга ўрганмаганим учун аъзойи баданим оғриб қолди; кечқурунлари айвонда гаплашиб ўтириб, бирдан ухлаб қолаверадиган бўлдим. Атрофимдагилар буни кўриб, хохолаб кулишарди. Мени уйғотиб, овқат егани ўтиргизишарди, мени мудроқ босаверар, чироқни, тарелкани, ўтирганларнинг юзини кўриб, овозини эшитардим, ҳеч нарсани аниқ олмадим. Эрта тонгда тетик ва дадил бўлиб уйғонардим-да, кун бўйи пичан ўриш ёки иморатда ишлаш учун кетаверардим.

Мен байрам кунлари уйда қолиб, хотиним билан опамнинг бир нимани мендан сир тутаётганини, ҳаттоки, ўзларини мендан холироқ тутишга ҳаракат қилганларини сездим. Хотиним менга қадимгидай яхши, ширин муомала қилар, бироқ ўз фикрини менга айтмас эди. Деҳқонларга нисбатан ғзаби тобора ошганини, турмуш унинг учун кундан-кунга оғирлашганини аниқ билардим, бироқ нима учун менга ўз дарди-ҳасратларини гапирмай қўйганига тушуна олмасдим. Мендан кўра, доктор билан кўпроқ гаплашадиган бўлиб қолди ва мен сабабини била олмадим.

Бизнинг губернамизда пичан ва ғалла ўриш пайти келганда кечқурунлари ўроқчилар йиғилишиб, хўжайин ҳовлисига келадиган бир одат бор эди; хўжайин уларга ароқ қуйиб берарди; ёшгина қизларнинг бир стакан арақни бемалол ичганини кўрардим. Биз бу одатга риоя қилмасдик; ўроқчи эркаклар ва хотинлар қоронғи тушгунча ароқ кутиб ҳовлимизда туришарди-да, сўнгра сўкиб-сўкиб қайтиб кетишарди. Маша қаттиқ қовоғини солиб, индамай бунга чидаб турар ёки аччиғланар ва докторга секингина:



— Булар одамми? Ваҳший, печенеглар-ку!— дерди.

Янги келган одамни қишлоқдагилар ёқтирмасди, мактабга келган янги болани эскилар чиқиштирмагандай, бизни бегонасирашаверди, сира дўст бўла олмадик.

Олдин бизни, пулини қаёққа қўйишини билмаганидан шу мулкни олган аҳмоқ ва лақма одамларга жўйишди. Масхара қилиб, роса кулишди.

Бизнинг боғ ва ўрмонларимизда бемалол молларини боқар, жўрттага сигир ва отларимизни қишлоғига ҳайдаб олиб кетар ва сўнгра: молинг экиними еди, деб ҳақ талаб қилишарди. Бир гала қишлоқилар ҳовлимизга келиб: ўраётганда чегарани бузибсиз, Бишеевка, Семениха қишлоғига қарашли ерларни ҳам қўшиб ўриб юборибсиз, деб говға кўтаришарди; биз эса ўз ерларимизнинг чегарасини аниқ билмаганимиз учун гапларига ишониб, штраф тўлардик; кейин суриштириб қарасақ бу ерлар ўзимизники бўлиб чиқарди. Урмонимиздаги дарахтларнинг пўстлогини шилиб кетишарди. Дубечняда патентсиз ароқ сотиш билан шуғулланган бир кулак хизматкорларимизни алдаб, йўлдан оздирар ва шулар билан тил бириктириб, бизга хиёнат қилар: арваларимизнинг яп-янги ғилдирагини олиб, ўрнига эскисини солиб қўяр, бўйинтуруқларни ўғирлаб кетиб, яна ўзимизга сотарди. Лекин ҳаммасидан ҳам Қуриловкадаги мактаб қурилишининг аҳволи жуда ачинарли эди; кечаси хотинлар тахта, ғишт, кошин ва тунукаларни ўғирлаб кетишарди; элликбоши бир-иккита холис кишини ёнига олиб, уйларини тинтар эди, деҳқонлар йиғилишиб ҳар бир ўғрига икки сўм жарима солишга қарор қиларди-да, сўнгра бу йиғилган пулга ароқ олишиб ичишарди.

Маша бу гапни эшитганда, жиғибийрони чиқиб, докторга ёки опамга:

— Буларнинг ҳайвондан фарқи йўқ! Бир бало! Балои азим!— деб ҳасрат қиларди.

Мен Машанинг шу мактаб қурилишига: чакки киришдим, деб бир неча марта пушаймон еб нолиганини эшитар эдим.

— Шунинг билинги,— деб уқдирарди доктор,— агар мактаб солсангиз ва умуман савоб ишлар қилсангиз — сиз мужиклар учун эмас, маданият учун, келажак учун хизмат қилган бўласиз. Шунинг учун мужиклар қанчалик нодон бўлса, мактаб солишнинг зарурияти ҳам шунчалик ортади. Бунинг тушуниш керак!

Лекин докторнинг гапларида қандайдир иккиланиш борлигини сезардим ва ўзи ҳам Маша сингари мужикларни ёмон кўрса керак, деб ўйлардим.

Маша кўпинча опам билан бирга, тегирмонга борар ва кетаётиб: Степаннинг ҳусини томоша қилиб келамиз, деб кулишарди. Степани тушқур эркаклар орасида ювош ва камгап, лекин хотинларни кўрса, роса шилқимлиги ва гапдонлиги тутиб, жағи тинмас экан. Бир куни дарёга чўмилгани келиб, бехосдан гапларини эшитиб қолдим. Маша билан Клеопатра оппоқ кийимда сув бўйидаги тол тагида, сояда ўтирар, ёнларида Степан, қўллари орқасида, уларга гап маъқулламоқда эди. У дерди:

— Мужиклар одамми? Одам эмас, худди ҳайвон, ҳаммаси муттаҳам. Кечирган куни қурсин! Шуям турмушми? Ёлғиз емоқни, ичмоқни билишади, арзон овқат бўлса — бас, қовоқхонага кириб олиб, бақириваверади! На бир яхши суҳбат, на тузук муомала, на тартиб деган нарса бўлмаса! Нодонликдан бошқа гап йўқ. Ўзи ҳам ифлос, хотини ҳам ифлос, болалари ҳам; устидаги кийимини ечмай ётаверади, шўрвага қўлини тикиб, картошкани олиб ейди, таракан тушган қвасни шимираверади, — ҳеч бўлма-са олиб ҳам ташламайди.

— Ҳаммасига камбағалчилик сабаб, — деб аралашди опам.

— Камбағалчилик дейсиз-а! Тўғри, қашшоқлик, муҳтожлик йўқ эмас, бироқ муҳтожлик ҳам ҳар хил бўлади, бойвучча. Масалан, киши қамоқхонага тушса, ёки, худо кўрсатмасин, кўр, шол бўлса — унда гап бошқа, лекин оёқ-қўли, эси-ҳуши бутун, куч-қуввати жойида, худонинг даргоҳида соғ-саломат юрган бўлса — таян нима керак? Бу ҳаммаси шўхликдан, нодонликдан, бойвучча, камбағалчиликнинг бунга алоқаси йўқ. Масалан, сиз жуда яхши, билимдон жаноблар бўлганингиз учун уларга раҳмингиз келиб, ёрдам қилсангиз, расволикка ўрганганидан берган пулингизни ичиб қўяди, ёки ундан ҳам баттарини қилиб, шу пулга қовоқхона очади-да, халқни шила бошлайди. Таян сиз, камбағалчилик дейсиз. Ундай бўлса, бой мужикнинг аҳволи яхшими? Бойлари ҳам, кечирасиз, чўчқанинг ўзи. Улгидай бақироқ, кўрс, қўпол, тўнка нима-ю, у нима: семириб, тартақайлаб юролмайти, бунақа тўнғизнинг башарасига қўйиб юборгинг келади. Дубечнялик анави Ларион бой эмасми? Ўрмонингиздаги дарахт пўстлогини шилиб олишда камбағалларга дарс беради; ўлгидай чак-

ки оғиз, болалари ҳам шунақа, кўпроқ ичиб қўйса — балчиққа мукка тушиб, ухлайверади. Ҳаммаси бир биридан баттар ифлос. Булар билан қишлоқда бирга яшаш нима-ю, дўзахда куйиш нима. Қишлоқ деса, жоним ҳалқумимга келади; худойимга шукурки, қорним тўқ, устим бутун, отлиқ аскарда хизматни адо этганман, уч йил элликбошлик қилиб кўрдим, мана энди эркин казакман, бийлигим ўзимда: қаерни хоҳласам ўша ерда яшайман. Қишлоқда туришни хоҳламайман, мени ҳеч ким мажбур қилолмайди. Хотининг бор, дейишади, хотининг билан уйда туришинг шарт, дейишади. Сабаб ундоғ экан? Мен хотинимга қарол бўлиб ёлланган эмасман, ихтиёр ўзимда.

— Ростини айтинг-чи. Степан, хотинингизга севиб уйланганмисиз?— деб сўради Маша.

— Қишлоқда севги нима қилади?— деб жавоб берди Степан жилмайиб.— Агар, бойвучча, билмоқчи бўлсалар, рости, иккинчи уйланишим. Мен ўзим куриловкалик эмасман, асли залегошчаликман, Куриловкага ичкүёв бўлиб келганман. Бизлар беш оға-ини эдик, отам рўзғоримизни ажратишга розилик бермагани учун мен, хайр, деб уйдан чиқиб кетдим ва бегона қишлоққа ичкүёв бўлиб келдим. Биринчи хотиним ёшгина ўлиб кетди.

— Нима бўлиб ўлди?

— Нима бўлиб ўларди — ўзининг эси йўқлигидан. Бекорга йиғлайверарди, шу аҳволда озиб сарғайиб кетди. Ҳусни очармиш деб аллақандай кўкатларни кўп ичди, ўшанда дори ичини куйдириб юборган бўлса керак. Иккинчиси куриловкалик, шу ҳам хотинми? Қишлоқи нарса, зоти мужик бўлгандан кейин ўзи нима бўларди? Шуни менга унашмоқчи бўлганда ўйлаб туриб: ёшгина, оппоққина нарса, озода одамлар экан, деб кўна қолувдим. Онаси поқиза хотин экан, кофе ичаркан, ҳаммасидан ҳам буларнинг озодалиги ёқди. Шундай қилиб уйландим, эртаси кўни овқат егани ўтирдик, мен қайнанадан қошиқ сўрасам, қошиқни қўли билан артиб, менга узатса бўладими? Ана холос! Қойилман озодагарчилигингизга!— дедим ўзимча. Бир йил шулар билан турдим-да, чидолмадим, уйдан чиқиб кетдим. Асли, шаҳарлик хотинга уйлансам бўлар экан,— деди у бир оз ўйланиб туриб.— Хотин эрнинг ёрдамчиси, дейишади. Менга ёрдамчининг нима кераги бор? Ўзим ўзимга ёрдам қила оламан, менга гапиршидагани керак, бир хил биди-бидиси эмас; бамаънисини ва кўнглингни гап билан эритадигани керак. Орада ши-

рин-ширин суҳбат бўлмагандан кейин турмуш-турмуш бўладими!

Степан бирданига жим бўлди ва шу заҳотиёқ жонга теккан, бемаза «лай-ла-лай» эшитилди. Демак, у мени кўриб қолди.

Маша тез-тез тегирмонга бориб турар ва чамамда, Степаннинг суҳбатидан лаззатланарди; Степан мужикларни астойдил ёмонлар эдики, Маша бунга ишонар ва унинг олдига боргиси келаверарди. Тегирмондан қайтиб келаётганида, боғда қоровуллик қилган овсар мужик ҳамиша унга:

— Палашка опа! Салом, Палашка опа!— деб бақирар ва ит бўлиб кетидан вовилларди.

Маша эса, атайи тўхтаб, худди овсарнинг бу вовиллашида бирон маъно бордай, диққат билан башарасига тикиларди. Бу овсар қоровул ҳам унга Степан сингари таъсир этган бўлса ажаб эмас. Уйга келса, албатта, бирон хунук хабарга дуч келарди: ё қишлоқ ғозлари карамзорни пайхон қилиб ташлаганини, ё Ларион узангини ўғирлаганини эшитарди-да, ҳайронликдан кифтларини қисиб, кулумсираб:

— Бу одамлардан бошқа нимани ҳам кутиб бўлади!— деб кўярди.

Маша ғазабланаверар ва ҳаммасини кўнглига тугиб юрарди. мен эса, аксинча секин-секин мужикларга ўргана бошладим, шулар олдига боргим келаверадиган бўлди. Уларнинг кўпчилиги асабий, сержаҳл, таҳқирланган кишилар бўлиб, хаёли паришон, нодон, тушунчаси паст ва дунёдан беҳабар кишилар эди; ҳаммасининг кўрган-билгани бахил ер, оғир турмуш, қора нон бўлиб, ундан нарисига ақли етмасди; булар доим қувлик ишлатишмоқчи бўларди-ю, бироқ эплай олмасди. Ҳисобни ҳам тузуқроқ билишмасди. Булар ўлақолса йигирма сўмга рози бўлиб пичанингизни ўрмайди, лекин ярим челак ароқнинг дарагини эшитса — ёпирилиб келади, ваҳоланки, йигирма сўмга тўрт челак ароқ беради. Ҳақиқатан булар орасида ифлослик, ароқхўрлик, аҳмоқчилик, алдаш борлиги тўғри, лекин шуларга қарамай, умуман мужиклар ҳаётининг негизи мустаҳкам ва соғлом эканлиги сезилиб туради. Омоч кейинида ивирсиб юрган мужик қанчалик бесўнақай кўринмасин, нечоғлик ароқхўрлик дардига гирифтор бўлмасин, яқиндан мундоғ разм солиб қаралса, унда энг керакли, энг муҳим бир фазилат борлиги маълум бўлади; мужик ер

юзидә энг улуғ нарса — ҳақиқат эканига ва фақат ҳақиқатнинг барчага нажот бера олишига ишонади, шунинг учун дунёда ҳамма нарсадан адолатни яхши кўради; бироқ бундай ишонч Маша билан докторда йўқ эди. Мен хотинимга, фақат ойнадаги доғнигина кўраётганини ва лекин асосий нарсани, яъни ойнанинг ўзини пайқамаётганини гапирсам — индамай жим тураверар, ёки Степаннинг «лай-ла-лай» ашуласини бошлар эди... Шу қадар содда дил ва оқила, бир хотиннинг ранги ўчиб, фиғони чиқиб, мужикларнинг арақхўрлиги ва алдоқчилигини докторга астойдил ёмонлаб гапираётганини эшитсам, бунчалик халёли фаромуш ва унутувчан бўлганига таажжубланардим. Ахир, ўз отаси — инженер ҳам роса ичади-ку! Шу Дубечня хилма-хил найранг, виждонсизлик ва алдашлар орқасида сотиб олинган-ку! Қандай қилиб буни унутиш мумкин?

#### XIV

Опам ҳаёти ҳам ғалати бир тарзда кечарди ва мендан бутун сирри-асрорини яширарди. Кўпинча Маша иккиси шивир-шивир қилишар, мен ёнига боргудай бўлсам, қисилиб-қимтиниб қолар ва гуноҳкор одамдай кўзлари жовдирарди; кўнгли безовтага, қўрққанга ва уялганга ўхшарди. Опам мен билан холи қолмасликка ёки боғда ёлғиз учрашмасликка ҳаракат қилар, шунинг учун Машадан бир қадам ҳам ажрамасди ва мен у билан жуда кам, фақат овқат маҳалларида гаплаша олардим.

Бир куни кечқурун қурилишдан қайтишда боғ ичи билан юрдим. Қоронғи туша бошлаган эди. Каттакон олма дарахти тагида бир соя сингари жимжит айланиб юрган опамни кўриб қолдим. У менинг келаётганимни сезмади. Устида қоп-қора кийим, тўхтовсиз у ёқдан-бу ёққа бориб келар ва бошини ердан кўтармасди. Дарахтдан тап этиб олма тушди, опам чўчиб, тўхтаб қолди ва қўллари билан чеккаларини ушлади. Шу вақтда мен унинг ёнига келдим.

Бирдан меҳр-муҳаббатим мавжланиб, кўзларим жиқ ёшга тўлди-да, негадир онамиз, ёшлик чоғларимиз эсимга тушиб кетди, мен уни бағримга босиб, ўпдим.

— Сенга нима бўлди, опажон?— деб сўрадим.— Кўпдан бери азоб чекаётганингни сезиб юрибман. Айт, сенга нима бўлди?

— Мен даҳшатли бир дардга йўлиққанман... — деди зўрға қалтираб.

— Сенга нима бўлди? — Худо ҳақи, мендан яширма! — деб ёлвордим.

— Хўп, энди яширмайман, сенга чинини айтиб бераман. Сендан яширавериб, жоним ҳалқумимга келди! Ми-саил, ишқ дардига гирифторман... — деди у эшитилар-эшитилмас. — Мен севаман, севаман... Мен бахтиёрман, бироқ ҳадеб ваҳима босаверади...

Биров келаётганга ўхшади, дарахтлар орасида шоҳи кўйлак, баланд этик кийган доктор Благово кўринди. Шу олма дарахти тегида учрашишга ваъда қилганлиги маълум бўлди. Уни кўрган заҳотиёқ опам, худди докторни биров олиб кетадигандай ҳовлиқиб югурди ва:

— Владимир! Владимир! — деб энтикиб, ўзини бутунлай йўқотиб қўйди.

Опам докторнинг пинжига кириб, юзларига тикилиб қолди ва мен шу кунларда анча ранги ўчиб, озиб қолганини энди пайқадим. Озганлиги кўйнагининг уқали ёқасидан билиниб турарди: илгари ўзига роса, ингичка ва чўзиқ бўйнига ёпишиб турган ёқаси — энди анча салқиб қолган эди. Доктор уялиб, шошилиб қолди, бироқ дарҳол ўзини тутиб, унинг сочларини силаб:

— Бўлди, бўлди!.. — деб овутишга уринди. — Нега бунчалик хафа бўласан? Мана, келдим-ку!

Уялганимиздан бир-биримизга зўрға қарадик; сўнгра учовимиз бирга кетдик, ўшанда доктор йўл-йўлакай менга шундай деди:

— Бизда ҳали маданий ҳаёт бошлангани йўқ. Чоллар, ҳозир ҳеч нарса бўлмаса ҳам, қирқинчи ва олтмишинчи йиллардаги кўрган-билганлари билан ўзларини овутишаверади; лекин улар — чоллар, сиз билан биз ёшмиз, мияларимиз қарилик маразига ҳали йўлиқгани йўқ, биз бу хил хомхаёллар билан ўзимизни овута олмаймиз. Рус тарихи 862 йилда бошланди, бироқ менинг билишимча Россияда маданият даври ҳали бошланганча йўқ.

Лекин докторнинг бу мулоҳазалари унчалик қулоғимга кирмас эди. Опамнинг севгисига ишонгим келмас ва бегона кишининг қўлидан ушлаб, юзларига майин боқиб, ёнида кетаётганига таажжубланардим холос. Опам жуда асабий, юраги олинган ва эзилган бир кимса, ихтиёри ўзида эмас, шу аҳволи билан хотин, бола-чақали бир кишини яхши кўрса — оқибати нима бўлар экан? Мен қаттиқ

ачиндим, бироқ нимага ачинганимни билмасдим, докторнинг мавжудлигига негадир ғашим келди ва бу муҳаббатнинг оқибати нима бўлишини ўйлаб-ўйлаб топа олмадим.

## XV

Маша иккимиз Куриловкадаги мактабнинг битиш муносабати билан дуои-фотиҳа маросимига жўнадик.

— Куз, куз, куз келди... — дерди маъюсланиб Маша атрофга қараб. — Ёз ҳам ўтиди. Паррандалар ҳам кўринмайди, кўкарган нарсадан ёлғиз тол қолибди холос.

Тўғри, ёз ҳам ўтиб кетди. Ҳали ҳаво очиқ, кун иссиқ эканига қарамай, эрталаб анчагина совуқ бўлганидан подачилар пўстинини кийиб олишган эди, боғимиздаги астра гулларига тушган шабнам кун бўйи кўтарилмасди. Аллақандай мунгли товушлар ҳадеб эшитилаверар ва бунинг учиб кетаётган турналар овозими ёки дераза қопқоқларидаги занглаган ошиқ-машиқларнинг ғижирлаганими, билиб бўлмасди, лекин кишининг кўнгли яйрар ва яшагиси келаверарди.

— Ёз тамом бўлди... — деди Маша. — Энди қилган ишларимизнинг якунини қараб чиқсак ҳам бўлар. Иккимиз кўп ишладик, кўп ўйладик, натижада анча ўсдик, камолотга эришдик. — Балли, азаматлар! дейдиган даражага етдик; лекин бу ютуқларимиз атрофдагилар ҳаётига қисман бўлса ҳам таъсир этдими, бирон кишига фойда келтирдими? Йўқ. Нодонлик, жисмоний ифлослик, ароқхўрлик, болаларнинг кўплаб ўлиши — ҳаммаси илгаригисича қолаверди, сенинг ер ҳайдаганинг, экин экканинг билан, менинг пул сарфлаганим, китоб ўқиганим билан — бирон тасининг аҳволи тузалгани йўқ. Демак, биз фақат ўзимиз учун ишлабмиз, ўзимизни ўйлабмиз холос.

Бу хил мулоҳазалардан менинг миям гангиб, нимани ўйлашимни билмай қолдим.

— Биз аввалдан то охиригача самимият билан ишладик, — дедим, — кимки, самимий бўлса — ўша ҳақли, ўшаники тўғри.

— Мен ундай эмас деяпманми? Албатта биз ҳақли эдик, бироқ тўғри ниятларимизни нотўғри амалга оширдик. Аввало, шу ишга киришиш методларимизнинг ўзи нотўғри эмасми ахир? Биз одамлар учун фойдали ишлар қилиш ниятида эдик, бироқ дастлабки қадамимизни ер, мулк сотиб олишдан бошлаганимиздаёқ ўз йўлимизни ўзимиз тўсиб қўйдик ва уларга бирон ёрдам қилиш имкониятла-

ридан маҳрум бўлдик. Сўнгра, агар сен, мужик сингари ишлаб, мужик каби кийиниб, шу хилда таомлар ейдиган бўлсанг, демак сен мужикнинг оғир турмушини, бесўнақай усти-бошини, чалдевор уйини ва аҳмоқона соқол қўйишини тўғри ҳисоблаган ва эл ичида шуни тасдиқлаб берган бўласан; чунки туппа-тузук одамки, мужикка тақлид қилгандан кейин мужик ҳам: ўзимники тўғри экан, дейди-да! . . Иккинчи томондан, фараз этайлик, сен шулар орасида кўп вақтгача, узоқ давр, ҳатто умр бўйи ишладинг ва пиравордида баъзи бир амалий натижаларга эришдинг, дейлик. Сен эришган бу натижалар, ёппасига нодонликни, очлик-яланғочликни, ёки бошқа разолатларни енга олармиди? Йўқ. Бу офатлар зўр куч ва унинг қаршисида эришган натижаларинг заррадай бир гап! Бу ишда бошқачароқ кураш усуллари, кучли, дадил ва шошилинч чоралар даркор. Агар ҳақиқатан фойда етказиш ниятинг бўлса — оддий фаолият доирасидан шартта чиқиб, тўғридан-тўғри омма орасида ишлашга ҳаракат қил! Аввало, жар солиб, қизгин ташвиқот юргизиш лозим. Масалан, музиканинг нима учун бу қадар тез тарқалишига, шунчалик оммабоп ва кучли эканига сабаб қаерда? Сабаб музыка ёки ашулачида, чунки у тўғридан-тўғри минг-минг кишиларга, оммага таъсир этади. Э, азиз ва жонажон санъат! — деди у хаёлан завқ билан осмонга боқиб. — Санъат белинга қанот бўлиб, учириб йироқ-йироқларга олиб боради! Кимнинг жонига дунёдаги ифлослик, икир-чикирлар теккан бўлса, кимки, ғазабланган ёки ранжиган, кўнгли нафратга тўлган бўлса — у одам фақат санъатдан, гўзалликдан ором олиши, кўнгли таскин толиб, қаноат ҳосил қилиши мумкин.

Биз Куриловкага етганимизда осмон тиниқ, ажойиб хушҳаво эди. Бирмунча қўраларда дон янчилмоқда ва ҳамма ёқдан сомон ҳиди келарди. Четанлар орқасидаги рябина — мевалар пишган ва қайси томонга қаралмасин, ҳамма ёқда олтиндай сарғайган ёки қизарган дарахтлар кўринади. Черковда кўнғироқ чалинмоқда, одамлар крест ва иконаларни кўтариб, саловат айтиб, мактаб томонга бормоқда. Ҳаво кўм-кўк, мусаффо, осмонда каптарлар бандлаб учарди.

Класда ибодат қилинди. Сўнгра, куриловкалик деҳқонлар Машага — икона, дубечняликлар — каттакон булка нон билан зарҳал туздон тақдим этишди. Кўнгли эриб, Маша йиғлаб юборди.



— Агар орамизда чакки гаплар ўтган бўлса ёки хафа қилган бўлсак, бизни кечирасиз,— деди бир чол ва Маша билан менга таъзим қилди.

Уйга қайтишда Маша қайта-қайта бурилиб, мактаб томонга қаради; мен бўяган ва офтобда ярақлаб турган кўм-кўк тунука том узоқлардан кўринар эди. Мен Машанинг нигоҳидан мактаб билан видолашаётганини сездим.

## XVI

Кечқурун Маша шаҳарга отланди.

Сўнги кунларда тез-тез шаҳарга борадиган ва у ерда ётиб қоладиган одат чиқарди. У йўқ пайтлари мен ҳеч нима қилолмас, қўлим бўшашиб ишга бормас эди; кўзимга шу каттакоён ҳовлимиз аллақайдай қовушмаган, хунук бир харобазорга ўхшаб кўринаверар, боғ эса ҳувиллаб қолар, ва унингсиз уй-жой, дарахт, отлар ва тамомий нарса меним учун бегона бўлиб қоларди.

Мен уйдан чиқмасдан, Машанинг столи қошида «ҳақ» деб ўтирар, қишлоқ хўжалигига оид китоблар солинган шкафга тикилардим; илгари арзанда бўлган бу китоблар, энди нокерак, мунғайиб кўринарди. Неча соатлаб ўтириб, еттига, саккизга, тўққизга занг ургунча, қоп-қора, қора куядай куз қоронғилиги оламини ўраб олгунча, мен унинг эски қўлқопига, ёки хат ёзадиган пат қаламига, ё эса, кичкина қайчисига қараб ўтирардим ва ҳеч ишга қўлим бормасди; илгари ер ҳайдаш, пичан ўриш, ёғоч кесиш каби ишларни ёлғиз унинг хоҳиши учунгина қилиб келганимни мен энди аниқ тушундим. Мабодо Маша менга: чуқур қудуқни тозалайсан деса, бел бўйи сувда ивишимга қарамай, қудуққа тушаверар ва бунинг кераги борми, йўқми — суриштирмасдим. Мана, энди ёнимда Маша бўлмагач, Дубечнянинг бузилиб, ёрилган иморатлари, ҳувиллаган қўралари, шарақлаган дераза қопқоқлари, тунги ва кундузги ўғрилари менга балодай туюла бошлади, назаримда энди ҳеч бир ишнинг ҳожати йўқдай кўрина берди. Рост, кўнглимки бузилиб, мендан ихтиёр кетаётганини, Дубечнядаги ролим адо этилиб, менга бу ерда бошқа вазифа йўқлигини, мен ҳам шкафдаги китоблар сингари нокерак бўлиб қолганимни сезиб тургандан кейин ишлашимнинг, ташвишланишимнинг ва келажак тўғрисида ўйлашимнинг нима ҳожати бор эди? Воҳ, шу қадар изтиробли бир тун эдики, мен ёлғизликда минут сайин ваҳима босиб, қулоқ со-

лардим, назаримда ҳозир биров кириб келиб: кет бу ердан! дейдигандай, ўзимдан-ўзим ҳадиксираб, азоб ичида зўрға тонг отқиздим. Мен Дубечняга эмас, ўз севгимга ачиндим; муҳаббатимнинг ҳам хазон пайти келганини тушундим. Севиш ва севилиш қандай юксак бир бахт, лекин шу юксакликдан қулаётганингни сезиш — дунёда энг оғир мусибатдир!

Эртаси куни кечқурун Маша шаҳардан келди. Алланимадан кўнгли ғаш экани сезилиб турса ҳам, яширди ва деразага қишки рамалар қўйилганидан норози бўлиб:

— Бу аҳволда одам димиқиб ўлади-ку! — деди.

Мен иккита рамани олиб ташладим. Кўнглимиз овқат тусамаса ҳам, ўтириб овқатландик.

— Тур, қўлингни ювиб кел,— деди хотиним,— замаска хиди келяпти.

Овқатдан сўнг Маша шаҳардан олиб келган расмли журналларни иккимиз бирга кўздан кечирдик. Янги модага оид сурат ва бичиқлар чизилган иловаси ҳам бор эди. Маша ҳозирча чала-чулпа кўриб, кейин бапуржа қараб чиқиш учун бир четга олиб қўйди; бироқ кенгина, этаклари кўнғироққа ўхшаган, энглари каттакон бир кўйлак унга ёқди шекилли, бирпас зеҳн солиб турди-да:

— Бу чакки эмас,—деб қўйди.

— Тўғри, бу кўйлак сенга жуда ярашади,— дедим.— Жуда ярашади!

Бу мода Машага ёққани учун мен чин кўнглимдан қувондим ва шу хира суратни астойдил кўздан кечирдим, оғзим ширин гаплардан тўхтамади:

— Жуда ғалати, роса чиройли кўйлак экан! Соҳиб жамолим, дури ноёбим Маша! Азизим Маша!

Кўз ёшим тирқираб, суратга тома бошлади.

— Эркатојим Маша!..— дердим ҳамон.— Қадрдоним, азиз жоним Машам..

У бориб ётди, мен яна бир соатча ўтириб, журналдаги расмларни томоша қилдим.

— Рамаларни чакки олиб қўйдинг,— деди у ётоқхонадан туриб.— Уй совиб кетармикан дейман. Гувиллаб шамол киришини қара!

Мен журналнинг охиридаги «қурама хабарлар орасидан — арзон сиёҳ тайёрлаш усулини ва дунёда энг катта бриллиант тўғрисидаги маълумотни ўқиб чиқдим. Боя Машага ёққан кўйлак суратига яна кўзим тушди-да, шуни кийса, балларда нақадар яшнашини кўз олдимга келтир-

дим: очиқ кифтлари, қўлида елпиғичи, зеб-зийнат, ажойиб савлат, музыка, расм ва адабиёт соҳасидаги тўла билимлар, ҳаммаси ўзига роса ярашиб, гуллатиб юборса керак. Хаёлан шуларни тасаввур этар эканман, унинг ҳаётидаги ролим на қадар калта ва кичкина эканини англадим.

Бизнинг учрашувимиз, бу оилавий ҳаётимиз унинг учун бир эпизоддай ўтдию кетди, бунақа учрашувлар шу чаққон, зўр истеъдодли хотиннинг умрида ҳали кўп бўлиши мумкин. Оламда бор тансиқ нарсалар унинг хизматига тайёр эканини ва у текинга олишини мен илгари айтиб ўтган эдим, ҳаттоки идеяларни ҳам, санъат, адабиётни ҳам ўз турмушига ранг-баранг тус берадиган бир завққа ва томошага айлантириб олган эди; мен эса — у томошадан бу томошага уни олиб келган анчайин бир извошчиси бўлиб қолибман. Энди менинг унга керагим йўқ, мени ёлғиз ташлаб, учиб кетиши аниқ.

Хаёл мени шу ерга олиб борганда, худди кўнглимдаги аламларга жўр бўлгандай ҳовли томондан:

— Вой до-о-од! — деган овоз чиқди.

Бу чийиллаган хотинча товушни масхара қилгандай, шамол ҳам чийиллаб ўзини мўрига урди. Ярим минутча вақт ўтгач, яна шамол аралаш ҳалиги овоз, ҳовлининг нариги томонидан келаётгандай бўлди:

— Вой до-о-од!

— Мисаил, эшитдингми? — деб сўради хотиним оҳистагина. — Эшитяпсанми?

Маша ётган жойидан туриб, ёлғиз ич кўйлақда, сочлари тўзган ҳолда, менинг олдимга чиқди-да, қоп-қоронғи деразага тикилиб, қулоқ сола бошлади.

— Аллакимни бўғишяпти! — деди. — Бир ками шу эди.

Мен милтиқни олиб, ташқарига чиқдим. Ҳовли зимзиё қоронғи, шамол кишини қулатадиган даражада кучли эди. Мен дарвоза ёнига бориб, қулоқ солдим: дарахтлар гувиллаши, шамолнинг ҳайқариғи ва боғ томонда овсар қоровул итининг гиншигани эшитиларди. Дарвоза ташқариси қоп-қора зимистон, темир йўлда биронта чироқ кўринмасди. Бирданига, бултур идора бўлган ҳужра томондан бўғиқ овоз эшитилди:

— Вой до-о-од!

— Ким у? — деб бақирдим.

Икки киши олишмоқда. Бири итариб судрайди, иккинчиси тиралиб бўй бермайди, иккиси ҳам ҳаллослаб қолибди.

— Қўйиб юбор!—деди биттаси, овозидан Иван Чепраков эканини танидим; хотинча товуш билан додлаётган шу экан.— Қўй-вор, лаънати, йўқса, қўлларингни тишлаб оламан!

Иккинчиси Моисей экан. Мен уларни ажратдим ва ўзимни тута олмай Моисейнинг башарасига икки марта қўйиб юбордим. У йиқилди, ўрнидан турар-турмас, яна урдим.

— Улар мени ўлдирмоқчи бўлди,— деб гўлдиради Моисей.— Аямнинг сандиқчасини очмоқчи эканлар... Мен бу кишини ҳужрага қамаб қўймасам — тинчлик бермайди.

Чепраков ўлгидай мастлигидан, мени танимади; яна додламоқчи бўлаётган одамдай, ҳадеб чуқур нафас оларди.

Мен уларни ташлаб, уйга қайтдим; хотиним кийиниб олиб, жойида ётибди. Бўлган воқияни унга гапириб бердим, Моисейни урганимни ҳам яширмадим.

— Қишлоқда яшаш қўрқинчли, — деди у.— Туннинг узунлиги-эй, худо кўрсатмасин!

— Вой-до-о-од!— яна эшитилди бир оздан сўнг.

— Бориб, уларни тинчитай,— дедим.

— Йўқ, керак эмас, бир-бирининг гўштини ейишаверсин, — деди жиркангандай бўлиб.

У шипга тикилиб олиб, ҳадеб қулоқ соларди, мен эса қимирламай, гапиришга журъат эта олмай ва ташқарида додлаганлари учун ҳам, туннинг бу қадар узунлиги учун ҳам мен айбдордай, ёнида пусиб жим ўтирардим.

У ҳам индамай ётаверди ва мен тезроқ тонг отишини сабрсизланиб кутдим. Маша эндигина ҳушига келган одам сингари аланглаб боқарди, шу қадар эсли, тарбияли, покиза хотин бўла туриб, расво провинциянинг бир бурчагига келиб турганига, шу пасткаш, ярамас одамлар тўпига қаёқдан аралашиб қолганига, нучук ўзини шу даража йўқотиб қўйганига, ҳатто шу инсонлардан бирига кўнгил қўйиб, ярим йилдан кўпроқ унинг билан умр кечирганига, энди кўзи очилиб, ҳайрон бўлаётганга ўхшарди. Назаримда, энди Маша учун мен нима-ю, Моисей нима, Чапраков нима — ҳеч қандай фарқи, аҳамияти йўқ эди; энди бу эр ҳам, аҳди никоҳ ҳам, хўжалик ҳам, кузги ёғингарчилик ҳам,— тамомий нарса ҳалиги маст-аласт «войдод» овози ичида аралаш-қуралаш бўлиб, унинг учун заррача қиммати қолмади; хўрсиниб нафас олганида, ёки ўнглиниб ётмоқчи бўлиб қўзғалганида юзига тикилсам,

унинг юраги сиқилиб: «қачон тонг отаркан-эй!» дегандай бўлаётганини сезардим.

Эрталаб Маша жўнаб кетди.

Мен яна уч кун уни кутиб Дубечняда турдим, сўнгра ҳамма буюмларимизни бир уйга тахлаб, эшигини қулфладим-да, мен ҳам шаҳарга равона бўлдим. Мен инженер дарвозаси ёнидаги қўнғироқни тортган маҳалда кеч кирган ва Большая Дворянскаядаги фонарлар ёқилган эди. Павел чиқиб, уйда ҳеч ким йўқлигини: Виктор Ивановичнинг Петербургда эканини, Мария Викторовна, эҳтимол, Ажогинаникига репетицияга борганлигини айтди. Уша куни Ажогинаникига қай аҳволда борганим, зинадан чиқаётганимда юрагим ҳовлиқиб, антикканларим ва бу санъат қасрининг салобати босиб, ичкари кира олмай юқори айвонда узоқ туриб қолганим — сира эсимдан чиқмайди. Залдаги столча устида, рояль тепасида, саҳнада шам ёниб турибди; ҳамма жойда учтадан шам, биринчи спектакль ҳам ўн учинчи числога тайинланиб, биринчи репетицияси бугун душанбага тўғри келибди — бу ҳам хосияти йўқ кун ҳисобланади. Ажогинанинг хурофотга қарши курашгиси келса — нима қилсин ахир!.. Театр санъатининг ҳамма ҳаваскорлари бекам-кўст тўпланган, катта, ўртанча ва кенжа қизлар саҳнада дафтарларга қараб, ролларини ёдламоқда; Редька эса бир четда деворга чаккасини тираб, саҳнага маҳлиё бўлиб тикилганича, репетиция бошланишини кутмоқда. Ҳамма ёқ қадимгисидай!

Мен уй бекаси билан кўришмоқ ниятида у томонга юра бошлаган эдимки, бирданига ҳамма имлаб, қўл силтаб, жойимдан қўзғалмаслигимни тушунтирди.

Зал жимжит бўлди. Рояль қопқоғи очилди, аллақандай хира кўз бир хоним келиб ўтирди-да, ноталарни титкилай бошлани, ана шундан сўнг рояль олдида ясанган, гўзал Машам пайдо бўлди; унинг гўзаллиги ҳам тамоман бошқачароқ бўлиб, у энди кўкламда менинг олдимга тегирмонга кириб келган Машага бутунлай ўхшамасди. Маша ашула бошлади:

Нечун сени севаман, эй ойдин кеча?

Иккимиз танишгандан бери мен унинг ашула айтганини энди эшитдим. Овози яхши, ширали ва кучли эди, ашуласини эшитиб туриб мен ширин, хушбўй, етилган қовун еяётгандай лаззатландим. Ашула тугади, ҳамма чапак чалди. Маша мамнун тўлиб кулимсирар, кўзлари тинмай

ўйнаб турарди; ноталарни варақласа ёки кўйлагини тузатса қафасдан қутулган қуш, эркинликда қанотларини ростлаётгандай кўринарди. Қулоқ орқасига қарата таралган сочлари; юзларида ўйнаган ғурурлик аломати ҳуснига ярашмас, юзини хунук қилиб кўрсатарди; назаримда, у энди бу ердагиларни отга тенг билиб, писанд қилмай, ҳамма-нинг башарасига: «Ҳайт жониворлар!» деб бақриб юборадигандай кўринарди.

Уша топда ранги-рўйи ва қилиқлари ямшик бобосига тортган бўлса ҳам ажаб эмас.

— Сен ҳам шу ердамисан? — деб сўради менга қўл бериб.— Ашуламни эшитдингми? Қалай, сенга ёқдимми? — Менинг жавоб беришимни кутмай, гапида давом этди: — келганинг жуда яхши бўлди. Бугун кечаси мен Петербурга жўнамоқчиман, кўп юрмайман. Рухсат этасанми?

Ярим кечада мен уни вокзалга кузатиб чиқдим. То шу дамгача унга кераксиз саволлар бермаганим учунми, билмадим, негадир, мени астойдил севиб бағрига босди ва хат ёзиб туришга ваъда қилди; мен эса, унинг қўлларини маҳкам қисиб, қайта-қайта ўпдим, ўпкам тўлиб, бир оғиз гап айта олмадим.

У жўнаб кетди, мен узоқлашаётган поезд чироқларига тикилганимча жойимда узоқ туриб қолдим. Хаёлан мен уни эркалатар ва аста-секин ўзимдан-ўзим дердим:

— Азизим Маша! Жонажон Маша! . .

Уша кечаси Мақариха кўчасига бориб Қарповнаникида ётиб қолдим; эрталаб туриб Редька иккимиз қизини узатаётган бир савдогарнинг мебелларини янгитдан тузатишга киришдик. . .

## XVII

Яқшанба кuni тушдан сўнг меникига опам келиб, иккимиз бирга чой ичдик.

— Мен ҳозир жуда кўп ўқийдиган бўлдим.— Меникига келаётиб шаҳар кутубхонасидан олиб келган китобларини кўрсатди.— Хотининг билан Владимирга раҳмат, ўзимнинг кимлигимни тушунишга шулар сабаб бўлишди. Шулар мени қутқазди, энди мен ўзимни инсон эканлигимни сеза бошладим. Илгари мен, баъзан, туни билан ухлай олмай: «Вой, бир ҳафтада шунча қанд ейилибди-я! Вой, бодрингнинг тузи шўр бўлиб қолмасин!» деб ташвишланиб ухлолмас эдим. Ҳозир ҳам ухлолмайман, лекин эндиги ўйларим, фикрларим тамоман бошқача. Ум-

римнинг ярми шу қадар қўрқоқлик ва аҳмоқона ишлар билан ўтиб кетгани алам қилади. Ўтган умримдан жирканаман, орим келади, отамни энди ўз душманимдай кўриб қолдим. О, хотинингдан бирам миннатдорманки! Владимирни айтмайсанми! Жуда аломат одам экан! Менинг кўзимни шулар очди.

— Кечалари ухлай олмаслигинг яхши бўлмабди,— дедим.

— Мени касал демоқчимисан? Соппа-соғман. Владимир текшириб кўрди: «отдайсан» деди. Масала соғликда эмас, бунинг унчалик аҳамияти йўқ... Қани айт-чи: гапим тўғрими?

Опам маънавий жиҳатдан ёрдамга муҳтож экани равшан, чунки Маша жўнаб кетди, доктор Благово Петербургда, шаҳарда мендан бўлак «тўғри» дейдиган, кўнглига далда берадиган ҳеч кими йўқ эди. У менинг юзларимга астойдил тикилиб, кўнглимдаги гапларни, нима фикрда эканимни билмоқчи бўларди; агар мен ўйланиб кетиб, индамасам, у дарҳол ўзидан ҳадиксирар: «ичида мени койияпти» деб гумонсирар ва хафа бўларди. Шунинг учун мен доим ҳушёр бўлиб: «тўғрими» деб мендан сўраган ҳамон «тўғри» деб жавоб беришга ва уни чиндан ҳурмат этганимни изҳор қилишга уринардим.

— Янгиликдан хабаринг борми? Ажогинаникида менга роль беришди,— деди у.— Мен ҳам саҳнага чиқмоқчиман. Мен энди ростакам яшамоқчи, турмуш шарбатини бекам-кўст тотмоқчиман. Менда талант йўқ, ролим ҳам ўн сатрдан иборат. Минг қилганда ҳам бу нарса, ҳар ҳолда, кунига беш марта чой қуйиб ўтиришга ва ошпаз хотиннинг қанча қанд еганини текширишга қараганда даражаси баланд, олижаноб иш-ку! Отам ҳам менинг кимлигимни билиб қўйсин-да, ахир. Қачонгача индамай кетавераман.

Чойдан сўнг менинг тўшагимга чўзилди ва бирмунча вақтгача кўзлари юмуқ ҳолда ётди; ранги анча ўчган эди.

— Дармоним йўқ,— деди бошини кўтариб,— Владимир, шаҳарда яшаган хотин ва қизлар ишламагани учун ҳаммаси кам қон бўлади, деган эди. Асл доно одам экан Владимир! Рост айтади, жуда тўғри гап. Ишлаш керак!

Икки кундан сўнг опам, дафтарини олиб, Ажогинаникидаги репетицияга келди. У қора кўйлак кийган, бўйнига марварид маржон, кўксига қиммат баҳо тўғнағич, қулоқларига бриллиант кўзли зирак таққан ва узоқдан

қатлама сомсага ўхшарди. Уни кўрган ҳамон уялиб кетдим: бу қадар дидсизлиги мени ҳайратда қолдирди. Опамнинг бекорга зирак ва бриллиантлар тақиб, ғалати кийиниб келганини бошқалар ҳам сезди; баъзилари илжайиб қўйишди, ҳатто биттаси:

— Мисрлик Клеопатра келдилар,— деб пичинг қилди.

Опам оқсуяклар табақасидан эканини кўрсатишга, ўзини эркин ва бемалол тутушга уринарди, бироқ ҳар бир ҳаракатининг ясамалиги, ўзига сира ярашмаслиги кўриниб турарди; ярашган қилиқларини, содда ва суюмлигини тамоман йўқотиб қўйибди.

— Мен ҳозир дадамга: репетицияга боряпман, деб тўғриси айтдим,— деди у менинг ёнимга келгач. Сени оқ қилдим, деб кетимдан бақириб қолди; сач бўлмаса, урмоқчи эди. Ролимни ҳам ёдлай олмадим.— деди у дафтарига қараб.— Энди албатта адашавераман... Шундай қилиб, чек ташланди, толени кўрамиз энди,— деди у қатиқ ҳаяжонланиб.— Қани, толе нима деркин?..

Назариди, ҳамма унга тикилиб қараётгандай, шундай муҳим ишга журъат этгани учун ҳаммаси қойил бўлиб, энди ундан ажойиб ишлар кутаётгандай, ўзидан ўзи ҳовлиқарди; лекин мен билан унинг сингари майда-чуйда ва арзимаган кишиларга ҳеч кимнинг қарагиси ҳам келмаслигини, кўзи ҳам учмаслигини унга тушунтирмоқ маҳол эди.

Учинчи пардагача опам бўш эди; у, провинциядан келган меҳмон — янги ролини ўйнаши, яъни, эшик олдида ўғринчи гап тинглаётган киши бўлиб туриши ва сўнгра ёдланган монологини айтиши керак эди. Саҳнага чиқишига ҳам анча борлигидан ва одамлар нари-бери юриб тинчигунча, чой ичиш, ўқиш, баҳслардан бўшагунча камида бир ярим соат ёнимдан қўзғалмади, у гўлдираб ролини такрорлар ва диққат бўлиб дафтари мижиғларди, холос; назариди ҳамма унга тикилиб, қачон саҳнага чиқишини сабрсизланиб кутаётгандай, қўллари қалтираб, ҳадеб сочларини тузатар ва менга дерди:

— Албатта адашаман... Кўнглим шу қадар қоронғики, чироқ ёқсанг ёришмайди! Мени ваҳима босяпти, ҳозир чиқариб, дорга осишадигандай қўрқиб кетаяман.

Ахири унинг навбати келди.

— Клеопатра Алексеевна, чиқинг!— деди режиссёр.

Опам саҳнанинг ўртасига бориб турди; уни тамоман ваҳима босиб, ранглари ўзгарган, юзлари хунуклашган,



сира қовушмасди; шу аҳволда ярим минут чамаси қимирламай тек туриб қолди; фақат қулоғидаги каттакон зираклари тебранар эди.

— Биринчи марта дафтарга қараб айтилса ҳам бўлади,— деди аллаким.

Унинг титраётгани ва титроғидан гапиролмай, дафтарини очолмай тургани ва хаёли мутлақо ролда эмаслиги менга равшан бўлди; эндигина ёнига етиб бормоқчи ва кўнглига далда бермоқчи эдимки, бирданига тиззалаб ўтириб қолди-да, ҳўнграб йиғлаб юборди.

Одамлар югуришиб келди, ҳамма ёқни шов-шув босиб кетди, ёлғиз мен пардага суюнганимча турар, нима бўлганига ҳайрон, нима қилишимни билмас, ҳеч нимани тушунмас эдим. Опамни турғизиб, олиб кетишганини кўрдим. Ёнимга Анюта Благовонинг келганини кўрдим; илгари мен уни залда кўрмаган эканман, мана ҳозир қаёқдан пайдо бўлганини билмай қолдим. Бошида тўр тутган шляпаси, ҳар сафаргидай, иши зарур одамдай шошиб-пишиб турарди.

— Мен унга, сен иштирок этмай қўя қол девдим!— деди Анюта жаҳли чиқиб, қизариб, ҳар сўзида тутилиб-тутилиб.— Бу — ўжарликдан бошқа нарса эмас! Сиз уни тўхтатишингиз лозим эди!

Калта энгли калта кофта кийган Ажогина хоним югуриб келди; у япалоқ тортиб, озиб кетган, кўксига папирос кули тўкилган эди.

— Дўстим, чатоқ бўлди-ку!— деди у ҳар сафаргидай юзларимга қаттиқ тикилиб ва бармоқларини қисирлатиб.— Яхши иш бўлмади! Опангиз ҳомиладор экан... Бўйида бўб қобди! Тезроқ олиб кетинг, айланай сиздан...

Хоним ҳаяжонидан энтикиб-энтикиб нафас оларди. Бир четда турган онасига ўхшаш япалоқ ва озғин уч қиз ҳам қалтирашиб, бир-бирига ёпишиб олишган, гўё уйларида турмадан қочган бирон жиноятчини тутиб олишгандай ваҳима босиб, биратўла гангиб қолишган эди. Ана шармандабозлик! Ола бўжи келди!.. Ҳаммаси ваҳимага тушиб қолди. Айтгандай, шу муътабар оила умр бўйи хурофотга қарши курашиб келган эди-ку! Нега энди мунчалик безовта бўлавераркан? Афтидан, бу оиладагилар тамомий хурофотнинг ва одамзод адашишининг боиси фақат уч шамда, ўн учинчи числода ва душанба кунда деб тушунган экан-да!

— Сиздан ўтинаман... айналай...— деб қайта-қайта такрорлади Ажогина хоним.

Ҳар сафар «айналай» сўзини айтмоқчи бўлса, лабла-рини йиғиб, буриштириб олганидан «ўнноний» бўлиб эши-тиларди.— Ўнноний тезроқ уйга олиб боринг.

## XVIII

Бир оздан сўнг опам иккимиз зинадан тушдик. Мен уни пальтом этаги билан ёпиб олган эдим; биз, фонарсиз кўчалардан, йўлиққан кишидан бекина-бекина, шошиб-пишиб борардик ва қочиб бораётган одамга ўхшардик. Опам йиғисидан тўхтади ва ёшсиз кўзларини тикиб, менга қарай бошлади. Мен уни Макариха кўчасига олиб бор-моқчи бўлдим, ораси йигирма минутлик йўл эди; шу озги-на вақт ичида биз, бутун ҳаётимизни бош-оёқ эслаб чиққанимизга, ҳамма нарсани гаплашиб, бу аҳволда нима қилиш кераклигини ўйлаб улгура олганимизга ҳайрон қо-ламан...

Энди бу шаҳарда туришимиз мумкин эмаслигини би-либ, мен бир оз пул жамғаргач, бошқа бирон ерга кўчиб кетишга қарор қилдик. Баъзи уйларда одамлар ётган, баъ-зиларида карта ўйнаб ўтирарди; биз бу уйларни ниҳоят-да ёмон кўрар ва ҳатто қўрқардик, шу муътабар оилалар-даги ваҳшийлик, хурوفот тўғрисида, ундаги кўнгли тош, пасткаш одамлар тўғрисида, боя биздан ўтакаси ёрилиб. Қўрқиб кетган театр ҳаваскорлари тўғрисида иккимиз узоқ гаплашдик. Шу аҳмоқ, жоҳил, ялқов ва муттаҳам-ларнинг, Куриловкадаги ароқхўр ва мутаассиб мужиклар-дан ёки ҳайвонлардан нима фарқи бор, деб қайта-қайта сўрардим, шулар сингари ҳайвон ҳам бирон тасодифий во-қиани кўрса, ҳуркиб, типирчилаб қолади, чунки, ҳайвон фаҳм-фаросатдан маҳрум. Булар ҳам бамисоли бир ҳай-вон эди. Агар опам шу аҳволи билан уйда турадиган бўлса, оқибати нима бўлишини ким билади? Ҳар сафар отам билан гаплашганида ёки ҳар куни танишларини уч-ратганида, виждонан қийналавериб, адои-тамом бўлмас-микан? Ана шунда, қавми-қариндошлари хорлаб, аста-секин четлатиб ташлаган бечора танишлар, қийноқдан жинни бўлган итлар, болалар тириклайин патларини юлиб, сувга ташлаган чумчуқлар ва ёшлигимдан бери бу золим шаҳарда мен учратган не-не жабру жафолар ҳаммаси кўз олдимдан бирма-бир ўта бошлади. Мен эн-

ди шу олтмиш минг кишининг нима учун яшаб, нега ибодат қилиб, инжил тиловат қилганини, нима мақсадда китобу журнал ўқиганини тамоман тушунмай қолдим. Ахир, то шу дамгача ёзилган ва айтилган сўзлар бу инсонларга бирон фойда бермагандан кейин, бундан юз ёки уч юз йил илгари нақадар кўнгли қора, озодликни севмаган бўлса, ҳозир ҳам ўша аҳволича қолиб кетгандан кейин, энди ибодату инжилнинг, китобу журналнинг нима нафи бор? Пудратчи — дурадгор эса, умр бўйи шаҳарда иморат қуради-ю, лекин то ўла-ўлгунча «галлерейя» сўзини «галдарейя» деб юраверади; худди шунга ўхшаб, олтмиш минг киши ҳам ота-боболаридан тортиб, ҳақиқат, муруват, шафқат, озодлик сўзларини роса ҳижжалайди-ю, бироқ азондан кечгача гапиргани ёлғон, бир-бирини қийнагани-қийнаган, озодликни-ку, жону жаҳди билан ёмон кўради, балои азим деб билишади.

— Демак, тақдирим ҳал бўлди, — деди опам уйга етганимизда. — Рўй берган воқидан сўнг, мен энди у ерга бора олмайман. Худога шукур, қайтага яхши бўлди. Кўнглим энди ором топди!

Опам ўша заҳотиёқ ўринга ётди. Киприкларида йилтираб ёш кўринса ҳам, ўзини бахтли сезаётгани билиниб турарди; у ширин ва чуқур уйқуга кетди. Мен энди ҳақиқатан кўнгли ором топганлигига ишондим. Бечора кўпдан бери бу хилда роҳатланиб ухламаган бўлса керак!

Шундай қилиб иккимиз бирга туриб қолдик. Опам ҳадеб ашула айтар ва кайфи чоғ, хурсанд эканини гапирарди; кутубхонадан китоблар келтирардим, лекин ўқилмасдан, яна қайтариб элтиб берардим, чунки у энди китоб ўқий олмайдиган бўлиб қолган эди, ёлғиз келгуси ҳаёт тўғрисида ўйлагиси, шундан гапиргиси келарди. Менинг кийимларимни ямаётиб ёки ўчоқ бошида Карповнага қарашаётиб, гоҳ ашула айтар, гоҳ ўз Владимирдан гап бошлар, унинг ақлини, ёқимли қилиқларини, раҳмдиллигини ва фавқулодда олим киши эканини мақтаб кетарди, мен эса, докторни ёмон кўриб қолган бўлсам ҳам, опамнинг гапини маъқуллаб ўтираверардим. У энди ишга кириб, мустақил яшашни, ўз кунини ўзи кўришни истарди ва:

— Соғайиб кетсам, ўқитувчи ёки фельдшер бўламан, полларни, кир-чирларни ўзим ювавераман, — дерди.

Бўйидаги боласини ниҳоятда яхши кўрарди; у ҳали дунёга келмай туриб, унинг кўзлари қанақа, қўллари

қанақа, кулишлари қанақа бўлишини гапириб ўтирарди. Кўпинча бола тарбияси масаласида гапиришни яхши кўрарди; оламда энг яхши одам Владимир бўлганлиги учун, опамнинг бола тарбияси тўғрисидаги тамомий мулоҳазалари ҳам, бола отасига ўхшаган чиройли бўлсин, деган гапдан нари бормас эди. Гапираверар, гапи асло тугамас ва ўз гапларидан ўзи жонланиб, хурсанд бўларди. Баъзан унга қўшилиб, негадир, мен ҳам суюнардим.

Унинг хаёлпарастлиги менга ҳам юққанга ўхшарди. Мен ҳам китоб ўқимайдиган, ҳадеб хаёл сураверадиган бўлиб қолдим: кечқурунлари, чарчаганимга қарамай, қўлларимни чўнтакка солиб олиб, уйда у ёқдан бу ёққа юраверар ва Машадан гап очардим:

— Сенингча қачон келаркин?— деб сўрадим опамдан.— Тез келармикин? Менимча, Рождествогача келиб қолса керак. У ёқда нима ҳам бор?

— Шу чоққача хат ёзмаганига қараганда, жуда тез келиб қолар дейман.

— Рост айтасан,— деб фикрини қувватлардим-у, лекин Машанинг энди бу шаҳарда ҳеч қандай иши қолмагани менга ойнадай равшан эди.

Мен Машани ғоят соғинган эдим, ўзимни ўзим алдай-вериб, оутавериб сабрим тугади, энди бошқалар мени алдаб, тасалли беришини истардим. Опам ўз докторини, мен эса, Машамни кутардим, иккимиз тўхтамасдан гапириб, кулишаверар ва Карповнанинг уйқусига халақит бераётганимизни сезмасдик. Кампир ётган жойида ҳадеб гудингларди:

— Эрталаб самовари қурғур, шиғиллаб ашула қилди-я! Воҳ, бу ҳам яхшиликка эмас, болаларим, яхшиликка эмас!

Бизникига почтальон билан Прокофийдан бошқа ҳеч ким кирмасди; почтальон опамга докторнинг хатини келтириб турар, Прокофий эса, баъзан кеч пайти кирар ва опамга тикиларди-да, индамай чиқиб кетарди, сўнгра уйда туриб гўлдираётгани эшитиларди:

— Ҳар бир табақадаги одам ўз иззатини билиши, ўз йўлидан юриши лозим, кимки, манманликка берилиб, буни тушунгиси келмаса, пироварди фалокатга йўлиқалн.

Прокофий «фалокат» сўзини кўп ишлатарди. Рождестводан кейин, бир куни бозордан ўтиб кетаётсам, у мени дўконига чақирди, қўл бериб сўрашмади ҳам, қандайдир, бир муҳим масала тўғрисида гаплашмоқчи эканини айтди.

Ўзи совуқдан ва ичган ароғидан қизариб кетган эди; дўкон прилавкаси ёнида, қонга бўялган пичоқ ушлаб, қароқчи башарали дастёри Николка турарди.

— Мен кўнглимдаги гапни сизга айтмоқчи эдим,— деб сўз бошлади Прокофий.— Бу аҳволга индамай кетаверсак бўлмайди, чунки ўзингизга маълум, бунақа фалокат сизга ҳам, бизга ҳам гап тегизиши мумкин. Аям бўлса, ўзингизга маълум, кўнгилчан одам: опангиз иккиқат экан, бошқа квартир топиб чиқиб кетсин, деб айтолмайди, мен ҳам энди тоқат қила-қила бўлдим, чунки у кишининг хулқи-атвори менга ёқмай қолди.

Мен унинг гапига тушундим ва дўкондан чиқдим. Уша униёқ опам иккимиз Редьканикига кўчиб бордик. Извошга пулимиз йўқлигидан, пиёда кетавердик; бор-йўғимизни бир тугунчага жойлаб, мен орқамга кўтариб олдим; опамнинг қўлида ҳеч нарса бўлмаса ҳам, ҳарсиллар ва ҳадеб йўталарди, қачон етамиз? деб қайта-қайта сўрарди.

## ХІХ

Ахири, Машадан хат келди.

«Қадрдон ва ҳимматли М. А.— деб бошланган эди бу хат,— оқ кўнгил, ювош, қари бўёқчининг таърифича — «фариштадай бегуноҳ» дўстим! Хайр энди, мен отам билан Америкага — кўрғазмани томоша қилмоққа борадиган бўлдим. Бир неча кундан сўнг мен океанни кўраман, Дубечнядан бу шунчалик йироқки, ўйласам ваҳима босади! У жуда узоқ, осмон сингари бепоён, ўша томонларга боргим, озодликда яйрагим келади, мен ҳозирданоқ ҳовлиқиб, ғолибона суюна бошладим ва хатимнинг бунчалик пала-партиш ёзилганига сабаб ҳам шу. Қадрдон ва ҳимматли дўстим! Энди ихтиёримни ўзимга беринг, бошимни очиб қўйинг, мени билан сизни боғлаб турган ипни узиб ташланг. Сизни таниганим, билганим зое кетмади, қайтага илоҳий бир нур каби бутун борлигимни, ҳаётимни ёритди, лекин сизга текканим — хато бўлиб чиқди, сиз ҳам буни яхши тушунасиз. Мен ўз хатомни англаб эндиликда кўп азобланмоқдаман ва шунинг учун сиз ҳимматли дўстим олдида тиз чўкиб, менга ижозат беришингизни ва қанотларим устида оғир тош бўлиб турган шу иккаламизнинг хатомизни тузатишга рози эканлигингизни мен океанга жўнагунимча, жуда тезликда телеграф орқали билдиришингизни сўрайман. Отам бу ишнинг расмий

томонларидан сизни унчалик ташвишлантирмасликка ваъда қилди, оврагарчилик ва ками-кўстларини ўзи тўғрилайдиган бўлди. Демак, тўрт томоним очиқ, ихтиёрим ўзимдами энди? Ҳами?

Бахтли бўлинг, худойим сизни ўз паноҳида асрасин, толеингизни баланд қилсин, менинг гуноҳимдан ўтинг.

Соғ-саломатман. Пулни пўчоқдай сочаётибман, бемаъни ишлар билан овораман ва мендай нобоб хотинга бола бермагани учун ҳар қадамда худога шукур қиламан. Мен ҳозир ашулачи бўлганман ва бу соҳадаги муваффақиятим ёмон эмас, лекин бу оддий ҳаваскорлик эмас, мен бу ишга жиддий киришганман, буни ўз манзилим, ўз қароргоҳим деб биламан ва қолган умримни шунга бағишламоқчиман. Довуд пайғамбарнинг узугида: «Дунё—бевафо, умр — бебоқо» деган сўзлар ёзилган экан. Киши хафаланса, бу сўздан хурсанд тортар, хурсанд бўлса — маъюсланиб, хафа бўлар экан. Мен ҳам шундай бир узук қилдириб олдим, унга яҳудий ҳарфлари билан ҳалиги ҳикматли сўзлар ёзилган; бу нарса мени шавқ-завқлардан асраса керак. Дунё бевафо экан, ўтиб кетаркан, ҳеч нарсадан ному нишон қолмас экан, демак, инсонга ҳеч нарса керак бўлмас экан. Бирдан-бир керак нарса — ўзини эркин, озод ҳис қилишлик эканини мен энди тушундим, чунки озод инсон учун дунёда ҳеч нарса, ҳеч қандай нарса керак эмас. . . Алоқа ипини узинг. Сизни ва опангизни бағримга қаттиқ босаман. Мени кечиринг ва умрбод кўнглингиздан чиқариб ташланг М.»

Опам бир уйда, Редька иккинчи уйда ётарди; у тагин касал бўлиб, эндигина тузала бошлаган эди. Худди мен хат олган чоғда, опам бўёқчининг уйига секингина ўтиб кетди, бориб ёнига ўтирди-да, китоб ўқий бошлади. Опам ҳар куни бўёқчига Островский ёки Гоголь асарларидан ўқиб берар, у эса — бир нуқтага тикилиб олиб, кулмасдан, бошини чайқаб қулоқ солар ва ора-сира ўзича гўлдираб қўярди:

— Ҳаммаси тўғри! Ҳаммаси бўладиган гап!

Агар пьесада бирон хунук, ярамас воқиа тўғрисида гап кетаётган бўлса, у дарҳол бармоғи билан китобни туртиб кўрсатар ва заҳарханда қилиб:

— Мана, эгрилик! Эгрилик шунақа бўлади; касофатини кўрдингизми?— дерди.

Бу пьесаларнинг мазмуни ва ахлоқий томонлари, нақадар мураккаб ва моҳирлик билан ёзилганлиги Редькани

жуда қизиқтирар ва *унга* қойил бўларди, бироқ *унинг* фамилиясини сира айтмасди:

— Қандай қилиб у шунча гапни боплаб ёзган экан-а?

Опам бу сафар пастгина овоз билан ёлғиз бир бетини ўқиди-да, ортиқ ўқиёлмай тўхтади: \* овози етмай қолди. Редька унинг қўлларидан ушлади-да, қақраган лабларини қимирлатиб, эшитилар-эшитилмас, бўғиқ овоз билан гапира бошлади:

— Тўғри одамнинг кўнгли мусаффо ва бўрдай оқ бўлади, эгриники эса жилвир тошдай қоп-қора бўлади. Тўғрининг кўнгли алифдай равшан ва тоза, эгриники эса қора мойдай расво бўлади. Меҳнат қилмоқ керак, ғам-ғуссаларни, дард-аламларни кўрмоқ керак; кимки, меҳнатни, кулфатни билмаса — охиратдан маҳрум бўлади. Воҳ, ундайларнинг ҳолига! Тўқ ва шўхлар, зўру зўравонлар, бою бадавлатлар, судхўру ханнотлар минг-минг пушаймон ер, ҳаммаси жаннатдан бенасиб бўлур! Экинни ширадан, темирни зангдан. . .

— Кўнглини эгриликдан асрамоқ даркор, — деб таомлади опам ва кулиб юборди.

Мен хатни қайтадан ўқиб чиқдим. Худди шу пайтда ошхонага солдат кириб келди; бу — ўша бизга аллакимдан ҳафтада икки марта чой, француз булка ва чил келтириб турадиган қадимги солдат эди. Шу кунларда иш йўқлигидан, менинг кун бўйи уйда бўш ўтирганимдан ва бизнинг қийналаётганимиздан, бу булкаларни юборувчи ғамхўр хабардор бўлса керак.

Мен опамнинг солда билан гаплашганини ва хурсанд бўлиб кулганини эшитдим. Сўнгра у ёнбошлаб олиб, булкадан ея бошлади ва менга шу гапларни айтди:

— Ўша сен хизмат этишни истамай, бўёқчиликка кирганингадоеқ, биз, Анята Благово иккимиз, тўғри қилганингни билганмиз ва сенга қойил қолганмиз, бироқ ўз фикримизни очиқ айтишга қўрқдик. Нега одам ўйлаганини, юракдаги муддаоларини очиқ гапиролмас экан-а? Айтчи Масаил, қандай куч инсонни шу қадар истиҳолачи ва қўрқоқ қилиб қўйган? Мисол учун Анята Благовони олиб қарайлик. У сени севади, сидқидил яхши кўради, сенинг ҳақли эканингни билади: мени ҳам опасидай яхши кўради, ҳақли эканимни ҳам билади, эҳтимол, менга ҳаваси ҳам келар, лекин бизнинг қошимизга кела олмайди, аллақандай бир куч — келгани қўймайди, шунинг учун биздан қочиб юрибди, қўрқади.

Опам қўлларини кўксига қилиб, завқланиб сўзлай бошлади:

— У сени шу қадар севадики, агар сен билсанг эди! Анюта ўз ишқини ёлғиз менгагина ошкор этган, уни ҳам қоронғи хиёбонга кириб гапириб берган эди. Баъзан бог-даги қоронғи хиёбонга мени бошлаб борарди-да, сени на-қадар азиз билганини, сенга чексиз муҳаббат қўйганини гапирар, ҳасрат қиларди. Мана кўрарсан, Анюта умрбод эрга чиқмайди, чунки у сенигина севади. Унга раҳминг келадими энди?

— Ҳа.

— Булкаларни ўша юборган. Ғалати қиз, рост, нима-сини яширади? Мен ҳам ғалати ва аҳмоқ эдим, ана, у ердан кета олдим-ку! Энди ҳеч нарсадан қўрқмайман, кўнглимдаги ўй ва гапларимни очиқ-ойдин айта оламан, хуллас, бахтиёрман. Уйимизда яшаган вақтларимда, бахт нималигини билмасдим, эндичи? Ҳозирги бахтимни қиро-личаникига алишмасман!

Доктор Благово келди. У докторлик унвонини ёқлаган ва ҳозир бизнинг шаҳримизда бўлиб, отасиникида дам олмоқда эди; у яқин орада Петербургга кетмоқчи эканини айтарди. Доктор тиф касалига ва яна, чамамда, вабо ка-салига қарши эмлаш масаласи билан шуғулланмоқчи эди; чет элга бориб, билим ва тажрибасини оширмоқчи, сўнгра кафедрани эгаллаб, дарс бермоқчи бўларди. У ҳозир ҳарбий хизматини ташлаб, расмона шевиот пиджак билан кенггина шим кийган ва чиройлик галстук тақиб олган эди. Опам унинг тўғноғичи ва запонкаларини, қип-қизил шоҳи дастрўмолини завқланиб томоша қиларди, у ҳам олифтагарчиликка рўмолчасини пиджакнинг олди чўнтагига солиб, атайи учуни чиқариб қўярди. Бир куни бекорчиликдан опам икковимиз унинг костюмларини хаё-лан ҳисоблаб, бўлмаганда, ўнта костюми бор, деган қа-рорга келдик. Доктор опамни қадимгисидай яхши кўргани аниқ эди, лекин, лоақал, ҳазил-мутоиба билан уни бирон марта, Петербургга ёки чет элга бирга олиб бораман, деганини эшитмаганман ва мен опам ўлмаё тирик қолса, нима қилишини, бола нима бўлишини очиқ тасаввур эта олмасдим. Лекин опам эса, ҳавойи хаёллардан бўша-мас, ўз келажаги тўғрисида жиддийроқ ўйлагиси келмас-ди ва:

— Майли, истаган жойига бораверсин, ҳатто бутунлай унутиб юборса ҳам майли, ишқилиб, ўзи бахтиёр бўлса —



мен хурсанд; шу кўрганларим менга етиб ортади,— дерди бечора.

Одатда, у ҳар сафар бизниқига келганда опамнинг соғлиғини синчиклаб тинглаб чиқар ва кўзи олдида сутга дори томизиб ичишини талаб этарди. Бу гал ҳам ўшандай қилди: унинг касалини тинглади ва бир стакан сут ичирди; шундан сўнг бутун уй ичини креозот ҳиди босиб кетди.

— Балли, оқила!— деди доктор қўлидаги стаканин олаётиб.— Сенга ортиқча гапиришлик мумкин эмас, сўнгги вақтларда зағизгондай жағинг тинмайдиган бўлиб қолибди. Қани, жим ёт!

Опам кулиб юборди. Сўнгра доктор Редька ётган уйга чиқди; мен ҳам шу ерда эдим, эркалатгандай кифтимга қоқиб қўйди.

— Хўш, қария, аҳвол қалай?— деб сўради энгашиб бемордан.

— Жаноби олийлари. . .— деди Редька, зўрға-зўрға лабларини қимирлатиб,— жаноби олийлари, гапирмасам бўлмайди. . . тепамизда худо бор, ҳаммага муқаррар ўлим бор. . . Рухсат этсангиз, мен ростини айтай, эшитинг. Жаноби олийлари, сиз жаннат юзини асло кўрмайсиз!

— Нима қилай энди?— деб ҳазиллашди доктор.— Дўзахга ҳам одам керак ахир!

Бирданига ўзидан-ўзи эс-ҳушимга бир бало бўлди: хаёл мени чалғита бошлаганини сездим; худди туш кўраётган одамдай, гўёки, қиш куни, қоронғи тун эмиш-да, мен кушхона ҳовлисида турибман, ёнимда Прокофий, оғзидан ароқ ҳиди келади. . . Чўчиб, кўзларимни ишқаб, зўрға ўзимга келдим-у, бироқ ўша заҳоти тағин хаёл олиб кетди: назаримда яна губернатор қошига сўроқ бергани кетаётганмишман. . . На илгари ва на кейинчалик бундай аҳвол рўй берган эмасди ва мен буни асабларим қаттиқ чарчаганидан кўраман. Қизиқ нарса: туш бўлиб тушга ўхшамайди. . . кушхонани ҳам айланиб чиқдим, губернатор олдида ҳам бўлдим. . . лекин ҳаммасини билиб турибман, бекорчи хаёл эканини ўзим сезиб турибман.

Ўзимга келиб мундоғ қарасам, уйдан чиқиб кетибман: доктор иккимиз кўчадаги фонарь тагида турганимизни кўрдим.

— Бечора Клеопатра!— деди у ва кўзларидан юзига ёш оқабошлади.— Тузалишига сира умид йўқ, азизим, лекин ўзи буни билмайди, қувонади, кулади холос. Редька

мени ниҳоятда ёмон кўриб қолибди; шуни сен расво қилдинг демоқчи, ҳадеб шунга шама қилади. Бир ҳисобда, уники ҳам тўғри, бироқ менинг ҳам ўзимга яраша тушунчам бор ва ўтган ишга мутлақо пушаймон эмасман. Чунки ишқ бор нарса ва ҳаммамиз севмоғимиз лозим, тўғри эмасми?— муҳаббат бўлмаса, ҳаёт ҳам бўлмасди; кимки, ишқ-муҳаббатдан қўрқса, ундан қочадиган бўлса, у эркин одам эмас.

Секин-секин бошқа мавзуларга ўтди, фан тўғрисида, Петербургдагиларга ёққан ўз диссертацияси тўғрисида сўзлади; у роса қизишиб, гапга тушиб кетган ва энди опамни ҳам, мени ҳам, ўз қайғуларини ҳам тамоман унутиб юборган; ҳаёт уни ҳам мафтун этган эди. Униси Америка ва ҳикматли узукка, буниси докторлик унвонию олимлик мансабига берилиб кетди, ёлғиз мен билан опам иккимиз аслича қолдик деб ўйладим.

Унинг билан хайрлашиб, мен фонарга яқинроқ бордим-да, бояги хатни яна бир қайта ўқиб чиқдим. Сўнгра, айнан ҳозиргидай бўлиб, Машанинг кўкламда эрталаб менинг қошимга, тегирмонга келгани, қишлоқи оддий хотинлар сингари пўстин орасига кириб олиб ухлагани, яна бир куни эрталаб, сувдан балиқ тортиб олганимиз, ўшанда дарё бўйидаги толлар тагида жалада қолганимиз ва роса кулишганимиз бирма-бир кўз олдимдан ўтди...

Большая Дворянскаядаги бизнинг уйда чироқ кўринмас эди. Мен, қадимги одатим бўйича девордан ошиб тушдим-да, лапма олиш учун орқа эшикдан ошхонага кирдим. Ошхонада ҳеч ким йўқ эди; отам келишига қўйилган самовар, печ ёнида шигиллаб турарди. «Отамга энди ким чой қуяётган экан?» деб ўйладим. Лампани олиб ҳужрага кирдим-да, эски газеталарни остимга тўшаб ётдим. Девордаги қоziқлар қадимгисидан ҳам хунук кўринар ва соялари липиллайверарди. Анча совуқ эди. Хаёлимда опам кириб келаётгандай ва менга таом келтираётгандай бўлди, лекин ҳозир унинг бемор экани ва Редьканикида ётгани эсимга тушди; девордан ошиб тушиб, муздай ҳужрага кириб ётганим менга ғалати кўринди. Эсим оғиб, хаёлим қочиб, кўзимга бўлмағур нарсалар кўринаверди.

Қўнғироқ чалинди. Болалик чоғимдан бери унинг садолари менга жуда таниш бўлиб қолган: олдин сими деворга суйкалиб шитирлайди, сўнгра ошхонадаги қўнғироқ калта-калта жаранглаб, нола қилаётгандай бўлади.

Демак, отам клубдан қайтиб келди. Мен ўрнимдан туриб, ошхона томонга кетдим. Ошпазимиз Аксинья кампир мени кўрган ҳамон, негадир, йиғлаб юборди.

— Болажоним!— деди у оҳиста.— Жонгинам! Худога шукур!

Кампир ҳаяжонидан фартугининг этагини мижғилай бошлади. Деразада, мева аралаш арақ солинган чирпит шишалар кўринарди. Мен чашкани тўлғазиб қўйдим-да, ютаққан одамдай бир йўла шимирдим, чунки ичким келиб турган эди. Аксинья эндигина стол ва скамейкаларни ювиб чиққан экан, шунинг учун ҳамма ёқдан ёқимли ҳид келиб турардики, одатда бундай ис покиза ошпазлар ишлаган шинам ошхоналардагина бўлади. Болалик чоғларимизда мана шу ёқимли ҳид ва чириллаган чигиртка овози бизни ўзига тортаверарди ва бу ерга келмасак тура олмасдик, чунки ошхона чўпчак эшигадиган, пошшо-пошшо ўйнайдиган ажойиб бир жой эди. . .

— Клеопатра қани?— деб сўради Аксинья шивирлаб, шошиб-пишиб ва нафаси тўхтаб.— Шапканг қани, отахон? Хотининг Питерга кетиб қолган эмйш, ростми?

Аксинья онам борида ҳам шу уйда хизмат этган ва бир замонлар мен билан Клеопатрани жомошовга солиб чўмилтирган эди. То шу дамгача бизни бола ҳисоблар ва шунинг учун насиҳат қилиб туришни лозим кўрарди. Кўришмаганимиздан бери кўнглида йиғилиб қолган ҳамма гап ва ўз мулоҳазаларини чорак соат ичида менга батамом сўзлаб берди. Доктор масаласига келганда, агар унга дўқ қилиб кўрилса, ёки устидан яхшилаб ариза берилса, архиерей биринчи никоҳни бекор қилиб беради. Клеопатрага уни мажбуран уйлантириш мумкинлигини гапирди; Дубечняни хотинимга билдирмай секингина-сотишни ва пулини ўз номимга банкка қўйишни маслаҳат берди; агар опам иккимиз дадамнинг оёғига йиқилиб, астойдил тавба қилсак, гуноҳимиздан ўтиши мумкинлигини айтди; арвоқлар йўлига тиловат қилдириш зарурлигини эслатди. . .

— Қани, бор, болам, отанг билан гаплашгин,— деди у, дадамнинг йўталган овозини эшитгач,— бора қол, ялингин, тузукроқ таъзим қилгин, бўйнинг узила қолмас.

Мен отам олдига кирдим. У, стол қошида ўтириб, готик стилидаги деразалари ва йўғон-йўғон минбарлари бор бир дачанинг планини чизмоқда эди; миноралар, ўт ўчириш идорасидаги қоровул турадиган баланд томга ўхшаб.

қолибди ва умуман бу план билан солинган иморатнинг жуда ҳам ўхшовсиз ва хунук бир нарса бўлиши муқаррар эди. Мен кабинетга киргач, план менга кўриниб турадиган жойда тўхтадим. Отам олдиға нима учун кирганимни ўзим билмасдим, лекин унинг қотма юзларига, қизарган бўйнига ва девордаги соясига кўзим тушган ҳамон, Аксинья ўргатгандай, югуриб бориб, оёқларига йиқилгим келди; бироқ ҳалиги пландаги готик деразалар ва йўғон миноралар мени бу райимдан қайтарди.

— Хайрли кеч,— дедим.

У бошини кўтариб менга бир қаради-ю, тагин планга энгашиб олди.

— Нега келдинг?— деб сўради бир оздан сўнг.

— Мен, опамнинг оғир касал бўлиб ётганини айтмоқ учун келдим. Яқинда ўлади,— дедим хириллаб.

— Шундайми?— деб чуқур нафас олди отам ва кўз-ойнагини олиб столга қўйди.— Нима эксанг, шуни оласан, дейилган. Нима эксанг,— деб такрорлади ўрнидан тураётиб,— шуни оласан. Эсингда борми, бундан икки йил аввал менинг олдимга келганинг? Худди мана шу жойда мен сенга ялиниб: бу йўлингдан қайт, деб худонинг зорини қилган эдим, бурч нима, ор-номус нималигини, отабоболаримиз томонидан юкланган вазифаларни, уларнинг урф-одатларини муқаддас билишимиз зарурлигини сенга кўп тушунтирган эдим. Ана ўшани бир эсга олишингни сўрардим. Гапимга қулоқ солдингми? Йўқ. Сен маслаҳатимга юрмадинг, менга ўчакишиб, ярамас фикрларингни маъқуллайвердинг; бунинг устига, ўз расволиғинг камлик қилгандай, опангни ҳам шу расво йўлга киришга мажбур қилдинг, иффат ва номуси поймол этилишига сабаб бўлдинг. Энди икковингиз ҳам қийналаётисиз. Шундайми? Нимани эксанг — шуни оласан!

Отам гапирётиб, у ёқдан бу ёққа тинмай юриб турарди. У мени: тавбасига таяниб келди ва опа-ука қўшилишиб, узр сўрашмоқчи, деб гумон қилган бўлса керак. Аъзойи баданим увишиб, безгак тутаётгандай қалтирардим, хириллоқ овоз билан зўрға гапирдим:

— Мен ҳам бир карра эсга олишингизни сўрардим,— худди мана шу жойда туриб: арзимни эшитинг ота, олдин тушунинг, нима учун ва қандай қилиб яшашимизни биргаликда ўйлаб чиқайлик, деб ялиниб, худонинг зорини қилмадимми? Ушанда сиз бирон жавоб бериш ўрнига қаёқдаги авлод-аждодларимизнинг, шеър ёзган бобомиз-

нинг таърифига тушиб кетган эдингиз. Мана ҳозир ҳам, мен сизга: ёлғиз қизингиз қаттиқ бетоб, тирик қолишидан умид йўқ, деб турсам, тагин ўша авлод-аждодлар, урф-одатлардан гап сотасиз. . . Одам деган қариб, ажали яқинлашиб, яна беш-ўн йил умр кўриши даргумон бўлиб қолгандан кейин бир оз вазмиң ва доно бўлади-дә, наҳотки, ўша калтафаҳмлигича ўтиб кетаверса!

— Бу ерга нега келдинг?— деб зарда билан сўради, афтидан, калтафаҳмлигига шама қилганим — кўнглига ҳақоратдай теккан эди.

— Билмайман. Мен сизни яхши кўраман, орамиз шу қадар узоқлашиб кетганига ниҳоятда ачинаман, шунинг учун келдим. Мен ҳали ҳам сизни яхши кўраман, лекин опам сиздан умидини тамом узган. У ҳозир ҳам, келгусида ҳам мутлақо кечирмайди. Агар номингиз эсига тушса нафратланади ва ўтган умридан, ҳаётдан юз ўгиргиси келади.

— Бунга ким айбдор?— деб бақариб юборди отам.— Сен, ёлғиз сен айбдорсан, бадбахт!

— Хўп, мен айбдор, майли,— дедим.— Айбим кўп эканига иқрорман, лекин сизнинг шу ҳаётингиздан нима фойда? Бизни нега шунақа турмушга мажбур этасиз? Ахир, бу жудаям бемаза, бемаъни турмуш-ку, ота! Ахир, шу ўттиз йилдан бери сиз қурган уйларда биронта маъноли одам яшаганини кўрмайманки, мен ундан қай хилда яшашни, айбдор бўлмаслик йўлларини ўргансам! Шаҳарни бошдан-оёқ қидирилса, биронта ҳалол киши топилмайди. Мана шу лаънати уйлариңизда яшаган бағри тош одамлар — бечора оналарни, гуноҳсиз қизларни тириkläйин гўрга тиқмоқда, болаларига зулм қилмоқда. . . Бечора онажоним!— дедим тутоқиб.— Шўрлик опагинам! . . Фақат картадан, ароқдан карахт бўлган кишиларгина, ғийботу разолатга, мунофиқликка ўрганган кишиларгина, ёки ўн йиллаб ўз чизмачилигидан нарисини кўргиси келмаган зотларгина бу уйларда яширинган мудҳиш аҳволни кўрмаслиги мумкин. Шаҳримиз барпо бўлгандан бери неча юз йиллар ўтгандир, бироқ то шу кунгача ватанга фойда келтирган биронта киши чиқдими? Лоақал битта ҳам йўқ! Бирон янгиликнинг, сал-пал тетик иш ёки бирон равнақ фикрнинг пайдо бўлишига-қўймагансизлар, ғунчалигида бўғиб, поймол қилиб ташлагансизлар! Бу шаҳар эмас, боққоллар, қовоқхоначилар, бюрократлар, мунофиқлар уяси ва агар бунини шу заҳоти ер ютиб кетса, ҳеч ким ачинмас ҳам эди.

— Сенга қулоқ солиб ўтиришни истамайман, бад-бахт!— деди-да, стол устида ётган чизғични қўлига олди.— Сен мастсан! Шу аҳволда отанг олдига келдингми, аблаҳ! Охирги марта сенга айтаман ва буни шарманда опангга ҳам айтиб қўй: сизларга ҳеч нарса бермайман, беради деб умиявор ҳам бўлманглар! Бевош фарзандларимдан мен кечганман, энди ўз қилмишларидан, ўжарлик ва ўзбошимчалигидан азоб чекаётган бўлишса — сатқайисаримга! Мен асло ачинмайман. Келган томонингга кетаверишинг мумкин! Худо сизларни шу кўйга солиб, менга бунчалик жазоларни раво кўрган бўлса, бунисига ҳам шукур қиларман ва бечора Аюб сингари мен ҳам оғир машаққатдан, тинимсиз меҳнатдан тасалли топа оларман. Сен токи тузалмагунингча, зинҳор ва зинҳор остонамга қадам боса кўрма! Мен тўғриси айтдим, ҳар бир гапим фойдалидир ва агар сен ўз нафингни тушунмоқчи, яхшилик деган нарсани билмоқчи бўлсанг, илгари ва ҳозир айтган гапларимни бинои умр унутмаслигинг лозим.

Мен қўл силтадим-у, чиқиб кетдим. Сўнгра, ўша кечаси ва эртаси куни билан менга нима бўлганини эслай олмайман.

Мен кўчаларда бош яланг дайдиб юрганмишман, маст одам сингари гандираклаб, бақириб ашула айтганмишман, гала-гала болалар кетимдан эргашиб:

— Арзимаган фойда! Арзимаган фойда!— деб қичқиришган эмиш.

Ўзим биттасини ҳам билмайман.

## XX

Агар мен ҳам заргарга узук буюртмоқни ҳавас этсам, мана шу сўзларни муқаррар ёздирар эдим: «Дунё — вафодор. Ҳеч нарса ному нишонсиз кетмайди». Мен дунёда ҳеч нарса ному нишонсиз ва зое кетмаслигига, қилган энг кичкина ишимизнинг ҳам, қўйган ҳар бир қадимимизнинг ҳам, ҳозирги турмушимиз ва келажак ҳаётимиз учун аҳамияти борлигига қаттиқ ишонганман.

Кечирган кунларим, тортган машаққатларим зое кетмади. Бошимга тушган не-не кулфату маломатларни ва мендаги сабру тоқатни кўрган кишиларнинг тошюраклари энди эрий бошлади. Ҳозир мени арзимаган фойда, деб чақирмайдиган, масхара қилиб кулмайдиган бўлишди; савдо растасидан ўтсам — энди ҳеч ким устимга сув

сочиб юбормайди. Менинг ишчи бўлганимга ҳаммаси ўрганиб қолди. Ўзим оқсуяклардан бўла туриб, буёқ солган челақ кўтариб юрганимни ёки ойнасозлик қилаётганимни энди ҳеч ким айбга қўшмайди; аксинча, ишлари чиқса, дарҳол мени чақирришади. Редькадан кейинги ўткир уста ва энг яхши пудратчи деб, энди ҳамма мени билади: у яқиндагина тузалиб чиқди ва ҳали ҳам черков гумбазларини қадимгидай ҳовозасиз бўяйверади-ю, лекин йигитларга гапи ўтмай қолди; унинг ўрнига ҳозир мен шаҳарни айланиб, заказ қидириб юраман, одамларни ўзим ишга олиб, ўзим пулларини тўлайман, анча-анча процент тўлаш шарт билан судхўрлардан пул қарз оламан, пудратчилик бошимга тушгандан кейингина, арзимаган заказ учун Редька нимага уч кунлаб тунукасиз ахтариб, шаҳарда зир югурганларини энди тушундим, ҳозир ҳамма мени ҳурмат қилади, сизлаб гапиришади, ишлаётган уйларида чой келтириб беришади ва қоринлари очмадимикан, овқат ермиканлар? Бориб сўра! деб тез-тез хизматкорларини юбориб туришади. Кўпинча болалар ва айниқса қизлар ишлаётган жойимга келиб, ҳайрон ва ғамгин бўлиб, тепамда қараб туради.

Бир куни мен губернаторнинг боғида ишлаб, боғдаги шийпонни мрамар тусга бўяётган эдим. Губернатор боғни айланиб, шийпонга келди-да, бекорчилигидан мени гапга сола бошлади. Мен унга, ўша мени чақиртириб тергаганини эсига солдим. Олдин бир оз юзимга тикилиб турди, кейин оғзини о ҳарфига ўхшатиб очди-да, қўл-кифтларини қисиб:

— Едимда йўқ!— деди.

Мен хийла қартайганман, камгап, жиддий ва сержаҳл бўлиб қолганман, қадимги кулгим, қувончларим йўқолиб кетган; мен ҳам худди Редькага тортганмишман, насиҳат қилавериб ишчи шерикларимни роса зериктирармишман.

Менинг собиқ хотиним Мария Викторовна ҳозир чет элда яшайди, инженер отаси эса, шарқий губерналарнинг бирида темир йўл солиш ва мулк сотиб олиш билан овозра. Доктор Благово ҳам чет элда. Дубечня яна ўз эгаси — Чепракова хонимга ўтиб кетди; сотган нархидан йигирма процент камига инженердан қайтиб олди. Моисей ҳозир шляпа кийиб олган; у пойга аравасига тушиб, тез-тез шаҳарга келиб туради ва доим банк олдида тўхтайди; гаровдан ажратиб, ғалати бир қўрғонни сотиб олган эмиш, ҳозир Дубечняни ҳам сотиб олиш пайига тушган ва банк-

ка ҳадеб келаверишининг боиси шундан эмиш. Иван Че-праков эса, кўп вақтларгача шаҳарда дайдиб, ҳеч ишнинг бошини ушламай роса ароқхўрликка берилиб кетди. Олдин мен уни ўзимизга қўшиб олиб, ишга аралаштириб кўрдим; бир неча вақтгача орамизга кириб, том тунукаларини бўяш, ойна солиш сингари ишларга қўли келиб қолди, ҳатто мазасига тушуниб, расмона бўёқчилар қаторида алиф ўғирлашга, чой пули сўрашга, мастбозлик қилишга ўрганиб қолган эди. Лекин иш дарров жонига тегди, Дубечнясини соғиниб, кетиб қолди. Шундан кейингина йигитлар унинг ғаламус ниятларини менга гапириб беришди. Иван йигитларни авраб: кечаси бориб, Моисейни ўлдириб, генерал хонимнинг дунёларини ўғирлаб келишга судраб кўрибди.

Отам қариб, букчайиб қолган; кечқурун ўз уйи атрофида сайр қилиб юради. Мен уникага бормай қўйдим.

Вабо кезлари Прокофий боққолларни қалампир ароқ ва қатрон билан даволаб, роса пул ишлаб олди; қассобхонасига ўтириб олиб, докторларни ёмонлагани учун дарра билан хўп савалашибди; мен бу хабарни шаҳаримизда чиқадиган газетадан ўқидим. Дастёр Николка вабодан ўлиб кетди. Карповна ҳали ҳам тирик, Прокофийдан қадимгидай қўрқади ва ҳалиям уни яхши кўради. Доим мени кўрса, ғамгин, бошини чайқайди-да, хўрсиниб қўяди:

— Пешананг шўр экан, болам!

Ҳар куни эртадан кечгача мен ишда бандман. Байрам кунлари келса, ҳаво очиқ бўлса, мен кичкинагина жиянимни кўтариб уйдан чиқиб кетаман. Опам шўрлик ўғил бола кутган эди, бироқ қиз туғилди. Секин-аста, шошмасдан юриб, қабристон томонга йўл оламан. У ерга етгач, меним учун энг азиз бўлган қабр тепасида узоқ тикилиб тураман ва бу тупроқ остида онаси ётганини унга гапириб бераман.

Баъзан, қабр ёнида Анята Благовони учратаман. Иккимиз сўрашамиз ва узоқ вақт жим туриб қоламиз, ёки Клеопатра ва унинг қизчаси тўғрисида гаплашамиз, дунёнинг қайғу ва аламларидан ҳасратлашамиз. Сўнгра қабристондан чиқамиз-да, индамай йўлга тушамиз; ўшанда Анята атайлаб, ёнимда кўпроқ бўлишлик учун жўрттага секин-секин қадам босади. Жияним шоду хуррам, офтобдан кўзларини қисиб, кулиб туриб, жажжи қўлчаларини



унга чўзади; биз дарҳол тўхтаймиз ва бу ширин қизалоқни иккимиз тўйиб-тўйиб эркалатамиз.

Шаҳарга етгач, Анюта Благово безовта бўлади, қизариб-бўзариб хайрлашади-ю, бир ўзи кетади, мен кетидан қараб қоламан. Энди учраган одамларнинг биттаси ҳам шу басавлат, қовоғи солиқ қизнинг ҳозиргина мен билан қабристондан келганига ва ҳатто йўлда болани ўйнатиб, эркалатганига ишонмаса керак.

## МУЖИКЛАР

### I

Москвадаги «Славянский базар» меҳмонхонасининг малайи Николай Чикильдеев касал бўлди. Унинг оёғи тортишиб, силтангланиб юрадиган бўлиб қолди. Бир кун патнисда яхна гўшт, нўхат қўйиб бораётганда йўлакда қоқилиб, йиқилиб тушди. Хизматдан чиқиб кетишга тўғри келди. Ўзининг ва хотинининг пулларини дори-дармонга сарф қилиб, овқатга ҳам пули қолмади, ишсизликдан зерикди, сўнгра ўз қишлоғимга борсам яхши бўлар деб ўйлади. Ўз уйингда касаллик ҳам билинмайди, харажат ҳам кам; уйда бўлсанг ҳар бир девор суяйди, деган гап бежиз эмас ахир.

Николай кеч пайтида ўз қишлоғи Жуковога кириб келди. Болалик чоғлари эсига тушганда, туғилиб ўсган уйи хаёлида ёруғ, дилдор, бағри кенгдек кўринган эди; энди уйга кираркан ҳатто қўрқиб кетди: ёруғ деб ўйлаган жойи ниҳоятда қоронғи, тор ва ифлос эди. Николай билан келган хотини Ольга ва қизи Саша, уйнинг салкам ярмини эгаллаган, ис ва пашшадан қорайиб кетган бесўнақай печга қараб ҳайрон бўларди. Пашшанинг сони-саноғи йўқ! Печь қийшайган, деворларнинг ёғочлари эгри-бугри, уй худди ҳозир қулаб тушадигандек. Иконалар турадиган бурчакда шиша ярликлари, газета парчалари ёпиштирилган — булар гўё сурат ўрнига қўйилган. Камбағаллик, қашшоқлик! Уйда катталардан ҳеч ким йўқ, ҳамма ўроқда. Печь устида ёши саккизларга борган малла соч, афти-боши кир бир қиз бепарвогина ўтирибди. У келганларга ақалли қарамади. Пастда оқ мушук косовга суркалиб турарди. Саша:

— Ма, пиш-пиш-пиш,— деб мушукни чақирди.

Печь устидаги қиз:

— Мушугимиз кар бўлиб қолган, эшитмайди, — деди.

— Нега?

— Шундай. Уриб кар қилишган.

Николай билан Ольга дастлабки кўринишданоқ бундаги турмушнинг қаидай эканини фаҳмладилар, аммо тугуиларини ерга қўйиб, индамай кўчага чиқдилар. Уларнинг уйи чеккадан учинчи бўлиб, кўриниши энг хароб, энг эски эди; иккинчи уй ҳам уларникидан яхши эмас, лекин учинчиси тунука томли, ойналарига парда тутилган эди. Бу уйнинг олди тўсилмаган, ўзи алоҳида турибди; бу қовоқхона экан. Уйлар бир қатор тизилган, бутун қишлоқ жимжит, хомуш, ҳовлилардан кўриниб турган тол, қарағай, четан дарахтлари қишлоқ манзарасини чиройли ва ёқимли қилиб турибди.

Деҳқон уйларининг нариёғида сой бўйига қараб тушган жарлик бор эди, бу жарлик баланд ва тикка бўлиб, тоғ жойларда тупроқ тагидан каттакон тошлар чиқиб турибди. Бу тошлар, кулоллар кавлаган чуқурлар ёнида, жар бағрида айланма ёлғизоёқ йўллар бор; синиқ илишларнинг қора, қизил парчалари тўп-тўп бўлиб уйилиб ётибди, пастдаги кенг яланглик кўм-кўк ўланзор; ўланзорнинг ўти ўрилган, ҳозир деҳқонларнинг моллари ўтлаб юрибди. Қишлоқдан бир чақиримча нарида буралиб-буралиб оққан сой бўйида баррадек сабзалар яшнайти, сойнинг нариги ёғида яна кенг ўланзор, моллар ўтлаб қатор-қатор оппоқ ғозлар юрибди, сўнгра у ёқда ҳам бу томондагидек баланд қир, қир тепасида қишлоқ, қишлоқда беш гумбазлик черков, нарироқда помешчикнинг уйи.

Ольга черковга қараб чўқингач:

— Сизларнинг жойларингиз яхши экан, яйрайдиган ер экан, эй худо! — деб қўйди.

Худди шу пайтда кечки ибодатга қўнғироқ чалинди (шанба оқшоми эди). Пастда челақда сув олиб келаётган икки кичкина қиз қўнғироқ овозини эшитиш учун, черковга қайрилиб қарадилар.

Николай хаёл суриб:

— «Славянский базар»да овқат вақти бўлди... — деб қўйди.

Николай билан Ольга жар бўйида ўтириб куннинг ботишини, сувда, черковнинг ойналарида, тип-тиник, соф ва салқин, мулойим ҳавода қип-қизил осмоннинг товланиб турушини — Москвада ҳеч қачон бўлмайдиган бу манзарани томоша қилдилар. Қуёш ботгач пода маъраб, бўки-

риб ўтди. Нариги томондаги гозлар учиб келди, ҳамма ёқ жим бўлди, ҳаводаги сокин шуъла сўнди, қоронғи туша бошлади.

Бу орада Николайнинг отаси билан онаси, чол-кампир қайтиб келдилар. Икковининг бўйи барабар, мункайган, тишлари тушган, иккови ҳам озғин. Сойнинг нариги ёғида помешчикникида ишлаган келинлар — Марья билан Фекла ҳам келди. Кирьяк деган ўғилларининг хотини Марьянинг олтига боласи бор, солдатга олинган Денис деган ўғилларининг хотини Фекланинг иккита боласи бор эди. Николай уйга кириб бола-чақаларни, сўри устида, беланчақда, уйнинг ҳар ёғида, бурчак-бурчакларда уймаллашиб юрган катта-кичик гавдаларни, чол билан кампирнинг қора нонни сувга ботириб қандай иштаҳа билан еяётганларини кўрганидан кейин касал ҳолда, пулсиз, бунинг устига бола-чақаси билан бу ерга чакки келганини фаҳмлади, — бекор қилибди!

Сўрашиб бўлганидан кейин:

— Кирьяк оғам қаёқда, — деб сўради.

— Савдогарникида, ўрмонда қоровуллик қилади, ўзи ёмон мужик эмас-у, бироқ жуда ёмон ичади, — деб жавоб берди отаси.

Кампир кўзига ёш олиб деди:

— Удабуро чиқмади. мужикларимизнинг пешонаси шўр. уйга ташиб келмасдан, уйдан ташиб кетадилар. Айбимизни бекитиб нима қиламиз. Кирьяк ҳам кўп ичади, чол ҳам ичади, қовоқхонадан бери келмайди, худонинг қаҳрига қолдик.

Меҳмонлар келгани учун самовар қўйдилар. Чойдан балиқ иси келарди, қанд мижилган ва сарғайган, нон ва идиш-оёқлар устида сувараклар юришибди. Ичишга одам жирканади, гаплар кишини ранжитади — муҳтожлик, касаллик тўғрисидагина сўзлашади. Бир пиёладан чой ичилгани ҳам йўқ эдики, бир маҳал, ҳовлидан мастнинг бўкиргани эшитилди:

— Ма-арья!

— Кирьякка ўхшайди, — деди чол, — ана ўзи ҳам келиб қолди.

Ҳамма жим бўлди. Бир оздан кейин худди ер тагидан келгандай ҳалиги дағал бўкириқ яна эшитилди:

— Ма-арья!

Катта келин Марьянинг ранги ўчди, печь ёнига бориб тикилди. Кенг яғринли, дуркун, кучли ва хунук хотиннинг

қўрқиши ғалати кўринди. Унинг қизи, печь устида бепарво ўтирган ҳалиги қиз, тўсатдан бақириб йиғлаб юборди.

Чиройли, кенг яғринли, бақувват Фекла қизни жеркиб:

— Вобо теккур, сен нега йиғлайсан? Жонинг чиқмасин, ўлдирмас!— деб бақирди.

Николай чолдан суриштириб билса: Марья ўрмонда Кирьяк билан бирга туришга қўрқар, эри ҳар гал ичиб маст бўлганда Марьяни йўқлаб келиб, шовқин-сурон кўтариб, хотинини ҳеч аямасдан урар экан.

Худди эшик тагида яна:

— Ма-арья!— деган бўкириқ эшитилди.

Марья биров уни муздек сувга шўнғитиб олгандек, энтика-энтика:

— Худо хайр берсин, жигарларим, қутқазиб олинг, меҳрибонларим, унга топшириб қўйманг...— деб ғўлдиради.

Уйдаги болаларнинг ҳаммаси, уларга қараб Саша ҳам йиғлаб юборди. Маст кишининг йўталгани эшитилиб, баланд бўй, қора соқол, қулоқчин кийган киши кириб келди; чироқ хира ёнганидан юзи кўринмагани учун даҳшатли туйилди. Бу Кирьяк эди. У хотинига яқин келиб унинг юзига қулочкашлаб бир мушт урди. Хотини эса калтақдан гангиб, чурқ этмай ўтириб қолди, шу ондаёқ бурнидан қон келди.

Чол печга чиқар экан:

— Ана шармандалик, уят, номус. Меҳмонлар олдида-я. Қандай баттоллик!— деб ғўлдиради.

Кампир букчайганича ниманидир ўйлаб, индамай турарди. Фекла беланчак тебратарди... Кирьяк чамаси ўзининг бундай даҳшатли эканини билиб, ва бундан қувониб Марьяни қўлидан ушлаб эшикка судради, бадтарроқ қўрқитмоқ учун ҳайвондек бўкирди, аммо шу чоғ меҳмонларга кўзи тушиб тўхтади.

Кирьяк хотинини қўйиб юбориб, деди:

— Ҳа, келибсизлар... Туғишган оғам бола-чақаси билан келибди...— деди.

Гандираклаб туриб қип-қизил маст кўзларини йириб иконага чўқинди-да, яна гап очди:

— Оғам ота уйига бола-чақаси билан келибди... Москвадан келибсизлар-да. Пойтахтдан, шаҳарлар онаси Москвадан келдим денг... Айбга қўшмайсизлар...

Самоварга яқин жойда скамейкага ўтириб тарелкадан хўплаб-хўплаб чой ичди. Бошқалар индамай ўтирарди. . . Ўн пиёлага яқин чой ичди, сўнгра скамейкага суянганича хуррак ота бошлади.

Ётар вақт бўлди. Николай касал бўлганидан унга чол ёнига, печь устига жой солиб бердилар; Саша ерда ётди. Ольга аёллар билан ётгани саройга кириб, Марья ёнига ётар экан:

— Эй, ўргилай, кўз ёши қайғуни ювмайди! Сабрдан ўзга чоранг йўқ. Азиз китобларда, агар биров ўнг бетингга урса, чап бетингни ҳам тутиб бер. . . дейилган, эй ўргилай,— деди.

Сўнгра Москвада, меҳмонхонада, чўри бўлганини салмоқлаб гапириб берди.

— Москванинг уйлари катта, бир минг олти юзта бутхона бор, ўргилай; уйларда бадавлат одамлар туради, ҳаммалари чиройли, келишган, баодоб!

Марья Москва у ёқда турсин лоақал ўзининг уезд шаҳарига ҳам бормаганлигини гапириб берди. Марья ўқиманган, дуоларнинг ҳеч қайсисини, ҳатто «Эй бор худоё»ни ҳам билмас эди. Марья ҳам, нарироқда булар гапига қулоқ солиб ўтирган иккинчи келин Фекла ҳам ниҳоятда нодон бўлганларидан ҳеч нарсага тушунмасди. Иккови ҳам эрини ёқтирмас эди. Марья Кирьякдан қўрқар, унинг олдида турганда қўрқанидан қалтирар ва қачонки у билан бирга турса, ундан ароқ ва тамаки ҳиди буруқсиб турганидан, боши карахт бўлар эди. Фекладан эрингни соғинмайсанми, деб сўралганда:

— Қўйинг ўшани!— деб жавоб берарди.

Гаплари тугаб жим бўлдилар. . .

Кун салқин, бостирма олдида хўроз қичқириб ухлатмас эди. Тонгнинг кўкимтил нури ҳар тешикдан кўриниб турган чоғда Фекла секин-аста ўрнидан туриб эшикка чиқди, сўнгра яланг оёқ шипиллаб қаёққадир кетди.

## II

Ольга черковга бораркан Марьяни ҳам бирга олиб кетди. Улар сўқмоқдан бориб ўланзорга қараб тушаётганларида, хурсанд эдилар. Ольгага бу ернинг кенглиги ёқар эди. Марья бўлса овсинини яқин қариндошдек биларди. Кун чиқди. Уйқудан карахт бўлган қирғий ўланзор тепасидан пастлаб учмоқда, сой усти хира, унда-бунда

туман тентираб юарди, ammo сойнинг нариги томонидаги қуёш шуъла ташлади, черков ярқираб турибди, помешчик богида зағчалар чагилларди.

— Чол тузук, лекин кампир сержаҳл, уришаверади. Уз бугдоймиз ҳайитгача етиб берди, энди қовоқхонадан ун сотиб олиб еб турибмиз, шунинг учун кампирнинг жиғибийрони чиқаётибди, кўп нон ейсизлар, деб жаҳл қилади,— деди Марья.

— Эй, ўргилай. Сабр қил, бошқа чора йўқ. Китобда, барча ожиз ва бечоралар, ғам-ғуссада қолганлар сабр қилинглари, дейилган.

Ольга салмоқлаб сўзлар, юрганда номозхон хотинларга ўхшаб типирчилаб, тез юар эди. Ҳар куни отинлардек қироат билан инжил ўқир, ўқиганининг кўпига тушунмаса ҳам азиз сўзларга келганда кўнгли бузилиб йиғлаб, «ашче» «дондеже»<sup>1</sup> каби сўзларни юраги эзилиб, ҳазин товуш билан айтар эди. У худога, биби Марьямга, азиз-авлиёларга ишонар, дунёда на оддий одамларга, на немисларга, на лўлиларга ва на яҳудийларга, хуллас ҳеч кимга озор бериб бўлмайди, ҳатто ҳайвонларга ҳам озор етказган кишининг шўри қурийди, деб билар эди, муқаддас китобларда шундай ёзилган дер ва шунинг учун бу муқаддас китобларни ўқиганда, гарчи сўзларига тушунмаса ҳам, кўнгли бузилиб, юзи ёришиб, раҳм-шафқат аломатлари пайдо бўларди.

— Сен қаерликсан?— деб сўради Марья.

— Мен владимерликман. Москвага бориб келганимга анча бўлган, саккиз ёшимда.

Сойга яқинлашдилар. Соининг нариги бўйида сув ёқасида қандайдир бир хотин ечинмоқда эди.

Марья у хотинни таниб:

— Бизнинг Фекла-ку,— деди,— соининг нариги бўйидаги бойнинг ҳовлисига бориб келаётгандир. Унда бойнинг гумашталари бор. Шундай шўх, қақажонки, асло қўявер!

Қора қош, сочлари ёйилган, ёш, дуркун, қиздек Фекла сой бўйидан ўзини сувга ташлаб, оёқлари билан сувни шалолатиб суза кетди, тўлқинлар ҳар томонга ёйилди.

Марья яна:

— Бениҳоят шўх,— деди.

<sup>1</sup> «Ашче» — агар, «Дондеже» — қачонки; ҳар икки сўз, эски славянча диний сўз.

Сой устида лапанглаб турган ёлғизоёқ ёғоч кўприк бўлиб, кўприк тагида зоғора балиқлар галалашиб юрарди. Сувга энгашиб турган майда буталар баргида шудринг томчилари ярқирайди. Ҳаво илиди, кўнгил қувонади. Нақадар гўзал тонг! Агар муҳтожлик, қочиб қутулиб бўлмайдиган, даҳшатли қашшоқлик бўлмаса бу дунёда турмуш нечоғлик гўзал бўларди! Агар орқага қайрилиб қишлоққа бир қаралса, кечаги ҳодисалар дарҳол эсга тушади, бу ернинг афсонавий гўзаллиги, хурсандлик нашъаси бир лаҳзада йўқолади.

Черковга келишди. Марья ичкари киргани ботинолмай эшик олдида тўхтаб қолди. Гарчи ибодатга чақирган қўнғироқ соат саккиздан ошганда чалинган бўлса-да, тик тураверди ва шу турганича сира ўтирмади.

Инжил ўқиладиганда бутун халойиқ алғоқ-далғоқ бўлиб, черковга кириб келган помешчиклар оиласига йўл берди; оқ кўйлақ, соябони кенг шляпа кийган икки қиз билан матрос кастюми кийган қизил юзли, семизгина бир бола кириб келди. Уларнинг келиши Ольгага таъсир қилди. У биринчи қарашдаёқ булар одамшаванда, ўқи-мишли, кўҳлик кишилар экан, деб қўйди. Марья бўлса, келганлар одам эмас, йўл бермагудай бўлса уни босиб-янчиб кетадиган бало-қазодек, уларга зимдан хўмрайиб, маъюсланиб қаради.

Дьякон йўғон товуш билан бир сўзни ўқиса Марьянинг назарида эри «Ма-арья» деб бўкиргандай бўларди ва чўчиб тушарди.

### III

Меҳмонларнинг келгани қишлоққа ёйилди, шунинг учун ибодатдан кейин уларни кўргани анча одам келди. Леоничевлар ҳам Матвеевичлар ва Ильичовлар ҳам Москвада хизмат қилган қариндошларини кўргани келди. Жуково қишлоғидан чиққан саводли болаларнинг ҳаммасини Москвага элтиб, ошхона ва меҳмонхоналарга хизматкорликка берардилар (сойнинг нариги томонидаги қишлоқ болаларини эса фақат булкахонага берардилар); бу нарса қадимдан, крепостнойлик замонидан бери расм бўлиб қолган, у замонда Жуково қишлоғида бўлган Лука Иванович деган бир деҳқон нуқул ўз ҳамқишлоқларини хизматга олар экан. Қилган ишлари ҳозир чўпчакка айланиб қолган бу одам Москвадаги клублар-



нинг бирида буфетчилик қиларди. Унинг келтирган одамлари ўрнашиб олганларидан кейин ўз қариндошларини чақириб олиб, уларни қовоқхона ва ресторанларга жойлаштирар эканлар. Шу сабабдан шу вақтдан бери атрофдаги қишлоқларнинг одамлари Жуково қишлоғини «Малайобод» ёки «Юндихўр» дерди. Николайни ўн бир ёшида Москвага элтиб, у вақтда «Эрмитаж» боғида капельдинерлик<sup>1</sup> қилувчи ва Матвеевичлар оиласидан бўлган Иван Макарич ўрнига ўрнаштириб қўйгандилар. Энди Николай Матвеевичларга миннатдорлик билан дер эди:

— Иван Макарич менинг валий неъматим бўлган, уни кечаю кундуз дуо қилиш менинг вазифам, чунки мен унинг орқасида одам бўлдим.

— Эй, болам,— деди кўз ёши аралаш Иван Макаричнинг опаси, новча, ориқ кампир,— улардан ҳеч хат, хабар йўқ.

— Қишда Омонда<sup>2</sup> хизмат қилган эди. Ҳозир шаҳардан ташқарида аллақандай бир боғда эмиш, кексайиб қолди! Илгарини ёзда кунига ўн сўм ишлаган кунлари бўлар эди. Ҳозир ҳар ерда ҳам ишнинг мазаси йўқ, қариганда азобга қолди.

Кампирлар ва хотинлар Николайнинг пийма кийган оёғига, оппоқ рангига қараб, хафаланиб, дедилар:

— Удабуро эмассан, Николай Осипич, топишингда маза йўқ! На чора!

Ҳамма Сашани эркалатар эди. Саша ўн бирга қадам қўйган бўлса-да, бўйи ёшига яраша эмас, пакана, ўзи ориқ, кўрган киши уни еттига кирган, дейди. Офтобда қорайган, сочлари пала-партиш қирқилган, узун ва кенг этакли кўйлак кийган, бошқа қизлар орасида оппоққина, шахло кўз, сочининг учига қизил лента боғлаган Саша бир турфа қизиқ кўринар, худди даладан тутиб, уйга олиб келинган жониворга ўхшар эди.

— Қизим ўқишни ҳам билади!— деб мақтанди Ольга, қизига мулойимгина қараб,— қани, ўқи-чи қизим!— деди унга бурчакда турган инжилни олиб бериб,— сен ўқи, мўминлар эшитсинлар.

Инжил эски, оғир чарм муқовасининг четлари тўзиган эди. Ундан шундай бир ҳид келдики, уйга монахлар

<sup>1</sup> Капельдинер — театр, цирк каби томошахоналарда билет текшириб турувчи одам.

<sup>2</sup> Омон — 90 йилларда Москвада бўлган бир ресторан эгасининг фамилияси.

киргандай бўлди. Саша қошларини чимириб қироат билан бошлади:

— «Оналар чиқиб кетганларидан кейин Юсуф тушида Жабраилни кўрди, Жабраил унга айтдики, тур ўрнингдан, болани онаси билан Мисрга олиб қоч... ва мендан хабар бўлгунча унда тур...»

— Болани онаси билан... — деган иборани Ольга яна қайтарди ва ҳаяжонидан қип-қизариб кетди.

«Дондеже» иборасини эшитганда Ольга ўзини тутолмай йиғлаб юборди. Унга қараб аввал Марья, сўнгра Иван Макаричнинг опаси ҳам йиғлаб юборди. Чол йўталди ва неварасига дастурхондан бирор нарса олиб бермоқчи бўлиб, жовдиради: ҳеч нарса тополмай, қўл силтади. Шундан сўнг инжил ўқиш тамом бўлиб, таъсирланиб, кўнгли бузилган қўшнилари Ольга ва Сашадан мамнун бўлиб тарқалдилар.

Байрам муносабати билан ҳаммалари кун бўйи уйда қолишди. Эри ҳам, келинлари ҳам, неваралари ҳам ача, деб атаган кампир бутун ишни ўзи қилишга тиришар эди. Печни ҳам ўзи ёқди, самоварни ҳам ўзи қўйди. Ҳатто ертўлага ҳам ўзи тушар, кейин «ишлай бериб ўлиб бўлдим» деб шикоят қиларди. Бирон киши бекор қолмаслиги, бировнинг ортиқча емаслиги, чол ва келинлар бекор ўтирмаслигининг ғами ҳам унинг устида. Қўшни қовоқхона эгасининг ғозлари назарида чарвоққа келаётгандай бўлади. Кампир дарҳол узун таёқ олиб югуриб чиқади-да, ўзи сингари бурушган ва нимжон карами ёнида ярим соатча чинқириб вайсайди. Назарида жўжаларга сор тегаётгандай бўлиб, уришиб-қарғаб сорни ҳайдашга тутинади. У эртадан кечгача аччиғланар ҳамда вайсарди, кўпинча шундай шовқин кўтарар эдики, кўчадан ўтиб бораётган кишилар тўхтаб қарашар эди.

Уз чолига ҳам яхши муомала қилмасди. Уни гоҳ ялқов, гоҳ балога учрагур, дерди. Чол ҳам эпчилгина, инobatли одам эмасди, агар кампир шундай қилиб турмаса, у ҳеч ишламас, печканинг устига чиқиб гаплашиб ўлтираверар эди. У ўғлига ўзининг аллақандай душманларидан, қўшниларидаан етган аламлардан ҳасрат қилиб, эзмалик билан уни зериктирар эди.

У биқинини ушлаб туриб дерди:

— Шунақа... Байрамдан сўнг орадан бир ҳафта ўтиб, пудини ўн уч тийиндан пичан сотдим. Уз ихтиёрим билан... шундай қилиб... хўп, демак, мен пичанни ўз ихти-

ёрим билан олиб бораман, ҳеч ким билан ишим йўқ. Шу вақтда қарасам йўлдаги қовоқхонадан оқсоқол Антип Седельников чиқиб қолди. «Қаёққа олиб бораётирсан, бу хашак-пашакни» деб қулоғимнинг тагига бир тарсаки туширди.

Қайфи тарқаган Қирьякнинг боши қаттиқ оғрир ва акасидан хижолат бўлар эди.

Қирьяк карахт бошини қимирлатиб:

— Ароқнинг оқибати шу. Эй худо-ей! Акалар, опалар, гуноҳимни кечиринг, Исо ҳақи, ўзим ҳам пушаймонман,— дерди.

Байрам муносабати билан қовоқхонадан шўр балиқ сотиб олиб, унинг калласидан шўрва қайнатилди. Қиём вақтида ҳамма чой ичгани ўтириб, чойни узоқ, то терлагунча ичишди. Ҳамма чой ича-ича худди шишиб кетгандай кўринар эди. Шундан сўнг шўрвани катта бир тоғорага қуйиб ўртага қўйдилар. Ҳаммалари шу бир тоғорадан ичдилар. Шўр балиқни эса кампир яшириб қўйди.

Кечқурун кулол жар бўйида ўт ёқиб, кўвачаларни хумдонга солди. Пастдаги ўтлоқда қизлар қўшиқ айтишди. Гармонь чалишди. Сойнинг нариги юзидаги хумдонга ҳам ўт ёқилган. Унда ҳам қизлар қўшиқ айтдилар. Қўшиқ узоқдан оҳангдор ва мунгли эшитилар эди. Қовоқхонада ва унинг атрофида мужиклар ғовур кўтарарди. Бадмастлик билан пойма-пой ашула қилар ва шундай сўкишар эдики, уни эшитганда Ольга бир ирғиб тушиб:

— Вой, шўрим қурсин!— дерди.

Сўкишларнинг ҳеч тинмаганлиги, бир оёғи гўрда бўлган чолларнинг ҳаммадан кўра қаттиқроқ ва узоқроқ сўкинишлари Ольгани ҳайратда қолдирди. Болалар ва қизлар эса бу сўкинишларни эшигиб, ҳеч уялмас, афтидан, ёшликданоқ бунга ўрганиб қолган эди.

Вақт ярим кечадан ўтди. Сойнинг бу ва нариги юзидаги хумдонларда ўт ўчди. Пастдаги ўтлоқда ва қовоқхонада ҳамон ўйин-кулги давом этар эди. Чол билан Қирьяк маст, бир-бирини суяб, бир-бирини турткилаб, Ольга билан Марья ётган омборнинг олдига келишди.

— Қўй,— дерди чол ёлбориб,— қўй... яхши, мўмин хотин... Гуноҳ бўлади...

— Ма-арья!— деб қичқирди Қирьяк.

— Қўй... гуноҳ... бу ёмон хотин эмас.

Иккови сарой ёнида бир оз туриб, сўнгра кетишди.

— Севаман мен дала гулларини, чаманзорда гуллар теришни,— деб, чол чинқириб бирданига ашула бошлади. Сўнгра тупурди. Емон бир сўкинди-да, уйга кириб кетди.

#### IV

Кампир Сашани полизни қўриқлагали қўйиб, ғозларни киргизма, деб буюрди. Иссиқ август куни эди. Қовоқхона эгасининг ғозлари галалашиб нариги ёқдан полизга кирсалар бўларди-ку, аммо ҳозир қовоқхона ёнида тўкилиб ётган сулини териб ейиш билан овора эди. Фақат бир эркак ғоз, кампир таёғини кўтариб келмаётибдими, дегандай бўйинини чўзиб қараб қўйди. Бошқа ғозлар паст томондан келиши мумкин эди, аммо булар ҳозир сойнинг нариги ёғидаги ўтлоқда қатор-қатор тизилишиб, ўтлаб юрар эди. Саша бир оз турди-да, зерикди. Ғозлар келмаганидан кейин жар бўйига қараб кетди.

Саша у ерда Марьянинг катта қизи Мотькани кўрди. Мотька катта бир тошнинг устида туриб, черковга қарар эди. Марья ўн учта туққан, аммо булардан фақат олти таси қолган. Буларнинг ҳаммаси қиз, энг катта қизи саккиз ёшда эди. Мотька ялангоёқ, узун кўйлак кийиб, офтоб қизигида турар эди. Офтоб унинг миясини қайнатар, аммо буни сезмай, тошдай қотиб турарди. Саша унинг ёнига бориб, черковга қараб деди:

— Черков худонинг уйи. Одамлар чироқ, шам ёқади-лар, худонинг эса қизил, кўк, зангори, кўзга ўхшаган шамчироғи бор. Кечаси черковда худо юради: унинг ёнида биби Марьям билан худо севган Николай дук, дук, дук қадам ташлайди... Қоровул қўрқади, ваҳима босади!— Саша онасининг гапига ўхшатиб,— сўнгра-чи, ўргилай, қиёмат бўлганда ҳамма черковлар осмонга кўтарилиб кетади.

— Қўн-ғи-роқ би-лан-ми?— деди Мотька йўғон овоз билан, ҳар бир ҳижони бўлиб.

— Қўнғироқ билан. Қиёмат бўлганда яхши одамлар жаннатга киради, ёмонлар, баджаҳллар, ўргилай, дўзахга тушади. Ўтда ёнади. Доим ёнади, ўргилай. Менинг онамга, Марьяга ҳам худо: «сизлар ҳеч кимни хафа қилмаган эдингиз, шунинг учун ўнг ёққа, жаннатга боринглар» дейди, Қирьяк билан кампирга эса: «сизлар чап ёқдаги дўзахга боринглар» дейди. Рўза тутмай, гўштлик овқат еганлар ҳам дўзахга тушади.

У кўзларини катта-катта очиб юқорига — осмонга қаради-да, деди:

— Киприк қоқмай осмонга қара, фаришталарни кўрасан.

Мотька ҳам осмонга қаради — Орага бир лаҳза жимлик чўкди.

— Кўраётибсанми, — деди Саша.

— Кўринмайди, — деди Мотька дўриллаб.

— Мен кўраётибман. Кичкина фаришталар учиб юрибди, қанотлари кичкинагина: худди чивиннинг қанотидай лип-лип қилади.

Мотька ерга қараб бир оз ўйланди-да, сўнгра деди:

— Кампир ўтда ёнадими?

— Ёнади, ўргилай.

Катта тошдан то пастгача бир текисда қияланиб тушган жарликнинг ёнбағрида барра ўтлар ўсган, бу ўт шунча майинки, ушлагинг ёки устида ётгинг келади. Саша ётиб, пастга қараб думалади, Мотька ҳам тумтайиб туриб, ерга ётди ва пастга қараб думаланган эди, этаги елкасигача кўтарилди.

— Кулгим қистайди! — деди Саша севиниб.

Яна юмалаш учун иккови юқорига чиқди. Шу вақтда чийиллаган ганиш бир товуш эшитилди. Ана энди қўрқишни қаранг! Тишсиз, қоқ суяк, букчайган кампир узун таёғини кўтариб полиздан ғозларни қувар ва қичқираб эди:

— Ҳамма карамни расво қилди! Қуриб кеткурлар, қирилгурлар, худонинг қаҳрига учрагурлар, ярамаслар, жонинг чиққурлар!

У, қизчаларни кўриб қолиб таёғини ташлади, сўнгра ердан хипчин олди-да, қоқ суяк, таёқдек қаттиқ ва дағал қўллари билан Сашанинг бўйнидан ушлаб ура кетди. Саша калтак зарбидан ва қўрққанидан йиғлади. Шу вақтда бир ғоз лапанглаб, бўйнини чўзиб кампирнинг олдига келди-да, ғоқ-ғоқ деди. Сўнгра ғозлар олдига қайтиб борганда гўё кампирга ғоқ-ғоқ деганини маъқуллагандай, улар ҳам ғағиллашди. Сўнгра кампир Мотькани тутиб олиб урди. Мотьканинг этаги яна елкасигача кўтарилди. Сашанинг хўрлиги келиб, кампирни чаққани уйга кирди. Унинг кетидан Мотька ҳам кирди, у ариллаб йиғлар, кўз ёшини артмас, юзи сув сепилгандай шалаббо эди.

— Вой ўлай! Мени худо урди, — деди Ольга ҳайрон бўлиб, улар уйга кирганда.

Саша бўлган воқиани айта бошлади. Шу вақтда қаргай-қаргай, шовқин солиб кампир келди. Фекланинг аччиғи чиқди, уйда ғовур-ғувур кўтарилди.

— Зарари йўқ, зарари йўқ! У бувинг, унга жаҳл қилсанг гуноҳкор бўласан. Ҳечқиси йўқ, қизим — деди Ольга оппоқ оқариб, авзойи бузилиб, Сашанинг бошини силади.

Бу доимий шовқин-сурон, очлик ва бадбўй ҳидлар жонига теккан ҳамда ота-онаси туфайли хотини билан қизи олдида хижолатга қолган Николай, печдан оёғини осилтириб, титраб-қақшаб, йиғламсираб онасига деди:

— Уни уришга ҳаддингиз сиғмайди! Уни уришга ҳеч ҳаққингиз йўқ!

— Печь устидан тушмай ҳаром ўл, сан илтози, сен текинхўрларни бу ерга қайси офат келтирди, — деб бақирди Фекла ғазаб билан.

Саша, Мотька ва бошқа ҳамма қизлар печнинг бурчагига ўтиб Николайнинг орқасига ғуж бўлишиб, индамай, гапга қулоқ солишар ва қўрқувдан юракларининг дукуллаши эшитилиб турар эди. Оилада касали узоққа чўзилган ва тузалиш умиди бўлмаган киши бўлса, шундай минутлар бўладики, яқинлари дилларида унга ўлим тилайдилар ва фақат болаларгина яқин кишиларининг ўлимидан қўрқиб, шу ҳақда ўйлаганда, ваҳимага тушадилар. Қизларнинг нафаслари ичига тушиб Николайга маъюс қарашди ва ичларида: бу яқин кунларда ўлади, деб унга кўнгил кўтарадиган, раҳм-шафқатли бирон сўз айтгилари ва йиғлагилари келди.

Николай худди ҳимоя кутгандай Ольганинг пинжига кирди ва секин, титроқ товуш билан деди:

— Жоним Ольга, бунда туришга тоқатим қолмади, худо ҳақи, опанг Клавдия Абрамовнага хат ёз, бор бисотини сотсин, гаровга қўйсин ва бизга пул юборсин. Бу ердан кетамиз. Э, худо!.. Яна бир Москвани кўрсам армоним йўқ, тушимда кўринса ҳам майли!

Кеч бўлиб, уйга қоронғи тушгач, шундай диққи нафас бўлдики, гапириш ҳам қийин эди. Баджаҳл кампир қора ноннинг қобиғини сувга ботириб бир соатча сўриб ўтирди. Марья сигирини соғиб, пақирда сут олиб келиб скамейкага қўйди. Кампир сутни шошилмасдан, рўза бўлгани учун ҳеч ким ичмайди деб хотиржам бўлса керак, пақирдан кўвачаларга қўйди. Фақат кичкина тарелкачага Фекланинг боласига озгина қуйиб берди. Кампир билан Марья

кўвачаларни ертўлага олиб тушиб кетганда, Мотька бирдан кўзғалиб, печнинг устидан осилиб тушди-да, қоқ нон тўғраган ёғоч коса турсан скамейканинг олдига келиб, тарелкадаги сутдан косага жиндай қуйди.

Кампир уйга қайтиб келиб, яна ўша қора ноннинг қобигини кемира бошлади. Саша билан Мотька эса, печнинг устида ўтириб, унга қарашар ва унинг рўзаси бузилганидан энди дўзахга тушади деб хурсанд бўлардилар. Иккови тинчланиб, ухлагани ётди. Саша тушида қиёматни кўрди: хумдондай катта печь ёқилган, сигирга ўхшаш шохли қоп-қора дев, кампир боя ғозларни ҳайдаганидай, узун таёқ ушлаб, кампирни ўтга ҳайдар эди.

## V

Ҳайит кечаси соат ўн бирдан ошганда пастдаги ўтлоқда ўйнаб юрган қиз ва йигитлар тўсатдан қий-чув кўтариб қишлоққа қараб югуришди; жар тепасида ўтирганлар аввал нима бўлганини пайқамадилар.

— Ут тушди! Ут тушди! Ендик!— деб бақирган овозлар эшитилди.

Юқорида турганлар қайрилиб қараб, даҳшатли, жуда ғалати бир манзара кўришди. Энг четдаги уйларнинг похол томи устида одам бўйи аланга буралиб ёниб турибди, ундан худди фонтандай ҳар томонга учқунлар сочилмоқда. Олов ловиллаб бир лаҳзада бутун томга туташди ва ўтнинг чарсиллаган овози эшитилди.

Ойнинг юзи хираланди, лопиллаб турган қип-қизил шуъла бутун қишлоқни босди, ерда тутуннинг қора кўланкаси юради, ҳар ёқдан қурум ҳиди келади. Пастда югуришиб юрганларнинг нафаси бўғилди, қалтирашиб, бир-бирларини туртишиб йиғлашиб, гаплашишга тиллари келмас, ўтнинг равшан нуридан яхши кўролмай, бир-бирларини танимас эди. Ҳамма ёқ ваҳима ичида эди. Тутун аралаш ўт ичида каптарлар учиб юриши, қовоқхонадагилар ёнғиндан беҳабар, бемалол гармон чалиб, ашулани барала қўйиб ўтириши айниқса ваҳимали эди.

Биров бўкириб:

— Семён аканинг уйи куйди,— деди.

Гарчи ёнғин қишлоқнинг нариги чеккасида бўлса-да, Марья уйнинг олдида бетоқатлик билан йиғлаб, титраб-қақшаб қўлларини ишқаб юрибди. Николай оёғига пийма кийиб чиқди, гўдаклар ҳам кўйлакчан югуришиб

чиқдилар. Унбошининг уйи олдидаги чўянни чаладилар. Донг, донг, донг. . . овози кўкка ёйилди, тинмай донғиллаш юракни орзиқтирар, баданни жимирлатар эди. Қари кампирлар иконаларни кўтариб чиқдилар. Ҳовлилардаги қўй, сигир ва бузоқларни дарвозадан кўчага ҳайдаб юбордилар, сандиқ, пўстак, бочкаларни ташқарига олиб чиқдилар. Уйирда отларни тепиб зарар етказганидан йилқига қўшмай қўйилган қора айғир ечиб юборилгач тепиниб, кишнаб бир-икки марта қишлоқнинг у бошидан бу бошига чопиб ўтди, бирдан арава олдида тўхтаб, орқа оёғи билан аравани тепа бошлади.

Сойнинг нариги томонидаги черковда қўнғироқ ҳам чалинди.

Енган уй олди иссиқ ва шундай ёруғ эдики, ердаги ўтўланларнинг ҳар бири кўринарди. Ташқарига чиқарилган сандиқларнинг бири устида чўмичбурун, шапкасини қулоғигача бостириб кийган, эгнида нимча Семён ўтирарди. Семённинг хотини мукка тушиб, ҳушсиз, инграб ётар эди. Саксонларга бориб қолган, бўйи бир қарич, соқоли икки қарич дегандек, узун соқолли пакана бир чол қўлида оқ тугун билан бошланг шу орада юрибди, чол бу ерлик бўлмаса-да, ёнғинга сабаб бўлганга ўхшайди. Унинг тепакал бошида ўтнинг шуъласи акс этади. Ўзи ва сочлари лўлидек қоп-қора оқсоқол Антип Седельников болта билан уй олдида келиб дарчаларни уриб туширди, сўнгра негадир уйнинг эшиги олдидаги айвончани буза бошлади. У:

— Хотинлар, сув! Машинани кел-тир! Айлантир! — деб қичқирарди.

Яқиндагина қовоқхонада кайф суриб ўтирган кишилар сув сепадиган машинани судраб келардилар. Буларнинг барчаси маст, гандираклаб йиқилар, ҳаммаларининг юзларида ожизлик ифодаси бор, кўзлари ёш эди.

Оқсоқол ҳам маст, у:

— Қизлар, сув! Бу ёққа бур! — деб қичқирарди.

Хотин-қизлар пастдаги булоққа тушиб челак ва бочкаларни тўлдириб сув келтирадилар, сувни машинага қўйиб яна югурганча сувга кетадилар. Ольга ҳам, Марья ҳам, Саша ҳам, Мотька ҳам сув ташидилар. Хотинлар ҳам, болалар ҳам машинани босмоқдалар, машинанинг ичаги пишиллаб, сув сепиб турибди. Оқсоқол сувни ҳали эшикка, ҳали деразага қаратиб, баъзида бармоғи билан тўсади ва шу сабабдан сув батарроқ пишиллади.

Ҳар томондан:



— Қандингни ур, Антип! Баракалла! — деган овозлар чиқади.

Антип бўлса уйнинг даҳлизига, ўт ичига кириб, ундан қичқиради.

— Машинани бос! Мўминлар, ғайрат қилинг, бундай балодан сақласин!

Мужиклар ғуж-ғуж бўлиб, анграйиб, ўтга қараб турадилар. Нима қилишни ҳеч ким билмас, ҳамма ҳайрон, атрофда эса похол, буғдой боғлари ғарам-ғарам. Кирьяк билан отаси чол Осип ҳам шундалар, икковларининг ҳам кайфи тарақ. Чол бундай бемалол кайф суриб юрганидан хижолат тортгандай ерда ётган хотинга қараб:

— Онахон, мунча ўзингни қийнайсан! Уйнинг бўлса хатга олинган. Ҳукумат пули. Қайғириб нима қиласан! — деди.

Семён ҳар кимга бир гапириб, ўтнинг нимадан чиққанини сўзлар эди:

— Тугун кўтариб юрган ҳалиги мўйсафид генерал Жуковнинг хизматкори. . . Худо раҳмати генерализмининг ошпази эди. Кечқурун келиб: «Бир кеча қўниб кетай...» деб сўради. . . Маълумки, бир стакандан ароқ ичишдик, ўзингиз биласиз-ку. . . хотиним самовар қўймоқчи бўлди, мўйсафидга чой бериш керак эди. Бемаҳалда фалокат босиб, самоварни даҳлизга қўйган экан, карнайидан чиққан олов шипдаги похолга уриб, шу фалокат бўлди, ўзимизнинг ёниб кетишимизга сал қолди. Мўйсафиднинг шапкаси ҳам ўтда қолди, фалокат босди.

Чўянни тинмай чалаптилар, сойнинг нариги ёғилаги черковнинг қўнғироғи ҳам ҳар ҳар чалиниб турибди. Ольга ўтда ярқиллаб, олов алангасидан қизарган қўйларга ва тутун ичида учиб юрган қизғиш каптарларга ваҳима билан қараб, ҳали пастга, ҳали юқорига ҳарсиллаб чопар эди. Унинг назарида қўнғироқнинг овози тигпаррондек юрагига қадалаётгандай, ёнгин сира тугамайдигандай, Сашаси йўқолиб қолгандай эди. . . Уйнинг шипи гумбирлаб қулаб тушганда, энди бутун қишлоқ ёниб тушади, деган фикр унинг тинкасини қуритди, сув ташишга дармон қолмай, челагини ёнига қўйиб, жар бўйида ўтириб қолди. Унинг ёнида пастроқда бирталай хотинлар ўтириб, азага келгандай йиғлашарди.

Шу пайтда нариги томондаги помешчикнинг гумашта ва хизматкорлари икки аравада ўт ўчирадиган машина келтирдилар. Тугмалари очиқ оқ кийим кийган ёшгина бир

студент ҳам келди. Болталар билан уйни буза кетдилар. Ёниб турган ёғоч деворга нарвон қўйиб, бирданига беш киши чиқди. Ҳаммадан аввал ҳалиги студент чиқди. У қип-қизарган, бўғилиб бақирар, ўт ўчиришнинг машқини олган одамга ўшар эди. Уйнинг ёғочларини, оғилхона ва четан деворни бузиб ташладилар, ғарам қилиб қўйилган яқиндаги пичанни ташиб кетдилар.

Тўпланган халқ орасидан:

— Буздирманг! Бузгани қўйма! — деган товушлар чиқди.

Қирьяк ғайратга кириб, нариги томондан келганларнинг уйни бузишларига йўл қўймаслик учун, дадиллик билан уйга қараб юрди. Лекин помешчикнинг хизматкорларидан бири уни қайтариб, бўйнига бир солди. Бошқалар кулишди. Хизматкор яна бир урди, Қирьяк йиқилиб тушди, эмаклаб орқасига қайтди ва одамлар орасига кириб кетди.

Нариги томондан шляпа кийган чиройли икки қиз келди, — ҳалиги студентнинг сингиллари бўлсалар керак. Қизлар нарироқда туриб, ўтни томоша қиладилар, уйдан бузиб чиқарилган ёғочлар ёнмасалар ҳам тутаб ётардилар, студент сув сепадиган ичакни гоҳ бу ёғочларга, гоҳ турган одамларга, гоҳ сув ташиётган хотинларга қаратиб сув сочар эди.

Қизлар хавотир олиб, йигитдан койигандек:

— Жорж! Жорж! — деб қичқирардилар. Ўт ўчди. Одамлар тарқала бошлаганларида тонг ёришиб қолган эди, ҳамманинг ранги ўчиб, сўррайган... Осмонда юлдузлар сўниб, тонг энди ёришиб келаётган чоғида ҳамиша шундай кўринади. Мужиклар тарқалиб кетаётганда ҳазиллашиб кулар, генерал Жуковнинг ошпазини мазах қилиб, унинг куйган шапкасини аскияга оларди. Улар ёнғин чиқариб, ўйнашгилари бор, ёнғиннинг бундай тез туганидан ҳатто ачингандай кўринадилар.

Ольга студентга қараб:

— Бойвачча, сиз ўт ўчиришга уста экансиз. Бизнинг Москвага борадиган экансиз, унда ҳар куни ўт тушиб туради, — деди.

Қизлардан бири:

— Сиз москваликмисиз, — деб сўради.

— Балли. Эрим «Славянский базар»да ишларди. — Совуқдан қалтираб, онаси пинжига тиқилиб турган Сашани кўрсатиб, — бу қизим, у ҳам москвалик, — деди.

Қизчалар студентга франдузчалаб бир нарса дедилар, у Сашага бир танга берди. Чол Осип буни кўргач илжайиб, юзида тамаъгирлик аломати кўринди.

— Бойвачча, худога шукурки, шамол бўлмади, шамол турганда бир соатга қолмай ёниб тушардик,— деди у студентга қараб. Сўнгра овозини андак пасайтириб, уялинқираб яна деди,— мартабангиз улуғ бўлсин, сахий жаноблар, эрталаб совуқ, андак илинқираб олсак яхши бўларди. Илтифот қилиб ярим шиша ароққа етадиган хайр қилсангиз.

Унга ҳеч нарса беришмади, у гўлдираб койинди-да, уйига қараб кетди. Ольга жар бўйида туриб, ҳалиги икки араванинг кечикдан ўтишини, бойваччаларнинг ўланзордан боришларини томоша қилиб турди. Нариги ёқда уларнинг фойтунлари турибди. Ольга уйга қайтиб келгач, шодлик билан эрига айтар эди:

— Шундай яхши, шундай чиройлики, асло қўяверасиз! Қизчалар ҳурга ўхшайди.

Уйқусираб турган Фекла жаҳл билан:

— Ер ютсин уларни! — деди.

## VI

Марья ўзини бахтсиз ҳисоблар ва ўзига ўлим тилар эди. Фекла эса бу турмушдан рози, қашшоқлик, ифлослик, тинимсиз сўкиш унга ёқар эди. Нима берсалар суриштирмасдан ер, тўғри келган жойда ётиб кетаверар эди. Ювиндини шундоққина остонага тўкиб, тўккан ювиндисини ялангоёқ босиб кета берар эди. У Ольга билан Николайни биринчи кунданоқ ёмон кўриб қолди, бунинг сабаби шу эдики, Фекла яхши кўрган бу турмушни улар ёмон кўрардилар.

— Кўраман, бу ерга келиб нима еркинсиз, москвалик аслзодалар! Кўраман!—дерди Фекла улар ҳолига кулиб.

Сентябрь ойининг бошида, бир кун эрталаб, Фекла бирданига икки челақ сув кўтариб келди, совуқдан қип-қизариб, ҳуснига-ҳусн қўшилганди. Шу пайтда Марья билан Ольга ўтириб, чой ичмоқда эди.

Буни кўрган Фекла уларга теккизиб:

— Ҳа, қанд чой ичинглар! — деб қўйди. Сўнгра челақларни ерга қўяркан, зарда билан Ольгага яна гап

отиб,— бойваччаларни қаранг! Ҳар куни чой ичишни ҳўп одат қилиб олишибди! Чой йча бериб тагин қоринларинг ёрилмасин! Москвада ҳўп яйраб, семириб юрган-да, семиз, бақалоқ!

Сўнгра обкаш билан Ольганинг елкасига шундай туширдик, икки овсин чапак уриб:

— Вой, шўрим қурсин,— деб қолди.

Сўнгра Фекла сой бўйига кетаётиб, шундай баланд овоз билан қарғаб кетдики, уйда ўтирганларга аниқ эшитилар эди.

Кеч кирди. Узун куз кечаси бошланди. Уйда ипак ўрардилар. Фекладан бошқа ҳамма ипак ўраш билан машғул. Фекла сойнинг нариги томонига кетган. Ипакни яқиндаги фабрикадан олардилар. Ҳаммалари бир бўлиб ҳафтада йигирма тийиндан ортиқ пул ишламас эди.

— Жаноблар қўлида эканимизда яхши эди,— деди чол ипак ўраркан.— Вақтида ишлаб, вақтида ухлаб, вақтида овқат ердик. Тушда карам шўрва билан бўтқа, кечқурун яна шу овқат. Бодринг билан карам мўл, хоҳлаганингча еявер. Қаттиққўллик ҳам баравж эди. Ҳар ким ўз ишини билар эди.

Фақат битта чироқ тутаб, хира ёниб турар эди. Биров чироқ олдини тўсиб, ойнага соя тушса ойдин равшан кўринарди. Чол Осип салмоқлаб, озодликдан илгари<sup>1</sup> деҳқонларнинг қандай яшаганларини, ҳозир бундай муҳтожлик, бундай қашшоқлик ичида қолган жойларда, бир замонлар този итлар билан ов қилиниб, ов вақтида мужикларга ароқ ичирганларини, овда ушланган паррандларни араваларга солиб Москвадаги бойваччалар учун олиб кетганларини, ёмонларни дарра билан уриб, Твер музофотига бадарға қилинганини, яхши одамларга кўп иномлар қилинганини гапириб кетди. Кампир ҳам ундан-бундан гапириб берди. Кампир ҳеч нарсани унутмабди, кўрганлари ҳаммаси эсида. Кампир, эри бузуқ, фоҳишабоз бўлса-да, ўзи жуда тақводор бўлган бекаси тўғрисида сўзлаб берди. Унинг ҳамма қизлари ножўя одамларга теккан. Бири ароқхўрга, бири мешчанга теккан экан, яна биттасини олиб қочиб кетганлар (у маҳалда ёш бўлган кампир қизни олиб қочишга ёрдам берган экан), қизларининг ҳаммаси, оналари сингари доғ-ҳасрат билан тез

---

<sup>1</sup> Бу ўринда 1861 йилда, Александр II замонида деҳқонларни крепостной ҳуқуқдан озод қилинмасдан илгариги аҳвол гапирилади.

кун ичида ўлиб кетган экан. Кампир буларни эсга олиб, ҳатто ўпкаси тўлиб, кўз ёш ҳам қилиб қўйди.

Тўсатдан биров эшикни қоқиши билан ҳаммалари чўчиб тушдилар.

— Осип амаки, бир кеча уйингда қўндир!

Генерал Жуковнинг ошпази, шапкаси ёнғинда куйган, пакана, тепакал мўйсафид кириб келди. У ўтириб гап тинглади-да, бўлиб ўтган ҳар хил воқиаларни эслаб, гапга киришди. Николай печь устида оёғини осилтириб ўтириб, мўйсафиднинг сўзларини тинглар ва нуқул жаноблар замонида қандай овқатлар пиширилганини сўрарди. Битки, котлета, ҳар хил шўрвалар, қовурмалардан гаплашдилар, ҳамма нарса эсида яхши турган ошпаз бу вақтда пиширилмайдиган овқатлар номини айтар эди. Чунончи буқа кўзидан пишириладиган «наҳори» деган овқат ҳам бор экан.

— Марешаль деган котлета у вақтда ҳам бўлармиди?— деб сўради Николай.

— Йўқ.

Николай назарга илмагандай бошини чайқаб:

— Эй, сизлар ҳам ошпазми!— деб қўйди.

Қизлар печь устида туриб, бақрайганича пастга боқар, улар булутли осмондаги юлдузлардек уймалашиб, жуда кўпдай кўринарди. Айтилаётган гаплар уларга ёқар, улар уҳ тортиб, ҳаяжонланиб турар, қувончдан ва қўрққандан ранглари ўчар эди. Ҳаммадан ҳам қизиқ воқиани гапирган кампирнинг сўзини улар нафасларини ичга олиб, қимирлагани ҳам қўрқиб, жим тинглардилар.

Ҳамма ҳеч нарса демай, жимгина ухлашга ётди; хотиралардан кўнгиллари безовта бўлиб, ҳаяжонга келган кексалар ёшликнинг яхшилиги тўғрисида хаёл суриб кетдилар, нима бўлса-да, ёшликдан унутилмас шодлик, дилдор хотира қолади, кексалик қандай совуқ, қандай машъум, ўлим яқинлашиб келмоқда, уни ҳатто ўйламаган яхши! Чироқ ўчди. . . Қоронғилик, ойнинг ёруғида ярқираб турган икки дарча, жимлик, беланчакнинг ғирчиллаши негадир умрнинг ўтганини, ўтган умрни асло қайтариб бўлмаслигини эслатарди. . . Одам мудраб, андак ўзини унутиши билан биров елкасига тегиб кетиб, юзига дам уриб уйғотади-ю, шу билан уйқу қочади, бутун бадани увушган, ўлим хаёли миядан сира чиқмайди. У ёнбошга айланса ўлим эсидан чиқади, лекин муҳтожлик, овқатгами, унинг қимматлангани тўғрисидаги эски фикрлар

бошдан кетмайди, ammo бир оздан кейин умрининг ўтгани, уни қайтариб бўлмаслиги яна эсга тушади...

Ошпаз уҳ тортиб:

— Эй парвардигор!— деб қўйди.

Биров секин-секин ойнани чертди. Фекла қайтиб келган бўлса керак. Ольга ўрнидан турди, эснаб, шивирлаб дуо ўқиди ва эшикни очди, сўнгра даҳлиз эшигининг тамбасини тортиб чиқарди. Лекин ҳеч ким кирмади, фақат кўчадан гуриллаб совуқ кирди ва ойнинг ёруғи тушди. Очиқ эшикдан жимжит бўш кўча, осмонда сузиб кетаётган ой кўринди.

— Ким?— деди Ольга.

— Мен,— деган жавоб эшитилди.

Эшик олдида қип-яланғоч Фекла деворга суяниб турарди. Совуқдан қалтираб, тиши тишига тегмас, ой ёруғида оппоқ, чиройли ва ғалати роқ кўринди. Баданидаги соялар, терисидаги ойнинг жилваси, айниқса, қора қошлари ва диркиллаб турган кўкраги аниқ, равшан кўринарди.

— Анов томондаги баттоллар кийимларимни ечиб олиб, шу ҳолимда қўйиб юбордилар... Қип-яланғоч келдим. Бирор кийим келтир,— деди Фекла.

Ольга ҳам қалтираб, секингина:

— Уйга кирсанг-чи!— деди.

— Чол-кампир билиб қолмасинлар.

Дарвоқи, кампир безовталаниб, валдирай бошлагач, чол ҳам: «Ким ундаги» деб сўради. Ольга ўз юбкаси билан кўйлагини келтириб Феклага кийдирди, сўнгра иккиси эшикни тиқиллатмасдан, секингина уйга кирдилар.

Кампир ким келганини фаҳмлаб жаҳл билан:

— Сенмисан барно? Ҳа, саёқ юрмай жувонмарг бўлгур!— деб қарғади.

Ольга Феклани ўраркан:

— Ўргилай, майли, майли хафа бўлма,— деб шивирлади.

Яна жимлик бошланди. Уйда ҳамманинг уйқусида ҳаловат йўқ, ҳар кимни бир бало безовта қиларди. Чолнинг бели оғрир, кампир ташвиш ва жаҳлдан, Марья қўрқувдан, болалар қўтир ва очликдан ухлаёлмас эди. Бу кун ҳам уларнинг уйқусида ҳаловат бўлмади. Ҳамма безовта бўлиб, ағнашар, уйқусирар, сув ичгани турарди.

Фекла тўсатдан дағал овоз чиқариб, ҳўнграб юборди, ammo дарҳол ўзини босиб олди, фақат пиқиллаб йиғлагани

тобора пасайиб, бора-бора ўчди. Гоҳ-гоҳ сойнинг нариги ёғидаги соатнинг жаранглагани эшитилади; аммо соат ғалати: аввал бешга, кейин учга жом уради.

Ошпаз уҳ тортиб:

— Эй парвардигор! — деб қўйди.

Деразадан қараганда ойдинми, ёки тонг отиб қолдими, билиш қийин эди. Марья туриб ташқари чиқди, у ҳовлида сугир соғаркан: «хў-ўш» «хў-ўш» дегани эшитилиб турибди. Кампир ҳам ташқари чиқди. Уй ичи қоронғи бўлса-да, буюмлар кўринар эди.

Кечаси билан ухлаган Николай печдан тушди. Кўк сандиқчасидан хизматда киядиган тўнани олиб кийди, сўнгра дераза олдига келиб енгларини ростлаб, этагини ушлаб боққач, илжайди. Сўнгра тўнани авайлаб ечди-да, сандиққа солиб қўйгач, яна ётди.

Марья қайтиб келиб печга ўт ёқди. Афтидан уйқуси чала бўлса керак, юрган йўлида эснар эди. Тушида бирор нарса кўрганми, ёки кечаги хотиралар эсига тушдими, печь олдида ҳузур қилиб бир керишди-да:

— Йўқ, ҳар қалай, эркинлик яхши, — деб қўйди.

## VII

Улуғ келдилар, — приславши қишлоқда улуғ деб атардилар. Унинг қачон ва нега келиши бир ҳафта илгари қишлоққа маълум бўларди. Жуковода атиги қирқ хонадон бўлса-да, подшолик хазинасига ва земствога тўланадиган боқимонда икки минг сўмдан ошиб кетган эди.

Пристав қовоқхонага келиб тушди. Бундан у икки стакан чой «шимиргач», оқсоқол уйига пиёда жўнади. Оқсоқолнинг уйи олдида боқимандаси бор бирталай одам тўпланиб турарди. Оқсоқол Антип Седельников ёш, ўттиздан сал ошган, сержаҳл бўлиб, камбағал, солиқларни вақтида тўламаса ҳам, доим улуғлар тарафини олар эди. Оқсоқоллиги ўзини юпантириб, қўлида ҳукумати борлиги ёқса керакки, буни қаттиққўллик билан намоёиш қилар эди. Йиғинларда ундан ҳамма қўрқар, унинг айтганидан чиқмас эди. Баъзида кўчада, ёки қовоқхона олдида биронта мастни кўриб қолса, қўл-оёғини боғлаб авақтага қамар эди, бир кун ҳатто, Осип ўрнига — йиғинга келиб, қарғай берган кампирни ҳам авақтага бир кеча-кундуз қамаб қўйган эди. У шаҳарда турмаган, ҳеч китоб ўқимаган бўлса-да, аллақаерлардан ҳар хил пўрим сўзларни билиб олиб, бу сўзларни гапирганда такрорлашни яхши кўрарди, бу-

ларни одамлар яхши тушунмаса ҳам, оқсоқолни ҳурмат қилади.

Осип солиқ дафтарини кўтариб, оқсоқолнинг уйига кириб келганда, икки чеккасидан узун бакен қўйган, кул ранг камзул кийган, озғин мўйсафид уйнинг тўрида столда ўтириб бир нарса ёзар эди. Уй озода, деворларга турли журналлардан қирқиб олинган ҳар хил суратлар ёпиштирилган, иконалар осилган, кўзга кўринарли жойда эски булғор подшоси Баттенбергнинг<sup>1</sup> сурати осилган. Стол олдида Антип Седельников қўлларини қовуштириб турибди.

Гал Осипга келганда Антип приставга қараб:

— Жаноби олийлари, бу кишининг бир юз ўн тўққиз сўм қарзи бор. Ҳайит олдида бир сўм берганича, бошқа бир чақа бергани йўқ,— деди.

Пристав Осипга қараб сўради:

— Жигарим, нега бундай қилдинг?

Осип ҳовлиқиб гап бошлади:

— Раҳм-шавқат қилинг, жаноби олийлари, ўтган йил луторецкийлик бой «пичанингни менга сот» деб жуда қистаб қўймади. Сотсам сотай дедим. Юз пудча пичанни бола-чақам тўқайдан ўриб қўйган эди, сотиш учун. Шундай қилиб битишдик... Ҳаммаси жойида, ўз хоҳишимиз билан битишдик...

Осип оқсоқол устидан арз қилмоқчи бўлиб, бошқа мужикларни гувоҳга чақирган тарзда гапириб, бир уларга қарар, терлаб-пишиб, кўзлари жовдирар, ғазабланар эди.

Пристав Осипга қараб:

— Нима деяётганингни тушунмайман,— деди.— Мен сендан нега боқимандани тўламадинг, деб сўрайман... Ҳеч қайсингиз тўламайсиз, сизлар учун мен жавобгар бўлайми?

— Қурбим келмайди!

Оқсоқол гап қотиб:

— Жаноби олийлари, бу гаплар тагсиз, Чикильдеевлар бечоралар тоифасидан, бу тўғри, лекин марҳамат қилиб бошқалардан сўрасангиз ҳаммасининг сабаби бор — ароқ-хўрлар, сўнгра ҳаммалари жуда ҳавойи бўлиб кетганлар. Ҳеч нарсага тушунмайдилар, нодонлар,— деди.

---

<sup>1</sup> Александр Баттенберг — 1879 йилда рус подшоси Булғория тахтига ўтказган немис тўраси. 1886 йилда Александр III ғазабига дучор бўлиб, тахтдан кечиб, Булғорияни ташлаб кетишга мажбур бўлган.



Пристав алланарсалар ёзди-да, сўнгра Осипга қараб, худди сув сўраётгандай оҳистагина, койимасдан:

— Бор йўқол,— деди.

Бир оздан кейин пристав кетди. У йўтала-йўтала жўнгина шалди роқ аравасига чиқаётганда, ҳатто унинг чўзинчоқ қоқ суяк орқасига қараганда ҳам, Осип, оқсоқол, Жуково қишлоғидаги боқимандалар ҳам аллақачон эсидан чиққанлиги, фақат ўзининг юмушлари билан машғуллиги кўриниб турарди. Пристав бир чақирим жойга ҳам бормасдан, бир маҳал Антип Седельников Чикильдеевлар уйдан самовар кўтариб чиқиб қолди, унинг кетидан кампир чинқириб, ҳарсиллаб келарди.

— Бермайман! Қуриб кеткур, бермайман дедим, бермайман!

Антип қадамини катта-катта ташлаб, илдам келаётибди, мункайган кампир бўлса энтикиб, йиқилиб-сурилиб ғазаб билан унинг кетидан борарди. Кампирнинг рўмоли елкасига тушган, кўкиш сочларини шамол учирарди. Кампир бирданига тўхтади-да, худди қўзғолон кўтарган хотиндек кўкрагига муштлаб, дод-вой кўтариб, бақира бошлади:

— Мўминлар, худодан қўрққанлар! Шўрим қурсин, поймол бўлдим! Дўстлар, булар дастидан дод! Вой, вой, вой, болаларим, додимга етинг.

Оқсоқол кампирга жиддий тусда:

— Ҳой кампир, ақлингни йўқотма! — деди.

Чикильдеевлар уйи самоварсиз бутунлай бефайз бўлиб қолди. Самовардан ажралиш уйнинг ор-номусини таҳқир этиш ва ҳақорат қилишдай туюлди. Оқсоқол стол, ҳамма скамейка, ҳамма хурмачаларни олиб кетганда бунчалик ҳувуллаб қолмас эди. Кампир шовқин солар, Марья йиғлар, унга қараб қизлар ҳам йиғлар эди. Чол ўзини айбдор билиб, бир бурчакда ғамгин ва хомуш ўтирарди. Николай ҳам жим. Кампир Николайни яхши кўрар ва унга раҳми келар эди, лекин энди раҳм-шафқатини ҳам унутиб, тўсатдан унинг устига ўдағайлаб борди ва муштини башарасига ниқтаб, таъна қила бошлади:

— Ҳамма бало сенда, ёзган хатларингда «Славянский базар»да ойига эллик сўм топаман, деб мақтанар эдинг, нега бизга кўпроқ пул юбормадинг! Нега келдинг, яна бола-чақанг билан келибсан? Улиб қолсанг кўмишга пул қани?..

Николай, Ольга ва Сашага қараган одам ачинар эди.

Чол йўталиб шапкасини қўлига олди-да, оқсоқолни-  
га қараб кетди. Қоронғи тушиб қолган эди. Антип Седель-  
ников печь олдида ўтириб лунжини шишириб, бир нарса-  
ни пайванд қиларди. Ис-тутун бурқсарди. Чикильдеевлар-  
нинг болаларига ўхшаган озғин, ирkit болалари ерда  
уймалашиб юрибди. Сепкил юзли, қорни чиққан хунукки-  
на хотини ипак ўраяпти. Бу оила қашшоқ ва бечора, ёлғиз  
Антипгина чиройли, азамат йигитдек эди. Курси устида қа-  
торасига бешта самовар турибди. Чол, Баттенберг сурати-  
га қараб чўқингач, айтди:

— Антип, раҳминг келсин, самоварни бер! Исо пайғам-  
бар ҳақи, бер!

— Уч сўм олиб келсанг, оласан.

— Қурбим келмайди!

Антип лунжини шишириб ўтти пуфлар, ўт ловуллаб  
ёнар ва самоварларда шуўласи кўринар эди. Чол қўлидаги  
шапкасини ғижимлар, бир оз ўйлаб кейин яна:

— Бер! — деди.

Қорачадан келган оқсоқол бу онда қоп-қорайиб жо-  
дугарга ўхшаб кетди. Оқсоқол Осипга жаҳл билан қараб,  
бидирлаб айтди:

— Ҳар нарса қилса, земство бошлиғи қилади. Йигир-  
ма олтинчида бўладиган катта мажлисда оғзакими, ёки  
ариза ёзибми шикоят қила қол.

Осип ҳеч нарсага тушунмади, лекин шу билан қаноат  
ҳосил қилиб, уйга қайтиб кетди.

Орадан ўн кунча ўтгандан кейин, пристав яна келиб,  
бир соатча турди-да, қайтиб кетди. Бу кунларда изғирин-  
ли қора совуқ эди. Сойнинг суви музлаган бўлса ҳам, қор  
ёққани йўқ, одамлар йўлсизликдан жуда қийналиб қол-  
ган эди. Бир кун ҳайит арафасида кечқурун Осипнинг  
қўшнилари гапиришиб ўтиришгани келдилар. Ҳайит оқ-  
шомида юмуш қилиш гуноҳ бўлганидан чироқ ёқмасдан  
қоронғида ўтирдилар. Анчагина нохуш хабарлар бор эди.  
Чунончи боқиманда учун икки-уч хонадоннинг товуклари-  
ни тортиб олиб, волость маҳкамасига юборган эканлар,  
уларга қарайдиган одам бўлмаганидан ҳаром ўлиб қа-  
либди. Бир неча қўйнинг оёқларини боғлаб аравага солиб  
юборган эканлар, ҳар қишлоқда аравадан-аравага солиб  
бир қўйни ўлдириб қўйибдилар. Энди айб кимда, деб мо-  
жаро қилиб ўтиришибди.

— Кимда бўлар эди, земствода-да,— дерди.

— Албатта земствода!

Земствонинг нималигини ҳеч қайсилари билмасаларда, бутун айбни земствога юклардилар, боқимандалар мо-жаросида ҳам, жабр-зулмларда, ҳосилсизликда ҳам зем-ствони айблардилар. Фабрика, дўкон ва карвон сарой-лари бўлган бадавлат мужиклар земствога вакил бўлиб, қайтиб келганларидан кейин норози бўлиб, фабрика ва қовоқхоналарда земствони сўка бошладилар ва шундан бери земствони сўкиш одат бўлиб қолди.

Худо қор бермаяпти, ўтин келтирай десак, қатқалоқ-дан на пиёда юриб бўлади, на отлиқ дейишар эди. Илгари, бундан ўн беш-йигирма йил аввал, Жуково қишлоғида бўладиган суҳбатлар анча мазали бўлар эди. У вақтда ҳар бир кекса кишининг қиёфасида аллақандай сир бордай, қандайдир бир нарсани биладигандай, алланарсаларни кутгандай кўринарди. Олтин муҳрли ёрлиқлар, ер тарка-наси, янги ерлар, ёмбилар тўғрисида аллақандай киноя билан сўзлашар эди. Энди жуковоликларнинг ҳеч қандай сирли сўзлари йўқ, бутун турмушлари рўёбда, кафт усти-да: муҳтожлик, очлик, қор ёғмаганлиги ҳақида сўзлаша-ди холос...

Гап соб бўлиб, жим бўлдилар. Сўнгра яна товуқлар, қўйлар эсларига тушиб, айбдор кимлиги тўғрисида можа-ро қила бошладилар.

Осип хафаланиб:

— Земство айбли-да, бошқа ким бўларди,— деб қўйди.

## VIII

Қишлоқнинг катта черкови олти чақирим наридаги Косогоровада бўлиб, одамлар бу жойга фақат иши туш-ганда, яни болаларига ном қўйиш, никоҳ қилиш, жаноза ўқиш лозим бўлганда борар эди. Ибодат қилишга сойнинг нариги бетидаги черковга борарди. Байрам кунларида, ҳаво очиқ кунларда қизлар ясаниб, гала-гала бўлиб кун-дузи ибодатга борарди. Қизлар ранг-баранг — қизил, кўк, сариқ кўйлак кийиб, ўланзордан ўтиб бораётганларида уларга қарасангиз кўнгил шодланарди. Ҳаво булут бўлган кунлари ҳаммалари уйда ўтирар эди. Фитр рўзани черков-нинг жиловхонасида берардилар. Фитрни вақтида берма-ган кишилар бўлса, ҳайит куни поп крест кўтариб, уйма-уй юриб, ўн беш тийиндан йиғиб олар эди.

Чол худога ишонмас ва шу сабабдан асло уни эсига олмас эди. Ғайри табиий ҳодисаларга ишонар ва лекин бу-ни ёлғиз хотинларга тегишли деб биларди. Унинг олдида

диндан ёки муъжизадан гапирсалар ва унга биронта савол берилса, ҳушёқмаслик билан чеккасини қашиб:

— Ким билади дейсан-а! — деб қўярди.

Кампир худога ишонарди-ю, лекин ундаги бу ишонч аниқ ва равшан эмас эди. Унинг хаёли алғоқ-далғоқ, гуноҳлар, ўлим, имонни сақлаш эсига тушди дегунча, муҳтожлик ва ташвишлар дарров хаёлини олиб қочарди-да, ҳозиргина ўйлаб турган нарсаларни эсдан чиқарарди. Дуоларни эсдан чиқариб қўйган, кечкурунлари ётар олдида иконалар олдига келиб, шивирлаб:

— Қозон шаҳаридаги азиз-авлиёларга, Смоленск шаҳаридага азиз-авлиёларга, биби Марьямга сиғинаман... — дерди.

Марья билан Фекла чўқинар, ҳар йили рўза тутар, ammo ҳеч нарсага тушунмасдилар. Болаларига ибодатни ўргатмас, худо тўғрисида ҳеч нарса демас, ҳеч қандай одоб-қоида ўргатмас, фақат рўзада гўштли ва мойли овқат едирмасдилар. Бошқа оилаларда ҳам шунақа, худога ишонган, тушунган одам кам эди. Лекин шундай бўлса-да, ҳамма муқаддас китобларни ҳурмат қилар, севар эди, бироқ, китоб йўқ, ўқиб тушунтириб берадиган одам топилмас эди, шунинг учун ҳам Ольга баъзида инжил ўқиганидан уни иззат ва ҳурмат қилиб, у билан Сашани сизлаб тапиришарди.

Ольга қўшни қишлоқларга ва икки монастыр, йигирма етти черкови бўлган уезд шаҳридаги жомеларда бўладиган ибодат ва тантанага кўп борар эди. Ольга меровроқ эди, шу сабабдан тоат-ибодатга кетганида бола-чақасини бутунлай унутар, сўнгра уйига қайтаётганида эри билан қизи борлиги эсига тушиб, шодланар ва хурсандликдан илжайиб:

— Худо марҳамат қилди! — дерди.

Қишлоқда бўлган ҳар бир иш унинг наздида қабоҳат эди ва диққатини оширарди. Байрамларнинг ҳаммасида Азиз Илья, Успенье, Воздвиженье кунлари ичишарди. Покров кунини Жуково қишлоғида байрам қилиниб, эркаклар уч кун муттасил ичишди. Жамоа пулидан эллик сўмни ичкиликка сарф қилдилар, сўнгра ҳар хонадондан ароқ пули йиғиб олдилар. Байрамнинг биринчи кунини Чикильдеевларнинг қўйи сўйилди, эрталаб ҳам, тушда ҳам, оқшом ҳам беармон едилар, сўнгра болалар кечаси уйғониб ҳам едилар. Кирьяк уч кунгача хўп ичди, ҳатто шапкаси билан этигини ҳам сотиб ичди. Марьяни шундай дўп-

посладики, бечорага сув сепиб зўрға ўзига келтирдилар. Кейин ҳамма хижолат тортиб, ўз қилмишидан ўзи жир-канди.

Малайбод, деб ном чиқарган Жуково қишлоғида ҳам озиб-ёзиб бир куни катта диний байрам бўлди. Август ойи эди, крест, туғ ва аламларни кўтариб, қишлоқма-қишлоқ айлантриб чиқдилар. Бу маросим Жуковога келадиган куни ҳавони булут босди; қизлар эрталаб ранг-баранг кийим кийиб, ясаниб, пешвоз чиқишди. Кечга яқин крест кўтариб, бошлаб келишди, шу чоғ сойнинг нариги бетидаги черков қўнғироғи чалинди. Қишлоқнинг ўз одамлари ва бегоналар тўпланиб, кўча тўлди. Шовқин-сурон, тўпалон, қий-чув... Чол, кампир, Қирьяк ҳаммалари крестга қўл чўзиб, унга илтижо қилар, кўзларини жовдиратиб, йиғлаб:

— Мададгоҳимиз! Волидаий меҳрибонимиз!— дедилар.

Худди ҳамманинг қулфи дили очилиб, ер билан осмон ўртаси бўш эмаслигини бирданига англагандек, бойлар ва золимлар эгалламай қолган нарсалар ҳам бордай, хўрлик ва ҳақоратлардан, қуллик исканжасидан, тоқат қилиб бўлмайдиган ҳаддан ташқари муҳтожликдан, даҳшатли ароқдан ҳимоя қилувчи меҳрибон бордай туюларди.

Марья ҳўнграб:

— Пушти паноҳимиз! Волидаий меҳрибонимиз!— деб йиғлар эди.

Тоат-ибодат тугади, крестларни олиб кетдилар, барча ишлар яна эски изига тушди, қовоқхонадан яна ҳақорат ва мастларнинг ғалвалари эшитилаверди.

Улимдан фақат бадавлат мужиклар қўрқардилар. Улар бойиган сари диллари сусайиб, худога, охиратга ишонмасдилар. Елғиз, қиёматда нима қиламан деган хаёлда, қўрққанларидан черковга чироқ ёқар, гоҳо номозга бориб қўярдилар. Камбағалроқ мужиклар ўлимдан қўрқмас эди. Чол билан кампирнинг юзига: ёшингни яшадинг, у дунё сафарига отланавер, дердилар, бунга улар хафа ҳам бўлмасди. Николайдан ҳеч андиша қилмай, унинг олдида Феклага, Николай ўлса эринг Денисга ижозат бўлур, аскарликдан бўшаб келади деган гапларни айтардилар. Марья бўлса ўлимдан қўрқиш у ён турсин, ўлим тез келмаяпти, деб афсусланар, болалари ўлса суюнар эди.

Улимдан қўрқмасалар ҳам, лекин ҳар хил оғриқлардан жуда қаттиқ қўрқардилар. Кампирнинг қорни оғриб, эти увушиб қолгудай бўлса, дарҳол печга чиқиб, ўралиб

ётиб оларди-да: «Ўл-дим, ўл-дим!» деб вой-войлашга тушарди. Чол дарров попникига югурар, поп кампирнинг бошида калима айтиб, кампирга ўлимлик кийим кийдирардилар. Тумов, чипқон, қурсоқ оғриғи ва қорнидан юракка ўтиб кетадиган гижжалар тўғрисида кўп гапиришарди. Тумовдан жуда ёмон кўрқисар, шунинг учун ҳатто ёзда ҳам қалин кийимлар кияр ва печга чиқиб исинардилар. Кампир ўзини боқизишни яхши кўрарди, шу сабабдан касалхонага кўп қатнар ва бунда доим — ёшим етмишда эмас, эллик саккизда, дерди. Кампир ўз хаёлида доктор ёшимни билиб қолса, касалимни боқмай, ўладиган вақтинг бўлиб қолибди, қаратиб нима қиласан дер, деб кўрқар эди. Касалхонага борганида одатда икки-уч қиз болани ёнига олиб эрта билан кетиб, кечқурун очиқиб ва аччиғланиб, ўзига томизғи дори, қизларига суртадиган дори олиб қайтарди. Бир борганида Николайни ҳам олиб борди, сўнгра Николай икки ҳафтагача томизғи дорини ичиб анча енгиллашдим, деб юрди.

Кампир ўттиз чақирим атрофдаги доктор, фельдшер ва табибларнинг ҳаммасини танир ва лекин уларнинг биттасини ҳам ёқтирмас эди. Ҳайит кунини, поп крест кўтариб уйма-уй юриб, фитр рўза йиғиб юрганда, поп билан бирга келган дьячок кампирга, шаҳарда, авоқта олдида, илгария ҳарбий фельдшер бўлган бир мўйсафид бор, жуда яхши даволайди, шу кишига боқизиб кўринг, деб маслаҳат берди. Кампир дьячокнинг айтганини қилиб, дастлабки қор ёғиши билан, шаҳарга бориб, серсоқол, узун кийим кийган, юзининг кўк томирлари чиққан, чўқинган<sup>1</sup> бир мўйсафидни олиб келди. Худди шу кезде уйда халфалар ишлар эди. Ваҳимали кўзойнак таққан чол машиначи латта-путталардан, ямаб-ясаб нимча тикмоқда, икки йигитча кигиз этик босмоқда эди. Ароқхўрлиги учун ишдан бўшатилиб, уйга келиб қолган Кирьяк машиначи ёнида ўтириб хомут ямар эди. Уй тиқилинч, ҳавоси бузуқ, рутубатли. Чўқинган Николайни кўриб, банка қўйишни буюрди.

Чўқинган Николайга банка қўйди, чол машиначи билан Кирьяк ва қизлар томоша қилиб турибди, назарларинда касалнинг чиқиб кетаётганини кўргандай бўлишди. Кўкрагига қўйилган банкаларнинг этини сўриб, секин-секин қора қонга тўлиб бораётганини Николай ҳам кўрди ва

---

<sup>1</sup> Христиан динига кирган яҳудий, татар ва бошқаларни «чўқинган» дердилар. (Тарж.)

баданидан дарҳақиқат алланарса чиқиб кетаётганини сезиб, суюнганидан илжайди.

— Яхши экан, худо шифо берсин, — деди машиначи, чўқинган табиб ўн иккита банка қўйгач, сўнгра яна ўн иккита қўйди-да: чой ичиб жўнаб кетди. Николайни қалтироқ босди, хотинлар айтгандай, бужмайиб, юзи бир бурда бўлиб қолди. Бармоқлари кўкарди. Кўрпага ўралиб, пўстинини устига ташласа ҳам исимади. У кечга томон ўсал тортди, ерга ётқизинг, машиначи томоки чекмасин, деб инжиқлик қилди, сўнгра жим бўлди, эрталаб ўлди.

## IX

Эвоҳ, қандай узун, қандай қаҳратон қиш!

Йил бошида ўз буғдойлари соб бўлиб, шундан бери унни сотиб олардилар. Энди уйига келиб қолган Кирьяк кечқурунлари шовқин-сурон кўтариб, ҳаммани қўрқитар, эрталаб бош оғриғи ва хижолатдан қийналарди. Уни кўрган кишининг раҳми келарди. Оғилхонада оч қолган сугир кеча-кундуз мағраб, кампир билан Марьянинг юрагини эзарди. Аксига олиб, совуқ ҳеч юмшамади, қор кўп ёғиб тепа-тепа бўлиб кетди, қиш чўзилди. Ҳайит арафасида қаттиқ изғирин туриб, қор ёғиб берди.

Аммо, ҳар қалай қиш ўтди. Апрель бошида кундузи ҳаво исиб, кечалари совуқ бўлиб турди. Қиш бўш келмай турибди. Лекин бир кун иссиқ бўлиб, қиш енгилди, ариқларга сув келди, қушлар сайради. Уланзорни, сой бўйидаги буталарни баҳор суви босди. Жуково қишлоғи билан сойнинг нариги томони ўртасидаги жойларнинг ҳаммасини сув босиб, катта кўл ҳосил бўлди, кўлда гала-гала ёввойи ўрдаклар пайдо бўлди. Кўкламда куннинг қизариб ботиши, барра булутлар ҳар кун кечқурун қутилмаган бир ҳодиса кўрсатарди. Куннинг ботишидаги шу ранг ва шу булутларнинг суратда кўрганда киши ишонмайдиган ажойиб ҳодисалар рўй берди.

Турналар бирга юр деб чақиргандай, мунгли овоз билан қичқириб, тез учиб бормоқда. Ольга жар бўйида туриб, тошқин сувга, кунга, гўё яшаргандай ярақлаб турган черковга анчагача қараб қоларди, кўзларидан ёш оқар, қаёққа боши оғса шу ёққа, ҳатто дунёнинг нариги чеккасигача кетгиси келганидан, юраги сиқилиб шошарди. Москвага қайтиб кетиб, оқсоч бўлишга, Кирьяк ҳам у билан бирга бориб қоровулликка киришга жазм қилиб қўйган. Кошки, тезроқ, кетишнинг иложи бўлса!

Йўллар қуриб, ҳаво андак илиши билан йўлга тушдилар. Ольга ва Саша орқаларида тўрвалари, оёқларига чипта кавуш кийиб, тонг ғира-шира отиши билан уйдан чиқдилар. Марья ҳам чиқиб уларни кузатиб қўйди. Кирьяк касал бўлганидан бир ҳафта кейинроқ жўнамоқчи бўлди. Ольга эрини эсига олиб сўнгги марта черковга қараб чўқинди; йиғлаб юбормаса ҳам, юзи буришиб, кампирларникидек хунуклашди. Қиш ичи Ольга озиб, хунуклашиб, сочлари бир оз оқарди, чеҳрасидаги аввалги мулойим, ёқимли табассум ўрнида, тортган қайғу-аламлар доғи кўринар, қарашлари сўниқ, ожиз ҳаракатсиз, ўзи меров бўлиб қолди. Қишлоқ ва мужиклардан ажралгиси келмасди. Николайнинг жасадини кўтариб кетаётганларида ҳар уй олдида тўхтаб, дуо-фотиҳа қилганлари, унинг қайғусига қўшилиб, ҳамманинг йиғлагани ёдига тушди. Ёз ва қиш ичи шундай оғир дамлар, шундай қийин кунлар бўлдики, бундаги одамлар ҳайвонлардан баттар яшагандек, улар билан бирга яшамоқ даҳшатли кўринган эди. Улар дағал, инсофсиз, ифлос, доим маст, бир-бирларини ҳурмат қилмаганларидан доим уришардилар, бир-бирларидан қўрқадилар ва шубҳаланадилар. Қовоқхона очиб халқни арақхўрликка ўргатган ким? Мужик. Жамоа пулини, мактаб ва черков пулини ичкиликка сарф қилиб қўйган ким? Мужик. Қўшнисининг молини ўғирлаган, бировларникига ўт қўйган, бир шиша ароқ учун судда ёлғон гувоҳлик берган ким? Земство йиғинларида, бошқа мажлисларда мужикларга қарши гапирган ким? Мужик. Шунанга, улар билан бирга турмоқ даҳшат, бироқ ҳар ҳолда улар ҳам одам, улар ҳам қайғу-ҳасрат тортадилар, улар ҳам одам болаларидек йиғлайдилар. Улар турмушида бесабаб ҳеч нарса йўқ. Кечалари аъзойи бадалларини оғир меҳнат оғритади, шиддатли қаҳратон қишлар, баракасиз ҳосил, тор-танқислик уларни қийнайди, лекин уларга ҳеч қаердан ёрдам ва нажот йўқ. Бойроқ ва зўрроқлари уларга ёрдам қилолмайди, чунки буларнинг ўзлари дағал, инсофсиз, ароқхўр, булар ҳам жирканч сўзлар билан сўкишади. Энг кичик амалдор, ёки ҳар бир бойнинг гумаштаси мужикларга бехонумон, дарбадарлардек муомила қилади, ҳатто оқсоқолларни, руҳоний бошлиқларни ҳам сансираб гапиради ва бунга ҳақим бор, деб ўйлайди. Зотан юлиб-юлқамоқ, ҳақорат қилмоқ, дўқ қилиб қўрқитмоқ учун қишлоққа келиб кетадиган манфаатпараст, очкўз, бузуқ ва дангаса одамлардан ёрдам ёки яхшилик кутиб бўладими?



Қишда Қирьякни савалагани олиб кетаётганларида чол билан кампирнинг қандай бечора ва ожиз ҳолда турганлари Ольганинг эсига тушди. Энди Ольганинг бу кишиларга раҳми келиб, юраги эзилиб, йўлда бораркан, қишлоқ уйларига қайта-қайта қаради.

Марья уч чақирим жойгача кузатиб боргандан кейин, хайрлашди, чўкка тушиб, юзини тупроққа уриб, фарёд кўтарди:

— Яна ёлғиз қолдим, бечора, шўрлик бошим, яна якка қолдим. . .

Марья анчагача шу ҳолда йиғлаб қолди. Ольга ва Саша, Марьянинг тиз чўкиб, икки қўли билан бошини ушлаб, кимгадир таъзим қилганини, унинг боши устида зағчалар учиб юрганини анчагача кўриб бордилар.

Кун кўтарилиб, ҳаво исиди. Жуково қишлоғи узоқда қолди. Йўл юришнинг нашъаси бор. Ольга билан Саша қишлоқни, Марьяни унутдилар, вақтлари чоғ, ҳар нарса баҳрларини очар эди. Гоҳ эски қўрғонлар учрайди, қатор-қатор симёғочлар уфқда ғойиб бўлиб, аллақаяқларга кетади, симларнинг гувиллашида ҳам сир бор. Гоҳ узоқда, кўм-кўк дарахтлар ичида қўрғончалар кўринади, у ёқдан нам ҳаво, кунжут иси келади ва негадир унда бахтли кишилар тургандек туюлади. Гоҳ далада танҳо оқариб ётган от суяги учрайди. Тўрғайлар тинмасдан сарайди, беданалар бир-бирини чақиради. Қизилоёқ биров занг босган михни суғураётгандай чиғиллайди.

Туш пайтида Ольга билан Саша катта қишлоққа келдилар. Бундаги катта кўчада генерал Жуковнинг ошпази бўлмиш чол учраб қолди. Чол иссиқдан терга ботган, қипқизил тепакал боши офтобдан ялтирайди. У ҳам, Ольга ҳам бир-бирларини танимадилар, сўнгра икковлари бирданига қайрилиб қараб, бир-бирларини танисалар ҳам, сўзлашмасдан ҳар қайсиси ўз йўлига кетаверди. Ольга бойроқ, янгироқ кўринган уйнинг очиқ деразаси тагида тўхтаб таъзим қилгач, ингичка овозини хониш қилгандай баланд кўтариб, тиланди:

— Мўминлар, худо йўлига хайр-эҳсон қилинглар, раҳмингиз келсин, ота-боболарингизни худо раҳмат қилсин, тани-жонингиз соғ бўлсин.

Саша ҳам онасини айтганини такрорлади:

— Мўминлар, худо йўлига хайр-эҳсон қилинглар, раҳмингиз келсин, ота-боболарингизни худо раҳмат қилсин. . .

## ЎЗ МАКОНИДА

### I

Донец йўли. Кенг даштда тинчгина файзсиз бир станция оқариб кўринади, унинг деворлари жазирама офтобдан қизиб кетган, тангадек кўланка кўринмайди, бу ерда одамлар ҳам йўққа ўхшайди. Поезд сизни шу ерга ташлаб кетди, унинг шовқини тобора секинлаб, ниҳоят тинди. . . Яқин орада ҳеч зоғ йўқ, сизнинг отларингиздан бўлак отлар ҳам кўринмайди. Сиз фойтунга тушиб, дашт йўлидан кетасиз, вагондан тушгандан кейин бу қандай яхши. Кўз олдингиздан бир хилдаги, каттакон, бепоён, дилбар манзара секин-аста сузиб ўтади. Бундай манзарани Москва атрофларида ҳам кўрган эмассиз. Фақат дашт, бепоён дашт — бошқа ҳеч нарсани кўрмайсиз, узоқдан қадимий қўрғон ёки шамол тегирмон кўриниб қолади, хўкиз қўшилган араваларда тош кўмир олиб келишяпти. . . Якка-якка қушлар кенг текислик устида пастлаб учади, улар қанотининг бир текис ҳаракати уйқу келтиради. Жазирама иссиқ. Бир-икки соат йўл босасиз, ҳамон ўша дашт ва узоқдаги қўрғонни кўрасиз. Кучерингиз, қамчини билан атрофни кўрсатиб алланималар гапирди. Унинг қандайдир узундан узоқ, кераксиз гаплари кишига ором бағишлайди, ўтмиш ҳақида ўйлагингиз келмайди. . .

Вера Ивановна Қардинани кутиб олишга уч отлик извош чиқаришган. Кучер нарсаларни жойлаштириб бўлиб, эгар-жабдуқни тўғрилаяпти. Вера атрофга қараб:

— Ҳеч ўзгариш йўқ, — деди. — Бу ерларда охири марта ўн йилча илгари, қизча эканимда бўлган эдим. Ушанда Борис деган чол мени кутиб олгани ёдимда. Айтгандай, у саломатми?

Кучер жавоб бермади, фақат жаҳл билан, хахолча қараш қилди-да, ўз жойига чиқиб олди.

Утгиз чақиримча йўл юриш керак, Вера ҳам даштнинг жозибасига берилиб, ўтмишни унутди. У фақат бу ернинг кенглиги ва баҳаволигини ўйларди; у йигирма .уч ёшга кирган соғлом, оқила, гўзал эди. У шундай кенг, шундай баҳаво жойни орзу қилиб юарди.

Фақат дашт, бепоён дашт. . . Отлар югуриб бормоқда, қуёш тобора юқори кўтарилмоқда, унинг ёшлик даврида бу дашт июнь ойида ҳозиргидек серманзара, ҳозиргидек гуркираб кўринмагандек эди: ҳамма ёқда зангори, сариқ, бинафша ранг, оқ гулларга бурканган ўтлар, бу ўтлардан ҳам, қизиб кетган ердан ҳам муаттар ҳид келади; йўлда ғалати кўк қушлар учрайди. . . Вера аллақачон ибодатни унутиб юборган, лекин ҳозир уйқуни енгиб пичирлайди:

— Эй худо, ўзинг раҳм қил, энди шу ерда тинчгина яшай.

Кўнгилда эса ёқимли, ширин осойишталик, бутун умр бўйи аравадан тушмай, даштни кузатиб ана шундай кетавергиси келади. Тўсатдан ёш-ёш дуб ва зирк дарахтлари билан қопланган чуқур жарлик кўринди; нам ҳаво димоққа урилди — пастликда анҳор бўлса керак. Бериги томонда, жар ёқасидан бир гала каклик кўтарилди. Вера бир вақтлар кечқурунлари шу жар ёқасига сайр қилиб келганини эслади; демак қўрғон яқинлашиб қолибди! Мана, ростдан ҳам узоқдан тераклар, клунлар кўрина бошлади; бир чеккада тутун буруқсаяпти; эски похолни ёқишяпти. Мана рўмолини силкитиб Даша аммаси келяпти; бобоси айвонда турибди. Ё раббий, бу қандай қувончли!

— Жонгинам! Жонгинам!— дерди аммаси эсини йўқотиб.— Мана энди ўз бекамиз келди! Ахир сен бизнинг ўз бекамизсан, бизнинг маликамизсан! Бу ерда нимаики бўлса ҳаммаси сеники! Жонгинам, гўзалим, мең сенинг амманг эмас, солиқ қулингман!

Веранинг бобоси билан аммасидан бўлак қариндошлари йўқ; онаси аллақачон ўлиб кетган, унинг отаси инженер бўлиб, бундан уч ой илгари Сибирдан келаётганда Қозонда вафот этган. Бобоси оппоқ узун соқолли, ниҳоятда тўла, қип-қизил юзли чол бўлиб, унинг нафаси сиқар ва қорнини дарангос қилиб, ҳасса таяниб юар эди. Аммаси қирқ ёшларга кирган хонимлардан бўлиб, калта энгли сатангча кўйлак кийиб, белини сириб юради, у ҳали ҳам ўзгаларни мафтун қилиш учун ёшроқ кўринмоқчи бўлса керак; у бедана қадам билан юрганида, елкалари силкиниб туради.

— Сен бизга меҳрибон бўласанми?— дерди у Верани кучоқлар экан.— Сен такаббур эмасмисан?

Бобосининг хоҳиши билан шукрона ибодат қилинди, кейин узоқ вақт овқатланишди,— шундай қилиб Вера учун янги ҳаёт бошланди. Унинг учун энг яхши хонани ажратиб, ҳамма гиламлар шу хонага киритилди, жуда кўп гуллар қўйилди; Вера эса кечқурун ўзининг шинам, кенг, ниҳоятда юмшоқ ўрнига ётиб, туриб қолган кийим ҳиди келадиган шойи кўрпани устига тортар экан, мамнунлик билан кулар эди. Аммаси Даша, яхши туш кўриб ёт, дейиш учун Веранинг олдига кирди.

— Мана, худога шукур, келиб ҳам олдинг,— деди у, ўринга ўтирар экан.— Ўзинг кўриб турибсан, турмушимиз ёмон эмас, бундан ортиғи керак ҳам эмас, фақат бобонг аҳволи ёмон! Анчагина ёмон! Нафаси қисадиган, кўп нарсани эслолмайдиган бўлиб қолган. Эсингда борми? Қандай соғлом, қандай кучли эди! У шундай чўрт кесар одам эдики... Илгарилари хизматкорлар сал янглишиб қолсам ёки бошқа бирор нарса бўлсам, ўрнидан сапчиб кетар ва «Шилтиллади йигирма бешни тушир! Даррани келтир!» деб қичқирарди. Энди бўлса шунчалик тийилиб қолдики, ҳатто унинг товуши ҳам эшитилмайди. Энди ўзи ҳам илгариги вақт эмас, жонгинам; уриш мумкин эмас. Албатта, уриб ҳам нима қиласан-ку, лекин талтайтириб юбориш ҳам ярамайди.

— Амма, ҳали ҳам уларни уришадими?— деб сўради Вера.

— Гумашталар аҳён-аҳёнда уришмаса, мен урмайман. Худога солиб қўйганман! Бобонг бўлса баъзида эски вақтларни қўмсаб таёқ кўтариб қолади-ю, лекин урмайди.

Даша амма ҳомуза тортиб, олдин оғзини, кейин ўнг қулоғини чўқинтирди.

— Бу ерда зерикиб қолмасмиканман?— деди Вера.

— Нима десам экан? Энди помешчиклар бу ерда турмайди; лекин ҳамма ёққа заводлар қуриб ташлашган, инженер, доктор, штейгер деганлари шунақанги кўпки, зерикиш қаёқда дейсан, жонгинам. Спектакллар, концертлар бўлиб туради, лекин кўпинча карта ўйнашади. Бизни кига ҳам келиб туришади. Заводдан доктор Нешчапов келади, шундай кўркам, ажойибки! Сенинг расмингни кўриб ишқи тушиб қолган. Мен бўлсам, аллақачон Веранинг тақдир қилгани шу экан, деб қўйганман. Ўзи ёш, кўркам, пулдор, хуллас, муносиб киши. Ўзинг ҳам чакана

эмассан-да. Таги кўрган одамнинг фарзандисан, кўргонимиз гаровга қўйилган бўлса ҳам, ҳеч гап эмас — иморатлари яхши, қаровсиз қолмаган; бу ерда менинг ҳам улушим бор, лекин ҳаммаси сенга қолади; мен сенинг содиқ қулингман. Сенинг отанг, марҳум акамдан ҳам ўн беш минг қолган... Хўш майли, кўзларинг юмилиб кетяпти. Ухлай қол, болагинам.

Эртасига Вера анчагача уй атрофида айланиб юрди. Эски, кўримсиз, йўлкалар қилинмаган боғ жуда ноқулай жойга, қияликка жойлашган бўлиб, тамомила ташландиқ, хароб эди. У хўжаликнинг ортиқча қисми ҳисобланса керак. Бу ерда илонлар кўп. Ўрдаклар дарахтлар тагида учиб, алланималарни эслатмоқчи бўлгандай «у-ту-тут»лаб юрарди. Пастда қалин қамишлар ўсиб ётган анҳор, унинг нариги ёғида, ярим чақирим нарида — қишлоқ. Вера боғдан далага чиқиб кетди; у узоқ-узоқларга тикилганича ўз маконидаги янги ҳаёти ва истиқболи қандай бўлишини ўйлар эди. Бу кенглик, бу даштнинг гўзал осойишталиги унинг бахти яқин келиб қолганини ва ҳатто бошига бахт қуши келиб қўнганини баён қилар эди; ваҳоланки, минглаб одамлар: ёш, соғлом, илмли бўлиш, ўз кўргонида туриш ҳам бахтми, дейишлари мумкин. Шу билан бирга бу бир хил, биронта жон асари кўринмаган, бепоён текислик уни чўчитар, баъзан бу осойишта, баҳайбат яшил махлуқ унинг ҳаётини ютиб юборадигандек, уни йўқ қилиб ташлайдигандек кўринарди. Ёш, келишган қиз Вера ҳаётни севади; у институтни тугатган, уч тилни ўрганган, кўп китоблар ўқиган, отаси билан бирга саёҳат қилган, — наҳотки буларнинг ҳаммаси ахир келиб дашт ўртасидаги чекка бир кўргонда туриш, қилар иши бўлмай, ҳар куни баъзан далага, даладан боққа юриш ва уйга қайтиб кириб бобонинг нафас олишини эшитиш учун бўлса? Лекин начора? Қаёққа ҳам бора олади? Лекин у ўз саволларига жавоб бера олмасди, уйга қайтаётганда эса бу ерда бахтли бўлиши маҳол, бу ерда яшашдан кўра станциядан шу томонга қараб келиш қизиқроқ деб ўйлар эди.

Заводдан доктор Нешчапов келди. У врач бўлса ҳам, уч йилча аввал улуш олиб, завод хўжалари қаторига кирган, шунинг учун, хусусий равишда одам боқиб юрса ҳам, энди медицинани ўзининг асосий касби деб билмайди. Кўринишдан у рангпар, хушбичим, қора соч бўлиб, оқ нимча кийиб юрарди; унинг юраги, унинг хаёли нима билан банд эканини тушуниш амримаҳол эди. У кўришар

экан Даша амманинг қўлидан ўпди, кейин эса гоҳ стул келтириш, гоҳ жой бўшатиб бериш учун ҳадеб тураверди, у ўзини доим жиддий тутар ва ҳеч гапга аралашмас, гапиргудек бўлса, тўғри ва барала сўзлашига қарамай, жумлаларининг бошланишини эшитиш ва тушуниб олиш мумкин эмас эди. У Верадан:

— Рояль чалишни истайсизми?— деб сўради-ю, дик этиб ўрнидан туриб кетди, чунки Вера рўмолчасини тушириб юборган эди.

У туш пайтидан кечаси соат ўн иккигача индамай ўтирди ва Верага заррача ёқмади; Верага унинг қишлоқда оқ нймча кийиб юриши, келишмаган қилиқдек, ясама одоб сақлаши, одатлари ва қора қоши, рангпар, жиддий юзи хунукдек туйилар эди; гаплашмасдан индамай ўтириши унинг калтафаҳмлигидан бўлса керак. Веранинг аммаси, у кетгандан кейин қувонч билан:

— Хўш, қанақа? Ростдан ҳам ажойиб эканми?— деди.

## II

Даша амма хўжалик ишлари билан банд, у белини сириб, икки қўлидаги билагузукларини шиқиллатиб бедана қадам билан гоҳ ошхонага, гоҳ омборхонага, гоҳ молхонага киради, унинг орқа елкалари силкиниб туради; у гумашта ёки мужиклар билан гаплашганида негидир ҳар гал ріпсе-pez тақиб олади. Буvasи бир жойда ўтириб карта сузади ёки мудрайди. Тушки ёки кечки овқат вақтларида чол жуда кўп тамоқ ейди; унга кечаги овқатларни ҳам, бугунгисини ҳам, якшанбадан қолган совуқ пирогни ҳам, тузланган яхна гўшти ҳам келтириб беришади, у эса буларнинг ҳаммасини ютоқиб ер эдики, бу Верага ёмон таъсир қилар ва ҳайдаб келишаётган қўйларни ёки тегирмондан келаётган унларни кўрганида: «ҳаммасини бобом ейди» деб ўйлар эди. Буvasи кўпинча овқат ёки карта билан овора бўлиб, ҳеч гапирмас эди; лекин овқат пайтида Верага кўзи тушиб, ийиб кетган вақтлари ҳам бўларди. Ана шунда меҳрибонлик билан:

— Елғизгина набирам! Верагинам!— дерди-да, кўзларида ёш йилтираб кетарди ёки бирданига юзлари қипқизариб, бўйнининг гўштлири шишиб, ғазаб билан хизматкорга тикиларди-да, ҳассасини ерга уриб, сўрар эди:

— Нега хрен келтирмадиларинг?

Қишда у ҳеч ёққа чиқмас, ёзда эса сули ёки ўтларни кўздан кечириш учун баъзан далага чиқар, қайтгандан кейин, у хабар олмаса ҳеч ерда тартиб бўлмаслигини айтиб, ҳассасини кўтариб дўқ урарди.

— Бобонг кайфи бузуқ,— деб пичирларди Даша амма.— Ҳа, ҳозир унчалик эмас, худо кўрсатмасин, илгарига вақти бўлса-я, бақиринини кўрар эдинг: «Шилтиллаиб йигирма бешни тушир! Даррани келтир!» дерди.

Аммаси, ҳамманинг ялқовланиб, ҳеч иш қилмаслигидан ва хўжалик ҳеч қандай даромад бермаслигидан шикоят қиларди. Ҳақиқатан ҳеч қандай қишлоқ хўжалиги йўқ; фақат ер ишлаш одат бўлиб қолгани учун бир оз ерни ҳайдаб, экишар, аксар ҳеч ишлашмас, бекорчилик билан кун ўтказишар эди. Шундай бўлса ҳам кунузукун тик оёқда юришар, ҳисоб-китоб қилишар, нималаргадир уринишарди; уйдаги югур-югур эрталаб соат бешдан бошланиб, «Ўни келтир», «Буни бер», «Югурганча бориб кел» тўхтовсиз эшитилиб турар эди, бечора хизматкорнинг кечгача дармони қолмас эди. Амманинг қўлидаги ошпаз аёллар, ходимлар бир ҳафтага чидаш бермасди; гоҳ уларни одобсизликда айблаб ўзи бўшатиб юборар, гоҳ уларнинг ўзи азобланиб кетдик, деб кетиб қолишарди. Энди шу ерликлардан ҳеч ким келмай қолгани учун узоқ жойлардан хизматкор ёлланадиган бўлиб қолган. Хизматкорлар орасида шу ерликлардан биргана Алена деган қиз бўлиб, у ҳам оиласининг ҳаммаси — кампирлар билан болалар фақат шу қизнинг ойлигига қарам бўлганлари учун кетмас эди. Ушоққина, рангида қони йўқ тентакнамо бу Алена кун бўйи хоналарни йиғиштирар, овқат вақтида хизмат қилар, печларга ўт ёқар, тикар, кир ювар эди-ю, лекин ҳамма вақт ўралишиб, этикларини тақиллатиб халақит бераётгандек кўринарди; яна бўшатиб, уйга жўнатиб юборишмасин, деб кўрққанидан тез-тез идишларни тушириб синдиради, буларнинг ҳақини эса унинг мойнасидан ушлаб қолишарди. Кейин унинг онаси билан бувиси келиб Даша амманинг оёғига бош қўйиб ялинишарди.

Ҳар ҳафтада бир, баъзан эса ундан ҳам ботроқ меҳмонлар келиб турарди. Бундай вақтларда Веранинг аммаси Даша кириб:

— Меҳмонлар ёнига чиққин, такаббур экан деб ўйлашмасин яна,— дерди.

Вера меҳмонлар ёнига чиқар, улар билан ўтириб узоқ вақт карта ўйнар ёки рояль чаларди, меҳмонлар танца тушарди; аммаси Даша қувониб, танцадан нафаси тикилиб унинг ёнига келарди-да:

— Марья Никифоровна билан мулойимроқ сўйлашгин, — деб пичирларди.

Олтинчи декабрь, Никола куни, бирданига жуда кўп, ўттизга яқин киши меҳмонга келди: ярим кечагача карта ўйнаб ўтиришиб, кўпчилик ётиб қолди. Эрта билан яна карта ўйнай бошлашди, кейин овқатланишди, одамларнинг гаплари ва тамаки тутуни жонига тегиб Вера тушки овқатдан кейин ўз хонасига кириб дам олмоқчи бўлган эди, у ерда ҳам бир уй бўлиб ўтирган меҳмонларни кўрди-да, аламига чидамай йиғлаб юборай деди. Кечқурун меҳмонлар уйларига кетмоқчи бўлганида Вера ниҳоят улардан қутулишига севинганидан:

— Яна ўтирсанглар бўларди! — деди.

Меҳмонлар билан бирга бўлишдан Вера толиқар ва қисилар эди; шундай бўлишига қарамай, деярли ҳар куни қош қорайди дегунча яна уйдан чиқиб кетгуси келар ва заводгами ёки қўшни помешчикларникигами, бир жойга меҳмондорликка борар эди; у ерда ҳам яна карта, танца, фанти, овқат. . . Заводларда, шахталарда ишлайдиган ёш йигитлар гоҳо малороссча қўшиқларни бошлаб айтишар эди. Уларнинг қўшиқларини тинглаганда кўнгил ғамга тўлар эди. Ёки улар ҳаммаси бир хонага тўпланишиб, қоронғи уйда, шахталар ҳақида, бир вақтлар даштга кўмиб ташланган хазиналар ҳақида, Саур Могила ҳақида сўзлашар эди. . . Баъзан алламаҳалгача гаплашиб ўтирганда, бирданига «вой дод» деган қичқирёқ эшитилиб қоларди. Бу маст бўлиб қолган киши келаётганидан ёки шу яқин орадаги шахталардан бирида кимнидир талашаётганидан дарак берарди. Ёки бўлмаса печларда шамол увиллар, дарчалар очилиб ёпилаверар, бироздан кейин эса черковдан ваҳимали кўнғироқ товуши эшитиларди; бу бўрон бошланганидан дарак берарди.

Барча кечаларда, сайрлар ва овқатланиш маҳалларида энг ажойиб аёл аммаси Даша, эркакларнинг энг ажойиби доктор Нешчапов бўлар эди. Заводларда ҳам, қўрғонларда ҳам кам китоб ўқишар, фақат маршлар ва полькалар чалинарди, ёшлар бўлса ўзлари тушунмаган нарсалар ҳақида қизгин баҳслашар ва бу жуда кўпол чиқар эди. Қизгин ва барала баҳслашишар, лекин ажабки бундан



бошқа жойда Вера бунчалик бепарво ва беғам одамларни учратмаган. Буларнинг ватани ҳам, дини ҳам, жамиятга қизиқиши ҳам йўқдек туйиларди. Адабиёт ҳақида гап кетганда ёки бирор мавҳум масала ҳал қилаётганда Нешчаповнинг юзидан буларга ҳеч қизиқмаслиги ва у аллақачондан бери китоб ўқимай қўйгани ва ўқишни ҳам истамагани кўриниб турар эди. У жиддий, ҳеч нарсани англамайдиган, пала-партиш чизилган портретдек, доим оқ нимчада, ҳамон индамас ва уни тушуниб бўлмасди; лекин хонимлар билан оймқизлар уни ёқтиришар, унинг одатларидан завқланишар ва, афтидан, унга маъқул бўлиб қолган Верага ҳаваслари келарди; Вера бўлса ҳар гал меҳмондан хўрланиб қайтар ва уйдан чиқмайман деб ўзига сўз берарди; лекин кун ботиб кеч кириши билан у яна заводга шошиларди. Бутун қиш бўйи унинг умри ана шундай ўтди.

Вера обуна бўлиб олган китоблари ва журналларини ўз хонасига кириб ўқирди. Кечалари ўрнида ётиб ҳам ўқир эди. Коридордаги соат икки ёки уч бўлганидан дарак бериб занг урганида ва кўп ўқишдан чеккаси оғриб кетганида, у ўрнидан туриб ўтирар ва хаёл сурарди. Нима қилса экан? Қаерга ўзини урсин? Яна шу лаънати хира саволлар. Буларга аллақачонлар кўплаб жавоб тайёр бўлса ҳам, аслида биронта арзигудек жавоб йўқ.

Эҳ, халққа хизмат қилиш, унинг азобларини енгиллатиш, унга маърифат бериш қандай олижаноб, қандай муқаддас, қанчалик ҳурматга сазовор ишдир. Лекин Вера халқни билмайди. Қандай қилиб халққа яқинлаша олади? Унинг учун халқ бегона, қизиқарли эмас, у кулбаларнинг оғир ҳавосига, қовоқхоналардаги алжишларга, ювуқсиз болаларга, хотинларнинг турли касаллар ҳақидаги гапларига чидай олмайди. У қор кечиб, совуқ еб боргандан кейин нафасни қайтарадиган, дим кулбаларга кириб ўзи ёқтирмайдиган болаларни ўқитадими? — Йўқ, бундан кўра ўлган яхши! Аммаси Даша қовоқхоналардан ва мужикларни штраф қилишдан даромад топаётган бир вақтда ана шу мужикларнинг болаларини ўқитиш майнабозликнинг ўзгинаси эмасми! Мактаблар, қишлоқ кутубхоналари, умумий таълим ҳақидаги гаплар қанчалар кўп. Лекин Верага таниш бўлган ана шу инженерлар, завод эгалари, хонимлар икки юзламалик қилиш ўрнига маърифат кераклигига ростдан ҳам ишонсалар эди, ҳозир қилаётганларидек, ўқитувчиларга фақат ўн беш сўм ойлик тўлаб,

уларни очликда азобламаган бўларди. Мактаблар ҳам, нодонлик ҳақидаги гаплар ҳам фақат ўз виждонларини юпатиш учун, чунки беш ёки ўн минг десатина ери бўла туриб халқни ўйламаслик уят-да. Мана, хонимлар Нешчаповни мактаб қурган деб мақташади. Рост, заводдаги эски бино ғиштларидан мактаб қуриб, саккиз юз сўмга яқин харжлаган, мактабни ёритиш учун черковда пул тўплаган. Лекин у ўзининг заводдаги улушини ҳеч кимга ҳам бермаса керак, мужиклар ҳам унинг ўзи каби одам эканлиги, уларни ҳам заводдаги ана шу хароба мактабларда эмас, университетларда ўқитиш лозимлиги унинг хаёлига ҳам келмаса керак.

Шундан кейин Вера ўзидан ҳам, ҳаммадан ҳам ғазабланади. У яна китоб олиб ўқимоқчи бўлади-ю, салдан кейин яна ўтириб хаёл суради. Врач бўлсамикан? Аммо бунинг учун лотин тилидан имтиҳон бериш керак, унинг устига Вера мурдалардан ва касалликлардан қаттиқ жирканади. Механик, судья, пароход командири, олим бўлиш яхши эди. Ёки шундай бир иш бўлсаки, унга бутун жисмоний ва руҳий кучни сарфлаб чарчаса-ю, ундан кейин кечаси қаттиқ уйқуда ётса; ёки ўзининг бугун ҳаётини шундай бир нарсага бағишласаки, унинг ўзи жуда ҳурматли киши бўлса, ҳурматли кишиларга ёқса, севса, ўзининг ҳақиқий оиласи бўлса... Лекин нима қилса экан? Нимадан бошласа экан?

Улуғ айём кунларидаги якшанбаларнинг бирида эрта билан аммаси соябонни олиш учун Веранинг ёнига кирди. Вера тўшакда ўтириб бошини ушлаганича хаёл сурарди.

— Жонгинам, сен ҳам черковга борсанг-чи,— деди аммаси,— динсиз экан деб ўйлаб юришмасин яна.

Вера жавоб бермади.

— Зерикиб қолганга ўхшайсан, бечорагинам,— деди аммаси ўрни олдида тиз чўкиб; у Верани сидқидилдан севарди.— Ростингни айт, зерикдингми?

— Жуда зерикдим.

— Гўзалим, маликам, мен сенинг содиқ қулингман, фақат яхшилик тилайман, бахтли бўлгин дейман... Нега сен Нешчаповга тегишни хоҳламайсан? Яна сенга қандай одам керак, болагинам? Мени кечир, қўзичоғим, бунчалик танлайвериш ярамайди, биз князлар эмасмиз-ку... Вақтинг ўтяпти, энди сен ўн етти ёшда эмассан... Сенга ҳеч тушуна олмадим! У сени севса, кўкларга кўтариб ҳурматласа!

— Эй, тангрим,— деди Вера хафаланиб,— мен қаёқдан билай? Унинг ўзи индамаса, ҳеч қачон бир оғиз сўз айтмаса.

— Ахир у уялади-да, жонгинам. . . Сен рад этиб қолсанми деб!

Аммаси чиқиб кетганида эса Вера кийинишини ҳам, ёки яна ўрнига ётишини ҳам билмай хонанинг ўртасида туриб қолди. Яна шу совуқ тўшак, ойнадан қараса — у ерда шип-шийдон дарахтлар, қорая бошлаган қор, жирканч зағчалар, барибир бобосининг жйғилдонига тушадиган чўчқалар. . .

«Ростдан ҳам эрга тегсаммикан!» деб ўйлади у.

### III

Аммаси Даша икки кунгача йиғидан кўзи қизариб, упани қалин суриб юрди. У овқат вақтида уҳ тортиб қўяр ва нукул иконага қарайверарди. Лекин унинг нима учун ғамгин эканига тушуниб бўлмасди. Ниҳоят у Веранинг ёнига кириб, сурбетлик билан деди:

— Болагинам, анови, банкага процент тўлаш керак бўлиб қолди, орендатор тўламаяпти. Рухсат этсанг, отангдан қолган ўн беш мингдан шу процентни тўласак.

Шундан кейин аммаси бутун кун боғда олчадан мураббо пишириш билан банд бўлди. Алена гоҳ боққа, гоҳ уйга, гоҳ ертўлага югуравериб иссиқдан икки юзи буғриқиб кетди. Аммаси, гўё муқаддас бир иш қилаётгандек, ниҳоятда жиддий кўриниш билан муроббо пишираётганида энглари калталигидан унинг кичкина, бақувват, зулм этувчи қўллари кўриниб турганида ва хизматкор қиз ҳеч вақт ўзи емайдиган ана шу мураббо олдида гирдикапалак бўлиб, тўхтовсиз югургилаб юрганида изтиробдан бўлак нарса сезилмасди. . .

Боғдан қайнаган олча ҳиди келарди. Қуёш ботиб кетган, кўрани олиб қўйишган, лекин ана шу ёқимли ширин бўй ҳанузгача ҳаводан кетмаган. Вера скамейкада ўтириб, ўзининг буйруғига кўра йўлка қилаётган янги хизматкор— ўткинчи ёш солдатнинг ишини кузатарди. Солдат бел билан чим қирқиб замбилгалтакка ортарди.

— Қаерда хизмат қилган эдинг?— деб сўради Вера ундан.

— Бердянскда. . .

— Энди қаёққа кетяпсан? Уйинггами?

— Ҳеч ундай эмас,— деди хизматкор.— Менинг уйим йўқ.

— Туғилиб ўсган жойинг қаер?

— Орлов губернаси. Армия хизматиғача онам билан бирга, ўгай отамнинг уйида турар эдим, онам жуда эпчил, куйди-пишти аёл бўлганидан уни ҳурматлашарди, у туфайли мен ҳам кун кечирардим. Хизматда эканимда хат олдим: онам вафот этибди... Энди уйга қайтишга унчалик хоҳишим ҳам йўқ. Ўз отанг бўлмаганидан кейин уй ҳам бегонаники-да.

— Ўз отанг ўлганми?

— Билмайман. Мен ғайри қонуний туғилганман.

Шу пайтда деразадан қараган аммасининг товуши эшитилди:

— Иль не фо па парле о жанс...<sup>1</sup> Бор, азизим, ошхонага кир,— деди у солдатга қараб.— Ўша ердагиларга гапир.

Кейин кечагидек ва ҳамма вақтдагидек яна овқат, китоб ўқиш, бедор кеча ва ўша биргина нарса ҳақида хаёл суриш. Соат учдаёқ офтоб чиқди. Алена аллақачондан бери коридорда ивирсиб юрар, Вера эса ҳамон миужжа қоқмай ўзини китоб ўқишга мажбур қилиб ўтирарди. Замбилғалтакнинг ғичиллаши эшитилди: янги хизматкор ишлагани боққа келди...

Вера қўлида китоби билан очиқ дераза ёнига келиб, унинг учун йўлкача қураётган солдатнинг ишини мудроқ аралаш кузатиб ўтирди, бу анча қизиқарли эди. Йўлкачалар тасмадек тўппа-тўғри, теп-текис, сариқ қум сепилгандан кейин уларнинг қанчали гўзал бўлишини ўйлаш жуда нашъали эди.

Соат бешлардан ошганда аммаси Даша қизғиш кўйлак билан папильотка кийиб уйдан чиққани кўриниб турарди. У уч минутча зинапояда индамай туриб, кейин солдатга:

— Ма, паспортингни ол, худо ёр бўлсин. Ғайри қонуний туғилган одамга уйимдан жой беролмайман,— деди.

Веранинг бағри ачиқ алам, чексиз ғам билан тўлди. У аммасидан ғазабланар, нафратланарди; аммаси чидаб бўлмайдиган даражада жонига тегиб кетган... Лекин ни-

<sup>1</sup> Хизматкор билан гаплашма (французча — il ne faut pas parler aux gens).

ма ҳам қилиб бўлади? Унинг гапини шартта бўлиб қўя қолсинми? Ёки қўполлик қилсинми? Лекин нима фойда? Хўп, яхши, унга қарши курашиб, уни четга чиқариб, зарарсизлантириб ҳам қўйсин, бир иш қилиб бобосини ҳасса кўтариб дўқ урмайдиган ҳам қилиб қўйсин, аммо булардан нима фойда? Буларнинг ҳаммаси поёнсиз, кенг даштда биргина сичқон ёки илоннигина йўқ қилишдан бўлак гап эмас. Чексиз яйловлар, узоқ қишлар, бир хилдаги зерикарли ҳаёт, ожизлик, умидсизлик пайдо қилади ва ҳеч ишга қўлинг бормаё қолади, чунки нима қилсанг ҳам ба-рибир — фойдасиз.

Алена кириб, икки букилиб Верага таъзим қилди-да, креслоларни чангини қоқиш учун ташқарига чиқара бошлади.

— Топган вақтингни қара-я,— деди Вера алам билан.— Уйни шу маҳалда йиғиштирадими? Йўқол кўзимдан!

Алена гангиб қолиб, қўрқиб кетганидан нима қилишини билмай, комод устидаги нарсаларни тез-тез йиғиштира бошлади.

— Сенга айтяпман, йўқол кўзимдан!— деб қичқирди Вера совуқ терга тушиб, илгарилари у ҳеч қачон бунчалик ғазабланмаган эди.— Йўқол!

Алена аллақандай қуш товуши билан чийиллаб, олтин соатни ерга тушириб юборди.

Вера сапчиб кетди ва бутун вужудини титроқ босиб бутунлай бошқача овоз билан қичқирди:

— Йўқол кўзимдан! Ҳайданглар буни, у мені қонимга ташна қилди!— деди у ер тепиниб, коридорда Аленанинг кетидан қувлаб борар экан.— Йўқол! Дарра келтиринг! Саваланг буни!

Кейин бирдан ҳуши ўзига келиб, ҳовлиқиб қолди ва ювинмай, таранмай, оёғида туфли, эғнида халати билан ташқарига отилди. У ўзига таниш бўлган жарликка югурганича бориб, ҳеч кимни кўрмайдиган ва ҳеч кимга кўринмайдиган жойга, тоғолчалар тагига яшириниб олди. Бу ердаги ўтлар устида қимир этмай ётиб, йиғламади ҳам, ваҳимага ҳам тушмади, лекин осмонга тикилганича умр-бод унутиб бўлмайдиган, кечириш ҳам мумкин бўлмаган воқеа рўй берганини совуққонлик билан аниқ муҳокама қилади.

«Бас энди, етар!— деб ўйлади у.— Энди ҳам ўзимни босиб олмасам, қачонгача шундай бўлаверади... Етар!»

Тушга яқин доктор Нешчапов жардан ўтиб кетаётган эди. Вера уни кўрди-ю, янги ҳаёт бошлашга ўзини мажбур этишга жазм қилди ва бу аҳди кўнглини тинчлантирди. Шундан кейин докторнинг келишган қоматини кузатар экан, ўзининг бераҳмлигидан ўкиниб:

«Яхши одам... Бирга туриб кетармиз» деб қўйди. У уйга қайтиб келиб кийинаётганида аммаси Даша кирди-да:

— Жонгинам, сени бетинч қилгани учун Алефани уйга жўнатиб юборган эдим. Онаси келиб кўп йиғлади, қизини ўлардай дўппослабди,— деди...

— Амма,— деди Вера, шоша-пиша,— мен доктор Нешчаповга тегаман. Фақат унга ўзингиз айтасиз... Мен айта олмайман...

Шундай деди-ю, Вера яна далага чиқиб кетди. У боши оққан томонга кетар экан, эрга теккандан кейин хўжалик билан машғул бўлишга, касалларни даволашга, халқни ўқитишга, ўз қатори хотин-қизлар нима қилсалар, ҳаммасини қилишга жазм қилди. Энди у ўзидан ҳам, бошқа одамлардан ҳам доимо норози бўлишни, ўтмишга назар ташлашинг билан тоғдек бўлиб кўз олдинга келиб турадиган қатор-қатор хатоларни ўзининг пешонасига битилган ҳақиқий ҳаёти деб ҳисоблайди ва бундан тузукроқ ҳаётдан умидвор бўлмайди... Ахир бундан тузукроқ ҳаётнинг ўзи йўқ-ку! Ажойиб табиат, орзу-ҳаваслар, музыка бошқа-ю ҳақиқий ҳаёти бошқа. Эҳтимол бахт, ҳақиқат деган нарсалар ҳаётдан ташқари аллақандай жойларда бўлса керак...

Абадият каби чексиз ва бепарво ана шу ҳашаматли дашт билан яшаш эмас, унинг гуллари, тепаликлари ва узоқ-узоқларга чўзилиб кетган кўринишлари билан қўшилиб, бир бутун бўлиб кетиш керак, ана шунда яхши бўлади...

Бир ойдан кейин Вера заводда яшай бошлади.

## А Р А В А Д А

Шаҳардан эрталаб соат саккиз яримда чиқилди.

Тош йўл қуруқ, гўзал апрель қуёши қаттиқ қиздирар, аммо ўрмон ва ариқларда ҳали қор бор эди. Яқиндагина ёвуз, узун, қаҳратон қиш эди, бирдан баҳор келди, бироқ на ҳавонинг илиқлиги, на баҳор нафасидан жонланган хуррам дарахтзорлар, на даладаги катта-катта кўлга ўхшаш чимзорлар устидан учиб юрган қора қуш галалари, на кишининг чиққиси келадиган ажиб, тубсиз бу осмон, ҳозир аравада ўтирган Марья Васильевнага ҳеч янгиликка ўхшамас ва уни қизиктирмас эди. Унинг ўқитувчи бўлганига, мана, ўн уч йил бўлди, бу ўн уч йил мобайнида мояна учун шаҳарга неча марта келиб кетганининг ҳисоби йўқ; хоҳ ҳозиргига ўхшаш кўклам пайти бўлсин, хоҳ ёмғир ёғиб турган куз кечаси бўлсин ёки қиш бўлсин,—унга барибир эди, у доим тезроқ етиб боришни истар эди, холос.

У ўзини бу ерларда жуда қадимдан, юз йилчадан бери яшаётгандай ҳис қилар, назарида шаҳардан то ўз мактабига боргунча йўлдаги ҳар бир тошни, ҳар бир дарахтни биладигандек эди. Унинг ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам кўрган куни шу бўлиб, келажаги бошқачароқ бўлишини хаёлига ҳам келтира олмас эди, у мактабга борар, шаҳарга тушар, қайтиб келиб яна шаҳарга жўнар ва яна йўлга чиқар эди. . .

У ўзининг ўқитувчиликка кирмасдан олдинги ҳаётини ўйламай қўйиб, унутаёган эди. Бир вақтлар унинг отаси бор эди; Москвада Красние вороти яқинида бир катта уйда турардилар, лекин у вақтдаги ҳаётидан, тушдагидай, баъзи бир ноаниқ нарсаларгина ёдида қолган эди. Ўн яшарлигида отаси ўлди, сўнгра кўп ўтмай онаси ҳам ўлди. . . Бир офицер акаси бор эди, аввал ўзаро хат

ёзиб туришарди, кейинроқ акаси хатга жавоб қайтармай қўйди, шу билан у ҳам дараксиз бўлиб кетди. Эски нарсалардан ёлғиз онасининг расмигина қолган бўлиб, мактабнинг захлигидан уннуқиб кетиб, ҳозир сочи билан қошдан бошқа ери кўринмас эди.

Уч чақиримча йўл юргандан сўнг, аравани ҳайдаб кетаётган чол, Семён орқасига қайрилиб:

— Шаҳарда бир чиновникни ушлаб жўнатишибди. Москвада немислар билан бирга шаҳар бошлиғи Алексеевни ўлдирибди деган гап бор,— деди.

— Буни ким айтди сенга?

— Иван Ионов қовоқхонасида газетадан ўқишди.

Яна анча вақтгача жим қолишди. Марья Васильевна ўзининг мактаби, яқинда имтиҳон бўлиши, у тўрт ўғил ва бир қизни имтиҳонга қўйиши тўғрисида хаёл сурмоқда эди. Шу пайтда, бултур унинг мактабида имтиҳон олган помешчик Ханов тўртта от қўшилган фойтунда буларга етиб олди! Фойтун аравага ёнма-ён бўлганда Ханов уни таниди ва таъзим қилиб:

— Салом! Уйга кетяптиларми?— деди.

Бу Ханов деганимиз, қирқ ёшлар чамасидаги чеҳраси сўлиқ, қарий бошлагани билиниб турган бир киши бўлиб, ҳали ҳам хотин-қизларга ёқадиган даражада чиройли эди. Унинг катта бир қўрғони бўлиб, ўша ерда ёлғиз турар, ҳеч ерда хизмат қилмас эди. Уни уйда у ёқдан бу ёққа ҳуштак чалиб бекор юради ёки бўлмаса ўзининг қари қароли билан шахмат ўйнаб ўтиради, дейишарди. Яна уни, кўп ичади, ҳам дейишарди. Дарҳақиқат, бултур имтиҳон вақтида, унинг олиб келган қоғозларида ҳам атир ва вино ҳиди бор эди. Уша куни унинг уст-бошлари янги бўлиб Марья Васильевнага жуда ёқиб тушган эди. Марья Васильевна унинг ёнида анча уялиб ўтирган эди. Одатда имтиҳон олувчилар сипо, сермулоҳаза кишилар бўлар, бунинг эса биронта ҳам оят эсида қолмаган, нимани сўрашни билмас, ҳаддан ташқари мулоғим ва сермулозимат бўлиб, фақат беш баҳо қўяр эди.

— Мен Баквистнинг олдига кетяпман,— деб гапида давом этди у, Марья Васильевнага қараб,— бироқ уни уйда эмас дейишяпти?

Тош йўлдан қишлоқ йўлига бурилдилар. Олдинда Ханов, орқада Семён. Йўл лой, Хановнинг отлари оғир фойтунни зўрға тортарди. Семён эса усталик қилиб гоҳ йўл четидан, гоҳ тепаликдан, гоҳ чимзор ерлардан йўл со-



либ, тез-тез аравадан тушиб, отларга мадад бериб бормоқда эди. Марья Васильевна эса ҳамон мактабини, имтиҳонда қийинми, осонми масала берилишини ўйлар эди. Кеча Земство маҳкамасига бориб ҳеч кимни тополмай қайтиб келгани унга алам қилар эди. Бу қандай тартибсизлик! Мана икки йилдан бери, ҳеч иш қилмайдиган, унга дағал муомала қилиб, ўқувчиларни урадиган қоровулни ишдан бўшатиб юборишларини илтимос қилади, лекин ҳеч ким унинг бу гапига қулоқ солмайди. Раисни маҳкамада топши қийин, топганда ҳам кўз ёши қилиб вақти йўқлигини билдиради; инспектор эса мактабга уч йилда бир борад ва қиладиган ишини билмайди, чунки илгари молияда ишлаган, инспекторликка ошна-оғайнигарчилик билан ўтган эди; мактаб кенгаши камдан-кам чақирилади ва қаерда бўлишини билиб бўлмайди; мутавали — чаласавод мужик кўнчилик корхонасининг хўжайини — ақли кўтоҳ, дағал бир киши бўлиб, қоровул билан жуда қалин оғайни, — киши кимга шикоят қилишни, кимдан маслаҳат сўрашни ҳам билмайди. . .

Марья Васильевна Хановга қараб қўйиб «У ҳақиқатан чиройли» деб ўйлади.

Йўл тобора ёмонлашмоқда. . . Урмонга киришди. Энди бурилиб ҳам бўлмас, йўл чуқур из бўлиб, сув билан тўлган. Тиканли дарахт шохлари юзга урилади.

— Йўл қалай? — деб сўради Ханов, кулиб.

Уқитувчи унга назар ташлади ва бу тентак бу ерда нима қилиб юради? деб ўйлади. — Пастқам, лойгарчилик ва хуноб жойда унинг пули, ҳусни, олган нозик тарбияси нима иш кўрсата олади? Унинг турмушида ҳеч қандай ҳаловат йўқ, худди Семён каби шу ярамас йўлдан азоб тортиб секин бормоқда. Петербургда, чет элда яшаш имконияти бўлса-ю, бу ерда туришнинг нима кераги бор? Бунчалик қийналмаслик ва кучер билан Семённинг чехрасидаги азоб-уқубат белгисини кўрмаслик учуноқ бу ярамас йўлни тузаттирилса ҳам бўларди, бундай бой одамга бу писанд эмас-ку; бу бўлса кулишдан бошқани билмайди, афтидан, унга барибирга, яхшироқ турмушнинг кераги йўққа ўхшайди. Ўзи яхши, мулойим ва содда одам, имтиҳон вақтида оятларни билмагани каби бу турмушнинг яхши эмаслигини ҳам билмайди. Мактабларга фақат глобус келтириб беради ва чиндан ҳам ўзини фойдали ҳамда халқ маорифи соҳасидаги отоқли арбоблардан бири деб билади. Бу ерда унинг глобуси кимга керак дейсиз!

— Эҳтиёт бўл, Васильевна, — деди Семён.

Арава қаттиқ қийшайиб, ағдарилишига оз қолди; Марья Васильевнанинг оёғига оғир бир нарса тушди — бу унинг харид қилган нарсалари эди. Лой кечиб тик тепаликка чиқиш керак; илон изи ариқчалардан шариллаб оқаётган сув йўлни бузиб ташлаган — бундай йўлдан қандай юриб бўлади! Отлар пишқирмоқда. Ханов фойтундан тушиб, йўл четидан юрди, эғнида узун пальто, жуда исиб кетган эди.

— Йўл қалай? — деб сўради Ханов яна кулиб. — Бу аҳволда фойтунни синдириш ҳеч гап эмас.

— Шундай кунда ким сизга йўлга чиқсин деди! — деб қатъий жавоб қилди Семён. — Уйда ўтираверсангиз ҳам бўларди-ку.

— Ота, уйда одам зерикади. Уйда ўтиришни ёмон кўраман.

У қариб қолган Семённинг олдида дадил ва тетик кўринар, бироқ юришидан унинг ишдан чиққан, заиф ва ҳалокати яқинлашиб қолганини кўрсатувчи қандайдир бир белги сезилиб турар эди. Урмондан вино иси келгандай бўлди. Марья Васильевна ваҳимага тушиб, нега ва нима учун ҳалок бўлаётгани номаълум бу кишининг ҳолига ачинди, хаёлидан, агар бу кишининг хотини ёки синглиси бўлганимда, уни ҳалокатдан қутқариш учун, эҳтимол, бутун ҳаётимни бағишлаган бўлар эдим, деган гап кечди. Хотини бўлиш? Дунёнинг иши қизиқ, мана у ёлғиз ўзи бир катта қўрғонда туради, бу эса якка ўзи бир пастқам қишлоқда яшайди. Уларнинг тенг бўлиб бирга туришларини хаёлга келтириш ҳам мумкин эмасдай ва бемаънидай туюларди. Гапнинг рости, дунёнинг иши ва кишиларнинг ўзаро муносабати шу қадар чигаллашиб кетганки, киши ўйласа ваҳимага тушиб, юраги орқасига тортиб кетади.

«Киши тушунолмайти, — деб ўйлади Марья Васильевна, — нима учун худо ҳусни, бундай хушмуомалаликни, мўлтиллаб турган дилрабо кўзларни заиф, бебахт ва фойдасиз кишиларга беради, нега улар кишига бу хилда ёқимли бўлиб кўринадилар».

— Биз шу ердан ўнгга бурилишимиз керак, — деди Ханов, фойтунга ўтираркан. — Хайр! Яхши боринглар!

Марья Васильевна яна ўзининг ўқувчилари, имтиҳон, қоровул, мактаб кенгаши ҳақида ўйлай бошлади; шамол ўнг томондан узоқлашиб бораётган фойтуннинг овозини олиб келганда, унинг бу фикри бошқа фикрлар билан ара-

лашиб кетди. Унинг чиройли кўзлар, муҳаббат ва ҳеч қачон амалга ошмайдиган бахтиёрлик тўғрисида ўйлагиси келар эди...

Хотини бўлиш? Эрталаб совуқ, печкани ёқадиган одам йўқ, қоровул қаёққадир кетган; ўқувчилар тонг сал ёриши биланоқ келиб олишган, оёқларида қор ва лойларни судраб киришган, шовқин-сурон кўтаришмоқда; ҳамма ёқ бесағанжом, ноқулай. Уй бўлса биргина хонадан иборат бўлиб, овқат ҳам шу ерда пиширилади. Дарсдан сўнг доим бош оғрийди, овқатдан сўнг юрак куяди. Уқувчилардан ўтин ва қоровул пули йиғиб мутавалига бериш, сўнгра бу хирсдан тўқ, сурбет мужикка, худо хайрингизни берсин, ўтин юборинг деб ялиниб-ёлбориш керак. Кечаси бўлса тушга имтиҳон, мужик ва қор тепалар кириб чиқади. Бундай турмуш уни қаритган ва ичига қўрғошин қуйгандек оғир, хунук, бесўнақай ва лавашанг қилиб қўйган, у ҳар нарсадан қўрқар, маҳкама аъзоси ёки мутавали ҳузурда ўтиришга журъат қилолмай тик турар, гапирганда «улар» деб сизлаб гапирар. Уни ҳеч ким ёқтирмас ва умри шу зайлда зерикиш билан, меҳру муҳаббатсиз, ёру биродарсиз, яхши таниш-билишсиз ўтиб бормоқда эди. Шу вазиятда, агар у бирон кишини севиб қолса, қандай даҳшат бўлар эди!

— Эҳтиёт бўл, Васильевна!

Яна тик тепалик...

Унинг ўқитувчиликка ҳеч лаёқати бўлмаса ҳам, муҳтожликдан кирган эди. У лаёқат нима, маърифатнинг фойдаси нималигини ҳеч қачон ўйламаган, унга ўз ишида ўқувчилар ва маърифат эмас, имтиҳон энг зарур нарса бўлиб туюлар эди. Лаёқат, маърифатнинг фойдасини ўйлашга имкон қани? Ўқитувчи, камбағал врач ва фельдшер оғир меҳнат билан банд бўлиб, ғоя учун, халқ учун хизмат қилаётганликларини ўйлаб, ўзларига тасалли беришга ҳам қўллари тегмайди, чунки уларнинг фикри-зикри бир парча нон, ўтин, ёмон йўллар, касалликлар билан банд бўлади. Ҳаёт кечириш мушкил бўлиб, қизиги йўқ ва унга фақат Марья Васильевнага ўхшаш индамас оғир карвонларгина узоқ чидай оладилар; лаёқат юзасидан, ғояга хизмат қилишларини гапирган тетик, асабий, таъсирчан кишилар эса тезда ҳафсалалари пир бўлиб, ишни йиғиштириб қўйишган.

Семён йўлнинг қуруқ ва яқинини мўлжаллаб аравани ўтлоқ ерлардан ҳайдаб, уйларнинг орасидан ўтмоқчи бў-

лар; бироқ бир жойда мужиклар йўл бермас, анови ер попники, ўтиб бўлмайдди, бу ёқда фалончи хўжайиндан ер олиб, зовур қазиган. Шундай қилиб, орқага қайтишга мажбур бўладилар.

Нижнее Городишчега етиб келдилар. Қовоқхона ёнида, ҳали қори кетмаган, гўнг ташланган ерда катта-катта шишаларда сульфат кислотаси ортилган аравалар турибди. Қовоқхонада одам кўп бўлиб, ҳаммаси аравакашлар эди. Димоққа ароқ, тамаки ва қўйтери ҳиди урар, кишилар баланд овоз билан гаплашар, оғир эшикни тарақлатиб очиб-ёпишар эди. Девор орқасидаги дўкончада тинмай гармон чалинарди. Марья Васильевна ўтириб чой ичар, унинг ёнидаги столда эса қовоқхонанинг димлигидан ва чойдан қизиб, терга ботган мужиклар ароқ ва пиво ичардилар.

— Эшитяпсанми Кузьма! — деб пойинтар-сойинтар гапиришар эди.— Нима бўлди! Ўзинг асра, ё раббий! Иван Дементьевич, мен сени! Қуда, ана қара!

Аллақачон маст бўлиб қолган қора соқол, чўтир мужик тўсатдан негадир таажжубланди-да, ёмон бир ибора билан сўкинди.

— Нега сўкиняпсан? Ҳей!— деди анча нарида ўтирган Семён аччиғланиб.— Кўрмаяпсанми: қиз ўтирибди!

— Киз эмиш...— деб масхара қилди кимдир нариги бурчақдан.

— Ифлос, анқов!

— Биз ҳеч нарса демадик...— деди хижолат тортиб пакана мужик.— Кечирасиз, биз ўз пулимизга, қиз ўз пулига... салом!

— Салом,— деб алиқ олди ўқитувчи.

— Сизни ҳурматлаб ташаккур билдирамыз.

Марья Васильевна роҳат қилиб чой ичар, у мужикларга ўхшаб қизарган, яна ўтин, қоровул ҳақида ўйлар эди...

— Қуда, шошма!— деган овоз нариги столдан эшитилди.— Вязовъелик ўқитувчи... таниймиз! Яхши қиз.

— Тузук қиз!

Оғир эшикни ҳамон тарақлатиб очиб ёпишар, биров кириб, биров чиқар эди. Марья Васильевна ҳамон ўз ўйи билан банд. Девор орқасида гармон ҳамон тинмай чалинар эди. Ерга — танга бўлиб тушиб турган офтоб нури пештахтага, деворга тушиб, сўнгра йўқолиб кетди; демак, қуёш чошгоҳдан ўтди. Нариги столдаги мужиклар йўлга отландилар. Пакана мужик бир оз гандираклаб Марья

Васильевнанинг олдига келиб қўлини узатди; унга қараб бошқалари ҳам қўл узатиб хайрлашдилар ва бирин-кетин чиқиб кетдилар. Оғир эшик тўққиз марта тарақлади.

— Васильевна, ҳозирлан! — деди Семён.

Жўнадилар. Яна секин бордилар.

— Яқиндагина бу Нижнее Городишчеларида мактаб қурилди, — деди Семён орқасига қайрилиб. — Роса инсоф-сизлик қилишибди-да!

— Нима қилишибди?

— Раиси мингни, мутавалиси мингни, ўқитувчиси беш юзни ҳамёнларига уриб қолишибди.

— Мактабнинг ўзи минг сўм туради. Бировларга бунақа тўхмат қилиш яхши эмас, ота. Бу бўлмаган гап.

— Билмадим... Одамлар нима деса мен ҳам шуни гапирдим.

Ўқитувчининг бу гапига Семённинг ишонмаганлиги кўришиб турарди, унинг гапига деҳқонлар ишонмас эди; улар доим у жуда катта мояна олади — йигирма бир сўм (беш сўми ҳам кифоя) яна болалардан йиққан ўтин ва қоровул пулининг ҳам кўп қисмини ўзи олиб қолади деб ўйлар эдилар. Мутавали ҳам худди шундай деб ўйлар, ўзи ҳам ўтин пулидан унча-мунча уриб қолар ва мутавалилиги учун бошлиқларга билдирмасдан мужиклардан мояна олиб турар эди.

Худога шукур, ўрмон тамом бўлди, энди то Вязовьегача текис дала. Ўзи ҳам яқин қолди: дарёдан, сўнгра темир йўлдан ўтилса Вязовье келади.

— Қаёққа ҳайдаяпсан ўзи? — деб сўради Марья Васильевна Семёндан. — Унгадаги йўлдан кўприк томонга юр!

— Нима? Шу ерданам ўтаверамиз. Жуда ҳам ўтиб бўлмайдиган эмас.

— Эҳтиёт бўл, ишқилиб отни фарқ қилмайлик.

— Нима?

— Ана, Ханов ҳам кўприк томонга кетяпти, — деди Марья Васильевна ўнга — узоқда кетаётган фойтунни кўриб. — Ўша бўлса керак?

— У-ўша. Баквистни тополмаганга ўхшайди. Обботентаквой, эй худо-ей, ўша ёққа кетяпти, нима учун, ахир бу ёқнинг роса уч чақирим яқинлиги бор-ку.

Сой бўйига ҳам етиб келишди. Бу сойнинг ёзда суви жуда камайиб, кечиб ўтиш осон бўлар, август ойида одатда суви қуриб қолар эди; ҳозир тошқин вақтида эса, кенглиги олти саржин келадиган лойқа, суви совуқ ва тез

оқар бир дарё эди; қирғоқларида янги ҳосил бўлган арава излари бўлиб, сувга тегиб турар эди,— демак бу ердан арава ўтган.

— Олға! — деб қичқирди Семён, жаҳл ва ҳаяжон билан юганини қаттиқ силтаб, қанот қоқаётган қушдай тирсақларини кериб.— Олға!

Отнинг қорни сувга тегиб тўхтади, бироқ шу заҳотиёқ зўр бериб яна тортиб кетди, Марья Васильевна оёғи муздай бўлганини сезди.

— Олға! — деб қичқирди у ҳам ўрнидан туриб.— Олға!

Қирғоққа чиқишди.

— Бу қанақаси бўлди энди, оббо,— деб ғудурлади Семён от жабдуғини тузатаётиб.— Бу Земствонинг иши бутунлай азоб-уқубат...

Калош ва бошқаларга сув тўлган. Қўйлағи билан пўстинининг этағи, бир енги ҳўл бўлиб сув томиб турар эди; шакар билан ун ивиб кетган, ҳаммасидан ҳам шуниси алам қилар эди, Марья Васильевна жаҳли чиққандан фақат қўлини қўлига уриб:

— Эҳ, Семён, Семён!.. Ўзинг ҳам тўғрисини айтсам!.. — дерди.

Темир йўлга яқинлашганда кўтарма ғов туширилди: Станциядан курьер поездеи келмоқда эди. Марья Васильевна кўтарма ғов ёнида унинг ўтиб кетишини кутиб тик турар, совуқдан аъзойи бадани титрар эди. Энди Вязовьеннинг кўк томли мактаби, крестлари, кечки офтобда товланиб турган черкови кўриниб турарди. Станция деразалари ҳам ёруғ, паровоздан қизғиш тутун чиқмоқда... Марьяга ҳамма ёқ совуқдан титраётгандай бўлиб туюлар эди.

Мана — поезд; вагон деразалари черков крестлари каби офтобда товланмоқда, қараса кўз қамашади. Биринчи класс вагонининг йўлагиди бир хотин турибди, Марья Васильевна унга кўз ташлади: онаси! Худди онасига ўхшар эди! Онасининг ҳам сочи худди шундай ҳурпайган, пешонаси ҳам, бошини эгиб туриши ҳам онасига ўхшар эди. У, ўн уч йил мобайнида энди биринчи марта онасини, отасини, акасини, Москвадаги уй-жойини, аквариумдаги баликчаларини то майда-чуйда нарсаларигача ҳаммасини тез ва равшан кўз олдига келтирди, бир он қулоғига рояль ва отасининг овози эшитилди, ўзини ўша вақтдагидай ёш, чиройли, ясанган ҳолда ёруғ ва иссиқ уйда ўз яқин-

лари билан тургандай ҳис қилди; бирдан уни шодлик ва бахтиёрлик ҳисси қуршаб олди, шодликдан икки чеккасини кафтлари билан сиқиб латиф оҳангда илтижо қилгандай:

— Ойи! — деб қўйди.

Яна негадир йиғлаб юборди. Шу онда фойтунда Ханов етиб келди. Марья Васильевна уни кўриб, бениҳоят, севинди, гўё ўз тенги ва яқин кишисини кўргандек табассум билан унга қараб бош ирғатди, кўкда ҳам, бутун деразаларда ҳам, дарахтларда ҳам унинг бахти кулаётгандек туюлди. Ҳа, унинг ота-онаси ҳам ўлгани йўқ, у ўқитувчи ҳам бўлган эмас, буларнинг ҳаммаси узоқ, оғир ва ажиб туш эди, энди у уйғонди...

— Васильевна, аравага туш.

Бирдан хаёлидаги ҳамма нарсалар ғойиб бўлди. Кўтарма ғов секин кўтарилди. Совуққа қотган Марья Васильевна секин аравага тушди. Темир йўлдан олдин фойтун, сўнгра Семён ўтди. Темир йўл қоровули шапкасини қўлига олиб салом берди.

— Мана Вязовъега ҳам етиб келдик.

## ФИЛОФ БАНДАСИ

Кеч қолган овчилар тунаш учун Мироносицкое қишлоғининг бир четидаги оқсоқол Прокофийнинг саройига тушдилар. Улар икки киши бўлиб, биттаси ветеринария врачлари Иван Иванич, иккинчиси эса гимназия муаллими Буркин эди. Иван Иваничнинг қўшалок ва қизиққина бир фамилияси бўлиб, ўзига ярашмаган бу фамилия Чимша-Гималайский эди. Шунинг учун ҳам уни бутун губернада оти ва отасининг номи билан аташарди. У шаҳарга яқин бир жойда от заводида яшар ва тоза ҳавода нафас олмоқ учун овга чиққан эди. Гимназия муаллими Буркин бўлса, ҳар ёз граф Пларникида меҳмон бўлар ва кўпдан бери бу ернинг ўз кишиси бўлиб кетган эди.

Улар кечаси ухламай чиқдилар. Новча, ориқ ва узун мўйловли чол — Иван Иванич ташқарида, эшик олдида, ой ёруғида ўтириб трубка чекар, Буркин бўлса, ичкарида пичан устида ётар ва қоронғида кўринмас эди.

Турли воқиаларни гапирдилар. Сўз орасида, оқсоқолнинг хотини Мавранинг бақувват ва эсликкина хотин экани, бутун умрида ўз қишлоғидан ташқарига чиқмагани, ҳеч қачон шаҳарни ҳам, темир йўлни ҳам кўрмагани, сўнги ўн йил ичида печь олдидан силжимасдан кечаларигина кўчага чиқишини ҳам сўзладилар.

— Бунинг ҳайрон қоладиган нимаси бор! — деди Буркин. — Бу дунёда табиатлари бир хил бўлган ва қисқичбақа ёки шиллиқ қурт каби бекиниб, ўз пўстлари ичига кириб ётишни севган кишилар оз эмас. Балки бу бир атавизм ходисасидир, яъни одам болаларининг катта боболари ҳали ижтимоий ҳайвон бўлмаган ва якка ўзи ўз инида яшаган замонларга қайтишдир; балки одам боласининг характеридаги турли-туманликнинг бир кўриниши шудир — ким



билади дейсиз? Мен табиатшунос эмасман ва бу хил ма-салаларга аралашиниш менинг ишим эмас, мен фақат шуни айтмоқчиманки, Мавра сингари кишиларнинг учраши сий-рак ҳодиса эмас. Узоқдан изламайлик, мана, икки ойча илгари шаҳаримизда, грек тили муаллими Беликов деган бир ўртоғим ўлди. Сиз унинг тўғрисида эшитган чиқарсиз, албатта. У, одам шу билан танилган эдики, доим, ҳатто об-ҳаво жуда яхши пайтда ҳам, калиш кийиб, соявон тутиб ва албатта иссиқ пахтали пальто кийиб юарди. Унинг соявони ҳам ғилофда, соати ҳам кул ранг чарм ғи-лофда, қалам очиш учун ёнидан қаламтарошини олганда, қаламтарошнинг ҳам қинда эканини кўрардингиз; юзи ҳам ғилофга тушгандай кўринарди; чунки у, ҳамма вақт ёқа-сини баланд кўтариб, юзини ёқаси билан бекитарди. У қора кўзойнак тақар ва фуфайка кияр, қулоғига пахта тиқиб юар ва извошга тушганида соявонни кўтариб қў-йишни буюрарди. Хуллас, бу кишида ўзини бир ғилоф ичига олиш, ўзининг ёлғизлигини таъминлайдиган ва таш-қи таъсирлардан қўрийдиган бир ғилоф яратиш йўлида доимий ва бўшашмас бир ҳаракат борлиги сезилиб турар-ди. Воқелик унинг ғашини келтирар, қўрқитар ва доим ташвишга соларди; у ўзининг юраксизлигини, ҳозирги ҳол-га бўлган нафратини оқлаш учун бўлса керак, ҳамиша ўт-ган замонни ва ҳеч бир содир бўлмаган нарсаларни мақ-тарди. Унинг ўқитадиган қадимги тиллари ҳам, тўғриси-ни айтганда, унга ҳозирги ҳаётдан бекиниш учун калиш ва ссявон вазифасини ўтарди.

У тотли бир ифода билан:

— О, грек тили нақадар оҳангдор ва чиройли!— дер ва гўё ўз сўзларининг ростлигини исбот этмоқ учун, кўзла-рини сузиб, бармоқларини кўтариб туриб:— Антропос!<sup>1</sup> — деб кўярди.

Беликов фикрларини ҳам ғилоф ичига яширишга тири-шарди. У, бирон нарсани манъ қилиб ёзилган фармойиш-лар ва газета мақолаларинигина очиқ англарди. Фармо-йишда мактаб болаларига кечаси соат тўққиздан сўнг кў-чага чиқиш манъ этилган бўлса, ёки биронта мақолада жисмоний севги тақиқланган бўлса, бу нарса унга оппа-очиқ ва равшан англашилиб турарди; манъ қилинган-ми — бўлди. Ижозатда эса унинг учун доим шубҳали, ча-ла айтилган ва чучмал бир нарса яшириниб ётарди. Ша-

<sup>1</sup> Антропос (грекча) — одам.

ҳарда театр тўгараги, ёки қироатхона, ё бўлмаса буфет очишга рухсат берилса, у бошини тебратиб туриб астагина:

— Бу, албатта, шундайку-я, бу — яхши иш, лекин орқасидан бир фалокат чиқмасин! — дерди.

Қай хилда бўлмасин қондаларнинг бузилиши, уларга рия қилинмаслиги ва улардан бўйин товлашлар, гарчи унга алоқаси бўлмаса ҳам, уни ташвишга соларди. Агар ўртоқларидан бирортаси ибодатга кечикиб қолса, ёки гимназия талабаларининг бирор шўхликлари ё бўлмаса бемаҳалда бирор офицер билан бирор мураббиянинг бирга юрганини эшитиб қолса, ҳадеб хавотирланар, бир фалокат чиқмасин тагин деяверарди. Педагогика совети йиғилишларида эса, ўзининг ортиқча эҳтиёткорлиги, бадгумонлиги ва ғилофли мулоҳазалари билан тинкамизни қуритарди. Мана, ўғил ва қизлар гимназияларида ёшлар ўзларини яхши тута олмайдилар, синфларни бошларига кўтариб шовқин-сурон қиладилар, оҳ, иш қилиб бошлиқлар қулоғига етмаса яхши эди; иш қилиб бир фалокат чиқмасинда; агар иккинчи синфдан Петров, тўртинчи синфдан Егоров ҳайдалса жуда яхши бўлар эди, деган гапларни айтаверарди. Нима бўлар эди дерсиз? У ўзининг оҳ-воҳлари, қайғу-ҳасратлари, сассиқ кўзанга ўхшаш кичкинагина рангсиз юзидаги қора кўзойнаги билан ҳаммамизни босиб турарди. Биз эса унга ён бериб, Петров ва Егоровларнинг одоб дарси бўйича баҳоларини пасайтириб, ўзларини бир уйга қамаб қўяр эдик; ахир бориб Петровни ҳам, Егоровни ҳам ҳайдадик. Унинг қизиқ бир одати бор эди, яъни бизнинг уйларимизга кўп қатнар эди. Ўқитувчиларникидан бириникига келарди-да, жимгина ўтирарди, гўё яширинча алланарсани пойларди. Шу ҳолда, индамасдан бирикки соат ўтириб кетарди. Бу нарсани унинг ўзи «дўстлар билан яхши муносабатда бўлмоқ» деб атарди. Бизнинг билишимизча, бизникига келиб кетиш, унинг учун анча оғир эди, лекин бу нарсани ўзининг ўртоқлик вазифаси, деб ҳисоблар эди. Биз, ўқитувчилар ундан қўрқар эдик; ҳатто директорнинг ўзи ҳам қўрқарди. Бизнинг ўқитувчиларимиз — фикр эгаси, ор-номусли, Тургенев ва Шchedрин каби ёзувчиларнинг асарларини ўқиб тарбияланган кишилар бўлса-да, унга тоб беролмадилар. Бошидан соявони ва оёғидан калиши тушмайдиган шу одам гимназиямизни ўн беш йил мобайнида ўз қўлида маҳкам тутиб келди. Елғиз гимназиянигина эмас, бутун бир шаҳарни!

Бизнинг хонимларимиз, унинг сезиб қолишидан қўрқиб шанба оқшомлари оилавий томошалар қилмас, ҳатто руҳонийлар ҳам унинг олдида баҳузур овқатланишдан ва карта ўйнашдан тортинадилар. Беликов сингари одамлар таъсири остида сўнги ўн-ўн беш йил ичида бизнинг шаҳримизда ҳар нарсадан чўчийдиган бўлиб қолишди. Дадилроқ гапиришдан, хат бериб, хат олишдан, ошначилик қилишдан, китоб ўқишдан, камбағалларга ёрдам беришдан, одамларга савод ўргатишдан қўрқиб қолишди...

Иван Иванович алланима демоқчи бўлиб, йўталди, тамакисини чекиб туриб, ойга қаради-да, кейин дона-дона қилиб гапирди:

— Фикр эгалари бўлган ор-номусли, Шchedринни, Тургенев ва Бокларни<sup>1</sup> ўқиган кишилар ҳам шунга бўйин эгиб, чидабдилар-ку... шунақа бўлади-да...

<sup>1</sup> Буркин давом этди:

— Беликов мен турган бинода бир қаватда яшар, эшиги эшигим тўғрисида эди. Биз тез-тез кўришиб турардик, мен унинг турмушини билардим. Уйда ҳам ўша аҳволда эди: ўша чопон, ўша дарпарда, ўша илгаклар, ўша турлитуман тақиқлар, чеклашлар ва «оҳ, бир фалокат чиқиб қолмасин тағин!» — деган ваҳималар. Ёвғон овқат зарарли, ёғли овқат эса бўлмайди, чунки Беликов овқат тўғрисида дин амрига бўйин эгмайди, дейдилар. Шунинг учун у сариеъда қовурилган балиқ ер эдики, бу дин амрига ҳам тўғри, қашшоқ овқати ҳам эмас. Одамлар бадгумон бўлмасинлар деб хотин кишидан хизматчи сақламас эди. Балки бир замонлар бир офицернинг хизматида бўлиб, наридан-бери қозон қайнатишни ўрганган Афанасий номли олтмиш яшар, пияниста ва телбароқ бир чолни ошпаз қилиб олган эди. Бу Афанасий ҳар вақт, икки қўлини қўлтиғига тиқиб, дераза олдида турар ва доим қаттиқ оҳ тортиб:

— Шу замонда уларнинг уруғи тозаям кўпайган-да,— дерди.

Беликовнинг ётоқхонаси, кичкинагина яшикка ўхшаган бўлиб, кроватига парда тутилган эди. У, бошини буркаб ухларди; қолбуки ҳаво жуда иссиқ, дим ёпиқ эшикни шамол тақиллатар, печкадан гуруллаган овоз чиқар, ошхона томондан ваҳимали садолар келиб турарди.

<sup>1</sup> Бокль (1821—1862) — инглиз ёзувчиси, «Англия маданияти тарихи» номли 60—70-йилларда машҳур бўлган китобнинг автори.

Уни кўрпага бурканиб ётган жойда ҳам ваҳима босарди. У бир фалокат чиқмаса яхши эди — Афанасий мени сўйиб қўймасин, ўғрилар уриб кетмасин деб ваҳима қилар ва тун бўйи кўрқинчли тушлар кўриб чиқарди. Эрта-лаб гимназияга бирга кела ётганимизда ранги ўчган, қовоғи солиқ бўларди; шу қадар обод ва одам кўп гимназия унга кўрқинчли туюлгани, бутун борлигини сескантиргани, бутун вужуди билан ёлғизликни севган бу кишига мен билан, бир тоифа киши билан, бирга бориш ҳам малол келгани яққол сезилиб турарди. У ўзининг шу бадқовоқлига маъно беришга уриниб:

— Бизнинг синфларда шовқин-сурон катта, бу сира ярашмайдиган ҳол,— дерди.

Мана шу грек тили муаллими, шу ғилоф бандаси, мен сизга айтсам, бир кун сал бўлмаса уйланай девди.

Иван Иванович тезгина сарой томонга қараб олди-да: — Ҳазилдир!— деди.

— Йўқ, ишонинг, бу ғалати гап-у, лекин уйланишига сал қолгани аниқ. Бизга хохоллардан Михаил Савич Коваленко деган бир одамни тарих ва география муаллими қилиб тайинлаган эдилар. У Варенька деган опаси билан бирга келган эди. У ўзи ёш, новча, қорачадан келган бир киши бўлиб, қўллари йўғон, гапирганда ҳам йўғон овоз билан гапириши юзидан ҳам билиниб турар, ҳақиқатан ҳам унинг овози хумдан чиққандай «гум-гум» қилиб чиқарди. . . Опаси эса, кўп ҳам ёш эмас, ўттизларга бориб қолган, у ҳам новча, қадди-қомати келишган, қора қошли, қизил юзли, қисқаси шакардаккина бўлиб, шўх, ўйноқи, ҳамма вақт малорус ашулаларини айтиб, қаҳ-қаҳ уриб кулиб юрар эди. Сал нарсага ҳам овози борича хохолаб кулар эди. Коваленколар билан бизлар биринчи марта директорникида, туғилган кунни шарафига берилган зиёфатда тузукроқ танишганимиз хотиримда. Ҳатто зиёфатларга ҳам вазифаси юзасидан борувчи, қовоғи солиқ, ғоят кўнгилсиз ўқитувчилар орасида, бирданига тўлқинлар мавжида янги Афродита<sup>1</sup> пайдо бўлди. Икки қўлини белига қўйиб, хохолаб кулиб, ашула айтди, ўйнади. . . У «Шамол эсади» деган малорус ашуласини жуда берилиб айтди, сўнгра романслар куйлади, ундан кейин яна қў-

<sup>1</sup> *Афродита* — грек афсоналаридаги муҳаббат тангриси, бу афсоналарда Афродита денгиз кўпикларидан бино бўлган дейилади.

шиқлар айтиб берди, қисқаси бизнинг ҳаммамизни, ҳатто Беликовни ҳам ўзига мафтун қилди.

Беликов унинг олдига бориб ўтирди-да, ширин бир кулиш билан:

— Малорус тили майинлиги ва ёқимли эшитилиши билан қадимги грек тилини эслатади,— деди.

Бу сўз қизга ёқиб тушди, шундан сўнг у кўнглидан чиқариб ва ишонадиган қилиб Беликовга Гадяч уездига ўз қўрғони борлигини, у қўрғонда онаси яшагини ва у ерда мева-чева, қовун-тарвузлар ва ошқовоқлар беҳисоб кўплигини сўзлаб берди. Хохоллар ошқовоқни қовоқ, қовоқни эса шинка деб айтишларини, помидор ва бақлажон солиб «ниҳоятда ширин, ниҳоят даражада мазали» шўрвалар пиширишларини ҳам гапирди.

Биз индамасдан қулоқ солиб ўтиравердик. Сўнгра бир-дананига ҳаммамизнинг миямизга бир фикр келди.

Директорнинг хотини менинг қулоғимга секингина:

— Икковининг бошини қўшиб қўйсак яхши бўлар эди,— деди.

Шу вақтда ҳаммамиз негадир Беликовнинг хотинсиз эканини эсладик ва ҳозиргача бун пайқамасдан, унинг ҳаётидаги шу муҳим ҳолатни бутунлай назаримиздан четда қолдириб келганимиз ўзимизга ҳам ғалати туюлди. Умуман бу одам хотин кишига қандай қарайди, бу одам шу муҳим ва зарур масалани ўзи учун қандай ҳал қилади? Илгари биз бу масалага ҳеч бир қизиқмас, ҳар қандай об-ҳавода оёғидан келишини ечмайдиган, парда тутиб ухлайдиган бу одамнинг сева олиши мумкинлигини биз ҳаёлимизга ҳам келтирмаган эдик.

Директорнинг хотини ҳалиги фикрни изоҳ қилди:

— Бу одам аллақачонлар қирқдан ошган, хотин бўлса ўттизда, менинг фикримча хотин йўқ демас.

Бизнинг вилоятда одамлар зерикканларида нималар қилмайдилар, қандай кераксиз ва бўлмағур ишлар билан шугулланмайдилар! Бунинг сабаби шуки, керакли иш бутунлай қилинмайди. Бўлмаса хотин олиб умр кечиришини тасаввур қилиш мумкин бўлмаган ана шу Беликовни уйлантиришимизнинг нима кераги бор эди? Директор хотини, инспектор хотини ва бошқа бутун гимназия хонимлари, худди, бирдан ҳаёт маъносини билгандек жонланиб, ҳатто чехралари ҳам очилиб кетди. Директор хотини театрда бир ложани сотиб олди, бир вақт қарасак унинг ложасида қўлида ғалати бир елпиғич, юзи гулдек очилиб, кулиб-

ййраб Варенька, унинг ёнида эса, уйдан омбир билан суғуриб келтирилгандай, кичкинагина, бужмайган Беликов ўтирарди. Бир кун мен зиёфат бермоқчи бўлдим, хонимларнинг ҳаммаси Беликов билан Варенькани чақиришимни талаб қилдилар. Хуллас, иш юришиб кетди. Маълум бўлдики, Варенька ҳам эрга тегишга рози экан. Унинг укасиникида туриши унча ҳам қувончли эмас, куни билан уришиб, койишар эканлар. Мана бир кўриниш: кўчадан узун бўйли ва йўғон гавдали, баҳайбат Коваленко ўтиб боради, устида гуллик кўйлак, шапкасининг остидан чиқиб турган сочлари пешонасига тушиб туради; бир қўлида даста китоб, яна бир қўлида йўғон сербутоқ таёқ. Кетида опаси боради, унинг қўлида ҳам бир даста китоб.

Опаси овозини баланд қўйиб, укаси билан гап талашади:

— Сен, Михайлик, бунинг ўқиган эмассан. Мен сенга айтаман, онд ичиб айтаманки, бу китобни қўлингга ҳам олган эмассан.

Коваленко таёғини ерга уриб, чулдираб:

— Мен дейманки, ўқиганман! — деди.

— Ё худойим-э! Ё худойим-э! Нега жаҳлинг чиқади, Минчик! Биз сен билан муҳим масала устида гаплашаётирмиз-ку.

— Мен сенга дейманки, ўқиганман, ўқиганман! — деди Коваленко яна ҳам баттар чулдираб.

Уйда эса бегона одам келгудай бўлса, дарров уриш бошланади. Бу хил турмуш жонга тегиб, кўнгли рўзгор тусаб қолган шекилли, бунинг устига ёш масаласини ҳам эътиборга олиш керак, энди эр танлайдиган вақт ўтган, ҳозир кимга бўлса ҳам, ҳатто грек тили муаллимига ҳам тегмай илож йўқ. Зотан кўп қизларимиз учун шу топда кимга тегишнинг аҳамияти йўқ, эр бўлса бас. Ҳар қалай Варенька бизнинг Беликовга очиқ майл кўрсата бошлади.

Беликов-чи? У Коваленконикига ҳам бизникига қатнагани сингари келиб турарди. Уникида ҳам индамасдан ўтирарди. У индамай ўтирар, Варенька бўлса, унга «Шамол эсади»ни айтиб берар, ё бўлмаса, ўзининг қора кўзлари билан Беликовга ўйчан қарар, ёки бирданига:

— Ха-ха-ха,— деб куларди.

Муҳаббат ишларида, айниқса уйланишда, ишонтиришнинг роли катта. Ҳамма ўртоқлар ва барча хонимлар — ҳаммамиз бир бўлиб, Беликовга унинг уйланмоғи лозимлигини, унинг ҳаётида уйланмоқдан бошқа бирор муҳим

нарса қолмаганини айтиб, ишонтиришга киришдик, ҳаммамиз бирдан уни табрикладик, энг жиддий қиёфа билан унга ҳар турли бемаъни гапларни айтдик, чунончи уйланиш жуда муҳим деган гапларни қилдик; бунинг устига Варенька ҳам чакки эмас, кишининг ҳаваси келадиган сулув қиз эди; улуғ мартабали статский советникнинг қизи бўлиб, ўз ҳовли-жойи бор эди, ҳаммадан муҳими Беликовга меҳрибонлик билан ва чин кўнгилдан қараган бирдан-бир хотин эди. Мана шу сабаблар туфайли унинг боши айланди ва у, энди дарҳақиқат уйланмасам бўлмас экан, деган хулосага келди.

— Мана энди унинг калиш билан соявонини ташла-тиш мумкин бўлади.— деб қўйди Иван Иванович.

— Кўрингки, шундай қилиш мумкин бўлмади. У Вареньканинг суратини ўз столи устига қўйиб, тез-тез мени-кига келиб Варенькадан, оила ҳаётидан ҳамда уйланиш-нинг муҳимлигидан гапирар эди; тез-тез Коваленконикига ҳам қатнаб турарди, лекин бу билан туриш-турмуши ҳеч бир ўзгармади. Аксинча уйланишга жазм қилиш унга ёмон таъсир қилиб, озиб-тўзиб кетди ва ўз филофига яна баттарроқ кириб олгандек бўлди.

Бир кун у ғайри табиий бир кулиш билан:

— Варвара Саввишча менга ёқади, ҳар бир кишига уйланмоқ кераклигини биламан, лекин... бу ишлар бирданига бўлиб қолди. Уйлаб кўриш керак-да,— деб қолди.

— Нимасини ўйлайсиз? — дедим унга.— Уйланинг, вассалом.

— Йўқ, уйланиш ҳазил эмас, бўйнингга тушалиган вазифаларни, жавобгарликларни олдин тарозига солиб хўп ўлчаб кўрмоқ керакки... орқасидан бир балоси чиқмасин. Бу нарса мени шу қадар ташвишга солалики, кечалари ухламай чиқаман. Гапнинг ростини айтсам, мен кўркаман ҳам: укаси билан икковининг фикру хаёллари бошқачароқ, уларнинг фикр юргизишлари, билсангиз бир оз ғалати ва характерлари ҳам жуда ўткир. Уйланиб қўйиб, бирор ҳодисага илашиб қоласан киши.

Шундай қилиб у, уйланиш ҳаракатида бўлмади, директор хотинини ва ҳамма хонимларимизни хижолат қилиб, тўйни кейинга сураверди; ҳадеб бўйнига тушалиган вазифа ва жавобгарликларни тарозига соларди, иккинчи томондан эса, ҳар кун деярли Варенька билан бирга сайр қилишарди. Эҳтимол бу нарсани ўз мавқеига муносиб деб ўйлагандир. Сўнгра баъзан меникига келиб, оила ҳаёти

тўғрисида гаплашиб ўтирарди. Эҳтимол, бориб-бориб, у тўй ҳаракатига тушар — бизнинг орамизда бекорчилик ва зерикишдан бўлиб турадиган минглаб кераксиз ва номаъқул уйланишлардан биттаси рўй берар эди, лекин бу орада катта бир жанжал — Kolossalischer Scandal чиқиб қолди! Шунини айтиш керакки, Вареньканинг укаси Коваленко биринчи танишган кундан бошлаб Беликовни ёмон кўриб қолган ва уни кўрса жаҳли чиқарди .

У бир куни елкасини қисиб, бизга шундай деди:

— Тушуна олмайман, сира тушуна олмайман, бу чакимчи ва бу хунук башарани сиз қандай ҳазм қила olasиз? Э, афандилар, сиз бу ерда қандай яшай olasизлар! Муҳитингиз — нафасни бўғувчи ва сассиқ бир муҳит. Сиз ҳам педагоглар-у, муаллимлармисиз? Сиз — амал бандаларисиз, сизнинг мактабингиз билим манбаи эмас, молфурушлар дўкони. Миршабларнинг буджаси каби ҳар тарафдан сассиқ ҳид чиқади. Йўқ, биродарлар, сизнинг ёнингизда кўп тура олмайман, яқинда ўз қўрғонимга қайтиб бориб, қисқичбақа овлаб, хохол болаларини ўқитиб юраман. Кетаман мен, сиз бу ерда ўша мунофиқ махлуқингиз билан ётаверинг!

У гоҳ йўғон, гоҳ ингичка товуш билан ичаги узилгудек бўлиб кулар ва таажжуб билан:

— Нима қилиб ўтиради меникида? Унга нима керак? Бақрайиб ўтираверади,— дерди.

У ҳатто Беликовга «текинхўр ўргимчак» деган ном қўйиб олган эди. Албатта, биз опаси Вареньканинг шу «ўргимчак»га тегиш истагини сездирмасликка тиришар эдик. Бир кун директоримизнинг хотини унга опасини шундай бамаъни ва ҳамма ҳурмат қиладиган Беликов сингари одамга бериш маъқул бўлар деган мазмунда шама қилган эди, у қовоғини солиб:

— Бу менинг ишим эмас, опам хоҳласа, заҳарли илонга тегсин, бировларнинг ишларига аралашини ёмон кўраман,— дебди.

Энди бу ёғини эшитинг, бир ҳазилкаш одам ҳажвий расм солибди, оёғида калиш, шимининг почаси қайтарилган, бошида соявон — Беликов келмоқда; у Варенькани қўлтиқлаб олган; расм тагида «ошиқ антропос» деган ёзув бор. Бу кўриниш жуда усталлик билан солинган. Рассом, бу расм устида бир неча кун ишлаган бўлса керакки, ўғил ва қизлар гимназияларининг ҳамма муаллимларига, семинария муаллимларига, маъмурларга, ҳамма-



га ана шу расмдан бир нусхадан тегди. Беликовнинг ўзи-га ҳам тегди. Бу расм унга жуда қаттиқ таъсир қилди.

Биринчи май — якшанба куни эди, биз гимназия муаллимлари билан ўқувчилар, гимназия олдида тўпланишиб, ҳаммамиз шаҳардан ташқарига, ўрмонга пиёда бормоқчи бўлдик. Шунда Беликов икковимиз уйдан биргаллашиб чиқдик, у кўкариб кетган, қовоғидан қор ёғилар эди.

— Қандай ёмон, ёвуз одамлар бор дунёда!— деб нолиди у ва шу заҳоти лаблари пирпираб кетди.

Унга ҳатто раҳмим келди. Кетаётсак, ёнимиздан бирданига велосипед минган Коваленко ўтиб қолди. Унинг кетидан велосипед минган Варенька борарди, у қизарган, энтиккан, лекин қувноқ, хушчақчақ эди.

— Биз сиздан олдинроқ бориб турамиз! Шундай яхши, шундай соз ҳавоки, асти қўяверинг!— деб қичқирди Варенька.

Шундай деб иккаласи ҳам кўздан ғойиб бўлди. Бизнинг Беликов башараси кўкдан оққа айланди ва ўзи қотиб қолди. Тўхтаб менга қаради.

— Менга қаранг, бу нима гап ўзи?— деб сўради у мendan.— Эҳтимол кўзимга шундоқ кўринаётгандир? Йўқса, гимназия муаллимларига ва аёл кишига велосипед миниб юриш ярашадими?

— Ярашмаслиги ҳам борми?— дедим.— Қўяверинг, миниб роҳат қилсинлар.

Менинг бепарво гапирганимга ҳайрон бўлиб:

— Нечук бундай бўлсин?— деб қичқирди.— Бу нима деганингиз?

У шу қадар эсанкираб қолган эдики, ўрмонга боришдан воз кечиб, уйга қайтиб кетди.

Эртаси, кун бўйи тажанглик билан қўлларини ишқаб ва сесканиб юрди, унинг афтидан мазаси кетганлиги билиниб турарди. Умрида — ҳаётида биринчи ўша куни дарсни ҳам ташлаб кетди. Обед ҳам қилмади. Кеч киргач, ёз ҳавосидек илик ҳаво бўлишига қарамасдан иссиққина кийиниб Коваленколарникига қараб кетди. Варенька уйда йўқ эди, укаси билан учрашиб қолди,

— Марҳамат, ўтиринг!— деди Коваленко, совуқ бир овоз билан ва қовоғини солди, юзларидан эндигина уйқудан тургани кўринарди. Кундузги обеддан сўнг ухлаб, эндигина турган бўлса керакки, кайфи жойида эмас эди.

Беликов индамасдан ўн минутча ўтирди ва шундан сўнг гап бошлади:

— Мен сизнинг ёнингизга юрагимни бир оз бўшатай деб келдим. Мен жуда ёмон, жуда қаттиқ мусибат тортаётирман. Аллақандай бир ҳазилкаш одам, мени ҳамда бизнинг икковимизга жуда яқин бўлган бир муҳтарам хонимни кулги қилиб сурат чизибди. Бу ишда менинг ҳеч бир айбим йўқлигига сизни ишонтирмоқни ўз бурчим деб биламан. Бу хилда ҳазилнинг рўй бериши учун менинг томонимдан ҳеч қандай сабаб содир бўлган эмас, аксинча, мен ўзимни ҳамма вақт одобли бир одамдек тутаман.

Коваленко қовоғини солиб, индамасдан ўтирди. Беликов яна бир оз жим қолгач, оҳиста ва қайғули овоз билан сўзида давом этди:

— Мен сизга яна баъзи бир сўзларни айтмоқчи эдим. Мен кўпдан бери хизмат қиламан, сиз бўлсангиз хизматни яқиндагина бошлагансиз, шунинг учун, ўзингиздан катта ўртоғингиз сифатида сизни огоҳлантириб қўйишни ўз бурчим деб билдим. Чунончи сиз велосипед миниб юрар экансиз, ҳолбуки, бу ёшларнинг тарбиячиси бўлган бир киши учун бутунлай келишмайдиган қилиқ.

— Нега ахир!— деб сўради Коваленко йўғон овоз билан.

— Айтиб ўтиришга ҳожат ҳам борми, Михаил Саввич, ўзи равшан эмасми?! Муаллим велосипед миниб юргандан кейин, ўқувчи нималарни қилмайди? Ўқувчилар одамнинг бошига чиқиб юрадиган бўладилар! Модомки, расмий фармойиш билан рухсат этилмаган экан, ярамайди. Кеча менинг жони-поним чиқиб кетди. Опангиз велосипед миниб кетаётганини кўриб, кўзларим тиниб кетди, аёл кишининг ёки қиз боланинг велосипед миниши жуда ҳам хунук!

— Сиз нима демоқчисиз?

— Мен фақат сизни огоҳлантириб қўймоқчиман, Михаил Саввич. Сиз ёшсиз, сизнинг истиқболингиз ҳали олдинда, сизга жуда ҳам эҳтиёт бўлмоқ керак, ҳолбуки, сиз шу даражада бепарвосизки, асти қўяверинг! Сиз гул тикилган кўйлаклар кийиб, кўча-кўйда ҳамма вақт аллақандай китоблар кўтариб юрасиз, энди мана — велосипед минишни ҳам чиқардингиз. Опангиз билан велосипедда сайр қилиб юрганингизни директор билиб қолса, нозирнинг қулоғига ҳам етади... Бундан яхши иш чиқадими?

— Опам билан велосипедда сайр қилиб юришимизнинг ҳеч кимга даҳли йўқ!— деди Коваленко ва қизариб

кетди.— Менинг уй ишимга ва оила масалаларимизга аралашадиган одамни мен моховга ошна қилиб қўяман.

Беликовнинг ранги ўчиб, ўрнидан турди.

— Сиз мен билан шу йўсинда гаплашадиган бўлсангиз, мен суҳбатни давом эттира олмайман!— деди у.— Сиздан ўтинаманки, менинг ҳузуримда бошлиқлар хусусида бу хил сўзларни ҳеч гапирманг. Сиз ҳукумат маъмурларига ҳурмат билан қарашингиз керак.

Коваленко Беликовга жаҳл билан қараб туриб:

— Ҳукумат маъмурлари тўғрисида нима ёмон гап гапирдим?— деб сўради.— Ўтинаман, мени тинч қўйинг. Мен виждонли бир одамман ва сиздек жаноб билан гаплашишни хоҳламайман. Мен чақимчиларни ёмон кўраман.

Беликов тажанг бўлиб гангиди ва юзларида даҳшат аломатлари бўлгани ҳолда, шошилиб кийина бошлади. У, бу хил дағал гапларни умрида биринчи эшитиши эди.

Даҳлиздан зинанинг айвончасига чиқаркан:

— Нима десангиз деяверинг,— деди у,— сизга шунгина айтиб қўймоғим керак: эҳтимол бизнинг суҳбатимизни бирорта одам эшитгандир, бунинг натижасида бизнинг сўзларимизга бошқа хил маъно бермасликлари учун ҳамда бирор бало чиқиб қолмаслиги учун мен суҳбатимизнинг мазмунини... энг муҳим нуқталарини директор жанобларига маълум қилмоғим лозим. Бу менинг вазифам.

— Маълум қиламан? Бор, маълумотингни беравер!

Коваленко унинг ёқасидан ушлаб пастга итариб юборди, у калишларини тапирлатиб зинадан қуйига думалаб кетди. Зина баланд ва тик эди, лекин у, саломат тушиб олди; ўрнидан туриб, кўзойнагининг бутунлигини билмоқчи бўлиб, бурнини ушлаб кўрди. У зинадан пастга думалаб тушаётган пайтда иккита хоним билан бирга Варенька кириб келди. Улар пастда туриб томоша қилардилар. Беликов учун ҳаммадан ёмони ҳам шу эди. Бўйни остида қолиши, икки оёғидан ажралиши — бу хилда масхара бўлишдан яхшироқ эди. Энди бу гап бутун шаҳарга тарқалади, директорнинг, нозирнинг қулоғига бориб етади. Оҳ, бир бало чиқмасин-да! Янги ҳажвий расмлар ясади ва бутун иш оқибатида хизматдан истеъфо бериб чиқишга буюрашади...

У ўрнидан турган эдики, Варенька таниди ва унинг одам куладиган юзига, ғижимланган пальтосига ва калишларига қараб, ишнинг аслидан беҳабар, у қоқилиб йи-

қилгандир, деб ўйлаб, ўзини тўхтата олмасдан, бутун бю-  
нони бошига кўтариб кула бошлади:

— Ха-ха-ха!

Шу қаҳ-қаҳа билан ҳамма иш тамом бўлди; уйланиш ҳам, Беликовнинг дунёда яшаши ҳам, Вареньканинг нима деганини эшита олмади ва ҳеч нарсани кўрмай қолди. Уйига қайтгандан сўнг, энг аввал стол устидаги портретни олиб қўйди, сўнгра ётоғига кириб ётганича ўрнидан қайтиб турмади.

Уч кундан сўнг менинг олдимга Афанасий келиб, хўжайинимнинг аҳволи оғир, доктор чақиртирсаммикин, деб сўради. Мен Беликовни кўргани бордим. У парда орқасида кўрпага ўраниб ётаверди; бир нарса сўрасанг ё — «ҳа» ё «йўқ» деб жавоб берарди, бошқа ҳеч нарса демасди. У ётади, унинг ёнида хафа, қовоғи солинган Афанасий юради ва оғир-оғир уҳ тортади; оғзидан эса худди бочкадан чиққандай бурқсаб ароқ ҳиди келади.

Бир ойдан сўнг Беликов ўлди. Уни ҳаммамиз, яъни икки гимназия билан семинария биргалашиб кўмдик. Энди тобутда ётаркан, юз ифодаси юмшоқ, ёқимли ва ҳатто бир даражада қувноқ бўлиб, гўё ахир келиб ҳеч қачон ичидан чиқмайдиган гилофга тушгани учун севингандек эди. Чиндан ҳам мақсадига етган эди! Худди уни ҳурматлагандай — кўмиш кунни ҳаво айниб, ёмғир ёққан ва ҳаммамиз калиш кийиб, соявон ушлаб чиққан эдик. Кўмиш маросимига Варенька ҳам иштирок қилди ва ўликни гўрга туширилар экан, қаттиққина йиғлади. Шундан мен пайқадимки, хохол аёллари ё қаҳ-қаҳа отиб кулар, ё қаттиқ йиғлар эканлар, ўрта бир кайфият уларда бўлмас экан.

Иқрор бўлмоғим керакки, Беликов сингари одамларни кўмиш кўп завқли бир ишдир. Гўристондан қайтаётганимизда чеҳраларимиз очиқ эмас ва бетакаллуф эди, ҳалиги завқ, яъни болалик вақтимизда, катталар бир жойга кетиб, уйда ёлғиз ўзимиз қолгач, боғчага чиқиб бир неча соат эркин-эркин чопишган вақтимиздаги каби ҳисларни ҳеч ким изҳор қилишни истамас эди. Оҳ, эркинлик, эркинлик! У насиб бўлиши тўғрисидаги заиф бир умид, ҳатто бир шама ҳам қалбга мадад беради. Шундай эмасми!

Биз гўристондан кайфимиз чоғ бўлиб қайтдик. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас, турмуш яна ўз изига тушиб олди: яна ўша фармойиш билан манъ қилинмаган, лекин тамоман рухсат ҳам берилмаган маънисиз ҳаёт бошланди: ҳаммаси аслича қолди. Чиндан ҳам Беликовни кўмдик,

лекин унга ўхшаган ғилоф бандалари яна қанча бор, яна қанча бўлажак!

— Гап шунда-да!— деди Иван Иванович ва трубкасини тортди.

— Бунақалардан яна қанчаси пайдо бўлади!— деб таъкидлади Буркин.

Гимназия муаллими ташқарига чиқди. Бу паст бўйли, семиз, бошида бир туки йўқ, узун қора соқоли белига етаёзган одам эди, у билан бирга иккита ит ҳам чиқди.

У осмонга қараб туриб:

— Ойни айтинг, ойни!— деди.

Ярим кеча бўлиб қолган эди. Унг томонда бутун қишлоқ кўринар, унинг узун кўчаси беш чақиримларга чўзилиб кетган, ҳамма ёқда жимлик, чуқур уйқуга толган: на бир ҳаракат сезилар, на бир товуш эшитилар, ҳатто табиатда бу қадар жимлик бўлишига одамнинг ишонгиси келмас эди. Ойдин кечада, содда уйлари, ғарамлари, уйқуга толган мажнун толлари билан қишлоқнинг кенг кўчасини кўрганда, кишининг кўнгли ҳам таскин топади, одамнинг кўнгли тун пардасида меҳнатдан, ташвишдан ва қайғу-ҳасратлардан бекиниб олгач, ўзининг бу жимлигида жуда ювош, мунгли ва гўзал бўлади; юлдузлар ҳам унга меҳрибонлик билан қарагандай, ер юзида ортиқ ёвузлик деган нарса қолмасдан, ҳамма саодатга тўйгандай туюлади. Қишлоқнинг чап томони дала уфқларгача чўзилган, бу ойдин далада ҳам на бир ҳаракат кўринади ва на бир садо эшитилади.

— Гап шунда-да!— деб такрор қилди, Иван Иванович.— Биз шаҳарда — дим ҳавода ва тиқилинчда яшашимиз, кераксиз қоғозлар ёзиб, карта ўйнашларимиз — булар ҳам бир ғилоф эмасми? Бутун умримизни дангаса ва такасалтанг одамлар, эси паст ва ўйиндан бошқани билмайдиган аёллар ўртасида ўтказишимиз, бўлар-бўлмас афсоналар гапириб, эшитишимиз, бу ҳам бир ғилоф эмасми? Агар хоҳласангиз яна битта жуда ибратли воқияни айтиб бераман.

— Йўқ, энди ухлаш керак,— деди Буркин.— Эртага қолсин!

Иккаласи ҳам саройга кириб, пичан устига ётди. Иккови ҳам ўраниб ётиб, энди кўзлари уйқуга кетган ҳам эдики, бирданига оёқ товуши келди. . . Сарой ёнида аллаким юрар эди! Бир оз юради-да, тўхтади, бир оз ўтгач, яна юра бошлади. . . Итлар ҳуради.

— Бу юрган Мавра,— деди Буркин.

Оёқ товуши тинди.

Иван Иванович нариги ёнбошига айланиб ётиб:

— Ёлгон гапирганларни эшитиб ва кўриб туриш,— деб  
ғўлдиради,— шу ёлгонга чидаганинг учун сени аҳмоқ де-  
ганларини эшитиш, озор ва ҳақоратларга бардош қилиш,  
номусли ва эркин одамлар томонида бўлганингни очиқ  
айтишга ботина олмаслигинг, ўзинг ҳам ёлгон гапириб,  
ёлгондан кулиб туришинг, бутун бу ҳолларнинг бир бурда  
нон, иссиққина бир жой, бир чақага арзимайдиган алла-  
қандай амал учун бўлиши, чидаб бўлмайдиган ҳол; йўқ,  
бундан сўнг бу хилда яшаш мумкин эмас!

— Сиз энди, Иван Иванович, бошқа мақомга тушдинг-  
из — деди муаллим.— Қўйинг энди, ухлайлик.

Ун минутдан сўнг Буркин қаттиқ уйқуга кетди. Иван  
Иванич бўлса ҳадеб у ёнбошидан бу ёнбошига ағнаб, уҳ  
тортарди. Сўнгра ўрнидан туриб яна ташқарига чиқди ва  
эшик олдига ўтириб, тамаки чекди.

## КРИЖОВНИК

Эрта тонгдаёқ бутун осмонни қора булут қоплаб олди. Дала юзини кўпдан бери қора булут босиб ёмғир ёғай-ёғай деб турган рутубатли кунлардагидек ҳаво паст, ҳамма ёқ жимжит ва кўнгилсиз эди. Ветеринария врачлари Иван Иванович билан гимназия муаллими Буркинлар юрора чарчади ва уларга даланинг поёни йўққа ўхшаб кетди. Уларнинг йўлида узоқдан Мироносицкий қишлоғининг шамол тегирмони элас-элас кўринади, ўнг томонда тизма тепалар чўзилиб кетган ва қишлоқдан анча нарида кўринмай қоларди. Бу тепаликлар дарёнинг қирғоғи бўлиб, у томонда ўтлоқлар, кўм-кўк тоғлар, қўрғонлар борлигини, тепалардан бирининг устига чиқиб қаралса, нариёғида ҳам шундай кенг далалар, телеграф ва узоқдан ўрмалаб кетаётган қуртга ўхшаш поездлар, агар ҳаво очиқ бўлса, ундан ҳатто шаҳар ҳам кўринишини буларнинг иккови ҳам билар эди. Ҳаво тинч, бутун табиат ювош ва ўйчан бўлиб кўринган шу пайтда Иван Иванович билан Буркинга далалар жуда ҳам ёқиб кетди ва уларнинг иккови ҳам, бу мамлакатнинг қандай улуғ ва қандай гўзал эканлигини ўйлаб кетишди.

— Утган сафар, биз оқсоқол Прокофийнинг саройида ўтирганимизда,— деди Буркин,— сиз бир воқияни гапирмоқчи бўлган эдингиз.

— Ҳа, ўшанда мен ўз укам тўғрисида гапирмоқчи эдим.

Иван Иванович гапини бошлаш учун чуқур нафас олди, тамаки тутатди, шу чоқда, ёмғир ёға бошлади. Бирпасдан кейин ёмғир қаттиқ қуйиб юборди ва унинг қачон тинишини билиб бўлмас эди. Иван Иванович билан Буркин ўйланиб туриб қолишди; итлар ивиб кетган ва думларини қисиб, жовдираб турар эди.

— Бирор жойга беркинишимиз керак.— деди Буркин.— Юринг, Алехинникига борамиз. Уники яқин.

— Майли, борамиз.

Улар бурилишди ва то йўлга чиққунча гоҳ тўғрига юриб, гоҳ ўннга ва гоҳ сўлга бурилиб, буғдойпоядан боришар эди. Тез орада тераклар, боғ, сўнгра омборларнинг қизил томлари кўринди; дарё ялтираб турар, тегирмони, чўмилиш жойи бор кенг бир ҳовуз кўришди. Бу жой Алехин турадиган Софьино қишлоғи эди.

Тегирмон ёмғир товушини босиб кетган, тўғон титраб турар эди. Араванинг ёнида ивиган отлар бошларини қуйи солиб, бошларига қоп ёпинган одамлар у ёқ бу ёққа ўтиб турарди. Ҳаво нам, ерлар лой, ҳамма ёқ бесаранжом ва ҳовузнинг кўриниши ёқимсиз ва даҳшатли эди. Иван Иванич ва Буркин ивиб, шилта бўлиб кетган, баданлари жунжуккан, лойдан оёқларини зўрга кўтарар эди; улар тўғондан ўтиб, хўжайиннинг омбори томон кўтарилишди, икковлари ҳам бир-бирлари билан аразлашган кишидай ғиқ этмас эди.

Омборларнинг бирида совуриш машинаси шувулларди.

Омборнинг эшиги очиқ, ундан чанг бурқсаб чиқарди. Остонада Алехиннинг ўзи тикка турарди. У қирқ ёшларда бўлиб, новча, тўладан келган, узун сочли эди, у помешчикдан кўра кўпроқ профессорга ёки рассомга ўхшарди. Унинг эғнида, кўпдан бери ювилмаган оқ кўйлак, устидан чилвир боғлаган, шим ўрнига иштон кийган, этикларининг юзи чангга ботган ва похол илашган, бурун ва кўзлари чангдан қорайиб кетган эди. У Иван Иванич билан Буркинни таниди ва жуда ҳам хурсанд бўлиб кетгандай кўринди.

— Келинглр, жаноблар, уйга марҳамат,— деди кулумсираб у.— Мен ҳозир, дарров кираман.

Алехиннинг уйи икки қабатли каттакон бино эди. Алехин пастда, пештоқли деразалари кичкина икки хонада турарди. Бу уйда бир вақтлар приказчиклар турган бўлиб, ичидаги нарсалар соддагина эди. Бу ердан жавдари буғдой нонининг, паст ароқ ва от абзалларининг ҳиди келарди. Юқоридаги ясоғлиқ меҳмонхонада у кам турар, фақат меҳмонлар келгандагина бўлар эди. Иван Иванич билан Буркинни чиройли бир чўри хотин кутиб олди, у шу қадар чиройли эдики, уни кўриш билан улар тўхташди ва бир-бирларига қараб қолишди.

Алехин буларнинг кетидан даҳлизга кираётиб:



— Келганларингиз учун жуда ҳам хурсанд бўлдим, жаноблар,— деди. Мен ҳеч кутмаган эдим! Пелагея,— деб чақирди чўрини у,— меҳмонларга бошқа уст-бош беринг, кийимларини алмаштириб олсинлар. Дарвоқе, мен ҳам кийимимни алмаштириб олсам бўлар экан. Аммо олдин бориб чўмилиб келишим керак, баҳордан бери чўмилганим йўқ. Жаноблар, бориб чўмилиб келмаймизми? Унгача бу ерни ростлаб қўяди.

Гўзал, малоҳатли Пелагея чойшаб ва совун олиб келди. Алехин меҳмонларни бошлаб, чўмиладиган жойга кетди.

— Анчадан бери чўмилганим ҳам йўқ,— деди ечинаётиб у.— Кўряписизларми, чўмиладиган жойим яхши, буни отам қурдирган эди, лекин чўмилишга қўл тегмайди.

У зинапояга ўтириб, узун сочларини ва бўйинини совунлади, унинг олдидаги сув жигар ранг бўлиб кетди.

— Ҳа, шундайга ўхшайди. . . — деди Иван Иванич, ҳайрон бўлгандек унинг бошига қараб.

Алехин хижолат тортиб:

— Мен хийла вақтдан бери ювинганим йўқ. . . — деб такрорлади ва яна совун суртди. Унинг ёнидаги сув бами-соли сиёҳ — тўқ кўк бўлиб кетди.

Иван Иванич ташқарига чиқиб, ўзини сувга ташлади. У ёмғир остида кенг-кенг қулоч отиб сузиб кетди, сувлар тўлқинланди ва тўлқиндан оқ нилуфар гуллар чайқалиб турар эди. У сувнинг ўртасигача сузиб бориб, шўнғиб кетди ва бир дақиқадан кейин бошқа жойдан чиқди-да, нарироққа сузиб борди, сувнинг остига етмоқчи бўлиб яна шўнғиди. «Ё раббий. . . — деб такрорлади у роҳатланиб,— ё раббий. . .» У тегирмонгача сузиб борди, унда мужиклар билан алланималар тўғрисида гаплашиб, яна орқага қайтди ва сувнинг ўртасига келиб, юзини ёмғирга қилиб ётди. Буркин билан Алехин кийинишиб, қайтиш тараддусига тушдилар. Иван Иванич эса ҳамон сузиб ва шўнғиб юриб:

— Ё раббий. . . — дерди.— Ё раббий, ўзинг раҳм қил,— дерди.

— Бўлди энди! — деди Буркин унга.

Уйга қайтиб келишди. Юқоридаги каттагина меҳмонхонанинг чироғи ёқилганда Буркин ҳам, Иван Иванич ҳам, шойи халат ва туфли кийиб, креслода ўтирар, Алехин эса, ювинган, таранган, янги кийимларини кийган ҳолда меҳмонхонанинг ичида юрар, афтидан, у иссиқдан,

тозаликдан, қуруқ кўйлак ва енгилгина оёқ кийимидан ҳузур қиларди. Гўзал Пелагея гилам устидан оҳиста қаддам босиб ва мулойимгина кулумсираб, патнисда чой ва мураббо олиб келганида Иван Иванович ҳикоясини бошлади. Унинг гапларини Буркин билан Алехингина эмас, олтин рамка ичидан тикилиб қараб турган кекса ва ёш хонимлар, ҳарбийлар ҳам тинглаётганга ўхшар эди.

— Биз икки оғанимиз,— деб гап бошлади у,— мен Иван Иванович ва мендан икки ёш кичкина Николай Иванович иккимиз. Мен илмнинг кетидан кетдим-да, ветеринар врач бўлдим, Николай эса ўн тўққиз ёшидан давлат палатасига ишга кирди. Бизнинг отамиз Чимша-Гималайский кантонистлардан эди, аммо, офицерлик даражасини олгандан кейин вафот этди ва ундан бизга дворянлик насаби ҳамда бир оз ер-мулк мерос қолди. Отам ўлгандан кейин унинг қарзлари бадалига ер-мулк қўлдан кетди, аммо, бир амаллаб биз ёшликни кенг далада ўтказдик. Биз ҳам деҳқон болалари каби, кеча-кундуз далада, ўрмонда бўлар, отларни пойлар, дарахт пўстлогини шилар, балиқ овлар ва шунга ўхшаш ишларни қилар эдик... Биласизларки, умрида бирор марта ёрш балигини ушлаб олган ёки куз кунларида майналарнинг учиб юришини, уларнинг ҳаво очиқ ва совуқ кунларда қишлоқнинг устида тўдалашиб учиб ўтишини кўрган кишини шаҳарлик демаса бўлади, у далани қўмсаб туради. Укам давлат палатасида зерикиб кун кечирарди. Йиллар ўтар, у ҳамон бир жойда ўтирар, доим бир хил хатларни ёзар ва доим бир тўғрида ўйлар: қандай қилиб бўлса-да, қишлоқда яшашни хаёл қилар эди. Унинг зерикиши бора-бора маълум хоҳишга, бирор дарё ёки кўлнинг бўйидан ўзига кичкина қўрғон сотиб олиш орзусига айланади.

У яхши, хушфеъл одам эди. Мен уни яхши кўрар эдим, аммо унинг умр бўйи ўз қўрғонида қамалиб ўтириш истагига қўшилмас эдим. Одатда, одамга фақат уч газ ер керак деб айтилади. Аммо уч газ ер одам учун эмас, ўлик учун керак-ку, шунингдек ҳозир ҳам, агар бизнинг зиёлиларимиз ер-сув қилишга ва қўрғон қуришга интилсалар яхши бўлур эди деб ҳам айтадилар. Аммо бу қўрғон ҳам уч газ ерга тенг-ку, ахир! Шаҳардан, курашдан, тирякчилик ғаму ғуссасидан қочиб, ўз қўрғонида яшириниб умр кечириш — умр эмас, худбинлик, дангасалик, бир турли монахлик, монахлик бўлганда ҳам номардликдир. Кишига уч газ ер эмас, қўрғон ҳам эмас, ўз озод руҳининг

ҳамма ҳислат ва фазилатларини эркин кўрсатиш учун бутун курран арз, бутун табиат олами керак.

Укам Николай канцелярияда ишлаб ўтирганида, саб-завотлар эктирсам, ўзим етиштирган сабзавот шўрвасини маза қилиб ичсам, унинг ёқимли ҳиди бутун ҳовлини тутиб кетса, кўм-кўк ўтларнинг устида ўтириб овқатлансам, сояда ётиб ухласам, дарвоза ёнидаги харракда ўтириб, анча вақтгача далани ва ўрмонни томоша қилсам, деб ўйлар эди. Қишлоқ хўжалигига доир китобларни ва календарларда бериладиган маслаҳатларни яхши кўрар ва севиб ўқиб, руҳий озиқ олар эди; у газета ўқишни ҳам яхши кўрарди, аммо газеталардан фақат, қўрғони, дарёси, боғи, тегирмони, суви оқиб чиқиб кетадиган ховузи бор фалон десятина экин ер ва яйлов сотилади дейилган эълонларнигина ўқир эди. Унинг калласини боғдаги йўллар, гуллар, мевалар, чуғурчуқ уялари, ҳовузда ўйноқлаб юрган товонбалиқлар ва шунга ўхшаган нарсалар айлан-тириб ётар эди. У қайси эълонни ўқир экан, хаёлида бошқа нарса пайдо бўлар эди, аммо буларнинг ҳар бирининг ичида, негадир, крижовник ҳам бўлар эди. Крижовниги бўлмаган биронта қўрғонни, биронта яхши жойни у тасаввур ҳам қилолмас эди.

— Қишлоқ ҳаётининг ўз шукуҳи бўлади,— дерди, баъзан у.— Болохонада чойни пуфлаб ичиб ўтирасан, ҳовузда ўрдакчаларинг сузиб юради, ажойиб ҳидлар димоғингга уриб туради ва... ва крижовниклар кўкариб ётади,— дерди.

У ўз мулкининг режасини чизар ва унинг режаси ҳар сафар бир хилда чиқаверар эди: а) хўжайинлар турадиган уй, в) хизматкорлар турадиган уй, с) полиз, d) крижовник. У хасислик билан кун ўтказар: тўйиб овқат емас, тўйиб ичмас, худди гадойга ўхшаб кийинар, топган пулини банкка қўяверарди. Жудаям қизғончиқ бўлиб кетган эди. Мен унинг аҳволига ачинардим. Уни-буни олиб берардим, байрамларда нарсалар юборардим, аммо у мен юборган нарсаларни ҳам яширар экан. Шунақа бўлар экан, яъни одам бирор муддаога қасд билан киришса, уни ҳеч қайтариб бўлмас экан.

Йиллар ўтди, уни бошқа губернага ишга кўчиришди, ёши эса қирқдан ҳам ошди, аммо у ҳамон газеталардаги эълонларни ўқир ва пул тўплар эди. Кейин, уйланди деб эшитдим. Унинг мақсади ҳамон ўша, крижовникли қўрғон сотиб олиш эди, у ёши катта, хунук бир тул хотинга

уйланган, уни яхши кўрганидан эмас, пули борлиги учун уйланган эди. Укам бу хотин билан ҳам хасисликда рўзгор кечирди, уни ярим оч аҳволда тутди, унинг пулларини эса, банкка обориб ўз пулига қўшиб қўйди. Бу хотин илгари почтмейстерга теккан, уникида пирог ейиш, наливка ичишга одатланиб қолган экан, иккинчи эриникида эса, қора нонга ҳам қорни тўймайдиган бўлди. Тирикчилик шу аҳволга тушиб қолгач, хотин озиб-тўзиб кетди ва уч йилдан кейин жонини жабборга топширди. Укам эса, хотинининг ўлганига ўзи сабабчи эканини мутлақо ўйламас эди. Пул деган нарса, арақ сингари, одамни жинни қилиб қўяди. Бизнинг шаҳримизда бир савдогар бор эди. У жон бериш олдида бир тарелка асал олиб келишни буюрган-да, бошқаларга қолиб кетмасин деб, ўзининг ҳамма пулларини ва ютуқли билетларини асалга қўшиб еб қўйган. Бир вақт мен вокзалда подага қараб турган эдим. Шу пайтда битта жаллопнинг оёғини паровоз кесиб кетди. Биз уни касалхонага олиб кетаётган эдик, қон оқяпти, аҳволи қўрқинчли, аммо у ҳадеб оёғимни топиб келинглар дер ва безовталанар эди: билсакки, унинг қирқилган оёғидаги этигининг ичида йигирма сўм пули бор экан, у шу пулининг йўқолишидан хавотир экан.

— Сиз бошқа ҳикояга ўтиб кетдингиз,— деди Буркин.

Иван Иванович бирпас ўйланиб тургач:

— Хотини ўлгач,— деб гапини давом эттирди,— укам ўзига мулк ахтаришга тушди. Танлаб-танлаб тозига учрайсан дегандай, укам Николай ҳам, кўнглидагидек жой тополмади. У қарзни комиссионер орқали перевод қилиш шарти билан, хўжайин турадиган, хизматкорлар турадиган уйлари, парки бор бир юз ўн икки десятина мулкни сотиб олди, аммо унда мевали боғ ҳам, крижовник ҳам, ўрдаклари сузиб юрган ҳовуз ҳам йўқ эди; мулкнинг ёнидан дарё оқар, унинг суви кофе тусида эди, чунки мулкнинг бир томонида ғишт заводи, иккинчи томонида эса, суяк куйдирадиган завод бор эди. Лекин бизнинг Николай Иванович унчаям хафа бўлмади; у йигирма туп крижовник олдириб келиб кўчат қилди ва помешчикларча ҳаёт кечирди.

Ўтган йил мен уни кўргани бордим. Мен уни бориб кўрай, қайси аҳволда экан, деб ўйладим. Укам хатларида ўзининг имениесини: «Чумбароклова Пустошь, Гималайское тож» деб атар эди. Мен «Гималайское тож»га тушдан кейин етиб бордим. Ҳаво иссиқ эди, ҳамма жойда

ариқлар, деворлар, қатор ўтқазилган арчалар, — ҳовлига қаёқдан киришни, отни қаерга боғлашни билиб бўлмайди. Уйга томон борар эдим, қаршимдан семиз, чўчқага ўхшаган малла ит чиқди. У ҳургиси келса-да, эриниб турар эди. Ошхонадан ялангоёқ, семиз, бу ҳам чўчқага ўхшаш, ошпаз хотин чиқиб келди-да, хўжайин овқатдан кейин дам оляпти деди. Укамнинг олдига кирдим, у ўринда ўтирар, тиззасига адиёл ёпиб олган эди; у қариб, семириб, салқиб қолган; юзлари, бурни ва лаблари сўлжайиб, чўчқадай хуриллаб юборадиганга ўхшаб ўтирар эди.

Биз қучоқлашиб кўришдик, шодликдан ҳамда бир замонлар иккимиз ҳам ёш эдик, энди кексайиб, ўлишимиз ҳам яқин қолди деган қайғули фикр билан йиғлашиб олдик, у кийинди-да, мулкени кўрсатиш учун мени бошлаб кетди.

— Қани айт-чи, бу ерда қандай ҳаёт кечиряпсан! — деб сўрадим.

— Тузук, худога шуқур, яхши ҳаёт кечиряпман.

У энди аввалги тортинчоқ, бечора — чиновник эмас, ҳақиқий помешчик, хўжайин эди. У бу ерда туришга кўникиб, бу ернинг паст-баландига ўрганиб кетган эди; овқатни кўп ерди, ҳаммомга тушиб турарди, семириб кетган, одамлар билан ва иккала завод билан ҳам судлашиб олган эди, мужиклар уни «жаноби олийлари» демаса жуда ҳам хафа бўлар эди. Ўз жони учун жиддий, помешчиклардай кайғурар, яхши ишларни содлагина қилмай, савлат тўкиб, тантана билан қилар эди. Аммо бу қанақа яхши ишлар денг? У мужикларни ҳар қандай касалдан сода ва канакунжут ёғи билан доволар ва ўзининг туғилган кунида эса, қишлоқнинг ўртасида шукрона ибодат ўтказар, сўнгра ярим челақ ароқ хайр қиларди; у шундай қилиш керак деб ўйлар эди. Эҳ, бу ярим челақ нима-лар қилмайди, дейсиз! Бугун бу семиз помешчик мужикларнинг мол-отлари ўзининг экинига тушгани учун уларни қишлоқ оқсоқолининг олдига судраб боради. Эртасига, тантанали кунда эса, уларга ярим челақ ароқ хайр қилади, улар эса буни ичиб олиб ура, деб қичқирашади ва унинг оёғига бош уришади. Агар турмуш яхшиланиб кетса, тўқчилик ва мўлчилик бўлса, рус кишисининг димоғи шишиб, жуда без бўлиб кетади. Бир вақтлар давлат палатасида ишлаганида ўз шахсий нуқтаи назарига эга бўлишдан қўрққан Николай Иванович, эндиликда фақат ҳақиқатни гапирадиган, гапирганда ҳам худди министр-

дек: «Илм олиш зарур, аммо халқнинг илм олиши учун ҳали вақт бор», «тан жазоси умуман зарарли, аммо баъзи ҳолатларда жуда керак ва фойдали» дейдиган бўлиб қолган.

— Мен халқни ва у билан муносабат қилишни билман,— деди у.— Мени халқ яхши кўради. Мен бармоғимни қимирлатиб қўйсам борми, халқ менинг ҳамма айтганимни қилади.

Билсангиз, бу гапларнинг ҳаммаси ёқимтойгина жилмайиб туриб айтилган эди. «Биз дворянлар», «мен дворянин...» деган иборани йигирма марта такрорлади; чамамда у бизнинг бобомиз мужик, отамиз солдат бўлганини билмай қолганга ўхшарди. Ҳатто бизнинг Чимша-Гималайский деган фамилиямиз келишмаган фамилия бўлса-да, энди унга келишган, донгдор ва жуда ёқимли туюлиб қолибди.

Аммо гап унда эмас, менинг ўзимда. Мен унинг қўрғонида бир неча соатгина бўлган вақтимда ўзимда қандай ўзгариш бўлганини сизларга гапириб бермоқчиман. Кечқурун биз чой ичаётганимизда ошпаз хотин столга тўла бир тарелка крижовник олиб келиб қўйди. Буни укам сотиб олган эмас, ўзи эктирган крижовникнинг, экилгандан бери энди биринчи бор терилган меваси эди. Николай Иванич кулумсиради ва бир минутча крижовникка қараб, кўзидан ёш оқизиб жим турди, унинг ўпкаси тўлиб кетганидан гапиролмас эди,— кейин битта крижовникни оғзига ташлади ва яхши кўрган ўйинчоғини олиб хурсанд бўлган гўдакдай, менга шодланиб қаради ва:

— Қандай ширин-а!— деди.

У крижовникни иштаҳа билан ер ва бирдай.— Эҳ, қандай ширин-а! Сен ҳам еб кўргин!— деярд эди.

Крижовник ҳали қаттиқ ва нордон бўлса ҳам, Пушкин айтгандай: «бизга мингта ҳақиқатдан кўра, руҳимизни кўтарувчи алдов қийматлироқдир». Мен юрагидаги умидорзуларига, муроду мақсадига етган, ўз тақдиридан, ўзидан рози бўлган бахтиёр кишини кўрган эдим. Мен киши бахти ҳақида фикр юритганимда, фикрим негадир аллақандай ғамгинлик билан аралашиб кетар эди, энди эса, шундай бахтиёр кишини кўриб турар эканман, мен умидсизликка ўхшаш оғир ҳисга чўмиб кетдим. Айниқса кечаси оғир бўлди. Менга укам ётадиган уйнинг ёнидаги хонага жой солиб беришди; тунда укамнинг ухламагани, ўрнидан туриб крижовник солинган лаган олдига боргани

ва крижовникни бир доналаб олиб, еб келиши менга эшитилиб турар эди. Дунёда турмушдан рози, бахтли кишилар қандай кўп эканлигини фаҳмладим! Бу қандай кўпчилик! Сиз бу ҳаётга бир қаранг-да: кучлилар беорлигини ва бекор ётишини, кучсизларнинг нодонлигини ва ҳайвонсифатлигини, ҳамма жойда ҳаддан ташқари фақирлик, торлик, айниш, мастлик, икки юзламачилик, ёлгончиликни кўрасиз. . . Ҳолбуки, ҳамма уйларда ва кўчаларда жимжитлик, хотиржамлик; шаҳарнинг эллик минг аҳолисидан бирор киши ҳам қичқирмайди, қаттиқ ғазабланиб гапирмайди. Биз бозорга озиқ-овқат учун кетаётганларни, кундузи овқат еб, кечалари ухлаб, беҳуда гаплар гапирувчиларни, уйланиб, қариб, ўлганларини беғамлик билан гўристонга олиб борувчиларни кўрамиз, лекин биз азобланувчиларни, турмушдаги қўрқинчли ва аллақерларда парда орқасида ўтадиган нарсаларни кўрмаймиз ва эшитмаймиз. Ҳамма жим, тинч ва ёлғиз бир тилсиз статистикагина: фалонча киши ақдан озди, шунча челақ ичилди, тўйиб овқат емасликдан фалонча бола ўлди. . . деб норозилик билдиради. Афтидан, шунақа тартиб керакка ўхшайди: афтидан, бахтсизлар оғирликни жимгина кўтариб келгани учун бахтлилар фароғатда яшайди, бундай жимлик бўлмаганда бахт ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Ҳамма ғафлатда. Ҳар бир рози, бахтли кишининг эшигининг орқасида болга кўтариб бирон киши турсаю, доим унинг эшигини қоқиб, бахтсиз кишилар ҳам борлигини, у қанчалик бахтли бўлмасин, турмуш эртами, кечми унга дўқ уражагини, касаллик, фақирлик, жудолик ларзага келтиришини ва ҳозирда бахтли кишилар бошқаларни кўрмаётгани ва эшитмаётгани каби уларни ҳам ҳеч ким кўрмаслигини ва эшитмаслигини эсига солиб турса. Аммо болга кўтариб турадиган киши йўқ, бахтли киши ўз ҳолича кун кечирмоқда, уни тирикчилик ташвишлари шамол терак учини қимирлатиб қўйгани сингари сал-пал безовта қилади ва ҳамма ёқ хотиржамликдай кўринади.

Иван Иванич, ўрнидан турар экан:

— Менинг ҳам қандай хурсанд ва бахтли киши эканлигим ўзимга ўша кеча равшан бўлди,— деб гапни давом эттирди.— Мен ҳам обед маҳалда ва ов қилиб юрганда яшаш, эътиқод қилиш ва халқни идора этиш йўлларини ўргатар эдим. Мен ҳам илм одамнинг кўзини очади, билим олиш зарур, аммо оддий кишилар учун саводли бўлишгина кифоя дер эдим. Мен, озодлик — бахт-саодаг,

ҳавосиз яшаш мумкин бўлмаганидек, озодликсиз ҳам яшаб бўлмайди, аммо кутиб туриш керак деярдим. Ана шундай деярдим, энди эса: нима учун?— деб сўради Иван Иванич жаҳл билан Буркинга назар ташлаб.— Нима учун кутиш керак?— Мен сиздан сўраяман. Қандай мулоҳазалар билан? Менга, ҳар қандай идея бирданга эмас, секин-аста, вақти келганда амалга оширилади, деб айтадилар. Аммо кимлар шундай дейди? Бунинг ҳаққоний гап эканига далил борми? Сиз табиий тартибни, ҳодисаларнинг қонунийлигини далил қилиб келтирасиз, аммо мен, тирик, фикр юритувчи бир киши бўлсам-у, жарнинг тепасига бориб, унинг ўзи қачон тўлишини, ёки лой тушиб қачон тўлишини кутиб турсам, ҳолбуки, унинг устидан сакраб ёки кўприк солиб ўтиб кетишим мумкин, бу тартиб ва қонуният бўлдимиз? Яна, нима учун кутиш керак? Улай-ўлай деб турганинда кут эмиш, ҳолбуки кишига яшаш керак, киши яшашни истайди!

Ушанда мен укамникидан эрта билан барвақт жўнаб кетган эдим, шундан бери шаҳарга боришга тоқатим йўқ. Жимжитлик ва хотиржамлик мени эзади. Мен деразага қарашга қўрқаман, негаки, менинг учун энди, столнинг атрофида ўтириб чой ичаётган бахтли оилани кўришдан кўра даҳшатлироқ томоша йўқ. Мен энди қариб қолдим, курашга ярамайман, мен ҳатто нафрат билдиришга ҳам лаёқатли эмасман. Мен фақат ичимдан эзиламан, гижинаман. менга алам қилади, кечалари фикрга чўмиб кетиб бошим ёнади, ухлаёлмайман. . . Эҳ, агар ёш бўлсам эли!

Иван Иванич ҳаяжонланиб у бурчакдан бу бурчакка юрар ва:

— Агар ёш бўлсам эли!— деган сўзни такрорларди.

У бирдан Алеҳиннинг ёнига борди-да, унинг гоҳ бу қўлини гоҳ у қўлини сиқа бошлади.

— Павел Қочстачтинич!— деб гапирди у, ялинган оҳангда.— хотиржам бўлиб қолманг, гафлатга берилманг! Хали ёшсиз, кучингиз бор, дадилсиз, тинмай яхшилик қилинг! Бахт деган нарсанинг ўзи йўқ ва унинг бўлиши ҳам керак эмас, агар турмушда маъно ва мақсад бўлса, у бизнинг бахтимизда эмас, балки бошқа маъқулроқ ва буюкроқ ишла бўлади. Яхшилик қилинг!

Иван Иванич бу илтимосни ўзи учун сўраётган кишидай ачинарли, ғарибона кулумсираш билан гапирди.

Сўнгра бу уч киши меҳмонхонанинг ҳар бурчагида индашмасдан креслода ўтиришди. Иван Иваничнинг ҳи-



кояси Буркинни ҳам, Алехинни ҳам қаноатлантормади. Ғира-шира тирикдек бўлиб кўринган олтин рамкалардаги генераллар ва хонимлар қараб турган бир вақтда аллақандай крижовникхўр бечора-чиновник тўғрисида айтилган ҳикояни эшитиш зерикарли эди. Бундагилар негадир, гўзал кишилар, хотинлар ҳақида гапирилишини ва улар ҳақидаги ҳикояларни тинглашни истардилар. Булар ўтирган меҳмонхонадаги ҳамма нарса — жилдли қандил ҳам, креслолар ҳам, оёқ остидаги гиламлар ҳам, рамкалардан қараб турган кишиларнинг ўзлари, бир вақтларда шу жойда юрганларини ва ўтириб чой ичганларини айтиб турар, энди эса, бу ерда гўзал Пелагеянинг товушсиз йўрғаси эса — ҳар қандай ҳикоядан яхши эди.

Алехиннинг жуда ҳам уйқуси келган эди; у хўжалик ташвиши билан эрталаб соат иккидан ошганда турган эди, ҳозир эса унинг кўзлари юмилиб кетаётган бўлса ҳам, меҳмонлар унинг йўқлигида бирон қизиқ гапларни гаплашиб қўйишидан хавотир олиб, кетмай ўтирар эди. Иван Иваничнинг ҳозиргина айтганлари оқилона, ҳаққоний гаплармиди, буни Алехин тушунмас эди; меҳмонлар ёрма, пичан, қораёғ ҳақида эмас, унинг ҳаётига алоқаси бўлмаган алланималар тўғрисида гапирдилар, бундан у хурсанд эли ва меҳмонларнинг гапни яна давом эттиришларини истарди. . .

Буркин ўрнидан турар экан:

— Энди ухлаш керак, — деди. — Яхши туш кўриб ётнинг.

Алехин узр сўраб пастдаги ўз хонасига тушиб кетди, меҳмонлар юқорида қолишди. Уларнинг икковига каттагина хонага жой солиб беришди. Бу хонада ўйма нақшлар билан безатилган иккита эски ёғоч кровать бор эди. Бурчакда эса, фил суягидан ясалган оёқ-қўллари миҳланган Исо сурати турарди; биз учун гўзал Пелагея солиб берган кенг, муздаккина ўринлардан, тоза кўрпа-ёстиқ, чойшабнинг ёқимли ҳиди келиб турар эди.

Иван Иваничнинг этмасдан ечинди-да, ётди.

— Худоё, биз осий қулларингни ўзинг кечир! — деди у ва бошигача бурканиб олди.

Унинг, стол устида ётган трубкачасидан тамаки куюндисининг ўткир ҳиди чиқиб турар эди. Букрин эса, узоқ вақт ухламади. Унинг бу ўткир ҳид қаердан келаётганига сира ҳам ақли етмасди.

Ёмғир тун бўйи деразани тиқирлатиб чиқди.

## СЕВГИ ҲАҚИДА

Эртаси куни нонуштага жуда мазали сомсалар, қисқичбақалар ва қўй гўшtidан тайёрланган котлетлар қўйдилар; биз овқатланар эканмиз, меҳмонлар тушликка қандай овқат хоҳлашларини билиш учун ошпаз Никанор юқорига, бизнинг олдимизга кириб, чиқиб кетди. У, лўппи юзли, кичик кўзли, ўрта бўйли, соч-соқоллари олинган одам бўлиб, мўйлаблари қирилганга эмас, юлиб олинганга ўхшар эди.

Гўзал Пелагея шу ошпазни севиб қолганлигини Алехин бизларга айтиб берди. Никанор ароқхўр ва жуда жанжалкаш бўлгани учун Пелагея унга расмий равишда тегишни истамай, у билан никоҳсиз яшашга рози экан. Никанор эса художўй одам бўлиб, унинг диний эътиқодлари никоҳсиз яшашга йўл бермас, Пелагеяни расмий равишда ўзига тегишга ундар, ичиб олган вақтларида, Пелагеяни койир, ҳаттоки урар, у маст бўлган вақтларда Пелагея юқорига чиқиб яширинар ва ҳўнграб йиғлар экан. Бундай ҳолларда, керак бўлиб қолган тақдирда Пелагеяни ҳимоя қилмоқ учун Алехин билан хизматкор уйдан ҳеч ёққа чиқмас экан.

Севги ҳақида суҳбат бошланиб кетди.

— Севги қай йўсинда пайдо бўлади,— деди Алехин,— нега Пелагея ўзининг руҳий ва ташқи ҳислатларига мос келадиганроқ бирор кишини севай, худди Никанорни, шу бадбашарани (бу ердагилар уни бадбашара дейдилар) севиб қолган; ишқ-муҳаббатда кишининг бахт-саодати масаласи муҳим ўрин тутганлигидан бунинг ҳаммаси номаълум ва бунинг ҳаммаси ҳақида истаганча муҳокама юргизмоқ мумкин. Шу вақтгача ишқ-муҳаббат ҳақида фақат битта, чунончи: «бу улур бир сирдир» деган шак-шуб-

ҳасиз ҳақиқат баён қилинган, бу ҳақда ёзилган ва айтилган бошқа фикрлар масаланинг ҳал қилинишидан эмас, ҳал қилинмай қола беришидангина иборат бўлган. Бир ҳодиса учун яроқли бўлиб кўринган изоҳ, бошқа ўнлаб ҳодиса учун яроқсиз бўлиб қолади, менимча, энг яхшиси,— ҳар бир ҳодисани алоҳида-алоҳида, бошқа ҳодисалар билан умумлаштирмай изоҳлашдир. Докторлар айтганидек, ҳар бир ҳодисани индивидуаллаштириш лозим.

— Мутлақо тўғри,— деди унга Буркин.

— Биз, андишали руслар, ҳал бўлмаётган бу масалаларга жуда қизиқамиз. Одатда севгини шоирона гўзал қилиб тасвирлайдилар, уни гуллар, булбуллар билан бежайдилар, биз руслар эса ўз севги-муҳаббатимизни машъум саволлар билан бежаймиз ва, бунинг устига, улардан энг мароқсизини танлаб оламиз. Москвада, ҳали студентлик чоғимда, менинг маъшуқам, ёқимли бир аёл бўлиб, уни ҳар гал кучоғимга тортиб турганимда, мен унга бир ойда қанча пул беришим ва ҳозир мол гўштиниинг бир қадоғи қанча туришини ўйлар эди. Худди шунга ўхшаш, биз ҳам севиб қолган вақтимизда ўзимизга тинмай савол бериб турамыз: бу виждонанми ёки йўқми, ақлданми ёки тептакликми, бу севги қандай оқибатларга олиб келади ва ҳоказо. Бундай қилиш яхшими ёки ёмонми мен билмайман, аммо бунинг кишига халақит бериши, кишини қониқтирмаслиги ва кишининг гашига тегишини аниқ биламан.

Алехин, бирор воқияни сўзлаб бермоқчидек бўлиб кўринар эди. Ёлғиз яшовчи кишиларнинг кўнглида, бажонидил сўзлаб бера оладиган бирон воқиа бўлади. Шаҳардаги бўйдоқлар, суҳбатлашиб келиш учунгина, атайлаб, ҳаммом ва ресторанларга борадилар, ҳаммомчи ёки официантларга, баъзан қизиқ-қизиқ воқияларни сўзлаб берадилар, қишлоқдаги бўйдоқлар эса, одатда, юрак сирини ўз меҳмонларига айтадилар. Ҳозир деразалардан булутли осмон ва ёмғирдан ҳўл бўлган дарахтлар кўриниб турар, бундай ҳавода киши ўзини қаёққа уришини билмай қолади; сўзлаб бериш ва тинглашдан бошқа илож йўқ эди.

— Мен Софьинада кўпдан бери яшайман ва хўжалик ишлари билан университетни тугатганимдан бери машғулман,— деб сўз бошлади Алехин,— олган тарбиям юзасидан мен бир оқбилак, рағбатим жиҳатидан эса — идорабон бир киши эдим. Аммо, бу ерга келиб қарасам, отам

ер-мулкимизнинг кўп қисмини гаровга қўйган экан. У қисман, менинг илм олишим учун ҳам кўп пул сарфлаб қарздор бўлиб қолганлигидан, мен шу қарзларни тўлаб қутулмагунимча бу ердан кетмай, ишлашга жазм қилдим. Тўғриси айтганда, бир оз маъқул бўлмаса ҳам, шу ерда қолиб ишлай бошладим. Бу жойларнинг ери унчалик ҳосилдор эмас, қишлоқ хўжалиги зарарли бўлмаслиги учун крепостнойлар ёки ёлланма батраклар меҳнатидан,— бу иккаласи қарийб бир хил,— фойдаланишга тўғри келди, ёки хўжаликни деҳқонлар сингари бошқариш, яъни киши далада оиласи билан бирга ўзи ишлаши лозим. Бошқа чора йўқ. Бироқ мен у вақтда хўжаликнинг бу нозик томонларини синчиклаб ўтирмас эдим. Мен ернинг бирор кичик бўлагини бекор қўймай, қўшни қишлоқлардан барча деҳқонлар ва аёлларни тўплаб келтирар эдим, иш жуда қизиқ кетарди. Ўзим ҳам ер ҳайдар, уруғ сепар, ўрар, айна вақтда жуда зерикардим ва очликдан полизга тушиб бодринг еяётган мушукдек жирканиб пешонамни тириштирар, аъзойи баданим зирқираб оғриб, юрган йўлимда мудрар эдим. Дастлабки кунларда меҳнат билан тўлган бу ҳаётимни ўз маланий одатларим билан мослаштириш менга осондек бўлиб кўринар, бунинг учун ҳаётда маълум бир ташқи қоидага риоя қилинса кифоя деб, ўйлар эдим. Мен шу болохонага жойлашиб олиб, шундай одат жорий қилдимки, нонушта ва тушки овқатлардан кейин менга ликёр ва кофе келтиришар, кечаси ўринда ётиб «Вестник Европи»ни ўқир эдим. Бир кун поимиз Иван ҳазраг бизникига келди-ю, бир ўтиришнинг ўзидаёқ ликёрларимнинг ҳаммасини ичиб қўйди: «Вестник Европи» ҳам поининг қизчаларига жўнатилди, чунки ёзда, айниқса пичан ўриш мавсумида, мен ўзимнинг ётоғимга етиб бора олмас, омборхонада, чаналарнинг устидами, ёки ўрмон қоровулхонасидами бирор ерда ухлаб қолар эдим,— шу аҳволда ўқиш қаёқда дейсиз? Мен секин-аста пастга тушиб олдим, хизматкорлар ошхонасида овқатлана бошладим, эски ҳашаматдан менда мана шу хизматкорлар қолди. холос. Булар отамга хизмат қилганларидан, уларни бўшатиб юбориш менга жуда оғир эди.

Биринчи йиллардаёқ бу ерда мени фахрий мировой судьяликка<sup>1</sup> сайладилар. Аҳён-аҳёнда шаҳарга тушиб съ-

<sup>1</sup> Чор Россиясида майда ишларни кўрадиган судья.

езд ва округ судининг мажлисларида иштирок этишга тўғри келиб қолар ва бу мени бир мунча юпантирар эди. Бу ерда, айниқса қиш кунларида ҳеч қаёққа бормасдан икки-уч ой яшагандан кейин, киши қора сюртукни қўмсаб қолади. Округ судида эса киши сюртуқларини ҳам, мундирларни ҳам, фракларни ҳам кўради, ҳамма юристлар умумий таълимот олган кишилар бўлиб, ҳангамалашиш учун одам топилар эди. Чаналарда ухлаш, хизматкорлар ошхонасида овқатланишлардан кейин тоза кийимда, енгил ботинка кийиб, кўкракка занжир тақиб креслода ўтириш — қандай роҳат!

Шаҳарда мени қувонч билан қабул қилишар, мен ҳам мамнуният билан таниш-билиш ортдирар эдим. Ҳамма танишлар ичида энг муътабари ва, тўғриси айтганда, менга энг маъқули округ суди раисининг ёрдамчиси Луганович эди. Иккалангиз ҳам уни танийсиз: жуда мулоим киши. Бу воқиа ўт қўювчилар устида кўрилган машҳур ишдан кейин бўлган эди. Бу иш икки кунгача давом этди; биз тоза чарчаган эдик. Луганович менга:

— Менга қаранг! Юринг бизниқига бориб овқатланамиз,— деди.

Мен бундай таклифни ҳеч кутмаган эдим, чунки Луганович билан мен яқиндан таниш бўлмай, уни иш юзасидангина танирдим, унинг уйига ҳеч бормаган эдим. Мен бошқа кийим кийиб олиш учун бирпас ўз номеримга кириб чиқдим-да, меҳмондорчиликка жўнадим. Ана шунда Лугановичнинг хотини Анна Алексеевна билан танишиш менга насиб бўлди. У вақтда Анна Алексеевна жуда ёш, йигирма иккилардан ошмаган, биринчи боласини ярим йил олдин кўрган эди. Хайр, бу ҳаммаси ўтган иш, бу хотинда мени шу қадар мафтун қилган қандай ноёб фазилат борлигини айтишдан ҳозир ожизман. Ўша вақтда, меҳмондорчиликда ўтирганимда эса бу фазилат аниқравшан эди; ёш, жуда гўзал, хушфеъл, ўқимишли, жозибадор бу каби нозанинни илгари мен ҳеч кўрмаган эдим. Мен шу ондаёқ бу хотинни ўзимга яқин, танишдек ҳис этдим, шу гўзал чеҳрани, шу меҳрибон, ёқимтой кўзларни қачонлардир ёшлик чоғимда, ойимнинг жавонида ётадиган албомда кўргандек бўлдим.

Ўт қўювчиларнинг иши юзасидан тўрта яҳудийни, шайка деб ҳисоблаб, менимча ҳеч ассосиз айбладилар. Шунини ўйлаб мен зиёфатда жуда ҳаяжонланиб ўтирдим, кўнглим қаттиқ азобда бўлиб, нима деганимни ҳам эслолмайман,

фақат Анна Алексеевна сўзимни тинглаб туриб, бошини ирғатар ва эрига қараб:

— Дмитрий, наҳотки шундай бўлса-я?— деб қўяр эди.

Луганович эса,— башарти киши судга тушган экан, демак, у айбли, чиқарилган ҳукмнинг тўғрилигига шубҳа билдириш қонуний йўл билан, қоғозда бўлиши керак, аммо асло меҳмондорчиликда ўтирганда ва айрим суҳбатларда эмас, деган фикрга қаттиқ риюя қилувчи соддадил кишилардан бири экан.

— Сиз, билан биз ўт қўйганимиз йўқ,— дер эди у мулойимлик билан,— мана, бизни суд қилаётганлари, қамаб қўяётганлари йўқ-ку.

Шундай қилиб, эр-хотин иккиси менга кўпроқ едириш ва ичиришга ҳаракат қиларди; баъзи майда икир-чикирларга, масалан, уларнинг биргалашиб кофе қайнатишларига, бир имо биланоқ бир-бирларининг гапларига тушунишларига қараб, мен уларнинг аҳил, хотиржам яшашлари ва мўҳмондўст эканларини англадим. Зиёфатдан кейин икковлари бирга роял чалишди, қоронғи тушиб қолгач, мен уйимга кетдим. Бу воқиа эрта баҳор фаслида бўлган эди. Шундан кейин мен ҳеч қаёққа бормасдан бутун ёзни Софьинода ўтказдим, ишим кўплигидан шаҳарга бориш хаёлимга ҳам келмас эди, аммо бу ҳушқомат оқ-сарик хотин туну кун эсимдан чиқмас, мен уни ўйламасам ҳам унинг нозик қиёфаси кўнглимдан нари кетмас эди.

Кеч куз пайти иона учун шаҳарда бир спектакль қўйилди. Губернатор ложасига кириб қарасам (мени у ерга антракт вақтида таклиф қилишган эди) губернатор хотинининг ёнида Анна Алексеевна ўтирибди; яна ўша гўзаллик ва меҳрибон ёқимли кўзларнинг мислсиз жўшқин таассуротини сездим.

Биз иккаламиз ёнма-ён ўтирдик, кейин фойеда айланиб юрдик.

— Озиб қолибсиз,— деди у.— Қасалмидингиз?

— Ҳа. Елкам шамоллаб қолган, намгарчилик вақтларида яхши ухлолмаيمان.

— Бир оз ланжроқ кўринасиз. Баҳорда бизникида меҳмон бўлганингизда, ёшроқ, тетикроқ эдингиз. Сиз унда жуда завқли, хушчақчақ, жозибали эдингиз ва ростини айтсам, сизга бироз мафтун ҳам бўлиб қолган эдим. Негадир бутун ёз бўйи сизни тез-тез эслаб турдим. Бутун театрга отланаётганимда ҳам, сизни кўрадиганга ўхшадим.

Шундай деди-ю, кулиб юборди ва такрор:

— Аммо бугун бир оз ланжроқ кўринасиз,— деди.— Бу сизни қарироқ қилиб кўрсатади.

Эртаси куни Лугановичникида нонушта қилдим; нонуштадан сўнг улар қиш тараддудини кўриш учун боғларига жўнашди, мен ҳам улар билан бирга бордим; шаҳарга ҳам бирга қайтдим. Ярим кечада уларникида осойишта оила шароитида чой ичдим,— камин ёнар, ёш она қизидан хабар олиб болалар хонасига чиқиб-кириб турар эди. Шундан кейин ҳар гал шаҳарга тушганимда албатта Лугановичникига кирардим. Улар менга ўрганиб қолди, мен ҳам уларга ўрганиб қолдим. Одатда мен яқин кишилари-дек уйга сўроқсиз кира берардим.

— Қим у? — деган узоқ хонадан менга жуда ёқимли туюлган чўзиқ овоз эшитиларди.

— Бу Павел Константинич,— деб жавоб қиларди оқ-соч хотин ёки энага.

Анна Алексеевна ҳавотирланиб мени кутиб олар ва ҳар гал:

— Нега бунча узоқ вақт кўринмай кетдингиз? Бирор ҳодиса юз бердими?— деб сўрар эди.

Унинг боқиши, менга узатган нозик, олиҳиммат кўли, уй ичида киядиган кўйлаги, оройиш бериб таралган сочлари, овози, қадам кўйишлари менинг ҳаётимда ҳар гал аллақандай янги ва муҳим бир таассуротни кўзгатар эди. Биз узоқ суҳбатлашар ва ўз хаёлларимизга берилиб узоқ сукут ҳам қилардик; у менга роял чалиб берар эди. Агар мен келганимда уй эгалари бўлмаса, мен уйда кутиб турар, энага билан гаплашар, бола билан ўйнашар ёки хонадаги турк диванида ётиб газета ўқирдим. Анна Алексеевна келганида эса олдинги хонага чиқиб, уни кутиб, харид қилган нарсаларини кўлидан олар ва ҳар гал бу нарсаларни ёш боладек меҳр-муҳаббат ва тантана билан уйга олиб кирар эдим.

«Оғримаган бошимга олтин исирга» дегандек, Лугановичларнинг бош оғриғи ташвишлари йўқ эди, мана мен билан танишиб у ташвишни орттиришди. Агар мен узоқ вақт шаҳарга тушмай кўйсам, уларнинг назарида, мен албатта касал бўлиб қолган ёки бирор фалокатга учраган бўлиб, ҳар иккиси ҳам қаттиқ ташвишга тушарди. Улар мени бир неча тилни биладиган, ўқимишли одам, илмий ишлар ёки адабий меҳнат билан шуғулланиш ўрнига қишлоқда яшайди, мокидек тинмайди-ю, доим бир чақа-

Сиз, деб билишарди. Уларнинг назарича мен азоб чекаётгандек бўлиб кўринар, сўзлашиб, кулиб, овқат еб ўтирсам ҳам гўё албатта, ўзимнинг азобланаётганимни яширмақ учун жўрттага қилаётгандек эдим. Хурсандчилик дақиқаларида, мен ўзимни жуда яхши сезган вақтларда ҳам улар менга синчиклаб назар солаётганларини сезиб турар эдим. Мен ҳақиқатан ҳам қийин аҳволга тушиб қолган вақтларимда, биронта ижарахўр мени қисти-бастга олган ёки банкка муҳлатли тўлов учун пул етишмай қолган вақтларда, Лугановичлар айниқса меҳрибон бўлиб кетарди, иккиси, эр-хотин, дераза ёнига бориб шивирлашар, кейин эри менга яқин келиб, жиддий қиёфада айтар эди:

— Агар сиз, Павел Консантинович, ҳозирда пулга муҳтож бўлсангиз, мен ва хотиним сизнинг уялмаслигингизни, биздан олиб туришингизни илтимос қиламиз.

Шундай вақтларда ўнғайсизланиб, унинг қулоқларига-ча қизариб кетар эди. Баъзан худди шу қабилда дераза ёнида хотини билан шивирлашар, сўнг қулоқлари қизарган ҳолда олдимга келиб:

— Мен ва хотиним биздан мана шу совғани қабул қилишингизни ўтиниб сўраймиз,— дерди.

Шундай деб у менга тўғноғич, портсигар ёки чироқча узатар, мен эса бунинг эвазига овланган қуш, ёғ ва гуллар юборардим. Ўрни келганда айгиб қўяйки, уларнинг ҳар иккиси ҳам давлатманд эди. Илгари мен тез-тез қарз олиб турар ва у қадар суриштириб ўтирмай, мумкин бўлган жойдан ола берар эдим, аммо ҳеч қандай куч-қувват мени Лугановичлардан қарз олишга мажбур қила олмас эди. Бу ҳақда гапириб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ!

Мен бахтсиз эдим. Уйда ҳам, далада ҳам, омборхонада ҳам Анна Алексеевнани ўйлардим; хунук, қирқдан ошган ва қариликка юз тутган кишига эрга теккан ва ундан бола кўрган ёш, гўзал, оқила хотиннинг сирини англамоқчи бўлардим.— Бу, бемаънилик билан зерикарли фикр юритувчи, балларда, ўйин-кулги кечаларида басавлат, жиддий кишилар ёнида турувчи, ланж, кераксиз, худди уни бу эрга сотгани келтирилгандек итоаткор, лоқайд қиёфалик, аммо шундай бўлса ҳам, ўзининг бахтли бўлиш, Анна Алексеевнадан бола кўриш ҳуқуқига ишонган бу хунук, кўнгилчан ва соддадил кишининг сирини билиш устида бош қотирардим, ҳамда нега бу гўзал хотин менга эмас, айнан шу кишига дуч келганини, бизнинг ҳаётимиз-



да бундай даҳшатли хато юз бериши нимага керак бўлиб қолганини билишга уринар эдим.

Шаҳарга тушганимда эса Анна Алексеевна мени интизор бўлиб кутганини ҳар гал унинг кўзларидан ўқиб олар эдим; унинг ўзи ҳам эрталабдан бошлаб ўзида аллақандай ўзгача бир сезги пайдо бўлганини, менинг келишимни ҳис қилганини эътироф қилар эди. Биз узоқ вақт гаплашар, сукут этар эдик, лекин ишқ-муҳаббатимизни бир-биримизга изҳор қилмай, хавфсираб, ардоқлаб яшириб. сиримизни ўзимизга ошкор қилиб қўйиши мумкин бўлган ҳар бир нарсадан чўчир эдик. Мен Анна Алексеевнани самимий бир муҳаббат билан севардим, аммо ўз муҳаббатимизни сир тутишга қурбимиз етмаганда қандай оқибатларга олиб келишини ўйлаб, ўз-ўзимга савол берар эдим; менинг ювош ва ҳазин севгим Анна Алексеевнанинг эри ва болалари ҳаётининг, мени шу қадар севган ва менга ишонган шу оила ҳаётининг осойишта, бахтли оқимини қўпол равишда тўхтатиб қўйиши — ақл бовар қилмайдиган бир ҳодиса бўлиб туюлар эди. Бу виждонанми? У мен билан бирга кетиши аниқ, аммо қаерга? Мен уни қаерга олиб кета оламан? Агар менинг ҳаётим гўзал, ажойиб бўлганда, масалан, мен Ватанни озод қилиш учун курашаётган бир киши бўлганимда ёки отоқли олимми, артистми, рассомми бўлганимда бошқа гап эди, ахир мен уни бир оддий нашъасиз ҳаётдан худди шундай ёки янада нашъасиз ҳаётга жалб этишимга тўғри келади-ку. Яна бизнинг бахт-саодатли кунларимиз қачонгача лавом этиши мумкин? Мен касал бўлиб ёки ўлиб қолган тақдирда ёки, айтайлик, бир-биримиздан кўнглимиз совуб қолган тақдирда, унинг ҳоли нима кечади?

Анна Алексеевна ҳам, афтидан, шу каби мулоҳаза юритар, эри, болалари, куёвини ўз ўғлидек севувчи онаси ҳақида ўйлар эди. Бордию, у муҳаббатига берилиб кетса, ёки алдаши, ёки ҳақиқатни ошкор айтиши лозим бўлар, унинг тугган мавқеида эса ҳар икки ҳолда ҳам бу қўрқинчли ва ноқулай бўлар эди. У унинг севгиси менга бахт келтира оладими, бусиз ҳам оғир, ҳар хил мусибатлар билан тўла бўлган менинг ҳаётимни яна ҳам мушкуллаштириб юбормайдими деган мулоҳазага бориб ҳам ташвишланар, ўзини менга эрга чиқишга муносиб эмас, ўзини янгидан турмуш қуриш учун етарли даражада меҳнатсевар, ғайратли эмас деб ўйлар эди. У менинг уй ишларини яхши бошқарадиган, менга ёрдамчи бўла оладиган ақлли,

муносиб, бир қизга уйланишим зарурлигини эри билан тез-тез гаплашиб турар, аммо, шу ондаёқ бутун шаҳарни қидирганда ҳам бундай қиз топилиши гумон деб қўяр эди.

Шу тахлитда йиллар ўта берди. Анна Алексеевна энди икки боланинг онаси бўлиб қолди. Мен Лугановичникига келганимда оқсоч хотин очиқ юз билан жилмаяр, болалар амакимиз Павел Константинович келдилар деб шовқин солишар, менинг бўйнимга осилишар, хуллас ҳамма қувонар эди. Менинг дилимда нималар кечаётганини тушунмай, мени ҳам шодланияпти деб ўйлашар эди. Ҳамманинг назарида мен олижаноб бир зот эдим. Катталар ҳам, болалар ҳам уйда олижаноб зот юрибди деб сезишар, бу эса, мен бу уйдалигимда уларнинг ҳаёти соф ва гўзалроқ бўлиб қолаётгандек, уларнинг менга бўлган муносабатларига қандайдир бир латифлик бағишлар эди. Мен ва Анна Алексеевна театрларга бирга борардик, албатта, пиёда юрардик. Биз креслоларда ёнма-ён ўтирар, бир-биримизга елкаларимиз тегиб турар эди. Мен индамай унинг қўлидан дурбинни олардим ва шунда у менга жуда яқин, меники эканини, биз бир-биримизсиз яшай олмаслигимизни сезар эдим. Аммо, театрдан чиқар эканмиз, қандайдир ажиб англашилмовчилик туфайли, биз ҳар гал ҳам хайрлашиб, бегоналардек ажралишиб кетар эдик. Шаҳарда аллақачонлардан бери бизнинг тўғримизда, худо биледи, қандай гапларни тўқиб-бичишар, бироқ бу гаплардан лоақал биттаси ҳам тўғри эмас эди.

Кейинги йилларда Анна Алексеевна, гоҳ онасиникига, гоҳ опасиникига тез-тез бориб турадиган бўлиб қолди; энди унинг кайфияти бузилиб турар, қониқарсиз, бузилган ҳаётини ўйлаб вужуди эзилар, шундай вақтларда у эрини ҳам, болаларини ҳам ёқтирмас эди. У асабий касалликдан даволана бошлаган эди.

Биз ҳали ҳам жимжит эдик, ўзгаларнинг олдида у менга қарши қандайдир ажиб бир асабий ҳолатга тушар, нима тўғрида гапирмайин у мен билан келишолмас, агар мен бирор киши билан баҳслашиб қолсам, у менинг мухолифимнинг ёнини олар эди. Бордию, мен бирор нарсани қўлимдан тушириб юборсам у совуққина қилиб:

— Табриклайман сизни,— деб қўярди.

Агар мен у билан театрға кета туриб дурбин олишни эсимдан чиқариб қўйган бўлсам, у:

— Эсингиздан чиқариб қўйишингизни билган эдим,— дерди.

Бизнинг ҳаётимизда ҳар бир воқиа яхшилик ёки ёмонлик билан тугайди. Оқибат, жудолик вақти келди. Чунки Лугановични ғарбий губерналардан бирига раис қилиб тайинладилар. Мебель, боғ ва отларни сотиш лозим бўлиб қолди. Боғга бориб, сўнг қайтаётган ва охирги марта боғга, ундаги ҳаво ранг томга кўз ташлаш учун орқага қайрилиб қараган пайтда ҳамма маъюс эди; ёлғиз боғ билангина эмас, Анна Алексеевна билан ҳам видолашиш фурсати келганини мен тушунар эдим. Август ойининг охирида Анна Алексеевнани докторлар буюрган ерга — Қримга кузатиш, бир оз кейинроқ Луганович болалар билан ўзи тайинланган ғарбдаги губернага жўнаши лозим эди.

Биз Анна Алексеевнани бир тўда бўлиб кузатдик. У, эри ва болалари билан хайрлашиб бўлган, учинчи қўнғироққа бир лаҳзагина қолган бир пайтда мен, у сал бўлса эсидан чиқариб қолдираёзган саватни полкага қўйиб тушиш учун унинг купесига югуриб кирдим; шунда хайрлашиш ҳам керак эди. Бу ерда, купеда бизнинг кўзимиз бир-биримизга тушгач, ҳар иккаламиз ҳам ўзимизни йўқотиб қўйдик, мен уни қучоқлаб олдим, у менинг кўкрагимга юзини қўйди, кўзларидан ёшлари қуйилди; унинг кўз ёшлари билан намланган юз, елка, қўлларини ўпиб туриб,— оҳ, биз нақадар бахтсиз эдик!— мен унга ўз муҳаббатимни изҳор қилдим ва аччиқ аламли юрак дарди билан, бизнинг бир-биримизни севишимиз учун халақит берган барча монеликларнинг қанчалик кераксиз, аҳамиятсиз ва алдамчи эканини англадим. Бирор кишини севар экансан бу севги ҳақидаги ўз мулоҳазаларингда кўп ишлатиладиган бахтлилик ёки бахтсизлик, гуноҳкорлик ёки саодатпешаликка қараганда юксакроқ ва аҳамиятлироқ манбага асосланиш керак эканини ёки бўлмаса бутунлай мулоҳазаларга берилиб ўтирмаслик кераклигини тушундим.

Мен уни охирги марта ўпдим, қўлини сиқдим ва биз абадий видолашдик. Поезд аллақачон юриб кетган эди. Мен ёндош купега кирдим. У бўш эди. Биринчи станциягача шу ерда ўтириб, ўксиб-ўксиб йиғладим. Кейин яёв ўз уйимга, Софьинога жўнадим. . .

Алехин ҳикоя қилар экан ёмғир тиниб, офтоб мўралаб қолди. Буркин ва Иван Иваничлар балконга чиқишди; бу

ердан боғ ва ҳозир офтобда ойнадек ярқираб турган дарё-нинг кўлмак бўлиб оқаётган ерида ажойиб манзара кўринар эди. Улар буни завқ билан томоша қила туриб, шундай софдиллик билан уларга муҳаббат саргузаштини сўзлаб берган олижаноб ва ақлли бу одамнинг ҳақиқатан ҳам ўз ҳаётини ёқимлироқ қила оладиган илмий ёки бирор бошқа иш билан шуғулланмай, бундай катта ер-мулкда эртаю кеч мокидай елиб-югуриб юрганига ачиндилар; шундан кейин Алехин хайрлашаётиб юз ва елкаларини ўпган вақтда ёш хонимнинг чаҳраси қандай ғамгин ҳолда бўлганини ўйладилар. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам Анна Алексеевнани шаҳарда кўришган, Буркин эса ҳатто у билан таниш бўлиб, уни чиройли хотин деб билар эди.

## И О Н И Ч

### I

С... деган губерна шаҳрига келганлар, бу ер жуда зерикарли ва ҳаёти бир шаклдалигидан шикоят қилганларида, маҳаллий аҳоли гўё ўзини оқлагандай, йўқ, аксинча, С шаҳримиз жуда яхши, кутубхона, театр, клуб бор, базмлар бўлиб туради, яна танишса арзийдиган фаросатли, ёқимли, ажойиб оилалар бор, дейди. Бу ўринда улар энг маданий ва истеъдодли оила деб, Туркинларни тилга оладилар.

Туркинлар оиласи шаҳарнинг марказий кўчасида, губернатор ёнидаги ўз уйида яшайди. Иван Петрович Туркиннинг ўзи тўладан келган, қора мағиз, чакка соқол қўйган хушбичим одам. У, хайр-эҳсон учун ҳаваскорлар спектакллари қўйдирав ва ана шу спектаклларда кекса генераллар родини ижро этар, ўйин пайтида жуда ғалати йўталарди. Иван Петрович жуда кўп латифалар, жумбоқлар, мақоллар билар, ҳазил-мутойибани севар, ўзиям аскияни ўрнига қўярди, унинг юзида ҳамиша шундай ифода ўйнардикки, у ҳазиллашяптими ё жиддий гапира ётиптими, билиб бўлмасди. Унинг хотини Вера Иосифовна эса озгингина, рiпсе-пез таққан хушрўй жувон, қиссалар ва романлар ёзар, уларни мамнуният билан ўз меҳмонларига баланд овозда ўқиб берарди. Ешгина қизи Екатерина Ивановна рояль чаларди. Хуллас, бу оиланинг ҳар бир аъзосида ўзига хос бирон истеъдод мавжуд эди. Туркинлар меҳмонларни гоят хурсандчилик билан кутиб олар ва ўз истеъдодларини уларга хурсандлик ва соддалик билан намойиш қиларди. Уларнинг катта ғиштин уйлари кенг, ёз ойларида салқин, деразаларнинг ярми аввал баҳорда булбуллар наво қиладиган соя-салқин эски боғ томонга

қурилган эди; уйда меҳмонлар ўтирган паллада ошхонада пичоқларнинг тарақлагани эшитилар, бутун ҳовли юзини пиёздод иси тутиб, ҳар сафар мўл-кўл ва мазали кечки овқат тайёрланаётганини билдирар эди.

Доктор Дмитрий Ионич Старцев С. шаҳридан тўққиз чақирим нарида бўлган Дялижга земство врачлари этиб тайинланган ва бу ерга кўчиб келганда унга ҳам, зиёли одам бўлгани учун, Туркинлар оиласи билан танишиш зарурлигини айтишди. Нима ҳам бўлиб, қиш кунларининг бирида, уни кўчада Иван Петрович билан таништирдилар, обҳаво тўғрисида, театр тўғрисида, вабо тўғрисида гаплашдилар. Шундан кейин у уйга таклиф этилди. Баҳорда, Вознесение байрамида, Старцев касалларни қабул қилиб бўлгач, бир озгина кўнгил очиш ва шу баҳона билан ўзига баъзи нарсалар сотиб олгани шаҳарга тушди. У пиёда (бу маҳалда докторнинг ўз от-извоши йўқ эди) йўл босиб:

Ҳали ичмаганман ҳаёт жомидан кўз ёшлар...

қўшиғини хиргойи қилиб борарди.

Шаҳарга етиб келгач, овқатланди, боғда сайр қилиб юрди, кейин Иван Петровичнинг уйига таклиф этгани эсига тушиб қолди. Доктор Туркинлар уйига боришга ва улар қандай одам эканларини кўришга жазм қилди.

— Саломат бўлсинлар, қани марҳамат,— деб эшик олдида уни кутиб олди Иван Петрович,— Сиздай ҳурматли меҳмонни кўрганимга жуда-жуда хурсандман. Қани юрсинлар, мен сизни рафиқайи муҳтарамам билан таништирай. Верочка, мен унга айтдимки,— деб сўзида давом этди у хотинини доктор билан таништираар экан,— мен унга айтдимки, сизнинг ўз касалхонангиздан жилмай ўтиришингизга ҳеч қандай асос йўқ, сиз бўш вақтингизни жамиятга бағишлашингиз керак. Тўғри айтибманми? Жонгинам.

— Мана бу ерга ўтиринг,— деди Вера Иосифовна меҳмонни ўз ёнига ўтқазар экан,— сиз менга бемалол мулозимат қила беришингиз мумкин. Менинг эрим жуда рашкчи, Отеллонинг худди ўзгинаси, лекин биз, ўзимизни шундай тутамизки, у ҳеч нимани сезмай қолади.

— Ҳе, сен онахоннинг шўхлигини қара-я...— деб секингина шивирлади Иван Петрович ва хотинининг пешонасидан ўпди,— сиз жуда мовридида келдингиз-да,— деб

яна меҳмонга мурожаат қилди,— менинг рафиқай муҳтарамам каттакон бир роман ёзган эди, шуни бугун баланд овозда ўқиб беради.

— Жанчик,— деди Вера Иосифовна эрига қараб,— dites que l'on nous donne du thé!

Старцевни онасига ўхшаган озғин ва хушрўйгина, энди ўн саккиз ёшга кирган Екатерина Ивановна билан гаништиришди. У, юзидан болалик ифодаси ҳали аримаган, ингичка бел, нозик бир қиз эди; эндигина балоғатга етган, мусаффо, чиройли кўкраклари унинг баҳоридан, чинакам баҳори бошланганидан хабар бериб турарди. Кейин мураббо, асал, конфетлар ва есанг оғзингда эриб кетадиган жуда мазали печеньелар билан чой ичилди. Кеч кириши билан бирин-кетин меҳмонлар йиғила бошлади, Иван Петрович уларнинг ҳар бирига ўзининг доимо кулиб турувчи кўзларини тикиб, алоҳида мурожаат қиларди:

— Саломат бўлсинлар, қани марҳамат.

Кейин ҳамма ғоят жиддий қиёфада меҳмонхонада ўтирди, Вера Иосифовна уларга романини ўқиб берди. Роман: «Совуқ борган сари зўраяпти...» деган жумла билан бошланарди. Деразалар ланг очиб қўйилган эди, ошхонадан пичоқларнинг тиқирлаши эшитилар, пиёздоғ ҳиди димоққа урарди... юмшоқ ва чуқур креслоларда ботиб ўтириш ғоят ҳузур-ҳаловатли эди, нимқоронғи меҳмонхона қўйнида чироқлар ёқимли милтилларди; мана ҳозиргидек ёз кечаси, кўчадан шўх овозлар ва кулги садолари эшитилиб турган, ҳовлидан сирень иси анқиб эсаётган бир паллада совуқнинг борган сари зўрайишини ва ботиб бораётган қуёш ўзининг совуқ нурлари билан қорли текисликни ҳамда йўлда танҳо кетаётган йўловчини қандай ёритаётганини тасаввур этиш мушкул эди; Вера Иосифовна ёш, гўзал графинянинг ўз қишлоғида қандай қилиб мактаблар, касалхоналар, кутубхоналар очгани тўғрисида, унинг аллақандай сайёр рассомнинг қандай севиб қолгани ҳақида, ҳаётда сира-сира бўлмайдиган нарсалар тўғрисида ўқиб бермоқда эди; лекин шунга қарамай эшитиш анча қулай ва кўнгилли бўлди, миёга ҳар қалай, яхши, осойишта фикрлар келарди, ишқилиб, кишининг туриб кетгиси келмасди-да...

— Чаккиямас...— деди оҳиста Иван Петрович.

---

1 Айтган, бизга чой беришин (французча).

Меҳмонлардан бири романни эшитиб ўтириб, хаёли жуда узоққа, ғоят олисга олиб қочиб, зўр-базўр эшитилар-эшитилмас:

— Ҳа... чиндан ҳам... — деб қўйди.

Орада бир соат, кейин яна бир соат ўтди. Қўшни шаҳар роҳат боғида оркестр чалар, қўшиқчилар хори ашула айтарди. Вера Иосифовна ўқиб бўлиб, ўз дафтарини ёпганида, ҳаммалари беш минутча жим ўтиришди, хор айтаётган «Лучинушка» қўшиғига қулоқ солишди, бу қўшиқ романда бўлмаган, аммо ҳаётдаги мавжуд нодир ҳисларни тараннум этарди.

— Сиз асарларингизни журналларда бостириб турасизми? — деб сўради Старцев Вера Иосифовнадан.

— Йўқ, — деб жавоб қилди Вера Иосифовна, — мен уларни ҳеч қаерда бостирмайман. Ёзаман-да, кейин уларни шкафимга солиб, яшириб қўяман. Бостириб ҳам нима қиламан? — деб изоҳ берди у, — ахир биз моддий жиҳатдан муҳтож эмасмиз-ку.

Негадир ҳамма чуқур тин олди.

— Мана энди Котик, сен ҳам бизга бирон нима чалиб бер, — деди Иван Петрович қизига.

Роялнинг қопқоғини кўтаришди, шу ерда ҳозирлаб қўйилган ноталарни очишди. Екатерина Ивановна рояль ёнига ўтириб, икки қўллаб клавишаларни босди; кейин шу заҳоти кучи борича клавишаларни зарб билан урди, сўнг яна, кейин яна; унинг елкалари билан кўкраги титраб кетди, у ҳамон қайсарлик билан бир ерга урарди, баайни у, клавишаларни уриб, рояль ичига киритиб юбормагунча тўхтамайдигандек эди. Меҳмонхона гумбурлаган садоларга тўлди; бу ерда ҳамма нарса: пол ҳам, шифт ҳам, мебель ҳам гумбурларди... Екатерина Ивановна қийин бир пассажни, худди ўзининг ана шу мушкуллиги билан қизиқ бўлган узун ва бир хилдаги пассажни чалиб берди. Старцев музыкага қулоқ соларкан, ўзича баланд тоғ тепасидан қулаб тушаётган тошларни тасаввур этди, тошлар тинмай қулар ва тўхтамасди; у тезроқ уларнинг қулаб бўлишини истарди, айни маҳалда, зўр берганидан қизариб кетган, бир соч толаси пешонасига тушган, бақувват ва эпчил Екатерина Ивановна унга жуда ёқиб қолди. Дялижда, касаллар билан мужиклар орасида ўтказилган қишдан кейин ҳозиргидек меҳмонхонада ўтириб, нозик ва новқирон, эҳтимолки ҳали маъсума бир жононга кўз солиш, бунинг устига жонга тегса ҳам, ҳар қалай маданий бўл-



ган сер шовқин овозларга қулоқ солиш, ниҳоятда кўнгилли ва янгилик эди. . .

— Баракалла, Котик, бугун ҳамма вақтдагидан кўра яхши чалдинг,— деди кўзига ёш олиб Иван Петрович, қизи чалиб бўлиб ўрнидан турганда,— Денис, ўлсанг ҳам бундан яхши ёзолмайсан.

Ҳамма қизнинг атрофини ўраб, уни табрикларди, таажжубда қолганларини изҳор этишди, кўп вақтлардан бери бундай ажойиб машқ эшитмаганларини таъкидлашди, қиз ҳам бу сўзларни жим туриб тинглади, сал жилмайди, бугун вужудидан тантана ёғилиб турарди.

— Ғоят гўзал! Жуда соз!

— Ғоят гўзал!— деди кўпчиликка қўшилиб завқ билан Старцев ҳам,— сиз рояль чалишни қаерда ўргангансиз?— деб сўради у Екатерина Ивановнадан — Консерваториядами?

— Йўқ, мен консерваторияга энди кирмоқчи бўлиб турибман, роялни ҳозирча шу ерда, Завловская хонимдан ўргандим.

— Сиз шу ердаги гимназия курсини тамом қилганмисиз?

— Йўғ-е!— деб қизи ўрнига жавоб қилди Вера Иосифовна,— биз ўқитувчиларни уйга таклиф қилганмиз, ахир ўзингиз ҳам хўп денг, гимназиядами ёхуд институтдами, барибир, ёмон таъсирнинг бўлиши мумкин-да, қиз ўсиб камолга етгунча биргина онасининг таъсирида бўлиши зарур.

— Мен ҳар қалай консерваторияга кирмоқчиман,— деди Екатерина Ивановна.

— Йўқ, Котик онасини жуда яхши кўради. Котик отаси билан онасини хафа қилмайди.

— Йўқ, кираман! Кираман!— деди ҳазил аралаш инжиқлик билан Екатерина Ивановна ва депсинди.

Кечки овқат маҳалида Иван Петрович ўз истеъдодини кўрсатди. Иван Петрович, битта кўзи билан кулиб, латифалар айтиб берди, аския қилди, ўртага турли хил ҳазил-мутойиба аралаш топишмоқлар ташлаб, уларни шу заҳоти ўзи ечиб берди. У, ҳамма гапи давомида ўзига олат бўлиб қолган ғалати бир тилда сўзлади, чамаси бу олат унинг аския ва ҳазил-мутойиба билан гапиришга узоқ вақт машқ қилганидан туғилган ва бу сўзларга Иван Петрович аллақачон ўрганиб кетган. Айниқса у: кап-катта, тўзукдан дурустроқ, жоним устига ташаккур сўзларини кўпроқ ишлатди. . .

Бу ҳали бўлган гапнинг ҳаммаси эмас. Қоринлари тўқ ва вақтлари чоғ меҳмонлар пальтолари кийиб, ҳассаларини олгани даҳлизда уймалашар эканлар, сочлари олинган, баркаш юзли, ўн тўрт ёшли хизматкор Павлуша (уни Пава деб атардилар) улар ёнида гирди-капалак югуриб юрди.

Иван Петрович унга қараб:

— Пава, қани бир қиёфага кирчи!— деб қичқирди.

Пава дарҳол қиёфага кириб, қўлини юқори кўтарди-да, фожиали овозда:

— Ул, бебахт қиз! — деб бақирди.

Ҳаммалари хохолаб кулиб юборишди.

Старцев кўча томон кетаркан, «қизиғу» деб кўнглидан ўтказди.

У, бу ердан чиққач яна ресторанга кириб, пиво ичди-да, кейин Дялижга, уйига қараб пиёда кетди. Старцев бутун йўл давомида:

Сенинг овозинг мен учун ҳузур-ҳаловат. . .

қўшиғини айтиб борди.

У тўққиз чақирим пиёда юриб ўрнига келиб ётаркан, ўзининг заррача ҳориб-чарчамаганини сизди. Бунинг акси-ча, назарида у яна йигирма чақирим йўл бўлса бажону дил, хурсандлик билан босадигандек туюлди.

Кўзи илинаркан «тузукдан дурустроқ. . .» сўзини эслади ва кулиб қўйди.

## II

Старцев Туркинлар уйига бормоқчи бўлар, лекин касалхонада иш жуда кўпайиб кетиб, боришга фурсат топа олмасди. Шундай қилиб, иш билан ва ёлғизликда бир йилдан мўлроқ вақт ўтиб кетди; мана, шаҳардан унга кўк конвертда хат олиб келишди. . .

Вера Иосифовна кўпдан бери мигрень касали билан оғрирди, аммо, кейинги вақтларда ҳар кунни Котик консерваторияга ўқишга кираман, деб қўрқитаётгани туфайли тутқаноғи тез-тез тутадиган бўлиб қолганди. Шаҳарнинг барча врачлари Туркинлар уйига келиб кетишди. Мана энди навбат земство врачига келганди. Вера Иосифовна унга, кўнглини эритадиган, таъсирли хат ёзиб, бир келишини ва дардини енгиллатишни илтимос қилганди. Старцев Туркинлар уйига келди, шундан кейин тез-тез ке-

либ турадиган бўлиб қолди. . . Чиндан ҳам у Вера Иосифовнага озгина ёрдам берди. Вера Иосифовна бўлса барча меҳмонларга бу жуда ажойиб, галати бир доктор деб мақтайдиган одат чиқарди. Старцев Туркинлар уйига энди фақат мигренни даволаш учунгина келмаётган эди. . .

Байрам куни Екатерина Ивановна ўзининг роялдаги узундан-узоқ, жонга тегувчи машқини чалиб бўлди. Шундан сўнг емакхонада узоқ фурсат ўтириб чой ичишди, Иван Петрович аллақандай кулгили бир воқияни сўзлаб берди. Шу орада қўнғироқ овози эшитилди, даҳлизга чиқиб, келган аллақандай меҳмонни кутиб олиш керак эди; Старцев бир нафаслик тараддуддан фойдаланиб, зўр ҳаяжон ичида Екатерина Ивановнага пичирлаб:

— Худо ҳаққи, ўтиниб сўрайман, менга азоб берманг, юринг боғчага чиқамиз! — деди.

Екатерина Ивановна бу кишига нима кераклигини тусунмагандай ва гўё бу гапдан ҳайрон қолгандай елкасини учирди, лекин ўрнидан туриб, эшик томон юрди.

— Сиз уч соатлаб, тўрт соатлаб рояль чаласиз,— деди Старцев унинг орқасидан юраркан,— кейин ойингиз билан бирга ўтирасиз, шу туфайли сиз билан гаплашишнинг сира имкони бўлмайди. Ўтиниб сўрайман сиздан, чорак соат вақтингизни менга бағишланг.

Куз яқинлашиб келмоқда эди, қадимий боғ бўш ва маъюс боқарди, хиёбонларда қорайиб кетган барглар кўзга ташланади. Тез қоронғи тушмоқда эди.

— Сизни кўрмаганимга нақ бир ҳафта бўлди,— деб сўзида давом этди Старцев,— бунинг қандай азоб-уқубат эканини билсангиз эди! Келинг, ўтирамыз. Гапимга қулоқ солинг.

Иккиларининг ҳам боғда ўз севган жойлари бор эди: кекса, сершоҳ заранг дарахт остида скамейка турарди. Улар ҳозир ҳам шу скамейкага келиб ўтиришди.

— Нима демоқчи эдингиз?— деди қуруққина қилиб Екатерина Ивановна расмий равишда.

— Сизни кўрмаганимга роса бир ҳафта бўлди, шундай узоқ вақт ичида овозингизни эшита олмадим, мен товушингизни эшитишни истайман, унга жудаям муштоқман. Гапиринг.

Қиз ўзининг ёшлиги, кўзлари ва юзидаги содда ифода билан уни мафтун этганди. Ҳатто, устидаги кўйлаги ҳам Старцев назарида ҳаддан зиёд ёқимли, хатти ҳаракати эса ўта содда ва таъсирли бўлиб кўринарди. Лекин, шу билан

бир маҳалда Старцев уни бундай соддалигига қарамай ғоят ақлли, ёшига нисбатан савияси баланд деб биларди. Қиз билан у адабиёт тўғрисида, санъат ҳақида, нима истасангиз шу ҳақда гаплаша оларди, унга ҳаётдан, одамлар устидан шикоят қиларди, қиз бундай жиддий суҳбат вақтида,— баъзан шунақа бўларди,— кутилмаганда кула бошлар, ёки уйига қараб жўнаб қоларди. С.нинг барча қизлари каби у ҳам жуда кўп китоб ўқирди. (Умуман олганда С.да китобни жуда кам ўқишарди, бу ердаги кутубхонада, яхши ҳамки шаҳаримизда китоб ўқийдиган қизлар ва кексайиб қолган яҳудийлар бор, бўлмаса кутубхонани бемалол ёпиб қўйсақ бўларди, деб гапиришарди). Бу нарса Старцевга жуда-жуда ёқарди. Шу туфайли ҳар сафар ҳам у зўр ҳаяжон ичида қизнинг кейинги кунларда нималар тўғрисида ўқиганини сўрар ва унинг жавобини, ўқиган китобини сўзлаб беришни жон қулоғи билан тингларди.

— Мана шу биз кўришмаган сўнгги ҳафта ичида қандай китоблар ўқидингиз? — деб ҳозир ҳам ундан сўради Старцев,— айтинг, ўтиниб сўрайман сиздан.

— Мен Писемскийни ўқидим.

— Унинг нимасини ўқидингиз?

— «Минг жон» романини,— деб жавоб қилди Котик.— Писемскийни жуда ғалати: Алексей Феофилактич, деб аташаркан!

— Қаёққа ахир? — юраги чиқиб кетиб сўрайди Старцев, қизнинг бирдан ўрнидан туриб, уйга қараб кетаётганини кўриб.— Мен сиз билан гаплашишим зарур, бор гапни айтишим керак. . . Мен билан ҳеч бўлмаса яна беш минут ўтиринг! Елвораман сиздан!

Қиз нимадир айтишни истагандек тўхтади, кейин бесўнақайгина унинг қўлига хат қистириб, ўзи уйга қараб чопди, у ердан яна роаяль овози эшитилди.

«Бугун кечаси соат ўн бирда,— деб бояги хатчани ўқиди Старцев,— қабристонда, Деметти ҳайкали ёнида бўлинг».

«Ана холос, бу энди ўта кетган лақмалик,— деб ўйлади ўзига келиб у,— қабристонга бало борми? Бунга нима ҳожат?».

Котикнинг майнавозчилик қилаётгани очиқ-ойдин кўриниб турарди. Бўлмаса, ярим кечаси, шаҳардан анча олисда, қабристонда учрашиш чиндан ҳам кимнинг бошига келиши мумкин? Ахир, осонгина шаҳар боғининг ўзида

ё кўчада учрашилса бўлмайдими? Шундай бўлгач, эсли-хушли земство врачл, жиддий одамга оҳ-воҳ қилиб юриш, мактубчалар олиш, қабристонларга бориш, бемаънилик қилиш ярашадими, ахир унинг бу қилимишидан ҳатто гимназистлар ҳам кулишади-ку? Бу нарсанинг охири нима билан тугайди? Уртоқлари билиб қолса нима дейди? Старцев клубда, столлар атрофида айланиб юриб, ўзича шундай ўйлади. Соат ўн ярим бўлганда бирдан қабристонга қараб жўнаб қолди.

Бу вақтда у икки отлик извошга ва духоба жилетка кийиб юрадиган Пантелеймон исмли кучерга эга эди. Тўлиқ ой чарақлаб сузиб юрибди. Атроф сокин ва илиқ, куз кунининг иссиқ нафаси кезади. Шаҳар четида, кушхона ёнида итларнинг увиллаши қулоққа чалинади. Старцев извошини шаҳар четида, тор кўчалардан бирида қолдириб, ўзи қабристонга пиёда кетди. «Ҳар ким ўз билганидан қолмайди» деб ўзича ўйлаб борарди у, — Қотик ҳам ғалати нарса, ким билади дейсиз, балки у ҳазиллашмагандир, эҳтимол келиб қолар» — у ана шу бўлмағур, заиф ишончга берилди, бу ишонч унинг бошини айлантириб қўйди.

У дала бўйлаб ярим чақирим йўл босди. Қабристон узоқдан худди ўрмон ёки катта боғ сингари қорайиб кўзга ташланди. Шундан кейин оқ тошдан қилинган девор, дарвоза кўринди. . . . Ой ёруғида дарвозага ёзилган: «Вақт-соат етганда. . .» деган лавҳани ҳам ўқиш мумкин эди. Старцев эшикдан ичкари кирди, биринчи бўлиб унинг кўзига кенг хиёбоннинг икки томонидаги оқ крестлар ва ҳайкаллар, улардан ҳамда тераклардан тушаётган қора соялар кўринди; атроф-теварак олис-олисларгача оқ ва қора, олачалпак бўлиб кўринар, мудроқ дарахтлар ана шу оқ устига ўзларининг шохларини эгиб турарди. Назарида бу ер очиқ далага нисбатан ёруғроққа ўхшарли; заранг дарахтининг панжага ўхшаш барглари хиёбоннинг сариқ қумидан қатъий ажралиб туради, қабр тошларидаги ва ҳайкаллардаги лавҳалар ҳам равшан кўриниб турибди. Аввалига Старцев ҳаётида биринчи марта кўраётгани, эҳтимол, бошқа сафар кўришга тўғри ҳам келмас, бошқа нарсага сира ўхшамовчи дунёни кўриб, ғоят ажабланди, бу дунёда ой нури шундай юмшоқ ва яхшики, гўё унинг беланчаги шу, бунда ҳаётдан асар йўқ, ҳар бир қорайиб кўринаётган теракда, ҳар бир қабрда сокин, гўзал ва мангу ҳаёт ваъда қилувчи сир борлиги яққол се-

зилиб турарди. Қабр тошларидан ва куз нафаси инган барглр билан сўлиб қолган гуллардан, қайғи-ҳасрат ва осойишталик анқирди.

Теварак-атроф сокит; юлдузлар осмонда осойишта термуладилар, Старцевнинг қадами қулоққа дағал чалинади. Черковда соат занги урилганда у ўзини ўлган деб, бир умрга, мангу шу ерга кўмилган деб тасаввур этди, унинг назарида кимдир қараб тургандай туйилди, бир лаҳза у, булар — жимлик ҳам, осойишталик ҳам эмас, ўлимни ис-таш, чуқур умидсизлик деган фикрни кўнглидан ўтказди.

Деметтининг ҳайкали, тепасига фаришта шакли ўрнати-тилган кичик черков тарзда ишланган эди; бир вақтлари Италия опера театри ўтиб кетаётиб С. шаҳрига қўнганди, ўшанда бир артистка вафот этган, уни шу ерга кўмиб, ана шу ҳайкални қўйгандилар. Шаҳарда у артисткани алла-қачон ҳамма унутиб юборган, аммо кираверишдаги шам чироқ ой нурини ўзида акс этдириб, ёнаётганга ўхшарди.

Ҳеч ким йўқ эди. Ярим кечада бу ерга ким келарди? Аммо, Старцев бўлса кутарди, гўё ой нури унинг эҳтирос-ларини янада яллуғлантириб юборгандай зўр эҳтирос би-лан кутар, ўз кўнглида ўпиш ва қучоқлашни тасаввур этар-ди. У, ҳайкал ёнида ярим соатча кутди, кейин шляпасини қўлига олиб, ёнбошдаги хиёбонда юра бошлади. У кутиб юриб, бу қабрларга қанчадан-қанча гўзал, жозибали, ишқ-муҳаббат қўйган, кечалари эркалашларга берилиб, эҳтирос билан ёнган хотинлар, қизлар кўмилганини ўйлар-ди. Аслини олганда, она-табиатнинг киши устидан бундай ёмон ҳазил қилиши кўнгилсиз нарса, яна бунга иқроп бўлиш алам қилади! Старцев ана шундай мулоҳаза қилар, айни маҳалда нима бўлса ҳамки муҳаббат келишини ку-таётганини, шуни жуда-жуда хоҳлашини бор кучи билан бақариб айтгуси келарди. Унинг кўз олдида оқариб кўри-наётган мрамр тош эмас, ажойиб бадандек туюлар, у уятчанлик билан дарахтлар соясига ўзини яширган қомат-ларни кўргандай, иссиқ ҳароратни сезгандай бўларди, шу-нинг учун кутиш унга ғоят оғир ва азобли туйиларди.

Гўё бирдан парда ёпилди-ю, ой булутлар орасига ки-риб, ҳамма ёқ қоп-қоронғи бўлиб кетди. Старцев худди куз кечаларидаги сингари қоронғи бўлиб кетганидан дарвоза-ни ҳам зўрға излаб топди, кейин извошини қолдирган тор кўчани қарийб бир ярим соатга яқин қидирди.

— Мен жуда чарчадим, зўрға оёғимда турибман,— де-ди у Пантелеймонга қараб.

Старцев зўр ҳузур-ҳаловат билан извошига ўтираркан, кўнглидан: «Эҳ, ортиқча семирмаслик керак!» деган хаёлни ўтказди.

### III

Эртаси кун кечқурун Старцев қизга уйланмоқчи эканини айтгани Туркинлар уйига борди. Лекин, бунинг мовриди эмас экан. Екатерина Ивановнани ўз хонасида сартарош сочини тарарди. Қиз клубга, танца кечасига боришга тайёрланмоқда эди.

Яна емакхонада узоқ ўтиришга, чой ичишга тўғри келди. Иван Петрович меҳмоннинг хаёлга ботганини ва зерикиб ўтирганини кўриб, жилеткаси чўнтагидан иш бошқарувчиси немиснинг кулгили хатини олиб, ўқиб берди, хатда у мулкдаги барча қулф-лўкидонлар ишдан чиқиб, ориятлар қулаганини маълум қиларди.

Старцев паришон хотирлик билан эшитар, ўзича: «булар чамамда, бир дунё сеп берсалар керак» деб ўйларди.

У кечаги уйқусиз тундан кейин биров унга ухлатадиган ва аллақандай ширин бир нарса ичиргандай карахт, довдираб ўтирарди; кўнгли хира-ю, аммо шод ва илиқ бир туйғуни сезиб турарди, айни маҳалда аллақандай совуқ ва оғир бир нарса миясига жойлашиб олиб:

«Вақт борида бу йўлдан қайт! Сенга у муносибми? У қиз эрка, инжиқ, кундуз нақ соат иккигача ухлайди, сен бўлсанг бир дьячокнинг ўғлисан, ўзинг земство врачии...» дерди.

«Хўш, шундай бўлса нима қипти?—деб ўйларди у,—майли-да».

«Бунинг устига, агар сен бу қизга уйлансанг,—деб бояги мияга жойлашган мулоҳаза овоз берарди,—унинг ота-оналари сени земство хизматини ташлашга ва ўзингни шаҳарда яшашга мажбур қиладилар».

«Нима қипти?—дерди Старцев,—шаҳарда яша дейишса, шаҳарда яшай берамиз-да. Сеп беришади, уй-жой жиҳозларини яхшилаб оламиз...»

Ниҳоят балга кийиладиган чуқур ўйма ёқали кўйлакда, сулув ва озода Екатерина Ивановна хонага кириб келди. Старцев унга маҳлиё бўлиб қолди ва шундай завқланиб кетдики, бирон сўз дейишга ҳам ожиз, фақат унга тикилиб, жилмаярди, холос.

Қиз хайрлаша бошлади, энди унга бу ерда ўтириш керак эмас эди,— ўрндан турди-да, уйига кетиши керак-лигини, уни беморлар кутаётганини айтди.

— Нима ҳам деймиз,— деди Иван Петрович,— майли, йўлакай Котикни клубга ташлаб ўтинг.

Ташқарида шивалаб ёмғир ёғарди, ғоят қоронғиликдан извошнинг қаерда турганини фақат Пантелеймоннинг йўталган овозидангина билиб олиш мумкин эди. Извошнинг соябонини кўтариб қўйишди.

— Мен гиламда юрибман, сен ёлғонни сурибсан,— дерди Иван Петрович қизини аравага ўтқизаркан,— у йўлда, ёлғони ўнгу сўлда... Қани жўнай бер! Саломат бўлсинлар, қани марҳамат.

Жўнашди.

— Мен кеча қабристонга бордим,— деб сўз бошлади Старцев,— сиз томондан қилинган бу шафқатсизлик ва илтифотсизлик...

— Сиз қабристонга бордингизми?

— Ҳа, бордим, сизни қарийб соат иккигача кутдим, мен ғоят изтироб чекдим...

— Майли, ҳазилни билмаганингиздан кейин, изтироб чека беринг.

Екатерина Ивановна севган одами устидан ана шундай ҳазил қилгани ва уни ғоят севганидан мамнун ва шод хохлаб кулди-да, тўсатдан бақариб юборди. Худди шу лаҳзада отлар клуб дарвозаси томон тўсат бурилиб, арава бир томонга қийшайиб кетган эди. Старцев Екатерина Ивановнани белидан қучоқлаб олди; қўрққанидан эси чиқиб кетган қиз унга ёпишди, ўзини тутиб туролмаган Старцев зўр эҳтирос билан унинг лабидан, бақбақасидан ўпди-да, уни маҳкамроқ қучоқлади.

— Бўлди,— деди қиз совуққина қилиб.

У бир онда извошдан ғойиб бўлди, клубнинг чароғон эшиги олдида турган миршаб Пантелеймонга қараб дағал, йўғон овозда:

— Ҳой, анқов, нега тўхтаб турибсан? Жўна йўлингга! — деб бақирди.

Старцев уйига кетди, аммо орадан сал ўтмай қайтиб келди. У бировнинг фрагини кийиб келди, бўйнига таққан оқ дағал галстуги дўппайиб турар ва ёқасидан сирғаниб кетаверар эди. Старцев ярим кечада клубнинг меҳмонхонасида ўтириб, зўр иштиёқ билан Екатерина Ивановнага гап маъқулларди:



— О, муҳаббат дардини тортмаганлар. бу ҳақда ҳеч нима билмайдилар? Менинг назаримда ҳеч ким чин муҳаббатни тўла ифода этолмаган, чиндан ҳам бундай но-зик, қувончли ва изтироб тўла ҳисни ифода этиб бўларми-ди, кимки муҳаббатни бирон марта бошидан кечирган экан, у сира-сира уни сўз билан ифода қилолмайди. Де-бочанинг, ифоданинг нима ҳожати бор? Бу бефойда сў-замоллик кимга керак? Менинг муҳаббатим чексиз. . . Ил-тимос қиламан, ўтиниб сўрайман сиздан,— ниҳоят жазм қилиб деди:— менга тегинг!

— Дмитрий Ионич,— деди ўйлаб олиб, жуда ҳам жид-дий бир қиёфада Екатерина Ивановна,— Дмитрий Ионич, менга кўрсатган илтифотингиз учун чин юракдан ташак-кур билдираман, мен сизни ҳурмат қиламан, аммо. . .— у ўтирган ўрнидан туриб, тик турганича сўзида давом этди,— аммо, мени кечиринг, сизга тега олмайман. Жид-дий гаплашиб олайлик. Дмитрий Ионич, ўзингиз ҳам жу-да яхши биласизки, мен ҳаётимда ҳамма нарсадан кўра санъатни севаман, музыкага берилганман ва ҳаётимни унга бағишлаганман. Мен артистка бўлишни истайман, шон-шуҳрат, муваффақият ва озодликни истайман, сиз бўлсан-гиз, мени шу шаҳарда қолиб яшашимни, ана шу бекорчи ва бефойда, жонга теккан, азоб-уқубатдан иборат ҳаётда қолишимни истайсиз. Эрга тегиш, о, йўқ, кечирасиз, асло! Одам олий мақсадга, ёрқин ниятга интилноғи керак, ои-лавий ҳаёт бўлса бир умрга менинг оёқ-қўлимни боғлаб қўяди. Дмитрий Ионич (у «Дмитрий Ионич» деяр экан «Алексей Феофилактич»ни эслаб мийиғида қулиб қўйди, Дмитрий Ионич, сиз олижаноб, мурувватли ва ақли, ҳаммадан яхши одамсиз. . .— унинг кўзида ёш кўринди,— мен сизга бутун қалбим билан ачинаман, аммо. . . ўзин-гиз ҳам тушунасиз-ку. . .

Шундай дегач, йиғлаб юбормаслик учун у юзини четга ўгирди ва меҳмонхонадан чиқиб кетди. •

Старцев юрагининг дукиллаши босилди. У, клубдан кўчага чиққанида энг аввал бўйнидаги дағал галстукни ечиб ташлаб, кўрагини тўлдириб нафас олди. У озгина хижолат чеккан, иззати-нафси койиган эди. Старцев унинг рад этишини кутмаган эди, у ўзининг бутун орзу-истаклари, азоб-уқубатлари ва ишонч-умидлари ҳаваскор-лар қўйган кичик пьесадаги каби бемаъни тарзда туга-ганига ишонгиси келмасди. У ўзининг ана шу муҳаббати, ҳис-тўйғуларига шундай ачиндики, алам қилганидан йиғ-

лаб юборишга ёки зонт билан Пантелеймоннинг кенг елкасига тушириб қолишга тайёрдек эди.

Уч кун мобайнида унинг қўли ишга бормади, овқат ўтмади, тунлари мижжа қоқмади, аммо Екатерина Ивановнанинг консерваторияга кирмоқ учун Москвага жўнаб кетгани Старцев қулоғига етгач, у бутунлай овиниб, хотиржам бўлиб қолди ва аввалгидай яшай бошлади.

Кейинчалик, баъзи-баъзида ўзининг қабристонда лақиллаб юганини, ёки бутун шаҳарни айланиб, фрак излаганини эслар экан, лоқайдлик билан керишар ва:

— Вой-бўй, бир дунё оворагарчилик эди-я!— деб қўярди.

#### IV

Орадан тўрт йил ўтди. Старцев энди шаҳарда тажрибали доктор бўлиб қолди. Ҳар куни эрталаб у, Дялижда касалларни шошилиб қабул қилар, кейин шаҳарга тушиб, бу ерда беморларни кўрарди. Шаҳарга аввалгидай икки от қўшилган эмас, уч отли, қўнғироғи жиринглаб турган извошда келадиган бўлди, уйига кеч, алламаҳалда қайтарди. Ўзи анча семириб, йўғон тортган, феъли ўзгариб, юмшаб қолган эди, нафас сиқилиш касалига йўлиқиб қолганидан пиёда юришни жини севмасди. Пантелеймоғ ҳам семириб кетди. У тобора тўлишиб, оғир-оғир нафас олар, аравакашлик ёмон жонга тегди, деб ўзининг қисматидан шикоят қиларди.

Старцев ҳар кимларнинг уйида бўлар, шу туфайли турли кишилар билан учрашарди, лекин шунга қарамай бирон киши билан иноқ бўлмади. Обивателлар ўзининг мулоҳазалари, ҳаётга бўлган қарашлари, ҳатто ўз кўрнишлари билан унинг гаҳини келтирар эди. Тажриба секин-аста уни шунга ўргатдики, агар обиватель билан карта ўйнаётган ёки у билан ичиб ўтирган бўлсанг, бундай пайтда у софдил, кўнгилчан, ҳатто анчайин бамаъни одам, аммо у билан бирон ҳазил қилиб бўлмайди, жумладан дейлик, сиёсат ёки фан тўғрисида гаплашиб қолгудай бўлсанг, у дарҳол калавасининг учини йўқотиб, довдираб қолади ёки шундай бўлмағур ва аҳмоқона бир фалсафани гапира бошлайдики, киши ноилож ундан қўл силташга ва бир четга чиқиб кетишга мажбур бўлади. Старцев ҳатто либерал обиватель билан гаплашиб қолиб, унга жумладан: мана, худога шукурки, инсоният олға қараб кетяпти, шундай замонлар келадик, у паспортсиз ва ўлим ҳукмисиз

ҳам тирикчилик қила олади, деган эди, обиватель унга ишонмаган ҳолда кўз қири билан қараб: «Демак, ўша маҳалда ҳар ким ўзи истаган одамини кўчада сўйиб кета берар экан-да?» деди. Бир сафар Старцев, жамоат орасида кечки овқат маҳалида ёки чой ичилик турганда меҳнат қилмоқ керак, меҳнатсиз яшаб бўлмайди деса, шу ерда ўтирганларнинг бари бизни таъна қиляпти деб, жаҳллари чиқиб кетибди ва жон-жаҳдлари билан баҳслашишга тушибди. Шундай бўлса-да, обиватель ҳеч қандай иш билан шугулланмайди, мутлақо ҳеч нарса қилмайди, ҳеч нимага қизиқмайди, шунинг учун ҳам улар билан нима тўғрида гаплашишни ўйлаб топиш амри маҳол. Шу сабабдан Старцев улар билан гаплашмасликка ҳаракат қилар, фақат бирга ичар, карта ўйнар, агар бирон одамнинг уйдаги оилавий ўтириш устига кириб қолса, уни дастурхонга таклиф этишса, у индамай ўтириб, фақат ўзининг тарелкасига қараганича жим овқат ерди; ана шу таом вақтида нима тўғридаки гапирилган бўлса уларнинг бари унинг учун бўлмағур, адолатсиз, аҳмоқона бир гап бўлиб кўринар, гашини келтирар ва безовта қиларди, шунда ҳам бир нима деб гапирмасди. Шунинг учун ҳам ҳаммиша тарелкадан кўз узмай, қатъият билан жим ўтиришидан шаҳарда уни поляк бўлмаганига қарамай «кеккайган поляк» деб лақаб қўйиб олишганди.

Театр ва концертлар сингари кўнгил очар жойларга у бормас, аммо ҳар кеча карта ўйинини уч соатлаб ҳузур қилиб ўйнарди. Унинг яна бир кўнгил очар машғулоти бор, бу машғулотга у, ўзи сезмагани ҳолда, аста-секин кўникиб кетди, яъни Старцев кечалари чўнтакларидан беморлардан тушган қоғоз пулларни олиб санарди, сариқ ва кўк қоғозлари ҳам бўлардики, улардан атир, сирка ва бухўр иси, баъзиларидан мол ҳиди келарди. Барча чўнтакларга тиқиб ташланган бу пуллар ҳар куни етмиш сўмча бўларди; пуллар бир неча юз сўмга етганда Старцев уларни «ўзаро кредит жамияти»га олиб бориб, жорий сўмга қўйиб келарди.

Екатерина Ивановна кетиб қолганидан бери ўтган тўрт йил ичида у Туркинлар уйида атиги икки марта бўлди, ҳар иккала сафар ҳам ҳозиргача бош оғриғи дардидан даволанаётган Вера Иосифовна таклиф қилган эди. Ҳар йили ёзда Екатерина Ивановна ота-оналари уйига келар, аммо Старцев уни бирон марта учратмаганди; нимаям бўлиб тўғри келмасди.

Шундай қилиб орадан тўрт йил ўтиб кетди. Бир сафар, сокин ва илиқ эрталабки паллада касалхонага мактуб олиб келишди. Вера Иосифовна Дмитрий Ионичга уни жуда соғинганини, марҳамат қилиб албатта уйларига келишини ва ўзининг дардига малҳам бўлиб, тортаётган азобини енгиллатишни, ҳа айтгандай худди шу куни унинг туғилган куни эканини ёзиб юборганди. Мактубнинг остига: «Ойимнинг бу илтимосларига мен ҳам қўшиламан. К.» деган илова қўшилган эди.

Старцев ўйлаб кўриб, шу куни кечқурун Туркинлар уйига жўнаб кетди.

— А, марҳамат қилиб келсинлар,— деб уни кутиб олди Иван Петрович бир кўзи билан жилмайиб.— Қадамларига ҳасанот!

Сочлари оқариб кетган, анча қариб қолган Вера Иосифовна Старцевнинг қўлини сиқаркан одатича чуқур тин олди-да:

— Сиз, доктор, мени даволашни истамайсиз, бизникига мутлақо келмайдиган бўлиб кетдингиз, мен энди сизга қарилик қиламан. Мана, ёшроғи, ҳали ўн гулидан бир гули очилмагани келди, эҳтимол, у бахтлироқ бўлар,— деди.

Котик-чи? Котик озиб кетибди, юзлари оқарибди, лекин ўзи аввалгидан анча чиройли, қадди-қомати янада хушбичим бўлибди; аммо у энди аввалги Котик эмас, Екатерина Ивановна бўлиб кетганди; бир вақтлардаги қирчилламалиги, болаларча соддалигидан асар қолмаганди. Энди унинг қарашида, ўзини тутишида, аллақандай янги бир нарса, тортинчоқ гуноҳкорона бир ифода мавжудки, гўё у, бу ерда, Туркинлар уйида ўзини бегона одамдек ҳис қилаётганга ўхшарди.

— Неча йил, неча замонлар ўтиб кетди! — деди у Старцевга кўришмоқ учун қўлини чўзиб; унинг юраги ҳаяжон билан ураётгани сезилиб турарди; Котик доктор юзига қизиқсиниб қараркан, сўзида давом этди:— Қаранг, сиз жудаям тўлишиб кетибсиз! Анча қорайибсиз, улғайибсиз, умуман айтганда, деярли ўзгармабсиз.

Ҳозир ҳам у докторга ёқарди, жуда ёқмоқда эди, лекин унда аллақандай кемтик, етишмовчилик бордай, ёки нимадир ортиқчадай — қизда нима кемтик бор ё нима ортиқ — докторнинг ўзи ҳам айтолмасди, аммо, аввалгидай ҳис қилишга энди нимадир халақит бермоқда эди. Унга қизнинг рангсизлиги, чеҳрасидаги янги ифода, заиф табассум, овози ёқмади, салдан кейин кўйлаги ҳам, у ўтир-

ган кресло ҳам, нимаси биландир бир вақтлари уйланишига оз қолган ўтмиш ҳам унга ёқмай қолди. Доктор ўз муҳаббатини, бундан тўрт йил муқаддам уни ҳаяжонга солган орзу ва умидларини эслади ва бу хотиралардан ўнғайсизланди.

Ширин пирог билан чой ичишди. Шундан кейин Вера Иосифовна баланд овозда рўй бермайдиган нарсалар ёзилган романини ўқиб берди, Старцев бўлса унинг кумушдек оқарган сочи, чиройли бошига қараб ўтириб қулоқ солди ва қачон ўқиб бўларкин деб тугатишини кута бошлади.

«Қобилиятсиз одам, повестлар ёзишни билмаган одам эмас, ёзса ҳам уни яшира олмаган одам» деб ўйлади у.

— Чаккиямас,— деди Иван Петрович.

Кейин Екатерина Ивановна узоқ вақт сершовқин рояль чалди, тамом қилганида ҳамма анча маҳалгача ташаккур айтиб, миннатдорчилик билдирди ва уни мақтади.

«Яхшиям унга уйланмаган эканман» деб кўнглидан ўтказди Старцев.

Қиз ҳадеб унга қарар, чамаси, ҳозир юринг боғчага чиқиб сайр қиламиз деб таклиф этишини кутарди, аммо Старцев индамай ўтирарди.

— Келинг, гаплашамиз,— деди қиз унинг ёнига келиб.— Қандай яшаяпсиз? Мен кейинги кунларда нуқул сизнинг тўғрингизда ўйладим,— асабий равишда сўзида давом этди у.— Мен сизга хат ёзмоқчи бўлдим, кейин Дялижга, сизнинг олдингизга ўзим келмоқчи бўлдим, ҳатто келишга қатъий жазм қилдим. Кейин аянидим — худо билади, сиз энди менга қандай қарайсиз. Бутун мен сизнинг келишингизни зўр ҳаяжон билан кутдим. Худо хайрингизни берсин, юринг боққа чиқайлик.

Улар боққа чиқиб, худди бундан тўрт йил аввалгидай кекса заранг дарахти остидаги скамейкага ўтиришди. Қоронғи тушиб қолганди.

— Туриш-турмушингиз қалай? — деб сўради Екатерина Ивановна.

— Тузук, бир амаллаб қимирлаб турибмиз,— деб жавоб қилди Старцев.

Бошқа бирон нима дейиш эсига келмади. Яна жим қолишди.

— Мен ҳаяжонланиб кетяпман,— деди Екатерина Ивановна қўллари билан юзини беркитиб.— Аммо, сиз бунга парво қилманг. Уйга келганимдан жуда хурсандман, ҳаммани кўриб роса қувондим, мана энди кўникол-

май турибман. Қанчадан-қанча хотиралар! Мен ўзимча, сиз билан бир дақиқа тинмай, тонг отгунча гаплашсак керак, деб ўйлаган эдим.

Доктор шу топда унинг юзини, чарақлаб турган кўзини яқиндан кўрди, бу ерда, қоронғиликда у уйдагига нисбатан анча ёш кўринди, ҳатто унинг чеҳрасига аввалги болаларча содда ифода қайтиб келгандай бўлди. Чиндан ҳам у содда қизиқиш билан тикилиб турарди. Гўё бу билан у бир вақтлари ўзини оташин, ғоят нозик туйғу ва бахтсиз бир муҳаббат билан севган кишисини яқиндан кўрмоқчи-ю, унинг фикрини гўё билмоқчи эди; унинг кўзлари ана шу муҳаббат учун докторга миннатдорлик изҳор этмоқда эди. Доктор ҳам орада нимаики ўтган бўлса барини, ҳатто майда-чуйдасигача эслади, ўзининг қабристонда эрталабгача лақиллаб юргани, ўлгудай ҳориб-чарчаб уйига қайтиб келгани хотирасидан ўтди, негадир тўсатдан хафа бўлиб, ўтмишига ачиниб кетди, қалбида илиқ ҳис уйғонди.

— Эсингиздами, мен сизни клубга кузатиб борганим? — деб сўраб қолди у.— Ушанда ёмғир ёғиб турганди, ҳамма ёқ қоп-қоронғи эди. . .

Қалбдаги илиқ ҳис тобора авж олиб, алангаланди, унда гапириш, ҳаётдан шикоят қилиш истаги туғилди. . .

— Эҳ! — деди у чуқур тин олиб.— Мана, сиз мендан туриш-турмушинг қалай, деб сўраяпсиз. Биз бу ерларда қандай турмуш кечирамиз? Ҳечқандай. Қариймиз, тўлишамиз, шу билан тамом бўламиз, тонг отади, кунботади — кўрибсизки, бир кун ўтиб кетибди, ҳаёт ана шундай — ҳеч қандай таассуротсиз, фикр-ўйсиз, бир хилда, рангсиз ўтиб бормоқда. . . Кундузи ўлиб пул топамиз, кечқурун клубга борамиз, у ерда жининг севмайдиган картабозлар, ароқхўрлар, хирилдоқлар билан улфат бўламиз. Бунинг қандай яхши томони бор.

— Ахир сиз ишлайсиз, ҳаётингизда олижаноб мақсал бор. Сиз ўз касалхонангиз тўғрисида мароқ билан гапирардингиз. Мен у маҳалда аллақандай ғалати қиз эдим, ўзимни оламда тенги йўқ пианиночи деб ҳис этардим. Ҳозир бўлса қизларнинг рояль чалиши расм бўлиб кетди, мен ҳамма қатори чалардим. Менда ҳеч қандай алоҳида бир нима йўқ; ойим қанчалик ёзувчи бўлса, мен ҳам шунчалик пианиночиман. Албатта, у маҳалда мен сизга тушунмас эдим, кейинчалик Москвада сизнинг тўғрингизда тез-тез ўйлайдиган бўлиб қолдим. Фақат сизнинг тўғрин-

гизда ўйлардим. Земство врачлари бўлиш, азоб-уқубат чекувчи жафокашлар дардини енгиллатиш, халққа хизмат қилиш қандай бахт бу! Қандайин зўр бахт!— деб такрорлади Екатерина Ивановна кўтаринки руҳ билан.— Мен Москвада, сизнинг тўғрингизда ўйлаганимда сиз менга ғоят олижаноб ва идеал бир одам бўлиб кўринадигиз. . .

Старцев кечқурунлари чўнтақларидан қоғоз пулларни зўр мамнуният билан олишини эслади-да, юрагидаги аланга сўнди.

У, уйига кетмоқчи бўлиб, ўрнидан турди. Қиз уни қўлтиқлаб олди.

— Умримда кўрган одамларим ичида энг аълоси сизсиз — деб сўзида давом қилди қиз.— Биз сиз билан кўришиб, гаплашиб турамыз, тўғримми? Менга шуни ваъда қилинг. Мен ўзим тўғримда энди хато фикр қилмайдиган бўлиб кетганман, пианиночи ҳам эмасман, сизнинг ҳузурингизда уни чалмайман ҳам, музыка тўғрисида гапирмайман ҳам.

Уйга қайтиб киришганда Старцев кечқурунги чироқда унинг ғамгин юзига, синовчан ва миннатдор назар билан ўзига боқиб турган кўзларига қаради-да, бесаранжом бўлиб қолганини сезиб, яна: «яхшиям ўшанда бу қизга уйланмаган эканман» деб кўнглидан ўтказди.

У хайрлаша бошлади.

— Сиз, биз билан кечки овқатни емай туриб кетишга ҳеч қандай ҳуқуқингиз йўқ,— деди уни кузатаркан Иван Петрович.— Бу нарса сиз томондан ғоят тескари. Хўш, қани, бир қиёфага кирчи!— деди у даҳлизда турган Павага қараб.

Энди ёш бола эмас, мўйлови сабза бўлиб қолган Пава дарҳол қиёфага кирди, қўлларини баланд кўтариб, фожиали товушда:

— Ўл бебахт!— деб бақирди.

Буларнинг ҳаммаси Старцевнинг ғашини келтирмоқда эди. У извошга ўтирар экан, бир вақтлари ўзига ғоят ёқимли ва қиммат бўлган, қорайиб кетган уй билан боғчага қаради-да, дарҳол барча нарсани: Вера Иосифовнанинг романларини, Котикнинг қаттиқ рояль чалишини, Иван Петровичнинг аскияларини, Паванинг фожиали қиёфага киришини эслади, агар бутун шаҳар бўйича энг қобилиятли деб аталган кишилар мана шундай нўноқ бўлса, бу ҳолда шаҳарнинг ўзи қандай бўлиши мумкин, деб ўйлади.

Орадан уч кун ўтгач Пава Екатерина Ивановнадан хат олиб келди.

«Сиз бизникига келмай қўйдингиз. Нима учун?— деб ёзган эди қиз.— Мен сизнинг бизга бошқача муносабатда бўлиб қолдингизми деб қўрқаман, мен бундан чўчийман, ана шу фикрнинг ўзиям мени қўрқитмоқда. Менга тасалли беринг, бизникига келинг ва менга ҳамма нарса жойида, аввалгидай яхши деб, тинчитинг.

Мен сиз билан, албатта, гаплашишим зарур. Сизнинг Е. Т.».

У хатни ўқиб чиқди-да, ўйлаб туриб, Павага:

— Менга қара, азизим, бориб айтгинки, бугун боролмайман, мен жуда бандман,— деди.— Айтгин бораман, тахминан уч кунлардан кейин.

Уч кун ўтди, бир ҳафта ўтди, ундан дарак бўлмади. Бир сафар, нимаям бўлиб Туркинлар уйи ёнидан ўтиб кетаётиб, бир минутга бўлса ҳам кириб чиқиш керак, деб эслаб қолди. Эслаб қолди-ю. . . кирмай ўтиб кетаверди.

Бундан кейин у Туркинлар уйида бошқа ҳеч қачон бўлмади.

Орадан яна бир неча йил ўтиб кетди. Старцев аввалгидан бадтар семириб, жир бойлаб, оғир нафас оладиган, кеккайиб юрадиган бўлиб қолди. Думалоқ, қип-қизил Старцев ўзининг қўнғироқчалар осилган уч отлик извошида кетаркан, думалоқ, қизарган, бўйнини ёғ босган Пантелеймон ҳам олдинда ўтириб, ёғоч сингари қотиб турган қўлларини олдинга узатганича рўпара келиб қолганларга: «Ўнг қўлдан юр» деб қичқиради, бу манзара шундай салобатли эдики, киши назарида гўё одам эмас, мажусийлар худоси келаётганга ўхшарди. Шаҳарда унинг иши ғоят юришиб кетган, қўли-қўлига тегмайди, бош қашлашга фурсати йўқ, лекин энди у ер-мулкка, шаҳарда икки уйга эга, ҳозир учинчи уйни сотиб олишни мўлжаллаб, арзонроқ тушириб олиш пайида юрибди. Унга «Ўзаро кредит жамияти»да сотишга белгиланган бирор уй борлиги тўғрисида гапириб қолишгудай бўлса, у ҳеч гаптортмай ўша уйга тўғри кириб боради-да, ҳали кийинмаган аёллар ва болаларни назар-писанд қилмай, бутун хоналарни айланиб чиқади, уларнинг ҳайрат ва қўрқув ичида тикилиб қолганларига ҳеч бир эътибор қилмай, барча эшикларни ҳассаси билан туртиб:

— Бу ер нима, кабинетми? Бу-чи, ётоқхонами? Бу ерда нима?— деб суриштиради.



Шундай деб юриб, нафаси бўғилади, пешонасидан терларини артади.

Унинг ташвиши бошидан ошиб ётибди. Лекин у, земстовадаги вазифасини ташламайди; оч кўзлик дардига учраган: у ердан ҳам, бу ердан ҳам қуруқ қолмай, дейди. Дялижда ҳам, шаҳарда ҳам энди уни оддийгина қилиб Ионич деб аташади. «Бу Ионичимиз қаёққа қараб кетяпти?» ёки «Ионични врач маслаҳатига чақирсакмикин?» дейишади.

Эҳтимол, томоғини ёғ босиб кетгандир, унинг овози ҳам ўзгариб, ингичка тортиб, чийиллаб қолди. Характери ўзгарди: салга жаҳли чиқиб кетадиган, бадфеъл бўлиб қолди. Қасалларни қабул қилаётганда ҳам жаҳли чиқади, ҳассаси билан полга дўқиллатиб уради-да, ёқимсиз товуш билан:

— Фақат саволларимга жавоб қилинг! Гап сотманг,— деб бақиради.

Ўзи ҳамон ёлғиз, зерикарли ҳаёт кечиради, уни ҳеч нарса қизиқтирмайди.

Ўзининг мана шу Дялижда ўтган бутун умри ичида унинг якка-ю ягона қувончи, эҳтимол охиргиси ҳам, Котикка бўлган муҳаббати эди. Кечқурунлари клубда карта ўйнайди, кейин ёлғиз ўзи каттакон стол ёнида ўтириб овқатланади. Унга энг кекса ва ҳурматли лакей Иван хизмат қилади. Старцевга лафит 17 деган вино беришади, чунки, бу ерда ҳамма — клуб старшинаси ҳам, ошпаз ҳам, лакей ҳам унинг нимани яхши кўриб, нимани ёқтирмаслигини яхши билади, бутун жон-жаҳдлари билан унга ёқишга, хурсанд қилишга тиришадилар, бўлмаса, худо кўрсатмасин, бирдан жаҳли чиқиб кетиб, ҳассаси билан полни уради.

Овқат еб ўтириб, баъзида у орқасига ўгирилиб қарайди-да, бўлаётган гапга аралашиб:

— Сиз нима тўғрисида гапираётибсиз? А? Қимни?— дейди.

Баъзан ўтирган столи ёнида кимдир Туркинлар тўғрисида гап очиб қолса, у:

— Сиз қайси Туркин тўғрисида гапираётибсиз? Ҳалиги кизи фортепяно чаладиган Туркинми?— деб сўрайди.

Мана, Туркин оиласи тўғрисида шунигина билади.

Туркин оиласи энди қандай? Иван Петрович қаригани йўқ, унда ҳеч қандай ўзгариш юз бермаган, аввалгидай ҳамон аския қилади ва латифалар айтади; Вера Иоси-

фовна меҳмонларга илгаригидай самимий, соддалик ва мароқ билан ўз романларини ўқиб беради. Котик бўлса ҳар куни, тўрт соатча рояль чалади. У сезиларли даражада қариган, касалманд, ҳар йили кузда онаси билан Қримга боради. Уларни вокзалга кузатгани чиққан Иван Петрович поезд йўлга тушганда кўз ёшларини артиб, улар орқасидан:

— Марҳамат қилиб, хайр!— деб қичқиради.

Ва рўмолчасини силкитади.

## КАСАЛ ҚҰРГАНДА

Профессор тезроқ етиб келинг деган мазмунда Ляликовлар фабрикасидан телеграмма олди. Ляликова, афтидан, фабрика эгаси бўлиб, унинг қизи оғриб қолганга ўхшарди; узун ва бемаъни бу телеграммадан бошқа бирон гап тушуниб бўлмас эди. Шу сабабли профессор ўзи бормай, орденатори Королёвни юборди.

Олдин Москвадан поездда икки станция юриш, кейин тўрт чақиримча йўл босиш керак эди. Королёвни станциядан олиб келиш учун уч отлик извош юборишди; кучер товус пати қадалган шляпа кийган бўлиб, ҳар қандай саволга баланд овоз билан солдатча қилиб: «Йўқ тақсир!» «Шундай тақсир!» деб жавоб берарди. Шанба оқшоми кун ботар пайт эди. Фабрикадан чиққан ишчилар станцияга тўп-тўп бўлиб кетишар, Королёв тушиб бораётган аравага таъзим қилиб ўтишар эди. Королёвни оқшом ҳам, теварақдаги боғу чарвоқлар ҳам, оқ қайинлар ҳам, атрофда ҳужм сурган осойишталик ҳам мафтун этар, мана шу байрам арафасида далалар ҳам, ўрмонлар ҳам, қуёш ҳам ишчилар билан бирга дам олмоқчи бўлаётгандек, балки ибодат қилмоқчи бўлаётгандек туйилар эди. . .

Королёв Москвада туғилиб, Москвада ўсган. Қишлоқда ҳеч вақт бўлмаган, фабрикаларга ҳеч маҳал қизиқмаган, ҳатто бориб ҳам кўрмаган. Лекин фабрикалар тўғрисида ёзилган асарларни ўқиган ва фабрика эгалариникига меҳмон бўлиб, улар билан гаплашган; у бирон фабрикани узоқдан ё яқиндан кўрса, ҳар маҳал: «ташқариси тинч, осойишта-ю, ичкараси эгаларининг ғирт аҳмоқлиги ва жоҳил худбинлиги билан, ишчиларининг юракларини қон қилувчи оғир меҳнати, темирларнинг шарақ-шуруғи, ароқ,

ҳашорат билан тўлиб-тошиб ётган бўлса керак» деб ўйларди. Мана ҳозир ишчилар ҳурмат қилиб ва ҳайиқиб ўзларини извошдан четга олганларида уларнинг чеҳраларида, шапкаларида, юриш-туришларида жисмоний нопоклик, ароқхўрлик, асабийлик, саросималик борлигини пайқади.

Извош фабрика дарвозасидан кирди. Йўлнинг икки четида ишчиларнинг кулбалари, хотинларнинг чеҳралари, эшиклар олдидаги дорларга осилган кирлар, одеяллар кўринар эди. Извошчи отларнинг жиловларини тортмай: «Пўшт!» деб қичқириб боради. Мана кенг ҳовли, унда бир туп ҳам кўкат йўқ, лекин бир-биридан нарига солинган трубали бешта азамат бино, мол омборлари, бараклар бор; буларнинг ҳаммаси чанг ўтиргандай, кул ранг. Саҳродаги воҳаларга ўхшаш, у ер бу ерда майда боғлар ва уйларнинг яшил ё қизил томлари кўринади; бунда маъмурият жойлашган. Извошчи бирдан отларнинг тизгинини тортди — коляска янгидан кул ранга бўялган уй олдида тўхтади; у ерда япроқларига чанг ўтирган сиренли боғча бўлиб, сариққа бўялган эшик айвончасидан ранг ҳиди димоққа гупиллаб уриб турар эди.

Даҳлиздан аёлларнинг:

— Келинг, доктор жаноблари, — деган овозлари эшитилди; уҳ тортиш ва пичирлашлар қулоққа чалинар эди. — Марҳамат, кутавериб кўзларимиз тўрт бўлди. . . Мана бу ёққа марҳамат қилсинлар.

Ляликова хоним сёмиз хотин бўлиб, енглари модага мувофиқ қилиб тикилган қора шойи кўйлак кийган бўлса ҳам чеҳрасидан оддий чаласавод хотинга ўхшайди. Докторга ҳаяжонланиб қараб қолди, қўл бериб кўришишга ботинмай қараб қолди. Енида сочлари калта, кўзларига рипсе-pez тақиб, ола-була кофточка кийиб олган озғин, лекин ёши анчага бориб қолган бир хотин киши турган эди. Хизматкор хотин уни Христина Дмитриевна деб айтгандан кейин Королёв у хотиннинг тарбиячи эканини пайқади. Бу уйда энг ўқимишли одам шу хотин бўлгани учун докторни кутиб олиш вазифаси ўшанга юкланган бўлса ҳам ажаб эмас, чунки у докторни кўрар-кўрмас касал сабабларини жонга тегувчи майда-майда тафсилотлари билан дарҳол шошиб-пишиб гапира бошлади, лекин ким касаллигини, нима бўлганини оғзига ҳам олмади.

Доктор билан тарбиячи гаплашиб ўтирар, уй эгаси эса эшик олдида буларни кутиб қимир этмай турар эди. Ко-

ролёв гапдан билса: Ляликова хонимнинг биттаю битта қизи, меросхўри — йигирма ёшли Лиза касал экан, у кўп вақтлардан бери бетоб бўлиб, ҳар хил докторларда шифоланиб юрар экан, кеча кечқурундан бошлаб то тонг отгунча, юраги шундай ўйнаптики, уйдагиларнинг ҳаммаси мижжа қоқмай чиқишибди; ўлиб қолади шекилли деб кўрқишипти.

Христина Дмитриевна лабларини қўли билан артиб-артиб ўтириб:

— Лизани ёшлигидан бери серкасал деб айтсак бўлади.— деди, майин товуш билан.— Докторлар асаб таъсири дейишади, лекин Лиза кичкиналигида сариқ касал бўлганда, докторлар шу касални ичига тушириб юборишган. Энди мен шунинг таъсирими деб ўйлайман.

Қасални кўргани кетишди. Қиз ёши анчага бориб қолган, каттакон, бўйи келишган, лекин онасига ўхшаш хунук, онасиникидақа кўзлари кичкина, жағи бесўнақай ва энгаги чўзиқ эди; сочлари таралмаган, томоғигача ўраниб ётган бу қиз дастлаб Королёвда уйга олиб кирилиб, кўрпа-тўшакка ўраб қўйилган бебахт, муштипар кимсадай таъсир қолдирди, доктор бешта азамат бинонинг меросхўри шу қиз эканига ишонгиси келмас эди.

— Биз сизни даволагани келдик,— деди Королёв — Салом.

У ўз фамилиясини айтиб, қизнинг каттакон, совуқ, хунук қўлини қисди. Қиз туриб ўтирди; докторларни кўравериб ўрганиб қолган бўлса керак, елкалари билан кўрагининг очиқлигига парво қилмай ўтираверди. Доктор бармоқлари билан у ер бу ерини дукуллатиб қулоқ сола бошлади.

— Юрагим ўйнайди,— деди қиз.— Кечаси шундай ёмон бўлдики. . . жоним ҳалқумимдан чиқиб кетаёзди! Бирон дори беринг.

— Бераман, бераман! Тинчланинг.

Королёв қизнинг ҳамма ёғини қараб чиқиб, елкаларини қисди.

— Юрагингиз яхши,— деди у,— ҳамма ёғингиз жойида, касал йўқ. Асаб пича безовта қилган бўлса ажаб эмас, лекин бу бўлиб турадиган нарса. Юрак ўйноғи босилибди, энди баҳузур ётиб ухлайверсангиз бўлади.

Шу чоғ ётоққа чироқ олиб киришди. Қасал қиз ёруғда кўзларини сузди, кейин бирдан бошини чангаллаб, йиғлаб юборди. Муштипар ва рангпар кимса таасуроти

бирдан йўқолди, энди Королёв кичкина кўзларни ҳам, хунук остки жағини ҳам сезмай қолди; энди у мусибат чангалида қақшаб турган ёқимли сиймони кўрар, бу сиймо шунчалар маъноли, шунчалар таъсирли эдики, қиз унга қомати чиройли, малоҳатли, оддий туюла бошлади, шундан кейин Королёв уни дори-дармон билан эмас, яхши маслаҳатлар билан ҳам эмас, оддий дилкаш сўз билан тинчитгиси келиб қолди. Онаси қизининг бошини қучоқлаб, бағрига босди. Кампир юзида қанчалар қайғу, қанчалар алам бор эди! Она қизини сут бериб боқди, ундирди, ўстирди, ҳечнимасини аямади, француз тилини, ўйинни, музикани ўргатиш учун жонини фидо қилди, қизи учун ўнлаб ўқитувчи, энг яхши докторлар чақирди, тарбиячи сақлади. Мана энди бу кўз ёшлари сабабини, шунча азобу уқубатлар сабабини билмас, билолмай эсанкирар; бу нарсаларга ўзи айбдордай, ҳаяжонланиб, алам қилиб турар, яна аллақандай муҳим нарсани кўздан кечиргандай, яна аллақандай нарсани қилмагандай, аллакимни чақирмагандай кўринар — кимни чақирмаганини билмай ҳайрон бўлар эди.

— Лизажон, яна йиғлаяпсан... яна,— деб она қизини кўксига босарди.— Жон болам, кўзичоғим, айтсангчи, нима бўлди? Менга раҳминг келсин, айт болам.

Она-бола аччиқ-аччиқ йиғлар эди. Королёв кровать четига ўтириб, Лизани қўлидан ушлади.

— Қўйинг, нима қиласиз йиғлаб?— деди у, меҳрибонлик қилиб.— Ахир дунёда шу кўз ёшларига арзигулик нарса йўқ-ку. Қўйинг, йиғламанг, кераги йўқ...

Лекин у кўнглида:

«Эрга бериш керак...» деб ўйлади.

— Фабрикамининг доктори кали-бромати берувди,— деди тарбиячи,— лекин, назаримда, бу дори аҳволини яна баттар ёмон қилиб қўйди. Менингча, юрак ўйноғига дори бериладиган бўлса, ҳалиги... хаҳ, оти нимайди, эсимданам чиқди... Ландиш томизғиси эди шекилли, шундан берилса.

Мана шундан кейин яна ҳар хил тафсилотлар устида гап кетди. Тарбиячи докторнинг гапини бўлиб, унга халақит берар, юзида қаламга олиб бўлмайдиган бир жонкуярлик аломати бор эдики, бу уйда энг ўқимишли хотин бўлгани учун, доктор билан албатта мен гаплашишим керак, гаплашганда ҳам медицина устида гаплашишим керак, деб ўйлаётгандай кўринар эди.

Королёвнинг юраги сиқилди. У ётоқхонадан чиқиб кетаётиб:

— Қўрқадиган ҳеч нарса йўқ,— деди, қизнинг онасига.— Агар қизингизни фабрика доктори шифолаб юрган бўлса, майли, шифолайверсин. Шу вақтгача тўғри шифолаб келинган, шунинг учун докторни ўзгартиришга эҳтиёж йўқ. Ўзгартиришнинг нима кераги бор? Касали жуда оддий, қўрқадиган ҳеч нима йўқ. . .

У қўлқопларини кийиб туриб, шошилмасдан гапирар, Ляликова хоним эса йиғидан қизарган кўзларини унга тикиб, қимирламай турар эди.

— Соат ўнда ўтадиган поезд ярим соатдан кейин келади, кечикмасман деб ўйлайман,— деган эди у, Ляликова хоним:

— Бизникида қола қолмайсизми?— деб сўради; ана шундан кейин бетларидан яна ёшлар оқиб туша бошлади.— Сизни безовта қилиш уят бўлса ҳам, шундай қилинг. . . Қолинг, худо ҳақи;— у эшикка қараб қўйиб, пичирлади,— бизникида ётинг. Елғиз қизим. . . битта-ю битта қизим. . . Кеча кечаси ёмон кўрқитди, ҳалигача ўзимга келолмайман. . . Кетманг, худо хайрингизни берсин. . .

Королёв Москвада иши кўплигини, уйда бола-чақаси кутиб ўтирганини, ҳеч қандай зарурати бўлмай туриб бировнинг уйда бутун кечасини ўтказиш ўзи учун оғир бўлишини айтгиси келди-ю, Ляликова хонимнинг юзини кўриб чуқур тин олди, кейин индамай қўлқопларини еча бошлади.

Унинг шарафига залдаги ва меҳмонхонадаги ҳамма чироқлар билан шамларни ёқишди. Королёв рояль ёнида ноталарни варақлаб ўтирарди, кейин деворлардаги расмларни, портретларни томоша қила бошлади. Мойли бўёқ билан ишланиб, зарҳал рамларга солинган бу расмларда Қрим манзаралари, кичкина кема чайқалиб турган тўлқинли денгиз, қўлида қадаҳ ушлаб турган католик монахи тасвир этилган; расмларнинг ҳаммаси ҳам қуруқ, бемаъни, ҳунук. . . Портретларда битта ҳам чиройли, ёқимли киши чехраси йўқ; ҳаммаси ҳам елпичтовоқдай, кўзлари ола; Лизанинг отаси — Ляликовнинг пешонаси кичкина, ўзига бино қўйган, мундири бесўнақай гавдасида осилиб турибди, кўкрагида медаль ва Қизил крест нишони бор. Уй маданияти ночор, безаклари тасодифий, бемаъни, Ляликов, эғнидаги мундир сингари ноқулай; поллар ўз бўёқларининг ярқираб туришлари билан, қандиллар чарақ-

лаган ёруғлари билан кишининг ғашини келтиради ва негадир бўйнига медалини тақиб олиб ҳаммомга борган савдогар тўғрисидаги ҳикояни эсга тушириб юборади...

Даҳлиздан пичирлаш эшитилди, биров секин-секин хириллаб гапирар эди. Бирданига ташқарида металл қатиқ шарақлади. Королёв бундай овозни илгари ҳеч маҳал эшитмаган эди, ҳозир тушунолмай ҳайрон эди; бу овоз унинг қалбига ғалати, ёқимсиз таъсир этди.

«Ўлсам ҳам бу ерда турмас эдим...» деб ўйлади-ю, яна ноталарни кўришга киришди.

— Доктор, марҳамат, пича тамадди қилиб олинг!— деб, тарбиячи уни паст овоз билан дастурхонга таклиф қилди.

Королёв овқатлангани чиқди. Дастурхон катта эди, ҳар хил овқат, вино уйиб ташланган, лекин дастурхонда фақат икки кишигина: Королёв билан Христина Дмитриевна. Тарбиячи мадера ичар, овқатни шошиб еяр, Королёвга рипсе-пез устидан қараб-қараб қўйиб, ҳадеб гапирар эди.

— Ишчилар биздан жуда хурсанд. Фабрикамизда ҳар қиш театр қўйишади, ишчиларнинг ўзлари ўйнашади, сирли чироғ тагида ўқиш бўлади, ажойиб ошхона қилиб берганмиз, яхши-да. Ишчиларнинг бизга ихлослари баланд. Лизагинамизнинг аҳволи оғирлашганини эшитишиб, бир дуойи-фотиҳа қилсак, дейишди. Ўзлари авом одамлар-у, ачинишни билишади.

— Ўйларингизда битта ҳам эркак киши йўққа ўхшайди-ку,— деди Королёв.

— Йўқ, йўқ, Пётр Никоноричнинг вафот қилганларига бир ярим йил бўлди, шундан бери уччовимиз қолдик. Ёзда шу ерда, қишда эса Москвада — Полянкада турамыз. Буларникида ўн бир йилдан бери тураман. Ўз одамларидай кўришади.

Овқатга балиқ, товуқ гўштидан қилинган котлет, компот беришди, вино қиммат баҳо, француз винолари эди.

— Ҳай, доктор, тортинмай овқатга қаранг,— дерди Христина Дмитриевна, овқат еб, оғзини мушти билан артиб ўтириб, у бу ерда маза қилиб яшаётгани кўриниб турар эди.— Марҳамат қилиб еб ўтиринг.

Овқатдан кейин докторни жой солиб қўйилган хонага олиб кирдилар. Лекин унинг ухлагиси келмади: ҳаво дим, уйдан эса бўёқ ҳиди келиб турарди; шундан кейин пальтосини кийиб, ташқарига чиқди.



Ҳовли салқин эди; тонг ёриша бошлагани учун бешта бино узун-узун трубалари билан, бараклар, намхуш омборлар кўзга чалиниб турар эди. Байрам муносабати билан иш қилинмагани учун деразалар қоронғу эди, фақат бинолардан биттасида печь ёқилган, иккита дераза чўғдай қизил, мўридан тутун билан бирга гоҳо олов ловуллаб чиқади. Ҳавлидан анча узоқда бақалар қуруллар, булбул сайрар эди.

Фабрика биноларига ва ишчилар ухлаб ётган баракларга қараб, у яна ҳар вақт фабрикаларни кўрганда эсига тушадиган фикрларни ўйлади. Майли, ишчиларга спектакллар қўйиб берилсин, сирли чироғлар кўрсатилсин, фабрикаларда докторлар бўлсин, ҳар хил нарсалар яхшиланган бўлсин, барибир, бугун у станциядан келаётиб йўлда кўрган ишчиларнинг қиёфаси фабрика спектакллари ва қулайликлар бўлмаган вақтдаги Қоролёвнинг ёшлик чоғида кўрган ишчилардан ҳеч фарқ қилмайди-ку; асосий сабаби тушунолмайдиган ва шифолаб бўлмайдиган бу давомли азоби уқубатлар ҳақида бир медик сифатида тўғри фикр юргизган Қоролёв фабрикаларга ҳам сабаби тушунилмайдиган ва йўқ қилиб бўлмайдиган бир хато деб қарар, фабрика ишчилари ҳаётидаги барча энгилликларни ўринли деб ҳисобласа ҳам, буларни тузалмайдиган касални шифолагандай гап деб билар эди.

«Бу хато, албатта... — деб ўйларди у, олов ранг деразаларга қараб туриб. — Бир, бир ярим мингтача ишчи дам олмай, ёмон шароитда ишлайди, ёмон чит тўқийди, ярим оч ҳолда яшайди, бу дўзаҳ азобидан гоҳо майхоналарга бориб аламларини чиқаришади; юзлаб киши бу ишларга кўз бўлиб туради, ана шу юзлаб кишининг бутун умри жарималар ёзишга, сўкишга, адолатсизлик қилишга сарф бўлади, фақат хўжайин деб аталган икки-учта киши, гарчи ишлашмаса ҳам, ёмон читдан кўнгиллари айниса ҳам, наф кўради. Лекин бу қандай наф, бундан қандай фойдаланишади? Ляликова билан қизи — бахти қаро одамлар, уларни кўрган кишининг раҳми келади, ринсе-пез тақиб юрадиган қари, эси кирди-чиқди бўлиб қолган Христина Дмитриевнагина маза қилиб яшайди. Бундан чиқди, биргина Христина Дмитриевна яхши балиқ есин, мадера ичсин деб мана шу бешта фабрика биноси ишлар, ёмон читлар шарқ бозорларига келтириб сотилар экан-да».

Қоролёв боя овқат олдида эшитган ғалати овоз яна бирдан жаранглади. Фабрика биноларидан бири ёнида

кимдир темирга урар, «дер... дер... дер...» деганга ўхшаш қисқа, қаттиқ, ноаниқ товуш чиқарсин деб, уриб бўлиб дарров темирни ушлаб қўяр эди. Ярим минутча та-наффусдан кейин бошқа бино олдидан ҳам яна шунақа қисқа-қисқа, ёқимсиз «дрин... дрин... дрин...» товуш эшитилди, лекин буниси паст, йўғон товуш эди. Ун бир марта урилди. Қоровуллар соат ўн бир бўлганини билдирган бўлсалар керак.

Учинчи бино ёнида ҳам «жақ... жақ... жақ...» деган овоз кўтарилди. Бошқа бинолар, бараклар олдида, дарвоза орқасида ҳам шу хил товуш кўтарилди. Хўжайинларни ҳам, ишчиларни ҳам ўзига бўйсундириб, буларни ҳам, уларни ҳам алдаб келаётган иблиснинг ўзи, олов кўзли аждаҳонинг ўзи ана шу овозларни кеча осойишталигида чиқараётганга ўхшар эди.

Королёв ҳовлидан далага чиқиб кетди.

Дарвоза ёнида кимдир қўпол товуш билан:

— Ким у?— деб сўради.

«Худди қамоқхонадай» деб ўйлади-да, жавоб бермади.

Булбуллар навози ва бақалар овози бу ерда аниқроқ эшитилар, май кечаси яхшироқ сезилиб турарди. Станциядан поезд тақир-туқури эшитилади; аллақерда хўрозлар чақиради, шундай бўлса ҳам кеча осойишта, ҳамма ёқ жимгина уйқуда. Далада, фабрикага яқин ерда дарахлар кесиб, бинокорлик материаллари тайёрлаб қўйилибди. Королёв тахтага ўтириб, яна ўйлаб кетди:

«Бу ерда тарбиячининг ёлғиз ўзигина гашт қилиб яшайди, фабрика ҳам фақат унинг айши-ишрати учун ишлайди. Лекин бу нарса хаёлда шундай, аслда эса тарбиячи баҳона холос. Бу ердаги ишларнинг ҳаммаси асосан иблис учун қилинади».

Шундай қилиб, у ўзи ҳам ишонмайдиган иблис тўғрисида ўйлар, олов шуъласи кўриниб турган икки деразага қараб-қараб қўяр эди. Кучлилар билан кучсизлар орасидаги муносабатни, энди ҳеч бир йўл билан тузатиб бўлмайдиган мана шу хатони яратган номаълум куч, яъни иблис ўша оловли кўзлар билан унинг ўзига қараб тургандек туюлар эди. Кучли кучсизнинг яшашига халақит бериши керак, табиатнинг қонуни шунақа; лекин бу нарса газета мақоласида ё дарсликда ёзилгандагина, кундалик ҳаёт бўтқасида, инсонлар муносабатига заминлик қилган барча икир-чикирлар чангалидагина ақлга сиға-

ди — тушунилса бўлади; ҳаётдан четда, одам боласининг манфаатларидан узоқда идора қилиб турувчи номаълум кучга беихтиёр бўйсунган кучли билан кучсиз ўзаро муносабатлари натижасида баб-баравар қурбон бўлар экан, буни қонуний нарса деб бўлмайди, бу мантиқ эътибори билан бир келишмовчилик холос. Королёв тахтада ўтириб шу хилда ўйлаб аста-секин шундай бир ҳолатга кириб бордики, гўё бу номаълум, сирли куч ҳақиқатан ҳам яқин бир ердан унга қараб тургандек бўлар эди. Бу орада шарқ тобора оқариб, тонг отиб келмоқда эди. Атрофда қимир этган жон кўринмаган, ҳамма нарса ўлгандек туюлган бир пайтда — тонг ғира-ширасида беш бино ва трубалар кундузгидай эмас, бутунлай бошқача кўринарди; бинолар ичида буғ машиналари, электр, телефонлар борлиги бутунлай хотирдан кўтарилди, уйга фақат қозиқларга ўрнатилган ёғоч кулбалар, тош асри келар, ондан узоқда бўлган дағал куч мавжудлиги сезилиб турарди. . .

Яна занг урилди:

— Дер. . . дер. . . дер. . . дер. . .

Яна ўн икки марта урилди. Кейин яна жимлик чўкди, ярим минутча чўзилган жимликдан кейин ҳовлининг бошқа бир ердан яна овоз келди:

— Дринг. . . дринг. . . дринг. . .

«Мунча совуқ овоз!» деб ўйлади Королёв.

Учинчи ерда бировга зарда қилиб ураётгандек дағал, қаттиқ занг эшитилди.

— Данг. . . данг. . . данг. . . данг. . .

Соат ўн икки бўлганини билдиришга тўрт минутча вақт кетди. Кейин ҳамма ёқ жимиди; яна атрофдаги ҳамма нарса ўлгандек таассурот қолдирди.

Королёв яна пича ўтириб уйга қайтди, лекин тагин узоқ вақтгача ухлаёлмади. Қўшни хоналарда одамларнинг шивирлашгани, туфлилар ва яланг оёқларнинг шилп-шилп босилгани эшитилиб турди.

«Қизнинг яна тутқалоғи тутиб қолдимикин-а? деб ўйлади Королёв.

У касалдан хабар олгани чиқди. Хоналар аллақачон ёришган, залнинг девор ва полида эрталабги туманни ёриб ўтган заиф қуёш нурлари жилваланарди. Лиза турадиган хонасининг эшиги очиқ бўлиб, ўзи кровать ёнидаги креслода узун кўйлак кийиб, рўмолга ўралиб ўтирарди; сўчлари таралмаган, деразаларнинг пардалари тушириб қўйилган.

— Яхшимисиз?— деб сўради Королёв.

— Шукур.

Королёв қизнинг томирини ушлаб кўрди, пешонасига тушиб турган сочларини тузатди.

— Уйғоқ экансиз,— деди у.— Ташқарида ҳаво бирам ажойиб, кўклам, булбуллар сайраяпти, сиз бўлсангиз, қоронғу гўшада нималарни ўйлаб ўтирибсиз.

Лиза унинг юзига қараб ўтириб эшитди; кўзлари мунгли, маъноли эди, у ҳам Королёвга бир нарса дегиси борлиги кўриниб турарди.

— Тез-тез шунақа бўлиб турасизми?— деб сўради Королёв.

Лиза лабларини қимирлатиб жавоб қилди:

— Тез-тез. Ҳар кеча ҳолим оғир бўлиб чиқади.

Шу пайт ҳовлида қоровуллар соат иккига занг уриб қолишди. «Дринг... дринг...» деган товуш эшитилди, қиз сесканиб кетди.

— Сизни шу овозлар безовта қиладими?— деб сўради у.

— Қайдам. Бу ерда мени ҳамма нарса безовта қилади,— деб жавоб қилди-ю Лиза, яна ўйга ботиб қолди.— Ҳамма нарса безовта қилади. Овозингиздан менга раҳмингиз келаётгани сезилиб турибди; сизни биринчи кўрганимда негадир сиз билан очиқ гаплашсам бўладигандай туйилди.

— Гапиринг, илтимос қиламан.

— Мен сизга ўз фикримни айтмоқчиман. Назаримда, мен касал эмасман, фақат безовтаман, қўрқаман, чунки шундай бўлиши аниқ. Масалан, деразаси ёнида қароқчи юрганини билган ҳар қандай саломат киши ҳам безовта бўлмай туролмайди.— У тиззаларига қараб ўтириб гапирар эди, гап орасида уятчанлик билан кулумсирарди.— Мени тез-тез шифолаб туришади, бунинг учун, албатта, миннатдорман, чунки бунинг фойдаси борлигини инкор қилмайман, лекин мен доктор билан эмас, яқин киши билан, дўст киши билан гаплашгим келади, токи у киши менинг мақсадимга тушунсин, фикрим тўғри ёки нотўғри эканини менга уқдирсин.

— Ҳали сизнинг дўстларингиз йўқми?— деб сўради Королёв.

— Елғизман. Онам бор, мен уни яхши кўраман, лекин шундай бўлса ҳам яккаман. Турмушим шундай бўлиб қолди-да... Елғиз одам кўп ўқийди-ю, кам гапиради, бошқа-

ларнинг гапини ҳам кам эшитади; ҳаёт бундай одамлар учун сирли бўлиб қолади; бу хил одамлар хаёлатчи бўлиб, йўқ жойда ҳам иблисни кўрадилар. Лермонтовнинг Тамараси ёлғиз эди, у ҳам иблисни кўради.

— Кўп китоб ўқийсизми?

— Кўп. Ахир эртадан кечгача ҳамма вақтим бўш-да. Кундузлари китоб ўқийман, кечалари эса каллам ғовлаб қолади, фикр ўрнига аллақандай соялар пайдо бўлади.

— Кечалари кўзингизга бирон нарса кўринадими?— деб сўради Королёв.

— Йўқ, лекин сезиб тураман. . .

У яна кулумсиради, докторга қаради, у шундай мунгли, шундай маъноли қилиб қарадики, Королёвга у ўзига ишонгандек, ўзи билан астойдил гаплашгиси келаётгандек, у ҳам ўзи сингари ўйлайдигандек кўринди. Лекин қиз индамади, у доктор гап бошлар деб кутиб турганга ўхшарди.

Доктор ҳам унга нима дейишни биларди: унга шуниси равшан эдики, қиз бешта бинони, агар бўлса миллион сўмини, кечалари хўмрайиб турадиган иблисни иложи борича тезроқ ташлаб кетиши керак; докторга яна шуниси ҳам равшан эдики, қизнинг ўзи ҳам шундай деб ўйлайди, у ўзи ишонган бирон киши шу фикрнинг тўғрилигини тасдиқлашини кутиб юради.

Лекин доктор бу нарсаларни қандай айтишга ҳайрон эди. Қандай қилиб айтади? Суд ҳукми билан кесилган одамлардап нима учун кесилганини сўрашга уяладилар; шунга ўхшаш жуда бадавлат одамлардан ҳам уларга нима учун шунча кўп пул кераклигини, ўз давлатларидан нима учун бундай ёмон фойдаланишларини, бахтларини қора қилиб турган нарса шу давлатлари эканини кўриб-билиб туришса ҳам, нима учун уларнинг баҳридан ўтмаслигини сўраш ноқулай бўлади; мабодо гап шунга бориб тақалса, бадавлат одам одатда уялиб, ўнғайсизланиб, қизариб кетади.

«Қандай қилиб айтсам экан? Айтиш керакмикин?» деб Королёв иккиланар эди.

Шундай қилиб Королёв айтмоқчи бўлган нарсасини айтди, лекин роппа-рост айтмади-ю, айлантириб айтди:

— Сиз фабриканинг эгаси ва бадавлат меросхўр сифатида ўз аҳволингиздан норозисиз, ҳуқуқингизга ишонмасиз, шунинг учун мана шундай ухлаёлмасиз, лекин ҳамма нарса жойида деб ўйлаб данг қотиб ухлаганингиздан

мамнун бўлиб юрганингиздан кўра шундай бўлгани яхшироқ, албатта. Сиздаги бедорлик яхши; ҳар ҳолда яхшилик аломати. Ҳақиқатда, сиз билан биз гаплашиб турган нарсаларни ота-оналаримиз ақлларига сиғдирилмас эди; кечалари улар гаплашиб ўтиришмас, данг қотиб ухлашарди; биз эса, бизнинг авлодимиз эса ёмон ухлаймиз, чарчаймиз, кўп гаплашамиз, ҳақли-ноҳақлигимиз тўғрисида бош қотирамиз. Болаларимиз ёки невараларимиз учун бу ҳақлимизми-йўқми деган масала ҳал қилинган бўлади. Биздан кўра уларга равшанроқ бўлади. Эллик йилчадан кейин ажойиб ҳаёт бўлади, лекин, афсуски, биз кўрмаймиз. Бир кўрсак қандай яхши бўлар эди.

— Болаларимиз билан невараларимиз нима қилишадилар?— деб сўради Лиза.

— Қайдам... Балки ҳамма нарсани ташлаб кетишар.

— Қасдқа кетишадилар?

— Қасдқа дейсизми?.. Бошлари оққан ёққа-да,— деб, Королёв кулиб юборди.— Яхши, ақлли киши борадиган жойини билмасмиди.

Доктор соатига қаради.

— Офтоб ҳам чиқиб қолди,— деди у.— Ётинг энди. Кўрпага киришгу, маза қилиб ухланг. Сиз билан танишганим учун жуда суюндим,— деб айтди у, қизнинг қўлини қисиб.— Жуда ажойиб, дилкаш қиз экансиз. Хайр, яхши ухланг!

У ўзига ажратилган хонага ухлагани кириб кетди.

Эртасига эрталаб извош тайёр бўлганда, ҳамма Королёвни узатгани чиқди. Лиза байрамларда кийинадиган оқ кўйлак кийган бўлиб, сочига гул қистириб олган, юзи рангпар, тунд эди; у докторга кечагидай маъюс, маъноли қарар, кулумсирар, унинг ёлғиз ўзигагина аллақандай муҳим, махсус бир нарсани айтгиси келаётган киши қиёфасида гапирар эди. Тўрғайлар сайраётгани, черков қўнғироқларининг овозлари эшитиларди. Фабрика биноларининг деразалари дилкашлик билан ёришиб турарди, Королёв фабрика ҳовлисидан чиқиб, станция йўлида кетар экан, ортиқ у на ишчиларни, на қозиқларга ўрнатилган ёғоч кулбаларни ва на иблисни ўйлар, балки яқинлашиб қолган шундай бир замонни ўйлардики, у вақт ҳаёт мана шу осойишта якшанба тонги каби ёрқин, дилкаш бўлар; у яна баҳорнинг мана шундай дилбар тонгида уч отлик гумбур извошда қуёш ёғдуларида исиниб боришнинг нақадар гаштли эканини ўйлар эди.

## ЖОНГИНАМ

Истеъфога чиққан коллегия ассессори Племяниковнинг қизи Оленька ҳовли эшиги олдидаги супачада хаёл суриб ўтиради. Кун иссиқ, пашшалар хиралик билан жонга тегар, кеч киришга яқин қолганлиги кўнглига хуш келар эди. Кун чиқар тарафдан ёмғирдан дарак берувчи қоп-қора булут бостириб келмоқда, ҳар замонда ёмғир томчилаб қўяр эди.

Шу ҳовлидан бир уйни ижарага олган «Тиволи» номли роҳат боғчасининг эгаси ва антрепренёри Кукин ҳовлининг ўртасида туриб, осмондан кўзини узмасди.

— Ана холос! — деди у жиғи-бийрони чиқиб. — Тағин ёмғир ёғадиган бўлди-ку! Кунда ёмғир! Кунда ёмғир, менда қасди борми! Уйим куйди-ку! Хонавайрон бўлдим! Зарар кўрмаган кун қолмади-ку!

У, ҳайронликдан қўлларини кафтига уриб қўйиб, Оленькага қараб давом этди:

— Кўрган кунимиз шу, Ольга Семёновна, йиғлагинг келади! Уззукун ишлайсан, ўлиб тириласан, кечалари ухламай чиқасан, қандоғ қилсам яхшироқ бўларкин? деб бош қотирасан, оқибати нима? Бир томондан халқ нодон, ёввойи халқ. Мен унга энг яхши опереткаларни, феерияларни қўйиб берсам, бориб турган лапарчиларни саҳнага чиқарсам-у, унга ёқмас! Халқ бунга тушунмайди-да! Халққа масхарабозлик ёқади, у энг паст, кишининг кўнглига урган томошаларни талаб қилади! Энди бу осмонни қаранг! Ҳар кун кечқурун ёмғир ёғади! Унингчи майдан бери ёғади, бутун май тинмай ёғди, июнь ёғди, жонга тегди-ку, ахир! Одамлар боққа кирмай қўйишди, кирим йўқ, ижара ҳақини қандай тўлайман? Артистлар ёллаганман, уларга қандай ҳақ тўлайман?

Эртаси куни кечқурун осмонни яна булут босди. Бутун умидини йўқотган Кукин ақлдан озган одамдай қаҳ-қаҳ отиб сўзларди.

— Ҳа, майли! Ёғса ёғаверсин! Менга қолса бутун боғчани сув олиб кетсин, мени ҳам қўшиб олиб кетсин! Бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам бахтсиз ўта қолай! Артистлар мени судга бериб, кесдириб юборишсин! Суд ҳам гапми, Сибирга сургун қилишсин! Дорга осиб ўлдиришсин мени! Ҳа-ҳа-ҳа! . .

Учинчи куни ҳам худди шундай бўлди.

Кукиннинг гапларини Оленька жим туриб, жиддий тинглади, гоҳо унинг кўзларига ёш келарди. Бориб-бориб Кукиннинг бахтсизлиги Оленьканинг юрагини эзди, қиз уни яхши кўриб қолди. Кукин пакана, ориқ, заъфарон юз-ли, сочларини ҳўл тараб юрадиган одам эди; овози ингичка бўлиб, гапирганда лабларини буриб гапирарди, унинг афтида ҳамма вақт умидсизлик, норозилик акс этарди. Шуларга қарамай, у, Оленькада ҳақиқий, чуқур севги уйғотди. Оленьканинг ўзи бирон кишини севмасдан юр-масди. Энг олдин ўз отасини яхши кўрар эди, отаси энди оғир касал бўлиб, қоронғи қилиб қўйилган уйда нафаси бўғилиб ётарди; кейин йилда бир-икки марта Брянскдан келиб кетиб юрадиган холасини яхши кўриб қолди. Ундан олдин эса, прогимназияда ўқиб юрган вақтларида, француз тили ўқитувчисини севиб қолган эди. Оленька мулоқимгина, хушфедъл, кўнгли очиқ, тўладан келган, дўндиққина, ювош қиз эди. Унинг анордай қип-қизил юзига, қоп-қора хол тушган оппоқ юмшоқ бўйнига, биронта ёқимли сўз эшитганида чеҳрасида пайдо бўладиган жилмайишига кўзи тушган эркаклар бир жилмайиб: «Чакки эмас. . .» деб қўярдилар. Меҳмонга келган хотинлар эса гап орасида бирдан унинг қўлидан ушлаб:

— Жоңгинам! — демасдан қўйишмасди.

У туғилиб ўсган ва мерос қоғозида унинг номига ёзилган уй шаҳарнинг четида, Циганская Слобода деган жойда «Тиволи» боғчасининг ёнида эди. Ҳар куни кечқурун ярим кечагача боғдан музика овозлари ва мушакларнинг пақиллаб отилиши эшитиларди, мушакларнинг пақиллашини эшитиб у «Кукин ўз тақдири билан олишмоқда, энг ёвуз душмани бўлмиш — ҳамма нарсага бепарво қаровчи томошабинларнинг кўнглини олмоқда» деб ўйларди, юраги орзиқиб кетар, уйқуси келмас, тонготар пайтида Кукин уйга қайтиб келганда ўзининг ётоқ бўлмасида туриб



деразани қоқар, парда орқасидан юзи ва бир елкасини кўрсатиб, меҳрибонлик билан жилмайиб қарар эди...

Кукин таклиф қилди, улар никоҳ ўқитишиб, эр-хотин бўлишди. Кукин, Оленьканинг бўйинини ва юмшоққина тўла елкаларини кўриб, ўзида йўқ севинди ва:

— Жонгинам! — деди.

Кукин ўзини бахтиёр сезарди, аммо тўйда куни-туни ёққан ёмғир уни анча хафа қилган эди.

Тўйдан кейин улар учун яхши кунлар бошланди. Оленька кассада ўтириб билет сотар, боғча тартибларига қараб юрар, ҳисоб-китоб ҳам шунинг қўлида эди; артистларга ойликни ҳам шу тўлар, унинг қип-қизил анордек чехрасини ва ёқимли майин жилмайишини гоҳ касса дарчасида, гоҳ сахна орқасида, гоҳ буфетда кўриш мумкин эди. Оленька ўзининг ҳамма танишларига — дунёда энг яхши ва энг керакли нарса театр, фақат театрда киши роҳатланади, билимдон бўла олади, — дерди.

— Аммо бунга халқ тушунмайди! — дерди у. — Халққа масхарабозлик кўрсатсангиз ёқади! Кеча кечқурун биз «Фаустнинг төскәриси» деган спектаклни қўювдик, деярли ҳамма ложалар бўш қолди. Ваничка иккимиз биронта бемаза нарсани қўйиб кўрсатсак, одам лиқ тўлиб кетади. Эртага Ваничка иккимиз «Дўзоҳга тушган Орфей»ни қўямиз, келинглар.

Театр ҳақида, актёрлар ҳақида Кукин нима деса Оленька ҳам шуни қайтарарди. Кукин каби у ҳам халқни бефарқ ва нодонлиги учун ёмон кўради, репетицияларга аралашади, актёрларнинг ҳаракатларини, сўзларини тузатади, музикачиларни тергайди, маҳаллий газетада театрни ёмонлаб биронта мақола босилиб қолса йиғлайди, кейин редакцияга бориб изоҳ беради.

Артистлар уни яхши кўришарди, унга «Ваничка иккимиз» ва «Жонгинам» деб от қўйишган эди. Оленька уларга раҳм қилиб, оз-моз пул қарз бериб турар, агар уларнинг баъзилари пулни қайтармай, алдаб кетишса ҳеч кимга билдирмай йиғлар, аммо эрига айтмасди.

Қишда ҳам уларнинг турмуши яхши эди. Улар шаҳар театри биносини бутун қишга ижарага олиб, гоҳ малоросслар труппасига, гоҳ фокусчига, гоҳ шу ернинг театр ҳаваскорларига қисқа муддатга ижарага беришар эди. Оленька кун сайин семирарди, вақти хушлигидан кундан-кунга очиларди, қиш бўйи иш ўнгидан келиб, даромад ёмон бўлмаса-да Кукин «зарар кўпайиб кетди» деб нолигани-

нолиган эди, юзи тобора сарғаяр ва ўзи озар эди. Кечалари йўталиб чиқарди. Оленька унга малина гули ва липа дарахтининг гулини қайнатиб ичирар, кўкрагига атир суртар, ўзининг юмшоқ жун рўмолига ўраб қўярди. Унинг сочларини силаб:

— Танимдаги жонимсан,— дерди у юракдан.

Труппа тўплаш учун Кукин, рўза кезида Москвага кетди. Оленька усиз бутун ҳузур-ҳаловатини йўқотди, кечалари мижжа қоқмай, дераза олдида юлдузларга қараб чиқарди. Шундай пайтларда ўзини катакда ҳўрозсиз қолиб уйқусиз безовталанувчи товуқдек ҳис этарди. Кукин Москвада узоқ туриб қолди, юборган хатида ҳайитга етиб келишини ёзиб, «Тиволи» роҳат боғчасини ижарага олиш тўғрисида ҳаракат бошлашни буюрган эди. Бироқ чин арафа куни кечқурун биров бочкани гумбурлатиб урган-дек дарвозани хунук қоқа бошлади. Уйқудан зўрға кўзини очган кухарка ялангоёқ лой кечиб, дарвозани очгани югурди.

— Дарвозани очинг тезроқ!— деди йўғон овозли киши, дарвоза орқасида туриб.

— Сизга телеграмма бор!

Оленька илгарилар ҳам эридан телеграмма олиб турарди, бироқ бу сафар ўтирган ерида қотиб қолди. У титроқ қўллари билан телеграммани очиб ўқиди:

«Иван Петрович бугун тўсатдан ўлиб қолди, амрингизни кутамиз, хатук шанба куни дафу этилади». Телеграммада шундай «хатук деган тушуниб бўлмайдиган сўз ва «дафи» сўзи «дафу» деб ёзилган: уни оперетта труппасининг режиссёри юборган эди.

— Сенинг ўрнингга мен ўлсам бўлмасмиди-я! — деб йиғи солди Оленька.— Жоним Ваничка! Нега учрашдим сен билан? Нега сени севдим? Бечора бахтсиз Оленькангни кимга ташлаб кетдинг!

Кукинини сешанба куни Москвада Ваганьков қабристонига кўмишди, чоршанба куни Оленька уйига қайтиб келди, остонадан кириши биланоқ ўзини кроватга ташлади, ҳўнграб йиғлаб юборди. Унинг дод-фарёди ҳатто кўчага ва қўшни ҳовлиларга ҳам эшитиларди.

— Жонгинам,— дерди қўшнилари чўқинишиб,— жонгинам Ольга Семёновна йиғлайвериба адо бўлди-я бечора!

Орадан уч ой ўтди. Қора кийинган Оленька бир кун черковдан уйига қайтиб келмоқда эди. Иттифоқо унинг қўшнилари билан бири, Бабакаев деган савдогарга қарашли

ёғоч тахта складининг бошқарувчиси Василий Андреевич Пустовалов ҳам черковдан чиқиб, уйига қайтиб келар эди. Бошига похол шляпа, эгнига оқ желетка кийиб, кўкрагига тилла занжир таққан Пустовалов савдогардан кўра кўпроқ помещчикка ўхшаб кетарди. У, Оленькага ачиhib улуғворлик билан деди:

— Ҳар қандай ишнинг ўз тартиби бўлади, Ольга Семёновна. Бирон яқин кишимизнинг куни битган экан, демак уни тангрининг ўзи олган бўлади. Модомики шундай экан, тақдирга тан беришдан бошқа иложимиз йўқ. Оленькани эшик олдиғача узатиб, хайрлашди-да, ўз йўлига қараб кетди. Шундан кейин унинг товуши кечгача Оленьканинг қулоғидан кетмади, кўзини юмса унинг қора соқоли кўзига кўринди. Пустовалов унинг кўнглига жуда ёқиб қолган эди. Оленька ҳам унга ёқиб қолган бўлса керак, шу воқиядан кўп ўтмай, уникага бир кекса хотин кофе ичгани келди. Меҳмонга келган хотин стол ёнига ўтириши биланоқ Пустоваловдан гап очди, унинг яхши ва савлатли эркаклигини, ҳар қандай қизнинг унга жон деб тегишини айтди. Уч кундан кейин Пустоваловнинг ўзи меҳмон бўлиб келди; у кўп эмас, ўн минутча ўтирди, кам гапирди, аммо Оленька уни яхши кўриб қолди, шу қадар яхши кўриб қолдики, ҳатто кечаси билан ўртаниб, ухламай чиқди, эртасига эрта билан кекса хотинга одам юборди, кўп ўтмай улар унаштирилди, кейин тўй бўлди.

Тўйдан кейин Пустовалов тушки овқат маҳалигача складда ўтирарди, кейин ўзининг ўрнига Оленькани қўйиб турли ишлар билан кетарди. Оленька эса оқшомгача складда мол сотиб, ҳисоб-китоб ишларини қилиб ўтирарди.

— Ёғоч тахталарнинг нархи йилдан-йилга йигирма процент ошмоқда дерди Оленька харидор ва танишларига.— Узингиз ўйлаб кўринг, илгари биз шу ердан чиққан тахтани сотардик, эндиликда Васичка ҳар йили Могилев губернасида мол келтиради. Нархнинг ошишини айтмай-сизми! — дерди у, кафтлари билан икки юзини бекитиб.

Унга, бутун умри ёғоч-тахта сотиш билан ўтгандай, ёғоч-тахтасиз ҳаёт бемаъни ҳаётдай туюларди, хода, хари, сарроф, тахта, ёғоч деган гаплар унинг қулоғига нозик ва ёқимли музикадай эшитиларди... Тоғ-тоғ ёғоч, тахталар, хода-харилар ортиб, бир ёқлардан ташиб кетаётган арава-арава карвонлар, бир полк келадиган ўн икки газли, беш қаричли ходаларнинг складга ҳужум қилиб, бос-

тириб келишлари, ходалар, саррофлар ва тахталарнинг бир-бирларига урилиб, садо чиқаришлари, кейин ерга қулаб, яна туришиб, бир-бирларининг устига чирмашиб чиқишлари кечалари унинг тушига кириб чиқарди. Оленька тушида буларни кўриб, беҳосдан қичқириб юборарди. Пуставалов эса уни:

— Оленька, нима бўлди сенга, жоним? Ўзингни босиб ол! — деб овунтирарди.

Эри нимани ўйласа у ҳам шуни ўйларди. Агар эри уй жуда исиб кетди деса, ёки ишнинг мазаси қочди деса, у ҳам худди шуни дейди. Эри ҳеч қанақа ўйин-кулги, кўнгил очишларни ёқтирмас, ҳайит кунлари ҳам уйдан чиқмас эди. Оленька ҳам уйда ўтирарди.

— Уйда ўтирганларинг ўтирган,— дейишарди танишбилишлари.— Театргами, от ўйингами бориб, ёзилиб келсангизчи, жонгинам!

— Васичка икковимизнинг театрға боришға вақтимиз борми?— деб жавоб берарди у, улуғворлик билан.— Биз меҳнаткаш одаммиз, бундай беҳуда нарсаларға берадиган бўш вақтимиз йўқ. Театрға бориб нима ҳам орттирардик?

Шанба кунлари кечқурун Пустовалов Оленька билан биргалашиб бомдод номозига, ҳайит кунлари эса пешин номозига боришади, черковдан ҳам бирға қайтишади, икковининг чеҳраси очиқ, атрофға хушбўй ҳид сочиб келишади. Оленьканинг шоҳи кўйлагининг шитирлаши қулоққа ёқади; уйға қайтиб келиб, сўлқилдоқ нон ва ҳар хил мурабболар билан чой ичишади, кейин пирог ейишади. Ҳар кун туш пайтида боршч ва қўй гўштидан ёки ўрдакдан пиширилган қовурма, рўза кунлари эса қовурилган балиқнинг ҳиди ҳовлидагилар ёки кўчадан ўтувчиларнинг димоғини қитиқлаб, иштаҳасини очиб юборар эди. Конторада доим самовар қайнаб туради, харидорлар чой ва гешниккулчалар билан меҳмон қилинади. Ҳафтада бир марта эру хотин биргалашиб ҳаммомға бориб, икковлари кип қизил бўлиб, уйға қайтишади.

— Худоға шукур турмушимиз ёмэн эмас,— дерди Оленька танишларига.— Васичка иккимизни еткизган кунға ҳаммамни ҳам еткизсин.

Пустовалов мсл келтириш учун Могилев губернасиға кетган вақтларида Оленька жуда зерикади, кечалари ухламай йиғлаб чиқади. Ҳовлидаги уйлардан бирида турувчи, полкда от доктори бўлиб хизмат қиладиган Смирнин

деган ёш йигит баъзан кечқурунлари уникига келиб туради. Смирнин унга у ёқ бу ёқдан сўзлаб беради ёки иккови карта ўйнайди, бундан Оленька анча овунади. Смирниннинг ўз оиласи ҳақидаги ҳикоялар уни айниқса қизиқтирарди. У уйланган бўлиб, бир ўғли ҳам бор эди, аммо хотини унга хиёнат қилгани учун ажрашиб кетганди, шунинг учун хотинини жуда ёмон кўрарди, ўғлига атаб ҳар ойда қирқ сўм пул юбориб туради. Оленька бу гапларни эшитиб, уҳ тортиб унга ачинди. Смирнин билан хайрлашаётиб:

— Худо ўз паноҳида сақласин. Келганингиз учун раҳмат, илоҳим ҳамиша соғ-саломат бўлинг...— дерди ва уни шам билан зинагача кузатиб қўярди.

Гапирганда ҳам эрига тақлид қилиб, улуғворлик билан гапирарди, от доктори аллақачон уйга кириб кетган бўлса-да, кетидан чақириб:

— Хотинингиз билан ярашиб қўя қолсангиз ҳам бўларди, Владимир Платонич! Ўғлингиз туфайли гуноҳини кечинг... Бола бояқиш ҳамма гапга тушунса керак,— дерди.

Пустовалов сафардан қайтиб келганда Оленька унга от докторининг барбод этилган турмушини гапириб берар, кейин икковлари биргалашиб ачинишар, бош чайқар, отасини соғинган ўғли ҳақида гапиришар, шундан кейин икковлари бахтиёр ҳолда ўринларидан туриб, бурчакдаги санамга қараб, худодан бола тилаб, сажда қиларди.

Олти йилгача Пустоваловларнинг турмуши тинч, севинч ва тотувликда ўтди. Қиш кунларидан бирида складда иссиқ чой ичиб, терлаб ўтирган Василий Андрееч харидорга мол сотмоқ учун телпаксиз ташқарига чиқди, шунда шамоллаб, бетоб бўлиб қолди. Оленька уни энг ўткир докторларга боқизган бўлса ҳам, тўрт ой ётгандан кейин дард устун келиб вафот этди. Оленька яна бева қолди.

— Қимга ташлаб кетдинг, мени севгилим! — деб ҳўнграб йиғларди у, эрини кўмгандан кейин.— Мен бечора сенсиз қандай турай бу дунёда? Раҳмингиз келсин, яхшилар, мен етимнинг дардига даво топинглар-эй...— дерди.

У мотам тутиб, қора кийди, шляпа ва қўлқопни бутунлай киймай қўйди, кўчага камдан-кам чиқадиган бўлди, чиқса ҳам черковга ёки эрининг қабрига бориш учун чиқарди, бўлак вақтларда таркидунё этган одамдай, уйда

Ўтирарди! Олти ой деганда мотам кийимларини ташлаб, дераза дарчаларини очадиган бўлди. Баъзан эрталаб у-бу келтириш учун кухарка билан бозорга чиққанини одамлар кўришди, бироқ эндиги турмуш қандай, уй ичида нима гаплар бор,— бу ҳақда одамлар фақат гумон билан гапиришар эди. Масалан, одамлар унинг ўз боғчасида от доктори билан бирга чой ичиб ўтирганидан, докторнинг унга газета ўқиб беришидан ва яна почтада бир таниш хотин билан учрашиб, унга:

— Шаҳримизда тўғри йўлга қўйилган ветеринария назорати йўқ, касалнинг кўплиги ҳам шундан. Анави сутдан, манови отдан, сигирдан юқиб касал бўпти, деган ходисалар кўпайиб кетди. Инсон сиҳатига қандай ғамхўрлик қилинса, жониворларни ҳам шундай боқиш керак,— деб айтган гапидан унинг ким ҳақида ўйлашини гумон қилардилар.

У, от докторининг айтганини айтар, у нимани ўйласа шуни ўйлар эди. Оленьканинг севгисиз яшай олмаслиги ва янги бахтни ўз ҳовлисида топиб олганлиги ҳаммага равшан эди. Бошқа хотин бўлганда уни ҳамма қораларди, аммо Оленька ҳақида ҳеч ким ёмон фикрда эмас, унинг ҳаётидаги воқиалар ҳаммага маълум ва равшан эди. У ҳам, от доктори ҳам ўзаро муносабатларида юз берган ўзгаришлар ҳақида ҳеч кимга бир оғиз сўз айтмасликка тиришар эди, бироқ Оленька ҳеч қандай сирни юрагида сақлаб юролмасди. Агар докторнинг полкдаги ҳамкасблари меҳмонга келишса Оленька уларга чой қуя туриб ёки овқат тарта туриб, қора молга келган вабодан ёки шаҳар кушхонасидан гап бошларди, доктор эса уялганидан қип-қизариб кетарди. Меҳмонлар тарқалишиб кетгач, доктор унинг қўлидан ушларди-да, ғазаблангани ҳолда:

— Тушунмаган нарсанг ҳақида оғиз очма, деб неча марта айтдим сенга! Ҳамкасбларим йиғилишганда ва ўз ишимиз устида сўзлашганимизда сен зинҳор аралашма! Одамни зериктириб юборасан, ахир!— дерди.

Оленька унга таажжубланиб қарар ва ҳавотирланиб:

— Володичка, бўлмаса нимани гапирай?— деб сўрарди.

Ва кўзига ёш олиб, от доктори бағрига отилар, жаҳли чиқмаслигини сўраб ялинарди; иккиси ҳам ўзини бахтиёр деб ҳис этарди.

Бироқ, бу бахт кўпга бормади. От доктори ўз полки билан бирга жўнаб кетди, унинг полки бошқа ёққа,

Сибирь томонга кўчирилган эди. Оленька яна ёлғиз қолди.

Энди у бутунлай ёлғиз қолган эди. Отаси аллақачон ўлиб кетган, унинг креслоси чердакда бир оёқсиз чанг босиб ётарди. Оленька ҳам ориқлаб кетган, ҳусни ҳам қочган, кўчада кўрганлар ҳам унга илгаригидек боқмас ва жилмайиб қарамас эди. Энг яхши йиллар — ёшлик вақтлари ўтиб, энди унинг учун қандайдир янги турмуш, бундан бу ёғи нима бўлишини билиш қийин бўлган давр бошланган бўлса керакки, яхшиси бу тўғрида ўйламаслик лозим эди. Кечқурунлари Оленька эшик олдига чиқиб, «Тиволи» роҳат боғчасида чалинаётган музикани, мушакларнинг пақиллаб ёрилишини эшитиб ўтирар, аммо бу товушлар энди унда ҳеч қандай туйғу уйғотмасди. У ўз ҳовлисига безътибор тикилиб ўтирар, ҳеч нарсани ўйламас, кўнгли ҳеч нимани истамасди, кечаси уйга кириб ётарди. Уйқусида яна ўзининг бўш ҳовлиси тушига кирарди. Овқатни ҳам биров зўрлаб едираётгандай ер эди.

Энг ёмони шу эдики, унда ортиқ ҳеч қандай фикр қолмаган эди. У ўз атрофида хилма-хил буюмларни кўрар, нималар бўлаётганига ақли етар, аммо улар ҳақида нима деб ўйлашни ва нималарни гапиришни билмасди! Ҳеч қандай фикрга эга бўлмаслик нақадар оғир! Бир шишанинг тикка турганини, ёки ёмғир ёғишини, ёхуд аравага тушиб кетаётган мужикни кўриб турасан-у, бироқ шишанинг нимага кераклигини, ёмғирнинг нимага ёғишини, мужикнинг нега аравага тушиб боришини, уларда қандай маъно борлигини ҳечбир айта билмасанг! Кукин ва Пустовалов бор вақтида, от доктори борида Оленька уларнинг маъносига ета оларди, ҳар нарса устида фикр юрита оларди, энди унинг ўйларини ва юрагини худди ҳовлини босган зимзиё қоронғи ва бўшлиқ қоплаганди. Гўё чуқур сойга ғарқ бўлиб кетаётгандай уни даҳшат босарди.

Бу орада шаҳар ҳар тарафга қараб кенгайиб кетди. Циганская Слобода энди кўча тусини олди. «Тиволи» роҳат боғчаси ва ёғоч тахта складлари бўлган жойларга янги иморатлар тушиб, анча-мунча тор кўчалар ҳосил бўлган эди. Мунча ҳам вақт тез ўтади! Оленьканинг уйи эскирган, тунука томи занглаб кетган, сарой ҳам бир ёққа қараб ёнбошлаган, ҳовли саҳнини отқулоқ билан сасиқ алаф босиб кетган эди. Оленьканинг ўзи анча қариган, ҳусндан ҳам қолган эди. Ёз кунлари у эшик олдидаги супачага чиқиб ўтиради. Қалбида илгаригидек бўшлиқ ҳукм

суради, ўзидан ҳам сассиқ алафнинг ҳиди келиб туради, қиш кунлари эса дераза ёнига ўтириб, ҳовлидаги қордан кўзини узмайди. Баҳор келганда ёки шамол черков қўнғироқларининг овозини учуриб келиб қолган чоқларда бирдан ўтмиш кунлар эсига тушиб юраги «шув» этиб кетади. Кўзларига жиққа ёш келади, аммо бу кўп давом этмайди, бирпасдан кейин юракни яна бўшлиқ эгаллайди, бу дунёда нима учун яшаётганини яна билмайди. Бриска деган қора мушуги бир оҳангда миёвлаб, унга эркаланади, аммо бу ҳам Оленькага таъсир қилмайди. Унга бу керакмиди? Унга бутун борлигини, бутун юрагини, ақл-фаросатини мафтун эта оладиган, ҳаётига маъно берадиган, кишини ўйга соладиган, унинг совиб бораётган қонини қизита оладиган севги керак! Этагига чиқиб олган мушукни ерга итариб туширади-да, алам билан:

— Кет, кет... жонга тегдинг! — дейди.

Шу йўсинда, ҳеч бир шодликсиз, ҳеч қандай фикрсиз кунлар, ойлар, йиллар ўтди. Кухарка Мавра нима деса шу эди.

Саратон кунларининг бирида, подалар ҳамма ёқни чангитиб даладан қайтиб келаётган оқшом пайтида, кимдир кўча эшигини қаттиқ қоқди. Оленьканинг ўзи бориб дарвозани очди, очиши билан турган ерида қотиб қолди: келган киши — сочлари оқарган, штатский кийим кийган от доктори Смирнин эди. Оленьканинг эсига бутун ўтмиш келди, ўзини туютолмай, ғиқ этмай бошини унинг кўксига қўйди-да, йиғлаб юборди. Ҳаяжонланиб кетганидан икковлари ҳам уйга кирганларини, чойга ўтирганларини билмай қолди.

— Вой жоним-эй! — деди у, севинчидан қалтироқ босиб.

— Владимир Платонич! Қаердан худо ярлақаб қолди?

— Шу шаҳарда яшаб қолмоқчиман, — деди доктор. — Истеъфога чиқдим, энди эркинликда бахт излаб топмоқчиман, бир ерга қўниб олишим керак. Ўғлим ҳам катта бўлиб қолди, гимназияга беришим керак. Биласизми, мен хотиним билан ярашиб олганман.

— Қаерда улар? — деб сўради Оленька.

— Улар мусофирхонада қолишди, мен уй қидириб юрибман.

— Ана холос! Менинг уйимни ола қолинг! Нима қипти бу уйга? Сизлардан бир тийин ҳам олмайман! — У яна



ҳаяжонланиб, йиғлай бошлади.— Сизлар бемалол шу катта уйга жойлаша беринглар, менга ҳовлидаги кичкина уй ҳам етиб ортади. Сизни юборган худодан ўргилай!

Эртаси кун уй томини бўяб, деворларни оқлашга киришилди, Оленька икки қўлини белига қўйиб, ҳовлидагиларга ҳар хил ишларни буюриб юрар эди. Унинг чеҳрасида илгариги жилмайишлар пайдо бўлган, худди узоқ уйқудан уйғонгандай бутун борлигига қон югурган эди. Кейин ориқ ва хунук, сочлари калта қирқилган, инжиқ юзли бир хоним, семизгина, кўк кўз, икки юзида чуқурчаси бор Саша деган болани етаклаб кириб келди. Улар от докторининг хотини ва ўн яшар ўғли эди. Бола ҳовлига кириши биланоқ мушукни қува кетди, унинг хушчақчақ қўнғироқ кулгиси бутун ҳовлини босди.

— Хола, бу сизнинг мушугингизми?— деб сўради бола.— Туққанда биттасини бизга беринг, ойим сичқондан жуда қўрқадилар.

Оленька у билан анча сўзлашди, чой ичирди, гўё бу болани ўзи туғиб ўстиргандек ҳис қилиб, кўкрагига иссиқ югуриб, роҳатланди. Кечқурун Саша овқатхонада дарс тайёрлаб ўтираркан, Оленька севгига тўлган кўзларини ундан узмай:

— Чироғим... Хушрўйгинам... Ақлли-хушли бола экансан! Оппоғим,— деб шивирлади.

— Ҳар тарафда сув билан ўралган қуруқ ер — орол деб аталади,— деб ўқиди китобдан Саша.

— Ҳар тарафи сув билан ўралган қуруқ ер — орол деб аталади,— деб такрорлади Оленька. Бу — неча йиллаб ўйсиз-фикрсиз кун кечирган кишининг ишонч билан айтган биринчи фикри эди.

Энди у мустақил фикрга эга эди, кечки овқат устида Сашанинг ота-онасига гимназияда ўқишнинг нақадар оғирлашиб кетгани, аммо шундай бўлса-да, реал мактаб таълимидан кўра классик мактаб таълимининг афзаллиги ҳақида гапирди, чунки унинг фикрича, гимназияда ўқиган кишига ҳамма йўл очиқ: хоҳла докторликка ўқи, хоҳла инженерликка.

Саша гимназияга қатнай бошлади. Унинг онаси Харьковдаги синглизиникига кетиб, узоқ қолиб кетди. Отаси ҳар кун қаергадир йилқи кўргани кетиб, баъзан уч кунлаб уйига қайтмас эди. Оленькага Сашанинг ота-онаси бутунлай ташлаб кетгандай, бола уйда ортиқча одамдай

туюлди, бола бечора очдан ўлади деб ачинди. Кўп ўтмай у, болани катта уйдан ўз уйига олиб, жажжигина бир бўлмага жойлаштирди.

Ярим йилдан ошдики, Саша унинг уйида туради. Ҳар кун эрта билан Оленька унинг олдига киради, бола, қўлини чеккасига қўйиб қаттиқ ухлаб ётади, уйғотгани кўзи киймайди.

— Сашенька,— дейди у, ғамгинлик билан,— тур, қўзим! Гимназияга борадиган вақт бўлди.

Саша ўрнидан туриб, кийинади, ибодат қилади, кейин нонуштага ўтиради. Уч стакан чой билан иккита катта тешик кулча ва мой суртилган яримта француз булкани еб олади. У ҳали уйқудан тоза уйғонгани йўқ. Шунинг учун кайфи бузуқроқ. Оленька уни худди узоқ сафарга узатаётгандай унга тикилиб дейди:

— Сашенька, масални яхшилаб ёдлаб олдингми? Мени ташвишга солиб қўйдинг-ку. Тиришиб ўқи, оппоқ қўзим... Муаллимларинг сўзидан чиқма...

— Қўйсангизчи бу гапларингизни! — дейди Саша.

Кейин у гимназияга кетади, ўзи кичкина, бошида каттакон шапка, елкасида китоб жилди. Оленька унинг кетидан секин-аста қадам ташлаб боради.

— Сашенька! — деб чақиради.

Саша қайрилиб қарайди. Оленька унинг қўлига хурмо ёхуд попуқ қистиради! Гимназия жойлашган кўчага бурилгандан кейин, Саша ўзини баланд бўйли семиз хотин кузатиб қўйишидан уялади. Орқасига қарайди-да:

— Хола, сиз энди уйга кета беринг, ўзим бораман,— дейди.

Оленька тўхтаб, Саша гимназия эшигидан кириб, кўздан ғойиб бўлгунча қараб туради. О, Оленька бу болани нақадар севади! У илгари кечирган севгиларининг ҳеч бири ҳам бунчалик чуқур бўлмаганди: Эндиликда унда оналик ҳисси кучайиб бораётган пайтда, унинг қалби шу қадар фидокорликка, саҳийликка ва севинчга тўлиб тошган эдики, бунақа ҳисси, аввал у сира сезмаган эди. Мана бу бировнинг боласи учун, унинг юзларидаги чуқурчалари, бошидаги шапкаси учун бутун жонини беришга тайёр эди. Нега бундай? Ким билади дейсиз?

Сашани гимназияга узатиб, ўзи хурсанд, оҳиста, хушфеъл ҳолда уйга қайтади. Олти ой ичида анча яшарган юзидан жилмайиш аримайди. Йўлда учраган танишлар уни кўриб хурсанд бўлишади ва:

— Яхшимисиз, жонгинам, Ольга Семёновна! Эсон-омонгина юрибсизми?— дейишади.

— Гимназияда ўқиш ҳам қийинлашиб кетди,— дейди у, бозорда учраган танишларига.— Ўзингиз ўйланг, кеча биринчи синф болаларига бутун бир масални ёдлашга буюришибди, лотинчадан таржима қилдиришибди, ҳисобдан масала беришибди... Ёш бола чидармиди бунга?

Оленька муаллимлар, дарслар, дарсликлар ҳақида, хуллас, Саша нимани гапирган бўлса, у ҳам шуни гапирди.

Соат учда икковлари ўтириб овқат ейишади, кечқурунлари дарс тайёрлашади, қўшилишиб йиғлашади. Сашани ётқизиб бўлиб, Оленька уни узоқ чўқинтиради, шивирлаб дуо ўқийди, кейин ўрнига ётиб, узоқ ва номаълум келажак ҳақида, Сашанинг доктор, ёки инженер бўлиб етишиб, уйли жойли бўлиши, от-аравага эга бўладиган, уйланиб бола-чақа кўрадиган замонларни хаёл қилади... У, кўзлари уйқуга кетаркан, ҳамон ўшаларни ўйлайди, юмуқ кўзларидан оққан ёшлар юзларини ювади. Қора мушук ҳам унинг биқинига кириб жойлашган:

— Хр... хр... хр...

Бирдан кўча эшик қаттиқ қоқилди. Оленька уйғониб, қўрққанидан нафас олмайди, юраги қаттиқ ура бошлади. Сал ўтмай эшик яна тақиллади.

«Харьковдан телеграмма келган бўлса,— деб ўйлайди у, вужудини титроқ босиб,— онаси ўғлини чақиртирган бўлмасин... оҳ, худойим!»

Уни умидсизлик босди, бошини кўтаролмади, кейин икки қўли, оёқлари бўшашиб кетди, ўзини дунёда энг бахтсиз банда ҳис қилди. Бироқ, яна бирпасдан кейин ҳовлидан таниш овозлар эшитилди, от докторининг клубдан қайтгани маълум бўлади.

«Худоё ўзингга шукур!» деб қўйди Оленька.

Юраги секин-аста енгиллашди, у яна тинчиди. Яна ўрнига ётиб, уйқуда ётган Сашани ўйлайди. Саша эса қўшни уйда қаттиқ уйқуда ётиб, гоҳо-гоҳо:

— Сеними, шошмай тур! Кет! Уришма!— деб уйқусирайди.

## ХИЗМАТ ЮЗАСИДАН

Суд терговчиси вазифасини бажарувчи ва уезд врачл Сирня қишлоғига ўликни ёргани кетмоқда эди. Улар йўлда бўронда қолиб, узоқ вақт адашиб юриб, қишлоққа ўзлари мўлжаллаган туш пайтида эмас, кечқурун, қоронғи тушганда келди. Тунаш учун земство уйида тўхташди ва шу жойда земство уйида, тасодифан, суғурта агенти Лесницкийнинг ўлиги ҳам ётар эди. Лесницкий бундан уч кун аввал Сирня қишлоғига келган, мана шу земство уйига тушган ва самовар қўйиб беришни талаб этган, ҳаммани таажжубда қолдириб, бирдан ўзини отиб қўйган; овқатларни стол устига, самовар ёнига қўйиб, ғалати йўсинда ўзини отганидан кўп кишилар бу ерда қотиллик содир бўлмадимикин деб шубҳаланганлар; шу сабабдан ўликни ёриб кўриш зарур бўлиб қолган эди.

Доктор ва терговчи даҳлизда туриб, оёқларини гурс-гурс уриб, устларидан қорни қоқар экан, улар олдида кекса юзбоши Илья Лошадин қўлида лампа ушлаб турарди. Керосин ҳиди анқиб кетганди.

— Сен кимсан? — деб сўради доктор.

— Юзбоши. . . — деб жавоб қилди у.

У почта олганда ҳам юзбоши деб имзо чекарди.

— Гувоҳлар қани?

— Чамамда, жаноби олийлари, чой ичгани кетишган бўлса керак.

Дуруст жиҳозланган «келувчилар уйи» ёки жаноблар истиқомат қиладиган хона ўнг қўлда, чап қўлда эса катта печь ва сўрили мундайроқ хона. Доктор ва терговчи, улар орқасидан, қўлидаги лампани бошидан юқори кўтариб, юзбоши жиҳозланган, озода хонага кирди. Бу ерда полда, шундайгина столнинг оёғи ёнида устига оқ чойшап ёпил-

ган узун гавда қимир этмай ётарди. Чироқнинг заиф шуъласида гавда устига ёпилган оқ чойшапдан ташқари яна унинг янги резина калоши яққол кўриниб турарди. Бу ерда барча нарса: қорамтир деворлар ҳам, хонага чўккан жимлик ҳам, мана шу янги калош ҳам, мурданинг қимир этмай ётиши ҳам хунук ва ваҳимали эди. Стол устида аллақачон совуб қолган самовар турар, унинг атрофида қоғозларга ўралган нарсалар ётарди. Булар овқат бўлса керак.

— Келиб-келиб ўзини земство уйида отиш — қандай беандишалик! — деб сўз бошлади доктор. — Борди-ю пешонангга ўқ узинг келган бўлса, уйингда ўтир ёки бирон саройга кир-да, шартта от қўй.

Доктор шапкасини, пўстини ва пиймасини ечмай, скамейкага ўтирди; унинг ҳамроҳи терговчи эса, доктор рўпарасидан жой олди.

— Бу тажанг ва асабий одамлар ўлардай худбин бўладилар-да, — деди яна доктор алам билан, — борди-ю асабий одам билан тунаб қолсангиз, кечаси билан газетани шалдиратиб чиқади, агар бирга овқатлансангиз, сиздан уялмай хотини билан маш-маша кўтаради; ўзини отмоқчи бўлса, албатта, қишлоққа келади-да, сизга кўпроқ ташвиш ортдириш учун земство уйида ўзини отади. Бу жаноблар ҳар қандай турмуш шароитида ҳам фақат ўзларини ўйлайдилар. Ўзларидан бошқа ташвишлари йўқ! Шу туфайли ҳам кексалар бизнинг ана шу «асабий ҳаётимиз»ни ёмон кўради.

— Кексалар нималарни ёмон кўрмайди, дейсиз, — деб хомиза тортиб қўйди терговчи. — Сиз уларга илгариги билан ҳозирги ўз-ўзини ўлдириш орасида қандай фарқ борлигини айтиб беринг. Илгари, инсофли, андишали деб аталган одам хазина пулини еб қўйиб, ўзини отарди, ҳозиргиси бўлса, турмуш жонга текканидан, зериккандан ўзини отади. . . Қайси бири маъқул?

— Турмуш жонига текканидан, зерикканидан, майли, лекин ўзингиз ҳам тан беринг, земство уйидан бошқа жойда ҳам отиш мумкин эди-ку!

— Бу шундоқ ташвиш бўлдики, — деб сўз қўшди юзбоши, — роса жонга тегди. Аҳоли жуда безовта бўляпти, жаноби олийлари, мана бугун, шу нарсага уч кун бўптики, ҳеч кимда уйқу йўқ. Болалар йиғлайди. Хотин-халаж сигирини соғиб олгани оғилхонага кирай деса юраги бетламайди, қоронғида кўзларига бу жаноб кўриниб қолишидан

чўчийди. . . Маълумки, хотинлар шунақа лақма бўлади, лекин баъзи эркаклар ҳам қўрқади. Кеч кирди дегунча уй ёнидан якка-якка ўтмайди, худди подага ўхшаб, тўп бўлиб юради. Гувоҳлар ҳам шундай. . .

Урта ёш, қора соқол, кўзойнак таққан доктор Старченко ва ҳали анча ёш, малларанг, бундан икки йил аввал ўқишни тугатган, чиновникдан кўра кўпроқ студентга ўхшаган терговчи Лижин хаёлга ботиб, кечикиб келганларидан фиғонлари ошиб, жимгина ўтирарди. Мана энди тонг отишини кутиш, шу хонада тунаб қолиш лозим. Ҳозир соат энди бешдан ошган, уларга узундан-узоқ кечки вақтни ўтказиш, кейин ундан ҳам бадтар узун ва қоронғи тунни ўтказмоқ, ўлардай зерикиш, нобоб кўрпа-ёстиқ, сувараклар ва эрталабки совуққа бардош бериш лозим эди; улар иккови мўри билан чердакда увиллаётган бўронга қулоқ солиб, буларнинг ҳаммаси ўзлари бир вақтлар орзу қилган ажойиб ҳаётга мутлақо ўхшамаслигини, ҳозир иккови ҳам шаҳарнинг чароғон кўчаларида юриб, об-ҳавонинг ноқулайлигини сезмаётган, эҳтимолки, шу топда театрға боришга отланаётган, ёки ўз кабинетида китоб ўқиб ўтирган тенгдошларидан жуда олисда эканларини ўйларди. О, қани энди ҳозир улар атиги бир марта бўлса ҳам Невская кўчасидан ўтишса, ё Москванинг Петровкасида юришса, яхшигина бир қўшиқни эшитишса, ёхуд ресторанда бир-икки соат ўтиришса, бунинг учун улар ҳар қанча тўлашга рози эди.

— Ув-в-ув-в-!— деган чердакдан бўрон садоси эшитиларди, алланима ташқарида зарб билан деворга урилар, афтидан земство уйининг вивескаси кўчиб кетган эди.— Ув-в-ув-в!

— Сиз билганингизни қилинг, аммо мен бу ерда тунашни хоҳламайман,— деди Старченко ўрнидан тураркан,— соат энди бешдан ошди, ухлашга ҳали вақтли, мен бирон ёққа борсам дейман. Шу ерга яқин, Сирнядан атиги уч чақирим нарида фон Тауниц яшайди. Унинг уйига бориб, ўша ерда тунайман. Юзбоши, чиқиб ямшчикка айт, отларни чиқариб қўймасин. Сиз-чи, сиз нима қиласиз? — деб сўради у Лижиндан.

— Билмадим. Етиб ухласам керак.

Доктор пўстинига ўраниб, ташқарига чиқиб кетди. Унинг ямшчик билан гаплашгани, совқотган отларнинг қўнғироқчалари жиринглагани эшитилиб турди. Кейин у жўнаб кетди.

— Барин, сенинг ҳам бу ерда ётишинг маъқул иш эмас,— деди юзбоши,— нариги уйга чиқиб ёт. У ер унча тоза бўлмаса ҳам, бир кеча минг кеча бўлмайди. Мен ҳозир мужикдан самовар олиб, қўйиб бераман. Кейин остингга похол ташлайман, ана ўшандан сўнг, жаноби олийлари, худо тинчингни берсин, маза қилиб ухлай берасан.

Орадан сал вақт ўтмай терговчи нариги хонада стол ёнида чой ичиб ўтирар, юзбоши Лошадин эшик тагида туриб гап уқдирарди. У олтмиш ёшдан ошган, паст бўй, жуда озгин, бели букчайган, оппоқ, юзидан солдадил кулги аримовчи, шилпиқ кўз, новвот сўраётгандай лабини чўпиллатиб юрувчи чол эди. Юзбоши калта пўстин, пийма кийган, қўлидан ҳассасини қўймасди. Терговчи ёш бўлгани учун чолнинг унга раҳми келган бўлса керакки, уни сансираб гапирарди.

— Старшина Федор Макарич, становой пристав ёки терговчи келса дарҳол менга хабар қил, деб буюрган эди,— деди юзбоши.— Демакким, шундоқ қилиб, бориб хабар беришим керак... Волостгача нақ тўрт чақирим келади, ҳозир бўрон, ер-кўкни қор тутиб ётибди. Шу кетишда у ерга ҳойноҳой ярим кечага яқин етиб борсам керак. Бўроннинг бўкиришини қаранг.

— Менга старшинанинг кераги йўқ,— деди Лижин,— унинг бу ерда қиладиган иши йўқ.

Терговчи қизиқиш билан чолга қараб олди-да, ундан:

— Бобо, қани айтчи, неча йилдан буён юзбошилиқ қиласан? — деб сўради.

— Неча йилдан бери дейсанми? Э, ўттиз йил бўлгандир. Озодликка чиққандан кейин орадан беш йил ўтгач юзбоши бўлган эдим, шундан бу ёғини ҳисоб қилавер. Ўшандан бери бирон кун тинганим йўқ. Одамлар байрам қилишганда ҳам мен тинмайман. Ташқарида улур айём кунлари, церковларда қўнғироқ овози, рўза кезлари бўлади. Мен бўлсам елкамда сумка, бир нафас тинмайман. Ҳали газнахонага, ҳали почтага, ҳали становой пристав уйига, ҳали земство бошлиғига, ҳали солиқчига, ҳали маҳкамага, ҳали жаноблар ҳузурига, ҳали мужиклар олдига, иш қилиб барча православ христианлар олдига бораман. Уларга турли пакетлар, повесткалар, солиқ варақалари, хатлар, ҳар хил бланкалар, ведомостлар ташийман. Демакким, яхши тўрам, жаноби олийлари, ҳозир рақамлар ёзадиган шундай сариқ, оппоқ, қизил бланка-

лар чиққанки, уни олган ҳар қандай киши, баринми, ё бошлиқ, ё бирон бой-бадавлат мужикми, у қанча ерга эккан-у, қанча ҳосил йиғиб олган, унда неча чорак ва пуд жавдари бор, қанча сули, пичанга эга, яна об-ҳаво қандай эди, кейин турли хил ҳашаротлар дейсанми, иш қилиб ҳаммаси тўғрисида битта қўймай бир йилда ўн мартача ёзиб қўйиши керак. Албатта, нима ёзгинг келса шуни ёзавер, формаси битта, лекин мен бўлсам бетиним юриб мана шу варақаларни тарқатишим, кейин уларни яна йиғиб олишим керак. Мана, жумладан дейлик, жанобнинг ёриб кўришга сира ҳожат йўқ, ўзинг биласан, бу бекорчи иш, фақат қўлингни ифлос қилганинг қолади, холос, аммо, сен жаноби олийлари, захмат чекиб бу ерга келдинг, нега, чунки форма шуни талаб этади: иложинг қанча, ҳеч нима қилолмайсан. Мана мен ҳам ўттиз йилки формада юрибман. Ёзда ҳеч гап эмас, ҳамма ёқ қуруқ, иссиқ, аммо қиш ва кузда жуда ноқулай-да. Шундай кунлар бўлганки, сувга чўкиб кетганман, совуқда қотиб қолганман — ҳаммасини кўрганман. Урмонда муттаҳам одамлар сумкамни тортиб олган пайтлари ҳам бўлган, калтак ҳам еганман, судга ҳам тушганман. . .

— Нима иш билан судга тушгансан?

— Муттаҳамлик қилиб.

— Муттаҳамлик қилиб, деганинг нимаси?

— Шундай-да, демакким, котибимиз Хрисанф Григорьев пудратчига бировнинг тахтасини пуллаб юборган, демакким, алдаган. Бу иш тепасида мен ҳам бор эдим, мени қовоқхонага ароқ олиб келиш учун юборишди; котиб мен билан ҳеч балони арра қилмади, ҳатто бирон стакан ароқ инъом этмади. Демакким, камбағаллигимиздан, кўринишимиздан ишончсиз, бир пақирга арзимайдиган одам деб, иккаламизни ҳам қўшиб суд қилишди; уни сургунга ҳайдашди. Мени худодан бўлиб, бутунлай оқлаб юборишди. Судда мана шунақа қоз ўқишди. Ҳамма мундир кийиб олганди. Судда-де. Мен сенга очигини айтиб қўя қолай, жаноби олийлари, бизнинг хизматимизни олганда, ўрганмаган кўзга, худо кўрсатмасин, балонинг ўзгинаси бўлиб кўринади, бизнинг ўзимиз учун эса ҳеч гап эмас. Юрмай қолсак борми, ҳатто оёғинг зирқиллаб оғрий бошлайди. Уйда ўтирсак яна ўзимизга ёмон. Волостга борганда эса ҳали котиб печкасига ўт қала, ҳали котибга сув ташиб бер, ҳали унинг этигини тозалаб қўй.

— Ўзинг қанча мояна оласан?— деб сўради Лижин.



— Бир йилда саксон тўрт сўм оламан.

— Бундан бўлак ҳам даромадинг бордир? Ахир бусиз иш битадимми?

— Бизда даромад нима қилади! Ҳозирги тўралар чой чақа қилгин деб жуда камдан-кам марҳамат қилади. Бу вақтдагилар ғоят жиддий одамлар, ҳамма нарсага жаҳллари чиқаверади. Унга қоғоз олиб борсанг ҳам жаҳли чиқади, шапкангни олиб таъзим қилсанг ҳам жаҳли чиқади. Сен, бу эшикдан эмас, наригисидан киришинг керак эди, дейди, ароқхўрсан дейди, сендап нуқул пиёз ҳиди келади, бефаҳм, каллаварам, итвачча дейди. Албатта, яхши тўралар ҳам бор, лекин улардан нима манфаат, фақат масҳара қилиб кулишади-ю, турли хил лақаб қўйишади холос. Мисолга жаноб Алтухинни олинг, ўзи дурустгина одам-у, бир вақт қарасанг ҳушёр, ақли росо, лекин сенга кўзи тушиб қолдими, дарров бақириб беради, нима деб бақираётганини ўзи ҳам билмайди. Менга шундай лақаб қўйиб олдики, сира нари ёғи йўқ. Сен, дейди. . .

Юзбоши аллақандай сўзни шундай секин айтдики, унинг нима деганини англаб бўлмади.

— Нима деб қўйган,— деб сўради Лижин.— Қайтариб айт.

— Администрация! — деб юзбоши баланд овоз билан сўзини такрорлади.— Кўпдан бери шундай деб атайди. Олти йилча бўлиб қолди. Салом, администрация дейди! Мен индамайман, майли, нима деса деяверсин, худога солдим. Баъзан бирон бека бир стакан ароқ билан пирог бериб юборади, хўп дейсан-да, ўша хонимнинг сиҳат-саломатликлари учун деб ичасан. Кўпинча мужиклар инъом қилади; мужиклар ўзи шунақа меҳрибон, худодан қўрқадиган, самимий одамлар: бирови нон беради, бошқаси карам шўрва билан қорнингни тўйғизади, баъзилари ароқ билан сийлайди. Оқсоқоллар ҳам қовоқхонада чой билан меҳмон қилади. Мана ҳозир гувоҳлар чой ичгани кетди. «Лошадин, биз келгунча шу ердан жилмай тур» деди, кейин ҳар бири бир тийиндан пул бериб кетди. Бундай нарсанинг олдида туришга ўрганмаган, қўрқади-да. Кеча бўлса ўн беш тийинлик танга бериб, бир стакан ароқ ҳам беришди. . .

— Ўзинг-чи, ўзинг қўрқмайсанми?

— Мен ҳам қўрқаман, жаноб, лекин хизматимизнинг ўзи шунақа-да, ишинг шу бўлгач ундан жилиб бўладими. Ёзда бир аристантни шаҳарга ҳайдаб борган эдим, у

бўйнимга тушириб қолди! Нуқул бўйнимга туширади! Атроф-теварагимиз қуп-қуруқ дала, ўрмон, шундай бўлгач, ундан бир қадам нари жилиб бўладими? Ҳозир ҳам ўшанга ўхшаган гап. Мен жаноб Лесницкийни, худди мана бундоқ вақтидан биладан, унинг отасини ҳам танирдим, очасини ҳам. Ўзим Недошчетовое қишлоғидан бўладан, улар, жаноб Лесницкийлар бўлса биздан сал нарида, ҳатто орамиз бир чақиримча ҳам келмайдиган жойда яшарди, еримиз ерига тегиб турарди. Лесницкий жанобларининг жуда художўй, раҳм-шафқатли сингиллари бор эди. Э, худоё худовандо банданг Юлиянинг жойини жаннатда қилгин. Эрга тегмай ўтдилар, қазо қилаётганда ўзининг бутун молу дунёсини бўлиб берди; монастирга юз десятина ерини қоғоз қилиб кетди, бизга ҳам, Недошчетовое қишлоғининг деҳқон жамиятига ҳам ўз маъракаларини ўтказиш учун икки юз десятина ер қолдирдилар; лекин у кишининг акалари, жанобимиз бўлса, айтишларига қараганда, қоғозларни яшириб қўйиб, печкада куйдириб юборибди, кейин бутун ерларни ўзиники қилиб олди. Ўзимга фойда қилдим, деб ўйлаган эди. йўқ, ундай бўлмади. Ошнам ҳақ жойига қарор топади, бу ёруғ оламда ҳақиқатсиз яшай олмайсан. Шундан кейин бариннинг йигирма йилча қораси кўринмай кетди, черковга боришни тарк қилди, демакким, тавбасига таяниб ўлиб кетди, ўзиям роса семиз эди. Қоқ бўлиниб, ёрилиб ўлди: Шундан кейин ёш жанобдан, Серёжадан қарзларинг учун деб бор нарсасини битта қўймай тортиб олишди; хўш, таълим масаласида бўлса ундан бирон иш чиқмади, қўлидан ҳеч нима келмади-да. Шундан кейин унинг амакиси, земство маҳкамасининг раиси: «бўлмаса Серёжани ўзимга агент қилиб оладан,— деб ўйлади,— майли, суғурта билан шуғуллансин, бу ўзи унчаям қийин иш эмас». Жаноб эса ёш, мағрур, у ҳам мундоқ арзигудай, кўзга кўринадиган, фойдаси кўпроқ иш бўлса дерди, шу туфайли бу гап унга алам қилиб, демакким жаҳли чиқди, рост-да, аравада уезд бўйлаб санқиш, мужиклар билан гаплашишнинг унга нима қизиғи бор: индамай ерга қараганча юраверди, ерга қарайди-ю, паққос индамайди; унинг ёнига келиб, қулоғига: «Сергей Сергеич!» деб қичқирсанг, аланглаб қарайди-ю: «А?» дейди, холос, кейин яна ерга қараб олади. Мана энди кўриб турибсанки, ўзининг жонига ўзи қасд қилди. Жаноби олийлари бу ишларнинг ўзи жуда ғалати-да, бу ёруғ дунёда нималар бўлаётганига сира тушуниб бўлмади, худоё

тавба. Отанг жуда бой эди, мана сен эса камбағалсан деб айтиш, аниқки, жуда кишига алам қилади, лекин, ҳеч қиси йўқ, бунга кўникиш керак. Мен ҳам яхши яшардим. Жаноби олийлари, икки от, уч сигир, йигирмага яқин қўйларим бор эди. Мана замон келиб, ёлғиз биргина сумка билан қолдим, у ёғини сўрасанг, ана шу сумка ҳам ўзимники эмас, маҳкаманики. Энди Недошчетовое қишлоғидаги уйим тўғрисида айтсам, бутун қишлоқни қидириб, меникидан ночорроқ уйни тополмайсан. Мокейда тўртта лакей<sup>1</sup> бор эди, энди Мокейнинг ўзи лакей. Петракда тўртта батрак бор эди, ҳозир Петракнинг ўзи батрак; деган мақол бор-ку.

— Нима қилиб мунча камбағаллашиб кетдинг?— деб сўради терговчи.

— Уғилларим ўлгудай ароқхўр чиқиб қолди. Безорилар шундай ичади, шундай ичадики, асти сўрама, барибир ишонмайсан ҳам.

Лижин унинг сўзларини эшитиб ўтираркан ўзича ўйларди: мана у Лижин эртами, кечми, барибир Москвага қайтиб кетади, манави чол бўлса яна шу ерда бир умрга қолади. Юргани-юрган, то ўлиб кетгунича шундай юраверади; бундан кейин ҳам ҳаётда ана шундай адо бўлиб тўзган, кўп вақтлардан бери сочи тароқ кўрмаган, «бир пақирга қиммат» чолларнинг қанчасини учратаман, буларнинг қалбларига қандай қилиб ўн беш тийинлик танга бир стакан ароқ билан бирга бу ёруғ дунёда ҳақиқатсиз яшаб бўлмайди, деган чуқур ишонч жуда сингиб кетган. Чолнинг гапини эшитишдан зерикди шекилли, терговчи тагига солиш учун пичан келтиришни буюрди. Келувчилар хонасидаги тайёр жой — кўрпа-ёстиқли темир кроват бор эди, уни нариги хонадан бу ерга олиб кирилса бўларди, аммо унинг ёнида уч кундан буён ўлик ётарди, (эҳтимолки, у ўлимидан олдин ана шу кроватда ўтиргандир) ҳар қалай бу кроватда ётиш кўп кўнгилсиз эди. . .

«Энди соат етти ярим бўпти,— деб кўнглидан ўтказди Лижин соатига қараркан,— қандай ваҳима-а!»

Уйқу келмасди, бирон қиладиган иш бўлмаганидан, вақтни қисқартиш керак бўлганидан у ўрнига ётиб, устига катта қалин жун рўмолни ёпиб олди. Лошадин идиш-товоқларни йиғиштириб юриб, бир неча марта кириб-чиқди, ҳар сафар ҳам лабини чўпиллатар, уҳ тортар ва стол ёни-

<sup>1</sup> *Лакей* — малай.

да ивирсиб юрар эди. Ниҳоят лампани олиб чиқиб кетди; Лижин унинг орқасидан чолнинг узун оппоқ сочлари ва букчайган гавдасига қараб: «Худди операдаги жодугарга ўхшайди» деб кўнглидан ўтказди.

Хона ичи қоронғи бўлиб кетди. Ой булутлар орқасида бўлса керак, дераза билан ромлардаги қор кўзга яққол ташланарди.

— Ув-в-ув-в — қилиб гувилларди бўрон,— Ув-в-ув-в!

— Ё раббий,— деган чердакдан хотин кишининг овози эшитилди, эҳтимол шундай тўйилгандир.— Вой-ху-до-йим-ээ!

— Паққ! — ташқарида алланима деворга келиб урилди.— Пақ-пақ!

Терговчи қулоқ солди: ҳеч қандай хотин йўқ эди. Ташқарида шамол ўқирмоқда. Анча салқин тушиб қолган, шу туфайли у жун рўмол устидан пўстинини ҳам ёпиб олди. Терговчи танасига иссиқ ўтиб, ўйга берилди: мана шу бўрон ҳам, уй ҳам, чол ҳам, қўшни хонада ётган ўлик ҳам, ҳаммаси унинг ўзи орзу қилган ҳаётдан нақадар узоқ, буларнинг бариси унинг учун нақадар ёт, аҳамиятсиз, қизиғи бўлмаган нарсалар. Агар ана шу одам ўзини Москвада ёки қаерда бўлмасин Москвага яқин бир жойда ўлдирганда, уни тергов қилиш лозим бўлганда, у ерда бу нарса ғоят қизиқарли, муҳим, ҳаттоки, ўлик билан қўшни хонада ётиш ҳам, ғоят қўрқинчли бўларди; бу ерда бўлса, Москвадан минг чақирим нарида, бари нарса бошқача тусда гавдаланади, гўё уларнинг ҳаммаси ҳаёт эмас, одамлар ҳам бошқача, Лошадин айтганидай фақат «форма бўйича» мавжуд бўлган аллақандай тирик нарсалар, буларнинг бари зифирча бўлсин хотирада из қолдирмайди. Лижиннинг ўзи Сирня қишлоғидан чиқиб кетиши билан барчаси эсидан кўтарилади. Ватан, ҳақиқий Россия — бу Москва, Петербург, бу ерлар эса вилоят, мустамлака; агар бирор муҳим роль ўйнашни орзу қилсанг, машҳур киши бўлмоқни истасанг, жумладан, алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчи бўлишни ёки округ суди прокурори, ё оқ суяклар орасида шер бўлишни орзу қилсанг, албатта Москва тўғрисида ўйлайсан. Агар яшайман десанг, Москвада туришинг керак, бу ерда бўлса қўлинг ҳеч ишга бормайди, ўзингни кичик, аҳамиятсиз мавқеингга кўникиб кетасан, ҳаётдан фақат биргина нарсани — тезроқ уни тарк этишни, тезроқ уни ташлаб кетишни истайсан. Лижин хаёлида ўзини Москва кўчаларида юргандай, таниш уй-

ларга киргандай, қариндош-уруғлари, ёр-биродарлари билан кўришгандай ҳис этди. Ўзининг энди йигирма олти ёшга киргани, бу ерлардан қутилиб кетса, Москвага беш ёки ўн йилдан кейин борса, яна ўшанда ҳам кеч бўлмаслиги, унинг олдида бутун бир умр, катта ҳаёт йўли бўлишини ўйлаб юраги ширин ҳисларга тўлди. Фикрлари чувалиб, кўзи илинганда Москва судининг узун коридорини кўрди, ўзини сўзлаётган ҳолда ҳис этди, опасингиллари ҳам шу ерда ўтирар, оркестр бўлса негадир нуқул:

— Ув-ув-в! Ув-ув-у! — деб ўкирарди.

— Пақ! Тақ! — яна гумбурлаш эшитилди.— Пақ!

Шу лаҳза тўсатдан бир кун земство маҳкамасида бухгалтер билан гаплашиб турганида қора кўз, қора соч, озгин ва юзи оқариб кетган аллақандай жаноб бухгалтер столи ёнига келганини эслади; унинг кўзлари ёқимсиз кўринади, одатда тушки овқатдан кейин узоқ ухлаган одамлар кўзи шунақа бўлади, унинг нозик ва донолик акс этган чеҳрасини ана шу ифода бузиб турарди; оёғидаги қўнжи узун этиги ҳам ўзига ярашмасди, жуда қўполга ўхшарди. Бухгалтер: «Бу киши земствомизнинг агенти бўлади» деб таништирди.

«Э, дарвоқе ўша одам Лесницкий эди. . . Ушанинг ўзгинаси-я. . .» деб эслади Лижин.

У Лесницкийнинг майин овозини, унинг юришини эслади, терговчи назарида худди Лесницкийга ўхшаб, шу топда, кимдир унинг ёнида юргандек бўлди.

Бирдан ваҳима босиб, боши муздай бўлиб кетди.

— Ким юрипти бу ерда? — деб хавотирлик билан сўради у.

— Юзбоши.

— Нима қилиб юрибсан?

— Сиздан сўрагани киргандим, жаноби олийлари. Сиз боя старшинанинг кераги йўқ, деб айтдингиз, лекин у кишининг аччиғлари чиқиб кетмасмикин, деб қўрқаман. Чақириб кел деб буюрган эди. Ё бориб келайми?

— Оббо! Жонга тегдинг. . . — деди Лижин алам қилиб ва бошини буркаб олди.

— Жаҳли чиқмасин дейман-да. . . Бормасам бўлмайди, жаноби олийлари, сиз яхши ётиб туринг.

Лошадин чиқиб кетди. Даҳлизда йўталиш ва секин-секин сўзлашиш эшитилди. Афтидан гувоҳлар келганга ўхшайди.

«Эртага барвақт бу камбағалларга жавоб бериб юбориш керак. . . — деб ўйларди терговчи. — Тонг отиши билан ўликни ёришга киришамиз».

Энди кўзи илинганда яна аллакимнинг оёқ товуши эшитилди. Бу сафарги қадам товуши қўрқа-писа эмас, жадал ва шахдам эди. Эшик тақиллаб ёпилди, овозлар, гугурт чақилгани эшитилди. . .

— Ухлаб қолдингизми? Ухлаб қолдингизми дейман? — шошилиб, айти вақтда зарда билан сўради доктор Старченко устма-уст гугурт чақар экан; унинг бутун гавдаси қор билан қопланган эди, доктор билан бирга хонага совуқ ҳаво кирди. — Сиз ухладингизми? Туринг ўрнингиздан, ҳозир фон Таунищникига борамиз. У, сизни олиб кел, деб атайи ўзининг отларини юборди. Қани кетдик, у ерда, ҳеч бўлмаганда дурустгина овқат еб, одамларга ўхшаб ухларсиз. Кўряпсиз-ку, сизни олиб кетгани атайлаб ўзим келдим. Отлар ҳам жуда ажойиб, йигирма минутга қолмай етиб борамиз.

— Ҳозир соат неча бўлди?

— Ундан чорак ошди.

Уйқусираган, норози Лижин пиймаси, пўстини, шапкасини ва қулоқчинини кийди-да, доктор билан ташқарига чиқди. Ҳаво унча совуқ эмас эди, лекин, кучли изғирин ваҳима ичида қочаётган булутдай қорни кўча бўйлаб учириб юрарди; деворлар тагида ва эшиклар ёнида қалин қордан баланд тепалар ҳосил бўлганди. Доктор билан терговчи чанага ўтирди, қордан оқариб қолган кучер энгашиб, чана ёпқичи тугмасини солди. Иккиси ҳам исиб кетди.

— Қани кетдик!

Қишлоқ бўйлаб кетишди. Терговчи ёнбошга қўшилган шатакчи отнинг оёқ ташлашини кузатиб кетаркан, ўзича ланжлик билан «момиқ марзаларни очиб боряпмиз. . .» деб ўйлади. Гўё катта байрам арафасидагидек барча хонадонларда чироқ кўринарди: деҳқонлар ўликдан қўрқиб, ухламай чиқарди. Кучер қовоғини солиб, индамай кетарди, афтидан, земство уйи ёнида узоқ пойлаб, зерикканга ўхшарди, ҳозир у ҳам ўлик тўғрисида ўйларди.

— Тауниц уйида, — деди Старченко, — сизнинг бу ерда тунаб қолганингизни эшитиб, ҳаммалари нега у кишини бирга олиб келмадингиз, деб менга ёпишиб олишди.

Қишлоқдан энди чиқилганда, қайилишда кучер бирдан:

— Ҳой, йўлдан қоч! — деб бўкирди.

Олдинда аллақандай шарпа кўринди; тиззасигача қор-га ботиб турган киши йўлдан четга чиқди-да, уч от қўшилган чанага қараб қолди; терговчининг кўзи қайрилма ҳас-са, соқол ва елкага осилган сумкага тушиши билан бу одам Лошадин бўлса керак, деб ўйлади. Ҳатто Лошадин унга жилмаяётгандай кўринди. У лип этиб кўзга чалинди-ю, ғойиб бўлди.

Аввалига йўл ўрмон ёқалаб кетди, кейин дарахтлари кесиб олинган кенг ялангдан юрилди; гоҳ кекса қарағайлар, гоҳ ёш қайинлар, гоҳ яқинда дарахтлари кесилган ялангда ёлғиз турган баланд ва ёш, эгри дуб дарахтлари кўзга чалиниб қоларди, лекин, тез орада буларнинг бари булут орасида аралашиб кетди; кучер ўрмонни кўр-ряпман, дерди, терговчининг кўзига эса ёнга қўшилган шатакчи оддан бўлак ҳеч нима кўринмасди. Шамол орқа тарафдан эсмоқда эди.

Бирдан отлар тўхтади.

— Тагин нима бало бўлди? — деб зарда билан сўради Старченко.

Кучер индамай ерга тушди-да, товонини-товонига уриб, чана атрофида югура бошлади; у борган сари чанадан узоқлашар, гўё ўйинга тушаётганга ўхшарди; ниҳоят у чана ёнига қайтиб келди-да, чанани ўнг қўлга бурди.

— Йўлдан адашибсанми? — деб сўради Старченко.

— Ҳечқиси йў-ўқ...

Аллақандай қишлоқ кўринди, биронта милт этган чи-роқ кўзга илинмасди. Яна ўрмон, дала бошланди, тагин йўлдан адашилди, кучер боягидай ерга тушиб, ўйнаётгандай йўл қаради. Чана қоронғи хиёбондан физиллаганича кетди, борган сари жадаллаб, қайноқ шатакчи отнинг оё-ғи чана олдига тегиб кетарди. Бу ерда дарахтлар бўғиқ, ваҳимали гувиллар, бунинг устига тун зим-зиё, кўзга ҳеч бало кўринмас эди, чана гўё аллақандай, таги йўқ жар-га отилиб кетаётганга ўхшарди. Шу палла бирдан дераза-лардан ва эшикдан ялт этган шуъла кўринди, оҳиста, кўн-гиллик вовуллаш ва овозлар эшитилди... Етиб келишди.

Пастда, даҳлизда пўстин ва пиймлар ечилар экан, юқорида, роялда «Un petit verre de Cliquot»<sup>1</sup>, вальси ча-линар, болаларнинг ер тепиниб ўйнашлари эшитиларди. Келувчилар юзига ёқимли иссиқ урилди, ташқаридаги об-ҳавонинг қандай бўлишидан қатъий назар ҳамиша

<sup>1</sup> «Бир стакан Клико», (Клико француз шампан вино фирмаси).

илиқ, озода, қулай ҳаёт кечирилувчи қадимги жаноблар оромгоҳи ҳиди димоққа урилди.

— Мана, жуда саз бўпти-да, — дерди семиз, ғоят йўғон бўйинли, чакка соқол қўйган фон Тауниц терговчининг қўлини сиқар экан, — жуда, жуда саз бўпти-да. Қани марҳамат қилсинлар, танишганимиздан ғоят мамнунман. Ахир, биз сиз билан қиттак ҳамкасбмиз. Бир вақтлари мен ҳам прокурор ёрдамчиси бўлганман, лекин узоқ вақт эмас, атиги икки йилча холос; бу ерга хўжалик ишлари билан шуғуллангани келдим-у, қолиб кетдим, шу ерда қарияпман. Хулласини айтганда шартим кетиб, партим қолди. Қани, марҳамат қилсинлар, — деб сўзида давом этди у, афтидан қаттиқ гапириб юбормаслиги учун овозини пасайтириб гапирарди; мезбон ва меҳмонлар юқорига чиқишди. — Менинг хотиним йўқ, вафот этган, мана булар, танишинг, менинг қизларим, — шундай деб, орқасига ўғирилди-да, пастга қараб баланд овозда бақирди: — Игнага айтинглар, чанани эрталаб соат саккизда қўшсин!

Залда унинг тўрт қизи ўтирарди, уларнинг бари ёш, хушрўй, бир хилда кул ранг кўйлак кийган, бир хилда сочлари таралган эди. Болалари билан ўтирган уларнинг холаваччалари ҳам ҳали ёш ва чиройли аёл эди. Улар билан таниш бўлган Старченко дарҳол қизлардан бирон ашўла айтиб беришларини илтимос қилди. Икки қиз анча маҳалгача ўзларининг ҳеч қандай қўшиқ билмасликларини, ноталари ҳам йўқлигини айтиб, рози бўлмай турди, кейин холаваччалари рояль чалгани ўтирди. Қизлар титроқ овоз билан «Пиковая дама» дан дуэт айтиб беришди. Кейин яна бояги «Un petit verre de Cliquot» чалинди, болалар яна мақомга мослаб, оёқ уриб, ўйинга тушди. Уларга қўшилиб Старченко ҳам ўйнади. Тоза кулишди.

Шундан сўнг ётмоқчи бўлган болалар хайрлашди. Терговчи яйраб кулди, кадрилга ўйин тушди, мулозимат қилди, лекин ўзи: буларнинг ҳаммаси тушим эмасми, деб ўйларди. Земство уйининг қоронғи хонаси, бир бурчакдаги пичан, суваракларнинг шитир-шитири, кўримсиз жиҳозлар, гувоҳларнинг овозлари, шамол, бўрон, йўлдан адашиб кетиш хавфи — мана булар ўрнига бирданига ажойиб, чароғон хоналар, рояль садолари, гўзал қизлар, жингалак сочли болалар, шод-хуррамлик билан кулиш — бу ўзгаришлар унга эртақдагидай туюлди, бундай ўзгариш атиги уч чақирим нарида ва бир соат ичида рўй берганига ишониб қийин эди. Кўнгилсиз фикрлар хур-



сандчилик қилишга халақит берарди, у ҳамон, бу ердаги ҳаёт чинакам ҳаёт эмас, унинг бир парчаси деб ўйлар, бунда барча нарса тасодиф, бирон хулоса чиқариш мумкин эмас, деб биларди; ҳеч нарса тасодиф бўлмаган ва ҳамма нарса маънодор, қонуний бўлган маданий муҳитдан жуда узоқда мана шу вилоятда, пастқам ерда яшаб, шу ерда ўз умрларини тугатувчи қизларга унинг жуда раҳми келиб кетди, унингча бу ёқда ҳамма нарса равшан, жумладан, ҳар қандай ўзини ўлдириш маълум нарса: нима сабабдан юз берди, ҳаётнинг умумий оқими ичида у қандай моҳиятга эга — барини тушуниш мумкин. Терговчи ўзича, бу чекка жойдаги ҳаёт унга нотаниш бўлса, агар бу ҳаётни кўрмаса, демак, бу ерда ҳеч қандай ҳаётнинг ўзи йўқ деб фараз этарди.

Кечки овқат маҳалида Лесницкий тўғрисида гап кетди.

— У хотини билан боласини ташлаб кетди,— деди Старченко.— Асабий касалларга, умуман асаби бузуқ одамларга мен оила қуришни мутлақо тақиқлаб қўярдим; мен улар қўлидан ўзларига ўхшаган одамлар сонини ордириш ҳуқуқи ва имкониятини тортиб олардим. Бу ёруғ дунёга асабий касал болаларни келтириш — жиноятнинг ўзгинаси-ку.

— Бахти қора йигит,— деди оҳиста уҳ тэртиб, бошини сарак-сарак қилиб сўзлай бошлади фон Тауниц.— Ўз ҳаётингдан... ёш умрингдан кечиш учун аввало қанчадан-қанча ўйлаб, изтироб чекишинг керак. Ҳар бир оилада ҳам бундай бахтсизлик юз бериши мумкин, бу қандай даҳшат. Буни бошдан кечириш мушкул, чидаб бўлмайди...

Барча қизлар юзларига жиддий қиёфа олиб, дадалари оғзига тикилганча унинг сўзини жимгина тинглардилар. Лижин ҳам ўзининг нимадир дейиши кераклигини сизди. Лекин, нима тўғрида гапиришни ўйлаб тополмай, ниҳоят:

— Ҳа, ўзини ўлдириш — кўнгилсиз бир ҳол,— деб қўйди.

У иссиқ уйда, юмшоқ тўшакда, юпқа, оппоқ чойшапли адеялни устига ёпиб ётди. Лекин негадир ўзини ўнғайсиз сизди; эҳтимол бу ўнғайсизлик қўшни хонада доктор билан фон Тауниц узоқ маҳал гаплашиб ўтирганлари ва юқорида, шип устида ҳам, печка ичида ҳам худди земство уйдаги сингари бўроннинг гувиллаши эшитилиб турганидандир, бўрон ҳамон нолигандай:

— Ув-в-ув-в! — дерди.

Бундан икки йил муқаддам Тауницнинг хотини вафот этган эди, у, шу маҳалгача тақдирга тан бермай, нима тўғрида гапирмасин албатта, хотинини эслаб ўтарди; унда ҳозир прокурорлик аломатидан ҳеч қандай асар ҳам қолмаганди.

«Наҳотки, мен ҳам бир вақт келиб, шу даражага тушиб қоламан?» деб ўйларди. Лижин кўзи илинаркан, Тауницнинг девор орқасидан оҳиста, етимчалар овозига ўхшаш товушини эшитиб.

Терговчи нотинч ухлади. Иссиқ ва ноқулай эди, тушида у гўё Тауниц уйида, юмшоқ, озода кўрпа-ёстиқда эмас, ҳамон ўша земство хонасида, пичан устида ётгандек, гувоҳларнинг секин-секин гаплашаётганлари эшитилиб тургандек эди; назарида Лесницкий ёнгинасида, ўзидан атиги ўн беш қадам нарида ётгандек, қора соч, юзлари оқарган, чанг босган, қўнжи узун этик кийган земство агентининг бухгалтер столи ёнига келгани яна тушига кириб чиқди. «Бу киши земствомизнинг агенти бўлади». Шундан кейин у, Лесницкий билан юзбоши Лошадиннинг ёнма-ён, бир-бирини ушлаб, қор кечиб даладан юриб келаётганини кўрди; улар устида бўрон қутирар, шамол орқадан итарар, иккови ҳамон кетиб борар ва:

— Биз боряпмиз, биз боряпмиз, биз боряпмиз,— деб қўшиқ айтарди.

Чол операдаги жодугарга ўхшарди, иккови ҳам театрдаги сингари қўшиқ айтарди:

— Биз боряпмиз, биз боряпмиз, биз боряпмиз... сизлар иссиқда ўтирибсизлар, жонингиз роҳатда, сизга ёруғ, юмшоқ, бизлар бўлсак совуқда, бўронда, қалин қор кечиб боряпмиз... Биз ором роҳатни билмаймиз, бизга шодлик бегона... Биз бу ҳаётнинг бутун оғирлигини ўз елкамизда кўтариб келяпмиз, сизнинг ҳам, ўз ҳаётимизнинг ҳам оғирлигини... Ув-ув-ув! Биз боряпмиз, биз боряпмиз, биз боряпмиз...

Лижин уйғониб кетиб, ўрнидан туриб ўтирди. Қандай бетинч ва ёмон туш! Нима учун унинг тушига агент билан юзбоши кирди? Қандай бемаъни воқиа! Мана энди, юраги қаттиқ уриб, бошини ушлаганича кўрпа устида ўтираркан, назарида ана шу суғурта агенти билан юзбоши орасида чиндан ҳам қандайдир бир умумийлик борга ўхшаб кўринди. Ростдан ҳам улар ҳаётда ёнма-ён, бир-бирларини ушлаганча бирга келишаётгандир? Аллақандай кўзга кўринмас, аммо муҳим ва зарур алоқа ҳар иккаласи

орасида, ҳатто улар билан Тауниц орасида, ҳамманинг ва ҳамманинг орасида мавжуд, бу ҳаётда; ҳатто энг узоқ ва чекка жойда ҳам ҳеч нима тасодиф эмас, ҳамма нарса умумий бир фикр билан тўла, ҳамма нарса, бир қалбга, бир мақсадга эга, бу нарсаларни билмоқ, тушунмоқ учун эса ёлғизгина ўйлашнинг, фикр қилишнинг ўзи камлик қилади, эҳтимолки яна ҳаётнинг ичига кириб бориш, унинг маъносига етиш учун истеъдод ҳам керакдир, бу истеъдодга эса, афтидан ҳамма ҳам эга бўлавермайди. Бахтсиз, ҳаётдан панд еган, ўзини ўлдирган, боя доктор «асабий касал» деб атаган агент ҳам, бутун ҳаёти ҳар куни у киши олдидан бу киши олдига қатнашдан иборат бўлган кекса мужик ҳам — булар тасодиф, ҳаёт парчасини, ўзини бу оламда тасодифан яшайпман деб ҳисоблаган одамларга шундай, ўз ҳаётини умумий ҳаётнинг бир бўлаги деб билган ва бунинг маъносига етган одамлар учун эса, ажойиб ва оқилона организмнинг бир қисмидир. Лижин ўзича шундай мулоҳаза қиларди. Кўпдан бери унинг миёсани чулғаб келган бу фикрлар терговчининг онгида ҳозиргина кенг кўламда ва равшан ҳолда кенгайиб, намоён бўлди.

У яна ўрнига ётди, кўзи илинди, бирдан яна уларнинг бирга келаётгани, қўшиқ айтаётгани эшитилди:

— Биз боряпмиз, биз боряпмиз, биз боряпмиз. . .

Биз ҳаётдаги энг оғир ва аччиқ қисматни олганмиз, сизга эса унинг энг энгилини ва қувончини қолдирганмиз, сиз бўлсангиз овқат еб ўтириб, биз нима сабабдан бунчалик азоб-уқубат чекамиз, қирилиб кетамиз, нима сабабдан биз сиз сингари соғ-саломат ва ҳамма нарсадан мамнун эмаслигимиз ҳақида совуқ қонлик билан тўғри фикр юри-тишингиз мумкин.

Қўшиқда айтилганлар илгари ҳам унинг миёсига келган эди, лекин улар илгари бошқа фикрлардан негадир орқада турар, туман босган тунда узоқдан милтиллаб қўринган ўт сингари ҳар замонда бир йилт этиб пайдо бўларди. Ана шу ўзини ўлдириш ва мужик қайғиси уни виждон азобига солаётганини ўзи сезиб турарди; бу одамларнинг тақдирга тан бериб, ҳаётнинг энг оғир ва қора юкини ўз зиммаларига олганларига чидаб ўтириш — қандай даҳшат! Бундай ҳолат билан келишиб туриб, ўзинг учун бахтиёр ва ҳамма нарсдан қаноат ҳосил этган одамлар орасидан ёрқин ва шод-хуррам ҳаёт исташ, ана шундай ҳаёт тўғрисида доим ўйлаш — бу демак оғир меҳнат

ва турмуш юки остида эзилган, ёки барча кишилар томонидан унутилган ва ожиз одамларнинг янада ўз-ўзларини ўлдиришлари тўғрисида ўйлашнинг ўзгинаси; одатда бундай унутилган ва ожиз одамлар тўғрисида баъзан кечки овқат еб туриб афсусланиб ёки истеҳзо билан гапириб қўядилар-у, лекин, уларга ёрдам қўлларини чўзмайдилар. . . Яна бошқатдан:

— Биз борямпиз, биз борямпиз, биз борямпиз. . . — так-рорланди.

Гўё кимдир болғача билан чакка томирга ураётгандек эди.

Илк тонгда у, боши қаттиқ оғриган ҳолда шовқин-сурондан уйғониб кетди; қўшни хонада фон Тауниц докторга қичқириб дерди:

— Энди сизлар кетолмайсизлар. Уни қаранг, ташқарида нима бўляпти. Баҳслашиб ўтирманг-у, яхшиси кучерни чақириб сўрай қолинг: агар бир миллион берганингизда ҳам у сизни бундай об-ҳавода олиб бориб қўймайди.

— Атиги уч чақирим-ку, ахир, — дерди доктор илтижо қилгандай.

— Ҳатто ярим чақирим бўлса ҳам. Модомики, мумкин эмас экан, мумкин эмас-да. Дарвозадан чиқишингиз билан дарҳол дўзахнинг худди ўзига рўпара келасиз-у, бир нафасда йўлдан адашиб кетасиз. Нима десангиз дея беринг, лекин мен барибир сизларга жавоб бермайман, дарвозадан чиқармайман.

— Кечқурунга бориб, тинса керак, — деб сўз қўшди печка ёқиб юрган мужик.

Қушни хонадан докторнинг, рус кишиси характерига таъсир этувчи шафқатсиз табиат тўғрисида, бемалол кўчиб юришга халақит бериб, кишиларнинг маънавий ўсуви-га тўсқинлик қилувчи узоқ қиш кунлари тўғрисида сўзлагани эшитилди. Лижин эса деразадан кўриниб турган деворлар остидаги қор тепаларига, кўз илғаган бутун борлиқни қоплаб олган оппоқ қор тўзонига, шиддат билан гоҳ ўнг томон, гоҳ чап томон эгилаётган дарахтларга боқар экан, докторнинг мулоҳазаларига ғамгин қулоқ соларди, шамол увиллаши ва тақир-туқур овозларини эшитиб:

«Хўш, бунга нима ҳам деб бўлади? Бўронмисан бўрон, вассалом. . .» деб маъюслик билан ўйларди.

Тушга бориб нонушта қилишди, шундан кейин ҳеч нима қилмай уй ичида айланиб юришди, деразалар олдига келиб туришди.

«Лесницкий ётибди, — деб ўйлади Лижин қор уюмлари устида шиддат билан айланиб юрган гирдобдан кўзини узмай, — Лесницкий ётибди, гувоҳлар бўлса кутиб ўтирибди. . .»

Об-ҳаво тўғрисида, одатда бўроннинг икки кун давом этиши, баъзан кўпроқ бўлиши тўғрисида сўзлашди. Соат олти бўлганда тушки овқат ейишди, кейин карта ўйнашди, ашула айтишди, ўйинга тушишди, ниҳоят кечки овқат ейилди. Кун ўтди, ҳамма ухлагани ётди.

Тунда, тонгга яқин бўрон тинди. Ўринларидан туриб, деразалардан қарашганда яланғоч мажнун толлар қўйига бош эккан шоҳларини ҳеч қимирлатмай турганларини кўришди. Ҳаво булут эди, гўё табиат энди ўзининг шўхлигидан, кечаги телба тундан, ўз эҳтиросларини жиловлаганидан уялиб жим қолгандай эди. Чанага кетма-кет қўшилган отлар эрта тонг, соат бешдан буён эшик тагида кутиб турарди. Тонг бутунлай ёришиб кетгач, доктор билан терговчи пўстин ва пиймаларини кийди, уй эгаси билан хайрлашиб, ташқари чиқишди.

Эшик тагида, кучер ёнида юзбоши Илья Лошадин турарди. У, шапкасиз, эски чарм сумкасини бўйнига осиб олган, ҳамма ёғи қор; юзи эса қип-қизил, тердан ҳўл бўлиб кетганди. Меҳмонларни чанага ўтқазиш ва уларнинг оёқларини ёпиб қўйиш учун ичкаридан чиққан хизматкор юзбошига ўқрайиб қаради-да:

— Ҳой кекса шайтон, бу ерда нима қилиб турибсан? Жўна бу ердан, тўёғингни шиқиллат, — деди.

— Жаноби олийлари, халойиқ безовта бўляпти. . . — деб сўз бошлади Лошадин, кўп кутиб, ниҳоят кутган одамларини кўриб беҳад қувонганидан бўлса керак, содадиллик билан, оғзи қулоғига етиб илжаяр экан. — Халойиқ жуда безовта бўляпти, болалар йиғламоқда. . . Жаноби олийлари, сизларни яна шаҳарга кетиб қолишди, деб ўйлаган эдик. Бир нажот беринглар, худо хайрингларни берсин, валий неъматларимиз. . .

Доктор билан терговчи унга ҳеч нима демай, чанага ўтирди-да, Сирня қишлоғига қараб жўнади.

## ЛАЙЧА ЭРГАШТИРГАН ХОНИМ

### I

Соҳилда лайча эргаштирган бир хоним пайдо бўлибди, дейишарди. Ялтага келганига икки ҳафта бўлган ва бу ерга одатланиб қолган Дмитрий Дмитрич Гуров ҳам келган кишиларга қизиқа бошлади. У Верна павильонида ўтирганида соҳилдан ўрта бўй, сарғиш соч, бошига берет кийган ёшгина хоним ўтганини; унинг кетидан оқ бароқ лайча югуриб қетаётганини кўриб қолди.

Бундан кейин Гуров бу хонимни шаҳар боғида ва скверда кунига бир неча марта кўрди. Унинг бир ўзи берет кийиб, оқ бароқ лайчасини эргаштириб юрар эди; уни ҳеч ким танимас, лайча эргаштирган хоним деб аташар эди.

«Агар бу ерда унинг эри ва танишлари бўлмаса,— танишиб қўйиш зарар қилмас эди!» деб ўйлади Гуров.

Гуров ҳали қирққа кирмаган бўлса ҳам, ўн икки яшар қизи ва гимназияда ўқийдиган икки ўғли бор эди. Уни студентлик чоғида, иккинчи курсда ўқиётгандаёқ уйлантириб қўйишган эди, энди хотини ўзидан бир ярим баравар каттага ўхшарди. Хотини новча, қора қош, тўғри, сипо, серсавлат ва ўзининг таъбири билан айтганда, ақлли аёл эди. У кўп ўқир, хатида ь ни ёзмас, эрини Дмитрий эмас, Димитрий дерди. Гуров эса, уни дилида калтафаҳм, фаросатсиз, хунук деб ўйлар, ундан ҳайиқар ва уйида тургиси келмас, хотинига аллақачонлар хиёнат қилган, тез-тез бошқа аёллар билан юрар, эҳтимол, шу сабабдан, хотинларга ёмон назар билан қарар ва унинг олдида хотинлар тўғрисида гаплашганларида у хотинларни:

— Зоти пастлар,— деб атар эди.

У, мен кўп аччиқ тажрибаларни бошдан кечирганимдан, хотинларни қандай атасам ҳам бўлаверади деб ўйлар, аммо ўзи шу «зоти пастлар» бўлмаса, икки кун

ҳам турулмас эди. Эркакларнинг орасида у қовушолмас, зерикар, муносабати совуб, индамас бўлиб қоларди, аёллар орасида эса, ўзини эркин ҳис этар, нималар ҳақида гаплашиш, ўзини қандай тутуш кераклигини билар ва улар билан ҳатто индашмай ўтириш унга осон эди. Унда аёлларни ўзига тортадиган қандайдир меҳригё бор эди, буну у билар ва ўзини ҳам қандайдир куч улар томон тортар эди.

Бошқа хотинлар билан бўладиган ҳар қандай яқин муносабат дастлаб кишининг ҳаётида ширин бир янгилик, кишига ёқимли ва енгил ҳодисадай туюлса ҳам, ўзини билган кишилар учун, айниқса оғир табиат, журъатсиз москваликлар учун ғоятда мушкул бир муоммодек кўринса ҳам, бу пиравордига бориб, кишига ортиқча юк бўлиб қолишини Гуров ўзининг турмушида кўп марта бошдан кечирган тажрибаларидан, ҳақиқатан аччиқ тажрибаларидан аллақачонлар билар эди. Аммо қулинг ўргилсин хонимларни кўрганда бу тажрибалар негадир унутилар, айш-ишратни истаб қолар, ҳамма нарса қулай ва завқли туюларди.

Бир кун кечқурун у боғда овқатланиб ўтирганида ўша берет кийган хоним унинг ёнидаги столга ўтириш учун секин-аста келаверди. Унинг қиёфаси, юриши, кийими, причёскаси тузук одамлардан эканини, эри борлигини, Ялтага биринчи марта, ёлғиз ўзи келгани ва зерикиб юрганини кўрсатар эди. . . Бу ердагиларнинг ахлоқи бузуқлиги ҳақида тўқилган ҳикояларнинг кўп жойи нотўғри эди. Гуров эса улардан ҳазар қилади, аммо бу ҳикояларни қўлларидан келса ўзлари гуноҳ қилишдан қайтмайдиган кишилар томонидан тўқилганини ҳам билар эди. Бироқ ҳалиги хоним ундан уч қадам наридаги столга келиб ўтиргач, ғалабани осонгина қўлга киритиш, тоғ томонларга сайр қилиш, ўша тез ва бирпаслик муносабатлар ҳақидаги, оти ва фамилиясини билмаса ҳам осонгина қўлга кирадиган номаълум хотинлар билан ошиқ-маъшук бўлиш ҳақидаги иштиёқни қўзғовчи бу ҳикоялар унинг хаёлидан ўтаверди.

У лайчани алдаб чақирди. Лайча олдига келиши билан бармоғини ўқталиб уни қўрқитди. Лайча ириллади. Гуров уни яна қўрқитди.

Хоним унга назар ташлади ва дарров ерга қаради. Хоним унга:

— У қопмайди,— деди-да, қизариб кетди.

— Унга суяк берсам майлими?— деб сўради Гуров ва хоним ижозат ишораси билан бошини қимирлатгач, Гуров мулойимлик билан сўради: — Ялтага қадам ранжийда қилганларига кўп бўлдими?

— Беш кунча.

— Менинг келганимга икки ҳафтача бўляпти.

Улар бир оз жим қолишди.

— Вақт тез ўтяпти, лекин бу ер зерикадиган жой экан!— деди хоним, унга қарамасдан.

— Бу ер зерикадиган жой экан дейиш, шунчаки, одат бўлиб қолган гаплар. Белевдами ёки Жиздрадами яшайдиган кимса, ўз юртида зерикмайди-ю, бу ерга келгандан кейин эса: «Оҳ, зерикяпман! Оҳ, чанг экан!» дейди. Унақалар Гренададан келгандай калондимоғ бўлади.

Хоним кулиб юборди. Сўнгра, улар нотаниш кишилардек, индамасдан овқатларини едилар; овқатдан кейин эса, ёнма-ён боришди, улар ўртасида енгил-елпи ҳазил гаплар бошланди, бу эркин ва мамнун кишилар қаерга борсалар ҳам, нималар тўғрисида гаплашсалар ҳам, улар учун барибир эди. Улар бирга сайр қилишди ва денгизнинг туси ғалатилиги ҳақида гаплашди; денгиз суви оч бинафша тусда, майин, ёқимли бўлиб, ой нури унинг юзида жилваланиб турар эди. Булар кундузи иссиқ бўлганидан кечқурун дим бўлади дейишди. Гуров ўзининг москвалик эканини, филолог бўлса ҳам, банкда хизмат қилишини; бир вақтлар хусусий операда ашула айтишга ҳозирланиб юриб, кейин бу ишни ташлаб юборганини, Москвада иккита ҳовлиси борлигини айтди. . . У хонимнинг Петербургда ўсанлигини, аммо С. деган жойга эрга текканини, ўша ерда икки йилдан бери туришини, Ялтада яна бир ой туражанини, унинг кетидан балки эри ҳам келишини, у ҳам дам олмоқчи эканини хонимдан эшитди. У эрининг қаерда — губерна идорасида ишлайдими, ёки губерна земство идорасида ишлайдими, буни аниқ айтолмайди, бунинг учун ўзи ҳам кулди. Гуров яна, унинг Анна Сергеевна деб аталишини ҳам билиб олди.

Шундан кейин Гуров ўз номерига борганда шу хоним ҳақида у билан эртага учрашсам керак деб ўйлади. Шундай бўлиши керак. У ўринга ётар экан, ўз қизи сингари, бу хонимнинг ҳам яқиндагина институтда ўқиб юрганини эслади. Унинг кулишларида, нотаниш кишилар билан гаплашишида ҳали ағча хомлигини хаёлидан кечирди. Одамлар унинг кетидан эргашади, унга қарашади, у билан



фақат биргина яширин мақсадни кўзлаб гаплашади, буни унинг ўзи сезмаслиги мумкин эмас, унинг мана шундай шароитда якка ўзи юриши, балки унинг ҳаётида биринчи марта бўлган ҳодисадир. Гуров унинг ингичка нозик бўйнини, чиройли кўкиш кўзларини эслади.

«Унинг аҳволи паришонроқ кўринади» деб ўйлади-да, кўзи уйқуга кетди.

## II

Танишувдан кейин икки ҳафта ўтди. Байрам куни эди. Уйнинг ичи дим, ташқарида эса, шамолдан тупроқ буралиб-буралиб учар, шляпаларни учириб кетар эди. Киши кун бўйи сув ичкиси келади. Гуров ҳам тез-тез павильонга кирар ва Анна Сергеевнани гоҳ сиропли сув ичишга, гоҳ морожний ейишга таклиф этар эди. Ором оладиган жой йўқ эди.

Кечқурун, ҳаво сал тинчигач, улар пароходнинг келишини кўриш учун пристанга боришди. Пристанда сайр қилиб юрганлар кўп эди, улар гулдасталар кўтариб, кимнидир кутиб олиш учун тўпланишган эди. Бу ерда Ялта одамларининг кийинишидаги икки хусусият равшан кўриниб турар эди: кекса хотинлар ёшлар сингари кийинган эдилар, генераллар ҳам анчагина бор эди.

Денгиз тўлқинлангани учун пароход кеч, қуёш ботгандан кейин келди ва қирғоққа келиб тўхташдан олдин узоқ вақт бурилди. Анна Сергеевна, худди танишларини ахтараётган кишидай, дастали кўзойнак билан пароходга ва пассажирларга қарарди, Гуровга қараб гапирганда эса, унинг кўзлари ярқираб кетар эди. Анна Сергеевна кўп гапирар, унинг берган саволлари узуқ-узук ва нима тўғрида сўраганини ўша заҳотиёқ унутар эди; сўнгра у дастали кўзойнагини оломон орасига тушириб, йўқотиб қўйди.

Ясанган-тусанган оломон тарқалиб, пристанда ҳеч ким қолмади. Шамол бутунлай тинди. Гуров билан Анна Сергеевна эса, пароходдан яна бирор киши чиқиб қолмасмикин, дегандай кутиб турардилар. Анна Сергеевна индамас, Гуровга қарамай, гул ҳидлаб турарди.

— Кечқурун ҳаво яхши бўлиб қолди, — деди Гуров. — Энди қаерга борамиз? Бирор жойга бормаймизми?

Анна Сергеевна жавоб бермади.

Шунда Гуров унга тикилиб боқди-да, бирдан уни қучоқлаб олди ва лабларидан ўпди. Унинг димоғига гулнинг ёқимли ҳиди урди ва биров кўриб қолмадими?— деб қўрқиб, у ёқ бу ёққа аланглади.

— Юринг, сизникига борамиз.— деди секин Гуров.

Улар иккиси тез-тез юриб кетишди.

Анна Сергеевнанинг номери дим, номерни япоң магазинида сотиб олинган атирнинг ўткир ҳиди тутиб кетган эди. Гуров шу пайтда уни кўздан кечиран экан: «Киши ўз ҳаётида кимлар билан учрашмайди?» деб ўйлади. Утмишдан унинг хотирасида беғам, очиқ кўнгилли, ишқ-муҳаббатдан шод бўлган хотинлар тўғрисидаги, гарчи қисқа вақт бўлса-да, ўздан миннатдор бўлган хотинлар тўғрисидаги эсдаликлар сақланиб қолган эди. Яна унинг хотирида ортиқча гаплар айтиб, ноз-финоқ, асабийлик билан юзаки севуви, гўё севги ҳам, эҳтирос ҳам эмас, булардан ҳам юқориноқ бир нарсани ифодаловчи, ўзининг хотини каби туйғу билан севувчи хотинлар тўғрисидаги хотиралар, ҳамда ўзлари жуда гўзал бўлсалар-да, истаралари совуқ, афтлари бирдан йиртқиқларникига ўхшаб кетадиган, турмушдан ортиқ нарсалар талаб қилувчи, ёшлари ҳам бир жойга бориб қолган, инжиқ, тўпос, ҳукмронлиқни яхши кўрадиган икки-учта хотинлар тўғрисидаги хотиралар, Гуровнинг улардан кўнгли совуганда, уларнинг гўзаллиги ўзида нафрат кўзғовчи, уларнинг кийимидаги уқалар унинг кўзига тукка ўхшаб кўринувчи хотиралар эсида қолган эди.

Аммо бу жойда ҳам ўша жасоратсизлигини, ёшлиқда тажрибасизлик орқасида қиладиган хомлигини кўрсатиб, ноқулай ҳолатда қолди; гўё биров келиб эшиқни қоққандагидек саросималик юз берди. «Лайча эргаштирган хоним» деб аталган Анна Сергеевна бўлиб ўтган ишларга ўзгача, жуда ҳам жиддий қаради, ўзи учун тубанлик деб ҳисоблагандай бўлди, бу ишни галати ва ўринсиз дегандай эди. Анна Сергеевнанинг ранги ўчган, чеҳраси ўзгарган, узун сочлари юзида паришон ҳол осилиб, худди қадимги суратлардаги гуноҳкор аёлдек маъюслик билан ўйланиб турарди.

— Яхши эмас!— деди у.— Аввало сиз энди мени ҳурмат қилмайсиз.

Номерда стол устида тарвуз турган эди. Гуров ундан бир тилим кесиби олиб, оҳиста еди. Ярим соатча индашмай ўтиришди.

Анна Сергеевна жозибадор, унинг соддалиги, кўпни кўрмаган пок хотин эканлиги билиниб турар эди; столнинг устида ёниб турган биттагина шам нури унинг юзини аранг ёритар, аммо унинг юраги безовталиги сезилиб турар эди.

— Нимага сени ҳурмат қилмай қўяр эканман?— деб сўради Гуров.— Сен нима деяётганингни ўзинг билмайсан.

— Мени худо кечирсин!— деди у ва унинг кўзлари ёшга жиқ тўлди.— Бу даҳшатли.

— Сен ўзингни оқлаётганга ўхшайсан.

— Мен нима билан ўзимни оқлай? Мен ёмон, ярамас хотинман, мен ўзимдан нафратланаман, ўзимни оқлашни ўйламайман ҳам. Мен эримни алдамадим, ўзимни алдадим. Мен уни ҳозиргина эмас, кўп вақтдан бери алдаяпман. Эрим балки виждонли, яхши кишидир, лекин у малайда! Мен унинг у ерда нима қилишини, қандай ишлашини билмайман, ёлғиз унинг малайлигини биламан, холос. Унга текканимда йигирма ёшда эдим, турмушнинг қандайлигига жуда қизиқар эдим, яхшироқ нарсага эришувни истар эдим; мен ўзим-ўзимга, бундан бошқача турмуш ҳам бор-ку, дер эдим. Турмуш кўришни истар эдим. Турмуш кўришни. . . Ҳавас мени азоблар эди. . . сиз бунга тушунмайсиз, аммо, худо ҳақи, ортиқ ўзимни тутолмадим. Менга бир нарса бўлаётгандай туюлди, эримга касалман дедим-да, бу ёққа қараб жўнадим. . . Бу ерда доим гангиб, жиннилардай юрган эдим. . . Мана энди мен разил, ярамас хотин бўлиб қолдим, мендан ҳар ким жирханиши мумкин.

Бу хил гаплар Гуровга ёқмас, бундай соддадиллик, кутилмаган ва ўринсиз афсусланиш унинг гашига тегар эди; агар Анна Сергеевна кўзига ёш олмаганда, ҳазил ёки устомонлик қиляпти, деб ўйлаш мумкин эди.

— Мен тушунмаяпман,— деди у, секингина.— Нима демоқчисан? У юзини Гуровнинг кўкрагига қўйиб яширди ва унга ёпишди.

— Гапларимга ишонинг, ёлбориб сўрайман сиздан. . .— деди у.— Мен ҳалол, пок ҳаётни севаман, гуноҳ иш менинг учун разолат, нима қилаётганимни ўзим билмайман. Бунга оддий халқ: шайтон йўлдан оздирди, деб айтади. Шу тобда мен ҳам, ўзимни шайтон йўлдан оздирди десам бўлади.

— Бас, бўлди энди. . .— деб гўлдиради Гуров.

Гуров унинг қўрқиб бақрайиб қолган кўзларига қаради, уни ўпди, секин ва эркалатиб гапирди. Анна Сергеевна секин-аста тинчланди, чеҳраси очилди, иккилари ҳам кулишди.

Улар ташқарига чиққанларида соҳилда ҳеч ким кўринмас эди, сарв дарахтларига чулганган шаҳар бутунлай жимжит, аммо денгиз ҳамон шовуллар ва қирғоққа келиб урилар, битта баркас<sup>1</sup> тўлқиндан лапанглар ва унинг устидаги чироқча липиллаб турар эди.

Бир извошчини топиб, Ореандага жўнашди.

— Мен ҳозир пастдаги йўлакда фамилиянгни билиб олдим: доскага фон Дидериц деб ёзиб қўйибди,— деди Гуров.— Эринг немисми?

— Йўқ, унинг бобоси немис бўлса керак, ўзи православ мазҳабида.

Улар Ореандада, черковнинг олдидаги бир скамейкада пастга, денгизга қараб, жим ўтиришди. Ялта тонг пайтидаги туман орасида аранг кўринар, тоғ чўққиларида оппоқ булутлар жим турар эди. Дарахтларнинг барглари қимирламас, саратонлар чириллар, денгизнинг пастдан эшитилаётган бир хилдаги бўғиқ овози бизни кутаётган ўлимдан, абадий уйқудан хабар берар эди. Бу жойда Ялта ҳам, Ореанда ҳам бўлмаган замонларда пастда денгиз ана шундай шувуллаб турган; у ҳозир шувуллаяпти ва биздан кейин ҳам ўшандай бепарво ва бўғиқ овоз билан шувуллай беради. Ҳар биримизнинг абадий барҳаёт бўлишимиз, ер юзида ҳаётнинг тинмай ҳаракатда бўлуви, тўхтовсиз вояга етиб туруви балки мана шу мангуликда ва ҳаётга, ўлимга бепарво қарашда бўлса керак. Тонг пайтида жуда гўзал кўринган, эртақлардагина эшитиладиган ана шундай ажойиб денгиз, тоғ, булутлар, кенг осмон манзараларига маҳлиё бўлган, ёш хотиннинг ёнида ўтирган Гуров, агар яхшилаб ўйлаб кўрилса, бу дунёдаги ҳамма нарса ҳақиқатан гўзал деб ўйлар эди, унинг назарида биз турмушнинг олий мақсадларини, ўзимизнинг инсонлик қадри қимматимизни унутган вақтимизда ўзимиз ўйлаган ва қилган нарсаларгина ёмон эди.

Биров яқин келиб, уларга бир қаради-ю, яна қайтиб кетди; у қоровул бўлса керак. Бу ҳолат ҳам унга сирли ва гаштли бўлиб туюлди. Феодосиядан жўнаб, тонг ёруғида чироғсиз етиб келган пароход кўринди.

---

<sup>1</sup> Баркас — катта қайиқ.

Жим ўтирган Анна Сергеевна:

— Кўкатларга шудринг тушибди,— деди.

— Ҳа, энди кетсак ҳам бўлади.

Улар шаҳарга қайтишди.

Шундан кейин улар ҳар куни туш пайтида соҳилда учрашиб турдилар, нонуштани, тушликни бирга қилар, биргаликда сайр эгар, денгиздан завқ, баҳра олардилар. Анна Сергеевна уйқум бузуляпти, юрагим ҳовлиқяпти деб зорланар, гоҳ рашк билан, гоҳ Гуров мени унчалик ҳурмат қилмасмикан деб хавотирланиб бир хил савол бера-верар эди. Кўпинча скверда, ёки боғда хилват жойларда ўтирганларида, Гуров бирдан уни қучоқлаб эҳтирос билан ўпар эди. Ҳузур-ҳаловат, куппа-кундуз куни, биров кўриб қолмасин деб аланглаб, хавотир олиб ўпишар, куннинг исиқлиги, денгиз ҳавфси ҳамда шод, ясанган, тўқ кишиларнинг доимо кўз олдидан ўтиб туриши Гуровга ниҳоятда қаттиқ таъсир этди; у Анна Сергеевнага сиз жудаям гўзалсиз, дилдорсиз дер, эҳтиросдан ўзини тутиб туролмас, ундан бир қадам ҳам ажралмас эди; Анна Сергеевна эса, кўпинча ўйланиб қолар ва Гуровга сиз мени ҳурмат қилмассиз, севмассиз, бир ярамас хотин деб қарарсиз, шуни очиқ айтинг деб, ўтинаверар эди. Улар ҳар куни кеч-қурун шаҳардан ташқарига бирор жойга, Ореандага ёки шаршарага кетишар ва беармон сайр этишар, ҳар сафарги таассуротлари ажойиб ва ғаройиб бўларди.

Анна Сергеевнанинг эрини келади деб кутишарди. Аммо ундан хат келиб қолди, хатда кўзим оғриб қолди, ўзинг тезроқ етиб кел, деб ёзган. Шунинг учун Анна Сергеевна кетишга шошилди.

— Яхши бўлди, мен кетаман,— деди у Гуровга.— Тақдир шу.

Анна Сергеевна аравада жўнади, уни Гуров кузатиб борди. Улар кун бўйи йўл юришди. Анна Сергеевна курсер поездининг вагонига кириб ўтирди; мана, иккинчи занг ҳам урилди. Шунда Анна Сергеевна айтди:

— Менга қаранг, сизни яна бир кўриб қолай... Келинг, тагин бир қараб, дийдорингизга тўйиб олай. Мана шундай.

У йиғламас, аммо ғамгин, худди касалдай эди. Юзлари учиб-учиб турар эди.

— Сизни сира эсдан чиқармайман,— деди Анна Сергеевна.— Сизни худога топширдим, яхши қолинг. Мени яхши ном билан эсланг. Биз умрбод хайрлашяпмиз, шун-

дай бўлиши керак, чунки аслида бизнинг учрашмаслигимиз лозим эди. Яхши қолинг, худога топширдим.

Поезд тез юриб кетди, кўп ўтмай унинг чироғлари ҳам кўринмай қолди, бирпасдан кейин шов-шув ҳам эшитилмай қолди, бу Гуровни ҳушига келтириш, унинг ширин хаёлларини қочириш учун атайлаб қилингандек эди. Гуров платформада бир ўзи қолди ва у узоқ қоронғиликка кўз тикар экан, чигирткаларнинг чириллашини ва телефон симларининг ғўнғиллашини худди уйқудан энди турган кишидай эшитди. У ўз ҳаётимда яна бир саргузашт ёки можаро бўлиб ўтди, у ҳам тамом бўлиб фақат хотира қолди, деб ўйлар эди. . . Унинг дили ғаш, ҳомуш ва бир оз афсусланар эди; энди сира ҳам кўришмас бўлиб кетган бу ёш хотиннинг ундан кўнгли тўлмаган эди. Гуров эса у билан хушмуомала, самимий муносабатда бўлса ҳам, ёши ундан қарийб икки баравар катта бўлган бу бахтиёр эркакнинг унга қилган муомалалари, гап-сўз ва эркалатишларида, салгина истеҳзо, андак такаббурлик сезилиб турар эди. Анна Сергеевна ҳар вақт уни яхши, тенгги йўқ олижаноб инсон деб атар эди; афтидан, Гуров, унга бошқача бўлиб кўринган, демак, Гуров уни беихтиёр алдаб юрган эди. . .

Станцияда кузнинг ҳиди келиб қолган, кечқурун салқин бўлди.

«Менинг ҳам шимолга жўнайдиган вақтим келди,— деб ўйлади Гуров, платформадан кетаётиб.— Вақт келди!»

### III

Москвада, унинг уйида, ҳамма нарса қишдагидек эди; печлар ёқилар, болалар гимназияга жўнашга тайёрланар ва чой ичган вақтларда ҳали қоронғи бўлар, шунинг учун энага бир оз вақт чироқни ёқиб қўяр эди. Қаттиқ совуқлар ҳам бошланган эди. Янги қор ёққан чоғда биринчи марта чанага тушиб юрганда оппоқ ерни, оппоқ томларни томоша қилиш жуда завқли бўлади, киши енгил ва яхши нафас олади, ана шу вақтда кишининг ёшлик чоғлари эсига тушади. Қиров тушиб оқарган қари арғувон ва қайин дарахтлари кишининг кўзига ёқимли кўринади, улар сарв ва хурмо дарахтларидан кўра кўнғилга яқинроқ бўлиб, буларнинг олдида киши денгиз ва тоғларни ўйлагиси ҳам келмайди.

Гуров москвалик эди. У Москвага яхши вақтда, совуқ кунларда етиб келди. У иссиқ пўстинини ва қўлқопини кийиб, Петровкани бир айланиб келгандан кейин ва шанба куни кечқурун қўнғироқларнинг товушини эшитгандан сўнг, яқинда қилиб келган саёҳатининг ва бориб кўриб келган жойларнинг завқларини дилидан чиқариб юборди. У секин-аста Москва ҳаётига кўникиб кетди. Ҳар куни учтадан газета ўқиб ташласа ҳам, принцип учун Москва газеталарини ўқимайман дерди. Энди у ресторанлар, клублар, меҳмондорчиликлар, юбилейларга боргиси келиб турар, ўз уйига машҳур адвокатлар ва артистларнинг келиб туришларини, докторлар клубида профессор билан карта ўйнашни ёқтирар эди. Энди у бир сковородка селянкани бемалол еб қўяверадиган бўлган эди. . .

У, бирор оғи ўтгач, Анна Сергеевна ҳам эсимдан чиқиб кетар, бошқа хотинлардек, гоҳ-гоҳ ёқимли табассум билан тушумдагина кўриниб қолар деб ўйларди. Бир ойдан кўпроқ вақт ўтди, қаҳратон қиш кирди, аммо Анна Сергеевна у билан кечагина ажралишгандай хотирида турар эди. У тобора кўпроқ эслайдиган бўлиб қолди. Кечқурунги жимжитлик пайтида унинг кабинетига дарс тайёрлаётган болаларнинг овози кирса ҳам, ресторанда ўтирганда романс ёки орган товушини эшитса ҳам, ёки печь ўчоғидан бўроннинг гувуллаган товуши келса ҳам пристанда юз берган аломатлар, эрта биланги туманлар, Феодосиядан келган пароход, ўпишишлар унинг хотирида жонланар эди. У анча вақт хона ичида у ёқдан бу ёққа юрди-да, кўрганларини эслади, жилмайди, кейин эслаган нарсалари орзуга айланди, ва бошдан кечирганлари, хаёлида, бундан кейин кўрадиганлари билан қоришиб кетди. Анна Сергеевна унинг тушига кирмас, у қаерда юрса соя каби эргашиб юрарди. У кўзини юмиши билан кўз олдида Анна Сергеевна келар, гўзаллашиб, ёшариб, нозиклашиб кетгандай эди. Гуровнинг ўзи ҳам, ўзига Ялтадагидан кўра яхшироқдек туюлар эди. Кечқурунлари Анна Сергеевна китоб жовонидан, печкадан, бурчакдан унга қараб тургандек, унинг нафаси ва кийимининг майин шилдираши эшитилгандек бўлар эди. Кўчада юрганда эса, хотинларни кўздан кечирар ва унга ўхшайдигани йўқми экан, деб ахтарар эди. . .

Ўз хотираларини бирор кишига айтиб, юрагини бўшатгиси келар эди. Уйдагиларга ўзининг ишқ-муҳаббатини гапириб бўлмас, кўчада эса, кимга айтишни билмас эди.

Қўшниларига ҳам, банкдагиларга ҳам айтиб бўлмас эди. Нима тўғрида ҳам гапирсин! У вақтда севиб қолганмиди? Анна Сергеевна билан бўлган муносабатида, бирор гўзал, ёқимли ёки ибратли ва ёки бирор ажойиб нарса бўлганмиди? Ниҳоят, у қандайдир муҳаббат тўғрисида, хотинлар тўғрисида гапириб кетди ва ҳеч ким бунинг фаҳмига етмади, унинг хотинигина ўзининг қора қошларини чиририб:

— Дмитрий, олифтачилик сенга сира ҳам ярашмас экан,— деди.

У бир куни кечаси ўз шериги билан докторлар клубидан чиқиб келаётганида, ўзини боса олмай:

— Менга қаранг, Ялтада мен қандай нозанин билан танишганимни билсангиз эди!— деди.

Амалдор чанага ўтириб жўнади ва бирдан қайрилиб қараб:

— Дмитрий Дмитрич!— деб қичқирди.

— Нима дейсиз?

— Ҳали сиз тўғри айтган экансиз. Осетрина ҳидланиб қолган экан.

Бу беозор сўзлар, негадир бирданига Гуровнинг жаҳлини чиқариб юборди, уни таҳқирлагандай бўлиб туюлди. Қандай ёввойи феъл-муомала, қандай одамлар! Қандай бемаза тунлар, қандай маза-матрасиз кунлар! Берилиб ўтириб карта ўйнашлар, мечкайлик, ичкиликхўрлик, доимо бир хил гаплар. Беҳуда ишлар ва ҳамон бир турли гап-сўзлар вақтнинг, куч-қувватнинг яхшироқ қисмини олиб қўяди-да, ниҳоят озгина, арзимас, самарасиз вақт қолади, бирор жойга кетиб ҳам, қочиб ҳам бўлмайди, киши баайни жиннихонада ўтиргандай, ёки маҳбуслар ротасига тушиб қолгандай!

Гуров тун бўйи ухламади, ғазабланди ва куни билан боши оғриб юрди, бундан кейинги кечаларда ҳам уйқуси беҳузур бўлди, ўрнида ўйга ботиб ўтирар, ёки уйнинг у бурчидан бу бурчига юриб чиқар эди. Болалар унинг кўнглига тегди, банкдан ҳам зерикди, ҳеч қаерга боришни ва бирор тўғрида гапиришни хоҳламас эди.

У декабрда байрам кунлари сафарга отланди ва хотинига мен бир йигитнинг иши тўғрисида ҳаракат қилиш учун Петербургга кетяпман деди-да, С. га жўнади. Нечун? Буни унинг ўзи ҳам яхши билмас эди. У Анна Сергеевна билан кўришиш ва мумкин бўлса, бундан кейин у билан учрашиб туриш ҳақида сўзлашмоқчи эди.



У эрта билан С. га етиб борди ва меҳмонхонага кириб яхши бир номерга жойлашди. Номернинг бутун полига кул ранг саллоти мовут тўшалган эди. Столнинг устида эса, чангга ботган кул ранг сиёҳдон турар эди. Сиёҳдонга, шляпали қўлини кўтарган, аммо калласи узилиб тушган отли чавандоз ўрнатилган эди. Меҳмонхона швейцари унга керакли маълумотни берди: фон Дидериц меҳмонхонага яқин жойда, Старо-Гончарная кўчада, ўзининг хусусий уйида туради, турмуши яхши, бадавлат, отлари бор, у бутун шаҳарга таниқли. Швейцар ўзини Дрьдъриц деб талаффуз этар эди.

Гуров аста юриб, Старо-Гончарная кўчасига борди ва унинг уйини қидириб топди. Уйнинг рўпарасида кул ранг, тепасига найза қадалган узун девор бор эди.

— Тозаям расво девор эканми?— деди Гуров ўзича гоҳ деразага, гоҳ деворга қараб.

У бугун ишга борилмайдиган кун, балки эри ҳам уйдадир, деб ўйлади. Бундай бўлмаганда ҳам бирдан уйга кириш ножўя иш бўлади, у хижолатда қолади. Агар унга хат жўнатилса, балки эрининг қўлига тушиб қолар, унда ишнинг пачаваси чиқади. Яхшиси ўзининг чиқишини кутиш керак. Шундай деб, у кўчада, деворнинг ёнида юрар ва унинг чиқиб қолишини кутар эди. У, дарвозадан ичкарига бир гадоё кирганичи ва унга итлар тармашганини кўрди, орадан бирор соат ўтгандан кейин роял товуши келди, роялнинг овози паст эди. Анна Сергеевна чалаётган бўлса керак. Бирдан уйнинг кўча эшиги очилди-да, ундан қандайдир бир кампир чиқди, унинг кетидан ўша оқ лайча ҳам югуриб чиқди. Гуров лайчани чақиргиси келди-ю, аммо бирдан юраи ўйнаб кетди, ва ҳаяжонланганидан, лайчанинг номи эсига келмади.

У ҳамон юрар ва кул ранг девор унинг кўзига тобора ёмон кўринар эди. Анна Сергеевна мени эсдан чиқаргандир, балки бошқалар билан вақт-чоғлиқ қилаётгандир, эртадан кечгача шу лаънати деворни кўра бериб тўйган бу ёш хотин шундай қилишга ҳам мажбур бўлгандир деб ўйланиб, кўнгли ғаш бўлди. У номерга қайтиб келди-да, нима қилишини билмай диванда ўтириб қолди, кейин обед қилди, ундан кейин ётиб узоқ ухлади.

«Бу ишларнинг ҳаммаси бемаънигарчилик, ортиқча ташвиш экан,— деб ўйлади у, уйғониб ва қоп-қора деразага қараб; кеч кириб қолган эди.— Уйқуга тўйиб олиман. Энди қандай қилиб тонг оттираман?»

У, худди касалхонанинг арзон баҳо одеялига ўхшаган одеялга ўралиб, ўтирди ва аламидан:

«Лайча эргаштирган хоним қайда-ю, сен қайда... саргузашт деб овора бўлма... ана энди ўтиравер бу ерда» деб ўзини-ўзи калака қилди.

Эрталаб у вокзалга тушганида, катта ҳарфлар билан: биринчи марта «Гейша» қўйилади, деб ёзилган афишани кўрган эди. Уша эсига келди-да, театрга борди.

«Биринчи кун қўйиладиган томошадан у қолмаса керак» деб ўйлади у.

Театр одам билан тўла эди. Ҳамма губерна театрларидагидек, бунда ҳам, қандил чироғнинг юқори томони туман билан қопланган, галёркада ўтирганлар ғавур-ғувур қилар эди; ўйин бошланиш олдида, биринчи қаторда, қўлларини орқаларига қўйиб, бу ернинг олифталари турар эди; ўша ердаги губернатор ложасида, биринчи ўринда, бўйнига мўйна дум солиб олган губернатор қизи ўтирар эди, губернаторнинг ўзи камтарлик қилиб, портъеранинг орқасида кўринмай ўтирар, унинг фақат қўлларигина кўринар эди; парда чайқалиб турар эди, оркестр созини узоқ созлади. Одамлар кириб, то жой-жойини топгунича, Гуров олазарак бўлиб турди.

Анна Сергеевна ҳам кирди. У учинчи қаторга бориб ўтирди. Гуров уни кўраркан юраги эзилиб кетди. У, дунёда ўзига Анна Сергеевнадан кўра яқин, қимматли ва азиз киши йўқ эканини шу пайт равшан тушунди; провинция одамларининг орасида кўринмай кетган, қўлига хунуккина дастали кўзойнак ушлаган бу кичкинагина аёл энди бутун ҳаётининг маъноси бўлиб қолди, унинг қайғуси, шодлиги, истаган бирдан-бир қувончи шу аёл эди; ёмон оркестрнинг эски-туски скрипкаларининг садолари остида у, Анна Сергеевнанинг фазилатларини кўнглидан ўтказди, ўйлади ва хаёл сурди.

Анна Сергеевна билан бирга чаккасига кичкина бақен қўйган, жуда новча, энгашиброқ юрадиган бир ёш йигит ҳам кириб келди ва у билан ёнма-ён ўтирди; у ҳар қадамда калласини қимирлатар ва тинмай таъзим қилаётганга ўхшар эди. Анна Сергеевна Ялтада, изтироб ичида малай деб атаган эри эҳтимол шу киши бўлса. Ҳақиқатан ҳам, унинг новча қоматида, бакенларида, бошининг озгина жойи ялтирашида, қандайдир малайларга хос камтарлик аломатлари сезилар, башараси кулиб турар,

кўкрагидаги маълумот белгиси малайнинг номерига ўхшаб турарди.

Биринчи антрактда эри папирос чеккани чиқиб кетиб, креслода ёлғиз ўзи қолди. Партерда ўтирган Гуров унинг ёнига борди ва қалтироқ овоз билан зўрага илжайиб:

— Салом!— деди.

Анна Сергеевна унга қаради-ю, ранглари оқариб кетди, сўнгра, кўзларига ишонмасдан қўрқинч билан яна бир қаради-да, ҳушдан кетиб йиқилиб тушмаслик учун бўлса керак, ўзини тутиш учун, қўлидаги елпуғичини дастали кўзойнагига қўшиб туриб қаттиқ қисди. Иккилари ҳам жим қолишди. Анна Сергеевна ўтирар, унинг ҳаяжонга келганидан қўрқиб, ёнига ўтиришга ботинмасдан, Гуров тикка турар эди. Созланаётган скрипка ва найнинг овози эшитиларди, ҳамма ложаларда ўтирганлар қараётгандек туюлиб, бирдан қўрқинч пайдо бўлди. Анна Сергеевна ўрнидан турди-да, ташқарига қараб тез-тез юриб кетди, унинг кетидан Гуров ҳам эргашиди; иккалалари ҳам коридорларда гоҳ юқорига чиқиб, гоҳ пастга тушиб, зинапойларда кезардилар; судья, муаллим, улл мундирларини кийган, ҳаммалари значек таққан аллақандай кишилар уларнинг кўз олдиларидан лип-лип ўтиб турар эди; хонимлар, вешелкалардаги пўстинлар ҳам лип-лип ўтиб турарди, папирос қолдиқларининг ҳидини буруқсатиб, шамол ўтиб турар эди. Юраги така-пука бўлиб турган Гуров эса:

«Эй худо! Бу одамларнинг ва бу оркестрнинг нима कराги бор эди» деб ўйлар эди.

Шу дақиқада, кечқурун станцияда Анна Сергеевнани кузатиб қолгани, энди иш тамом, у билан ҳеч қачон кўришмаймиз, деб ўйлагани бирдан эсига келди. Аммо ишнинг охири ҳали узоқ эди.

«Амфитеатрга кириш йўли» деб ёзиб қўйилган, тор ва қоронғи зинапоёда Анна Сергеевна тўхтади.

— Мени жудаям қўрқитиб юбордингиз!— деди у, оғир нафас олиб, ҳамон ранги ўчган, эсанкираган ҳолда.— Оҳ, мени жуда ҳам қўрқитиб юбордингиз-а! Жон-поним чиқиб кетди. Сиз нимага келдингиз? Нимага? Нимага келдингиз ахир?

— Анна, ўзингиз биласиз, ўзингиз биласиз-ку...— деди у паст овоз билан, шошилиб.— Мени кечиринг, ўзингизга маълум...

Анна Сергеевна ваҳима ичида, унга муҳаббат билан қарар ва унинг дийдорини хотирасида сақлаб қолиш учун қаттиқ тикилиб қарар эди.

— Мен шундаям қийналаётган эдим!— деб гапини давом эттирди у, Гуровга қулоқ солмай. Мен ҳамиша сизнинг тўғрингиздагина ўйлар эдим, фикри-ёдим сизда бўлди. Мен сизни эсдан чиқариб юборсам дер эдим, нимага келдингиз ахир, нимага?

Юқоридаги равонда иккита гимназист папирос чекиб, пастга қараб турар эди, аммо Гуров уларга эътибор бермасдан Анна Сергеевнани ўзига тортиб, унинг юзларидан, қўлларидан ўпарди.

— Нима қилганингиз бу, нима қилганингиз!— дерди у кўрқиб ва уни ўзидан итариб.— Икковимиз ҳам эсимизни еб кўйдик. Бугуноқ жўнаб кетинг, ҳозироқ жўнанг. . . Худо ҳақи, Сиздан ўтинаман. . . Ана, одамлар келяпти!

Зинапоядан кимдир чиқиб келаётган эди.

— Сиз жўнаб кетишингиз керак. . .— дерди ҳамон пичирлаб Анна Сергеевна.— Эшитяпсизми, Дмитрий Дмитрич! Москвага олдингизга ўзим бораман. Мен ҳеч қачон бахтли бўлган эмасман. Ҳозир ҳам бахтли эмасман ва ҳеч қачон бахтли бўла олмайман, ҳеч қачон! Энди сиз ҳам мени ортиқча қийнаманг! Қасамёд қилиб айтаманки, Москвага ўзим бораман. Энди ажрашайлик! Азизим, меҳрибоним, қадрдоним, ажрашайлик энди!

Анна Сергеевна унинг қўлини сиқди ва унга қараб-қараб, тез пастга тушиб кетди, унинг кўзларидан, чиндан ҳам бахтсиз эканлиги билиниб турар эди. Гуров бир оз вақт диққат билан қулоқ солиб турди-да, ҳамма тинчигандан кейин, вешелкадан кийимини олди-ю, театрдан чиқиб кетди.

#### IV

Анна Сергеевна ҳам Москвага унинг олдига келиб турадиган бўлди. У ҳар ойда икки-уч марта С. дан жўнар ва эрига, мен ўзимнинг хотинлар касали ҳақида профессор билан маслаҳатлашиш учун кетяпман дер,— эри гоҳ ишонар, гоҳ ишонмас эди. У Москвага келганда «Славянский базар»га қўнар ва ўша соатда Гуровга бир қизил шапкали одамни юборар эди. Гуров унинг олдига келар ва бу воқияни Москвада ҳеч ким билмас эди.

Қиш кунларининг бирида, эрталаб Гуров яна унинг олдига жўнади (хабар берувчи киши кечқурун унинг

уйига бориб, тополмаган эди). У билан қизи ҳам борар, уни шу йўлдаги гимназияга кузатиб қўймоқчи эди. Лайлак қор ёғмоқда.

— Ҳозир уч градус иссиқ, шундай бўлса ҳам қор тушяпти,— деди қизига Гуров — аммо бу иссиқ ернинг устида, холос, атмосферанинг юқориги қатламида температура бутунлай бошқача.

— Дада, нимага қишда момақалди роқ бўлмайди, а?

Гуров қизига бунинг сабабини ҳам тушунтирди. У гапиришиб борар эди-ю, лекин, Анна Сергеевнанинг олдига кетаётганини, бу сирдан ҳеч бир кимса хабари йўқ, балки бундан кейин ҳам бутунлай хабари бўлмайди, деб ўйлаб борар эди. У икки хил ҳаёт кечирар эди: бириси ошкора ҳаёт бўлиб, буни керак одамлар ҳаммаси кўрган ва билар эди, бу бутунлай сунъийликдан ва кўзбўямачиликдан иборат бўлиб, танишлари ва дўстларининг ҳаётига батамом ўхшар, иккинчи ҳаёт эса — хуфъя ўтар эди. Унинг ҳаётининг мағзини ташкил этган, ўзи самимият билан қараган ва ўзини алдамаган, ўзи учун муҳим, қизиқ ҳамда зарур бўлган нарсалар, қандайдир ажиб бир ҳолатга кўра, балки тасодифан бўлса керак, бошқалардан хуфъя ўтар эди; лекин унинг қалбакилиги, ҳақиқатни яшириш учун ўранган ниқоби, чунончи унинг банкда хизмат қилиб туриши, клубдаги мубоҳасалари, хотинларни «зоти пастлар» деб аташи, ўз хотини билан бирга юбилейларга бориши,— буларнинг ҳаммаси ошкора эди. У бошқаларни ҳам ўзидай деб ўйлар, кўрганларига ишонмас, доимо, ҳар бир кимсанинг ҳақиқий, энг қизиқ ҳаёти тун пардасига ўхшаган парда орқасида яширин ўтиб турса керак, деб фараз этар эди. Кишининг ҳар қандай шахсий ҳаёти сир тугилади. Эҳтимол, маданий кишиларнинг ҳам, хуфъя шахсий майшатни ҳурматлаш кераклигини асабийланиб талаб қилишларининг сабаби, қисман, шу бўлса.

Қизини гимназияга кузатгач, Гуров ўзи «Славянский базар»га қараб йўл олди. У пастки қаватда пўстинини ечиб, юқорига кўтарилди ва эшикни секингина тиқиллатди. Анна Сергеевна Гуров яхши кўрган кулранг кўйлагини кийган эди. Уни йўл ҳам, бундаги кутиш ҳам толиқтирган ва кеча кечқурундан бери кутавериб ранги сарғайиб кетган эди. Гуров кириши биланоқ, уни кўрди-ю, кулмайнетмай, бирдан унинг қучоғига ўзини ташлади. Булар худди икки йил кўришмаган кишилардай, лаблари лабларига ёпишиб, узоқ ўпишиб қолдилар.

— Қани, айт-чи, аҳволинг қандай?— деб сўради Гуров.— Қандай янгиликлар бор?

— Тура тур, ҳозир айтаман. . . Гапира олмайман.

У йиғидан гапира олмас эди. Гуровдан юзини ўгириб, рўмолчасини кўзларига қаттиқ босиб олди. Гуров эса:

— Йиғласа йиғлаб олсин, мен ўтириб турай,— деб ўйлади-да, креслога ўтирди.

Кейин қўнғироқни чалди ва чой келтиришни буюрди. У чойни ичаётганида, Анна Сергеевна деразага бурилиб олиб, ҳамон йиғлар эди. . . У ўзларининг шундай ғамгин ҳаёт кечиришларидан, худди ўғрилардек биров билиб қолмасин деб хуфъя иш тутишларидан ҳаяжонланиб, қайғуриб йиғлар эди. Дарҳақиқат, уларнинг ҳаётида ҳузур-ҳаловат бормиди?

— Қани, бўлар энди!— деди, Гуров.

Гуров бу ишқ-муҳаббат ҳали узоқ давом этишини аниқ билар ва қачон тугагини билмас эди. Анна Сергеевна унга тобора қаттиқ кўнғил қўяр, уни сидқидил билан севар эди. Шунинг учун унга бу ишлар бир кун бориб тўхташи лозим, деб айтиш ноҳўя бўлар эди. Бунга Анна Сергеевна ишонмас эди.

Гуров яқин борди ва уни эркалатиш, унга тегишиш учун унинг елкасидан қучар экан, шу онда ойнада ўз аксини кўрди.

Унинг сочлари оқара бошлаган эди. Кейинги йилларда шунчалик қариб, шунчалик хунуклашиб кетгани ўзига қизиқ туюлди. Унинг қўли турган елка иссиқ ва титрар эди. Гуров бунинг шундай иссиқ ва гўзал ҳаётига, ўз ҳаёти каби, бунинг ҳаёти ҳам сўла бошлаши яқин қолганига ачинди. Хоним унинг нимасини бунчалик яхши кўради? У, хотинларнинг кўзига бўлакча кўринар эди. Улар уни ўз кўзларига умр бўйи орзу этиб юрган чин инсон бўлиб кўрингани учун севардилар; янглишганларини кейин билсалар-да, ҳамон севардилар. Уларнинг бирортаси ҳам бундан бахтиёр бўлган эмас эди. Вақт ўта берар, у хотинлар билан танишар, топишар, ажралишар, аммо бирортасини ҳам севмаган эди, ҳар нарса бўлган эди-ю, севги рўй бермаган эди.

Мана энди, Гуров сочлари оқарган чоқдагина, ўз умрида биринчи марта чинакам, юракдан севмоқда.

Анна Сергеевна билан Гуров иккалалари бир-бирларини жуда яқин, жонажон кишилардай, эр-хотинлардай, қалин дўстлардай севардилар; буларнинг шундай мағиз-

пўст бўлиб кетишлари, тақдири азалда пешоналарига ёзиб қўйилгандек эди ва Гуров ўзининг нега хотин олганидан ҳайрон, у эса, нега эрга текканидан ҳайрон эди; булар худди учиб юрган нари ва мода қушлар бўлиб, иккалаларини ҳам тутиб олиб, икки қафасга солиб қўйгандек эди. Улар ўтмишда бир-бирларига бўлган муносабатларидан уялдилар, ҳозирги нуқсонларини кечирдилар ва уларни ўзгартиб юборган ишқ-муҳаббат эканини сездилар.

Илгари Гуров қайғули дамларда ҳар хил фикрлар билан ўзини юпатар, энди эса, бундай кезларда фикр юрита олмас, қаттиқ раҳми келар, самимий ва меҳрибон бўлишни истар эди. . .

— Йигини қўй, жонгинам,— деди у.— Шунча йиғладинг — етар энди. . . Гаплашайлик, бирор нарса ўйлайлик.

Сўнгра улар узоқ маслаҳатлашди, яшириниш, алдаш, турли шаҳарда яшаш, узоқ кўришмай кетиш заруратидан қандай қутулиш тўғрисида гаплашди. Бу оғир кишидан қандай қутулиб бўлади?

— Қандай қилиб? Қандай қилиб?— деди Гуров, ўз бошини ушлаб.— Қандай қилиб?

Сал вақт ўтгач масала ҳал бўладигандай ва янги, гўзал ҳаёт бошланадигандай туюлади; бироқ ишнинг охири ҳали жуда узоқ экани, энг мураккаб ва қийин ишлар эндигина бошланаётгани иккиларига ҳам аён бўлди.

## СВЯТКИ БАЙРАМИДА<sup>1</sup>

— Нима деб ёзай?— деб сўради Егор ва перони сиёҳга ботирди.

Василиса қизи билан кўришмаганига тўрт йил бўлди. Унинг қизи Ефимья тўйдан кейин эри билан Петербурга жўнади, у ердан иккита хат юбориб сувга чўккандай доми-дараксиз кетди. Кампир эрталаб сигир соғса ҳам, печкага ўт ёқса ҳам, кечаси мудраса ҳам фикри-ёди қизида: Ефимьянинг ҳоли нима кечди, тирик бормикан, деб ўйлар эди. Унга хат юбориши керак, аммо чоли хат ёзишни билмас, хат ёзиб берадиган одам йўқ эди.

Мана, святки байрами ҳам келди, Василиса тоқат қилолмади-да, қовоқхонада турувчи, қовоқхона бекасининг укаси Егорнинг олдига борди. Егор армиядан келгач, ҳеч қаерга бормаи, ҳеч иш қилмай, уйда, қовоқхонада ўтирар эди; агар яхши пул тўланса, у хатни бошлаб ёзиб бера оларди дейишар эди. Василиса қовоқхонага келиб, аввал ошпаз хотин билан, сўнг қовоқхона бекаси билан, ундан кейин Егорнинг ўзи билан гаплашди. Хатни уч мирига ёзиб берадиган бўлди. Шундан кейин Егор столга келиб ўтирди ва қўлига ручка ушлади. Бу воқиа байрамнинг иккинчи куни қовоқхона ўчоқ бошисида бўлди. Василиса ўйланиб, ташвишли ва қайғули қиёфада Егорнинг рўпарасида турар эди. У билан бирга, унинг чоли, жуда ориқ, новча, бошининг тепакали малла ранг бўлиб кетган Петр ҳам келган эди; у худди кўр кишидай, қимир этмай, бақрайганча турар эди. Плитадаги кастрюлда чўчқа гўшти қовурилар эди; у жиз-жиз, пирқ-пирқ

---

<sup>1</sup> Святки — христианларда Исонинг туғилган кунидан бошлаб икки ҳафта давом этадиган байрам. (Тарж.)



овоз чиқарар ва ҳатто ҳудди: «пилт-пилт» этиб гапиргандай бўлар эди. Учоқ боши дим эди.

— Нима деб ёзай?— деб сўради яна Егор.

— Нима дейсан?— деди Василиса, унга зарда ва шубҳа билан қараб.— Шошилма! Ахир бекорга ёзмайсан, пул оласан-ку! Қани, ёз! Севикли куёвимиз Андрей Хрисанфичка ва кўзимизнинг оқу қораси севикли қизимиз Ефимья Петровнага, биз каминани камтарин ота-онангиздан соғинчли салом.

— Ёздим. Сайрайвер.

— Яна, ҳасти Исонинг туғилиши байрамларингизни қутлаймиз, бизлар соғу саломатмиз, сизларга ҳам парвардигордан соғлиқ ва саломатлик тилаймиз. . .

Василиса ўйланиб қолди-да, чолига қараб қўйиб:

— Сизларга ҳам парвардигордан. . .— деб такрорлади-да, йиғлаб юборди.

Унинг тилига бошқа ҳеч сўз келмади, илгари эса, кечалари ётиб ўйлаганда, дилидаги гаплари ўнта хатга ҳам сифмайдигандек туюлар эди. Қизи эри билан кетган вақтдан бери, кўп воқиалар бўлиб ўтди; бу кексалар етимлардек кун кечирдилар, чол-кампир кечалари оҳ-воҳ қилиб чиқар, гўё қизларига мотам тутар эдилар. Бу вақт ичида қишлоқда қанча воқиа, тўй ва аза ўтди! Қандай узоқ қишлар бўлди! Қандай узун кечалар!

— Исиб кетди!— деди Егор, нимчасини ечаётиб,— етмиш градусга борган бўлса керак. Яна нима ёзай?— деб сўради у.

Чол-кампир жим туришар эди.

— Куёвинг у ерда нима иш қилади?— деб сўради Егор.

— У солдатликда хизмат қилар эди, отахон, бундан хабаринг бор,— деб, секингина жавоб берди чол.— Хизматдан сен билан бир вақтда қайтган. Солдат эди, эндиликда эса, Петербургда сув шифохонасида ишляпти. Доктор касалларни сув билан даволайди. Демак, у докторда швейцарь бўлиб ишлайди.

— Мана, бу ерда ёзилган. . .— деди кампир, рўмолчасидан хатни чиқариб олаётиб,— Ефимьядан олган эдик, худо биледи, қачонлар келган эди. Балки, улар энди дунёда йўқдир.

Егор бир оз ўйлаб тургач, тез ёза кетди.

«Ҳозирги вақтда,— деб ёзди у,— сизнинг тақдирингиз ўзи орқали ҳарбий соҳага белгиланди, шунинг учун биз

сизга Интизом Жаримаси уставига<sup>1</sup> ва Ҳарбий Маҳкаманинг Жиноят Қонунарига қараб қўйишни маслаҳат берамиз ва Сиз уни Ҳарбий Маҳкама цивилизациясининг Қонуни деб биласиз».

У ёзар экан, ёзганларини овоз чиқариб ўқир эди, Василиса эса, ўтган йили қандай камбағалчилик тортганларини, ғаллалари святкигача ҳам етмаганини, сигирни сотишга тўғри келганлигини ёзсакмикин, деб ўйлар эди. Пул сўраб кўриш керак эди. Чолни тез-тез касал бўлади, балки яқинда жонини жабборга топширар деб ёзиш керак эди. . . Бу гапларни қандай ёзса бўлар экан? Олдин нима дейиш керагу, кейин нима дейиш керак?

«Ҳарбий қарорнинг 5-томига эътибор этинг!— деб ёзишда давом этди Егор.— Солдат деган умумий, машҳур номдир. Энг биринчи генерални ҳам, сўнгги оддий аскарни ҳам, солдат дейилади. . .»

Чол лабларини қимирлатиб, секингина айтди:

— Невараларни кўрсак бўлар эди.

— Қайси невараларни!— деб сўради кампир ва унга зарда билан қаради.— Балки улар йўқдир.

— Невараларми? Улар бордир-э! Ким билади!

«Ва ундан сиз,— деб шошилиб ёзар эди Егор.— Ташқи душман қандаю, ички душман қандай бўлишини билоласиз. Бизнинг энг биринчи ички душманамиз Бахусдир».

Перо қоғознинг юзига, худди балиқ илинтирадиган қармоққа ўхшаш гажаклар тушириб, ғичирлар эди. Егор шошилар ва ҳар бир сатрни қайта-қайта ўқир эди. У оёқларини столнинг тагида кериб, табуреткага ўтирар, тўқ, бақувват, бети кепчикдек, бўйни қип-қизил эди. Унинг беорлиги қовоқхонада туғилиб, шу ерда катта бўлган қабиҳ, ўжар, такаббур бир кишининг беорлиги эди. Василиса ҳам бу беорлик эканини яхши англади, аммо уни қандай ифода этишни билмай Егорга хўмрайиб ва шубҳаланиб қарар эди. Егорнинг товушидан, тушуниб бўлмайдиган сўзлардан, иссиқ ва димликдан Василичанинг бошлари оғриб, фикри чалғиб кетди. У энди ҳеч нима демай, ўйламай, фақат у қитирлатишини қачон тугатар экан, деб кутиб турар эди. Чол эса, тамоман ишонган ҳолда қарар, у ўзини бу ерга бошлаб келган кампирга

---

<sup>1</sup> Интизом Жаримаси (дисциплинарное взыскание) — судсиз, қонун доирасида бошлиқ томонидан бериладиган жазо.

ҳам, Егорга ҳам ишонар эди; боя у сув шифохонаси ҳақида гапирганида, унинг башараси, бундай шифохонага ва сувнинг шифобахш кучига ишонганлигини айтиб турар эди.

Егор хатни ёзиб бўлиб, ўрнидан турди-да, уни қайтадан бир бошидан ўқиб чиқди. Чол тушунмади, аммо ишонч билан бошини силкитиб қўйди.

— Тузук, силлиқ ёзилибди...— деди у,— худо саломат қилсин. Тузук...

Улар столнинг устига бир мирилик чақадан учтасини қўйиб, қовоқхонадан чиқиб кетишди; чол гавдасини қимирлатмай, кўрдек бақрайиб борар ва унинг юзидан тамоман ишонганлиги кўриниб турарди. Василиса эса, қовоқхонадан чиқиб кетаркан, у ердаги итга қўл силтаб, зарда билан:

— Ху, мараз!— деди.

Кампир тун бўйи киприк қоқмади, уни ҳар хил ўйлар безовта қилди, тонг отгач ибодат қилди-да, кейин хатни жўнатиш учун станцияга қараб кетди.

Станциягача ўн бир километр эди.

## II

Доктор Б. О. Мозельвейзернинг сув шифохонаси янги йилда ҳам, оддий кунлардагидек ишлар эди, фақат швейцарь Андрей Хрисанфичнинг эғнида янги галунли<sup>1</sup> мундир бор, унинг этиклари ялтирар ва келганларнинг ҳар бирини янги йил билан табриклар, уларга янги бахт тилар эди.

Эрта билан эди. Андрей Хрисанфич эшик олдида туриб, газета ўқир эди. Роса соат ўнда, даволаниб юрувчилардан таниш бир генерал кириб келди, унинг кетидан почтальон кирди. Андрей Хрисанфич генералнинг эғнидан шинелини олди-да:

— Янги йилингиз, янги бахтингиз муборак бўлсин, жаноби олийлари!— деди.

— Раҳмат, азизим! Узингники ҳам муборак бўлсин.

Генерал зинапоядан юқорига чиқиб кетар экан, эшикка имо қилиб сўради (у ҳар кун сўрар эди, аммо кейин унутиб қўяр эди):

— Бу хонада нима бор?

<sup>1</sup> Галун — расмий кийимлардаги зарли хошъя. (Таржимон).

— Бу уқалаш хонаси, жаноби олийлари!

Генералнинг оёқ товушлари эшитилмай қолгач, Андрей Хрисанфич олинган хатларни қараб чиқиб, ўз номига келган битта хатни топди. Хатни очди, бир неча сатрини ўқиди, кейин газетани кўздан кечиргани ҳолда, секин юриб, коридорнинг охиридаги ўз хонасига қараб кетди. Унинг хотини Ефимья кроватда ўтириб, боласини эмизмоқда эди; энг катта ўғли жингалак сочли бошини онасининг тиззасига қўйиб, унинг ёнида турар эди, ўртанчаси эса, кроватда ухлар эди.

Андрей ўз хонасига киргач, хатни хотинига берди ва:

— Қишлоқдан келган бўлса керак!— деди.

Сўнгра у, газетадан кўзларини узмасдан чиқиб кетди-да, коридорда, ўз эшигидан сал нарида тўхтади. Ефимья қалтироқ товуш билан хатнинг бир неча сатрини ўқиганини эшитди. Хотини хатнинг давомини ўқиёлмай қолди; унга шу сатрларнинг ўзи кифоя қилди, шашқатор ёш тўкиб, катта ўғлини қучоқлаб, ўпиб гапира кетди, у йиғлаяптими, ёки куляптими, билиб бўлмас эди.

— Бу хат бувингдан, бувангдан кепти...— деди у.— Қишлоқдан кепти... Э худойим, ё азиз-авлиёлар! Ҳозир у жойларда қор том бўйи келади... дарахтлар оппоқ оқарган. Болалар чана тортиб юришади... Тепакал бобонг ҳам печканинг устида ётади... сариф кучуги ҳам бор... Онанг ўргилсин қўзичоқларим!

Андрей Хрисанфич бу гапларни эшитгач, хотинининг уч ёки тўрт марта хат берганини, у хатларни қишлоққа жўнатиб юборишни сўрагани, аммо қандайдир муҳим ишлар халақит бериб жўнатмагани, у хатлар аллақерларда қолиб кетгани эсига келди.

— Далаларда қуёнчалар югуришиб юради,— деб йиғлаб гапирди Ефимья, ёшли кўзлари билан ўғлини ўпиб.— Буванг ювош, хушфёъл одам, бувинг ҳам хушфёъл, раҳмдил хотин. Қишлоқ одамлари оқкўнгил, художўй одамлар бўлади... Қишлоқда черковча ҳам бор, мушжиклар клиросда<sup>1</sup> туриб хониш қилишади. Парвардигори олам бизни бу ердан халос қилса эди!

Андрей Хрисанфич бирорта одам келмай туриб, папирос чекиб олиш учун ўз хонасига қайтиб кирди. Ефимья жим бўлди ва кўзларини артди. Фақат унинг лаблари

---

<sup>1</sup> *Клирос* — черков меҳробининг икки чеккасида, ҳофизлар турадиган жой. (Тарж.)

қалтирар эди. Ундан Ефимья жуда ҳам қўрқар эди. Шу қадар қўрқар эдики, унинг қадамларидан, тикилиб қарашларидан дир-дир титрар, унинг олдида бирор сўз деёлмас эди.

Андрей Хрисанфич папиросини тутатди, худди шу пайтда юқоридан қўнғироқ овози эшитилди. У папиросини ўчирди-да, жиддий қиёфага келиб, ташқи эшикка қараб югурди.

Ваннадан чиққан генерал қип-қизариб, бўртиб, юқоридан тушиб келарди. У эшикни кўрсатиб:

— Ана у хонада нима бор?— деб сўради.

Андрей Хрисанфич роз туриб, қўлларини ёнига олиб, баланд овоз билан:

— Шарко души, жаноби олийлари!— деди.

## СОЙЛИКДА

### I

Уклеево қишлоғи сойликда бўлиб, тош йўлдан ва темир йўл станциясидан қараганда чит фабрикаларининг мўриси ва черковнинг қўнғироқхонасигина кўринар эди. Утган-кетган йўловчилар, қайси қишлоқ деб сўраганларида:

— Маъражага келган дъячок икранинг ҳаммасини еб қўйган қишлоқ, — деб жавоб берардилар.

Бир кун фабрикачи Костиков маъража қилганда дъячок чол дастурхонга қўйилган овқатлар орасида донатор икрага кўзи тушиб қолиб, тўрт қадақча келадиган бир банка икрани поққос еб қўйибди. Ени беридагилар шунча турсалар, енгидан тортсалар ҳам ҳузур қилганидан ўзини унутиб, пинагини бузмай ея берибди. Бу воқиага кўп замон бўлиб, дъячок аллақачон ўлиб кетган бўлса ҳам икра воқиаси ҳалигача эсдан чиқмайди. Бу ердагиларнинг тирикчилиги шунчалик қашшоқлигиданми, ёки одамлари бу ўн йилги анчайин воқиадан бошқа ҳеч нарсани билмаганлариданми, Уклеево қишлоғи тўғрисида бундан бошқа тузуккина гап айтолмас эдилар.

Уклеево қишлоғидан безгак аримас, ҳатто ёзда ҳам лой қуримас, хусусан қариб қолган катта тол дарахтлари соясидаги девор таги ҳамиша лой эди. Фабрикадан чиқазиб ташланган ахлатлар билан читга нақш босганда ишлатиладиган тезоб дориларнинг сассиғи сира кетмасди. Учта чит фабрикаси билан битта кўн заводи қишлоқдан бир чеккароқ, нарида бўлиб, ҳаммасидаги ишчиларнинг сони тўрт юздан ошмас эди. Кўн заводининг ахлатларидан сойнинг суви сасиб, ўтлоқ ерлар ҳам завод ахлатларидан ифлос бўлиб, бу ўтларни еган молларга куйдирги касали юқиб, деҳқонларнинг моллари қириларди; шу боисдан фабрикани ёпмоққа буйруқ бўлди. Аммо, фабрика отига

ёпилган ҳисобланиб, қишлоқ пристави ва уезд докторига эгаси ҳар ойи ўн сўмдан бериб, фабрикани яширин ишлатаверди. Қишлоқда иккитагиға тунука томли тузуккина гишт уй бўлиб, бирида волость маҳкамаси, иккинчисида, черков рўбарўсидаги болохоналик уйда, Епифан мешчапларидан Григорий Петров Цибукин жойлашган эди.

Григорийнинг баққолик дўкони бор эди, аммо бу номига баққолик бўлиб, ароқ, тери, буғдой ва ҳар бало сотилар, Григорий шу дўкон орқали ҳатто асб жаллоблик ва чўчқа жаллоблик ҳам қилар эди. Чет элдаги хонимлар қалпоқларига зағизғон пати керак бўлиб қолса, ҳар жуфт зағизғондан ўттиз тийиндан фойдаланиб қоларди. У дарахтларни сотиб олиб, кесиб сотар, ижарага пул қарз берар, хуллас, уддабуро чол эди.

Григорийнинг икки ўғли бўлиб, Анисим деган катта ўғли полиция қидирув бўлимида ишлар, уйга аҳён-аҳёнда келарди. Степан деган кенжа ўғли дўконда отасига қарашарди, аммо ундан тузуккина ёрдам умид қилиб бўлмас эди, чунки у нимжон ва кар эди. Хотини Аксинья, қомати келишган, хушбичим, чиройли аёл, ҳайит кунлари яса-ниб, бошига шляпа кийиб, зонтик кўтариб савлат тўкиб чиқар, тонг отиши билан, барвақт турар, кечаси алламаҳалда ётар, кундузи тинмай, этагини кўтариб, қалитларни шиқирлатиб, ҳали омборхонага, ҳали дўконга, ҳали ер тўлага югурар эди. Чол Цибукин келинига тикилиб туриб, ич-ичидан қувонар, кўзлари ўтдек ёниб кетар ва айни вақтда, бу келин катта ўғлига тушмай, афтидан, чиройли хотиннинг нималигини яхши билмайдиган кар ўғлига тушганига ачинарди.

Бола-чақага, уй-рўзгорга чолнинг меҳри баланд, дунёда бола-чақасидан ортиқ кўрган нарсаси йўқ, изқувар катта ўғли ва ҳалиги келинини айниқса яхши кўради. Кар ўғлига тушган келини Аксинья жуда иш билармон, чаққон, эпчил чиқди; уйга келгани кунидан бошлабоқ, дарров ҳамма ишни тасарруф қилиб олди. Кимга насяга мол бериш, кимга бермасликни ҳам билиб олди. Қалитларни ҳеч кимга бермас, ҳатто эрига ҳам ишонмас эди. Чўт қоқишга ҳам жуда уста. Худди эркаклардек отларнинг тишини кўрар, юзи доим кулиб тиржайиб турар, бақирган чақирган эди. Чол ҳам унинг деганидан чиқмас, нима деса завқи келиб:

— Баракалла, хўб келиним бор-да! Хуснингга балли, баракалла... — дерди холос.

Чол бева эди, ammo ўгли уйлангандан кейин чидолмасдан, бир йилдан сўнг, ўзи ҳам уйланди. Уклеєво қишлоғидан ўттиз чақирим наридан Варвара Николаевна номли таг-туғли бир қари қизни топдилар. Қизнинг ёши анчага бориб қолган бўлса ҳам, кўҳлик ва барваста эди. Болохонадаги уйга янги келин тушиши билан уйга файз кириб, деразаларга янги тоза ойна солингандек, ҳамма ёқ ярақлаб қолди. Шамчироқлар ёқилди, столларга қордек оппоқ дастурхонлар ёзилди, дарчалар таги гулзор бўлиб, қип-қизил тугмача гуллар очилди, овқатни ҳамма бир идишдан емай, ҳар бир киши алоҳида тарелкада еядиган бўлди. Варвара Николаевна доим ёқимтойгина жилмайиб турар, уйдаги ҳамма нарса жилмайиб тургандек кўрнарди. Илгари бу ҳовлига гадойлар, мусофир-мушовир, художўйлар ҳеч йўламас эди. Энди дарча тагида Уклеєво қишлоғидаги бева-бечора хотинларнинг тилангани, ароқхўрлиги учун фабрикадан бўшатиб юборилган, ичкилик хароб қилган кишиларнинг йўталиши эшитиладиган бўлди. Варвара уларга пул, нон, эски кийим-кечак хайр-эҳсон қилар эди. Кейин ўрганиб қолиб, дўкондан ҳам унча-мунча олиб чиқиб берадиган бўлди. Бир кун нимчораклик чойдан икки думалоғини олиб чиқиб кетаётганини кўриб қолган кар, хижолат тортиб ерга қаради. Кейин:

— Ойим нимчоракдан икки думалоқ чой олиб кетдилар, пулини кимга ёзиб қўяй?— деб отасидан сўради.

Чол ҳеч нарса демасдан бирпас ўйлади ва қошларини чимириб, болохонадаги хотинининг олдига чиқиб кетди.

— Жоним, агар дўкондан бирон нарса керак бўлса тортиниб ўтирма, хижолат ҳам бўлма, олавер,— деди мулойимлик билан.

Эртасига кар ҳовлидан югурганича ўтиб кетаётганида Варварага қараб:

— Ойи, нимаики керак бўлса олаверинг!— деб қичқириб ўтиб кетди.

Шамчироқлар ва қизил тугмача гуллар бу уйда бир янгилик бўлганидек, Варваранинг бева-бечораларга хайр-эҳсон қилиши ҳам бир янгилик, файз ва хурсандлик эди. Шак куни ва уч кунлаб давом этадиган катта байрам кунларида сассиғидан одам олдида туриб бўлмайдиган гўштларни қишлоқиларга сотганларида, маст қишлоқилардан ўроқ, шапка, хотинларининг дуррачалари ва нима бўлса шуни гаровга олиб қолаётганларида, ярамас ароқни ичган фабрика ишчилари лойларга буланиб думалаб



ётганларида, рўйи заминни гуноҳ босиб кетгандек кўринган вақтларда, қўланса, тузлаган гўшт билан ҳам, ароқ билан ҳам ҳеч иши бўлмаган ёввошгина, озодагина покиза хотин уйда ўтирганлиги эсларига тушиб, бу гуноҳлар азобидан кўнгиллари бир оз тасалли топар эди; бундай оғир, вазмин кунларда унинг қилган хайр-эҳсони ва садақалари гўё уларга бир радди балодек туюларди.

Цибукиннинг уйида ҳеч тиним йўқ, эрталаб кун чиқарчиқмас Аксинья даҳлизда пишқириб юз-қўлини юваётгани эшитилиб турар, ошхонада самовар гўё бир нохуш хабардан дарак бергандай бақир-буқир қайнаб турар эди. Чол Григорий Петров узун қора тўнини, чит шимини, баланд кўнжли ярақлаган этигини кийиб олиб, машҳур қўшиқдагидек, қайнаталикни ўрнига қўйиб, пошнасини ғирчиллатиб олифталик билан уйдан-уйга юрар эди. Дўкон очилиб, кун ёйилгандан кейин отларни хипча пойга аравага қўшиб, дарвозахонага келтиришарди. Чол катта шалкасини қулоғигача босиб кийиб, олифталик билан аравага ўтириб оларди; кўрган киши уни ҳеч эллик олтига кирган демасди. Хотини билан келини уни кузатгани чиқардилар. Чол топ-тоза янги чакмонни кийиб, уч юз сўмга олган катта қора от қўшилган пойга аравага ўтирганда қишлоқиларнинг эшикка келиб илтимос ва шикоят қилишларини ёқтирмас эди. Қишлоқилардан ҳазар қилар, уларни ёмон кўрар, биронта қишлоқи келиб дарвозахонада уни кутиб турганини билса, койиб:

— Нима қилиб турибсан, йўлингдан қолма, кетавер!— деб бақирар эди. Ёки кутиб турган одам гадой бўлса:

— Худо берсин!— деб жўнатиб юборар эди.

Чол иш юзасидан сафарга чиққанда хотини кирчимол кийимлар устидан қора фартук кийиб олиб уйларни йиғиштирар ёки ошхона ишларига қарашар эди. Аксинья дўконда мол сотар, дўконда шишаларнинг чақир-чуқури, танга-чақаларнинг жаранглаши, Аксиньянинг кулган ва қичқиргани, харидорларнинг койиб аччиғланганлари ҳовлида эшитилганда билингки, дўконда яширин ароқ сотиш қизиб кетибди. Кар ҳам дўконда ўтирар, баъзан кўчада бош яланг, икки қўлини чўнтагига солиб, уйларга ва осмонга анграйиб қараб юрарди. Уйдагилар кунига олти марта чой ичар, тўрт марта овқат ер, кечқурун савдодан тушган пулни санаб, дафтарга ёзгандан кейин мириқиб ухлар эди.

Уклеєво қишлоғидаги чит фабрикасининг учтасида ҳам, фабрика эгалари биродарон Хриминларнинг каттасиникида ҳам, кичигиникида ҳам, Костюков ва шерикларининг уйларида ҳам телефон бор эди. Волость маҳкамасига ҳам телефон ўтказилган эди-ку, лекин кўп фурсат ўтмай, бузилиб қолди, чунки телефоннинг ичи канахона, суваракхона бўлиб қолди. Волость старшинаси саводсиз одам эди ва ҳар бир сўзни бош ҳарф билан ёзар, аммо телефон бузилиб қолганда у:

— Ҳа, энди телефонсиз ишимиз қийин бўлади, — деб кўйди.

Биродарон Хриминларнинг каттаси кичиги билан доим судлашиб умр ўтказар эди. Гоҳо кичик Хриминлар ҳам бир-бирлари билан уришиб қолиб, судлашар, ярашгунларича орадан бир-икки ой ўтиб кетар ва бу муддат ичида фабрикалари ётиб қолиб, бу воқиа Уклеєво қишлоғининг одамларига анча эрмак бўларди, чунки Хриминлар ҳар уришганларида аллақанча гап-сўз, миш-мишлар ёйиларди. Байрам кунларида кичик Хриминлар билан Костюков арава пойга қилар ва ҳар гал қишлоқда бир неча бузоқни босиб ўлдирар эди. Аксинья охорлик кўйлақлар куйиб, ясаниб, дўкони олдида томоша қилиб юрганда кичик Хриминлардан биттаси келиб, худди уни олиб қочгандек, аравага солиб олиб кетарди. Бундай байрам кунларида чол Цибукин ҳам янги сотиб олган отини кўрсатмоқ учун арвасини қўшиб, хотини Варварани ҳам ёнида олиб чиқарди.

Сайилдан кейин, кечаси ётар пайтида, кичик Хриминларнинг ҳовлисида қимматбаҳо яхши гармон чалиниб, ўйин бошланарди, ойдин кеча бўлганда, гармон овозидан ҳамма ҳаяжонланиб ва димоғи чоғ бўлиб, бундай кезларда Уклеєво қишлоғи сойликдаги пастқам жойга ўхшамай кетарди.

## II

Чолнинг катта ўғли Анисим уйига аҳён-аҳёнда, катта байрамларда келарди, аммо ҳамқишлоқларидан тез-тез совға, хат юбориб турарди. Хатни ўзи ёзмай, бошқа бир хушхат одамга ариза ёзгандек бир тахта қоғозга ёздирарди. Хатида Анисимнинг ўзи биров билан гаплашганида ҳеч бир айтмайдиган гаплари кўп бўларди. Чунончи: «Ҳурматли отамиз билан онамизга ўз истеъмолингиз учун бир қадоқ гулчой юбордим» каби иборалар билан ёзар эди.

Ҳар бир хатнинг охирида хит перо билан ёзилгандек, тирнаб: «Анисим Цибукин» деб қўл қўйилар эди. Бу имзодан кейин яна ҳалиги хушхат одамнинг қўли билан: «Агент» деган сўз ёзилар эди.

Анисимдан келган хатни қайта-қайта баланд овоз билан ўқирдилар. Қўнгли бузилиб, ўпкаси тўлган чол ҳаяжонидан қип-қизариб дерди.

— Отасининг уйида турмоқни хоҳламади, муллалик кўчасига кириб кетди. Майли, ўз таъби! Ҳар кимнинг ҳунари!

Бир кун катта байрам олдида, жала қуйиб, ёмғир аралаш қор ёғиб турганда, чол хотини Варвара билан дераза олдига келиб ҳовлига қараб турар эди, станция томондан чанага тушиб келаётган катта ўғли — Анисимни кўриб қолди. Ҳеч ким уни келиб қолар деб ўйламаган эди. Анисимнинг дили ғаш, аҳволи паришонроқ кўринди; уйга киргандан кейин ҳам мудом чиройи очилмай юраверди. Қайтиб кетадиган авзойи ҳам йўқ, аҳволи хизматдан бўшаганга ўхшарди. Варвара унинг келганига хурсанд бўлиб, кулумсираб тикилиб-тикилиб қараб турди, кейин уҳ тортиб, бошини чайқади.

— Бу нима деган гап, йигитнинг ёши йигирма саккизга борган бўлса-ку, ҳали ҳам уйланмасдан бўйдоқ юрверса-я. Войбў...

Варваранинг нариги уйдан туриб оҳиста войбўлагани эшитилиб турарди. У чол билан Аксиньяга шивирлаб бир нарсалар деди, буларнинг чеҳралари бир нарсага қасд қилган исёнчилардек, аллақандай сирли тусга кирди.

Хуллас Анисимни уйлантиришга қарор қилдилар.

— Войбў... сендан кичик уканг аллақачон уйланса-ю, сен ҳали ҳам бозордаги хўроздек тоқ юрсанг. Шу ҳам ишми? Войбў, хотин олиб уй-жой қилганингдан кейин худо хоҳласа билганингни қиласан, агар хизматингга жўнасанг, хотининг бу ерда бизга қанот-қуйруғ бўлиб қолади. Йигит кишига бу юриш ярамайди. Қараб турсам тартиб-қоидадан жуда чиқиб кетибсан. Шўрим қурсин, шаҳарлик бўлгандан кейин қийин экан-да, войбў,— деди Варвара...

Цибукиннинг ўғиллари бойвачча бўлганидан уларга чиройли қизларни қидириб топардилар. Анисимга ҳам чиройли бир қизни топдилар. Анисимни ўзи хунук, кўримсиз, заиф, бўйи паст, юзлари шишган, хомсемиз, кўзлари ўқрайган, қараши хунук, соқоли яккам-дуккам, сап-сарик,

кўса эди. Хаёлга тушиб, фикрга чўмганида, соқолини оғзига тикиб чайнар, хунуклиги устига ароқхўр эди, унинг бу қилиғи афти-башарасидан ҳам билиниб турарди. Аммо унга жуда хушрўй қаллиқ топилганини айтганларида:

— Мен ҳам чакана одам эмасман. Бизнинг уруғимизнинг ҳаммаси чиройли,— деб қўйди.

Шаҳарнинг шундоққина ёнида Торгуево қишлоғи бор эди. Бу қишлоқнинг ярмиси яқинда шаҳарга қўшилиб, ярмиси қишлоқлигича қолган, шаҳарга қўшилган қисмида бир бева хотин бор эди. Бу бева хотиннинг мардикор ишлаб кун кўриб юрган бечора ҳол бир синглиси бор эди, унинг Липа деган бир қизи бўлиб, бу қиз ҳам мардикор ишларди. Липанинг ҳусни ҳамманинг оғзига тушган бўлса ҳам, жуда ҳам қашшоқлиги кўпларни андишага солиб қўярди. Биронта хотини ўлган ёки хотинини қўйган, қари одам топилиб қолса, қизнинг камбағаллигига қарамай олса ажаб эмас, жуда хотин қилиб, никоҳлаб олмаганда, «шунчаки» олар, қизни олса, онаси ҳам қизникида қорни тўйиб қолади, дейишар эди. Варвара совчи хотиндан Липанинг таърифини эшитиб, Торгуево қишлоғига бориб уни кўриб келди.

Бундан кейин бояги холасининг уйида қиз кўрар бўлиб, бунда ичкилик билан зиёфат берилди. Липа ҳам қиз кўрар учун атайин тикилган пушти кўйлагини кийиб келди, сочига тақилган қип-қизил лента чўғдек ловуллаб ёниб турарди. Қиз нозиккина, нимжон, рангпар, афти-башараси бежирим, офтобдан юзи қорайган эди. Дардли, маъюс табассум юзидан аримас, гўдакона маъсум кўзлари жовдираб турар эди.

Қиз ҳали ёш, кўкраклари ҳам билинар-билинмас, лекин ёши бориб қолганидан никоҳ раво ҳисобланар эди. Қиз дарҳақиқат чиройли, фақат бир айби бор, у ҳам бўлса шуки, қўллари эркакларникидек катта ва иккита катта чангакдек осилиб турар эди.

Чол қизнинг холасига қараб, қизингиз сепсиз экан, лекин бунга ҳеч нарса демаймиз, кичик ўғлим Степанга ҳам шундай камбағал боласини олиб бердик, лекин ҳозир кўлингиздан ниҳоятда хурсандмиз, ишга эпчил, чевар, қўлидан ҳар бир иш келади,— деди.

Липа эшик ёнида: «Нима қилсангиз билганингизни қилинг, ихтиёрим сизда» дегандай мўлтайиб турар эди. Мардикор онаси Прасковья ҳам қўрққанидан нафаси ичига

тушиб, овозини чиқармай, ошхонада ўтирар эди. Бир вақтларда ёшлик чоғида, у бир бойнинг полини ювиб юрганида: бойнинг жаҳли чиқиб, тепиниб, уни қаттиқ койиб берган экан, шундан бери юрагини олдириб қўйган экан. Қачон сал қўрқса қўл-оёғи, ҳатто юзлари ҳам титраб кетар эди. Ошхонада ўтириб меҳмонларнинг гапига қулоқ солар экан, бурчакдаги иконаларга қараб чўқиниб қўяр эди. Андек ичиб олган Анисим кайф билан ошхона эшигини очиб:

— Онажон, нега бу ерда ўтирибсиз? Сиз йўғингиз учун бизга татимаяпти,— деди.

Прасковья бўлса юраги ёрилиб, озғинлигидан суякларини чиқиб қолган кўкрагига қўлларини қўйиб:

— Қуллуқ, раҳмат... жуда-жуда миннатдормиз...— деди.

Қиз кўрардан кейин тўй куни тайинланди. Анисим уйга келгач ҳуштак чалиб, уйдан-уйга кириб юрди, гоҳ тўсатдан бир нарса эсига тушиб, кўзи билан ерни тешмоқчи бўлгандек тикилганча хаёл суриб қолади. Яқинда тўй, уйланишига хурсанд бўлгани ҳам, қаллиғини кўргиси келгани ҳам маълум эмас, ҳуштак чалиб юради холос. Уйланишга ҳам отаси билан ўгай онаси хоҳлагани учун рози бўлгани, сўнгра қишлоқда одат шунақа бўлиб ўғил отанинг уйига бир хизматкор келтириб бериш учун уйланиши расм, уйланиши шу сабабдан экани билиниб туради. Анисим қайтиб кетаётганда ҳам ҳеч шошмади, хуллас бу гал юриш-туриш бутунлай бошқа, маҳмадонороқ, гаплари пойинтар-сойинтар эди.

### III

Шикалова қишлоғида эгачи-сингил икки художўй машиначи бор эди. Тўйнинг сарполарини тикишни шуларга буюрдилар, булар кийим бичгани келиб, бемалол ўтириб, чой ичиб кетардилар. Варварага қора уқа тутилган, майда маржон тақилган жигар ранг кўйлак тикдилар, Аксиньяга оч-кўкдан, кўкрагига сариқ уқа тутган кенг этакли кўйлак тикдилар. Машиначилар сарполарни тикиб бўлганларидан кейин Цибукин уларга пул бермасдан, дўконидан мол берди. Шунинг учун улар мўм, шам, тузлаб қутига тақилган балиқларни тугиб, жуда хафа бўлиб чиқиб кетдилар. Бу нарсалар уларга сира керак бўлмаганидан қишлоқдан далага чиққач, бир тепа устида ўтириб, йиғи бошладилар.

Анисим янги сарпо кийиб тўйга уч кун қолганда етиб келди. Оёғида ялтираб турган янги калиш, ёқасида галстук ўрнига икки учига думалоқ соққа тақилган қизил боғич, енгини киймасдан елкасига ташлаб олган янги пальто.

Анисим уйга келиб улуғворлик билан ибодат қилгандан кейин, отаси билан кўришди ва унга бир сўлкавойликдан ўнта, ярим сўлкавойликдан ўнта, онаси Варварага ҳам шунчадан пул берди. Аксиньяга чорак сўмликдан йигирма дона берди. Бу совганинг чиройи шу эдики, сўлкавойларнинг ҳаммаси яп-янги, офтобга тутса ялтирар эди. Анисим ўзини улуғвор ва одми кўрсатмоқ учун тумтайиб, лунжларини шиширар, ундан доим вино иси келиб турарди; келаётганда ҳар станцияда буфетдан вино ичиб турган бўлса керак. Бу гал ҳам унинг гап-сўзида аллақандай бемаънилик, ҳаракатларида одамга ярашмаган қилиқлар бор эди. Кейин Анисим билан чол чой ичиб, овқатланиб ўтирди. Варвара яп-янги сўлкавойларни қўлида ўйнаб туриб, шаҳардаги ҳамқишлоқларини суриштирар эди.

Анисим унинг саволларига жавоб бериб, деди:

— Худога шукур, яхши, омон-эсон юришибди. Фақат Иван Егоровнинг уйидаги ҳодиса шуки, унинг кампири София Никифоровна ўлиб қолди. Сил касал экан. Маъракаси ҳар киши бошига бир сўм йигирма беш тийиндан тўлаб булкачиниқида ўтказилди. Узумдан қилинган винолар қуйилди. Бизнинг қишлоғимиздан бўлганларга ҳам бир сўм, бир сўм йигирма беш тийиндан тўланди, аммо улар ҳеч нарса емадилар. Қишлоқи овқат мазасини биладими?

— Бир сўм йигирма беш тийин!— деди чол, бошини чайқаб.

— Ҳа, нима бўпти? У ёқ қишлоқ эмас, бирорта ресторанга кириб, озроқ овқат емоқчи бўлсанг, битта-иккита одам билан ўтиришиб қоласан; ичкилик бошланиб кетади, бир маҳал қарасанг тонг отиб қопти. Киши бошига учтўрт сўмдан тушаверди. Самородов билан ўтиришиб қолсак, у овқатдан кейин коньяк солинган қаҳва ичишни яхши кўради, коньякнинг бир рюмкаси олтмиш тийиндан.

Чолнинг ҳаваси келиб:

— Ҳамма гапинг ёлғон, ҳамма гапинг ёлғон!— деди.

— Мен энди фақат шу Самородов билан улфатчилик қиладиган бўлдим. Самородов деган одамим сизга юборган хатларимни ёзган киши. Хати жуда яхши.

Анисимнинг хурсандлиги ошиб, Варварага қараб деди:

— Она, агар бу Самородов деган одамнинг қанақалигини айтиб бераварсам ишонмайсиз. Ҳаммамиз унга Мухтор деб от қўйганмиз, чунки ўзи арманига ўхшаган қопқора. Мен унинг бутун икир-чикиридан хабардорман, ҳамма сирларини биламан, у ҳам буни пайқаб ҳеч менинг кетимдан қолмайди. Ҳозир орамиздан қил ўтмайди. Мендан ҳадиксирайди-ю, лекин менсиз бир лаҳза ҳам туролмайди, қаерга борсам кетимдан қолмайди. Ойи, сизга айтай, менинг кўзим дарров ҳар нарсани илади. Биронта қишлоқининг бозорда кўйлак сотиб турганини кўрсам, дарров фаҳмлайман, шошма албатта, ўғирлик кўйлак дейман, кейин суриштириб қарасам дарвоқе ўғирлик чиқади.

— Қандай қилиб биласан?— деб сўрайди Варвара.

— Қандай қилиб билардим, кўзим пишиб қолган-да. Мен кўйлакнинг қандайлигини ҳам билмайман-у, лекин кўнглим ҳадеб шунга чопаверади, ўғирликка ўхшаверади. Қидирув бўлимидагиларнинг ҳаммаси мени билиб қолганлар. Ўғирлик молларни қидиргани бозорга чиққанимда «овга» чиқди дейдилар. Ўғирликни ҳамма ҳам биледи, лекин гап ўғирланган молни бекитишда, ернинг бағри кенг-у, лекин ўғирлик молни бекитишга жой топилмайди.

— Бизнинг қишлоғимизда ўтган хафта Гунторовларнинг битта қўчқори билан иккита совлиғини ўғирлаб кетдилар, лекин бунинг пайига тушиб қидирадиган одам йўқ,— дейди Варвара уҳ тортиб.

— Қидириб кўрсак бўлади. Бунинг қийинлиги йўқ, мумкин.

Тўй кuni ҳам келиб қолди. Ҳаво салқин, лекин осмон очиқ, равшан апрель ҳавоси эди. Эрталабдан бошлаб Ук-леево қишлоғида араванинг дўғасига, отларнинг ёлига ранг-баранг шокилдалар тақилган уч отлик, икки отлик аравалар қўнғироқларини жингиллатиб ўтавердилар. Толлардаги қўнғизлар ва чуғурчуқлар араваларнинг тўполонидан безовталаниб, Цибукинларнинг тўйига хурсандлик қилаётгандек, тинмай сайрар эди.

Дастурхонга узун-узун балиқлар, яхна гўштлар, тухум тўлдириб пиширилган паррандалар, тунука қутидаги тузланган балиқлар ва бошқа ҳар хил лазиз овқатлар, бир талай шишаларда ароғу винолар, дудланган колбасалар ва ачиган қисқичбақалар қўйилди. Чол қўлидаги пичоқларни бир-бирига қайраб, пошнасини дўқиллатиб дастурхон атрофида юрар эди. Варварани у ёққа бу ёққа чақириб,

ҳали уни, ҳали буни сўрашарди. Варвара ҳам ҳовлиқиб, ҳарсиллаб меҳмонхонадан ошхонага, ошхонадан меҳмонхонага чопар эди. Ошхонада тонг отардан бери Костюковлардан бир ошпаз, кичик биродарон Хриминлар томонидан юборилган бир ошпаз хотин овқат тайёрламоқда эди. Аксинья сочларини жингалак қилиб, ғарчиллама янги ботинкани кийиб, белини сириб олиб, ич кўйлак билан ҳовлида у ёқдан бу ёққа чопар, яланғоч сонлари билан кўкраклари ҳар замонда бир кўриниб қолар эди. Шовқин-сурон, койишган-сўкишган, худони ўртага солиб қасам ичишган, ўтган-кетганлар ланг очиқ дарвоза олдида тўхтаб томоша қиларди. Бундаги ҳаракатлардан, фавқулодда бир ишга тайёргарлик борлиги сезилиб турарди.

— Келинга арава кетди!— деди биров.

— Араванинг кўнғироқлари қишлоқдан чиққандан кейин ҳам узоқдан эшитилиб турди, кейин кўнғироқ овози тинди... Соат иккидан ўтганда одамлар яна чувалашиб қолдилар. Яна кўнғироқ овози чиқди. Ҳамма ҳар тарафдан:

— Келин келяпти, келин келяпти — деб қолишди.

Черков одамга лиқ тўлди, шамчироқлар ёқилди, чол Цибукиннинг раъйига қараб ҳофизлар нога ўқидилар. Чироқларнинг шуъласи, ранго-ранг кийимларнинг жилваси Липанинг кўзини қамаштирди, ҳофизларнинг қаттиқ овози назарида бошига болгадек тегар эди. Умрида биринчи марта кийган корсети<sup>1</sup> белини, тор ботинкаси оёғини сиқар эди. У беҳушликдан уйғонгандек карахт, ҳайрон бўлиб, анграйиб турарди. Қора камзул кийган, галстук ўрнига қизил боғич таққан Анисим ҳам бир нуқтага тикилиб, ҳуши қочиб турар, ҳофизлар авжга чиққанларида шошиб-пишиб чўқиниб оларди; кўнгли бузилиб, ўпкаси тўлиб йиғлагуси келарди. Бу черковни Анисим ёшлик чоғларидан биледи. Бир вақтларда, болалик чоғида марҳум онаси уни шу черковга келтириб чўқинтирган, сал катта бўлганида болалар билан бунда ҳофизлик қилган эди. Шунинг учун черковнинг ҳар ерини, ундаги иконанинг ҳар бирини жуда яхши биледи. Бу кун никоҳ, расми-одат шу экан, уйланмоқ керак экан, лекин бу онда уйланиш тўғрисида ҳеч бир ўй-ламас, тўй эсидан тамомила чиқиб кетган эди. Кўзига

<sup>1</sup> Корсет — хотинлар белларига боғлайдиган, белни сиқиб турадиган белбоғ.



жиқ-жиқ ёш тўлиб, черковни яхши кўролмас, юраги сиқилар эди. Кўнглида худога ёлбориб, қурғоқчилик вақтида осмонда пайдо бўлган қора булутлар қишлоқ тепасидан томчиламай ўтиб кетганидек, бугун бўлмаса эртага унинг бошига тушай деб турган бало-қазоларнинг ҳам безиён-захмат ўтиб кетишини сўрар эди. Гуноҳи тўла, гуноҳ лойига ботган, нажотдан ҳеч бир умид йўқ, шунинг учун худодан марҳамат сўрашга ҳам тили бормайди, лекин шундай бўлса ҳамки, худога илтижо қилиб ёлборди, ҳатто пиқ-пиқ йиғлаб юборди, аммо унинг бу ҳолига ҳеч ким парво қилмади, чунки ҳамма уни ичиб олган деб ўйлар эди.

Упкаси шишиб йиғлаган боланинг овози эшитилди:

— Ойижон, мени бу ердан тезроқ олиб кет! Ўргилай ойн!

— Шовқинлама, ҳой! — деб бақирди поп.

— Черковдан қайтиб келаётганларида аллақанча одам орқаларидан эргашди; дўконнинг олдини, дарвозахонани, ҳовлини, дарча тегини одам босиб кетди. Мақтовчи хотинлар келдилар. Келин билан куёв дарвозадан кириши билан, эшик тагида нота ушлаб тайёр турган ҳофизлар бирдан қўшиқ бошладилар; атайин шаҳардан келтирилган музика чалиб юборди. Баланд бўйли қадаҳларда доннинг вижиллаб турган винолари келтирилди. Қалин қошлари орасидан кўзлари зўрға кўриниб турган, баланд бўйли, қотмадан келган пудратчи уста Елизаров келин билан куёвга насиҳат қилиб, деди:

— Ўғлим Анисим, қизим сен ҳам бир-бирингизга озор берманг, хафа қилманг, худонинг амридан чиқмасангиз, ҳеч маҳал хор бўлмайсиз.— Бу сўзларни айтиб пудратчи чол бошини Григорийнинг елкасига қўйиб, йиғлаб юборди.— Григорий Петров хурсандликдан йиғлайлик! — деди ингичка товуш билан, сўнгра хохолаб кулди.— Бу келининг ҳам маъқул. Бекам-у кўст, ҳеч қаерда нуқсонини йўқ, ҳаммаси жойида, чакки эмас.

Бу мўйсафид устанинг асли Егорьев уездидан эди, аммо ёшлигидан бери Уклеєво қишлоғидаги фабрикаларда ишлаб, шу ерлик бўлиб қолган қадимги чол эди. Ҳамма вақт унинг афти-башарси шунақа, бўйи новча, қотма эди, шунинг учун ҳам уни Еғочоёқ дердилар. Қирқ йилдан ортиқроқ фабрикаларда фақат ремонт иши билан шўғулланганиданми, ҳар ҳолда, биров тўғрисида гапирганда, бирон нарса устида сўзлаганда фақат унинг мустаҳкамлиги-

ни ёки бепандлигини суриштирар эди. Стол олдига ўтираётганда ҳам аввал биринчи стулни қимирлатиб кўрар, дастурхондаги балиқни ҳам ушлаб қўярди.

Келтирилган қадаҳни бир сидра ичиб бўлгандан кейин меҳмонлар дастурхонга ўтиришди. Стулларни суриб, бир-бирлари билан гаплашар, ичкарида ҳофизлар ашула айтишар, музыка чалар, ҳовлида хотин-халажлар отинлик қиларди. Биров чинқирган, биров бақирган, хуллас шовқин-сурон ғалвадан бош оғрир эди.

Бояги Ёгочоёқ жим ўтирмай, стулини ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа сурар, ёнидагиларни тирсаги билан турткилаб гаплашгани қўймас, ҳали йиғлар, ҳали хохолаб кулар.

— Чироғларим, бўталарим... Бўтам Аксиња, Варвара, жигарларим, ҳамжиҳат бўлайлик, иттифоқ бўлайлик... — дерди ғўлдираб.

— Бу мўйсафид ичкиликни кам ичарди, ҳозир бир рюмка инглиз ароғи ичиши билан маст бўлиб қолди. Нимадан қилингани номаълум бўлган бу заҳардек аччиқ ароқ ичган кишини дарров юмалатар эди. Ҳамма маст бўлиб, ғўлдираб қолди.

Меҳмонларнинг ичида руҳонийлар ҳам, хотини билан келган гумашталар ҳам, бошқа қишлоқлардан келган савдогар ва қовоқхоначилар ҳам бор эди. Ун тўрт йилдан бери бирга хизмат қилиб келаётган ва лекин бу муддатда бир қоғозга ҳам қўл қўймаган, маҳкамаларига келган кишини алдамасдан, ранжитмасдан чиқазмаган воласть старшинаси ва унинг мирзаси ёнма-ён ўтиришар эди. Иккови ҳам бир-биридан семиз, тўқ, икковининг ҳам афтибашараси шундай эдики, ёлғончилик баданларига жуда сингиб кетканидан юзларининг териси ҳам алланечук доғулиликларидан шаҳодат бериб турарди. Воласть мирзасининг озиб, қотиб кетган ғилай хотини бола-чақаларининг ҳаммасини эргаштириб келган, худди олғир лочиндек дастурхонга қинғайиб қарар, қўлига тушган нарсани ўзининг ва болаларининг чўнтагига тиқар эди.

Липа черковда қай ҳолда ўтирган бўлса ҳали ҳам шу ҳолда беҳушдек ўтирар эди. Анисим Липа билан танишгандан бери ҳалигача у билан гаплашгани йўқ, шунинг учун унинг товуши қанақа эканини ҳам билмайди. Ҳозир у ёнида ўтирган бўлса ҳам инглиз ароғини индамай ичиб ўтирибди, хўб ичиб маст бўлгандан кейин рўбарўсида ўтирган холасига сўз қотиб деди:

— Самородов деган бир ошнам бор, кўп иш билармон одам, обрўси баланд, мартабаси улуғ киши, гапни ҳам ўрнига қўяди, аммо сизга айтсам хола, мен унинг ҳамма сиридан воқифман. Бундан унинг ўзи ҳам беҳабар эмас. Энди икковимиз Самородовнинг соғлиғи учун ичсак нима дейсиз?

Барвара дастурхон атрофида югуриб-елиб юрар, меҳмонларга олинг-олинг қилар, лекин ўзи ҳориган, чарчаган, паришонроқ, аммо дастурхондаги турли-туман овқатларга қараб хурсанд бўлар эди, чунки ҳеч ким унинг меҳмондорчилигини таъна қилиб, айбситолмайди. Кун ботиб кеч кирса ҳам зиёфат давом этди. Меҳмонлар нима еган — нима ичганларини, гапирган гапларини билмас даражага етдилар. Ҳеч кимнинг гапи эшитилмас, фақат онда сонда музыка тўхтаганда ҳовлида бақираётган бир хотиннинг овози эшитилиб қолар эди:

— Қонимизни хўб ичдинглар, жувонмарглар, нега сизларга қирон келмайди! — деб бақирар эди хотин.

Кечқурун музыка билан ўйин бошланди. Кичик Хриминлар ўз виноларини кўтариб келдилар. Уларнинг бири икки қўлида икки шиша, оғзида рюмка билан кадрилъ ўйинига тушиб ҳаммани кулдирди. Кадрилга тушиб туриб, бирдан бошқа ўйинни бошлаб юборардилар. Бошидан оёғигача кўм-кўк кийган Аксинья ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа лип-лип ўтиб турар ва унинг узун этагидан шамол кўтарилар эди. Биров унинг этак бурмасини босиб олган эди, буни кўриб, бояги Егочоёқ мўйсафид уста бақириб:

— Ҳой, этагингдаги шокилдангни юлиб олди! Эй жигарларим! — деб қўйди.

Аксиньянинг бақрайиб турган соддагина кўк кўзлари ҳеч юмилмас, оғзи доим илжайиб турарди. Унинг ҳеч юмилмай бақрайиб турган кўзлари узун бўйни, кичкинагина боши, типпатик фоз турган бўйи илонга ўхшаброқ кетар эди. Кўк кийими, кўкрагидаги сариқ уқаси, таноби қочиб доим илжайиб турган оғзи — баҳорда кўкариб ётган буғдой ичидан бошини чиқариб турган илонга ўхшарди. Биродарон Хриминлар Аксинья билан жуда апоқ-чапоқ эдилар ва шу сабабдан Хриминларнинг каттаси билан аллақачондан бери ораси жуда яқин бўлиб кетганлиги ошкор бўлиб турарди. Кар эри ҳеч нарсани пайқамас, хотинига боқмас ҳам эди. У икки оёғини чалиштириб олиб, тўппонча отгандек қарсиллатиб ёнғоқ чақиш билан овора эди.

Бир маҳал чол Цибукиннинг ўзи давра ўртасига чиқиб, ўйин тушмоқчи бўлганини билдириб, рўмолчасини бир-икки силкитган эди, ичкари ва ташқаридаги одамлар қий-чув кўтариб:

— Ўзи чиқди! Ўзи!— деб қичқаришди.

Ўйинга Варвара тушди. Чол эри қўлидаги рўмолчасини силкитиб, пошнасини дукуллатар эди холос, ҳовлида гавжум бўлиб дарчадан томоша қилиб турганлар, шу пайт хурсандликдан унинг бойлигини, ундан кўрган жабр-жафоларини унутдилар.

Томошабинлар орасидан:

— Қойилман, баракалла, Григорий Петров! Қандингни ур! Ҳали ҳам жойида экансан, бор бўл, баракалла!— деган овозлар чиқди.

Бу ўйин-кулги алламаҳалгача чўзилиб, соат бирдан ошганда тамом бўлди. Анисим гандираклаб ҳофиз ва созандалар билан хайрлашаркан, ҳар қайсисига янги ярим сўмликдан инъом қилди. Чол гандиракламасдан, сал сйлтанғланиб, меҳмонларни кузатаркан, ҳаммага:

— Тўй икки мингга тушди,— дерди.

Меҳмонлар тарқалаётганда Шикалова қишлоғидаги қовоқхона эгасининг янги тўнини биров кийиб, эскисини ташлаб кетибди деган овоза тарқалди. Бундан воқиф бўлган Анисим тутақиб кетиб:

— Тўхта! Топмасдан қўймайман! Уғрининг кимлигини биламан! Тўхта!— деб шовқин солди.

Кўчага чиқиб бировнинг орқасидан югурганича кетди; кейин уни ушлаб олиб, қўлтиғидан судраб, ҳовлига олиб келдилар. Маст, жаҳлидан қип-қизариб, терлаб кетган Анисимни орқасидан итариб, холаси Липани ечинтираётган уйга киргизиб, эшикни ёпдилар.

#### IV

Орадан беш кун ўтди. Кетмоқчи бўлиб отланган Анисим Варвара билан хайрлашгани болохонага чиқди. Варвара ўтирган уйдаги шамчироқларнинг ҳаммаси ёқиғлик, ҳамма ёқдан хушбўй ҳид келар, Варваранинг ўзи дераза тагида ўтириб, қизил тивитдан пайпоқ тўқир эди. Варвара деди:

— Нега бунча тез отланиб қолдинг, зерикдингми? Войбў... Ҳеч нарсадан камчилигимиз, муҳтожлигимиз йўқ, еганимиз олдимизда, емаганимиз орқамизда, тўйинг-

ни ҳам хўб яхши ўтказдик, расм-одатни бажо келтирдик. Отанг тўйга икки минг сўм сарф бўлди дейди. Қисқаси ҳеч бир савдогар бойдан камлигимиз йўқ, фақат зерикамиз, шуниси бор. Халққа кўп озор берамиз. Бўтам, халққа ёмон жабр қиламиз, шунга юрагим сиқилади. Худо ўзи кечирсин! Отимизни алиштирсак ҳам, сотсак-олсак ҳам, биронта хизматкор олсак ҳам алдамасдан қўймаймиз. Дўконда сотилаётган оқлама мойимиз аччиқ, бўрсиган, бошқаларнинг аравага суртадиган қора мойи ҳам бизникидан яхши. Ахир инсоф қилиб ўзинг айтсангчи, ёғнинг яхшисини сотсак бўлмайди?

— Ойи, ҳар кимнинг ҳунари!

— Ахир ўлим бор-ку орада! Қандоқ қилай, вой-вой, ахир отаңга айтсанг-чи!

— Сиз айтганингиз маъқул.

— Э-э! Мен айтганим билан нима дерди, сендақа ҳар кимнинг ҳунари,— дейди қўяди. Ахир охиратда ҳар кимнинг ҳунари деб қўя қолинмас, худо одил.

— Албатта охиратда буни ҳеч ким суриштириб ўтирмайди, ойи, барибир худо йўқ-ку, суриштириш нимаси!— деди Анисим, кейин бир уҳ тортиб қўйди.

Барвара унинг башарасига ҳайрон бўлиб қараб, кулиб юборди, кейин қўл силтаб қўя қолди. Онасининг ниҳоятда ажабланиб, унга тентак дегандек қараганига Анисим изза бўлиб, деди:

— Эҳтимол худо бордир, лекин дин йўқ. Никоҳ вақтида мен ўз фикрим билан овора эдим. Тухум босиб ётган товуқнинг тагидан тухумини олганда тухумдан чиқмаган жўжа чийиллагандек никоҳ ўқиётган вақтда менинг ҳам виждоним бирдан чийиллаб кетди, худо бормикин деган фикр хаёлимдан кетмади. Лекин бутхонадан чиқишим билан сал ёзилдим. Худонинг бор-йўқлигини мен қаердан билай. Бизларни болалик чоғимиздан бошлаб бу хил нарсаларга ўргатмадилар. Эмчакдан айрилмаган болага ҳам фақат ҳар кимнинг ҳунари деган гапни ўргатдилар холос. Отам ҳам ҳақиқатда худога ишонмайди. Бир кун сиз менга Гунторевнинг қўйи ўғирланибди деган эдингиз. Мен топдим, Шикалова қишлоғидаги бир киши ўғирлаган экан. Ўғирлаган биров-ку, терилари дадамнинг дўконига келиб қопти... Дин-инсоф ана шу!

Анисим кўзини қисиб қўйиб, бошини чайқади.

— Қишлоғимизнинг старшинаси ҳам мирзаси ҳам, дьячоги ҳам худога ишонмайди. Бутхонага бориб чўқиниш-

лари, рўза тутишлари ҳаммаси хўжа кўрсинга, риёкорлик, мабодо қиёмат қойим бўлиб қолса, расво бўлмайлик, деб қўрққанларидан қилган ишлари. Охир замон бўлди, халқнинг дили сусайди, болалар ота-оналарини, кичиклар катталарни ҳурмат қилмайдилар, шунақа шумликлардан қиёмат яқин келиб қолди, дейдилар. Бу гапларнинг бариси ёлғон. Ойи, менинг тушунганим шунчаликки, бу шумликлар ҳаммаси одамларда инсоф қолмаганидан. Мен ҳаммасидан воқифман, ақлим етади. Агар бировнинг эғнидаги кўйлаги ўғирлик бўлса, кўзим дарров кўради. Биров қовоқхонада ўғирган бўлса, сиздақа одам кўрганда: чой ичиб ўтирибди, дейди қўяди, лекин мен бўлсам унинг виждони ҳам йўқлигини биламан. Эртадан кечгача изғиб юриб, битта ҳам виждонли одамни кўрмайман. Бу ишларнинг ҳаммаси шунданки, бу виждонсизлар худонинг бор-йўқлигини билмайдилар... Хўш, энди хайр, ойи, соғ-саломат бўлинг, ёмон-яхши гапирган бўлсам рози бўлинг.

Анисим Варваранинг оёғига таъзим қилиб, миннатдорлик билдирди.

— Ойи, қилган яхшиликларингизга миннатдорман. Бизнинг уруғимиз сиздан кўп манфаат кўрди. Кўп яхши хотинсиз, мен сиздан жуда хурсандман.

Анисим кўнгли бузилиб, ўпкаси тўлиб, ташқарига чиқди, аммо бир оздан кейин қайтиб келиб, ойисига деди:

— Самородов мени бир чатоқ ишга тиқиб қўйди, бу ишдан ёки бой бўлиб кетаман ёки расво бўламан. Мабодо бу иш туфайли бирор ҳодиса бўлса ойижон, сиз отамнинг кўнглига тасалли беринг.

— Ёмон ният қилма, қўй! Шўрим қурсин... Худонинг даргоҳи кенг. Сен, Анисим, хотинингга сал яхшироқ қараб силаб-сийпа, эркалат, икковингиз ҳам бир-бирингизга тумшайганингиз-тумшайган, сал чиройингизни очиб кулсангиз нима қилади.

— Хотиним жуда ғалати...— деди Анисим уҳ тортиб.— Ҳеч уқуви йўқ, индамай ўтираверади. Жуда ғўр, ёш. Майли, бир оз ўссин.

Баланд бўйли семиз жийрон от қўшилган арава эшик тагида тайёр турар эди.

Чол Цибукин югуриб келиб, олифталик билан аравага чиқиб, тизгинни ушлади. Варвара, Аксинья ва укаси билан Анисим ўпишиб хайрлашди. Липа ҳам эшик тагидаги

зина устида турар эди. У эрини кузатгани эмас, ўзи шунчаки чиққан одамдек ҳар тарафга аланглаб турар эди. Анисим унинг олдига келиб, лабларини юзига сал тегнизиб ўпгач:

— Хайр,— деди.

Липа эрига қарамасдан туриб алланечук илжайди. Юзлари титради. Буни кўрганларнинг негадир унинг ҳолига раҳми келди. Анисим ҳам ирғиб аравага чиқиб, биқинини ушлаб ўтириб олди, чунки у ҳам ўзини хушрўй деб биларди.

Сойликдан юқорига чиққач Анисим дам-бадам орқасига қараб қишлоқни томоша қиларди. Ҳаво илиқ, осмон очиқ, бугун биринчи кун пода далага чиққан, молларнинг атрофида ясанган қиз-жувонлар, хотин-халажлар айланишиб юришарди. Қорамтир тарғил буқа яйловда яйраб бўкирар, олдинги оёғи билан ер қазирди. Ер ва кўкда тўрғайлар сайрар. Анисим яқиндагина бўялган баланд черковга қараб, бундан беш кун аввал у ерда ибодат қилгани эсига тушди. Кўк томли мактабга, бир вақтларда ўзи қармоқ солиб балиқ тутган, чўмилган сойга қаради. Кўнглида аллақандай шодлик туғилди ва шу чоғ кўнглида: олдимда бир баланд девор пайдо бўлиб, йўлимни тўсса-ю, бошқа ҳеч нарса кўрмасам, шу кўрганларим бас бўлса, ўтмишим билан қола қолсам, деди.

Станцияга келгач буфетга кириб бир рюмкадан херес вино ичдилар. Чол пул тўламоқ учун киссасига қўл солган эди, Анисим:

— Йўқ, мен тўлайман!— деди.

Чолнинг кўнгли кўтарилиб, Анисимнинг елкасига қоқиб қўйгач, буфетчига қараб, қандай ўғлим бор-а, дегандек кўзини қисиб қўйди.

— Ўғлим, кетмасдан уйда қолсанг, ишимизни қўлга олсанг яхши бўларди, жуда бебаҳо одам бўлардинг! Сени мен бошингдан оёгинггача зар қуярдим.

— Дада, ҳеч иложи йўқ.

Херес бир оз нордонроқ, сургич ҳиди келар эди, аммо шундай бўлса ҳам яна бир рюмкадан ичдилар.

Чол ўғлини кузатиб станциядан қайтиб келгач кичик келинини таниёлмай қолди. Эри ҳовлидан чиқиб кетиши билан Липанинг чеҳраси очилиб кетибди. Эски юбкасини кийиб олиб, енгини кифтигача шимариб, ялангоёқ, даҳлизни ювиб турган экан. Майин овоз билан қўшиқ айтиб, катта тоғорани лойқа сув билан кўтариб чиқаётганда,

маъсум гўдаклардек офтобга қараб илжайганда, осмонда юрган тўрғайларга ўхшаб кетди.

Эшик олдидан ўтиб кетаётган кекса хизматкор бошини чайқади ва гўлдираб:

— Григорий Петров, худо сенга хўб яхши келин берди-да. Хотин эмас, ёмби! деди.

## V

Ёғочоёқ лақабли Елизаров ва Липа саккизинчи июль, жума куни Казанское қишлоғидан черков байрами муносабати билан ибодатга бориб, уйга қайтаётган эди. Уларнинг орқасидан анча нарида Липанинг онаси Прасковья ҳам келар, у бетоб бўлиб, ҳарсиллаб, кейинроқда қолган эди. Вақт ҳам кеч бўлиб қолган эди.

Ёғочоёқ Липанинг гапини эшитганда таажжубланиб.

— А-а-а!.. Шунақами?.. Хўш, хўш, қани гапир!— деб қўяр эди.

— Илья Макарич, мен ўзим мураббони жуда яхши кўраман. Бир бурчакка ўтириб олиб мураббо билан чой ичганим ичган. Гоҳо Варвара Николаевна билан бирга ўтириб чойхўрлик қиламиз. У киши ҳар хил эртақлар сўзлаб берадилар. У кишининг мураббоси кўп, тўрт банка. «Липа, тортинмасдан еявер» дейдилар.

— А-а-аа!.. Тўрт банка!

— Давлатлари жойида, чойни оқ булка билан ичишадди, мол гўшти ҳам мўл, рўзғорлари бикир, фақат, сизга айтсам Илья Макарич бу уйда доим ваҳимадаман, жуда қўрқаман!

— Болам, нимадан қўрқасан!— деб сўради мўйсафид, кейин Прасковья қаерда қолдикин деб орқасига қайрилиб қаради.

Аввало шуки, тўйдан кейин Анисим Григоричдан юрагим чўчиб қолди. У киши-ку мени ҳеч нарса қилиб ранжитганлари йўқ, лекин қачонки менга яқинлашса баданим увушиб, суяк-суякларим зирқираб кетади. Бир кеча ҳам ухлаганим йўқ. Қўрққанимдан қалтираб, худо дедим холос. Энди Илья Макарич, сизга айтсам, Аксиньядан қўрқаман. У-ку ўзи ёмон эмас, ҳамма вақт кулиб туради, бироқ гоҳо деразадан ўқрайиб қараб қўйса, кўзлари оғилхонадаги қўйникидек кўм-кўк ёниб кетади. Кичик Хри-



минлар уни йўлдан оздиришяпти. «Қайнатаининг Бутёкинода қирқ десятина ери бор, ер деганда ҳам қандай ерки, сувлик, қумлик ер. Сен, Аксинья, ўз номингдан шу ерга хумдон сол, бизларни ўзингга шерик қилиб ол» дейдилар. Ҳозир гиштнинг минги йигирма сўм, омади юришган иш. Кеча овқат еб ўтирганимизда Аксинья қайнатамизга, «Бутёкинога мен хумдон соламан, ўзим юргизаман» деб кулиб қўйди. . . Григорий Петровичнинг ранги ўчиб кетди. Унинг гапи ёқмади шекилли: «Мен тирик борман, ҳеч қайсингни айирмайман, ҳамманг бир уйлик бўлиб тураверасан» дедилар. Аксиньянинг кўзлари чақчайиб, тишлари гижирлаб кетди. . . Қуймоқ келтириб бердилар, емади! Чол ажабланиб:

— А-а-аа! Емади дегин!— деб қўйди.

Липа сўзида давом қилди:

— У қурғурнинг ухлаганини ҳам билиб бўлмайди. Ярим соат ўтар-ўтмас, дарров туриб, изғий, бошлайди. Битта-яримта ўт қўйиб кетмадими, бир нарсани ўғирламадими деб ташвиш қилаверади. . . Илья Макарич, сизга айтсам мен ундан жуда қўрқаман! Қичик Хриминлар тўйдан кейин, ухламасдан ҳам, тўппа-тўғри шаҳарга судлашгани кетдилар. Одамлар бу гапларнинг ҳаммасини Аксиньядан кўрадилар. Икки оғанини унга хумдон куриб бермоқчи бўпти, учинчиси бундан ҳафа бўлиб, ўртада бир ойдан бери фабрика тўхтаб қолди. Бунинг орқасида Прорхор амаким ишсиз қолиб, эшикма-эшик гадойчилик қилиб юрибди. Мен амакимга: бекор юрмасдан экин-текин қилсанг бўлмайдими, тирикчиликнинг айби йўқ! дедим. У менга «Ҳалол ишдан чиқиб қолибман, ҳеч ишга бўйним ёр бермайди, Липинька!» дейди. Еш буталар ўсган чакалакзорга келганда дам олгани ва Прасковьяни кутгани ўтирдилар. Елизаров кўп замонлардан бери пудратчилик қилса ҳам мингани оти йўқ, ҳамиша яёв юрар, битта халтага нон билан пиёз солиб, елкасига ташлаб кетаверар; юрганда ҳам қадамини узун ташлаб, қўлларини кериб юрар, шунинг учун унга ҳамроҳ бўлган одам етиб юролмас эди.

Чакалакзор олдида ерга қадалган бир ёғоч бор эди, Елизаров ёғочнинг маҳкамлигини билмоқ учун уни қимирлатиб кўрди. Шу пайтда ҳарсиллаб Прасковья ҳам етиб келди. Унинг бужмайган ва ҳамиша хавф-хатарда турган чехрасида шодлик аломати бор эди. Чунки бугун одам бўлиб у ҳам черковга кирди, бозор айланиб, нок су-

видан қилинган квас ичди. Бундай бахтли кунлар унинг умрида ниҳоятда кам бўларди. Ҳатто бугун унинг назарида энди биринчи марта роҳат қилиб яшагандек эди. Бир оз дам олгандан кейин учовлари бирга йўлга тушдилар. Кун ботиб, офтоб шуъласи дарахтларга тушиб турар эди. Олдинда одамларнинг шовқинлашгани эшитилди. Уклеєво қишлоғидан келган қизлар аллақачон ўтиб кетган эди, лекин чакалакзорда юрган эканлар, қўзиқорин терган бўлсалар керак.

Елизаров:

— Ҳой, қизлар! Ҳой, нозанинлар!— деб бақирди. Қизлар хохолашиб кулишиб:

— Ёғочоёқ келяпти! Бетовфиқ чол келяпти!— деди.

Қизларнинг кулгиси акс садо берди. Бир оздан кейин чакалакзор ҳам орқада қолди. Фабрикаларнинг мўриси, черков қўнғироқхонаси тепасидаги крестлар ярқираб кўринди. Бу эса — «маъракага келган дьячок икранинг ҳаммасини еб қўйган қишлоқ»нинг ўзи эди. Бора-бора уйларнинг томи ҳам кўринди, қишлоқ жуда яқин қолди, сойнинг ичига тушилса қишлоққа кириларди. Яланг оёқ бўлиб келаётган Липа билан онаси Прасковья оёқларига кийиб олмоқ учун ўт устига ўтирдилар, пудратчи чол ҳам улар ёнига бориб ўтирди. Соё тепасидан туриб қаралса қишлоқнинг катта-катта толлари, оппоқ черкови, соёи жуда чиройли кўринар эди. Хасисликдан қорага бўялган фабрика томлари хунук қилиб турмаса, қишлоқ ҳам чиройли эди. Соёнинг нариги бағрига экилган қора буғдой бўрон сочиб юборгандек тўп-тўп бўлиб, ҳар қаерда ётар, яқиндагина ўрилиб, ҳали боғланмаган буғдойлар кўриниб турар, сули ҳам аллақачон пишиб, куннинг шуъласидан садафдек товланар эди. Уроқ қистов вақти эди. Бугун байрам, эртага шанба куни буғдой ўрмоқ, похол ташимоқ, индинга якшанба куни яна байрам. Ҳар кун узоқда чақмоқ чақиб, момақалди роқ бўлиб турар, ҳаво дим, осмоннинг ёмғир ёғадиган вазоҳати бор эди. Ҳар ким экинларга қараб, худо ҳавони берса, дон-дунларни йиғиштириб олсак, дерди. Ҳамманинг димоғи чоғ, кўнгли хурсанд, юрагида тезроқ йиғиштириб олсак, деган ташвиш.

— Бу йил ўроқчилар қиммат, кунига етти тангадан,— деди Прасковья.

Казанское қишлоғидаги бозордан қайтган одамлар ҳали ҳам тўхтамасдан келмоқда. Ясанган хотин-халажлар, янги шапка кийган фабрика ишчилари, бева-бечора гадой-

лар, бола-чақалар келар эди. . . Гоҳо кўчанинг чангини кўтариб аравалар ўтиб қоларди, араванинг орқасида бозордан қайтган от, сотилмасдан қолганига қувонгандек ўйнаб келар эди. Юргани унамай, тихирлик қилаётган сигирни биров шохидан судраб келяпти, биров оёғини оситириб ўтириб олган мастларни солиб олган аравасини чоптириб келяпти. Бир кампир бошига каттакон шапка, оёғига катта этик кииб олган ўғил болани қўлидан ушлаб етаклаб келяпти; бола куннинг иссиғидан, этигининг катталигидан ва оғирлигидан тиззасини буколмай оёғини зўрға кўтариб қўяётган бўлса ҳам, сурнайини оғзидан қўймай чалар эди. Соёликдан пастга тушиб кўчага бурилганда ҳам сурнайининг овози келар эди.

— Бизнинг хўжайинларимизга бир бало бўлди. . . — деди Елизаров, — иш чатоқ! Костюков мендан хафа. «Карнизга тахтани кўп ишлатиб юборибсан» дейди. Мен, нега кўп бўлсин, Василь Данилич, кераклигидан ортиқ ишлатганим йўқ деб эдим, шундан можаро бошланиб кетди. Мен, ахир тахтани пишириб емагандирман, деб эдим, «Аблаҳ, менга шундай гаплар айтгани қандай тилинг борди. Сен ҳаддингдан ошма! Сени пудратчи қилган мен бўламан!» деб койиб кетди. Мен ҳам, ана холос, пудратчи бўлиб ҳам ҳар куни ичишим чой эди, ҳали ҳам шу, дедим. «Ҳаммангиз бир-бирингиздан беш баттар муттаҳамсиз. . .» деган сўзларни ҳам қилди. Лекин мен бир гапдан қола қолдим. Кўнглимда, бизлар-ку, бу дунёда муттаҳаммиз-а, лекин сизлар у дунёда муттаҳам бўласиз, дедим. Эртасига дабдабасидан тушибди. «Сен, Макарич, мендан хафа бўлма, айтган сўзларимга ранжима. Агар мен бир-икки калима ортиқча сўзни айтиб юборган бўлсам, ёшим сендан улуғ, ўзим первой гильди савдогарман, сен бир сўздан қолишинг керак эди» деди. Мен, албатта, сиз первой гильди бойсиз, мен анчайин бир устаман, буниси тўғри, аммо Юсуф пайғамбар ҳам дурадгор уста эди. Бизнинг касбимиз табаррук, ҳалол касб, лекин сендан каттаман десангиз, Василий Данилич, бу гапингизга иқрорман, дедим. Икковимиз ўртамызда бўлиб ўтиб кетган бу гаплардан кейин мен танамга ўйлаб кўрдим, ким катта? Биринчи гильдия савдогари каттами ёки дурадгор устами? Чироғларим, албатта уста катта бўлса керак!

Ёғочоёқ бир оз ўйланқираб туриб, яна деди:

— Чироғларим, гап шу, ким меҳнат қилса, кимки жабр-жафони кўп тортса ўша катта.

Кун ботди, сой тепасида, черковнинг деворлари ва фабрикалар олдидаги ялангликларни сутдек оппоқ туман босди... Бир лаҳзада қоронғилик тушиб, сойликда чироқлар милтиллай бошлади. Ҳамма ёқни босган туман энди тагсиз жарликни бекитиб тургандек кўринарди. Қашшоқликда туғилиб, қўрқиб, юрак олдириб қўйган, вайрон дилларидан бошқа ҳамма бор-йўқларини бошқаларга бериб, умр бўйи бечорагарчиликда қолишга рози бўлган Липа билан онаси, бу чоқда сирлар ичига ботган бепоён оламдаги сон-саноқсиз жониворлар қаторида «бизлар ҳам бир махлуқмиз» деган хаёлни кўнгилларидан кечирган бўлсалар керак; сой тепасида ўтиришнинг гашти бор эди, бу чоқда ўзларини бахтиёр билиб қувонар, ҳатто сойликка тушмасдан иложлари йўқлигини ҳам унутдилар.

Ахири уйларига қайтиб келдилар. Дарвозахонада, дўкон олдида ўроқчилар ўтирарди. Уклееево қишлоғининг ўзидаги ўроқчилар одатда Цибукиннинг ишини қилмасдилар ва шу сабабдан бошқа қишлоқдан ўроқчи оларди. Ўтирган ўроқчилар қоронғида узун-узун қора соқолли одамларга ўхшаб кўринарди. Дўкон очиқ, ичкарида бир бола билан кар дамка ўйнаётгани кўриниб турарди. Ўроқчилар секин-секин овоз чиқариб, оҳиста-оҳиста қўшиқ айтар; дам-бадам шовқинлаб, кечаги мардикор пулини қистардилар, аммо уларни эртага ҳам кеткизмасдан ишлатмоқ учун ҳақларини бермай турардилар. Чол Цибукин фақат нимча кийиб Аксинья билан эшик олдидаги дарахт тагида чой ичиб ўтирар, столда чироқ ёниб турарди.

Дарвоза орқасидан бир ўроқчи Цибукинни мазах қилгандек:

— Ҳой, бува, ҳеч бўлмаса пулимизнинг ярми-ёртисини бериб тур! Ҳой, бува!— дерди.

Бу гапдан кейин дарров хохолаб кулишарди, кейин яна секин-секин қўшиқ айтардилар... Ёғочоёқ чой ичмоқчи бўлиб улар ёнига бориб ўтирди ва сўз бошлади:

— Бозорга бордик, чироғларим, худога шукур, жуда яхши сайл қилиб қайтдик. Бироқ бир хунук гап бўлди. Темирчи Сашка озроқ тамаки олиб дўкондорга ярим сўм бериб эди, берган ярим сўлкавойи қалбаки чиқиб қолди.— Бу сўзни айтиб Ёғочоёқ у ён, бу ёнига аланглаб қўйди. Овозини чиқазмасдан оҳиста гапирмоқчи бўлди-ю, лекин хириллаб қолиб, гапини ҳамма эшитди.

— Берган ярим сўлкавойи қалбаки эканлиги билиниб қолиб, дарров қаердан олдинг деб суриштириб кетдилар. Менга Анисим Цибукин бериб эди, тўйга борганимда берган эди. . . деди Дарров миршабни чақириб, дакангла-тиб олиб кетдилар. . . Петрович, эҳтиёт бўл, яна бирон гап чиқиб қолмасин. . .

Дарвоза орқасидан ҳалиги масхара қилиб гапираётган ўроқчининг овози яна чиқди:

— Ҳой, бува! Ҳой, бува!

У жим бўлди. Ёғочоёқ яна тилга кирди:

— Эй, чироғларим, чироғларим. . . — деб гўлдираганича ўрнидан турди. Уни уйқу енгиб, мудроқ босди.

— Чироғларим, чойингиз ва қантингиз учун раҳмат, энди бориб ухлай. Қариб шартим кетиб партим қолибди, ҳеч соғ жойим йўқ, вой, вой! — деб қўзғалди.

— Улим ҳам яқинлашиб қолганга ўхшайди! — деб қўйди кетаётиб.

Чолнинг кўнгли бузилиб, ўпкаси тўлди. Кекса Цибукин қуйилган чойини ичиб тамом қилмай, хаёл суриб ўрнидан турмай ўтираверди. Унинг башараси аллақачон кўчага чиқиб кетган Ёғочоёқнинг оёқ товушига қулоқ солиб турганга ўхшарди.

Аксинья қайнатасининг нима хаёлда эканини фаҳмлаб:

— Темирчи Сашка ёлғон айтган бўлса ҳам ажаб эмас, — деди.

Цибукин уйига кириб кетиб, бир оздан кейин бир тугунчани кўтариб чиқди; тугунни очиб эди. йилтираб турган яп-янги сўлкавойлар кўринди. У сўлкавойнинг биттасини тишлаб, кейин патнисга ташлаб кўрди, сўнгра яна бирини олиб, ҳалигидай патнисга ташлаб кўрди. . .

Ҳайрон бўлиб, таажжубда қолгандек Аксиньяга қараб туриб:

— Сўлкавойлар дарвоқи қалбаки экан. . . Анисим совғага келтирган сўлкавойлари шу-да. . . Қизим, буларни сен олиб қўй, — деб шивирлаб тугунчани Аксиньяга тутқизди. — Олиб бориб қудуққа ташла, қуриб кетсин! Эҳтиёт бўл, дамингни чиқарма, яна бир бало бўлмасин. . . Самоварни ол, чироқни ўчир. . .

Омборхонада ўтирган Липа билан Прасковья чироқларнинг бирин-кетин ўчганини кўрдилар, фақат Варваранинг болохонасида кўк, қизил шамчироқлар ёниб турарди, у ерда осойишталик, фаровонлик ва беҳабарлик аломати акс этарди. Прасковья қизи Липанинг бойларга тушгани-

га ҳеч кўниколмас ва қизиникига келганда тортиниб, ичкарига кирмасдан, ғариб кишидек даҳлизда ўтирар, илтижо қилгандек жилмаяр эди. Чой-қандни даҳлизга олиб чиқиб берардилар. Липа ҳам янги уйга кўниколмади, эри жўнаб кетгандан кейин ўз ўрнида ётмасдан, ошхонадами, омборхонадами, дуч келган ерда ётиб юраверди. Ҳар куни кир ювар, уйларни тозалар, назарида ҳали ҳам мардикор ишлаётгандай эди. Ибодатдан қайтиб келгач, ошхонага кириб, оқсоч хотин билан бирга чой ичгандан кейин бостирмадаги чана билан девор орасига кириб ерга жой солиб ётдилар. Чироқ йўқ, қоронғи, хомут ҳиди келиб турарди. Унинг олдидаги чироқ ҳам ўчди. Карнинг дўконни бекитгани, ўроқчиларнинг ҳовлида ётаётгани эшитилди. Кичик Хриминларникида қиммат баҳо гармоннинг овози эшитиларди. . . Прасковья билан Липа уйқуга кирдилар.

Бировнинг оёқ товуши уларни безовта қилиб уйғотганда ойдин бўлиб қолган эди. Бостирманинг эшиги олдида қўлида кўрпа-ёстиқ билан Аксинья турибди.

— Бу ер салқинроққа ўхшайди. . . — деди-да, шундоққина остона тагига жой солиб ётди, унга ой нури тушиб турарди.

Аксинья иссиғлаб, ухлай олмай, устидаги кўрпаларни олиб ташлади, дам-бадам уҳ тортиб қўярди. Ойдин кечанинг ёруғида аллақандай чиройли, басавлат бир ҳайвондек кўринарди. Бир муддат ўтар-ўтмас яна оёқ товуши эшитилиб, оппоқ оқариб эшикдан кириб келган чол кўринди.

— Аксинья! Шу ердамисан?

Аксинья жаҳл билан:

— Нимайди!— деди.

— Мен сенга боя пулларни қудуққа ташла деб эдим, ташладингми?

— Нега энди дунёни қудуққа ташлайман? Ўроқчиларга бердим. . .

Чол ваҳимага тушиб, ҳайрон бўлиб:

— Эй, худойим! Жуда баттол хотинсан-да. . . Эй худойим!— деб қўйди.

Қўлини силтаб, ўз-ўзи билан гаплашиб чиқиб кетди. Бирпасдан кейин Аксинья ўтириб, афсус ва надомат билан, қаттиқ уҳ тортиб қўйди. Кейин ўридан туриб, кўрпаёстигини қучоқлаб, чиқиб кетди.

— Онажон, нега мени шу уйга бердинг!— деди онасига қараб Липа,

— Қизим, эрга тегиш қизларнинг пешонасида бор. Буни мен расм қилганим йўқ.

Беҳад ва бепоён қайғу-ҳасрат икковининг ҳам кўнглини вайрон қилгудек эди. Лекин юқоридан, юлдузлар макони бўлган кўм-кўк осмондан биров уларни кўриб, Укле-ево қишлоғида бўлаётган ҳар бир ишдан хабардор бўлиб пойлаб турганга ўхшарди. Ёруғ дунёда ёмонлик ҳар қанча кўп бўлса ҳам, ҳаққоният ҳам бор, бу ҳаққоният ҳам кечанинг гўзаллигидек гўзал ва кечанинг сокинлигидек сокин. Ой нури кечанинг қоронғиси билан қўшилиб кетгандек, ер юзида бор нарсалар ҳам ҳаққоният ва адолат билан қўшилмоқ фурсатини кутади. Икковининг ҳам кўнгли ором топиб, бир-бирининг пинжига кириб ухладилар.

## VI

Анисимни, қалбаки пуллар ясагани ва уларни тарқатгани учун турмага тиқиб қўйганликлари тўғрисида хабар келганига анча бўлди. Бир ой ўтди, ярим йилдан ҳам ошиб кетди, узоқ қиш ўтиб баҳор келди. Анисимнинг аллақачондан бери турмада ётганига унинг уйидагилари ҳам, қишлоқдагилар ҳам кўникиб қолдилар. Биров кечаси уларнинг уйи ёки дўкони олдидан ўтиб кетаётган бўлса, Анисимнинг қамоқда ётгани эсига тушарди. Қўнғироқ чалинганда ҳам негадир Анисимнинг қамоқда ётгани ва яқинда суд бўлиши эсига тушарди.

Ҳамманинг назарида бу уйни қора босгандек кўринарди. Уйдан файз кетди, томини занг босди, дўконнинг тунука қопланган, кўкка бўялган эшиги эскиб, қар айтгандай «тоб ташлаб», бақавли, кекса Цибукин каби қорайиб қолди, у ҳам қорайиб кетганга ўхшарди. Неча вақтлардан бери соч-соқолини олдирмас, мўйловлари ўсиб кетган, аравага ўгирганда эски олифгачилигини қилиб, сакраб чиқмас, эшигидаги гадойларга: «Худо берсин!» демас эди. Қуч-қуввати кетиб, мунгқайиб, бедармон бўлиб қолганлиги ҳар бир ишидан кўриниб турар эди. Одамлар ҳам аввалгидек иззат қилмайдилар, таптортмайдиган бўлиб қолдилар. Миршаб ҳам, аввалгидек порани ҳалигача олиб турган бўлса ҳам, дўконни протокол қилди, яширинча ароқ сотгани учун суд қилмоқчи бўлиб уни уч марта шаҳарга чақирдилар; аммо ҳар гал гувоҳлар келмаганидан суд қолиб, чол кўп сарсон бўлди.

Цибукин ўғлининг олдига кўп қатнади, бировни ёллаб кимгадир ариза берди, назр-ниёзлар, хайр-эҳсонлар қилди. Анисим қамалган турма бошлиғига «кўнгил ўз ҳадини билади» деган ибора ёзилган кумуш стакан билан узун кумуш қошиқ тухфа қилди.

Варвара уйда ўтириб, дерди:

— Тузуккина ҳаракат қиладиган одам йўқ, шўрим курсин... Биронта амалдор одамдан илтимос қилинса, тепамиздаги улуғларга ариза берилса яхши бўларди. Ҳеч бўлмаса судгача кафилга берардилар! Бола фақир жуда эзилиб кетди!

Анисимнинг қамалганига Варвара жуда хафа бўлса ҳам анча семирив, оппоқ оқариб кетди, ҳали ҳам уйда шамчироқлар ёқар, уйини покиза тутар, келган меҳмонлар олдига мурабболар, олма ҳолвалар қўяр эди. Кар билан Аксинья дўкандорлик қиларди. Аксинья Бутёкинода янги хумдон солмоқ ҳаракатига тушиб, ҳар куни тарантасда хумдон тепасига бориб келар, тарантасни ўзи минарди. Йўлда биронта танишни кўриб қолса, барра бугдой ичидан бошини чиқариб турган илондек бўйнини чўзиб, кўнглида бир сирни билгандек илжайиб кулиб қўярди. Липа бўлса рўзага яқин туғиб олиб, эрмаги бола бўлиб қолди. Боласи озғин, заиф, йиғлаши ҳам, қараши ҳам, ҳатто одам қаторига санаб Никифор от қўйганлари ҳам кишига ғалати кўринарди. Липа болани беланчакка ётқизиб қўйиб, ўзи эшик ёнига борар ва:

— Саломалайкум, Никифор Анисимич!— деб салом берар эди.

Кейин югуриб келиб ўпарди, яна эшик тагига қайтиб бориб ҳалигидек:

— Саломалайкум, Никифор Анисимич!— дерди.

Бола қип-қизил оёқларини кўтариб йиғлар, уста Елизаровникига ўхшаб унинг йиғиси билан кулгиси бир эди.

Оқибат суд куни тайин бўлди. Чол суддан беш кун илгари жўнаб кетди. Кейин қишлоқдагилардан бир неча кишини гувоҳликка олиб кетганлари овоза бўлди. Цибукиннинг эски хизматкорига ҳам чақирик қоғози келиб, у ҳам жўнаб кетди.

Суд пайшанба куни бўлди, лекин орадан бир неча кун ўтиб, душанба келиб қолган бўлса ҳам, чол қайтиб келмади ва ҳеч бир дараги йўқ эди. Сешанба куни кечкурун Варвара деразаларни очиб, чол келиб қолармикин деган



умид билан кўчага қулоқ солиб ўтириб эди, нариги уйда бўлса, Липа боласи билан ўйнаб, уни ирғитиб-ирғитиб хурсандлигидан дерди:

— Каттакон киши бўласан, икковимиз бирга мардикор ишлаймиз!

Буни эшитган Варвара койиб:

— Ҳой, бу нима деганинг, мардикоринг нимаси, аҳмоқ? Катта савдогар бўлади! . . — дерди.

Липа секин-секин қўшиқ айтиб турди-да, бир оздан кейин Варваранинг гапи эсидан чиқиб:

— Каттакон бўласан, бирга-бирга мардикор ишлаймиз!— деган гапини яна такрор қилди.

— Ҳой, ҳой тагин нима деб жовраяпсан?

Липа қўлида боласи билан эшик олдида туриб сўради:

— Ойи, нега бола мунча ширин-а? Мунча унга меҳрим баланд?— деб овози тутилиб, кўзига жиқ-жиқ ёш тўлди.— Ким бу, қанақа бола, осмонда учиб юрган патдек енгил, ўзи бир бурдагина, лекин бирам яхши кўраман-эй, назаримда туппа-тузук одамга ўхшайди. Тили йўқ, ҳеч нарса гапирмайди-ю, аммо кўзларини жовдиратиб турганда нима деганини тушуниб тураман.

Станцияга яқинлашиб қолган кечқурунги поезднинг овози эшитилиб қолди. Варвара эрим келармикин деб қулоқ солиб турди. Липанинг гапи унинг қулоғига кирмас, унинг нима деяётганига эътибор ҳам бермас эди. Вақтнинг ўтиб кетганини ҳам фаҳмламас, аъзойи-бадани титрар, қўрққанидан ёки ваҳимасидан эмас, воқиянинг нима бўлганини билмоқчи бўлиб жуда ажабсинганидан титрарди. Лиқ тўла одам тушган араванинг тақир-туқир чопиб ўтиб кетганини кўрди, булар станциядан қайтиб келаётган гувоҳлар эди. Арава дўкон олдида ўтиб кетаётганида Цибукиннинг эски хизматкори ирғиб туриб, ҳовлига кириб кетди. Ҳовлида ундан гап сўраётганлари, у билан сўрашаётганлари эшитилиб турар эди. . .

— Ҳуқуқдан маҳрум қилиниб, мол-мулкни тортиб олинсин, ўзи олти йил Сибирга каторга ишига юборилсин, деб ҳукм бўлди,— деди у шовқиллаб.

Бировга керосин сотаётган Аксинья дўконнинг орқасидаги эшикдан бир қўлида шиша, бир қўлида чўмич билан, оғзида бир танга пулни тишлаб чиқиб келди.

— Дадам қани?— деб сўради лабини шипиллатиб.

— Станцияда қолди. «Қоронғи тушгандан кейин бораман» деди,— деб жавоб берди хизматкор.

Анисимнинг каторга ишига ҳукм қйлингани ҳовлида-гиларга маълум бўлгач, ошхонадаги оқсоч хотин бундай гапни эшитгандан кейин йиғламасдан бақрайиб туриш уят деган каби, худди биров ургандек шовқин кўтариб йиглаб юборди:

— Анисим Григорич, лочиним, бизларни кимга ташлаб кетдинг...

Йиғи овозини эшитиб кучуклар ҳам вовуллашди. Варвара югурганича дераза олдига келиб, бетоқатликдан юраги сиқилиб, шовқинлаб оқсоч хотинни койимоққа тутинди.

— Бас қил, Степанида, бас қил! Худо олсин сени, юрагимни эзма!

Самовар қўйиш ҳам эсларида йўқ, ҳамманинг боши гангиган эди. Фақат Липа нима воқиа бўлганини билмайди, чақалоғи билан овора эди.

Чол станциядан келгач, ундан ҳеч ким ҳеч нарса сўраб ҳам ўтирмади. Ҳамма билан бир-бир сўрашгандан кейин индамасдан уйларнинг ҳаммасига бир-бир кириб чиқди, овқат ҳам емади.

Эр-хогин ҳоли қолганларидан кейин, Варвара сўз бошлаб:

— Ҳаракат қиладиган одам бўлмади... Битта-яримта обрўлироқ кишидан илтимос қилайлик демадимми, менинг гапимга қулоқ солмадинглар... Ариза ташлаш керак эди... — деди.

Чол қўлини силтаб:

— Хўб ҳаракат қилдим! Анисим кесилгандан кейин дарров уни ҳимоя қилган каттамиз олдига бордим. «Энди ҳеч нарса қилиб бўлмайди, вақт ўтди» деди. Анисимнинг ўзи ҳам вақт ўтди деди. Аммо, мен суддан чиқишим билан дарров бир адвокат билан гаплашиб, унга заколат ҳам бердим... Бирор ҳафта ўтказиб яна бораман, худо ўнгига олса, ажаб эмас, — деди.

Чол яна хомуш бўлиб индамасдан уйларни айланиб-чиқди, кейин қайтиб яна Варвара олдига келганда деди:

— Бетобга ўхшайман. Бошим аллақандай карахт, хаёлим паришон.

Чол, гапимни Липа эшитиб қолмасин деб, эшикни бекитиб келгач оҳишта яна сўз бошлади.

— Пулларимда бир оз чатоқлик бор. Эсингда борми, тўйдан аввал Анисим менга бир сўмлик, ярим сўмлик

янги пуллар келтирган эди? Шу, пулларнинг бир мунчасини тугиб бекитиб қўйган эдим, лекин қолганини ўз пулимга қўшиб юборган эдим. . . Бир замонларда худо раҳмати амаким Димитрий Филатич Москва билан Қримга қатнар эди. Амакимнинг бир хотини бор эди, бу хотин эри савдогарчилик билан юртма-юрт юрганда ўйнаш қиларди. Олтита боласи бор эди, ана шу амаким ичиб маст бўлганда, «Бу болаларнинг қайси бири меники-ю, қайси бири меники эмаслигини ҳеч ажратиб ололмайман» дерди. Шунанга енгил табиат киши эди. Шунинг сингари мен ҳам ҳозир пулимнинг қайси бири гоза-ю, қайси бири қалбакилигини билолмай қолдим. Назаримда ҳаммаси қалбакига ўхшайди.

— Қўйсангизчи, худо хайрингизни берсин.

— Вокзалда билет олганимда уч сўм берган эдим, назаримда у ҳам қалбакидек кўриниб, ваҳимага тушдим. Тобим йўққа ўхшайди.

— Нимасини айтасан, ҳаммамиз ҳам худонинг бандасимиз. . . Шўрим қурсин. . . — деб бошини чайқаб қўйди Варвара. Кейин сўз қотиб деди:

— Петрович, бунинг андишасини қилиб қўймоқ керак. . . Замон нозик, сен ҳам ёш эмассан, ўлиб кетсанг неварангни хор қилмасинлар. Шу бечора Никифорни хафа қиладилар деб қўрқаман-да! Отасини энди йўққа чиқариб қўявер, онаси ёш, ақли паст. . . Ҳеч бўлмаса Петрович шу Бутёкинодаги ерни неваранг номига ёздириб қўйсангчи, яна ўз танангга ўйлаб кўр! Боласи қурғур ширингина, одамнинг юраги ачийди. Суслик қилма, эртагаёқ бориб васиқа қилиб бер!

— Неварам эсимдан ҳам чиқиб кетибди-я. . . Бориб кўриб келай. Болани тузук дейсанми? Ундай бўлса ўссин, катта бўлсин, худо умр берсин!

Цибукин эшикни очиб, бармоғи билан Липани чақириб ишора қилди. Липа боласини кўтариб қайнатасининг олдига келди.

— Сен, болам Липа, муҳтожлигинг бўлса қараб ўтирмасдан айта бер. Кўнглинг нимани хоҳласа еявер, биз сендан қизғонмаймиз. Иш қилиб ўзинг соғ бўл. Болангни асра, энди, ўғлимиз йўқ, унинг ўрнини боссин.

Чолнинг икки юзидан кўз ёшлари шариллаб оқиб, ўпкаси тўлиб, пиқиллаб ўрнидан туриб кетди. Бир оздан кейин ётди, етти кундан бери кўзи уйқу кўрмаганидан қаттиқ ухлади.

Чол андак муддатга шаҳарга кетди. Кимдир, унинг васиятнома ёзгани шаҳар нотариусига кетганини, ҳумдон солинган ерни невараси Никифорга васият қилиб қолдирмоқчи бўлганини Аксиньяга айтиб қўйибди. Чол билан Варвара иккови, дарахт тагида ўтириб, чой ичаётганда бу хабар Аксинья қулоғига етиб, дарров дўконини кўча томондан ҳам, ҳовли томондан ҳам, бекита солиб калитларнинг ҳаммасини қайнатасининг оёғи тагига ташлади.

— Бўлди, энди мен сизларга мардикор бўлмайман! Энди билсам мен сизларга келин эмас, малай эканман. Ҳамма мени масхара қиляпти, кимни кўрсанг «Шибукинлар хўб яхши малай топиб олдилар-да!» дейди. Мен сизга хизматкор тушганмасдим. Мен ота-онаси йўқ етим эмасман, худога шукур отам ҳам, онам ҳам бор,— деб айюханнос солиб бирдан йиғлаб юборди.

Аксинья шариллаб оқиб турган кўз ёшини артмасдан жаҳли чиққанидан ғилай тортиб, дарғазаб бўлиб, кўзларини чолга тикканича тураверди. Кучининг борича бақириб шовқин солаётганидан юзу кўзи, бўйинлари қип-қириб кетди.

— Энди сизга хизматкорлик қилиб бўлдим. Шунча азоб торганим бас! Иш бўлса, эртадан-кечгача дўконда ўтириб, кечаси ҳам тинмай ароққа югуриш бўлса мен эканман-ку, ерни кесилганнинг хотини билан ажинага ўхшаган боласи олар экан-да. Уйнинг эгаси у экан-у, мен унга оқсоч эканман-да! Нимангиз бўлса ҳаммасини ўша кесилган ўғлингизнинг хотинига беринг, ўшанинг бошида қолсин, мен ўз уйимга кетай! Энди бошқа бир аҳмоқни қидириб, топиб оларсиз!

Чол умрида, болаларни сўкмаган, урмаган эди, болачақаларидан битта-яримтаси унга бундай дағдаға билан сўзлар, уни беҳурмат қилар деб хаёлига ҳам келмаган эди. Шунинг учун келинининг қилиғидан қўрқиб кетиб, уйдаги жовон орқасига кириб, бекиниб олди. Варвара бўлса эсанкираб, ўтирган жойидан туролмай қолди, ари талаган кишидек нуқул икки қўлини силтар эди.

— Вой, шўрим қурсин, вой, ўла қолай, бу қандай гап? Нега шовқин соляпти бу? Вой, шўрим қурсин, ахир қўниқўшнилари эшитади! Секинроқ, ахир секинроқ гапирсанг нима қилади!—дерди юраги ёрилиб.

Аксинья шовқинини қўймас эди:

— Ерни кесилганнинг хотинига берибсиз-ку, ҳаммасини ўшанга беринг, менга ҳеч нарса керак эмас. Ҳамманг қора ерга кир, ҳаммангиз бир гўрсиз. Жабр-жафонгизни хўб тортдим, энди бас! Муттаҳам ўғрилар, ўтганни ҳам кетганни таладингиз, ёш-қари демадингиз. Ижозат олмасдан яширинча ароқ сотган ким? Қалбаки пулларингиз-чи? Қалбаки пуллар билан сандиқларингизни хўб тўлатиб олдингиз, энди мен керак бўлмай қолдимми?

Ланг очиқ турган дарвоза олдида аллақанча одам томоша қилиб турарди.

— Одамлар қараса қарасин, ҳалойиқ ичида шармандангизни чиқазаман, расвойи-олам қиламан, оёғим тагида думалаб ётарсиз!

Хўб шовқин солгандан кейин:

— Ҳой, Степан!— деб кар эрини чақирди.— Юр, дарров, уйимизга кетамиз! Ота-онамникига кетаман. Жиноятчилар билан турмайман. Йиғиштир, ҳамма нарсангни!

Ҳовлига тортилган арқонга ёйилган кир ичида Аксиньянинг ҳам кийимлари бор эди. Бориб хўл кийимларини йиғиштириб, ҳаммасини карнинг қўлига ташлайверди, кейин аламига чидолмай, у ёқдан бу ёққа югуриб, бошқа хўл кирларни ҳам ерга ташлаб, оёғи билан тепкилади.

— Вой, шўрим қурсин, ахир уни тийсангларчи! Нима бало бўлди унга. Бера қолинг ўша Бутёкинони, ола қолсин, худо урди кетди, ола қолсин!— дерди Варвара.

Дарвозахонадан томоша қилиб турганлар Аксиньянинг қилаётган шаллақилигини кўриб:

— Ана холос, хотин боши билан қилаётган шаллақилигини қара, баракалла, шармандаликни хўб бўйнига олибди-а!— дерди.

Аксинья кир ювилаётган ошхонага югуриб кирди. Оқсоч хотин сойга кир чайгани кетган, Липа ёлғиз кир ювмоқда эди. Учоқ тепасидаги қозондан, кир тоғорадан чиққан бугга ошхона тўлган, ҳеч нарса кўринмас эди. Ерда ювилмаган бир тўда кир турар, бу кирлар олдидаги скамейкада қип-қизил оёқларини осмонга кўтариб Никифор ётарди, ерда ювилмаган кир бор, бола курсидан йиқилиб тушса ҳеч қаери майиб бўлмасди. Аксинья ошхонага кирган пайтда Липа кирлар ичидан унинг кўйлагини олиб, тоғорага солиб, энди стол устида турган катта чўмичдаги қайноқ сувга қўл узатиб эди. . .

— Бу ёққа бер! Бу ёққа бер! Менинг киримни ювиш сенга қолгани йўқ! Сен жиноятчининг хотинисан, марта-

бангни, кимлигингни билиб қўй,— деб бақриб, кўйлакни Липанинг қўлидан тортиб олди.

Липа эсанкираб анграйганча қолди; ҳайрон бўлиб турган пайтда, Аксиньянинг ётган чақалоққа олайиб қараганини кўриб қолиб, унинг ияяти ёмон эканига тушунди ва юраги ёрилгандай бўлди. . .

— Еримни олганинг жазоси мана!

Аксинья бу сўзни айтиб чўмичдаги қайноқ сувни Никифорнинг устига сочиб юборди.

Бундан кейин бир қаттиқ овоз чиқдики, Уклееево қишлоғида ҳалигача бундай қаттиқ товушни ҳеч ким эшитмаган ва Липадек кичкинагина, нимжонгина одамнинг бундай қаттиқ бақришига ҳеч ким ишонмас эди. Бу қаттиқ овоздан кейин ҳовли жим бўлиб қолди. Аксинья ўша эски илжайишини қилиб индамасдан бемалол, уйга кириб кетди. . . Кар қўлида кир билан ҳали ҳам ҳовлида юрар эди, кейин яна индамасдан, шошмасдан кирларни ёя бошлади. Оқсоч хотин сой бўйидан келмагунча ошхонага кириб, унда нима бўлганини билиб чиқишга ҳеч ким бо-тинолмади.

## VIII

Никифорни земство касалхонасига элтдилар. Кечқурун бола касалхонада ўлди. Липа уни олиб кетгани одам келишини кутмай, боласининг ўлигини кўрпачага ўраб, йўлга тушди.

Яқинда солинган янги, деразалари катта-катта касалхонанинг турган жойи баландликда эди. Энди ботаётган куннинг шуъласи тушиб, касалхонанинг ичига ўт кетгандек ловуллаб турарди. Липа йўлдан пастга тушиб бориб, қишлоққа етмасдан, кичкина ҳовуз олдида тўхтади. Бир хотин от суғоргани келди, лекин оти сув ичмади, хотин секин-секин гапириб:

— Нега ичмайсан? Нима бўлди?— дерди таажжуб билан.

Қизил кўйлакли бир бола ҳовуз бўйида ўтириб отасининг этигини юварди. Қишлоқда ҳам, юқорида ҳам булардан бошқа ҳеч бир махлуқ кўринмасди. Липа отга қараб туриб:

— Ичмаяпти. . .— деди.

Хотин киши ҳам, этик ювгани келган бола ҳам жўнаб кетди. Бошқа ҳеч ким йўқ эди. Офтоб ҳам қип-қизил зарҳал алвонини ёйиб ботди. Шафақдан қизарган узун-узун

булутлар осмон юзига ёйилиб, гўё офтобга посбонлик қилар эди. Қаердадир узоқда офилхонага қамалиб қолган сигир маърагандек мушгир қичқирарди. Номаълум бир қушнинг овозини кўкдамда эшитмаган одам йўқ, лекин унинг қандай қушлигини ва қаердалигини ҳеч ким билмайди. Юқоридаги касалхонада, ҳовуз ёнидаги майда дарахтлар ичида, қишлоқнинг нариги тарафида, атрофдаги ўланзор, чаманзор манзаралар ичида булбуллар сайрайди. Ҳақку қуш гўё бировнинг ёшини санар, ҳар гал сановдан янглишиб, яна қайтадан бошларди. Ҳовузда қурбақалар бир-бирларини чақиритиб вақирлашар, ҳатто уларнинг вақирлашиб нима деяётганини уқиб олса ҳам бўларди: «Қурбақа, қурбақа, сен ҳам бўлгил шундақа!» Ҳовузда шундай вақир-вуқур шовқин эдики, ундаги махлуқлар худди бу баҳор кечасида ҳеч ким ухлмасин дегандек, ҳатто баджаҳл қурбақалар ҳам ҳар нафасни ғанимат билиб роҳат ва фароғат қилсинлар, дунёга ҳар ким бир келади деб, ғавғо кўтариб сайрашаётгандек эди.

Осмонда янги туғилган ой кумушдек ялтирар, юлдузлар чарақлар эди. Липа ҳовуз бўйида узоқ ўтириб қолганини пайқамасди, лекин ўрнидан туриб йўлга тушганда қишлоқдагилар ҳаммаси уйқуга ётган, чироқлар ўчган эди. Уйига яна ўн икки чақиримча йўл бор, лекин юрмоққа мадори, йўлни топиб юришга эс-ҳуши йўқ эди. Ой ҳали олдидан, ҳали ёнидан ялтираб кўринар, ҳақку қуш ҳали ҳам тинмасдан сайрар, Липага «ҳой, эҳтиёт бўл, йўлдан адашасан» деб уни масхара қилгандек, кулгандек туюларди. Липа жадаллаб келаётганда бошидаги рўмоли тушиб қолибди. Осмонга қараб боласининг арвоҳини изларди: онасидан беҳабар орқамдан келаётганмикин, ёки осмонда юлдузлар орасида учиб юрганмикин? Киши кечалари сайроқи қушлар орасида ўзи сайрай олмай сайр қилиб юрганда, ўзи хурсандлик қилолмай, шодлик-хурсандлик товушлари ҳар тарафдан тўхтамай келиб турган жойларда юрганида, ўзини қандай ғариб сезади. Ер юзида кўкдамми, зимистон қишми, ундаги инсонлар ўликми-тирикми, бунга ҳеч парво қилмай осмондан қараб турган ой ҳам сендек танҳо, сендек ғариб кўринган кезларда одам ўзини нечоғлик ғариб ҳис қилади. . . Кўнглида ғам-ғуссалар, дарду аламлар тўлиб тошган вақтларда ёлғизлик, ғариблик оғир. Кошки Липанинг ёнида онаси ёки мўйсафид уста бўлса ёки оқсоч хотин, ҳеч бўлмаганда биронта эркак бўлса!

Мушгирнинг бу-булагани эшитилди.

Шу пайтда тўсатдан:

— Вавила, аравани қўш!— деган овоз эшитилди.

Олд томондаги йўл устида гулхан ёниб турарди. Унинг алангаси ўчган, фақат чўғлари қолган. Отларнинг пичан чайнаши эшитиларди. Гира-шира қоронғида икки араванинг қораси кўринди, бирига бочка юкланган, иккинчиси пастроқ, қоп ортилган. Яна икки кишининг қораси ҳам кўринди, бири арава қўшмоқчи бўлиб от етаклаб келар, иккинчиси қўлини орқасига қилиб жим турарди. Арава олдидаги ит ириллади. От етаклаб келаётган тўхтаб:

— Биров келаётганга ўхшайди,— деди.

Қимирламасдан жим турган одам:

— Шарик, жим тур!— деб қичқирди. Бу одамнинг товушидан мўйсафид эканлиги билиниб турарди. Липа тўхтаб:

— Ҳорманглар!— деди.

Мўйсафид Липага яқин келди, лекин дарров жавоб бермасдан, бир оздан кейин:

— Эсонмисан!— деди.

— Бува, итингиз қопмайдами?

— Йўқ, ўтиб кетавер, тегмайди.

Липа бир пас индамай тургач:

— Мен касалхонага борган эдим, ўғлим касалхонада ўлди, ўлигини уйга олиб кетяпман,— деди.

Липанинг бу гапи мўйсафидга ёқинқирамади шекилли, у нарироқ туриб, шошиб-пишиб деди:

— Чироғим, хафа бўлма, худонинг хоҳиши,— кейин ёнидаги ҳамроҳига қараб.— Болам мунча ивирсийсан, тезроқ бўлсанг-чи!— деди.

— Сенинг дуғанг йўқ-ку, кўринмайди,— деди бола.

— Вавила, ҳеч шудинг йўқ-да.

Мўйсафид чўғ олиб пуфлаб ёндирди, чўғнинг ёруғида унинг кўзи билан бурни кўринди холос. Кейин дуға топилгач, қўлида ўт билан Липанинг олдига келиб, унинг юзига қаради. Унинг бу қарашида шафқат ва меҳрибонлик бор эди.

— Бола-да, онага бола ширин.

Бу сўзни айтиб, мўйсафид уҳ тортди ва бошини чайқаб қўйди. Вавила ўтга бир нарса ташлаб тепкилаб эди, қоп-қоронғи бўлиб қолди. Кўриниб турган нарсалар ғойиб бўлди, яна ўша-ўша дала, юлдузлари чарақлаб турган



осмон, бир-бирларини безовта қилиб, ухлагани қўймай, чирқиллашиб турган қушларнинг ғавғосигина қолди. Қизилоёқ қуш ҳам ўт ёқилган жойнинг худди ўзида сайраб тургандек эди.

Аммо, бир лаҳзадан кейин аравалар, мўйсафид, узун бўйли Вавила яна кўринди. Аравалар ғижирлаб катта йўлга чиқди.

Липа мўйсафиддан:

— Сизлар бузрукларданмисизлар?— деб сўради.

— Йўқ, биз Фирсанов қишлоғиданмиз.

— Сен ҳали менга бир назар қилиб эдинг, юрагимдаги ҳасратим бир оз ёзилгандек бўлди. Ёнингдаги бола ҳам ёвошгина экан, шунинг учун мен сизларни бузруклармисиз деб гумон қилдим.

— Қаерга борасан?

— Уклеєво қишлоғига.

— Аравага чиқиб ол. Кузьминко қишлоғигача элтиб қўямиз, у ерга боргач сен тўғрига қараб кетасан, бизлар чапга буриламиз.

Вавила бочка ортган аравага чиқиб олди, мўйсафид билан Липа бошқа аравага чиқдилар. Вавила олдинда, секин-секин кетавердилар.

— Ўғлим куни бўйи қийналди, кўзларини мўлтиллашиб бир нарса демоқчи бўлади-ку, лекин, айтолмади. Парвардигорим! Мен дардимга чидолмай ҳадеганда ўзимни кўтариб-кўтариб уравердим. Боламнинг кровати олдида туролмасдан йиқилиб тушавердим. Бува, ахир сен биларсан, ёш гўдакнинг ҳам жон бериши шунча қийин бўладими? Эркакми, хотинми катта одам қийналиб жон берса, гуноҳини худо кечиради, лекин гўдакнинг нима гуноҳи бор, нега гўдак ҳам қийналиб жон беради?

— Ким билади!— деб жавоб қилди чол.

Ярим соатча индамасдан кетавердилар.

Кейин чол сўз бошлаб:

— Ҳар нарсани билавериш мумкин эмас, паррандага худо тўрт эмас, икки қанот берибди, икки қанот билан учса ҳам бўлади. Шунингдек одамзод ҳам ҳамма нарсани билавермайди, ярмисини ёки чорагини билади. Дунёда яшамоқ учун қанча билмоқ керак бўлса шунчасини билади,— деди.

— Бува, пиёда юрганим осонроқ, аравада юрагим ўйнаб кетяпти.

— Майли, ўтиравер.

Мўйсафид эснаб оғзини чўқинтирди. Кейин яна:

— Майли, ўтиравер. . . — деб қўйди. — Сенинг ҳасратинг ҳасратми. Ҳали кўп яшайсан, яхшини ҳам, ёмонни кўрасан. Юртимизнинг бағри кенг, Россия улкан! — шундай деб чол икки томонга қараб қўйди. — Мен Россиянинг ҳамма ерини кўрдим, ҳар ерига бордим, ҳар нарса кўрдим, чироғим, менинг сўзимга бовар қил. Ҳали яхши-ёмонни кўп кўрасан. Пиёда Сибирга бордим, Амурга бордим, Олтойга бордим, кейин Сибирга кўчиб кетиб у ерда деҳқончилик қилдим. Аммо Россияни соғиниб, яна ўз қишлоғимга қайтиб келдим. Россияга қайтиб келганимизда ҳам пиёда келдик. . . Қайиққа тушиб келганимиз ҳали ҳам эсимда бор. Мен жуда озиб абгор бўлиб қолган эдим. Энгил-бошим йиртиқ, оёқ яланг, совуқда жунжиб бир бурда қаттиқ нонни шимиб келаётган эдим, қайиқда бир бой ҳам келаётган экан, агар ўлиб кетган бўлса худо раҳмат қилсин, бу бой мени кўриб жуда раҳми келди, кўзидан ёши оқиб кетди. «Бечора, еган нонинг ҳам қора, кўрган кунинг ҳам қора экан. . .» деди. Қишлоққа келганимда на бош тиққундай уй бор, на ҳовли. Хотиним бор эди, Сибирда ўлди, ўша ерга кўмдим. Энди батраклик қилиб ишлаб юрибман. Нима қилай, мен сенга айтсам, бундан бешбаттар ҳам бўлганман, лекин яхши кунларни ҳам кўрдим. Аммо, чироғим, нима бўлса ҳам ўлишни хоҳламайман. Яна йигирма йил бўлса ҳам яшасам дейман, демак, умримда яхши кунлар кўп бўлганидан-да. Аммо, юртимиз Россиянинг бағри-кенг! — Бу сўзни айтиб тўрт тарафга қараб, яна аланглаб қўйди.

— Бува, одам ўлгандан кейин унинг жони ер юзида қанча вақтгача юради? — деб сўради Липа.

— Қим билади! Қани, Вавилдан сўрайлик-чи, у мактаб кўрган. Замона мактабида ҳар бир нарсани ўқитади. Вавила!

— Ҳа!

— Одам ўлгандан кейин унинг жони ер юзида қанчагача юради?

Вавила аввал отини тўхтатиб, кейин жавоб берди:

— Тўққиз кун. Амаким Қирилла ўлганда жони ўн уч кунгача уйимиздан кетмаган эди.

— Қаердан биласан?

— Ўн уч кунгача печкани дукуллатди.

— Хўб, яхши, юр, — деди мўйсафид. Бу сўзларнинг ҳеч бирига ишонмагани авзойидан маълум эди.

Кузьминкага яқинлашганда аравалар тош йўлга бурилди. Липа аравадан тушиб пиёда кетди. Тонг ёришиб қолди, Липа сойликка тушганда қишлоқдаги уйлар, черковлар ҳали ҳам туман ичида эди. Ҳаво совуқ, Липанинг назарида какку қуш ҳали ҳам каккулаб тургандек эди.

Липа уйга қайтиб келганда ҳали пода чиққани йўқ эди. Уйдагиларнинг ҳаммаси ухлаб ётарди. Эшик олдидаги пиллапоёга чиқиб, кутиб ўтирди. Ҳаммадан аввал чол ташқари чиқди. Чол Липага кўзи тушиши билан дарров воқияни фаҳмлади. Анчагача ҳеч нарса деёлмасдан, лабораторияни қимирлатиб турди. Бирпасдан кейин:

— Эй, шўрлик Липа, неварагинамни асрай олмадинг... — деди.

Барварани уйғотдилар. У йиғлаб болани саранжомлашга тутинди ва деди:

— Эй, худойим, шўрим қурсин, бола фақир яхшигина эди... Биттагина болани ҳам эплай олмадинг, тентак...

Эрталаб ва кечқурун мотам тутдилар. Эртасига болани кўмдилар. Гўристондан қайтиб келгач қишлоқ руҳонийлари ва яна аллақанча меҳмонлар келиб овқат кўрмаган кишилардек хўп едилар. Липа хизмат қилиб турди. Поп тузланган кўзиқоринни санчқига илиб, уни юпатар эди:

— Болангга кўп куйма, худонинг хоҳиши шу экан.

Ҳамма тарқаб кетгандан кейин Липага боласининг йўқлиги, ундан ажралганлигини билиниб, ҳўнграб йиғлаб юборди. Қайси уйга кириб, йиғлаб юрагини бўшатишини билмас, чунки бола ўлгандан кейин, бу уйда бегона ва ҳеч кимга кераги йўқ, ортиқча киши эканини фаҳмлади, бунга бошқаларнинг ҳам ақли етиб турарди.

Бир маҳал Аксинья эшик олдига келиб:

— Овозингни ўчир, кўп бўкираверма, — деб бақирди. Аза муносабати билан Аксинья бош-оёқ янги кийимлар кийиб, юзига упа-эликлар суртиб олган эди.

Липа йиғисини бас қилмоқчи бўлса ҳам, ўзини тўхтатолмай, яна баттарроқ ҳўнграб йиғлади.

— Кимга айтяпман? Бас қил! Чиқиб кет ҳовлидан, йўқол! Қадам босма, бу ерга! Жиноятчининг хотини! Йўқол!

Чол каловланиб:

— Ҳой, ҳой!.. Болам, шовқинлама, чироғим... Боласи ўлгандан кейин нима қилсин... — деди:

Аксинья чолни масхара қилиб:

— Нима қилсин дейди-я... Майли бугунча ётсин-ку, эртага йўқолсин! — Чолнинг гапини масхара қилиб яна, —

нима қилсин дейди-я,— деб қулганича дўконга кириб кетди.

Липа эртасига тонг отиши билан онаси турган Торгуево қишлоғига жўнаб кетди.

## IX

Энди дўконнинг томи, эшиги сирланган, янгидек ялтирайди. Уйнинг дарчаларида аввалгидек очилиб турган гуллар. Цибукиннинг уйида бундан уч йил аввал бўлган воқиаларни ҳамма унутган.

Ҳали ҳам аввалгидек уйнинг эгаси ва оила бошлиғи Григорий Петрович ҳисобланади-ку, лекин ҳамма ишни Аксинья ўз тасарруфига олган. Сотган ҳам у, олган ҳам у. Унинг розилиғи бўлмаса ҳеч ким ҳеч нарса қилолмайди. Хумдоннинг ишлари ривожга миниб кетди. Темир йўлга фишт кўп керак бўлганидан, фиштнинг минги йигирма тўрт сўмга чиқди. Хотинлар, қиз-жувонлар станцияга фишт ташийдилар, вагонларга ортадилар, кунига танга миридан пул ишлайдилар.

Аксинья Хриминларга шерик бўлди, энди уларнинг фабрикаси «Кичик Хриминлар ва шериклари» деб аталади. Станцияга яқин жойда қовоқхона очдилар, қиммат баҳо гармонни энди фабрикада эмас, қовоқхонада чаладилар. Почтахона бошлиғи билан станция бошлиғи қовоқхонага тез-тез кириб турадиган бўлди. Почта бошлиғи ва станция начальниғи ҳам савдогарчиликка айланишадиган бўлди. Кичик Хриминлар қар Степанга олтин соат инъом қилдилар. Қар соатини дам-бадам чўнтагидан олиб, қулоғига тутиб кўради.

Қишлоқдагилар, Аксиньянинг ҳар нарсага қурби етади дейдилар. Дарвоқи эрталаб туриб ўзига оро бериб, илжайиб заводга кетаётганида, кейин, заводга бориб, уни қил, буни қил, деб хўжайинлик қилганида ҳамма иш унинг қўлида экани, нима қилса қўлидан келиши, ҳар нарсага қурби етиши кўриниб турарди. Ундан уйдагилар ҳам, қишлоқдагилар ҳам, заводдагилар ҳам қўрқарди. Почтахонага келганда почта бошлиғи дарров ўрнидан сакраб туриб, такаллуф билан:

— Ксения Абрамовна, марҳамат қилиб, ўтирсинлар!— деб туради.

Нафис мовутдан тикилган бели бурма камзул, қўнжи баланд амиркон этик кийган, ёши қайтиб қолган бўлса ҳам олифтачилигини қўймаган бир помешчик, бир кун

Аксиньяга от сотганида унинг гапига маҳлиё бўлиб, отни унинг сўраганига сотиб кетган экан. Помешчик Аксиньянинг қўлини қўйиб юбормасдан, унинг ўйнаб-кулган кўзларига тикилиб туриб:

— Ксения Абрамовна, сиздек нозанингга жоним фидо бўлсин, фақат айтинг, қачон иккимиз ҳоли ўтириб суҳбатлаша оламиз?

Ксения эса:

— Қачон десангиз шу чоғ,— деб жавоб берган.

Бундан кейин олифта чол ҳар куни пиво ичгани Аксиньянинг дўконига келиб турадиган бўлди. Пивоси какра ўтдан аччиқ бўлса ҳам, помешчик калласини чайқаб-чайқаб ичаверди.

Чол Цибукин энди ишга аралашмай қўйди, қўлига пул ушламайдиган бўлди, чунки ростакам пулни қалбакисидан ажрата олмас ва лекин дами ичида, бу сирни ҳеч кимга айтмас эди. Чолнинг эси кирди-чиқди, паришонроқ бўлиб қолди. Овқатни ҳам берсалар еб, бермасалар сўрамас эди. Ўйдагилар аввал чолсиз овқат емас эди, энди у бўлмаса ҳам еяверадиган бўлиб қолдилар. Варвара бўлса кўпинча:

— Кеча чол яна овқат емай ётиб қолди,— дерди.

Бу гапни ҳам жуда беғамлик, бепарволик билан айтарди, чунки бу ҳолга одатланиб қолди. Цибукин негадир ёзда ҳам, қишда ҳам пўстин кийиб юрар, фақат ҳаддан ташқари иссиқ, бўлганда уйдан эшикка чиқмай ўтирарди. Аксари пўстинининг ёқасини кўтариб, олдини ўраб олиб қишлоқ кўчасида, станция йўлида сайр қилиб юрарди, ёки баъзида эртадан кечгача бутхонанинг дарвозаси олдидаги эшакчада ўтирарди. Бир ўтирганича қимир этмасдан кечгача ўтирарди. Ўтган-кетганлар салом берсалар жавоб бермас, чунки ҳали ҳам қишлоқиларни ёқтирмас эди. Ундан бирор нарса сўрасалар жуда яхши, маъқул жавоб берар эди-ку, лекин гапни чўзмасдан, қисқа қилиб қўя қоларди.

Қишлоқда Цибукинни келини уйдан ҳайдаб юборибди, овқат бермасмиш, гадойчилик қилиб юрганмиш, деган гаплар ёйилди. Бунга баъзилар суюнди, баъзилар хафа бўлди.

Варвара баттарроқ семириб, бадани тоза бўлиб, оқариб кетди, ҳали ҳам хайр-эҳсонини қўймас, Аксинья ҳам унинг бу ишига индамас эди. Мураббоси кўплигидан бу йил қайнатилгани келаси йилгача ейилмасдан шакар бой-

лаб қоларди. Варвара бўлса мураббони нима қилишини билмай, йиғлагудек бўларди.

Анисимни эсларидан чиқара бошладилар. Бир кун ундан хат келиб қолди. Бу хат ҳам аввалги хатларидек аризага ўхшаган катта, бир тахта қоғозга байт билан чиройлик қилиб ёзилган эди. Дўсти Самородов ҳам унинг билан бирга қамоқда бўлса керак. Байтнинг охирида зўрға ўқиб бўладиган бадхат билан: «Мен бу ерда касалдан чиқмай қолдим, аҳволим ёмон, худо ҳақи менга озроқ ёрдам беринг» деган бир йўлгина хат ёзилган эди.

Ҳаво очиқ, куз кунларидан бирида кеч пайти, чол Цибукин пўстинининг ёқасини кўтариб олиб, черков эшиги олдида ўтириб эди, бурканиб олганидан шапкасининг соявони билан бурнидан бошқа ҳеч жойи кўринмас эди. Узун эшакнинг нариги бошида пудратчи Елизаров, унинг ёнида ёши етмишларга бориб қолган, тиши тўкилиб кетган мактаб қоровули Яков ўтирар эди. Ёғочоёқ билан қоровул гаплашар эди:

— Ота-она кексариб қолганда уларни боқиш болаларнинг бўйнида. . . Ота-онани ҳурмат қилиш ҳам боланинг бўйнида. Келини буни ўз уйдан ҳайдаб қўйибди. Бечора чолга овқат бермайди, қаёққа борсин? Уч кундан бери овқат емасмиш,— дерди Яков жаҳл билан.

— Уч кундан бери-я!— деди Ёғочоёқ ажабланиб.

— Шу ҳолда ўтираверади, биров билан гаплашмайди, хароб бўлиб қолди, индамасдан юраверади. Билмадим нега индамаскин. Судга берса-ку, келинига яхши бўлмайди.

Елизаров унинг сўзини эшитмасдан:

— Ким судга берибди?— деб сўради.

— Нимади?

— Келини-ку эпчил хотин-а. Уларнинг уйда у бўлма-са бўлмайди. . . Яъни корибадсиз уларнинг уйи—уй эмас демоқчиман. . .

Яков ҳамон жаҳл қилиб:

— Ўз уйдан-а, аввал худо берса ўзинг уй қил, кейин бировни уйдан ҳайда. Сени қара-ю, баччағар, ярамас,— дерди.

Цибукин бу гапларни эшитиб қимир этмасдан ўтираверди.

— Ўзингнинг уйингми ёки бегонаникими, майли, иш қилиб илиққина бўлса, хотинлар уришавермаса бўлгани. . .— деди Ёғочоёқ ва кулиб юборди.— Ешлигимда хотиним Настасьяга жуда меҳрибон эдим, ўзи жуда ювош

эди. «Макарич, уй олсангчи, уй олсангчи! Макарич от олсангчи, битта от олсангчи!» деб жоврагани-жовраган эди. Улиб кетаётганида ҳам «Макарич, ахир ўзингга чоп-қир от билан битта арава олсанг-ку, пиёда юрмайсан-а» деб ўлиб кетди. Мен бўлсам унга ширин-ширин нондан бошқа ҳеч нарса олиб бермадим.

Яков Ёғочоёқнинг гапига қулоқ солмай яна гапини маъқуллади:

— Эри кар, тентак, аҳмоқлиги шунчаки, ғоздан ҳам баттар, нимага ақли етарди? Ғозни калласига урсанг ҳам тушунмайди.

Ёғочоёқ уйига кетмоқчи бўлиб ўрнидан турди. Яков ҳам турди, иккилари гаплашиб кетдилар. Улар эллик қадамча нари кетганларидан кейин чол Цибукин ҳам ўрнидан туриб, ҳудди сирпанчиқ ердан зўрға юриб кетаётгандек, секин-секин, имиллаб, улар орқасидан кетаверди.

Пастликдаги қишлоққа аллақачон қоронғи тушиб, фақат пастдан юқорига илон изи бўлиб кетган йўлнинг тепасигина ёруғ эди. Кампирлар ва улар билан болалар ўрмондан келарди. Станцияда вагонга ғишт юклаган қиз-жувонлар юз-кўзларини қип-қизил тупроққа булаб, галалашиб, қўшиқ айтиб станция томондан келарди. Липа ҳам худди кун ботиб, кеч кириб роҳат вақти келганига суюнгандек, осмонга қараб, ингичка товуш билан чинқариб, қўшиқ айтиб, ҳамманинг олдига тушиб келарди. Келаётган хотинлар ичида Липанинг онаси мардикор Прасковья ҳам бор, у қўлида тугун билан ҳарсиллаб келар эди.

Липа Ёғочоёқни кўриб:

— Салом, Макарич! Қалайсиз!— деб сўрашди.

Ёғочоёқ қувониб:

— Яхшимисан, болам! Яхши қизлар, яхши жувонлар, бой буваларингга ҳам қараб қўйинглар, қўзиларим, бўталарим, чироғларим!

Ёғочоёқнинг хўрлиги келиб, ўпкаси тўлди.

Ёғочоёқ билан Яков иккови гаплаша-гаплаша ўтиб кетди, анча нари кетганларидан кейин ҳам уларнинг ғовур-ғувур гаплари эшитилиб турарди. Бир оздан кейин чол Цибукин ҳам келиб қолди. Хотинлар уни кўргандан кейин ҳаммалари жим бўлиб қолдилар. Липа билан Прасковья хотинлардан кейинроқда қолиб, қараб турдилар. Чол улар олдига келганда Липа энгашиб салом берди:

— Ассалом, Григорий Петрович!

Онаси ҳам энгашиб салом берди. Чол тўхтаб индамасдан уларга тикилганича қараб турди; лаблари қалтириб, кўзларига жиқ-жиқ ёш тўлди. Липа онасининг тугунидаги гуручли сомсадан бир бурда ушатиб чолга берди, чол сомсани олиб еди.

Кун ботиб офтобнинг баланддаги йўлга тушиб турган ёруғи ҳам ўчди. Қоронғи тушиб ҳаво совуди. Липа билан Прасковья хийла ергача чўқина-чўқина кетдилар.



## АРХИЕРЕЙ<sup>1</sup>

### I

Верба якшанбасига<sup>2</sup> ўтар кечаси Старо-Петровский монастирида всеношная ибодати<sup>3</sup> ўқилар эди. Ибодатга келганларга самбит тол новдалари улашилаётганда, вақт соат ўнга яқинлашган, чироғлар хиралашган, пиликлари куйган, ҳамма туманнинг ичида қолгандай эди. Черковнинг ғира-шира ёруғида халойиқ денгиздай чайқалар эди. Уч кундан бери мазаси қочган Петр ҳазратнинг назарида ҳамма одамлар — кексалар ҳам, ёшлар ҳам, эркаклар ҳам, хотинлар ҳам бири-бирига ўхшар, самбит новдасини олишга келганларнинг кўз қарашлари бир хилда эди. Ғира-шира ёруғда эшиклар кўринмас, халойиқ бирдай жилиб келар ва унинг кети йўқдек туюлар эди. Хотинлар хониш қилар, канонни<sup>4</sup> ёш монашка ўқир эди.

Қандай дим, қандай иссиқ эди! Всеношная ибодати жуда чўзилди! Петр ҳазрат чарчади. Унинг нафас олиши оғирлашди ва тезлашди, томоғи қуришди, чарчаганидан елкалари оғриб, оёқлари қалтираб кетди. Хонишчилар орасида бир девона қичқириб товуш чиқарар экан, бундан ҳазратнинг таъби хира бўлиб, безовталанар эди. Бунинг устига, яна, ҳазратнинг олдида, худди тушида ёки алаҳлаганда кўрингандек, унинг тўққиз йил кўрмаган онаси Мария Тимофеевна, ёки ўшанга ўхшаган бир кампир пайдо

---

<sup>1</sup> *Архиерей* — христианларда — епископ, архиепископ, метрополитлар учун ғайри-рўсмий умумий ном.

<sup>2</sup> *Верба якшанбаси* (*вербное воскресенье*) — христианларда пасха ҳафтасидан олдинги шанба ва якшанба кунда бўладиган байрамлар.

<sup>3</sup> *Всеношная* — Православ христианларда кечқурун черковда бўладиган ибодат.

<sup>4</sup> *Канон* — всеношнаяда ўқиладиган оятлар. (*Тарж.*)

бўлди-да, ундан самбит новдасини олиб, қайтиб кетди ва халойиққа қўшилиб кетгунгача якка ўзи, ҳазратга шодланиб, меҳрибонлик билан жилмайиб қарагандай бўлди.

Петрнинг юзидан негадир ёшлар думалаб кетди. Ҳазратнинг кўнгли тинч, хотиржамдай эди-ю, аммо у, оят ўқилаётган ва тунги ғира-ширада бирон кишини таниб бўлмайдиган сўл клиросга тикилиб қарар ва йиғлар эди. Унинг юз ва соқолида ёш томчилари ялтираб кўринарди. Унга яқин турган яна кимдир йиғлаб юборди, ундан нар-ёқда яна биров, сўнг яна биттаси, тагин бирови ва шу тариқа, черковнинг ичини паст йиғи овози тутди. Сал ўтгач, беш минутдан сўнг монах аёллар хор бошладилар, йиғи тўхтаган эди, аввалги кайфият яна давом этди.

Кўп ўтмай ибодат ҳам тамом бўлди. Архиерей уйига кетиш учун каретага ўтирганида, ой нури билан мунаввар бўлган боғнинг ҳамма ёғини қиммат баҳо, оғир қўнғироқларнинг оҳангдор, ёқимли жаранги тутиб кетди. Оқ деворлар, қабрларнинг устидаги оқ тусли крестлар, оқ қайинлар ва қора соялар, ҳамда монастирнинг тепасида турган узоқ осмондаги ой, шу пайтда ўзига хос маъно ифодалар эди, бу маъно гарчи мавҳум бўлса-да, аммо инсон қалбига яқин эди. Апрель ойининг боши, баҳор пайтидаги кундузги иссиқдан кейин салқин тушиб, сал совуқ бўлди ва ёқимли ҳавода баҳор нафаси сезилиб турди. Монастирдан шаҳарга бориладиган йўл қумлоқ бўлиб, ундан тез юриб бўлмас эди, художўйлар каретанинг ҳар икки томонида қум кечиб, ой шуъласида, аста борардилар. Ҳамма жим, ҳеч ким чурқ этмас эди, теварак-атрофдаги ҳамма нарса ёқимли, гўзал ва азиз кўринарди; дарахтлар ҳам, осмон ҳам, ҳатто ой ҳам шундай эди ва киши доимо шундай бўлади деб ўйлагиси келарди.

Оқибат, карета шаҳарга етиб, катта кўчага ўтди. Дўконлар ёпилган бўлиб, фақат миллионер савдогар Еракиннинг дўқонида электр чироғини синаб кўрилмоқда, у липлип этиб турар, бу ерга кишилар тўпланган эди. Сўнгра кенг, қоронғи, кимсасиз кўчалар бирин-кетин келар эди, карета шаҳар ташқарисидаги земство тўзатган катта йўлга ўтди, сўнг ялангиликка чиқилди, қарағайларнинг ҳиди димоққа урар эди. Шу лаҳзада кунгурадор оқ девор, унинг ёнида ҳамма томони ёп-ёруғ қўнғироқхона, унинг кетида эса ярқираб турган бешта калта олтин гумбаз кўринди, бу — Панкратиев монастири бўлиб, бунда Петр

ҳазрат турар эди. Бу ерда ҳам, монастирнинг тепасида жимжит ой, ўйга ботгандек турар эди. Карета қумда ги-чирлаб, дарвозага бориб кирди. Ой нурида унда-мунда мо-нах аёлларнинг гавдалари қорайиб кўринди, тахта тош-ларнинг устидан қадам товушлари эшитилди... Ҳазрат ўз хонасига кирганида:

— Ҳазрат, сиз йўғингизда бу ерга онангиз келган эди-лар,— деб билдирди келейник<sup>1</sup>.

— Ойижоним? Қачон келди у?

Кечки ибодатдан илгарироқ. Олдин сизнинг қаерда-лигингизни сўрадилар, кейин хотинлар монастирига кетди-лар.

— Демак, ҳали монастирда кўрганим ойижоним эканлар-да! Э, худойим!— деди-да, ҳазрат хурсандлиги-дан кулиб юборди.

— У киши айтиб қўйгин, эртага келаман дедилар,— деди келейник. У киши билан бирга битта қизча ҳам юриб-ди, неваралари бўлса керак. Овсянниковнинг саройига тушибдилар.

— Ҳозир соат неча бўлди?

— Ўн бирдан сал ўтди.

— Э, аттанг!

Ҳазрат ўйланиб, вақт алламаҳал бўлиб қолганига ишонмагандай, меҳмонхонада бир оз ўтирди. Унинг қўл ва оёқлари зирқирар, бўйни оғир эди. Ҳаво иссиқ ва нафас олиш оғир эди. Дамини олгандан кейин, у ўз бўл-масига кирди ва бунда ҳам онасини ўйлаб ўтирди. Келей-никнинг кетиши ва деворнинг нариёғида иеромонах<sup>2</sup> Сисой ҳазратнинг йўталган товуши эшитилди.

Монастир соати дангиллаб, ўн иккидан чорак ўтга-нини билдирди.

Ҳазрат кийимини алмаштирди ва уйқу олдидан ўқи-ладиган сураларни ўқишга киришди. Ҳазрат ўзи билган бу сураларни зеҳнини қўйиб ўқиди ва айни вақтда онаси-ни ҳам ўйлади. Онасининг тўққизта боласи ва қирққа яқин невараси бор эди. Бир вақтлар у, эри дьякон<sup>3</sup> билан бирга битта хароб қишлоқда жуда узоқ вақт, яъни ўн ет-ти ёшидан олтмиш ёшигача турган эди. Ҳазрат онасини жуда кичиклигидан, ҳатто уч ёшидан бери билар ва жуда

1 *Келейник* — монастирда архиерейнинг хизматкори.

2 *Иеромонах* — священик даражасига етган монах.

3 *Дьякон* — энг қуйи мартабали руҳовий.

яхши кўрар эди. Болалик чоғлари кўп ажойиб, топилмас ва унутилмас чоғлардир! Утиб кетган, қайтиб келмайдиган у ёшлик чоғлар нима учун бунчалик яхши, гўзал ва маънодор бўлиб туюлмаса! Болалик ёки йигитлик чоғида Петрнинг тоби қочганида онаси унга жуда меҳрибон ва сермулозамат бўлар эди! Ҳазрат сураларни ўқиб туриб, ўтган йилларни эслапти. Лекин унинг ўқиши эса, онасини ўйлашига халақит бермас эди.

У ибодатни ўқиб бўлиб, ечиниб ётди ва шу ондаёқ, ҳамма ёқ қоронғилашгач, унинг кўз, олдига марҳум отаси, онаси, у туғилиб ўсган Лесополье қишлоғи келди. . . Филдиракларнинг гижиллаши, қўйларнинг маъраши, ёзнинг эрталабки мусаффо пайтларида черков қўнғироғининг жаранглаши, дераза ёнида лўлиларнинг туриши, — буларни ўйлаш қандай лаззатли! Лесопольенинг попи — беозор, ювош, очиқ кўнгил Симеон ҳазрат унинг эсига тушди; у одам қотма, ўрта бўйли эди; унинг семинарист ўғли эса, дароз, овози дўриллаган эди; бир куни попнинг ўғли жаҳли чиқиб, ошпаз хотинни; «сен худонинг эшаги» деди; буни эшитган Симеон ҳазрат бирон сўз демади, чунки муқаддас китобларнинг қайси жойида шундай эшак тўғрисида ёзилганини эслай олмагани учун хижолатда қолган эди. Ундан сўнг Лесопольеда Демьян ҳазрат поплик қилган эди. У кўп ичар, баъзан маст бўлгунча ичар ва ҳатто у Демьян пияниста деган лақаб орттирган эди. Лесопольеда, семинаристлардан Матвей Николаич муаллимлик қилар эди. У яхши, эсли одам эди, аммо бу ҳам ичкиликка берилган эди; у ҳеч қачон ўқувчиларни урмас эди, аммо унинг мактабида доимо деворда бир тутам қайин хивичи осиглиқ турар ва остига латин тилида *Betula kinderbalsamicasecuta*<sup>1</sup> деган маъносиз ибора ёзиб қўйилган эди. Унинг қора, бароқ ити бўлиб, уни Синтаксис деб атар эди.

Ҳазрат кулиб юборди. Лесопольедан саккиз чақирим наридаги Обнино қишлоғида кароматли икона бор эди. Ёз кунларида муқаддас юриш қилиб, иконани Обнинодан қўшни қишлоқларга олиб боришар, гоҳ у қишлоқда, гоҳ бу қишлоқда кун бўйи занг қоқишар эди ва ҳазратга, ўша вақтда ер-кўк шодликка тўлгандай туюларди ва у (у вақтда уни Павлуша дейишарди) бош яланг, оёқ яланг, содда эътиқод, содда табассум билан, шодликдан

<sup>1</sup> Бу ҳазил сўзлар йиғиндиси бўлиб, маъноси тахминан: «Болаларнинг адабини берадиган қайин хивич».

боши кўкка етиб иконанинг кетидан эргашиб юрар эди. Яна шу нарса ҳам унинг эсига тушди: Обнинода халойиқ доим кўп бўлар эди, у жойнинг попи Алексей ота, проскомидия<sup>1</sup> вақтида хатларни ўқишга ва «соғлиқ тилаб» ҳамда «ўтганларни худо раҳмат қилсин учун келтирилган просфораларга»<sup>2</sup> доир хатчаларни битта ўзи ўқиб ва дуо қилиб улгурмаганидан, хатларни ўқиб беришга ўзининг гаранг жияни Илларионни мажбур этар эди; Илларион буларни ўқир ва баъзидагина қиём ибодатида бир мири ёки ярим тангага ишлар, қачонки унинг сочлари оқариб, тепакал бўлиб, умрини ўтказиб юборгандагина хатлардан бирида: «Э, Илларион, сен аҳмоқсан!» деб ёзилганини кўриб қолган эди. Павлуша камида ўн беш ёшигача дарсда қолоқ ва ёмон ўқир эди, ҳатто уни диний мактабдан чиқариб олиб, бирор дўкондорга дастёрликка бермоқчи ҳам бўлган эдилар; бир куни у, почтадан хат олиш учун Обнинога борганида, амалдорларга анча вақт қараб туриб: «Мумкин бўлса айтсангизлар, сизлар маошни қандай оласизлар: ойликми ёки кунбайми?» деб сўраган эди.

Ҳазрат бир чўқиниб қўйди ва бошқа ўйламай, ухлаш учун нариги ёнбошига ағдарилиб олди.

— Онам келибди-я. . . — деб ўйлади у ва кулиб қўйди.

Ой деразадан мўралар, пол ой шуъласи билан оппоқ ва полнинг устига соя тушиб турар эди. Чигирткалар чирқиллишарди. Нариги хонада Сисой ҳазрат хуррак тортарди, унинг қарилик билан отган хуррагидан, қандайдир, ғариблик, етимлик ва ҳатто, дарбадарлик белгилари билиниб турарди. Сисой бир вақтлар епархия архиереясида<sup>3</sup> мутавали бўлиб ишлаган эди. Ушандан бери лақаби «собиқ мутавали ота» бўлиб қолган; у етмишга кирган, ўзи шаҳардан ўн олти чақирим наридаги бир монастырда туради, яна, шаҳарда тўғри келган жойда қолаверади. У уч кун муқаддам Панкратиев монастырига келган эди. Ҳазрат, бекорчиликда у билан ишлар тўғрисида, бу ернинг пастбаланди ҳақида гаплашамиз деб, уни ўзиникида олиб қолган эди. . .

<sup>1</sup> *Проскомидия* — православ черковидаги ибодатнинг биринчи қисми.

<sup>2</sup> *Просфора* ёки *просвира* — православ черковидаги ибодат вақтида истеъмол қилинадиган, оқ ундан қилинган думалоқ кулчача,

<sup>3</sup> *Епархия архиереяси* — христианларда архиерей идора этадиган черков маъмурий округи.

Соат бир яримда эрта саҳар ибодати учун занг урилди. Сисой ҳазратнинг йўталгани, норози бўлиб гўлдирагани, сўнгра ўрнидан туриб, хонадан-хонага ялангоёқ кириб юргани эшитилади.

— Сисой ота! — деб, чақирди ҳазрат.

Сисой ўз ўрнига кетди-да, бир оздан кейин этикларини кийиб, шам тутган ҳолда кириб келди; эгнида куйлагининг устидан ридо, бошига ўнгиган қалпоқча кийган эди.

— Ухлаёлмаяпман, — деди ҳазрат, — ўтирган ўрнида! Касалга ўхшайман. Билмадим, қандай касаллик экан, Иситмам бор!

— Шамоллаган бўлсангиз керак, бузрук! Сизга шам ёғини суртиш керак эди.

Сисой бир оз туриб, эснади ва «Астафуруллоҳал-азим» деб қўйди.

Еракиннинг дўконига электр ёқиб қўйишибди, — деди у. — Менга ёқмайди!

Сисой ҳазрат қариб, озиб, букчайиб қолган эди, у ҳар доим бирон нарсадан норози бўлиб гапирарди, унинг кўзлари ғазабли ва худди қисқичбақанинг кўзига ўхшаш чақчайган эди.

— Ёқмайди! — деб такрорлади у кета туриб. — Ёқмайди. Худо олсин уни!

## II

Эртаси якшанба куни верба якшанбасида, ҳазрат қиём намозини шаҳар жомеида ўқиди, кейин епархия архиерей ҳузурига кириб чиқди, сўнг генералнинг нотоб ётган кекса хотинини кириб кўрди-да, уйга кетди. Соат бирдан ўтганда уникида қадрли меҳмонлар: кампир онаси ва саккиз яшар жияни Катя овқатланди. Овқат вақтида деразалардан баҳор офтоби мўралар, оқ дастурхоннинг устига ва Катянинг сариғ сочларига ўйноқи шуъласини сочиб турар эди. Қўш қават деразадан боғдаги қузғунларнинг шовқини ва чуғурчиқларнинг сайрагани эшитилиб турарди.

— Кўришмай кетганимизга тўққиз йил бўлди — деди кампир, — кеча монастырда сизга қараб кўзларим тўймади, э худойим-эй! Қатрачаям ўзгармабсиз, сал озган кўринасиз холос, соқолингиз ҳам узайиб қолибди. Ё азиз авлиёлар, мадаккорлар! Кеча-чи, тунги ибодат вақтида ҳеч ким ўзини туюлмади, ҳамма йиғлади. Сизга қараб туриб, мен ҳам йиғладим, йиғи қандай келди, ўзим ҳам билмайман. Бу ҳам худонинг иродаси!

У шу қадар меҳрибонлик билан гапираётган бўлса-да, бироқ ўғлини сизласаммикан, унинг олдида кулсаммикан, йўқмикан деб тортиниб турганлиги ва ўзини она эмас, кўпроқ дьякон хотинидек сезаётгани билиниб турар эди. Катя эса, кўзини юммасдан, ўз тоғаси ҳазратга бу қанақа одам экан деб тикилиб турар, гўё унинг қандай одам-лигини билиб олмоқчига ўхшар эди. Унинг сочлари таро-фининг орқасида кўтарилиб турар ва духоба лентаси шуъ-ладай кўринарди, бурни танқайган, кўзлари эса қув эди. Овқатга ўтириш олдидаёқ, у битта стаканни синдириб қўйди, шунинг учун бувиси, гапириб туриб, унинг олдидан гоҳ стаканни, гоҳ рюмкани нарироққа суриб қўяр эди. Ҳазрат онасининг гапларини тингларкан, бир вақтлари, бундан анча йиллар илгари, онаси уни, ака-укаларини ва опа-сингилларини бой қариндошлариникига олиб бориш-ларини эсга олди; онаси у вақтларда ўз болаларига ғам-хўрлик қилган бўлса, энди невараларига ғамхўрлик қил-моқда. Мана Катяни ҳам бирга олиб келибди. . .

Синглингиз Варя тўртта бола кўрди,— деди кампир,— мана бу Катя энг каттаси, биз билмаймиз, худонинг ўзи биледи, қандайдир бир касалга учраб, куёвимиз Иван ҳаз-рат Успенья байрамидан уч кун илгари ўлди. Шу топда Варенькам қийналиб, гадоёлик қиладиган ҳолга тушиб қолди.

— Никанор қандай? — деб сўради ҳазрат, ўзининг акаси ҳақида.

— Худога шукур, тузук! Бир иш қилиб тирикчилиги ўтпти. Аммо бир иш бўлдики, унинг ўғли, неварам Нико-лаша диний илмни истамай, доктор бўлиш учун универ-ситетга кириб кетди. Докторлик яхши деб ўйлади, ким билсин! Худонинг иродаси.

— Николаша ўликларни ёряпти,— деди-да Катя, тиз-засига сув тўкиб юборди.

Кампир унинг қўлидаги стаканни олиб қўяркан:

— Тўғри ўтир, болам,— деб секингина танбиҳ берди.— Бисмиллони айтиб егин.

— Қанча вақтдан бери кўришмай кетдик-а! — деди ҳазрат ва онасининг елкасини, қўлини секингина силади. Онажон, мен чет элда сизни соғиндим, жуда со-ғиндим:

— Сизга раҳмат айтамыз.

— Шундай вақтлар бўлар эди, очиқ деразанинг олди-да якка ўзим ўтирардим, музыка овози келиб турарди, ам-

мо кўнгил бирдан ватанингни кўмсаб кетарди, ҳамма нарсадан кечиб, уйга қайтгим, сизларни кўргим келарди. . .

Онаси шодликдан жилмайди-ю, бирдан яна жиддий тус олиб:

— Сизга раҳмат айтамиз, — деб қўйди.

Ҳазратнинг кайфи бирдан ўзгарди. У онасига қаради ва унинг юзида ва товушидаги бу қадар мулозимат ва тортиниш қаердан пайдо бўлди экан ва бу нимага керак экан, деб ҳайрон қолди. Юрагида ғашлик пайдо бўлди. Шу пайт кечаги сингари яна боши оғриди. Оёқлари қаттиқ зирқиради, еган балиғи тузсиз, бемаза татиб кетди, доим юраги куйиб турди. . .

Обеддан кейин аравада иккита бой помешчик хотин келди, улар бир ярим соатча чурқ этмай тикилишиб ўтирди. Бир иш билан архимандрит келди, у камгап, гарангроқ киши эди. Шу пайтда кечки ибодатга чақириб кўнғироқ чалинди. Куёш ўрмоннинг нариёғига ўтиб, ботди, кун кеч бўлди. Ҳазрат черковдан қайтиб келгач, шошиб-пишиб ибодат қилди-да, қалин бурканиб ётди.

Обед олдида еган балиғи эсига тушиб, таъби хира бўлди. Уни ой нури безовта қилар эди. Сўнг унинг қулоғига ғовур-ғувур гап эшитилди. Нариги хоналарнинг бирида, ҳар ҳолда меҳмонхонада бўлса керак, Сисой ҳазрат ҳадеб сиёсатдан гап маъқуллаётган эди:

— Ҳозир японлар уруш билан банд. Урушяптилар. Японлар ҳам, онахон, қоратоғликлар ҳам, барибир, бир қабиладан бўладилар. Улар ҳам, булар ҳам туркларнинг қўл остида эзилган эдилар.

Кейин Марья Тимофеевнанинг товуши эшитилди:

— Шунақа қилиб, ибодат қилиб, ҳалигидақа, чой-пой ичиб, биз жўнаймиз; ҳалиги, Новохатное қишлоғидаги Егор ҳазратни кига кетамиз. . . Гўё кампир умр бўйи чойдан бошқа нарса ичмагандек нуқул «чой-пой ичиб» деган гапларни қайтара берар эди. Семинария ва академиядаги чоғлари ҳазратнинг ёдига сал-пал тушди. У семинарияда уч йил юнон тилидан дарс берган, ўшандаёқ, китобни кўзойнаксиз ўқий олмас эди, кейин монах бўлиш учун соч қирқтирган эди, уни инспекторликка тайинлаган эдилар. Сўнгра у диссертация ёқлаган. Еши ўттиз иккига борганда, уни семинарияга ректор қилиб қўйган ва архимандритлик<sup>1</sup> унвони берган эдилар; ўшанда унга турмуш енгил,

<sup>1</sup> *Архимандрит* — олий руҳоний унвон.



кўнгилли бўлиб туюлган эди. Уша вақтда у оғрий бошлаган, озиб кетган, кўздан ажрашига бир бахя қолган эди. Шунда докторнинг маслаҳати билан бу ишларни ташлаб, чет элга кетишга мажбур бўлган эди.

— Кейин-чи? — деб сўради қўшни хонада Сисой.

— Кейин чой ичдик. . . — деб жавоб қайтарди Мария Тимофеевна.

Катя ҳайронлик билан:

— Отахон, сизнинг соқолингиз кўк экан-а! — деди секингина ва кулди.

Ҳазрат, Сисойнинг соқоли ҳақиқатан ҳам кўк товланишини эслаб, кулумсираб қўйди.

— Э худойим, бу қиз тозаям бижилдоқ экан-ку! — деди баланд овоз билан, аччиғланиб Сисой. — Тантиқ қиз экансан. Тек ўтир!

Ҳазрат чет элда ўзи хизмат қилган яп-янги, оқ черковни эслади; илиқ денгизнинг шувуллаши эсига тушди. Унинг квартираси беш хоналик, баланд ва ёруғ эди; кабинетда янги ёзув столи ва кўп китоблари бор эди. Кўп ўқир ва кўп ёзар эди. Ватанни қандай соғинганлиги, ҳар куни битта кўр тиланчи хотин деразасининг тагига келиб ишқий ашулалар айтгани, гитара чалгани, унинг куйларини тингларкан, негадир, ҳар сафар ўтган ишлар тўғрисида ўйлаганлари эсига тушди. Саккиз йил деганда уни Россияга чақиришди. Мана энди у викарний архиерей<sup>1</sup> бўлиб хизмат қилмоқда, унинг саргузаштлари унутилиб, гўё бир тушга ўхшаб қолган эди. . .

Ҳазрат ухлайдиган хонага, шам кўтариб, Сисой кирди.

— Йе,— деб таажжубланди у.— Сиз ухлаяпсизми, ҳазрат?

— Нима гап?

— Ҳали эрта-ку! Соат энди ўн бўлди, балки ўнга ҳам етгани йўқ. Мен бугун шам сотиб обкелган эдим, сизга шам ёғи сурмоқчи эдим.

— Менинг иситмам бор,— деди-да, ўтирди ҳазрат. Дарвоқе бирор тадорик қилиш керак эди. Бошим оғрияпти.

Сисой унинг кўйлагини ечди-да, кўкрагига ва орқасига шам ёғини сура бошлади.

— Ана шундай туринг. . . Ана, суриляпти. . . — деди у.— Узинг шифо бергин худойим! . . Ҳа баракалла. Бугун

---

<sup>1</sup> *Викарний архиерей* — православ черковида епархия архиерейсига тоби лавозим.

шаҳарга бордим, ановиникига кирган эдим,— ҳалиги-чи — протоиерей<sup>1</sup> Сидонскийникига. . . Уникида чой ичдим. . . У менга ёқмайди-да! Ё азизлар! . . Ана шундай. . . Ёқмайди!

### III

Қари, жуда ҳам семиз епархия архиерей бод ёки подагра касалига йўлиқиб, бир ойчадан бери ўрнидан турмас эди. Петр ҳазрат уни деярли ҳар кун кириб кўрар ва унга арз билан келганларни, унинг ўрнида қабул этар эди. У энди бетоб бўлиб ётганда, ҳазратга ўша арзгўйларнинг ҳамма арзлари ва йиғи-сиғилари бемаъничилик, бачканаликдай кўриниб уни таажжублантирар, уларнинг қолоқлиги, қўрқоқлиги аччиғини келтирар, у бачкана ва кераксиз ишларнинг ҳаммаси унинг юрагини сиқар эди; унга ёшлик вақтида «Эркин ирода ҳақида таълимот»ни ёзган епархия архиерейнинг кимлигини энди тушунаётгандай ва у энди яна-да майда нарсаларга берилиб кетиб, ҳамма нарсани унутгандай ва тангри ҳақида ҳам ўйламаётгандай туюлди. Ҳазрат чет элда рус ҳаётидан узоқлашган бўлса керак; у рус ҳаётига унча киришиб кета олмаяпти; унга халқ қўпол, арзгўй, аёллар фазилатсиз ва аҳмоқ, семинариянинг ўқувчи ва ўқитувчилари нодон, баъзан ваҳшийдек туюлар эди. Қирди-чиқди қоғозлар ўн мингларча саналар, яна қанақа қоғозлар эди, денг! Бутун епархия хатиблари ҳамма попларга, ёшларига ҳам, қариларига ҳам, ҳатто уларнинг хотин ва болаларига ҳам, ахлоқлари тўғрисида беш, тўрт ва баъзан уч баҳо қўяр эдилар ва бу тўғрида гапиришга, ўқишга ва жиддий хатлар ёзишга тўғри келар эди. Ҳазратнинг бирор минут ҳам бўш вақти йўқ, кун бўйи безовталиқда ўтар эди. Унинг фақат черковга борганида жони тинчир эди.

Ҳазрат ўзи мулойим, камтар одам бўлганидан уни кўрганда одамларда қўрқинч пайдо бўлишига унинг ўзи сира-сира рози бўлмас эди. Бу губернадаги ҳамма кишилар у қараганда ўзларини кичкина олгандек, қўрққандек ва гуноҳқормиз деб ҳисоблагандек туюлар эди. У бор жойда ҳамма ҳайиқар, қўрқар, ҳаттоки кекса протоиерейлар ҳам тортинар, қўрқар, ҳамма унинг оёғига йиқилар эди. Яқинда қишлоқдан арз билан келган бир кампир, поп хотини, унинг олдида қўрққанидан бирор сўз ҳам айта олмади ва ишини битира олмай қайтиб кетди. У одамларга раҳмдил

<sup>1</sup> *Протоиерей* — юқори даража мансабга эришган поп.

эди, уларга ваъз қилган чоқларда қўпол гаплар айтмас, ҳеч қачон уларни койимас эди, аммо арзгўйларни кўрганда эса, жаҳли чиқар ва уларнинг аризаларини ерга ташлаб юборар эди. У бу ерга келгандан бери ҳеч бир кимса у билан самимий, бемалол, рўйрост гаплаша олган эмас; ҳатто кампир онаси ҳам, ўз онасидек муомала қила олмаяпти-ку! Энди савол туғилади: кампир нима учун Сисой билан таптортмай гаплашади ва унинг олдида кўп кулади-ю, аммо ўглининг олдида ўзини жиддий тутади, гапирришга тортминади. Аммо ҳазратдан тортинмасдан, у билан ҳамма нарса тўғрисида гаплаша оладиган бирдан-бир киши бутун умри архиерейлар билан бирга ўтган ва улардан ўн биттасини кўрган Сисой чол эди. Шунинг учун ҳам, гарчи Сисой бадфеъл, жанжалкаш одам бўлса-да, у билан муомала, муносабатда бўлиш қийин эмас эди.

Сешанба куни кундузги ибодатдан сўнг ҳазрат архиерейнинг уйида бўлди ва унда арзгўйларни қабул қилди, анча ташвиш тортди, ғазабланди, сўнгра уйига қайтиб кетди. У ҳамон бетоб ёткиси келар эди, уйига аранг етиб келди. Шу пайти эҳсонпарвар ёш савдогар бой Еракин муҳим бир иш билан келганини билдирдилар. У билан гаплашиш лозим эди. Еракин бир соатча ўтирди,— бақириб-чақириб гапирарди, унинг нима демоқчи эканини тушувиш ҳам қийин эди.

— Илоҳо шундай бўлсин,— деди у, кета туриб,— жаноби олийлари! Зарурият, ҳазрат олийлари! Шундай бўлишини хоҳлар эдим!

Ундан кейин узоқдаги бир монастирнинг игуменьяси<sup>1</sup> келди. У хотин жўнаб кетгандан сўнг эса, кечки ибодатга кўнғироқ чалинди. Энди черковга жўнашга тўғри келди.

Кечқурун монахлар ихлос билан, берилиб хониш қилдилар, қора соқолли ёш иеромонах сураларни ўқиди, ҳазрат, ярим кечада келаётган куёв тўғрисидаги ва зийнатли қаср ҳақидаги куйни эшитганда ўзини гуноҳлари учун тавба қилаётган, қайғуга ботган қиёфада ҳис этмай, кўнглини тинч тутди-да, хаёлга чўмиб кетди, унинг хаёли узоқ ўтмишга, болалик ва ёшлик чоғларига олиб кетдики, у вақтларда ҳам куёв ва зийнатли қаср тўғрисида шундай хониш қилинар эди, эндиликда эса, ўша ўтмишдагилар унинг кўз олдида жонли, гўзал ва ҳеч қачон кўрилмаган бир қувонч билан намоён бўлмоқда. Балки, нариги дунёда

<sup>1</sup> *Игуменья* — хотинлар монастирининг бошлиғи — аёл.

ҳам узоқ ўтмишни, бу дунёдаги ишларимизни ҳозиргидек эслармиз. Ким билади! Ҳазрат меҳробда ўтирар, бу ер қоронғи эди. Унинг кўз ёшлари юзларига оқиб тушар эди. У мен ўз даражамдаги одам эришуви мумкин бўлган ҳамма нарсага эришдим деб ўйлар эди, у эътиқод қилди, аммо шундай бўлса-да, баъзи нарсалар унга равшан эмас, бирор нарса етишмагандай, кўнгилда бирор армони бордай эди. Улишни истамас эди; у бир замонларда ўзи ҳам яхши англамасдан орзу қилган энг муҳим нарсаси йўқдек туюлар эди ва ўзининг ёшлик чоғларида ҳам, академияда ҳам, чет элдалигида ҳам, келажакка боғлаган умидлари уни ҳамон безовта қилар эди.

Бугун улар қандай яхши хониш қилишяпти-я! — деб ўйлади у, хонишга қулоқ солиб.— Қандай яхши-я!

#### IV

Пайшанба куни у қиём ибодатини жомеда ўтказди, бунда оёқ ювиш маросими бўлди. Черковда ибодат тугагандан кейин, халойиқ уй-уйига тарқалди; ҳаво очик, қуёш порлар, иссиқ, олам шод эди, ариқлардаги сувлар шалдирар, шаҳар атрофидаги далаларда эса, тинмай сайраётган тўрғайларнинг аллаловчи овозлари ҳамма ёқни тутар эди. Дарахтлар уйғонган, улар кўзга ёқимли кўринар эди ва уларнинг тепасини тубсиз, кенг кўм-кўк осмон қоплаган эдики, унинг поёни қаерларга боришини билиб бўлмасди.

Петр ҳазрат уйига қайтиб келгач, чой ичди, сўнгра кийимини алмаштирди-да, ўрнига кириб ётди ва келейникка дераза эшигини беркитиб қўйишни буюрди. Уйнинг ичи қоронғи бўлиб қолди. У ниҳоятда ҳориган, оёқлари ва беллари зирқираб оғрир, қулоқлари шанғиллар эди! У назарида кўпдан бери ухламагандай, бу муддат унга жуда узоқ туюлар, ва кўзини юмди дегунча, бўлар-бўлмас хаёллар алаҳситиб, ухлай олмас эди. Кечагидек, бугун ҳам, нариги хоналардан товушлар, стакан ва чой қошиқларининг жананг-журунги эшитилиб турар эди. . . Мария Тимофеевна қувноқ эди, у Сисой отага қизиқ нарсаларни гапириб берарди, Сисой эса, норози оҳангда: — «Ҳе, улар курсини! Қаерда энди! Нима қилар эди!» деб жавоб қайтарар эди. Ҳазратга яна қаттиқ боған ва алам қилган нарса шу эдики, кампир бегоналар билан баҳазур гаплаша беради, у билан, яъни ўз ўғли билан эса, гаплашишга тортинади, кам гаплашади ва ҳаттоки, шу кунларда унга

онаси ўзи хоҳламаса ҳам, тортинганидан ўғлининг олдида ўтирмай, тикка туришга баҳоналар излагандай туюларди. Отаси бўлса-чи! Агар у тирик бўлганда, эҳтимол бунинг олдида бирор сўз ҳам айта олмаган бўлар эди...

Нариги хонада полга нимадир тушиб кетиб синди; Катя чашка ёки ликопчани тушириб юборган бўлса керак, негаки, Сисой ота тўсатдан туфлаб юборди ва аччиғланиб:

— Бу қиз бир балойижон экан, эй тавбангдан кетай, худойим! Бунинг дастидан ҳеч нарса қолмайди, шекилли!— деди.

Кейин жимжит бўлиб қолди, фақат ҳовлидаги товушлар эшитилар эди. Ҳазрат кўзини очсаки, уйда Катя қимир этмай ҳазратга қараб турибди. Унинг сариғ сочлари тароғининг орқасидан шуъла каби кўтарилиб турар эди.

— Ҳе, Катя, сенмисан?— деб сўради у.— Пастда ҳадеб эшикни очиб ёпаётган ким?

— Мен эшитмаяпман-ку,— деди-да, қулоқ солди Катя!

— Ана, ҳозир биров ўтди.

— Э, бу қорнингизда-ку, тоғажон!

У кулиб юборди ва қизчанинг бошини силади.

Бир оздан кейин ҳазрат сўради:

— Николаша акам ўликларни ёряпти дедингми?

— Ҳа. Урганяпти.

— У яхши одамми ўзи?

— Емон эмас, яхши. Аммо ароқни кўп ичади.

— Отанг нима касал билан ўлди?

— Отам нимжон, жудаям озгин эдилар, тўсатдан томоқлари оғриб қолди. Ўшанда мен ҳам, Федя укам ҳам касал бўлди, ҳаммамизнинг ҳам томоғимиз оғриди. Отам ўлдилар, тоғажон, биз тузалиб кетдик.

Катянинг няғи қалтираб кетди, кўзлари дув ёшга тўлиб, бетларига оқиб тушди. У аччиқ-аччиқ йиғларкан:

— Ҳазрати олийлари!— деди, нозик товуш билан,— тоғажон, биз онам билан бахтсиз бўлиб қолдик... Биэга бир оз пул беринг... худо хайр берсин... жон тоға!..

Ҳазрат ҳам кўзига ёш олди ва ҳаяжонланганидан анчагача бир сўз ҳам айта олмади, сўнг унинг бошини силади-да, елкасидан ушлаб деди:

— Хўп, майли, қизча! Улуғ айём кунлар келсин, ўшанда гаплашамиз... Мен ёрдам бераман... ёрдам бераман...

Секин, құрқа-писа онаси кириб келди-да, иконага қараб чўқинди. Уғлининг ухламаганини кўриб, ундан сўради:

— Озроқ шўрва ичмайсизми?

— Йўқ, раҳмат...— деб жавоб қилди у.— Ичким келмайди.

— Менинг кўзимга нотобдай кўринасиз!.. Тағин касал бўлиб қолманг! Куни бўйи оёқ устидасиз, куни бўйи. Эй худойим-эй, аҳволингиз оғир кўринади, улуг айём кунлар яқинлашиб қолди, дамингизни олинг, худо хоҳласа, ўшанда гаплашармиз, ҳозир гапириб сизни безовта қилгим келмайди. Катя, юр, қизим, майли, ҳазратим ухласинлар.

Бир вақтлар, ҳазратнинг болалик чоғларида, онаси бир тақводор ҳазрат билан ҳозиргидек, ҳазиломиз-ҳурматлаб гаплашгани эсига келди... Фақат, унинг хонадан чиқиб кетаётганида ҳазратга ортиқ даражада раҳмдиллик билан, ҳайиқиб, ташвишланиб қараб қўйишидангина унинг она эканини билиб олиш мумкин эди. Ҳазрат кўзини юмди-ю, ухлаганга ўхшади, аммо соатнинг икки бор ургани ва деворнинг нариёғида Сисой отанинг йўталгани қулоғига кирди. Онаси яна бир марта кирди-да, унга бирпас ҳайиқиб қараб турди. Кўча эшикнинг олдига кимдир каретада ёки извошда келганлиги эшитилди. Бирдан эшик тақиллади ва хонага келейник кириб келди.

— Ҳазрати олийлари!— деди у.

— Нима?

— Арава тайёр, страстная ибодатига<sup>1</sup> борадиган пайт келди.

— Соат неча бўлди?

— Еттидан чорак ўтди.

У кийинди ва жомеъга жўнаб кетди. Ун икки пора инжил ўқилиб бўлгунча черковнинг ўртасида тип-тикка туриш керак эди. Инжилнинг энг узун ва энг гўзал биринчи порасини ўзи ўқиди. У тегикланиб, руҳи кўтарилиб кетди. «Ҳозир одам боласининг шухрати ортди» дейиладиган бу биринчи порани ҳазрат ёддан билар эди; у ўқир экан, гоҳ-гоҳ кўзини юқори кўтариб, икки томонда порлаб турган беҳисоб чироқни кўрар, шамларнинг чирсиллашини эшитар эди, аммо илгариги йиллардагига ўхшаш, бу сафар ҳам, одамларни кўрмас эди ва бу одам-

<sup>1</sup> *Страстная неделя*—яъни пасха олдидаги ҳафтада, пайшанба куни кечкурун ўқиладиган ибодат. (*Таржимон.*)

ларнинг ҳаммаси, унинг болалик, ёшлик чоқларида кўриб юрган одамларга ўхшаш туюларди ва ҳар йили ҳам шу одамларнинг ўзлари, қачонгача шундай бўлади, бунини бир худонинг ўзи биледи, деб ўйлар эди.

Унинг отаси дьякон, бобоси поп, бобосининг отаси дьякон эди ва унинг ҳамма аждоди, Россияда христин дини қабул этилгандан бери руҳоний ўтган бўлса керак ва унинг черков хизматини, руҳонийликни, қўнғироқ овозини севиши ўзининг асл руҳонийзода эканлигидан эди; у, черковда, айниқса унинг ўзи ҳозир бўлган ибодат вақтларида, ўзини ишчан, бардам, хушвақт сезар эди. Ҳозир ҳам шундай эди. Инжилнинг саккизинчи пораси ўқилиб бўлганда, овозининг заифлашганини сезди, ҳатто йўталганда товуши чиқмай қолди, боши қаттиқ оғриди, йиқилиб тушишидан хавфсиради. Дарҳақиқат, унинг оёқлари тамоман увушиб қолган эди, бора-бора оёқлари сезмай ҳам қолди. У нимага таяниб ва қандай қилиб турганини билмас, йиқилиб тушмаганига ҳайрон эди. . .

Ибодат тугаганда соат чорак кам ўн икки эди. Ҳазрат уйига қайтиб келиб, ечиниб, ўрнига кириб ётди, ҳатто ибодат ҳам қилмади. У гапира олмас ва ўзини туришга мадори йўқдай сезар эди. У кўрпага бурканиб олгач, бирдан, чет элга кетгиси келиб қолди, жуда ҳам кетгиси келди! Жондан кеч деса кечар, аммо шу кўримсиз, оддий дераза қопқоқларини, пастак шипларни кўргиси, монастырнинг рутубатли исини ҳидлагиси келмас эди. Қани энди бирор киши топилса-ю, у билан гаплашиб, кўнглини овутса!

Кўшни хонада анча вақтгача кимнингдир юргани эшитилди, бу одамнинг ким эканини ҳазрат англай олмади. Ниҳоят, эшик очилиб, қўлида шам ва пиёла кўтариб, Сисой кириб келди.

— Сиз ётдингизми, ҳазрат?— деб сўради у.— Мана мен келдим. Баданингизга сирка аралаш ароқ сурмоқчи эдим. Агар яхши суртилса, фойдаси катта бўлади. Э, худойим. . . Мана шундай. . . шундай туринг. . . мен ҳозир ўз монастыримизга бориб келдим. . . Менга ёқмайди! Бу ердан эртага кетаман, бузруквор, ортиқ туришни хоҳламайман. Ё ҳазрат Исо. . . Ана шундай. . .

Сисой бир жойда узоқ вақт туролмас ва унга Панкратиев монастырида йил бўйи тургандай бўлиб кетди. Ҳаммадан ҳам шуниси қизиқ эдики, унинг гапидан ҳеч нарса

англаб бўлмас, уйи қаерда, бирор кимсани, ёки бирор нарсани севадими, худога ишонадими, буни билиб бўлмас эди. . . Монах бўлиб қолганига ўзи ҳам ҳайрон, монах бўлишни хаёлига ҳам келтирмаган эди. Унинг қачон монахликка назир қилиниб сочи қирдирилгани аллақачонлар эсидан чиқиб ҳам кетган эди; унга, гўё онадан монах бўлиб туғилгандай туюлар эди.

— Эртага кетаман! Кечдим, кераги йўқ ҳаммасининг!

— Сиз билан гаплашувим керак эди. . . Ҳеч вақт тополмаяпман,— деди ҳазрат, секин ва зўрға.— Мен бу ерда ҳеч кимни ва ҳеч нимани билмайман-да. . .

— Майли бўлмаса, якшанбагача турсам турарман, бошқа туришни истамайман. Ҳе падарига!

— Мен қандай қилиб архиерей бўлиб қолдим?— деб давом этди секин ҳазрат.— Мен қишлоқ попи, дьякон. . . ёки оддий монах бўлишни истар эдим. . . Бу ишларнинг ҳаммаси мени эзяпти. . . эзяпти. . .

— Нима? Е ҳазрати Исо. . . Ана шундай. . . Қўяверинг! Майли! Тинч ухланг, ҳазрат! Яхши туш кўриб ётинг!

Ҳазрат тун бўйи ухламади. Эрта билан соат саккизга борганда унинг ичагидан қон кета бошлади. Келейник қўрқиб кетди ва олдин архимандритга, кейин шаҳарда турувчи, монастырь доктори Иван Андреевичга югурди. Тўладан келган, узун оппоқ соқолли доктор, ҳазратни узоқ текшириб кўрди ва у бошини чайқади, қовоғини солди, сўнг деди:

— Э, ҳазрати олийлари! Сиз ичак терлама бўлиб-сиз-ку!

Қон кетишдан ҳазрат бир соатнинг ичида жуда озиб, ранги оппоқ оқариб, чўкиб, бетлари буришиб, кўзлари олайиб қолди. У гўё қариб қолгандай эди, бўйи чўкди; унинг ўзи ҳам мен озиб, заифланиб, кичикланиб кетдим шекилли деб, ўтган ишларнинг ҳаммаси ўтди, кетди, улар энди ҳеч қайтиб келмайди деб ўйлар эди.

«Қандай яхши бўлди-я!— деб ўйлади у.— Кўнгилдагидек бўлди!»

Кампир онаси кириб келди. У ўғлининг юзидаги ажинларни ва кўзларининг олайиб кетганини кўриб қўрқиб кетди ва кроватнинг олдига тиз чукиб олиб, унинг юзини, елка ва қўлларини ўпди. Унинг назарида ҳам, ҳазрат негадир озиб, бўшашиб ва бошқалардан кўра кичрайиб кетгандай эди. Энди кампир, унинг архиерей эканини ўйламас ва уни боласини ўпгандай, астойдил ўпар эди.



— Павлуша, кўзичоғим,— деди у,— болажоним!.. ўғилгинам!.. Нега сен бундай бўлдинг? Павлуша, айтгин менга!

Катя ранги ўчиб, бувисининг ёнида хўмрайганча турар ва тоғасига нима бўлганини, бувисининг юзи нечун ташвишли эканини, нечун у бунақа таъсирли ва ғамгин сўзларни айтаётганини билмай ҳайрон эди. Петр бирор сўз ҳам айта олмас, ҳеч нарсани сезмас эди, у энди ўзини оддий бир кишидек фаҳмлар, ялангликда ҳассасини дўқиллатиб тез ва шодлик билан кетаётган кишидай, кенг осмонда қуёш нури порлаб тургандек ва ўзини эркин қушдек, хоҳлаган томонга кета оладигандек ҳис этар эди!

— Ўғилгинам, Павлуша, айтгин менга!— дейди кампир.— Нима бўлди сенга? Жон болам!

— Ҳазратни безовта қилманг,— деди зарда билан Сисой, хонадан ўтаётиб,— қўйинг, майли, ухлай берсинлар... Майли... Қўйсангиз-чи!

Учга доктор келиб, хўб маслаҳатлашди, кейин қайтиб кетди. Кун жуда узун, ҳаддан ташқари узун эди, сўнг кеч кирди ва кечаси ҳам чўзилиб кетди, тонгга яқин, шанба куни, меҳмонхонада диванда ётган кампирнинг олдига келейник келиб унга ичкарига кириб, ҳазрат сизга узоқ умр тилади, деди.<sup>1</sup>

Эртаси куни пасха бошланди. Шаҳарда қирқ иккита черков ва олтита монастырь бор эди; кўнғироқларнинг баланд ва шодиёна жаранглаган овози баҳор ҳавосини тўлқинлатиб, шаҳар устида кечгача тўхтовсиз эшитилар эди; қушлар сайрар, қуёш порлаб турар эди. Катта бозор майдонида шовқин-сурон, арғимчоқ тебранар, шарманкалар<sup>2</sup> чалинар, гармонь овозлари, мастларнинг ҳайқириқлари эшитилар эди. Катта кўчада, тушдан кейин, от пойгаси бўлди. Хуллас, бултургидек бу йил ҳам ҳамма шод ҳамма нарса кўнгилдагидек, балки келажакда ҳам шундай бўлар.

Бир ойдан кейин янги викар архиерейи тайин бўлди, Петр ҳазратни энди ҳеч ким эсга ҳам олмас эди. Сўнгра бутунлай унутулиб кетди. Фақат марҳумнинг чет бир уезд шаҳарчасида, дьякон куёвиникида турувчи кампир она-сигина, кечки пайт, подадан қайтадиган сигирини қайириб

<sup>1</sup> *Православ мазҳабидагилар*, бирор кишиси ўлса, ўлди демай, «...приказал долго жить» дейди. (*Таржимон.*)

<sup>2</sup> *Шарманка* — бир хил нағма, музика асбоби. (*Таржимон.*)

Олишга чиққанда ва бошқа хотинлар билан бирга ўтлоққа борган кезларида у хотинларга болалари, неваралари ҳақида ҳикоя қилар, ўғли архиерей бўлганини айтар, лекин бу гапимга улар ишондими-йўқми деб, чўчир эди...

Ҳақиқатан ҳам унинг гапларига ҳар ким ҳам ишона бермасди.

## Қ А Й Л И Қ

### I

Кечкурун соат ўнлар, боғ тепасида тўлин ой сузиб юради. Шуминларнинг уйида бувиси Марфа Михайловна буюрган кечки ибодат ўқилиб бўлгач, Надя боққа чиқди: залда дастурхон ёзилиши, сербезак шойи кўйлак кийган бувисининг тараддудланиб юргани Надяга деразадан кўришиб турарди. Собор протоиерейи<sup>1</sup> Андрей ота Надянинг онаси Нина Ивановна билан алланималар тўғрисида суҳбатлашиб туради; Надянинг онаси чироқ ёруғида ва дераза орасидан кўрингани учун бўлса керак, ниҳоятда ёшдек эди; Андрей отанинг ўғли Андрей Андреич уларнинг гапини диққат билан тинглаб турар эди.

Боғ жимжит ва салқин, ерга қалин кўланкалар тушган. Олислардан, шаҳарнинг нариги томонидан бўлса керак, бақаларнинг вақиллаши эшитилади. Май, гўзал май ойи яқинлашиб қолган! Надя роҳатланиб нафас олади; у, бу ерда эмас, баланд осмону фалакларда, дарахтлар устида, олис жойларда — шаҳардан ташқарида дала ва ўрмонларда қандайдир сирли, ажойиб, мароқли, ожиз гуноҳкор кишининг ақли етмайдиган муқаддас баҳор бошланди деб ўйлар ва бу фикрларидан нечундир йиғлагуси келар эди.

Надя йигирма учга кирган қиз эди; ўн олти ёшида у эрга тегишни зўр эҳтирос билан орзу қилиб келар ва мана энди ўша дераза ёнида турган Андрей Андреичга унашилган, унинг қайлиғи эди. Андрей Андреич унга ёқарди, никоҳ ҳам еттинчи июлга тайинланганди, аммо шундай бўлса-да, негадир Надя хурсанд эмас, кечалари ухламай чиқар, хушчақчақликдан асар ҳам қолмаган

<sup>1</sup> *Протоиерей* — олий диний мансаб.

эди... Подвалда жойлашган ошхонанинг очиқ деразасидан хизматчиларнинг шошиб-пишиб овқат пиширишлари, пичоқларнинг тақирлаши, блок осилган эшикнинг очилиб ёпилиши эшитиларди; қовурма курка ва тузланган олча ҳиди анқирди. Негадир ҳаёт унга сира ўзгармайдиган, худди шу хилда борадигандай туюларди.

Уйдан аллаким чиқиб, эшик олдида тўхтади: у Александр Тимофеевич, соддароқ қилиб айтганда Саша эди; Саша бундан ўн кунча олдин Москвадан меҳмон бўлиб келган. Бир вақтлар Надянинг бувисиникига унинг Марья Петровна деган узоқ қариндоши садақа сўраб келиб юрарди; Марья Петровна қашшоқлашиб кетган бева дворян хотин бўлиб, кичкина, ориқ ва бемор эди. Унинг Саша деган ўғли бўлар эди. Негадир Сашани ҳамма жуда яхши рассом деб юрарди, оғаси ўлгандан кейин Надянинг бувиси савоб учун Москвага юбориб, Комиссаров мактабига киритиб қўйган эди, икки йилдан кейин Саша рассомлик мактабига ўтиб, ўн беш йилча ўқиди ва ниҳоят бир амаллаб архитектура бўлимини битириб чиқди, аммо архитектура билан шуғулланмай, Москвадаги литографиялардан бирида хизмат қилар эди. Деярлик ҳар ёзда у, Надянинг бувисиникига дам олгани ва соғайиш учун келиб турарди; у хаста эди.

У устига сюртук кийиб, ҳамма тугмаларини қадаб юрарди; эски парусин шимининг почалари титилиб кетган эди. Кўйлаги ҳамғижимланган, ўзи ҳам қандайдирғижимлангандай кўринади. Жуда ориқ, кўзлари каттакатта, бармоқлари чўпдай узун, соқоллари ўсиб кетган бўлса ҳам, анча чиройли эди. Шуминларни у ўзига жуда яқин тутар, уларни ўзининг қариндоши деб билар, уларникига келганда худди ўз уйига келгандай бўлар эди. У келиб қўнадиган бўлма ҳам Сашаники деб аталар эди.

Эшик олдида тураркан, Надяни кўриб қолди-да, унинг олдига келди.

— Боғларинг жудаям роҳат жой-да,— деди.

— Албатта, роҳат. Кузгача туришингиз керак.

— Ҳа, шундай қилишга тўғри келади. Сентябрьгача турсам дейман.

Саша ҳеч қандай сабабсиз кулди-да, Надянинг ёнига ўтирди.

— Шу жойдан ойимга қараб ўтирибман,— деди Надя.— Бу ердан қараса жуда ёш кўринаркан! Ойимнинг ожиз томонлари ҳам бор, албатта, йўқ деб бўлмайди,—

бир оз жим ўтириб деди Надя,— аммо, шундай бўлса ҳам жуда ажойиб хотин!

— Ҳа, яхши хотин...— деди Саша.— Ойингиз жуда меҳрибон ва ёқимли хотин, албатта, аммо... нима десам экан? Бугун эрталаб барвақт ошхонага кириб қолувдим, қарасам, тўртта оқсоч ерда ётибди, кровать йўқ, кўрпа ёстиқлари йиртилиб, увадаси чиқиб кетган, ҳамма ёқ сасиқ, ҳамма ёқда қандала билан сувараклар ўрмалаб юрибди... Бундан йигирма йил илгари ҳам худди шундай эди, ҳеч қандай ўзгариш йўқ.

Бувингиз-ку, майли, қариб қолган одам, аммо онангиз французчани ҳам билади, спектаклларда ҳам қатнашади. Бундай ишларга ақли етиши керак эди.

Саша гапирганда ҳамсуҳбатининг кўз олдига икки ориқ бармоғини чўзиб туриб гапирар эди.

— Мен бунақаларни кўрмаганман, шунинг учун менга ёт туюлади,— деб давом этди у.— Ҳеч ким ҳеч нарса қилмайди, онангиз эртадан кечгача худди герцогинядай сайр қилиб юради, бувингиз ҳам ҳеч нарса қилмайди, сиз ҳам, қайлиғингиз Андрей Андреич ҳам доим бекор юради.

Бу гапларни Надя бултур ҳам, бурноғи йил ҳам эшитган, Сашанинг бундан бошқа мулоҳазаси бўлмаслигини ҳам билади. Илгари бу гапларни эшитса кулгиси келар эди, энди бўлса негадир бу гаплар ранжитди.

— Бу гапларингизнинг бари эски гаплар, жонга тегди,— деди Надя ва ўрнидан турди.— Янгироқ гап топсангиз-чи.

Саша кулди-да, у ҳам ўрнидан туриб, икковлари уй томонга юрди. Баланд бўйли, қадди-қомати келишган ва кўҳликкина Надя унинг ёнида соғ ва ясангандай кўринарди; буни Надя сезарди, шунинг учун унинг Сашага раҳми келиб, хижолат тортарди.

— Ортиқча гапингиз кўп,— деди у.— Мана, ҳозиргина менинг Андрейим тўғрисида гапирдингиз, аммо сиз унинг кимлигини, қанақа одамлигини билмайсиз.

— Менинг Андрейим... Ҳа, ана, сизнинг Андрейингиз бўла қолсин! Мен фақат сизнинг ёш умрингизга ачинаман.

Улар залга кирганда ҳамма овқатлангани ўтиришган эди. Семиздан келган, хунук, қошлари қалин, мўйловли бувиси ёки уй ичидагиларнинг айтишича,— бувижон, баланд овоз билан гапириб ўтирган эди, унинг овозидан уй

бошлиғи эканлиғи кўриниб турар эди. Ярмаркадаги бир неча раста, колоннаги катта данғиллама уй билан боғ уники эди, аммо ҳар кўни эрта билан бувиси: худоё хонавайрон қилма, мол-мулкимни паноҳингда сақла деб йиғлаб нола қиларди. Унинг келини, Надянинг онаси оқишдан келган, тор кўйлак кийиб кўзига ріпсе-pez, ҳар бармоғига биттадан бриллиант тақиб юрвчи Нина Ивановна, Андрей ота, ориқдан келган, тишлари тушиб кетган ва афти худди бирон қизиқ воқиа айтиб берувчи одамнинг афтига ўхшаган чол; унинг ўғли Андрей Андреич, Надянинг қайлиғи, тўладан келган, чиройли, сочлари жингалак, артист ёки рассомга ўхшаган киши,— уччовлари гипнотизмдан гаплашиб ўтирар эдилар.

— Мен сени бир ҳафтада тузатиб юбораман,— деди буви, Сашага қараб.— Овқатдан кўпроқ ейишинг шарт. Афт-ангорингни қара!— деб чуқур уҳ тортди.— Шунақа ҳам озиб, чўпдай бўлиб кетадими одам! Дайди дегани ҳам рост.

— Падар мулкени барбод бериб!— деди Андрей ота, қироат билан ҳар калима гапни чўзиб ва кўзлари кулган ҳолда,— фарзанд бўлди махлуқ янлиғ. . .

— Мен отамни яхши кўраман!— деди Андрей Андреич, отасининг елкасига қоқиб.— Жуда яхши отам бор. Меҳрибон чол.

Ҳамма жим бўлиб қолди. Бирдан Саша сочиқ билан оғзини бекитиб кулиб юборди.

— Демак, гипнотизмга ишонаман денг?— деб сўради Андрей ота, Нина Ивановнадан.

— Мен жудаям ишонаман деб айтолмайман, албатта, аммо табиатда жуда кўп сир ва биз тушуниб етолмаган нарсалар борлиғига иқрор бўлишим керак,— деди Нина Ивановна юзига ғоят жиддий тус бериб.

— Гапингизга тамоман қўшиламан, аммо шуни ҳам айтиб ўтишим керакки, эътиқод деган нарса кўпгина сирларни бизга очиб беради.

Столга қовурилган катта ва семиз курка келтирилди. Андрей ота билан Нина Ивановна суҳбатларини давом эттиравердилар. Нина Ивановнанинг бармоқларидаги бриллиантлари ялтирарди, сўнгра кўз ёшлари ялтираб кўринди, у жуда ҳаяжонланиб кетган эди.

— Гарчи сиз билан баҳслашишга ожизлик қилсам-да, ҳаётда сира ечиб бўлмайдиган кўп сирлар борлиғига иқрор бўлишингиз керак,— деди у.

— Битта ҳам сир йўқ, хўб денг.

Овқатдан кейин Андрей Андреич скрипка чалди, Нина Ивановна унга рояль чалиб жўр қилди. Андрей Андреич бундан ўн йилгача илгари университетнинг филология факультетини тамомлаб чиққан, аммо ҳозир ҳеч ерда ишламас, бирор иш билан ҳам шуғулланмас, фақат ҳар замон, ҳар замонда хайрлик иш учун ўтказиладиган концертларда иштирок этар эди: шаҳарда уни артист деб аташарди.

Андрей Андреич скрипка чаларди, унинг музикасини ҳамма жим ўтириб тинглар эди. Столда самовар секин-секин пишиллар, ёлғиз Саша чой ичиб ўтирарди. Кейин соат ўн иккига жом урганда, бирдан скрипканинг тори узилиб кетди; ҳамма кулиб юборди, тараддудга тушиб хайрлаша бошладилар.

Қайлигини кузатиб қўйгандан кейин Надя иккинчи қаватдаги ўзининг бўлмасига чиқиб кетди; у онаси билан турар эди (бинонинг биринчи қаватида бувиси турар эди). Пастда, залда чироқларни ўчира бошладилар, Саша эса ҳамон чой ичиб ўтирарди. Чойни у москваликларга ўхшаб мириқиб ичар, бир ўтиришда етти стакан чой ичар эди. Надя етиниб кўрпага кириб ётганидан кейин ҳам анчагача хизматкорларнинг пастда уйни йиғиштириб юрганлари, бувисининг жаҳли чиқиб гапирганини эшитиб ётди. Ниҳоят, овозлар тинди, фақат Сашанинг ўз бўлмасида йўғон овози билан йўталиши эшитилар эди.

## II

Надя уйғонганда соат иккилар бўлса керак, тонг ёриша бошлаган эди. Аллақаердан қоровулнинг шақилдоғи эшитиларди. Надянинг уйқуси ўчиб, кўрпа-тўшакнинг юмшоқлигидан ҳар ёнига тўлганиб ётар эди. Ҳар май ойидагидек Надя ўрнидан туриб ўтирди-да, хаёлга ботди. Аммо ўй-хаёллари кечагидек бир хил эски, елимдай ёпишқоқ, ортиқча бўлиб, масалан Андрей Андреичнинг унга яқинлашиб юрганлари, кейин унинг бирга турмуш қуриш тўғрисида таклиф қилиши, ўзининг бу таклифга розилик билдиргани, кейинроқ эса бу меҳрибон ва ақлли одамнинг қадрига ета бошлаганлари каби ўйлар эди. Бироқ эндиликда тўйга ниҳоят бир ойча қолганда, уни қандай оғир ва номаълум бир мусибат кутгандай, қўрқув ва хавотирлик боса бошлаган эди.

«Тик-ток, тик-ток...» этиб тақилларди қоровулнинг шақилдоғи — тик-ток, тик-ток...»

Кўҳна ва катта деразадан боғ яққол кўринарди, боғнинг кетидан қалин гуллаган ва совуқдан дилдираб турган сирень гуллар кўринади: сутдай оппоқ ва қалин туман сирень гуллар устига сузиб келиб, уларни қамраб олмоқчи бўлади. Узоқдаги дарахтларда қузғунлар қағиллайди.

— Оҳ, худойим, мунча қийнадинг мени!

Балки ҳар қандай қайлиғ ҳам никоҳ олдидан шундай ҳисларни кечирар, ким билади! Ё бунда Сашанинг таъсири бормикан? Ундоғ деса, Саша бир гапни худди ёдлаб олгандай ҳар йили гапирарди, гапирганда жуда соддадил ва қизиқ одамга ўхшаб гапирарди! Аммо, нима учун у Сашани сира унутмайди? Нима учун?

Қоровул шақилдоғининг овози тинганига ҳам хийла маҳал бўлди. Боғда, дераза тагида қушлар сайрай бошлади, туман ҳам боғни тарк этиб, теварак-атроф жилваланиб, кўклам ёғдуси билан ёришиб кетди. Кўп ўтмай офтоб нурларида илиган ва эркалатилган боққа жон кирди, шудринг томчилари баргларда олмосдай ялтираб товлана бошлади; кекса ва ғовлаб кетган боғ шу баҳор тонгида гўё ясанган ва яшаргандек эди.

Бувижон ҳам уйғонди. Сашанинг йўғон товуш билан йўталгани эшитилди. Пастдан самовар қайнатиб келтирилгани, стулларнинг сурилиши эшитилди.

Соат секин юради. Надя аллақачонлар туриб, боғни айланиб келган, тонг ҳамон чарақлаб очилиб кетгани йўқ. Ана, Нина Ивановна, қўлида бир стакан минерал сув кўтариб чиқди, у кечаси билан йиғлаган кўринади. У спиритизм<sup>1</sup> ва гемеопатия билан шуғуullanар, кўп мутолаа қилар, ҳар хил шак-шубҳалар тўғрисида гапиришни яхши кўрар эди, буларнинг бари эса Надянинг назарида қандайдир чуқур ва сирли маънога эга эди. Надя онасининг юзидан ўпиб кўришди-да, икковлари бирга сайр қила бошладилар.

— Нега йиғладинг, ойи?— деб сўради Надя.

— Кечаси бир повесть ўқиб ётувдим, повестда бир чол ва қизи тасвирланади. Чол аллақаерда хизмат қилади, унинг бошлиғи қизига хуштор бўлиб қолади. Повестни ўқиб туширганим йўқ-ку, аммо бир жойига келганда

<sup>1</sup> Спиритизм — ўлганларнинг тириклар билан сўзлашиши мумкин деган хурофий афсона.



кўзимдан ёш чиқиб кетди,— деди Нина Ивановна, стакандан сув хўплаб.— Эрталаб шу эсимга келиб, яна йиғладим...

— Шу кунларда кайфим бузилиб юрибди,— деди Надя, бир оз жимликдан кейин.— Нега кечалари уйқим келмайди-я?

— Билмадим, жоним. Кечаси ухлай олмасам кўзларимни мана мундоқ қилиб чирт юмаман-да, Анна Каренинани, унинг юриш-туришларини, қандай гапиришларини ё бўлмаса қадим замон тарихидан ҳар хил манзараларни тасаввур этиб ётаман...

Надя, онаси унинг кайфиятига тушунмаганини ва сира тушуна олмаслигини билди. Бундай нарсани умрида биринчи марта сезиши эди, шунинг учун жуда қўрқиб кетди, бир ёқларга қочиб, бекингуси келди-да, шу ондаёқ ўз бўлмасига чиқиб кетди.

Соат иккида обедга ўтирдилар. Чоршанба кuni эди, бу кун рўза бўлгани учун, бувига ёвгон карам шўрва билан бўтқали балиқ келтирдилар.

Бувига тегишмоқ учун Саша ўзининг ёғли овқатидан ҳам, бувининг овқатидан ҳам еди. Овқат устида нуқул ҳазил қилиб ўтирди, аммо унинг ҳазиллари қўпол, одоб таълими бўлганидан ҳеч ким кулмас эди; у, ҳазилнинг энг қизиқ жойига келганда иккита чўпдай ориқ ва ўликнинг бармоқларига ўхшаган бармоқларини кўтарар, шунда унинг хасталиги одамларнинг эсига тушар, ҳамма «бунинг умри узоққа бормаса керак» деб ўйлар ва шундай пайтларда унга ҳамманинг жуда раҳми келар эди.

Обеддан кейин буви дам олгани ўз бўлмасига кириб кетди. Нина Ивановна бирпас рояль чалиб ўтирди-да, у ҳам ўз уйига кириб кетди.

— Эҳ, жонгинам, Надя!— деб гап бошлади Саша; у ҳар сафар обеддан кейин шу гапни бошлар эди.— Қани энди, менинг гапимга кирсангиз, қанийди энди!

Надя қадимги замондан қолган юмшоқ креслода кўзларини юмиб ўтирар, Саша эса уйнинг у бурчагидан бу бурчагига юриб турар эди.

— Қанийди энди бориб ўқисангиз!— дерди у,— илм-маърифат эгалари билан авлиё одамларгина ажойиб. фақат шунақа одамлар керак! Шундай одамлардан қанча кўп бўлса, олам тез гулистон бўлади. Сизнинг шаҳрингиздан асар ҳам қолмайди. Ҳамма ёқ остин-устин бўлиб кетади, ҳамма нарса бутунлай ўзгариб, бошқача бўлиб

кетади. Катта-катта мухташам саройлар, ажойиб боғлар, мисли кўрилмаган фонтанлар, олижаноб одамлар пайдо бўлади. . . Аммо, энг муҳими бу ҳам эмас. Муҳими шуки, сиз билан биз таниган оломон, авом халқ қолмайди, чунки ҳар бир инсоннинг ўз эътиқоди бўлади, ҳар бир инсон ўзининг ҳаёт мақсадини билади, ҳеч бир кимса оломон ичидан таянч изламайди. Жонгинам, азизим, боринг, ўқинг! Бу турғун хунук ва серғуноҳ ҳаётдан безганлигингизни ҳаммага бир кўрсатиб қўйинг! Ҳаммага бўлмаса ҳам, ўзингизга кўрсатинг!

— Мумкин эмас, Саша. Эрга тегмоқчиман.

— Э, э, қўйсангизчи! Эрга тегишингиздан кимга фойда?

Боққа чиқиб бирпас айланиб юришди.

Ҳар ҳолда, азизим, бизнинг бу хилда бекор ҳаёт кечиршимиз нопок ва ахлоққа тўғри келмайдиган ҳаёт кечиршимизга тушуниш, бу тўғрида ўйлаб кўриш керак, ахир,— деб давом этарди Саша.— Ўзингиз бир ўйлаб кўринг: сиз ва сизнинг онангиз, бувижонингиз ҳеч нарса қилмасдан, бекор умр кечирар экансизлар, демак сизлар учун бошқа одамлар меҳнат қилади, демак сизларнинг умрингиз харомхўрлик билан ўтади, чунки бошқаларнинг ҳисобига кун кечирган бўлиб чиқасизлар. Ахир шунини ҳам пок ҳаёт деб бўладими ўзи? Нопок ва ифлос ҳаёт эмасми бу?

Надя: «Ҳа, ҳамма айтганингиз тўғри» ва «мен ҳам тушунаман» демоқчи бўлиб турган эди, айтолмади: кўзлари жиққа ёшга тўлди, бирдан жим бўлиб қолди-да, уйига кириб кетди.

Кечқурун Андрей Андреич келди ва одати бўйича анчагача скрипка чалди. Умуман у камгап одам эди, скрипкани ҳам шунинг учун яхши кўрса керакки, скрипка чалганда гапирмаслик мумкин. Соат ўндан ошганда уйига отланаркан, пальтосини кийиб бўлиб, Надяни кучоқлади-да, юзидан, елкаларидан ва қўлларидан суюб-суюб ўпди.

— Азизим, жонгинам, гўзалим! . . .— дерди у, Надянинг қулоғига, секин.— О, қандай бахтиёрман! Қувончимдан эсанкираб қолдим!

Надя бу гапларни бундан илгарилар ҳам эшитгандай ёки аллақайси китобдан, эски, йиртилиб кетган, бир романдан ўқигандай бўлар эди.

Залда Саша ликобчани кафтига қўйиб, чойхўрлик қилиб ўтирарди; буви картада фол очиш билан машғул,

Нина Ивановна эса, китоб ўқирди. Бурчакдаги санам тагига қўндирилган шам чарсиллаб ёнар, ҳамма ёқ жимжит, осойишта эди. Надя ҳамма билан хайрлашди-да, ўз уйига чиқиб, кўрпага кириб ётди-ю, дарҳол кўзи уйқуга кетди. Аммо, кеча кечасидагидек тонг ёришмасданоқ уйғониб кетди. Уйқуси қочди, юраги безовта, қайғули эди. Бошини икки тиззасига қўйиб, қаллиғи ва тўй тўғрисида ўйларди. . . Негадир онасининг марҳум эрини ёмон кўргангани, ҳозир эса ҳеч қандай мол-бисотга эга эмаслигини ва қайнанасига қарам бўлиб яшашини хаёлидан кечирди. Ўз онасини ажойиб ва нодир хотин деб ўйлаб келган Надя, энди қанча ўйламасин, унинг содда, оддий ва бахтсиз бир аёл эканлигини билмай келганига ўзи ҳайрон бўларди.

Саша ҳам пастда уйғоқ ётарди, унинг йўталиши эшитилиб турарди. Бу жуда қизиқ ва соддадил одам, унинг ажойиб боғлари, фонтанлари, умуман ҳамма орзу-хаёллари аллақанақа қизиқ ва ақлга сиғмайдиган нарсалардир, деб ўйларди Надя. Аммо, Сашанинг бу соддадиллиги шундай ажойиб нарсалар билан тўлиб-тошган эдики, Надя ўқишга кета қолсам нима қилади, деб ўйлаши-биланоқ бутун вужуди севинч-қувончга тўлиб кетди.

— Яхшиси, бу тўғрида ўйламаслик керак. . . — деб шивирлади Надя ўзига ўзи. — Бу тўғрида ўйламаслик керак.

«Тик-ток. . .» деб тақилларди қоровулнинг шиқилдоғи. . . — «Тик-ток. . .»

### III

Июнь ойининг ўргаларида Саша бирдан зерикиб, Москвага кетмоқчи бўлиб қолди.

— Бу шаҳарда сираям туropolмайман, — дерди у таъби хира ҳолда. — На водопроводи бор, на канализацияси! Овқат егани ҳазар қиламан, чунки ошхонанинг ичи ифлос, қараб бўлмайди. . . :

— Вой, яна дайдилигингни бошламоқчимисан? Ахир, еттинчида тўйку! — дерди буви унга, негадир шивирлаб.

— Хоҳламайман.

— Ҳа, сентябргача тураман деб айтган эдинг-ку!

— Энди хоҳламайман. Ишлаш керак!

Ез намгарчилик, совуқ келди, дарахтлар ҳўл, боғ шумшайиб кўринарди, ҳақиқатан ҳам одамнинг ишлагуси келар эди. Пастда ва тепадаги хоналардан бегона хотин-халажларнинг овозлари, бувининг бўлмасидан машинанинг

дукур-дукури эшитиларди: келинга сарпалар тайёрланмоқда эди. Надяга фақат почапўстиннинг ўзидан олти тикилмоқда, уларнинг энг арзони, бувининг гапига қараганда, уч юз сўм турар эди! Бу тараддудлар, югур-югурлар Сашанинг гашини келтирарди; у ўз хонасида жиғибийрони чиқиб ўтирар эди; ҳар ҳолда уни олиб қолишди, биринчи июлдан олдин кетмасликка сўз берди.

Вақт жуда тез ўтиб борар эди. Петр кунин<sup>1</sup> обеддан кейин Андрей Андреич Надя билан бирга Москва кўчасига, куёв билан келинга атаб ижарага олинган ва жиҳозлаб қўйилган уйни яна бир марта кўргани кетишди. Уй икки қаватли бўлиб, ҳозирча фақат юқори қаватигина жиҳозланиб бўлган эди. Залнинг поли худди паркетга ўхшатиб мойланган, Вена стуллари девор тагларига қатор тизиб қўйилган, рояль, скрипка учун юпитер ҳам бор эди. Мой ҳиди келарди. Деворга зар гардишли расм осилган, расмда яланғоч хотин ва бир қулоғи синган ваза солинган эди.

— Жуда ажойиб расм, — деди Андрей Андреич ва ҳурмат юзасидан чуқур нафас олди. — Шишмачевский деган рассом ишлаган.

Кейин ўртасига тўғарак стол, диван ва усти зангори мата билан қопланган креслолар териб қўйилган меҳмонхонага ўтдилар. Диван тепасида Андрей отанинг орденлар тақиб тушган расми. Сўнгра буфет қўйилган емакхонага, ундан кейин ётоқхонага кирдилар. Чала ёруғ ётоқхонада икки кровать бир-бирига ёнма-ён зич қилиб қўйилган, бу эса ётоқни жиҳозлашганда бу ер жуда соз бўлади, деб ўйлаганликларини кўрсатар эди. Андрей Андреич Надянинг белидан ушлаб, ҳамма уйларни бир-бир айлантириб юрди; Надя эса ўзини ниҳоятда ожиз ва гуноҳкордек ҳис қилар, шу уйларни, кровать ва креслоларни кўргиси келмас, яланғоч хотинни кўрганда кўнгли ғаш бўларди. Андрей Андреични ёмон кўриб қолганлиги ёки уни бутунлай севмаганлиги энди унга равшан эди; аммо, бунини, кимга айтишини ва қандай айтишини, нима учун айтиш кераклигини ўзи билмас ва бу ҳақда кечаси ҳам, кундузи ҳам тинмай ўйласа-да, тагига етолмас эди. . . Андрей Андреич унинг белидан ушлаб, меҳрибонлик билан оҳиста алланималар дерди; ўз квартирасини кезиб юрар-

<sup>1</sup> *Петр кунин* — православнийларда Петр ҳамда Павел — авлиёларга аталган байрам кунини; эски стиль билан 29 июнга тўғри келади.

кан, ўзини ниҳоятда бахтиёр ҳис қилар эди; Надя эса ҳамма нарсада пасткашликни, кишини зериктирадиган, жонига тегадиган пасткашликни кўрар эди, Андрей Андреичнинг қўли эса унга қаттиқ ва совуқ темир чамбаракдай туюларди. Надянинг шу оннинг ўзидаёқ хўнг-хўнг йиғлагуси ёки деразадан ўзини ташлаб қочиб кетгуси келар эди. Андрей Андреич уни ваннахонага олиб кирди-да, деворга ўрнатилган жўмракни бураган эди, шариллаб сув оқа бошлади.

— Қалай, жойидами?— деди у, кулиб.— Чердакка юз челак сув кетадиган бак ўрнатинглар деб буюрган эдим, мана сув ҳам тайёр.

Ҳовлини айлаишди, кейин кўчага чиқиб извош ёллашди. Кўчани қалин тўзон босган, худди ҳозир ёмғир қуядигандай эди.

— Совуқ емадингми?— деб сўради Андрей Андреич, чангдан кўзларини юмиб.

Надя индамади.

— Эсингдами, кеча Саша мени бекорсан, ҳеч нарса билан шуғулланмайсан деб таъна қилди,— деди Андрей Андреич, бир оздан кейин.— Тўғри айтади! Жуда тўғри гаплари! Мен ҳеч нима билан шуғулланмайман, шуғуллана олмайман ҳам! Нима учун шундай-а, жоним, айтчи? Нега мен бир кунмас бир кун пешонамга кокард қадаб, хизматга кираман деб ўйласам кўнглим беҳузур бўлиб кетади? Нега адвокат ёки лотин тили муаллими ё бўлмаса маҳкама аъзосини кўрсам гашим келаверади? О, онамиз Русь! О, онамиз Русь, қанча-ю, қанча бекорчи ва фойдасиз одамларни кўтариб юрасан кўксингда! Мен каби қанча одамлар бекор юради кўксингда! Жафо тортган Русь!

Андрей Андреич ўзининг бекор юрганларини умумлаштирар ва бунда замон аломатини кўрар эди.

— Тўйдан кейин қишлоққа чиқиб кетамиз, жоним,— деб давом этарди у.— Қишлоққа кетиб ишлаймиз! Бир парча ер сотиб оламиз-да, меҳнат қиламиз, ишлаймиз, турмушни мушоҳада қиламиз! Дарёга яқин жойдан, боғли ер оламиз. . . О, қандай мароқли ҳаёт кечирамиз!

У шляпасини бошидан олган эди, сочларини шамол тўзитиб юборди, Надя унинг гапларини тинглар экан: «Оҳ худойим, қачон уйга етамиз» деб ўйлар эди. Уйга яқин қолганда Андрей отага етиб олдилар.

— Ана, отамга ҳам етиб олдик!— деди Андрей Андреич, вақти чоғлигидан шляпасини силкитиб.— Жуда яхши

отам бор-де, ўзимнинг!— деди у, извошчига пул бера туриб.— Жуда яхши кўраман отамни. Яхши чол. Меҳрибон чол.

Надя уйга жаҳли чиқиб, юраклари тошиб, хомуш бўлиб қайтди; уйга кираркан, ярим кечагача меҳмонлар бўлиши, улар билан гаплашиб ўтириш, жилмайиш, скрипка тинглаш ва ҳар қанақа бемаза гапларни эшитиб ўтириш керак ва тўйдан гапириб ўтириш керак деб ўйларди. Шойи кўйлак кийган басавлат ва кибрли буви самовар ёнида ўтирар эди. Юзига ўзининг маккор табассумини югуртириб Андрей ота кириб келди:

— Соғ-саломатликларини кўриб, мамнун бўлганимни билдириш шарафига сазоворман,— деди у, бувига қараб; бу сўзларни у чиндан айтаётибдими ё ҳазилми, билиб бўлмас эди.

#### IV

Шамол дераза ва томларни тарақлатар, печка мўриларининг ичига кириб олиб, машъум ашуласини айтарди. Ярим кеча эди. Ҳамма ётиб бўлган, аммо ҳали ҳеч ким ухламаган эди. Надянинг назарида пастда биров худди скрипка чалаётгандай эди. Бирдан бир нарса тарақ этиб кетди: шамол дераза дарпардасини тушириб юборган бўлса керак.

Бирпасдан кейин Нина Ивановна кўйлакчан ва қўлида шам кўтарган ҳолда Надянинг хонасига кирди.

— Нима тақиллади-я, Надя?— деб сўради.

Сочларини бир ўрим қилиб қўйган, юзида қандайдир маънос табассум акс этган онаси бу бўронли кечада анча қариган ва хунук, бўйи чўкиб кетгандай кўринарди. Надя яқиндагина онасини ажойиб ва нодир хотин деб юрганини ва онаси гапирган гапларини қандай ғурур билан тинглаганини эслади: энди бўлса онасининг ўша сўзларини ҳеч эслай олмасди, эсига келганлари эса ожиз, аҳамиятсиз ва кераксиз сўзлар эди.

Печканинг ичидан бирданига бир қанча товуш увуллагандай бўлди. Ҳатто Надянинг қулоғига: «О-оҳ, тангри-им!» дегандай бўлиб чалинди. Надя ўрнидан туриб ўтирди да, иккала қўли билан сочларини ушлаб, ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Ойи, ойижон,— деди у,— жоним ойим, менинг кўнглимда нималар бўлаётганини билсанг эдинг! Ўтинаман

сендан, ялиниб-ёлвораман, ижозат бер, мен кетай! Ути-  
ниб сўрайман!

— Қаёққа кетасан?— деб сўради Нина Ивановна, қи-  
зининг гапига тушунмай ва кроватга келиб ўтириб.—  
Қаёққа кетмоқчисан?

Надя анчагача йиғлаб ўтирди ва гапирай деса, тили  
гапга қовушмас эди.

— Ижозат бер, шу шаҳардан кетаман,— деди охир.—  
Тўйнинг бўлиши мумкин эмас, бўлмайди ҳам, билгин  
ахир! Мен уни яхши кўрмайман, сираям... Отини ҳам  
тилга олишни истамайман.

— Қўй, жоним, ундай дема,— деди Нина Ивановна,  
кўрқиб кетиб.— Ўзингни бос, ўзингни қўлингга ол қизим,  
кўнгил қўймаганлигингдан шунақа деяпсан. Бу ўтиб ке-  
тади. Бунақанги аҳвол ҳаммада бўлади. Е Андрей билан  
аразлашиб қолдингми? Ошиқ-машуқларнинг аразлашган-  
ни бир-бирини севишгани дейдилар...

— Кет, ойи, чиқиб кет!— деб ҳўнграб йиғлаб юборди  
Надя.

— Шунақа бўларкан,— деди Нина Ивановна, бир оз  
жимликдан кейин.— Яқиндагина кичкина қиз бола эдинг,  
мана энди қайлиқ ҳам бўлдинг. Табиатда ҳамма нарса  
ўзгариб туради. Ўзинг она бўлиб қолганингни, қариб қол-  
ганингни ва худди менинг қизчамдек сенинг ҳам ўжар  
қизчанг бўлиб қолганини ўзинг ҳам билмай қоласан.

— Жоним ойим, меҳрибон ойим, ахир сен доно хотин-  
сан, бахтсиз бир аёлсан, жуда бахтсиз аёлсан, нега бу-  
нақанги бемаза ва бўлмағур гапларни гапирасан-а? Айт,  
худо ҳақи, нимага гапирасан?— деди Надя.

Нина Ивановна бир нима демоқчи бўлди-ю, аммо ай-  
толмади, у ҳам пиқиллаб йиғлаб юборди-да, ўз уйига чи-  
қиб кетди. Печка ичидан яна ҳар хил товушлар увуллаш  
бошлади, Надяни даҳшат босди. Урнидан сакраб тушди-  
да, онасининг олдига чиқди. Нина Ивановна кўк кўрпа  
тагида қўлида китоб ушлаган ҳолда йиғлаб ётарди.

— Ойижон, гапимга бир қулоқ солгин!— деди Надя.—  
Яхшилаб тинглаб, бир ўйлаб кўргин, ахир, илтимос қила-  
ман сендан. Турмушимизнинг нақадар паст ва бачкана,  
фойдасиз эканлигини ўзинг бир ўйлаб кўр! Менинг кўзим  
очилди, энди ҳамма нарсани кўриб турибман. Уша Анд-  
рей Андреичнинг кимлигини ҳам билдим! У бефаросат  
бир одам! Оҳ, худойим, худойим-ей! Билгин ахир, у бе-  
фаросат бир одам!

Нина Ивановна ўрнидан ирғиб туриб ўтирди.

— Бувинг билан сен мени жуда, жуда қийнаб юбордиларинг!— деди, пиқиллаб йиғлаб.— Мен яшашни истайман! Яшашни!— деди, кичкина муштчаси билан кўкрагига уриб.— Ўз измимни ўзимга беринглар! Мен ҳали ёшман, яшашни истайман, мени кампирга чиқариб қўйдинглар!..

Нина Ивановна аччиқ-аччиқ йиғлади, кейин кўрпага кириб ётди-да, қўл-оёқларини йиғиштириб, худди муштадай бўлиб қолди. Надяга у жуда кичкина, ожиз ва тентак бўлиб кўринди. Надянинг оёғига раҳми келди, Надя ўз уйига чиқди-да, кийинди, дераза олдига бориб, тонг отишини кутиб ўтирди. Кечаси билан ўтириб, ўйлаб чиқди, ташқарида эса кимдир биров дераза дарпардасини тақиллатар ва ҳуштак чалар эди.

Эрталаб, кечаси шамол ҳамма олмаларни тўкиб кетибди, ҳатто бир туп эски олхўрини ҳам синдириб кетибди деб буви нолиди. Осмон булут, ҳамма ёқ қоронғи, диққинафас, чироқ ёқса бўладиган эди. Ҳамма совуқдан нолирди, ёмғир дераза ойналарига келиб урарди. Нонуштадан кейин Надя Сашанинг олдига кирди-да, бир сўз ҳам демасдан, бурчакдаги кресло олдига бориб тиз чўкиб, иккала қўли билан юзини бекитди.

— Нима?— деб сўради Саша.

— Ортиқ тоқатим қолмади...— деди Надя.— Қандай қилиб бу ерда кун кўрганимга ўзим ҳам ҳайронман, сира ақлим етмайди! Қайлиғимни ёмон кўраман, ўзимдан ҳам нафратланаман, маъносиз ва бекорчи турмушдан ҳазар қиламан...

Гапнинг тагига ҳали тушуниб етмай турган Саша:

— Ҳа, ҳа, шунақами,— деди.— Зарари йўқ... Жуда соз.

— Бундай турмуш жонимга тегди, тўйдим,— деб давом этди Надя.— Бир кун турсам юрагим тарс ёрилиб кетади. Эртагаёқ кетаман. Мени ҳам бирга олиб кетинг, барака топкур!

Саша кизга бир он оғзи очилиб қараб қолди, кейин гапнинг нималигига тушунди-да, худди ёш болалардай севиhib кетди, икки қўлини баланд кўтариб, худди ўйинга тушган одамдай, ер тепина бошлади.

— Жуда соз бўпти-да,— деди у, қўлларини бири-бирига ишқалаб.— Жуда соз! Ана энди ўзингга кетсан!



Надя унга севги тўла катта-катта кўзларини тикиб қарар, ҳозир у мёнга ниҳоятда ажойиб ва улуғ сўз айтади деб ўйларди; Саша ҳали унга ҳеч нарса демади, аммо Надянинг назарида илгари ўзи билмаган, қандайдир кенг ва янги муҳит очилаётгандай туюларди, Надя эса ўзини бу кенг ва янги муҳитга тамоман бағишлаган, ҳатто ўлишга ҳам тайёр тургандай сезарди.

— Мен эртага жўнаб кетмоқчиман,— деди Саша бир оз ўйлаб тургандан кейин.— Сиз мени кузатгани вокзалга чиқасиз. . . Сизнинг багажингизни мен чемоданимга солиб оламан, билетни ҳам ўзим олиб қўяман. Учинчи қўнғироқ урилганда вагонга кирасиз-да, жўнаб кетаверасиз. Мен Москвада тушиб қоламан, Петербурггача ўзингиз кетасиз. Парспортингиз борми?

— Бор.

— Худо ҳақи, бу ишингиздан ҳеч бир пушаймон бўлмайсиз,— деди Саша, завқланиб.— Бориб ўқийсиз, у ёғи пешонангиздан. Ўз ҳаётингизни остин-устин қилиб юборганингиздан кейин ҳамма нарса ўзидан-ўзи ўзгариб кетади. Демак, эртага бирга жўнаб кетадиган бўлдикми?

— Ҳа, ҳа, худо ҳақи!

Надя ўзини жуда ҳаяжонланган, умрида бошига мунчалик қийинчилик тушмаган, то жўнаб кетгунича қийналиб, азоб чекадиган, бошини ўй-хаёллар босиб турган одамдай сезарди: аммо ўз уйига кирди-ю, кроватига ёнбошлаб ётган эдики, бирдан қотиб ухлаб қолди, шу ухлаганича қош қорайгунча ухлади, ухлаб ётганида ҳам кўз ёшлари из қолдирган чехрасидан табассум кетмасди.

## V

Извошга одам юборилди. Пальто ва шляпасини кийган Надя онасига, ўзи турган хонага ва ундаги нарсаларга яна бир марта қараш учун тепага чиқди; пича кровать ёнига бориб турди, атрофга бир назар ташлади-да, секин онасининг уйига кирди. Нина Ивановна ухлаб ётганди, уйнинг ичи жимжит эди. Надя онасининг юзидан ўпиб, сочларини тузатиб қўйди, икки минутча тепасида қимирламай турди. . . Сўнгра шошилмасдан пастга тушди.

Ташқарида жала қуяр эди. Кўча эшик олдида уларни соявони кўтарилган извош кутарди.

Хизматкорлар чемоданларни извошга жойлаштирар экан, бувиси:

— Сен сизмайсан, Надя,— деди.— Шу ёмғирда кузатиб қўйиш нимаси! Тинчгина уйда ўтирсанг бўлмайдами! Жалани қара!

Надя бир нима демоқчи бўлди-ю, айтолмади. Саша уни извошга ўтиргизди, оёқларини катта жун рўмол билан ўраб қўйди-да, кейин ўзи ҳам унинг ёнига чиқиб ўтирди.

— Яхши бор! Худо ўз паноҳида сақласин!— деб қичқирди буви, эшик олдида туриб.— Саша, бизга Москвадан хат ёзиб тур!

— Тузук! Яхши қолинг, бувижон!

— Омон-эсон етиб олгин, илоҳим!

— Осмоннинг таги тешилдими дейман,— деди Саша.

Надянинг кўзига энди ёш келди. У бувиси билан хайрлашганида, онасига қараб турганида, бутунлай жўнаб кетишига унча ишонқирамаган эди, энди эса жўнаб кетиши муқаррар эди. Алвидо, эй шаҳар! Шу топда унинг хаёлига: Андрей, унинг отаси, янги уй, вазалар ёнидаги яланғоч хотин келди; бу нарсалар энди уни қўрқитмас, унинг ғашига тегмас, балки жуда бачкана, арзимаган бир нарсадай кўринар, унинг хаёлидан тобора узоқлашиб борар эди. Вагонга тушиб, поезд жўнаб кетгач, катта ва жиддий кўринган бу ўтмиш бужмайиб қолди-да, унинг жойини илгари кўзга кўринмаган улуғ, бепоён келажак босди. Ёмғир томчилари вагон деразаларига келиб урар, кўм-кўк далалар, телеграф устунлари, телеграф симларида тизилиб ўтирган қушлар кўринарди. Надянинг бутун вужудини шодлик чулғаб олди. У эркинликка чиққанини, ўқишга кетаётганини ўйлади, бу эса бир замонлар казакликка кетиш одати билан баравар эди. У ҳам кулар, ҳам йиғлар, ҳам ибодат қилар эди.

— Қўрқма! Хавотирланма!— деяр эди Саша кулиб.

## VI

Куз кетиб, қиш келди. Надя онасини, бувисини жуда соғинган, уларни кунда хотирлар эди. Саша ҳам хаёлидан кетмасди. Уйдан меҳрибон ва сокин ҳисларга тўла хатлар келиб турарди, унинг гуноҳи кечирилган ва унутилган эди. Май ойида, имтиҳонларини бериб бўлиб, танижони соғ, кайфи чоғ Надя уйига жўнаб кетди, йўлакай Сашани ҳам кўриб кетмоқчи бўлиб, Москвага тушди. Саша ҳамон ўша эски Саша эди, соқоллари ўсиб кетган, сочлари тўзиган, эгнида ўша эски сюртуги, парусин шими,

ўша катта-катта ажойиб кўзлар; аммо ранги-рўйи ёмон, хаста кўринарди, анча қариб ҳам қолган, ориқлаб ҳам кетганди, ҳамон йўталар эди. Нима учундир, Надянинг назарида, Саша худди қолоқ қишлоқи бир одамга ўхшаб кўринди.

— Ийя, ийя, келсинлар! Азизим, жонгинам, Надя!— деди Саша ва хурсанд бўлиб кулди.

Тутун босиб кетган, тушь ва ҳар хил бўёқларнинг ҳиддан одамнинг нафаси бўғиладиган литографияда гапиршиб ўтирдилар: кейин Сашанинг уйига боришди, унинг уйини ҳам тутун босиб кетган, ҳамма ёғи ифлос эди: совуб ётган самовар ёнида лаби учган тарелка турарди; стол устида ва бутун атрофда ўлик пашшалар ётарди. Сашанинг маишати ёмонлиги, ўзига қарамаслиги, бор имкониятлардан фойдаланмаслигини Надя дарров билди, агар Сашага биров унинг маишати, бахти, севги тўғрисида гапирса, тушунмасдан кулиб қўя қолар эди.

— Ъости-бости бўлиб кетди, хотиржамлик,— деб гапирди Надя, ўз ишларини.— Кузда ойим мени кўргани Петербургга келди, бувим ҳам мендан хафа эмас эмиш, мен турган уйга кириб, деворларни чўқинтирармиш.

Сашанинг кайфи чоғ эди, аммо йўтали сира босилмас, гапирганда овози чиқмай қолаётгандай эди. Надя унга тикилиб қарар ва «Саша ҳақиқатан касалми ё менинг кўзимга шундай кўринадими?» деб ўйларди.

— Саша, азизим,— деди у,— тобингиз йўқ кўринасиз-ку?

— Йўғ-э, унчалик эмас. Касалликка касалману, аммо касалим айтарли оғир эмас. . .

— Эҳ, Саша, Саша,— деди Надя, ҳаяжонланиб.— Нега ўзингизни боқизмайсиз, нега соғлигингизни аямайсиз. Азизим, қимматли Саша,— Надянинг кўзларидан ёш чиқди ва шу онда унинг кўз олдида Андрей Андреич, яланғоч хотиннинг сурати, унинг ёнидаги ваза ва худди узоқ ёшлигидек бўлиб ўтмиши келди; у Сашанинг ортиқ интеллигент кўринмагани, бултурги сингари жозибали эмаслигини кўриб йиғлаб юборди.— Саша, жоним Саша, касалингиз қаттиқ. Сизнинг тузалиб кетишингиз учун қўлимдан келадиган ҳар нарсани қилишга тайёрман. Мен сиздан бениҳоя миннатдорман. Менга қанчалик яхшилик қилганингизни ўзингиз ҳам билмайсиз, жоним Саша! Аслини суриштирганда, сиз менинг энг яқин, энг қадрдон одамимсиз.

Улар хийла гаплашиб ўтирдилар; эндиликда Надя, Петербургда бир қиш туриб келгандан кейин, Сашадан, унинг сўзларидан, жилмайишидан ва бутун қиёфасидан аллақачонлар вақти ўтганлик, эскирганлик, сийқаланиб кетганлик ва балки умри тугаганлик акс этиб турарди.

— Мен индинга Волгага кетмоқчиман,— деди Саша.— Кейин қимизли жойларга кетаман. Бир қимизхўрлик қилмоқчиман. Мен билан бирга бир ўртоғим ҳам бормоқчи, хотини билан. Хотини жуда ажойиб. Мен унга ўқишга маслаҳат бердим. Унинг ҳаётини ўзгартириб олишини истайман.

Гаплашиб бўлиб вокзалга чиқишди. Саша чой ва олма билан зиёфат қилди; поезд жўнаб кетганда Саша кулиб, рўмолчасини силкитиб қолди; унинг қаттиқ касаллиги ва умри кўпга бормаслиги ҳатто юришидан ҳам кўриниб турар эди.

Надя ўзининг туғилиб ўсган шаҳрига чошгоҳ маҳалида етиб келди. Вокзалдан уйига кетар экан, кўчалар унга ниҳоятда кенг, уйлар эса кичкина ва пакана бўлиб кўринарди; кўчаларда кимса кўринмас, малла пальто кийган пианино созловчи немисгина учради холос. Ҳамма уйлар нураб, чанг босиб кетганга ўхшарди. Қариб букчайиб қолган, ҳамон хунук ва семиз бувиси Надяни бағрига босиб, юзини унинг елкасига қўйиб, анчагача йиғлади. Нина Ивановна ҳам анча қариб қолган, чеҳраси хунуклашган, аммо аввалгидай тор ва олифта кийим кийган, бармоқларида бриллиантлар ярқирар эди.

— Жоним қизим!— деди у, бутун аъзойи-бадани дағдағ титраб.— Ўзимнинг қизим!

Кейин анчагача индамай йиглаб ўтиришди. Бувисининг ҳам, онасининг ҳам ўтмишининг бутунлай қайтиб келмаслигига, илгариги иззат-икромлар, кунда меҳмон кутишларнинг энди бўлмаслигига кўникиб қолганликлари кўриниб турарди; айши-ишрат суриб турган бир оилага бирдан кечаси полиция келиб қолиб, оила бошлиғининг қалбаки ҳужжатлар ясаб, ҳазина пулларини еб юборгани маълум бўлганда худди шундай бўлади.

Надя тепага чиқиб, ўзининг кроватини, оппоқ парда тутилган деразаларни, дераза ёнида туриб эса қуёш шуълаларида чўмилган кўм-кўк, шинам ва серсадо боғни томоша қилиб турди. Кейин ўзининг столини ушлаб кўрди, стол ёнига ўтириб, хаёлга кетди. Овқатни ҳам иштаҳа

билан еди, чойни роҳат қилиб ичди, аммо нечундир бир нима йўқдай, худди ҳамма уйлар бўшаб, ҳувиллаб қолгандай эди, шиплар ҳам пастдай кўринар эди. Кечқурун кроватида кўрпа ёпиниб ётди, юмшоқ ва илиқ ўринда ётганидан кулгиси келар эди.

Нина Ивановна келиб, худди бирон гуноҳ қилиб қўйган одамдай, атрофга чўчиб қараб, қизининг ёнига келиб ўтирди.

— Хўш, қалай, Надя?— деди, бир оз жим ўтиргандан кейин.— Хурсандмисан?— Жуда хурсандмисан?

— Ҳа, хурсандман, ойижон.

Нина Ивановна ўрнидан туриб, қизини ва ойналарни чўқинтирди.

— Мен диндор бўлиб кетганман,— деди ойиси,— энди фалсафа билан шуғулланияпман, ўйлаганим ўйлаган... Энди кўп нарсалар равшан бўлиб кўринадидек кўзимга, кўп нарсаларни билдим. Менимча, одамнинг умри ҳар қийинчиликдан ўтмоғи керакки...

— Бувимнинг сиҳати қалай, ойин?

— Ёмон эмасга ўхшайди. Саша билан бирга кетиб қолганингдан кейин телеграмма келди, ўша телеграммани ўқиди-ю, ҳушидан кетиб йиқилди. Уч кунгача қимирламай ётди. Кейин нуқул йиғлаб, худога нола қилаверди. Ҳозир анча тузалиб қолди.

Нина Ивановна ўрнидан туриб, уй ичида нари-бери юрди.

«Тик-ток...»— дерди қоровулнинг шиқилдоғи,— «тик-ток...»

— Энг олдин одамнинг умри ҳамма қийинчиликлардан ўтмоғи керак,— деди ойиси,— яъни кишининг умри ўз онгида энг оддий унсурларга бўлинмоғи, ҳар бир унсур алоҳида-алоҳида ўрганилмоғи керак.

Нина Ивановнанинг яна нималар деганини, қачон чиқиб кетганини Надя билмади, чунки қотиб ухлаб қолган эди.

Май ҳам ўтди, июнь ҳам келди. Надя ўз уйига ўрганиб қолди. Бувиси самовардан чой қуяр, оғир нафас олар эди. Нина Ивановна кечалари фалсафадан гапириб ўтирарди; у ҳали ҳам шу даргоҳга қарам эди, бир танга пулга зор бўлиб қолинса бувидан сўраб олиш керак эди. Уй ичини пашша босиб кетган, шиплар эса борган сари пастлашиб кетаётганга ўхшарди. Андрей ота билан Андрей Андреичнинг учраб қолишидан қўрқиб, буви билан Нина

Ивановна кўчага чиқишмас эди. Надя боғни айланиб, кўчаларда сайр қилиб юрар, уйлар, кўча деворларини кўздан кечирарди, унинг назарида бутун шаҳар эскиб, нураб қолган, ўзининг йўқ бўлиб кетишини ва қандайдир ёш ва янги ҳаёт бошланишини кутгандай эди. Қани энди, ўша янги ва ёрқин ҳаёт тезроқ кела қолса, киши ўз тақдирига дадил қарай олса, ўз эркини таниса, хушчақчақ ва шод бўла қолса! Эртами, кечми, бундай ҳаёт, албатта, келади, албатта! Бувисининг уйида, бу ерда ҳамма ҳаёт шундай қурилганки, тўртта хизматкор подвалда, ифлос ва зах босиб ётган уйда тиқилиб ётади, бу уйдан асар ҳам қолмайдиган вақт келар-ку, ахир! Надянинг кўнглини фақат кўшни ҳовлидаги болалар хуш қилар эди; у боғда сайр қилиб юраркан, болалар деворни тақиллатиб:

— Қайлиқ! Қайлиқ!— деб масхара қилар ва кулишар эди.

Саша Саратовдан хат ёзди. Саша ўзининг эгрибугри хатида Волгада яхши саёҳат қилганини, аммо Саратовда бетоб ётиб қолганини, овози бўғилиб, икки ҳафтадан бери касалхонада ётганини ёзган эди. Бу шум хабарнинг тагида жиддий бир нарса борлиги Надяга равшан эди. Унинг Саша ҳақида илгаридек ўйламаслиги, унга аввалгидек раҳми келмаслигидан ўздан хафа бўларди. Унинг жўшқин ҳаёт кечиргуси, Петербургга, жўнаб кетгуси келди. Саша билан бўлган дўстлиги эса унга аллақачонлар ўтиб кетган бир хаёлдай эди. У кечаси билан ухламай чиқди, эрталаб дераза ёнида эшик тиқ этса қулоқ солиб ўтирди. Дарҳақиқат, пастдан овозлар эшитила бошлади; бувиси ҳавотирланиб аллакимдан гап сўрарди, кейин яна аллаким йиғлаб юборди. . . Надя пастга тушганда бувиси бурчакда фотиҳа ўқиб турар, юзкўзлари ёшдан ҳўл бўлиб кетган эди. Столда телеграмма ётарди. . .

Надя бувисининг йиғисини эшитиб узоқ маҳалгача уйни айланиб юрди, кейин телеграммани олиб ўқиди. Телеграммада Александр Тимофеевичнинг, яъни Сашанинг Саратовда вафот этгани хабар қилинар эди.

Бувиси билан Нина Ивановна дуойи-фотиҳасини қилиш учун черковга кетишди. Надя эса анчагача уйларни кезиб, хаёлга чўмиб юрди. У ўз ҳаётининг ўзгариб кетганини, яъни Саша айтгани келганини, ўзининг бу уйда бегона, ёт ва кераксиз одам эканини, бу ернинг ўзи ҳам унга керакмаслигини, бутун ўтмишидан биронта ҳам асар

қолмаганини, ҳамма ўтмиш куйиб кули кўкка созурилганини аниқ сезар эди. У Сашанинг бўлмасига кириб, бир оз турди.

«Алвидо, қимматли Саша!» деб ўйлади у ва унинг кўз олдига янги ва порлоқ ҳаёт келди, бу ҳаёт унга аниқ, равшан бўлиб кўринмаса-да, сирли ва жозибали эди, уни ўзига тортарди.

Надя ўз бўлмасига чиқди-да, нарсаларини йиғиштирди, эртаси куни эрталаб ҳамма билан хайрлашиб, кайфи чоғ ҳолда ўз шаҳрини абадий ташлаб кетди.





## ИЗОҲЛАР



## ЕНГИЛТАК

Дастлаб «Север» журналида босилган, 1892, №1. Автор тузатишлар билан «Повести и рассказы» номли ўз ҳикоялар тўпламига киритган, М., Ситин нашриёти, 1894, ва баъзи ўзгартишлар билан 1901 йилда чиққан VIII том Асарлар тўпламига киритган.

## СУРГУНДА

Дастлаб «Всемирная иллюстрация» журналида босилган, 1892, т. XLVII, № 20, 9 май Автор тузатишлар билан «Повести и рассказы» номли ўз ҳикоялар тўпламига киритган, М., Ситин нашриёти, 1894, ва 1901 йилда чиққан V том Асарлар тўпламига киритган.

## ҚУШНИЛАР

Дастлаб «Книжки недели» журналида босилган, 1892, №7, июль. Автор тузатишлар билан «Повести и рассказы» номли ўз ҳикоялар тўпламига киритган, М., Ситин нашриёти, 1894, ва яна тузатишлар билан 1901 йилда чиққан VIII том Асарлар тўпламига киритган.

## ОЛТИНЧИ ПАЛАТА

Дастлаб «Русская мысль» журналида босилган, 1892, № 11, ноябрь. Автор тузатишлар билан «Палата №6» номли ўз ҳикоялар тўпламига киритган, СПб., А. С. Суворин нашриёти, 1893, ва яна тузатишлар билан 1901 йилда чиққан VI том Асарлар тўпламига киритган.

## НОМАЪЛУМ ОДАМ ҲИКОЯСИ

Дастлаб «Русская мысль» журналида босилган, 1893, № 2, февраль. Автор 1901 йилда чиққан VI том Асарлар тўпламига қайта ишлаб киритган.

## ҚОРА МОНАХ

• Дастлаб «Артист» журналида босилган, 1894, №1. Автор «Повести и рассказы» номли ўз тўпламига, М., Ситин нашриёти, 1894, ва 1901 йилда чиққан VIII том Асарлар тўпламига киритган.

## РОТШИЛЬДНИНГ СКРИПҚАСИ

Дастлаб «Русские ведомости» газетасида босилган, 1894, № 37, 6 февраль. Автор ўзгартишлар билан «Повести и рассказы» номли ўз тўпламига киритган, М., Ситин нашриёти, 1894, ва яна тузатишлар билан 1901 йилда чиққан VIII том Асарлар тўпламига киритган.

## ТИЛ-АДАБИЕТ УҚИТУВЧИСИ

Дастлаб биринчи боби «Новое время» газетасида «Обиватели» сарлавҳаси остида босилган, 1889, № 4940, 28 ноябрь. Иккинчи боби дастлаб «Русские ведомости» газетасида «Учитель словесности» сарлавҳаси остида босилган, 1894, № 188, 10 июль. Автор тўла равишда ва тузатишлар билан «Повести и рассказы» номли ўз тўпламига, М., Ситин нашриёти, 1894, ва яна тузатишлар билан 1901 йилда чиққан VIII том Асарлар тўпламига киритган.

## ПОМЕШЧИК ҚУРҒОНИДА

Дастлаб «Русские ведомости» газетасида босилган, 1894, № 237, 28 август. Автор тузатишлар билан «Повести и рассказы» номли ўз ҳикоялар тўпламига, М., Ситин нашриёти, 1894, ва яна тузатишлар билан 1901 йилда чиққан VIII том Асарлар тўпламига киритган.

## ХОТИН

Дастлаб Россиянинг оғзаки ва ёзма адабиёти ҳаваскорлари жамияти тўплами «Почин»да босилган, М., 1895. Автор озгина тузатиш билан 1901 йилда чиққан VIII том Асарлар тўпламига киритган.

## ҚАШҚА

Дастлаб «Детское чтение» журналида босилган, 1895, ноябрь. Автор 1901 йилда чиққан III том Асарлар тўпламига киритган.

## ҚОТИЛЛИК

Дастлаб «Русская мысль» журналида босилган, 1895, XI китоб, ноябрь. Автор ўзгартишлар ва қисқартишлар билан 1901 йилда чиққан VIII том Асарлар тўпламига киритган.

## БОЛОХОНАЛИ УИ

(*Рассом ҳикояси*)

Дастлаб «Русская мысль» журналида босилган, 1896, IV китоб, апрель. Автор озгина тузатиш билан 1901 йилда чиққан IX том Асарлар тўпламига киритган.

## МЕНИНГ ҲАЕТИМ

(Провинциялик ҳикояси)

Дастлаб «Нива» журналининг «Ойлик адабий иловаси»да босилган, 1896, № 10, октябрь; № 11, ноябрь; № 12, декабрь. Автор жуда кўп тузатишлар ва ўзгартишлар билан «Ҳикоялар. 1. Мужиклар. 2. Менинг ҳаётим» асарларидан иборат ўз китобига, А. С. Суворин нашриёти, СПб. 1897, ва яна озгина тузатишлар ва қисқартиришлар билан 1901 йилда чиққан IX том Асарлар тўпламига киритган.

## МУЖИКЛАР

Дастлаб «Русская мысль» журналида босилган, 1897, IV китоб, апрель. Озгина тузатиш ва XI бобига қўшимчалар билан А. С. Суворин нашриётида айрим китоб ҳолида босилган, СПб. 1897. Автор озгина тузатиш билан 1901 йилда чиққан IX том Асарлар тўпламига киритган.

## ЎЗ МАКОНИДА

Дастлаб «Русские ведомости» газетасида босилган, 1897, № 317, 16 ноябрь. Автор озгина тузатиш билан 1901 йилда чиққан IX том Асарлар тўпламига киритган.

## АРАВАДА

Дастлаб «Русские ведомости» газетасида босилган, 1897, № 352, 21 декабрь. Автор бир оз ўзгартириб, 1901 йилда чиққан IX том Асарлар тўпламига киритган.

## ФИЛОФ БАНДАСИ

Дастлаб «Русская мысль» журналида босилган, 1898, VII китоб, июль. Кичик тузатишлар билан Асарлар тўпламининг 1903 йилда чиққан XII томига ва автор ўлганидан кейин чиққан 1-нашр Асарлар тўпламининг IX томига кирган.

## КРИЖОВНИК

Дастлаб «Русская мысль» журналида босилган, 1898, VIII китоб, август. Бир оз ўзгартишлар билан 1903 йилда чиққан 2-нашр Асарлар тўпламининг XII томига ва ўлганидан кейин чиққан 1-нашр Асарлар тўпламининг XI томига кирган.

## СЕВГИ ҲАҚИДА

Дастлаб «Русская мысль» журналида босилган, 1898, VIII китоб, август. Озгина ўзгартиш билан 1903 йилда чиққан 2-нашр Асарлар тўпламининг XII томига ва ўлганидан кейин чиққан 1-нашр Асарлар тўпламининг XI томига кирган.

## ИОНИЧ

Дастлаб «Нива» журналининг «Ойлик адабий иловаси»да босилган. 1898, № 9, сентябрь. Автор озгина ўзгартиш билан 1901 йилда чиққан IX том Асарлар тўпламига киритган.

## КАСАЛ КЎҒАНДА

Дастлаб «Русская мысль» журналида босилган, 1898, XII китоб, декабрь. Автор озгина тузатиш билан 1901 йилда чиққан IX том Асарлар тўпламига киритган.

## ЖОНГИНАМ

Дастлаб «Семья» журналида босилган, 1899, № 1, 3 январь. Автор бир оз ўзгартиш билан 1901 йилда чиққан IX том Асарлар тўпламига киритган.

## ХИЗМАТ ЮЗАСИДАН

Дастлаб «Книжки Недели» журналида босилган, 1899 январь. Автор озгина тузатиш билан 1901 йилда чиққан IX том Асарлар тўпламига киритган.

## ЛАЙИЧА ЭРГАШТИРГАН ХОНИМ

Дастлаб «Русская мысль» журналида босилган, 1899, XII китоб, декабрь. Баъзи ўзгартишлар билан 1903 йилда чиққан 2-нашр Асарлар тўпламининг XII томига ва автор ўлганидан кейин чиққан 1-нашр Асарлар тўпламининг XI томига кирган.

## СВЯТКИ БАЙРАМИДА

Дастлаб «Петербургская газета»да босилган. 1900, № 1, 1 январь. Баъзи ўзгартишлар билан 1903 йилда чиққан 2-нашр Асарлар тўпламининг XII томига ва автор ўлганидан кейин чиққан 1-нашр Асарлар тўпламининг XI томига кирган.

## СОЙЛИҚДА

Дастлаб «Жизнь» журналида босилган, 1900, том I, январь. Озгина ўзгартиш билан 1903 йилда чиққан 2-нашр Асарлар тўпламининг XII томига ва автор ўлганидан кейин чиққан 1-нашр Асарлар тўпламининг XI томига кирган.

## АРХИЕРЕИ

Дастлаб «Журнал для всех»да босилган, 1902, № 4, апрель. Озгина ўзгартиш билан 1903 йилда чиққан 2-нашр Асарлар тўпламининг XII томига ва автор ўлганидан кейин чиққан 1-нашр Асарлар тўпламининг XI томига кирган.

## ҚАЙЛИҚ

Дастлаб «Журнал для всех»да босилган, 1903, №12, декабрь. Автор ўлганидан кейин чиққан 1-нашр Асарлар тўпламининг XI томига кирган.

## МУНДАРИЖА

Енгилтак (1892). <i>П. Қодиров</i> таржимаси . . . . .	3
Сургунда (1892). <i>О. Шарапов</i> таржимаси . . . . .	29
Қўшнилари (1892). <i>П. Қодиров</i> таржимаси . . . . .	39
Олтинчи палата (1892). <i>Зумрад</i> таржимаси . . . . .	58
Номаълум одам ҳикояси (1893). <i>М. Доврон</i> таржимаси . . . . .	115
Қора монах (1894). <i>Ҳабиба Зиёхонова</i> таржимаси . . . . .	198
Ротшильднинг скрипкаси (1894). <i>Ҳабиба Зиёхонова</i> таржимаси . . . . .	232
Тил-адабиёт ўқитувчиси (1894). <i>М. Доврон</i> таржимаси . . . . .	242
Помешчик қўрғонида (1894). <i>О. Шарапов</i> таржимаси . . . . .	264
Хотин (1895). <i>С. Иброҳимов</i> таржимаси . . . . .	276
Қашқа (1895). <i>Э. Жабборов</i> таржимаси . . . . .	283
Қотиллик (1895). <i>О. Шарапов</i> таржимаси . . . . .	289
Болохонали уй (1896). <i>А. Уринбоев</i> таржимаси . . . . .	321
Меннинг ҳаётим (1896). <i>О. Шарапов</i> таржимаси . . . . .	341
Мужиклар (1897). <i>Н. Алимуҳамедов</i> таржимаси . . . . .	442
Ўз маконида (1897). <i>Э. Жабборов</i> таржимаси . . . . .	474
Аравада (1897). <i>А. Рустамов</i> таржимаси . . . . .	487
Ғилоф бандаси (1898). <i>И. Раззоқов</i> таржимаси . . . . .	496
Қрижовник (1898). <i>С. Иброҳимов</i> таржимаси . . . . .	511
Севги ҳақида (1898). <i>А. Уринбоев</i> таржимаси . . . . .	522
Ионич (1898). <i>С. Абдуқаҳҳор</i> таржимаси . . . . .	533
Қасал кўрғанда (1898). <i>М. Исмоилий</i> таржимаси . . . . .	555
Жонгинам (1899). <i>О. Раҳимий</i> таржимаси . . . . .	567
Хизмат юзасидан (1899). <i>С. Абдуқаҳҳор</i> таржимаси . . . . .	580
Лайча эргаштирган хоним (1899). <i>С. Иброҳимов</i> таржимаси . . . . .	598
Святки байрамида (1900). <i>С. Иброҳимов</i> таржимаси . . . . .	616
Сойликда (1900). <i>Н. Алимуҳамедов</i> таржимаси . . . . .	622
Архиерей (1902). <i>С. Иброҳимов</i> таржимаси . . . . .	665
Қайлиқ (1903). <i>О. Раҳимий</i> таржимаси . . . . .	683
Изоҳлар. <i>М. Исломов</i> таржимаси . . . . .	705

*На ўзбекском языке*

**А. П. ЧЕХОВ**

**ИЗБРАННЫЕ ПРОИЗВЕДЕНИЯ**

**В ТРЕХ ТОМАХ**

**Том второй**

**ПОВЕСТИ И РАССКАЗЫ**

**1892—1903**

Перевод с издания Гослитиздата, 1950 г.

*Гослитиздат УэССР — 1958 — Ташкент*

*Редактор М. Исломов*

*Рассом И. Икромов*

*Техредактор В. Зубовская*

*Корректорлар:*

*Т. Иброҳимов ва С. Йўлдошева*

*Босмахонага берилди 25/IX 1957 Босиш-  
га рухсат этилди 19/II—1958 Формати  
84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub> Босми л 22,25 Шартли бос-  
ма л 36,49 Нашриёт л 38,8±1 клей-  
ка. Тиражи 45000 1-завод (1—25000).  
УэССР Давлат бадиий адабиёт нашри-  
ёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Шартнома № 396—55.*

\* \* \*

*УэССР Маданият министрлиги Глав-  
издатининг 3-босмахонаси. Тошкент,  
Ленинград кўчаси, 15. 1958. Заказ № 3  
Баҳоси 13 с. 70 т.*